

Александр
ДЮМА

Уч
мушкетёр



Александр
ДЮМА

Уч
мушкетёр



ТОШКЕНТ "ЯНГИ АСР АВЛОДИ" 2012



УДК:821.512.133-3

ББК:84 (4Фран)

Д-95

Дюма Александр. Уч мушкетёр/Роман. Русчадан Б.Бойқобилов, С.Тўрахонова тарж. –Т.: Янги аср авлоди. 2012. – 848 б.

ISBN 978-9943-08-894-8

“Уч мушкетёр” романи муаллифнинг бошқа асарлари сингари жаҳон адабиётидаги энг сара асарлар рўйхатидан ўрин олган.

XVII аср Франция ҳаётидаги воқеалардан ҳикоя қилувчи ушбу асарда улғувор ғоялар, ўлмас туйғулар, инсонийлик, шахс эркинлиги, орзулар сари интилишга қаратилган турли хил йўллар талқини ўз аҳамиятини сақлаган ҳолда ўқувчининг қалбига кириб боради. Асардаги қаҳрамонлар, хусусан, гасконлик ёш дворян Шарль д’Артаньян ҳамда унинг уч мушкетёр дўсти – Атос, Портос ва Арамисларнинг матонатли кураши, ақл-заковати ва уддабуронликларининг талқини ўқувчини мутолаага ундайди.

Бу дурдона асар икки қисмдан иборат бўлиб, воқеаларнинг ҳар қандай уйдирмалардан ҳоли тарзда, ҳаққоний ифодалаганлиги унинг бугунги кунгача қадрини йўқотмаганлигига сабаб бўлган.

Қатиятлилиқ ва ишонч, нафс йўлида қилинган иғволар, қасос олишга мойиллик ва ечимини топиши чигал бўлган вазиятлар асосида қурилган ушбу саргузашт асарни сиз, азиз китобхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

УДК:821.512.133-3

ББК:84 (4Фран)

*Русчадан
Барот БОЙҚОБИЛОВ
Сурайё ТЎРАҲОНОВА
таржимаси*

ISBN 978-9943-08-894-8

© Александр Дюма, «Уч мушкетёр». «Янги аср авлоди», 2012 йил.

Бүркітчи
ҚИСМ



МУАЛЛИФ СЎЗБОШИСИ

Бунда, биз китобхонларга ҳикоя қилишга мушарраф қисса қаҳрамонларида, гарчи уларнинг номлари «ос» ва «ис» билан тугалланса-да афсонавий ҳеч нима йўқлиги аниқланади.

Тахминан бир йил муқаддам Қирол кутубхонасида Людовик XIII тарихига доир қидирувлар билан машғул пайтимда мен иттифоқо ҳақиқатни айтишга интиланган, кейин узоқ ёки қисқа муддатга Бастилияга равона бўлишга майли бўлмаган муаллифларнинг аксар асарлари сингари Амстердамда, Пер Ружникида нашр этилган «Жаноб д'Артаньян» хотираларига йўлиқиб қолдим. Мени сарлавҳа қизиқтириб қўйди: мен мемуарларни уйга, албатта кутубхона қўриқловчиси ижозати билан олиб кетдим-у, харислик билан уларга ёпишдим.

Мен бу ерда шу аломат асарни муфассал таҳлил қилмоқчи эмасман, фақат китобхонларимнинг ўтмиш лавҳаларини қадрлай биладиганларига улар билан танишиб чиқишни маслаҳат бермоқчиман. Улар бу мемуарларда моҳир қўл билан қораланган портретларни топадилар, гарчи бу енгил-елпи лавҳалар аксар ҳолларда казарма эшиклари ва қовоқхона деворларида солинган бўлса-да, барибир китобхонлар улардан Людовик XIII, Анна Австрийская¹, Ришелье, Мазарини ва ўша давр саройи аҳлидан талай кишиларнинг тасвирларини, худди жаноб Анкетил тарихидаги² сингари тўғри тасвирларни таниб олади.

¹ Анна Австрийская – Франция қироличаси, Людовик XIII нинг ратиқаси ва Австрия қиролининг синглициси.

² Аббат Анкетил (1723-1806) – Франция кўп жилдли тарихининг муаллифи.

Бироқ, маълум бўлганидек, ёзувчининг нозик идрокини гоҳида кенг китобхонлар оммаси илғамаган нарсалар тўлқинлантириб юборади. Қойил қолишлари шубҳасиз бошқалар сингари мемуарларнинг бу ерда таъкидлаб ўтилган фазилатларидан завқланиб, биз ҳарҳолда, бизгача афтидан ҳеч кимса заррача парво қилмаган бир жиҳатдан ҳайратда қолдик.

Д'Артаньян ҳикоя қиладики, у қирол мушкетёрлари капитани ҳузурига дастлаб ташриф буюрганда унинг қабулхонасида ўзи қабул этилиш шарафига эришмоқчи бўлиб юрган шавкатли полқда хизмат қилгувчи, номлари – Атос, Портос ва Арамис бўлган уч йигитни учратган.

Эътироф этамиз, қулоқларимизга бегона номлар бизни таажжублантирди ва дафъатан буларнинг ҳаммаси замирида: фақат бу лақабларнинг эгалари тантилиқдан, аламдан ёхуд қашшоқликдан оддий мушкетёрлик ридосини кийган кун танлаб олмаган тақдирда, д'Артаньян эҳтимол машҳур номларни яширган, деган гап кўнглимизга келди.

Уша пайтга эътиборан бизнинг қизғин синчковлигимизни кўзғатган бу ғаройиб номларнинг бирор изини топишга уриниб, ором билмадик.

Шу ниятда биз мутолаа қилган китоблар рўяхатининг ўзи бутун бошли бир бобни ташкил қилган бўлурди, бу нарса балки ибратли бўлармиди, лекин китобхонларимиз учун мароқли бўлиши амри маҳол. Шу сабабдан биз фақат узоқ ва натижасиз уринишлардан ҳафсаламиз пир бўлиб, қидирувларимизни ташлашга қарор қилиб турган пайтда, биз ниҳоят машҳур ва донишманд дўстимиз Полен Париснинг насихатларига амал қилиб №4772 ва №4773 деб қайд этилган, аниғи хотирамизда йўқ, ва: «Қирол Людовик XIII подшоҳлигининг пироварди ва Қирол Людовик XIV подшоҳлигининг бошларида Францияда кечган баъзи воқеалар тўғрисида граф де Ла Фернинг хотиралари» деб номланган қўлёзмани топиб олганимизни айтиб ўтамиз, холос.

Бу қўлёмани, ўзимизнинг сўнги илинжимизни варақлаб туриб, йигирманчи саҳифада Атоснинг, йигирма еттинчида – Портоснинг, ўттиз биринчисида эса – Арамиснинг номларини топиб олганда қувончимиз нақадар кучли бўлганини тасаввур этмоқ мумкин.

Тарих фани тараққиёти шу қадар юқори даражага етган бир даврда мутлақо номаълум қўлёманинг топилиб қолиши бизга мўъжизадек туюлди. Биз бир кун келиб ўзгалар хазинаси билан, мабодо ўзимизники билан – бу жуда эҳтимол нарса – Франция Академиясига қабул қилинолмасак, Ёзувчилар ва Нафис Адабиёт Академиясига учраш ниятида уни нашр этиш учун рухсат сўрашга ошиқдик.

Бундай ижозат бизга берилдики, бу нарсани шу ерда қайд этиб ўтамыз, токи, биз, яшаб турган даврда ҳокимият адибларга нисбатан унча хайрихоҳ эмас, деб таъкидлаб юрган қора кўнгил кишиларнинг ёлғончилиги фош бўлсин.

Биз ҳозир китобхонларимизга бу бебаҳо қўлёманинг биринчи қисмини ўзига муносиб сарлавҳани тиклаган ҳолда ҳавола этмоқдамиз ва бу биринчи қисми ўзи арзийдиган, бизнинг имконимиз комил муваффақиятни қозонган тақдирда, иккинчисини ҳам ошиғич эълон қилишни зиммасига оламыз.

Ҳозирча эса қабул этгувчи иккинчи ота бўлиши сабабли китобхонни ўз завқлари ёки зиқлиги манбаи деб гарф де Ла Ферни эмас, бизни билишга таклиф этамыз.

Шуни аниқлаб олгач, ҳикоямизга ўтамыз.

I

Ота-д'Артаньян жанобларининг уч армуғони

1625 йил апрелининг биринчи душанба куни бир замонлар «Атиргул ҳақида роман»³нинг муаллифи та-валлуд топган Менг шаҳарчасининг аҳолиси, гўё гугенотлар⁴ уни иккинчи Ларошелга⁵ айлантиришга шайлангандай бесаранжом кўринарди. Асосий кўча томон чошиб бораётган аёлларни кўрган ва уйлар бўсағасидан келаётган болаларнинг қий-чувини эшитган шаҳарликларнинг баъзилари шоша-пиша кийинишар, яроғ-аслаҳаларини олишар, ўзларига диловарроқ тус бермоқ учун ким пилта, ким биротар милтиқ билан қуролланганча қаршисида шовқинли оломон тўпланиб, дақиқа сайин кўпайиб бораётган «Озод тегирмончи» меҳмонхонаси томон физиллардилар.

У замонлар бундай тўполонлар одатий ҳол бўлиб, камдан-кам кунлардагина у ёки бу шаҳар ўз солномасига шу хил ҳодисаларни қайд этолмай қоларди. Аслзода жаноблар бир-бировлари билан тортишардилар, қирол кардинал билан урушарди; испанлар қиролга қарши жанг олиб борардилар. Аммо гоҳ босиқ, гоҳ очиқ, гоҳ пинҳоний, гоҳ ошкор бу курашдан бўлак яна гадойлар, гугенотлар, дайди ва хизматкорлар бор эдики, улар ҳамма билан олишардилар. Шаҳарликлар ўғри-

³ «Атиргул ҳақида роман» – машҳур ўрта аср француз поэмаси (XIII). Поэмани Гилём де Лоррис бошлаган, иккинчи қисми Жон Клопинел (Менгский) томонидан яратилган.

⁴ Гугенотлар – Францияда калвинист (протестан) динининг тарафдорлари. XVI асрнинг иккинчи ярми – XVII асрнинг бошида асосан қирол ҳокимияти ўтказган марказлаштириш сиёсатидан норози дворянлар ва феодал аъёнларининг бир қисми гугенот бўлган.

⁵ Ларошел – Атлантик океани соҳилидаги шаҳар. Гугенотларнинг таянчи, 1628 йили кардинал Ришелье томонидан узоқ қамалдан кейин эгаллаб олинган.

ларга, дайдиларга, хизматкорларга қарши қуролла-
нишларди-ю, бироқ, кардинал ёки испанларга қарши
ҳаргиз қўл кўтаришмасди. Мана шу сингиб кетган одат-
га кўра юқорида зикр этилган 1625 йил апрелининг
биринчи душанбаси куни шаҳарликлар шовқин-су-
ронни эшитган ҳолда герсог Ришелье⁶ мулозимлари-
нинг уқали либосларини, сариқ, қизил белгиларини
кўрмасдан «Озод тегирмончи» меҳмонхонаси томон
югуриб қолдилар.

Ҳақат ўша ердагина тўс-тўполоннинг сабаби аён
бўлди.

Ёш йигит... Унинг хомаки тасвирини чизиб бериш-
га ҳаракат қилайлик: ўн саккиз ёшдаги дон Кихотни,
совут ва яроғ-аслаҳасиз, кўк ранги қизғиш ва мовий-
лар ўртасидаги бир тусга кирган камзуллик дон Ки-
хотни кўз олдингизга келтиринг. Чўзинчоқ буғдойранг
юз, туртиб чиққан ёноқлар – муғомбирлик нишонаси;
жағ мушакларининг ҳаддан ортиқ чайирлиги, ҳатто,
берети бўлмаганда ҳам гасконлик⁷ эканини дарров
билдириб қўювчи яққол белги, ёш йигит эса пат ми-
сол нарса билан безатилган берет кийиб олган эди:
нигоҳи самимий ва оқил. Бурни қирғий, аммо нозик
қуйилган, бўйи ўспирин учун ортиқ даражада баланд,
балоғат ёшидаги эркак киши учун кам. Мабодо яёв
юрса эгасининг оёқларига уриладиган, отга минса
ёлини тўзғитадиган қайишга осифлиқ узун қиличи
бўлмаганда тажрибасиз одам уни сафарга чиққан
ферма эгасининг ўғли, деб ўйлаши мумкин эди.

⁶ Ришелье Арман Жандю Плесси — нуфузли герсог, машхур
француз давлат арбоби. 1622 йилда қиролнинг илтимоси билан
Рим папасидан кардинал (католик черковининг энг катта амал-
дори) унвонини олган ва 1624 йилда қудратли министр бўлган.
Ришельенинг асосий вазифаси қирол ҳокимиятини кучайтириш,
мамлакатнинг феодал тарқоқлигини ва қадимий феодаллик
имтиёзларини йўқотишдан иборат эди.

⁷ Гаскон — Франциянинг жанубидаги область (вилоят). Гас-
кон зодагонлари одатда қирол гвардиясида хизмат қилишган.

Зеро, йигитчамизнинг оти бўлиб, яна шунақанги аломат хилидан эдики, у ҳамманинг назарига тушдиқўйди. Бу ўн икки, ҳатто, ўн тўрт ёшлар чамасидаги бақайлари шишиб кетган, думи туллаган, сарғиш малла тусдаги беарн⁸ ахта оти эди. Бу от бошини тиззаларидан ҳам қуйроққа солинтириб, шу билан эгасини сувлуқ тортиш ташвишидан қутқариб йўртса-да, ҳарҳолда, кунига саккиз ле⁹ масофани босиб ўтишга қодир эди. Бахтга қарши, отнинг бу хусусиятлари унинг бесўнақай кўриниши-ю ғаройиб ранги билан тўсилиб қолган, ҳамма синчи бўлган ўша йилларда юқорида зикр қилинган отнинг чорак соат илгари Божанси дарвозасидан кириб, Менг шаҳрида зоҳир бўлиши шу қадар нохуш таассурот қолдирдики, ҳатто, суворийнинг ўзига ҳам доғ тушириб қўйди.

Бунини ҳис қилиш ёш д'Артаньянга (янги Россинантда ўтирган янги дон Кихотнинг номи шундай эди) у ўзи қанча яхши суворий бўлмасин, бундай отда у нечоғлик кулгили кўринишга мажбурлигини ўз-ўзидан яшириб ҳам ўтирмаганлиги учун янада кучлироқ алам қиларди. Бу армуғонни ота-д'Артаньяндан қабул қилар чоғида у ўзини тиёлмай оғир энтикиб қўйгани бежиз эмас эди. Бундай отнинг баҳоси кўп деганда йигирма пивр бўлишини у биларди. Бироқ, армуғонга илова қилинган сўзларнинг бебаҳолигини инкор этиб бўлмас.

– Ўғлим! – Генрих IV¹⁰ сўнги кунларигача унутолмаган ўша соф беарн талаффузида сўзлаганди гаскон

⁸ Беарн – Франциянинг жанубидаги, Пиреней тоғлари этагидаги область (вилоят).

⁹ Ле – узунлик ўлчови.

¹⁰ Генрих IV Бурбон – француз қироли (1589-1610). Тахтга ўтиришидан илгари гугенотлар йўлбошчиси бўлган. Кейинчалик сиёсий мулоҳазалар билан католицизмга оғиб кетган. 1598 йилда у Нонт эдикт (фармон) нашр қилган, унга биноан гугенотларга эътиқод эрки билан бирмунча сиёсий мустақиллик берилган.

дворяни. – Ўғлим, бу от ўн уч йил муқаддам отангининг уйида ёруғ дунёни кўрди ва шу йиллар давомида садоқат билан хизмат қилиб келдики, бу сизни унга нисбатан риюяли қилиши керак. Уни ҳеч бир шароитда сота кўрманг, унга иззат-ҳурматда бўлинг ва қарликда тинчгина ўлишига имкон беринг. Борди-ю унда сафарга отлангудай бўлсангиз, кекса хизматкорни аягандай унга шафқат қилинг. Саройда, – давом этди ота-д'Артаньян, – мабодо у ерда қабул этилганингиз тақдирда, дарвоқе, бу ҳуқуқни сизга насабингининг қадимийлиги беради, ўзингиз ва яқин кишиларингиз ҳақи, ота-боболарингиз беш юз йиллар давомида шараф билан аталиб келган дворян номингининг номусини сақланг. Яқин кишиларингиз, деб мен сизнинг қариндош-уруғларингиз ва дўстларингизни назарда тутяпман. Қирол ва кардиналдан бўлак ҳеч кимсага итоат этманг. Фақат жасорат билан – эшитяпсизми, ёлғиз жасорат билан бизнинг кунда дворян ўзига йўл солиши мумкин. Кимда-ким бир зумгина бўшашиб қолса, толеи айни шу дақиқада инъом этган фурсатни бой бериб қўйиши мумкин. Сиз ёшсиз ҳамда икки сабабга кўра жасур бўлишга мажбурсиз: авваламбор, сиз гасконлик, иккиламчи менинг ўғлимсиз. Тасодифлардан чўчиманг, саргузашт овлайверинг. Мен қилич тутишни ўрганишингизга имкон яратиб бердим. Сизнинг болдирларингиз метиндек, чангалингиз пўлатдек. Бўлар-бўлмас баҳона билан жангга кираверинг, мубораза¹¹ қилинг, устига-устак муборазалар ҳозир тақиқланган ва бинобарин, мубораза қилиш учун икки баробар мардроқ бўлиш зарур. Мен сизга бор-йўғи ўн беш экю пул, от ва ҳозиргина ўзингиз эшитган насиҳатларни бериб юборишим мумкин, ўғлим. Онангиз буларга лўлидан олган қандайдир малҳамнинг қўлланмасини қўшади, бу малҳам мўъжиза-

¹¹ Мубораза – яккама-якка олишув.

кор кучга эга ва кўнгил дардларидан бўлак ҳар қанақа жароҳатни тузатади. Шу нарсаларнинг ҳаммасидан баҳра олиб, узоқ ва бахтли умр кўринг... Энди яна бир нарсани кўшимча қилишим: яъни, сизга тимсол кўрсатишим қолди – ўзимнимас, зеро, мен сира саройда бўлмаганман, эътиқод учун бўлган урушлардагина кўнгилли бўлиб иштирок этганман. Мен бир вақтлар кўшним бўлган жаноб де Тревилни назарда тутяпман. Болалигида у қиролимиз Людовик Ҳн Учинчи¹² билан – илоё уни худо асрасин – ўйнаш шарафига ноил бўлган. Ҳйинлар жанжалга айланган пайтлар бўлган, бу урушларда эса ҳар доим ҳам қирол устун келавермаган. Ҳзи еган муштлар қиролда жаноб де Тревилга нисбатан дўстона туйғулар ва катта ҳурмат уйғотган. Кейинчалик, Парижга қилган сафари пайти жаноб де Тревиль бошқа шахслар билан беш марта, раҳматлик қирол вафотидан кейин ёш қирол балоғатга етгунча – етти марта, ўша балоғат ёшидан ҳанузгача эса, уруш-юришларни ҳисобламаганда, юз мартача уришган!

Ҳозир эса унинг олий фармон, буйруқ ва қарорларни юз-хотир қилмасдан мушкетёрлар¹³ га, яъни кардинал ҳайиқадиган ҳамда қирол жуда қадрлайдиган сезар легионига капитанлиги бежиз эмас. У анча-мунча нарсадан кўрқмайди, бу ҳаммага маълум. Бундан ташқари, у йилига ўн минг экю маош олади. Бинобарин, у жуда катта амалдор. У худди сиздек бошлаган. Унинг ҳузурига мана шу мактуб билан боринг, ундан ибрат олинг, худди унингдек ҳаракат қилинг.

Шу сўзлардан кейин ота-д'Артаньян жаноблари ўзининг шахсий қиличини ўғлига топширди, унинг иккала юзидан меҳрибонлик билан ўпди-да, оқ фотиҳа берди.

¹² Людовик XIII – француз қироли (1610-1643). У ўзининг биринчи министри кардинал Ришельенинг батамом таъсирида бўлган.

¹³ Мушкетёрлар – Франция гвардиясининг энг имтиёзли отрядларидан бири.

Отасининг хонасидан чиқа туриб, йигит юқорида келтирилган насиҳатларга кўра, келгусида тез-тез ишлатиш эҳтимоли бўлган ғаройиб малҳам қўпланмаси билан ўзига мунтазир турган онасини кўрди. Бу ерда видолашув юмшоқроқ бўлиб, анча чўзилди, негаки, жаноб д'Артаньян эркак киши эди, ўзининг яккаю ягона фарзанди бўлмиш ўғлини ёмон кўрмаса ҳамки, эркак киши учун ўз ҳисларига эрк беришни макруҳ ҳисоблаган бўлур эди, ҳолбуки, д'Артаньян хоним аёл ва она эди. У зор-зор йиғлади ва кичик – жаноб д'Артаньяннинг шаънига, тан олиш керакки, у ўзини бўлғуси мушкетёрга муносиб тарзда тутишга нечоғлик уринмасин, ҳис-туйғулари устун келди-ю, кўп кўз-ёши тўкди, ҳали булар ҳам зўр машаққат билан ярмини яширишга муваффақ бўлгани эди.

Ўша куниеқ йигит биз айтиб ўтган ўн беш экю пул, от ва жаноб де Тревилга мактубдан иборат учала ота армуғонлари билан йўлга отланди. Насиҳатлар ҳисоб эмас, албатта.

Шу зайл хайр-маъзур қилгач, унинг тасвирини қоралаб беришни ҳикоячилик бурчи биздан талаб этганда, жуда ўринли қиёс қилганимиздек, д'Артаньян ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан Сервантес қаҳрамонига айнан ўхшаб қолган эди. Дон Кихотга шамол тегирмонлари улкан паҳлавонлар, қўйлар суруви эса бутун бошли армия бўлиб туюлган эди. Д'Артаньян ҳар табассумни таҳқир, ҳар нигоҳни эса беодоблик деб қабул қиларди. Шунинг учун Тарбдан Менггача у муштумини очмасдан кунига кам деганда ўн марта қиличининг сопига ёпишди. Ҳар қалай, унинг мушти ҳеч кимнинг чакагини ёрмади, қилич эса қинини тарк этмади. Рост, бадбахт йўрғанинг кўриниши бир неча марта йўловчиларнинг мийиғида қулиб қўйишларига сабаб бўлди, бироқ, отнинг биқинига анча салобатли қилич урилиб тургани, юқорироқда эса ориятдан кўра кўпроқ ғазабдан порлаган кўзлар чақнаб тургани учун йўловчилар қулгиларини босар, борди-ю хушчақчақ-

лик эҳтиёткорликдан зўр келса, қадимий ниқоблар сингари юзларининг ярми билангина илжайишга ҳаракат қилишарди. Д'Артаньян шу тарзда қоматининг маҳобати ва бор жиззакилигини сақлаган ҳолда машъум Менг шаҳрига етиб олди.

Аммо, у ерда, «Озод тегирмончи» дарвозасининг нақ тагида мусофир узангисидан тутиб тургувчи хўжайин, хизматкор ёки отбоқарларнинг ёрдамисиз отдан туша туриб, иккинчи қаватдаги очиқ деразага – новча ва басавлат дворянга д'Артаньяннинг кўзи тушиб қолди. Похуш ва такаббур чехрали бу дворян ўзини илтифот билан тинглаётган ҳамроҳларига алланималар деяётгандай кўринди.

Д'Артаньян одатига кўра шу замон гапни ўзи тўғрисида деб гумон қилди-да, қулоғига зўр берди. Бу гап у янглишмаган ёки фақат қисман хато қилган эди: гапнинг тўғрисида эмас, оти ҳақида борарди. Афтидан, нотаниш киши унинг ҳамма фазилатларини бир-бир санар, юқорида зикр этганимиздек, тингловчилари унга жуда илтифотли муносабатда бўлганлари сабабли унинг ҳар бир сўзидан шарақлаб қулишарди. Ҳатто, енгил табассум ҳам қаҳрамонимизнинг жаҳлини чиқариш учун кифоя қилиниши назарга олиб, шўхликнинг бундай қизғин ифодаси унга қандай ботганини тасаввур қилиш осон.

Д'Артаньян аввало уни хўрлашни раво кўрган сурбетнинг башарасини тузукроқ кўриб қўйишни ихтиёр этди. У мағрур нигоҳини нотаниш кишига қадаб, ўткир қора кўзли рангпар юзли, бурни йирик, қора мўйловлари жуда ҳафсала билан текисланган қирқ ёшлардаги одамни кўрди. Эгнидаги сафар камзулиштоннинг боғичлари ҳам шу рангда, орасидан кўйлагига кўришиб турган, одатдагича ўйилган тешиклардан бўлак безаги йўқ. Иштон ҳам, камзул ҳам яп-янги, лекин сандиқда кўп туриб қолган нарсалар сингари жуда аҳволга келиб қолган. Буларнинг ҳаммасини д'Артаньян, эҳтимол, яна бу киши ҳаётида анча-мунча роль

ўйнашини унга шипшиб турган туйғуга бўйсуниб, ўткир кузатувчининг назари билан бир зумда илғаб олди.

Шундай қилиб, худди д'Артаньян сафсар камзуллик кишига тикилган пайтда у беарн тойчасининг шаънига ўзининг энг нозик, маъноли фикрларидан бирини қотди. Унинг тингловчилари хахолаб кулиб юборишди, сўзлаётган кишининг юзига ҳам ошқора ярашмай нурсиз табассумга ўхшаш нарса маълум бўлди. Бу дафъа шубҳага ўрин қолмаган: д'Артаньян чинакамига ҳақорат этилган эди.

Буни тўла-тўқис тушунгач, у беретини бостириброк кийди ҳамда Гасконда аслзода сайёҳларида кўрган сарой қилиқларига тақлид қилишга уриниб, бир қўли билан қиличининг сопини тутди, бошқасини белига тираб, олдинга чиқди. Бахтга қарши лаҳза сайин унинг ғазаби ошар ва пировардида ўзи, мағрур ва кибрли ибораларга чулғамоқ ниятида бўлган даъво ўрнига, у жон-жаҳди билан имо-ишора қилиб, бир-икки оғиз дағал сўз айта олди, холос.

– Ҳой, тақсир! – қичқирди у. – Сиз! Ҳа, ўша дарчанинг орқасига беркинаётган сиз! Илтифот қилиб, нимадан кулаётганингизни айтсангиз, бирга кулишардик!

Аслзода мусофир шошмасдан нигоҳини отдан суворийга кўчирди. Бундай ғаройиб таъналар ўзига қарата айтилганини у дафъатан тушунмаган кўринарди. Гумонларга ўрин қолмагандан кейин, унинг қошлари хиёл чимирилди ҳамда анча давомли сукутдан сўнг у истехзо ва такаббурликка тўлиб-тошган бир оҳангда жавоб берди:

– Мен сиз билан гаплашаётганим йўқ, муҳтарам афандим.

– Аммо, мен сиз билан гаплашаётирман! – хитоб қилди бетамизлик ва назокат, илтифот ва нафратнинг бу омухтасидан ғазаби қайнаган йигит.

Потаниш киши яна бир неча лаҳза кўзини узмай д'Артаньянга тикилиб турди, кейин эса деразадан

узоқлашиб, меҳмонхонанинг эшигидан аста-секин чиқиб келди-да, йигитдан икки одим нарида, унинг оти рўпарасида тўхтади. Унинг хотиржамлиги ва юзидаги истехзоли ифода ҳамон дераза олдида турган суҳбатдошларининг хурсандчилигини янаям ошириб юборди.

У яқинлашиб келаётган вақтда д'Артаньян қиличини филофидан роса бир футга чиқариб қўйди.

– Бу отнинг ранги ростданам сап-сариқми ёки бир вақтлар шунақа бўлганми, – гасконлик йигитнинг ўзи билан улфатлари ўртасида турганига қарамасдан, дераза ортида қолган тингловчиларига юзланган ҳолда, гўё д'Артаньяннинг тажанглигини пайқамагандай давом этди нотаниш киши. – Ўсимликлар оламида ғоят кенг тарқалган бу ранг ҳалига довур отларда кам қайд этилган.

– Эгасидан кулишга журъат этолмаган одам отидан кулади! – қахру ғазаб билан хитоб қилди де Тревилнинг тақлидчиси.

– Мен кам куламан, тақсир, – деди нотаниш киши. – Сиз буни юзимнинг ифодасидан кўришингиз мумкин эди. Бироқ, мен хоҳлаганимда кулиш ҳуқуқини ўзимда қолдиришга умидворман.

– Мен бўлсам, – хитоб қилди д'Артаньян, – ўзим хоҳламаганда кулишингизга йўл қўймайман!

– Ростдан-а, тақсир? – янаям хотиржам оҳангда қайта сўради нотаниш киши. – Ҳўш, нима қипти, жуда тўғри.

У пошналарида орқасига бурилиб, д'Артаньян кўриб улгурган эгарлоғлиқ от турган меҳмонхона дарвозасига қараб юриб кетди.

Бироқ, д'Артаньян ўзини таҳқирлашга журъат этган одамни қўйиб юборадиган хилидан эмас эди. У қиличини қинидан бутунлай суғуриб олди-да:

– Ўгирилинг, ўгирилсангиз-чи, тақсир, сизни орқангиздан уриб қўймай тагин, – дея қичқириб, дипломорининг орқасидан отилди.

– Мени уриб? – пошналарида кескин ўгирилиб ва йигитга таажжуб ҳамда худди шундай нафрат билан тикилиб хитоб қилди нотаниш киши. – Сизга нима бўлди, сизга нима бўлди, азизим, сиз ақлдан озган бўлсангиз керак!

Шу заҳоти у паст товушда ўз-ўзи билан сўзлашаётгандай қўшиб қўйди:

– Аттанг! Мушкетёрлар сафини тўлдираман, деб жасур кишиларни қидирмаган жойи қолмаган ҳазрат олийлари учун қандай топилма-я...

У ҳали гапини тугатмасидан д'Артаньян шундай шиддатли ҳамла қилдики, нотаниш киши дарров сакраб чап бермаганда бу ҳазил ҳаётида энг сўнггиси бўлиб қолармиди. Нотаниш киши ҳангома жиддий тусга кираётганини фаҳмлаб, қиличини чиқарди ва рақибига таъзим қилиб, чинакамига ҳимояга шайланди. Худди шу пайтда унинг иккала шериги саройбон билан биргалиқда таёқ, белкурак, оташкураклар билан қуролланган ҳолда д'Артаньянга ташланишди. Бу ногаҳон ҳужум олишувнинг оқимини кескин ўзгартириб юборди-ю, д'Артаньян ёғилаётган калтаклар ёмғирга кўксини қалқон қилиш учун тескари ўгирилганда унинг рақибни аввалгидек бамайлихотир қиличини филофига қайтариб солиб қўйди. Боягина ўзи иштирокчи бўлиб қолаёзган жанжалда у энди томошабинга айланди ва бу ролни ҳам ўзига хос вазминлик билан уддалади.

– Бу гасконликлар қуриб кетсин! – ҳарҳолда тўнғилаб қўйди у. – Уни шу жийрон отига ўтқизиб қўйинглар, даф бўлсин.

– Сени жонингни олганимдан кейин, номард! – учала рақибига қараган қўйи ҳамон дўлдек ёғилаётган зарбаларни қўлидан келганча қайтара туриб, қичқирди д'Артаньян.

– Гасконча чираниш! – тўнғиллади нотаниш киши. – Виждон ҳақи онт ичаманки, бу гасконликларни тузатишнинг иложи йўқ. Қани, ўзи хоҳлаган-

дан кейин боплаб таъзирини беринг. Жонидан ўтса, ўзи айтар.

Бироқ, нотаниш киши қандай қайсарга йўлиққанини ҳали билмасди. Д'Артаньян раҳм-шафқат сўрайди-ганлардан эмасди. Шунинг учун олишув яна бир неча зум давом этди. Аммо, ниҳоят гасконлик йигит ҳолдан тойиб, таёқ зарбидан иккига бўлинган қиличини қўлидан чиқариб юборди. Навбатдаги зарба унинг манг-лайини ёрди-да, у қонга беланиб, ҳушидан кетай-кетай деб қулаб тушди.

Худди шу пайтда можаро жойига халойиқ чопиб келганди. Хўжайин ортиқча гап-сўзлардан чўчиб, хизматкорлари кўмагида ярадорни ошхонага олиб кетгандан кейин ўша ерда унга ёрдам кўрсатган бўлишди.

Бу орада нотаниш киши дераза ёнидаги жойига қайтиб ўзининг иштироки билан, афтидан, ғоят ғашига тегаётган оломонга ошкора нохушлик билан қараб-қараб қўярди.

– Хўш, у телбанинг аҳволи қалай? – очилган эшикнинг товушига оёғирилиб, ўзидан хабар олгани келган харобот¹⁴ эгасига юзланиб сўради у.

– Жаноб олийлари соғ-саломатми, зиён-заҳмат етмадими? – сўради саройбон.

– Соппа-соғман, қимматли хўжайин. Бироқ, мен йигитчамизнинг аҳволини билмоқчи эдим.

– Аҳволи тузук, – жавоб берди соҳиб. – У тамом ҳушидан кетди.

– Ростданми? – такрор сўради нотаниш киши.

– Аммо, унгача у бор кучини йиғиб, сизни чақирди, сўкинди, рози қилишингизни талаб қилди.

– Бу шайтоннинг ўзи-ку! – хитоб қилди нотаниш киши.

– Йўғ-э, жаноб олийлари, – лабларини нафратомуз ишшайтириб эътироз қилди соҳиб. – Биз беҳушлиги-

¹⁴ Харобот – қовоқхона, майхона.

да уни тинтиб чиқдик. Унинг бўғчасида атиги битта кўйлаги-у, ҳамёнида – ўн бир экю пул бор экан, холос. Аммо, шунга қарамай, ҳушидан кета туриб, нуқул бу ҳодиса Парижда бўлганда борми, сиз турган жойингизда пушаймон бўлишингизни, энди эса кейинроқ афсус қилишингизни ҳадеб такрорлайверди.

– Унда уст-бошини ўзгартирган қароқчи бўлса керак-да, – совуққина деди нотаниш киши.

– Мен ҳазир бўлинг, сизни огоҳлантириб қўйишни лозим топдим, жаноб олийлари, – гап қистирди хўжайин.

– Жаҳл устида у ҳеч кимнинг номини айтиб қўймадимми?

– Бўлмасам-чи, айтди-да! У чўнтақларига уриб-уриб: «Кўрамыз, шафелигидаги одамни хўрлашганидан хабар топса, жаноб де Тревиль нима деркин», деб такрорлади.

– Жаноб де Тревиль? – ҳушёр тортиб сўзлади нотаниш киши. – Чўнтақларига уриб-уриб, жаноб де Тревилнинг номини тилга олди денг?.. Хўш, қалай, муҳтарам хўжайин? Йигитчамиз беҳуш ётганда ўша чўнтақчани ҳам кўриб қўйиш хотирангиздан кўтарилмагандир. Унда нима бор экан?

– Мушкетёрлар капитани жаноб де Тревилнинг номига ёзилган мактуб.

– Шундай денг?

– Ҳудди мен жаноб олийларини бохабар қилганимдек.

Унчалик зийрак бўлмаган хўжайин шу сўзлардан кейин нотаниш кишининг юзида пайдо бўлган ифодани пайқамади. Шу пайтга қадар кесақисига суяниб турган деразадан нарига кетиб, ташвишланиб қовоғини солди у.

– Шайтон! – деди у ижирғаниб. – Наҳот Тревиль бу гасконлик йигитни ёнимга юборган бўлса? У ахир жуда ёш-ку! Аммо, ёши нечада бўлмасин, қасд қилган кишининг қилич зарбаси – бу қилич зарбаси-да. Бола

эса менга унча хавф солаётгани йўқ. Пайти келганда арзимаган ишқал улўғ мақсадга етишга ғов бўлиши мумкин.

Нотаниш киши бир неча дақиқа ўйга чўмиб қолди.

– Қулоқ солинг, соҳиб! – охири деди у. – Шу телбадан мени халос қилишни бўйнинггизга ололмайсизми? Уни ўлдиришга виждоним қўймаяпти, аслида эса... – унинг юзида қаҳрли совуқ ифода пайдо бўлди, – аслида у менга халал беряпти. У қаерда ҳозир?

– Хотинимнинг хонасида, иккинчи қаватда. Унинг ярасини боғлашяпти.

– Анжомлари ва ён халтаси ўзи биланми? Камзулини ечгани йўқми?

– Камзулиям, ён халтасиям пастда, ошхонада қолди. Энди бу ёш девона сизга халал бераётган экан...

– Халал беряпти, албатта меҳмонхонангизда дуруст одамларнинг тинчини бузиб, тўполон қиляпти... Боринг-да, менга ҳисобни тайёрлаб, хизматкоримни огоҳлантириб қўйинг.

– Ие? Жаноб олийлари бизни ташлаб кетяптиларми ҳали?

– Бу сизга аввал ҳам маълум эди. Мен отимни эгарлаб қўйишни буюриб эдим-ку. Буйруғим бажарилмадимми ҳали?

– Бажарилди. Жаноб олийларининг ўзлари кўриб, ишонч ҳосил қилишлари мумкин – от эгарланган, дарвозанинг ёнида турибди.

– Яхши, ундай бўлса, айтганларимни қилинг.

«Ана холос! – ўйлади хўжайин, – У боладан кўрққан бўлмасин тагин?»

Бироқ, нотаниш кишининг нуфузли нигоҳи унинг фикр оқимини таққа тўхтатди. У ялтоқланиб таъзим қилди-да, чиқиб кетди.

«Бу муттаҳам миледини кўриб қолмаса бўлгани, – хаёл сурарди нотаниш киши. – У тез орада ўтиб кетиши керак. У ҳаяллаб ҳам қолди. Яхшиси, мен отда унинг истиқболига юрақолай... Қани энди де Тревил-

га ёзилган ўша мактубда нималар ёзилганини билолсам!..»

Нотаниш киши ўзича алланималарни шивирлаб, ошхонага йўл олди.

Бу орада харобот эгаси ёш йигитнинг шу ердалиги нотаниш кишини мусофирхонани тарк этишга мажбур қилгани хусусида ҳеч гумон қилмасдан хотинининг хонасига чиқди. Д'Артаньян ўзини анча ўнглаб олган эди. Кибор мансабдор билан – нотаниш кишининг киборлигига харобот эгаси шубҳаланмасди – жанжал кўзгагани учун полиция аралашуви мумкинлигини шама қилиб, хўжайин д'Артаньянни, дармонсизлигига қарамай, ўрнидан туриб, йўлга отланишга ундамоқчи бўларди. Д'Артаньян ҳалиям ярим гангиган, камзулсиз бошига сочиқ боғланган ҳолда кўзгалди ва хўжайин томонидан аста-аста туртилиб, зинапоядан туша бошлади. Аммо, ошхона бўзағасидан ҳатлаб ўтгач, деразага ногоҳ қараганда кўзига чалинган биринчи киши катта-катта қўш норманд отлари қўшилган ёпиқ фаетоннинг зинасида туриб, аллаким билан бемалол сўзлашаётган ўзининг дилозори бўлди.

Унинг файтон деразаси ромидан боши кўриниб турган суҳбатдоши йигирма-йигирма икки ёшлардаги ёш жувон эди. Биз д'Артаньяннинг инсон юзи хусусиятларини қандай тез кўра билишини зикр этиб ўтгандик. У хонимнинг ёшлиги ва соҳибжамоллигини кўрди. Бу ҳусн д'Артаньян шу маҳалгача ўзи яшаб келган жанубий Франция учун мутлақо хос бўлмагани билан уни кўпроқ таажжублантирди. У узун зулфлари елкасигача тушган, дудоқлари қирмизи, қўллари бўрдай оппоқ, сарғиш сочли, мовий хумор кўзли рангпар аёл эди. У алланималар ҳақида нотаниш киши билан жонланиб суҳбатлашарди.

– Хуллас, падари бузрукворнинг менга амр қилганлари... – деярди хоним.

– ... дарҳол Англияга қайтасиз ва, башарти, герсог Лондонни тарк этса, у ердан ошиғич хабар юборасиз.

- Қолган фармойишлар-чи?
 - Уларни Ламаншнинг нариги томонида, мана бу қутичани очиб, ичидан топасиз.
 - Жуда соз. Хўш, сиз-чи, нима қилмоқчисиз?
 - Мен Парижга қайтиб кетяпман.
 - Бу қўрс боланинг адабини бермасдан-а?
- Нотаниш киши жавоб бермоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди ҳамки, бутун суҳбатни эшитиб олган д'Артаньян бўсағада пайдо бўлди.
- Ўша қўрс боланинг ўзи кимни бўлса адабини бериб қўяди! – хитоб қилди у. – Умид қиламанки, у адабини бермоқчи бўлган кимса, бу гап ундан беркинмайди.
 - Бекинмайди? – қошларини чимириб, қайта сўради нотаниш киши.
 - Хотинимнинг кўз ўнгида қочишга юрагингиз бетламас, деб ўйлайман?
 - Хотирга олинг, – нотаниш киши қилич сопиға ёпишганини кўриб, қичқирди миледи, – сал пайсалга солсангиз, ҳаммаси барбод бўлиш мумкинлигини хотирга олинг!
 - Сиз ҳақсиз, – шошиб гапирди нотаниш киши. – Ўз йўлингиздан боринг. Мен ўзимникидан кетаман.
- Хонимга таъзим қилиб, у сакраб эгарга минди, файтоннинг кучери эса отларнинг устига кетма-кет қамчи босди. Нотаниш киши ва унинг суҳбатдоши қарама-қарши томонларга елдек учиб кетдилар.
- Ҳисоб-чи, ҳисобни ким қилади? – Унинг ҳисобкитоб қилмасдан узоқлашаётганини кўрган заҳоти меҳмонга илтифоти чуқур нафратга айланиб, букириб юборди хўжайин.
 - Тўлаб қўй, ялқов! – деб суворий отини тўхтатмасдан хизматкорига қичқирди, униси харобот эгасининг оёқлари остига бир-иккита кумуш танга улоқтирди-да, соҳибининг кетидан от қўйди.
 - Номард! Аблаҳ! Қаллоб дворян! – ўз навбатида хизматкор кетидан қувиб қичқирди д'Артаньян.

Бироқ, йигит бундай ҳаяжонга дош бериш учун ҳали жуда заиф эди. У ўн қадам ҳам чопиб ўтмасидан қулоқлари шанғиллаб, боши айланиб кетди, кўзларини қонли булут қоплади, ҳамон:

– Номард! Номард! Номард! – дея қичқирганича кўчанинг ўртасига гуп этиб йиқилди.

– Ростданам хасис номард экан! – д'Артаньянга яқинлашиб ҳамда масалда қарқара шиллиқ қуртга панд берганидек, хушомад билан бояқишнинг кўнглини овлаб, уни алдашга ҳаракат қилиб гапга тушди хўжайин.

– Ҳа, манфур номард, – шивирлади д'Артаньян. – Аммо униси қандай гўзал-а!

– Ким униси? – сўради харобот эгаси.

– Миледи, – шивирлади д'Артаньян ва иккинчи бор хушидан кетди.

– На чора, – деди хўжайин. – Иккитасини бой бериб қўйдим. Аммо, буниси бир-икки кун шу ерда қолиб кетади, деб ишонсам бўлади. Ишқилиб, ўн бир экию ишлаб қоламан-ку.

Бизнинг хабаримиз бор – д'Артаньяннинг ҳамёнида қолган бор бисоти ўн бир экию эди.

Харобот эгаси меҳмонини кунига бир экиюдан тўлаб, ўн бир кун бетоб ётади, деб мўлжаллаганди, бироқ, у ўз меҳмонини билмас экан. Эртасига д'Артаньян тонг саҳарда туриб, ўзи ошхонага тушди ва тўла рўйхати бизгача етиб келмаган баъзи бир дориворлар, яна бундан ташқари, вино, мой, розмарин топиб беришларини сўради ҳамда онаси берган қўлланмани қўлида ушлаб туриб, малҳам тайёрлади-да, ёнига бирор табибни йўлатмасдан уни беҳисоб жароҳатларига суриб, қайта боғлаб олди. Д'Артаньяннинг ўша куниек кечқурун оёққа тургани ва келгуси кунни аллақачон буткул соғайиб кетгани малҳамнинг шифобахш хусусиятларидан ёки, эҳтимол, табибнинг аралашмаганидан бўлса, ажаб эмас.

Аммо, саман тойчанинг нафси бўйига яраша мўлжалдан, хўжайиннинг даъвосича, уч ҳисса ёмон

чиққан бўлса-да, ўзи ўта қатъий парҳез сақлаб, шу кунни тановул қилган бирдан-бир нарсалар – розмарин, мой ва вино учун ҳисоб-китоб қилар пайтида йигит чўнтагидан ичидаги ўн бир экюси билан ишқаланиб кетган бахмал ҳамёнини топди, холос. Жаноб де Тревилга ёзилган мактуб йўқолган эди.

Мактубни йигит дастлаб жуда синчиклаб, астойдил излади. Иштон ва камзулининг чўнтаklarини йигирма мартача ағдариб, ён халтасини қайта-қайта пайпаслаб кўрди. Аммо мактубнинг йўқолганига тамом ишонч ҳосил қилгач, унинг чунон жаҳли чиқдики, сал бўлмаса, вино-ю, хушбўй мойга яна эҳтиёж туғилаёзди, зеро, ёш меҳмоннинг мактубини топиб беришмаса, дўконни остин-устун қилиб ташлайман деб таҳдид солиб, тутақиб кетганини кўриб, хўжайин – тўқмоқ, хотини – супурги, қароллар эса икки кун муқаддам ишга солган таёқларининг худди ўзи билан қуролланиб олдилар.

– Мактуб, тавсиянома билан мактуб? – қичқирарди д’Артаньян. – Мактубимни топиб беринглар, минг лаънат! Ёки ҳаммангизни какликдай сихга санчиб кўяман!

Бахтга қарши пўписасини амалга оширишда йигитга бир нарса монелик қиларди. Биз баён қилганимиздек, унинг қиличи биринчи олишувда иккига бўлиниб кетган, буни у мутлақ унутаёзган эди. Шу важдан у қиличини суғуриб кўрганда харобот эгаси учидан шпиглайдиган нина¹⁵ яшаш ниятида уни ўзига қолдириб, филофга яхшилаб тиқиб қўйган бир-икки дюйм узунликдаги чўлтоқ нарса билан қуролланиб қолди.

Башарти хўжайиннинг ўзи меҳмоннинг талаби тўғри, деган хулосага келмаганда бу ҳол жўшқин йигитимизни тўхтатолмасди, эҳтимол.

– Ростдан ҳам, – деди у тўқмоғини тушириб, – мактуб қаёққа йўқолди экан?

¹⁵ Шпиглайдиган нина – гўштнинг ора-орасига чўчка ёғи тиқиш учун ишлатиладиган нина.

– Ҳа, мактуб қани ахир? – қичқирди д’Артаньян. – Аввало, сизни огоҳлантириб қўяй: мактуб жаноб де Тревилга ёзилган, у топилиши шарт. Мабодо топилмаса, жаноб де Тревиль уни топишга мажбур этади, гапимга ишонинг.

Бу пўписа хўжайинни бутунлай чўчитиб юборди. Қирол ва жаноб кардиналдан сўнг жаноб де Тревилнинг номини нафақат ҳарбийлар, балки шаҳарликлар ҳам энг кўп тилга олишган, дейиш мумкин. Тўғри, яна «Жозеф ота»¹⁶ бор эди, аммо унинг номи шивирлашдан ўзгача тилга олинмасди: кардинал Ришельеннинг дўсти «бўз маҳлуқ» олдидаги даҳшат шу қадар кучли эди.

Тўқмоқни четга улоқтириб ва хотинига супургини, хизматкорига эса таёқларни ташлашни ишора билан буюриб, харобот эгасининг ўзи яхши ибрат кўрсатди ҳамда мактубни қидириш билан машғул бўлди.

– Бу мактубга бирор қимматбаҳо нарса солинганмиди? – беҳуда изланишлардан кейин сўради у.

– Бўлмаса-чи! – хитоб қилди саройга ўзи учун шу мактуб йўл очишига ишонган йигит. – Менинг бор мулким ўшанда эди.

– Испан бонларими? – хавотирланиб суриштирди хўжайин.

– Ҳазрат олийларининг шахсий хазинасидан пул олиб берадиган бонлар, – деб д’Артаньян мактуб ёрдами билан қирол хизматига киришни ният қилгани учун ёлғон-яшиқсиз бу анча қалтис жавобни беришга ўзини ҳақли деб билди.

– Жин урсин! – тамом каловланиб хитоб қилди харобот эгаси.

¹⁶ Жозеф ота – Жозеф дю Трамбле (1577 йилда туғилган). «Жозеф ота» ёки «бўз кардинал» номи билан танилган. Энг маҳфий ишлари бўйича кардинал Ришельеннинг ишончли кишиси бўлган. Шухратпараст, уддабурон, жоҳил Жозеф ота ҳеч қандай расмий мансаби бўлмагани ҳолда катта обрў ва ҳокимиятга эга бўлган.

– Аммо, муҳими бу эмас, – гасконликларга хос лоф билан давом этди д’Артаньян, – муҳими бу эмас, пул арзимас нарса. Мактубнинг ўзи – алоҳида аҳамиятга эга нарса. Мактубдан маҳрум бўлгандан кўра, минг пис-толни йўқотишни афзал кўрардим.

Худди шу тазрда у «йигирма минг» ҳам деб юбори-ши мумкин эди, аммо йигитлик ҳаёси тийиб қолди.

Тўсатдан ҳамма хоналарни беҳуда тинтиб юрган хўжайиннинг миясида ялт этиб нур чақнагандай бўлди.

– Мактуб асло йўқолмаган! – деди у.

– Нима? – қичқириб юборди д’Артаньян.

– Йўқ. У сиздан ўғирланган.

– Аммо, ким ўғирлаган?

– Кечаги нотаниш дворян. У ошхонага, сизнинг кам-зулингиз турган ерга тушиб эди. У ерда ёлғиз қолиб эди. Гаров бойлашаман, бу ўшанинг қилмиши.

– Шунақа денг! – иккиланиб гапирди д’Артаньян.

Ахир мактубнинг фақат ўзи учун аҳамияти борлиги унга бошқалардан кўра яхшироқ маълум бўлиб, би-рор кимсанинг унга кўзи ўтиши мумкинлиги хаёлига ҳам келмасди. Мусофирхонадаги қўноқларнинг ҳеч бири, хизматкорларнинг ҳеч бири ундан наф кўра олмаслиги шак-шубҳасиз эди.

– Демак, сиз ўша сурбет дворяндан гумон қиляп-ман, дедингизми, – яна сўради д’Артаньян.

– Бунга ишончим комил деяпман-ку, сизга, – тасдиқ-лади хўжайин. – Мен унга, муҳтарам афандимга жа-ноб де Тревиль шафе эканлар, ҳатто, унда шавкатли аслзодага мактуб ҳам бор деганимда, у очиқдан-очиқ безовта бўлиб, ўша мактуб қаердалигини сўради ва шу заҳоти ошхонага тушиб кетди, камзулингиз ўша ерда ётгани унга маълум эди.

– Унда ўғри – ўша! – хитоб қилди д’Артаньян. – Мен жаноб де Тревилга арз қиламан, жаноб де Тревиль эса қиролга айтиб қўяди!

Сўнгра салобат билан чўнтагидан икки экию чиқа-риб, уни дарвозагача қалпоғини ечиб кузатиб чиққан

хўжайинга узатди. Шу жойда йигит ўзининг сариқ-малла отига сақраб минди-ю, Париж шаҳрининг Сент Антуан дарвозасигача бесаргузашт етиб олди. У ерда д'Артаньян отини уч экюга – саёҳатнинг ниҳоясигача эгаси роса ҳолдан кеткизганини ҳисобга олганда, анча дуруст нархга сотиб юборди. Шу ваздан д'Артаньян олибсотарга отни юқорида кўрсатилган пулга бой берганида, у бу қулоқ эшитмаган нархга фақат отнинг фаройиб тусига учиб, кўнганини ёш йигитга шама қилиб қолди.

Шу зайл д'Артаньян бўғчасини қўлтиқлаб, Парижга яёв қадам қўйди ва ўзининг озроқ маблағига яраша хонани ижарага олиш насиб қилмагунча кўча-кўйларда тентираб юрди.

Бўнагини тўлаб, д'Артаньян дарҳол ўз хонасига қўчиб кирди ва кун қайтгунча иш билан машғул бўлди: онаси ота-д'Артаньян жанобларининг ҳали яп-янги камзулидан сўтиб, яширинча ўғлига берган уқаларни иштон ва камзулларига қадади. Сўнгра Темир Лом соҳилига бориб, қиличини янги тиф қилиш учун бериб келди. Шундан кейин у Лувргача¹⁷ юриб борди-да, биринчи дуч келган мушкетёрдан жаноб де Тревилнинг уйи қаердалигини суриштириб, билиб олди. Бу уй Эски Каптархона кўчасида, д'Артаньян томонидан муваффақиятнинг нишонаси деб таъбир қилинган жиҳати, у қўнган жойнинг яқингинасида экан.

Сўнгра у ўзининг Менгдаги хатти-ҳаракатидан мамнун ҳолда ўтмишдан ўкинмасдан, ҳозирги кунидан кўнгли тўқ бўлиб, келажагидан умидларга тўлиб-тошиб, қаттиқ уйқуга кетди.

Асл вилоят кишиси сифатида у эрталаб соат тўққизгача ухлади, кейин ўрнидан туриб, ота-д'Артаньян жанобларининг наздида, қиролликда учинчи шахс бўлмиш шавкатли жаноб де Тревилнинг ҳузурига йўл олди.

¹⁷ Лувр – Париждаги қирол саройи.

II

Жаноб де Тревилнинг қабулхонаси

Гаскондаги уруф-авмоқлари ҳанузгача аталиб келаётган ном – жаноб де Труавил ёки у Парижга бориб ўзини пировардида атай бошлаганидек – де Тревиль ўз йўлини ҳақиқатан ҳам худди д'Артаньяндек, яъни чўнтагида бирор су пулсиз, аммо зийраклик, ҳозиржавоблик, шижоатнинг ўша энг камбағал гаскон дворянчасининг ҳам кўпинча ота орзуларининг энг дадилларини рўёбга чиқаришга, мерос имкониятларга таянган энг бадавлат перигор ва берри дворянларидан кўпроқ нарсаларга эришиб келишига имкон бергувчи хазинаси билан бошлаган. Унинг кўрс мардлиги, янада кўрс омадлилиги қилич зарбалари дўлдай ёғилаётган бир пайтда уни сарой мартабаси деб аталмиш, ўзи уч поғона оша ҳатлаган зинапояннинг энг юқори чўққисига чиқариб қўйди.

У ўз отаси Генрих IV нинг хотирасини чуқур ҳурматлаши ҳаммага маълум бўлган қиролнинг дўсти эди. Жаноб де Тревилнинг отаси Лигага қарши урушларда унга бирам садоқат билан хизмат қилган эдики, нақд пулнинг камлигидан – қарзларини ўзида сероб бўлган бирдан-бир нарса – ҳазил-мутойибалар билан узиб юрган у беарнлик киши умр бўйи нақд пулга зориқиб ўтган – айтиб ўтганимиздек, нақд пулнинг камчилигидан Париж олингандан сўнг унга ўз гербига топпон устига осилган шер билан фиделис ит фортис¹⁸ деган девизини қўшиб олишга қирол ижозат берган. Бу катта шараф, лекин кам даромад эди. Ажал соати етгач, улур Генрихнинг шонли сафдоши ўғлига мерос қилиб, қиличи билан девизини қолдирди, холос. Шу мерос ҳамда доғ тушмаган номи туфайли жаноб де Тревиль ёш шаҳзода саройида қабул қилиниб, у ерда ўз қили-

¹⁸ Содиқ ва кучли (лот.).

чи билан шу қадар мардона хизмат қилдики, азалий девизига шунчалик содиқ қолдики, қиролликнинг энг яхши қиличбозларидан бўлмиш Людовик XIII, одатда, борди-ю, дўстларимдан битта-яримтаси мубораза қилмоқчи бўлиб қолса, ҳакамликка дастлаб ўзимни, кейин – де Тревилни мукаллаф этишни, ҳатто, эҳтимол, уни аъло кўришни маслаҳат берардим, дерди.

Людовик XIII де Тревилга чинакам меҳр қўйган, рост, бу қиролча, худбин меҳр бўлса-да, ҳарҳолда, меҳр эди. Гап шундаки, бу мушкул вақтларда юқори мартабали кишилар ўзларини, умуман, де Тревиль тахлит кишилар билан ўраб олишга уринардилар. Де Тревиллар гербидаги ёзувнинг иккинчи қисми – «кучли» сўзини ўз девизи деб ҳисоблай оладиганлар кўплаб топиллиши мумкин эди-ю, аммо дворянлардан камдан-ками бу ёзувнинг биринчи қисмини ташкил этган «содиқ» ташбеҳига даъво қила оларди. Тревиль бу ҳуқуққа эга бўлган. У зеҳни ўткир, чангали маҳкам, ўша содиқ итлардай бемулоҳаза, кўр-кўрона итоат қиладиган ноёб кишиларнинг бири эди. Кўзлари – қирол бирор кимсадан жаҳли чиққан-чиқмаганини пайқаб олмоқ, қўллари эса гуноҳкорни – бирор Бема ёки Моревверними, Полтроними, де Мере ёки Витриними жазосини бермоқ учун унга хизмат қиларди. Шу дамгача ўзини кўрсатиш учун фақат баҳона бўлмаган, аммо кези келганда, ўша баҳонанинг гирибонидан дарҳол тутиш учун у пайт пойлаб юрарди. Генрих III нинг ординар соқчилари, Людовик XI нинг шотланд гвардияси қандай роль ўйнаган бўлса, худди шундай аҳамиятга молик ўз мушкетёрларига Людовик XIII капитан қилиб, де Тревилни бежиз тайинламаган эди.

Кардинал бу жиҳатдан қиролга ён бермасди. Людовик XIII ўзини мумтоз кишиларнинг қандай ҳайбатли сафи билан ўраб олганини кўриб, Франциянинг бу иккинчи ёки, тўғрироғи, биринчи ҳукмдори ҳам ўз гвардиясига эга бўлишни ихтиёр қилиб қолди. Шунинг учун Людовик XIII нинг ўз мушкетёрлари бўлганидек,

у ҳам ўзиникига эга бўлган ва бу икки рақиб-ҳукмдорларнинг барча Франция вилоятларидан, ҳатто, чет эл давлатларидан ўзининг жанговар қаҳрамонликлари билан донг чиқарган кишиларни териб олишларини кузатиш мумкин бўлган. Кўпинча оқшомлари Ришелье ва Людовик XIII шахмат партияси устида ўз жангчиларининг фазилатлари борасида баҳслашиб ҳам қолардилар. Уларнинг ҳар бири ўзиникининг хушқадлиги, ботирлигидан керилар ва оғзида тўқнашув ва мубо-разаларни қоралаб, зимдан ўз шахсий соқчиларини тўқнашувларга ундарди. Мушкетёрларининг ғалабаси ёки мағлубияти уларга чексиз қувонч бахш этар ёки чинакам қайғуга соларди. Шу ғалабаларнинг кўпига ва баъзи мағлубиятларга иштирокчи бўлган киши ўз ме-муарларида лоақал шундай тасвирлаган.

Тревиаль ўз ҳукмдорининг бўш жойини билиб олди ва бунинг учун дўстликда субутсизлиги билан донг чиқарган қиролнинг узлуксиз илтифотидан миннатдор бўлмоғи лозим эди. Кардинал Арман дю Плесси Ришельенинг олдидан мушкетёрларини парад марши билан ўтказган кезларда унинг такаббур сиёҳи бузрукворнинг оппоқ мўйловларини диккайтириб юборарди. Ё душманлари ҳисобига, ё ватандошлари ҳисоби-га кун кўришга тўғри келган ўша замон уруш санъати-ни у ипидан игнасигача биларди; унинг аскарлари ёлғиз ўзига итоат қиладиган бебош зўравонларнинг легионини ташкил этганди.

Қиролнинг ёки, тўғрироғи, жаноб де Тревилнинг сармаст, тирналган, пала-партиш кийинган мушкетёр-лари қовоқхоналарда, кўнгилочар жойларда мўйлов-ларини бураб, қиличларини пеша қилиб, бақириб-ча-қириб юришарди, йўлларида дуч келган кардинал шахсий соқчиларининг жиғига тегиб ҳузур қилишар-ди. Кейин минг қайта пичинглар билан қиличлар қини-дан чиқариларди. Уларни ўлдиришган ва улар мотам тутиб, ўзлари учун қасос олишларига комил ишонч билан йиқилган ҳоллар ҳам бўлган, кўпинча эса

қамоқхонада чириб кетишга йўл қўймасликларидан кўнгиллари тўқ ҳолда уларнинг ўзлари ўлдиришарди: жаноб де Тревиль уларни халос қилади-да. Бу кишилар ўзлари жон-лили билан севган жаноб де Тревилни ҳар кўйга солиб, кўкларга кўтаришарди, ҳаммаси жуда довюрак бўлса-да, унинг ҳузурида талабалар устози олдида тургандек безиллаб туришарди, унинг биринчи каломига бўйсунушар ва заррача дашномини ўзларидан соқит қилиш учун жон беришга тайёр эдилар.

Жаноб де Тревиль бу қудратли воситадан, даставвал, қирол ва унинг тарафдорлари манфаати учун, сўнграқ, ўзи ва дўсту биродарлари манфаати учун фойдаланди. Дарвоқе душманлари ҳам – улар эса қалам соҳиблари сингари қилич соҳиблари орасида ҳам талайгина бўлган – ҳатто, душманлари ҳам бу ўктам кишини содиқ аскарлари кўрсатган ёрдам эвазига бирор ришва олган, деб айблагани ўша даврнинг ҳеч бир мемуаридан аён эмас. Фитна қилиш қобилияти пихини ёрган фитначилардан кам бўлмагани ҳолда у ҳалол кишилигича қолганди. Яна силла қуритадиган сафарлардан, ҳарбий ҳаётнинг ҳамма машаққатларидан қатъи назар, у қизиқ саргузаштларнинг ўта кетган ишқибози, ўрни келганда, олифтагарчилик қилиб, латиф мадригал¹⁹ ҳам айта биладиган ғоят назокатли аёллар жазмани бўлган. Йигирма йил илгари Бассомпер²⁰нинг кўнгил ишлари тўғрисида қанча бўлса, унинг аёлларни мағлуб қилгани ҳақида ҳам худди шунча миш-мишлар юрардики – бунинг анча-мунча маъноси бўлган. Мушкетёрлар капитани одамларни мафтун қилар, уларнинг кўрқув ва муҳаббатини кўзғатар-

¹⁹ Мадригал – мақтов тарзида ёзилган мўъжаз лирик шеър.

²⁰ Бассомпер Француз (1579-1646) – Франция маршали ва дипломати. Ришельега қарши саров фитнасида қатнашган ва муваффақиятсизликка учрагандан кейин қудратли кардинал буйруғи билан 12 йил қамоқда бўлган.

ди – бошқача қилиб айтганда, бахт ва омаднинг чўққисига етган эди.

Людовик XIV ўз саройининг барча майда-чуйда буржларини оламтоб кўрки билан тўсиб, ютиб юборди, ваҳоланки, отаси плурибус импар²¹ қуёш арзандаларининг ҳар бирига, муқаррибларининг ҳар бирига ўз-ўзича порлашга имкон берган. Қирол ва кардиналнинг эрталабки қабулидан ташқари яна алоҳида диққатга сазовор икки юздан зиёд «эрталабки қабул»лар бўлиб турган. Шулар қаторида де Тревилнинг эрталабки қабули томошабинларнинг энг кўп сонини жалб қилиб келарди.

Эски Каптархона кўчасида жойлашган унинг дангиллама иморатининг ҳовлиси саҳарданоқ – ёзда соат олтидан, қишда саккиздан – қароргоҳга ўхшаб қоларди. Эллик ёки олтмиш чоғли мушкетёр, одам сонини бирдай ваҳимали сақлаш учун, аҳён-аҳёнда алмашишиб бўлса керак, ҳамиша тиш-тирноғигача қуролланган, ҳар нарсага шай ҳолда ҳовлида юргани-юрган эди. Ўрнида замонавий қурувчи бемалол бутун бошли уй қурса-қургудай кенг зинапоядан бирор марҳаматдан умидвор толиблар, мушкетёрликка қабул қилинишни ҳавас қилиб, вилоятлардан келган дворянлар, ўз хўжайинларидан номалар келтирган ранг-баранг зарбоф либос кийган мулозимлар чиқиб, тушиб турардилар. Қабулхонадаги деворлар бўйлаб қўйилган узун-узун курсиларда мумтоз яъни, соҳиб томонидан мукаллаф бўлган кишилар ўтирардилар. Эртадан то кечгача қабулхонада шовқин-сурон тинмасди, бу орада де Тревиль қўшни хонадаги кабинетида меҳмон қабул қилар, арзлар тинглар, фармойишлар берар ва деразага яқинлашиб, қирол Луврдаги ровонида тургандек, ўз кишилари ва қурол-аслаҳасига кўрик ўтказарди.

Д'Артаньян бу ерга дастлаб келган куни тўпланганлар давраси, хусусан, вилоят кишиси кўзига ғоят са-

²¹ Кўпларнинг тенги бўлмаган (лот.).

лобатли кўринди. Рост, бу вилоят кишиси юртдошлари у маҳаллар бирор нимадан хижолат қилиш мушкул одамлар сифатида донг чиқарган гаскондан эди. Келганлар узун-узун мурабба қолпоқли михлар қоқилган каттакон дарвозадан ўтгандан кейин қуролланган кишилар тўпига қўшилиб кетардилар. Бу одамлар ҳали ўйин, ҳали жанжал бошлаб, бир-бирларини чақиришиб, ҳовлида айланиб юрардилар. Бу мавж ураётган тирик пўртанани ичидан ёриб ўтиш учун ё офицер, ё мансабдор ёки хушрўйгина аёл бўлиш лозим эди.

Йигитимиз юраги ҳаприқиб, меъёрдан узун қиличини ориқ оёқларига босган, кенг соябонли шляпасининг четларидан қўлини узмаган ҳолда вилоят кишисининг ўз хижолатини босиш ҳаракатидаги ғарибона табассуми билан илжайиб, бу тиқилинч тўполонда йўл солиб борарди. У ёки бу гуруҳдан ўтиб олгач, у хийла енгил тортиб нафас олар, аммо ҳозир бўлганлар унинг кетидан ўгирилиб қараётганларини яққол ҳис қиларди ва ўз шахси тўғрисида анча дуруст фикрда юрган Д'Артаньян умрида биринчи бор ўз-ўзига бесунақай ва кулгили кўринарди.

Зинапояннинг олдигинасида вазият яна оғирлашди. Пастки поғоналарда тўрт нафар мушкетёр шўх ўйин эрмак қилишмоқда, бу орада уларнинг ҳовли саҳнида тўдаланишиб турган ўн ё йигирма чоғли улфатлари ўйинда иштирок этиш учун ўз навбатларини кутмоқда эдилар. Тўртовидан бири бошқалардан бир поғона юқорида туриб, қиличини яланғочлаганча учаласини зинадан чиқишга қўймас ёки қўймасликка ҳаракат қиларди. Бу учовлари қиличларини моҳирлик билан ўйнатиб, унга ҳамла қилишарди.

Д'Артаньян дастлаб бу қиличларни учлари ниқобланган машқ рапиралари деб ўйлади. Лекин, ҳадемай, ўйин иштирокчилари юзларининг баъзи жойлари тилинганидан, тиғлари жуда ҳафсала билан қайралиб, ўткирланганини тушунди. Ҳар гал янги тирналганда

томошабинлар тугул жабрланганларнинг ўзлари ҳам қаҳ-қаҳ отиб, кулиб юборишарди.

Бу дақиқада юқори поғонани эгаллаб турган мушкетёр қойил қилиб, ўз рақибларини даф этарди. Уларнинг атрофида бир талай одам йиғилиб қолди. Уйин шартлари шундан иборат эдики, биринчи гал тирналгандаёқ ярадор ўйиндан чиқиб, унинг навбати қолибга ўтар эди. Ҳаш-паш дегунча беш дақиқа ўтар-ўтмас, бирининг қўли, иккинчисининг ияги, учинчисининг қулоғи тирналиб, уч киши шикастланди-ю, лекин зина мудофаачисига бирон марта тиг тегмади. Шартларга кўра, бундай чаққонлик уч навбат сурилиш билан тақдирланарди.

Ёш сайёҳимизни ҳайрон қилиш ёки, тўғрироғи, уни ўзини таажжубланганга солишга мажбур этиш нечоғлик мушкул бўлса-да, ўйин уни ҳайратда қолдирган эди. Унинг ватанида, бўлар-бўлмасга қон мияга урадиган ўша диёрда, муборазага чақириш учун қандай бўлмасин, ҳар қалай, бирор важ талаб этиларди. Тўрт ўйинчининг томошаси унга, ҳатто, Гасконнинг ўзида ҳам қачондир ўзи эшитган-билганларининг энг фаройиби бўлиб туюлди. Унга ўзи Гулливёр бориб қолиб, қанча ваҳшатларни бошидан кечирган улкан паҳлавонларнинг ғалати мамлакатига тушиб қолгандай кўриниб кетди. Аслида эса мақсад олис: ҳали зина супаси билан қабулхона турарди.

Супада энди уришишмас – у ерда аёллар тўғрисида, қабулхонада эса – қирол саройи тўғрисида ғийбат қилишарди. Майдончада д'Артаньян қизариб кетди, қабулхонада титрай бошлади. Гасконда ёшгина оқсоч қизлар, гоҳида эса уларнинг ёш бекалари учун ҳам хавfli қилгувчи унинг жонли, дадил тасавури ҳеч қачон, ҳатто, иситмадан аланглаб ётганда ҳам ҳозир бу ерда суҳбатга мавзу бўлаётган ва бир-бир санаб ўтилаётган сирли тафсилотлар-у, машхур номлардан алоҳида кескинлик касб этаётган ишқий нашидаларнинг ярмини, севги йўлидаги қаҳрамонликларнинг,

ҳатто, чорагини ҳам тасвир этолмасди. Бироқ, майдончада унинг иффатига нуқс теккан бўлса, қабулхонада кардиналга бўлган ҳурмати зил кетди. Бу ерда д'Артаньян бутун Европани парзага келтираётган сиёсатни танқид қилишаётганини ўта таажжуб билан эшитди; кардиналнинг шахсий ҳаёти ҳам унга суқилишга заррача уриниш учун, д'Артаньяннинг билишича, қанчадан-қанча қудратли кибор мансабдорлар жабр кўрган бўлса-да, бу ерда маломатга қолаётган эди. Ота-д'Артаньян жаноблари роса чуқур ҳурмат қилган шу улуғ киши бу ерда жаноб де Тревилнинг мушкетёрларига калака бўлмоқда эди. Бир хиллари унинг маймоқ оёғлари билан букир елкаларини мазах қилишарди; баъзан бировлари унинг маъшуқаси мадам д'Егилён билан унинг жияни де Комбале хоним ҳақида қўшиқлар куйлашарди; бошқалари эса шу ернинг ўзида кардиналнинг гуломлари ва шахсий соқчиларини кулги қилишга келишиб олардилар – д'Артаньянга буларнинг ҳаммаси ақл бовар қилмас ёввойи нарсалар бўлиб туюларди.

Лекин, кардиналга аталган бу аччиқ, ҳажвияларга ногаҳон қиролнинг номи ўралашиб қолса, гўё аллакимнинг кўринмас қўли бу заҳарханда лабларни бир зумга юмиб қўярди. Суҳбатлашаётганлар товушлари девордан ўтиб, жаноб де Тревилнинг кабинетига етишидан чўчиётгандай хижолатли аланглашарди. Аммо, деярли шу заҳоти, гап орасида ташланган ишора суҳбатни яна падари-бузрукворга ўтказар, товушлар яна баланд янграр ҳамда улуғ кардиналнинг бирор қилиғи сояда қолиб кетмасди.

«Бу кишиларнинг ҳаммасини муқаррар Бастилияга қамаб, осиб ташлашади, – даҳшат ичида ўйларди д'Артаньян. – Мени ҳам уларга қўшиб олиб кетишади: уларнинг гапларига қулоқ солганимдан, эшитганимдан кейин мени уларга шерик деб ҳисоблашади. Кардинални ҳурмат қилишни тинмай уқтириб келган отам-чи,

бунақа шаккокларнинг даврасида турганимдан хабар топса, нималар деяркин!»

Тушуниш қийин эмаски, д'Артаньян шу важдан суҳбатга аралашишга ботинолмай турарди. Лекин, у ўзининг бешала сезгисига зўр бериб, кўзларини бақрайтириб қарар, бирор гапни қочирмаслик ғамида иштиёқ билан тингларди. Ота насиҳатларига ҳурма-тидан қатъи назар, у ўз майли ва таъбига эргашиб, атрофида юз бераётган нарсаларни қоралашдан кўра, маъқуллашга мойилроқ эди.

Бироқ, де Тревиль мухлисларининг бу тўдасида у мутлақо бегона эканини эътиборга олиб, ташриф мақсадини билиш учун унинг ёнига келдилар. Д'Артаньян камтаринлик билан номини айтди ва ўзининг жаноб де Тревиль юртдоши эканини баҳона қилиб, савол билан ёнига келган мулозимга бир-икки дақиқа вақтини дариф тутмаслигини жаноб де Тревилдан илтимос қилишни топширди. Мулозим илтимосни ўз вақтида етказишга нуфузли оҳангда ваъда берди.

Дастлабки хижолатдан бир оз ўнгланиб олган д'Артаньян энди бекорчиликда атрофдагиларнинг уст-бошларини ва юзларини дурустроқ кўздан кечириши мумкин эди.

Энг гавжум гуруҳлардан бири ўртасида ғаройиб либоси умумий диққатни жалб этаётган такаббур юзли, бўйчан мушкетёр турарди. Унинг эғнида у пайтлар – камроқ эрк-у кўпроқ мустақиллик пайтлари – кийилиши шарт ҳисобланмаган формали уст-бош эмас, балки анча ўнгиб, эскириб қолган камзул бўлиб, унинг устидаги кўркама зар тасма пешинги қуёш шуълаларининг сув сатҳидаги жилвасидай ялтирарди. Каттакон қилич осифлиқ кўз қамаштирувчи тасмани фақат олд томонидан кўришга имкон бериб турган алвон бахмалдан тикилган узун ридо унинг елкаларидан нафис қуйилиб тушган эди. Бу мушкетёр боягина қоровулликдан бўшаган, тумовдан нолиб, жўрттага йўталиб-йўталиб қўярди. Бошқалар ва ҳаммадан кўпроқ д'Ар-

таньян шовқин солиб, зар тасмани мақташаётганда у мўйловларини бураб-бураб, шу сабабдан ҳам ридо ташлаб олишга тўғри келганини бепарво тушунтирарди.

– На чора, – деярдди мушкетёр, – бу расмга айлана-япти. Бу исрофгарчилик, ўзим ҳам биламан, аммо расм бўлиб қолди. Дарвоқе ота-онанинг пулини бирор нарсага ишлатиш керак-да.

– Оҳ, Портос, – хитоб қилди шу ердагилардан бири, – бу тасма ота саховатидан, деб бизни ишонтиришга уринма! Уни якшанба куни Сент-Оноре дарвозаси олдида сен билан учратганим, ҳижоб²² ёпинган хоним сенга тортиқ қилган бўлмасин тагин?

– Йўқ, виждоним ҳақи қасам ичаман ва дворянлик сўзи билан айтаманки, мен уни ўз шахсий пулларимга харид қилдим, – жавоб берди Портос деб аталмиш киши.

– Ҳа, – сўз қотди мушкетёрларнинг бири, – мен мана бу янги ҳамёнимни қандай харид қилган бўлсам худди шундай олгансан-да: ўша маъшуқам эскисига солиб қўйган пулларнинг ўзгинасига.

– Йўқ, рост ахир, – эътироз билдирди Портос, – мен унга ўн икки пистол тўлаганимни тасдиқлаб беришим мумкин.

Мақтов хитоблари кучайиб кетди-ю, лекин гумон тарқамади.

– Тўғримасми, Арамис? – бошқа мушкетёрга юзланиб сўради Портос.

Бу мушкетёр унга Арамис деб мурожаат қилган кишининг тамоман акси эди. Бу соддадил ва чучмал чеҳрали, куз шафтолисидай майин тук билан қопланган қирмизи юзли, кўзлари қоп-қора, йигирма икки ёки йигирма уч ёшлардаги йигит эди. Ингичка мўйловлар бежирим тўғри чизиқ каби ўтиб, устки лабини яққол кўрсатарди. Томирлари бўртиб чиқишидан ҳадикси-

²² Ҳ и ж о б – нафис тўр.

раб, қўлларини туширишдан ўзини тияётгандай туюларди. Нафис ранги ва тиниқлигини сақлаб қолиш учун у қулоқ солинчакларини гоҳ-гоҳ чимчилаб қўярди. У салмоқлаб, кам гапирар, тез-тез таъзим қилар, ўзининг бошидан оёғигача оро берганидай, афтидан, ҳафсала билан парвариш қилгувчи чиройли тишларини кўрсатиб, товушсиз куларди. У ўз дўстининг саволини маъқуллаб, бошини ирғаш билан жавоб қилди.

Бу таъкидлаш тасма борасидаги ҳамма гумонларга барҳам берди, шекилли, уни томоша қилавердилар, лекин у ҳақидаги гап-сўзлар тўхтатилди ва суҳбат кутилмаган руҳий жиҳатларга буйсуниб, бошқа мавзуга ўтиб кетди.

– Жаноб де Шаленинг отбоқари ҳикоя қилаётган нарсалар тўғрисида сизлар қандай фикрдасиз? – алоҳида, ҳеч кимсага, лекин шу ердагиларнинг барчасига бир йўла мурожаат қилиб сўради бошқа бир мушкетёр.

– Хўш, у нималарни ҳикоя қиляпти? – салобат билан сўрарди Портос.

– У Брюсселда Рошфор билан, бу кардиналнинг энг содиқ хизматкори билан учрашиб қолганини ҳикоя қиляпти. Рошфор капутсин либосида эди ва шундай ниқобдан фойдаланиб, бу лаънати Рошфор жаноб де Легани бориб турган лавангдек лақиллатиб кетган.

– Бориб турган лавангдек, – такрорлади Портос. – Бироқ бу рост гапмикан?

– Мен бу ҳақда Арамисдан эшитдим, – маълум қилди мушкетёр.

– Чиндан-а?

– Ахир сизга бу жуда яхши маълум-ку, Портос, – деди Арамис. – Мен бу ҳақда сизга кеча ҳикоя қилгандим. Бунга қайтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

– «Қайтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ!» – хитоб қилди Портос. – Сиз шундай ўйлайсизми? «Қайтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ!» Азбаройи шифо, сиз қандай тез ҳал

қиласиз-а!.. Қандай! Кардинал дворян кишини пойлайди, у сотқин, қароқчи, осилиши позим одам ёрдамида унинг мактубларини ўғирлайди ва ҳамон ўша жосусдан фойдаланиб, шу мактублар асосида, гўё Шале қиролни ўлдириб, герсог Орлеанскийни қироличага уйлантирмоқчи бўлган, деган бемаъни баҳона билан Шалени қатл қилишга эришади! Ҳеч ким бу жумбоқнинг калитини тополмаётган эди. Сиз, ҳаммани мамнун қилиб, буни бизга кеча маълум қиласиз-да, биз ҳали, ҳатто, ҳушимизга келмасимиздан бугун: «Бунга қайтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ!» деб эълон қиласиз.

– Ҳўш, шунчалик хоҳласангиз, қайта қолайлик, – тоқат билан рози бўлди Арамис.

– Мен жаноб де Шаленинг отбоқари бўлганимда борми, – хитоб қилди Портос. – Бу Рошфорнинг адабини бериб қўярдим.

– «Қизил герсог» эса сизнинг адабингизни бериб қўярди, – деб қўйди Арамис хотиржамгина.

– «Қизил герсог...» жуда соз, жуда соз! «Қизил герсог!..» – чапак чалиб маъқуллаб, бошини сарак-сарак қилиб, қичқириб юборди Портос. – «Қизил герсог» – бу жуда зўр. Мен бу аскияни тарқатишга ҳаракат қилман, хотиржам бўлинг. Зап аскиячи-да, бу Арамис!.. Ўз истеъдодингизга эргашолмаганингиз роса ачинарли-да, азизим! Сиздан қандай дилбар аббат²³ чиққан бўларди-я!

– О, бу вақтинча хаёл, холос. – деб қўйди Арамис. – Бир кунмас бир кун мен, барибир, аббат бўлман. Шунга кўзим етиб, ақоидни ўрганишни давом эттираётганимни сиз биласиз-ку, ахир, Портос.

– У ниятига етади, – деди Портос. – Эртами-кечми, лекин, етади.

– Эрта денг, – жавоб берди Арамис.

– У фақат бир нарсани – жовонида мушкетёрлик либосининг орқасида осифлиқ турган жуббани яна

²³ Аббат – руҳоний.

кийишни кутаяпти! – хитоб қилди мушкетёрларнинг бири.

– У нимани кутаяпти ўзи? – сўради бошқаси.

– Қиролича мамлакатга меросхўр ато қилишини.

– Жаноблар, бу хусусда ҳазил қилишнинг кераги йўқ, – деб қўйди Портос. – Қиролича, худога шукур, ҳали шундай ёшдаки, бу имкон хорижида эмас.

– Лорд Бэкингем²⁴ Францияда дейишади! – бу гўё беғараз сўзларга ғалати икки тус бергувчи қув кулги билан хитоб қилди Арамис.

– Арамис, дўстим, бу гал сиз ноҳақсиз, – унинг сўзини бўлди Портос, – аскияга майлингиз сизни маълум меъёрдан ошишга мажбур этяпти. Жаноб де Тревиль эшитиб қолгудай бўлса, бу хил сўзлар учун сизга яхши бўлмас.

– Менга ўргатмоқчимасмисиз, Портос? – юввош нигоҳида ногаҳон ўт чақнаб сўради Арамис.

– Дўстим, – жавоб берди Портос, – мушкетёр ё аббат бўлинг, лекин бир вақтнинг ўзида униси ҳам, буниси ҳам эмас. Эслаб кўринг, куни кеча Атос сизга ҳамма ёғлиқ жойлардан тотиниб юрасиз, деб эди... Йўқ, йўқ, илтимос қиламан, жанжаллашмайлик. Бунинг ҳожати йўқ. Сиз, Атос ва менинг қилган аҳдимиз сизга яхши маълум-ку. Сиз ахир д'Егилён хонимникида бўлиб турасиз, унинг қўнглини овлайсиз, сиз де Шеврез хонимнинг холаваччаси де Буа Траси хонимникида ҳам бўласиз ва айтишларича, бу хонимнинг кўпданкўп илтифотидан баҳрамандсиз. О тангрим, бахтингизга иқрор бўлишингизнинг кераги йўқ, ҳеч ким сиздан тавба-тазарру қилишингизни талаб этаётгани йўқ – сизнинг сиполигингизни ким билмайди, дейсиз! Лекин, азбаройи шифо, модомики, жим юриш қобилиятига эга экансиз, гап ҳазрат олиялари ҳақида бораёт-

²⁴ Бэкингем Джордж Виллерс, лорд (1592-1628) – инглиз сиёсий арбоби, қироллардан Яков I ва Карл I арзандаси.

ганда, буни унутманг. Ким бўлса ҳам қирол ва кардинал хусусида нимани хоҳласа, вайсайверсин, лекин қиролича муқаддасдир, модомики, у тўғрисида гап очилган экан, фақат яхши сўзларни айтсинлар.

– Портос, сиз Нарсиссдай ўзбилармонсиз, буни билиб қўйинг, – деди Арамис. – Сизга маълум-ку, ахир, мен насиҳатларга тоқат қилолмайман, уларни ёлғиз Атосдан эшитишга тайёрман. Сизга келганда эса, азизим, сизнинг ўта дабдабали тасмангиз олижаноб туйғуларингизга нисбатан унчалик ишонч қўзғатмайди. Мабодо лозим топсам, аббат бўламан, ҳозирча мен мушкетёрман ва шу сифатда кўнглимга нимаики келса айтавераман. Ҳозир жонимга текканингизни айтгим келди.

– Арамис!

– Портос!

– Жаноблар! Жаноблар! – эшитилди ҳар томондан.

– Жаноб де Тревиль жаноб д'Артаньянга мунтазир!

– кабинет эшигини ланг очиб, уларнинг гапини бўлди мулозим.

Бу сўзлар айтилаётган пайти кабинет эшиги очиқ қолган ва ҳамма бирдан жимиб кетган эди. Бу сукунат ўртасида ёш гасконлик йигит қабулхонани кесиб ўтди ва бу ғаройиб жанжалнинг хотимасига аралашиб қолишдан вақтида қутулганидан ич-ичидан қувониб, мушкетёрлар капитани ҳузурига кирди.

III

Қабул

Жаноб де Тревиль энг ноҳуш кайфиятда эди. Ҳар қалай, сал бўлмаса ергача эгилиб, қуюқ таъзим қилган ёш йигитни у тавозе билан қарши олди ва унинг сўзларини табассум билан тинглади. Йигитнинг беарнча талаффузи ёшлигини, туғилган диёрини – ҳар қандай ёшда ҳам инсонни қувонтира оладиган хотираларни унинг ёдига солди. Лекин, шу заҳоти қабулхона

эшигига яқинлашиб, аввал бошқаларни бир ёқли қилиб, кейин эса у билан суҳбат бошлашга д'Артаньяндан рухсат сўрагандай маънода қўлини кўтариб, уч марта товушини гал сайин кучайтириб, шундай қичқирдики, унда оҳангларнинг буйруқдан ғазабгача бўлган бутун қатори янграб кетди:

– Атос! Партос! Арамис!

Биз танишиб улгурмаган охирги икки исмлар соҳиб бўлмиш мушкетёрлар дарҳол дўстларидан ажралиб, бўсагадан ўтиши билан уларнинг ортидан кабинетнинг эшиги ёпилди. Буткул хотиржам бўлмасаларда, уларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам виқор, ҳам итоат билан туриб, ўзларини бемалол тутишлари бу кишиларни ярим худолар-у уларнинг сардорини гумбирлатиб чақмоқ чақишга шай даҳшатли Юпитер деб билаётган д'Артаньяннинг ҳавасини келтирди.

Иккала мушкетёр ичкари кириб, ортидан эшик ёпилгандан кейин, мушкетёрларнинг чақирилиши янги хўрак бўлган гап-сўзларнинг ғовур-ғувури яна кучайиб кетгандан сўнг, ниҳоят, жаноб де Тревиль қовоғини солиб, кўрикда сингари қаддини ростлаб, унсиз турган Портос ва Арамисларнинг ёнидан ўтиб, кабинетни уч ёки тўрт марта жимгина айланиб чиқди, сўнг қўққисдан уларнинг қаршисида тўхтади-да, мушкетёрларнинг бошидан оёғигача қаҳрли назар ташлаб, деди:

– Узоғи билан кеча кечқурун менга қирол нима дегани сизларга маълумми, жаноблар? Сизларга бу маълумми?

– Йўқ, – қисқа сукутдан сўнг жавоб қилдилар иккала мушкетёр. – Йўқ, тақсир, бизга ҳеч нарса маълум эмас.

– Лекин, бизларга илтифот кўрсатиб, маълум қиларсиз, деган умиддамиз, ғоят даражада тавозе билан илова қилди Арамис ва назокатли таъзим бажо келтирди.

– У менга мушкетёрларни келгусида жаноб кардинал гвардиячилардан танлаб олишини айтди.

– Жаноб кардиналнинг гвардиячиларидан? Бу қанақаси бўлди? – қичқириб юборди Портос.

– У, ўзининг нордон виносига яхши вино қўшиш эҳтиёжи туғилди, деган хулосага келди.

Иккала мушкетёр қулоқларигача қизариб кетишди. Д’Артаньян ўзини қаёққа уришни билмас, ер ёрилса кириб кетгудай ҳолатда эди.

– Ҳа, ҳа, тобора қизишиб давом этди жаноб де Тревиль, – Ҳазрат олийлари тамоман ҳақлар, зеро, виждоним ҳақи онт ичаманки, жаноб мушкетёрлар саройда хунук роль ўйнаётирлар! Кеча кечқурун жаноб кардинал шахмат ўйини устида менинг ғашимга тегадиган ҳамдард оҳангда, – бу лаънати мушкетёрлар, бу калла-кесарлар, – деб ҳикоя қилишга тутинди, бу сўзларни у менга янаям кам манзур бўлган бошқача заҳархандалик билан талаффуз этди, – бу қассоблар, – менга ўзининг ёввойи мушукникига ўхшаган кўзлари билан қараб-қараб, қўшиб қўйди, – Феру кўчасидаги майхонада рухсат этилган соатдан кейин ҳам қолишибди. Унинг гвардиячилари, – у юзимга қараб, қулиб юборадигандай туюларди, – тун осойишталиги бузғунчиларини ушлашга мажбур бўлишган. Минг лаънат! Сизлар биласизми, бу нима деган гап! Мушкетёрларни ҳибсга олиш! Сизлар шу даврада бўлгансиз... ҳа, сизлар, тонмай қўя қолинг, сизларни таниб қолишган, кардинал номларингизни ҳам айтди. Гуноҳ мен-да, гуноҳ менинг ўзим-да, ахир одамларни ўзим танлаб оламан-да. Лоақал сизни олайлик, Арамис: сизга шунчалик жубба ярашаркан-у, нега мендан мушкетёрлик камзулини сўраб олдингиз? Хўш, сиз-чи, Портос... сизга бундай ажойиб олтин тасма похол қилич осиш учун керақдир. Атос бўлса... Мен Атосни кўрмайпман. Қани у?

– Тақсир, – маъюс гапирди Арамис, – у бетоб, жуда бетоб.

– Бетоб? Жуда бетоб дедингизми? Унга нима бўпти?

– Чечакми, деб қўрқишяпти, тақсир, – ўзининг ҳам сўзини қистиришга интилиб деди Портос. – Ғоят қай-

ғули воқеа: бу дард унинг юзини расво қилиши мумкин.

– Чечак?.. Ана, холос. Сиз ажабтовур ҳикоя айта-япсиз-ку, Портос! Унинг шу ёшида чечак чиқса! Йўқ, йўқ!.. У яраланган бўлса керак... ёки ўлдирилган... Оҳ, кошки мен билолсам эди!.. Минг лаънат! Жаноб мушкетёрлар, одамларимнинг шубҳали жойларда санқиб юришларини, кўча-кўйларда жанжал чиқаришларини, қоронғи бурчакларда қилични ишга солишларини мен хоҳламайман! Хуллас, одамларимни жаноб кардиналнинг гвардиячиларига калака бўлишларини истамайман. Бу гвардиячилар тинч болалар, чаққон, одамшаванда. Улар ҳибсга олишга муносиб эмас, бундан ташқари, улар ўзларини қамоққа олдириб ўтирмасдилар. Бунга ишончим комил! Бирон қадам чекингандан кўра улар ўлимни раво кўрган бўлардилар. Жонини қутқариш, қочиш, жуфтакни ростлаш – булар қирол мушкетёрларининг қўлидан келади, холос!

Портос ва Арамис ғазоби қайнаб, титраб-қақшаб туришарди. Кўнглининг тубида фақат ўзларига нисбатан оташин муҳаббатгина уни шу йўсинда гапиришга мажбур этаётганини англаб етмаганларида жаноб де Тревилни улар бўғиб қўйишлари турган гап эди. Улар пошналарини гиламга уриб-уриб қўйишар, лабларини қонагунча тишлар ва жон-жаҳдлари билан қилич сопларини қисишарди.

Қабулхонада Атос, Портос ва Арамиснинг чақирилганини эшитишган ва жаноб де Тревилнинг товушидан унинг қаттиқ жаҳли чиққанини пайқашган эди. Синчковлик азобида қолган ўнлаб бошлар бирорта ҳам сўзни қочирмаслик ниятида эшикка ёпишган, тирқишга босилган қулоқлар бирор товушни оқизмай-томизмай эшитаётган бир пайтда юзлар қаҳру ғазабдан бўзарар, оғизлар эса капитаннинг ҳақоратли сўзларини шу ердагиларнинг ҳаммасига бирма-бир етказиб турарди. Бир зумда бутун уй, кабинет эшиги-

дан то дарвозахонагача, қайнаётган қозонга айланиб кетди.

– Шундай денг! Қирол мушкетёрлари кардинал гвардиячиларига ўзларини ҳибсга олдириб ўтирса! – юрагининг тўрида ғазаби аскарлариникидай тошган жаноб де Тревиль сўзларни чертиб ва гўё қилич зарбидай тингловчиларининг кўксига санчиб-санчиб давом этарди. – Шунақами ҳали! Кардиналнинг олти гвардиячиси ҳазрат олийларининг олти мушкетёрини ҳибсга олса! Минг лаънат! Мен бир қарорга келдим. Шу ерданоқ Луврга жўнайман-да, бўшайман, қирол мушкетёрлари капитани унвонидан кечиб, кардинал гвардиячиларига лейтенант қилиб қўйишларини илтимос қиламан. Борди-ю, рад этишса, минг лаънат, аббат бўлиб оламан!

Шу сўзлардан сўнг девор ортидаги шовқин тўполонга айланиб кетди. Ҳар томондан лаънатлар ва сўкинишлар ёғила бошлади. «Минг лаънат!», «Худо-ю бор фаришталар!», «Ажал ва дўзах!» сингари хитоблар ҳавода муаллақ туриб қолди. Д'Артаньян кўзлари билан ўзи яширинса бўладиган бирор дарпарда қидирар ва енгиб бўлмас даражада столнинг остига кириб кетгиси келарди.

– Бўлмаса гап бундай, жаноб капитан! – ўзини тутолмай хитоб қилди Портос. – Биз ростдан ҳам олти кишига қарши олти эдик, аммо бизга туйқусдан хужум қилишди, биз қиличларимизни яланғочлаб улгурмасдан иккитамиз шарт ўлдирилди, Атос эса чунон оғир яраландики, ўликлардан кам фарқ қиларди; у икки марта туришга уриниб, иккала сафар ҳам ерга қулаб тушаверди. Барибир, бўш келмадик. Йўқ! Бизни зўрлик билан судраб кетишди. Йўлда биз яшириниб қолдик. Атосга келганда, уни ўлик ҳисоблаб, овора бўлишга арзимади, деб жанг майдонида тинч қолдириб кетишибди. Мана, иш қандай бўлган. Азбаройи шифо, капитан! Ҳар қандай жангда ҳам ютиб бўлавермайди. Улуғ Помпей Фарсал жангини, эшитишим-

ча, унча-мунча донғи чиққан қирол Францик Биринчи эса Павиядаги жанғни ютқазган.

– Мен ҳам маълум қилишга мушаррафманки, – деди Арамис, – ҳужум қилаётганларнинг бирини мен унинг ўз қиличи билан чопиб ташладим, чунки менинг қиличим биринчи ҳамладаёқ синиб кетди. Ўлдирдимми ёки чопиб ташладимми – сизга қай бири маъқул бўлса, шуниси, тақсир.

– Мен бунни билмабман, – бир оз юмшаб гапирди жаноб де Тревиль, – назаримда, жаноб кардинал унча-мунча оширган кўринади.

– Лекин, илтижо қиламан, тақсир, – де Тревилнинг юмшаганини кўргач, энди унга илтимос билан мурожаат этишга журъат қилиб давом этди Арамис, – илтижо қиламан, тақсир, ҳеч кимсага Атоснинг жароҳатланганини айтмасангиз. Бундан қирол хабар топгудай бўлса, унинг кўнгли хира бўлади. Лекин, жароҳат оғир бўлгани важҳидан тиф кифтни тешиб, кўксига етган – кўрқиш мумкинми...

Шу дақиқа дарпарданинг чети кўтарилди ва бўсағада ўктам ва гўзал, лекин ҳаддан ташқари рангпар юзли мушкетёр кўринди.

– Атос! – қичқириб юборишди иккала мушкетёр...

– Атос! – уларнинг кетидан такрорлади де Тревиль.

– Сиз мени чақирибсиз, жаноб капитан, – жаноб де Тревилга юзланиб деди Атос. Унинг овози заиф, лекин, мутлақо хотиржам эшитиларди. – Дўстларимнинг маълум қилишларича, мени чақирибсиз, ҳузурингизга шошдим. Амрингизга мунтазирман, тақсир!

Шу сўзларни айтиб, уст-боши бежирим ва ҳамишагидай қадди расо мушкетёр шахдам одимлар билан кабинетга кирди. Жасоратнинг бундай намунасидан дип-дилидан таъсирланган де Тревиль унга отилди.

– Мен боягина бу жанобларга мушкетёрларимнинг жонини эҳтиёжсиз хавф остида қолдиришларини тақиқлайман, деб эдим, – деди де Тревиль. – Мард киши-

лар қиролга азиздир, мушкетёрларнинг эса ер юзидаги энг жасур кишилар экани қиролга маълум. Қўлингизни беринг, Атос!

Киргувчининг дўстона туйғуларнинг бу туғёнига жавоб қилишини кутиб ўтирмасдан де Тревиль Атоснинг ўнг қўлини тутди-да, ўзининг бор матонатига қарамай унинг оғриқдан сесканиб кетгани ва гарчанд, бу имкон хорижида туюлса-да, ранги янаям оқариб кетганини пайқамай, уни кучининг борича қисди.

Эшик қия очилганича қолган эди. Бу ишлар атрофидаги махфиятдан қатъи назар, жароҳати кўпчиликка ошкор бўлган Атоснинг пайдо бўлиши ҳаммани ҳайрон қолдирди. Капитаннинг сўнгги сўзлари мамнуният шовқини билан қарши олинган ва икки-уч калла завқи жўшиб, дарпарда орасидан суқилган эди. Де Тревиль, эҳтимол, одоб қоидасининг бундай бузилишини аччиқ танбеҳ билан жазолашни унутмасди, лекин кўққисдан Атоснинг қўли унинг қўлида талвасада қалтираб кетганини сезиб қолди ва нигоҳини мушкетёрга кўчириб, унинг ҳушидан кетай-кетай деб турганини кўрди. Айни шу дам оғриқни босиш учун бор кучини йиғиб, барибир, енгилган Атос полга жонсиздай қулаб тушди.

– Табиб! – қичқириб юборди де Тревиль. – Меникими ё қиролникими – энг яхшисини! Табиб, ёки, минг лаънат, менинг мард Атосим ўлиб қолади!

Де Тревилнинг овозига у ёпиб қўйишни хаёлига ҳам келтирмаган эшикдан қабулхонада тўпланганларнинг ҳаммаси кабинетга ёпирилиб кирди. Ярадорга ҳамма парвона бўлиш билан овора. Лекин, табиб уйнинг ўзидан чиқиб қолмаган тақдирда барча уринишлар беҳуда кетарди. Оломонни итариб йўл очиб, у ҳамон беҳуш ётган Атосга яқинлашди ҳамда шовқин ва тўполон унга халал бераётгани сабабли беморни қўшни хонага ўтказишларини қатъий талаб этди. Жаноб де Тревиль шошиб эшикни очди-да, дўстларини қўлларида кўтариб бораётган Портос ва Арамисга йўл

кўрсатгани кўйи ўзи олдинда юрди. Унинг кетидан табиб эргашди, табибдан кейин эшик ёпилди.

Шунда келувчиларни ҳамиша ҳаяжонга солиб келган жаноб де Тревилнинг кабинети қабулхона бўлимига айланиб қолди. Тўпланганлар маҳмадоналик қилишар, товушларини пасайтирмай вайсашар ва кўпол иборалардан ҳам тап тортмай кардинал билан унинг гвардиячиларини жинлар маконига жўнатар эдилар.

Хийла вақт ўтгач, Портос ва Арамис қайтиб чиқишди. Ярадорнинг олдида де Тревиль билан табиб қолишди, холос.

Ниҳоят, жаноб де Тревиль ҳам қайтди. Унинг сўзларига қараганда ярадор ҳушига келган эди. Табиб беморнинг аҳволи дўстларини хавотирга солмаслиги керак, чунки дармонсизликка кўп қон йўқотиш сабаб бўлган деб ҳисобларди.

Сўнгра жаноб де Тревилнинг кўл имоси билан, гасконликка хос бир сўзлик ила ўзига қабул тайинланганлигини унутмай жойида қолган д'Артаньяндан бўлак ҳамма чиқиб кетди.

Эшик ёпилгач, де Тревиль ўгирилди-да, ёш йигит билан юзма-юз тўқнашди. Рўй берган воқеалар унинг хаёллар риштасини узиб қўйган эди. У саботли зиёратчининг истаги нималигини суриштирди. Д'Артаньян де Тревилнинг хаёлида ҳам ўтмишни, ҳам ҳозирги кунларни бир йўла уйғотиб, ўзини танитди.

– Узр, муҳтарам юртдошим, – деди у табассум билан, – мен сизни мутлақ унутиб қўйибман. Иложим қанча: капитан – бу оила бошлиғининг худди ўзи, фақат оддий отадан кўра кўпроқ нарсаларга жавобгар. Аскарлар – бу ёши катта гўдаклар, лекин мен қиролнинг ва хусусан жаноб кардиналнинг фармойишларини бажарилишини талаб этганим сабабли...

Д'Артаньян табассумини яширолмади. Бу табассум жаноб де Тревилга қаршисидаги йигит ҳаргиз фаросатсиз эмаслигини кўрсатди-ю, у дарҳол ишга кўча қолди.

– Мен отангизни жуда севардим, – деди у. – Ўғлига қандай нафим тегаркин? Тезроқ гапиринг, вақтим тугай деб қолди.

– Тақсир, – деди д’Артаньян, – Тарбдан Парижга жўнаётганимда сиз унутмаган ўша дўстлик ҳурмати сиздан мушкетёрлик ридосини сўраб олишни умид қилган эдим. Лекин, шу икки соат мобайнида кўрган нарсаларимдан кейин бу марҳамат қандай улканлигини идрок этиб, унга арзимамайманми, деб қўрқяпман.

– Ҳа, йигитча, бу ҳақиқатан ҳам марҳамат, – жавоб берди жаноб де Тревиль. – Лекин, сиз учун ўйлаганингиздек ёки ўйлаганга солаётганингиздек қўл етмас бўлмаса керак. Дарвоқе, ҳазрат олийларининг бир фармойиши бундай ҳолни назарда тутди ва таассуфки, сизга маълум қилишим позимки, у ҳеч кимсани бир неча жангларда синалмагунча, бирор ёрқин қаҳрамонликлар кўрсатмагунча ёки бизникидан жўнроқ полқда икки йил хизмат ўтамагунча мушкетёрликка қабул қилмайди.

Д’Артаньян индамай таъзим қилди. Ниятига етиш нечоғлик мушкуллигини билганидан бери у мушкетёрлик либосини яна ҳам кучли қўмсай бошлади.

– Лекин, – ўз юртдошига, гўё унинг юрагига қўл солиб кўрмоқчидай, унга ўткир нигоҳини қадаб давом этди де Тревиль, – лекин, отангизга, сизга айтганимдек эски дўстимга бўлган ҳурматим туфайли сиз учун бирор нарса қиларман, йигитча. Бизнинг беарнлик йигитларимиз камдан-кам бадавлат бўлишади, мен қадрдон ўлкани ташлаб кетганимдан бери аҳвол кўп ўзгармагандир, деб ўйлайман. Олиб келган пулларингиз кун кечиришга етиши маҳолдир.

Д’Артаньян бутун қиёфаси билан ҳеч кимдан садақа сўрамаётганини кўрсатиб, мағрур қад ростлади.

– Бас, бас, йигитча, – давом этди де Тревиль, – менга бу қилиқлар таниш. Мен Парижга чўнтагимда тўрт экю пул билан келганман ва менга Луврни сотиб олишга қурби етмайди, дейишга журъат этолган ҳар кимсани муборазага чақиришим турган гап эди.

Д'Артаньян бошини баландроқ кўтарди. Отни со-тиш шарофати билан у ўз мартабасини дастлабки пайтлар де Тревил эга бўлганидан тўрт эки кўпроқ пул билан бошламоқда эди.

– Демак, – давом этди капитан, – келтирган маб-лағингизни, у қанчалик кўп бўлмасин, сақлаб қўйи-шингиз лозим. Лекин, яна қурол тутиш санъатини такомиллаштиришингиз лозим – бу дворян кишига зарур. Мен бугун Қирол академиясининг бошлиғига мактуб ёзиб бераман ва эртадан бошлаб у сизни ҳеч бир ҳақ талаб этмасдан қабул қилади. Бундан бош тортманг. Бизнинг ёш дворянларимиз, ҳатто, энг аслзода ва бадавлатлари ҳам кўпинча у ерга кириш-га беҳуда уриниб юрадилар. Сиз от миниш, қилич-бозлик ва рақслар ўрганасиз. Фойдали таниш-би-лишлар орттирасиз, менинг ҳузуримга эса ора-сира келиб турасиз, ишларингиз қандай бораётгани, сиз-га қандай ёрдам қилишим тўғрисида менга ахборот бериб турасиз.

Сарой ҳийлалари д'Артаньян учун нечоғлик бего-на бўлмасин, барибир, у бу қабулнинг совуқлигини ҳис қилди.

– Эвоҳ! – хитоб қилди у. – Отам берган тавсиянома билан мактубнинг ҳозир ўрни қандай билинаётгани-ни кўриб турибман.

– Дарҳақиқат, – жавоб берди де Тревил, – биз беарникларга шу қадар зарур, ўша ягона сеҳрли ка-литсиз бунча олис сафарга отланганингиздан тааж-жубдаман.

– Мактубим бор эди, тақсир, худога шукур, туппа-тузук ҳам ёзилган эди! – хитоб қилди д'Артаньян. – Лекин, уни мендан ҳийла билан ўғирлаб кетишди!

Шундан кейин у Менгда юз берган воқеаларнинг ҳаммасини ҳикоя қилиб, нотаниш дворянни барча тафсилотлари билан тасвирлаб берди. Унинг жўшқин нутқидан уфуриб турган самимият де Тревилга ман-зур бўлди.

– Галати воқеа... – ўйчан гапирди мушкетёрлар капитани. – Сиз, демак, баланд овоз билан менинг номимни тилга олдингизми?

– Ҳа, албатта. Мен эҳтиётсизлик қилиб қўйдим. Лекин, иложим қанча, сизники сингари ном йўлда менга қалқон бўлиб хизмат қилиши керак эди-да. Уни қанча кўп дастак қилганимни ўзингиз ўйлаб кўринг.

Хушомад у маҳаллар расм бўлган эди, де Тревиль ҳам ҳар қандай қирол ёки кардинал сингари мақтовдан таъсирланарди. Шу сабабдан у мамнун бўлганини ифода этгувчи табассумни тиёлмади, лекин, табассум бирпасда сўнди.

– Айтинг-чи, – Менгдаги воқеага қайтиб, ўзи гап бошлади у, – айтинг-чи, ўша дворяннинг чаккасида энгил чандиқ йўқмиди?

– Ҳа, ўқ тешиб ўтгандай.

– У келишган кишимиди?

– Ҳа.

– Барвастамиди?

– Ҳа.

– Рангпар, сочлари қорами?

– Ҳа, ҳа, худди шундай. Сиз қаердан у кишини танийсиз, тақсир? Оҳ, зора мен уни бирор кун қидириб топсам – онт ичаманки, мен уни дўзахдан бўлсаям қидириб топаман...

– У аёл кишини кутармиди? – унинг сўзини бўлди де Тревиль.

– Ҳарҳолда, ўша аёл билан бир-икки оғиз гаплашиб олгандан кейингина жўнаб кетди-ку.

– Улар нималарни гаплашганини сиз билмайсизми?

– У аёлга қутича бериб, ундан фармойишларни топажагини айтди ва қутичани фақат Лондонда очишни таклиф этди.

– Ўша аёл инглизмиди?

– У, миледи деб гапирди.

– Бу ўша! – шивирлади де Тревиль. – Бу ўша! Мен бўлсам уни ҳалиям Брюсселда деб ўйлаб юрибман.

– О, тақсир, – хитоб қилди д’Артаньян, – унинг ким ва қаерданлигини менга айтиб беринг, мен сиздан бундан бўлак ҳеч нарсани, ҳатто, мушкетёрликка қабул қилишингизни ҳам сўрамай қўя қоламан! Негаки, мен аввало у билан ҳисоб-китоб қилишим керак.

– Сизни худо асрасин бундан, йигитча! – хитоб қилди де Тревиль. – Уни кўчада учратиб қолгудай бўлсангиз – дарҳол бошқа томонга ўтиб олишга шошилинг. Бу қояга йўлиқманг – шишадай синиб кетасиз.

– Барибир, – деб қўйди д’Артаньян, – агар уни учратиб қолсам...

– Ҳарҳолда, ҳозирча уни қидиришингизни маслаҳат бермайман, – деди де Тревиль.

Тўсатдан кўнглига ғалати шубҳа келиб, де Тревиль жимиб қолди. Отасининг мактубини гўё ўғирлаган кишига нисбатан йигит билдираётган жўшқин нафрат... Ким билсин, бу нафрат остида маккор режа яширинганми? Бу йигитни падари бузруквор юборган бўлсачи? У де Тревилни қўлга тушириш ниятида келган бўлсачи? Ўзини д’Артаньян деб танитаётган бу одам, бошқаларнинг бошига тушгандек, унинг ҳам пинжига кириб, кейин ҳалок қилмоқчи бўлган жосус эмасмикан? У д’Артаньянга аввалгидан ҳам синчиклаброқ разм солди. Ақл, муғамбирлик ва сохта сиполикни ифодалаб турган бу серҳаракат чеҳра унинг кўнглига унчалик таскин бермади.

«Рост, мен унинг гаскондан эканини биламан, – хаёлидан ўтказди де Тревиль. – Лекин, у ўз қобилиятини худди менга қабалида кардинал учун ҳам ишга солиши мумкин-ку. Уни бир синаб кўрайлик...»

– Дўстим, – шошмасдан гапирди у, – ўзимнинг эски дўстимнинг ўғли олдида – зеро, мактуб воқеасининг ҳаммасини инобатга олаяпман – дарров рўйхуш бермаганимни ювиш учун сиёсатимизнинг сирларини сизга очиб бермоқчиман. Қирол билан кардинал – энг яхши дўстдирлар. Улар орасидаги ёлғондакам келиш-

мовчиликлар фаросатсиз одамларни алдаш учунгина хизмат қилади. Омад учун яратилган гўзал, келишган йигит, менинг юртдошим бу найрангларга учиб, панд еб қолишини унга раво кўрмайман. Шунинг эслаб қўйингки, мен бу икки қудратли жанобларга содиқман ва ҳар қадамим қиролга ва Франция қачонлардир яратган энг улўф донишмандларнинг бири бўлмиш жаноб кардиналга хизмат қилишни кўзда тутди. Ҳозирдан эътиборан буни маълумотингизга олинг ва мабодо кўнгил қўйига кирибми, оилавий ёки дўстона алоқалар орқасиданми, кардиналга нисбатан бир хил дворянлар сингари кек сақлаб юрган бўлсангиз, сиз билан хайр-маъзур қиламиз. Мен ҳар қандай шароитда сизга мадад бераман, лекин ўзимга яқинлаштирмайман. Ҳар қалай, очиқ сўзлим сизни менга хайрихоҳ қилади, деган умиддаман, зеро, сиз шу маҳалгача мен шу зайл гаплашган бирдан-бир йигитсиз.

«Мабодо бу тулкини ёнимга кардинал юборган бўлса, – ўйларди де Тревиль, – ундан қанчалар нафратланишимни билиб, ишончимни қозониш учун у тўғрисида оғизга келганни жавраш энг яхши усул деб ўқтиргани аниқ. Бу маккор таъкидлашларимга қарамай, падари бузруквордан ҳазар қиламан, деб мени ишонтириши турган гап».

Аммо, ҳаммаси де Тревиль кутгандай эмас – тамом бошқача бўлди.

– Тақсир, – оддийгина қилиб деди у, – мен Парижга худди шу ниятлар билан келганман. Отам Франциянинг биринчи кишилари деб ҳисоблагувчи қирол, жаноб кардинал ва сиздан бўлак ҳеч кимга бўйсунмасликни менга насиҳат қилган эди.

Д'Артаньян де Тревилнинг номини аввалги икки номга қўшимча қилиб гапирганини пайқаш мумкин. Лекин, бу қўшимча, унинг наздида, ишни пачава қилолмасди.

– Шунинг учун, – давом этди у, – мен жаноб кардинални чуқур иззат қиламан, унинг ҳаракатларига тан

бераман... Сиз менга айтганингиздек, тўла самимият билан гапирган бўлсангиз, мен учун тагин яхши. Демак, сиз фикрларимизнинг ўхшашлигини пайқаб, менга илтифот кўрсатгансиз. Лекин, мабодо сиз менга ишонқирамай муомала қилган бўлсангиз – бу эса жуда табиий гап – унда бу сўзлар билан ўзимни, сизнинг назарингизда, бебурд қиляяпман. Лекин, барибир, сиз менинг ростгўйлигимнинг қадрига етасиз, ўзим учун эса оламда мен тўғримдаги сизнинг дуруст фикрингиздан қимматлироқ нарса йўқ.

Де Тревиль ҳангу манг бўлиб қолди. Бундай зако, бундай самимият уни қойил қолдирар, лекин шубҳаларини буткул тарқатолмас эди. Бу йигитнинг бошқа ёшларга нисбатан афзаллиги қанчалик аён бўлса, башарти, де Тревиль ундан адашган тақдирда, эҳтиёт бўлиш учун омиллар шунча кўпаярди.

– Сиз софдил кишисиз, – деди у д'Артаньяннинг қўлини қисиб, – лекин ҳозир сиз учун фақат таклиф этган нарсаларимни қилоламан. Уйимнинг эшиги сиз учун ҳамиша очиқ бўлади. Ҳузуримга истаган маҳал келиб туриш ва бинобарин, қулай фурсатни топиш имконига эга бўлиб, ният қилган нарсангизга кейинроқ етсангиз, ажаб эмас.

– Бошқача қилиб айтганда, – деди д'Артаньян, – сиз мени шу марҳаматга муносиб бўлишимни кутяпсиз, тақсир. Ҳўп, майли, – гасконлик кишига хос бамайлихотир қўшиб қўйди у: – Сиз узоқ кутиб қолмайсиз.

Энди қолган нарсалар ёлғиз ўзига тааллуқли бўлиб қолгандай у кетишга чоғланиб, таъзим қилди.

– Сабр қилсангиз-чи, – уни тўхтатиб деди де Тревиль. – Мен Қирол академияси бошлиғига мактуб ваъда қилгандим сизга. Ёки уни мендан олишга ориятингиз келяптими, йигитча?

– Йўқ, тақсир, – эътироз билдирди д'Артаньян. – Мен унинг қисмати отамнинг мактуби сингари бўлмайди, деб сизга кафолат бераман. Уни бирам

авайлаб сақлайманки, қасам ичаман, у тайинлаган жойга етади ва уни мендан ўғирламоқчи бўлганнинг ҳолига вой!

Бу мақтаниш де Тревилнинг лабларига табассум кўндирди. Ёш йигитни улар ҳозиргина суҳбатлашган дераза олдида қолдириб, у ваъда қилинган мактубни ёзиш учун столга ўтирди. Бу орада бўш қолган д'Артаньян уйни бирин-сирин тарк этаётган мушкетёрларни кўча муюлишигача нигоҳи билан кузатган ҳолда ойнада қай бир маршни чертарди.

Жаноб де Тревиль мактубни ёзиб бўлиб, уни елимади, конвертни йигитга топшириш учун ўрнидан туриб, унга қараб юрди. Лекин д'Артаньян мактубга айна кўл чўзган пайти де Тревиль таажжуб билан йигитнинг бирдан сесканиб кетганини ва ғазабдан бўғилиб, жонжаҳди билан:

– Йўқ, минг лаънат! Бу гал мендан қутулиб бўпсан! – дея қичқирганича кабинетдан отилиб чиқиб кетганини кўрди.

– Ким? Ким? – сўраб қолди де Тревиль.

– Уша, ўғри! – йўл-йўлакай жавоб берди д'Артаньян. – Оҳ, лаънати! – Шу сўзлар билан у эшик ортида ғойиб бўлди.

– Телба! – тўнғиллади де Тревиль. – Агар фақат... – секин қўшиб қўйди у, бу ҳунари ўтмаганига ақли етиб, жуфтакни ростлаш учун топган ҳийласи бўлмаса.

IV

Атоснинг кифти, Портоснинг тасмаси ва Арамиснинг рўмолчаси

Д'Артаньян қутургандай уч ҳатлаб, қабулхонадан учиб ўтди ва ундан сақраб тушмоқчи бўлиб, энди зина майдончасига чиққанда жаноб де Тревиль ҳузуридан, ён эшикдан чиқаётган мушкетёрга зарб билан урилиб кетди. Мушкетёр оғриқдан бақириб ёки тўғрироғи, бўкириб юборди.

– Мени авф этинг, – йўлида давом этиш ниятида деди д'Артаньян, – мени авф этинг, шошиб турибман.

У кейинги зинага тушгунча бўлмай, метиндек қўл уни тасмасидан тутиб, таққа тўхтади.

– Сиз шошиб турибсиз, – хитоб қилди ранги мурданикидай ўчган мушкетёр, – ва шуни баҳона қилиб, менга ташланасиз-да, «авф этинг» дейсиз-у, шу билан иш битди, деб ўйлайсизми? Бундай эмас, йигитча. Жаноб де Тревиль бугун бизга кескин гапирган бўлса, буларни менсимай муомала қилсам бўлаверади, деб хаёл қилдингизми? Хато қиласиз, йигитча. Сиз жаноб де Тревиль эмассиз.

– Гапимга ишонинг, – яраси боғлангандан сўнг қайтаётган Атосни таниб жавоб берди д'Артаньян, – гапимга ишонинг, буни билмасдан қилдим, билмасдан қилиб қўйиб, сизга «Мени авф этинг» дедим. Менимча, шу кифоя. Ҳозир эса такрор айтаяпман – бу, эҳтимол, ортиқча ҳамдир – мен шошиб турибман, жуда шошяпман. Шунинг учун сиздан илтимос қиламан: мени қўйворинг, мени тўсманг.

– Тақсир, – тасмани қўйиб юбориб деди Атос, – сиз беодобсиз. Олисдан келганингиз дарров билиниб турибди.

Д'Артаньян уч зинадан тушиб улгурган эди, лекин Атоснинг сўзлари уни таққа тўхтатиб қўйди.

– Минг лаънат, тақсир! – деди у. – Олисдан келган бўлсам ҳам мени яхши қилиқларга ўргатадиган киши сиз эмассиз, сизни огоҳлантириб қўяй.

– Ким билади дейсиз! – деди Атос.

– Оҳ, кошки мен шунчалик шошмасам эди, – хитоб қилди д'Артаньян, – кошки бир кишини қувмасам эди...

– Гап бундай, жаноб шошқалоқ, мени қувламасдан топасиз, эшитяпсизми?

– Ҳўш қаерда, айтолмайсизми?

– Дешо монастри олдида.

– Қай соатда?

– Ўн иккиларда.

– Ўн иккилардами? Яхши, жойида бўламан.

– Мени кутдирмасликка ҳаракат қилинг. Ўн иккидан чорак ўтганда, бирпасда қулоқларингизни қирқиб қўяман.

– Яхши, – қичқирди д'Артаньян, – ўнта кам ўн иккида ҳозир бўламан!

Шошмасдан кетаётгани учун унча узоқлашмагандир деб ҳамон нотаниш кишини қувиб етишга умидвор бўлиб, у савдойи сингари ғизиллаб чошиб кетди.

Бироқ, дарвоза ёнида у қоровул билан суҳбатлашиб турган Портосни кўриб қолди. Иккала ҳамсуҳбат орасида бир киши сирғалиб ўтгудек бўш жой бор эди. Д'Артаньянга бу жой етарлидай туюлди-ю, улар орасидан ўқдай учиб ўтиб кетишни мўлжаллаб, ўзини тиккасига урди. Лекин, д'Артаньян шамолни ҳисобга олмаган эди. У ҳамсуҳбатлар орасидан лип этиб ўтиб кетмоқчи бўлиб турган пайти шамол Портоснинг узун ридосини ёйиб юборди, д'Артаньян унинг қатлари орасида ўралашиб қолди. Либосининг бу қисмидан ажралмаслик учун Портоснинг жиддий сабаблари бор эди, шекилли, у ушлаб турган барини кўйиб юбориш ўрнига уни ўзига қаратиб тортди, натижада, д'Артаньян ўжар Портоснинг айби билан қандайдир айланма ҳаракат қилиб, ридо бахмалига бутунлай ўралди қолди.

Ўзининг шаънига мушкетёр ёғдираётган лаънатларни эшитиб, у ридонинг остидан чиқиб кетишга уринар, унинг бурмаларини кўрга ўхшаб пайпасларди. Ҳаммадан кўра у биз ҳикоя қилиб ўтган кўркем тасмага бирор зиён етказиб қўйишдан қўрқарди. Аммо, у кўрқа-писа кўзларини хиёл очиб, бурни Портоснинг орқасига, худди кураклари ўртасига, бошқача қилиб айтганда, нақ тасманинг ўзига тиралиб қолганини кўрди.

Ҳайҳот, бу оламдаги усти ялтироқ кўп нарсалар сингари Портос тасмасининг олд томонидаги зар кашталари ял-ял ёнарди, холос, орқаси эса оддий қўтос те-

рисидан эди. Портос зар тасмани харид қилолмай асл мақтанчоқ сифатида лоақал олдиға зар тикилганини олган эди. Уйдирма тумов ҳам, ридонинг зарурлиги ҳам шу важдан эди.

– Шайтон! – орқасида тимирскиланаётган д’Артаньяндан қутулиш учун ақлга сиғмайдиган ҳаракатлар қилиб, бўкириб юборди Портос. – Сиз ақлдан озган-мисизки, одамларга ташланасиз?

– Авф этинг, – паҳлавоннинг тирсаги остидан мўра-лаб деди д’Артаньян, – лекин мен жуда шошиб турибман, бир кишини қувиб кетяпман...

– Бировни қуваётганда кўзларингизни уйда қолдирасизми, нима бало? – деб бақирди Портос.

– Йўқ, – ранжиб гапирди д’Артаньян, – йўқ, менинг кўзларим бошқаларнинг кўзи ўтмайдиган нарсаларни ҳам кўришга имкон беради.

Портос тушундими ёки тушунмадими, лекин ўз ғазабига тўла эрк берди.

– Тақсир, – деб тўнғиллади у, – сизни огоҳлантириб қўяй: мушкетёрларга тегажоқлик қилсангиз, охири адабингизни еб қоласиз.

– Адабимни-я? – қайта сўради д’Артаньян. – Зўр гап бўлдимми?

– Душманининг юзига тик қарашга одатланган одамнинг гапи бўлди.

– Бўлмачам-чи! Орқангизни ҳеч кимга кўрсатмаслигингиз менга яхши маълум.

Ўзининг шўх ҳазилидан завқи жўшган йигит овозини баралла қўйиб, хахолаганча нари кетди.

Қаҳри келган Портос дилозорига ташланмоқчи бўлиб, талпинди.

– Кейин, кейин! – қичқирди унга д’Артаньян. – Эгингизда ридоингиз бўлмаганда.

– Демак, соат бирда, Люксембург саройининг орқасида.

– Жуда соз, соат бирда! – муюлишга бурила туриб жавоб берди д’Артаньян.

Лекин, на ўзи югуриб ўтган кўчада, на нигоҳи қамрай оладиган бу кўчада бирор қора кўринмасди. Потаниш киши нечоғлик секин юрмасин, барибир, кўздан ғойиб бўлишга ёки бирор уйга кириб кетишга улгурган эди. Д'Артаньян дуч келган кишиларнинг ҳаммасидан уни суриштириб кўрди, сув бўйига тушди, Сена кўчасига қайтиб келди, Қизил Крест кўчасини кезиб чиқди. Ҳеч гап йўқ, мутлақо йўқ! Ҳар қалай, бу таъқибнинг унга нафи тегди: манглайдан тер чиққан сайин, юраги бўшайверди.

У рўй берган воқеалар тўғрисида хаёл суриб, ўйга ботди. Бу воқеалар кўп, лекин ҳаммаси ҳам нохуш эди. Ҳали энди эрталабки соат ўн бир эди-ю, бу эрта аллақачон де Тревилнинг ғазабига дучор бўлишга улгурди, чунки д'Артаньяннинг кутилмаганда кетиб қолишини у одобсизлик ифодаси, деб ўйламай қолмасди.

Бундан ташқари, ҳар бири учта д'Артаньянни ўлдиришга қодир кишилар билан, хуллас, икки мушкетёр билан, яъни ўзи чуқур эҳтиром билан қараб, кўнглида барча кишилардан юқори қўйиб юрган зотлар билан икки муборазага чалинди.

Аҳвол кўнгилисиз эди. Атос томонидан ўлдирилишига ишонган ҳолда, Портос билан муборазадан унча хавотирланмагани турган гап. Ҳар қалай, модомики, умид инсон қалбида сўнгувчи энг охирги нарса экан, у, даҳшатли жароҳатлар олсам ҳам, ҳарҳолда, тирик қоламан, деб умидвор бўла бошлади ва эҳтиёт шарт, келгуси ҳаётини режаларкан, хатолари учун ўзини койиди:

«Мен қандай фаросатсиз, қўполман-а! Бу бечора, мард Атос мен молга ўхшаб бошим билан туртиб юборган кифтидан яралаган эди. Ўша жойнинг ўзида мени ўлдириб қўя қолмаганига ҳайрон қоласан, киши – бунга унинг ҳақи бор эди: мен унга қаттиқ азоб бердим, шекилли. Портосга келганда эса... о, Портосга келганда – худо ҳақи, иш қизиқроқ!...»

Ўзининг хомуш хаёлларига қарамай, бу бесабаб кулги бирортасини ранжитиб қўймасмикин деб ҳарҳолда, атрофга аланглаб олиб, у ўзини кулгидан тиёлмай қолди.

«Портосга келганда иш қизиқроқ. Лекин, мен ҳам аҳмоқман. Одамларга шундай ташланиб бўларканми – буни қаранг-а! Яна йўқ нарсани кўриш учун ридосининг остига кириб чиққанганимни айтмайсизми? Бу лаънати тасмани пеша қилиб унга ёпишиб олмаганимда у мени кечирарди, албатта. Рост, мен шама қилдим, холос, лекин, қандай бошлаб шама қилдим-а! Эй, мен шайтон гасконлиг-эй, лўзахнинг қозонида ҳам аския қилганим бўлсин... Дўстим д'Артаньян, – ўзига жуда тушунарли меҳрибонлик билан мурожаат қилиб давом этди у, мабодо омон қолсанг, бу маҳол гапку-я, бундан кейин ибрат бўлгудай илтифотли бўлиш керак. Ҳозирдан эътиборан ҳамма сени ҳавас қилиши ва сени ўрнак қилиб кўрсатиши керак. Одоби ва эътиборли бўлиш қўрқоқлик деган гап эмас. Арамисга бир қара! Арамис мулойимликнинг ўзгинаси, нафосатнинг мужассами, Арамисни қўрқоқ дейиш бирор кимсанинг хаёлига келадими, ахир? Албатта, йўқ! Ҳозирдан эътиборан мен ҳамма нарсадан ўрнак оламан. Э-э, ана унинг ўзи!»

Д'Артаньян ҳамон ўзига-ўзи гапирганча д'Егилён иморати қаршисига келиб қолди ҳамда бу ерда, уй олдигинасида тўхтаб, қиролнинг икки гвардиячиси билан суҳбатлашаётган Арамисни кўрди. Арамиснинг кўзи ҳам д'Артаньянга тушди. Бугун эрталаб шу йигит иштирокида де Тревилнинг аччиғи чиққанини у унутмаган эди. Мушкетёрларга ёғдирилган таъналарни эшитиб қолган киши Арамисга хуш ёқмасди, шу учун у ўзини д'Артаньянни кўрмаётганга солиб қўя қолди. Бу орада ўзининг илтифот ва одоб намунаси бўлиш тўғрисидаги режалари билан банд д'Артаньян йигитларга яқинлашди-да, энг илтифотли табассумини қўшиб, ғоят назокатли таъзим бажо келтирди. Арамис

хийёл эгилди-ю, жилмаймади. Учалови ҳам субҳатни узиб қўйишди.

Д'Артаньян ўзининг ортиқча бўлиб турганини сезмайдиган фаросатсиз эмасди. Лекин, чала таниш одамларнинг ёнига бориб, ўзига даҳлсиз суҳбатга араллашиб қолган кишининг ноқулай аҳволдан қутулиб кетиш учун у ҳали олий табақа одатларининг ҳадисини етарли даражада олмаган эди. У ўз ҳамиятига путур етказмасдан бу ердан жўнаб қолишга чора тополмай турган пайти қўққис Арамис рўмолчасини тушириб юборганини ва паришонликдан бўлса керак, уни оёғи билан босиб олганини кўриб қолди. Хижолатдан чиқиш учун баҳона топгандай туюлди д'Артаньянга. Эгилиб, энг дилкаш бир қиёфада мушкетёрнинг оёғи остидан, у зўр бериб босишига қарамай, рўмолчани суғуриб олди.

– Мана рўмолчангиз, тақсир, – ғоят тавозе билан деди у, – уни йўқотиш сизга алам қилар, эҳтимол.

Рўмолчага чиндан ҳам серҳашам кашта туширилган бўлиб, бир бурчида тож билан герб ажралиб кўринарди. Арамис қип-қизариб кетди-ю, рўмолчани гасконлик йигитнинг қўлидан нақ юлқиб олди.

– Ана холос, – хитоб қилди гвардиячилардан бири, – бу дилбар хоним шунчалар илтифот кўрсатиб, рўмолчасини бериб тургандан кейин писмиқ Арамисимиз де Буа-Траси хоним билан орамиз бузуқ, деб бизни ишонтирмайди энди.

Арамис д'Артаньянга ашаддий душман ортирганини равшан англатгувчи бир қараш қилди-да, шу заҳоти ўзининг одатий чучмал оҳангига ўтиб олди.

– Сизлар янглишяпсиз, жаноблар, – деди у. – Бу рўмолча асти меники эмас, билмайман, нега сизларнинг бирортангизга эмас, айнан менга узатиш бу жанобнинг хаёлига келдийкин? Менинг рўмолчам чўнтагимдалиги сўзларимнинг энг яхши далили бўлиши мумкин.

Шу сўзлар билан у чўнтагидан энг юпқа батистдан қилинган – батист эса ўша йилларда жуда қиммат ту-

рарди – буниси ҳам жуда нафис, лекин, ҳеч қандай кашта ва гербсиз, атиги эгасининг монограммаси²⁵ белгиланган ўз шахсий рўмолчасини чиқарди.

Бу дафъа д'Артаньян индамади: у ўз хатосини тушунган эди. Лекин, Арамиснинг улфатлари унинг барча исботларига қарамай бўш келишмади. Уларнинг бири ясама жиддият билан мушкетёрга юзланди.

– Мабодо, гап сен айтаётгандай бўлса, азизим Арамис, – деди у, – мен сендан бу рўмолчани талаб қилишга мажбурман. Сенга маълумки, Буа-Траси менинг яқин дўстим бўлади, бирор киши унинг рафиқасига тегишли нарсани пеш қилиб юришини истамайман.

– Илтимос қилишни сен эплаёлмадинг, – жавоб берди Арамис. – Сенинг талабинг тўғрилигини тан олганим ҳолда унга берилган шакл учун рад қиламан.

– Дарвоқе, – журъатсизгина илова қилди д'Артаньян, – рўмолча жаноб Арамиснинг чўнтагидан тушганини мен кўрганим йўқ. Жаноб Арамис уни босиб олди, шу учун рўмолча уникамикан, деб ўйладим.

– Ҳам янглишдингиз, – д'Артаньяннинг ўз гуноҳини ювиш истагини гўё пайқамай совуқ гапирди Арамис. – Айтгандек, – Буа-Траси билан дўстлигини баҳона қилган гвардиячига юзланиб давом этди Арамис, – менинг Буа-Траси билан меҳру оқибатларим сеникидан, унинг қалин дўстиникидан кам эмаслиги эсимга тушиб кетди, шунга кўра... рўмолча худди меники сингари сенинг чўнтагингдан тушган бўлиши мумкин.

– Йўқ, виждоним ҳақи қасам ичаман! – хитоб қилди ҳазрат олийларининг гвардиячиси.

– Сен виждонинг ҳақи онт ичасан, мен эса – чин сўзимни кафилга қўяман, лекин, иккимиздан биримиз ёлғон гапираётганимиз, шубҳасиз, Биласанми нима, Монтаран? Кел, яхшиси, уни бўлишиб олайлик.

²⁵ Монограмма – номларнинг бош ҳарфлари чатиб тузилган гулдор ёзув.

– Рўмолчаними?

– Ҳа.

– Офарин! – қичқириб юборишди гвардиячи улфатлар. – Соломон суди! Арамис, чиндан ҳам мужжасам ақлсан!

Йифитлар қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди, бутун гап шу билан барҳам топгани ҳар кимсага аён эди. Бир неча дақиқадан сўнг суҳбат узилди ва ҳамсуҳбатлар бир-бирларининг қўлларини самимият билан қисиб, хўшлашдилар. Гвардиячилар бир тарафга, Арамис – бошқа томонга юриб кетишди.

«Мана, бу олижаноб киши билан ярашиб оладиган қулай фурсат», – ўйлади суҳбат давомида четга чиқиб турган д'Артаньян.

У хайрли туйғуга бўйсуниб, унга ортиқ парво қилмай кетаётган мушкетёрни қувиб етишга шошилди.

– Тақсир, – мушкетёрга етай-етай деб қолганда гапирди д'Артаньян, – мени авф этасиз, деб умид қилман...

– Муҳтарам жаноб, – унинг сўзини бўлди Арамис, – бу масалада сиз ўзингизни олижаноб кишига ярашмаган тарзда тутганингизни айтиб ўтишга ижозат бергайсиз.

– Ие, муҳтарам жаноб! – хитоб қилди д'Артаньян. – Сиз ҳали ўйлайсизки...

– Мен ўйлайманки, тақсир, сиз аҳмоқ эмассиз ва Гаскондан келган бўлсангиз ҳам рўмолчага сабабсиз оёқ қўйилмаслиги сизга маълум бўлса керак. Париж батис рўмолчалар билан қопланганмас, азбаройи шифо!

– Тақсир, мени камситишга бекор уринаяпсиз, – жиззаки феъли тинч ниятларидан устун кела бошлаб деди д'Артаньян. – Мен ҳақиқатан ҳам Гаскондан келганман ва, модомики, бу сизга маълум экан, гасконликлар унчалик тўзимли бўлмайди, деб эслатиб ўтиришимнинг ҳожати йўқ. Гарчи, номаъқулчилик қилган тақдирда ҳам улар бир қур узр сўраб, керагидан икки ҳисса ошириб юбордик, деб ишониб юришади.

– Тақсир, мен буни ҳаргиз сиз билан жанжаллашиш истагида айтмадим. Мен, худога шукур, аллақандай уришқоқ эмасман, мушкетёрлигим ҳам омонат, холос. Мен фақат ноилож қолганда уришаман, ҳаминша кўнглим тортмай туради. Лекин, бу гап иш ҳазилакам эмас, бунда гап сиз обрўсини тўккан хоним ҳақида кетаяпти.

– Биз обрўсини тўккан! – хитоб қилди д'Артаньян.

– Менга рўмолчани узатганингиз нимаси?

– Рўмолчани туширганингиз нимаси?

– Мен сизга бир айтдим ва такрор айтаман, бу рўмолча менинг чўнтагимдан тушгани йўқ.

– Демак, сиз икки марта ёлғон гапирдингиз, тақсир, зеро уни худди сизнинг чўнтагингиздан тушганини ўзим кўрдим.

– Аҳ, ҳали шунақа гаплашаман денг, жаноб гасконлик! Мен сизга муомалани ўргатиб қўяман!

– Мен бўлсам, сизни ибодат қиладиган жойингизга қайтариб юбораман, жаноб аббат! Марҳамат қилиб, қиличингизни чиқаринг, қани, бўлинг!

– Йўқ, йўқ, азизим, бу ердасиз, ишқилиб. Сиз кўрма-япсизми ахир, биз кардинал ҳамтовоқларига тўлиб-тошган д'Егилёнлар уйининг қаршисида турибмиз. Бошимни келтиришни сизга падари бузруквор буюрмаган, деб ким кафил бўлади? Биласизми, мен кулгили равишда ўз бошимни қадирлайман. У елкаларимда жуда ярашиб тургандай кўринади менга. Шунинг учун мен сизни ўлдиришга розиман, хотиржам бўлинг, лекин, ажалингизни сиз ҳеч кимга кўз-кўз қилолмайди-ган овлоқроқ жойда шов-шувсиз ўлдираман.

– Хўп, майли. Фақат кўп ўзбилармонлик қилмай, рўмолчангизни ола келинг: у сизга тегишлими ёки йўқми, лекин асқотиб қолиши мумкин.

– Сиз гасконликмисиз, тақсир? – истехзо билан сўради Арамис.

– Ҳа. Гасконликлар одати эҳтиёткорлик қилиб му-боразани кечиктиришмайди.

– Эҳтиёткорлик мушкетёр учун ортиқча фазилат, буни биламан. Лекин, руҳонийга у зарур. Мен фақат вақтинча мушкетёр бўлганим важҳидан эҳтиёткорликни афзал биламан. Соат иккида жаноб де Тревилнинг уйида сиз билан учрашиш шарафига мушарраф бўлман. У ерда муборазага қулай жойни сизга кўрсатаман.

Йигитлар таъзим қилишгач, Арамис Люксембург саройи томон кетган йўлдан йироқлашди, д'Артаньян эса вақт хийла кеч бўлганини кўриб, Дешо монастыри сари юрди.

«На чора, – ўзича мулоҳаза қиларди у, – ҳеч нарса ни тузатиб бўлмайди. Биргина юпанч: агар ўлиб кетсам, мени мушкетёр ўлдирган бўлади-ку».

V

Қирол мушкетёрлари ва жаноб кардинал гвардиячилари

Д'Артаньяннинг Парижда бирор таниши йўқ эди. Шунинг учун у Атос билан олишувга рақибининг ҳакамлари билан қаноатланишга қарор қилиб, ўзи жўнади. Айтганча, у мард мушкетёрдан албатта бўшанглик қилмасдан, қўлидан келганча узр сўрашга жазм қилди. У ёш, бақувват йигитнинг яраланган, дармонсиз киши билан бу хил муборазасининг оғир оқибатларидан ҳадиксираб, шу қарорга келди. Агар у мағлуб бўлса, рақиб икки ҳисса кўпроқ тантана қилади, борди-ю голиб чиқса, уни айёрликда айблайдилар, муваффақиятга осонгина эришган дейдилар.

Дарвоқе, биз саргузаштталаб йигитимизнинг феъл-атворини тузук тасвирлаёлмадик, ёки д'Артаньяннинг сал бошқачароқ одам бўлганини китобхон пайқашни лозим эди. У ҳалокатининг муқаррарлигини ўз-ўзига таъкидласа ҳамки, бу ўлим олдида итоат билан бош эголмасди, унинг ўрнида шижоати кам, ваҳимачироқ одам бўлганда шундай қилган бўларди.

У ўзи уришадиган кишилар табиатидаги тафовутларни синчиклаб хаёлидан ўтказарди. Жиддий чехраси ва улўғсифат қомати билан унда ғоят яхши таассурот қолдирган Атосдан у узр сўраб, унинг дўстона муносабатига ноил бўламан, деб умид қиларди. Ўлмайд қолган тақдирда ҳаммага тарқатиши мумкин бўлган тасма воқеаси билан Портосни кўрқитаман, деб у ўзини юпатардики, ўз ўрнида маълум қилинган бу ҳикоя Портосни дўсту биродарларига кулгили кўрсатмай қололмасди. Ҳийлагар Арамисга келганда, д'Артаньян ундан айтирли чўчимасди. Унгача навбат етади, деб фараз қилинган чоғда ҳам, д'Артаньян уни бир ёқли қилиб кўя қолишга ёки Цезар Помпей аскарлари хусусида берган маслаҳатига амал қилиб у ҳам рақибининг ошкор бино кўйиб юрган ҳуснига путур етказишга қасд қилди.

Бундан ташқари, д'Артаньянда асл маъноси «Қирол, кардинал ва жаноб де Тревилдан бўлак ҳеч кимга бўйсунмаслик» деган гапдан иборат ота насихатларига асосланган мустаҳкам журъат яшарди. Шу учун ҳам у Дешо монастири томон юрмасди, балки, учиб борарди. Бу ойналари пачоқ, ҳувиллаган бино худди Пре-о-Клерк сингари эҳтиёжларга хизмат қилувчи унумсиз дашт билан ўралган эди: одатда у ерда вақти тифиз кишилар уришиб турардилар.

Д'Артаньян монастир яқинидаги қирга етганда тушликка занг урилди. Атос уни бор-йўғи беш дақиқа кутган эди – бинобарин, мубораза қонунларининг энг қаттиққўл ҳаками ҳам унга таъзир беришга баҳона тополмасди.

Гарчи, де Тревилнинг табиби янгидан боғлаб кўйган бўлса-да, яраси ҳали анча азоб бераётган Атос харсангда ўтирар ва ҳар вақтдагидай виқор билан, хотиржам ҳолда рақибини кутарди. Д'Артаньянга кўзи тушиб, у ўрнидан кўзғалди ва одоб билан унинг истиқболига бир-икки қадам босди. Д'Артаньян ўз навбатида шляпасини патлари ерда судралгудай қўлда тутиб, рақибига яқинлашди.

– Тақсир, – деди Атос, – мен икки дўстимни чақиртирган эдим, шулар менинг ҳакамларим бўлишади. Лекин, бу дўстлар ҳали келишмади. Уларнинг ҳаялланганига ҳайронман: уларнинг бундай одати йўқ эди.

– Менинг ҳакамларим йўқ, – деди д'Артаньян. – Парижга кечагина келдим, бу ерда жаноб де Тревилдан бўлак бирор танишим йўқ, мени у кишига бир вақтлар дўсти бўлишга мушарраф бўлган отам тавсия қилган.

Атос бир зум ўйланиб қолди.

– Сиз фақат жаноб де Тревиль билан танишмисиз?

– Ҳа, тақсир, мен фақат у киши билан танишман.

– Роса қизиқ бўлди-ку! – ҳамсуҳбатига қандай бўлса, ўзига ҳам худди шундай мурожаат билан гапирди Атос! – Роса қизиқ бўлди-ку! Бироқ, мен сизни ўлдириб қўйсам, ёш болага зомин бўлган, деб номим чиқади-ку.

– Унчаликмас, тақсир, – орийтдан холи бўлмаган таъзим билан эътироз билдирди д'Артаньян. – Сизни шубҳасиз безовта қилаётган ярангизни аямасдан мени ўзингиз билан уришишга мушарраф қилганингиздан кейин, унчаликмас.

– Жуда безовта қилаяпти, чин сўзим. Эътироф қилишга мажбурман, сиз мени жуда ёмон туртиб юбордингиз. Лекин, мен қилични чап қўлимда тутаман, бундай пайтларда ҳамиша шундай қиламан. Бундан аҳволингизни енгиллашди, деб ўйламанг, мен иккала қўлим билан ҳам бирдай эркин ҳаракат қиламан. Бу сизга бир оз ноқулайлик ҳам туғдиради. Бунга ҳозирланмаган рақибни чапақай анча қисиб қўяди. Бу ҳолни сизга аввалроқ маълум қилиб қўймаганимдан афсусдаман.

– Сиз бениҳоя илтифот қилаяпсиз, тақсир, – деди д'Артаньян, – мен жуда миннатдорман.

– Ростини, мен сизнинг сўзларингиздан ҳижолат чекмаяпман, – назокатли илтифот билан деди Атос. – Агар қаршилигингиз бўлмаса, яхшиси, бошқа нарсалар

ҳақида гаплашсак... Уҳ, шайтон сиз қандай оғритдингиз-а! Елкам шундай ёняпти!

– Агар ижозат берганингизда эди, – қўрқа-писа ғўлдиради д’Артаньян.

– Нима эди, тақсир?

– Менда жароҳатларни даволаш учун мўъжизакор малҳам бор. Бу малҳамни менга волидам берган, мен уни ўзимда синаб қўрганман.

– Хўш, нима бўпти?

– Гап шундаки, уч кунга бормаи – бунга ишончим комил – соғайиб кетасиз, бу уч кун ўтгач, сиз тузалганингиздан кейин эса, тақсир, сиз билан қиличлашишни улўғ марҳамат деб билгайман.

Д’Артаньян бу сўзларни ўз одобига ярашиқ, аини замонда мардлигига шак-шубҳа қолдирмайдиган бир соддадиллик билан айтди.

– Худо ҳаққи, тақсир, – жавоб берди Атос, – бу таклиф менга манзур. Бунга розиман дейман-у, лекин бутун бир мил нарида ҳам дворяннинг олижаноблиги мана мен деб турибди. Улўғ Карл замонининг жангчилари шу зайл сўзлаб, ҳаракат қилишган, ҳар бир кавалер уларга таассуб қилиши лозим. Лекин, таассуфки, биз улўғ император замонида яшамаймиз. Биз муҳтарам жаноб кардинал даврида яшаймиз ва уч кун ичида сиримизни нечоғлик пухта асрамайлик, ошкор бўлиб, ниятимизни амалга оширишга халал беришадими, дейман. Ҳа, бу ялқовларни дом-дараги йўққа ўхшайди!

– Агар шошиб турган бўлсангиз, тақсир, – бир дақиқа бурун Атосга муборазани уч кунга кечиктиришни таклиф этган ўша кўнгилчанлиги билан сўзлади д’Артаньян, – агар шошиб турган бўлсангиз ва мени дарҳол тугатиб қўйгингиз бўлса, илтимос қиламан – тортиниб ўтирманг.

– Бу сўзлар ҳам менга манзур, – деди Атос д’Артаньянга очиқ юз билан бош ирғаб. – Бу ақлли ва шубҳасиз, олижаноб кишининг сўзлари. Тақсир, мен сизга

ўхшаш одамларни жуда ёқтираман, башарти, бир-биримизни ўлдирмасак, кейинчалик сиз билан улфатчилик қилишдан ғоят мамнун бўлишимни кўриб турибман. Дўстларимни кутайлик, илтимос қиламан, менинг шошадиган жойим йўқ, шундай қилсак, дурустроқ бўлади. Ие, ана улардан бири келяпти, шекилли!

Дарҳақиқат, шу он Вожираар кўчасининг охирида Портоснинг баҳайбат қомати кўринди.

– Ие? – хитоб қилди д'Артаньян. – Сизнинг биринчи ҳакамингиз жаноб Портосми?

– Ҳа. Сизга бу малол келяптими?

– Йўқ, йўқ!

– Иккинчиси ҳам ана.

Д'Артаньян Атос кўрсатган томонга ўгирилиб, Арамисни таниди.

– Ие? – биринчи галгидан ҳам ортиқроқ таажжубни ифодаловчи оҳангда хитоб қилди д'Артаньян. – Сизнинг иккинчи ҳакамингиз – жаноб Арамисми?

– Албатта. Бизни ҳаргиз бир-биримизсиз кўрмасликларидан, мушкетёрлар сингари гвардиячилар орасида ҳам, сарой ва шаҳарда ҳам бизларни Атос, Портос ва Арамис ёки уч ажралмаслар деб аташларидан сизнинг хабарингиз йўқми ҳали. Дарвоқе, сиз эндигина Даксдан ёки По...

– Тарбдан, – тузатди д'Артаньян.

– ... келганингиз учун бу тафсилотларни билмаслигингиз, узрли.

– Чин сўзим, – деди д'Артаньян, – лақабларингиз боп экан, муҳтарам афандилар. Менинг воқеам, у овоза бўлган тақдирда, сизларнинг дўстлигингизга табиатларингизнинг тафовути эмас, балки ўхшашлиги асос солганининг исботи бўлиб хизмат қилади.

Шу пайт Портос яқинроқ келиб, Атосга қўл силкитиб салом берди, сўнг ўгирилиб, д'Артаньянни таниган заҳоти таажжубдан анқайиб қолди.

Бу орада Портос ридосини ташлаб, тасмасини алмаштириб олганини ҳарна эслатиб қўйди.

– Хў-ўш, – чўзиб деди у. – Бу қандай гап?

– Мен шу жаноб билан уришаяпман, – қўли билан д’Артаньянни кўрсатиб ҳамда шу ҳаракатнинг ўзи билан уни қутлагандай қилиб деди Атос.

– Лекин, мен ҳам худди шу киши билан уришаман, – маълум қилди Портос.

– Фақат, кундуз соат бирда, – тинчлантирувчи оҳангда деб қўйди д’Артаньян.

– Лекин, мен ҳам шу жаноб билан уришаман, – уларга яқинлашаркан ўз навбатида эълон қилди Арамис.

– Фақат, соат иккида, – ҳамон ўша вазминлик билан деди д’Артаньян.

– Сен нима важдан уришаяпсан, Атос? – сўради Арамис.

– Тўғриси, жавоб беришга қийналаман, – деди Атос. – У елкамга ёмон туртиб юборди. Сен-чи, Портос?

– Мен бўлсам, шунчаки уришаётганим учун уришаяпман, – қип-қизариб жавоб берди Портос.

Ҳеч нарса назаридан қочмайдиган Атос гасконлик йигитнинг лабларидан сирпаниб ўтган хиёл табассумни пайқади.

– Биз либос масаласида тортишиб қолдик, – деди ёш йигит.

– Сен-чи, Арамис?

– Мен ақоиднинг бир масаласида келишолмай уришаяпман, – муборазанинг асл сабабини яширишини д’Артаньянга имо қилиб, деди Арамис.

Атос гасконлик йигитнинг лабларига яна табассум кўнганини пайқади.

– Наинки? – қайта сўради Атос.

– Ҳа, дарвешона Августиннинг бир жойида фикрларимиз мос келинади.

«У шубҳасиз ақлли», кўнглидан ўтказди Атос.

– Энди эса, муҳтарам афандилар, ҳаммаларингиз тўплангандан кейин, – деди д’Артаньян, – сизлардан узр сўрашга ижозат бергайсиз.

«Узр» сўзини эшитиб, Атоснинг юзи хиралашди, Портос истиғно билан мийиғида кулиб қўйди, Арамис эса бошини салбий чайқади.

– Сизлар мени тушунмадингиз, жаноблар, – деди бошини кўтариб д’Артаньян. Шу маҳал унинг бошига қуёш ёғдуси тушиб, латиф ва жасур чехрасини яққол кўрсатди. – Мен учалангизни ҳам рози қилолмасам, деб узр сўрадим. Ахир, жаноб Атоснинг мени биринчи бўлиб ўлдиришга ҳақи бор; бу сизга нисбатан инсофсизлик бўлади, жаноб Портос; сизга берган мажбуриятим эса, жаноб Арамис, қарийб йўққа чиқади. Энди эса, муҳтарам афандилар, яна бир такрорлайман: мени маъзур тутинг, шу учун халос... Бошласак бўлар?

Шу сўзлар билан ёш гасконлик йигит қиличини дадил чиқарди.

Унинг боши қизиб кетди. Шу лаҳзада у қиличини ҳозир Атос, Портос ва Арамисга қарши яланғочлагандай қиролликнинг барча мушкетёрларига қарши яланғочлашга тайёр эди.

Соат ўн иккидан чоракта ўтган. Қуёш қиёмида турар ва дуэл учун танланган жой унинг жазирама нурларига кўмилган эди.

– Иссиқ, – ўз набатида қиличини яланғочлаб деди Атос. – Аслида эса камзулимни ечиб ташлашнинг иложи йўқ. Мен жароҳатим қонаётганини сезиб турибман, лекин, рақибимга ўзи чиқармаган қонни кўрсатиб, уни хижолат қилишдан қўрқаман.

– Ҳа, тақсир, – жавоб берди д’Артаньян. – Бу қонни мен чиқарганманми, ўзга кишими, лекин бунча мард дворяннинг қонини кўриш мен учун ҳаммиша оғир. Мен сиз сингари камзулимни ечмай уришаман.

– Буларнинг ҳаммаси жуда дуруст! – хитоб қилди Портос. – Аммо, ширинсуханлик етар! Биз ҳам навбат кутаётганимизни унутманглар.

– Бундай бемаъни гапларни айтаётганда ўзингиз номингиздан гапиринг, Портос, – унинг сўзини бўлди Арамис. – Менга келганда, бу икки жанобнинг ҳамма

гаплари, менинг назаримда, жуда соз ва икки олижаноб дворянга бутунлай муносиб.

– Бош устига, тақсир, – дея жойига бориб турди Атос.

– Мен сўзингизни кутдим, холос, – у билан қиличини чапиштириб жавоб берди д'Артаньян,

Бироқ, тифлар бир-бирига тегиб жаранглагунча бўлмай, монастир муюлишида жаноб де Жюссак командаси остида кардинал гвардиячиларининг отряди кўринди.

– Кардинал гвардиячилари! – бир овоздан қичқиришди Портос билан Арамис. – Қиличларни қинига солинг, жаноблар! Қиличларни қинига солинг!

Аммо вақт ўтганди. Ниятлари борасида шак-шубҳа қолдирмайдиган бир тарзда гвардиячилар рақибларнинг устидан чиқиб қолдилар.

– Ҳой! – улар томонга қадам ташлаб ҳамда қўл остидаги кишиларга эргашишни ишора қилиб, қичқирди де Жюссак. – Ҳой мушкетёрлар! Сизлар шу ерда уришмоқчимисиз? Фармонлар нима бўлади?

– Сизлар ўта илтифот қиляпсизлар, жаноблар, – алам билан деди Атос, чунки де Жюссак икки кун муқаддам содир бўлган ҳужумнинг иштирокчиси бўлганди. – Агар сизлар уришаётганингиз устидан чиқиб қолганимизда, сизларни ишонтиришим мумкинки, биз халал бериб ўтирмасдик. Бизни ўз ҳолимизга қўйинг, шунда заҳмат чекмасдан, маза қиласиз.

– Муҳтарам жаноблар, – деди де Жюссак, – минг афсуски, бунинг иложи йўқ, деб сизларга маълум қилишга мажбурман. Биз учун бурч – ҳаммасидан афзал. Қиличларни қинига солиб, орқамиздан юринг.

– Муҳтарам жаноб, – де Жюссакни мазах қилиб, деди Арамис, – бу бизга боғлиқ бўлганда илтифотли таклифингизга жон-жон деб кўнардик. Лекин, бахтга қарши, бунинг иложи йўқ: жаноб де Тревил бунга тақиб қўйган. Қани, йўлингиздан қолманг – бундан тузук чорангиз йўқ.

Масхарадан де Жюссакнинг жони чиқиб кетди.

– Агар итоат қилмасангиз, – хитоб қилди у, – биз сизга хужум қиламиз!

– Улар беш киши, – нимтовуш билан гапирди Атос, – биз уч кишимиз, холос. Биз яна мағлубиятга дучор бўламиз ёки турган жойимизда ўлишимизга тўғри келади, зеро, сизларга маълум қиламанки, мағлуб бўлиб, мен капитаннинг кўзига кўринмайман.

Атос, Портос ва Арамис шу заҳоти бир-бирларига яқинроқ сурилиб олишди, де Жюссак эса аскарларини сафга тизишга шошилди.

Шу дақиқа д’Артаньян учун кифоя қилди: у бир қарорга келди. Инсон тақдирини ҳал қилувчи воқеалардан бири содир бўлди. У қирол ёки кардинални танлаши, танлаб олгач эса, шунга риоя қилиши лозим эди.

Жангга кирмоқ – қонунга бўйсинмаслик демак эди, бошини тикиш демак эди, қиролнинг ўзидан кўра қудратлироқ министрнинг душмани бўлиш демак эди. Буларнинг ҳаммасини ёш йигит бирпасда тушуниб олди. Унинг шаънига шуни айтишимиз зарурки: у бир лаҳза ҳам иккиланмади.

– Жаноблар, – Атос ва унинг дўстларига юзланиб деди у, – сизни тузатишга ижозат берсангиз. Сиз уч кишимиз, дедингиз, лекин, менимча, биз тўрт кишимиз.

– Сиз мушкетёр эмассиз-да, – эътироз билдирди Портос.

– Бу ҳақ гап, – маъқуллади д’Артаньян, – эгнимда мушкетёрлик либоси йўқ, лекин, дилимда мушкетёрман. Менинг қалбим – мушкетёрнинг қалби. Мен худди мушкетёр сингари ҳис қилиб, ҳаракат қиляпман.

– Йигитча, нари тулинг! – д’Артаньяннинг имо-ишораси ва авзоидан унинг ниятини пайқаб бўлса керак, қичқирди де Жюссак. – Сиз кетаверишингиз мумкин, қаршилигимиз йўқ. Жонингизни қутқариб қолинг! Тезроқ қимирланг!

Д’Артаньян турган жойидан силжимасди.

– Сиз чиндан ҳам ажойиб йигит экансиз, – унинг қўлини қиса туриб деди Атос.

– Тезроқ, тезроқ ҳал қилинг!– кичқирди де Жюссак.

– Тезроқ, – деб гапира бошлашди Портос билан Арамис, – бирор нарса қилиш керак.

– Бу йигит тантилик қилаяпти, – деб қўйди Атос.

Лекин, учовини ҳам д’Артаньяннинг ёшлиги ва тажрибасизлиги хавотирга соларди.

– Биз уч киши бўламиз, бундан бири ярадор, бунинг устига ёш йигит деярли гўдак-у, тўрт киши эди, дейишади.

– Ҳа, лекин, чекиниш!.. – хитоб қилди Портос.

– Бунинг иложи йўқ, – деди Атос.

Д’Артаньян уларнинг иккиланиш сабабини тушунди.

– Муҳтарам афандилар, – деди у, – мени синаб кўринг, виждоним ҳаққи қасам ичаманки, мағлуб бўлсак бу ердан кетмайман.

– Исмингиз нима, мард йигит? – сўради Атос.

– Д’Артаньян, тақсир.

– Демак, Атос, Портос, Арамис, д’Артаньян! Олға! – кичқирди Атос.

– Хўш, қалай, афандиларим, – суриштирди де Жюссак, – ҳал қиласизларми-йўқми, ахир?

– Ҳаммаси ҳал, тақсир, – жавоб берди Атос.

– Қарор қандай бўлди? – сўради де Жюссак.

– Биз сизларга ҳужум қилишга мушарраф бўламиз, – бир қўли билан шляпасини кўтариб, иккинчиси билан қиличини яланғочлаб деди Арамис.

– Шундайми ҳали сиз қаршилик қилаяпсиз! – хитоб қилди де Жюссак.

– Минг лаънат! Бунга ажабланыапсизми?

Тўққиз киши, албатта, ҳаракатларининг маълум мўлжалини истисно қилмаган ғазаб билан бир-бирига ташланишди.

Атос кардиналнинг арзандаси – аллақандай Каюзак билан уришарди. Портосга Бикара тушди, Арамис бўлса, икки рақибга юзма-юз келиб қолди.

Д'Артаньянга келганда де Жюссакнинг ўзи унга рақиб бўлди.

Ёш гасконлик йигитнинг юраги шундай ҳаприрардики, кўксини ёриб ташлагудай эди. Худо шоҳид, қўрқувдан эмас – у заррача қўрқувни ҳис қилмасди – ҳаяжондан. У рақибининг атрофида қутурган йўлбарсдай гир айланиб, турган жойини ва услубини йигирма бор алмаштиришиб олишарди. Де Жюссак, ўша маҳал ибораси бўйича «тиғ устаси» бўлиб, яна пихини ёрганлардан эди. Лекин, барибир, у дақиқа сайин умий қоидаларни тан олмай, бир вақтнинг ўзида ҳамма томондан ҳужум қилиб, ҳамда зарбаларни терисини жуда авайлаётган одам сингари қайтараётган қайишқоқ ва эпчил рақибидан ўзини жуда қийналиб мудофаа қиларди.

Ахийри бу кураш де Жюссакнинг тоқатини тоқ қилди. Ўзи ғўр деб ҳисоблаган рақибни уддалаёлмаётганидан ғазаби қайнаб, у хато кетидан хатога йўл қўя бошлади. Кўп тажриба орттирмаган, лекин, назария ёдида турган д'Артаньян ҳаракат тезлигини икки марта оширди. Жюссак рақибга даҳшатли зарб билан уни тугатиб қўя қолишга интилиб, бирдан ҳамла қилди. Лекин, д'Артаньян уни бошлаб қайтарди ва Жюссак қаддини тиклаётган онда гасконлик йигит унинг қўли остидан илондай сирганиб чиқиб, қиличини унга паррон санчди. Жюссак шилқ этиб йиқилди.

Рақибидан қутулиб олган д'Артаньяндан дарҳол жанг майдонига ташвишли назар ташлади.

Арамис рақибларининг бирини тугатиб улгурган эди, лекин иккинчиси уни анча сиқиб, чекинтирганди. Ҳар қалай, Арамиснинг аҳволи дуруст, у ҳали ўзини ҳимоя қилиши мумкин эди.

Портос билан Бикара қиличларини моҳирлик билан ўйнатмоқда эдилар. Портос аллақачон билагидан, Бикара сонидан яраланган эдилар. На у яра, на буниси ҳаётни таҳликага солмас, ҳар иккаласи ҳам янада

шиддат билан қиличбозлик санъатида устомонлик қилишарди.

Каюзак томонидан иккинчи марта яраланган Атоснинг дақиқа сайин ранги ўчиб борарди-ю, лекин у бир қадам ҳам чекинмасди. У фақат қиличини бошқа қўлига олиб, энди чап қўли билан уришарди.

Д'Артаньян ўша вақтлар қабул қилинган мубораза қонунларига биноан уришгувчиларнинг бирига мадад бериши мумкин эди. Унинг кўмаги кимга кўпроқ даркорлигини билмай, тараддуланиб турганда у тўсатдан Атоснинг нигоҳини пайқади. Бу нигоҳнинг уқубатли маъноси равшан эди. Атос ёрдамга чақиргандан кўра ўлиб қўя қоларди. Лекин, қараши ва нигоҳи билан мадад сўраши мумкин эди. Д'Артаньян тушунди-ю, олға ташланиб, Каюзакка ён томонидан ҳужум қилди:

– Жаноб гвардиячи, менга қаранг! Сизни мен ўлдираман!

Каюзак ўгирилиб қаради. Мадад вақтида келган эди. Фақат мислсиз матонати тутиб турган Атос чўккалаб қолди.

– Лаънат! – қичқирди у. – Уни ўлдириб қўйманг, йигит. Тузалиб, соғ бўлганимда у билан қиладиган ҳисобкитобим бор. Уни қуролсизлантиринг, қиличини чиқариб ташланг... Ана шундай... Жуда яхши! Жуда яхши!

Каюзакнинг қиличи йигирма қадамча нарига учиб кетгандан кейин Атоснинг оғзидан шу хитоб чиқиб кетди. Д'Артаньян билан Каюзак бир вақтда унга ташланишди: бири ўзига қайтариш, иккинчиси эгаллаб олиш учун. Эпчилроқ д'Артаньян аввал чопиб бориб қиличга оёғини қўйди.

Каюзак сакраб Арамис ўлдирган гвардиячининг қиличини олди ва д'Артаньяннинг олдига қайтишга шайлангани ҳамон шу қисқа муддатда нафасини ростлашга улгурган Атосга дуч келди, д'Артаньян душманини ўлдириб қўйишидан қўрқиб, у жангни қайтадан бошлашни истарди.

Унга халал берса, Атосни ранжитиб қўйишини д'Артаньян тушунди. Дарҳақиқат, зум ўтмай, Каюзак йиқилди. Атоснинг қиличи унинг бўғзига санчилган эди.

Худди шу маҳал Арамис қиличини рақибининг кўксига тақаб, мағлуб бўлганини тан олишга мажбур этди.

Портос ва Бикара қолган эди. Портос, унинг фикрича, соат неча бўлганини сўраб, Наварр полкида акаси олган рота билан уни табриклар, қизиқчилик қиларди. Аммо бу масхаралар ҳеч натижа бермади. Бикара жони чиққандагина йиқиладиган метин тоифа кишилардан бири эди.

Шу асно ишни тугатиш пайти бўлиб қолганди. Соқчилар келиб қолиши ва дуэлнинг барча иштирокчиларини – омон қолганлару ярадорларни, қиролчилару кардиналчиларни ҳибсга олиши мумкин эди. Атос, Арамис ва д'Артаньян таслим бўлишни таклиф этиб, Бикарани ўраб олишди. Ҳаммага қарши ёлғиз ўзи қолган, сонидан яраланган Бикара, барибир, бош тортди. Лекин, Жюссак тирсагига таяниб, таслим бўлавер, деб қичқирди. Бикара д'Артаньян сингари гасконлик эди. У парво қилмай кўлди, холос. Уришишда давом этиб, у икки ҳамла орасида қиличининг учи билан ерда бир нуқта кўрсатди.

– Шу ерда, – Тавротнинг²⁶ сўзларини ҳажв қилиб деди у, – Бикара, ўзи билан бўлмиш ҳаммадан бири, шу ерда қазо қилади.

– Лекин, ёлғиз сенга қарши улар тўрт киши-ку. Таслим бўл, буюраман сенга!

– Агар буюрсанг, бу бошқа гап, – деди Бикара. – Менинг бошлиғимсан, сенга итоат қилишим керак!

У бирдан орқага сакраб, қиличини душманга бермаслик учун иккига бўлди. Синиқларини монастир деворидан ошириб ташлаб, аллақандай кардиналча қўшиқни хиргойи қилганча қўлларини қовуштирди.

²⁶ Таврот – диний китоб.

Жасорат, ҳатто, бу душманнинг жасорати бўлган тақдирда ҳам ҳамиша ҳурмат қўзғатади. Мушкетёрлар қиличлари билан жасур гвардиячига салют бериб, уларни қинига солиб қўйдилар. Д'Артаньян уларга таъсиб қилди, сўнгра тик қолган ягона гвардиячи ёрдамида монастир пешайвонига Жюссак, Каюзакни ва Арамиснинг фақат яраланган рақибини элтиб қўйди. Тўртинчи гвардиячи айтганимиздек ўлдирилган эди. Сўнгра кираверишдаги қўнғироқларни чалиб қўйиб ва беш қиличдан тўрттасини ўзлари билан олиб, шодликдан маст ҳолда, жаноб де Тревилнинг уйига йўл олдилар.

Улар кўчанинг бор энини эгаллаб, қўл ушлашиб, дуч келган ҳамма мушкетёрларга гап қотиб боришардики, пировардида бу тантанали юришга ўхшаб қолди. Д'Артаньян сархуш эди. У Атос билан Портослар орасида, уларни меҳр билан қучиб борарди.

– Мен ҳали мушкетёр бўлмасам ҳам, – де Тревиль уйининг бўсағасида янги дўстларига юзланиб гапирди у, – ҳарҳолда, шогирд бўлдим, деб ҳисоблашим мумкин, тўғрими?

VI

Қирол Людовик XIII ҳазрат олийлари

Бу воқеа кўп шов-шувга сабаб бўлди. Жаноб де Тревиль ўз мушкетёрларини оғзида сўқар, зимдан эса табрикларди. Бироқ, вақт ғанимат: зудлик билан қиролни огоҳлантириб қўйиш лозим. Жаноб де Тревиль ҳам Луврга ошиқди. Лекин фурсат ўтган: қирол кардинал билан эшикни ичидан беркитиб ўтирарди. Де Тревилга қирол ҳозир жуда банд, ҳеч кимни қабул қилолмайди, деб айтилди. Де Тревиль кечқурун соат бирда, қирол карта ўйнаётган пайти ташриф буюрди. Қирол ютмоқда эди ва бошқалардан фарқли ўлароқ ҳазрат олийлари ўта хасис бўлгани учун шу муносабат билан жуда димоғи чоғ эди.

– Қани, бу ёққа келинг жаноб капитан! – анча йироқдан капитанга кўзи тушиб қичқирди у. – Яқинроқ келинг, мен сизни яхшилаб койиб қўяй. Мушкетёрларингиздан арз қилиб, ҳузуримга падари бузруквор келгани ва азбаройи ҳаяжонланганидан суҳбатдан кейин, ҳатто, ётиб қолгани сизга маълумми? Бу қандай гап: мушкетёрларингиз каллакесар, шайтон-пайтонми ўзи?

– Йўқ, ҳазрат олийлари, – бир луқмадан кейиноқ гап қаёққа айланишини фаҳмлаб, жавоб берди де Тревиль. – Йўқ, худди акси: булар энг кўнгилчан, энг беозор, кафилманки, ёлғиз бир нарсани, қиличлар филофни ҳазрат олийларининг хизмати учунгина тарк этишини ният қилган одамлар. Лекин, на чора: жаноб кардиналнинг гвардиячилари ҳар ерда уларнинг жиғига теккани-теккан, йигит бечоралар лоақал полкининг шарафи учун ўзларини ҳимоя қилишга мажбур бўлиб қолишяпти.

– Қулоқ солинг, жаноб де Тревиль! – хитоб қилди қирол. – Қулоқ солинг! Гап роҳибалар жамоаси хусусида деб ўйлаш мумкин. Дарҳақиқат, азиз капитаним, сизни капитанлик унвонидан маҳрум этиб, монастир нозири қиламан, деб ваъда берганим мадмуазел де Шамрога тортиқ қилиб юбориш истаги туғиляпти менда. Лекин, сўзларимга ишонади деб хаёл қилманг. Мени-чи, жаноб де Тревиль, Одил Людовик дейишадди, қани, ҳозир кўраимиз...

– Айни шу адолатдан кўнглим тўқ бўлгани учун, қарорингизни сабр-қаноат ва тўла хотиржамлик билан кутаман, ҳазрат олийлари.

– Кутинг, қутаверинг, – деди қирол, – мен сизни кўп куттириб қўймайман.

Бу орада ўйиндаги омад қиролдан юз ўгира бошлади: у ютқазга бошлаб, бундай иборамизни кечирсинлар-у, фирромлик қилишдан ҳам тоймасди. Бир-икки дақиқадан сўнг қирол ўрнидан кўзгалди ва олдидаги столда турган, ўзи қарийб ютган ҳамма пулларни чўнтагига яшира туриб, деди:

– Ле Вевил, ўрнимни эгалланг. Мен жаноб де Тре-
виль билан муҳим масала юзасидан гаплашиб олишим
зарур. Ҳа-я, бу ерда саксон луи турган эди – худди шун-
ча тикинг, токи ютқазганлар зиён кўрмасинлар. Адо-
лат – ҳамма нарсадан афзал.

Сўнгра у де Тревилга ўгирилди.

– Шундай қилиб, тақсир, – деразаларнинг бирига
томон юра туриб, деди у, – мушкетёрларингиз билан
жанжални падари бузруквор гвардиячиларнинг ўзла-
ри қўзиган, деб таъкидлаяпсизми?

– Ҳа, ҳазрат олийлари, ҳар доимгидай-да.

– Бу қандай содир бўпти? Сўзлаб беринг. Ахир ҳакам
ҳар иккала томонни ҳам эшитиши зарурлигидан сиз
воқиф бўлсангиз керак.

– Худоё тавба! Бундан жўн нарса бўлмайди. Менинг
энг яхши уч нафар аскарим – уларнинг номлари сизга
яхши таниш, ҳазрат олийлари йигитларнинг садоқа-
тига кўп тан берганлар, улар бутун қалби билан ўз хиз-
матига содиқ деб сиз ҳазрат олийларини ишонтири-
шим мумкин – демак, уч нафар аскарим Атос, Портос
ва Арамислар эътиборига мен бугунгина ҳавола қил-
ган бир ёш гасконлик йигит билан сайрга отланиш-
ган. Улар, янглишмасам, Сен Жерменга бормоқчи
бўлиб, учрашув жойи қилиб Дешо монастири олдида-
ги ялангликни тайин қилишган. Тўсатдан жаноб Каю-
зак, жаноб Бикара, яна икки гвардиячи ҳамроҳлиги-
да жаноб де Жюссак пайдо бўлган. Бу жаноблар кўпчи-
лик бўлиб, фармонни бузиш ниятидан холи бўлишма-
ган чоғи.

– Хўш, хўш, мен энди тушундим, – деди қирол. – Улар-
нинг ўзлари шу ерда уришмоқчимикан?

– Мен уларни айбламайман, ҳазрат олийлари, ле-
кин ҳазрат олийлари, ўзингиз бир ўйлаб кўринг: беш
нафар қуролланган киши роҳиблар монастрининг ат-
рофидай хилват жойга нима мақсадда боришлари
мумкин?

– Сиз ҳақсиз, де Тревиль сиз ҳақсиз!

– Лекин, мушкетёрларимни кўриб қолиб, уларнинг нияти бузилган ва шахсий хусумат полклар орасидаги адоватга ўрин берган. Ҳазрат олийларига маълумку, ахир: қиролга ва ёлғиз қиролга содиқ мушкетёрлар жаноб кардиналга содиқ гвардиячиларнинг азалий душманлари!

– Ҳа, Тревиль, ҳа, – ғамгин гапирди қирол. – Францияни икки қароргоҳга бўлиниб кетганини кўриш жуда қайғули. Қиролликнинг боши иккиталиги жуда қайғули ҳол. Лекин, ҳаммаси барҳам топади, Тревиль барҳам топади. Демак, гвардиячилар мушкетёрлар билан жанжал чиқаришган дедингизми?

– Мен иш худди шундай бўлди, шекилли, деяпман. Лекин, кафил бўлолмайман. Ҳақиқатни аниқлаш нечоғлик мушкуллигини сиз биласиз. Бунинг учун ўша Людовик XIII Одил Людовик деб ном чиқаришига сабаб бўлган ажойиб фаросатга молик бўлмоқ лозим.

– Сиз ҳақсиз, Тревиль. Лекин, мушкетёрларингиз ёлғиз эмас эди. Улар билан бир ёш йигит, қарийб ёш бола бўлган.

– Ҳа, ҳазрат олийлари, яна бири ярадор эди, шунга кўра, бири ярадор, орасида ёш бола бўлган уч қирол мушкетёрлари жаноб кардиналнинг энг машҳур беш гвардиячисига бас келганлар, ҳаттоки, уларнинг тўрттасини узала туширганлар.

– Ахир бу ғалаба-ку! – юзлари ёришиб хитоб қилди қирол. – Тўла-тўқис ғалаба!

– Ҳа, ҳазрат олийлари, худди Седаги сингари тўла-тўқис...

– Тўрт киши, улардан бири ярадор, яна бири қарийб ёш бола дедингизми?

– Уни йигит дейишга ҳам тилинг бормайди. Тўқнашув пайти у ўзини бирам зўр тутганки, уни сиз ҳазрат олийларига тавсия этишга журъат қиламан.

– Унинг исми нима?

– Д'Артаньян, ҳазрат олийлари. Бу менинг энг эски дўстларимдан бирининг ўғли. Сиз ҳазрат олийлари-

нинг оталари билан урушда кўнгилли бўлиб қатнашган кишининг ўғли.

– Шу йигит ўзини яхши тутган денг? Буни менга ба-тафсилроқ сўзлаб беринг, Тревиль: мен уруш ва жанглар мавзусидаги ҳикояларни яхши кўришимни биласиз-ку, ахир.

Шундан кейин қирол Людовик XIII виқор билан орқага суяниб, мўйловини бураб қўйди.

– Ҳазрат олийлари, – давом этди де Тревиль, – сизга айтганимдек, жаноб д’Артаньян – ҳали деярли ўспирин, мушкетёр бўлиш шарафига ноил бўлмагани ваҳидан шаҳарлик кишидай кийинган эди. Жаноб кардиналнинг гвардиячилари унинг ҳаддан ташқари ёшлигини ва хусусан полкка дахлсиз бўлганини назар-эътибор қилиб, улар ҳужум бошламасидан кетишини таклиф қилишган...

– Кўряпсизми, Тревиль, – унинг сўзини бўлди қирол, – биринчи улар ҳужум қилишган.

– Мутлақо тўғри, ҳазрат олийлари, бунга шубҳа йўқ. Демак, улар кетишни таклиф қилганлар, у эса қалбида мушкетёрлиги, сиз ҳазрат олийларига тамомила содиқлиги ва бинобарин, мушкетёр жаноблар билан қолажагини айтиб, жавоб қилган.

– Ажойиб йигит! – шивирлади қирол.

– У ҳақиқатда бирга қолган, ҳазрат олийлари ажойиб жангчига эга бўлдилар, зеро, жаноб кардинални қутуртираётган ўша даҳшатли қилич зарбини де Жюссакка ўша берган.

– Жюссакни ўша яралаганми ҳали? – хитоб қилди қирол. – Ўша-я! Бола-я? Бу мумкин эмас, Тревиль!

– Ҳаммаси худди мен сизга маълум қилишга мушарраф бўлгандек рўй берган.

– Жюссак – бутун Франциянинг энг яхши қиличбозларидан бири-ку!

– Нима бўпти, ҳазрат олийлари, у ўзидан кучли рақибга дуч келипти-да.

– Мен у йигитни бир кўрай, Тревиль уни бир кўрай, агар унинг учун бирор нарса қилишнинг иложи бўлса, биз бу билан шуғулланамиз.

– Ҳазрат олийлари уни қачон қабул қилишни мақбул кўрадилар?

– Эртага пешинда, Тревиль.

– Ёлғиз ўзини бошлаб келайми?

– Йўқ, тўртовини бирга келтиринг. Мен уларга бир вақтда миннатдорлик изҳор қилмоқчиман. Содиқ кишилар ҳадеб учрайвермайди, Тревиль, садоқат мукофотга арзийди.

– Пешинда Луврда бўламиз, ҳазрат олийлари.

– Кичик дарвозадан, Тревиль, кичик дарвозадан. Кардинал ғофил қола қолсин.

– Эшитаман, жаноб олийлари.

– Сиз тушунасиз, Тревиль: фармон бу, барибир, фармон. Ахир ҳарҳолда уришиш тақиқланганлиги бор-да.

– Бироқ, бу тўқнашув оддий мубораза доирасидан мутлақо чиқиб кетган. Бу жанг, энг яхши далил эса шуки – менинг уч мушкетёрим билан жаноб д'Артаньянга қарши кардинал гвардиячилари беш нафар эдилар.

– Тўғри, – деди қирол. – Лекин, барибир, кичик дарвозадан келинг, Тревиль.

Тревиль жилмайди. У боланинг устозига қарши бош кўтаришга эришган, бу эса катта гап эди. У қирол қаршисида илтифот билан эгилиб, чиқиб кетишга ижозат сўради. Ўша оқшомдаёқ учала мушкетёр ҳам ўзларига кўрсатилajak марҳаматдан огоҳ қилинди. Қиролни анчадан бери билганлари сабабли улар кўп ҳаяжонланмадилар. Лекин, д'Артаньян ўзининг гасконча тасавури билан бу воқеада келгуси муваффақиятларнинг нишонасини кўрди ва тун бўйи ёрқин лавҳаларни чизиб чиқди. Эрталаб соат саккизда у аллақачон Атосникида эди.

Д'Артаньян мушкетёрнинг кийиниб чиқишга чоғланиб тургани устидан чиқди. Қиролнинг қабули пешин-

га тайинлангани учун Атос Люксембург ошхоналари ёнидаги майхонага бориб, у ерда бир оз копток ўйнаш тўғрисида Портос ва Арамис билан ваъдалашган эди. У д'Артаньянга ўзи билан бирга кетишни таклиф қилди. Гарчи, ўйинни билмаса-да, у рози бўлди. Вақт энди тўққиз бўлиб, йигит ўн иккига қадар нима қиларини билмай турган эди.

Портос билан Арамис аллақачон келган ва эрмак учун бир-бирларига копток ирғитишмоқда эдилар. Ҳамма жисмоний машқларда жуда чаққонлик кўрсатадиган Атос д'Артаньян билан майдончанинг қарши томонида туриб, уларга суришишни таклиф қилди. Лекин, гарчи, чап қўли билан ўйнаса-да, бу хил машқ учун жароҳати ҳали жуда янгилигини тушунди. Шу зайл д'Артаньян ёлғиз қолди, ҳамма қоидалар бўйича ўйнамоқ учун ҳали ўта тажрибасизлигини огоҳлантириб қўйгани учун мушкетёрлар ҳамон очко ҳисобламай, копток ирғитардилар. Портоснинг забардаст қўлидан чиққан бир копток учиб ўта туриб, д'Артаньяннинг юзига тегаёзди, агар копток учиб ўтиб кетмай, унинг юзига теккан тақдирда, эҳтимол қабулнинг иложи бўлмаслиги йигитнинг хаёлидан ўтди, чунки унинг бора олиши даргумон бўлиб қолади. Ахир гасконча тасавурида намоён бўлишича, унинг бутун истиқболи шу қабулга боғлиқ эди-да. У илтифот ила Портос билан Арамисга таъзим қилди-да, улар билан беллашишга қурби етганда ўйинни давом эттиражагини айтди. Шу сўзлар билан у арқоннинг нарёғига ўтиб, томошабинлар орасидан ўрин олди.

Д'Артаньяннинг бахтига қарши падари бузруквор гвардиясиларидан бири томошабинлар орасида эди. Биродарлари кеча учраган мағлубиятдан куйиниб, бу гвардиячи қасос олишга ўз-ўзига сўз берган эди.

– Мана бу йигит коптоқдан қўрқса, ажаб эмас, – қўшнисига мурожаат қилиб деди у. – Бу – мушкетёрларнинг шогирди бўлса керак.

Д'Артаньян илон чақиб олгандай ялт этиб ўғирилди-да, бу кўрс сўзларни айтган гвардиячига тикилиб қаради.

– Нима гап? – мўйловини масхараомуз бураб, давом этди гвардиячи. – Менга хоҳлаганингизча қарайверинг, азизим, айтдим-қўйдим-да.

– Бироқ, айтганларингиз ниҳоятда равшан бўлиб, изоҳ талаб этмагани важҳидан, – жавоб берди д'Артаньян, – мен орқамдан юришингизни сўрайман.

– Қачон экан? – ҳамон ўша масхарали оҳангда сўради гвардиячи.

– Шу заҳоти, қани, марҳамат қилинг.

– Сизга менинг кимлигим маълумдир, деган умид-даман.

– Бу менга сира маълум эмас, бунинг устига фарқи ҳам йўқ.

– Аттанг! Номимни билгач, бу қадар шошмай қолармидингиз.

– Ҳўш, номингиз нима экан?

– Бернажу, хизматингизга тайёр.

– Демак, жаноб Бернажу, – хотиржам жавоб берди д'Артаньян, – мен сизни чиқаверишда кутаман.

– Бораверинг, тақсир. Орқангиздан кетяпман.

– Ортиқча шошма-шошарлик қилманг, тақсир, токи бирга чиққанзимизни ҳеч ким пайқаб қолмасин. Биз шуғулланажак ишга ортиқча гувоҳларнинг кераги йўқ.

– Яхши, – номи лозим таассурот қолдирмаганидан ҳафсаласи пир бўлиб, рози бўлди гвардиячи.

Бернажунинг номи ҳақиқатан ҳам ҳаммага маълум эди, ёлғиз д'Артаньянгина бундан истисно бўлса, эҳтимол. Зеро, бу қирол ва кардиналнинг фармонларини юз-хотир қилмасдан ҳар кун содир бўлиб турган тўқнашув ва олишувларнинг деярли ҳаммаси иштирокчисининг номи эди.

Портос билан Арамис ўйин билан шу қадар андармон, Атос бўлса уларни шу қадар берилиб кузатмоқда эдики, гвардиячига ваъда қилганидек, чиқиб бўсағада

тўхтаган ёш йигитнинг кетганини уларнинг ҳеч бири сезмади. Бир-икки дақиқадан кейин гвардиячи унинг изидан чиқди. Д'Артаньян пешинга тайинланган қирол қабулига кечикишдан кўрқиб, интиқарди. Атрофга аланглаб, у кўчанинг бўм-бўшлигини кўрди.

– Худо ҳаққи, – рақибига мурожаат қилиб гапирди у, – ўзингизни Бернажу десангиз ҳам омадингиз бор экан! Сиз фақат шогирд-мушкетёрга йўлиқибсиз. Дарвоқе, ташвиш тортманг: мен қўлимдан келганини аямайман. Ҳимоя қилинг ўзингизни!

– Назаримда, – деди д'Артаньян чорлаган гвардиячи, – назаримда, жой нобпроқ танланган. Сен-Жерменнинг орқасида, ёки, Пре-о-Клеркда учрашсак, бе-малолроқ бўлармиди.

– Сўзларингиз жуда ўринли, – деди д'Артаньян. – Афсуски, вақтим зиқ. Роппа-роса соат ўн иккида мулоқотим бор. Шунинг учун ўзингизни ҳимоя қилинг, тақсир, ҳимоя қилинг!

Бернажу бу хил таклифни такрорлатиб ўтирадиганлардан эмасди. Шу заҳотиёқ у қўлда қиличини ярақлатиб, ёшлигини юз-хотир қилиб, фақат бир кўрқитиб қўймоқчи бўлган рақибига ташланди.

Лекин, д'Артаньян куни-кеча яхши сабоқ олган эди. Галаба иштиёқидан бутун вужудини титроқ босиб, кутилажак марҳаматдан фахрланиб, у бирор қадам чекинмасликка қатъий қасд қилган эди. Қиличлар жангга чалишди. Д'Артаньян дадил турди, рақиб эса бир қадам чекинишга мажбур бўлиб қолди. Бу ҳаракат пайти Бернажунинг қиличи сал оғишганидан фойдаланиб, д'Артаньян қиличини бўшатиб олди-да олға ташланиб, тигни рақибнинг кифтига тегизди. Д'Артаньян шу замон орқага чекиниб, қиличини кўтарди. Лекин, Бернажу, бу ҳеч гап эмас, деб қичқирди-да, дадил олға чиқиб, д'Артаньяннинг қиличига ўзи бориб урилди. Лекин, барибир, у йиқилмас, ўзини мағлуб деб ҳам тан олмас, фақат ўзини бир қариндоши хизматда бўлган де Ла Тремул иморати сари чекинарди, холос,

ўзи рақибига берган сўнгги жароҳатнинг нақадар оғирлиги тасаввурида ҳам йўқ д'Артаньян шиддат билан уни қисиб борар, эҳтимол, ўлдириб ҳам қўярди. Бироқ, кўчадаги шовқинни копток ўйналаётган хонада эшитиб қолишди. Гвардиячининг дўстларидан уни д'Артаньян билан бир-икки оғиз сўз ташлашиб, кейин унинг орқасидан чиқиб кетганига кўзи тушган икки нафари қиличларини суғуриб, хонадан чопиб чиқиб, голибга ёпишдилар. Аммо, айти шу онда Атос, Портос ва Арамислар ҳам ўз навбатида бўсағада пайдо бўлдилар ва ёш дўстларига ҳужум қилаётган икки гвардиячига ёпирилиб, уларни ўзлари томон ўгирилишга мажбур қилдилар. Шу пайт Бернажу йиқилиб тушди, тўрт кишига қарши иккаловигина қолган гвардиячилар шовқин кўтаришди:

– Де Ла Тремулнинг одамлари, ёрдамга!

Бу нидога де Ла Тремулнинг уйида бор одамлар ёғилиб чиқди-ю, тўрт мушкетёрга ташланишди.

Лекин, мушкетёрлар ҳам ўз навбатида жанговар наъра тортдилар:

– Мушкетёрлар, ёрдамга!

Бу ҳайқириққа ҳамиша лаббай дейиларди. Мушкетёрлар падари бузрукворнинг душмани эканини ҳамма билар, кардиналга бўлган бу адовати учун улар манзур эдилар. Шунинг учун Арамис айтгувчи Қизил Герсогга хизмат қилмаган бўлак полкларнинг гвардиячилари шу хил тўқнашувларда қирол мушкетёрларининг ёнини олардилар. Айти шу пайтда жаноб Дезессара полкидан уч гвардиячи ўтиб кетмоқда эди, улардан икки киши тўрт биродарларига ёрдамга отилди, бу орада учинчиси эса:

– Мушкетёрлар, ёрдамга! Ёрдамга! – дея бақирганича де Тревиль уйига қараб, елдек учиб кетди.

Ҳар доимгидай жаноб де Тревиллнинг ҳовлиси ўз полкидаги аскарлар билан гавжум бўлиб, улар биродарларининг ёнини олгани югуришди. Умумий ур-йиқит келиб чиқди, лекин, устунлик жаноб де Тревиль одам-

ларида эди. Кардиналнинг гвардиячилари билан жаноб де Ла Тремулнинг одамлари рақибаларининг ҳам ўзлари билан киришига тўсқинлик қилиш учун дарвозани беркитишга аранг улгуриб, ҳовлининг ичкари-сига чекинишди. Ярадор Бернажу бундан илгарироқ жуда оғир аҳволда уйга олиб кетилган эди.

Мушкетёрлар билан уларнинг шериклари ҳаяжони авжига чиқиб кетди, энди де Ла Тремул одамлари қирол мушкетёрларига ҳужум қилишга ботингани қасдига уйга ўт қўйиб юбориш керакмикин, деган фикр туғила бошлади. Кимдир ўртага ташлаган бу таклиф завқ билан қабул қилинди. Аммо, хайриятки, соат ўн бирга занг уриб қолди. Д'Артаньян билан унинг дўстлари қабулни эслаб қолишди. Шундай қойилмақом ҳазил уларнинг иштирокисиз ижро этилишидан кўрқиб, бу бебош каллаларни совутишга ҳаракат қилишди. Ҳар қалай бир-иккита тош учиб бориб, дарвозага тегди. Лекин, дарвоза мустаҳкам экан. Бу оломоннинг шаштини қайтарди. Бундан ташқари, сарбонлар оломондан ажралиб чиқиб кетишган ва аллақачон ҳамма гапдан хабар топган де Тревилнинг уйига томон кетмоқда эдилар.

– Дарров Луврга! – деди у. – Луврга, бирор дақиқа зое кетмасин, қирол билан, уни кардинал огоҳлантирмасдан илгари учрашиб кўрайлик. Биз бу ишни кечанинг давоми қилиб кўрсатамиз, иккаласи бир кета қолади.

Жаноб де Тревиль тўрт оғайни ҳамроҳлигида Луврга шошилди. Лекин, у ерда мушкетёрлар капитанини лол қолдириб, қиролнинг Сен-Жермен ўрмонига буғу овлагани жўнаб кетганини хабар қилдилар. Жаноб де Тревиль бу янгиликни икки марта такрорлашга мажбур қилиб, гал сайин кўпроқ қовоғини соларди.

– Овга чиқишга ҳазрат олийлари кеча қарор қилдиларми? – сўради у.

– Йўқ, жаноб олийлари, – жавоб берди маҳрам, – тунда буғу қуршаб олинганини бош мерган бугун эр-

талаб уларга хабар қилди. Қирол аввал бормайман деди, кейин бундай эрмақдан воз кечгани кўнгли бўлмай – барибир кетди.

– Қирол кетиш олдидан кардинал билан кўришганимиди? – сўради жаноб де Тревиль.

– Шундай бўлса, эҳтимол, – жавоб берди маҳрам. – Падари бузрукворнинг қўшилган извошини бугун эрталаб дарвозахонада кўриб эдим. У қаёққа бормоқчи, десам, менга Сен-Жерменга деб жавоб қилишди.

– Биздан ўзиб кетишпти, – деди де Тревиль. – Бугун кечқурун мен қиролни кўраман, жаноблар. Сизларга келганда эса, қиролга рўбарў бўлишни маслаҳат бермайман.

Маслаҳат жуда тўғри, энг муҳими, қиролни тўқис билган кишидан чиққан эдики, тўрт оғайни у киши билан баҳслашиб ҳам ўтирмадилар. Жаноб де Тревиль уй-уйига тарқаб, кейинги маълумотларни кутишни таклиф этди.

Уйга қайтгач, де Тревиль шошилинич, биринчи бўлиб арз қилиш керак, деб кўнглидан кечирди. У мулозимларининг бирини жаноб де Ла Тремул ҳузурига мактуб билан юборди, унда кардинал хизматида бўлган гвардиячини ўз уйидан ҳайдаб чиқаришини ва мушкетёрларга ҳужум қилишга журъат этганлари учун ўз одамларига танбеҳ беришни ўтинган эди. Бернажуга рақобати бўлган ўз отбоқари томонидан аллақачон огоҳ қилинган жаноб де Ла Тремул жаноб де Тревилнинг ҳам, мушкетёрларнинг ҳам арз қилишлари ярашмаган қилиқ, чунки, аксинча, мен ўзим шикоят қилсам бўлади, зеро, мушкетёрлар хизматкорларимга ҳужум қилишган, ҳатто, уйимга ўт қўймоқчи ҳам бўлишган деб жавоб қилди. Бу икки мансабдорнинг жанжали анча узоқ чўзилиши мумкин эди, уларнинг ҳар бири ҳам ўз сўзида туриб олиши аён эди, лекин, де Тревиль бир чора ўйлаб топдики, у ҳаммасини равшанлаштириши зарур эди. У шахсан ўзи жаноб де Ла Тремулникига боришга аҳд қилди.

Жаноб де Ла Тремулнинг уйига етиб, у ўзи тўғрисида ахборот беришни буюрди.

Мансабдорлар илтифот билан таъзим қилдилар. Гарчи, дўстлик ришталари билан боғланмаган бўлсалар-да, улар бир-бирларини иззат қилишарди. Протестант ўлароқ де Ла Тремул саройда кам бўлар ва шунинг учун ҳеч бир партияга кирмагани сабабли, у, одатда, ўзининг кишилар билан муносабатларига эгри фикр аралаштирмасди. Бу дафъа де Тревиль тавозе билан бўлса-да, ҳар вақтдагидан совуқроқ манзират қилинди.

– Тақсир, – деди мушкетёрлар капитани, – иккимиз ҳам ўзимизни озор топган, деб ҳисобламоқдамиз, мен сиз билан биргалиқда бу ишнинг ҳамма жиҳатларини аниқлаш учун ҳузурингизга ташриф буюрдим.

– Жоним билан, – жавоб берди де Ла Тремул, – лекин, огоҳлантириб қўяй, менинг жуда яхши хабарим бор, ҳамма гуноҳ сизнинг мушкетёрларингизда.

– Сиз ўта мулоҳазали ва ҳаққоний кишисиз, тақсир, мен айтмоқчи бўлиб, ҳузурингизга келган таклифни рад қилмассиз.

– Марҳамат, тақсир, қулоғим сизда.

– Отбоқарингизнинг қариндоши жаноб Бернажу ўзини қандай ҳис қиляпти?

– Аҳволи оғир, тақсир. Ҳеч қандай хавф туғдирмайдиган билақдаги ярадан ташқари, ўпкасига иккинчи зарба ҳам берилган. Табиб унинг соғайиб кетишига деярли умид қилмаяпти.

– Ярадор ҳушидами?

– Ҳа, ҳуши жойида.

– У гапира оладими?

– Зўрға-ю, лекин, гапиряпти.

– Гап бундай, тақсир, унинг ёнига борайлик, тез ора унинг жонини олиб кетиши, эҳтимол, худони ўртага солиб ҳақиқатни айтишини илтижо қилайлик. Майли, ўз шахсий ишида унинг ўзи ҳакам бўлсин, мен ҳам у нимаки деса, ҳаммасига ишонаман.

Жаноб де Ла Тремул бир зум ўйланиб қолди, лекин бундан тўғрироқ таклиф қилиш мушкул, деган қарорга келиб, дарҳол рози бўлди.

Улар иккаласи ярадор ётган хонага тушдилар. Ўзидан хабар олгани келган бу мартабали жанобларни кўриб, бемор каравотида кўзғалишга ҳаракат қилди, лекин у шу қадар заиф эдики, қилган ҳаракатидан мадори қуриб, деярли ҳушидан кетиб, орқасига ағдарилиб тушди.

Жаноб де Тревиль унинг ёнига бориб, юзига тутган шишадаги дори уни ўзига келтирди. Шунда жаноб де Тревиль беморга таъсирини ўтказган, деб маломат қилишларини истамай, де Ла Тремулнинг ўзи тергашини таклиф этди.

Ҳаммаси худди жаноб де Тревиль ўйлагандай бўлиб чиқди. Ҳаёт-мамонт ўртасида тураркан, Бернажу ҳақиқатни яширолмади. У бор гапни асли қандай рўй берган бўлса, худди шундай сўзлаб берди.

Де Тревилнинг аини муддаоси шу эди. У Бернажуга тезроқ соғайишини тилаб, де Ла Тремул билан хайрмаъзур қилди-да, уйига қайтиб, турт оғайнини пешинликка қутажанини айттириб, зудлик билан одам юборди.

Жаноб де Тревилникида энг яхши давра – хонаси келганда шуни айтиш керакки, ёппасига кардинал душманлари йиғилгувчи эди. Шунинг учун бутун овқат давомида суҳбат падари бузрукворнинг гвардиячилари учраган қўш мағлубият атрофида айлангани тушунарли. Иккала жангнинг ҳам қаҳрамони д'Артаньян бўлгани сабабли ҳамма олқишлар худди ўшанга ёғилди. Атос, Портос ва Арамислар эса фақат кўнгилчан дўстларгина эмас, балки, кўп мадҳ этилавериб кўнглига урган, бу гал ўз насибасидан бош тортиши мумкин кишилар сифатида унга бажонудил ён берган эдилар.

Соат олтига етганда де Тревиль Луврга жўнаш пайти келди, деб эълон қилди. Лекин, аудиэнсия учун тайинланган вақт ўтиб кетгани сабабли у энди кичик дар-

возадан киришга ижозат сўрамади, балки, ўзининг тўрт ҳамроҳи билан қабулхонадан ўрин олди. Қирол ҳали овдан қайтганича йўқ эди.

Ёш дўстларимиз ярим соатча кутганларидан кейин бирдан ҳамма эшиклар ланг очилиб, ҳазрат олийларининг етиб келгани тантанали маълум қилинди. Д'Артаньян қалтирай бошлади. Кейинги дақиқалар, афтидан, унинг бутун келгуси тақдирини ҳал қилиб бериши лозим эди. Нафаси ичига тушиб, у нигоҳини қирол кирадиган эшикка қадади.

Бўсағада Людовик XIII кўринди. У ҳамроҳларидан илгари келарди. Қирол роса чанга ботган ов либосида эди. Қўлларида қамчи. Д'Артаньян бир қарашдаёқ унинг қаҳр-ғазаб сочишини фаҳмлади.

Қиролнинг авзойи ёмонлиги нечоғлик равшан бўлмасин, барибир, сарой аҳли унинг йўлида сафга тизилиб турди: қирол қабулхоналарида ғазабли назарга тушишни, умуман, кўзга илинмасликдан афзал кўрадилар. Шунинг учун учала мушкетёр ҳам сира иккиланмасдан бир қадам олдинга чиқдилар, д'Артаньян эса аксинча, уларнинг орқасида пана бўлишга ҳаракат қилди. Де Тревилга келганда, қиролнинг нигоҳи унга қадалганда, у бу нигоҳга шунча қатъият билан дош бердики, қирол беихтиёр кўзларини олиб қочди. Бундан кейин ҳазрат олийлари аллақандай мубҳам товушлар чиқариб, ҳашаматли хонасига ўтиб кетди.

– Ишлар пачава, – табассум билан деди Атос. – Бизга орден инъом қилиниши ҳали пешанамизда йўқ экан.

– Шу ерда ўн дақиқа кута туринг, – деди жаноб де Тревиль. – Бу орада қайтмасам, меникига жўнайверинг: ортиқ кутишнинг фойдаси йўқ.

Тўртала дўстлар ўн дақиқа кутишди, чорак соат, йигирма дақиқа. Де Тревилнинг дараги йўқлигини кўриб, улар жуда безовта бўлиб, йироқлашдилар.

Жаноб де Тревиль бу орада қирол кабинетига далил кириб борди ва қиролнинг энг нохуш кайфияти устидан чиқди. Қирол қамчи сопини ботфортларига

уриб-уриб, креслода ўтирарди. Де Тревиль хижолат чекмасдан, пинагини бузмай унинг сиҳатини суриш-тирди.

– Ёмон, тақсир, ўзимни ёмон ҳис қиляпман, – жавоб берди қирол. – Зерикаяпман.

Дарҳақиқат, бу Людовик XIII нинг энг оғир дардларидан бири эди. У муқаррибларидан бирортасини де-раза ёнига етаклаб, унга: «Зерикиб кетяпман, тақсир, келинг, бирга зерикайлик» – деган ҳоллар ҳам бўлиб турарди.

– Қандай? – хитоб қилди де Тревиль. – Ҳазрат олий-лари шикордан роҳат қилмадиларми ҳали?

– Роса роҳат бўпти-да! – тўнғиллади қирол. – Ҳамма нарса айнияпти, азбаройи худо! Билмайман, энди парранда из қолдирмай қўйдими, итлар сезгирлигини йўқотишдим. Биз каттакон буғунинг пайига тушиб, олти соат таъқиб қиляпмиз денг, уни Сен-Симонга қамай-қамай деганда ғалабани овоза қилайлик, деб энди мугузни лабимизга тутишимизни биламиз, гала тўсатдан сапчиб, аллақандай бир яшарига ёпишса бўладими. Мана, кўрасиз, лочин ови сингари буни ҳам йиғиштириб қўйишимга тўғри келади. Э, жаноб де Тревиль, мен бахти қаро қиролман! Битта шунқорим қолган эди, у ҳам тунов қуни ҳаром ўлди.

– Ростданам, ҳазрат олийлари, бу катта бахтсизлик, дилгирлигингизни тушунаман. Лекин, назаримда, лочин, қирғий ва бўлак овчи қушларингиз ҳали анча-мунча қолгандир?

– Уларни ўргатиш қўлидан келадиган ҳеч ким йўқ. Қўшбегиларнинг уруғи қуриб кетаётир. Ёлғиз мен ҳали лочин ови санъатига эгаман. Мендан кейин ҳаммаси тамом бўлади. Қопқон, тузоқ қўйиб ов қилишади. Кошки эди, шогирд тайёрлашга улгурсам... Лекин, қаерда, жаноб кардинал бир зум тинч қўймайди, ҳадеб, Испанияни гапиреди, Австрияни гапиреди, Англияни гапиреди! Ҳа, дарвоқе, кардинал хусусида: жаноб де Тревиль, мен сиздан норозиман.

Де Тревиль шуни кутарди, холос. Қиролни у кўпдан бери биларди, унинг ҳамма ҳасрат-надоматлари бор-йўғи бир дебоча, унга журъат бахшида қиладиган кўзғатувчи воситага монанд нарсалигини тушунди. Ўзи айтмоқчи бўлган нарсаларни у мана энди гапиради.

– Ҳазрат олийлари олдида мен нима гуноҳ қилибман? – юзида ғоят зўр таажжуб ифодалаб сўради де Тревиль.

– Сиз бурчингизни шундай бажаряпсизми ҳали, тақсир? – дангал жавобдан қочиб, давом этди қирол. – Измингиздаги кишилар одамларни ўлдирсин, бутун бошлиқ даҳани бошига кўтарсин, сал бўлмаса бутун Парижга ўт қўйсин, деб мен сизни мушкетёрлар капитани қилиб тайинлабманми? Сиз бу хусусда пом-мим демайсиз-а? Айтгандек, – давом этди қирол, – мен сиздан бекорга нолиятганга ўхшайман. Эҳтимол, улар аллақачон қамалиб, жазосини тортгандир, уларнинг суд қилинганини менга маълум қилгани келгандирсиз.

– Йўқ, ҳазрат олийлари, – хотиржам жавоб берди де Тревиль, – мен сиздан суд бўлишини илтимос қилиб келган эдим.

– Кимлар устидан ахир? – хитоб қилди қирол.

– Тўхмат қилганлар устидан, – деди де Тревиль.

– Зап янгилик-ку, бу! – хитоб қилди қирол. – Уч лаънати мушкетёрингиз, бу Атос, Портос билан Арамисингиз ўша беарнлик муттаҳам билан бирга шўрлик Бернажуга қутургандай ёпирилганини ҳали сиз инкор этарсиз, уни шу қадар дўппослашганки, эҳтимол у ҳозир ажал тўшагида ётгандир? Бунинг кетидан де Ла Тремулнинг уйини қуршаб, унга ўт қўймоқчи бўлганларини ҳам инкор этарсиз – уруш пайти бўлса, майли эди, унча ёмон бўлмасди, зеро ўша уй гугенотларнинг ростмана уяси, лекин, тинч вақтда бу кўнгилсиз воқеа ибрат бўлиши мумкин. Қани энди айтинг: шу гапларнинг ҳаммасини инкор қилмоқчимисиз?

– Ҳазрат олийларига бу эртақни ким айтиб берди ўзи? – ҳамон ўша босиқлик билан гапирди де Тревиль.

– Ким айтиб берди дейсизми, тақсир? Ким бўларди, ўша мен ухлаганда бедор юрган, мен яйраётганда, мамлакат ичкариси ва ташқарисидаги – Франция ва Европадаги ишларини бошқараётган кишининг ўзи-да?

– Ҳазрат олийлари, олло таолонинг ўзини назарда тутаётган бўлсалар керак, – деди де Тревиль, – зеро, менинг назаримда, ёлғиз худо ҳазрат олийларидан шу қадар юқори туриши мумкин.

– Йўқ, тақсир, мен қиролликнинг истисноси, менинг ягона чокарим, ягона дўстим – жаноб кардинални айт-япман.

– Жаноб кардинал ҳали авлиё эмас.

– Нима демоқчисиз, тақсир?

– Ёлғиз папагина беиллатдир, бу беиллатлик кардиналларга дахлсиз.

– Сиз у алдаяпти, хоинлик қилаяпти демоқчимисиз? Бинобарин, сиз уни айблаяпсиз-да? Қани, тўғрисини айтинг, уни айблаётганингизга иқрор бўлинг.

– Йўқ, ҳазрат олийлари. Лекин, мен унинг ўзи алданган деяпман. Мен ҳазрат олийларининг мушкетёрларига адолатсизлик қилиб, уларни айблашда у шошма-шошарлик қилган, маълумотларни ёмон манбалардан тўплаган демоқчиман.

– Айблаётган жаноб де Ла Тремул герсогнинг ўзи.

– Мен герсогнинг холислигига ишониб бўлмас, негаки, у бу ишни кўнглига жуда яқин оляпти деб жавоб қилишим мумкин эди, ҳазрат олийлари. Лекин, мен бундан йироқман, ҳазрат олийлари. Мен герсогни олижаноб, виждонли киши сифатида биламан, унинг ўзига ишонишга тайёрман, фақат бир шарт билан...

– Қандай шарт билан?

– Истардимки, ҳазрат олийлари у кишини чақиртириб, сўроқ қилсалар, лекин, гувоҳларсиз, ёлғиз сўроқ қилсалар, кейин ҳазрат олийлари герсог кетган заҳоти мени қабул этсалар.

– Шундай денг? – деди қирол. – Жаноб де Ла Тремулнинг ҳамма гапларига тамомила ишонасизми?

– Ҳа, ҳазрат олийлари.
– Сиз унинг ҳукмига итоат қиласизми?
– Ҳа.

– Неки талаб этса, рози бўласизми?

– Ҳа, ҳазрат олийлари.

– Ла Шене! – қичқирди қирол. – Ла Шене!

Людовик XIII нинг ҳамиша эшик пойлагувчи ишонч-ли маҳрами хонага кириб келди.

– Ла Шене, – деди қирол, – дарҳол жаноб де Ла Тремулга жўнасинлар. Бугуноқ кечқурун у киши билан гаплашиб олишим зарур.

– Де Ла Тремул билан менинг орамда ҳеч кимни қабул қилмайман деб, ҳазрат олийлари сўз берадиларми? – сўради де Тревиль.

– Ҳеч кимни, – жавоб берди қирол.

– Унда эртагача, ҳазрат олийлари.

– Эртагача, тақсир.

– Ҳазрат олийлари қай вақтни буюрадилар?

– Сиз истаган вақтни.

– Лекин, мен жуда эрта келиб қўйиб, ҳазрат олийларини уйғотиб қўйишдан қўрқаман.

– Мени уйғотиб юборишдан? Мен ухлармишманми? Мен ортиқ ухламай қўйдим, тақсир. Гоҳида мизғийман, холос. Истаганингизча эрта келаверинг, соат еттида бўлсаям, майли. Лекин айб мушкетёрларингизда бўлса, эҳтиёт бўлинг!

– Айб мушкетёрларимда бўлса, айбдорлар ҳазрат олийларининг қўлларига топширилади, лозим кўрган чорангизни қўллайсиз. Ҳазрат олийларининг яна бошқа истаклари борми? Қулоғим сизда, Итоат қилишга тайёрман.

– Йўқ, тақсир. Йўқ. Мени бекорга Одил Людовик де-йишмайди. Эртагача, тақсир, эртагача.

– Ҳазрати олийларини худо паноҳида асрасин!

Бу тун қирол нечоғлиқ ёмон ухласа-да, жаноб де Тревиль ундан ҳам бадтарроқ ухлади. У оқшомдаёқ уч мушкетёр ва уларнинг дўстига саҳарда роппа-роса олти

яримда ўзиникида бўлишини айттириб қўйди. Ҳеч қандай ваъда бермай, ҳеч нарсага кафил бўлмай, уларни ўзи билан саройга олиб кетди, уларнинг тақдири худди ўзиники сингари қил устида турганини ҳам яширмади.

Кичик дарвозадан киргач, у қутишни буюрди. Қирол жаҳлидан ҳануз тушмаган бўлса, улар билдирмай жўнаб қоладилар. Борди-ю, қирол қабул қилишга розилик берса, уларни чақирадилар.

Қиролнинг шахсий қабулхонасида жаноб де Тревиль Ла Шенени кўриб қолди, у кеча кечқурун герсог де Ла Тремулни уйидан топиш иложи бўлмагани, уйига қайтганда алламаҳал бўлиб, саройга келолмагани ва герсог боягина ташриф буюриб, шу дақиқада қирол ҳузуридалигини маълум қилди.

Сўнгги вазият жаноб де Тревилга жуда маъқул эди. Энди у де Ла Тремулнинг кетиши билан шахсан ўзининг қирол ҳузурида бўлиши оралиғида ҳеч қандай бегона таъсир ўтиб улгурмаслигига ишонса бўларди.

Дарҳақиқат, ўн дақиқа ўтар-ўтмас эшиклар очилди ҳамда де Тревиль кабинетдан чиқиб келаётган де Ла Тремулни кўрди. Герсог тўппа-тўғри унга қараб юрди.

– Жаноб де Тревиль, – деди у, – ҳазрат олийлари уйимнинг олдида содир бўлган воқеанинг ҳамма тафсилотларини билиш учун мени чақиртирибдилар. Мен у кишига тўғриси айтдим, яъни айб менинг одамларимда бўлганини, сиздан узр сўрашга тайёрлигимни тан олдим. Сиз билан учрашиб қолган эканман, бу нарсани ҳозир бажо келтиришга ижозат бергайсиз, мени ҳамиша ўз дўстларингиз қаторида санашингизни илтимос қиламан.

– Жаноб герсог, – гапирди де Тревил, – мен сизнинг ортиқ даражада ҳалоллигингизга шу қадар ишонган эдимки, қирол олдида сиздан бўлак шафени кўнглим истамади. Мен хато қилмаганимни кўриб турибман, шаънига ҳозирги гапларимни янглишмай бўладиган эркакларнинг Францияда ҳали уруғи қурилагани учун сизга ташаккур.

– Жуда соз, жуда соз! – хитоб қилди эшикда турган ҳолда бу суҳбатни эшитган қирол. – Ўзини сизнинг дўстингиз деяётгандан кейин унга фақат айтиб қўйинг, Тревиль, мен ҳам у кишининг дўслари қаторида бўлишни истардим, лекин у менга парво қилмайди. У кишини кўрмаганимга, мана яқинда уч йил тўлади, фақат чақиртирганимдан кейин кўрдим. Менинг номимдан шуни айтиб қўйинг, зеро, булар қирол ўзи айтолмайдиган нарсалардир.

– Ташаккур, ҳазрат олийлари, ташаккур. Лекин, мен ҳазрат олийларини ишонтириб қўйишни истардимки – бунинг де Тревилга алоқаси йўқ, албатта – мен ҳазрат олийларини ишонтириб қўйишни истардимки, энг садоқатли кишилар ҳазрат олийлари истаган маҳал кўриниб юрганлар эмас.

– Демак, сиз гапимни эшитибсиз-да герсог? Яна яхши, яна яхши! – дея бир қадам олға юриб гапирди қирол. – Ҳа, сизмидингиз, Тревиль? Мушкетёрларингиз қани ўзи? Мен тунов кунни уларни олиб келинг, деб илтимос қилган эдим-ку. Нега бунни қилмадингиз?

– Улар пастда, ҳазрат олийлари, рухсатингиз билан Ла Шене уларни чақириб келади.

– Ҳа, ҳа, дарҳол ҳузуримга келсинлар. Ҳали замон саккиз бўлади, тўққизда эса мен баъзи бировларни кутяпман... Кетишингиз мумкин, герсог, албатта, саройда бўлиб туринг... Кираверинг, Тревиль.

Герсог таъзим қилиб, чиқиш томон юрди. У эшикни очаётган пайти зинанинг юқори супасида уч мушкетёр билан д'Артаньян кўриниб қолишди. Уларни Ла Шене етаклаб келган эди.

– Яқинроқ келинг, ботирлар, яқинроқ келинг, – деди қирол. – Сизларни бир койиб қўяй.

Мушкетёрлар таъзим билан яқинроқ бордилар. Д'Артаньян орқароқда юрди.

– Шайтонлар-эй! Қандай қилиб бу тўрт киши икки кунда кардиналнинг етти гвардиясини ишдан чиқариб қўйдиларинг? – давом этди Людовик XIII. – Бу кўп, қуюш-

қондан ташқари кўп. Иш шу қабилида борса, уч ҳафтадан кейин падари бузруквор ротасини янгилашига тўғри келиб қолади. Мен бўлсам, фармонларни жуда қаттиққўллик билан тадбиқ этишга мажбур бўлиб қоламан. Биттаси ҳам майли, энди эътироз қилмайман. Лекин, икки кун ичида етти кишини – такрор айтаман, бу кўп, қуюшқондан ташқари кўп.

– Худди шунинг учун, ҳазрат олийлари, кўриб турганларидек, улар хижолатда, жуда пушаймонда, ҳам узр сўраяптилар,

– Хижолатда? Жуда пушаймонми? Ҳм... – ишонқи рамай гапирди қирол. – Мен уларнинг муғомбир башараларига ишонмайман. Айниқса, хув анави гасконча келбатлисига. Қани, яқинроқ келинг-чи, афандим!

Бу сўзлар ўзига дахлдорлигини тушуниб, жуда ўсал бир қиёфада яқинроқ борди д'Артаньян.

– Шунақами ҳали? Нега энди сиз аллақандай йигит тўғрисида гапириб ўтирибсиз? Ахир бу гўдак-ку, норасида гўдак! Шундай даҳшатли зарбани Жюссакка шу бола урди денг ҳали?

– Бернажуга ҳам икки қилич зарбасини.

– Ростдан-а?

– Шуниси ҳисоб хорижидаки, – сўз қистирди Атос, – агар у мени Каюзакнинг қўлидан халос қилмаганида шу дақиқа ўзимнинг хокисор эҳтиромимни ҳазрат олийларига билдиришга мушарраф бўлолмасдим.

– Демак, чинакам шайтон экан-да, бу ёш беарлингиз, раҳматлик отам айтгувчи, шайтонлар-эй! Бу туришда озмунча қилич синиб, камзул йиртиладими? Гасконликлар эса аввалгидек камбағал, тўғрими?

– Тан олишим керак, ҳазрат олийлари, – деди де Тревиль, – олтин хазиначалар уларнинг тоғларида ҳали-бери топилганича йўқ, гарчанд, раҳматлик отангизнинг тахт учун қурашида қўллаб-қувватлаганлари учун худойим шундай мўъжиза яратса бўларди.

– Бундан чиқди, отамнинг ўғли бўлганимдан кейин мени ҳам гасконликлар қирол қилиб қўйибдилар-да,

тўғрими, Тревиль? Хўш, бош устига, бу менга маъқул...
Ла Шене, бориб менинг ҳамма чўнтакларимни кавлаш-
тириб кўринг – қирқ пистол топилармикан, агар то-
пилса, бу ёққа келтиринг. Унгача эса ҳаммаси қандай
содир бўлганини қўлингизни кўксингизга қўйиб,
сўзлаб беринг, йигитча.

Д'Артаньян кечаги ҳодисани майда-чуйда тафсилот-
ларигача: ҳазрат олийларини кўраман деб азбаройи
қувонганидан уйқуси қочиб, ўз дўстларининг ёнига
қабулдан уч соат илгари ташриф буюргани, улар бир-
галашиб майхонага жўнаганлари ва Бернажу уни юзи-
га копток тегиб кетишидан ҳадиксираётганини пай-
қаб, мазах қила бошлагани ва бу масхаралари касри-
га ҳаётини бой бераёзгани, бунга мутлақо алоқаси йўқ
де Ла Тремул эса товонига уйдан Болупар бўлишига
сал қолганларини ҳикоя қилди.

– Шундай! Ҳаммаси худди менга герсог сўзлаб бер-
гандай!.. Шўрлик кардинал! Икки кунда етти киши-я,
яна энг кўнглига яқинлари!... Лекин, энди бас, жаноб-
лар, эшитаяпсизми? Бас! Сизлар Феру кўчасининг қусу-
рини, ҳатто, ортиғи билан чиқардиларинг. Кўнглин-
гиз тўлса бўлади.

– Ҳазрат олийларининг кўнгиллари тўлган бўлса,
бизники ҳам тўлди, – деди де Тревиль.

– Ҳа, кўнглим тўлди, – деди қирол ва Ла Шененинг
қўлларидан бир ҳовуч олтин тангаларни олиб, улар-
ни д'Артаньяннинг ҳовучига солиб қўйди. – мана, –
қўшиб қўйди у, – кўнглим тўлганининг исботи.

У замонларда бизнинг кунларда тарқалган ғурур
тўғрисидаги тушунчалар ҳали расм бўлмаган эди.
Дворян қирол қўлларидан пул олар экан, сира орияти
келмасди. Шунинг учун д'Артаньян олган қирқ пистол-
ни тортинмасдан чўнтагига солиб қўйиб, ҳатто, қуюқ
миннатдорчилик ҳам билдирди.

– Хўш, жуда соз, – девор соатига кўз югуртириб деди
қирол. – Жуда соз. Ҳозир саккиз ярим бўлиб қолибди.
Тўққизда баъзи бировларни кутяпман, деб айтиб эдим-

ку. Садоқатингиз учун ташаккур, жаноблар. Мен унга келгусида ҳам ишонсам бўлади, тўғрими?

– Ҳазрат олийлари, – бир овоз билан хитоб қилди тўрт улфат, – қиролимиз учун ўзимизни тилка-тилка қилдирардик.

– Яхши, яхши! Лекин, тилка-тилка бўлмаганингиз маъқул. Шунда мен учун яхшироқ ҳам нафи кўпроқ бўлади... Тревиль, – ёш йигитлар чиқаётган пайтда нимтовушда қўшиб қўйди қирол, – полкингизда бўш ўрин бўлмагани важҳидан, бунинг устига полкка синовсиз қабул қилмасликка қарор ҳам қилиб қўйдик, бу йигитни қуёвингиз жаноб Дезессаранинг гвардия ротасига жойлаштириб қўйинг... Эҳ, азбаройи шифо, кардиналнинг афти буришишига ҳозирдан қувоняпман! Унинг жони чиқиб кетади, лекин менга барибир. Мен адолат юзасидан иш тутдим.

Қиролнинг илтифотли ишораси билан жавоб олган де Тревиль мушкетёрларининг олдига жўнади. У д'Артаньян олган қирқ пистолни улар бўлишаётганларининг устидан чиқди.

Қирол ўйлагандай кардиналнинг чиндан ҳам аччиғи чиқди, у бутун ҳафта мобайнида кечқурунлари шахмат ўйнагани келмай юрди. Бу қиролнинг дуч келганда уни дилбар табассум билан қаршилаб, ғоят мулоқим товуш билан:

– Ҳўш, жаноб кардинал, сизнинг содиқ соқчиларингиз – бу бояқиш Бернажу билан Жюссакнинг аҳволи қалай? – деб ҳол сўрашига монелик қилмасди.

VII

Мушкетёрлар ўз уйида

Луврни тарк этгач, д'Артаньян қирқ пистолнинг ўз улушини қай йўсинда тузукроқ ишлатишни ўз дўстларидан сўраганида Атос «Қарағай бужури»да яхши зиёфат буюртиришни, Портос хизматкор ёллашни, Арамис эса муносиб маъшуқа тутишни маслаҳат бердилар.

Зиёфат ўша куниёқ берилди, янги хизматкор ҳам дастурхонга қарашиб турди. Зиёфат Атос томонидан буюртирилган, хизматкорни эса Портос тавсия қилган эди. Бу шавкатли мушкетёр худди ўша куни, шу зиёфат муносабати билан ёллаган киши пикардиялик эди; у Планшени – хизматкорнинг номи шундай эди – сувга туфлаб ёйилаётган доираларни томоша қилиб турган пайти Ла Турнел кўпригида кўриб қолган эди. Портос бундай машғулот мушоҳадага мойиллик ва тадбиркорликдан далолат беради, деб таъкидлаб, ортиқ суриштирмасдан уни эргаштириб кетди. Планшенинг тахмини, у хизматга кираётган дворяннинг салобатли кўриниши уни ром қилиб кўйди, лекин, ўрин Мушкетон исми бир шериги томонидан аллақачон банд бўлиб қолганини кўриб, хийла ихлоси қайтиб кетди. Портос рўзғори мўл-кўл бўлгани ҳолда бир хизматкорга муҳтожлиги ва Планшенинг д'Артаньянга хизматга киришига тўғри келишини уқтирди. Бироқ, хўжайини бераётган базмда хизмат қила туриб ва ҳисоблашиш пайти унинг чўнтагидан бир қисм олтин танга чиқарганини кўриб Планше бахтга ёлчидим, деган қарорга келди-да, шундай бойга йўлиққани учун фалакка қуллуқ қилди. Зиёфат ниҳоясига етиб, унинг сарқитлари билан узоқ парҳез учун ўзини сийлагунича у шу кўнгил тўқлигида юрди. Лекин, кечқурун хўжайинига ўрин тўшаётганда унинг ёрқин орзулари тарқади-кетди. Даҳлиз ва ётоқхонадан иборат бутун хонадонда биттагина каравот бор эди. Планше д'Артаньяннинг каравотидан олинган, шу дамдан эътиборан соҳиби қуруқ қолган кўрпага ўралиб, даҳлизда ётди.

Атоснинг ҳам ўзига хос тарзда тарбияланган хизматкори бор эди. Унинг исми Гримо эди. Бу мўътабар жаноб – биз, албатта, Атосни назарда тутяпмиз – жуда камсухан эди. Мана, беш ёки олти йилдирки, улар Портос ва Арамис билан ораларидан қил ўтмасдан кун кечирардилар. Шу орада дўстлари унинг юзида табас-

сумни бир неча бор кўришган, лекин ҳеч қачон кулгисини эшитмаган эдилар. Унинг сўзлари қисқа ва фасиҳ бўларди, у ҳамиша айтмоқчи бўлган гапини айтарди, холос, ортиқ ҳеч нарса: ҳеч қандай муболаға, ҳашам, гўзаллик қўшмасди. У тафсилотларга тўхталмадан фақат моҳиятини гапирарди.

Атоснинг ёши ўттиздан ошмаган, бўй-басти ҳам, дили ҳам гўзал бўлса-да, ҳеч ким унинг маъшуқаси борлигини эшитмаганди. У ҳеч қачон аёллар ҳақида гапирмас, лекин, гарчи, ўзи аҳён-аҳёнда аччиқ сўз ёки ҳазин фикр қўшгувчи бу хил суҳбат унинг учун ўта кўнглисизлигини пайқаш осон бўлса-да, ўзгаларнинг бу мавзуда гапиришига ҳалал бермасди. Сиполиги, одамови, камсуханлиги уни деярли чол қилиб кўярди. Шунинг учун ўзининг одатларини ўзгартиришни лозим ҳисобламай, талабларини ўрнига қўйишга Гримони ўргатиб олган: у оддий ишора ёки лабларининг хиёл қимирлашига итоат қиларди. Атос у билан энг ғайри оддий ҳоллардагина сўзлашарди.

Гарчанд, хўжайинига қаттиқ меҳри тушиб, ақлига сажда қилса-да, ундан оловдан кўрққандай ҳайиқадиган Гримо истагини уқдим, деб ошиқиб, Атос ихтиёр қилган нарсанинг айни аксини бажарган дамлар ҳам бўларди. Шунда Атос елкаларини қисиб кўяр ва заррача жаҳлсиз Гримони дўппосларди. Бундай кунларда у хийла гапирадиган бўлиб қоларди.

Портос, биз аллақачон билиб олганимиздек, Атоснинг тўла тескариси эди: у кўп гапирибгина қолмай, қаттиқ-қаттиқ ҳам сўзларди. Дарвоқе, унга тан бериш керак: ўзига қулоқ соляптиларми-йўқми унинг учун сира фарқи йўқ эди. У ўз кўнглини очиш учун – ўзини ўзи эшитиб, ҳузур қилиш учун гапирарди. Ўзининг сўзлашича, олимлар унда болалик кезларидан чуқур нафрат кўзгатишларини баҳона қилиб, у фанлардан мустасно, мутлақо ҳамма нарса тўғрисида гап юритарди. Унинг кўриниши Атосникидай улуғвор эмас, Атоснинг устунлигини ҳис қилиш улар танишлигининг

дастлабки пайтлари Портоснинг кўп жиғига тегиб юрди. Шунинг учун лоқал либосининг ҳашамати билан ундан ўтиб кетишга уриниб, у хўп овора бўларди. Лекин, Атос оддий мушкетёрлик ридосида бошларини орқага ташлаб, бир қадам қўйди дегунча, у дарҳол ясанган-тусанган Портосни орқага суриб, ўзига муносиб ўринни эгалларди.

Портос бунинг юпанчи учун жаноб Тревиль қабулхонасини ва Лувнинг қоровулхонасини баланд овоз билан аёллар устидан эришган муваффақиятлари тўғрисидаги ҳикояларга тўлғазарди. Атос зинҳор бундай қилмасди. Энг сўнгги пайтлар таниқли ҳакамларнинг рафиқаларидан машҳур ҳарбийларнинг рафиқаларига, мансабдор хонимлардан барон хонимларга ўтиб, Портос ўзига ишқибоз бўлган аллақандай чет эл маликасига очиқ шаъма қиларди.

Эски мақолда: эшагига яраша тушови дейди. Шунинг учун Атоснинг хизматкоридан Портоснинг хизматкорига, Гримодан Мушкетонга ўта қолайлик.

Мушкетон нормандиялик эди, хўжайини унинг Бонифаций деган беозор исмини анча жарангдорроқ – Мушкетонга алмаштириб қўйганди. У ўзини бекамикўст боқиб кийинтиришларини шарт қилиб, Портосга хизматга кирган эди. Бундан ташқари, у, бошқа эҳтиёжларини қоплаши лозим бўлган ҳунари билан машғул бўлиш учун ҳар куни икки соат бўш вақт ажратилишини илтимос қилди. Портос бу шартларга кўнди: булар унга роса маъқул келган эди. У Мушкетонга камзуллар буюртирар, улар Портоснинг эски либослари, ортиқча ридоларидан бичилар эди. Ўзи эски-тускиларни ағдариб, қайта тикадиган, рафиқаси эса Портоснинг кибор қилиқларидан рўй-рост айнитиш ниятида юрган бу тикувчининг уддабуронлиги туфайли соҳибига ҳамроҳ бўлган кезлар Мушкетоннинг сиёқи жуда салобатли бўларди.

Табиатининг, гарчи ривожини худди дўстлариники сингари кейинчалик мушоҳада қилсак-да, биз бирмун-

ча дуруст таърифлаган Арамисга келганда – унинг хизматкорининг исми Базен эди.

Хўжайини бир кун келиб, диний мартабага эришмоқ умидида бўлгани сабабли у руҳоний кишининг хизматкорига хос нуқул қора кийиб юрарди. Бу ўттиз беш-қирқ ёшлардаги ювош, хотиржам, тўлагина беррийлик киши эди. Соҳибни берган бўш вақтларни у диний китоблар мутолаа қилишга бағишларди, зарурат туғилганда, бир-икки хил бўлса ҳамки, жуда соз таомлардан иборат туппа-тузук зиёфат тайёрлаш унинг қўлидан келарди. Қолган масалаларда у кўр ва кар, унинг садоқати ҳар қандай синовга дош бериши мумкин эди.

Энди юзаки бўлса-да, жаноблар ҳамда уларнинг хизматкорлари билан танишиб олгач, ҳар бирининг уй-жойига ўтамиз. Атос Люксембургдан икки қадамлик Феру кўчасида истиқомат қиларди. Ҳали унча қариманган, жуда гўзал, унга беҳуда термилиб юрувчи уй бекаси ижарага қўйган иккита кичикроқ, шинам жиҳозланган хоналарни эгаллаганди у. Ўтмишдаги зийнатларнинг қолган-қутганлари бу жунгина масканнинг деворларида, унда-мунда кўзга ташланарди, масалан: серҳашам, шубҳасиз, Франсиск I даврига мансуб қилич, унинг асл тошлар билан безатилган сопининг ўзи икки юз пистолдан кам турмаса керак. Бироқ, Атос, ҳатто, энг мушкул дамларда ҳам уни гаровга қўйиш ёки сотишга бирор гал розилик бермаган. Бу қилич кўп вақт Портосга армон бўлиб юрди. Унга эга бўлиш учун у умрининг ўн йилини беришга тайёр эди.

Кунлардан бир кун у аллақандай герсог хоним билан учрашувга ҳозирлик кўра туриб, уни Атосдан вақтинча олиб туришга уриниб кўрди. Атос лом-мим демай, бор чўнтақларини ағдарди, ўзидаги жамики арзигулик нарсаларни йиғиштириб, уларни Портосга таклиф қилди. Қиличга келсак, у деворга қоқилган, деди у, эгаси шу маконни тарк этгандагина ундан узилади. Қиличдан ташқари, яна, Генрих III замонининг

гоят нафис кийинган, кўксига илоҳий Рух ордени таққан кибор аёнининг портрети диққатни тортарди. Бу портретнинг Атос билан маълум ўхшашлиги, бу кибор аён, қирол орденларининг кавалери унга ажод бўлишини кўрсатувчи истарасининг ўхшашлиги бор эди.

Пировардида булар – ажойиб заргарлик меҳнати сингган қилич ва портретдаги герб билан безатилган қути ўзининг латиф нафосати билан теварақдаги ҳамма нарсалардан кескин ажралиб, камин супасида кўз-кўз бўлиб турарди. Бу қутининг калитини Атос ҳамиша ўзи билан олиб юрарди. Лекин, бир гал уни Портоснинг олдидан очиб қолди, шунда Портос унинг ичида фақат мактуб ва қоғозлар – ишқий мактублар ва оила архиви борлигини билиб олди.

Портос Эски Каптархона кўчасида катта, кўринишидан ҳашаматли уйни эгаллаган. Улфатларидан бирортаси билан ҳамиша Мушкетон тантанали либос кийиб турадиган хона деразалари ёнидан ўтган маҳаллар Портос ҳар гал бошини кўтарар ва қўли билан юқорини кўрсатиб: «Мана, менинг масканим» – деб кўярди. Лекин, ҳеч ким уни уйидан топа олмас ва ҳеч кимса бу дабдабали сирт орқасида қандай ҳақиқий кўр-қут яширингани тўғрисида тасаввур ҳосил қилолмасди.

Арамисга келсак, у меҳмонхона, ошхона ва ётоқхонадан иборат мўъжаз уйчада истиқомат қиларди. Биринчи қаватдаги бўлак ҳамма хоналар сингари ётоқхона деразаси қуюқ ўсимликлари синчков назардан уни пана қилгувчи чоққина серсоя ва салқин боғчага қараб турарди.

Д'Артаньяннинг қандай ўрнашгани бизга маълум, унинг хизматкори Планше билан ҳам танишиб улгурдик.

Д'Артаньян табиатан синчков, дарвоқе, у фитна қилиш қобилиятига эга аскар кишилар сингари эди. У Атос, Портос, Арамисларнинг аслида кимлигини би-

лиш учун бор уқувини зўр бериб ишга соларди. Зеро, бу лақаблар замирида уларнинг ҳаммаси ўз дворянлик номларини яширардилар, хусусан Атос, унинг кибор кишилигини бир чақирим наридан ҳам пайқаб олиш мумкин эди. У Атос ва Арамис тўғрисида маълумот олиш мақсадида Портосга, Портоснинг кимлигини билиш учун эса Арамисга мурожаат қилди.

Таассуфки, Портос ўзининг индамас дўсти тўғрисида миш-мишлардан маълум нарсаларнигина биларди, холос. У оғир мусибат чеккан, бунга муҳаббат сабаб бўлган ва кимнингдир разил бевафолиги бу мўътабар кишининг ҳаётини заҳарлаган дейишарди. Лекин, бу бевафоликнинг тафсилотлари хусусида ҳеч ким ҳеч нарса билмасди.

Портосга келганда, худди иккала дўстларининг исмлари сингари ёлғиз жаноб де Тревилгагина маълум ҳақиқий исмидан мустасно, унинг ҳаёти тўғрисида ҳамма нарсаларни билиб олиш қийин эмас эди. У шуҳратпараст ва сергап бўлиб, ичу таши биллурдай кўришиб турарди. Фақат ўзи тўғрисида ўзи айтаётган мақтов гапларнинг ҳаммасига ишониб, унинг хусусида хатога йўл қўйиш мумкин эди.

Аmmo, Арамис, гарчи, унинг ҳеч қандай сир-асрори йўқдай туюлса-да, борлиғи билан махфиятга чулганган эди. Ўзгаларга алоқадор саволларга зўрға жавоб бериб, унинг ўзига тааллуқли ҳамма нарсага у пухталик билан чап берарди. Кунлардан бир кун, узоқ суриштиришлардан сўнг, д'Артаньян Арамисдан, гўё уларнинг умумий дўсти Портос, аллақандай герсог хонимни таслим қилибди, деган миш-мишларни билиб олиб, ўз ҳамсуҳбатининг ишқий саргузаштлари сирини очишга уриниб кўрди.

– Сиз-чи, муҳтарам дўстим, деди у, – сиз ўзгаларнинг барон, граф ва герсог хонимлар билан алоқаларини бирам бошлаб ҳикоя қиласиз, хўш, сизнинг ўзингиз-чи?

– Кечирасиз, – унинг сўзини бўлди Арамис. – Мен бу нарсалар ҳақида Портоснинг ўзи вайсаб юргани ва

менинг олдимда шовқин солиб, бу дилкушо ҳангома-ларни айтиб бергани учун гапираётибман. Лекин, менга ишонинг, муҳтарам жаноб д'Артаньян, мабодо улар менга бошқа манбадан маълум бўлган ёки уларни махфий гап сифатида айтган тақдирда мендан андишали сирдош топилмасди.

– Мен бунга шубҳа қилмайман, – деди д'Артаньян, – лекин, ҳар тугил менга, баъзи бир герблар сизга ҳам хийла яхши танишдай туюлади, биз шарофати билан танишиб қолган бир каштали рўмолча шундан далолат беради.

Арамис бу гал аччиқланмади, балки, энг беодоб бир қиёфага кириб, юмшоқ жавоб қилди:

– Хотирангиздан чиқарманг, дўстим, мен черковга кетмоқчиман ва шунинг учун кибор эрмаклардан ўзимни тортиб юраман. Сиз кўрган рўмолча менга тортиқ қилинмаган эди, уни дўстларимдан бири меникида унутиб қолдирганди, холос. Мен уларнинг – унинг ва у севадиган хонимнинг обрўси тўкилмасин, деб уни яшириб қўйишга мажбур бўлиб қолдим... Менга келганда эса, маъшуқам йўқ, бу жиҳатдан Атоснинг оқил тимсолига эргашиб, ошиқ бўлишни ҳам истамаганман, унинг ҳам мен сингари ёри йўқ.

– Лекин, сиз мушкетёр бўлганингиздан кейин руҳоний эмассиз-ку, азбаройи шифо!

– Фақат вақтинча мушкетёр, азизим, кардинал айтгандай – ихтиёрга хилоф мушкетёр. Лекин, кўнглимда мен черков чокариман, гапимга ишонинг. Атос билан Портос мени бирор нарса билан машғул бўлсин, деб бу ишга аралаштириб қўйишди. Худди рутба бериш пайтида сал дилсиёҳлик ўтиб, бир... Дарвоқе, сиз бунга қизиқмаслигингиз керак, сизнинг қимматли вақтингизни оляпман.

– Зинҳор йўқ, мен бу нарсаларнинг ҳаммасига жуда қизиқаман! – хитоб қилди д'Артаньян. – Ҳозир ҳеч қанақа ишим ҳам йўқ.

– Ҳа, лекин, менинг ибодат қиладиган вақтим бўлди, – деди Арамис, – сўнгра д’Егилён хоним илтимос қилган шеърларни битишим керак. Ундан кейин Сент-Оноре кўчасига бориб, де Шеврез хонимга упа-элик харид қилишим керак. Кўриб турибсизки, азизим, сиз шошмасангиз ҳам, лекин мен жуда шошилиб турибман.

Арамис ёш дўстига илтифот билан қўл узатиб, у билан хайр-маъзур қилди.

Д’Артаньян нечоғлик уринмасин, у ўзининг уч янги дўсти ҳақида ортиқ ҳеч нарса билолмади. Келажак батафсилроқ ва аниқроқ маълумотлар кўшади, деган умидда у ҳозирча улар ҳақида ҳикоя қилинаётган нарсаларга ишона туришга қарор қилди. Ҳозирча Атос унга – Ахилл, Портос – Аякс, Арамис эса – Иосиф бўлиб кўринарди.

Умуман, йигитлар шод-хуррам кун кечирардилар. Атос қимор ўйнар ва ҳамиша омади келмасди. Лекин, гарчи, ҳамёни улар учун ҳамиша очиқ бўлса-да, у дўстларидан ҳаргиз бирор су қарз сўрамасди. Борди-ю, насияга ўйнаган тақдирда ҳам у келгуси куниек қарзи бор кишини тегишли пулни топшириш учун тонг-саҳарда уйғотарди.

Портос аҳён-аҳёнда ўйнаб қоларди. Бундай кунлари, агар ютган бўлса, у димоғдор ва қўрс бўлиб кетарди. Борди-ю, ютқазиб қўйса, бир-икки кунга дом-дараксиз ғойиб бўларди, кейин юзлари сўлишган, синиққан ҳолатда, лекин чўнтагида пул билан қайтиб келарди.

Арамис ҳеч қачон ўйнамасди. У энг бемаъни мушкетёр дастурхон устида эса энг зерикарли меҳмон эди. Ҳамиша унинг машғулотга бориши зарур бўлиб қоларди. Базм авжида суҳбат қизиби, майдан кайфлари ошиб, ҳамма дастурхон устида яна икки, ҳатто уч соат ўтиришни чамалаб туришганда, Арамис соатига кўз ташлаб қўзғалар ва лабларида назокатли табассум билан, ўзининг айтишича, унга мулоқот тайинлаган ақоидшу-

нос олим билан кўришишга шошиб хайр-маъзур қиларди. Бошқа дафъа у диссертация устида бир оз бош қотириш учун ошиқар ҳамда уни алахситмасликни дўстларидан илтимос қиларди.

Бундай пайтларда Атос ўктам юзига бирам ярашиқ фусункор табассуми билан жилмайиб кўяр, Портос эса ичиб, Арамисдан жуда борганда қишлоқ руҳонийси чиқади, деб онт ичарди.

Д'Артаньяннинг хизматкори Планше ғойибдан келган омадни тақводорлик билан қабул қилди. У кунига ўттиз су ҳақ олиб, бир ой мобайнида уйига қушдай енгил, хушнуд бўлиб қайтиб, хўжайинига ҳам меҳр-эътибор билан муомала қилиб юрди. Гўрковлар кўчасидаги уй устида қора булутлар йиғила бошлагач, бошқача қилиб айтганда, қирол Людовик XIII нинг қирқ пистолни ном-нишонсиз тарқаб бўлгандан кейин Планше арз-ҳолини бошладики, буни Атос беҳузур қилгучи, Портос беодоб, Арамис эса асти кулгили деб ҳисоблардилар. Атос д'Артаньянга бу муттаҳамни бўшатиб юборишни маслаҳат берди; Портос хамир учидан уни бир савалаш керак, деб таклиф қиларди; Арамис эса соҳиб ўзининг шаънига мадҳиядан ўзгача гап эшитмаслиги шарт деб кўйди.

– Сизларнинг ҳаммангизга айтиш осон, – деди д'Артаньян, – сизга, Атос, Гримога гапиришни тақиқлаб, чурқ этмасдан кун ўтказиб, ўзингиз тўғрингизда минбаъд нохуш гап эшитмасангиз, сизга, Портос, ҳашаматли ҳаёт кечирсангиз ва Мушкетонингизга худо бўлиб туюлсангиз; ниҳоят, сизга Арамис, мудом диний машғулотларга ғарқ бўлиб, шунинг ўзи биланоқ хизматкорингиз Базенда, ювош-мўмин кишида, чуқур эҳтиром уйғота билсангиз. Лекин, менга-чи, на таянчсиз, на маблағсиз, на мушкетёр бўлмай, на, ҳатто, гвардиячи бўлмай, менга нисбатан меҳр, қўрқув ёки эҳтиромни Планшенида қандай кўзгатай?

– Муҳим масала, – дейишди уч дўст. – Бу ички уй иши. Хизматкорларни аёллар сингари қай ўринда кўрмоқ-

чи бўлсанг бир йўла ўша ерга қўйишни эплаш лозим, Буни мулоҳаза қилиб кўринг.

Д'Артаньян мулоҳаза қилиб кўриб, ҳар эҳтимолга қарши Планшени калтаклашга қарор қилиб, буни ҳам қилган ҳамма ишлари сингари астойдил бажарди. Уни бошлаб дўппослаб уй ва хизматни ташлаб кетишни Планшега ман қилиб қўйди.

– Билиб қўй, – деб қўшимча қилди д'Артаньян, – истиқболнинг сенга панд бермайди. Дурустроқ замонлар келади, агар мен билан қолсанг, иқболнинг очилади. Мен бўлсам, тақдирингга зомин бўлишингга йўл қўйиш учун ортиқ даражада раҳмдил хўжайинман, илтижо қилаётганингдек, сенга жавоб беролмайман,

Бу ҳаракат услуби мушкетёрларда д'Артаньяннинг дипломатик лаёқатига нисбатан чуқур ҳурмат уйғотди. Планшенинг ўзи ҳам қойил қолиб, кетиш тўғрисида ортиқ ғиринг деб оғиз очмади.

Ёш йигитлар аста-секин муштарақ ҳаёт кечира бошладилар. Одатлардан холи д'Артаньян вилоятдан дастлаб келгани ва унинг учун тамомила янги ҳаётга шўнғигани сабабли ўз дўстларининг одатларини ўзлаштириб олди.

Қишда соат саккизда, ёзда соат олтида ўриндан туришар, паромдан хабар олгани ва ҳавода нима янги гаплар кезиб юрганини илғаб олишга уриниб кўргани жаноб де Тревилникига борардилар. Д'Артаньян мушкетёр бўлмаса-да, сел қилгувчи сидқидиллик билан хизмат қиларди. У муттасил қоровуллик қиларди, чунки, доим ўз дўстларининг посбонлик хизмати ўтаётганига ҳамроҳ бўларди. Уни мушкетёрлар казармасида танишар, ҳамма уни хушфеъл ўртоқ деб ҳисобларди. Бир қарашда унга тан берган ва унга самимий хайрихоҳ бўлган жаноб де Тревиль уни нуқул қиролга мақтагани-мақтаган эди.

Учала мушкетёрлар ҳам ўзларининг ёш дўстини бағоят севардилар. Бу тўрт одамни боғлаб турган дўстлик ва ҳар қуни бир-икки мартаба – гоҳ бирор олишув

баҳонасида, гоҳ иш юзасидан, гоҳ бирор маишат ту-
файли бир-бирини кўришга бўлган доимий эҳтиёж
уларни кун бўйи бир-бирини қувиб юришга мажбур
этарди. Люксембургдан Сен-Сюлпис майдонига ёки
Эски Каптархона кўчасидан Люксембурггача бир-би-
рини қидириб қатнаётган бу ажралмасларни ҳар вақт
учратиб қолиш мумкин эди.

Де Тревиль берган ваъдалар шу аснода тадрижан
амалга ошиб бормоқда эди. Бир кун келиб, қирол ка-
валер Дезессарага ўз гвардия ротасида д'Артаньянни
кадет қилиб олишни буюрди. Д'Артаньян хўрсиниб,
гвардия сарпосини кийди: мушкетёрлик ридосига
мавоза қилиш учун у умрининг ўн йилдан кечган
бўлурди. Лекин, жаноб де Тревиль икки йиллик синов-
дан илгари бу марҳаматни дариф тутажагини айтган
эди – дарвоқе, фалакнинг гардиши билан д'Артаньян
қиролга хизмат кўрсатолса ёки бошқача йўсинда
ўзини алоҳида кўрсатолса, бу муддат қисқарилиши
мумкин эди. Бу ваъдани олгач, д'Артаньян йироқлаш-
ди ва келгуси куниёқ ўз хизматини ўташга киришди.

Энди у посбонликда турган чоғда д'Артаньян билан
биргаликда соқчиликка бориш навбати Атос, Портос
ва Арамисларга келди. Шу зайл жаноб Дезессара ро-
таси унга д'Артаньян қўшилган куни бир эмас, тўрт
кишини ўз сафларига қабул қилди.

VIII

Сарой фитнаси

Бу орада ёруғ дунёдаги ибтидога молик жамики нар-
салар сингари қирол Людовик XIII нинг қирқ пистолли-
нинг куни битди. Шу пайтдан эътиборан тўрт ўртоқ
учун мушкул кунлар бошланди. Дастлаб бутун тўпни
ўз маблағига Атос боқиб юрди. Сўнгра навбат Портос-
га ўтди ва ҳамма кўникиб қолган бедарак кетишлари-
нинг бири туфайли у яна икки ҳафтача уларнинг ризқ-
рўзини таъминлай олди. Ниҳоят, ўзининг айтишича,

диний китобларини сотиб, бир-икки пистол жамғарган Арамиснинг ҳам гали келди.

Сўнгра ҳар доимгидек ўзларига тегишли маошдан озроқ бунак берган жаноб де Тревилнинг ёрдамига таянишга тўғри келди. Лекин, тўланмаган қарзлари анча йиғилиб қолган уч мушкетёр билан ҳали буткул қарзи йўқ бир гвардиячи бу пулларга узоқ тирикчилик қилолмасдилар.

Ахийри тез орада энг зарур нарсаларга риёзат чекилиши аён бўлгач, улар қоқиб-суқиб зўрға саккиз ёки ўн пистол тўпладилар-да, Портос қимор ўйнагани жўнади. Лекин, унинг бу кун омади келмади: у бор пулни бой бериб, насияга яна йигирма беш пистол ҳам ютқазиб қўйди.

Шунда танг аҳвол чинакам муҳтожликка айланди. Бирор дўсти меҳмон қилиб қолишидан умидвор бўлиб, хизматкорларини эргаштириб, кўча-кўйларда изғиб юрган, очиққан мушкетёрларни учратиш мумкин эди. Зеро, Арамиснинг гапларига қараганда, мусибат кунлари аҳён-аҳёнда бўлса ҳамки, натижасидан баҳра олиш учун равнақ кунлари зиёфатларни ўнгу сўлга сочиш лозим эди.

Атос тўрт марта муқаллаф бўлиб, ҳар сафар ҳам ўз дўстларини хизматкорлари билан бирга олиб борди. Портос олти марта таклиф этилиб, ўз дўстларини улардан баҳраманд қилди. Арамис саккиз марта чорланди. Пайқаш мумкинки, бу киши шовқинни кам қилиб, ишни дўндириб қўярди.

Д'Артаньянга келсак, унинг пойтахтда сира танишбилиши йўқ бўлиб, унга фақат таги гасконлик руҳонийникида шоколад билан нонушта қилиш – гвардия корнетниқига бир марта зиёфатга муқаллаф бўлиш насиб қилди. Улар ғамланган икки ойлик озуқасини паққос тушириб қўйишган руҳонийниқига ҳам, мислсиз ҳотамтойлик қилган корнетниқига ҳам у ўзининг бутун армиясини бошлаб борди. Лекин Планше айтгандек, қанча емагин, барибир, бир марта ейсан, холос-да.

Д'Артаньян фақат бир яримта зиёфат ундира олганидан хижолатда эди. Атос, Портос ва Арамислар сийлаган базмлар шукронасига руҳонийникидаги нонушта ўтса, фақат ярим зиёфатнинг ўрнига ўтарди. Успиринларча соддадиллик қилиб у бутун тўпни бир ой мобайнида боққанини унутиб, бошқаларга дардисар бўляпман, деб ҳисобларди. Унинг жонсарақ ақли фаол ишлаб кетди. У тўрт нафар ёш, жасур, топқир ва қатъий ижодкор кишилар иттиҳоди ўз олдиларига сармаст алфозда сайр қилишлар, қиличбозлик машғулотларию, бир нав ўткир ҳазиллардан бўлак мақсад кўйиши лозим эди, деган хулосага келди.

Дарҳақиқат, улар сингари тўрт киши, бир-бири учун ҳамёнидан тортиб, жонигача фидо қилишга тайёр, бир-бирини ҳамиша қўллаб-қувватлагувчи, ҳеч қачон чекинмасдан ҳамжиҳат чиқарилган ҳар қандай қарорни бирга ёки тарқоқ амалга оширгувчи тўрт киши, ҳар қандай душманга бирга ёки тарқоқ таҳдид қилувчи тўрт муштум ошкор ёки пинҳонми, тик ёки эгри йўл биланми, ҳийла ёки куч биланми, мўлжалланган ният сари у нечоғлик олис бўлмасин, у нечоғлик устувор қўриқланмасин, муқаррар йўл очиши лозим эди. Д'Артаньянни фақат бу нарса аллақачонлар дўстларининг ақлига келмагани тааж-жубга соларди.

У Архимед ричагига таянгандай дунёни остин-устун қилиш мумкин бўлган восита бўлмиш – бунга у шубҳа қилмасди – бу ғаройиб, тўрт карра зўрайган куч қай йўлга солиниши зарурлиги устида бош қотириб, бу ҳақда, ҳатто жуда астойдил мулоҳаза қилиб турган эди, қўққис эшик журъатсиз тақиллаётгани эшитилиб қолди. Д'Артаньян Планшени уйғотиб, эшикни очишни буюрди.

Китобхон бу – «Планшени уйғотиб» – деган сўзлардан тун бўлибдию, ҳали тонг отмабди, деб хулоса чиқармасин тағин. Бўлмағур гап. Соат эндигина тўртга занг урган. Икки соат илгари соҳибининг ҳузурига ов-

қат беришини илтимос қилиб келганда унга «Ухлаганинг – овқат еганинг» деб мақол билан жавоб қилган эди. Планше ҳам овқатнинг ўрнини уйқу билан босган эди.

Планше хонага кўримсиз кийинган, афтидан, шаҳарлик кишини олиб кирди.

Планшенинг десерт ўрнида гап нима устида кетишини жуда билгиси келарди, лекин, меҳмон сир сақлашни талаб этадиган муҳим масала юзасидан гаплашиб олиши зарурлигини маълум қилди.

Д’Артаньян Планшени чиқариб юборди-да, меҳмонни ўтиришга таклиф этди. Ўртага сукут чўқди. Мезбон ва меҳмон гўё бир-бири ҳақида олдиндан тасаввур ҳосил қилмоқчидай бир-бирига тикилишарди. Ниҳоят, д’Артаньян эшитишга тайёрлигини билдириб, таъзим қилди.

– Менга жаноб д’Артаньян ҳақида мард йигит сифатида гапиришган эди, – деди меҳмон. – У муносиб равишда қозонган бу шуҳрат мени унга ўз сиримни ишонишга ундади.

– Гапиринг, тақсир, гапиринг, – ишдан аллақандай фойдаларнинг дараги келаётганини илғаб, деди д’Артаньян.

Меҳмон яна бир зум жим қолди-ю, сўнгра давом этди:

– Рафиқам қироличада кийим-кечаклар бошқарувчиси бўлиб хизмат қилади. У гўзал ва оқила аёл. Мени унга уйлантириб қўйганларига мана уч йилча бўляпти. Гарчи, сепи катта бўлмаса ҳам, қироличанинг маҳрами жаноб де Ла Порт унинг чўқинтирган отаси бўлади, ҳам унга валинеъматлик қилади.

– У ёғи-чи, тақсир, у ёғи нима? – шоширди д’Артаньян.

– У ёғи эса... – деди меҳмон, – у ёғи шуки, рафиқамни кеча эрталаб кийим-кечак омборидан чиқаётган пайтда ўғирлаб кетишибди.

– Рафиқангизни ким ўғирлабди?

– Мен, турган гап, даъво қилолмайман, лекин бир кишидан шубҳам бор.

– Кимдан экан у шубҳангиз?

– Анчадан бери унинг пайида юрган кишидан.

– Азбаройи шифо!

– Лекин, тақсир, назаримда, бу ишга муҳаббатдан кўра сиёсат аралашганга ўхшаб қолди...

– Муҳаббатдан кўра сиёсат... – ўйчан такрорлади д'Артаньян. – Ҳўш, нима тахмин қилаяпсиз?

– Қайдам, нима тахмин қилаётганимни сизга айта олармикинман...

– Тақсир, эътиборга олингки, мен сиздан ҳеч нарсани сўраганим йўқ. Сиз ўзингиз меникига ташриф буюрдингиз. Сиз ўзингиз ишониб, сизга махфий гап айтмоқчиман, дедингиз. Кўнглингиз нима тусаса, шуни қилаверинг. Сиз ҳали менга ҳеч нимани ошкор этмасдан жўнаб қолишингиз ҳам мумкин.

– Йўқ, тақсир, йўқ! Сиз менга виждонли йигит бўлиб кўринасиз, сизга ишонаман. Назаримда, бунга сабаб – рафиқамнинг шахсий кўнгили ишларимас-у, ундан мартабаси кўп улуғ бир хонимнинг кўнгили ишлари бўлса керак.

– Шундоқ! Де Буа-Траси хонимнинг кўнгили ишлари бўлмасин тағин? – меҳмонига ўзини сарой ҳаётидан яхши воқиф қилиб кўрсатгиси келиб, хитоб қилди д'Артаньян.

– Улуғроқ, тақсир, кўп улуғроқ.

– Д'Егилён хонимнингми?

– Яна улуғроқ.

– Де Шеврез хонимнингми?

– Улуғроқ, кўп улуғроқ.

– Ахир бу...

– Ҳа, тақсир, худди шундай, – даҳшат ичида зўрға эшиттириб шивирлади меҳмон.

– Ким билан?

– Ким билан бўларди, герсог билан-да...

– Герсог билан?..

– Ҳа, тақсир, – янаям мужмал қилиб ғўлдиради меҳмон.

– Лекин, буларнинг ҳаммаси сизга қайдан маълум?

– Ҳаҳ... қайдан маълум-а!

– Ҳа, қайдан? Тўла ишонч, ёки... ўзингиз тушунасиз...

– Мен буларни рафиқамдан биламан, тақсир, ўзимнинг рафиқамдан.

– Унинг ўзи-чи, қайдан билади?

– Жаноб де Ла Портдан. Ахир қироличанинг ишончли кишиси бўлмиш жаноб де Ла Портнинг у чўқинтирган қизи бўлади, деб айтмабмидим сизга. Хўш, шўрлик қироличамизнинг, қирол тарк этган, кардинал таъқиб этаётган, ҳамма хиёнат қилган бу бечоранинг ёнида ўзи ишона оладиган бирор кимса бўлиши учун жаноб де Ла Порт рафиқамни ҳазрат олияларининг олдига жойлаштириб қўйган.

– Хўш, хўш, аҳвол равшанлашяптими?

– Рафиқам тўрт кун бурун меникига келган эди, тақсир – ҳафтада икки марта мenden хабар олишга рухсат унинг хизмати шартларидан бири эди. Сизга уқтиришга мушарраф бўлганимдек, рафиқам мени жуда севади, шундай қилиб, у меникига келиб, қироличанинг ҳозир жуда ташвишда юрганини зимдан айтиб берди.

– Ростдан-а?

– Ҳа. Рафиқамнинг сўзларига қараганда жаноб кардинал қироличани ҳар қачонгидан кўпроқ таъқиб этиб, зулм ўтказаетганмиш. У сарабанда воқеаси учун уни кечиролмай юрибди. Сарабанда воқеасидан хабарингиз борми ўзи?

– Бўлмасам-чи! Менинг хабарим бўлмасмиши? – жавоб қилди ҳеч нарсадан хабарсиз, лекин ўзини ҳамма гапдан бохабардай кўрсатмоқчи бўлган д'Артаньян.

– Шундай қилиб, ҳозир бу адоват эмас – қасос!

– Ажабо?

– Қиролича ҳам гумон қилмоқдаки...

- Қиролича нима гумон қилмоқда?
- У герсог Бэкингемга ўзининг номидан мактуб юборилмаганмикан деб гумон қилмоқда.
- Қироличанинг номиданми?
- Ҳа, уни Парижга чақириб олиб, келгандан сўнг эса бирор тузоққа илинтириш пайида.
- Азбаройи шифо!.. Лекин, рафиқангиз-чи, тақсирим, буларнинг ҳаммасига сизнинг рафиқангизнинг нима алоқаси бор?
- Унинг қироличага садоқати ҳаммага маълум. Уни ё бекачидан нари қилишмоқчи, ё кўрқитиб, ҳазрат оли-яларининг сир-асрорини билиб олишмоқчи, ёинки, уни пулга қизиқтириб, жосус қилиб олишмоқчи.
- Эҳтимол, – деди д'Артаньян. – Лекин уни ўғирлаган киши сизга танишми?
- Сизга ҳали айтдим-ку, уни танисам керак деб.
- Унинг номи?
- Номини билмайман. Менга у, кардиналнинг итдай содиқ арзандаси экани маълум.
- Лекин, бирор пайт уни кўришингизга тўғри келганми?
- Ҳа, бир кун рафиқам уни менга кўрсатган эди.
- Унинг таниса бўладиган ҳеч қандай нишоналари йўқмиди?
- О, албатта! Бу басавлат, буғдойранг, қора соч, нигоҳи ўткир ва тишлари оппоқ жаноб. Чаккасида чандиғи ҳам бор.
- Чаккасида чандиғи! – хитоб қилди д'Артаньян. – Яна бунинг устига тишлари оппоқ, нигоҳи ўткир, ўзи буғдойранг, қорасоч, басавлат. Бу ўша, Менгдаги нотаниш киши!
- Менгдаги нотаниш киши дедингизми?
- Ҳа, ҳа! Лекин, бунинг ишга алоқаси йўқ. Яъни, мен адашиб кетдим: бу уни жуда осонлаштиради. Сизнинг душманингиз бир йўла меники ҳам эканми, мен иккаламиз учун ҳам ўч оламан, вассалом. Лекин, бу одамни қайдан топаман?

- Бунисини билмайман.
- Унинг яшаш жойи борасида ҳеч маълумотингиз йўқми?
- Мутлақо. Бир куни рафиқамни Луврга қайтариб, кузатиб қўяётганимда, худди рафиқам кираётган дамда у ичкаридан чиқиб қолиб, рафиқам уни кўрсатиб қўйган эди.
- Иблис! иблис! – тўнғиллади д'Артаньян. – Буларнинг ҳаммаси жуда мубҳам. Рафиқангизнинг ўғирлалишини сизга ким хабар қилди?
- Жаноб де Ла Порт.
- У бирон бир тафсилотларини ҳам сизга маълум қилдими?
- Булар унга маълум эмасди.
- Сиз бошқа манбалардан ҳам ҳеч нима билолмадингизми?
- Баъзи нарсаларни билиб олдим. Мен олган...
- Нимани олгансиз?
- Қайдам... Эҳтимол, бу мен томондан роса эҳтиётсизлик бўлар...
- Сиз яна ўша гапга қайтасиз. Лекин, қайд қилиб ўтишим шартки, энди орқага ташлашга фурсат ўтди.
- Мен орқага ташлаётганим ҳам йўқ, минг лаънат! – қарғишлар воситаси билан журъатини тиклашга уришиб, хитоб қилди меҳмон. – Бонасе шаънига онт ичаман...
- Исми шарифингиз Бонасеми?
- Ҳа, бу менинг фамилиям.
- Демак, сиз «Бонасе шаънига онт ичаман»... дедингиз. Гапингизни бўлганим учун, узр. Лекин, мен аллақерда исмингизни эшитгандай бўлдим.
- Бўлса бордир, тақсир. Мен шу уйнинг эгаси бўлман.
- Ие, шундай денг! – сал қўзғалиб таъзим қилган кўйи деди д'Артаньян. – Сиз шу уйнинг эгасимисиз?
- Ҳа, тақсир, ҳа. Ундан кейин сиз менинг уйимда мана уч ой истиқомат қилиясиз ва муҳим ишларингиз

кўплигидан бўлса керак, ижара ҳақини тўлаб қўйишни унутаётисиз, мен бўлсам сизни бирон марта безовта қилмаганим важҳидан илтифотимни инобатга оларсиз, деб ўйладим...

– Бўлмасам-чи, албатта, жаноб Бонасе! – деди д'Артаньян. – Гапимга ишонинг, бунақа манзират учун мен хўп миннатдорман, башарти бирор нарса билан нафим тегса, ўз бурчим деб билгайман...

– Мен сизга ишонаман, ишонаман, тақсир! Сизга худди шундай демоқчи эдим. Бонасе шаънига онт ичаманки, мен сизга тўла ишонаман.

– Бу ҳолда давом этинг-да, ҳамма гапни охиригача сўзлаб беринг.

Меҳмон чўнтагидан бир варақ қоғоз олиб, уни д'Артаньянга узатди.

– Мактуб! – хитоб қилди ёш йигит.

– Бугун эрталаб олинган.

Д'Артаньян уни очди-да, қош қорая бошлагани сабабли деразага яқинлашди, Меҳмон унга эргашди.

«Рафиқангизни қидирманг, – деб ўқиди д'Артаньян. – ҳожати қолмагандан кейин уни сизга қайтарадилар. Қидиришга заррача уринган ҳолда хароб бўласиз».

– Лоақал шуниси равшан бўлди, – деди д'Артаньян. – лекин, бу пўписа, холос-ку, ахир.

– Ҳа, лекин, бу пўписа мени даҳшатга солмоқда. Мен ахир ҳарбий одам эмасман, тақсир, ҳам Бастилиядан кўрқаман.

– Ҳим... Мен ҳам Бастилияни сиздан ортиқ ёқтирмайман. Гап қилишни ишга солиш ҳақида борганда – бошқа гап эди.

– Мен бўлсам бу ишда сизга роса ишониб ўтирибман!

– Наинки?

– Сизни доим шундай шуқуҳли мушкетёрлар даврасида кўриб, улар жаноб де Тревилнинг мушкетёрлари, бинобарин, жаноб кардиналнинг душманлари бўлишини билганим ҳолда, мен сиз билан дўстларин-

гиз шўрлик қироличамизнинг ёнини олади, шу билан бузрукворга қалтис ҳазил қилиб, кайфи чоғ бўлади, деб ўйлабман.

– Албатта.

– Сўнгра мен ўйладимки, модомики, сиз уч ойлик ижара ҳақиға қарздор бўлсангиз мен ҳам сизга буни миннат қилмаган эканман...

– Ҳа, ҳа, сиз бу баҳонани кўрсатиб бўлдингиз, мен уни асосли топдим.

– Бундан ташқари, марҳамат қилиб, уйимда қанча истиқомат қилсангиз-да, келгусида ҳам ижара ҳақи тўғрисида оғиз очмасликни кўзлаб...

– Жуда яхши.

– Мен бундан ташқари, эҳтимолга хилоф равишда, андак камхарж бўлсангиз, сизга бирон эллик пистол тақдим этиш ниятидаман...

– Жуда соз! Демак, сиз бадавлат экансиз-да, жаноб Бонасе?

– Мен ўзимга тўқ одамман, десам ҳақиқатга яқинроқ. Атторлик моллари билан савдо қилиб, йилига бир-икки минг экю даромад бергудек сармоя жамғардим. Бундан ташқари, машҳур денгиз сайёҳи Жан Мокенинг сўнги сафарига бир мунча пул қўшдим. Хуллас, ўзингиздан қолар гап йўқ, тақсир... Лекин, бу нима гап? – ногоҳ қичқириб юборди жаноб Бонасе.

– Нима? – сўради д'Артаньян.

– У ёқда, у ёқда...

– Қаёқда?

– Кўчада, деразангиз қаршисида, кираверишда! Ридога бурканган киши.

– Бу ўша! – ҳар бири ўз душманини таниб, д'Артаньян билан Бонасе иккиси баб-баравар қичқириб юборишди.

– А, бу дафъа, – хитоб қилди д'Артаньян, – бу дафъа мендан қутулиб бўпти!

Кейин у қиличини суғуриб, хонадан югуриб чиқиб кетди.

Зинада у ўзиникига келаётган Атос ва Портос билан тўқнашиб кетди. Улар ўзларини четга олиб, йўл бергач, д'Артаньян уларнинг орасидан ўқ мисол ўтиб кетди.

– Қаёққа чопиб кетяпсан? – деб изидан қичқириб қолди иккала мушкетёр.

– Менгдаги нотаниш киши! – қичқирди жавобан д'Артаньян ва ғойиб бўлди.

Д'Артаньян ўз дўстларига нотаниш киши билан учрашуви ҳамда ўша киши бир муҳим номани ишониб топширишга журъат этган соҳибжамол сайёҳ хонимнинг намоён бўлиши ҳақида кўп ҳикоя қилган эди.

Атос ота мактубини д'Артаньян тўс-туполонда йўқотиб қўйган, деб ҳисобларди. Унинг наздида дворян, д'Артаньяннинг тавсифи бўйича эса, у нотаниш киши, шубҳасиз, дворян деган хулоса чиқарган эди – дворян мактуб ўфирлашдай пасткашликка боролмасди.

Портос бу воқеанинг ҳаммасида хоним маҳбубига ёки маҳбуби хонимга тайинланган шунчаки ишқий мулоқот, д'Артаньян билан унинг малла оти тўғаноқ бўлишган мулоқот деб йўйишга мойил эди.

Арамис эса, бу воқеа аллақандай сирга ўралган, яхшиси бунақа нарсаларни ечишга уринмаслик керак, деб айтди.

Шунинг учун дафъатан д'Артаньяннинг оғзидан чиққан сўзлардан улар гап ким ҳақидалигини фаҳмлаб олдилар. Д'Артаньян нотаниш кишига етиб ёки уни назардан қочириб, ахийри уйга қайтади, деб ҳисоблаб зинада чиқишда давом этдилар.

Улар кириб келган пайтда д'Артаньяннинг хонаси бўм-бўш эди: уй эгаси ижорадори билан нотаниш киши ўртасида содир бўлажак тўқнашувнинг оқибатларидан чўчиб ҳамда д'Артаньяннинг ўзи зикр этган фазилатларига асосланиб, жуфтакни ростлаганим дуруст, деб қарор қилган эди.

IX

Д'Артаньяннинг табиати равшанлашмоқда

Ярим соат ўтгач, худди Атос билан Портос ўйлаган-ларидек, д'Артаньян уйига қайтиб келди. Бу дафъа ҳам у гўё сеҳр билан ғойиб бўлган нотаниш кишини яна қўлдан чиқариб юборган эди. Д'Артаньян қўлда қиличи билан яқин-орадаги ҳамма кўчаларни кезиб чиқди, лекин у қидираётган кишини эслатувчи ҳеч кимга дуч келмади. Пировардида, у эҳтимол бошда қилиниши зарур нарсагача етди: у нотаниш киши суяниб турган эшикни қоқди. Лекин, у болға билан эшикни сидрасига ўн-ўн икки марта беҳуда урган эди – ҳеч ким садо бермади. Шовқинга қизиқиб, уйларининг бўсағаларида кўринган ёки деразалардан мўралаган қўни-қўшнилари эшиклари зич беркитилган бу бино мана олти ой-дирки, кимсасиз ҳувиллаб ётибди, деб уни ишонтирдилар.

Д'Артаньян эшикларни қоқиб, кўчама-кўча чошиб юрган пайтда Арамис келиб, иккала ўртоғига кўшилишга улгурди, шунинг учун д'Артаньян қайтиб келгач, бутун тўп жам бўлганининг устидан чиқди.

– Ҳўш, нима гап? – деб жиққа терга ботиб, афти ғазабдан буришиб кирган д'Артаньянга кўз ташлаб, бир овоздан сўрашди учала мушкетёр.

– Нима гап бўларди! – шляпасини каравотга улоқтириб хитоб қилди йигит. – Бу одам иблиснинг ўзи бўлса керак. У соядай, шарпадай, арвоҳдай ғойиб бўлди.

– Сиз арвоҳларга ишонасизми? – деб Атос Портосдан сўради.

– Мен фақат кўрган нарсаларимга ишонаман, лекин арвоҳларни, модомики кўрмаган эканман, уларга ишонмайман, – жавоб берди Портос.

– Библия, – дея гапирди Арамис, – уларга ишонишни тақозо қилади: Самуилнинг сояси Саулга намоён

бўлган, бу эътиқод ақидаси, ундан шубҳага боришнинг иложи йўқ, деб ҳисоблайман.

– Нима бўлганда ҳам инсонми ёки иблисми, жисмоний мавжудот ёки соями, хомхаёлми ёки ҳақиқатми, лекин бу одам менинг бошимни ейиш учун яратилган. Унинг қочиб кетиши мени юз пистол ҳатто, ундан ҳам кўпроқ пул топиб берадиган ишни бой беришга мажбур қилиб қўйди.

– Қандай қилиб? – бир овоздан хитоб қилишди Портос билан Арамис.

– Атос ҳар қачонгидай ортиқча сўзлардан қочиб, д’Артаньянга савол назарини ташлади, холос.

– Планше, – эшикни қия очганича узуқ-юлуқ бўлсада, суҳбат маъносига етиш учун бошини суқиб турган хизматкорига юзланиб деди д’Артаньян, – пастга, шу уйнинг эгаси жаноб Бонасеннинг олдига тушинг ҳамда бизга олти шиша Божанси шаробидан чиқариб юборишни сўранг. Мен буни бўлак ҳаммасидан афзал кўраман.

– Ана холос! – хитоб қилди Портос. – Хўжайинингизда чексиз ҳаддингиз борга ўхшайдими?

– Ҳа, – жавоб берди д’Артаньян. – Бугунги кундан эътиборан. Кўнглингиз тўқ бўлсин: шароб тузук чиқмаса, бошқасига юборамиз.

– Истеъмом қилиш керак, суиистеъмом эмас, – насихатомуз оҳангда илова қилди Арамис.

– Мен ҳамиша тўртовимизнинг орамизда энг доноси д’Артаньян деб юрардим, – деди Атос ва д’Артаньян таъзим билан жавоб қилган бу сўзларни айтиб, ўзининг одатий скунатига ғарқ бўлди.

– Лекин, ҳарҳолда, ўзи нима бўлди? – сўради Портос.

– Ҳа, бу сирдан бизни воқиф этинг, азиз дўстим, – гапни илиб кетди Арамис. – Фақат бу воқеага аёл кишининг номуси аралашмаган бўлса: башарти шундай бўлса, сирингизни ўзингизда қолдирганингиз маъқул.

– Хотиржам бўлинг, – деди д’Артаньян, – мен маълум қилишим зарур гапдан ҳеч кимнинг номусига пу-тур етмайди.

Сўнгра у ўзининг уй эгаси билан бўлган суҳбатини, бу ҳурматли шаҳарлик киши рафиқасининг ўғриси ўзи «Озод тегирмончи» меҳмонхонасида тўқнашиб қолган кишининг худди ўзи бўлиб чиққанининг ҳаммасини муфассал гапириб берди.

– Иш чакки эмас, – шинаванда алфозда шаробдан хўплаб кўриб ва бош ирғаш билан унинг яхшилигини маъқуллаб деди Атос. – Бу соддадил кишидан эллик-олтмиш пистол ундирса бўлади. Олтмиш пистолни деб тўрт бошни тикса арзийдими-йўқми, шуни мулоҳаза қилиб олиш қолди, холос.

– Хотирингиздан чиқмасин, – хитоб қилди д’Артаньян, – бу ерда гап аёл киши ҳақида, ўфирланган, дўқ-пўписа, эҳтимол, азоб-уқубатларга дучор қилиниши шаксиз аёл киши ҳақида бораётир, яна буларнинг ҳаммаси фақат азбаройи соҳибасига садоқати учун-а!

– Секинроқ д’Артаньян, секинроқ! – деди Арамис. – Менимча, сиз Бонасе хонимнинг тақдирини кўнглингизга жуда яқин олиб юборяпсиз. Аёл киши бошимизни балога гирифтор қилиш учун яратилган, ҳамма фалокатларимизнинг уяси ҳам ўша.

Атос Арамиснинг бу сўзларидан лабини тишлаб, қовоғини солиб олди.

– Мен Бонасе хоним тўғрисида жон куйдираётганим йўқ, – хитоб қилди д’Артаньян, – балки, қирол тарк этган, кардинал таъқиб қилаётган, мухлислари ҳаммасининг бошлари бирин-сирин қулашини кўриб турган қиролича ҳақида!

– Нега у биз кимни энг ёмон кўрсак, ўшаларни – испан ё инглизларни севади?

– Испания унинг ватани, – жавоб берди д’Артаньян, – она тупроғининг фарзандларини севиши жуда табиий ҳол. Иккинчи таънангизга келсак, менга айтишларича, у инглизларни эмас, бир инглизни севади.

– Эътироф қилишим керакки, – илова қилди Атос, – ўша инглиз муҳаббатга шоёндир. Сиймоси ундан ўктамроқ кишини умрим бино бўлиб учратмаганман.

– Унинг беқиёс кийинишини айтмайсизми, – гап қўшди Портос. – У дурларини сочганда мен Луврда эдим ва худо ҳаққи, икки марваридни териб олиб, кейин донасини ўн пистолдан сотдим. Сен-чи, Арамис, уни танийсанми?

– Худди сизлар сингари яхши танийман, жаноблар. Мен уни амен боғида тутганларнинг бири бўлганман, мени у ерга қироличанинг отбоқари жаноб Пютанж олиб кирган эди. Бу воқеа, назаримда, қиролни ранжитган.

– Барибир-да, – деди д'Артаньян, – башарти герсог Бэкингемнинг қаердалигини билганимда эди, ақалли кардиналнинг жонига тегиш учун унинг қўлларидан ушлаб, қироличанинг ҳузурига элтиб қўйган бўлурдим. Ахир бизнинг энг ашаддий душманимиз – кардиналку, башарти, унга бирор қалтис ҳазил қилишга баҳона топилганда эди, мен ҳатто, бошимни тикишга тайёр бўлардим.

– Аттор ҳам, – сўради Атос, – Бэкингемни бу ёққа сохта мактуб билан чақирганлар, деб қиролича чўчиётганини рамз қилдимиз сизга, д'Артаньян.

– У шундан қўрқаётир.

– Сабр қилинг, – деди Арамис.

– Нима гап? – сўради Портос.

– Ҳеч нима, давом этаверинг. Мен баъзи жиҳатларини эслашга уриняпман.

– Ҳозир эса ишончим комилки, – деб давом этди д'Артаньян, – ишончим комилки, бу аёлнинг ўғирланиши биз гапирган воқеалар билан, эҳтимол, герсог Бэкингемнинг Парижга келиши билан ҳам вобаста.

– Бу гасконликнинг зеҳни ғоят ўткир-да! – қойил бўлиб хитоб қилди Портос.

– Мен уни тинглашни жуда севаман, – деди Атос. – Унинг талаффузи кўнглимни очади.

– Кулоқ солинг, мухтарам жаноблар! – дея гап бошлади Арамис.

– Арамисни эшитайлик! – хитоб қилишди дўстлар.

– Кеча мен овлоқ даҳада бир ақоидшунос олимпни-кида эдим, илмий ишларим талаб этганда у билан мас-лаҳатлашиб тураман...

Атос жилмайиб қўйди.

– Машғулотлар йўсини ва ўз ҳавасларига мувофиқ, – давом этди Арамис, – у йироқ даҳада истиқомат қила-ди. Шундай қилиб, мен уникадан чиқиб кетаётган пайт-да...

Шу ерда Арамиснинг нафаси ичига тушиб кетди.

– Хўш, нима бўлди? Сиз уникадан чиқиб кетаётган пайтда...

Арамис ёлғон гапира-гапира ногоҳ тўсиққа қоқилиб кетган киши сингари тараддулланиб қолди. Лекин, тингловчиларнинг кўзлари унга қадалган, ҳамма зо-риқиб, ҳикоянинг давомини кутар ҳамда чекиниш учун фурсат ўтган эди.

– Ўша ақоидшуноснинг жияни бор... – давом этди Арамис.

– Шундай денг! Унинг жияни бор денг! – деб унинг сўзини бўлди Портос.

– Жуда ҳурматли хоним, – изоҳ берди Арамис.

Учала дўст кулиб юборди.

– Агар сўзларимдан шубҳа қилиб кулаётган бўлсан-гиз, – деди Арамис, – ортиқча ҳеч нарса билмайсиз.

– Биз мусулмонлар каби мўминмиз ва катафалк²⁷ каби гунгмиз, – деди Атос.

– Демак, мен давом этяпман, – яна сўз бошлади Ара-мис. – Ўша жиян аҳён-аҳёнда тоғасидан хабар олиб туради. Кеча иттифоқо у мен билан бир вақтда бориб қолиб, уни извошгача кузатиб қўйишимга тўғри кел-ди...

²⁷ Катафалк – мурдани мозорга олиб борадиган темир ара-ва.

– Э, шунақа денг ҳали! Извош бор эканми, ўша ақоидшуноснинг жиянида? – деб асосий қусури тилни тишлаб тура билмасликдан иборат бўлган Портос яна унинг сўзини бўлди. – Ажойиб танишлик, дўстим.

– Портос, – деди Арамис, – етарли даражада камтар эмассиз, бу аёллар назарида сизни камситади, деб сизга бир қур айтиб ўтган эдим.

– Жаноблар, жаноблар, – бутун воқеанинг тагидаги гапга фаҳми етиб, хитоб қилди д'Артаньян, – иш жиддий! Иложи бўлса ҳазиллашмасликка ҳаракат қилсак. Давом этинг, Арамис, давом этинг!

– Туйқусдан баланд бўйли, қорасоч, қилиқлари дворянга хос, сизнинг нотаниш кишингизни эслатувчи бир киши, д'Артаньян.

– Эҳтимол, ўшанинг ўзидир, – луқма ташлади д'Артаньян.

– ...Ўн одим орқароқда келаётган беш ё олти чоғлик кишининг ҳамроҳлигида ёнимга келиб, деди: «Жаноб герсог», сўнгра эса энди қўлимга суяниб турган хонимга юзланиб давом этди: «Сиз ҳам хоним»...

– Ақоидшуноснинг жиянигами?

– Жим бўлсангиз-чи, ахир, Портос! – уни жеркиб ташлади Атос. – Ҳеч тутуруфингиз йўқ.

– «Илтифот қилиб извошга ўтиринг ва қаршилиқ кўрсатишга ёки заррача шовқин чиқаришга уринманг», – ўша киши шундай деди.

– У сизни Бэкингем деб ўйлапти! – хитоб қилди д'Артаньян.

– Шундай гумон қиляпман, – жавоб берди Арамис.

– Хонимни-чи? – сўради Портос.

– Уни қиролича деб ўйлаган! – деди д'Артаньян.

– Мутлақо тўғри, – тасдиқлади Арамис.

– Бу гасконлик шайтоннинг нақ ўзи! – хитоб қилди Атос. – Ундан ҳеч нарса қочиб қутулмайди.

– Дарҳақиқат, деди Портос, бўй-басти ва рафтори билан Арамис гўзал герсогни эслатади. Лекин, назаримда, мушкетёрлик либоси...

- Эгнимда узун ридо эди, – деди Арамис.
- Июль ойида-я! – хитоб қилди Портос. – Наҳотки, олимнинг танилиб қолишингдан чўчиса?
- Жосусга қадди-қомати панд берган бўлишига бо-вар қиламан, лекин, юзи...
- Мен кенг соябонли шляпада эдим, – тушунтирди Арамис...
- Ё алҳазар! – хитоб қилди Портос, – ақоидни ўрга-ниш учун қанча эҳтиёт чоралар!
- Жаноблар, жаноблар! – уларнинг сўзини бўлди д'Артаньян. – Ҳазил-хузулга вақтни йўқотмайлик. Ҳар тарафга тарқаб, атторнинг рафиқасини қидиришга киришайлик – бутун фитнанинг калити шунда.
- Насаби шунча паст аёлда-я! Наҳотки сиз шундай деб ўйласангиз, д'Артаньян? – истиғно билан пастки лабини чўччайтириб сўради Портос.
- У қироличанинг ишончли маҳрами де Ла Портнинг чўқинтирган қизи бўлади. Мен бу гапни сизларга айт-мабмидим, жаноблар? Бундан ташқари, шунча паст-дан мадад излаш бу дафъа ҳазрат олияларининг айни мўлжали бўлса, ажаб эмас. Улуғ кишиларнинг бошлар-и йироқдан назарга тушади, кардиналнинг эса кўзлар-и иттик.
- Хўш, майли, – деди Портос, – аттор билан гапни бир жойга қўяверинг, фақат баҳоси дуруст бўлсин.
- Бунинг ҳожати йўқ, – деди д'Артаньян. – Назарим-да, ҳақини у бермаган тақдирда бошқалар яхшилаб тўлаб қўядилар.
- Шу чоқ зинада шошилинч қадамлар эшитилди, эшик тарақлаб очилиб, оғайнилар кенгашаётган хо-нага шўрпешана аттор отилиб кирди.
- Жаноблар, – дея фарёд қилди у. – Авлиёлар ҳақи мени қутқаринг! Пастда тўрт соқчи турибди, улар мени қамоққа олгани келишган. Мени қутқаринглар! Қутқар-инглар!
- Портос билан Арамис ўрнидан туриб кетишди.

– Бир зумгина сабр қилинг! – уларга ярим яланғоч қиличларни қинига қайта солиб қўйишни ишора қилиб, хитоб қилди д’Артаньян. – Бу ерда жасорат эмас, эҳтиёткорлик даркор.

– Ахир йўл қўйишимиз... – эътироз билдирди Портос.

– Д’Артаньянни ўз ихтиёрига қўйинг, – деди Атос. – Сизларга такрор айтаман: у ҳаммамиздан ақлли. Мен, зўр келса, унга итоат қилажагимни маълум қиламан. Билганингни қил, д’Артаньян.

Шу дақиқа даҳлиз эшигида тўрт аскар пайдо бўлди. Лекин, қиличларини таққан тўрт мушкетёрни кўриб, ундан нари юришга юраклари дов бермай, тўхтаб қолдилар.

– Кираверинг, жаноблар, кираверинг! – қичқирди уларга д’Артаньян. – Бу ерда сизлар меникидасиз, биз ҳаммамиз эса қирол ва жаноб кардиналнинг содиқ чочкарларимиз.

– Ундай бўлса, олган буйруқларни адо этишимизга тўсқинлик қилмассизлар, муҳтарам жаноблар? – сўради улардан бири, афтидан отряд саркори бўлса керак.

– Аксинча, жаноблар, агар зарурати чиқиб қолса, сизларга ҳатто, қарашишга тайёрмиз.

– Нималар деяпти бу ўзи?– тўнғиллади Портос.

– Сен овсарсан, – шивирлади Атос, – жим бўл!

– Лекин, сиз менга ваъда бериб эдингиз ахир... – товуши зўрға чиқиб, минғирлади бечора аттор.

– Биз сизни фақат эркинликда қолиб, халос қилишимиз мумкин, – деб шивирлади унга д’Артаньян, – мабодо сизга ён босишга уринсак, ҳаммамизни сизга қўшиб қамоққа олиб кетишади.

– Лекин, назаримда...

– Марҳамат, жаноблар, марҳамат, – баланд овоз билан гапирди д’Артаньян. – Бу кишини ҳимоя қилишга ҳеч қандай асосларим йўқ. Мен уни бугун биринчи бор кўрдим, яна қанақанги шароитда денг, сизларга ўзи

айтиб беради: у мендан ижара ҳақини қистагани келибди! Гапим тўғрими, жаноб Бонасе! Жавоб беринг.

– Тўппа-тўғри, – ғўлдиради аттор. – Лекин, жаноб мушкетёр айтмадиларки...

– На мен ҳақимда, на дўстларим ҳақида, на хусусан қиролича ҳақида оғиз очманг, йўқса, ҳаммани хароб қиласиз! – деб шивирлади д'Артаньян. – Ҳаракат қилинг, жаноблар, ҳаракат қилинг! Бу кишини олиб кетинг.

Шундан кейин д'Артаньян тамом гангиб қолган атторни итариб, соқчиларнинг қўлларига солиб қўйди.

– Сиз беодоб экансиз, азизим. Пул қистагани келасиз... мендан-а, мушкетёрдан! Қамоққа! Сизларга такрор айтаман, жаноблар, уни қамоққа олиб кетинг-да, қамоқда мумкин қадар кўпроқ қулфлаб туринг, токи, мен тўловга пул тўплагани улгурай.

Миршаблар ташаккур сўзларини қуёқ айтиб, қурбонни олиб кетишди.

Д'Артаньян саркорнинг елкасига қўққис шап этиб урганда, улар аллақачон зинадан туша бошлаган эдилар.

– Мен сизнинг саломатлигингиз учун, сиз эса менинг соғлиғим учун бир ичсакмикин? – икки қадахни жаноб Бонаседан олинган Божанси шароби билан тўлата туриб, таклиф қилди у.

– Менга ортиқча марҳамат бўлиб кетади, – тўнғиллади миршабларнинг саркори. – Жуда миннатдорман.

– Демак, саломатлигингиз учун, жаноб... исму шарифингиз нима?

– Буаренар.

– Жаноб Буаренар!

– Сизники учун, муҳтарам афанди! Ҳурматли номингиз нима, сўрашга ижозат бергайсиз энди?

– Д'Артаньян.

– Саломатлигингиз учун, жаноб д'Артаньян!

– Энг асосийси эса – мана, кимнинг саломатлиги учун! – ғўё завқи жўшиб қичқирди д'Артаньян. – Қирол ва кардинал саломатлиги учун!

Шароб ёмон бўлганда миршаблар саркори эҳтимол, д'Артаньяннинг самимийлигидан шубҳа қилган бўларди, лекин, шароб яхши эди, у ҳам ишона қолди.

– Қандай қабоҳат қилдингиз бу ерда? – миршабларнинг саркори қўл остидаги кишиларнинг изидан йироқлашиб, тўрт оғайни ёлғиз қолишгандан сўнг деди Портос. – Уялмайсизми! Тўрт бошлиқ мушкетёр улардан мадад сўраган бечорани қамоққа олинишига йўл қўйиб ўтирса! Дворян изқувар билан ичса!

– Портос, – деди Арамис, – Атос сенга овсарсан деб айтди, менинг ҳам шунга қўшилишимга тўғри келяпти... Д'Артаньян, сен улуг инсонсан, жаноб де Тревилнинг ўрнини олганимда мен сендан валинеъматлик қилишингни ва монастирга нозир бўлишимга ёрдам беришингни тавалло қиламан.

– Ҳеч нарсага ақлим етмай қолди! – хитоб қилди Портос. – Сизлар д'Артаньяннинг қилиғини маъқуллаясизларми?

– Бўлмасам-чи, азбаройи шифо! – деди Арамис. – У қилган нарсани нафақат маъқуллайман, балки табриклайман ҳам.

– Энди эса жаноблар, – ўз хулқини Портосга изоҳлаб беришга ҳаракат ҳам қилмасдан сўзлади д'Артаньян, – бир киши ҳамма учун ва ҳамма бир киши учун – шу дамдан эътиборан бу бизнинг шиоримиз, тўғрими?

– Лекин... – сўзламоқчи бўлди Портос.

– Қўлингни чўз-да, қасамёд қил! – бир овоздан хитоб қилишди Арамис билан Атос.

Уларнинг ҳаракатидан эси оғиб, лекин, ҳарҳолда, ўзича алланималарни минғирлаб, Портос қўлини чўзди ва тўртовлон жўр бўлиб, д'Артаньян айтган сўзларни айтишди.

– Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун!

– Жуда яхши. Энди ҳар биримиз ўз уйимизга жўнасақ, – гўё умр бўйи буйруқ бериб юргандай деди д'Артаньян. – Ва эҳтиёт бўлинглар, зеро, шу дақиқадан биз кардинал билан кураш бошладик.

Х

Ўн еттинчи асрдаги қопқон

Қопқон асло бизнинг кунлар ихтироси эмас. Жамият миршабларни кашф этган бўлса, миршаблар қопқонни ўйлаб топишган.

Китобхонларимиз Париж миршабларининг махсус тилига ҳали кўникмагани ва ўн беш йилдан ортиқ ёзувчилик ишимиз асносида бу иборани шу нарсага татбиқан биринчи бор қўллаётганимизни эътиборга олиб, гап нима хусусида кетаётганини изоҳлаб беришга уриниб кўрамиз.

Бирор уйда, қай биридалигининг фарқи йўқ, жиноятда шубҳа қилинган одам қамоққа олинса, унинг қамалгани сир тугилади. Уйнинг биринчи хонасида тўрт ёки беш миршабдан иборат пистирма қўйилади, эшикни кимки тақиллатса, очишади-да, кетидан ёпиб, келган кишини ҳибсга олишади. Шу йўсида икки-уч кун ичида ўша уйнинг доимий меҳмонлари қамалиб қолишади.

Мана қопқон нима.

Жаноб Бонасеннинг уйида айнан шундай қопқон қўйилди, у ерга кимки ораласа, ўшани кардиналнинг одамлари тутиб тергайвердилар. Иккинчи қаватдаги д'Артаньян эгаллаган бўлманинг махсус йўли бўлгани сабабли унинг меҳмонлари ҳеч қандай дилсиёҳликка йўлиқмасдилар.

Дарвоқе уникига уч дўсти келарди, холос. Улар учаласи ҳам ҳар қайси ўз ҳолича қидирув ишлари билан андармон юрар, лекин ҳали ҳеч нима топмаган, ҳеч ниманинг дарагини билмаган эди. Атос, ҳатто, жаноб де Тревилга бир-иккита савол беришга қарор қилди, машхур мушкетёрнинг камсухан феълини назарга олганда бу нарса капитанни ўта ҳайратга солди. Лекин ўзи ўша кардинални, қирол ва қироличани сўнги дафъа учратган куни кардинал бесарамжон, қирол алланарсадан кўнгли ғаш, қиролича эса ё тунни бе-

дор ўтказган, ё йиғлаган каби кўзлари қизариб юрганидан бўлак ҳеч нарсадан хабари йўқ эди. Сўнги ҳол уни ҳайрон қолдирмаган: қиролича турмуш қургандан бери тез-тез тунқотиб чиқар ва кўп кўзёши тукар эди.

Жаноб де Тревиль ҳар эҳтимолга қарши Атосга унинг қиролга, хусусан, қироличага садоқат билан хизмат қилмоғи зарурлигини тайинлаган бўлди ва бу истакни дўстларига ҳам етказишни илтимос қилди.

Д'Артаньянга келсак, у уйда ўтириб қолди. Ўз хонасини у кузатув нуқтасига айлантирди. Кимки келиб қопқонга тушса, у ҳаммасини деразадан кўриб турарди. Сўнгра паркетни кўчириб, тергов ўтаётган қуйи хонани фақатгина шип ажратган ҳолда, у изқувар ва маъюб²⁸ ўртасидаги ҳамма гапни эшитиш имконига эга бўларди. Тутқинларни олдин синчиклаб тинтиб чиқилгач, сўроқлар нуқул деярли қуйидаги гапларга бориб тақаларди:

– Бонасе хоним эрига ёки бўлак шахсга бирор нарса элтиб беришни топширганмиди?

– Жаноб, Бонасе рафиқаси ёки бўлак шахсга бирор нарса элтиб беришни топширганмиди?

– Сизга улар бирор махфий гапни оғзаки равишда айтишганмиди?

«Мабодо уларга бирор гап маълум бўлганда, – кўнглидан ўтказди д'Артаньян, – улар бу хил нарсаларни суриштириб ўтиришмасди. Энди савол. Улар ўзи ниманинг тагига етмоқчи? Турган гап. Бэкингем Парижда турибдими, йўқми, у қироличанинг висолига етди-ми ёки энди етадими?»

Д'Артаньян эҳтимолдан холи бўлмаган шу тахминда тўхталди.

Қопқон эса ҳозирча муттасил ҳаракат қилар, д'Артаньяннинг диққати ҳам сусаймасди.

Шўрлик Бонасе ҳибсга олингач, келаси кунни кечқурун, жаноб де Тревилнинг ҳузурига равона бўлган Атос

²⁸ Маъюб – айбланувчи.

чиқиб кетгандан кейин, соат энди тўққизга занг уриб, ҳали ўрин тўшамаган Планше шу ишга киришмоққа тараддуланиб турганда аллаким кўча эшигини қоқди. Эшик дарҳол очилди-ю, сўнгра ёпилиб қолди: кимдир қопқонга тушди.

Д'Артаньян пол кўчирилган жойга ташланиб, узола тушиб ётди-да, бор диққатини тўплаб, қулоқ солди.

Тез орада дод-фарёд, сўнгра, афтидан, бўғишга урилган нолалар эшитилди. Сўроқдан ном-нишон ҳам йўқ эди.

«Иблис! – ўйлади д'Артаньян. – Назаримда, бу аёл киши: уни тинтишяпти, у қаршилиқ қилияпти... Улар зўравонлик қилишяпти... Аблаҳлар!»

Пастда кечаётган ҳодисаларга аралашиб қолмаслик учун д'Артаньяннинг бор иродасини қўлга олишига тўғри келди.

– Жаноблар, мен бу уйнинг бекасиман, деяпман-ку сизларга, мен Бонасе хонимман, қироличага хизмат қиламан, деяпман-ку сизларга! – қирқирарди шўрлик аёл.

– Бонасе хоним! – шивирлади д'Артаньян. – Наҳотки омадим келиб, ҳамма қидираётган нарсани топган бўлсам!

– Биз худди сизни кутиб турган эдик! – деб жавоб бердилар унга.

Товуш тобора бўғилиб борарди. Аллақандай тўс-тўполон кўтарилди.

Аёл киши тўрт нафар эркак кишига қандай қаршилиқ кўрсата олса, аёл шундай қаршилиқ қилмоқда эди.

– Қўйиб юборинг мени, қўйиб... – эшитилди яна аёлниг товуши. Бу сўнгги аниқ товушлар эди.

– Улар оғзига сўлиқ тиқишяпти, уни ҳозир олиб кетишади! – пружинада ўтирган сингари сапчиб туриб, хитоб қилди д'Артаньян. – Қилични!.. Ҳа, ўзимда экан... Планше!

– Лаббай?

– Атос, Портос ва Арамисларга чоп. Учаласидан бирини топишинг аниқ, эҳтимол, учови ҳам аллақачон

уйига қайтгандир. Қуролини ҳам ола келишсин, шошилишсин, бу ёққа чопишсин... Ух, эсим қурсин. Атос де Тревилникада-ку.

– Лекин, ўзингиз қаёққа, ўзингиз қаёққа ахир, тақсир?

– Мен деразадан пастга тушаман! – қичқирди д’Артаньян. – Шунда тезроқ бўлади. Сен бўлсанг паркетдаги тешикни тўғрила, полни супуриб қўй, эшикдан чиқиб, мен буюрган жойга чоп.

– О, тақсир, тақсир, йиқилиб майиб бўласиз! – қичқириб юборди Планше.

– Жим бўл, эшак! – деб ҳайқирди д’Артаньян.

Шундан кейин у қўллари билан дераза тоқчасини маҳкам тутиб, бахтига унча баланд бўлмаган иккинчи қаватдан сакраб тушди, ҳатто, лат ҳам емади.

Шу заҳоти у кўча эшигига яқинлашди-ю, эшикни аста қоқиб, шивирлади:

– Ҳозир қопқонга илинаман, шундай сичқонга тегишга журъат қиладиган мушуклар ҳолига вой!

Болғача эшикка урилмасданоқ, ичкаридаги тўс-тўполон тинди. Қадамлар товуши эшитилди, эшик очилди-да, д’Артаньян қиличини яланғочлаганича жаноб Бонасенинг уйига бостириб кирди, афтидан, пружина қўндирилган эшик унинг ортидан ўзи ёпилиб қолди.

Шунда бу машъум уйдаги бошқа кишилар ҳамда яқин-орадаги қўни-қўшнилар дод-фарёдлари, дупур-дупур товушлари, қиличларнинг жаранги-ю сурилаётган уй анжомларининг тақир-туқурини эшитишди. Ҳаял ўтгач, тўс-тўполондан безовта бўлган ва нима гаплигини билмоқ учун деразадан бошини чиқарганларнинг ҳаммаси эшик яна очилиб, ундан қора либос кийган тўрт киши хуркитилган қарғаларга монанд қанотларидан юлинган патлари, бошқача қилиб айтганда – устбошининг қийқимлари билан ридоларининг парчаларини пол ва бурчак-бурчақда қолдириб, чопиб эмас, отилиб чиққанларини кўришлари мумкин бўлди.

Шуни айтиш лозимки, д'Артаньянга галаба бир мунча осон насиб бўлди, чунки, изқуварлардан фақат биттаси қуролланган экан, у ҳам бўлса, ўзини хўжақўрсинга мудрофаа қилиб турди. Рост, қолганлари ёш йигитга стул, курси, ҳатто, тувакларни ирғитиб гангитишга уриндилар. Лекин, гасконлик йигит қиличини бирикки сирпаши уларнинг қутини учириб юборди. Уларга узил-кесил зарба бериб, жанг майдонининг ҳокими бўлиш учун д'Артаньянга ўн дақиқа кифоя қилди.

Ўша муттасил қўзғолон ва қуролли тўқнашувлар замонига мансуб, паришликларга хос совуққонлик билан деразаларини очган қўни-қўшнилар қора либосли тўрт киши қочиб кетгани ҳамон уларни яна ёпиб олдилар. Ҳозирча ҳамма нарса барҳам топганига уларнинг фаҳми етган эди.

Бундан ташқари, вақт хуфтонга бориб қолган ўша маҳалларда, худди ҳозирги сингари, Люксембург саройига туташ даҳада эрта ётиларди.

Д'Артаньян Бонасе хоним билан ёлғиз қолгач, унга ўгирилди. Шўрлик аёл деярли беҳуш ҳолатда креслода ётарди. Д'Артаньян унга тез разм солиб чиқди.

Бу йигирма беш ёки йигирма олти ёшлар чамасидаги сумбул соч, мовийқўз, бурни сал-пал пучуқ, тишлари инжудай дилбар жувон эди. Унинг симбар бада ни опал мисоли пушти товланиб турарди. Бироқ, уни кибор доирага мансуб аёл деган хаёлга элтувчи фазилатлари шу билан тугарди. Қўллари оппоқ бўлса-да, бичими дағалроқ эди. Оёқлари ҳам олий насабдан дарак бермасди. Яхшиямки, бу хил икир-чикирлар д'Артаньянни ўсал қилишга ҳали ожиз эди.

Бонасе хонимни кўздан кечирган қўйи, айтиб ўтганимиздек, назарини оёқчаларида тўхтатгач, ётган батист рўмолчага кўзи тушиб, уни ердан олди. Рўмолчанинг бурчида сал бўлмаса Арамис билан бир-бирини бўғизлаб қўйишига сабаб бўлаёзган рўмолчада у бир қур кўрган герб яққол ажралиб турарди. Ўша пайтдан бери герблик рўмолларга д'Артаньяннинг кўнгли чоп-

масди Шунинг учун у индамай олган рўмолчани Бонасе хонимнинг чўнтагига қайтариб солиб қўйди. Шу пайт жувон ҳушига келди. Кўзларини очиб ва қўрқаписа теварагига аланглаб, у хонанинг бўм-бўшлиги ва халоскори билан ўзи ёлғиз эканини кўрди. У дафъатан жилмайиб унга қўлларини узатди. Бонасе хонимнинг табассумидан жозиба ёғиларди.

– Вой, тақсир, – дея сўзлади у, – сиз мени халос этдингиз. Сизга ташаккур айтишга рухсат этинг.

– Хоним, – жавоб берди д'Артаньян, – менинг ўрнимда бўлса, ҳар қандай дворян ҳам шундай қилган бўларди. Шунинг учун мендан ҳеч қандай ташаккур қарзингиз йўқ.

– Оҳ, йўқ, йўқ, оқибатли бўлиш қўлимдан келишини сизга исботлайман, деб умид қиламан. Бироқ, мен дастлаб қароқчилар деб гумон қилган бу одамларга нима даркор эди, кейин нега бу ерда жаноб Бонасе йўқ?

– Бу одамлар қароқчилардан бешбаттар хавфлироқ, хоним. Булар жаноб кардиналнинг одамлари. Сизнинг эрингиз жаноб Бонасега келсак, у шу сабабдан бу ерда йўқки, уни кеча ҳибсга олиб, Бастилияга етаклаб кетишди.

– Эрим Бастилиядами? – хитоб қилди Бонасе хоним. – У нима қилиб қўйдийкин-а? Ахир у поқдомонликнинг ўзи-ку!

Жувоннинг ҳамон қўрқув чангалидаги юзига табасумга ўхшаш бир нарса кўниб ўтди.

– Нима қилди дейсизми? – деди д'Артаньян. – Назаримда, унинг бирдан-бир жинояти шундан иборатки, у сизнинг эрингиз бўлишдек бахтга, ҳам бахтсизликка бир йўла моликдир.

– Лекин, демак, сизнинг хабарингиз бор эканда, тақсир...

– Сизнинг ўғирланганингиздан хабарим бор.

– Лекин, ким, ким томонидан? Буниси сизга маълумми? О, агар билсангиз, менга айтинг?

– Қирқ-қирқ беш ёшлардаги қорасоч, буғдойранг, чап чаккасида чандиғи бор киши...

– Тўғри, тўғри! Унинг исмичи?

– Исмими?.. Ана шунисини билмайман-да.

– Эрим-чи, мени олиб қочишганини билармиди?

– У буни ўғрининг ўзи ёзган мактубдан билди.

– Бу ўғрилиқнинг сабабини-чи, – хижолат чекиб сўради Бонасе хоним, – у пайқадимикин?

– Назаримда, у бунга сиёсат аралашган, деб гумон қилаётган эди.

– Бошда мен шубҳаланган эдим, лекин ҳозир мен ҳам шу фикрдаман. Демак, бу соддадил жаноб Бонасе мендан бир нафас ҳам гумон қилмапти-да.

– О, бир нафас ҳам! Сизнинг фаросатингиз ва сизнинг муҳаббатингиздан унинг боши осмонда эди.

Табассум бу кўҳликкина жувоннинг ҳақиқ пабларига, пушти дудоқларига яна бир бор билинар-билимас сирпаниб ўтди.

– Лекин, ўзингиз-чи, қочишни қандай эпладингиз? – ўсмоқчилашда давом этарди д'Артаньян.

– Мен ёлғиз қолган пайтимдан фойдаланиб қолдим, ўғирланишим сабаблари менга бугун эрталаб аён бўлгани учун мен рўйжолар ёрдамида деразадан тушдим. Эрим уйда деб ўйлаб, шу ерга чопиб келдим.

– Ундан паноҳ қидирибми?

– Вой, йўғ-э! Менинг қимматли бояқиш эрим! Мени ҳимоя қилиш унинг қўлидан келмаслигини билардим. Лекин, мен уни огоҳлантириб қўймоқчи бўлдим, чунки бизга унинг бошқа йўсинда нафи тегиши мумкин эди.

– Нима тўғрисида?

– Йўқ, бу энди менинг сирим! Уни сизга очолмайман.

– Айтгандек, – деди д'Артаньян, – авф этасиз, хоним, мен, гарчи гвардиячи бўлсам ҳам сизни эҳтиёт бўлишга ноилож даъват этаман: назаримда, сир-асрор айтишга бу жой нобопроқ. Мен қувган изқуварлар

мадад қўшиб, қайтиб келишади. Агар устимизга келиб қолишса, ҳалок бўламиз. Рост, мен уч оғайнимга хабар бериш учун одам юбордим, лекин, уларни уйдан топишдими-йўқми, ким билади дейсиз.

– Ҳа, ҳа, сиз ҳақсиз! – қўрқиб хитоб қилди Бонасе хоним. – Қочайлик, тезроқ пана бўлайлик бу ердан!

Шу сўзлар билан у д'Артаньянни қўлтиқлаб, эшик сари судради.

– Лекин, қаёққа қочамиз? – Беихтиёр сўради д'Артаньян. – Қаёққа пана бўламиз!

– Аввало шу уйдан нарироққа! Кейин кўрамиз.

Ҳатто, эшикни ҳам ёпиб қўймасдан уйдан чиқиб, улар Гўрковлар кўчасидан югуриб кетишди. Қирол Урига бурилиб, фақат Сен-Сюлпис майдони чеккасида тўхтадилар.

– Энди нима қиламиз? – сўради д'Артаньян. – Сизни қаёққа кузатиб қўяй?

– Рости, нима жавоб беришимга ҳайронман, – деди Бонасе хоним. – Мен эрим орқали жаноб де Ла Портни чақиртирмоқчи ва ундан сўнги уч кунда нималар кечди, у эрда кўринишим хавфлими-йўқми, билиб олмақчи эдим.

– Лекин, мен боришим ва жаноб де Ла Портни чақириб беришим мумкин-ку, ахир, – деди д'Артаньян.

– Албатта. Лекин, бало шундаки, жаноб Бонасени Луврда танишарди, уни ўтказиб юборган бўлардилар, сизни эса танишмайди, эшиклар сиз учун берк бўлади.

– Бу ҳеч гап эмас! – эътироз қилди д'Артаньян. – Лувр дарвозаларининг бирортасида сизга содиқ дарбон борлиги аниқ, у паролни эшитиб...

Бонасе хоним ёш йигитга синчиклаб разм солди.

– Мабодо ўша паролни сизга айтсам, – шивирлади у. – Истифода қилиб бўлган заҳоти уни унутиб юборасизми?

– Чин сўзим, дворян сўзим! – шак-шубҳа қолдирмайдиган бир тарзда деди д'Артаньян.

– Яхши. Мен сизга ишонаман. Сиз жуда яхши йигит кўринасиз. Иқболингиз садоқатингизга боғлиқ бўлса, ажаб эмас.

– Мен ваъдалар талаб қилаётганим йўқ, қиролга хизмат қилиш, қироличага манзур бўлиш учун қурбим етган ҳамма ишни ҳалол адо этаман, – деди д’Артаньян.

– Мени бир дўст билиб, ихтиёримни олаверинг.

– Лекин, бу орада мени қаерга яширасиз?

– Бирор одамингиз йўқми, жаноб де Ла Порт сизни йўқлаб, ўша кишига учраса.

– Йўқ, бу ишни ҳеч кимга билдиргим йўқ.

– Менга қаранг, – деди д’Артаньян. – Биз Атоснинг уйи ёнидамиз... Ҳа, тўғри.

– Атос деганингиз ким?

– Дўстларимдан бири.

– У уйида бўлса-ю, мени кўриб қолса-чи?

– У уйида йўқ, сизни уйга киргизиб, калитни ўзим билан олиб кетаман.

– Қайтиб келиб қолса-чи?

– Қайтиб келмайди. Зўр келса, менинг бир аёлни бошлаб келганимни, ўша аёл уйдагилигини унга айтишар.

– Лекин, бу нарса менинг обрўимни тўкиши мумкин, шунга ақлингиз етадимиз ўзи?

– Сизнинг нима ишингиз бор? У ерда сизни ҳеч ким танймайди. Бунинг устига биз шундай аҳволдамизки, одоб-подоб деб ўтирмасак бўлади.

– Яхши, дўстингизникига юра қолинг. У қаерда туради?

– Феру кўчасида, шу ердан икки қадам нарида.

– Кетдик.

Улар шу томонга югуриб кетишди. Худди д’Артаньян ўйлаганидек, Атос уйида йўқ эди. Д’Артаньян Атоснинг дўсти сифатида ўзига эътирозсиз берилгувчи калитни олиб, зинадан чиқди-да, Бонасе хонимни биз юқорида тавсиф этган шинам уйга киргизди.

– Ұз уйингиздай бемалол ўтиринг, – деди у. – Тўхтанг: эшикни ичидан қулфлаб олинг ва уч марта тақиллатмагунча ҳеч кимга очманг... Мана бундай. – У икки марта сирасига хийла қаттиқ, учинчи марта паузадан кейин сустроқ қилиб, уч марта тақиллатди.

– Яхши, – деди Бонасе хоним, – энди йўл-йўриқ бериш навбати меники.

– Қулоғим сизда.

– Луврга боринг ва Эшел кўчасига қараган дарвозани тақиллатинг. Жерменни сўранг.

– Яхши, Кейин-чи?

– У нима ишингиз бор, деб сўрайди, сиз жавоб ўринга: Тур ва Брюссел деган икки сўзни айтинг. Ушанда у амрингизни бажо келтиради.

– Мен унга нимани буюраман?

– Қироличанинг маҳрами жаноб де Ла Портни чақириб беришини.

– У чақириб берса ва жаноб де Ла Порт чиқса-чи?

– Сиз уни ҳузуримга юборасиз.

– Жуда соз. Лекин, сизни яна қачон ва қаерда кўраман?

– Мен билан жуда учрашгингиз борми?

– Албатта!

– Унда бу тўғрида ғам ейишни менга қўйиб беринг-у, хотирингиз жам бўлсин.

– Сўзингизга ишонаман.

– Кўнглингиз тўқ бўлсин.

Д'Артаньян Бонасе хонимга унинг кичкина жуссасини қамраб олишга қодир энг шайдойи назар ташлаб, таъзим қилди ва зинадан туша туриб, орқасидан эшик ёпилгани ва калит қулфда икки марта айланганини эшитди. Зум ўтмай, у Луврга етди. Дарвозага Эшел кўчаси томондан яқинлашган пайти соат ўнга занг ургани қулоғига чалинди. Биз ҳозиргина тавсиф этган воқеаларнинг ҳаммаси атиги ярим соат ичида ялт этиб ўтиб кетди.

Ҳаммаси худди Бонасе хоним айтгандай содир бўлди. Паролни эшитгач, Жермен таъзим қилди. Ун дақиқа ўтар-ўтмас Ла Порт дарбон хонасида ҳозир бўлди. Д'Артаньян ҳаммасини икки оғиз қилиб сўзлаб берди ва Бонасе хонимнинг қаердалигини маълум қилди. Ла Порт адресни икки марта такрорлаб, йўлак томонга шошилди. Лекин, икки қадам ҳам босмасдан у қўққис изига қайтди.

– Йигитча, – деди у д'Артаньянга юзланиб, – бир мас-лаҳат беришга рухсат этинг.

– Ҳўш, қандай?

– Юз берган нарсалар сизни ташвишга солиб қўйиши мумкин.

– Шундай денг?

– Ҳа. Соати орқада қолиб юрадиган дўстингиз йўқми?

– Ҳўш, у ёғи нима?

– Кейинчалик сизни соат тўққиз яримда меникида эди, деб гувоҳлик бера олсин учун ундан бир хабар олинг. Юристлар буни алиби дейишади.

Д'Артаньян маслаҳатни мулоҳазали деб топиб жаноб де Тревилникига ғизиллаб кетди. Лекин, ҳамиша гавжум меҳмонхонага кириб ўтирмасдан у кабинетга ўтишга рухсат сўради. Д'Артаньян бу ерда тез-тез келиб тургувчи эди, шунинг учун унинг илтимосини дарҳол қондирдилар, мулозим ёш ҳамюрти аллақандай муҳим нарсани маълум қилиш истагида қабул этилишини ўтиниб сўраганини жавоб де Тревилга етказиш учун кетди. Беш дақиқадан сўнг жаноб де Тревил кабинетга ўтиб бўлган эди. У д'Артаньяндан ўзининг унга нима нафи тегиши ҳамда унинг бунча бемаҳал ташрифининг боисини сўради.

– Авф этгайсиз, тақсир! – деди ёлғиз қолган дақиқалардан фойдаланиб, соатни чорак соат орқага суриб қўйган д'Артаньян. – Мен соат тўққиздан йигирма беш дақиқа ўтганда сизникига қадам ранжида қилиш учун ҳали бемаҳал эмас, деб ўйлабман.

– Тўққиздан йигирма беш дақиқа ўтди денг? – дедвор соатга ўгирилиб, хитоб қилди жаноб де Тревиль.
– Йўғ-э, бўлиши мумкин эмас!

– Ўзингиз бир қараб кўринг, – деди д'Артаньян, – амин бўласиз.

– Ҳа, тўғри, – деди де Тревиль. – Мен кечроқ деб ишониб эдим. Лекин, менда нима ишингиз бор?

Шунда д'Артаньян қиролича хусусида тарқоқ ҳикоя қилишга тутинди. Унинг аҳволи борасидаги ташвишларини баҳам кўрди, кардиналнинг Бэкингемага қарши қаратилган режаларига оид эшитган гапларини маълум қилди. Унинг нутқи шунча ишонч, шунча хотиржамлик билан суғорилган эдики, де Тревилнинг унга ишонмасдан иложи йўқ эди, устига-устак унинг ўзи ҳам кардинал, қирол ва қироличаларнинг муносабатларида, айтиб ўтганимиздек, аллақандай янги бир нарса ни пайқаган эди.

Соат ўнга занг урганда д'Артаньян етказган маълумотлари учун унга миннатдорчилик билдирган ҳамда қирол билан қироличага ҳамиша жон-дили билан хизмат қилаверишини насиҳат қилиб, меҳмонхонага қайтиб кирган жаноб де Тревиль билан хўшлашди.

Зинадан тушиб бўлиб, д'Артаньян бирдан асони нутиб қолдирганини эслади. Шунинг учун у жадал изига қайтиб, кабинетга кирди-ю, шу заҳоти соатнинг милини – унинг орқада қолаётганини келаси тонг ҳеч ким сезиб қолмаслиги учун бирпасда жойига суриб қўйди. Энди унинг алибисини аниқлаб бергувчи гувоҳи борлигига комил ишонч билан у пастга тушиб, кўчага чиқди.

XI

Фитна бошланмоқда

Жаноб де Тревилнинг ҳузуридан чиқиб, д'Артаньян хаёлга чўмганча уйига қайтиш учун энг олис йўлни танлади.

Ўз йўлидан шунчалар оғиб, юлдузларга термилиб ва дам жилмайиб, дам хўрсиниб, гасконлик йигит нималарни ўйлади экан?

У Бонасе хонимни ўйларди. Шогирд – мушкетёрга бу жувон сал бўлмаса маъшуқалик омоли бўлиб кўринарди. Кўҳликкина, турган-битгани сирдан иборат бўлгани, қарийб ҳамма сарой фитналаридан воқифлиги дилбар чеҳрасига алоҳида ташвиш сояси ташлаб тургани ҳолда у унчалик димоғдор кўринмасди, бу нарса гўр ошиқ назарида аёл кишига мислсиз жозиба бахш этарди. Бундан ташқари, д'Артаньян уни тинтишга ва эҳтимол қийноққа солишга шайланиб турган асроиллар чангалидан юлиб олди, бу унутилмас яхшилиги унда нозикроқ бир нарсага айланиши осон бўлган миннатдорчилик туйғусини ўйотди.

Д'Артаньяннинг тасавбурида аллақачон – орзуларнинг хаёл қанотида учишини қаранг – ёш жувон юборган одам унга яқинлашиб, кутилажак висолдан дарак берувчи номани топширар, сийловига эса олтин занжир ёки олмос кўзли узук ҳада қиларди. У замоннинг йигитлари ўз қиролидан тортинмасдан ҳадылар олишини биз айтиб ўтган эдик. Ахлоқ талаблари паст ўша маҳаллар улар маъшуқалари билан ҳам орият таллашиб ўтирмасдилар. Уларнинг хонимлари деярли ҳамма вақт гўё беқарор туйғуларини ўз тортиқларининг собит пухталиги билан боғлаб қўймоқчидай, эсдалик учун қимматбаҳо ва ноёб совғалар қолдиришарди.

У замонлар аёл кишининг ёрдами билан ўзларига йўл очишдан ор қилмасдилар. Фақатгина гўзал бўлганлар ўз хуснларини тортиқ қилардилар, «енг соҳибжамол қиз ўзида борини бера олади, холос» деган мақол шундан тарқалган бўлса, ажаб эмас. Бадавлатлари эса пулларининг бир қисмини бериб юборишарди. Ўша серсаргузашт замон қаҳрамонларининг эгарларига маъшуқалари боғлаб қўйган сила ёки лиқ тўла ҳамёнлари бўлмаган тақдирда на мансабларга, на жанг май-

донидаги ғалабаларга эришиши даргумон бир талай номларни айтиб ўтиш мумкин.

Д'Артаньян фақир эди. Уч мушкетёр дўстлари унга сингдирган хийла бадахлоқ насиҳатлар қуюни унинг қишлоқча журъатсизлигини – бу нозик гул, бу шафтоли тукини – бирпасда асар ҳам қолдирмай учириб кетди. Ўз замонининг ғаройиб таомилларига бўйин эгиб, д'Артаньян ўзини Парижда қарийб Фландрияда юрган сингари, истило қилинган шаҳарда сингари ҳис қиларди: у ёқда – испанлар, бу ёқда – аёллар. Унда ҳам, бунда ҳам курашиш лозим. Душман мавжуд, тўланиши лозим хирож бор эди.

Ҳарҳолда, ҳозир д'Артаньянни анча юксак ва беминатроқ туйғу идора қилаётганини айтмоғимиз зарур. Рост, аттор унга бадавлат эканини айтганди. Жаноб Бонасе сингари гўл эрнинг ҳамёнини рафиқаси бошқариши жуда эҳтимоллигига д'Артаньяннинг фаҳми етиши қийин эмасди. Лекин, буларнинг ҳаммаси Бонасе хонимни кўрган замон лов этиб аланга олган ҳиссиётларига таъсир этмади, қалбида куртак ёзган муҳаббат қарийб мутлақ таъмадан холи эди. Биз қарийб деяпмиз, негаки, гўзал, дилкаш, бурро ёш жувон, бунинг устига бадавлат ҳам бўлса, бу хусусидаги хаёл эҳтиросга халал бермайди, ҳатто, аксинча – уни кучайтиради.

Давлатмандлик бир талай кибор икир-чикирлар билан вобастаки, улар ҳуснга, узукка кўз солгандай мос тушади. Нафис, оппоқ рангидан кўз қамаштиргувчи пайпоқ, тўр ёқа, бежирим кавушча, сочга тақилган чиройли тасма бадбашара аёлни хушрўй қилолмайди, лекин, хушрўйининг жамолини очиб юборади, қўллар ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади, чунки улар бу нарсаларнинг ҳаммасидан фойда қилади. Аёл қўллари гўзаллигини йўқотмаслиги учун бекорчи бўлиши лозим.

Бундан ташқари, д'Артаньян – унинг маблағлари ҳолатини китобхондан яширмадик – д'Артаньян лак

минг пулга эга эмасди. Тўғри, у бир кун келиб, шундай бўлишини орзу қиларди. Лекин, бу хуштабаддул учун унинг ўзи тайин қилган муддат анча йироқ эди. Ҳозирча эса, севгили аёлнинг, бу заифа мавжудотларнинг бор қувончини ташкил қилгувчи минг-минглаб майда-чуйда нарсаларга зорлигини кўриб туриб, унга шу сон минг майда-чуйдаларни тақдим этиш имконига эга бўлмаслик – не даҳшат! Агар аёл бадавлат-у, ошиғи фақир бўлса, у тақдим қилолмаган нарсаларни лоақал аёлнинг ўзи харид қилиши мумкин. Гарчанд, бу арзимас нарсаларни у одатда эрининг пулига харид қилса-да, жуда нодир ҳолларда унинг қадрига етилади.

Д'Артаньян назокатли маҳбуб бўлишга ҳозирланар экан, ғоят садоқатли дўстлигича қолганди. Латофатли Бонасе хонимга буткул мафтун бўлгани ҳолда у дўстларини хотиридан чиқармасди. У аёл Атос, Портос ва Арамисларни эргаштириб, Сен-Дени чимзориди ёки Сен-Жермен ярмаркасида бирга сайр қилишга ярашиқли эди, д'Артаньяннинг уларнинг олдиди ўз ғалабаси билан бир мақтаниб қўйгиси ҳам бор эди. Узоқ сайрдан кейин иштаҳа очилади. Яқин орадан бери д'Артаньян шунинг фаҳмига ета.бошлади. Ора-сира қўл дўстнинг қўлига, оёқлар эса маъшуқанинг оёқчасига тегиб тургувчи ўша сўлим зиёфатлардан бирининг эвини қилиш мумкин бўлади. Ниҳоят, алоҳида мушкул дақиқаларда д'Артаньян оғайниларининг жонига оро кириш имконига эга бўлади.

Хўш, д'Артаньян баралла товуш билан баҳридан ўтиб, шивирлаб, нажот ва мадад ваъда этиб, изкуварларнинг қўлига топшириб юборган жаноб Бонасечи? Китобхонларимиз олдиди шуни эътироф этишга мажбурмизки, д'Артаньян уни эсига ҳам олмасди, мабодо хотирга олганда ҳам, у қаерда бўлмасин макониди қолаверишига хаёлан тилақдош бўлиш учунгина эсларди. Эҳтироснинг барча турлари ичиди муҳаббат – энг худбинидир.

Бироқ, китобхонларимиз хавотир олмасинлар: қайга жўнатганларидан ғофил қолганини баҳона қилиб, д'Артаньян уни унутган ёки ўзини унутганга солаётган бўлса ҳам биз уни эсимиздан чиқарганимиз йўқ-ку, унинг турган макони бизга маълум-ку. Лекин, ошиқ гасконлик йигитдан вақтинча намуна олиб, муҳтарам атторга кейинроқ қайтайлик.

Ишқий хаёлларга ғарқ бўлиб, тунги само билан суҳбат қуриб, юлдузларга табассум қилиб, д'Артаньян Шерш Миди ёки ўша йиллари уни атаганларидек, Шасс-Миди кўчасининг бошига томон юриб бормоқда эди. Арамис истиқомат қилгувчи уйнинг яқинига бориб қолгач, у дўстиникига кириб, не вайдан зудлик билан, «қопқонга» келишини илтимос қилиб, Планшени юборганини изоҳлаб беришга қарор қилди.

Планше борганда Арамис уйда бўлган тақдирда, у шубҳасиз, Гўрковлар кўчасига ошиққан, унда ўзининг икки дўстидан бўлак ҳеч кимни тополмай, буларнинг ҳаммасининг маъносига тушунолмаган. Д'Артаньян дўстини нега чорлаганини шарҳлаб бериши зарур эди. Д'Артаньян баралла товуш билан ўз-ўзига мана нималарни сўзламоқда эди.

Кўнглининг тўрида у, қалбини бўлмаса ҳамки, хаёлларини тамом асир этган дилбар Бонасе хоним тўғрисида гурунглашиш учун буни қўлай баҳона деб билмоқда эди. Сир сақлаш лаёқатини илк ошиқдан талаб этиш маҳол гап. Биринчи муҳаббатга шунчалар жўшқин қувонч ҳамроҳ бўладики, уни баҳам кўриш зарур, акс ҳолда у ошиқни бўғиб қўяди.

Икки соатки, Париж зулматга чўмган, кўчалар ҳам хувиллаб қолган. Сен-Жермен теварагидаги ҳамма соатлар ўн бирга занг урди. Ҳаво илиқ, сокин. Д'Артаньян ҳозирги Асса кўчаси кесиб ўтган жойда мавжуд бўлган тор кўчада бормоқда эди. Вожирар кўчасидан, кечки шабнам ва тун рутубатидан тирилган боғлардан шабада уфураётган муаттар бўйлар ҳавони босиб кетган. Олислардан, гарчи, зич ёпиқ дарчалар ичидан

бўлса-да, қай бир хароботда вақтихушлик қилгувчи санқиларнинг қўшиқлари келарди. Тор кўчанинг сўнгига етгач, д'Артаньян чапга бурилди. Арамис истиқомат қилгувчи уй Кассет кўчаси билан Сервандони кўчаларининг орасида жойлашган эди.

Д'Артаньян Кассет кўчасидан ўтиб олди, заранг шаббалари ғовлаб ўсган, ёввойи узум билан ўралашиб, тепасида зич яшил бостирма ҳосил қилган дўстининг уйи эшигига йироқданоқ кўзи тушди. Туйқусдан аллақандай шарпа Сервандони кўчасидан ўтгандай туюлди д'Артаньянга. Бу шарпа ридога бурканган бўлиб, д'Артаньянга дастлаб у эркак кишига ўхшаб кўринди. Лекин, паст бўйи, рафтори ва ҳаракатларининг журъатсизлиги қаршисида аёл киши турганига уни бирпасда ишонтирди. Гўё ўзи ахтарган уйнинг шу эканлигига гумон қилгандай, аёл ўзи турган жойни тузукроқ аниқлаш учун бошини кўтарар, тўхтаб қолар, ортига бир-икки одим ташлаб, яна илгари юрарди. Д'Артаньян қизиқиб қолди.

«Унга хизматимни таклиф қилсаммикин, – хаёлидан ўтказди у. – Рафторига қараганда, у ёш, эҳтимол, хушрўйдир. Албатта! Лекин, бундай бемаҳалда кўчаларда изғиб юрган аёл фақат маҳбуби билан дийдор кўришмоққа чиққан бўлиши керак. Азбаройи шифо! Мулоқотга халал бериш – таниш орттириш учун макруҳ баҳона».

Жувон бу орада уй ва деразаларни саноқдан ўтказиб, илгари силжиб бормоқда эди. Дарвоқе, бу на алоҳида уринишни, на вақт талаб этарди. Кўчанинг бу бўлагида фақат уч иморат бўлиб, бор-йўғи икки дераза шу кўчага қараган эди. Улардан бири Арамис банд қилган уйга мувозий тушган ёндош бостирманинг деразаси, иккинчиси эса Арамиснинг деразаси эди.

«Худо ҳаққи!» – деб ўйлади бирдан ақоидшуноснинг жияни ёдига тушган д'Артаньян. – Худо ҳаққи, бу каптарча бемаҳалда дўстимизнинг уйини ахтариб юрган бўлса, зап қизиқ иш бўларди-да. Лекин, ўлай агар, шун-

га ўхшаб қолди. Хўш, азизим Арамис, бу дафъа ҳақиқатга етганим бўлсин».

Д'Артаньян камроқ жой олишга ҳаракат қилиб, энг қоронғи кунжақда, аллақандай кавакнинг тўрида турган тош тахтанинг олдида яширинди.

Жувон ҳамон яқинлашиб келарди. Унинг ёшлиги борасида шак-шубҳага ўрин қолмаган эди: уни дафъатан фош этган рафторидан ташқари товуши ҳам уни ошкор қилмоқда эди: у хиёл йўталиб қўйди, бу йўталдан д'Артаньян унинг товуши соғлом ва жарангдор эканини аниқлаб олди. Шу заҳоти бу йўтал – шартли сигналмикан, деб кўнглидан ўтказди.

Бу сигналга худди шу сингари сигнал билан жавоб қилиндими ёки ахири у ўзга ёрдамсиз ҳам мақсадига етганини аниқладими, аммо бирдан у Арамиснинг деразаси томон дадил йўналди ва дарчани гажак қилинган бармоғи билан уч карра бир маромда тақиллатди.

– Ҳа, албатта, у Арамисникени тақиллатяпти! – шивирлади д'Артаньян. – Ана холос, жаноб риёкор! Ақоидни қандай ўрганишингизни энди билиб олдим!

Аёл тақиллатиб ҳам бўлмасдан ички ром очилди ва дарчаларнинг тирқишидан лип этиб, ёруғ кўринди.

– Аҳа, – деди эшикдан кўра деразага яқинроқ жойда қулоқ солиб турган йигит, – аҳа, келган хонимга кўз тутишган экан-да! Ҳозир дарча очилади-да, хоним деразадан кириб кетади. Жуда соз!

Лекин д'Артаньянни ғоятда таажжублантириб, дарча берклигича турарди. Бир зум йилт этган шуъла йўқолди-ю борлиқ қайта зулматга чўмди. Д'Артаньян бу узоққа бормас, деб қарор қилди-да, бутун вужуди билан кўз ва қулоққа айланди.

У ҳақ экан. Бир неча лаҳзадан сўнг дарча ичкаридан икки марта тақиллади.

Кўчада турган жувон унга жавобан бир марта тақиллатгач, дарча очилди.

Д'Артаньян нечоғлик харислик билан тикилганини, тинглаганини тасаввур этмоқ мумкин.

Бахтга қарши ёруғлик манбайи бошқа хонага ўтказилган эди. Лекин, йигитнинг кўзлари қоронғиликка ўрганиб қолди. Бундан ташқари, таъкидлашларича, гасконликларнинг кўзлари худди мушукларнинг кўзлари сингари қоронғида ҳам кўравериш қобилиятига эга эмиш.

Ёш жувон чўнтагидан аллақандай оқ жимит бўғча чиқариб, уни шоша-пиша ёзганини д'Артаньян кўрди. Бу рўмолча эди. Рўмолчани ёзиб, суҳбатдошига унинг бурчини кўрсатди.

Ўзи Бонасе хонимнинг оёқлари остидан топиб олган, Арамис тушириб юборганини эсига солган рўмолча д'Артаньяннинг кўз ўнгида аниқ намоён бўлди.

– Бу рўмолчанинг аҳамияти нима экан ўзи, азбаройи шифо?

Ўзи турган жойдан гасконлик йигит Арамисни кўролмас эди – дераза тагида турган хоним билан Арамис сўзлашаётганига унда бир зум ҳам шубҳа туғилмади. Синчковлик эҳтиёткорликдан устун келди-ю, бу манзаранинг иккала иштирокчиси диққатини батамом рўмолча жалб қилганидан фойдаланиб, у яшин тезлигида бирон шарпа чиқармай югурганича, кўчани кесиб ўтди ва деворнинг Арамис хонаси ичкарасига кўзи ўтадиган жойига ёпишди.

Деразага назар ташлаб, д'Артаньян сал бўлмаса қичқириб юбораёзди: тунги меҳмон билан Арамис эмас, аёл киши сўзлашмоқда эди. Таассуфки, д'Артаньян, гарчи, унинг қоматини қоронғида фарқласа-да, юзини кўра олмасди.

Шу дам хонада турган аёл чўнтагидан бошқа рўмолча чиқариб, ўзига узатилганини ўша билан алмаштириб қўйди. Шундан сўнг икки аёл бир-икки оғиз сўзлашдилар. Ниҳоят, дарча ёпилди. Кўчада турган аёл ўгирилиб, ридосининг ёпинчисини юзига тушириб, д'Артаньяндан бир-икки қадам наридан ўтиб кетди. Лекин, бу эҳтиёт чораси ҳаяллаган, д'Артаньян Бонасе хонимни таниб қолган эди.

Бонасе хоним! Бу, ўша деган гумон у чўнтагидан рўмолча чиқарган ҳамон бир чақнаб ўтган эди. Лекин, ўзини Луврга кузатиб қўйиши учун жаноб де Ла Портни чақиртирган Бонасе хонимнинг яна ўғирланиш хавфи остида тунги соат ўн бир яримда кўчама-кўча изғиб юриши эҳтимолдан нақадар йироқ эди!

Демак, бу жуда муҳим бир иш юзасидан қилинмоқда. Хўш, йигирма беш яшар жувон учун муҳим иш муҳаббат бўлмай нима?

Лекин, у жон ҳовучлаб, ўзининг манфаати учун юрибдими ёки бирор учинчи шахс манфаати учунми? Д'Артаньян ўз-ўзига берган савол мана шу эди. Рашк азоби гўё у тан олинган ошиқ бўлгани каби қалбини тилкаламоқда эди.

Дарвоқе, Бонасе хонимнинг қайга интиқаётганини тасдиқлаб олишнинг одми воситаси мавжуд эди. Бу восита шу қадар жўн эдики, д'Артаньян ўйлаб-нетиб ўтирмасдан унга мурожаат қилди.

Лекин, тахмондан чиққан ҳайкал сингари девордан ажралган йигитни кўрган, унинг оёқ шарпаларини эшитган заҳоти Бонасе хоним қичқириб юборди-да, қочиб қолди.

Д'Артаньян уни қувиб кетди. Ридосининг бурмаларига ўралашиб кетгувчи аёлга етиб олмоқ д'Артаньян учун ҳеч гап эмасди. У аёл ўзи бурилган кўчанинг учдан бир бўлагини чошиб ўтмасдан унга етиб олди. Чарчоқдан кўра қўрқувдан унинг сира дармони қолмаган, д'Артаньян қўлини унинг елкасига қўйганда, у бир тиззаси билан чўккалаб тушди ва бўғиқ товуш билан қичқириб юборди:

– Истасангиз, мени ўлдиринг! Барибир, мен ҳеч нима айтмайман!

Д'Артаньян уни қучиб, ўрнидан турғизди. Лекин, қўлларида зил-замбил бўлиб осилиб қолганини сезиб, ҳушдан кетишига сал қолганини тушуниб, ўзининг садоқатини таъкидлаганича, уни юпатишга киришди. Бу таъкидларнинг Бонасе хоним учун аҳамияти йўқ: ёмон

ниятда ҳам шундай ваъдалар ёғдириш мумкин. Лекин, ҳамма гап уларни талаффуз этган овозда эди. Жувон бу овозни таниётгандай бўлди. У кўзларини очиб, узини хўп қаттиқ кўрқитган кишига қаради-ю, д'Артаньянни таниб, қувончи ичига сиғмай, қийқириб юборди:

– Оҳ, бу сизмисиз! – деб такрорларди у. – Худойим, сенга шукур.

– Ҳа, бу менман, – деди д'Артаньян. – Худо сизни қўриқлаш учун юборган мен бўламан.

– Фақат шу сабабдан мени қузатибсиз-да? – истехзоли феъли устунлик қилиб қув табассум билан сўради жувон. Душман деб ўйлаган одами, ўз дўстилигини билган замон унинг кўрқуви босилди.

– Йўқ, – жавоб берди д'Артаньян, – йўқ, эътироф қиламан сизга. Тасодиф мени йўлингизга солиб қўйди. Дўстларимдан бирининг деразасини аёл киши тақилпатаётганини кўриб қолдим...

– Дўстларингиздан бирини? – унинг сўзини бўлди Бонасе хоним.

– Албатта, Арамис менинг энг қалин ошналаримдан бири.

– Арамис? У ким?

– Қўйсангиз-чи? Наҳотки, Арамисни танимайман, деб мени ишонтирсангиз?

– Мен бу номни биринчи марта эшитиб турибман.

– Демак, бу уйга биринчи марта келишингизми?

– Албатта.

– Бу ерда ёш йигит истиқомат қилишидан хабарингиз йўқмиди?

– Йўқ.

– Мушкетёр-а?

– Йўқ, ахир, йўқ!

– Бинобарин, сиз уни қидирмагансиз?

– Албатта, йўқ. Ўзингиз ҳам кўргандирсиз, мен сўзлашган киши – аёл эди.

– Бу рост. Лекин, бу аёл – Арамиснинг танишими?

- Қайдам.
- Уникида истиқомат қилса-я?
- Бунинг менга даҳли йўқ.
- Лекин, у ўзи ким?
- О, бу сир – меники эмас.
- Азиз Бонасе хоним, сиз дилбар, лекин, шу билан бирга бағоят сирли аёлсиз...
- Нима, бу ярашмаяптими?
- Йўқ, аксинча, сиз жуда зебосиз.
- Бундай экан, қўлингизни беринг, суяниб олай.
- Жоним билан. Энди-чи?
- Энди мени кузатиб қўйинг.
- Қаёққа.
- Мен кетадиган ёққа.
- Лекин, сиз қаёққа кетяпсиз?
- Эшикнинг тагигача обориб қўйганингиздан кейин кўрасиз-да.
- Сизни кутиш керак бўладими?
- Йўқ, буниси беҳуда.
- Демак, сиз ёлғиз қайтмас экансиз-да?
- Эҳтимол – ҳа, эҳтимол – йўқ.
- Лекин, сизни кузатажак шахс-чи, у эркак киши бўладими, ёки аёл.
- Буни ҳали билмайман.
- Бўлмаса мен билиб оламан!
- Қай тарзда?
- Мен пойлаб тураман-у, сизнинг ким билан чиқингизни кўриб оламан.
- Бу ҳолда – алвидо!
- Бу қанақаси бўлди.
- Сизнинг менга ортиқ заруратингиз йўқ.
- Лекин, ўзингиз илтимос қилиб эдингиз...
- Дворяннинг ёрдамини, жосуснинг азмойишини эмас.
- Бу ўта шафқатсиз сўз.
- Одамни ихтиёрга хилоф равишда пойлаб юрган кишини нима деб атайдилар?

- Андишасиз деб.
 - Бу сўз ўта юмшоқ.
 - Иложим қанча, хоним. Кўриб турибман, истакларингизни адо этишдан ўзга чора йўқ.
 - Нега бу истакни дарҳол бажариш хизматидан бўйин товладингиз?
 - Тавба қилиш хизмат эмасми?
 - Сиз чиндан тавба қиляпсизми?
 - Ўзим ҳам билмай қолдим. Бир нарсани биламан: агар ўзингиз кетаётган жойгача кузатиб қўйишга ижозат берсангиз, сиз нимаики истасангиз, ҳаммасини бажо келтираман.
 - Кейин-чи, мени холи қолдирасизми?
 - Ҳа.
 - Мени пойламайсиз ҳамми?
 - Йўқ.
 - Чин сўзми?
 - Дворян сўзим!
 - Унда қўлингизни беринг – кетдик!
- Д’Артаньян қўлини берди. Чехраси хандон, лекин, ҳамон зириллаб турган жувон унинг қўлига суянди. Улар шу зайл Лагарп кўчасига етиб олдилар. Бу ерда жувон илгари Вожирар кўчасида иккилангандай тараддулланиб қолди, лекин, кейин баъзи нишонларидан бўлса керак, зарур эшикни таниди.
- Энди бўлса, – ўша эшикка яқинлашиб деди у, – мен шу ерга киришим зарур. Олижаноб ёрдамингиз учун минг бор ташаккур. Ёлғиз бўлганим тақдирда эҳтимол дучор бўлишим мумкин хавф-хатарлардан мени сақлаб қолдингиз. Лекин, ваъдангизга вафо қиладиган вақт келди. Мен керакли жойга келиб бўлдим.
 - Орқага қайтишда-чи, сиз хавфсирайдиган ҳеч нарса бўлмайдими?
 - Бўлса, ўғрилар, бўлади-да.
 - Бу ҳеч нарса бўлмаганими ҳали?
 - Улар мендан нимани олишарди, ёнимда бир мири йўқ.

– Сиз герб тикилган кўркам рўмолчани хотирингиздан чиқараётибсиз...

– Қайси рўмолчани?

– Оёғингиз остидан топиб, чўнтагингизга солиб кўйганимни-да!

– Жим бўлинг, жим бўлинг, бадбахт! – хитоб қилди жувон. – Ёки мени хароб қилмоқчимисиз?

– Ўзингиз кўриб турибсиз, сизни шундай безиллатиш учун бир сўз кифоя қилгандан кейин сизга ҳали хатар таҳдид солар экан, бу сўз бирор кимсанинг қулоғига етгудай бўлса, хароб бўлишингизни ўзингиз ҳам тан оляпсиз. Қулоқ солинг, хоним, – кўлини ушлаб, унга оташин нигоҳини қадаган ҳолда хитоб қилди д'Артаньян. – Қулоқ солинг, дадилпроқ бўлинг, менга ишонинг! Наҳот кўзларимдан қалбим сизга нисбатан хайрихоҳлик ва садоқатга лиммо-лимлигини уқиб олмаган бўлсангиз.

– Мен буни сезиб турибман. Шунинг учун бир сирасроримни суриштирсангиз, майли, лекин ўзгаларнинг сирлари – бу бошқа нарса.

– Яхши, – деди д'Артаньян, – лекин, мен уларни тагига етаман. Башарти, ўша сирлар тақдирингизга таъсир этоларканми, улар меники ҳам бўлиши шарт.

– Сизни бундан худо асрасин! – хитоб қилди жувон, унинг товушида эса шунча хавотир эшитилдики, д'Артаньян бехос сесканиб тушди. – Илтижо қиламан, менга дахлдор ҳеч нарсага аралашманг, зиммамга юкланган нарсани бажаришимда менга ёрдам беришга уринманг. Менга нисбатан ҳис қилаётган туйғуларингиз ҳақи, менга қилган, умрим бўйи ёдимдан чиқармайдиган яхшилигингиз ҳақи илтижо қиламан. Сўзларимга ишонинг. Мени ортиқ ўйламанг, мен энди сиз учун мавжуд эмасман, гўёки сиз мени ҳеч қачон танимагансиз.

– Арамис ўзини худди мен сингари тутиши керакми? – унинг сўзлари оғир ботиб, сўради д'Артаньян.

– Бу номни, мана, уч-тўрт марта тилга олдингиз, тақсир. Ваҳоланки, менга у таниш эмас, деб сизга айтган эдим.

– Сиз деразасини чертган одамни танитайсизми? Қўйсангиз-чи, хоним! Сиз мени жуда лақма деб билиясиз.

– Фақат мени очик гапиришга ундамоқ ниятида шу воқеанинг ҳаммасини тўқиб, ўша Арамисни ўйлаб чиқарганингизни бўйингизга олинг.

– Мен ҳеч нимани тўқиганим йўқ, хоним, ҳеч нимани ўйлаб чиқарганим йўқ. Бор ҳақиқатни айтаяпман.

– Сиз ошналаримдан бири шу уйда истиқомат қилади деяпсизми?

– Мен шундай деяпман ва учинчи марта такрорлайман: бу дўстим истиқомат қиладиган уй, ўша дўстим эса – Арамис.

– Мавриди билан ҳаммаси ойдинлашади, – шивирлади жувон, – ҳозирча эса оғиз очманг, тақсир!

– Башарти, сизга шайдо қалбимни ўқиёлганингизда эди, – деди д'Артаньян, – сиз унда шунчалар синчковлик кўрардингизки, менга раҳмингиз келарди, шунчалар муҳаббат кўрардингизки, ўша синчковликни дарҳол қондирган бўлурдингиз. Сизни севадиганлардан ҳадиксираш ярамайди.

– Сиз муҳаббат тўғрисида жуда тез гап очдингиз, – бошини чайқаб деди жувон.

– Муҳаббат менда илк бор ва тез уйғонди. Ахир мен йигирма ёшга ҳам тўлганим йўқ-да.

Бонасе хоним унга зимдан қараб қўйди.

– Қулоқ солинг, мен учини топдим, – деди д'Артаньян. – Уч ой муқаддам мен Арамис билан худди сиз унинг уйидаги аёлга кўрсатганингиздек рўмолча важдан, айнан шундай герблик рўмолча важдан мубораза қилишимга сал қолган.

– Қасам ичаманки, тақсир, – деди жувон, – сиз шу тергашларингиз билан менинг тинкамни қуритяпсиз.

– Лекин, сиз-чи, хоним, бирам эҳтиёткор ўзингизчи, мабодо ҳибсга олиш пайти шу хил рўмолчани сиздан топиб олишганда бу обрўйингизни тўкмасиди?

– Нега? Ахир ҳарфлар меники эмасми? «К. Б.». Констанция Бонасе.

– Ёки Камилла де Буа-Траси.

– Жим бўлинг, тақсир! Жим бўлинг! Агар менинг бошимдаги хавф-хатар сизни тўхтатолмаса ўзингизга таҳдид солгувчи хатарларни ўйлаб кўринг.

– Менгами?

– Ҳа, сизга. Мен билан танишлигингиз касрига қамоққа тушиб қолишингиз, ҳаётингизни қурбон қилишингиз мумкин.

– Унда энди ёнингиздан қимирламайман!

– Тақсир, – тавалло қилиб қўлларини қайирган қўйи деди жувон, – тақсир, мен ҳарбий кишининг виждонига, дворяннинг инсофига даъват қиламан – кетинг! Эшитяпсизми, соат ярим кечага занг уряпти, менга бу соатда мунтазирлар.

– Хоним, – таъзим билан деди д'Артаньян, – мен бунча ўтинган кишига рад қилишга журъат этолмайман. Тинчланинг, кетяпман.

– Сиз ортимдан бормайсизми, мени пойламайсими?

– Мен бу тобда уйимга қайтиб кетаман.

– Оҳ, мен билганман, сиз софдил йигитсиз! – бир қўлини унга узатиб, бошқаси билан тош деворга ўрнатилган чоққина эшикнинг болғачасини ушлаб, хитоб қилди Бонасе хоним.

Д'Артаньян ўзига узатилган қўлни ушлаб олиб, эҳтирос билан унга лабларини босди.

– Сизни сира учратмаганим яхшироқмиди! – деб ҳаёллар қаърига назар солмоқ имконини бергувчи ва ҳислар идрокдан устун келаётганини исбот қилгувчи, кўпинча аёллар нозик такаллуфдан аъло кўргувчи ўша қўполлик билан хитоб қилди д'Артаньян.

– Йўқ, – ҳалиям қўйиб юбормаган д'Артаньяннинг қўлини қиса туриб, қарийб мулоим гапирди Бонасе хоним, – йўқ, шундай деб айтолмайман: бугун иложи йўқ нарса, эҳтимол, келгусида рўёбга чиқар. Ким бил-

син, бир кун келиб, озод бўлсам, ўшанда синчковлигингизга малҳам бўлмасмикинман...

– Муҳаббатим-чи, у ҳам шундай рижо қилса бўлади-ми? – завқ туғёни ичида хитоб қилди йигит.

– О, бу масалада ўзимни боғламоқчи эмасман. Кўнглимни топа билишингизга боғлиқ бўлади.

– Демак, хоним, ҳозирча...

– Ҳозирча мен фақат миннатдорлик ҳис қиляпман, тақсир.

– Сиз бениҳоят дилкашсиз, – маъюс гапирди д’Артаньян, – муҳаббатимни сунистеъмол қиляпсиз.

– Йўқ, мен ўктамлигингиздан баҳра оляпман, холос, тақсир. Лекин, ишонинг, ваъдаларини фаромуш қилмаслик қўлидан келгувчи одамлар бор.

– О, сиз мени энг бахтли бандага айлантириб қўймоқдасиз! Бу оқшомни унутманг, шу ваъдани унутманг.

– Хотиржам бўлинг. Пайти келганда мен ҳаммасини ёд этаман. Ҳозир эса кетинг, барча авлиёлар ҳаққи, кетинг! Роппа-роса ўн иккида менга кўз тиккан эдилар, кечикиб қоляпман.

– Беш дақиқагина.

– Маълум шароитда беш дақиқа бу беш аср.

– Севганингда.

– Гап ошиқ хусусида эмас, деб сизга ким айтди?

– Сизни эркак киши кутмоқда! – қичқириб юборди д’Артаньян. – Эркак киши!

– Ана холос, мунозарамиз янгитдан бошланяпти, – билинар-билинмас бетоқатлик аралаш хиёл табассум билан деди Бонасе хоним.

– Йўқ, йўқ! Мен кетяпман, кетяпман. Мен сизга ишонман, мен садоқатимдан, гарчи, бу садоқат тентакликка яқин турса-да, кўнглингиз тўқ бўлишини истаيمان. Яхши қолинг, хоним, яхши қолинг!

Шундан кейин унинг қўлини, гўё шартта ажралишдан ўзгача йўсинда қўйиб юборишга қурби етмагандай, у қўққис четга отилди. Бонасе хоним бу

орада қўлига болғачани олиб, худди аввал деразани чертганидай, бир маромда уч марта султ зарб билан тақиллатди. Муюлишгача югуриб бориб, д'Артаньян ўгирилиб қаради. Эшик очилиб ва ёпилиб бўлган эди. Атторнинг хушрўй рафиқаси энди кўринмасди.

д'Артаньян йўлида давом этарди. У Бонасе хонимни пойламасликка сўз берди ва ҳатто, ҳаёт-мамоти унинг қай томонга кетгани ёки уни ким кузатишига боғлиқ бўлган тақдирда ҳам сўз бергандан кейин, барибир, уйига кетган бўларди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас у Гўрковлар кўчасида ҳозир бўлди.

«Бечора Атос! – ўйларди у. – У буларнинг ҳаммаси маъносига тушунмайди. У мени кута-кута ухлаб қолгандир ёки уйига кетгандир, у ерда эса, ўзиникида аёл киши ўтирганидан хабар топгандир. Атоснинг уйида аёл киши! Дарвоқе, Арамисникида аёл бор эди-ку. Буларнинг ҳаммаси жуда ғалати, бу нарсаларнинг оқиба ти нима бўлишини жуда билгим бор».

– Чатоқ, тақсир, чатоқ! – деган товуш эшитилиб д'Артаньян унинг Планше овозилигини таниди.

Гап шундаки, бирор нарсадан қаттиқ безовта бўлган кишиларда учраб турганидек, у ўз-ўзи билан баралла сўзлаганича, ичкарасида юқорига элтгувчи зинаси бор уйнинг дарвозахонасига ўзи билмай келиб қолганди.

– Нима чатоқ? Бу билан нима демоқчисан, аҳмоқ? – сўради д'Артаньян. – Нималар содир бўлди бу ерда?

– Ҳар қанақа фалокатлар.

– Қандай?

– Авваламбор, жаноб Атосни ҳибсга олдилар.

– Ҳибсга олдилар? Атос қамалдимми? Нима учун?

– Уни бизникида кўриб қолишди. Уни сиз деб ўйлашди.

– Уни ким қамоққа олди?

– Соқчилар. Уларни ўша сиз қувган қора кийимли кишилар чақиришди.

– Лекин, нега у ўзини танитмади, нега бу ишга сира алоқаси йўқлигини уқтирмади?

– У зинҳор бундай қилмасди, тақсир. Бунинг ўрнига у менга яқин келиб шивирладики: «Ҳозир сенинг соҳибинг фориг бўлиши зарур, мен эмас. Унга ҳамма нарса маълум, менга эса ҳеч нарса. Майли, уни қамоқда, деб ўйлайверсинлар, бу вақт унга ғанимат. Уч кунлардан кейин ўзимнинг кимлигимни уларга айтаман, уларнинг мени қўйиб юборишига тўғри келади».

– Офарин, Атос! Олижаноб қалб! – шивирлади д’Артаньян. – Уни қилиғидан таниб турибман. Хўш, соқчилар нима қилишди?

– Тўрттаси уни олиб кетди, билмадим қаёққа – Бастилиягами ёки Фор-Левекками. Ҳаммаёқни тинтиб, ҳамма қоғозларни олиб кетган қора кийимлилар билан иккитаси қолди. Бошқа иккитаси бу орада эшикни пойлаб турди. Сўнгра, ишини тугатгач, уйни остинустун қилиб, эшикларни ланг очиқ қолдириб, улар ҳаммаси кетишди.

– Портос билан Арамис-чи?

– Уларни тополмадим, келганларича йўқ.

– Ҳали замон келиб қолишлари мумкин. Уларни пойлаб ўтирганимни айтиб қўйишларини илтимос қилдингми, ахир.

– Ҳа, тақсир.

– Яхши. Унда жойингда қол. Агар улар келиб қолишса, рўй берган ҳодисани сўзлаб бер. Мени «Қарағай бужури» хароботида кутсинлар. Бу ерда қолиш беҳатар эмас. Уйни қузатишаётган бўлса, эҳтимол. Мен жаноб де Тревилнинг ҳузурига уни воқиф қилиб қўйиш учун шошилишч кетяпман, уларнинг олдига – хароботга бораман.

– Бош устига, тақсир, – деди Планше.

– Лекин, сен шу ерда бўласанми? Қўрқмайсанми? – орқасига қайтиб ва хизматкорининг кўнглини кўтаришга уриниб сўради д’Артаньян.

– Хотиржам бўлинг, тақсир, – жавоб берди Планше. – Сиз ҳали мени билмайсиз. Мен қунт қилсам, мард бўлишни биламан, гапимга ишонинг. Бутун гап қунт қилишда. Бундан ташқари, мен Пикардияданман.

– Демак, келишдик, – деди д'Артаньян, – жонингдан кечсанг-кечасанки, посбонлигингни тарк этмайсан-а?

– Ҳа, тақсир. Хўжайинимга садоқатимни исботлаш учун мен эплаёлмайдиган нарса йўқ.

«Жуда соз! – кўнглидан кечирди д'Артаньян. – Бу йигитга қўллаган чорам жўяли чиқди, шекилли. Кези келганда ундан фойдаланиб турмоқ лозим».

Шундан кейин унинг шу куннинг югур-югуридан хийла ҳориган оёқлари бор тезликда жадаллаб, у Эски Каптархона кўчасига йўлланди.

Жаноб де Тревиль уйда йўқ эди. Унинг ротаси Луврда посбонлик қилмоқда эди. У ўша ерда ўз ротаси билан бирга эди.

Жаноб де Тревилнинг ҳузурига етиш зарур эди. Уни рўй берган воқеадан огоҳ этиш лозим эди.

д'Артаньян Луврга киришга бир уриниб кўрмоққа жазм қилди. Жаноб Дезессара гвардия ротасининг уст-боши унинг учун рухсатнома вазифасини ўтамоғи керак эди.

У янги кўприқдан ўтишни мўлжаллаб, Пти-Огюстен кўчасидан сўнг соҳилдан юриб кетди. Паромдан фойдаланиш фикри хаёлига бир келди-ю, лекин дарё ёқасига тушиб бўлгач, қўлини беихтиёр чўнтагига солиб кўриб, тўлов учун ҳеч нимаси йўқлигига ишонч ҳосил қилди.

Генего кўчасига етганда кўққис Дофин кўчаси муюлишидан чиқиб келгувчи одамларга кўзи тушди. Улар икки киши – эркак билан аёл эди. Уларнинг қиёфасида недир д'Артаньянни таажжубга солди.

Аёл қомати билан Бонасе хонимни эслатар, эркак киши эса танг қолдирадиган даражада Арамисга ўхшарди.

Бунинг устига аёл, д'Артаньян Вожирар кўчасидаги дераза ва Лагарп кўчасидаги эшик фониди қандай кўрган бўлса, худди шу тахлит хотирида маҳкам ўрнашиб қолган қора ёпинчиқга бурканиб олганди. Эркак киши эса мушкетёр либосида эди.

Ёпинчиқнинг бош қисми юзларигача туширилган, эркак киши эса юзини дастрўмолча билан пана қилиб борарди. Бу эҳтиёт чораси иккаласининг ҳам танилиб қолмасликка уринаётганидан далолат берарди.

Улар кўприкдан юриб кетдилар. Д'Артаньяннинг йўли ҳам, у Луврга отлангани сабабли, кўприкка тушарди. Д'Артаньян уларга эргашди.

У ўн қадам юрмасдан аёл – Бонасе хоним-у, эркак – Арамислигига қатъий амин бўлди.

Шунда дафъатан рашк туғдирган ҳамма шубҳаларни унинг кўнглида яна бош кўтарди.

У панд еган, ўз дўстидан панд еган, аллақачон ўз ёридай севиб қолган аёлдан панд еган эди. Бонасе хоним жамики худоларни ўртага солиб, Арамисни танимайман деб қасам ичди, чорак соат ўтар-ўтмас уни Арамис билан қўлтиқлашган ҳолда учратиб ўтирибди.

Д'Артаньян хушрўй аттор хоним билан атиги уч соатча илгари танишиб қолгани, ўзини олиб қочмоққа шайланиб турган изқуварлар қўлидан халос этгани учун миннатдорлик туйғуси демаса, унинг ўзи билан бўлак иши йўқлигини, ўзига ҳеч қандай ваъда бермаганини, ҳатто, хаёлига ҳам келтирмади. У ўзини таҳқир этилган, алданган, шармисор қилинган маҳбуб деб ҳис қилмоқда эди. Унинг вужудини ғазаб қамраб, юзлари бўғриқиб кетди.

Жувон билан унинг ҳамроҳи ўзларини таъқиб қилишаётганини пайқаб, қадамларини тезлатдилар. Д'Артаньян қарийб югурганича улардан ўзиб кетди, сўнгра изига қайтди. Кўприкнинг бутун шу бўлагига ёғду сочгувчи фонус ёритиб турган Самарит аёли ҳайкали ёнидан ўтаётган онда улар тўқнаш келишди.

Д'Артаньян уларнинг қаршисида тўхтади, улар ҳам тўхташга мажбур бўдилар.

– Сизга нима керак, тақсир? – бир қадам орқага тисланиб сўради мушкетёр, унинг хорижий талаффузи, д'Артаньянни, шубҳаларининг бир қисмида, ҳарҳолда, хатога йўл қўйганини тушунишга мажбур этди.

– Бу Арамис эмас! – қичқирди у.

– Йўқ, тақсир, бу Арамис эмас. Ундовингизга қараганда сиз мени бошқа киши деб ўйлагансиз, шунинг учун сизни авф этдим.

– Сиз мени авф этдингиз? – хитоб қилди д'Артаньян.

– Ҳа, – деди номаълум киши. – менда ҳеч қандай ишингиз йўқ экан, ўтишга ижозат беринг.

– Сиз ҳақсиз, тақсир, – деди д'Артаньян, – сизда ҳеч қандай ишим йўқ. Лекин хонимингизда менинг ишим бор.

– Хонимимда? Сиз уни танимайсиз! – таажжуб билан деди номаълум киши.

– Сиз янглишяпсиз, тақсир, мен уни танийман.

– Уҳ, – ўпкалаб хитоб қилди Бонасе хоним, – сиз менга дворяннинг, ҳарбий кишининг сўзини бердингиз, мен сизнинг лафзингизга ишонса бўлади, деб ўтирибман!

– Сиз-чи, хоним, сиз... – ўсал бўлиб ғўлдирди д'Артаньян, – сиз менга ваъда бергансиз...

– Қўлимга суянинг, хоним, – деди ажнабий, – юраверинг.

Д'Артаньян гангиб, довдираб, Бонасе хоним билан унинг ҳамроҳи қаршисида қўлларини қовуштирганича тураверди.

Мушкетёр олға қадам ташлаб, қўли билан д'Артаньянни четга суриб қўйди.

Д'Артаньян орқага сапчиб тушиб, қиличини суғурди. Ажнабий ҳам яшин тезлигида ўзиникини олди.

– Авлиёлар ҳаққи, милорд! – уларнинг ўртасига ташланиб, қўллари билан қиличларга осилиб, қичқириб юборди Бонасе хоним.

– Милорд! – Бирдан хаёлига ярқ этиб бир фикр келиб, қичқирди д’Артаньян. – Милорд!.. Узр, тақсир... Лекин, наҳот сиз...

– Милорд – герсог Бэкингем, – нимтовушда гапирди Бонасе хоним. – энди сиз ҳаммамизни ҳалок қилишингиз мумкин.

– Милорд, сиз ҳам хоним, тавалло қиламан, кечиринглар, мени кечиринглар! Лекин, мен уни севардимда, ахир милорд, ҳам рашк қилардим. Муҳаббат нималигини сиз биласиз-ку, ахир, милорд. Мени кечиринг, айтинг, лутфи карамингиз учун жонимни фидо қилолмайманми?

– Сиз виждонли йигитсиз, – дея герсог узатган қўлини д’Артаньян эҳтиром билан қисди, – сиз хизматларингизни таклиф қилиясиз – мен уларни қабул этдим. Бизни Лувргача кузатиб қўйинг ва битта-яримтаси бизни пойлаётганини мабодо пайқаб қолсангиз, ўша кишини ўлдинг.

Д’Артаньян қўлида яланғоч қиличини тутган қўйи Бонасе хоним билан герсогни йигирма одимча олдинга ўтказиб юборди ва Карл I нинг ўктам ва назокатли министрининг амрини аниқ бажо қилишга шай ҳолда уларга эргашди.

Бироқ, яхшиямки, бу кеч ўз садоқатини амалда исбот қилиш учун ёш қаҳрамонга баҳона ўнг келмади ва жувон виқорли мушкетёр билан бирга безовта бўлмай, Луврга етиб, Эшел кўчаси қаршисидаги дарвозадан кириб кетди. Д’Артаньянга келганда, у Портос билан Арамис кўз тутиб ўтиришган «Қарағай Бужури» хароботига ошиқди.

Нима важдан уларни безовта қилганини изоҳлаб ўтирмасдан фақат уларнинг ёрдами зарурдай туюлган ишни ўзи уддалаганини уларга маълум қилди.

Энди эса ҳикоямизга берилиб, уч дўстнинг ҳар бирининг ўз уйига қайтишига имкон бериб, Луврнинг иланг-биланг йўлларида герсог Бэкингем билан унинг ҳамроҳи кетидан юрайлик.

ХII

Жорж Виллерс, Герсог Бэкингемский

Бонасе хоним билан герсог ортиқча мушкулотсиз Луврга кириб олдилар. Бонасе хонимни қироличанинг штатига мансуб аёл сифатида танишар, герсог эса ўша оқшом, биз зикр қилгандек, саройда посбонлик қилгувчи жаноб де Тревилнинг мушкетёрлари либосида эди. Дарвоқе, Жермен қироличага кўр-кўрона содиқ бўлиб, бирор гап кечган тақдирда ҳам Луврга ўз хушторини олиб киргани учун Бонасе хонимни айблаган бўлардилар, холос. Ҳаммасига шу билан хотима бериларди. Айбни у ўз бўйнига олган бўларди, гарчи, унинг пок номи булганса-да, лекин, жаҳон зўравонлари учун аллақандай ғариб аттор аёлининг пок номи нима бўпти!

Ҳовлига киргач, герсог билан Бонасе хоним йигирма қадамча тош девор бўйлаб юрдилар. Сўнгра, Бонасе хоним кундузлари очиқ, лекин тунлари одатда беркилгувчи чоққина хизмат эшигининг дастагини босди. Эшик сурилди. Улар ичкарига кирдилар. Атроф қопқоронғи, лекин Луврнинг сарой хизматчилари учун ажратилган бу қисмидаги ҳамма йўлкалар Бонасе хонимга яхши таниш эди. Эшикни ортидан беркитиб, у герсогнинг қўлидан ушлади, оҳиста бир-икки қадам ташлади, панжарани тутиб, оёғини зинага тегизди-да, тепага чиқа бошлади. Герсог унга эргашиб бормоқда эди. Улар учинчи қаватга етиб олдилар. Шу ерда Бонасе хоним ўнгга бурилди, ҳамроҳини узун йўлақдан ўтказиб, қуйи қаватга тушди, яна бир-икки қадам юргач, калитни қулфга солиб, эшикни очди ва герсогни тунги чироқ билан ёритилган хонага киритиб қўйди.

– Шу ерда тура туринг, милорд, – шивирлади у. – Ҳозир келадилар.

Шу гапни айтиб, у ўша эшикнинг ўзидан қайтиб чиқди, уни қулфлаб, герсогни шу сўзнинг том маъноси билан асир қилиб қўйди.

Ўзи батамом танҳо қолганига қарамай, герсог Бэкингемнинг ваҳимага тушмаганини қайд этмаслик мумкин эмас. Унинг табиатидаги энг ажойиб жиҳатларидан бири саргузаштларга ташналик, бутун романтик нарсаларга ишқибозлик эди. Жасур, мард бўлгани ҳолда шу хил шароитда унинг биринчи дафъа ҳаётини хавф остида қолдириши эмасди. Парижга учиб келишга ундаган Анна Австрийскаянинг номаси сохталиги уни алдаб қўлга тушириши кераклиги унга аллақачон маълум бўлган эди. Лекин, Лондонга қайтиш ўрнига у воқе бўлган нарсалардан фойдаланиб, қиролчи билан дийдор кўришмасдан кетмаслигини, буни унга етказишларини илтимос қилди. Қиролчи аввалига қатъиян рад этди, сўнгра ўзининг рад жавобидан дилабгор бўлиб, герсог бирор ножўя иш қилиб қўйишидан ҳадиксираб, жўнаб кетишга кўндириш ниятида уни қабул қилишга қарор қилди. Лекин, у худди шу қарорга келган оқшом герсогни Луврга олиб кириш топширилган Бонасе хонимни олиб қочишди. Икки кун ҳеч ким унинг дарагини топмади, ҳамма иш тўхтаб қолди. Бироқ, Бонасе хоним қутулиб чиқиб, де Ла Порт билан кўришган ҳамоно ҳаммаси яна ҳаракатга келди-ю, у ўзи олиб қочилмаган тақдирда уч кун илгарироқ амалга ошгувчи қалтис ташаббусни ниҳоясига етказди.

Ёлғиз қолиб, герсог кўзгуга яқинлашди. Мушкетёрлик либоси унга жуда ярашган эди.

У ўттиз беш ёшда бўлиб, бутун Франция сингари Англияда ҳам унинг энг гўзал кибор киши ва энг бежирим жазман деб донг чиқаргани бежиз эмасди.

Ўзи мислсиз ҳокимиятни истифода қилган мамлакатни фақат ўз таъбига бўйин эгиб, ҳали титратиб, ҳали тинчитиб турган, икки қиролнинг арзандаси, талай миллионларнинг эгаси Жорж Виллерс, герсог Бэкингемский, ҳатто, асрлар ўтгач ҳам авлодларни лол қолдиришга қодир афсонавий ҳаёт кечирарди.

Ўзига бино қўйиб, бошқа кишиларни идора қил-
гувчи қонунларнинг ўзига дахлдор эмаслигига ишониб,
ўз қудратига эътиқод қилиб, у олдига қўйган мақсади
сари тик бормоқда эди, гарчанд ўша мақсад шу қадар
ёрқин ва улғу эдики, ўзга ҳар кишига уни хаёл қилиш-
нинг ўзи телбалик бўлиб туюлган бўларди. Шулардан
ҳаммаси жамланиб, гўзал, қўл етмас Астрийскаянинг
висолига етиш, мафтун этиб, унда муҳаббат уйғотиш
учун журъат берди.

Шундай қилиб, Жорж Виллерс, айтганимиздек,
кўзгу олдида тўхтади. Ўзининг мушкетёр шляпаси бир
оз тўзғитган олтинсимон сочларини тузатиб, мўйлов-
ларини бураб қўйиб, қувончи ичига сиғмай, ўзи зор-
интизор бўлган дамнинг яқинлигидан маъсуд ва мағ-
рур бўлиб, у ўзининг кўзгудаги аксига умид ва ифти-
хор барқ уриб турган табассум билан жилмайиб
қўйди.

Худди шу нафас девор сирмасига яширилган эшик
очилди ва хонага аёл кириб келди. Герсог уни кўзгу-
дан кўриб, қичқириб юборди – бу қиролича эди.

Ўша маҳаллар Анна Австрийская йигирма олти ёки
йигирма етти ёшда бўлиб, у ўзининг ҳусни жамоли-
нинг авжи очилган палласида эди.

У фаришталардек хиром этарди. Мовий товлангув-
чи кўзлари ҳусннинг фазлу камолидай туюлар, улар
патофат, шу билан бирга малоҳатга тўлиқ эди.

Кичкина лаъли даҳанини, ҳатто, Австриянинг бутун
қирол наслига хос сал чўччайган пастки дудоғи ҳам
бузмасди, жилмайганда у дилрабо кўринар, лекин, чу-
қур истиғно ҳам ифодалай оларди.

Унинг эти ўзининг нафис бахмалсимон майинлиги
билан машҳур бўлиб, қўл ва елкаларининг гўзал шак-
ли ҳайратда қолдирар, даврнинг жамики шоирлари
ўз шеърларида уларни тараннум этгандилар. Ниҳоят,
энг жиддий мунаққид бор-йўғи камроқ таровату энг
талабчан ҳайкалтарош эса бурун бичимининг бежи-
римроқ бўлишини тилай оладиган рухсорини ёшли-

гида сарғиш бўлиб, бора-бора кўнғир тусга кирган сочлари фусун бериб ўраб турарди.

Герсог Бэкингем кўзлари қамашиб, бир зум қотиб қолди: зиёфат, тўй-томоша, кўнгилочар базмларда унга Анна Австрийская ўзининг испан оқсоchlари орасида қирол рашки ва кардинал Ришелье найрангларининг қурбони бўлмаган ёлғиз киши – доня Эстефания ҳамроҳлигида оддий оқ шоҳи кўйлақда хонага кириб келган ҳозирги сингари гўзал кўринмагани.

Анна Австрийская герсогга пешвоз бир қадам юрди. Бэкингем унинг пойига йиқилиб, қиролича унга халал беришга улгурмай кўйлагининг баридан тутиб, лабларига тегизди.

– Герсог, ўша мактубни мен ёздирмаганимни сиз энди биласиз.

– Ҳа, албатта, хоним, ҳа, ҳазрат олиялари! – хитоб қилди герсог. – Мармарга жон кириши, қор иссиқ чиқариши мумкин деб ишониб, мен аҳмоқ, телба бўлиб юрганнимни биламан. Бироқ, иложим қанча: ошиқ бўлгандан кейин маъшуқанинг муҳаббатига ишониб кетиш бирам осон. Кейин эса дийдорингизни кўриш, ҳар қалай насиб қилган экан, мен бу саёҳатга бежиз чиқмабман.

– Ҳа, – жавоб берди Анна Австрийская, – лекин, сиз билан кўришишга нега кўнганим сизга маълум. Менинг барча азиятларимга раҳмингиз келмай, сиз бу шаҳарни тарк этишдан ўжарлик билан бош тортаётирсиз, гарчи, бу ерда қолиш билан ҳаётингизни хавф остида қолдираётирсиз, мени ҳам номусимни таҳликага солишга мажбур этаётирсиз. Денгиз тублари, қироликларимиз орасидаги нифоқ, ичилган қасамларнинг муқаддаслиги – ҳаммаси бизни ажратиб турганини сизга айтиб қўйиш учун сиз билан кўришишга рози бўлдим. Буларнинг ҳаммасига қарши курашиш – шаккоклик бўлурди, милорд! Ниҳоят, биз ортиқ учрашмаслигимиз керак, деб айтиб қўйиш учун сиз билан кўришишга рози бўлдим.

– Давом этинг, хоним, давом этаверинг, қиролича!
– сўзлади Бэкингем. – Товушингиз нафосати сўзларингиз қаҳрини юмшатаётир... Сиз шаккоклик хусусида сўзлаётирсиз. Бироқ, тангри бир-бири учун яратган қалбларни жудо қилиш – шаккокликдир.

– Милорд, – хитоб қилди қиролича, – сиз хотирингиздан чиқараётирсиз: мен ҳеч қачон сизни севаман деган эмасман!

– Бироқ, сиз ҳеч қачон мени севмаслигингизни ҳам айтмагансиз-да. Аслида, бундай сўзларни айтиш – сиз ҳазрат олиялари томонидан ўта шафқатсизлик бўлурди. Зеро, менга айтинг-чи, меники сингари муҳаббатни – на ҳижрон, на вақт, на руҳий тушқунлик сўндиришга ожизлик қилган муҳаббатни қайдан топасиз? Тушиб қолган тасма, ўйчан нигоҳ, нохос айтилган калом билан таскин топишга рози муҳаббатни? Мен сизни илк бор кўрганимга уч йил бўлди, хоним, мана уч йилдирки, мен сизни шунчалар севаман. Ихтиёр қиласизми, дастлаб кўрганимда қандай либосда бўлганингизни сўзлаб бераман? Ихтиёр қиласизми, кўйлагингизнинг ҳар бир безагини муфассал таърифлаб бераман?.. Мен сизни худди ҳозир кўраётгандайман. Сиз болишларда испан таомили бўйича ўтирган эдингиз. Эгнингизда симу зар тикилган яшил атлас кўйлак, унинг чиройли қўлларингизни, мана шу ажиб қўлларни очиқ қолдириб тирсаккача шимарилган сербар енгларига олмослар қадалган. Бошингизда худди кўйлак рангидаги мўъжаз қалпоқча, қалпоқчада эса – қарқара пати... О, ҳа, ҳа, кўзларимни юмаманда – ўша дамда қандай бўлсангиз сизни шу тахлитда кўраман, очганимда эса, сизни ҳозиргидек, яъни юз карра гўзалроқ қиёфада кўраман.

– Қандай телбалик! – унинг сиймосини ўз қалбида шу қадар ардоқлаб асрагани учун герсогга жаҳл қилмоққа бардоши етмай шивирлади Анна Австрийская.
– Бу хил хотиралар билан беҳуда эҳтиросни кўзгаб юриш қандай телбалик!

– Қандай кун кечирай бўлмаса? Ахир менинг хотиралардан бўлак ҳеч нима йўқ! Улар менинг саодатим, менинг ганжинам, менинг армоним. Сиз билан бўлган ҳар мулоқот – бу қалб ганжинамга яшириб юрган олмосдир. Бугунги мулоқот сиз тушириб қўйгану мен териб олган тўртинчи гавҳардир. Ахир уч йилда мен сизни атиги уч дафъа кўрдим, хоним: биринчи мулоқот хусусида сизга боягина гапирдим, иккинчи дафъа, мен сизни де Шеврез хонимникида кўрган эдим, учинчи дафъа амен боғларида...

– Герсог, – қизариб кетиб, шивирлади қиролича, – ўша оқшомни эсламанг!

– Йўғ-э, аксинча: уни бир ёд этайлик, хоним! У ҳаётимдаги энг масъуд, энг қувончли оқшомдир. Оқшом қандай эди, ёдингиздами? Ҳаво майин, муаттар бўйга тўйинган эди. Нилий осмонда юлдузлар жи-мирларди. О, ўша дафъа сиз билан қисқа муддатга холи қолиш менга насиб қилди. Ўшанда бор гапни – ёлғизлигингиз, қалбингиз изтироблари ҳақида менга сўзлаб беришга майлингиз бор эди. Сиз менинг қўлимга таянардингиз... худди мана шу қўлнинг ўзига. Эгиллаётганда сеҳрли сочларингиз юзимга тегиб турганини сезардим-у, бошимдан оёғимгача титроқ босарди. Қиролича, о, қироличам! Бундай онда қандай илоҳий бахт, қандай жаннатий лаззат жо қилинганидан сиз беҳабарсиз. Бор мулкимни, давлатимни, шуҳратимни, умримнинг боқий кунларининг ҳаммасини шундай он учун, шундай оқшом учун беришга тайёрман. Зеро, ўша оқшом, хоним, онт ичаман сизга, ўша оқшом, сиз мени севгансиз!..

– Милорд, эҳтимол... ҳа, жойнинг таровати, ўша фаройиб оқшомнинг сўлимлиги, нигоҳингизнинг таъсири, гоҳи маҳаллар аёл кишини хароб қилиш учун жам бўлгувчи саноқсиз жиҳатлар ўша машъум оқшомда менга қарши тил бириктирдилар. Лекин, сиз кўрдингиз, милорд, бўшашиб бораётган аёлга қиролича мадад берди: оғиз очишга журъат этганингиз, жавобим-

ни тақозо этгувчи ҳаракат қилганингиз маҳал мен чўрини чақирдим.

– Ҳа, албатта, бу рост. Меникидан бўлак ҳар қандай муҳаббат бундай синовга дош беролмасди. Лекин, менинг муҳаббатим уни енгиб, бадтарроқ алангаланди, қалбимни бир умрга асир этиб қўйди. Сиз Парижга қайтиб келгач, мендан қутулдим, деб ўйладингиз, сиз мени султони қўриқлаш учун топширган хазинани ташлаб келишга ҳадди сиғмайди, деб ўйладингиз. Лекин, менинг бутун ер юзидаги барча хазиналар, жамики қироллар билан нима ишим бор! Бир ҳафта ҳам ўтмасдан мен қайтиб келдим, хоним. Бу дафъа сиз мендан ҳеч вайдан гина қилолмасдингиз. Лоақал бир зум дийдорингизни кўриш учун мен қиролимнинг лутфикарамини тикдим, ҳаётимни таҳлика остида қолдирдим, мен, ҳатто, қўлингизни ҳам ушламадим ҳамда сиз менинг тавба қилганимни, бўйин эгиб турганимни кўриб, мени кечирдингиз.

– Ҳа, бироқ, бу телбаликларнинг ҳаммасидан ғийбат истифода қилди, менинг буларда гуноҳим йўқ эди. Буни сиз ўзингиз биласиз, милорд. Жаноб кардиналнинг иғволарига учган қирол ёмон қаҳрланди. Де Верне хоним четлатилди. Пютанж Франциядан бадарға қилинди, де Шеврез хоним ғазабга дучор бўлди. Сиз элчи сифатида Францияга қайтишни тилаганингизда қирол шахсан ўзи – буни хотирга олинг, милорд – қирол шахсан ўзи қарши чиқди.

– Ҳа, қиролининг рад жавоби учун Франция ҳам уруш билан товон тўлайди. Мен сизни кўриш имконидан маҳрумман, хоним – начора, менинг тўғримда ҳар кун эшитиб туришингизни орзу қиламан. Биласизми, Ре оролига қилинган экспедициянинг ва мен кўнглимга туғиб юрган Парошел протестантлари билан тузилажак иттифоқнинг мақсади нима? Сизни кўриш иштиёқи. Мен қўлда қурол билан Парижни босиб олишни хаёл қила олмайман, буни биламан. Лекин, бу уруш кетидан сулҳ тузилади, сулҳ эса, музокараларни талаб этади, музо-

караларни олиб бориш менга топширилади. Унда энди мени қабул этмасликка журъат этолмайдилар, мен сизни лоақал бир нафас кўраман, бахтиёр бўламан. Рост, минглаб кишилар бу бахт учун ҳаётини қурбон қилдилар. Лекин, менинг бу билан сира ишим бўлмайди, сизни кўрсам бўлгани! Буларнинг ҳаммаси телба-тескари гаплардир, лекин, айтингиз-чи, қай бир аёлнинг бундан эҳтирослироқ шайдоси бўлган? Қай қироличанинг бундан фидойироқ хизматчиси бўлган?

– Милорд, милорд, ўзингизни оқлаш учун сиз иснодга қолдиргувчи баҳоналар қилаётирсиз. Сиз айтаётган севги далиллари – ахир улар деярли жиноят-ку, милорд.

– Сиз мени севмаслигингиз боисидан шундай, холос, хоним. Борди-ю, менда кўнглингиз бўлганда эди, буларнинг ҳаммаси сизга ўзгача кўринган бўларди. Лекин, мени севганингизда борми... мени севганингизда борми, бахтимни ҳазм қилолмасдим, мен ақлдан озган бўлурдим. Ҳа, де Шеврез хоним, сиз боя тилга олган де Шеврез хоним шафқатлироқ эди: Голланд уни севган, у ҳам кўнгли берган.

– Де Шеврез хоним қиролича эмасди, – бундай тегран туйғулар ифодаси қаршисида ўзини эплашга қурби етмай шивирлади Анна Австрийская.

– Демак, қиролича бўлмаган тақдирда мени севаркансиз-да, хоним? Айтинг, севаркансиз-да? Ёлғиз мансабгина сизни шу қадар қатъий қиляпти, деб ишонишга журъат этсам бўладими? Сиз де Шеврез хоним бўлганингизда шўрлик Бэкингем рижо қилиши мумкин эди, деб ишонсам бўладими?.. Шу ширин сўзларингиз учун ташаккур, соҳибжамол қироличам, минг бор ташаккур!

– Милорд, милорд, сиз мени тўғри тушунмадингиз, сўзларимни тўғри шарҳламадингиз. Мен айтмоқчи эмас эдим...

– Қўйинг, гапирманг! – деди герсог. – Менга хато бахт ато этган бўлса, уни тузатиб, шафқатсизлик қил-

манг. Ўзингиз айтдингиз: мени алдаб, тузоққа туширганлар. Бу нарса менинг бошимни емасайди... Бирам қизиқ: сўнги маҳаллар ажал яқинлигини кўнглим сезиб турибди... – герсог мийиғида кулиб қўйди.

– Ё раббий! – хитоб қилди Анна Австрийская, унинг товушида янграган даҳшат, герога бўлган ҳисларининг ўзи билдиришни хоҳлаганидан нечоғлиқ кучлигини ҳар қандай сўзлардан равшанроқ фош этиб турарди.

– Мен бу гапни асти сизни қўрқитиш ниятида айтганим йўқ, хоним. Йўғ-э! Мен айтган нарса, шунчаки кулгили, ишонинг, тасаввурнинг бундай ўйини менга қилча малол келмайди. Бироқ, ҳозиргина оғзингиздан чиққан сўзлар, менга берилган умид учқуни ҳалитдан ҳаммасини, ҳатто, менинг ҳалокатимни ҳам оқлаб юборди.

– Энди мен ҳам иқроп бўлай, герсог, – гапирди Анна. – Менинг ҳам кўнглим ғаш, тушлар ором бермайди. Тушимда сизни кўрибман: сиз ерда қонга беланиб, жароҳатланиб ётганмишсиз.

– Чап биқинимга ханжар билан яраланиб-а? – унинг сўзини бўлди герсог.

– Ҳа, худди шундай, милорд: чап биқинга ханжар билан. Менинг бундай туш кўрганимни сизга ким айтдийкин? Мен уларни ёлғиз худога ибодат пайти ошкор қилганман, холос.

– Шуниси кифоя, хоним. Сиз мени севасиз, вассалом.

– Мен сизни севаманми? Мен-а?

– Ҳа, сиз. Ахир мени севаганингизда худойим сизга ҳам меники сингари тушларни юборармиди? Ахир қалбларимиз ҳаётимизни боғлаб турмаса, бизни бир хил васваса босармиди? Сиз мени севасиз, менинг қироличам. Менга аза тутасизми?

– Ё раббий, ё раббий? – нидо қилди Анна Австрийская. – Буниси менинг бардошимдан ортиқ. Герсог, ялинаман сизга, авлиёлар ҳаққи, мени ҳоли қолдиринг,

кетинг! Мен сизни севаманми ёки йўқми, билмайман, лекин ўз қасамларимни бузмаслигимни аниқ биламан. Менга раҳм қилинг, жўнаб кетинг! Агар сизни Францияда жароҳатласалар, агар сиз Францияда жон берсангиз, агар менга бўлган муҳаббат ҳалокатингизга сабаб бўлди, деган фикр ақалли хаёлимга келса, мен бунга чидаёлмайман, мен ақлдан озаман. Жўнаб кетсангиз-чи, ахир, жўнаб кетинг, илтижо қиламан!

– О, сиз нақадар гўзалсиз-а, ҳозир! Мен сизни нақадар севаман! – деди Бэкингем.

– Жўнаб кетинг! Жўнаб кетинг! Ялинаман сизга! Кейинроқ қайтасиз. Бу ерга элчи сифатида, министр сифатида қайтиб келинг, сизни ҳимоя қилишга шай соқчилар, сизни кўриқлашга мажбур мулозимлар ҳамроҳлигида қайтиб келинг. Ушанда ҳаётингиз учун титраб-қақшаб турмайман, сизни кўришдан бахтиёр бўламан.

– Ажабо, сиз айтаётган гаплар ростми?

– Ҳа...

– Унда... Унда авф этганингиз белгиси ўрнида бирор нарсангизни, шуларнинг ҳаммаси тушим эмаслигини исбот этгувчи ўзингизга қарашли бирор арзиманган нарсангизни беринг. Ўзингиз тақиб юрган, мен ҳам тақсам бўлгудай бирор нарса... узукми, занжирми...

– Агар илтимосингизни бажо келтирсам, сиз кетасизми, жўнаб кетасизми?

– Ҳа.

– Шу тобда-я?

– Ҳа.

– Сиз Францияни тарк этасизми? Англияга қайтасизми?

– Ҳа, қасам ичаман.

– Унда сабр қилинг, сабр қилинг.

Анна Австрийская ўз хонасига кириб кетди ва қарийб шу лаҳзада қайтиб, кўлида монограммаси нусхасида олтин нақш солинган, қизғиш ёғочдан ясалган қутича кўтариб келди.

– Шунинг олинг, милорд, – деди у, – олинг-да, мендан эсдалик учун асраб юринг.

Герсог Бэкингем қутичани олди-ю, яна унинг пойига йиқилди.

– Сиз кетишни ваъда қилиб эдингиз.

– Лафзим устидан чиқаман ҳам. Қўлингизни беринг, хоним, қўлингизни беринг, кейин кетаман.

Қиролича Анна кўзларини юмган ва бир қўли билан Эстефанияга суянган қўйи бошқа қўлини унга узатди, негаки, дармони қуриётганини ўзи сезиб турарди.

Бэкингем бу гўзал қўлга эҳтирос билан лабларини босди.

– Ярим йил ўтмасдан, – ўрнидан тураркан деди у, – гарчи, бунинг учун еру осмонни остин-устун қилишимга тўғри келса ҳам, мен сизни кўраман, хоним.

Кейин у лафзида туриб, хонадан чопиб чиқиб кетди.

Даҳлизда у Бонасе хонимни топди, у илгариги эҳтиёт чоралари ва ўша муваффақият билан уни Луврдан ташқарига чиқариб қўйди.

XIII

Жаноб Бонасе

Китобхон пайқаган бўлса керак, бу воқеанинг ҳаммасида бир киши бор эдики, мушкул аҳволига қарамасдан, у билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Бу киши рицарлик қаҳрамонликларга ва айни замонда ишқий саргузаштларга бой ўша даврда чамбарчас боғланиб кетган сиёсий ва ишқий фитналарнинг муҳтарам қурбони жаноб Бонасе эди.

Хайриятки, китобхон уни эсласа-эсламаса ҳам, биз уни назардан қочирмасликни ваъда қилган эдик.

Ўқиб олган изқуварлар уни тўппа-тўғри Бастилияга жўнатишди ва у ерда мушкетларини ўқлаб турган бир взвод аскарлар ёнидан уни зириллатиб етаклаб ўтдилар.

Сўнгра ним ертўла узун даҳлизга тушиб қолиб, у ўз кузатувчиларининг шафқатсиз муомаласига йўлиқди, шаънига энг қўпол сўкишлар ёғилди. Изқуварлар паст насабли кишига ишлари тушганини кўриб, у билан энг хароб гадой сингари муносабатда бўлдилар.

Ярим соат ўтгач, мирза келди, уни тергов хонасига олиб боришга фармойиш бериб, тутқуннинг хавотирларига эмас-у, азобларига барҳам берди. Одатда ҳибсга олинганлар ўз камераларида тергов қилинади, бироқ, жаноб Бонасе билан муомалада тортиниб ўтиришни лозим ҳисобламасдилар. Икки соқчи шўрпешона атторни ушлаб олиб, ҳовлидан ўтишга мажбур этдилар, уч посбон турган даҳлизга олиб кириб, аллақандай эшикни очдилар-да, уни гумбазсимон шифтли, фақат стол, стули бор комиссар ўтирган хонага туртиб киргизиб қўйдилар. Комиссар стулда ўтириб, стол устида алланималарни ёзмақда эди.

Соқчилар маҳбусни стол ёнига келтирдилар ва комиссарнинг ишораси билан унинг овози етмайдиганроқ жойга бориб турдилар.

Шу пайтгача қоғозлари устида бошини эгиб ўтирган комиссар, қаршисида ким турганини текшириб кўргиси келгандай тўсатдан киприкларини кўтариб, қаради. Комиссарнинг чехраси тунд эди – учли бурун, туртиб чиққан заъфарон ёноқлар, кўзлар кичкина, лекин тийран ва ўткир. Унинг юзида ҳам сувсарнинг, ҳам тулкининг истараси бор эди. Совути остидан чўзилиб чиққан тошбақанинг калласига монанд боши қора ҳакамлик ридонинг ичидан чиқиб турган узун, ҳаракатчан гарданида чайқалиб турарди.

Комиссар, аввало, жаноб Бонасенинг исму шарифи, касби кори, тураржойини суриштирди.

Сўроқ бергувчи, номим Жак-Мишел Бонасе, ёшим эллик бирда, ҳозирда савдо-сотик ишларини ташлаган, атторлик дўконининг собиқ эгаси бўламан. Гўрковлар кўчасидаги ўн биринчи уйда истиқомат қиламан, деб жавоб берди.

Шундан сўнг сўроқни давом этиш ўрнига комиссар сиёсатга суқилишга журъат этган кичкина одам бошидаги хавф-хатар хусусида узоқ ваъз ўқиди. Бундан ташқари, у, жаноб кардиналнинг ҳокимияти ва хатти-ҳаракатларига жазосини тортмасдан тўсқинлик қилиш ҳеч кимсанинг қўлидан келмайдиган жаноб кардиналнинг, бу тенги йўқ министрнинг, бўлажак министрлар учун ёрқин тимсол бўлган бу собиқ министрлар фотиҳининг куч-қудрати борасида эзмаланиб ҳикоя бошлади.

Нутқининг бу қисми ниҳоясига етгач, комиссар шўрлик Бонасега ёв қараш қилиб, ўз аҳволи ҳақида бош қотириб кўришни маслаҳат берди.

Атторнинг мулоҳазалари мураккаб эмасди: жаноб де Ла Порт уни ўзининг чўқинтирган қизига уйлантиришни хаёл қилган кун ва соатга, хусусан, ўша чўқинтирган қиз қироличанинг кийимхонасига олинган соатга у лаънат ўқирди.

Ўта кетган номардлик аралаш ўлгудек зикналиги билан муштарак чуқур худбинлиги жаноб Бонасе табиатининг негизи эди. Ёш рафиқасига бўлган муҳаббати қўшимча туйғу бўлиб, ҳозиргина зикр этилган туғма хусусиятлар билан беллашолмасди.

Бонасе ўзига айтилган гапни жиддий ўйлаб кўрди.

– Лекин, жаноб комиссар, – дея пинагини бузмай сўз бошлади у, – ишонинг, лутф айлаб, бизни бошқариб турган падари бузрукворнинг ҳамма фазилатларини ҳар кимдан ортиқ биламан ва қадрлайман.

– Ажабо? – ишонқирамай сўради комиссар. – Агар гап ростдан шундай бўлса, унда сиз қандай қилиб Бастилияга тушиб қолдингиз?

– Қандай қилиб, ёки, тўғрироғи, нима сабабдан мен шу ердаман – мана шунисини сизга ҳеч айтиб беролмайман, зеро, бу нарса ўзимга ҳам маълум эмас. Жаноб кардиналнинг таъбига ёқмаган бирор қилиқ учун бўлса керак-да.

– Лекин, сизни давлат хоини деб айблаётганларидан кейин, бирор жиноят қилган бўлишингиз керак.

– Давлат хоини деб? – даҳшат ичида қичқириб юборди Бонасе. – Давлат хоини деб? Ахир испанларни ёмон кўрадиган, гугенотларни кўрарга кўзи йўқ бир бечора аттор қандай қилиб давлат хоини деб айбланиши мумкин? Ўзингиз ўйлаб кўринг, жаноб комиссар. Ахир бу, мутлақо ақлга сиғмайдиган гап-ку!

– Жаноб Бонасе, – гўё юрак қаъридагини ўқиш лаёқатига эга бит кўзларини айбланувчига тикиб сўради комиссар. – Жаноб Бонасе, рафиқангиз борми?

– Ҳа, тақсир, – чигал энди бошланишини сезиб, титраб жавоб берди аттор. – Менинг... менинг рафиқам бўлган.

– Бўлган деганингиз нимаси? Бўлган бўлса уни қаёққа йўқотдингиз?

– Уни ўғирлаб кетганлар, тақсир.

– Ўғирлаб кетганлар? – қайта сўради комиссар. – Шундай денг!

Ана шу «шундай денг»дан Бонасе иш бадтар чалкашаётганини тушунди.

– Демак, уни ўғирлаб кетганлар, – давом этди комиссар. – Хўш, айнан ким ўғирлаган, биласизми?

– Назаримда, биламан.

– Ким экан у?

– Мен ҳеч нимани таъкидлаётганим йўқ, жаноб комиссар, шунисига эътибор қилсангиз. Фақат шубҳа қиляпман.

– Кимдан шубҳа қиляпсиз? Хўш, очигини айтинг.

Жаноб Бонасе довдираб қолди: унинг ҳаммасидан тониши керакми ёки бор гапни тўкиб солсинми? Мабодо ҳаммасини инкор этаверса, у ҳаддан кўп нарса билади-ю, иқрор бўлишга ботинмаяпти, деб ўйлашлари мумкин. Тан олган ҳолда у ўзининг ҳалол ниятини исбот этган бўлади. Шу боисдан у ҳаммасини айтиб беришга қарор қилди.

– Мен кибор мансабдорга ўхшаш салобатли, қора соч, қорамағиз кишидан шубҳа қиляпман. Бир-икки марта мен Лувр олдиди рафиқамни кутиб олиб, уни уйга олиб кетаётганимда ўша киши кетимиздан эргаш-гандек туюлганди менга.

Комиссар хиёл бесаранжом бўлиб қолди.

– Исми нима эди? – сўради у.

– Унинг исмини билмайман. Лекин, у билан учра-шиб қолиш насиб қилгудай бўлса, бошқа кишилар-нинг мингтаси ичидан ҳам таниб олар эдим, бунга ка-филман.

Комиссар қовоғини солди.

– Бошқа кишиларнинг мингтаси ичидан ҳам уни та-ниб олар эдим, дедингизми? – тақрор сўради у.

– Мен айтмоқчи эдимки... – ноўрин жавоб қилгани-ни пайқаб, тўнғиллади Бонасе. – Мен айтмоқчи эдим-ки...

– Сиз уни танир эдим, дедингиз, – деди комиссар, – яхши. Бугунга етар. Ушбу суҳбатимизни давом этиш-дан илгари рафиқангизнинг ўғриси сизга танишлиги-дан баъзи бировларни огоҳ этиб қўйиш зарур.

– Лекин, сизга уни танийман деганим йўқ-ку ахир! – алам билан хитоб қилди Бонасе. – Мен сизга аксини айтиб эдим...

– Маҳбусни олиб кетинг! – икки соқчига юзланиб буюрди комиссар.

– Қаерга элтиб қўйишни буюрасиз? – сўради мир-за.

– Камерага.

– Қайси бирига.

– Оббо, қайсига бўлса, майли. Маҳкамроқ қулфлан-са бўлди, – шўрлик Бонасенинг жон-понини чиқариб юборган лоқайд товуш билан деди комиссар.

«Э, парвардигор! – хаёл суларди у. – Бошимга кул-фат тушди. Хотиним бирор ёмон жиноят қилган бўлса керак. Мени шериги деб ҳисоблаб, унга қўшиб жазо-лашса керак. У ҳамма гапдан мени хабардор қилиб

юрганини айтган, айбини бўйнига олган бўлса керак. Аёллар заифа махлуқлар-да, ахир! Камерага, дуч келганига! Ҳа, албатта! Тун қисқа... Эртага бўлса – чарх-палак, дор... Э, парвардигор! Менга раҳм-шафқат қил!»

Жаноб Бонасенинг ҳасрату нолаларига, улар бу хил ҳасратларга кўникиб ҳам қолиши лозим эди, заррача парво қилмай, соқчилар икки ёндан қўлтиқлаб, маҳбусни камерага олиб кетдилар. Комиссар аллақандай ошиғич мактуб ёзишга тутинди. Мирза маҳтал бўлиб, унинг ёнида турарди.

Бу кеча Бонасе мижжа қоқмади – камерасининг ғоят ноқулайлиги эмас, балки даҳшатли ваҳима уйқу бермади. Тиқ этган товушдан сесканиб, у тун бўйи курсида ўтириб чиқди. Куннинг дастлабки шуълалари дераза панжараси орасидан мўралаганда эса унга қуёшнинг ўзи ҳам мотам тусига киргандай кўриниб кетди.

Тўсатдан у эшик тамбаси сурилаётганини эшитиб қолди-ю, қўрқувдан, ҳатто, сапчиб тушди. У мени дор остига элтиш учун келишди, деб хаёл қилди. Шунинг учун эшикда жаллод ўрнига кечаги комиссар билан мирза кўринганида уларнинг бўйнига осилиб олишига сал қолди.

– Кечаги кундан бери сизнинг ишингиз жуда чалкашиб кетди, азизим, – деди комиссар, – мен сизга ҳақиқатни айтишни маслаҳат бераман. Фақат самимий тавба-тазарруингиз кардиналнинг қаҳрини юмшатиши мумкин.

– Мен ҳаммасини айтиб беришга тайёрман! – хитоб қилди Бонасе. – Лоақал ўзим билганларимнинг ҳаммасини. Илтимос қиламан, сўрайверинг.

– Энг аввало: рафиқангиз қаерда?

– Мен сизга айтдим-ку, у ўғирланган.

– Ҳа, лекин, кеча кундузи соат бешдан кейин у сизнинг шарофатингиз билан қочган.

– Менинг рафиқам қочдими? – нидо қилди Бонасе. – Шўринг қурғур! Лекин, у қочган бўлса, менинг айбим билан эмас, тақсир, қасам ичаман!

– Сиз кундузи ўзингиз алланималар ҳақида узоқ кен-
гашган жаноб д’Артаньяннинг олдига нима учун кир-
ган эдингиз?

– Ҳа, бу рост гап, жаноб комиссар, бунга иқрорман,
бунинг хатолигини тан оламан. Чиндан ҳам д’Артань-
янникида бўлдим.

– Уникига нима мақсадда кирган эдингиз?

– Рафиқамни қидириб, топиб беришини илтимос
қилиш мақсадида. Уни қайтариб беришни талаб
қилишга ҳаққим бор, деб ўйлабман. Хато қилибман,
шекилли, мени авф этишингизни ўтиниб сўрайман.

– Жаноб д’Артаньян сизга нима жавоб қилди ўзи?

– Жаноб д’Артаньян менга ёрдам қилишни ваъда
берди. Лекин, кўп ўтмай, мени лақиллатганига ишонч
ҳосил қилдим.

– Сиз судни чалғитишга уриняпсиз! Д’Артаньян сиз
билан тил бириктирган, шунга кўра рафиқангизни
ҳибсга олган миршабларни ҳайдаб юборган, уни таъ-
қибдан яширган.

– Жаноб д’Артаньян рафиқамни ўғирлабдими? Сиз
менга нималар деяпсиз ўзи?

– Хайриятки, жаноб д’Артаньян қўлимизда, сизлар-
ни қамти қиламиз.

– Жуда яхши, рости, мен бундан хурсандман! – хи-
тоб қилди жаноб Бонасе. – Бирор таниш чеҳрани
кўргим бор.

– Жаноб д’Артаньянни олиб кириш! – соқчиларга
мурожаат қилиб, буюрди комиссар.

Соқчилар Атосни олиб кирдилар.

– Жаноб д’Артаньян. – Атосга юзланиб гапирди ко-
миссар, – сиз билан мана бу жаноб ўртасида нима гап
ўтди, сўзлаб беринг.

– Бироқ, бу киши асло жаноб д’Артаньян эмас! –
бақариб юборди Бонасе.

– Қанақасига жаноб д’Артаньян эмас? – ўз навбати-
да қичқирди комиссар.

– Албатта, у эмас-да! – деди Бонасе.

– Бўлмаса бу жанобнинг исми нима? – сўради комиссар.

– Айтолмайман, мен у кишини танитайман.

– Сиз у билан танишмасмисиз?

– Йўқ.

– Сиз уни ҳеч қачон кўрмаганмисиз?

– Кўрганман, лекин, исмини билмайман.

– Исмингиз нима?

– Атос.

– Бироқ, бу инсон исми эмас-ку, ахир, бу бирорта тоғнинг номи! – сўради гангий бошлаган комиссар.

– Менинг исмим шу, – хотиржам деди Атос.

– Бироқ, сиз исмим д'Артаньян дегансиз.

– Бу гапни мен айтганмидим?

– Ҳа, сиз.

– Рухсат этинг! Мендан: «Сиз жаноб д'Артаньянмисиз?», деб сўрадилар, бунга мен «Сиз шу фикрдамисиз?»

– деб сўрадим. Миршаблар бунга ишончимиз комил, деб бақирдилар. Мен улар билан тортишиб ўтирмадим. Бундан ташқари, янглишган бўлишим мумкин, ахир.

– Тақсир, сиз суднинг обрўсини тўқяпсиз.

– Асло, – хотиржам деди Атос.

– Сиз жаноб д'Артаньянсиз!

– Кўрдингизми, сиз яна шу гапни таъкидлаётирсиз.

– Лекин, жаноб комиссар, – бақирди Бонасе, – сизни ишонтириб айтаман, бунда шак-шубҳага ўрин йўқ! Жаноб д'Артаньян – менинг ижарадорим ва, бинобарин, у ижара ҳақини тўламаса ҳам ёки, худди шу сабабдан мен уни танишим шарт-ку, ахир. Жаноб д'Артаньян ўн тўққиз-йигирма ёшлардаги йигит, бу жаноб эса кам деганда ўттиз ёшда. Жаноб д'Артаньян жаноб Дезессаранинг гвардия ротасидан, бу жаноб эса жаноб де Тревил ротасининг мушкетёри. Унинг усти-бошига бир қаранг, жаноб комиссар, усти-бошига қаранг!

– Тўғри! – тўнғиллади комиссар. – Буниси тўғри, азбаройи шифо!

Шу дақиқа эшик ланг очилди ва Бастилия нозирларидан бири бошлаб кирган чопар комиссарга бир мактуб узатди.

– Оҳ, ярамас-эй! – хитоб қилди комиссар.

– Нима? Нима дедингиз? Кимни айтяпсиз? Ишқилиб, менинг рафиқамнимасми?

– Йўқ, худди ўшани. Ишларингиз жойида, нима ҳам дердик!

– Бу нима кўргулик ўзи? – ичидан зил кетиб, хитоб қилди аттор. – Малол келмаса тушунтириб берсангиз, жаноб комиссар, мен қамоқда ўтирган бир пайтда рафиқам қилиб юрган ишлардан қандай қилиб менинг ишим чатоқлашади.

– Чунки, рафиқангиз бажараётган ишлар – биргаликда тузилган режанинг давоми, холос! Қабих режанинг!

– Қасам ичаманки, сиз жуда хато фикрдасиз, жаноб комиссар, рафиқам амалга оширмоқчи ишлар тасаввуримда ҳам йўқ, у қилган ишларга заррача алоқам йўқ, агар у номаъқул ишлар қилган бўлса, мен унинг баҳридан ўтаман, ундан юз ўгираман, унга лаънат ўқийман!

– Гап бундай, жаноб комиссар, – деди бирдан Атос. – Ортиқ заруратим бўлмаса, мени бирор жойга элтиб қўйишни буюрсангиз. Анча жонимга тегди бу жаноб Бонасенгиз.

– Маҳбусларни камераларга элтиб қўйинг, – бир ҳаракат билан Атос ҳамда Бонасени кўрсатиб деди комиссар, – уларни мумкин қадар қаттиқ кўриқласинлар.

– Агар жаноб д'Артаньянга даъвонгиз бўлса, – одатдаги хотиржамлик билан гапирди Атос, – мен қай даражада унинг ўрнини босишимга унчалик ақлим етмай турибди.

– Буюрилган нарсани қилинг! – қичқириб юборди комиссар. – Ташқи дунё билан алоқа-палоқаси ҳам йўқ! Эшитдингизми?

Атос елкаларини қисиб, соқчиларга эргашди. Бонасе эса йўл бўйи шу қадар кўз ёши тўкиб, оҳ-воҳ чекиб бордики, йўлбарснинг раҳмини келтириши мумкин эди.

Атторни ўзи тунаган камерага элтиб, кун бўйи ўша ерда қолдирдилар. Кун бўйи Бонасе чинакам аттор сингари йиғлаб ўтирди: ахир ўзининг сўзларига қараганда унда ҳарбий руҳ деган гапдан соя ҳам йўқ эдида.

Кечки соат тўққизларда у ухламоқчи бўлиб турганда йўлақдан оёқ шарпаларини эшитиб қолди. Шарпалар унинг эшиги томон яқинлашди-ю, эшик очилиб, соқчи аскарлар кириб келдилар.

– Ортимиздан юринг, – деди аскарлар билан бирга кирган миршабхона мутасаддиси.

– Ортингиздан юрай? – хитоб қилди Бонасе. – Шундай бемаҳалда ортингиздан юрайми? Қаерга экан, худо паноҳингда асра!

– Сизни қаерга элтиш амр қилинган бўлса, ўша ерга.

– Бу жавоб эмас-да, энди!

– Биз сизга айта оладиган бирдан-бир гап шу.

– Э, парвардигор, парвардигор! – шивирлади шўрпешана аттор. – Бу гал хароб бўлдим!

У кўнгли тамом вайрон бўлиб, қаршилик қилиб ўтирмасдан соқчиларга эргашди.

Уни ўзи илгари ўтган ҳовлидан етакладилар, сўнгра улар бир ҳовлини кесиб, бошқа бинонинг ичидан юриб ўтдилар ва ниҳоят, тўрт суворий қуршовидаги извош турган бош ҳовли дарвозасига етиб олдилар. Бонасени извошга ўтқозишди, миршабхона мутасаддиси унинг ёнига ўрнашиб ўтирди, эшиклар калит билан қулфланиб, икковлон кўчма қамоққа тушиб қолгандай бўлдилар.

Извош мотам маҳобаси сингари оҳиста илгари юриб кетди. Деразани тўсиб турган панжарадан маҳбус фақат иморатлар-у, тош йўлни кўра оларди. Лекин, туб парижлик киши сифатида Бонасе ҳар бир

кўчани устун, ёзув лавҳалар ва фонуслардан таниб оларди. Бастилия тутқунлари қатл этилгувчи авлиё Павел ибодатхонасига яқинлашиб қолганда ҳушидан кетай-кетай, деб икки марта чўқиниб олди. У извош шу ерда тўхтади деб ўйлаган эди. Лекин, извош ўтиб кетди. Бирпасдан кейин, у яна беҳудуд даҳшатни бошидан кечирди. Улар давлат жинойтчилари дафн этилгувчи авлиё Яков қабристонига ёқалаб бормоқда эдилар. Ёлғиз бир нарса сал унинг жонига ора кирди: дафн этишдан аввал уларнинг боши олинарди, унинг боши эса ҳали елкасида турибди. Бироқ, извош Грев майдонига бурилаётганини кўргандан, шаҳар ратушасининг найзадор томига кўзи тушгандан ва извош пештоқлар остига кириб боргандан кейин у куним битди, деган қарорга келди-ю, миршабхона мутасаддисига тавба-тазарруларини айтишга уриниб кўрди. Мутасадди уни тинглашни рад этганидан кейин у бир мунгли фарёд кўтардики, агар овозини ўчирмаса, оғзига сўлиқ тиқиб қўйишини айтиб, мутасадди пўписа қилиб қўйди.

Бу пўписа Бонасегга анча таскин берди. Грев майдонида қатл этишга қасд қилинган ҳолда унинг оғзини ёпишга ҳожат қолмасди: улар қатл жойига деярли етиб қолишган эди-да. Дарҳақиқат, извош машъум майдондан тўхтамасдан ўтиб кетди. Энди Мотам Крестидан ҳадиксираш қолди. Извош эса худди ўша ерга бурилди.

Бу дафъа шубҳага ўрин қолмаган эди: Мотам Крести майдонида паст табақадан бўлган маҳкумлар қатл қилинар эди. Бонасе ўзини авлиё Павел ёки Грев майдонларига муносиб кўриб, ўзини беҳуда овулган эди. Унинг сафари ва умри Мотам Крести остида тугайди. У ҳали машъум крестни кўрмасди, лекин, бу крест унга пешвоз сурилиб келишини ҳис қиларди. Мудҳиш жойдан йигирма қадамча беридан у қўққисдан оломоннинг шовқин-суронини эшитиб қолди, извош ҳам таққа тўхтади. Кечирган ҳаяжонларидан жигар-бағри хун

бўлган шўрлик Бонасенинг бунга бардош беришга мадори етмасди. Ажали етган кишининг сўнгги сасига ўхшаш заиф нола билан у ҳушидан кетди.

XIV

Менглик номаълум киши

Майдондаги халойиқ осилиши лозим кишига илҳақ бўлиб эмас, осилган кишини кўриш учун йиғилиб қолган эди.

Шу боисдан извош бир зум ҳаяллаб, нари кўзғалди, оломонни оралаб ўтиб, Сент-Оноре кўчасидан кетди, Беозор Гўдаклар кўчасига бурилиб, пастак дарвоза олдида тўхтади.

Эшиклар ланг очилиб, миршаблар суяб турган Бонасени икки гвардиячи қўлтиқлаб олди. Уни турта-турта катта даҳлизга киргизиб, аллақандай зинадан юқорига олиб чиқдилар-да, кираверишдаги бир хонада қолдирдилар. Ўзидан талаб этилган ҳамма ҳаракатларни у беҳушларча ижро этарди.

У уйқуда сингари юрар, теварак-атрофни гўё туман ичида кўрарди. Сезгилари аллақандай товушларни илгарди-ю, лекин, маъносига етмасди. Шу дақиқаларда уни қатл этишган тақдирда ўзини ҳимоя қилиш учун у бирор ҳаракат қилмаган, гуноҳидан ўтишларини сўраб, бирор садо чиқармаган бўларди.

У соқчилар ўтқазиб қўйган жойнинг ўзида қўлларини туширган ва деворга суянган ҳолича ўтираверди.

Лекин, аста-секин атрофга аланглаб, ҳаётига хавф солгувчи ҳеч қандай нарсага, таҳлика туғдиргувчи ҳеч нимага кўзи тушмагач, деворлар юмшоқ сахтиён чарм билан қопланганини, оғир алвон шоҳи дарпардалар олтин боғичлар билан боғланганини, ўзи ўтирган курси анча юмшоқ ва қулайлигини кўриб, хавотирлари беҳудалигига унинг ақли етди ва бошини дам ўнгга-ю сўлга буриб, дам кўтариб, тушира бошлади. Ҳеч ким халал бермаган бу ҳаракатлар уни бир қадар дадил-

лантирди ва юрак бетлаб, дастлаб бир оёғини, сўнгра бошқасини букиб кўрди. Пировардида, у қўлларини суянчиққа тираб, хиёл кўзғалди-ю, оёққа турди.

Шу пайт салобатли бир офицер кўшни хонада аллаким билан сўзлашишда давом этган кўйи дарпардани кўтарди. Сўнгра маҳбусга ўгирилди.

– Бонасе сизмисиз? – сўради у.

– Ҳа, жаноб офицер, – қўрқувдан қути ўчиб минғирлади аттор, – мен бўламан, хизматингизга тайёрман.

– Киринг, – деди офицер.

Маҳбусга йўл бериб, у четланиб турди. Бонасе сўзсиз итоат қилиб, афтидан, ўзига кўз тутилмоқда бўлган хонага кирди.

Бу – деворларига ҳар турли яроқ-аслаҳа осифлик кенг кабинет эди; ташқаридан бирор товуш бу ерга келмасди. Гарчи ҳали сентябрнинг охири бўлса-да, каминда олов ёнарди. Хонанинг бутун ўртасини банд этган мурабба шаклли столда қоғоз ва китоблар устидан Ларошел шахрининг каттакон харитасини ёзиб ташланган эди.

Камин ёнида мағрур, такаббур, нигоҳи тийрак, манглайи кенг, ўрта бўйли киши турарди. Унинг қотма юзини шоп мўйловлар остидаги учли соқол янада чўзинчоқ кўрсатарди. Бу кишининг ёши ўттиз олти-ўттиз еттидан ошгани даргумон, лекин, соч ва соқолларига оқ оралаб қолган эди. Ёнида қиличи бўлмаса ҳам, ҳарҳолда, у ҳарбий кишига ўхшарди, этикларининг гарди эса бугун унинг от минганидан далолат берарди.

Бу киши Арман Жан дю Плесси, Кардинал де Ришелье, бизда тавсиф этиш расм бўлганидек, яъни офир дарддан азоб чекгувчи бўшашган, товуши хиралашган, бевақт қабр сингари чуқур креслога ботган, ёлғиз ақлу фаросатининг қудрати билан яшаб, биргина заковатининг зўри билан Европа билан курашни тутиб турган нуроний мўйсафид эмас, у кезлар аслида қандай бўлса шундай: ўша пайти ҳам жисмонан заиф-у,

иродасининг уни ўз замонасининг энг атоқли кишиларининг бири қилиб қўйган беқиёс тафти билан тетиқ юрган эпчил ва назокатли йигит эди. Герсог Неверскийни унинг мантуан мулкларидида қўллаб-қувватлаб, Ним, Кастр ва Юзесни истило қилиб, инглизларни Ре оролидан қувиб чиқаришга, Ларошелни қамал қилишга ҳозирлик кўрмоқда эди.

Шу зайл унинг кардиналлигини бир қарашда ҳеч нима фош этмасди, уни юзидан танимаган киши учун қаршисида ким турганини пайқаб олиш мушкул эди.

Шўрпешана аттор остонада тўхтаб қолди, биз ҳозиргина таърифини келтирган кишининг нигоҳи гўё ўтмиши тагига етмоқчи бўлиб, унга қадалди.

– Бу ўша Бонасеми? – бир оз сукутдан сўнг сўради у.

– Ҳа, зоти олийлари, – жавоб берди офицер.

– Яхши. Менга унинг қоғозларини олиб беринг-да, бизни холи қолдиринг.

Офицер талаб этилган қоғозларни столдан олиб узатди ва чуқур таъзим қилиб, чиқиб кетди.

Бонасе бу қоғозлар ўзининг Бастилиядаги сўроқлари протоколлари эканини пайқади. Камин ёнидаги киши аҳён-аҳёнда кўзларини қоғозлардан узиб, маҳбусга тикиларди, шунда бояқишга икки ништар бориб, қоқ юрагига санчилаётгандай туюларди.

Ўн дақиқа мутолаа ва ўн сония мушоҳададан сўнг кардиналга ҳаммаси равшан бўлганди.

– Бу махлуқ фитнада ҳеч қачон иштирок этмаган, – шивирлади у. – ҳар қалай, кўрамиз.

– Сиз давлатга хиёнатда айбланасиз, – оҳиста сўзлади кардинал.

– Менга буни етказишди, зоти олийлари! – ҳамсуҳбатини бояги офицер сингари унвон билан атаб, хитоб қилди Бонасе. – Лекин, онг ичаман, менинг ҳеч гапдан хабарим йўқ.

Кардинал мийиғида кулиб қўйди.

– Сиз рафиқангиз, де Шеврез хоним ва герсог Бэкингемлар билан тил бириктиргансиз.

– Рост, зоти олийлари, – деди Бонасе, – рафиқам менинг ҳузуримда бу номларни тилга олган эди.

– Нима важҳидан?

– У кардинал де Ришелье герсог Бэкингемни, унга қўшиб қироличани ҳам ҳалок қилиш учун уни Парижга алдаб чақирган деб эди.

– У шундай дедими ҳали? – қаҳр билан қичқирди кардинал.

– Ҳа, зоти олийлари, лекин мен унга уқтирган эдим, бунақа гапларни айтиб юриш ярамайди, падари бузруквор қўлларидан...

– Жим бўлсангиз-чи, овсар! – деди кардинал.

– Рафиқам ҳам худди шу гапни айтиб эди, зоти олийлари.

– Рафиқангизни ким олиб қочгани сизга маълумми?

– Йўқ, зоти олийлари.

– Бироқ, сизнинг аллакимдан шубҳангиз бор эди?

– Ҳа, зоти олийлари. Лекин ўша шубҳалар жаноб комиссарнинг кайфини бузгандай бўлди, мен улардан воз кечдим.

– Сизнинг рафиқангиз қочган. Бундан хабарингиз бўлганми?

– Йўқ, зоти олийлари. Мен буни жаноб комиссар орқали билиб олдим. У киши жуда сулукатли одам эканлар.

Кардинал иккинчи дафъа мийиғида кулиб қўйди.

– Демак, рафиқангиз қаёққа ғойиб бўлгани сизга маълум эмас экан-да?

– Мутлақо, зоти олийлари. Луврга қайтган бўлса керак-да.

– Соат бирда у ерда йўқ эди.

– Худоё худовандо! Унга нима бўлди экан-а?

– Бу маълум бўлади, хавотирланманг. Кардиналдан ҳеч гап қочиб қутулмайди. Кардинал ҳамма нарсани билади.

– Ундай бўлса сиз нима дейсиз, зоти олийлари, рафиқам қаёққа ғойиб бўлганини менга билдиришга кардинал рози бўлмасмиканлар?

– Бўлиши мумкин. Лекин, аввал сиз рафиқангиз билан де Шеврез хоним ўртасидаги муносабатлар ҳақида билганларингизни сўзлаб беришингиз лозим.

– Лекин, зоти олийлари, мен тамом ҳеч нима билмайман. Мен ҳеч қачон бу хонимни кўрмаганман.

– Рафиқангизни олиб кетиш учун Луврга борганингизда у тўғри уйга қайтармиди?

– Йўқ ҳисоб. Унинг аллақандай баззозларда иши бўларди, уни ўша ерга кузатиб қўярдим.

– Ўша баззозлар неча киши эди.

– Икки киши, зоти олийлари.

– Улар қаерда истиқомат қилишарди.

– Биттаси Вожирар кўчасида, иккинчиси Лагарп кўчасида.

– Сиз ҳам у билан бирга кирармидингиз?

– Ҳеч қачон. Мен уни ташқарида кутиб турардим.

– Ўзининг ёлғиз кириш истагини у қандай изоҳлар эди?

– Ҳеч қандай изоҳлаб ўтирмасди. Кутиб турунг, дерди – мен кутиб тураверардим.

– Сиз жуда ҳам ройиш эр экансиз, муҳтарам жаноб Бонасе! – деди кардинал.

«У мени «муҳтарам жаноб Бонасе» деб атаяпти, кўнглидан ўтказди аттор, ишлар чаккимас, азбаройи шифо!»

– У кириб юрган эшикларни таний олармидингиз?

– Ҳа.

– Рақами хотирингиздами?

– Ҳа.

– Айтиб беринг.

– Вожирар кўчасида йигирма бешинчи сон, Лагапр кўчасида етмиш бешинчи.

– Яхши, – деди кардинал. Кейин столдан кумуш қўнғироқчани олиб, чалди.

Яна бояги офицер кирди.

– Рошфорни айтиб келинг, – ним товушда буюрди Ришеле, – қайтган бўлса, дарҳол етиб келсин.

– Граф шу ерда, – деди офицер. – Падари бузрук-вордан қабул қилишни ўтиниб илтимос қиляпти.

– Майли, кирсин! – хитоб қилди кардинал. – Кира-версин.

Офицер кардиналнинг амрини ўринлатишга интилувчи жамики мулозимларига хос зудлик билан югуриб чиқиб кетди.

– Оҳ, «Падари буриквор»! – даҳшатдан кўзлари олакула бўлиб, шивирлади Бонасе.

Офицер чиқиб кетгач, беш дақиқа ўтар-ўтмас эшик очилди-ю, янги киши кириб келди.

– Бу ўша! – бақариб юборди Бонасе.

– Ўшаси ким? – сўради кардинал.

– Рафиқамнинг ўғриси!

Кардинал яна қўнғироқ қилди. Офицер кириб келди.

– Бу одамни олиб бориб, уни келтирган аскарларга топширинг. Мен қайта чақиримга қадар кутиб турсин.

– Йўқ, зоти олийлари: йўқ, бу ўша эмас! – бўкира бошлади Бонасе. – Мен янглишдим! Уни олиб қочган бўлак одам, бу кишига сира ўхшамайди! Бу жаноб – ҳалол одам!

– Бу овсарни олиб кетинг! – деди кардинал.

Офицер уни тирсагидан тутиб, соқчилар кутиб турган даҳлизга чиқариб қўйди.

Кардинал ҳузурига эндигина кириб келган киши Бонасени бетоқат назар билан кузатди-да, унинг кетидан эшик ёпилган замон шахдам юриб, Ришельега яқинлашди.

– Улар кўришдилар, – деди у.

– Кимлар? – сўради кардинал.

– Хоним билан у.

– Қиролича билан герсогми? – хитоб қилди Ришелье.

– Ҳа.

– Хўш, қаерда?

– Луврда.

- Аминмисиз?
- Мутлақо аминман.
- Сизга ким айтди?
- Де Ланнуа хоним, у кишининг падари бузрукворга астойдил ихлоси ўзингизга маълум.
- Нега буни эртароқ маълум қилмабди?
- Тасодифанми, гумонсирабми, де Сюржи хонимга қиролича ўзининг ётоқхонасида тунаб қолишни буюрган, кейин ҳам кун бўйи жавоб бермаган.
- Хўш... Биз мағлубиятга учрадик. Ўч қайтаришга уриниб кўрамиз.
- Зоти олийларига мадад бериш учун бор кучимни ишга соламан. Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин.
- Бу қачон содир бўлган?
- Тун ярмидан оғанда қиролича сарой хонимлари даврасида ўтирган эди...
- Баайни қаерда?
- Ўз ётоқхонасида.
- Хўш.
- Тўсатдан унга кийим-кечаклар бекаси юборган рўмолчани бериб қолишган...
- Ундан кейин!
- Қиролича қаттиқ ҳаяжонга тушиб, упа-элигига қарамай, хийла ранги ўчган...
- Ундан кейин! Ундан кейин!
- Қўзғалиб, ўзгарган товуш билан: «Мени ўн дақиқа кутинглар, бирпасда қайтаман» деган-у, эшикни очиб, чиқиб кетган.
- Нега де Ланнуа хоним ҳамма гапни бизга дарров маълум қилмабди?
- Унинг ҳали тўла ишончи бўлмаган. Бунинг устига қиролича «Мени кутиб туринглар» деган-да, ахир. Ўзбошимчалик қилишга журъат этолмаган.
- Қироличанинг қанча вақт дараги бўлмаган?
- Чорак кам бир соат.
- Сарой хонимларидан ҳеч ким уни кузатиб бормаганми?

- Ёлғиз доня Эстефания, холос.
- Кейин қиролича қайтганми?
- Ҳа, лекин фақат ўзининг монограммаси билан нақшланган қизғиш ёғочдан қилинган қутичани олиш учунгина. Уни олгач, чиқиб кетган.
- Қайтган пайтида-чи, қутича ўзида бўлганми?
- Йўқ.
- Қутичада нима бўлганидан де Ланнуа хонимнинг хабари борми?
- Ҳа. Ҳазрат олийлари қироличага тортиқ қилган олмос тақинчоқлар.
- У ўша қутичасиз қайтиб келдимиз?
- Ҳа.
- Бинобарин, де Ланнуа хоним қиролича қутичани герсог Бэкингемага бериб юборган, деб гумон қилип-тими?
- Бунга унинг ишончи комил.
- Нега?
- Кундузи қироличанинг камер-фрейлиnasi де Ланнуа хоним қутичани қидирмаган жойи қолмаган, ўзини унинг йўқолганидан хавотирланганга солган, охири, қаерга йўқолганини билмайсизми, деб қироличадан сўраган.
- Ҳўш, қиролича-чи?..
- Қиролича қип-қизариб, арафада тақинчоқларнинг бирини синдириб қўйиб, заргарга созлатгани юборганини айтган.
- Қирол заргари ҳузурига кириб, бу гап ростми-йўқми, билиш керак.
- Мен у ерда бўлдим.
- Ҳўш, нима гап? Заргар нима деди?
- Заргарнинг ҳеч гапдан хабари йўқ.
- Жуда соз! Жуда соз, Рошфор! Ҳали ҳаммаси қўлдан кетмабди, яна ким билсин, ким билсин... қайтага ҳаммаси яхшироқ бўлаётгандир.
- Мен заррача шубҳа қилмайман, падари бузрукворимнинг даҳолари...

– ...Ўз жосусининг хатоларини тузатишига, шундай эмасми?

– Падари бузрукворим гапимни тугатишга ижозат берганларида мен худди шу гапни айтмоқчи бўлиб тургандим.

– Энди... герсогиня де Шеврез билан герсог Бэкин-гем қаерга яширинганидан воқифмисиз?

– Йўқ, зоти олийлари. Жосусларим бу борада ҳеч қандай аниқ маълумот беролмадилар.

– Мен бўлсам биламан.

– Зоти олийлари, сиз-а?

– Ҳа, Ҳар қалай, кўнглим сезяпти.

– Падари бузрукворим иккаласини ҳибсга олишга фармойиш беришимни истайдиларми?

– Фурсат ўтди. Улар жўнаб кетгандир.

– Мумкин. Ҳарҳолда, ишонч ҳосил қилиш мумкин...

– Ўзингиз билан ўн нафар гвардиячимни олинг-да, иккала уйда тафтиш ўтказинг.

– Бош устига, падари бузрукворим.

Рошфор шошиб чиқиб кетди.

Ёлғиз қолган кардинал бир зумлик мулоҳазадан сўнг учинчи дафъа кўнғироқ қилди.

Эшиқда яна ўша офицер пайдо бўлди.

– Маҳбусни олиб кириш! – деди кардинал.

Жаноб Бонасени яна кабинетга олиб кирдилар.

Офицер кардиналнинг ишораси билан чиқиб кетди.

– Сиз менга панд берибсиз, – жиддий гапирди кардинал.

– Мен-а? – қичқириб юборди Бонасе. – Мен падари бузрукворимга панд берсам-а!..

– Рафиқангиз Вожираар кўчасига ва Лагарп кўчасига борганда асло баззозлар ҳузурига кирмаган.

– Кимникига кирибди экан, тавба?

– У герсогиня де Шеврез билан герсог Бэкингемнинг олдига кирган.

– Ҳа, – хотираларга фарқ бўлиб сўзлади Бонасе, – ҳа, тўғри, падари бузрукворим ҳақлар. Рафиқамга бир-

икки бор айтиб эдим, баззозлар шундай иморатларда – ёзув лавҳаларисиз уйларда яшаши қизиқ деб. Ҳар сафар рафиқам қотиб-қотиб кула бошларди. Оҳ, зоти олийлари, – падари бузрукворнинг пойига йиқилиб, давом этди Бонасе, – сиз ростдан ҳам кардиналсиз, улуғ кардиналсиз, ҳамма топингувчи даҳосиз!

Бонасе сингари аянч махлуқ устидан қилинган тантана нечоғлиқ ғариб бўлмасин, кардинал, барибир, бир нафас роҳатланди.

Сўнгра гўё хаёлига лоп этиб бир фикр келди-ю, лабларига қўнган хиёл табассум билан атторга қўлини чўзди.

– Ўрнингиздан туринг, дўстим, – деди у, – сиз ҳалол одамсиз.

– Кардинал қўлимни ушлади, мен улуғ инсоннинг қўлини ушладим! – қичқириб юборди Бонасе. – Улуғ инсон мени дўстим деди!..

– Ҳа, дўстим, ҳа! – оталарча оҳанг билан, Ришелье-ни тузук билмаган кишиларнигина ғафлатда қолдириши мумкин оҳанг билан деди кардинал. – Сизни беҳуда айблашибди, шунинг учун сизни рози қилиш лозим. Мана бу кармонни олинг, ичида юз пистол бор ва мени авфу этинг.

– Мен сизни авфу этсам, зоти олийлари! – афтидан, буларнинг ҳаммаси ҳазил деган ҳадик билан пул тўла қопчиққа қўл тегизишга ботинолмай деди Бонасе. – Мени ҳибсга олиш, қийноққа солиш, дорга осиш сизнинг ихтиёрингизда эди, сиз бизнинг ҳукмдоримизсиз, мен бўлсам миқ этолмасдим. Сизни авфу этсам-а, зоти олийлари! Қандай даҳшат!

– Оҳ, муҳтарам жаноб Бонасе, сиз ажаб валлават одам экансиз! Кўриб турибман ва ташаккур билдираман. Демак, сиз бу кармонни олиб, унча ранжидмай кетасиз-а.

– Мен роса қойил бўлиб кетяпман.

– Демак, хайр. Ёки – яхшиси – кўришгунча, зеро, мен яна кўришармиз, деган умиддаман.

– Падари бузрукворимнинг кўнгли истаган пайти!
Мен падари бузрукворимнинг хизматларига тайёрман.

– Биз бот-бот кўришиб турамиз, хотиржам бўлинг.
Сиз билан суҳбат менга бағоят манзур бўлди.

– О, падари бузрукворим!..

– Кўришгунча, жаноб Бонасе, кўришгунча!

Кардинал қўли билан ишора қилди, бунга жавобан Бонасе чуқур таъзим бажо келтирди. Сўнгра, орқасига тисарилганича у хонадан чиқиб кетди, кардинал даҳлизда унинг жони борича: «Яшасин зоти олийлари! Яшасин падари бузруквор! Яшасин улуғ кардинал!» дея бўкирганини эшитди.

Кардинал метр Бонасенинг жўшқин туйғуларининг бу суронли ифодасига жилмайиб, бир оз қўлоқ солди.

– Мана шу топдан эътиборан мени деб жонини ҳам берадиган одам, – Бонасенинг бақириқ-чақириқлари олисда сўнгандан кейин, деди у.

Шундан кейин кардинал, айтиб ўтганимиздек, столи устида ёзиғлик Парошел харитаси устига зўр диққат билан энгашиб, унга бир ярим йил ўтгач, қамалда қолган шаҳар кўрфазига йўлни тўсиб қўйган машҳур кўтарманинг чизигини қалам билан тортишга киришди. У ўзининг стратегик режаларига боши билан шўнғиб ўтирганда тўсатдан эшик яна очилиб, Рошфор кириб келди.

– Хўш, қалай? – дарров сўради кардинал, унинг ўрнидан туришдаги чаққонлиги эса ўзи графга берган топшириққа нақадар катта аҳамият берганини кўрсатиб турарди.

– Вазият бундай экан, – жавоб берди граф. – Падари бузрукворим кўрсатган уйларда ҳақиқатан ҳам йигирма олти-йигирма саккиз ёшлардаги жувон билан ўттиз беш-қирқ ёшлардаги эркак киши истиқомат қилишган. Эркак киши у ерда тўрт кун турган, аёл – беш кун. Аёл бугун тунда, эркак эса – саҳарда жўнаб кетишган.

– Ўшалар! – хитоб қилди кардинал ва девор соати-га бир кўз югуртиб қўшиб қўйди: – Ҳозир улар кетидан қувишга фурсат ўтди – герсогиня Турга, герсог Бэ-кингом эса Булонга етиб бўлишди. Уни Лондонгача қувиб боришга тўғри келади.

– Падари бузрукворимнинг қандай фармойишлари бор?

– Содир бўлган воқеа ҳақида пом-мим демайсиз. Қиролича ҳеч нарсани пайқамай турсин, сирларининг тагига етганимиздан гофил қолсин. Бизларни аллақандай фитнани очиш билан машғул деб ўйлайверсин... Ҳузуримга канцлер Сегени чақириб юборинг.

– Падари бузрукворим ҳалиги одамни нима қилдилар?

– Қайси одамни? – сўради кардинал.

– Ўша Бонасени-да?

– Уни нимаики қилиш мумкин бўлса, шуни қилдим. Мен уни жосус қилиб қўйдим, у ўз-ўзини, рафиқасини кузатиб юради.

Граф Рошфор ўз ҳукмдорининг қўл етмас даражада юсаклигига тан берган киши қиёфасида таъзим қилиб, чиқиб кетди.

Ёлғиз қолган кардинал креслога чўкди, бир мактубни қоралаб, уни ўзининг шахсий тамғаси билан сургичлагач, қўнғироқ қилди. Яна ўша офицернинг ўзи кирди.

– Ҳузуримга Витрени чақириб юборинг, – деди кардинал, – унга олис сафарга чиқишга шай туражагини айтинг.

Бир-икки дақиқадан сўнг йўқлаган кишиси қўнжи баланд шпорли ботфорт кийиб, сафарга чиқишга тахт ҳолда унинг ҳузуринида турарди.

– Витре, – деди Ришелье, – сиз зудлик билан Лондонга учасиз. Йўлнинг ҳеч қаерида бир нафас ҳам тўхтамайсиз. Сиз шу мактубни миледининг қўлига топширасиз. Мана, икки юз пистол учун буйруқ. Хазиначимнинг ҳузуринида боринг, у сизга нақд топширади.

Борди-ю, топшириғимни яхши бажариб, олти кун ичида қайтсангиз, яна шунча оласиз.

Бирор сўз демасдан чопар таъзим қилди, мактубни ва икки юз пистолга чекни олиб чиқиб кетди.

Мактубда мана нималар ёзилган эди:

«Миледи! Бэкингем кўринадиган биринчи базмдаёқ ҳозир бўлинг. Унинг камзулида ўн иккита олмос тақинчоқларни кўрасиз; унга яқинлашиб, иккитасини қирқиб олинг.

Тақинчоқлар қўлингизга тушган заҳоти менга хабар қилинг».

XV

Ҳарбийлар ва ҳакамлар

Шу воқеалар кечгандан сўнг келаси куни д'Артаньян билан Портос Атоснинг дараги йўқлигини кўриб, унинг ғойиб бўлганини жаноб де Тревилга хабар қилдилар.

Арамисга келсак, у одамларнинг гапларига кўра, беш кунлик ҳордиққа ижозат олиб, оилавий юмушлар билан Руанга кетиб қолган эди.

Жаноб де Тревиль ўз аскарларининг падари эди. Мушкетёрлик сарпосини кияр-киймас уларнинг энг кўримсиз ва бетайини ҳам ўз оғасига ишонгандек, капитаннинг нусратидан кўнгли тўқ бўлиши мумкин эди.

Шу боисдан де Тревиль дафъатан жиноий ишлар бўйича бош ҳакам ҳузурига йўл олди. Қизил Крест тагидаги посбонлар саркорини чақиришди ва олинган маълумотларни таққослаб кўриб, Атоснинг Фор-Левекка жойлаштирилганини бир амаллаб аниқлашди.

Гувоҳ бўлганимиздек, Бонасе йўлиққан барча синовларни Атос ҳам бошидан кечирди.

Иккала ҳибсга олинганлар юзлаштирилганидан хабаримиз бор. Д'Артаньянни безовта қилиб уни зарур ҳаракат эркидан маҳрум этишларидан чўчиб, шу дам-

гача индамай келган Атос энди менинг номим д'Артаньян эмас, Атос деб таъкидламоқда эди.

Бундан ташқари у, на жаноб Бонасе, на хонимни танимаслигини маълум қилди. Кечқурун соат ўнлар чамаси у ўз дўсти жаноб д'Артаньяндан хабар олгани кирган, лекин ўша соатгача жаноб де Тревиль ҳузурида тамадди қилган. Бу жиҳатни кам деганда йигирма киши тасдиқлаб бериши мумкин. Кейин у талай казозоларнинг номларини, шулар қаторида герсог де Ла Тремулнинг номини ҳам санаб берди.

Иккинчи комиссар худди биринчиси сингари бу мушкетёрнинг содда ва аниқ кўрсатмаларидан хижолат чекса-да, аслида, ҳакам мутасаддилари ҳарбий кишилар билан курашда ҳамиша ҳавас қилганларидек устун келишга ташна эди. Лекин, жаноб де Тревил ва герсог де Ла Тремулнинг номлари уни мулзам қилиб қўйди.

Атосни ҳам кардинал ҳузурига олиб бордилар, лекин, бахтга қарши, кардинал Луврда, қирол ҳузурида экан.

Бу айни жаноб де Тревиль жиноий ишлар бўйича бош ҳакам ва Фор-Левек нозири олдидан Атосни кўролмай чиқиб, қирол ҳузурига етиб келган пайт эди.

Қиролнинг қироличадан шубҳалари: фитналар бобида эркак кишилардан кўра аёллардан кўпроқ ҳадиксирагувчи кардинал моҳирлик билан авжига миндириб келаётган шубҳалари нақадар кучлилигини биз биламиз. Унинг Анна Австрийскаяга қарши адоватининг асосий сабабларидан бири қироличанинг де Шеврез хоним билан қалинлиги эди. Бу икки аёл уни Испания билан урушлар, Англия билан муросасизлик ва маблағларнинг чигал аҳволдан кўра кўпроқ хавотирга солмоқда эди. Унинг чуқур эътиқоди ва фикрича, де Шеврез хоним қироличага нафақат сиёсий фитналар – уни янада бадтарроқ чўчитаётган нарса – ишқий фитналарда ҳам ёрдам берди.

Турга бадарға этилган ва ўша ерда деб гумон қилинаётган де Шеврез хоним махфий суратда Парижга келгани ҳамда беш кун туриб, миршабларни чалғитиб кетгани хусусидаги кардиналнинг дастлабки сўзлариданоқ қирол тутақиб кетди. Инжиқ ва беқарор бўлгани ҳолда у ўзини Одил Людовик ва Маъсум Людовик деб аташларини истарди. Саноқсиз омиллар келтириб, лекин мулоҳазалардан қочиб тарих изоҳлаб беришга ҳаракат қилаётган бу феъл-атворнинг тагига авлодлар машаққат билан етишар.

Кардинал де Шеврез хоним Парижга ёлғиз ўзи келмаганини, балки қиролича у билан алоқани ўша маҳаллар каббалиотик деб аталмиш шифр ёрдамида тиклаганини илова қилганда у, кардинал, бу фитнанинг ғоят нозик ришталари учини топай-топай деб, бор далилу исботлар билан қуролланган ҳолда қувғинди билан қиролича ўртасидаги воситачи аёлни жиноят устида ҳибсга олай деб турган бир пайтда аллақандай бир мушкетёр терговни узиб қўйишга журъат этган ва ҳаммасини қиролга етказиш учун зиммасига бу ишни холисона текшириш юкланган ҳалол мутасаддиларга қилич яланғочлаб ҳужум қилган, деб таъкидлай бошлаганда Людовик XIII ўзини сира идора қилолмай қолди. Тошиб кетган кезлар бу ҳокимни ўта шафқатсиз ишлар қилишга ундағувчи унсиз қаҳр алангасида ранги ўчиб, у қироличанинг кўшки томон бир қадам ташлади. Кардинал эса бу орада Бэкингемнинг номини ҳали тилга олиб улгурмаган эди.

Айни шу дақиқада бошдан-оёқ вазмин, одобли, беками кўст де Тревиль пайдо бўлган эди. Бу ерда кардинални кўриб, қиролнинг буришган чехрасига кўз қирини ташлаб, де Тревиль нима гап ўтганини фаҳмлади-ю, ўзини филистимлар қошида турган Самсон сингари дадил ҳис этди.

Людовик XIII эшик тутқичидан тутиб бўлган эди. Де Тревилнинг қадам товушлари уни ўгирилишга мажбур этди.

– Сиз ўз вақтида ташриф буюрдингиз, – деди ҳисларига эрк берганда ичида гап сақлаш лаёқатини йўқотиб қўядиган қирол. – Мушкетёрларингиз ҳақида менга зап нарсаларни ҳикоя қиляптилар!

– Менда эса, – совуққина жавоб берди де Тревиль, – уларнинг ҳакамлари ҳақида ҳазрат олийларига сўзлагудек анча-мунча дуруст гаплар топилади.

– Гапингизга тушунмадим, – такаббур оҳангда гапирди қирол.

– Ҳазрат олийларига маълум қилишга мушаррафманки, – аввалгидек хотиржам давом этди де Тревиль, – бир тўп мутасадди, комиссар ва миршаблар, ғоят эътиборли, лекин, афтидан ҳарбий кишиларга нисбатан ўта адоватли кишилар мушкетёрларимдан ёки, тўғрироғи, сизнинг мушкетёрларингиздан бирини, феъли-хулқи бенуқсон, довруғи дoston бўлган, қолаверса, ҳазрат олийларига энг яхши жиҳатдан таниш кишини – жаноб Атосни бир уйда ҳибсга олиб, кўчалардан рўй-рост олиб ўтишни ва Фор-Левекка қамаб қўйишни ўзларига эп кўрганлар, ҳазрат олийлари – бунинг ҳаммасига менга кўрсатишга розилик беришмаган буйруқ баҳона.

– Атосни-я? – беихтиёр такрорлади қирол. – Ҳа, менга бу исм танишга ўхшайди...

– Малол келмаса, ҳазрат олийлари бир эслаб кўрсинлар, – деди де Тревиль, – жаноб Атос – бу сизга маълум муборазада жаноб де Каюзакни оғир жароҳатлаб қўйган мушкетёрнинг ўзгинаси бўлади... Ҳа, дарвоқе, падари бузруквор, – кардиналга юзланиб деди де Тревиль, – жаноб де Каюзак соғайиб қолгандир, тўғрими?

– Ҳа, ташаккур, – ғазабдан лабини тишлаб гапирди кардинал.

– Шундай қилиб, жаноб Атос ҳазрат олийларининг кадет гвардияси Дезессара ротасидаги ўз дўсти беарнлик йигитдан хабар олгани кирган. Ёш йигит уйда бўлмаган. Жаноб Атос дўстини кутиш ниятида стулга

ўтириб, қўлига китоб олгунча бўлмай, бир тўда изкувар ва аскарлар аралаш-қуралаш бўлиб, бинони қуршаб олган, бир неча эшикларни синдирган...

Кардинал қиролга имо билан изоҳ берди: «Бу ўша мен айтган иш юзасидан...».

– Буларнинг ҳаммасидан хабаримиз бор, – деди қирол. – Негаки, ҳаммаси бизнинг манфаатимиз йўлида қилинган.

– Демак, – гапида давом этди де Тревиль, – сизнинг манфаатингиз учун мушкетёрларимдан бирини, бегуноҳ кишини ушлаганлар, сизнинг манфаатингиз учун у икки аскарнинг соқчилигида ҳазрат олийлари йўлида ўнлаб марта қонини тўккан ва ҳар дақиқа яна тўкишга тайёр бу ўктам киши шаънига ҳақоратлар ёғдиргувчи оломон орасидан, кўча-кўйлардан олиб ўтилган.

– Шундай денг! – иккиланиб деди қирол... – Наинки воқеа шундай кечган бўлса?

– Жаноб де Тревиль, – пинагини бузмай гапирди кардинал, – ўша бегуноҳ мушкетёр, ўша ўктам киши қўлга олинишидан бир соат илгари мен фавқулудда аҳамиятга эга бир ишни текшириш учун юборган тўрт нафар комиссарга қилич яланғочлаб, ҳамла қилганини сизга айтмади.

– Падари бузруквор буни исботлаб берсинлар! – ғирт гасконча самимият ва ғирт ҳарбийча қўполлик билан хитоб қилди де Тревиль. – Гап шундаки, ундан бир соат илгари жаноб Атос, сиз ҳазрат олийларига маълум қилишга журъат этсам, бағоят нажиб насабли киши уйимда тамадди қилиш шарафига мени ноил этиб, меҳмонхонамда герсог де Ла Тремул ва граф де Шалю билан суҳбатлашиб ўтирган.

Қирол кардиналга қараб қўйди.

– Мен неки деган бўлсам, – қиролнинг унсиз саволига жавобан деди кардинал, – жабр кўрганлар тузган қарорда баён этилган. Уни ҳазрат олийларига топширишга мушаррафман.

– Ҳарбий кишининг лафзи ҳакамларнинг протокоliga арзимайдими ҳали? – мағрур сўради де Тре-виль.

– Бас, бас, Тревиль, – деди қирол, – жим бўлинг.

– Мабодо падари бузрукворнинг мушкетёрларим-нинг бирортасидан шубҳаси бўлса, – жавоб берди де Тревиль, – мен ўзим тергов қилишни илтимос қиламан, жаноб кардиналнинг адолати ҳаммага барибир маълум-ку ахир.

– Тафтиш ўтказилган уйда, – ҳамон сир бой бермай давом этди кардинал, – ўша мушкетёрнинг дўсти, янглишмасам, аллақандай беарнлик йигит истиқомат қилади, а?

– Падари бузруквор д'Артаньянни назарда тутяптиларми?

– Мен сиз валинеъматлик қилиб келаётган ёш йигитни назарда тутяпман.

– Ҳа, падари бузруквор мутлақо ҳақлар.

– Сизнингча, эҳтимолга яқин эмасми, ўша ёш йигит ёмон таъсир қилаётган...

– ...жаноб Атосга, ўздан ёши икки ҳисса улуг одамгами? – гапни бўлди де Тревиль. – Йўқ, зоти олийлари, эҳтимолга яқин эмас. Бундан ташқари, жаноб д'Артаньян ҳам оқшомни менинг уйимда ўтказган.

– Ана холос! – хитоб қилди кардинал. – Оқшомни ёппасига ҳамма сизникида ўтказганми дейман!

– Падари бузруквор сўзларимдан шубҳа қилмаяптиларми? – чеҳраси ғазаб оташида ёниб сўради де Тре-виль.

– Йўғ-эй, худо сақласин! – деди кардинал. – Лекин, д'Артаньян қай маҳалда сизникида бўлди?

– О, буни падари бузрукворга мутлақо аниқ маълум қилишим мумкин: у кириб келганда соат тўққиз яримни кўрсатаётганига кўзим тушган эди, гарчанд, менга анча кечроқ туюлган эди.

– Уйингиздан қай соатда чиқиб кетди?

– Ўн яримда. Шу воқеалардан бир соат кейин.

– Лекин, пировардида, – деди де Тревиль сўзларининг чинлигига бир зум ҳам шубҳаланмай, ғалаба қўлдан чиқиб кетаётганига фаҳми етиб турган кардинал, – пировардида, Атосни Гўрковлар кўчасидаги ўша уйнинг ўзида қўлга олишган-ку ахир.

– Ёр-биродарларнинг бир-бирларини йўқлаб туриши, менинг ротам мушкетёрларининг жаноб Дезесара ротасининг гвардиячиси билан қардошларча дўст тутиниши тақиқ этилганми ҳали?

– Агар у дўсти билан мулоқот қилаётган уй шубҳали бўлса, ҳа.

– Ахир гап ўша уйнинг шубҳалилигида-да, Тревиль, – лўқма ташлади қирол. – сизнинг бундан хабарингиз бўлмагандир.

– Ҳа, ҳазрат олийлари, дарҳақиқат, бундан хабарим йўқ эди. Лекин, бу нарсанинг жаноб д'Артаньян эгаллаб турган бўлагига алоқаси йўқлигига аминман, зеро, сизни ишонтириб айтишим мумкинки, сиз ҳазрат олийларининг ундан фидойироқ қароли ва жаноб кардиналининг ундан ўткирроқ мухлиси йўқдир.

– Монастир ёнидаги машъум олишувда де Жюссакни худди шу д'Артаньян жароҳатлаганмиди? – аламидан қизариб кетган кардиналга кўз ташлаб сўради қирол.

– Келаси куни эса Бернажуни шикастлаган эди, – илова қилишга шошди де Тревиль. – Ҳа, ҳазрат олийлари, худди ўзи; ҳазрат олийларининг хотиралари аъло экан.

– Ҳўш, нима қарорга келдик ўзи?– сўради қирол.

– Бу мендан кўра кўпроқ сизнинг ишингиз, сиз ҳазрат олийларининг иши, – деди кардинал, – мен ўша Атос гуноҳкор деган гапимда тураман.

– Мен эсам буни инкор этаман! – хитоб қилди де Тревиль. – Лекин, ҳазрат олийларининг ҳакамлари бор-ку, бу ишни ўшалар ҳал қиладилар.

– Тўппа-тўғри, – деди қирол. – бу ишнинг ҳаммасини ҳакамларга қўйиб берайлик. Ҳукм чиқармоқ уларнинг иши, ўшалар бир ёқли қиладилар.

– Ҳар қалай, ачинасан киши, – яна сўз бошлади де Тревиль, – бизники сингари аросат замонда энг беғубор ҳаёт, энг шаксиз тийнат одамни иснод ва таъқиблардан сақлаёлмайди. Армия ҳам миршабларнинг аллақандай ғалвалари важҳидан шафқатсиз таъқиблар нишонига айланаётганидан унчалик мамнун бўлмаса керак, деб сизни ишонтиришга журъат этаман.

Сўзлар қалтис эди. Лекин, Тревиль уларнинг қадрини билиб айтган эди. У портлаш қўзғамоқчи эди, портлаш эса бутун теварак-атрофни равшан қилгувчи алангани эргаштириб келади.

– Миршабларнинг ғалвалари! – де Тревилнинг сўзларига ёпишиб қичқирди қирол. – Миршабларнинг ғалвалари! Буларнинг ҳаммаси тўғрисида ўзи нима тушунчангиз бор, тақсир? Мушкетёрларингиз билан шуғулландинг, мени бошимни қотирманг! Гапларингизни эшитган одам битта мушкетёр ҳибсга олинса борми, Франция хавф остида қолади, деб ўйлаши мумкин. Мен уларнинг ўнтасини ҳибсга олишни амр қиламан, азбаройи шифо! Юзтасини! Бутун ротасини! Ҳамда ҳеч кимсанинг миқ этишига йўл қўймайман!

– Башарти ҳазрат олийларининг мушкетёрлардан кўнгли тўқ эмас экан, демак, улар гуноҳкордирлар, – деди де Тревиль. – Шу боисдан мен сизга қиличимни топширишга тайёрман, ҳазрат олийлари. Зеро, жаноб кардинал аскарларимни айблар экан, бориб-бориб менга қарши ҳам айб тақашига шубҳа қилмайман. Шунинг учун бу нарса аллақачон бошига тушган жаноб Атос ва яқин орада бошига тушиши эҳтимол жаноб д'Артаньян билан ўзимни ҳибсга олинган, деб тан олсам дурустроқ бўлади.

– Гасконлик ўжар, жим бўлсангиз-чи, ниҳоят! – деди қирол.

– Ҳазрат олийлари, – овозини сира пасайтирмасдан жавоб берди де Тревиль, – мушкетёримни қайтариб беришсин ёки уни суд қилишсин.

– Уни суд қиладилар, – деди кардинал.

– Унда – яна яхши. У ҳолда ҳазрат олийларидан уни ҳимоя қилишга ижозат беришларини сўрайман.

Қирол ўт чиқишидан кўрқди.

– Мабодо падари бузрукворнинг, – деди у, – шахсий сифатдаги сабаблари бўлмаганда эди...

Кардинал қирол гапни қаёққа бураётганини пайқаб, унинг олдини олди.

– Узр сўрайман, – сўзлади у, – агар ҳазрат олийлари мени ғарази бор деб ўйласалар, судда иштирок этишдан бош тортаман.

– Гап бундай, – деди қирол, – шу воқеалар кечган пайтда Атос сизникида бўлганига ва бу ишда қатнашмаганига отам номи билан қасамёд қилинг.

– Сизнинг шавкатли отангиз ва мен учун оламда ҳаммадан ортиқ табаррук ҳамда севимли бўлмиш сизнинг номингиз билан қасамёд қиламан.

– Бир ўйлаб кўринг, ҳазрат олийлари, – деди кардинал, – агар маҳбусни озод қилиб юборсак, унда ҳеч қачон ҳақиқатни билолмаймиз.

– Жаноб Атос ҳамиша жойида қолади ва ҳакам жаноблар уни сўроқ қилишни лозим кўрган замон у жавоб беришга ҳозир бўлади, – деди де Тревиль. – У ҳеч қаерга ғойиб бўлмайди, жаноб кардинал, хотиржам бўлинг. Унинг учун масъулиятни мен бўйнимга оламан.

– Зотан, у қочиб кетмайди, – рози бўлди қирол. – Жаноб де Тревиль айтганидек, уни ҳар вақт топса бўлади. Бундан ташқари, – товушини пасайтириб ва кардиналга илтижолни назар ташлаб қўшиб қўйди у, – уларда хавотир уйғотмайлик, бу энг яхши сиёсат.

Людовик XIII нинг бу сиёсати кардинални қулимсираб қўйишга мажбур қилди:

– Амр қилинг, ҳазрат олийлари. Сиз гуноҳидан ўтиш ҳуқуқига моликсиз.

– Фақат айбдор кишининг гуноҳидан ўтиш мумкин, – сўнги сўз ўзида қолишини истаб, деди де Тревиль. – Менинг мушкетёрим эса бегуноҳдир. Шу сабабдан унга шафқат эмас, адолат қилинг.

– У Фор-Левекдами? – сўради қирол.

– Ҳа, ҳазрат олийлари, ташқи муҳит билан алоқа қилиш ҳуқуқисиз, ашаддий жиноятчи сингари, якка камерада.

– Азбаройи шифо! Энди нима қилиш лозим?

– Уни озод қилиш тўғрисидаги буйруққа имзо чекиш билан ора очиқ бўлади-қолади, – деди кардинал. – мен ҳам ҳазрат олийлари сингари фикрдаман, жаноб де Тревилнинг кафолати етиб ортади, деб ҳисоблайман.

Тревил салгина хавотир қўшилган қувончи ичига сиғмай таъзим қилди. Унинг учун кардиналнинг бу ногаҳон кўнгилчанлигидан кўра қаттиқ қаршилиги афзалроқ эди.

Қирол озод қилиш тўғрисидаги буйруққа имзо чекди-ю, де Тревиль уни ўзи билан олиб кетишга шошиб қолди.

У эшиқдан чиқиб кетаётган дақиқада кардинал унга мулойим жилмайиб қўйиб, қиролга юзланди:

– Мушкетёрларингиз сардори билан аскарлари ҳўп ҳамжиҳат-да, ҳазрат олийлари! Бу хизмат учун ҳам бисёр манфаатли, бутун рота шаънига ҳам яхши гап.

«У яқин орада менга бирор ножўя ҳазил қилишига шубҳа қилмаса бўлади, – хаёлидан ўтказди де Тревиль, – ичида нима гап ётганини сира билиб бўлмайди. Бироқ, шошилмоқ керак. Қирол ҳар дақиқа қароридан айниб қолиши мумкин, кейин Бастилияга у ердан ҳозиргина бўшатишган одамни қайта ташлаш у ерда ўтирган бандини қамоққа олиб қолишдан кўра мушкулроқ».

Жаноб де Тревиль Фор-Левекка дабдаба билан кириб борди ва вазмин лоқайдлигини тарк этмаган Атосни халос қилди.

Де Тревиль д'Артаньян билан биринчи мулоқотдаёқ деди:

– Бу гап омадингиз келибди. Сиз билан де Жюссак учун ҳисоб-китоб қилишди. Ҳали Бернажунинг мағлубияти узилмай турибди. Ҳушёр бўлинг.

Де Тревиль кардиналга ишонмай ҳамда ишни чала ҳисоблаб, ҳақ эди. Мушкетёрларнинг капитани эшикни ёпиб улгурмай падари бузруквор қиролга ўгирилди.

– Энди ёлғиз қолганимизда, – деди у, – ҳазрат олийлари мақбул кўрсалар, муҳим нарсалар хусусида сўз юритсак. Ҳазрат олийлари! Герсог Бэкингем Парижда беш кун туриб, фақат бугун саҳарда жўнаб кетди.

XVI

Канцлер Сегенинг ўз одатича чалгани қўнғироқ тополмай қолгани ҳақида

Бу сўзларнинг Людовик XIII га қандай ботгани ҳатто тасаввурга сиғиши қийин. У лов этиб қизарди-ю, лекин шу заҳоти рангидан қони қочди. Кардинал қўлдан кетган имкониятларни бир забт билан тортиб олганини дарров тушунди.

– Герсог Бэкингем Парижда! – нидо қилди қирол. – Бу ерга у нима мақсадда келибди?

– Душманларингиз – испанлар ва гугенотлар билан фитнага қўшилиш мақсадида деб тахмин қилмоқ керак.

– Йўқ! Онт ичаманки, йўқ! Де Шеврез хоним, де Лонгвил хоним ва Конделарнинг барчаси билан бирга бўлиб, менинг ор-номусимга тажовуз қилмоқ учун!

– Ҳазрат олийлари, бундай гапга қандай тилингиз борди! Қиролича бирам андишали, энг асосийси эса ҳазрат олийларини бирам севади.

– Аёл киши заиф нарса, жаноб кардинал. Улкан муҳаббатга келсак, бу борада менинг ўз фикрим бор.

– Шунга қарамасдан, – деди кардинал, – мен герсог Парижга чин сиёсий мақсадлар билан келган деб таъкидлайман.

– Мен эса тамоман бошқа ниятлар билан келганига аминман. Лекин қироличанинг гуноҳи бўлса, унинг ҳолига вой!

– Дарҳақиқат, – деди кардинал, – бундай эҳтимолни ҳатто гумон қилишим нечоғлик оғир бўлса-да... Ҳазрат олийлари бир нарсани ёдимга солдилар: сиз, ҳазрат олийларининг амрингизга биноан мен бир-икки маротаба суроғ қилган де Ланнуа хоним бугун эрталаб менга маълум қилдики, тунов кеча қиролича жуда кеч ётган, бугун эрталаб кўп йиғлаган ва кун бўйи ёзиб ўтирган.

– Ҳаммаси равшан! – хитоб қилди қирол. – Ўшанга ёзган, албатта! Кардинал, менга қироличанинг ҳамма қоғозларини топиб келинг.

– Қандай топиб бўлади ахир, ҳазрат олийлари? Назаримда на мен, на сиз ҳазрат олийлари бу нарсани зиммамизга ололмаймиз.

– Маршал д’Анкрнинг рафиқасини нима қилганлар? – беҳудуд ғазаб тутқаноғида хитоб қилди қирол. – Унинг жононларини, пировардида, ўзини ҳам тинтиб чиққанлар.

– Маршал д’Анкрнинг рафиқаси – бор-йўғи маршал д’Анкрнинг рафиқаси, Флоренциядан келган бир саргузашт ишқибозидир, сиз ҳазрат олийларининг ҳумоюн рафиқалари эса – Анна Австрийская, Франциянинг қироличаси, яъни жаҳондаги энг улуг мулкдор зотларнинг бири бўладилар.

– Унинг гуноҳи шунинг учун даҳшатлироқ-да, герсог! У маснадининг юксаклигини нақадар осон унутган бўлса, шармисорлиги шу қадар тубан. Бундан ташқари мен аллақачонлар бу фитналарнинг ҳаммасига – сиёсийга ҳам ишқийсига ҳам барҳам беришга қарор қилганман... Янглишмасам, унинг қошида Ла Порт деган кимса бор.

– Иқрор бўлишим керак, мен ўшани бу ишнинг асосий мурвати деб ҳисоблайман.

– Демак, сиз ҳам мен сингари, у алдаб юрибди деб ўйлайсизми?

– Мен қиролича қирол ҳокимиятига қарши фитна қиляпти, деб ўйлайман ва такрорлайман, лекин, мен унинг номусига қарши деганим йўқ.

– Мен бўлсам сизга, унисига ҳам, бунисига ҳам қарши фитна-да, деяпман. Мен сизга қиролича мени севмайди, у бошқа кишини севади, деяпман. Мен сизга у ўша номард Бэкингемни севади деяпман. Парижда юрганда нега сиз уни ҳибсга олмадингиз?

– Герсогни ҳибсга олиш? Қирол Карл Бирнинг биринчи министрени ҳибсга олиш? Нималар деяпсиз ўзи, ҳазрат олийлари! Мабодо – бунга аввалгидек ишонмайман-у – мабодо ҳазрат олийларининг шубҳалари заррача тасдиқ бўлган тақдирда қандай даҳшатли овоза, қандай қулоқ эшитмаган шармандалик!

– Бироқ, бирор дайди ёки ўғри сингари ўзини-ўзи хавф остида қолдириб юргандан кейин, лозим эди...

– Лозим эдими?..

– Ҳечқиси йўқ, – деди қирол, – ҳечқиси йўқ... Бироқ, Парижда бўлган вақт асносида уни назардан қочирмагандирсиз?

– Йўқ, ҳазрат олийлари.

– У қаерда истиқомат қилди?

– Лагарп кўчасида, етмиш бешинчи уйда.

– Бу қаерда?

– Люксембург саройи яқинида.

– Сиз ҳам у қиролича билан кўришмаганига амин-мисиз?

– Мен қироличани ўз бурчига ҳаддан ортиқ содиқ деб ҳисоблайман.

– Бироқ, уларнинг мухобараси бор. Кун бўйи қиролича ўшанга ёзган. Герсог, ўша мактубларни мен қўлга олишим керак.

– Ҳазрат олийлари, ахир...

– Герсог! Нима бўлса бўлсин, мен ўша мактубларни қўлга олишни истайман.

– Бироқ, мен ҳазрат олийларига айтишим зарур...

– Наҳотки сиз ҳам менга хиёнат қилсангиз, жаноб кардинал? Сиз нуқул истакларимга қаршилиқ қилаётирсиз. Наҳотки сизнинг ҳам испан ва инглиз, де Шезрез хоним ва қироличалар билан тилингиз бир бўлса?

– Ҳазрат олийлари, – хўрсиниб гапирди кардинал, – мен ўзимни бундай шубҳалардан панада, деб ўйлардим.

– Жаноб кардинал гапимни эшитдингиз: мен ўша мактубларга эга бўлишни истайман.

– Фақат бир йўли бор...

– Қандай?

– Бу ваколатни канцлер, жаноб Сегега топшириш. Бу иш бус-бутунича унинг соҳаси.

– Унга зудлик билан одам юборилсин!

– У меникида бўлса керак. Айни Луврга жўнаш олдидан уни чақиртириб, келса мени кута турсин, деб фармойиш берган эдим.

– Унга зудлик билан одам юборилсин.

– Ҳазрат олийларининг амрлари бажо келтирилади, лекин...

– «Лекин»ингиз нимаси?

– Бироқ, эҳтимол, қиролича итоат қилишдан бош тортар.

– Менинг амримга итоат қилишданми?

– Ҳа, мабодо амр қиролдан чиққанига унинг ишончи комил бўлмаса.

– Хўп, майли, у шубҳаланмаслиги учун уни ўзим огоҳлантириб қўяман.

– Ҳазрат олийлари, нифоқнинг олдини олиш учун бор иложни қилганимни хотирдан чиқармассиз, деган умиддаман.

– Ҳа, герсог, қироличага нисбатан ўта мурувват қилишингизни биламан... Ҳатто, эҳтимол, қуюшқондан ташқари мурувват қилиб юборасиз. Бунга ҳали яна қайтамыз, сизни огоҳ этиб қўяй.

– Ҳазрат олийлари мақбул кўрган маҳал. Бироқ, сиз билан Франция қироличасининг тинч-тотувлиги ҳақи, ўзимни қурбон қилишдан ҳамиша мағрур ва масъуд бўламан.

– Жуда соз, кардинал, жуда соз. Ҳозирча жаноб канцлерга одам юборинг. Мен қиролича ҳузурига ўтаман.

Шундан кейин Людовик XIII эшикни очиб, ўз бўлма-си билан Анна Австрийскаянинг кўшкени туташтириб турувчи йўлакка чиқди.

Қиролича ўзининг сарой хонимлари – де Гито хоним, де Сабле хоним, де Монбазон хоним ва де Гемене хонимлар даврасида ўтирган эди. Қиролича билан Мадриддан бирга келган чўри доня Эстефания ҳам кунжақда ўрнашиб олган эди.

Де Гемене хоним овоз чиқариб, қироат қилар, бу қироатни фақат ўзини тинглаганга солиб, хаёлларга берилиш имкониятига эга бўлиш учун ўйлаб чиқарган қироличадан мустасно ҳамма диққат билан тинглаб ўтирарди.

Бу хаёллар, гарчи, муҳаббатнинг сўнгги шуълалари билан чўчитилган бўлса-да, ҳарҳолда, ғуссага тўлиқ эди. Ўз умрдошининг ишончидан маҳрум бўлган, нозик туйғулари рад қилинганини кечиролмай юрган, кардиналнинг таъқиби остида қолган Анна Австрийскаянинг кўз ўнгида ўша ғазаб умр бўйи азоблаган она-қироличанинг тимсоли турарди, гарчанд, ўша замон мемуарларига қараганда, Мария Медичи²⁹ ўша Анна Австрийская дариф тутган бахтни дастлаб кардиналга ато этган ҳам эди. Анна Австрийская ўзининг энг содиқ мулозимлари, энг ишончли дўстлари, қалбига энг яқин арзандалари қулаётганини кўриб турарди. Офат келтириш лаёқатига эга ўша пешанаси шўрлар сингари у нимагаки қўл урса, ҳаммасига бахтсизлик келтирарди. Унинг дўстлиги машъум бўлиб, таъқибларни эргаштириб келарди. Де Шеврез хоним билан де Варне хоним бадарға қилинди, ҳатто, Ла Порт ҳам ҳар дақиқа ҳибсга олинишни кутаётганини соҳибасидан яширмасди.

Ногоҳ эшик очилиб, хонага қирол кириб келган пайтда қиролича шу хомуш мулоҳазаларга боши билан ғарқ бўлиб ўтирарди.

²⁹ Мария Медичи – француз қироли Генрих IV нинг хотини ва Людовик XIII нинг онаси.

Мутолаа дарров тиниб, ҳамма хонимлар ўрnidан қўзғалдилар-у, ўртага ўлик сукунат чўқди.

Саломлашишни раво кўрмай, қирол бир-икки қадам ташлади-ю, қиролича рўпарасида тўхтади.

– Хоним, – ўзгарган товуш билан гапирди у, – ҳозир ҳузурингизга жаноб канцлер киради. Мен сизни воқиф этиб қўйишни топширган бир гапни у сизга маълум қилади.

Қўйди-чиқди, бадарға ва ҳатто судни пеш қилиб, мудом таҳдид этилаётган шўрлик қироличанинг тетиклигига қарамасдан ранги ўчиб кетди.

– Бироқ, бу ташрифнинг сабаби нима, ҳазрат олийлари? – ўзини босишга қурби етмай сўради у. – Жаноб канцлер ўзингизнинг тилингиз бормайдиган нима гапни айтади?

Қирол жавоб бермасдан пошналарида кескин бурилди ва деярли шу дақиқа навбатчи гвардиячи капитан Гито канцлернинг келганини хабар қилди.

Канцлер кириб келганда қирол хонада йўқ: у бошқа эшиқдан чиқиб кетишга улгурган эди.

Канцлер хижолатдан қизариб, лекин лабларида табассум билан кириб келди. Ҳикоямиз давомида ҳали учрашиб қолиш эҳтимоли борлиги сабабли китобхонларимиз у билан ҳозирдан танишиб қўйишса зарар қилмас.

Канцлер хийла қизиқ шахс бўлган. Бир вақтлар кардиналнинг маҳрами – Париж ибодатхонасининг канониги де Рош Ле Мал жаноб Сегени падари бузрукворга буткул садоқатли одам сифатида тавсия қилган. Кардинал бу тавсияномага ишониб, кейин афсусланмаган.

Жаноб Сеге ҳақида жуда хилма-хил миш-мишлар юрарди. Шу жумладан, қуйидаги воқеани ҳикоя қилардилар.

Жўшқин ўтган ёшлиқдан сўнг у ёшлик бебошликларини бирон муддат ичида ювмоқ учун монастырга улоққан.

Аmmo бу табаррук даргоҳга қадам қўя туриб, бечора гуноҳкор банда эшикни етарлича тез ёпишга, ўзи қочган эҳтиросларнинг кетидан қувиб киришига тўсқинлик қилишга улгуролмади. У муттасил васвасага тушгани-тушган эди, ўз дардини нозирга очганда эса у васваса қилгувчи шайтонни қувиш учун бундай дақиқаларда қўнғироқнинг арқонига ёпишиб, уни жони борича чалишни маслаҳат берди. Бу садоларни эшитиб, роҳиблар оғаларидан бирини шаҳват ўз домига тортаётганини тушунадилар-да, бутун ихват дуога қўл очади.

Бўлажак канцлерга бу маслаҳат манзур бўлди. У ёвуз жинларни бошқа роҳиблар ўқиётган дуолар силсиласи ёрдамида афсун қиладиган бўлди. Лекин, шайтон осонликча жон беравермайди. Афсунлар кучайган сайин шайтон шаҳватни авжига миндирад, оқибатда қўнғироқ тавба қилгувчининг таркиодат қилишга муштоқлигидан дарак бериб, кечаю кундуз жаранглаб қулоқларни қоматга келтирарди.

Роҳибларнинг тин олишига бирон дақиқа қолмасди. Кундузлари улар бутхона зинасидан дам чиқиб, дам тушиб, югургани-югурган эдилар; тунлари кундалик тоат-ибодатларидан ташқари, кам деганда йигирма марта ўринларидан сапчиб туриб, ўз хужралари полига мук тушардилар.

Шайтон чекиндими ёки бу ҳунар роҳибларнинг жонига тегдими, лекин уч ой ўтгач, учига чиққан ашаддий телба деб донғи кетган тавба қилгувчи яна оламда намоён бўлди.

Монастирдан чиққач, у ҳакамлик унвонини қабул қилди, парламентда президент бўлиб, ўз тоғасининг ўрнини эгаллади – унинг ноёб заковатининг исботи – кардинал томонга ўтди, канцлер қилиб тайинланди, падари бузруквор қўлида унинг она-қироличага бўлган нафратининг, Анна Австрийскаяга қарши найранглариинг ишончли қуроли бўлиб хизмат қилди; Шаленинг бутун иши давомида ҳакамларни гиж-гижлаб турди, улуғ иқтисодчи Лафемнинг ҳамма ташаббуслари-

да уни қўллаб-қувватлади ва пировардида, кардиналнинг ишончини қозонгач, у зиммасига ғайриоддий топшириқ олиб, уни адо этиш учун ҳозир қироличанинг ҳузурига ташриф буюрди.

У кириб келганда қиролича ҳамон тик турарди, лекин унга кўзи тушгач, имо билан хонимларга болиш ва юмшоқ ўриндиқлардаги жойларни эгаллашни буюриб, креслога ўтирди. Сўнгра унга мағрур ўгирилди.

– Нима ишингиз бор, тақсир? – сўради Анна Австрийская. – Нима мақсад билан бу ерга қадам ранжида қилдингиз?

– Сиз ҳазрат олияларини чуқур ҳурмат қилишга мушаррафлигимни юз-хотир қилмасдан қиролнинг топшириғи билан мен қоғозларингизни синчиклаб тинтув қилишга мажбурман.

– Қандай, тақсир? – хитоб қилди қиролича. – Меникида тинтув?.. Меникида-я?.. Қандай мислсиз разолат!

– Мени афв этишингизни илтимос қиламан, ҳазрат олиялари, бироқ, мен шу тобда қирол қўлидаги қуролман, холос. Ахир, ҳазрат олийлари боягина шу ерда бўлмадиларми, сизнинг бу ташрифга ҳозир бўлишингизни сўрамадиларми?

– Майли, қидираверинг, тақсир. Мен жинойтчи бўлдим чоғи... Эстафания, ҳамма стол ва бюроларининг калитини олиб беринг.

Гарчанд, эрталаб ёзилган мактубни қиролича у ерда сақламаслигига ишончи комил бўлса-да, канцлер расмият учун ғаладонларни титкилаган бўлди.

Бюроларнинг ғаладонларини йигирма карра чиқариб, яна суриб қўйгандан кейин, ўзининг бир мунча журъатсизлигини енгиб, канцлернинг бу ишда сўнги қадам босишига, яъни қироличани тинтишига тўғри келди.

Канцлер Анна Австрийскаяга ўгирилди.

– Ҳозир, – хижолат ва саросима сезилиб турган товуш билан гапирди у, – тинтувнинг асосий қисмига киришиш қолди.

– Қай қисмига? – сўради канцлернинг ниятини тушунмаган ёки тушунишни истамаётган қиролича.

– Бугун эрталаб қироличанинг мактуб ёзганидан ҳазрат олийларининг хабарлари бор. Ўша мактуб тайин жойга ҳали жўнатилмаганидан ҳазрат олийлари воқифлар. Ўша мактуб на бюродан, на столингиздан чиқди. Аслида эса у бирон жойга яширилган.

– Сизнинг ўз қироличангизга қўл тегизишга ҳаддингиз сиғадими? – қаддини ростлаб ва нигоҳида ғазаб чақнаб гапирди Анна Австрийская.

– Мен қирол измидаги чокарман, ҳазрат олийлари неки амр қилсалар, ҳаммасини адо қиламан.

– На илож, бу тўғри! – деди Анна Австрийская. – Жаноб кардиналнинг жосуслари унга зап яхшилик қилибдилар. Мен ҳақиқатан ҳам бугун мактуб ёзганман, мактуб ҳали жўнатилмаган. Мактуб мана бу ерда.

Кейин қиролича ўзининг гўзал қўлини сийнасига босди.

– У ҳолда ўша мактубни менга беринг, ҳазрат олиялари, – деди канцлер.

– Мен уни ёлғиз қиролга бераман, тақсир, – жавоб қилди Анна.

– Мактубни ҳазрат олияларидан қирол шахсан олишни ихтиёр қилган тақдирда, у кишининг ўзи сиздан сўраган бўлурди. Бироқ, мен такрор айтаман: мактубни сиздан талаб қилишни у киши менга топширди, башарти, сиз бош тортсангиз...

– Давом этинг!

– ...Уни сиздан олишни ҳам менга топширди.

– Нима? Сиз нима демоқчисиз?

– Менинг ваколатларим ҳаддан ошиқ, ўша қоғозларни топиш учун, ҳатто, ҳазрат олияларининг шахсан ўзларини тинтув қилишга изн берилган.

– Қандай даҳшат! – қичқириб юборди қиролича.

– Шунинг учун таранг қилмаслигингизни илтимос қиламан, хоним.

– Сизнинг қилиғингиз мислсиз даражада қўпол, бунга фаросатингиз етадимиз ўзи, тақсир?

– Қирол амр қилипти, ҳазрат олиялари. Мени афв этишингизни сўрайман.

– Мен бунга тоқат қилолмайман. Йўқ, йўқ бундан ўлганим яхши! – томирларида Испания ва Австрия султонларининг мағрур қони қайнаб қичқирди қиролича.

Канцлер чуқур таъзим қилди, сўнгра айнан асоратдаги жаллод сингари зиммасига тушган вазифа ижросида бир қадам ҳам чекинмасликка ошқора қасд қилиб, шу замон кўзларидан алам ёшлари сачраб кетган Анна Австрийскаяга яқинлашди.

Қиролича, айтганимиздек, жуда келишган эди. Шу сабабдан бу хил топшириқни бирор кимсага бериш хатарли эди, лекин қирол борлиғи билан герсог Бэкингема бўлган рашки домида ўртаниб, энди ортиқ ҳеч кимсага кунчиламай қўйган эди.

Шу дақиқада канцлер Сеге машхур қўнғироқнинг боғини кўзлари билан қидирган бўлса бордир, бироқ, уни тополмай, қироличанинг шахсий эътирофича, мактуб яширилган жойга қўлини чўзди.

Анна Австрийская гўё ажали етгандай ранги чунон оқариб кетдики, беихтиёр бир қадам тисарилди. Қўлаб тушмаслик учун у чап қўли билан орқасида турган столга таяниб, ўнг қўли билан корсажи остидан мактубни чиқариб, уни канцлерга узатди.

– Олинг, тақсир, ўша мактубни! – ҳаяжондан тутила-тутила хитоб қилди қиролича. – Уни олинг-да, жирканч пойқадамнингиздан мени халос этинг.

Канцлер жуда тушунарли ҳаяжондан титраб-қақшаган ҳолда мактубни олди-ю, чуқур таъзим қилиб чиқиб кетди.

Унинг орқасидан эшик ёпилиб ҳам улгурмасдан қиролича ҳушидан кетай-кетай деб хонимларнинг қўлларига йиқилди.

Канцлер мактубга назар солмасдан қиролга элтиб берди. Қиролнинг мактубга узатилган қўли қалтирар-

ди У бўлмаган адресни қидира бошлади, ранги бўздай оқариб, мактубни шошмасдан ёйди-да, бошдаги сўзлариданоқ унинг испан қиролига қарата ёзилганини кўриб, охиригача тез-тез кўз югуртириб чиқди.

Бу кардиналга ҳужум қилишнинг тўқис режаси эди Қиролича Австрия қирол саройининг обрўсини туширишга мудом уриниб келган Ришельенинг сиёсатидан нафси койиб юрган ўз акаси ва Австрия қиролига уруш эълон қилиш билан Францияга пўписа қилиб, тинчликни сақлаш учун кардиналнинг бўшатилишини писанда қилишни таклиф этган эди. Муҳаббат ҳақида бу мактубда бир сўз ҳам йўқ эди.

Қиролнинг дарров кўнгли кўтарилиб, кардинал саройдами, йўқми, ундан хабар олгани одам юборди. Унга падари бузруквор кабинетда ва ҳазрат олийларининг фармойишларига мунтазирлар деб жавоб қилдилар.

Қирол дафъатан унинг ҳузурига йўл олди.

– Бунни қаранг-а, герсог, – деди қирол, – мен эмас-у сиз ҳақ бўлиб чиқдингиз. Бутун фитна ҳақиқатан ҳам сиёсий тусда экан, севги ҳақида бу мактубда гап ҳам йўқ. Аммо-лекин, унда сиз тўғрингизда кўп сўз юритилган.

Кардинал мактубни олди ва уни зўр диққат билан ўқиб чиқди. Ниҳоясига етгач, яна қайта ўқиди.

– На чора, ҳазрат олийлари, – деди у, – сиз ўзингиз кўриб турибсиз, душманларим не куйга тушяпти: мабодо мени даф қилмасангиз, сизга иккита уруш билан сиёсат қиляптилар. Рост, сизнинг ўрнингизда мен бу қадар муқтадир қистовларга ён берардим, ҳазрат олийлари. Менга қолса юмушлардан фориг бўлсам беҳад бахтиёр бўлардим.

– Нималар деяпсиз, герсог!

– Мен бу ўта кескин кураш ва тинимсиз заҳматлардан саломатлигим нураб бормоқда деяпман ҳазрат олийлари. Мен Ларошелени қамал қилиш ташвишларига дош беришга қурбим етмаса керак, у ерда

майли йўқ нарсалар билан машғул бўлишга мажбур этилиб, ўзини истеъдодга бағишлашга йўл қўйилмаётган ибодатхона чокари – мени эмас, уруш олиб бориш тўғридан-тўғри иш бўлмиш жаноб Кондени қўйсангиз мақбулроқ бўлурди, деяпман. Бу оилавий ҳайтингиздаги бахтингизни таъмин этади ва ишончим комилки, хориждаги шон-шухратингизни ҳам мустаҳкамлайди.

– Кўнглингиз тўқ бўлсин, герсог, – жавоб берди қирол, – мен ҳаммасини

тушуниб турибман. Бу мактубда номи зикр этилган барча шахслар тегишли жазосини тортажак.

– Уҳ, нималар деяпсиз, ҳазрат олийлари! Мени деб қироличанинг заррача заҳмат чекишидан худо асрасин! Қиролича ҳамиша мени душман деб ҳисоблаб келди, гарчанд, ҳатто, сизнинг олдингизда ҳам, унга мудом қизғин шафелик қилиб келишимни сиз ҳазрат олийларининг ўзлари ҳам тасдиқлаб беришингиз мумкин. О, мабодо у хиёнат билан ҳазрат олийларининг номусларини таҳқир этганда, унда бошқа гап эди, мен биринчи бўлиб: «Гуноҳкорга шафқат йўқ» – деган бўлардим. Хайриятки, бу тўғрида сўз ҳам йўқ, ҳазрат олийлари яна бир карра бунга амин бўлишлари мумкин эди.

– Бу рост, жаноб кардинал, – деди қирол. – Сиз ҳар доимгидай ҳақсиз.

Бироқ қиролича, барибир, ғазабимга йўлиқди.

– Унинг олдида сиз ўзингиз гуноҳкорсиз, ҳазрат олийлари. Унинг сиздан жаҳли чиққан ҳолда ҳам жуда узрли бўлурди. Сиз, ҳазрат олийлари унга қуюшқондан ташқари қаттиқ муомала қилдилар.

– Ўзимнинг, шунингдек, сизнинг ҳам ғанимларингизга, улар нечоғлиқ юксак ўрин тутмасин, бундай қатъийлик қилиб, ўзимни қандай хатарга солмайин, айни шундай муомалада бўламан.

– Қиролича менга душман, сизга эмас ҳазрат олийлари. Аксинча, у вафодор рафиқа, итоаткор ва бека-

ми-кўст Сиз, ҳазрат олийлари олдида уни ёқлашга ижозат берасиз-да энди.

– Хўп, у ўзи ён берсин, алоқани ўзи бошласин.

– Аксинча, ҳазрат олийлари, сиз хайрли тимсол кўрсатинг. Ахир, қироличадан шубҳага бориб, ўзингиз гуноҳга ботдингиз.

– Алоқани мен бошлайми! – хитоб қилди қирол. – Ҳаргиз!

– Ҳазрат олийлари, ўтинаман!

– Ҳа, бундан ташқари, жўяли баҳона қандай топилади?

– Унга манзур бўлгудек бирор нарса қилиб.

– Хўш, нима?

– Катта базм беринг. Қиролича рақсларни қандай севишини биласиз. Унинг ғазаби эътиборнинг бу ифодаси қаршисида дош беролмаслигига кафилман.

– Жаноб кардинал, кибор ишратларга ҳушим йўқлигидан хабарингиз бор-ку.

– Модомики сизнинг бу хил эрмаклардан жирканишингизни билар эканми, у яна қайта миннатдор бўлади. Ундан ташқари, яқинда сиз мавлуд кунига тўхфа қилган, у ҳали ҳеч қаерга тақиб чиқишга улгурмаган ажойиб олмос шокилаларни тўғнашга қулай баҳона бўлади.

– Кўрамиз, жаноб кардинал, кўрамиз, – ўзи кам ғам еган жиноятда қиролича гуноҳкор, ўзи энг чўчиб турган нарсада бегуноҳ чиққанидан ҳузур қилиб ва шу боисдан у билан ярашишга рози бўлиб гапирди қирол, – кўрамиз. Бироқ, номусим билан онт ичаманки, ўта мурувват қиялмасиз.

– Ҳазрат олийлари, – жавоб берди кардинал, – қаттиққўлликни министрларга қўйиб беринг. Мурувват – қиролларнинг эзгу фазилатидир, унга таяниб кўринг, нафи тегишини ўзингиз кўрасиз.

Шу гапдан кейин соат ўн бирга занг ургангани эшитиб, кардинал кетишга рухсат сўради-ю, қиролга қиролича билан ярашиб олишга илтижо қилиб, у билан хўшлашди.

Мактубни тортиб олганларидан сўнг таъналар кутган Анна Австрийская эртаси кун қирол ярашишга уринаётганини кўриб, гоят таажжубда қолди. Дастлабки дақиқаларда у рад этар аҳволда эди: аёл кишининг ғурури, қироличанинг орияти шунчалик қаттиқ лат еган эдики, у аламини бирдан унутолмасди. Лекин, сарой хонимлари қистовларига кўниб у хуллас, ўзини рўй берган воқеани унутаетганга солишга ҳаракат қила бошлади. Қирол бу табаддулдан фойдаланиб, унга энг яқин орада катта базм бериш нияти борлигини маълум қилди.

Базм шўрлик Анна Австрийская учун бир турфа нарса эдики, бу муждадан, худди кардинал тахмин қилгандек, ранжнинг сўнгги излари унинг қалбидан бўлмаса ҳамки, чеҳрасидан тарқалди. У сайилнинг қай кунга тайин этилганини сўради, лекин қирол ҳали бу хусусда кардинал билан келишиб олмоқ даркор, деб жавоб қилди.

Дарҳақиқат, қирол ҳар кун кардиналдан бу сайил қачон уюштирилади, деб суриштирар ва ҳар кун кардинал бирор баҳона билан аниқ кунни айтишдан бўйин товларди.

Орадан бир ҳафта ўтди.

Биз тавсиф этган воқеаларнинг саккизинчи кун кардинал Лондондан юборилган ва қуйидаги сатрлар битилган мактубни олди:

«Мен уларни олдим. Лондондан жўнаб кетолмаяпман, чунки пулим етмайди. Менга беш юз пистол юборинг, уларни олгач, мен тўрт ё беш кун ичида Парижда бўламан».

Кардинал бу мактубни олган кун қирол ўзининг одатий саволи билан унга мурожаат қилди:

Ришелье бармоқларида санаб кўриб, ўз-ўзига деди:

«У пулни олгандан кейин тўрт ё беш кунда келаман, деб ёзибди. Пул Лондонга боргунча беш кунлар ўтиб кетади, у бу ерга етгунча – беш кун. Жами, демак, ўн кун. Тескари шамол, ҳар хил кўнгилсиз тасодифу хас-

таликларни ҳисобга олмоқ зарур. Айтайлик, ўн икки кун...».

– Ҳўш, қалай, герсог, ҳисоблаб чиқдингизми? – сўради қирол.

– Ҳа, ҳазрат олийлари. Бугун йигирманчи сентябрь. Шаҳар ҳокимлари учинчи октябрь кунни зиёфат беришмоқчи. Ҳаммаси жуда соз амалляпти. Ҳеч ким сизни қироличага бўй беряпти деб ўйламайди.

Жим қолиб, кардинал илова қилди:

– Дарвоқе, байрам арафасида олмос шокилалар қандай ярашганини кўрмоқчилигингизни қироличага айтишни унутманг.

XVII

Эр-хотин Бонаселар

Кардинал қирол билан суҳбатда олмос шокилаларни иккинчи дафъа тилга олмоқда эди. Людовик XIII ни бундай сурлик таажжублантирди-ю, у бу маслаҳат тагида сир бор деган қарорга келди.

У ўзини бир марта аламзада ҳис қилаётгани йўқ эди, боиси, гарчи, давримизнинг такомилига етмасада, аъло миршабларга эга бўлган кардинал қиролнинг оилавий ишлари хусусида қиролнинг ўзидан яхшироқ воқиф бўлиб чиқарди. Бу гал қирол Анна Австрийская билан суҳбат ўзи учун аллақандай мубҳам жиҳатни ойдинлаштириши шарт деган қарорга келди. Сўнгра кардиналга маълум ёки номаълум сирларнинг тагига етиб, у падари бузруквор ҳузурига қайтиш умидида эди. Унисида ҳам, бунисида ҳам бу нарса министр назарида қиролнинг обрўсини кўтармоғи лозим эди.

Людовик XIII қиролича ёнига бориб, гапни ўз одатича, унинг муқаррибларига оид дағдағалардан бошлади. Анна Австрийская бошини қуйи солиб, ниҳояси бордир-ку, деган умидда шахдини қайтармасди. Лекин қиролнинг истаги бу эмасди. Қирол жанжални

қўмсарди, унинг авжида бирор ёруғлик тушиши шарт – қандайлигининг аҳамияти йўқ эди. Кардиналнинг аллақандай пинҳона ўйи борлигига, ўзи тенги йўқ устаси бўлмиш даҳшатли фалокатларидан бирини ҳозирлаб юрганига у шак-шубҳа қилмасди. Унинг қатъий таъналари истаган тилагига етказди.

– Ҳазрат олийлари, – дея хитоб қилди унинг хира шаъмаларидан тоқати тоқ бўлган Анна Австрийская, – нега қўнглингиздаги гапингизни очиқ айтиб қўя қолмайсиз? Мен нима қилдим? Нима жиноят қилдим? Сиз, ҳазрат олийларининг бу тўполонни азбаройи мен акамга ёзган мактуб учун кўтараётганингизга ақл бовар қилмайди.

Қирол дабдурустдан берилган бундай саволга дарров жавоб тополмай, шошиб қолди. У байрам арафасида айтилиши зарур ўша сўзларнинг ҳозир аини фурсати деб хаёлидан ўтказди.

– Хоним, – гердаийб гапирди у, – яқин кунларда ратушада базм берилади. Мен шавкатли пешволаримизга ҳурмат юзасидан сиз бу базмда байрам либосида ва мен таваллуд кўнингизга тўхфа қилган олмос шокилалар билан зоҳир бўлишингизни зарур деб ҳисоблайман. Мана менинг жавобим.

Бу жавоб даҳшатли эди. Анна Австрийская ҳамма гап қиролга маълум-у, фақат кардиналнинг қистови билан у шу ҳафта ичида сир бой бермай юрган деб ўйлади. Аммо бу хил писмиқлик қиролнинг табиатига хос эди. Қиролича ранги қув ўчиб, ҳозир мисоли мумдан ясалган кўҳлик қўли билан мўъжаз столчага таяниб олди. Қиролича даҳшат тўла кўзлари билан қиролга термилганича пом-мим демади.

– Эшитяпсизми, хоним, – гарчи, сабабини фаҳмламаса-да, унинг саросимасидан ҳузур қилиб сўради қирол. – Эшитяпсизми?

– Эшитяпман, тақсир, – гўлдиради қиролича.

– Сиз бу базмда бўласизми?

– Ҳа.

– Олмос шокилаларингиз ҳам эгнингизда бўладими?

– Ҳа.

Қиролича баттарроқ оқариб кетди. Қирол буни пайқади-ю, унинг даҳшатидан мириқиб, ўз табиатининг энг нохуш жиҳатларидан бирини ташкил этган совуқ бағритошлик билан сўзлади:

– Демак, ҳал бўлди! Сизга айтмоқчи бўлган бор гапим шу.

– Бироқ, базм қай кунга тайин этилган? – сўради Анна Австрийская.

Людовик XIII бу саволга жавоб бермаслиги кераклигини сезди: қироличанинг товуши жон бераётган кишиникига ўхшарди.

– Тез кунда, хоним, – жавоб берди қирол, – аммо кунни аниқ эсимда йўқ, кардиналдан сўраб кўришга тўғри келади.

– Бундан чиқди, базм беришни сизга падари бузруквор маслаҳат берган экан-да? – хитоб қилди қиролича.

– Ҳа, хоним. Бироқ бу саволнинг боиси нима? – ҳайрон бўлиб сўради қирол.

– Олмос шокилаларни менга эслатишни ҳам ўшанинг ўзи маслаҳат берган-а?

– Нима десам экан-а...

– Бу ўша, ҳазрат олийлари, ўша!

– Бунинг нима фарқи бор – уми, менми? Бу илтимосни сиз жинойий деб ҳисоблаётган бўлманг тагин?

– Йўқ, тақсир.

– Демак, сиз бўласиз-а?

– Ҳа.

– Жуда соз, – эшик сари юриб, деди қирол, – ваъдангиз устидан чиқасиз, деган умиддаман.

Қиролича одоб қоидаларига риоя қилишдан кўра бўғинлари бўшашиб кетаётгани сабабли тиз букиб, таъзим қилди.

Қирол жуда мамнун бўлиб, чиқиб кетди.

– Мен ҳалок бўлдим! – шивирлади қиролича. – Мен ҳалок бўлдим! Кардинал ҳаммасини билади. Қиролни менга ўчакиштираётган ўша экан, унинг ҳали-бери ҳеч нимадан хабари йўқ; лекин ҳадемай хабар топади. Мен ҳалок бўлдим! Ё раббий! Ё раббий!..

У тиз чўқди ва юзини титроқ қўллари билан бер-китганича тоат-ибодатга фарқ бўлди.

Вазият чиндан ҳам мудҳиш эди. Герсог Бэкингом Лондонга қайтиб бўлган, де Шеврез хоним Турда эди. Ўзини ҳар қачонгидан қаттиқроқ кузатишаётганини сезгани ҳолда қиролича сарой хонимларидан бири сотқинлик қилаётганини сал-пал фаҳмларди-ю, қай-силигини билмасди. Ла Портнинг Луврдан ташқарига чиқиш имкони йўқ эди; у жаҳонда ҳеч кимсага дардини очолмасди.

Ўзига таҳдид қилаётган мусибатнинг нақадар зўрлиги ва унинг аҳволини яққол тасаввур этиб олгач, қиролича ўзини тутолмай ўкириб йиғлаб юборди.

– Ҳазрат олияларига бирор ёрдамим тегмасмикан? – дея қўққис сўзлади майин, дардкаш овоз.

Қиролича шартта ўгирилди; бу овозни эшитгач, адашиш мумкин эмасди: фақат ҳамроз киши шундай гапира оларди.

Дарҳақиқат, қироличанинг хонасига кириладиган эшикларнинг бирида хушрўй Бонасе хоним турарди. У қўшни хонада қироличанинг кийим-кечакларини саришта қилиш билан андармон бўлиб, қирол кириб келганда чиқиб кетишга улгурмаган эди. Шу зайл у ҳамма гапни эшитган эди.

Қиролича ўзи ёлғиз эмаслигини кўриб, қаттиқ қичқириб юборди. Фаромушхотирлигидан Ла Порт жойлаштириб қўйган ёш жувонни у бирдан таниёлмади.

– Оҳ, чўчиманг, ҳазрат олиялари! – ўз соҳибасининг ҳасратини кўргач, қўлларини букиб йиғлаб хитоб қилди ёш жувон. – Мен сиз ҳазрат олияларига жону таним билан содиқман, мен сиздан нечоғлик йироқ

бўлмайин, амалим нечоғлик ғариб бўлмасин, ҳазрат олияларига нажот бериш йўлини топганга ўхшайман.

– Сиз! О, фалак! Сиз-а! – қичқириб юборди қиролича. – Бироқ кўзларимга боқинг. Мени сотқинлар қуршаб олганлар. Сизга ишонсам бўлармикан?

– Ҳазрат олиялари, – хитоб қилди жувон, тиз чўкиб, – виждонан қасам ичаманки, мен сиз, ҳазрат олиялари учун жонимни беришга тайёрман!

Бу нидо унинг юраги қаъридан отилиб чиқиб, ўзининг самимийлиги борасида шак-шубҳага ўрин қолдирмасди.

– Ҳа, – давом этди Бонасе хоним, – ҳа, бу ерда сотқинлар бор. Муқаддас маъбуда ҳаққи қасам ичаманки, ҳазрат олияларига мендан садоқатлироқ киши йўқ. Ўша қирол сўраган шокилалар... сиз уларни герсог Бэкингомга бериб юборгансиз, тўғрими? Ўша шокилалар у киши олиб кетган қизғиш ёғоч қутичада турарди, а? Ёки мен янглишдимми, ёки ножўя гапиряпманми?

– Ё раббий, ё раббий! – шивирлади қўрқувдан тишлари такирлаётган қиролича.

– Ҳўш, – деб давом этди Бонасе хоним, – ўша шокилаларни қайтариш лозим.

– Ҳа, албатта, лозим. Бироқ, қандай, қандай қилиб? – нопа қилди қиролича.

– Бирор кишини герсогнинг ҳузурига юбормоқ зарур.

– Бироқ кимни? Кимни? Кимга ишониб бўларди?

– Менга қўйиб беринг, ҳазрат олиялари. Мени шу ша- рафга ноил қилинг, қироличам, мен чопарни топаман.

– Бироқ ёзиб беришга тўғри келади-да?

– Бу зарур. Ҳазрат олиялари қораланган лоақал икки калима сўз ва сизнинг шахсий муҳрингиз.

– Бироқ бу икки калима сўз – менинг ҳукмим, талоқ хатим, сургуним.

– Башарти, муттаҳам одамнинг қўлига тушиб қолгудай бўлса, ҳа. Аммо мен у калом тайин жойга етади, деб кафолат бераман.

– Э, парвардигор! Ҳаётимни, номусимни, пок номимни сизнинг қўлингизга топширишимга тўғри кел-
япти!

– Ҳа, хоним, тўғри келади. Мен ҳам сизни қутқара-
ман.

– Бироқ қандай? Ақалли тушунтириб беринг менга.

– Менинг эримни икки-уч кун муқаддам озод қилди-
лар. Мен ҳали у билан кўришганимча йўқ. Бу нафрат-
га ҳам, муҳаббатга ҳам бирдай бегона, содда, кўнгил-
чан киши. Мен неки истасам, у бажо келтиради. У нима
олиб кетаётганидан беҳабар сафарга чиқади, ҳазрат
олияларининг мактубини, ҳазрат олиялариникилиги-
дан беҳабарлигича уни манзил бўйича етказади.

Қиролича ёш жувоннинг қалбида пинҳон ётган
ҳамма нарсани уқиб олмоқчидай, кўзларига тикилган-
нича унинг иккала қўлини қисиб қўйди. Лекин жоду
кўзларида фақат самимиятни кўргач, уни ўпиб қўйди.

– Шундай қил, – хитоб қилди у, – шунда сен менинг
ҳаётимни сақлаб қоласан, номусимни сақлаб қоласан!

– О, мен мушарраф бўлиб сизга қилаётган хизма-
тимни муболаға қилманг! Мен қутқазадиган ҳеч нима
йўқ: ахир ҳазрат олиялари қабиҳ найрангларнинг қур-
бонидирлар, холос.

– Бу гап тўғри, бўтам, – дея гапирди қиролича. – Сен
ҳам янглишмаяпсан.

– Энди мактубни беринг, ҳазрат олиялари. Вақт
ганимат.

Қиролича сиёҳ, қоғоз ва патлар турган мўъжаз стол-
ча ёнига чолиб бориб, икки энлик мактубни қорала-
ди, ўз муҳрини босиб, уни Бонасе хонимга узатди.

– Ҳа, – деди қиролича, – бироқ жуда муҳим бир нар-
сани хаёлдан қочирибмиз.

– Нимани?

– Пулни.

Бонасе хоним қизариб кетди.

– Ҳа, рост, – дея гапирди у, – мен ҳам тан олишим
керакки, эрим...

– Эрингнинг пули йўқми? Сен шуни айтмоқчи эдингми?

– Йўқ, унинг пули бор. У жуда хасис – бу унинг энг ёмон иллоти. Аммо, ҳазрат олиялари безовта бўлма-синлар, бирор йўлини топамиз...

– Гап шундаки, менда ҳам пул йўқ, – сўзлади қиро-лича (Де Моттвил хонимнинг мемуарларини ўқиган кишини бу хил жавоб ҳайрон қолдирмайди.) – Бироқ, сабр қил...

Анна Австрийская ўз сандиқчаси ёнига борди.

– Шу узукни ол, – деди у, – жуда қиммат туради де-йишади. Уни менга ўз акам, испан қироли тухфа қил-ган. У шахсан ўзимга тегишли, мен уни истифода қили-шим мумкин. Узукни ол, уни пуллагинда, эринг жўнаб кетаверсин.

– Бир соатдан сўнг истагингиз бажо келтирилади.

– Манзилни кўряпсанми, – дея қиролича шундай се-кин шивирладики, сўзларини аранг ажратиб бўлар-ди: – *«Милорд герсог Бэкингемга, Лондон»*.

– Мактуб унинг қўлига топширилади.

– Танти гўдак! – хитоб қилди қиролича.

Бонасе хоним қироличанинг қўлини ўпиб, мактубни корсажига яшириб қўйди-да, қушдай енгил физиллаб кетди.

Ўн дақиқа ўтгач, у аллақачон уйига етган эди. Зотан у, қироличага айтганидек, эрини озод бўлгандан сўнг ҳали кўрмаган эди. Унинг кардиналга бўлган муноса-батада юз берган ўзгаришдан ҳам, хусусан Бонасе-нинг қалин дўсти бўлиб олган граф Рошфорнинг бир-икки ташрифни таъсир қилган табаддулдан ҳам хаба-ри йўқ эди.

Граф унинг рафиқаси ёмон ниятда ўғирланилгани, фақат сиёсий эҳтиёт чораси бўлганини ишонишга уни осонгина мажбур этди.

У жаноб Бонасени ёлғиз топди: бояқиш уйни зўрға тартибга келтирмоқда эди. Жиҳозларнинг қарийб ҳам-масининг абжағи чиққан, жавонлар деярли бўшаб қол-

ган экан: адолат афтидан Соломон подшо ном-нишон қолдирмай кетади деган ўша уч нарсага мансуб бўлма-са керак. Оқсочга келсак, у хўжайини ҳибсга олинган замон жуфтакни ростлаган эди. Шўрлик қиз чунон кўрқиб кетган эдики, Париждан то ўз юрти Бургундия-гача тин олмай юриб борди.

Муҳтарам аттор уйга келгач, дарҳол рафиқасига омон-эсон қайтганини хабар қилди, рафиқаси ҳам таб-рик билан жавоб йўллаб, ёстиқдоши билан дийдор кўришиш учун хизматидан соқит бўлган дастлабки да-қиқадан фойдаланажagini маълум қилди.

Ўша дастлабки дақиқани роса беш кун қутишга тўғри келди, бўлак шароитда бу нарса жаноб Бонасе-га ўта узоқ муддат бўлиб туюлган бўларди. Лекин кар-динал билан суҳбат ва граф Рошфорнинг ташрифла-ри унга мулоҳазалар учун мўл озиқа бўлган, вақтни ҳеч нима мулоҳазалар сингари қисқартиролмаслиги маъ-лум.

Бунинг устига Бонасенинг мулоҳазалари энг нураф-шон тусда эди. Рошфор уни дўстим деб, ўзимнинг муҳ-тарам Бонасеим деб атар ва кардинал унинг ҳақида энг дуруст фикрдалигини таъкидлашдан тинмас эди. Аттор аллақачон ўзини бойлик ва шарафлар йўлида кўрмоқда эди.

Бонасе хоним ҳам кўп фикр юритган, лекин, тан олмоқ керакки, унинг хаёллари иззат-нафсга бегона эди. Унинг ўйлари ғайриихтиёрий равишда нукул гўзал ва жасур, афтидан, ўзига хўп ошиқи беқарор бўлган йигитга қайтаверар эди. Жаноб Бонасега ўн саккиз ёшида турмушга чиққач, ўзининг мавқеидаги аёлдан лозим бўлгандан анча нозикроқ қалбли ёш жувонда бирор туйғу қўзғатишга ноқобил эрининг улфатлари даврасида кун кечириб, Бонасе хоним арзон-гаров ҳавасларга учмас эди. Лекин у кезлар дворянлик ун-вони оддий шахарликларда ҳар қачонгидан кучлироқ таассурот қолдирар, д'Артаньян эса дворян эди. Бун-дан ташқари, у мушкетёрлик либосидан кейин хоним-

лар томонидан ҳамма нарсадан ортиқ қадрланадиган гвардиячи либосида юрар эди. Такрор айтамызки, у гўзал, ёш ва уддабуррон эди, у севги хусусида ошиқ бўлган ва муҳаббат қозонишга ташна одам сингари сўзлар эди. Буларнинг ҳаммаси йигирма уч яшар бошчани айлантириб қўйиш учун кифоя қиларди, Бонасе хоним эса ҳаётининг шу қутлуғ айёмига қадам қўйган эди.

Эр-хотин иккаласи шунинг учун, гарчи бутун бир ҳафта кўришмаган бўлсалар-да – бу ҳафта ичида эса улар анча-мунча воқеаларни бошдан кечирдилар – ҳар бири ўз хаёллари билан овора бўлиб дийдор кўришдилар. Ҳар қалай, жаноб Бонасе самимий қувонч намоён этди ва қучоқ очиб, рафиқасининг истиқболига юрди.

Бонасе хоним бўса учун унга пешанасини тутди.

– Биз гаплашиб олишимиз керак, – деди у.

– Нима тўғрисида? – ҳайрон бўлиб сўради Бонасе.

– Мен сизга жуда муҳим бир гапни айтишим керак, – сўз бошлади Бонасе хоним.

– Ҳа, дарвоқе, мен ҳам сизга бир-иккита жиддий саволлар беришим зарур, – деб унинг сўзини бўлди Бонасе. – Марҳамат қилиб менга изоҳлаб беринг, сизни нега олиб қочишди?

– Ҳозир гап бу ҳақда эмас, – жавоб берди Бонасе хоним.

– Нима ҳақда бўлмаса? Менинг қамалганим ҳақида-ми?

– Мен буни ўша куниёқ эшитдим. Бироқ орқангизда ҳеч қандай жиноятингиз йўқ эди, сиз ҳеч бир фитнес-да аралашмаган эдингиз, ниҳоят сиз ёки бўлак бир кимсанинг шаънига тегадиган ҳеч нимадан хабарингиз йўқ эди, – мен ҳам бу воқеага ўзи арзийдиган аҳамиятни бериб қўя қолдим.

– Сизга айтиш осон, хоним! – рафиқаси ифода этган эътиборнинг камлигидан ранжиб гапирди Бонасе. – Лекин мен бир кеча-ю бир кундузни Бастилияда ўтказганимдан хабарингиз борми ўзи?

– Бир кеча-кундуз ҳаш-паш дегунча ўтиб кетади. Сизнинг қамалганингиз ҳақида гапириб ўтирмайлик, мени бу ерга келтирган нарсага қайтайлик.

– Мени бу ерга келтирган нарса деганингиз нима-си? Ҳали сизни бу ерга бутун бир ҳафта жудо бўлган эрингиз билан дийдор кўришиш истаги келтирмаган-миди? – нафси койиб сўради аттор.

– Аввало шу, албатта. Бироқ бундан ташқари, бошқа нарса ҳам.

– Гапиринг.

– Бу – фавқулудда аҳамиятга эга бир иш, бизнинг бутун келажак тақдиримиз шунга боғлиқ бўлса, ажаб эмас.

– Сизни кўрмаганимдан бери бизнинг аҳволимиз жуда ўзгариб кетган, Бонасе хоним, бир-икки ойдан кейин у жуда кўп кишиларнинг ҳасадини келтирса, мен ҳайрон бўлмайман.

– Ҳа, хусусан, агар мен сизга кўрсатадиган нарсаларни аниқ бажо қилсангиз.

– Менга-я?

– Ҳа, сизга. Хайрли, савоб бир ишни ижро этиш керак, шу билан бирга кўп пул ишлаб олиш имкони бўлади.

Бонасе хоним пулни тилга олиш билан эрининг бўш жойига тегишини биларди.

Лекин ҳар қандай киши, гарчи, у аттор бўлса ҳам, кардинал Ришелье билан ўн дақиқа суҳбатлашгач, тубдан бошқача бўлиб кетарди.

– Кўп пулми? – пастки лабини чўччайтириб, қайта сўради Бонасе.

– Ҳа, кўп.

– Қанча чамаси.

– Минг пистол ҳам бўлиши мумкин.

– Бундан чиқди, сиз мендан илтимос қилмоқчи бўлган нарса жуда муҳим экан-да.

– Ҳа.

– Хўш, нима қилиш керак бўлади?

– Сиз тезда сафарга жўнайсиз. Мен сизга бир мактуб бераман, сиз уни кўз қорачигингиздай сақлайсиз ва таъинланган кишининг шахсан ўз қўлига топширасиз.

– Мен ўзи қаёққа жўнайман?

– Лондонга.

– Мен-а? Лондонга-я? Сиз ҳазил қилиясиз! Менинг Лондонда сира ишим йўқ.

– Бироқ бошқалар учун сизнинг Лондонга жўнашингиз керак.

– Бошқалар деганингиз ким? Сизни огоҳлантириб қўйай, мен ортиқ кўр-кўрона ҳеч нима қилмайман, мен нафақат қандай хатарга қолаётганимни, балки кимлар учун хавф остида қолаётганимни ҳам билишни истайман.

– Кибор хоним сизни жўнатяпти ҳамда кибор хоним сизга кўз тутяпти. Мукофоти сизнинг ҳамма истақларингиздан аъло бўлади – мен сизга ваъда қила оладиган бор нарса шу.

– Яна фитна! Умр бўйи фитналар! Ташаккур! Энди мени лақиллатиб бўпсан: кардинал менга у-бу нарсаларни ундириб қўйди.

– Кардинал! – қичқириб юборди Бонасе хоним. – Сиз кардинал билан кўришдингизми?

– Ҳа, у киши мени чақиртирган эди, – керилиб маълум қилди аттор.

– Сиз ҳам шу таклифга лаққа тушдингизми, эҳтиётсиз одам?

– Иқрор бўлишим керакки, мен борайми ёки бормайми, деб танлаб ўтирадиган аҳволда эмас эдим: мени икки соқчи етаклаб борди. Яна иқрор бўлишим керакки, у пайтда ҳали мен падари бузрукворни билмаганим сабабли ўша зиёратга чап бериш иложини қилолганимда хурсанд бўлардим.

– У сизга қўпол муомала қилдими, пўписа қилдими?

– У киши менга қўлини бериб, дўстим, дўстим деб атади! Эшитяпсизми, хоним? Мен – улуғ кардиналнинг дўсти бўламан!

– Улуғ кардиналнинг?

– У кишининг бу унвонига қарши чиқмоқчи бўлманг тагин?

– Мен ҳеч нарсага қарши чиқаётганим йўқ, бироқ мен сизга министрнинг марҳамати омонат нарса, фақат ақлдан озган кишигина ўз тақдирини министр билан боғлайди, деяпман. Унинг қудратидан юқори турадиган ҳокимият – одамнинг нозлари ёки бирор ҳодисанинг яқунлари замирида турмаган ҳокимият бор. Шундай ҳокимиятга хизмат қилмоқ керак.

– Мен жуда афсусдаман, хоним, лекин мен учун ўзим хизматида бўлишга мушарраф бўлган улуғ кишининг ҳокимиятидан ташқари бўлак ҳокимият йўқ.

– Сиз кардиналга хизмат қиляпсизми?

– Ҳа, хоним. У кишининг хизматкори сифатида сизнинг давлат хавфсизлигига қарши фитналарга аралашувингизга, франциялик бўлмагани ўлароқ қалбан Испанияга молик аёлнинг фитналарини қувватлашингизга йўл қўймайман. Хайриятки, бизда улуғ кардинал бор; унинг бедор дийдаси ҳамма нарсани кузатиб туради, қалблар қаърига ҳам ўтади.

Бонасе граф Рошфорддан эшитган жумлани сўзма-сўз такрорлади. Уни хотирида сақлаб, кези келганда қистириб ўтишга пайт пойлаганди, холос. Лекин, эрига ишонган ва шу илинжда унинг учун қироличага кафолат бериб қўйган шўрлик жувон ҳам ўз бошига солишига сал қолган кулфатдан, ҳам ўзининг ночорлигини тушунганидан ларзага келди. Ҳар қалай, эрининг заиф томонларини, хусусан эса, унинг очофатлигини билгани ҳолда у ўз измини ўтказишдан умидини узмаган эди.

– Ҳо, демак, кардиналистман денг, тақсир! – хитоб қилди у. – Ҳо, рафиқангизни қийнайдиган, қироличангизни таҳқирлайдиган кишиларга хизмат қиламан денг!

– Бир кишининг манфаати умум бахт-саодати олдида ҳеч гап эмас. Мен давлатни қутқараётганлар тафидаман! – тумтароқли гапирди Бонасе.

Бу ҳам граф Рошфорнинг жумласи бўлиб, Бонасе уни эслаб қолиб, қистиришга пайт топган эди.

– Гапираётган давлатингиз нималиги тўғрисида сизнинг тушунчангиз борми ўзи? – елкасини қисиб, сўради Бонасе хоним. – Яхшиси, ҳар хил ҳийла-найрангларсиз, оддий мешчанлигингизча қолинг-да, ким энг кўп фойда ваъда қилса, ўша томонга ўтинг-қўйинг.

– Кўрамиз-да... – ёнида ётган лиц тўла халтани уриб-уриб қўйиб, кумуш жарангини чиқариб, чайналиб гапирди Бонасе. – Бунга нима дейсиз, муҳтарам насиҳатгўй?

– Бу пуллар қайдан келди?

– Пайқамаяпсизми?

– Кардиналданми?

– У кишидан ва менинг дўстим граф Рошфордан.

– Граф Рошфордан? Бироқ, ахир ўша-ку мени олиб қочган!

– Жуда ҳам бўлиши мумкин.

– Сиз ҳам ўша кишининг қўлидан пул олиб ўтириб-сизми?

– Узингиз айтмабмидингиз, бу олиб қочиш соф сиёсий сабабга эга деб?

– Бироқ, бу олиб қочишнинг мақсади – соҳибамга мени сотқинлик қилишга мажбур этиш, қийноқлар остида ҳумоюн соҳибамнинг номусига, эҳтимолки, ҳаётига ҳам таҳдид солгувчи эътирофларни мендан юлиб олиш эди!

– Хоним, – деди Бонасе, – сизнинг ҳумоюн соҳибангиз – доғули испан аёли, кардинал неки қилса, ҳаммаси ҳақли равишда қилинади.

– Тақсир, – қичқириб юборди ёш жувон, – мен сизнинг қўрқоқ, очкўз ва овсарлигингизни билардим, лекин номардлигингиздан беҳабар эдим!

– Хоним, – сўзлади рафиқасининг бундай қаҳрини илк бор кўриб, оилавий муноқашадан чўчиб кетган Бонасе, – хоним, нималар деяпсиз?

– Мен сизни ярамас одам деяпман! – ўз эрига яна таъсирини ўтказа бошлаганини пайқаб, давом этди Бонасе хоним. – Демак, сиёсат билан шуғуллана бошладим, яна, бунинг устига, кардиналнинг тарафдори бўлиб олдим денг? Демак, жону таним билан шайтонга сотилдим, яна пулга денг?

– Шайтонга эмас, кардиналга.

– Бунинг фарқи йўқ! – хитоб қилди ёш жувон. – Кимки «Ришелье» дер экан, бу «иблис» дегани.

– Жим бўлинг, хоним, жим бўлинг! Сизни эшитиб қолишлари мумкин!

– Ҳа, сиз ҳақсиз, мен ҳам сизнинг қўрқоқлигингиздан номусларга қоламан.

– Бироқ, сиз ўзи мендан нимани талаб қиляпсиз?

– Мен сизга айтиб бўлдим: мен сизнинг ҳозироқ сафарга жўнашингизни ва мен мушарраф этган топшириқни ҳалол бажаришингизни талаб қиламан. Шу шартлар билан мен ҳамма гапни унутишга ва сизни кечиришга тайёрман. Бунинг устига, – у қўлини узатди: – мен дўстона муносабатимни қайтараман.

Бонасе қўрқоқ ва очкўз эди, лекин ўз рафиқасини севарди: у ийиб кетди. Эллик ёшлик эрнинг йигирма уч яшар рафиқадан узоқ аразлаши мушқул гап. Бонасе хоним унинг иккиланиб қолганини кўрди.

– Хўш, қалай? Сиз қарор қилдингизми?

– Бироқ, азизим, ўзингиз бир ўйлаб қаранг: мендан нималарни талаб қиляпсиз? Лондон олис, Париждан жуда йироқ бўлса, яна сизнинг топширигингиз хавфхатарлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

– Барибир эмасми, сиз уларга чап берасиз-да!

– Биласизми нима, Бонасе хоним? – деди аттор. – Биласизми нима: мен қатъиян бош тортаман. Фитналар мени кўрқитади. Мен Бастилияни кўрдим-да, ахир! Вой-бўй! Даҳшатнинг ўзи бу Бастилияси! Эсимга тушса бўлди – бутун эгим жимирлаб кетади. Қийноққа соламиз, деб менга пўписа қилдилар. Биласизми, ўзи қийноқ нима? Ёғоч поналарни оёқ панжалари ораси-

га суюк қарсиллаб ёрилмагунча қоқишавереди... Йўқ, қатъиян йўқ! Мен бормайман. Менга қаранг, ўзингиз жўнасангиз, қандоқ бўларкин, азбаройи шифо? Умуман, менга сиз хусусингизда ўзим ҳанузгача гафлатда қолиб келганга ўхшаб кўрина бошлади: назаримда сиз эркаксиз, яна энг тап тортмас хилидан.

– Сиз бўлсангиз... сиз – аёлсиз, нотаваон аёлсиз, овсар ва ландавур! Аҳ-а! Сиз қўрқяпсизми? Яхши. У ҳолда мен шу заҳоти қироличанинг номи билан сизни ҳибсга олдираман, ўша сиз шунчалар қўрқадиган Бастилиянинг ўзгинасига ўтқазиб қўйишади.

Бонасе чуқур ўйга ботиб қолди. У ўз миясида қай томондан – кардинал ёки қиролича томондан кўпроқ хавф таҳдид солинаётганини чамалаб чиқди. Кардинал ғазабининг ўлса ўлиги ортиқ эди.

– Қироличанинг номи билан мени ҳибсга олишни буюрасизми? – сўради у ниҳоят. – Мен бўлсам, падари бузрукворни дастак қиламан.

Шундагина Бонасе хоним ишни қуюшқондан ошириб юборганини тушунди-ю, ваҳимага тушди. Қўрқापиса у ҳаддидан ошиб кетган аҳмоқнинг устувор қатъияти ифодаланиб турган анқов башарасига тикиларди.

– Яхши, – деди у, – хуллас, сиз ҳақ бўлсангиз бордир. Эркак киши сиёсатнинг маъносига тузукроқ етади, айниқса сиз, жаноб Бонасе, модомики, кардинал билан суҳбат қилиш сизга насиб қилган экан. Лекин, барибир, – илова қилиб қўйди у, – менинг эрим, назаримда, муҳаббатидан кўнглим тўқ бўлса бўлгудай киши, менинг бир арзимаган ҳавасимга бажо келтиришни истамагани жудаям алам қилади.

– Ҳавасларингиз меъёридан ортиб кетиши мумкин, – нуфузли оҳангда сўзлади Бонасе. – Мен улардан ҳайқаман.

– Ниятимдан воз кечишга тўғри келади, – хўрсиниб гапирди ёш жувон. – Хўп, майли. Бу ҳақда ортиқ гапирмайлик.

– Лондонда нима қилишим зарурлигини ётиғи билан тушунтириб берганингизда ҳам бир нав эди, – деб сал жим қолгач, гап бошлади рафиқасининг сирларини ўғирлашини Рошфор буюрганини бир оз ҳаяллаб эслаган Бонасе.

– Буни билиб ўтиришнинг кераги йўқ, – энди уни ишончсизлик тийиб жавоб берди жувон, – гап гоҳи маҳаллар аёл кишининг кўнгли тусаб қоладиган арзимаган бир нарса, бир безак тўғрисида, анча пул ишлаб қолиш мумкин бир харид тўғрисида эди.

Лекин, ёш жувон ўз хаёлларини қаттиқ туриб яширишга уринган сари, айтишдан бош тортаётган сирнинг муҳим аҳамиятга моликлигига Бонасенинг ишончи орта борарди. Шу сабабдан у зудлик билан граф Рошфорнинг ҳузурига чопишга ва қироличанинг Лондонга юбориш учун чопар қидираётганидан уни огоҳ этиб қўйишга қарор қилди.

– Афв этасиз, азизим, мен сизни ташлаб кетишим зарур, – деди у, – сизни бугун келиб қолишингизни билмасдан, мен бир ошнамга мулоқот тайинлаб қўйибман. Мен кўп тутилиб қолмайман, агар сиз мени бир нафас кута турсангиз, мен ошнам билан гаплашиб бўлиб, дарҳол ёнингизга қайтаман ва қош қорая бошлагани сабабли сизни Луврга кузатиб қўяман.

– Сизга ташаккур билдираман, тақсир, – жавоб берди Бонасе хоним, – менга бирор ёрдам кўрсатиш учун сиз етарли даражада мард эмассиз. Мен Луврга ёлғиз ўзим қайта оламан.

– Ихтиёрингиз, Бонасе хоним, – деди собиқ аттор, – сизни яқин орада яна кўраманми?

– Балки, келаси ҳафта хизматимдан бир оз бўшашга имкон топарман, шундан нарсаларимизни тартибга келтириш учун фойдаланарман, уларга анча зиён етган кўринади.

– Яхши, мен сизга кўз тутаман. Мендан жаҳлингиз чиқмаяптими?

– Меними? Сира ҳам.

– Демак, тез кунда дийдор кўришгунча, а?

– Тез кунда дийдор кўришгунча.

Бонасе рафиқасининг кўлини ўпиб қўйди-да, шоша-пиша йироқлашди.

– Ҳа, – эрининг ортидан кўча эшиги ёпилиб, ўзи ёлғиз қолгач деди Бонасе хоним, – бу овсарнинг кардиналчи бўлиши кам эди, холос. Мен бўлсам, қироличага кафолат бериб ўтирибман, мен бўлсам, бахти қаро соҳибамга ваъда бериб ўтирибман... Ё тавба, тавба! У мени сарой гиж-гиж тўлиб ётган, унинг кетидан жосуслик қилиш учун жойлаштирилган ўша разил махлуқларнинг бири деб ўйлайди... Оҳ, жаноб Бонасе! Мен ҳеч қачон сизни унчалик хуш кўрмаган эдим, энди эса иш янаям пачава: мен сиздан нафратланаман ва сиз билан орани очиқ қиламан, деб сўз бераман.

Бу сўзларни у айтиб улгурмасдан шифт тақиллаб қолди-ю, уни бош кўтаришга мажбур этди.

– Қадрли Бонасе хоним, – эшитилди шифт орқасидан аллакимнинг товуши, – зинага чиқиладиган дарчани очинг, мен ёнингизга тушаман!

XVIII

Хуштор ва эр

– Ҳа, хоним, – жувон очган эшикдан кира туриб деди д'Артаньян, – айтсам кўнглингизга олманг-у, бенаво эрингиз бор экан.

– Демак, бизнинг гапларимизни эшитибсиз-да? – д'Артаньянга хавотир билан термилиб, сўради Бонасе хоним.

– Бошдан-оёқ.

– Бироқ, қандай қилиб, вой шўрим?

– Кардинал айғоқчилари билан сиз ўртангиздаги жонлироқ суҳбатни қандай эшитган бўлсам худди шундай.

– Хўш, гапларимиздан нималарни уқтингиз? – Минг-минг ҳар хил нарсаларни? Аввало эрингиз-

нинг, яхшиямки, бефаросат ва аҳмоқлигини; сўнгра, сиз мушкул аҳволда экансиз, модомики, бу менга сизга ёрдам қилиш имконини берар экан, бундан беҳад хурсандман, худо шоҳид, сизни деб ўзимни ўтга отишга ҳам тайёрман: ва, ниҳоят, қироличага у кишининг топшириғи билан Лондонга боришга шай жасур, уддабуррон ва садоқатли киши зарур. Мен талаб этилган хислатларнинг лоақал баъзиларига эгаман, мана, фармойишларингизга мунтазирман.

Бонасе хоним бирдан жавоб бермади, лекин унинг юраги қувончдан гупиллаб ура бошлади, кўзлари эса умиддан порлаб кетди.

– Башарти бу вазифани ишониб, сизга топширишга журъат этсам, – сўради у, – менга нима кафолат бўлади?

– Сизга бўлган муҳаббатим кафолат хизматини ўтасин. Қани, гапиринг ахир, буюринг! Мен нима қилишим керак?

– Э парвардигор, – шивирлади жувон, – шундай сирни сизга ишониб айтсам бўлармикан! Ахир сиз ҳали гўдак ҳисоб!

– Кўриб турибман, мен учун сизга кимдир кафил бўлиши керак экан.

– Тан оламан, бу нарса мени жуда тинчитган бўлурди.

– Сиз Атосни танийсизми?

– Йўқ.

– Портосни-чи?

– Йўқ.

– Арамисни-чи?

– Йўқ. Бу жанобларнинг ҳаммаси кимлар?

– Ҳазрат олийларининг мушкетёрлари. Уларнинг капитани жаноб де Тревилни танийсизми?

– О, албатта! У кишини мен танийман, шахсан эмас, орқаворатдан: қиролича у кишини тийнатли ва виждонли дворян сифатида кўп тилга оладилар.

– Умид қиламанки, кардиналнинг кўнглини овлаб, у кишининг хиёнат қилиши мумкинлигини имкон хо-рижида ҳисобламайсиз?

– Ҳа, албатта.

– Шундай экан, сирингизни у кишига очинг, ўша сир нечоғлик муҳим, қимматли ва даҳшатли бўлмасин, менга ишониш мумкинми, йўқми, сўраб кўринг.

– Бироқ, сир меники эмас ахир, уни очишга ҳаққим йўқ!

– Ахир уни жаноб Бонасега ишониб айтмоқчи бўлдингиз-ку! – ранжиб гапирди д'Артаньян.

– Мактубни дарахтнинг ковагига, каптарнинг қано-тига, итнинг бўйинбоғига ишонгандай.

– Аммо, сизни қандай севишимни кўриб турибсиз-ку, ахир.

– Ҳа, сиз шундай деяпсиз.

– Мен виждонли одамман.

– Шундай деб ўйлайман.

– Мен жасурман.

– О, бунга ишончим комил.

– Унда мени синаб кўринг.

Бонасе хоним сўнги ўйлари билан олишиб, ёш йи-гитга қаради. Лекин, унинг кўзлари оташ бўлиб ёнар, овози бирам ишонч билан янграр эдики, у ўзида унга ишонишга майл борлигини ҳис қилди. Бундан ташқа-ри, ўзга чора ҳам йўқ эди. Таваккал қилишга тўғри ке-ларди. Ўта эҳтиёткорлик, худди ўта лақмалик каби, қиролича учун бирдай хавфли эди. Сўнгра – биз буни эътироф этишга мажбурмиз – шу йигитга нисбатан ўзи ҳис қилаётган ғайришуурий туйғу ҳам уни тилга кир-гизди.

– Менга қаранг, – деди у, – мен қистовларингизга ён бериб, сизга суянаман. Бироқ, бизни эшитиб турган худо қаршисида қасам ичиб айтаманки, мабодо мен-га хиёнат қилсангиз, гарчи, душманларим менга шаф-қат қилган тақдирда ҳам, сизни ўз ҳалокатимда айб-лаб, ўзимни ўлдираман.

– Мен бўлсам, – дея гапирди д’Артаньян, – худо олдида қасам ичиб айтаманки, агар топширигингизни адо этишда қўлга тушсам, бирор кимсанинг шаънига доғ туширгудай бирон сўз айтгандан, бирон ҳаракат қилгандан кўра ўлганим яхши.

Шунда Самарит аёли ҳайкали қаршисидаги кўприкда тасодиф унга сал-пал очиб қўйган сирдан жувон уни огоҳ этди.

Бу уларнинг изҳори дили эди.

Д’Артаньян бахт ва ифтихордан яйраб кетганди. Ўзи молик бўлган бу сир, ўзи севган бу аёл унга улкан қудрат бахш этарди.

– Мен жўнайман, – деди у. – Шу нафас жўнайман!

– Мен жўнайман деганингиз нимаси? – хитоб қилди Бонасе хоним. – Полк-чи, сардор-чи?

– Чин қалбимдан қасам ичаманки, сиз мени ҳаммасини унутишга мажбур этиб қўйдингиз, азизим Констанция! Сиз ҳақсиз, менга рухсат даркор.

– Яна тўғаноқ! – эзилиб шивирлади Бонасе хоним.

– О, бу тўғаноқнинг, – бир зумлик мулоҳазадан сўнг сўзлади д’Артаньян, – эви осон, хавотирланманг.

– Қандай?

– Мен шу бугуноқ кечқурун жаноб де Тревилнинг ҳузурига йўл оламан ва у кишидан ўз қайниси жаноб Дезессарадан шу марҳаматни сўраб беришини ўтинаман.

– Бироқ, бу ҳали ҳаммаси эмас...

– Хўш, сизни яна нима хижолат қиляпти? – Бонасе хоним сўзини давом этишга ботинолмай турганини кўриб, сўради д’Артаньян.

– Сизнинг, эҳтимол, пулингиз йўқдир?

– «Эҳтимол-пехтимоли» бу ерда ортиқча, – жилмайиб жавоб берди д’Артаньян.

– Ундай бўлса, – жовонни очиб, бундан ярим соат илгари умрдоши меҳр билан силаб-сийпаган халтани олган кўйи деди Бонасе хоним, – мана бу халтани олинг.

– Кардиналнинг халтаси! – қаҳ-қаҳ уриб кулиб, деди д’Артаньян. Бизнинг эса хотиримиздаки, полни кўчириш туфайли у эр-хотинларнинг гапларини сўзма-сўз эшитиб олган эди.

– Ҳа, кардиналнинг халтаси, – тасдиқлади Бонасе хоним, – кўриб турибсизки, унинг кўриниши хийла са-лобатли.

– Минг лаънат! – хитоб қилди д’Артаньян. – Бу икки карра қизиқроқ бўлади-ку: қиролича падари бузрук-ворнинг пуллари ёрдамида халос этилса.

– Сиз дилкаш ва хушфезъл йигитсиз, – деди Бонасе хоним, – сўзимга ишонинг, ҳазрат олиялари қарздор бўлиб қолмайди.

– О, мен аллақачон тўлиқ мукофотланиб бўлдим! – хитоб қилди д’Артаньян. – Мен сизни севаман, сиз бу тўғрида гапиришимга изн беряпсиз. Мен шундай бахт-ни орзу қила олармидим!

– Секинроқ! – бирдан қалтироқ босиб, шивирлади Бонасе хоним.

– Нима гап?

– Кўчада гаплашяптилар...

– Овози?..

– Менинг эримники. Ҳа, мен уни танияпман!

Д’Артаньян югуриб бориб, эшикни тамбалаб қўйди.

– Мен чиқиб кетмагунча у кирмайди. Мен чиқиб кет-гандан кейин эса сиз унга очасиз.

– Бироқ менинг ҳам кетишим лозим бўлади-ку. Та-фин шу ерда қолсам, пул йўқолганини қандай ҳам изоҳ-лаб бўларди?

– Сиз ҳақсиз, бу ердан чиқиб олмоқ керак.

– Чиқиб олмоқ? Бироқ, қандай қилиб? Агар чиқсак, улар бизни кўриб қолишади.

– Унда меникига чиқмоқ керак.

– Оҳ! – қичқириб юборди Бонасе хоним. – Сиз шун-дай товуш билан гапиряпсизки, мен кўрқиб кетяпман.

Шу сўзларни айтаётганда Бонасе хонимнинг ниго-ҳида бир қатра ёш ялтираб кетди. Ўша қатрага д’Ар-

таньяннинг кўзи тушди-ю, кўнгли бузилиб, изза бўлиб, унинг пойига йиқилди.

– Меникида, – деди у, – худди қасрда сингари хатарлардан холи бўласиз, чин дворянлик сўзим.

– Кетдик, – деди у, – ўзимни кўлингизга топширдим, дўстим.

Д'Артаньян тамбани оҳиста суриб қўйди, кейин иккаласи худди соялардай шарпасиз лип этиб, супачага ўтиб олдилар, товуш чиқармай зинадан юриб, д'Артаньяннинг хонасига кирдилар.

Ўз хонасига ўтиб, йигит ўта хавфсизлик учун эшикни тўсиб қўйди. Сўнгра улар дераза ёнига бориб, ридога бурканган нотаниш киши билан сўзлашиб турган жаноб Бонасени кўриб қолдилар.

Ридолик кишига кўзи тушгач, д'Артаньян сесканиб кетди ва қиличини ним яланғочлаб, эшик томонга отилди.

Бу Менгдаги нотаниш киши эди.

– Сиз нима қилмоқчи бўляпсиз? – қичқириб юборди Бонасе хоним. – Сиз бизни ҳалок қиласиз!

– Аммо, мен бу одамни ўлдираман, деб қасам ичганман! – хитоб қилди д'Артаньян.

– Сизнинг ҳаётингиз ҳозирги вазифангизга бағишланган, у ўзингизга тегишли эмас. Қиролича номи билан сизга ўзингизни сафардагилардан бўлак бирор хавф-хатар остида қолдиришингизни ман этман.

– Ўзингиз номингиздан-чи, менга ҳеч нима буюрмайсизми?

– Менинг номимданми... – қаттиқ ҳаяжонда гапирди Бонасе хоним, – Менинг номимдан худди ўша нарсани илтижо қиламан. Бироқ, қулоқ солайлик – назаримда, менинг тўғримда гапиряптилар.

Д'Артаньян дераза ёнига қайтиб, қулоқ солди.

Бонасе аллақачон уйининг эшигини очган ва унинг бўшлигини кўргач, ўзи бир нафас ёлғиз қолдирган ридолик киши ёнига қайтган эди.

– У кетипти, – деди Бонасе. – Луврга қайтган бўлса керак.

– Нега қайтганингизни у пайқаманлигига аминмисиз, – сўради ридолик киши.

– Йўқ, – ҳаволаниб жавоб берди Бонасе. – Бунинг учун у ҳаддан ташқари енгилтак аёл.

– Ёш гвардиячи уйидами?

– Бўлмаса керак. Кўриб турибсиз, дарчалари берк, ёриқларидан ёруғликнинг бирор шуъласи тушмаяпти.

– Барибир, бир текшириб кўрилса, зарар қилмайди.

– Қандай қилиб?

– Эшигини тақиллатиб кўриш керак.

– Мен хизматкоридан суриштириб кўраман.

– Боринг.

Бонасе дарвозахонага кириб, ғойиб бўлди, ҳозиргина қочоқлар билинтирмай ўтган эшикдан кирди, д'Артаньяннинг саҳнигача чиқиб, эшикни қоқди.

Ҳеч ким садо бермади: Портос кирои ҳашам учун шу оқшомга Планшени беришни илтимос қилган, д'Артаньянга келсак, у ҳаёт нишонаси беришни хаёлига ҳам келтирмасди.

Бонасе эшикни тарақлатиб ура бошлаганда ёшлар юраклари гупиллаб кетганини ҳис қилдилар.

– У ерда ҳеч ким йўқ, – деди Бонасе.

– Барибир, яхшиси, сизникига кира қолайлик. У ер кўчадан тинчроқ бўлади.

– Вой! – хитоб қилди Бонасе хоним. – Энди ҳеч нарсани эшитмай қоламиз.

– Аксинча, – дея уни тинчлантирди д'Артаньян, – энди биз қайтага яхшироқ эшитамиз.

Д'Артаньян бир-икки мурабба паркетни кўчириб, хонасининг полини Дионисий қулоғи мисол бир нарсага айлантириб, унга гилам ёйди, ўзи чўккалаб ўтириб, имо билан Бонасе хонимга ўздан ибрат олишни ва тешикка энгашишни таклиф этди.

– Уйда ҳеч ким йўқлигига сиз аминмисиз? – сўради нотаниш киши.

– Бунга кафилман, – жавоб берди Бонасе.

– Сиз уйлайсизки, рафиқангиз...

– Саройга қайтиб кетган.

– Ҳеч ким билан гаплашиб олмасдан-а?

– Бунга ишончим комил.

– Буни аниқ билиш жуда зарур, тушунасизми?

– Демак, мен хабар қилган маълумотларни қимматли деб ҳисоблаш мумкинми?

– Жуда қимматли, сиздан яшириб ўтирмайман, азизим Бонасе.

– Кардинал мендан мамнун бўлади денг?

– Шубҳа қилмайман.

– Улуғ кардинал!

– Рафиқангиз сиз билан суҳбатда ҳеч қандай номларни тилга олмаганини яхши эслайсизми?

– Йўқ, шекилли.

– У де Шеврез хонимними, ёки Герсог Бэкингемними, ёки де Варне хонимними тилга олмадимми?

– Йўқ, жуда олий насабли бир шахсга хизмат қилиш учун мени Лондонга юбормоқчилигини айтди, холос.

– Сотқин! – шивирлади Бонасе хоним.

– Секинроқ, – дея уни қўлидан ушлаб гапирди д'Артаньян, хаёлга ботиб, у қўлини тортиб олмади.

– Барибирда, – гапида давом этарди ридолик киши, – сиз ўзингизни қўнганга солмасдан аҳмоқлик қилгансиз. Мактуб ҳозир қўлингизда бўларди, хавф солинаётган давлат қутқарилган бўларди, сиз бўлсангиз...

– Мен бўлсам?..

– Сиз бўлсангиз, дворянлик унвони билан сийланган бўлардингиз.

– У киши сизга айтибмиди...

– Ҳа, менинг хабарим бор, у киши бехосдан айтиб, сизни хурсанд қилмоқчи эди.

– Хотирингизни жам қилинг, – деди Бонасе, – рафиқам мени жуда севади, ҳали фурсат ўтгани йўқ.

– Аҳмоқ! – шивирлади Бонасе хоним.

– Секинроқ! – унинг қўлини қаттиқ қисиб, эшитилар-эшитилмас гапирди д’Артаньян.

– «Фурсат ўтгани йўқ» деганингиз нимаси? – сўради ридолик киши.

– Мен Луврга жўнайман, Бонасе хонимни чақиртириб, фикримдан қайтдим, мен ҳаммасини бажараман, дейман, мактубни олиб, кардинал ҳузурига чопаман.

– Яхши. Шошилинг. Мен сиз ниманинг уддасидан чиққанингизни билиш учун бирпасда изимга қайтаман.

Нотаниш киши чиқиб кетди.

– Номард! – бу танбеҳ билан умрдошини сийлаб деди Бонасе хоним.

– Секинроқ! – унинг қўлини қаттиқроқ қисиб такрорлади д’Артаньян.

Лекин шу онда ёввойиларча фарёд д’Артаньян билан Бонасе хонимнинг фикрларини бўлиб қўйди. Пул тўла халтанинг йўқолганини пайқаган унинг эри нажот сўраб, додламоқда эди.

– Эй, парвардигор, парвардигор! – хитоб қилди Бонасе хоним. – У бутун даҳани оёққа турғизади!

Бонасе узоқ бақирди. Лекин, Гўрковлар кўчасида тез-тез эшитилиб тургувчи бу хил дод-войлар ҳеч кимни кўчага мўралашга мажбур этолмасди, устига-устак, атторнинг хонадони яқин орадан бери ёмон отлиқ бўлганди. Бонасе ҳеч кимнинг дараги йўқлигини кўргач, бақириб-чақирганча югуриб уйдан чиқди. Унинг Дюбак кўчаси томон йироқлашаётган фиғонлари яна алламаҳалгача эшитилиб турди.

– Энди эса, – деди Бонасе хоним, – у гумдон бўлгандан кейин навбат сизники – кетинг. Мард, хусусан, эҳтиёткор бўлинг. Сиз қироличанинг измида эканлигингизни хотирингизда сақланг.

– У кишининг ва сизнинг! – хитоб қилди д’Артаньян. – Кўнглингиз тўқ бўлсин, дилбар Констанция. Мен унинг миннатдорлигига сазовор бўлиб, қайтаман,

аммо сизнинг муҳаббатингизга ҳам муяссар бўларми-канман?

Жувоннинг юзларига ёйилган қирмизи ранг жавоб бўлди. Бир-икки дақиқа ўтгач, бир чеккасини узун қиличнинг қини жанговар кўтариб турган ридога бурканиб, д'Артаньян ўз навбатида кўчага чиқди.

Бонасе хоним аёл ўзида муҳаббат уйғотолган кишини кузатгучи ўша узоқ ва меҳрибон назар билан унинг орқасидан қараб қолди.

Лекин, у кўча муюлишида ғойиб бўлгандан кейин тиз чўқди.

– О, худойим! – қўлларини букиб шивирлади у. – Қироличадан нусратингни дариф тутма, мендан дариф тутма!

XIX

Ширкат режаси

Д'Артаньян аввало жаноб де Тревиль ҳузурига равона бўлди. Бир-икки дақиқа ўтмай, кардинал, шубҳасиз ўзининг ишончли одами бўлган лаънати, нотаниш киши орқали ҳамма гапдан огоҳ бўлишини у биларди. Шу учун у жуда асосли равишда, ҳар дақиқани ғанимат деб ҳисобларди.

Ёш йигитнинг қалби қувончларга лиммо-лим тўлган эди. Унга ҳам шуҳрат, ҳам пул берадиган тасодиф дуч келган, энг аломат жиҳати эса, бу тасодиф уни ўзи мафтун бўлган аёл билан ҳам яқинлаштирган эди.

Қисмат бир зарб билан унга ўзи қачон бўлса-да, орзу қилишга ботингандан зиёдроқ нарсаларни ато этаётган эди.

Жаноб де Тревиль ўз меҳмонхонасида кибор дўстларининг одатий даврасида ўтирган эди. Бутун уй ичи таниган д'Артаньян тўппа-тўғри кабинетга ўтди-да, капитан билан бир муҳим иш юзасидан гаплашиб олиш истагини етказишни мулозимдан илтимос қилди.

Мунтазирликнинг беш дақиқаси ўтар-ўтмас жаноб де Тревиль кириб келди. Ёш йигитнинг қувонч балқиб турган чеҳрасига бир кўз ташлаш кифоя қилди – муҳтарам капитан бир янги гап руй берганини фаҳмлади.

Бутун йўл давомида д'Артаньян ўз-ўзига савол бериб келганди: жавоб де Тревилга бор гапни очсинми ёки фақат бир муҳим ишга ҳаракат эркинлигини сўраб олсинми? Лекин, жаноб де Тревил унга нисбатан бирам олий ҳиммат муносабатда бўлиб келган, қирол билан қироличага бўлган ихлоси шунчалар теран, кардиналга нафрати эса шунча самимий эдики, йигит ҳаммасини баён этишга қарор қилди.

– Сиз қабул қилишимни ўтинибсиз, ёш дўстим, – деди де Тревиль.

– Ҳа, тақсир, – жавоб берди д'Артаньян, – гап қандай муҳим иш ҳақида бораётганидан воқиф бўлганингиздан кейин мени авф этасиз.

– Гапиринг бўлмаса. Қулоғим сизда.

– Гап, – товушини пасайтириб деди д'Артаньян, – бори-йўғи қироличанинг обрўси, балки, эҳтимол, ҳаёти ҳақида ҳам бораётир.

– Нималар деяпсиз! – ҳеч ким эшитмаётганига ишонч ҳосил қилиш учун атрофга аланглаб олиб, хитоб қилди де Тревиль ва сўроқ назарини яна суҳбатдошининг юзида тўхтатди.

– Мен айтаяпманки, тақсир, – жавоб берди д'Артаньян, – тасодиф мени бир сирга аралаштириб қўйди...

– Уни сиз жонингизни қурбон қилган тақдирда ҳам ошкор этмайсиз, йигитча.

– Ҳа, аммо, мен сизни ундан воқиф этишим лозим, тақсир, зеро ҳазрат олиялари зиммамга юклаган вазифани адо этишда менга мадад бериш ёлғиз сизнинг қўлингиздан келади.

– Ўша сир – сизникими?

– Йўқ, тақсир. Бу сир ҳазрат олиялариники.

– Ўша сирни менга очишга ҳазрат олиялари изн берганми?

– Йўқ, тақсир, ҳатто, аксинча: менга уни қаттиқ кўриқлаш буюрилган.

– Нега энди уни менга ошкор қилмоқчи бўляпсиз?

– Чунки, айтганимдек, сизнинг ёрдамингизсиз ҳеч нима қилолмайман, агар нима сабабдан илтимос қилаётганимни билмасангиз, сўрамоқчи бўлган марҳаматни мендан дариг тутасизми деб кўрқаман.

– Сизга ишонилган сирни сақлаб қолинг, қани айтингчи, сиз нима истайсиз?

– Мен жаноб Дезессарадан икки ҳафталик жавоб олиб беришингизни истардим.

– Қачон?

– Шу бугунги тундан.

– Сиз Парижни тарк этиапсизми?

– Мен топшириқни адо этиш учун жўнаб кетяпман.

– Қаерга жўнаб кетаётганингизни маълум қилишингиз мумкинми?

– Лондонга.

– Манзилингизга етмаслигингиздан бирор кимса манфаатдорми?

– Назаримда, кардинал менга ҳалал бериш учун жамики кучини сарфлайди.

– Тагин сиз ёлғиз жўнаяпсизми?

– Мен ёлғиз жўнаяпман.

– У ҳолда сиз Бондидан нарига ўтолмайсиз, Треவில் сўзи билан кафил бўламан.

– Нега?

– Ёнингизга қотил юборишади.

– Мен бурчимни адо этишда жон бераман.

– Бироқ, топширигингиз бажарилмай қолаверади.

– Бу рост... – деди д'Артаньян.

– Гапимга ишонинг, – сўзида давом этди де Треவில் – бу хил иқдомга манзилга биттаси етиб бориши учун тўрт кишилашиб чиқмоқ лозим.

– Ҳа, сиз ҳақсиз, тақсир, – деди д'Артаньян, – аммо, сиз Атос, Портос ва Арамисларни танийсиз ва улар-

нинг ихтиёрида бўлиши мумкинлигидан ҳам хабарингиз бор.

– Мен билишни истамаган сирни уларга очмасданми?

– Биз бир-биримизга кўр-кўрона ишонишга ва бир-биримизга садоқатимизни мудом сақлашга узил-кесил қасам ичганмиз. Бундан ташқари, менга батамом ишонингизни айтишингиз мумкин, улар ҳам худди сиз сингари мендан кўнгли тўқ бўлади.

– Мен уларнинг ҳар бирига икки ҳафталик жавоб беришим мумкин: ҳалиям жароҳати безовта қилаётган Атосга – форж сувларига жўнаши учун; Портос ва Арамисга – ўз дўстларини оғир аҳволда ёлғиз ташлаб қўймай, ҳамроҳ бўлиб боришлари учун. Рухсат гувоҳномалари сафар менинг розилигим билан ўтказилаётганининг исботи бўлиб хизмат қилади.

– Ташаккур сизга, тақсир. Умрингиздан барака топинг.

– Дарҳол уларнинг ёнига боринг. Бугун тундаёқ йўлга чиқиш шарт... Ҳа, бироқ, сиз ҳозир жаноб Дезессаранинг номига илтимоснома ёзинг. Сизни аллақачон жосус изма-из таъқиб этаётгандир, у ҳолда, сизнинг ташрифингиз кардиналнинг қулоғига етган чоғда ҳам узрли бўлади.

Д’Артаньян илтимоснома ёзди, уни гасконлик йигитнинг қўлидан қабул қила туриб, де Тревиль камдеганда икки соат ўтгач, тўртала рухсат гувоҳнома ҳам сафар иштирокчиларнинг ҳар бири уйида бўлажагини унга маълум қилди.

– Малол келмаса, менинг гувоҳномамни Атоснинг уйига жўнатсангиз, – илтимос қилди д’Артаньян, – уйга қайтгач, бирор ноҳуш тасодифга йўлиқмасам, деб кўрқаман.

– Хавотирланманг. Хайр ва оқ йўл... Ҳа, сабр қилинг! – д’Артаньянни тўхтатиб, қичқирди де Тревиль.

Д’Артаньян қайтиб келди.

– Пулингиз борми?

Д'Артаньян чўнтагида турган танга тўла картмонни бармоғи билан чертиб қўйди.

– Етадими? – сўради де Тревиль.

Уч юз пистол.

– Жуда соз. Бу пул билан дунёнинг нариги бурчига етса бўлади.

Д'Артаньян ўзига қўлини узатган жаноб де Тревилга таъзим қилди. Гасконлик йигит бу қўлни эҳтиром ва миннатдорлик билан қисди. Ўзи Парижга келган кундан эътиборан ҳамиша ўктам, ҳалол ва валлапат бу ажойиб инсонни у мақтаб тўямасди.

Д'Артаньян дастлаб уйига бориб, учраган кишиси Арамис бўлди. Бонасе хонимни пойлаган ўша унутилмас оқшомдан бери у дўстиникига келмаган эди. Устига-устак, у сўнгги маҳаллар ёш мушкетёр билан ҳатто, кам учрашадиган бўлиб қолган, уни қўрган кезлар ҳам дўстининг юзида аллақандай чуқур дард изларини кўргандай бўларди.

Бу оқшом Арамис ҳам ҳали ётмаган, тунд ва ўйчан ўтирарди. Д'Артаньян унинг ғуссаси сабабларини суриштиришга уриниб кўрди. Арамис келаси ҳафтага ўзи лотин тилида ёзиши зарур, гўё, ўзини анча уринтирган Авлиё Августиннинг ўн саккизинчи бобига шарҳни баҳона қилиб қўя қолди.

Икки дўстининг суҳбати бир-икки дақиқа давом этган эдики, тўсатдан де Тревиль мулозимларидан бири пайдо бўлиб, Арамисга муҳрланган номани узатди.

– Бу нима? – сўради мушкетёр.

– Сиз илтимос қилган рухсатнома, – жавоб берди мулозим.

– Бироқ, мен ҳеч рухсат сўраган эмасман! – хитоб қилди Арамис.

– Индамай олаверинг, – шипшиди унга д'Артаньян, – мана сизга, меҳнатингиз эвазига, ярим пистол, дўстим, – мулозимга юзланиб қўшиб қўйди у. – Жаноб де Тревилга жаноб Арамис у кишига самимий ташақкур айтаётганини етказинг.

- Қуюқ таъзим қилиб, мулозим чиқиб кетди.
- Бу нима гап? – сўради Арамис.
- Сизга икки ҳафталик сафар учун зарур бўлиши мумкин ҳамма нарсангизни йиғиштиринг-у, орқамдан юринг.
- Бироқ, мен ҳозир Париждан кетолмайман, хабар топмасдан туриб...
- Арамис жимиб қолди.
- ...унга нима бўлганидан, тўғрими? – унинг гапини давом этди д'Артаньян.
- Кимга? – сўради Арамис.
- Шу ерга келган аёлга. Кашталиқ рўмолчаси бор аёлга.
- Бу ерга аёл киши келган деб сизга ким айтди? – ранги қув учиб, хитоб қилди Арамис.
- Мен уни кўрган эдим.
- Кимлигини ҳам биласизми?
- Фаҳмим етиб турибди, ҳар қалай.
- Қулоқ солинг, – деди Арамис. – Модомики, сиз шунча кўп ҳар хил нарсаларни биларкансиз, ўша аёлга нима бўлганидан хабарингиз бордир?
- У Турга қайтган деб ўйлайман.
- Тургами?.. Ҳа, эҳтимол. Сиз уни танийсиз. Бироқ, у менга лом-мим демай Турга қандай қилиб қайтдийкин?
- У ҳибсга олинишдан чўчиган.
- Нега менга ёзмаган?
- Бошингизга қулфат солишдан қўрққан.
- Д'Артаньян! Сиз менга жон киргизаётирсиз! – хитоб қилди Арамис. – Мендан нафратланишади, мени лақиллатишяпти, деб ўйлаб юрибман. Унинг мени деб ўз эркини тикаётганини тасаввур қилолмасдим, бироқ, гапнинг бошқа томони қандай сабаб уни Парижга қайтиб келишга мажбур қилдийкин?
- Ўша биз Лондонга кетаётган сабабнинг худди ўзи.
- У қандай сабаб экан? – сўради Арамис.

– Бир куни келиб у сизга аён бўлар, Арамис. Аммо, мен ақоидшуноснинг жиянини хотирга олиб, ҳозирча ортиқча гапдан ўзимни тияман.

Арамис ўзи бир вақтлар дўстларига айтиб берган чўпчакни эслаб, жилмайиб кўйди.

– На чора, у Париждан кетган бўлса, бунга ишончингиз комил бўлса, энди мени бу ерда ҳеч нима тутмайди, сиз билан жўнаб кетишга тайёрман. Сиз айтдингизки, биз...

– Аввало, Атосникига борамиз, агарда мен билан кетиш ниятингиз бўлса, шошилишни маслаҳат бераман, чунки, биз кўп вақтни бой бериб кўйдик. Ҳа, дарвоқе, Базенни огоҳлантириб қўйинг.

– Базен биз билан борадимиз?

– Эҳтимол. Ҳарҳолда у ҳам Атосникига келса, дуруст бўлади.

Арамис Базенни чақирди-да, унга ўзларининг кетидан Атосникига боришни буюрди.

– Шундай қилиб, кетдик, – ридо, қилични олиб ва камарига учта пистолетни қистириб қўйиб, деди Арамис. Тасодифан беркиниб қолган бирор тангани қидириб, у бир-иккита ғаладонни чиқариб, яна қайта суриб кўйди. Қидирувларнинг беҳудалигига ишонч ҳосил қилгач, ёш гвардиячи меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлган аёлнинг кимлигини қаердан билиши мумкин ва ўша аёл қайга ғойиб бўлганидан қандай қилиб яхшироқ хабардор бўлиши мумкин деган саволни ўз ўзига хаёлан берганича у д'Артаньяннинг изидан эшик томон йўналди.

Бўсағага етиб қолганда Арамис д'Артаньяннинг кифтига қўлини қўйди.

– Ўша аёл ҳақида ҳеч кимга гапирганингиз йўқмиди? – сўради у.

– Зинҳор ҳеч кимга.

– Атос билан Портос ҳам истисно эмас-а?

– Лом-мим деганим йўқ.

– Худога шукур.

Бу борада кўнгли тинчиб, Арамис д'Артаньян билан бирга йўлида давом этди. Ҳадемай, улар Атос истиқомат қилгувчи уйга етиб қолдилар.

Улар кириб борганда, Атос бир қўлида рухсатномани, бошқасида – жаноб де Тревилнинг мактубини ушлаб турган эди.

– Бу рухсатнома ва мактубнинг маъноси нималигини изоҳлаб беролмайсизми? – таажжубланиб сўради у.

«Азизим Атос, модомики, соғлигингиз учун жуда зарур экан, мен сизга икки ҳафталик жавоб беришга розиман. Форж сувларигами ёки бошқаларигами, ўз азму ихтиёрингизга кўра жўнаб кетаверишингиз мумкин. Тезроқ соғайинг.

*Сизга илтифот билан
Тревил».*

– Бу мактуб ва бу рухсатноманинг маъноси шуки, сиз мен билан юришингиз лозим, Атос.

– Форж сувларигами?

– У ерга ёки бўлак жойга.

– Қирол хизмати биланми?

– Қирол ва қиролича. Биз ҳазрат олийларининг хизматкорлари эмасмизки, ахир?

Айни шу нафас Портос пайдо бўлди.

– Минг лаънат! – кириб кела туриб хитоб қилди у. – Қачондан бери мушкетёрларга ўзлари сўрамаган жавоб берила бошлади?

– Буни улар учун сўраб қўядиган дўстлари пайдо бўлгандан бери.

– Аҳ-а... – чўзиб гапирди Портос. – Бу ерда аллақандай янгиликлар борга ўхшайди.

– Ҳа, биз жўнаб кетяпмиз, – жавоб берди Арамис.

– Қай ўлкаларга, – сўради Портос.

– Рости, тузук-қуруқ билмайман, – жавоб берди Атос.

– Д'Артаньяндан сўраб кўр.

– Биз Лондонга жўнаяпмиз, жаноблар, – деди д'Артаньян.

– Лондонга! – хитоб қилди Портос. – Лондонда биз нима қиламиз ўзи?

– Мана шунисини сизларга айтишга ҳаққим йўқ, жаноблар. Менга ишонишларингга тўғри келади.

– Бироқ, Лондонга саёҳат қилиш учун пул керак, – илова қилди Портос, – менда эса йўқ.

– Менда ҳам.

– Менда ҳам.

– Менда бор, – ўз хазинасини чўнтагидан чиқариб ҳамда уни столга ташлаб, деди д'Артаньян. – Бу халтада уч юз пистол бор. Ҳар қайсимиз ундан етмиш беш пистолдан олайлик – Лондонга бориб, қайтиш учун шу кифоя. Айтганча, хотирингиз жам бўлсин: Лондонгача биз ҳаммамиз етмаймиз.

– Нега энди?

– Чунки, биздан баъзиларимиз йўлда қолиб кетишимиз эҳтимолдан холи эмас.

– Бу нима деган гап ўзи – биз юриш бошляпмизми?

– Ҳаттоки, жудаям қалтисини, сизларни огоҳлантириб қўймоғим шарт.

– Азбаройи шифо! – хитоб қилди Портос. – Лекин, агар ҳалок бўлишимиз хавфи бўлса, мен лоақал билишни истардим, нима ҳаққи.

– Бундан таскин топармидинг? – сўради Атос.

– Эътироф қилишим керакки, – деди Арамис, – мен Портоснинг фикрига қўшиламан.

– Ахир қиролнинг бизга ҳисоб бериш одати бормиди? Йўқ. У шунчаки айтади: жаноблар Гасконда ёки Фландрияда уришмоқдалар – боринг, уришинг. Сиз ҳам кетаверасиз. Нима ҳаққи? Бу тўғрисида сиз бош қотириб ҳам ўтирмайсиз.

– Д'Артаньян ҳақ, – деди Атос, – мана, жаноб де Тревиль юборган учта рухсат гувоҳномамиз, мана, ким берганининг тайини йўқ уч юз пистол. Жўнатган жойга ўлгани кетаверамиз-да. Ҳаёт шунча кўп суриштиришга арзирмиди! Д'Артаньян, мен орқангдан юришга тайёрман.

– Мен ҳам! – деди Портос.

– Мен ҳам! – деди Арамис. – Дарвоқе, мен ҳозир Париждан жон деб кетаман. Мен бир оз ёзилишим лозим.

– Мириқиб яйрайсизлар, жаноблар, хотиржам бўлинг, – илова қилди д'Артаньян.

– Жуда соз. Қачон жўнаймиз? – сўради Атос.

– Ҳозироқ, – жавоб берди д'Артаньян, – ҳар дақиқа ганимат.

– Ҳой, Гримо, Планше, Мушкетон, Базен! – дея ҳар тўрталаси ўз қаролларини чақирдилар. – Ботфортларимизни мойлаб, отларимизни келтиринг.

У йиллар худди казармада сингари ҳар мушкетёрнинг ўз оти ва қаролининг отини асосий уйида тутиши расм бўлган эди. Планше, Гримо, Мушкетон ва Базен елиб-югуриб, соҳибларининг фармойишларини бажаришга отилдилар.

– Энди эса, – деди Портос, – ширкат режасини тузиб олайлик. Дастлаб, биз қай томонга йўл оламиз?

– Кале, – деди д'Артаньян. – Бу Лондонга энг қисқа йўл.

– У ҳолда, мана менинг фикрим... – сўз бошлади Портос.

– Гапир.

– Бирон ёққа бирга кетаётган тўрт киши шубҳа туғдириши мумкин. Д'Артаньян ҳар биримизга зарур дастурларни беради. Мен йўлни текшириш учун илгарироқ Булондан чиқаман. Атос икки соат ҳаял билан Амендан жўнайди. Арамис орқамиздан Нуаёнга қараб юради. Д'Артаньянга келсак, у истаган йўлдан кетиши мумкин, бироқ, Планшенинг либоси, Планше эса гвардиячи усти-бошида д'Артаньянни эслатиб, ортимиздан боради.

– Жаноблар, – деди Атос, – мен бундай ишда хизматкорларни сирдош қилмаслик керак, деб ҳисоблайман. Дворян киши тасодифан сирни очиб қўйиши мумкин, лекин, қарол қарийб ҳар вақт уни сотиб юборади.

– Портоснинг режаси менга нобоп бўлиб туюляпти, – деди д’Артаньян, – аввало, сизларга қандай дастурлар беришим зарурлигини мен ўзим ҳам билмайман. Мен бир мактубни олиб кетяпман. Бор гап шу. Мен бу мактубдан уч нусха кўчиरोлмайман, зеро, у муҳрланган. Шу сабабдан, назаримда, биргаликда силжишимиз лозим. Мактуб мана бу ерда, шу чўнтакда турибди. Мабодо мен ҳалок бўлсам, сизлардан бирингиз мактубни оласиз-да, йўлингизда давом этасиз. Мабодо, уни ўлдиришса, учинчи кишининг навбати етади ва ҳоказо. Бир киши етса, бас. Шуниси кифоя қилади.

– Баракалло, д’Артаньян! Мен ҳам худди сендек фикрдаман, – деди Атос. – Бунинг устига субутли бўлмоқ керак. Мен сувга кетяпман, сизлар менга ҳамроҳсиз. Форж сувларининг ўрнига мен денгизга жўнапман – ахир ихтиёр ўзимда-ку. Бизни тўхтатмоқчи бўлишади. Мен жаноб де Тревилнинг мактубини кўрса-таман. Сизлар эса – гувоҳномаларингизни. Бизга ҳужум қилишади. Биз ўзимизни мудофаа қиламиз. Бизни суд қилишади, бор қатъият билан денгизга бирикки шўнғимоқчи эдик, холос, деб таъкидлайверамиз. Якка-якка саёҳат қилаётган тўрт кишини уддалаш ҳеч гап эмас, ваҳоланки, ҳамжиҳат тўрт киши – бир отряддир. Биз тўртала хизматкорларимизни пистолет ва мушкетлар билан қуроллантириб қўямиз. Агар бизга қарши армия юборишса, биз жангни қабул қиламиз, – кимки, омон қолса, д’Артаньян айтмоқчи, мактубни элтиб топширади.

– Жуда соз, – деди Арамис, – сен Атос кам гапирасан-у, аммо лекин, тилга кирганингдан кейин Иоанн Златоусдан қолишмайсан. Мен Атоснинг режасини қабул қилдим. Сен-чи, Портос?

– Мен ҳам, – деди Портос, – агар д’Артаньян уни маъқулласа. Табиийки, мактубга мутасадди қилинган д’Артаньян иқдом сардори бўлади. У ҳал қилсин, биз унинг фармойишларини бажараверамиз.

– Гап бундай, – деди д’Артаньян, – мен қарор қилдим: биз Атоснинг режасини қабул қилиб, ярим соатдан кейин жўнаймиз.

– Маъқул! – уч мушкетёрнинг ҳаммаси жўр бўлиб гапирдилар.

Сўнгра уларнинг ҳар бири халтага қўл узатиб, етмиш беш пистолни олди-да, ярим соатдан кейин сафарга шай туриш учун тадорик кўра бошлади.

XX

Саёҳат

Тунги соат иккида тўрт саргузашт ишқибози Париждан Сен-Дени дарвозаси орқали чиқиб кетдилар. Чор-атроф зулматга чўмган, улар жимгина борардилар; ғайри ихтиёрий равишда қоронғилик уларга таъсир қилар – ҳар ёқда пистирмалар қўйилгандай туюларди.

Қуёшнинг илк тифлари уларни тилга киргизди, қуёш билан эса уларнинг одатий қувноқлиги ҳам қайтиб келди. Жанг арафасида сингари уларнинг қалблари қаттикроқ урар, кўзлари кулимсирарди. Видолашишлари эҳтимол ҳаётнинг жуда ҳам дуруст нарсалиги алланечук сезилиб турарди.

Дарвоқе, колоннанинг кўриниши ғоят салобатли эди: мушкетёрларнинг қора отлари, эскадронда одат қилиб олинган ва бу ўктам ўртоқларни бир маромда юришга мажбур этгувчи уларнинг қатъий рафтори – бу нарсаларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан ҳам энг махфий яширин ниятни фош этиб қўйиши мумкин эди.

Тўрт оғайниларнинг орқасида тиш-тирноғигача қуролланган хизматкорлар борардилар.

Дўстлар эрталабки соат саккизда Шантилияга етиб олгунча тинч бордилар. Нонушта қилиб олиш керак эди. Ёзув тахтасига гадойга ёрти ридосини бериб турган авлиё Мартин тасвирланган хароботнинг ёнида улар отларидан сакраб тушдилар. Сафарни ошиғич

давом этиш ниятида хизматкорларга отларнинг эгарларини ечмай, шай туриш буюрилди.

Оғайнилар умумий хонага кириб, столга ўтирдилар.

Боягина Даммартен йўлидан келган бир дворян ўша столнинг ўзида ўтириб, нонушта қилмоқда эди. У обҳаво мавзусида гап очди. Сайёҳларимиз жавоб бердилар. У буларнинг саломатлиги учун қадаҳ кўтарди. Булар унинг учун ичиб юбордилар.

Лекин Мушкетон отлар тайёр деб маълумот билан кириб, ёронлар столдан қўзғалганларида нотаниш киши Портосга кардинал саломатлиги учун қадаҳ кўтаришни таклиф этиб қолди. Портос агар нотаниш киши ўз навбатида қирол саломатлиги учун қадаҳ кўтарса, ўзи ҳам шундай қилишга тайёрлигини айтиб, жавоб қилди. Нотаниш киши падари бузруквордан ўзга қиролни танитайман, деб ҳайқирди. Портос уни бадмаст деб атади. Нотаниш киши қиличига ёпишди.

– Сиз хатога йўл қўйдингиз, – деди Атос. – Бироқ, иложимиз йўқ: энди чекиниб бўлмайди. Бу кишини ўлдиришда, мумкин қадар тезроқ бизга етиб олинг.

Кейин уч ошна отларига сакраб миниб, елдай учиб кетдилар, Портос бу орада рақибини қиличбозлик санъатида бор усуллар билан илма-тешик қилиб ташлашга унга қасамнамо ваъдалар бериб қолаверди.

– Шундай қилиб, бу биринчиси, – беш юз қадамча нарига етганларидан сўнг илова қилди Атос.

– Бироқ, нима сабабдан бу одам бизларнинг бошқа бировимизга эмас-у, айна Портосга ёпишиб олди? – сўради Арамис.

– Шу сабабданки, Портос ҳаммамиздан қаттиқроқ гаплашди, бу одам уни бошлиқ деб ўйлади.

– Мен ҳамини бу гасконлик йигит ақл-фаросатнинг кони деб юрганман, – ғўлдираб қўйди Атос.

Сайёҳлар яна йўлга равона бўлдилар.

Бовада улар отларни тин олдириш ва қисман Портосни кутиш мақсадида икки соат тўхтадилар. Икки соат ўтиб кетгач, Портосдан дарак бўлмагани, ундан

ном-нишон йўқлигини кўриб, улар жўнаб кетавердилар.

Бовадан бир чақирим нарида, йўл икки адирнинг орасида қисилган жойда, йўлнинг бу бўлаги фарш қилинмаганидан фойдаланиб, уни хўжа кўрсинга тутатгучи саккиз ёки ўн чоғлик киши уларга йўлиқди. Аслида, улар хандақлар кавлар ва чакса пой изларни ҳафсала билан ўймоқда эдилар.

Бу сунъий балчиқда ботфортларини булғашдан кўрқиб, Арамис уларга қўпол гапириб юборди. Атос уни тўхтатишга уринди-ю, лекин фурсат ўтган эди. Ишчилар сайёҳларни масхара қила бошладилар, уларнинг сурлиги, ҳатто, вазмин Атосни ҳам ўзини унутиб, уларнинг бирига қаратиб, тиккасига от солишга мажбур этди.

Шунда, бу одамларнинг ҳаммаси зовур томонга чекиниб, у ерда яширилган мушкетлар билан қуролланиб олдилар. Бизнинг етти саёҳатчимиз том маъноси билан саф орасидан ўтишга мажбур бўлиб қолдилар. Арамис ўқ билан кифтидан яраланди, Мушкетоннинг эса белидан пастроқда, сергўшт жойида ўқ ўтириб қолди. Лекин, ёлғиз Мушкетон одан тушиб қолди, холос: жароҳатини кўриш имкони бўлмаганидан уни аслидан оғирроқ деб ҳисоблади, шекилли.

– Бу пистирма, – деди д’Артаньян. – Ўқ отиб қаршилик қилмаймиз! Олға!

Арамис, гарчи, жароҳатланган бўлса-да, отининг ёлига ёпишганича бошқалар кетидан физиллаб кетди. Мушкетоннинг оти уларга етиб олди ва суворийсиз ўзининг сафдаги ўрнида турди.

– Бизнинг қўшимча отимиз бўлади, – деди Атос.

– Менга шляпа маъқулроқ эди, – жавоб берди д’Артаньян, – меникини ўқ учуриб кетди. Хайриятки, олиб кетаётган мактубим унга яширилмаган экан!

– Ҳаммаси шундай, – илова қилди Арамис, – бироқ, улар бечора Портосни ёнларидан ўтаётганида ўлдириб қўйишади.

– Портос оёқда турганда аллақачон бизга етиб олишга улгурган бўларди, – деди Атос. – Позицияга тургандан кейин майхўр ўзига келган деб ўйлайман.

Улар яна икки соат чамаси от қўйиб бордилар, гарчанд, отлари шундай қийналиб кетган эдики, ҳадемай улар ишдан чиқиб қолмаса, деб ҳадиксирашга тўғри келарди.

Сайёҳлар тўқнашувларга чап бериш осонроқ бўлади, деган умидда, сўқмоққа бурилдилар. Лекин, Крекверда Арамис ортиқ қимирлаёлмаслигини айтди. Дарҳақиқат, шу ергача келиш учун у ташқи назокат ва олифтагарчилиги замирида яшириб юрган бор матонати талаб этилган эди. Дақиқа сайин унинг ранги бадтарроқ оқарар, уни эгарда суяб боришга тўғри келарди. Уни бир хароботнинг кираверишида отдан тушириб, қуролли тўқнашувларда мадад тугул тушов бўлиб юрган Базенни ёнида қолдирдилар. Сўнгра Аменда тунаш ниятида яна жўнаб кетдилар.

– Шайтон! – гапирди Атос энди фақат икки соҳибу икки хизматкор – Гримо ва Планшедан иборат отряд яна йўлда елиб бораётганда. – Энди мен уларнинг қармоғига илиниб бўлибман. Шу ердан то Калегача улар оғзимни ҳам очишолмайди. Қасам ичаман...

– Қасам ичманг, – унинг сўзини бўлди д'Артаньян, – ундан кўра, отларимиз чидаса, тезроқ юрайлик.

Шундан кейин саёҳатчилар ўз отларининг буюрларига шпорларини санчдилар, бу уларга янги куч ва янги ғайрат қўшгандай бўлди.

Улар Аменгача етиб олиб, ярим кечада «Олтин Нилуфар» мусофирхонасининг олдида отдан тушдилар.

Мезбон оламдаги энг сермулозамат киши бўлиб туюларди. У мусофирларни бир қўлида шамдон, бошқасида тунги қалпоғини тутган ҳолда қарши олди. У икки меҳмоннинг ҳар бирига айрим, биттадан ажойиб хона ажратиш ниятини билдирди. Таассуфки, бу хоналар меҳмонхонанинг қарама-қарши чеккаларида экан. Д'Артаньян билан Атос рад этдилар. Хўжайин

ўзида уларнинг лутфи-карамига арзигулик бўлак бош-пана йўқлигини айтиб, жавоб қилди. Лекин, сайёҳлар тунни умумий хонада, ерга ёзиш мумкин тўшакларда ўтказамиз деб жавоб бердилар. Хўжайин гапида туриб олишга уриниб кўрди – сайёҳлар бўш келмадилар. Уларнинг истакларига бўйсунушга тўғри келди.

Улар кўрпаларини тўшаб, эшикни беркитиб ҳам улгурмай ҳовли томондан дарча тақиллаб қолди. Улар бу ким деб сўраб, хизматкорларининг овозларини танидилар-да, деразани очдилар.

Бу ҳақиқатан ҳам Планше билан Гримо эди.

– Отларни кўриқлаш учун ёлғиз Гримо етиб ортади, – деди Планше, – агар жаноблар ижозат берсалар, мен шу ерда эшикни тўсиб ётаман. Шу зайл жаноблар ёнларига ҳеч ким ўтолмаслигига амин бўлишлари мумкин.

– Нимада ётасан ўзи? – сўради д'Артаньян.

– Мана менинг кўрпа-тўшагим, – бир қучоқ похолни кўрсатиб жавоб берди Планше.

– Гапинг тўғри, бу ёққа кел, – деди д'Артаньян. – Хўжайиннинг башараси менга ҳам хуш келмай турибди: жудаям чучмал.

– Менга ҳам манзур эмас, – қўшиб қўйди Атос.

Планше деразадан ошиб, эшикни тўсиб ётиб олди. Гримо эртанги саҳар соат бешда тўртала от ҳам шай туражагини ваъда қилиб, ухлагани отхонага жўнади.

Тун анча тинч ўтди. Рост, соат икки атрофида аллаким эшикни очишга уриниб кўрди, лекин, Планше уйғониб кетиб: «Ким келяпти» – деб бақариб берди. Унга эшикни чалкаштириб юборибмиз, деб жавоб бердилар.

Саҳар соат тўртда отхонадан тўс-тўполон эшитилиб қолди. Маълум бўлишича, Гримо отбоқарларни уйғотмоқчи бўлганда отбоқарлар унга ёпирилиб, дўппослабдилар. Деразани очиб, дўстлар ҳовлида шўрлик Гримонинг беҳуш ётганини кўрдилар. Унинг боши паншаха дастаси билан ёрилган эди.

Планше отларни эгарлаш мақсадида ҳовлига тушди. Лекин отларнинг оёқлари шикастланган эди. Ёлғиз Мушкетоннинг беш ё олти соат суворийсиз чопган отигина йўлни давом эттирса бўларди, лекин, гўё чақиртирилган ўтарчи мубҳам янглишга кўра хўжайин отларидан бирининг ўрнига Мушкетоннинг отидан қон олган эди.

Вазият хавотир уйғота бошлаган: пешма-пеш келаятган бу фалокатларнинг ҳаммаси тасодиф бўлиши мумкин, бироқ, худди шундай эҳтимол фитна натижаси ҳам бўлиши мумкин эди. Атос билан д'Артаньян кўчага чиқдилар, Планше эса шу атрофдан уч от харид қилишнинг иложи бор-йўқлигини суриштириб кўргани кетди. Харобот эшиги олдида эгарланган ва жиловланган тетик, бақувват от турар эди. Бу ҳожатдаги нарсанинг худди ўзи эди. Планше отларнинг эгаларини суриштирди. Унга эгалари шу ерда, меҳмонхонада тунаган ва ҳозир харобот эгаси билан ҳисобкитоб қилмоқда, деган жавобни қилдилар.

Атос бошпана ҳақини тўлагани пастга тушди, д'Артаньян ва Планше эса кираверишда қолдилар.

Харобот эгаси уйнинг ичкарасида жойлашган паст шифтлик хонада эди. Атосни ўша ерга ўтишини таклиф этдилар.

Кўнглида ҳеч гап йўқ, хонага кириб борар экан, Атос икки пистол чиқариб, уларни хўжайинга узатди. Харобот эгаси ғаладонларидан бири чиқариб қўйилган баланд ёзув столининг олдида ўтирарди. У тангаларни олди, қўлларида айлантириб туриб, бирдан тангалар сохта-ю, дарҳол Атос билан унинг шерикларини қалбаки пул ясовчилар сифатида ҳибсга олишни буюражагини айтиб, бақира бошлади.

– Аблаҳ! – унга тажовуз қилиб, ҳайқирди Атос. – Мен сенинг қулоғингни қирқиб оламан!

Худди шу нафас тиш-тирноғигача қуролланган тўрт эркак ён эшиқдан бостириб кириб, Атосга ташландилар.

– Мен қопқондаман! – жони борича қичқирди Атос.
– Отингни чоптир, д’Артаньян! Шиға! – кейин у пистолетидан икки карра ўқ узди.

Д’Артаньян билан Планше ўзларини қистатиб ўтирмадилар. Кираверишда тайёр турган отларни ечиб, уларга сакраб миндилар-да, шпорларини санчиб, йўлдан тарақлатиб елиб кетдилар.

– Атосга нима бўлганини кўрмадингми? – сўради д’Артаньян Планшедан.

– Оҳ, тақсир, – деди Планше, – ҳужум қилгувчиларнинг иккитасини икки ўқ билан узала туширганини кўриб қолдим, эшик ойналаридан қолганлари билан чопишаётгандай кўринди менга.

– Қандингни ур, Атос! – шивирлади д’Артаньян. – Уни ташлаб кетишга тўғри келганини қаранг-а! Дарвоқе, бизни ҳам бир неча қадам нарида худди шундай қисмат кутаётгандир, эҳтимол. Олға, Планше, олға! Сен дуруст йигитсан.

– Мен айтдим-ку сизга, тақсир, – жавоб берди Планше, – пикардиялик кишини фақат бора-бора билса бўлади. Бунинг устига бу ерлар туғилган жойларим, бу менга далда беряпти.

Шундан кейин икковлон, отларига бадтарроқ шифов бериб, тин олмай, Сент-Омерагача от қўйиб бордилар. Сент-Омерада улар отларига дам бердилар-у, янги тасодифлардан чўчиб, отнинг тизгинини бўшатмадилар ва шу ернинг ўзида, кўчада наридан бери тамадди қилиб олгач, нарига елиб кетдилар.

Кале дарвозасидан юз қадам берида д’Артаньяннинг оти гуппа йиқилди, уни туришга мажбур этишнинг иложи йўқ эди! Унинг бурун катакляри-ю, кўзларидан тирқираб қон оқмоқда эди. Энди Планшенинг оти қолган бўлиб, уни ҳам ўрнидан кўзғаб бўлмасди.

Хайриятки, айтганимиздек, улар шаҳардан атиги юз қадам берида турардилар, холос. Отларни қатнов йўлда қолдириб, улар югуриб кўрфаз тарафга кетдилар. Планше д’Артаньяннинг диққатини афтидан хиз-

маткори билан ҳозиргина етиб келган ва бор-йўғи эллик қадамгагина ўзиб, худди ўша тарафга кетаётган аллақандай дворянга жалб қилди.

Улар кўринишидан қайгадир интиқиб кетаётган ўша одамга етиб олишга ошиқдилар. Унинг ботфортлари роса чангга ботган, у ҳам ошиғич, Англияга ўтиш иложи бор-йўқлигини суриштириб юрарди.

– Бундан осон нарса йўқ, – деб жавоб берди сузиб кетишга шай кемалардан бирининг эгаси, – бироқ, бугун эрталаб кардиналнинг махсус рухсатномасиз ҳеч кимни чиқармаслик тўғрисида фармойиш келган.

– Менда бундай рухсатнома бор, – чўнтагидан қоғоз чиқара туриб, деди дворян. – Мана у.

– Унга порт бошлиғи белги қўйиб берсин, – деди кема эгаси, – кейин меникидан бўлак шхунани қидириб юрманг.

– Бошлиқни қаердан топаман?

– У ўзининг шаҳар хорижидаги уйида.

– У уй қаерда?..

– Ораси шаҳардан чорак чақирим келади. У мана шу ердан кўриниб турибди, ҳув анави адирнинг этагида.

– Яхши, – деди мусофир.

Кейин у қаролини эргаштириб, порт бошлиғининг уйи томон йўналди.

Беш юз қадам олдинга ўтказиб юбориб, д'Артаньян билан Планше уларнинг кетидан юрдилар.

Шаҳар чизигидан чиқиб олиб, д'Артаньян қадами ни жадаллатди ва кичик бир чакалакнинг чеккасида мусофир-дворянга етиб олди.

– Тақсир, – сўз бошлади д'Артаньян, – сиз жуда шошилаётган кўринасиз.

– Жуда шошяпман, тақсир.

– Мен бағоят таассуф қиламан, – гапини давом эттирди д'Артаньян, – аммо, мен ҳам жуда шошиб турганим важҳидан бир яхшилик қилишингизни ўтинмоқчи эдим.

- Хўш, қандай?
- Мени олдинга ўтказиб юборишингизни илтимос қилмоқчи эдим.
- Иложи йўқ, тақсир, – дея жавоб берди дворян, – мен олтмиш чақирим йўлни қирқ тўрт соатда босиб ўтдим ва эртага пешинда Лондонда бўлмоғим зарур.
- Мен худди ўша масофани қирқ соатда босиб ўтдим ва эрталаб соат ўнда Лондонда бўлмоғим зарур.
- Бисёр ачинаман, тақсир, бироқ, мен биринчи келдим, иккинчи бўлиб ўтмайман.
- Бисёр ачинаман, тақсир, аммо мен иккинчи келдим, биринчи бўлиб ўтаман.
- Қиролнинг амри билан! – қичқирди дворян.
- Ўз ихтиёрим билан! – деди д'Артаньян.
- Сиз жанжал чиқармоқчисиз, шекилли?
- Бўлмасам-чи?
- Сиз нима истайсиз?
- Билмоқчимисиз?
- Албатта.
- Гап бундай: менга ўта зарур бўлган ўзимда йўғу сизда бор фармон керак.
- Ҳазиллашяпсизми дейман?
- Мен сира ҳазиллашмайман.
- Мени ўтказиб юборинг!
- Сиз ўтмайсиз!
- Жасур йигитчам, бошингизни пачақлаб ташлайман. Любен, пистолетларни бер!
- Планше, – деди д'Артаньян, – хизматкорнинг таъзирини бериб қўй, мен соҳибини бир ёқли қиламан.
- Дастлабки жасоратларидан кейин анча юрагини тўтиб олган Планше Любенга ташланди ҳамда ўзининг кучи ва чаққонлиги туфайли уни чалқанча йиқитиб, тиззаларини кўксига тиради.
- Ишингизни қилаверинг, тақсир, – бақирди Планше, – мен ўзимникени тугатдим!
- Буни кўриб, дворян қиличини суғурди-да, д'Артаньянга отилди. Лекин у кучли рақибга йўлиққан эди.

Уч сония ичида ҳар зарб берганда:

– Мана буниси Атос учун! Мана буниси Портос учун!
Мана буниси Арамис учун! – дея жовраганича д’Артаньян уни уч марта жароҳатлаб қўйди.

Учинчи зарбдан кейин мусофир гуп этиб қулади.

Уни ўлган ёки лоақал беҳуш деб хаёл қилиб д’Артаньян фармонни олмоқ ниятида унга яқинлашди. Лекин, тинтиб кўрмоқ учун қўл чўзганида қиличини қўлдан чиқармаган ярадор учини унинг кўксига санчиб олди.

– Мана буниси шахсан ўзингизга! – деди у.

– Буниси эса мен учун! Сўнггиси газাগига! – қоринга урилган тўртинчи зарб билан уни ерга парчин қилиб, қутуриб бўкирди д’Артаньян.

Бу гал дворян кўзларини юнди-ю, ҳушидан кетди.

Жўнаш рухсатномасини мусофир яшириб қўйган чўнтакни пайпаслаб кўриб, д’Артаньян уни олди. Рухсатнома граф де Вард номига ёзилган эди.

Ўзи бу ерда беҳуш, эҳтимолки, жонсиз бир аҳволда ташлаб кетаётган, ёши йигирма бешлардан ошгани даргумон гўзал йигитга сўнгги бор кўз ташлаб, д’Артаньян ўзларига мутлақо бегона, уларнинг мавжудлиги ҳақида кўпинча, ҳатто тасаввурга ҳам эга бўлмаган учинчи шахслар манфаати ҳақи одамларнинг бир-бирларини нобуд қилишини тақозо этгувчи тақдирнинг галати ўйини ҳақидаги андишадан хўрсиниб қўйди.

Лекин, ҳаял ўтмай, нажот сўраб, жонининг борича додлаётган Любен уни бу фикрларидан чалғитиб юборди.

Планше уни бўғзидан тутиб, кучининг борича эзди.

– Тақсир, – деди у, – мана шундай ушлаб тураверсам, у индамайди. Аммо, қўйиб юборсам, бас, у яна додлайди. Мен уни нормандлик эканини билдим, нормандликлар ўзи шунақа саркаш бўлишади.

Зотан, Планше нечоғлик қаттиқ бўғмасин, Любен ҳалиям аллақандай товушлар чиқаришга уринарди.

– Сабр қил, – деди д’Артаньян.

Кейин у рўмолчасини чиқариб, саркашнинг оғзига тиқиб қўйди.

– Энди бўлса, – таклиф этди Планше, – уни дарахтга боғлаб қўяйлик.

Улар буни ғоятда ҳафсала билан бажардилар. Сўнгра граф де Вардни хизматкори ёнига яқинроқ суриб қўйдилар.

Қош қорая бошлаган эди. Ярадор билан унинг қўлоёғи чирмаб ташланган хизматкори йўлдан четда, чакалакда бўлиб, уларнинг саҳаргача шу ерда қолиб кетишлари равшан эди.

– Энди бўлса, – деди д’Артаньян, – порт бошлиғи ҳузурига.

– Аммо, сиз жароҳатланибсиз, шекилли, – илова қилди Планше.

– Ҳечқиси йўқ! Энг қисталанг нарса билан андармон бўлайлик, жароҳатимга кейин қайтармиз: айтганча, у менимча хавфли эмас.

Шундан кейин улар муҳтарам амалдор уйи сари жадал юриб кетдилар.

Унга граф де Варднинг келганини хабар қилдилар. Д’Артаньянни кабинетга олиб кирдилар.

– Кардинал имзо чеккан рухсатномангиз борми? – сўради бошлиқ.

– Ҳа, тақсир, – жавоб берди д’Артаньян, – мана у.

– Ҳўш, у жойида. Ҳатто, сизга кўмаклашиш хусусида фармойиш бор.

– Жуда табиий, – деди д’Артаньян, – мен падари бузрукворнинг муқаррибларидан бириман.

– Падари бузруквор афтидан аллакимнинг Англияга ўтишига тўсқинлик қилмоқчи.

– Ҳа, Лондонга ўтмоқчи бўлиб, Париждан уч ошнасини ҳамроҳ қилиб жўнаган бир д’Артаньян деган беарнлик дворянга.

– Уни танийсизми?

– Кимни?

– Ўша д’Артаньянни.

- Жуда яхши танийман.
- Унинг ҳамма нишонларини айтиб беринг.
- Бундан осон нарса йўқ.

Д'Артаньян граф де Варднинг тасвирини майда-чуй-дасигача қоралаб берди.

- Унга ким ҳамроҳ?
- Любен исмли қарол.

– Уларни пойлаб топамиз, борди-ю, қўлга туширсак, падари бузрукворнинг кўнгли тўқ бўлиши мумкин: уни тегишли соқчилар билан Парижга жўнатиб юборамиз.

– Ҳамда бу билан, – деди д'Артаньян, – сиз кардиналнинг илтифотига муяссар бўласиз.

– Қайтганингиздан кейин сиз у кишини кўрасизми, граф?

– Шак-шубҳасиз.

– Марҳамат қилиб, у кишига айтиб қўйсангиз, мен унинг содиқ хизматкори бўламан.

– Албатта айтиб қўяман.

Бу ваъдадан хурсанд бўлиб, порт бошлиғи белги қўйиб, рухсатномасини д'Артаньянга қайтариб берди.

Д'Артаньян ортиқча мулозаматга вақтни исроф қилиб ўтирмади. Порт бошлиғига таъзим қилиб ва ташаккур айтиб, у йироқлашди.

Йўлга чиқиб олгач, у ҳам, Планше ҳам қадамани тезлатдилар ва ўрмон теварагидаги йўлдан айланиб ўтиб, шаҳарга бошқа дарвозадан кириб бордилар.

Шхуна аввалгидек, сузиб кетишга шай ҳолда турарди. Эгаси соҳилда кутмоқда эди.

– Ишлар қалай? – д'Артаньянга кўзи тушиб, сўради у.

– Мана менинг ҳужжатим, порт бошлиғи имзо чеккан.

– Бошқа жаноб-чи?

– У бугун кетмайди, – маълум қилди д'Артаньян. – Аммо, хавотирланманг, мен йўл кирасини иккимиз учун ҳам тўлайман.

– Унда – жўнадик! – деди хўжайин.

– Жўнадик! – такрорлади д'Артаньян.

У билан Планше сакраб қайиққа чиқиб олдилар. Беш дақиқадан кейин улар кемада ҳозир бўлдилар.

Айни мавриди эди. Д'Артаньяннинг соҳилдаги портлашга кўзи тушиб, сўнгра эса, гумбирлаган залп товуш ҳам келганда, улар соҳилдан ярим чақирим нарида эдилар.

Бу портнинг ёпилганидан дарак бергувчи тўп садоси эди.

Энди жароҳат билан машғул бўлиш пайти келган эди. Бахтига, худди д'Артаньян гумон қилганидек, у унчалик хавфли эмас эди. Қиличнинг учи қабурғага тегиб, суякдан бир сирпаниб ўтган эди. Кўйлак ўша замон жароҳатга ёпишиб қолиб, жами бир-икки қатра қон тўкилган эди, холос.

Д'Артаньян дармони қуриб, сулайиб қолган эди. Унга палубага қалин тўшак солиб бердилар, у ўзини ўринга ташлади-ю, уйқуга кетди.

Эртаси куни тонгда улар аллақачон Англия соҳилларидан уч ёки тўрт чақирим берида эдилар. Тун бўйи сушт шамол эсган, кема жуда имиллаб ҳаракат қилган эди.

Соат ўнда кема Лувр портида лангар ташлади.

Соат ўн яримда д'Артаньян Англия тупроғига оёқ қўйди-ю, қичқириб юборди:

– Ахири мақсадимга етдим-а!

Лекин, бу ҳали кам: ҳали Лондонга етмоқ лозим эди.

Англияда почта жуда яхши йўлга қўйилганди. Д'Артаньян билан Планшенинг ҳар қайсиси ўзига биттадан от олди. Почтачи олдинда от қўйиб борди. Тўрт соатда улар пойтахт дарвозасига етдилар.

Д'Артаньян Лондонни билмас, бирор инглизча сўздан хабари йўқ эди, лекин, у бир парча қоғозга герсог Бэкингемнинг номини ёзиб берган замон унга дарров герсог саройини кўрсатиб бердилар.

Герсог қирол билан бирга шикорда, Виндзорда эди.

Д'Артаньян барча саёҳатларда соҳибига ҳамроҳ бўлиб юргувчи ва французчани аёло билгувчи герсогнинг ишончли маҳрамини чақиртирди. Гасконлик йигит ҳозиргина ғоят муҳим иш юзасидан Париждан етиб келгани ва герсог билан сўзлашиши зарурлигини унга уқтирди.

Д'Артаньян гапларидаги ишонч Патрикни – министр мулозимининг номи шундай эди – қаноатлантирди. У икки отни эгарлашни буюрди ва ёш гвардиячини қузатишга ўзи бел боғлади. Планшега келсак, отдан туширишганда у карахт бўлиб қолган ва чарчоқдан чалажон кўринарди. Д'Артаньян метин мавжудот эди гўё.

Виндзор қасрига етиб келгач, улар герсогни йўқладилар. Қирол билан герсог Бэкингем шу ердан икки-уч чақирим нарида қайсидир бир ботқоқликда лочин ови билан машғул эдилар.

Йигирма дақиқа деганда д'Артаньян билан ҳамроҳи от чоптириб, кўрсатилган жойга етдилар. Ҳаял ўтмай, Патрик лочинини чақираётган герсогнинг овозини эшитди.

– Милорд, герсогга ким тўғрисида хабар қилишни буюрасиз? – сўради Патрик.

– Айтингизки, Самарит аёл ҳайкали қаршисида, Янги кўприқда у киши билан жанжал қўзиган йигит.

– Ғалати тавсиянома.

– Унинг ҳар қандай бошқасидан афзаллигини кўрасиз.

Патрик отини чоптириб кетди, герсогга етиб, биз зикр этган ибораларда уни чопар қутаётганини хабар қилди.

Герсог бирдан гап д'Артаньян ҳақида бораётганини тушунди-ю, Францияда, эҳтимол, ўзига хабар қилишни лозим кўришган бир гап содир бўлганини фаҳмлаб, янги ахборотларни келтирган киши қани, деб сўради, холос. Гвардия усти-бошини йироқдан

таниб, у отини чоптириб, тиккасига д'Артаньян томонга елди.

– Қироличанинг бошига қулфат тушмадими? – хитоб қилди герсог. Бу нидосидан унинг бутун меҳру муҳаббати аён бўлди.

– Йўқ, деб ўйлайман, аммо жуда катта хатар унга таҳдид солмоқда, ёлғиз сизнинг лутфи-карамингиз унинг жонига аро кириши мумкин.

– Мени-я? – хитоб қилди герсог. – Ажабо, менинг бирор нафим тегиш бахтига муяссар бўламанми? Гапиринг! Тезроқ гапиринг!

– Мана мактуб, – деди д'Артаньян.

– Мактуб? Кимдан?

– Ҳазрат олияларидан бўлса керак.

– Ҳазрат олиялариданми? – герсог чунон ранги ўчиб сўрадики, д'Артаньян унинг кўнгли беҳузур бўлди деган хаёлга борди.

Герсог конвертни очди.

– Бу нима? – мактубдаги паррон тешикни кўрсатиб сўради у д'Артаньяндан.

– Уҳ, – деди д'Артаньян, – мен пайқамабман ҳам. Граф де Варднинг қиличи кўксимга санчилганда тешиб қўйган бўлса керак.

– Сиз шикастландингизми? – мактубни оча туриб сўради герсог.

– Ҳечқиси йўқ, – деди д'Артаньян, – тирналиб кетди.

– О, фалак! Нималарни биляпман! – нидо қилди герсог. – Патрик, шу ерда қолинг... йўқ, ундан кўра қиролга, у қаерда бўлмасин етгин ва мени авф этишларини эҳтиром билан ўтинишимни ҳазрат олийларига етказ, мени ғоят муҳим бир иш Лондонга чорлаётир. Кетдик, тақсир, кетдик!

Кейин иккаласи пойтахт сари елиб кетдилар.

XXI

Графиня Винтер

Йўл-йўлакай герсог д'Артаньянни гапга солиб, рўй берган нарсаларнинг ҳаммасини бўлмаса-да, ҳар қалай д'Артаньян воқиф бўлганларини билиб олди. Йигитдан эшитганларини ўзининг хотиралари билан қиёслаб кўриб, вазиятнинг жиддийлиги борасида герсог унча-мунча аниқ тасаввур ҳосил қилиши мумкин, дарвоқе буни жуда ихчам ва мужмаллиги ҳолда қиролчанинг мактуби ҳам кўрсатиб турарди. Лекин, бу йигитнинг инглиз соҳилига қадам қўймаслиги ўзи учун ниҳоятда аҳамиятли бўлган кардиналнинг барибир унинг йўлини тўсолмагани герсогни айниқса пол қолдирди. Герсогнинг таажжубига жавобан, д'Артаньян ўзи кўрган эҳтиёт чоралари ва яраланган, қонга беланган ҳолда йўлларда ташлаб кетишга мажбур бўлган уч дўстининг фидокорлиги туфайли ўзи қиролчанинг мактубини йиртган қилич зарби билан, эвазига граф де Вард бошлаб таъзирини еган зарб билан, қутулиб кетганларини сўзлаб берди. Бу гапларнинг ҳаммасини ғоят камтаринлик билан сўзлаб берган д'Артаньянни тингларкан, герсог ёши йигирмага етгани даргумон бир ўспириннинг қиёфасида шу қадар тадбиркорлик, шу қадар жасорат ва фидойилик мужассамланиши мумкинлигига гўё иштибоҳ қилгандай аҳён-аҳёнда йигитга кўз қирини ташлаб кўярди.

Отлар куюндай учиб борарди, улар бир неча дақиқада Лондон дарвозасига етиб қолдилар. Д'Артаньян шаҳарга киргандан кейин герсогнинг шаҳти пасаяди деб ўйлаган эди, лекин, у аввалгидай шиддатли тарақатуруқ билан, ўзи қўлатаётган ҳардамхаёл йўловчиларга кам парво қилиб елиб кетаверди. Ички шаҳардан ўтишда бир неча марта шундай ҳол рўй берди, лекин ўзи уриб йиқитганларнинг аҳволига Бэкингем, ҳатто қиё боқиб қўймади. Д'Артаньян орқада қолмай борар-

ди, гарчи, теварак-атрофдан жуда ҳам қарғишга ўхшаш фарёдлар ёғилмоқда эди.

Ўз дарборига кириб боргач, герсог сакраб отдан тушди ва ортиқ у тўғрида қайғурмай, тизгинни ташлаб, шоша-пиша пешайвонга югуриб чиқди. Д'Артаньян фазилатларига тан бериб улгурган асл ҳайвонлар учун ҳарна хавотирланган ҳолда унга эргашди. Хайриятки, ошхона ва таблалардан чопиб чиқиб, отларга ташланган ва уларни етаклаб кетган уч ё тўрт чоғлик қаролларга кўзи тушиб қолди.

Герсог шу қадар тез юрардики, д'Артаньян унга аранг етиб борарди. У Франциянинг энг кибор, манман деган аслзодалари хаёл ҳам қилолмайдиган зийнат билан жиҳозланган бир-иккита меҳмонхоналардан ўтиб, дид ва давлатнинг дурдонаси бўлмиш ётоқхонага кирди. Тўрда девор сирмаси билан нимпана эшик кўзга ташланарди. Герсог уни бўйнида олтин занжирда осиб юргувчи олтин калит билан очди.

Д'Артаньян ийманиб, нарироқда қолди, лекин, табаррук хонанинг бусағасида герсог ёш гвардиячига ўгирилиб қараб, унинг тараддудланиб қолганини пайқади-да, деди:

– Юринг, башарти ҳазрат олиялари ҳузурида бўлиш бахти сизга насиб қилса, кўрганларингизнинг ҳаммасини сўзлаб берурсиз.

Бу таклифдан дадилланиб, д'Артаньян герсогнинг изидан юрди, уларнинг ортидан эшик ёпилди.

Улар зар тикилган эрон шоҳиси билан сирилган, саноқсиз шамлардан чароғон мўъжаз хонақоҳга кириб қолдилар.

Оқ ва алвон патлар билан ясоғлик мовий бахмал соябон остида аллақандай меҳроб мисол нарса устида Анна Австрийскаянинг бор бўйи билан тушган портрети турган бўлиб, у аслига бирам яқин эдики, д'Артаньян бехос қичқириб юбораёзди: қиролича гапириб юборадигандай туюларди.

Меҳробда, портретнинг остгинасида олмос шокилалар сақлангувчи қутича турарди.

Герсог меҳробга яқинлашди-да, Исонинг ҳочи қаршисида турган руҳоний сингари тиз чўкди. Сўнгра қутичани очди.

– Олинг, – олмослари ёниб турган ҳаво ранг бантни қўлга олиб деди у. – Мана улар – ўша бебаҳо шокилалар. Мен шулар билан қабрга кираман деб қасам ичиб қўйган эдим. Уларни менга қиролича берган эди – уларни ўзи қайтариб олаётир. Илоё умрбод ҳамма нарсада, худди олло таолло сингари изму ихтиёр ўшанда бўлсин.

Шундай дея у ўзининг кўлидан ўтаётган шокилаларни бирин-сирин ўпа бошлади.

Тўсатдан қўрқинчли нола унинг кўксидан отилиб чиқди.

– Нима бўлди? – хавотирланиб сўради д'Артаньян.
– Сизга нима бўлди, милорд?

– Ҳаммаси барбод бўлди! – ранги қув ўчиб, нидо қилди герсог. – Шокилаларнинг икки донаси камайиб қолипти. Ўнта қолипти.

– Милорд уларни йўқотиб қўйдиларми ёки ўғирланган, деб гумон қиляптиларми?

– Мендан уларни ўғирлаганлар, бу ўғирлик – кардиналнинг найранги. Қаранг – уларни тутиб турган ленталар қайчи билан қирқилган.

– Бу ўғирликни ким қилганини милорд тахмин қилолганларида эди... Эҳтимол, шокилалар ҳали ўша шахснинг кўлидадир.

– Шошманг! Шошманг! – хитоб қилди герсог. – Мен уларни бор-йўғи бир марта таққанман, бунга бир ҳафта бўлди, қирол базмида, Виндзорда. Унгача мен билан аразлашиб юрган графиня Винтер ошкора кўнглимни овлаб қолган эди. Бу яраш кунчи аёлнинг ўчи эди, холос. Ўша кундан бери у ортиқ кўзимга чалинмади. Бу аёл – кардиналнинг жосуси.

– Наҳотки, бу жосуслар бутун дунёга сочилган бўлса? – сўради д'Артаньян.

– Э, ҳа, ҳа! – ғазабдан тишларини қисиб гапирди герсог. – Ҳа, бу даҳшатли рақиб. Бироқ, базм қай кунга тайин этилган.

– Келаси душанбага.

– Келаси душанбага! Яна беш кун, вақт етиб ортади... Патрик! – дея хонақоҳнинг эшигини қия очиб, қичқирди герсог.

Бўсағада герсогнинг маҳрами пайдо бўлди.

– Заргарим билан котибимни чақиринг!

Маҳрам оғиз очмай шундай тез чиқиб кетдики, бу унинг кўр-кўрона ва сўзсиз итоатини фош қилиб қўйган эди.

Бироқ, гарчи, дастлаб заргар айтилган бўлса-да, котиб илгарироқ етиб келишга улгурди. Бу жуда табиий ҳол эди. Чунки, у шу уйнинг ўзида истиқомат қилгувчи эди. У Бэкингемнинг ётоқхонада, стол ёнида ўтиргани устига келди: герсог кўз қўли билан аллақандай фармойишларни битмоқда эди.

– Жаноб Джексон, – кириб келган кишига мурожаат этди герсог, – сиз шу тобда лорд-канцлер ҳузурига жўнайсиз ҳамда бу фармойишлар ижросини шахсан у кишига юклаганимни айтасиз. Мен уларнинг ошиғич эълон қилинишини иштайман.

– Бироқ, зоти олийлари, – ёзилган нарсаларга тез кўз югуртиб чиқиб, илова қилди котиб, – лорд-канцлер бундай фавқуллодда чораларнинг боиси нима деб сўраб қолса, қандай жавоб қилайин.

– Менинг истагим шундай, ҳаракатларим борасида ҳеч кимга ҳисоб бериш шарт эмаслигини жавоб қиласиз.

– Мабодо ҳазрат олийлари ҳозирдан эътиборан кемалар Великобритания портларини тарк этолмаслигининг боисини билишни тасодифан ихтиёр қилиб қолсалар лорд-канцлер шу жавобни айтиши керакми? – жилмайиб сўради котиб.

– Сиз ҳақсиз, тақсир, – жавоб берди Бэкингем. – Лорд-канцлер қиролга айтсинки, мен Францияга уруш

эълон қилишга қарор қилдим ва бу тадбир – менинг Францияга қарши биринчи душманлик ҳаракатим.

Котиб таъзим қилиб, чиқиб кетди.

– Бу жиҳатдан кўнглимизни тўқ қилишимиз мумкин, – д'Артаньянга ўгирилиб деди герсог, – башарти, шокилалар ҳали Францияга жўнатилмаган бўлса, улар фақат сиз қайтиб борганингиздан кейин у ерга етади.

– Қандай қилиб?

– Мен боягина ҳазрат олийларининг портларида ҳозир турган кемаларнинг денгизга чиқишини қатағон қилдим, махсус рухсатномасиз улардан бирортаси лангарини бўшатишга журъат этолмайди.

Д'Артаньян қирол ишончи ато этган чексиз ҳокимиятни ўз муҳаббатига хизмат қилдираётган бу одамга эси оғиб қараб турарди. Гасконлик йигитнинг чеҳрасидаги ифодадан герсог унинг кўнглидаги гапларни англади-да, жилмайиб қўйди.

– Ҳа, – деди у, – рост! Анна Австрийская – менинг ҳақиқий қироличам; битта сўз айтса бас – мен ўз ватанимга хиёнат қилишга ўз қиролимга хиёнат қилишга, худога хиёнат қилишга тайёрман. У Парошел протестантларига мен ваъда этган ёрдамни кўрсатмаслигимни илтимос қилди – итоат қилдим. Ўзим берган сўзимнинг устидан чиқолмадим – лекин барибир эмасми – мен унинг истагини бажо келтирдим. Мана энди ўзингиз ўйлаб кўринг, бу итоатим учун ортиғи билан тақдирланмадимми? Ахир унинг портрети учун шу итоатдан миннатдор бўлмоғим лозим!

Д'Артаньяннинг оғзи очилиб қолди – баъзи ҳолларда халқнинг тақдири, кўп кишиларнинг ҳаёти қандай билинар-билинмас, ғоят нозик ришталарда илиниб туради!

У шу хаёлларга ғарқ бўлиб турганида заргар келиб қолди. Бу ўз ҳунарининг ғоят омилкор устаси бўлмиш ирландиялик киши эди, герсог Бэкингемнинг буюртмаларидан йилига юз минг фунтдан даромад қилишини унинг ўзи эътироф этарди.

– Жаноб Ў’Рейли, – уни хонақоҳга олиб кириб, деди герсог, – мана бу олмос шокилаларга бир қаранг-да, уларнинг ҳар донасининг баҳосини менга айтиб беринг.

Заргар бир назар билан гардишларининг нафислигини баҳолади-да, олмосларнинг қимматини ҳисоблаб чиқиб, иккиланмасдан жавоб берди:

– Ҳар донаси бир ярим минг пистолдан, милорд.

– Икки дона шундай шокилани тайёрлаш учун неча кун кетади? Бу ерда икки донаси камлигини кўриб турибсиз.

– Бир ҳафта, милорд.

– Мен ҳар донасига уч мингдан тўлайман – менга улар индинга зарур.

– Милорд уларга эга бўладилар.

– Сиз бебаҳо одамсиз, жаноб Ў’Рейли! Бироқ, бу билан гапим тугагани йўқ; бу шокилалар бирор кимсага ишониб топширилиши мумкин эмас – уларни шу ерда, саройда ясамоқ лозим.

– Иложи йўқ, милорд. Ишни эскиси билан янгисининг фарқи мутлақо сезилмайдиган қилиб, ёлғиз мен бажароламан.

– Гап бундай, жаноб Ў’Рейли: сиз менинг тутқунимсиз. Борди-ю, саройимдан ташқарига чиқишни истаганингизда ҳам қўлингиздан келмаган бўлурди. Бинобарин, бунга кўника қолинг. Ўзингизга керак бўлиши мумкин шогирдларингиз номларини айтинг, улар қандай асбобларни олиб келиши лозимлигини билдиринг.

Заргар герсогни яхши биларди ва шу сабабдан гап қайтариб ўтиришнинг ҳожати йўқлигини тушунарди. У муқаррар нарсага дарров бўйин эгиб кўя қолди.

– Рафиқамга хабар қилишга рухсат бериладими? – сўради у.

– О, сизга, ҳатто, у билан кўришишга ҳам рухсат берилади, азизим, жаноб Ў’Рейли. Сизнинг қамоғингиз унча қаттиқ бўлмайди, ташвишланманг. Бироқ, ҳар қандай бесаранжомлик тақдирлашни тақозо этади.

Безовта қилинганингиз сизга малол келмаслиги учун мана сизга, олмосларга белгиланган пулнинг устига яна минг пистолга чек.

Д'Артаньян инсон ва миллионларни бемалол бошқараётган бу министрға лол қолиб, ўнглонолмай турарди.

Заргар бу орада минг пистолга чекни қўшиб ва ўрнига ўз шогирдларининг энг ўткирини, аниқ вазни ва сифатларини ўзи кўрсатган олмосларни, шунингдек, зарур ускуналарни юборишни илтимос қилиб, рафиқасига мактуб ёзиб берди.

Бэкингем заргарнинг ўзига ажратилиб, ярим соат ичида устахонага айлантирилган хонага уни кузатиб қўйди. Сўнгра хонага герсог маҳрами Патрикдан истисно ҳеч кимни қўймаслик хусусидаги қатъий буйруқ билан ҳар эшикка соқчи қўйишни амр қилди. Заргар Ў'Рейли ва унинг шогирдига ҳар қандай баҳона билан хонадан чиқиш ман этилганлигини айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ҳамма топшириқларни бериб бўлиб, герсог д'Артаньяннинг ёнига қайтди.

– Энди ёш дўстим, – деди у, – Англия иккаламизники бўлиб қолди. Сизга нима керак, қандай истакларингиз бор?

– Кўрпа-тўшак, – жавоб берди д'Артаньян, – бу ҳозир менга ҳамма нарсадан кўра зарурроқлигини тан олишим керак.

Герсог ўзининг ётоқхонаси ёнидан д'Артаньянга хона ажратилишини буюрди. У ёш йигитнинг доим ўз ёнида бўлишини истади – унга ишонмагани важҳидан эмас, азбаройи қиролича хусусида узлуксиз гаплашиши мумкин суҳбатдош бўлиши учун.

Бир соат ўтгач, Лондонда Францияга аталган юки бор кемаларнинг денгизга чиқишини қатағон қилувчи фармон эълон қилинди. Ҳатто, почта пакетботи ҳам мустасно этилмади. Ҳамманинг фикрича, бу икки давлат ўртасида уруш эълон қилинди, деган гап эди.

Учинчи куни эрталаб соат ўн бирда шокилалар тай-ёр бўлиб, шу қадар ўхшатиб, қойилмақом қилиб ясалган эдики, герсогнинг ўзи ҳам эскилари билан янгиларининг фарқига боролмай қолди, бу хил ишларда энг шинаванда кишилар ҳам худди унингдек ожизлик қилган бўлурдилар.

Герсог шу замон д'Артаньянни чақиртирди.

– Мана, – деди герсог, – сиз олгани келган олмос шокилалар, инсон қурби етадиган ҳамма нарсани қилганимга сиз шоҳид бўлинг.

– Хотирингиз жам бўлсин, милорд, мен кўрганларимнинг ҳаммасини сўзлаб бераман. Аммо, зоти олийлари, шокилаларни қутисиз беряптилар-ку.

– Қутича сизга йўлда халал беради. Кейин эса – бу қутича энди қуруқ ўзи қолаётгани билан мен учун янада азизроқ бўлиб қолди. Уни менда қолганини айтар-сиз.

– Мен топширигингизни оқизмай-томизмай етказаман, милорд.

– Энди эса, – йигитга тикилиб гапирди герсог, – қачон бўлса ҳам сиздан қарзимни қандай узсам экан?

Д'Артаньян лов этиб қизариб кетди. Уни бирор тухфа олишга мажбур этиш учун герсог баҳона қидираётганини тушунди-ю, ўзининг ва дўстларининг қони учун инглиз олтинлари тўланиши тўғрисидаги хаёл унда чуқур нафрат ҳиссини уйғотди.

– Очиқчасига гаплашиб олайлик, милорд, – жавоб берди д'Артаньян, – бир мулоҳаза қилиб кўрайлик, ўртада англашилмовчилик қолмасин. Мен Франция қироли билан қироличага хизмат қиламан, жаноб Дезессаранинг гвардия ротасиданман, у кишининг ҳам худди қайноғаси жаноб де Тревиль сингари ҳазрат олийларига ихлоси айниқса баланд. Бу ҳам кам: эҳтимол, сиз зоти олийлари учун қиролича азиз бўлгани каби мен учун ҳам азиз бир хоним бўлмаганида буларни бажармасмидим.

– Ҳа, – жилмайиб деди герсог, – мен ҳам ўша хонимни танисам керак. Унинг номи...

– Милорд, мен унинг номини айтганим йўқ! – шошиб гапни бўлди ёш гвардиячи.

– Тўғри, – деди герсог. – Бинобарин, сизнинг фидо-корлигингиз учун мен ўша хонимдан миннатдор бўлишим керак экан-да.

– Ана шундай зоти олийлари. Зеро, ҳозир уруш бошланай деб турган пайтда мен сизга инглиз, демакки, ўзим Виндзор боғи ёки Лувр йўлакларидан кўра жанг майдонида учрашишни афзалроқ кўрадиган душман сифатида қараётганимни тан олишим лозим. Аммо, бу нарса топширигингизни аниқ ижро этишимга, зарур келиб қолса, жонимни ҳам беришимга қилча ҳам монелик қилмайди, у адо этилса, бас. Аммо такрор айтаман: худди биринчи мулоқотимизда қилганларим сингари иккинчи мулоқотимиздаги ишларим учун ҳам зоти олийларининг қарзлари кам.

– Биз «шотланд сингари мағрур» деймиз, – ним товушда деди герсог.

– Биз эса «гасконлик сингари мағрур» деймиз, – жавоб берди д'Артаньян, – гасконликлар – бу Франция шотландлари.

Д'Артаньян герсогга таъзим қилиб, кетишга чоқланди.

– Қандай? Сиз кетмоқчи бўляпсизми? Бироқ, қай йўл билан кетмоқчисиз? Англиядан қандай қилиб чиқиб оласиз?

– Ҳа, рост...

– Ўлай агар! Бу французлар ҳеч нарсадан тап тортмайдилар-а!

– Англия орол-у, сиз унинг хоқонилигингиз хаёлимдан кўтарилибди.

– Портга боринг, «Зунд» деган бригни сўранг, капитанига шу хатни беринг. У сизни бир кичик француз кўрфазига элтиб қўяди, одатда, у ерга балиқ овловчи кемалардан бўлак ҳеч ким йўламайди.

– Кўрфазнинг номи нима?

– Сен-Валери. Бироқ, сабр қилинг. У ерга етгач, денгизчиларнинг ҳақиқий ётар қўноғи бўлмиш номсиз, ёзув тахтасиз кўримсиз бир хароботга кирасиз. Хато қилишингиз мумкин эмас, у ерда бунақаси фақат битта.

– Кейин?..

– Эгасини сўрайсиз-да унга: «Forward» – дейсиз.

– Бунинг маъноси...

– ...«олға». Бу парол. Шунда эгаси сизнинг ихтиёрингизга эгарланган от топширади, сиз кетадиган йўлни кўрсатиб қўяди. Йўлингизда сизни тўртта алмаш от кутади. Агар истасангиз, ҳар бекатда ўзингизнинг Париждаги адресингизни қолдиришингиз мумкин, тўрт отнинг ҳаммаси изингиздан жўнатилади. Улардан иккиси сизга таниш, сиз синчи сифатида уларнинг қадрига етган ҳам бўлсангиз керак – улар сиз билан Виндзордан чоптириб келганларимизнинг ўзгинаси. Қолганлари ҳам улардан қолишмайди, гапимга ишонаверинг. Бу отлар сафарга мос шайланган. Ориятингиз қаттиқлиги ҳолда улардан бирини ўзингизга олишдан ва дўстларингиздан ҳам биттадан олишни илтимос қилишдан бош тортмайсиз. Дарвоқе, улар бизга қарши урушда асқотиб қолишлари мумкин. Мақсад воситасини босиб кетади, сизларда шундай дейишади-ку.

– Яхши, милорд, мен розиман, – деди д'Артаньян. – Худо хоҳласа, тортифингиздан фойдаланиш урдасидан чиқамиз.

– Энди эса – қўлингизни беринг, йигитча. Ҳадемай, сиз билан жанг майдонида учрашиб қолсак, ажаб эмас. Бироқ, ҳозирча, яхшигина дўстлар сифатида ажраляпмиз, деб ўйлайман.

– Ҳа, милорд, аммо, тез орада душманларга айланиш умиди билан.

– Хотиржам бўлинг, сизга буни ваъда қиламан.

– Сўзингизга ишонаман, милорд.

Д'Артаньян герсогга таъзим қилди-да, жадал одимлар билан портга йўл олди.

Лондон минораси қаршисида айтилган кемани ахтариб топди ва мактубни унинг капитанига топширди, капитан уни порт бошлиғига белгилатиб олиб, дарҳол елканларини кўтарди.

Сузиб кетишга шай эллик кема маҳтал бўлиб турарди.

«Зунд» бриги уларнинг бири ёнидан қарийб суркалиб ўтиб кетди, шунда д'Артаньянга ўша нотаниш киши «миледи» деб атаган ва д'Артаньяннинг кўзига бирам гўзал кўриниб кетган Менгдаги аёл рўпарасидан лип этиб ўтгандай туюлди. Лекин, кучли оқим ва шамол бригни шу қадар тез суриб кетдики, лангарда турган кемалар қарийб дарров кўздан йўқолдилар.

Келаси саҳар, соат тўққизларда Сен-Валерида лангар ташладилар.

Д'Артаньян зудлик билан тайинланган хароботга равона бўлиб, келаётган шовқин-сурондан у ерни таниб олди. Англия билан Франция ўртасидаги уруш ҳақида муқаррар ва яқин нарса сифатида гап кетар, денгизчилар шовқин солиб, улфатчилик қилмоқда эдилар.

Д'Артаньян тиқинни ёриб ўтиб, эгасининг ёнига борди-да, «Forward» деган сўзни айтди. Харобот эгаси дарров ўзига эргашишни имо қилиб, ҳовли эшигидан чиқиб, йигитни отхонага олиб борди, у ерда эгарланган от уни кутиб турарди, яна нима керак, деб сўради у.

– Қай йўлдан жўнашни билиб олишим керак, – деди д'Артаньян.

– Шу ердан Бланжега боринг, Бланжедан эса Нефшателга. Нефшателда «Олтин ўроқ» хароботига киринг, эгасига паролни айтинг, шу ердаги сингари от опасиз.

– Сизга қанча тўлашим керак? – сўради д'Артаньян.

– Ҳаммасига ҳақ тўланган, – деди мезбон, – ҳатто ҳиммати билан тўланган. Бораверинг, сизни худо паҳолида асрасин.

– Омин! – отини шиғаб, жавоб берди йигит.
Тўрт соатдан кейин у Нефшателга етиб борди.
Олган йўл-йўриқларини жуда пухта бажарди.

Нефшателда ҳам худди Сен-Валери сингари уни эгарланган от кутиб турарди. У пистолетларини аввалги эгардан олиб, янгисига солмоқчи бўлганда ундан ҳам худди шундай пистолетлар чиқди.

– Париждаги адресингиз нима?

– Гвардиячиларнинг уйи, Дезессара ротаси.

– Яхши, – деди хўжайин.

– Қайси йўлдан кетай?

– Руан йўлидан. Бироқ, сиз шаҳарни чап томондан айланиб ўтасиз. Сиз Экуи деган кичкина қишлоқнинг этагида тўхтайсиз. У ерда бор-йўғи битта харобот бор – «Франция қалқони». Уни сиртига қараб баҳо берманг. Отхонасида бунисидан қолишмайдиган от топилади.

– Парол ўшами?

– Худди ўша.

– Алвидо, соҳиб!

– Алвидо, жаноб гвардиячи! Сизга ҳеч нима керак эмасми?

Д'Артаньян бошини йўқ маъносида чайқаб қўйиб отини елдай учириб кетди.

Экуида ўша нарсалар такрорланди: жонқуяр мезбон, дамани олган, бардам от. Олдинги бекатлар каби ўз адресини қолдириб, у ўша юришда Понтуазга от солди. Понтуазда сўнгги дафъа от алмаштириб олдида, соат тўққизда жаноб де Тревиль уйининг ҳовлисига отини чоптириб кириб борди.

Ўн икки соат ичида у олтмиш чақиримдан зиёдроқ йўл босиб ўтган эди.

Жаноб де Тревиль уни гўё эрталаб кўргандай қарши олди. Фақат унинг қўлини одатдагидан қаттиқроқ қисиб, ёш гвардиячига жаноб Дезессаранинг ротаси Луврда соқчилик қилаётгани, ўз постига боравериши мумкинлигини маълум қилди.

XXII

Мерлезон балети

Эртаси кунни шаҳар ҳокимлари қирол билан қиролчининг шарафига беражак базм, қиролнинг севимли балети бўлмиш Мерлезон балетига ҳазрат олийлари рақс тушажаги ҳақида бутун Париж дув-дув гап қиларди.

Дарҳақиқат, бир ҳафта илгари бу тантанали кечага турли тадориклар бошланиб кетган эди. Шаҳар дуррадгори мукаллаф бўлган хонимлар ўтириши лозим чорпоялар ясади; шаҳар баққоли зални икки юзта оппоқ шам билан безади, бу нарса ўша маҳаллар қулоқ эшитмаган исрофгарчилик бўларди; ниҳоят, йигирмата скрипкачи таклиф этилган, уларга одатдагидан кўра икки ҳисса зиёд ҳақ ваъда этилган, зеро, ҳисоботда баён этилишича, улар тун бўйи чалишлари лозим эди.

Эрталаб қирол гвардиясининг лейтенанти жаноб де Ла Кост икки миршаб офицер ва бир-икки ўқчилар ҳамроҳлигида шаҳар котиби Клеман ҳузурига келиб, ундан ратушанинг жамики дарвоза, хона ва хизмат жойларининг калитларини талаб қилди. Калитлар шу замон унинг қўлига топширилди; ҳар биридаги патта туфайли уларни калитлардан фарқлаб олиш мумкин бўлиб, шу дақиқадан эътиборан ратушага элтгувчи барча дарвоза ва йўлакларни қўриқлаш жаноб де Ла Костнинг зиммасига тушди.

Соат ўн бирда гвардия капитани жаноб Дюале эллик ўқчи билан ҳозир бўлиб, улар ҳар бири дарров ўзига ажратилган эшик ёнига қўйилиб ратушада тарқатилди.

Соат учда бири француз, иккинчиси швецар – иккита гвардия ротаси етиб келди. Француз гвардиячилари ротасининг ярми жаноб Дюаленинг аскарларидан, ярми жаноб Дезессаранинг аскарларидан ташкил топган эди.

Кеч соат олтида мукаллаф бўлган кишилар ташриф буюра бошладилар. Уларнинг келганини келганда катта залга, ўзларига атаб ҳозирланган чорпояларга жойлаштирилдилар.

Соат тўққизда коннетаблнинг рафиқаси ташриф буюрди. У қироличадан кейинги энг юқори мартабали хоним бўлгани сабабли жаноб шаҳар ҳокимлари унинг истиқболига чиқиб, қироличага ажратилган ложанинг рўпарасига кузатиб қўйдилар.

Соат ўнда авлиё Йоанн ибодатхонасига қараган кичик залда кумуш идиш-товоқлар солинган, тўрт нафар ўқчи томонидан кўриқлангувчи жовон ёнида қирол учун энгил тамадди ҳозирланди.

Ярим кечада баланд хитоблар ва олқишлар янгради – қирол Луврдан ратушага элтгувчи, рангли фонуслар билан нурафшон кўчалардан ўтиб бормоқда эди.

Шунда мовут ридоларга чўлганган шаҳар ҳокимлари машъал тутган олти сержант билан қиролни қарши олгани зинапояга чиқдилар, савдо тармоғининг ҳокими эса, табрик нутқи сўзлади: ҳазрат олийлари ҳаяллаб қолгани учун узр сўраб, ўзини оқлаш учун давлат ишлари мавзусидаги суҳбати билан уни тутиб қолган жаноб кардинални баҳона қилди.

Қирол байрам либосида эди; унга ҳамроҳ бўлиб, герсог Орлеанский қирол ҳазратлари, граф де Суассон, улуғ приор, герсог де Лонгевил, герсог д'Елбеф, граф д'Аркур, граф де Ла Рош-Гюён, жаноб де Лианкур, жаноб де Барада, граф де Крамайл ва кавалер де Суврелар келгандилар.

Ҳамма қиролнинг маъюслигини ва алланарсадан кўнгли ғашлигини пайқади.

Бир хона қирол учун, бошқаси – унинг укаси герсог Орлеанский учун ҳозирлаб қўйилган эди. Уларнинг ҳар бирида маскарад либослари ётарди. Айни шу тараддуллар қиролича билан коннетаблнинг рафиқаси учун ҳам кўрилган эди. Ҳазрат олийлари маиятидан бўлган кавалер ва хонимлар шу мақсадда ажратилган

хоналарда икки-иккитадан бўлиб, кийинишлари лозим эди.

Хонага киришдан аввал қирол кардинал келиши билан ўзига ошиғич хабар қилишларини фармойиш берди.

Қирол зоҳир бўлгандан ярим соат кейин янги олқишлар янгради; улар қироличанинг ташриф буюрганидан дарак берарди. Ҳокимлар худди боягидек ҳаракат қилдилар: олдинда сержантлар билан улар олий меҳмон истиқболига ошиқдилар.

Қиролича залга кириб келди. Ҳамма унинг ҳам қирол сингари чеҳраси ғамгин, энг муҳими, ҳорғинлигини пайқади.

У кириб келаётган нафасда кичик ложанинг шу зумгача ёпиқ турган сарпардаси хиёл очилиб, ҳосил бўлган тешиқда испан гранди бўлиб кийинган кардиналнинг заъфарон юзи кўринди. Унинг кўзлари қироличанинг кўзларига қадилди-ю, лабларидан иблисона табассум сирпаниб ўтди: қироличада олмос шокилалар йўқ эди.

Қиролича шаҳар ҳокимлари табрикларини қабул этиб ва хонимлар таъзимларига жавоб қилиб, бир муддат туриб қолди.

Тўсатдан зал эшикларидан бири олдида кардинал билан бирга қирол пайдо бўлди. Кардинал унга астагина алланима дерди; қиролнинг ранги бир аҳволда эди.

Қирол камзулининг боғичлари пала-партиш боғланган, ниқобсиз ҳолда оломонни ёриб ўтиб, қироличага яқинлашди.

– Хоним, – ҳаяжондан ўзгарган товуш билан деди у, – сўрашга ижозат этгайсиз, нега энди олмос шокилаларни тақмадингиз?

Қиролича ўгирилиб, орқада заҳарханда илжайиб турган кардинални кўриб қолди.

– Ҳазрат олийлари, – тўлқинланиб жавоб берди қиролича, – бу тиқинда уларга бирор нарса бўлади-ми, деб кўрққан эдим.

– Хато қилгансиз. Мен сизга безакни тақиб юриш учун туҳфа қилганман. Такрор айтаман, хоним, сиз хато қилгансиз.

Қиролнинг овози ғазабдан қалтирарди; ҳамма нималар бўлаётганига ақли етмай, қулоқ солиб қараб турарди.

– Султоним, – деди қиролича, – шокилалар Луврда эди, мен уларга одам юборишим мумкин, шунда ҳазрат олийларининг истаклари бажо келтирилади.

– Юборинг, хоним, юборинг, мумкин қадар тезроқ, ахир ярим соатдан кейин балет бошланади.

Қиролича итоатини билдириб, бошини қуйи солди ва ўзи учун ажратилган хонага кузатиши лозим хонимлар кетидан юрди.

Қирол ҳам ўз хонасига ўтиб кетди.

Залда бир дақиқа саросима ва бесаранжомлик ҳукм суриб қолди.

Қирол билан қироличанинг ўртасига совуқчилик тушганини пайқаш қийин эмасди, лекин ҳамма ҳурмат юзасидан бир-икки қадам чекинган бўлди, улар эса шунчалик секин гапирган эдиларки, ҳеч ким бирон сўзни илғамади. Скрипкачилар зўр бериб чалар, лекин ҳеч ким уларга қулоқ солмас эди.

Қирол залга кириб келди; у ғоят бежирим ов либосида эди. Герсог Орлеанский аъло ҳазратлари ва бўлак ақобир зотлар худди унингдек кийинган эдилар. Бу либос қиролга бағоят ярашган, бу уст-бошида у чинакамига ўз қироллигининг энг кибор дворяни бўлиб кўринарди.

Кардинал қиролга яқинлашиб, унга бир қутичани узатди. Қирол уни очди-ю, икки дона олмос шокилани кўрди.

– Бу қандай гап? – сўради у кардиналдан.

– Ҳеч гап эмас, – жавоб берди у, – бироқ, қиролича шокилаларни тақиб келса, бунга ишонмайман-у, уларни санаб кўринг, султоним, агар ўнта чиқса, мана бу икки донасини ким ўғирлаши мумкин эди, деб сўранг.

Қирол кардиналга савол назарини ташлади, лекин унга савол билан мурожаат этишга улгуролмади: бир оғиздан олқишлар янгради. Агар қирол ўз қироллигининг энг кибор дворянларидан кўринса, қиролича ҳам, шубҳасиз, Франциянинг энг соҳибжамол аёлларидан эди.

Ростдан ҳам ов либоси унга бирам ярашган: эғнида ҳаво ранг патли фетр шляпа, тугмалари олмосдан қилинган инжу ранг бахмал нимча ва бошдан-оёқ сим тикилган ҳаво ранг атлас кўйлак. Чап кифтида пат ва кўйлак рангидаги лента билан боғланган олмос шокилалар ёниб турарди.

Қирол қувончдан, кардинал бўлса – ғазабдан парзага келдилар; бироқ шокилаларни санаб кўрмоқ учун улар қироличадан анча йироқда эдилар; қиролича уларни таққан, лекин улар нечта – ўнтами ёки ўн иккитами?

Шу пайт скрипкачилар базмнинг бошланганини тантанавор эълон қилдилар. Қирол ўзи бирга рақс тушиши лозим бўлган коннетаблнинг рафиқаси ёнига, герсог Орлеанский аъло ҳазратлари эса қиролича ҳузурига бордилар. Ҳамма ўрнидан туриб, балет бошланди.

Қирол қиролича қаршисида рақс тушарди ва ҳар гал унинг ёнидан ўтганда ўзи санаб саноғига етолмаётган тақинчоқларга еб қўйгудай тикиларди. Кардиналнинг манглайи совуқ тер билан қопланган эди.

Балет бир соат давом этди: у ўн олти қисмдан иборат эди.

У ниҳоясига етгач, ҳар бир кавалер бутун залнинг қарсақлари остида хонимларини жой-жойига элтиб қўйди, лекин қирол ўз имтиёзидан фойдаланиб, хонимни қолдирди-да, шоша-пиша қиролича томон юрди.

– Истакларимга эътибор қилганингиз учун сизга ташаккур, хоним, – деди у, – бироқ, назаримда, икки дона шокилангиз кам, мана мен уларни сизга қайтариб бераман.

– Нима, тақсир! – ясама таажжуб билан қийқириб юборди ёш қиролича. – Сиз менга яна иккита тухфа қиляпсизми? Аммо, унда менда ўн тўртта бўлиб кетади-ку!

Қирол санаб кўрди: чиндан ҳам ўн икки шокиланинг ҳаммаси ҳазрат олияларининг елкасида экан.

Қирол кардинални чақирди.

– Хў-ў-ш, жаноб кардинал, бу қандай гап? – қовоғини солиб сўради қирол.

– Бу шундай гапки, султоним, – жавоб берди кардинал, – мен шу икки дона шокилани ҳазрат олияларига тухфа қилмоқчи эдим, аммо ўзим таклиф этишга истиҳола қилиб шу йўлни тутдим.

– Падари бузруквордан хўп миннатдорман, – кардиналнинг топқир илтифоти ўзини ҳаргиз лақиллата олмаганини билдириб турган табассум билан жавоб берди қиролича, – ҳазрат олийларига ўн иккитасининг ҳаммаси қанчага тушган бўлса сизга бу икки дона тақинчоқ шунчага тушган бўлса керак.

Сўнгра қирол билан кардиналга таъзим қилиб, қиролича ўзи либосини кийган ва уст-бошини алмаштириш лозим хонага қараб юриб кетди.

Шу бобнинг бошида ўзимиз тасвирини берган мўътабар зотларга қаратишга мажбур бўлиб қолган диққат-эътибор бизни д'Артаньяндан хийла чалғитиб қўйди. Анна Австрийская ўзи кардинал устидан қозонган мислсиз ғалабаси учун миннатдор бўлиши лозим кимса энди ҳеч кимга номаълум саросимага тушган ҳолда оломонга аралашиб, фақат тўрт киши: қирол, қиролича, кардинал ҳамда ўзига тушунарли кўринишни қузатиб турарди.

Қиролича ўз хонасига кирди.

Д'Артаньян энди кетмоққа шайланиб турганда, кимдир елкасига оҳиста суйканганини сезди; у орқасига ўгирилиб, имо-ишора билан изидан юришни таклиф этаётган ёш жувонни кўрди. Жувоннинг рухсори қора бахмал – ёрти ниқоб билан тўсилган, лекин, бу кўпроқ

ўзгалар учун кўрилган эҳтиёт чора бўлиб, шунга қарамасдан, у дарров ўзининг мунтазам йўл бошловчиси – тийрак ва бийрон Бонасе хонимни таниди.

Арафада д'Артаньян уни чақиртирган дарвозабон Жерменникада улар бирровгина дийдор кўришган эдилар. Ёш жувон чопари эсон-омон қайтиб келгани ҳақидаги муждани қироличага етказишга шунча интиққан эдики, ошиқ-маъшуқлар бир-икки оғиз гап ташлашга аранг улгурган эдилар. Шу сабабдан д'Артаньян Бонасе хонимга икки туйғуга – муҳаббат ва синчковликка бўйсуниб эргашган эди. Кета туриб, йўлаклар ҳувиллаб боргани сайин д'Артаньян жувонни тўхтатишга, унинг қўлидан ушлашга, лоақал бир зумгина уни томоша қилишга уринарди, лекин ҳар гап у қушчадай осонгина қўлидан чиқиб кетар, гапирмоққа оғиз жуфтлаганда эса нуфузли, камоли фусунли бир ишора билан лабларига босган бармоқчаси тепасида ўзи кўр-кўрона итоат этмоғи шарт, заррача арзиҳолни ман этгувчи салтанат ҳукмронлигини эслатиб турарди. Оқибат, саноқсиз йўлка ва йўлакларни ортда қолдириб, Бонасе хоним аллақандай эшикни очдида, йигитни тимқоронғи бир хонага олиб кирди. Сўнгра у оғиз очмасликни қайтадан уқтирувчи бир ишора қилиб дарпарда ортида яширинган, орқасидан бир олам ёп-ёруғ нур ёғилиб кирган бошқа эшикни очиб, гойиб бўлди.

Д'Артаньян қаердаман, дея ўзидан ўзи сўраганича бир зум қимир этмай турди, лекин хиёл ўтмай, қўшни хонадан тушиб турган ёруғлик, у ердан келаётган илиқ хушбўй ҳаво, эҳтиром ва айни замонда фасоҳат билан сўзлаётган бир-икки аёлнинг гаплари, бир-икки марта такрорланган «ҳазрат олиялари» деган мурожаат – буларнинг ҳаммаси ўзи қироличанинг хонасига туташ кабинетда турганини беҳато аниқлаб берди.

Ёш йигит ўзини сояга урди-ю, кута бошлади.

Қиролича шод ва масъуд кўринарди, бу ҳол, афтидан, уни деярли мудом ғамгин, бесаранжом кўришга

одатланган атрофидаги хонимларни жуда таажжубга солган эди. Қиролича ўз қувончини сайил кўрки – балетдан олган баҳраси билан изоҳларди, қиролича хоҳ йиғласин, хоҳ кулсин унга сўз қайтариш жоиз бўлмагани сабабли Париж шаҳрининг ҳоким жаноблари илтифотларини ҳамма кўкларга кўтариб мақтарди.

Д'Артаньян қироличани танимасди, лекин, ҳадемай унинг овозини бошқалардан дастлаб билинар-билимас чет эл талаффуздан, сўнгра эса, олий мартаба зотларнинг ҳар сўзида беихтиёр сезилиб турадиган нуфузли оҳангдан ажратиб олди.

У қироличанинг очиқ турган эшик олдига ҳали яқин келиб, ҳали нари кетаётган шарпасини эшитиб турар, бир-икки марта, ҳатто, ёруғликни тўсиб қўйган аллақандай қорани ҳам кўрди.

Нохос кимнингдир ажиб шаклдаги оппоқ қўли дарпарда орасидан чўзилди. Д'Артаньян бу ўзининг мукофоти эканини тушунди; у тиз чўкиб, бу қўлни тутдида, эҳтиром билан унга лабларини тегизди. Кейин қўл унинг кафтида бир нарсани қолдириб, ғойиб бўлди, бу узук эди.

Эшик дарҳол ёпилиб, д'Артаньян яна тамом зулматда қолди.

Д'Артаньян узукни қўлига тақиб, яна кута бошлади; бу ҳали хотима эмаслигига унинг ақли етарди. Садоқат учун мукофотдан кейин муҳаббат мукофоти келмоғи лозим эди.

Бунинг устига, гарчи, балет тугаган бўлса-да, кеча эндигина бошланмоқда эди; кечки овқат соат учга тайин этилган, авлиё Иоанн минорасидаги соат боягина чорак кам учга занг урган эди.

Дарҳақиқат, қўшни хонадаги ғала-ғовур аста-секин босилиб, йироқлашди, сўнгра д'Артаньян турган кабинетнинг эшиги яна очилди-ю, ундан югуриб Бонасе хоним кирди.

– Сиз-а! Хайрият-эй! – қичқириб юборди д'Артаньян.

– Жим бўлинг, – унинг оғзини қўли билан беркитиб гапирди жувон. – Келган йўлингиздан индамай қайтиб кетинг.

– Аммо, сизни қачон ва қаерда кўраман? – қичқирди д’Артаньян.

– Буни ўз уйингиздан топажак номадан биласиз. Борсангиз-чи, боринг!

Шу сўзларни айтиб, у йўлак эшигини очди-да, д’Артаньянни кабинетдан чиқариб юборди.

Д’Артаньян қаршиликсиз, бирон оғиз эътирозсиз, худди бола сингари итоат қилди, бу унинг чинакам ошиқ бўлганини исботлаб турарди.

XXIII

Висол

Д’Артаньян уйига югуриб қайтиб келди ва саҳар – соат учдан ҳам ошиб кетганига қарамасдан, у эса Парижнинг энг хавфли даҳаларидан ўтган эди, у бирор-та ҳам кўнгилсиз тўқнашувга йўлиқмади. Ширакайф ва ошиқ кишиларни фариштаси қўриқлаб юриши ҳаммага маълум.

Кўча эшиги қия очиқ турарди; у зинапоядан чиқиб, фақат ўзи ва хизматкорига маълум шартли зарблар билан оҳишта тақиллатди. Уйда кутиб ўтиришини тайинлаб, икки соат илгари ўзи ратушадан жўнатиб юборган Планше унга эшикни очди.

– Менга мактуб олиб келишмадимми? – дарров сўради д’Артаньян.

– Йўқ, тақсир, ҳеч ким олиб келмади, – дея жавоб берди Планше, – лекин ўзи келган мактуб бор.

– Бу нима деганинг, овсар?

– Бу деганимки, уйга келгач, ётоқхонангизнинг столи устидан бир мактуб топиб олдим, гарчи, уйнинг калити чўнтагимда, ундан бир зум ҳам ажралмаган эдим.

– Қани ўша мактуб?

– Мен уни қаерда турган бўлса ўша ерда қолдирдим, тақсир. Гапни қаранг-а, мактублар одамларникига шу зайл тушиб турса! Борди-ю, дераза очиқ ёки лоақал қия турганда ҳам майли эди – ҳеч нима деб ўтирмасдим, лекин йўқ-да, ахир у зич берк эди. Ҳазир бўлинг, тақсир, бу ерда жинларсиз иш битмаган.

Унинг гапини охиригача эшитмай йигит хонага интилди-ю, мактубни очди; у Бонасе хонимдан бўлиб, тубандаги сатрларни қамраган эди:

«Сизга ўз номидан ҳамда бошқа кишининг номидан қизгин миннатдорлик билдирмоқчилар. Бугун кечқурун соат тўққизда Сен-Клуда жаноб д'Естренинг уйига туташган шийпоннинг қаршисида бўлсангиз.

К. Б.»

Бу мактубни ўқиркан, д'Артаньян ошиқларни ҳам тилкалаб, ҳам эркалагувчи ширин титроқдан юраги гоҳ қисилиб, гоҳ кўксига сифмай кетаётганини ҳис қиларди.

Бу – у олган илк нома, унга тайинланган илк висол эди. Унинг севинчдан ошифта қалби муҳаббат аталмиш замин жаннатининг остонасида тўхтаб қоладигандай эди.

– Хўш, қалай, тақсир! – соҳибининг дам қизариб, дам бўзараётганини кўриб, деди Планше. – Нима? Мен топдим-у, бу бир чатоқ воқеа шекилли, а?

– Хато қиляпсан, Планше, – жавоб берди д'Артаньян, – исботига эса мана сенга экую, менинг саломатлигим учун ичарсан.

– Экую учун ташаккур, тақсир, топширифингизни аниқ бажаришга ваъда бераман, лекин, барибир, шуниси ҳам тўғрики, берк уйларга шу йўсин тушадиган мактублар...

– Осмондан тушади, дўстим, осмондан тушади.

– Демак, сиз мамнунсиз, тақсир? – сўради Планше.

– Бандаларнинг энг бахтлисиман, азизим Планше!

– Мен сизнинг бахтингиздан ётиб бир мизғиб олиш учун фойдалансам ҳам бўладими?

– Ҳа, ҳа, ётавер.

– Илоё барака топинг, тақсир, лекин, шуниси ҳам тўғрики, бу мактуб...

Планше д'Артаньяннинг саховатлари унинг гумонларини батамом тарқатолмаганини билдирувчи бир алфозда бошларини сарак-сарак қилганча чиқиб кетди.

Ёлғиз қолгач, д'Артаньян номани яна ва яна қайта ўқиб, гўзал маъшуқасининг қўли билан битилган сатрларни йигирма карра ўпиб чиқди. Ниҳоят, у ўрнига ётиб, уйқуга кетди-ю, олтин хаёлларга фарқ бўлди.

Эрталаб соат еттида туриб, у иккинчи овоз беришда эшикни очган, лекин кечаги ташвишларнинг излари чехрасидан аримаган Планшени чақирди.

– Планше, – деди унга д'Артаньян, – мен кетяпман, кун бўйи бўлса керак. Хуллас, кеч соат еттигача сен бўшсан, аммо соат еттида икки от билан тахт тургин.

– Шунақа денг! – деди Планше. – Биз яна этимизни илма-тешик қилгани кетаяпмиз, шекилли.

– Мушкет билан пистолетларни қўшиб ол.

– Ана, айтмадимми? – қичқирди Планше. – Мен билганман лаънати мактуб!

– Ҳовлиқмасанг-чи, каллаварам, гап шунчаки сайр тўғрисида кетяпти.

– Бўлмасам-чи, ҳалиги ўқлардан ёмғир ёғиб, ердан қопқонлар униб чиққан кўнгилочар сафар қабалида.

– Дарвоқе жаноб Планше, – сўзида давом этди д'Артаньян, – агар қўрқаяётган бўлсангиз, мен сизсиз кетаман. Қўрқиб, титраб қақшаётган ҳамроҳ олгандан кўра ёлғиз кетган маъқулроқ.

– Сиз мени хафа қияпсиз, тақсир, – эътироз қилди Планше. – Мени ишда кўрдингиз, шекилли.

– Ҳа, лекин, чамамда, бор мардлигингни бир мартада сарфлаб қўйибсан.

– Пайти келганда менда ҳали унча-бунчаси қолганига ишонч ҳосил қиларсиз, лекин, агар ўша мардликдан кўпроқ қолсин десангиз, ҳаддан ортиқ исроф қилаверманг.

– Хўш, назарингда қандай, шу бугунги оқшомга ета-
дими?

– Умид қиламан.

– Жуда соз! Унда сенга ишонаман.

– Мен тайин вақтда тахт тураман. Лекин, мен гвар-
дия табласида фақат битта отингиз бор деб юрардим,
тақсир?

– Эҳтимол, шу тобда фақат биттадир, лекин кечга-
ча тўртта бўлади.

– Бундан чиқди, биз отлар харид қилгани борибмиз-
да?

– Худди шундай, – жавоб берди д'Артаньян.

Кетиш олдидан Планшега бармоқ ўқталиб, у уйдан
чиқди.

Бўсағада жаноб Бонасе турарди. Д'Артаньян муҳ-
тарам атторнинг ёнидан гаплашмасдан ўтиб кетиш ни-
ятида эди, лекин у бирам мулойим ва ялхак таъзим
қилдики, ижарадорнинг таъзимига жавоб қилиши ту-
гул суҳбат бошлашга ҳам тўғри келди.

Рафиқаси худди шу оқшомга Сен-Клуда жаноб
д'Эстренинг шийпони қаршисида мулоқот тайинлаган
бўлса-ю эрга нисбатан сал риоя қилмай бўлармиди!
Д'Артаньян кўлидан келган энг хуш бир қиёфада унинг
ёнига борди.

Табиийки, бечоранинг қамоқда бўлишидан гап
очилди. Менгдаги нотаниш киши билан ўзи ўртасида-
ги суҳбатни д'Артаньян эшитиб қолганидан беҳабар
жаноб Бонасе ўз баёни давомида нуқул кардиналнинг
жаллоди деб тилга олган ўша рўдапо Лафемнинг зо-
лимлиги ҳақида ёш ижарадорига ҳикоя қилиб, унга
Бастилияни, тамбаларни, қамоқнинг дарчаларини,
туйнукларини, панжара ва қийноқ асбобларини эзма-
ланиб тасвирлаб берди.

Д'Артаньян уни киройи эътибор билан тингларди.

– Айтинг-чи, ўшанда Бонасе хонимни ким ўғирлага-
нини билдингизми? – у гапини тугатгандан кейин ахи-
ри сўради д'Артаньян. – Негаки сиз билан танишиш

бахти ўша қайғули ҳодиса туфайли менга насиб қилгани ҳали-ҳали эсимда.

– Оҳ, – хўрсиниб қўйди жаноб Бонасе, – турган гап, буни улар менга айтмадилар, рафиқам ҳам билмайман, деб тантанавор қасам ичди. Хўш, сизчи, – энг содадил бир оҳангда сўзини давом этди жаноб Бонасе, – сўнгги бир-икки кунлар қаерга бедарак бўлиб кетдингиз? Мен на сизни, на ошналарингизни кўрмадим, кеча Планше тозалатган этигингизнинг гардлари Париж тош кўчаларидан йиғилмаган бўлса керак.

– Сиз ҳақсиз, азизим, жаноб Бонасе, биз оғайнилар билан кичкина саёҳат қилдик.

– Олисгами?

– Йўғ-эй, қирқ леча нарига. Биз жаноб Атосни Фарж сувларига кузатиб қўйдик, дўстларим ўша ерда қолишди.

– Хўш, сиз-чи, сиз, албатта, қайтдингиз, – башарасига энг қув ифодани югуртиб, сўзини давом этди жаноб Бонасе, – сиздай барно йигитларга маъшуқалари узоқ жавоб беришмайди, Парижда сизни интизор бўлиб кутишгандир, шундайми?

– Рост, азизим, жаноб Бонасе, – кулиб жавоб берди йигит, – буни сизга эътироф қилишим керак, сиздан ҳеч нарса қочиб қутилмайдиганга ўхшаб қолди. Ҳа, мени кутишган, жуда интизор бўлишган деб сизни ишонтирсам бўлади.

Бонасенинг манглайига билинар-билинем соя тушгандай бўлди-ю, д'Артаньян буни пайқамай қолди.

– Шошқалоқлигимиз учун тақдирланамиз денг? – бу ҳурматли кишининг манглайини хиралаштирган оний булутчани пайқаманган каби д'Артаньян яна сезмаган ўзгарган товуш билан гапида давом этди аттор.

– О, ишқилиб, айтганингиз келсин! – кула-кула деди д'Артаньян.

– Мен бу гапларнинг ҳаммасини, – жавоб берди аттор, – сиз кеч қайтасизми, йўқми, билиш учун айтаяпман, холос.

– Бу саволнинг маъноси нима, азиз хўжайин? – сўради д'Артаньян. – Мени кутмоқчи бўлманг тагин?

– Йўқ, аммо, ўзим ҳибс қилиниб, уйимга ўғри тушгандан бери ҳар гал эшик очилганда, айниқса, тунлари кўрқаман. На чора, мен ахир аскар эмасман-да.

– Майли, башарти кечаси соат бирда, иккида ёки учда қайтсам, кўрқманг. Башарти бутунлай қайтмасам, ҳатто у ҳолда ҳам кўрқманг.

Бу дафъа Бонасе шундай қаттиқ бўзариб кетдики, д'Артаньяннинг буни пайқамай қолиши мумкин эмасди, у нима бўлди, деб сўради.

– Ҳеч нарса, – жавоб берди Бонасе, – ҳеч нарса. Бошимга кулфатлар тушгандан бери кўкқис тутиб қоладиган ғалати беҳузурлик дардига гирифтор бўлиб қолдим, мана шу тобда бутун баданим жунжикиб кетаётганини ҳис қилдим. Менга эътибор берманг, сизнинг ахир бўлак машғулотингиз – бахтингиз нашида-сини суришингиз бор-ку.

– У ҳолда бандман, чунки, чиндан ҳам бахтиёрман.

– Ҳали-бери эмас, сабр қилинг – ахир сиз бу нарса кечқурун бўлади, дедингиз-ку.

– Нима бўпти, худога шуқурки, бу оқшом келажак! Эҳтимол, сиз ҳам уни худди мен каби сабрсизлик билан кутаётгандирсиз. Эҳтимол, бугун кечқурун Бонасе хоним эри даргоҳига қадам ранжида қилар.

– Бугун кечқурун Бонасе хоним банд бўлади, – гердаийб эътироз билдирди эр, – мажбуриятлари уни Луврда тутиб қолади.

– Сизга увол бўлипти-да, муҳтарам хўжайин, сизга увол бўлипти. Масъуд пайтларим бутун атрофда ҳамма бахтли бўлишини истайман, аммо бунинг иложи йўқ кўринади.

Кейин ёш йигит назарида ёлғиз ўзи учунгина тушунарли бўлган ҳазилига овозини баралла қўйиб, хохолаганича кетди.

– Кайфу сафо қилишингизни тилайман! – ўлимтик товуш билан жавоб берди Бонасе.

Бироқ д'Артаньян бу сўзларни эшитолмади. У ўта олислаб қолган эди, борди-ю, эшитган ҳолда ҳам ўзининг ҳозирги кайфиятида уларга парво қилмаган бўларди.

У жаноб де Тревилнинг ўйига равона бўлди; унинг кечаги ташрифи хотирлашимизча, ғоят қисқа бўлган, у ҳеч нимани тузук-қуруқ сўзлаб беришга улгуролмаган эди.

Жаноб де Тревилни унинг қувончлари тўлиб-тошиб ётган бир вазиятда топди. Қирол билан қиролича базмда у билан сермулозамат бўлган эдилар. Аммо, кардинал ўта совуқ муомала қилди.

Кечаси соат бирда хасталигини баҳона қилиб, у кетиб қолган эди. Ҳазрат олийларига келсак, улар Луврга фақат эрталаб соат олтида қайтган эдилар.

– Энди эса, – товушини пасайтириб ва ўзларининг танҳолигига амин бўлмоқчидай, хонанинг бор кунжакларини синчиклаб кўздан кечиргач, гапирди жаноб де Тревиль, – энди, ёш дўстим, сиз тўғрингизда сўзлашайлик, зеро, сизнинг қутлуғ қайтишингиз қиролнинг қувончи, қироличанинг тантанаси ва падари бузрукворнинг назардан қолиши билан аллақандай вобасталиги мутлақо равшан. Энди сиз ҳушёр бўлмоғингиз зарур.

– Ҳазрат олийларининг лутфи-карамини истифода қилиш бахтига ноил бўлгунимча нимадан ҳадиксирашим мумкин? – сўради д'Артаньян.

– Ҳамма нарсадан, гапимга ишонинг. Кардинал ҳазилкаш билан ҳисоб-китобни тўғриламай туриб қалтис ҳазилни унутадиганлардан эмас, менинг эса, ўша ҳазилкаш – менга таниш бир гасконлик деган қаттиқ шубҳам бор.

– Ҳали кардинал худди ўзингиз сингари яхши бохабар-у, Лондонга айна менинг борганимни билади деб ўйлаяпсизми?

– Азбаройи шифо! Сиз Лондонда бўлибсиз-да? Қўлингизда ёнаётган ажойиб олмосни Лондондан

олиб келган бўлманг тагин? Эҳтиёт бўлинг, қадрли д'Артаньян, ёвнинг тортиғи – хунук нарса. Бу хусусда бир лотинча шеър бор... Тўхтанг-а.

– Ҳа, ҳа албатта, – жавоб берди лотинчанинг ҳатто ибтидосини ҳам сира миясига киргизолмай муаллимларни жонига ташна қилиб келган д'Артаньян, – ҳа-ҳа, албатта, бир шеър бўлиши керак...

– Албатта у мавжуд, – деди адабиётга тамойиллиги бўлган жаноб де Тревиль, – яқинда жаноб де Бенсе-рад уни менга ўқиб берган эди... Тўхтанг... Аҳа, эсла-дим!

*Timeo Danaos et dona ferentes*³⁰.

Бунинг маъноси: эҳсон қилгувчи ёвдан эҳтиёт бўлинглар.

– Бу олмосни менга ёв тортиқ қилгани йўқ, тақсир, – жавоб берди д'Артаньян, – уни менга қиролича ҳадя қилди.

– Қиролича! Войбўй! – деди де Тревиль. – Ҳа, бу чиндан ҳам шоҳона туҳфа. Бу узук кам деганда минг пистол туради. Қиролича буни сизга ким орқали топширди?

– Буни менга ўзи берди.

– Қаерда?

– У уст-бошини алмаштирадиган хонага туташ кабинетда.

– Қай йўсинда?

– Бўса учун қўлини узатиб.

– Сиз қироличанинг қўлини ўпдингизми? – д'Артаньянга ҳайрон тикилиб, қичқирди жаноб де Тревиль.

– Ҳазрат олиялари мени бу шарафга ноил қилдилар.

– Бу нарса гувоҳлар олдида содир бўлдимиз? О, эҳтиётсиз, уч карра эҳтиётсиз-эй!

– Йўқ, тақсир, хотиржам бўлинг, буни ҳеч ким кўрган йўқ, – жавоб берди д'Артаньян.

³⁰ Ҳатто, эҳсон қилгувчи данайликлардан кўрқаман (*лот.*).

Кейин у ҳаммаси қандай содир бўлганини жаноб де Тревилга сўзлаб берди.

– О, аёллар, аёллар! – ҳайқирди кекса аскар. – Уларни романтик тасаввуридан таниб турибман. Неки сир таралса, уларни жазб этади... Демак, сиз қўлини кўрдингиз бор гап шу. Сиз қироличани учратасиз-у – ўзини танимайсиз, сизни қиролича учратади-ю – кимлигингиздан беҳабар қолаверади.

– Ҳа, аммо бу олмосдан... – эътироз билдирди йигит.

– Қулоқ солинг, – деди жаноб де Тревиль, – сизга маслаҳат берайми, яхши маслаҳат, дўстнинг маслаҳатини?

– Менга илтифот қилган бўласиз, тақсир, – жавоб берди д'Артаньян.

– Гап бундай, ҳозир биринчи дуч келган заршунонинг олдига жўнанг, унга бу олмосни ўзи таклиф этган ҳар қандай нарҳда сотиб юборинг. У нақадар тирриқ бўлмасин, сиз барибир, эвазига саккиз юз пистолдан кам пул олмайсиз. Пистолларни номи бўлмайди, йигитча, бу узукнинг эса номи бор, даҳшатли номи, уни тақиб юрган кимсани у жувонмарг қилиши мумкин.

– Бу узукни сотиш! Маликам тортиқ қилган узукни-я! Ҳеч қачон! – қичқирди д'Артаньян.

– Унда кўзини ичига қаратиб олинг, шўрлик мажнун, чунки, фақир гаскон дворяни онасининг сандиғидан бу хил зийнатларни тополмаслигини ҳамма билади.

– Мени аллақандай хавф остида қолади, деб ўйла-япсизми? – сўради д'Артаньян.

– Пилтасига ўт туташган минада ухлагувчи одам сизга нисбатан ўзини камоли хатарсиз деб ҳисоблаши мумкин, деяпман, йигитча.

– Азбаройи шифо! – де Тревилнинг дадил оҳанги юрагига ғулғула сола бошлаб, деди д'Артаньян. – Азбаройи шифо, нима қилсам экан-а?

– Ҳар қаерда ва ҳар вақт ҳушёр бўлиш. Кардиналнинг хотираси ўткир, қўли узун. Гапимга ишонинг, у ҳали сизга бирор ҳунар ишлатади.

– Қандай ахир?

– Бе! Мен буни билармишманми? Ахир шайтоннинг барча мақомлари унинг қўлида эмасми? Энг камида сизни ҳибсга олишлари мумкин.

– Қандай! Ажабо, ҳазрат олийларининг хизматидаги аскарни ҳибсга олишга кимнинг ҳадди сиғаркин?

– Азбаройи шифо! Ахир улар Атосни ҳибсга олишга андиша қилишдими? Хуллас, ёш дўстим, сарой қошида ўттиз йил бўлган кишининг гапларига ишонинг: қуюшқондан ташқари тинчиб кетманг, йўқса нобуд бўласиз. Аксинча – буни сизга мен айтаяпман – сиз ҳамма жойда душманларни кўришингиз шарт. Башарти, бирор кимса сиз билан жанжал қўзиса сабабчи, гарчанд, ўн яшар гўдак бўлган тақдирда ҳам чап беришга ҳаракат қилинг. Агар, сизга ҳужум қилсалар, кечасими, кундузими – чекининг-да бундан орият қилманг. Борди-ю, кўприқдан ўтсангиз – тахталарини яхшилаб пайпаслаб кўринг, негаки, уларнинг бири оёғингиз остида узилиб тушиши мумкин. Башарти, қурилаётган иморатнинг ёнидан ўтишингизга тўғри келиб қолса – тепага қаранг, чунки, бошингизга тош қулаши мумкин. Агар, уйингизга бемаҳал қайтар бўлсангиз – хизматкорингиз изингиздан эргашиб юрсин ва хизматкорингиз тиш-тирноғигача қуролланган бўлсин, албатта, ундан батамом кўнглингиз тўқ бўлган тақдирда. Ҳаммадан эҳтиёт бўлинг: дўстдан, ака-укадан, маъшуқадан... хусусан маъшуқадан.

Д’Артаньян қизариб кетди.

– Маъшуқаданми?.. – беихтиёр такрорлади у. – Нега энди маъшуқадан бошқа бирор кимсадан кўра кўпроқ эҳтиёт бўлишим керак?

– Шу сабабданки, маъшуқа – кардиналнинг, айниқса, тез таъсир қиладиган энг севимли қуролларидан бири: аёл сизни ўн пистолга сотиб юбориши мумкин.

Далилани эслаб кўринг. Сиз муқаддас китобни била-
сизми?

Д'Артаньян Бонасе хоним худди шу бугунги оқшом-
га тайинланган мулоқотни эслади, лекин унинг шаъ-
нига шуни айтишимиз керакки, жаноб де Тревилнинг
аёллар хусусидаги ёмон фикри хушрўй бекаси бора-
сида унда заррача гумон уйғотмади.

– Айтгандек, – сўзида давом этди жаноб де Тревиль,
– уч ҳамроҳингиз қаерда қолди?..

– Мен худди шуни сиздан сўрамоқчи бўлиб турган
эдим, уларнинг дарагини топмадингизми?

– Ҳеч қандай.

– Мен уларни йўлда қолдириб кетган эдим: Портос-
ни Шантилияда пешанасида мубораза билан, Арамис-
ни Кревкерда кифтида ўқ билан ва Атосни – Аменда
бошида қалбаки пул тўлади деган даъво билан.

– Шундай денг! – деди жаноб де Тревиль. – Хўш, ўзин-
гизчи, қандай ўтиб олдингиз?

– Мўъжиза билан деб иқрор бўлишим керак, тақ-
сир, мўъжиза билан. Кўксимга бир қилич зарбини еб
ва граф де Вардни худди капалакни гул қоғозга қада-
гандай Кале йўлига парчин қилиб.

– Шуниси кам эди! Кардиналнинг мухлиси, Рош-
форнинг қариндоши де Вардни-я! Қулоқ солинг, жон
дўстим, миямга бир фикр келиб қолди.

– Нима фикр, тақсир?

– Сизнинг ўрнингизда мен бир иш қилган бўлардим.

– Хўш-хўш?

– Падари бузруквор мени Парижда қидиргунча ҳеч
кимга овоза қилмай, ими-жимиди яна Ликардияга
жўнаб қолардим-да, уч оғайнимнинг аҳволи нима кеч-
ганини суриштириб, билардим. Рост-да, улар шу кич-
кина эътибор рамзига арзирли иш қилдилар.

– Маслаҳат дуруст, тақсир, мен эртагаёқ жўнай-
ман.

– Эртага! Нима сабабдан шу бугун кечқурун эмас?

– Бугун мени Парижда қисталанг иш тутиб қолади.

– Оббо, йигити тушмагур-эй! Бирор ўткинчи ҳавас-дир-да? Сизга такрор айтаман, эҳтиёт бўлинг: аёл ҳаммамизни ўтмишда хароб қилиб келган, келгусида ҳам хароб қилади. Гапимга қулоқ солинг, бугуноқ кечқурун жўнаб кетинг.

– Тақсир, бунинг иложи йўқ.

– Бундан чиқди, сиз сўз бериб қўйибсиз-да?

– Ҳа, тақсир.

– Бу энди бошқа гап. Бироқ, агар бугун тунда сизни ўлдириб кетишмаса, эртага жўнаб кетишингизга ваъда беринг.

– Ваъда бераман.

– Сизга пул керак эмасми?

– Менда яна эллик пистол бор. Кифоя қилса керак, деб ўйлайман.

– Ҳамроҳларингизда-чи?

– Уларнинг пули бўлса керак. Биз Париждан жўнаганда ҳар биримизнинг чўнтагимизда етмиш беш пистолдан бор эди.

– Жўнашингизга қадар сизни кўраманми?

– Кўрмасангиз керак, деб ўйлайман, тақсир, башарти бирон янги гап чиқиб қолмаса.

– Ундай бўлса оқ йўл.

– Сизга ташаккур, тақсир.

Д'Артаньян жаноб де Тревиль билан унинг мушкетёрлар ҳақидаги оталарча ғамхўрлигидан ҳар қачонгидан кўпроқ кўнгли бузилиб хўшлашди.

– У Атос, Портос ва Арамисларнинг уйларидан бирма-бир хабар олди. Аммо, уларнинг биттаси ҳам қайтмаган эди. Уларнинг хизматкорлари ҳам қайтмаган, на улардан, на булардан ҳеч қандай дарак бўлмаган эди.

Д'Артаньян йигитлар хусусида уларнинг маъшуқаларини йўқлаб хабар топган бўларди, лекин у на Портоснинг маъшуқасини, на Арамиснинг машъуқасини танимасди. Атосга келганда эса, унинг маъшуқаси йўқ эди.

Гвардия казармалари ёнидан ўтаётган пайтда у таблаларга бош суқиб кўрди: тўрт отнинг учтаси келтириб қўйилган эди. Оғзи очилиб қолган Планше уларни тозаламоқда, иккитаси аллақачон тахт.

– Оҳ, тақсир, – д’Артаньянга кўзи тушиб, деди Планше, – сизни кўрганимдан бирам хурсандман!

– Ўзи нима гап, Планше? – сўради йигит.

– Сиз хўжайинимиз жаноб Бонасега ишонасизми?

– Менми? Қилча ҳам-да.

– Мана шуниси яхши, тақсир.

– Аммо, сен нега буни суриштириб қолдинг?

– Шунинг учунки, сиз у билан сўзлашаётганингизда мен, гарчи, сўзларингизни эшитмасам ҳам, сизларни кузатиб турган эдим, биласизми нима, тақсир: унинг уч ёки тўрт марта юзи ўзгариб кетди.

– Йўғ-э?

– Сиз буни пайқамадингиз, чунки, мактуб тўғрисидаги хаёлларингиз билан овора эдингиз. Мен бўлсам, бу мактуб уйимизга тушиб қолган ғаройиб йўлдан безовта эдим ва унинг башарасидан бир зум ҳам кўзимни узмадим.

– Хўш, у сенга қандай бўлиб кўринди?

– Муртаднинг башараси бўлиб.

– Наҳотки?

– Бунинг устига, тақсир, сиз билан хайр-маъзур қилиб, муюлишда ғойиб бўлишингиз билан Бонасе шляпасини олиб, эшигини қулфлади-да, кўчадан қарши томонга югуриб кетди.

– Дарҳақиқат гапинг тўғри, Планше, бу нарсаларнинг ҳаммаси бисёр шубҳали кўринади, аммо сен хотиржам бўл, ҳаммаси энг қатъий суратда аниқланмагунча биз унга ижара ҳақини тўламаймиз.

– Сиз ҳазиллашганингиз-ҳазиллашган, тақсир, бироқ, сабр қилинг – ўзингиз кўрасиз ҳам.

– На чора, Планше, майли, таваккал.

– Кечки сайрни қолдирмайман денг, тақсир?

– Аксинча, Планше, Бонаседан қанча кўп аччиғлансам сени безовта қилаётган мактубда тайинланган мулоқотга шунча ҳафсала билан бораман.

– Майли, тақсир, агар қарорингиз...

– Қатъий, дўстим. Хуллас, соат тўққизда шу ерда, казармада шай тур. Мен олдингга кираман.

Хўжайинини кўзланган иқдомдан айнитишга сира умид қолмаганини кўриб, Планше чуқур хўрсиниб қўйди-да, учинчи отни тозалашга киришди.

Аслини олганда, ғоят хушёр йигит бўлмиш д'Артаньянга келсак, у уйига қайтиш ўрнига тўрт оғайни учун мушқул дамда уларни шоколад нонушта билан сийлаган ўша гасконлик руҳонийникига тамадди қилгани жўнади.

XXIV

Шийпон

Соат тўққизда д'Артаньян казарманинг олдида ҳозир бўлиб, Планшени тамом тап-тайёр ҳолда топди. Тўртинчи от етиб келган эди.

Планше мушкет ва пистолетлар билан қуролланганди.

Д'Артаньяннинг ёнида қилич билан камарига қистирилган икки пистолет бор эди. Улар отларига миниб, товуш чиқармай жўнаб кетдилар. Қоп-қоронғи бўлгани учун уларнинг кетаётгани сезилмай қолди. Планше орқада, соҳибидан ўн қадамча берида борарди.

Д'Артаньян соҳил кўчаларидан ўтиб, Конферанс дарвозасидан чиқди-да, у маҳаллар ҳозиргидан хийла гўзалроқ бўлган Сен-Клуга элтувчи йўлдан равона бўлди.

Улар шаҳар ичидалигида Планше ўзи белгилаб олган оралиққа риоя қилиб юрди, лекин йўл хилватлашгани, қоронғилашгани сайин у нуқул ўз соҳиби сари сурила борди ва Булон ўрмонининг этагида у табиий равишда йигитнинг ёнида пайдо бўлди. Баланд-баланд

дарахтларнинг чайқалиши ва зулмат чўккан чангал-зордаги ой яллиғи Планшенинг жонсарақ юрагига ғул-ғула солишини биз гапириб ўтирмаймиз. Д'Артаньян хизматкорининг ҳоли чатоқлигини пайқади.

– Хўш, жаноб Планше, сизга нима бўлди? – сўради у.

– Ўрмон ибодатхонага ўхшайди, деб ҳисобламайсизми, тақсир?

– Хўш, нимаси билан, Планше?

– Шуниси биланки, бу ерда ҳам, у ерда ҳам қаттиқ-қаттиқ гапиришга ботинолмайсан киши.

– Нима сабабдан қаттиқ гапиришга ботинолмайсан, Планше? Қўрққанинг учунми?

– Ҳа, бизни битта-яримтаси эшитиб қолади, деб қўрқаман, тақсир.

– Бизни битта-яримтаси эшитиб қолади деб! Аммо, бизнинг гапларимизда ахлоқсиз ҳеч нима йўқ-ку, азизим Планше, ҳеч ким ундан макруҳлик тополмаган бўларди.

– Оҳ, тақсир! – ўзининг асосий фикрига қайтиб, гапини давом эттирди Планше. – Биласизми, шу Бонасенинг қошларида аллақандай маккор нарса бор, кейин у лабларини бирам хунук қимирлатадики!

– Қандай жин чалиб, сен ҳозир Бонасени эслаб қолдинг?

– Тақсир, одам эплаган нарсасини эслайди, хоҳлаганини эмас.

– Сен қўрқоқ бўлганинг учун шундай, Планше.

– Эҳтиёткорликни қўрқоқлик билан аралаштириш ярамайди тақсир. Эҳтиёткорлик – эзгу хосият.

– Сен ҳам хосиятлисан-а, – шундайми, Планше?

– Тақсир, ҳў, у ерда нима йилтиллалапти? Мушкетнинг оғзига ўхшайди. Ҳар эҳтимолга қарши бошимизни эгсакмикан?

– Дарҳақиқат, – тўнғиллади де Тревилнинг насиҳатлари ёдига тушган д'Артаньян, – дарҳақиқат, бориб-бориб бу ҳайвон мени ҳам ваҳимага солади.

У отини йўртиб кетди.

Планше соҳибининг ҳаракатларини, гўё ўзи унинг шарпаси каби айнан такрорлаб, шу заҳоти унинг ёнида пайдо бўлди.

– Нима, тақсир тун бўйи юраверамизми? – сўради у.

– Йўқ, Планше, чунки, сен етиб келдинг.

– Етиб келдинг деганингиз нимаси? Сиз-чи, тақсир?

– Мен эсам яна бир-икки қадам юраман.

– Мени бу ерда ёлғиз ташлаб кетасизми?

– Қўрқаяпсанми, Планше?

– Йўқ, тақсир, лекин фақат айтмоқчи эдимки, тун жуда салқин бўлади, совуқ бодга йўлиқтиради, бод дардига чалинган хизматкор, хусусан, сиздек абжир соҳиб учун ёмон дастёр бўлади.

– Хўп, яхши, Планше, агар совуқ есанг, хў кўриниб турган майхоналарнинг бирига кирақол, эртага сахар соат олтида мени эшик тагида кут.

– Тақсир, сиз эрталаб берган экюни ҳурмат тариқасида еб-ичиб бўлдим, хуллас, совқотиб қолган тақдирда чўнтагимда ҳемири ҳам йўқ.

– Мана сенга ярим пистол. Хўп, эртагача.

Д’Артаньян отдан тушиб, тизгинни Планшега ташлади-да, ридога бурканиб, бирпасда узоқлашиб кетди.

– Ё раббий, бирам совқотяпманки! – хўжайини кўздан ғойиб бўлгани ҳамон бақириб юборди Планше. У исинишга интиқиб, дарров шаҳар чеккаси қовоқхонасига хос ҳамма ташқи нишонлар билан безатилган бир уйнинг эшигини қоқди.

Бу орада камбар сўқмоққа бурилган д’Артаньян йўлида давом этиб, Сен-Клуга бориб қолди; бироқ, бу ерда у бош кўчадан юрмади, балки, қасрни айланиб ўтиб, кичик хилват тор кўчага етиб олди-да ҳаял ўтмай мактубда кўрсатилган шийпоннинг қаршисида ҳозир бўлди. Шийпон жуда овлоқ жойда турарди. Тор кўчанинг бир томонида баланд девор қаққайиб, шийпон унинг ёнбошида жойлашган, бошқа томонида ичка-

рисиди ғариб кулба кўзга чалиниб турган кичик чорбоғни четан девор йўловчилардан муҳофаза қиларди.

Д'Артаньян мулоқот жойига ташриф буюрди ва ўзининг шу ердалигини бирор белги билан хабар қилиш ўзига айтилмагани сабабли кута бошлади.

Камоли сукунат ҳукм суради, пойтахтдан юз ле наридан деган хаёлга бориш мумкин эди. Чор-атрофни кўздан кечиргач, д'Артаньян четан деворга суянди. Шу четан девор, чорбоғ, шу кулба орқасида бириккита ёруғ нуқта, бу дўзахнинг тиниқ юлдузлари милтиллаб турган тубсиз ўпқон – Париж, бўм-бўш Париж, ҳувуллаб уйқуда ётган сўнгсиз фазо қуюқ туман қатлари орасига кўмилган эди.

Лекин, д'Артаньян учун у кўрганки нарса жозибали шаклга чулғанар, унинг бутун фикру хаёллари табасум қилар, ҳар қандай зулмат шаффоф кўринади: висол онлари яқин қолган эди.

Дарҳақиқат, бир неча лаҳзадан кейин Сен-Клу минорасининг қўнғироғи ўзининг ланг очиқ ғувиллаган даҳанидан ўнта сусти зарбни чиқарди.

Тун ичида бўғиқ нола қилаётган бу бронзасимон товушда мудҳиш ваҳима бор эди.

Лекин, бу зарбларнинг ҳар биттаси йигитнинг қалбига ҳамоҳанг уриларди, ахир – уларнинг ҳар бири интизор соатнинг бир зарраси эди-да.

Унинг кўзлари иккинчи қаватдаги биттадан бўлак ҳамма деразалар дарчалари билан берк кичкина шийпонга қадалган эди.

Бу деразадан четан девор ташқарисиди сада бўлиб ғовлаб кетган бир-икки туп арғувон дарахтининг титроқ шаббаларига симобий тус бериб, майин нур таралмоқда эди. Шунча файз билан ёришиб турган бу деразанинг орқасиди хушрўй Бонасе хонимнинг унга кўз тутиб ўтиргани аён эди.

Бу ширин хаёллардан сархуш бўлиб, д'Артаньян файзли мўъжаз масканга нигоҳини тикканича, сира тоқатсизланмай яна ярим соат кутди; зарҳал берил-

ган пирамонли шифтнинг бир парчаси ташқаридан кўриниб қолган жиҳозларнинг бежиримлигидан далолат берарди.

Сен-Клу минорасидаги кўнғироқ ўн яримга занг урди.

Бу дафъа д'Артаньян ўзи ҳам изоҳлашга ожиз ғалати титроқ томирларини жимирлатиб ўтганини ҳис қилди. Эҳтимол, у жунжика бошлагандир ва соф жисмоний ҳиссиётини маънавий деб ўйлагандир.

Кейин кўнглига номани ўқиганда ўзи хато қилган-у, мулоқот атиги соат ўн бирга тайинланган деган фикр келди.

У деразага яқин йўлаб, нур оқимига турди-да, чўнтагидан мактубни чиқариб, уни қайта ўқиб чиқди; йўқ у янглишмаган: мулоқот чиндан ҳам соат тўққизга тайинланган эди.

У аввалги жойига қайтиб борди; сукунат ва танҳолик унда бир мунча ваҳима кўзғата бошлаган эди.

Соат ўн бирга занг урди.

Д'Артаньян энди ҳадиксирай бошлади: рости билан Бонасе хонимга бирор кор-ҳол бўлганмикан-а.

У ошиқ-маъшуқлар учун расм бўлган белгини қилиб, уч марта чапак чалди: бироқ ҳеч нарса, лоақал аксадо ҳам унга жавоб қилмади.

У деворга яқинлашиб, унга тирмашиб чиқишга уришиб кўрди, лекин девор янги шувоқдан чиққан бўлиб, д'Артаньяннинг тирноқларини синдириб олгани қолди, холос.

Шу нафас у аввалгидек, шаббаларига нур симобий тус бериб турган дарахтларга диққатини қаратди-ю, улардан бири йўл узра осилиб тургани сабабли ўша шохга чиқсам шийпон ичкарисига қарашнинг иложи бўлади, деб қарор қилди.

Дарахтга чиқиш мушкул иш эмасди. Бунинг устига д'Артаньян атиги йигирма ёшда бўлиб, бинобарин, ўзининг болалик машқларини ҳали унутганича йўқ эди. Бир зумда у шохлар орасида пайдо бўлди ва тиниқ

ойналар орқали унинг назари хона ичкарасига тушди.

Д'Артаньяннинг кўз ўнгида мудҳиш манзара намоён бўлди-ю, унинг бадани жимирлаб кетди. Бу майин нур, бу шинам чироқ даҳшатли қирғин манзарани ёритиб турган эди: дераза ойналаридан бири чил-парчин қилинган, эшик синдирилиб, табақалари илмоғида осилиб қолган; афтидан, устига танқис таомлар ҳозирланган стол тўнтарилиб, полда ётарди; шиша синиқлари, эзилган мева-чевалар паркетда сочилиб ётарди; бу хонадаги жамики нарса аёвсиз ва мардона курашдан далолат бериб турарди; ҳатто, д'Артаньян бу ғайриоддий тартибсизлик орасида кийимларнинг парчаларини, дастурхон ва дарпардалардаги талай қонли доғларни кўргандай бўлиб кетди.

Юраги ҳаприкиб урган ҳолда у ерга тушишга шошилди; у зўровонликнинг яна бирор нишонлари кўчада бор-йўқлигини кўрмоқчи эди.

Хира зиё тун сукунатида ҳамон милтиллаб турарди. Шунда ҳозиргача астойдил текширувга ўзини ҳеч нима ундамагани сабабли ўзи дарров илғамаган алла нарсаларга д'Артаньяннинг кўзи тушди: бир жойи тепаланган, бошқа жойи титкиланган ерда одам ва от туёқларининг излари мавжуд эди. Бундан ташқари, афтидан, Париждан келган извошнинг ғилдираклари юмшоқ тупроқда шийпонгача келиб, яна Париж тарафга бурилиб кетган чуқур изларни қолдирган эди.

Тадқиқотларини давом эттираётган д'Артаньян пировардида девор тагида йиртилган аёл қўлқопини топиб олди. Бу қўлпоқнинг лой чапланмаган жойлари беғубор покизалиги билан ажралиб турарди. Бу ўша жазманлар ажиб қўлчадан жон деб юлқиб олгувчи, атир сепилган қўлқоплардан бири эди.

Мушоҳадаларини давом эттиргани сайин унинг манглайи жиққа терга ботар, юраги ёмон хавотирдан қисилар, нафаси тезлашар эди; бироқ эҳтимол, бу шийпоннинг Бонасе хонимга сира алоқаси йўқдир,

жувон мулоқотни шийпон ичкарасида эмас, балки, ёнида тайинлагандир, уни Парижда юмушлари, балки, эҳтимол, эрининг рашки ҳам тутиб қолган бўлиши мумкин деб ўзига ўзи тасалли берарди.

Лекин, унинг барча далилларини баъзан бизнинг бутун вужудимизни қамраб олиб, дод солгувчи, ёмон фалокат рўй берди, дея қаттиқ чинқирувчи ички изтироб туйғуси парчалаб ташлар, яксон этар, остин-устун қилиб юборарди.

Д'Артаньяннинг гўё эс-хуши оғиб қолди; у катта йўлга отилди, шу ерга келган йўлидан юриб кетди, паромгача югуриб бориб, киракашни гапга солди.

Шом соат еттиларда киракаш қора ёпинчиққа бурканган, афтидан, танилиб қолишни ҳаргиз истамаган аёлни дарёдан ўтказиб қўйган эди; бироқ, айна шу эҳтиёт тадбирлари киракашни унга эътибор қилишга ундади-ю, у, аёлнинг ёш ва гўзаллигини пайқади.

У маҳаллар худди ҳозирги каби аксар ёш ва соҳибжамол аёллар Сен-Клуга танилиб қолмасликни истаган ҳолда оралаб турардилар, лекин, барибир, киракаш айна Бонасе хонимни кўрганига д'Артаньян бир зум ҳам гумон қилмади.

Киракашнинг ҳужрасида ёниб турган чироқ нурида йигит Бонасе хонимнинг номасини яна бир карра ўқиб чиқиб, ўзининг хато қилмагани, мулоқот бўлак жойдамас, Сен-Клуда, бўлак кўчада эмас, жаноб д'Естренинг шийпони ёнида тайинланганлигига қаноат ҳосил қилди.

Кўнгли панд бермагани, катта фалокат содир бўлганини д'Артаньянга исбот этмоқ учун ҳамма нарса тил бириктирган эди.

У орқасига қайтиб югурди; назарида, у йўқ пайти шийпонда бирор янги гап ўтган-у уни аллақандай маълумотлар кутаётгандай туюларди.

Тор кўча аввалгидек ҳувиллаб ётар ва ўша-ўша осойишта майин нур ҳамон деразадан таралиб турарди.

Кўққис д'Артаньяннинг эсига бир нима кўргани, шубҳасиз, эҳтимол, лаб-даҳани ҳам бўлган ўша басир ва гунг хужра тушди.

Дарча берк эди, лекин у четан девордан ошиб ўтди-да, занжирбанд итнинг ҳуришига парво қилмай, кулбага яқинлашди.

У тақиллатди. Дастлаб ҳеч ким жавоб қилмади. Кулбада худди шийпондаги сингари ўлик сукунат ҳукм су-рарди; бироқ кулба унинг сўнгги илинжи бўлиб, тақиллатишда давом этарди.

Ҳадемай, ичкаридан енгил шарпа, хуркак сас эшитилди.

Шунда д'Артаньян тарақлатишдан тўхтаб, ёлвора бошлади, унинг товушида шунча хавотир ва ваъда, шунча кўрқув ва илтижо бор эдики, бу товуш энг юраксиз одамни ҳам тинчителишга қодир эди. Ахийри, ярим чириган кўҳна дарча очилди ёки, тўғрироғи, қия бўлди-ю, кунжақда ёниб турган кичкина чироқнинг хира нури д'Артаньяннинг тасмаси, қилич дастаси ва пистолетларининг сопларига шуъла ташлаши ҳамон яна дарров қарсиллаб ёпилди. Бироқ, бу нарсаларнинг ҳаммаси нечоғлик оний бўлмасин, д'Артаньян мўсафиднинг бошини илғаб қолишга улгурди.

– Худо ҳаққи, менга қулоқ беринг! – деди у. – Мен бир кишига кўз тутган эдим, аммо у йўқ. Хавотирланганимдан ўлар ҳолатга келдим. Айтинг, шу яқин орада бирор бахтсизлик содир бўлмадимми?

Дераза аста-секин очилиб, унда аввалги чеҳра тагин кўринди, фақат у ҳозир илгаригидан ҳам бўзарган эди.

Д'Артаньян бор гапни, фақат номларини тилга олмай, самимий сўзлаб берди: шу шийпон ёнида унга бир ёш жувон билан мулоқот тайинлангани, унинг дараги бўлмагач, арвуғонга чиққани ва чироқ нурида у ерда ҳукм суриб ётган қиёматни кўрганларини сўзлаб берди.

Чол бошини сарак-сарак қилиб, таъкидлаганича, уни диққат билан тинглади: кейин д'Артаньян гапини

тугатганда у яхшилик чиқмайдиган бир алфозда бошини чайқаб қўйди.

– Сиз нима демоқчисиз? – бақириб юборди д’Артаньян. – Худо ҳаққи, тушунтириб беринг, бу нима деган гап?!

– Оҳ, тақсир, – жавоб берди чол, – мендан ҳеч нима сўраманг, чунки, кўрганларимни сизга айтиб қўйсам бошим балога қолиши аниқ.

– Демак, алланима кўрибсиз-да? – сўради д’Артаньян. – Ундай бўлса, – унга бир пистол ташлаб, сўзида давом этди у, – кўрганларингизни сўзлаб беринг, худо ҳаққи сўзлаб беринг, ҳар сўзингизни сир тутаман, деб чин дворянлик сўзимни бераман.

Чол д’Артаньяннинг юзида шунча самимият ва шунча уқубат ўқидики, унга тинглашни ишора қилиб, аста ҳикоясини бошлади:

– Соат тўққизда кўчадан аллақандай шовқинни эшитиб қолдим. Нима гаплигини билиш истагида эшикка яқинлашиб, бирдан-бир кимсанинг боғимга кирмоқчи бўлаётганига кўзим тушди. Мен қашшоқман, ўзимни ўғри уришидан кўрқмайман, шунинг учун эшикни очдим ва бир-икки қадам нарида уч кишини кўрдим. Қоронғилиқда от кўшилган извош ва салт отлар турарди. Отлар, афтидан, дворянлар сингари кийинган шу эркак кишиларга қарашли эди.

«Мендан нима истайсиз, яхши жаноблар?» – сўрадим мен.

«Сенда нарвон бўлиши керак», – деди ўша менга сардор бўлиб кўринган киши.

«Ҳа, тақсир, ҳа, унда мева тераман».

«Уни бизга бериб, уйингга жўна. Мана сенга, безовта қилганимиз учун экию. Фақат ёдингда бўлсин: кўрган эшитганларинг тўғрисида лоақал бир сўз оғзингдан чиқиб кетса – ахир сенга қанча пўписа қилма, барибир қараб, эшитиб тураверишингга ишончим комил – тамом бўласан!»

Шу сўзларни айтиб, у менга, ерга экию ташлаб, нарвонни олди.

Унинг орқасидан дарчани беркитиб, ўзимни уйга кетаётганга солдим, аслида эса, шу заҳоти орқа эшикдан чиқдим-у, қоронғида пусиб, ҳув анави каракатнинг бутасигача бордим, у ердан кўзга чалинмасдан ҳамма нарсани кўришим мумкин эди.

Уч эркак извошни шовқин чиқармасдан яқинроқ келтиришди-да, ундан бақалоқ, пакана, сочлари мошгуруч, эғнидаги қора уст-боши эски бир одамчани туширишди. У ҳадик билан атрофга аланглаб олгач, нарвонга чиқди, эҳтиёткорлик билан хонага мўралаб, астагина пастга тушди-да, шивирлади:

«Бу ўша».

Мен билан гаплашган киши дарров шийпон эшиги олдига бориб, чўнтагидан олган калити билан уни очди-да, орқасидан эшикни ёпиб ғойиб бўлди; бу орада қолган иккитаси нарвонга чиқишди. Чол извош эшикчаси ёнида қолди, извошчи қўшилган отларни, хизматкор эса салт отларни ушлаб туришарди.

Бирдан шийпондан қаттиқ фарёдлар эшитилиб, аллақандай аёл югуриб, деразанинг олдига келди-да, гўё ўзини пастга ташламоқчидай, уни очиб юборди. Бироқ, икки эркакка кўзи тушгач, у сапчиб орқага чекинди, эркаклар эса бир сакраб, хонага кириб кетишди.

Мен ортиқ ҳеч нима кўрмадим, аммо синдирилаётган жиҳозларнинг қасир-қусурини эшитиб қолдим. Аёл додлар ва ёрдамга чақирарди, лекин кўп ўтмай, унинг фарёдлари сўнди. Уч эркак деразанинг олдига келишди. Уларнинг иккиси аёлни кўтарган кўйи нарвондан тушиб, уни извошга ўтқиздилар; бақалоқ чол унинг орқасидан извошга кирди. Шийпонда қолган киши деразани ёпиб, бир дақиқа ўтгач, ҳовлидан чиқди. Икки ҳамроҳи эса аллақачон отларга миниб, уни кутишмоқда эди. Аёлнинг извошдалигига ишонч ҳосил қилгач, у ҳам сапчиб эгарга минди, хизматкор извошчининг ёнидан жой олди, извош уч суворий соқчилигида жўнаб кетди, шу билан ҳаммасига хотима ясалди.

Бу даҳшатли хабардан эсанкираб д'Артаньян карахт бўлиб унсиз тураверди: қаҳру ғазаб ва рашкнинг жамики жинлари унинг қалбида тугён кўтарарди.

– Жаноб, – афтидан, бу унсиз алам ҳар қандай нола ва кўз ёшларидан кўпроқ таъсир этиб деди чол, – рост гап, кўп қайғураверманг. Ахир улар дилбарингизни ўлдиришгани йўқ-ку, энг муҳими шу.

– Бу мудҳиш хуружни қандай одам бошқарганини лоақал тусмолдан биласизми? – сўради д'Артаньян.

– Йўқ, мен уни танимайман.

– Аммо, у билан гаплашгандан кейин, демак, уни кўра олгансиз.

– Э, сиз унинг нишонларини сўраяпсизми?

– Ҳа.

– Новча, қотма, қорамағиздан келган, қора мўйлов, қора кўз, афти-ангоридан – дворян.

– Ана холос, – кичқирди д'Артаньян, – бу ўша! Бу яна ўша! Бу менинг ёвуз арвоҳим бўлса керак! Бошқаси-чи?

– Қайси?

– Бақалоғи.

– О, униси кибор одаммас, бунга кафилман. Унинг ёнида қиличи йўқ эди, бошқалар ҳам унга эҳтиромсиз муомала қилишарди.

– Бирор малай, – бўлдиради д'Артаньян, – вой, шўрлик, шўрлик! Уни не қуйга солишипти-я?

– Сиз мени фош қилмайман деб ваъда бериб эдингиз, – деди чол.

– Ўз ваъдамни сизга такрорлайман. Кўнглингиз тўқ бўлсин, мен дворянман. Дворяннинг лафзи битта бўлади, мен ваъдамни бериб кўйдим.

Юраги эзилиб д'Артаньян яна паромга йўл олди. Гоҳи дақиқалар у чол ҳикоя қилган аёл Бонасе хонимлигига ишонмай қолар, ҳамда эртагаёқ уни Луврда кўришга умид боғлар эди; гоҳи дақиқалар эҳтимол, бўлак бирор кимса билан унинг алоқаси бўлган-у, кунчи маъшуқ уни тутиб олиб, қочган, деган фикр мияси-

га келиб қоларди. Хаёллардан боши қотиб, у азоб чечкар, ғамга ботарди.

– О, кошкийди дўстларим мен билан бўлса! – нидо қилди у. – Менда жуда бўлмаганда уни топишга лоақал бирор умид бўларди. Аммо, ким билади, уларнинг ҳоли нима кечди экан!

Вақт ярим кеча эди; энди Планшени ахтариб топмоқ лозим эди. Д'Артаньян ақалли хира шуъласи кўзга чалинганки, бор хароботларнинг эшигини қоқиб чиқди. – Планше уларнинг бирортасида йўқ эди.

Хароботларнинг олтинчи саноғида д'Артаньян қидиришларим қарийб пуч деган мулоҳазага бориб қолди. У хизматкорига фақат эрталаб соат олтида ўзини кутишни буюрган бўлиб, у ҳозир қаерда бўлмасин, бунга тамоман ҳақли эди.

Бунинг устига йигит синоат жойининг яқинида қолгач, бу сирли ҳодиса хусусида бирор маълумотни тезроқ топаман, деб ўйлаб қолди. Хуллас, биз айтиб ўтганимиздек, олтинчи қовоқхонада д'Артаньян ҳаяллаб қолди-ю, дурустроқ шаробдан бир шиша сўраб, энг қоронғи кунжакка ўрнашиб олди-да, шу ерда тонг отишини кутишга қарор қилди; бироқ, бу дафъа ҳам унинг умидлари чиппакка чиқди, у гарчи, ғоят диққат билан тинглаган бўлса-да, ўзи ўтирган жойининг муҳтарам даврасини ташкил этгувчи мастеровой, малай ва аравакашлар ўртасидаги ўзаро қарғанишлар, ҳазил-мутоъиба ва сўқинишлардан у шўрлик ўғирланган аёлнинг изига солишга яроқли ҳеч нима эшитолмади. Хуллас, бекорчиликдан ва шубҳа туғилишини истамаганидан шишасини тугатиб, у ўз кунжагида қулайроқ ўтириб, бир амаллаб уйқуга кетишга мажбур бўлди. Хотирлашимизча, д'Артаньян йигирма ёшда эди, бу ёшда уйқу муқаррар ҳуқуқларга молик бўлади, уларни ҳатто, энг аламзада қалбларга ҳам ўтказди.

Эрталаб соат олтиларда д'Артаньян тутуриқсиз ўтган тундан кейин, кун бошида йўлдош бўладиган нохуш кайфият билан уйғонди. Унинг тараддудлари

кўп чўзилмади; уйқу орасида ҳеч ким қоқлаб кетмаганига ишонч ҳосил қилиш учун у ўзини пайпаслаб кўрди ва узугини қўлда, ҳамёнини чўнтақда ва пистолетларини ёнда топиб, ўрнидан қўзғалди, шароб ҳақини тўлаб, хизматкорни эрталаб қидириш тундагидан ўнгроқ деган умид билан ташқарига чиқди. Чиндан ҳам, рутубатли кулранг туман орасидан у дастлаб разм солгани арафада д'Артаньян ҳатто, мавжудлигини ҳам пайқамай ёнидан ўтиб кетган кўримсиз, ғариб харобот эшиги тагида икки отнинг тизгинини ушлаган ҳолда уни кутаётган ҳалол Планше бўлди.

XXV

Портос

Тўғри ўзиникига бориш ўрнига д'Артаньян жаноб де Тревиль эшиги тагида отидан тушиб, шошганича зинапоядан югуриб чиқди. Бу дафъа у содир бўлган нарсаларнинг ҳаммасини унга сўзлаб беришга қарор қилди. Бу воқеа борасида жаноб де Тревилнинг жўяли маслаҳат бера олиши шубҳасиз эди; бундан ташқари, жаноб де Тревиль қиролича билан кунда юз кўришиб турар ва ўз соҳибасига садоқати учун таъзини еяётгани шак-шубҳасиз шўрлик аёлнинг бирор дарагини ҳазрат олияларидан сўраб билиш унинг қўлидан келса, ажаб эмас эди.

Жаноб де Тревиль йигитнинг ҳикоясини бу саргузаштда ишқий фитнадан ортиқроқ нарса кўраётганини билдиргувчи жиддият билан тинглади.

– Ҳм... – деди у д'Артаньян гапини тугатгандан сўнг. – Бу нарса падари бузрукворсиз битмагани мутлақо аён.

– Аммо, нима қилмоқ керак? – сўради д'Артаньян.

– Ҳеч нима, ҳозирча мутлақо ҳеч нима, мумкин қадар тез Париждан жўнаб кетишдан ўзга чора йўқ. Мен буни сизга аллақачон айтганман. Мен қироличага учрайман, у кишига бечора аёлнинг йўқолиш таф-

силотларини сўзлаб бераман – унинг бундан хабари йўқ, албатта.

Жаноб де Тревилнинг, гарчи, у гасконлик бўлса-да, ваъда бериш одати йўқлигини д'Артаньян биларди, лекин ваъда қилишига тўғри келган тақдирда ҳам у ваъдасини ўзи айтганидан зиёда қилиб, дўндириб қўярди. Шундай қилиб, йигит унга ўтмиш ва келажак учун миннатдорликка тўлиқ таъзим қилди, бу диловор, азмкор йигитга ўз навбатида астойдил жонқуярлик қилиб келаётган мухтарам капитан эса унинг қўлини дўстона қисиб, оқ йўл тилади.

Жаноб де Тревилнинг насиҳатларини зудлик билан амалга ошириш қасдида д'Артаньян чамадонлар тахланишини назорат қилмоқ учун Гўрковлар кўчасига жўнади. Уйга етганда у халат кийиб, эшик бўсағасида турган жаноб Бонасени кўрди. Хўжайинларининг маккор хусусиятлари борасида зийрак Планше айтган ҳамма гаплар ҳозир д'Артаньяннинг ёдига тушди-ю, ҳар қачонгидан кўпроқ диққат билан унга синчиклаб қаради. Дарҳақиқат, сафрони тарқаганидан дарак берувчи, эҳтимол, тасодифий сабабга ҳам молик рангининг заъфарон заҳиллигидан ташқари, д'Артаньян унинг юзидаги ажинлар тузилишида алланечук маккор ва муғомбирлик пайқади. Фирибгар ҳалол одамдай кулмайди; риёкорнинг кўз ёшлари самимий одамниқидан фарқ қилади. Ҳар қандай сохтагарчилик – бу ниқобдир ҳамда бу ниқоб нечоқлик моҳирона ясалган бўлмасин, диққат билан разм солинса, уни ҳаминша чинакам қиёфадан фарқлаб олмоқ мумкин.

Д'Артаньянга ҳам Бонасе ниқоб тутиб юргандай, тутганда ҳам жуда бачканасидан тутиб юргандай кўринди.

Ўзи бу одамдан ҳазар қилиши таъсирида, Д'Артаньян унинг ёнидан сўз қотмай ўтиб кетмоқчи бўлган эди, жаноб Бонасенинг ўзи уни чақириб қолди.

– Оббо, йигитча-эй, – деди у, – тунларни дурустгина ўтказаяпсиз, шекилли? Эрталаб соат етти бўлиб қолди,

азбаройи шифо! Расм-русумга андак ўзгартиш киритган кўринасиз, бошқалар энди уйдан чиқаётган маҳал сиз уйга қайтпасиз.

– Мана, сизга, бу хил таъна қилиб бўлмайди, метр Бонасе, – жавоб берди йигит, – сиз сипоҳликнинг намунасиз. Тўғри, ёш ва гўзал рафиқанг бўлгандан кейин бахт кетидан қувиб юришга ҳожат қолмайди: бахт ўз оёғи билан уйга кириб келади. Шундаймасми, жаноб Бонасе?

Бонасе ранги бўздай оқариб, тиржайиб қўйди.

– Ҳа ҳа, сиз жуда ҳазилкаш экансиз, – деди у, – бироқ, ёш дўстим, бугун кечаси қаерларда санқиб юрдингиз, азбаройи шифо? Сўқмоқ йўллар сайр учун унчалик боп эмас, шекилли.

Д'Артаньян тепасигача балчиққа ботган ўз этикларига қаради, лекин шунда унинг нигоҳи иттифоқо атторнинг кавуш ва пайпоқларига тушди, улар худди бир ҳалқобга кириб чиққандай туюларди: уларнинг ҳам, буларнинг ҳам шалтоғи мутлақо бир хил эди.

Шунда кўққис Д'Артаньяннинг кўнглига лоп этиб бир фикр келди. Бу бақалоқ одамча, пакана, сочлари мош-гуруч, извошга ҳамроҳ қуролли суворийлар менсимай муомала қилишган бу малаймисол қора устибошлик чол Бонасенинг ўзи эди. Эр рафиқаннинг олиб қочилишига бош-қош бўлган

Д'Артаньяннинг уни гирибонидан тутиб, жуда бўғиб қўйгиси келди-ю, лекин айтиб ўтганимиздек, у ғоят эҳтиёткор йигит бўлиб, ўз шахтини қайтарди. Бироқ, унинг юзи шунча яққол ўзгариб кетдики, Бонасе чўчиб, орқага тисарилди, лекин у эшикнинг айна ёпиқ турган табақаси олдида турарди ҳамда бу ғов уни жойидан қимирламасликка мажбур эди.

– Ҳазил қилиптиларми, азизим, – деди д'Артаньян. – Лекин, назаримда, агар менинг этикларим тозалашга муҳтож бўлса унда сизнинг пайпоқ ва кавушларингиз ҳам чўтка талаб бўлиб турибди. Наҳот сиз ҳам саргузашт овлаб, бирор ерда изғиб юрган бўлсангиз, метр

Бонасе? Қўйинг-э, биласизми, сизнинг ёшингиздаги, бунинг устига ёш ва соҳибжамол рафиқаси бор одамга бу ярашмаган қилиқ.

– Йўғ-э, худо асрасин, – жавоб қилди Бонасе, – мен кеча бир оқсочни суриштириб боқиш учун Сен-Манденга бориб эдим – у менга мутлақо зарур, йўллари ёмонлигидан мен шу балчиқни илаштириб келдим, ҳали тозалаганимча йўқ.

Бонасе ўз сафарининг мақсади қилиб кўрсатган жой д'Артаньяннинг шубҳаларини тасдиқловчи қўшимча далил эди. Бонасе Сен-Мандени кўрсатишининг сабаби, Сен-Манде билан Сен-Клу тамоман қарама-қарши томонларда эди.

Бу тахмин д'Артаньян учун дастлабки юпанч бўлди. Башарти Бонасе рафиқасининг қаердалигини билган тақдирда, демак, баъзи бир воситаларни ишга солиб, атторни тилга киргизиш ва сирини ошкор этишга мажбур қилиш мумкин бўларди. Гап шу тахминни ишончга айлантиришда қолган эди, холос.

– Бир оз бетакаллуфлик қилсам, мени авф этгайсиз, жаноб Бонасе, – деди д'Артаньян, – аммо биласизми, ҳеч нарса одамни бедор тунлари сингари ташна қилмайди, мен ҳам чўллаб кетяпман. Сизникида бир стакан сув ичиб олишга ижозат бергайсиз. Шундай арзимаган нарсани қўшнидан дариф тутиш ярамайди ахир.

Хўжайиннинг ижозатини кутиб ўтирмасдан д'Артаньян лип этиб уйга ўтиб кетди-ю, ўрин-тўшакка кўз югуртирди. Ўрин эзилмаган эди. Бонасе ётмаганди. Демак, у уйига шу яқин орада, бир ёки икки соат муқаддам қайтган; демак, у рафиқасини олиб кетган жойгача ёки лоақал биринчи почта бекатигача кузатиб борган.

– Сизга ташаккур, метр Бонасе, – стаканни бўша-тиб деди йигит, – менга сиздан фақат шу нарса даркор эди. Энди мен ўзимникига бораман-да, Планшега этигимни тозалашни буюраман, у тугатгандан кейин

эса, агар хоҳишингиз бўлса сизнинг кавушларингизни тозалаб бериши учун ёнингизга юбораман.

У атторни бу ғаройиб хайр-маъзурдан тамом гангиган ва ўз бўҳтонларимга ўзим ўралашган бўлмай тафин, дея ўз-ўзидан сўраган ҳолда ташлаб кетди.

Зинапоянинг юқори супасида д'Артаньян қути ўчган Планшега дуч келди.

– Оҳ, тақсир! – соҳибини кўргани ҳамон қичқирди у. – Яна янгилик! Сизни кутавериб, кўзларим тўрт бўлди.

– Ўзи нима гап? – сўради д'Артаньян.

– Гаров боғлашга тайёрман, сиз йўфингизда бизни кига ким келганини тополмайсиз.

– Қачон?

– Ярим соат илгари, сиз жаноб де Тревилникида-лигингизда.

– Ким келди ўзи? Тезроқ гапирсанг-чи.

– Жаноб де Кавуа.

– Жаноб де Кавуами?

– Шахсан ўзлари.

– Падари бузрукворнинг гвардия капитани-я?

– Худди ўзи.

– У мени ҳибсга олмоқ учун келдими?

– Унинг чучук қиёфасига қарамасдан менга шундай туюлди.

– Унинг кўриниши чучукмиди?

– Энди, биласизми, нақ асал дейсиз.

– Ажабо?

– Падари бузруквор сизга яхшилик раво кўришини ва Па-ле-Роялга қадам ранжида қилишингизни илтимос қилаётганини айтди.

– Хўш, сен унга нима жавоб бердинг?

– Бунинг иложи йўқ, чунки, уйда йўқлар деб. Бунга у ишонч ҳосил қилиши мумкин эди.

– У-чи, бунга нима деди?

– Кун мобайнида, албатта, унинг ҳузурига кираркансиз. Сўнгра у шивирлаб, қўшиб қўйди: «Соҳибингга

айтгинки, падари бузруквор унга хайрихоҳлар, ва эҳтимол, унинг тақдирини шу мулоқот ҳал қилар».

– Кардинал учун бу қопқон анча нўноқ, – мийиғида кулиб деди йигит.

– Шунинг учун мен буни пайқаб қолдим-да ва Сизни қайтганда жуда таассуф қилади, деб жавоб бердим. «У қаёққа кетган? – деб сўради жаноб де Кавуа, «Труага, Шампанга» – деб жавоб бердим мен. «Қачон?» – «Кеча шомда»...

– Планше, дўстим, – дея унинг гапини бўлди д'Артаньян, – рости гап, сен бебаҳо одамсан!

– Биласизми, тақсир, агар сиз жаноб де Кавуани кўрмоқчи бўлсангиз, гапларимни инкор этишга ҳеч қаерга кетмаган эдим дейишга ҳар қачон улгураверасиз, деб қарор қилдим. Бу ҳолда мен ёлғон гапирган бўлиб чиқардим, лекин мен дворянмасман ахир, менга ёлғон гапириш ярашаверади.

– Хотиржам бўл, Планше, сенинг софдил кишилик обрўйингга путур етмайди: чорак соатдан кейин биз жўнаб кетяпмиз.

– Мен боягина сизга шу маслаҳатни бермоқчи бўлиб тургандим. Аммо, агар сир бўлмаса, қаёққа жўнаб кетяпмиз?

– Албатта сен жаноб де Кавуага кўрсатган тарафнинг қарама-қаршисига-да дарвоқе, мен Атос, Портос ва Арамисларнинг ҳоли не кечганини билишга ошиққанам сингари сен ҳам Гримо, Мушкетон ва Базенларнинг бирор дарагини топишга шошилаётгандирсан.

– Албатта, тақсир, – деди Планше, – мен ҳозир десангиз ҳам жўнашга тайёрман. Чамамда, вилоятнинг ҳавоси бизга шу тобда Парижникидан фойдалироқ, шу сабабдан...

– Шу... шу сабабдан эса тараддудингни кўравер Планше, жўнаймиз. Мен ҳеч бир шубҳа уйғотмаслик учун олдинда қўлларим қуруқ ҳолда, яёв кетаман. Биз сен билан гвардия казармасида учрашамиз. Айтган-

ча, Планше, хўжайинимиз хусусида гапларинг тўғри-га ўхшаб қолди – ростданам у ёмон доғули экан.

– Ана! Мен битта-яримтаси тўғрисида гапирганим-да ишонаверинг, тақсир; мен одамни юзидан билиб оламан.

Худди келишилгандек, д’Артаньян пастга биринчи тушди. Сўнгра ўз-ўзидан ҳеч қандай гина қолмаслиги учун уч ошнасининг уйларига сўнги дафъа учради: улардан ҳеч қандай дарак йўқ эди, фақат Арамиснинг номига атир сепилган келишган реза ҳуснихат билан битилган мактуб келган эди. Д’Артаньян уни тайин жойига элтишга бел боғлади. Ун дақиқа ўтгач, унинг ёнига, гвардия казармалари табласига Планше келди. Вақтни зое кетказмаслик учун д’Артаньян отини ўзи эгарлаб қўйган эди.

– Балли, – деди у Планше чамадонни боғлаб бўлгандан кейин, – энди қолган уч отни эгарлагин-да – жўнадик.

– Ҳар биримизда иккитадан от бўлса, тезроқ кетамиз, деб ўйлаяпсизми? – қув алфозда сўради Планше.

– Йўқ, жаноб ҳазилкаш, – эътироз билдирди д’Артаньян, – бироқ, тўрт от билан биз уч ошнаимизни, агар уларни ҳаёт топсак, олиб қайтишимиз мумкин.

– Жуда катта омад бўларди-да, – жавоб берди Планше. – Аммо, худонинг марҳаматига сира шак келтирмаслик керак.

– Омин! – отига миниб деди д’Артаньян.

Гвардия казармаларини тарк этиб, улар бошқа-бошқа тарафларга жўнаб кетдилар: Сен-Денида қўшилиш мақсадида бири Лавилет дарвозасидан, бошқаси эса, Монмартр дарвозасидан чиқиб кетиши лозим эди. Бу стратегик ҳийла иккаласи томонидан бирдай аниқлик билан адо этилиб, муваффақият билан яқунланди: д’Артаньян билан Планше Перфитга бирга етиб келдилар.

Шуни айтиш керакки, кундузи Планше тундагидан ботирроқ бўларди.

Бироқ, туғма эҳтиёткорлик уни бир зум ҳам тарк этмасди; у биринчи сафарнинг бирор фалокатини унутмаган ва барча муқобил кишиларни душман деб қабул қиларди. Бунинг натижасида у ҳадеб шляпасини ечар, бу нарса азбаройи одоби мўллигидан Планшени бирор жўн кишининг хизматкори деб қабул қилинишидан чўчиган д'Артаньяннинг жиддий танбеҳларига дучор қилар эди.

Лекин, ҳамма йўловчилар чиндан ҳам Планшенинг назокатидан таъсирланган эдими ёки бу дафъа ҳеч кимса д'Артаньяннинг йўлини тўсмоқ ниятида уларни пойламасмиди, улар ҳеч қандай саргузаштсиз Шантилияга етиб, биринчи саёҳат пайти тўхтаган Гран-Сен-Мартен мусофирхонасининг олдига бордилар.

Мезбон орқасидан иккита қўшимча от билан хизматкори эргашиб келаётган йигитни кўриб, уни бўсағада иззат-ҳурмат билан қарши олди. Ўн бир ле йўлни босиб қўйган д'Артаньян Портоснинг мусофирхонада туриш-турмаслигидан қатъи назар, шу ерда қўнишини мавридли деб топди. Бундан ташқари, дарров мушкетёрнинг дарагини суриштириш, балки эҳтиёсизлик бўлармиди. Бу мулоҳазаларининг якунида д'Артаньян ҳеч кимни йўқламай отдан тушди, отларни хизматкорнинг оталигига топшириб, умумий залда ўтиришни эп кўрмаган меҳмонларга аталган чоққина хонага кирди-да, хўжайиндан бир шиша энг яхши шароб, илож борича, дуруст нонушта талаб қилди, бу нарса харобот эгасининг ўз меҳмонига нисбатан бир қарашда ўзи ҳис қилган ҳурматини янада мустаҳкамлади.

Хуллас, д'Артаньяннинг фармойишлари фавқулодда тезлик билан ўталди.

Гвардия полки энг кўзга кўринган дворянлардан терилгувчи эди ва хизматкор ҳамроҳлигида тўрт шоҳона от билан саёҳат қилиб юрган д'Артаньян уст-бошининг соддалигига қарамай, бу ерда кучли таассу-

рот қолдириши керак эди. Соҳиб шахсан ўзи унга қарашишни ихтиёр қилди; буни кўргач, д'Артаньян икки стакан келтиришни буюрди-да, гап очди.

– Хў-ўш, муҳтарам хўжайин, – иккала стаканга қуйиб гап бошлади у, – мен сиздан энг соз шароб сўрадим, борди-ю менга панд берган бўлсангиз, бу билан ўзингизни жазолаган бўласиз, чин сўзим. Негаки, ёлғиз ичишга менинг тоқатим йўқ, сиз ҳам мен билан бирга ичасиз. Шундай қилиб стаканни олинг-да, ичайлик. Нима учун ичсак экан, токи ҳеч кимнинг кўнгли қолмаса?! Келинг, муассасангизнинг равнақи учун ичамиз.

– Обруйим ошиб кетади, зоти олийлари, – деди хўжайин, – хайрли истагингиз учун хокисор ташаккуримни билдираман.

– Бироқ, бу борада панд еб қолманг яна, – эътироз қилди д'Артаньян, – менинг қадахимда сиз ўйлагандан кўра кўпроқ худбинлик яширилган. Фақат омад бўлган мусофирхоналарда яхши манзират қилишади; нураётганларида эса сайёҳ хўжайиннинг риёзатлари қурбони бўлиб қолади. Мен бўлса, кўп саёҳатда юраман ва асосан шу йўлдан, шу сабабдан барча хароботларнинг муваффақиятларига тилақдошман.

– Ўзим ҳам айтдим-а, тақсир, сизни кўриш шарафига биринчи марта ноил бўлмаяпман деб, – деди хўжайин.

– Бўлмасам-чи! Мен Шантилиядан фаҳмимча ўн мартача ўтганман, шу ўн мартадан кам деганда уч ёки тўрт дафъа сизникида қўнганман. Тўхтанг... ҳа, мен бу ерда атиги ўн ёки ўн икки кун илгари бўлганман. Мен ўз мушкетёр ошналаримни қузатмоқда эдим, истасангиз уларнинг бири аллақандай нотаниш киши билан, аввал ўзи хиралик қилган одам билан ғижиллашиб қолганини сизга эслатишим мумкин.

– Ҳа, ҳа, бу рост! – деди хўжайин. – Бу воқеа жуда яхши эсимда. Зоти олийлари жаноб Портосни айтяптилар, шундайми?

– Ҳа, ҳамроҳимнинг номи худди шундай. Худоё тавба! Унга бирор фалокат бўлмаганми ишқилиб, муҳтарам соҳиб?

– Бироқ, сиз ўзингиз ҳам унинг йўлини давом эттиролмаслигини кўришингиз керак эди, зоти олийлари.

– Бу тўғри, етиб оламан деб ваъда бериб эди, аммо биз уни шу-шу кўрмадик.

– У шу ерда қолиш шарафига ноил этди бизни.

– Нима! Шу ерда қолиш?

– Ҳа, тақсир, шу мусофирхонада. Ундан кейин икки ўртада биз жуда ташвишда қолдик.

– Нимадан?

– Унинг баъзи чиқимларидан.

– Бунинг нимаси ташвиш! У орттирган қарзларининг ҳаммасини узади.

– О, тақсир, сиз чинакамига менинг дардларимга малҳам бўляпсиз! Биз унга қўп насия қилдик, яна бугун эрталаб табиб, агар жаноб Портос унга ҳақини тўла-маса, мендан ундириб олишини маълум қилди, негаки, уни мен чақиртирган эдим.

– Нима, Портос жароҳатланганми ҳали?

– Бунисини айтолмайман, тақсир.

– Айтолмаслигингиз нимаси! Ахир сиз у ҳақида ҳар кимдан дурустроқ воқиф бўлмоғингиз лозим.

– Бу тўғрику-я, лекин, шу аҳволимизда биз билганларимизни айтмаймиз, айниқса, тилимиз учун қулоқларимиздан қуруқ қолишимизни огоҳлантириб қўйишгандан кейин.

– Ҳўш, мен Портосни кўришим мумкинми?

– Албатта, тақсир. Зинапоядан иккинчи қаватга чиқиб, биринчи сон эшикни тақиллатинг. Фақат бу менман деб огоҳлантириб қўйинг.

– Бу менман деб огоҳлантириб қўяйми?

– Ҳа, ҳа, акс ҳолда бирор балога қолишингиз мумкин.

– Ҳўш, сизнингча, менга нима бало бўлиши мумкин?

– Жаноб Портос сизни менинг уй-ичимдагиларнинг битта-яримтаси деб қабул қилиб, зардаси қайнаб, сизни қилич билан чавақлаб қўйиши ёки бошингизни тиғи паррон қилиши мумкин.

– Унга ўзи нима қилдингиз?

– Биз ундан пул сўраган эдик.

– Уҳ, азбаройи шифо, энди тушундим! Бу шундай илтимоски, уни Портос қўпол қарши олади, хусусан камхарж пайтлари, аммо, билишимча, унинг пули бор.

– Биз ҳам шундай деб ўйлаган эдик-да, тақсир. Муассасамиз жуда батартиб сақлангани сабабли ҳар ҳафта биз яқунларини чиқариб турамыз, биз унга ҳам ҳафта охирида ҳисоб-китобни берган эдик, бироқ номувофиқ пайтга тўғри келибмиз, шекилли, чунки биз пул тўғрисида ҳали оғиз очмасимиздан бизни жинлар маконига равона қилди. Рост, у арафада қимор ўйнаган эди.

– Э-э, у қимор ўйнаганмиди?! Хўш, ким билан?

– Э, тавба, ким билади дейсиз! Ўзи бир давра ландскнехт таклиф этган бир йўловчи жаноб билан.

– Ҳамма гап шунда. Бечора ютқазиб қўйган бўлса керак-да.

– Нақ отигача, тақсир, чунки, нотаниш киши жўнашга отланаётган пайти унинг хизматкори жаноб Портоснинг отини эгарлаётганига кўзимиз тушиб қолди. Биз унга шу гапни айтдик, аммо у, бировнинг ишига бош суқяпсизлар, от ўзимизники деб жавоб берди. Биз шу заҳоти жаноб Портосни огоҳлантирдик, аммо у, бизга дворяннинг лафзига шак келтиргандан кейин пасткаш одамсанлар, у от меники дептими, демак, худди шундай, деб айтди...

– Портосни танияпман! – тўнғиллади д'Артаньян.

– Шунда, – дея сўзида давом этди хўжайин, – мен унга, афтидан, ижара ҳақи борасида тил топишимиз насиб бўлмаслиги сабабли унинг илтифот қилиб лоақал менинг ҳамкасабам «Олти Бургут»нинг эгасиникига ўтишига умидворлигимни айтдим. Бироқ, жаноб

Портос менинг мусофирхонамнинг ундан яхшироқлигини маълум қилди. Бу жавоб мен учун ўта манзур бўлиб, ортиқ қистаб ўтирмадим. Шу сабабдан мен мусофирхонадаги энг яхши бўлмиш ўзи банд этган хонани бўшатиб, тўртинчи қаватдаги шинам хужра билан қаноатланишини илтимос қилиш билан чекланиб қўя қолдим. Аммо, жаноб Портос бунга ўзининг маъшуқаси, юқори мартабали сарой хонимларидан бирига ҳар дақиқа кўз тутаётганини ва, бинобарин, ҳатто, у ўзи мушарраф этиб истиқомат қилаётган хона ҳам бундай зот учун ҳаддан ташқари ғариблигини тушунишингиз лозим деб жавоб берди. Бироқ, унинг сўзлари тўғрилигини тўқис тан олганим ҳолда мен ўзимни гапимда туриб олишга мажбур деб ҳисобладим; шу ерда, ҳатто, мен билан ғиди-биди қилиш ҳам малол келиб, у пистолетини чиқариб, уни тунги столчага қўйди-да, қаерга бўлмасин – бўлак хонагами ёки бўлак меҳмонхонагами – кўчиш тўғрисида оғиз очилган ҳамон эҳтиётсизлик қилиб, ўзининг ишига аралашган ҳар кимнинг бошини пачақлашини маълум қилди. Шу сабабдан ўшандан бери уникага ўзининг хизматкоридан бўлак ҳеч ким кирмайди.

– Мушкетон шу ердами ҳали?

– Ҳа, тақсир, жўнаб кетганидан кейин беш кун ўтгач, у ҳам ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб келди. Унинг ҳам йўлида кўнгилсизликлар бўлганга ўхшайди. Бахтга қарши, у ўз соҳибидан эпчилроқ, уни деб ҳаммаёқни остин-устун қилади: бирор илтимос қилсам, рад этишлари мумкин деб қарор қилиб, у ҳамма нарсани бесўроқ олаверади.

– Ҳа, – садо берди д'Артаньян, – Мушкетонда ноёб садоқат билан ноёб уқув борлигини мен ҳар доим пайқардим.

– Жуда эҳтимол, тақсир, бироқ, мен бундай садоқату уқув билан ақалли йилига тўрт марта тўқнашсам борми – кулим кўкка соврилади.

– Йўқ, бундай эмас, чунки, Портос сизга тўлайди.

- Ҳим... – ишонқирамай гапирди харобот эгаси.
- У лутфи карамидан истифода қиладиган бир кибор хоним ўша сизга қарз бўлган арзимас нарса учун уни танг аҳволда ташлаб қўймайди.
- Қани энди кўнглимдаги гапни сизга айтишга ботинсам...
- Кўнглингиздаги гапними?
- Очиқроқ айтсам – мен биладиган гапни...
- Сиз биладиган гапними?
- Бундан ҳам аниғи – мен амин бўлган гапни...
- Ҳўш, сиз нимага аминсиз? Сўзлаб беринг.
- Мен сизга ўша кибор хоним кимлигини биламан деган бўлардим.
- Сиз-а?
- Ҳа, мен.
- Ҳўш, сиз бунни қай йўсинда билиб олдингиз?
- О, тақсир, кошки эди камтарлигингиздан кўнглим тўқ бўлса...
- Гапираверинг, чин дворянлик сўзи бераман, менга ишонганингиздан пушаймон қилмайсиз.
- Гап бундай, тақсир, ўзингиздан қолар гап йўқ, хавотир кўп ишларни қилишга мажбур этиб қўяди.
- Ҳўш, сиз нима қилдингиз?
- О, қарз берган кишининг ҳуқуқларидан ташқари ҳеч нима.
- Ҳуллас?
- Жаноб Портос герсогиня учун бир мактубча бериб, почтадан йўллашни буюрди. Ўша маҳалда унинг хизматкори ҳали келмаган эди. Ўзининг хонадан чиқолмаслигини назарга олиб, бу топшириқни ноилож бизга беришига тўғри келди...
- Кейин.
- Мактубни почтадан йўллаш ўрнига, бу ҳеч қачон тўла ишончли бўлмайди, мен одамларимизнинг бири Парижга жўнаши зарурлигидан фойдаландим ва унга мактубни шахсан ўша герсогиняга топширишни буюрдим. Ахир бу мактуб тўғрисида қаттиқ хавотирла-

наётган жаноб Портоснинг истагини бажо келтириш деган гап эди-да, шундайми?

– Шундай дейилса бўлади.

– Шундай қилиб тақсир, ўша кибор хонимнинг кимлиги сизга маълумми?

– Йўқ, мен у тўғрисида Портосдан эшитганман, бор гап шу.

– Ўша хаёлий герсогинянинг кимлиги сизга маълумми?

– Сизга такрор айтаман, мен уни танимайман.

– Бу Шатледаги кекса прокурор хоним, кам деганда элликка борган, яна олифтарчилик қилиб кунчилаб ҳам турадиган Кокнар хоним экан, тақсир. Ҳатто, менга ҳам ғалати туюлган эди-я: кибор хоним Айиқ кўчасида истиқомат қилса!

– Буларнинг ҳаммасини қаёқдан биласиз?

– Шу ёқданки, жаноб Портос – енгилтак одам, ўша қилич зарбини битта-яримта аёл учун егандир, деб унинг аччиғи чиққан.

– У қилич зарбини еганмиди ҳали?

– Э тавба, мен нима деб қўйдим-а?

– Сиз Портос қилич зарбини еган, деб қўйдингиз.

– Шундайку-я, бироқ, бу ҳақда гапириб юришни у менга қатъиян ман этган-да!

– Нега энди?

– Нега! Шунгаки, тақсир, сизлар келаётган пайти у ўша ўзи фикллашиб қолган нотаниш кишини паррон тешиб қўяман деб мақтанган эди, акси бўлиб чиқди – чиранишига қарамай, нотаниш киши уни узала қилиб қўйди. Мана энди, саргузашт дафтари билан раҳмини келтирмоқчи бўлган ўша герсогинядан ташқари ҳаммага керилгувчи жаноб Портос қилич зарбини еганига иқрор бўлгиси келмаяпти.

– Бундан чиқди, ўша қилич зарби уни ўриндан турфизмаяпти экан-да?

– Ҳа, ўзиям зарбамисан-зарба, сизни ишонтиришим мумкин. Ошнангизни жони сабил бўлса керак.

- Сиз ҳам шунда бормидингиз?
- Мен қизиқсиниб уларнинг ортидан бордим ва уришаётганларнинг кўзига чалинмасдан муборазани кўрдим.
- Хўш, қандай содир бўлди?
- О, кўп чўзилмади, сизни ишонтиришим мумкин. Улар позицияга турдилар. Нотаниш киши шундай тез ҳамла қилдики, жаноб Портос уни қайтармоқчи бўлганда уч дюйм темир унинг кўксига қадалиб бўлган эди. У чалқанчасига йиқилди. Нотаниш киши шу заҳоти қиличининг учини унинг кўксига тиради, жаноб Портос ҳам ўзини буткул рақибнинг ҳукмида кўриб, мағлуб бўлганини тан олди. Шундай кейин нотаниш киши унинг исмини сўради, номи д'Артаньян эмас, Портослигини билгач, ўзининг қўлига суяниб олишни таклиф этди-да, мусофирхонагача олиб бориб, сакраб отга минди-ю, ғойиб бўлди.
- Демак, бу нотаниш киши д'Артаньян билан жанжаллашмоқчи экан-да?
- Шундай, шекилли.
- Унга кейин нима бўлганини билмайсизми?
- Йўқ. Мен уни на бундан илгари, на кейин, сира кўрмадим.
- Жуда соз. Менга зарур ҳамма нарсани билиб олдим. Шундай қилиб, Портоснинг хонаси иккинчи қаватда биринчи эшик деяпсизми?
- Ҳа, тақсир, мусофирхонадаги энг яхши хона. Мен уни аллақачон ўн мартча ўтказган бўлардим.
- Қўйинг, тинчланинг, – деди д'Артаньян қулиб, – Портос герсогиня Кокнарнинг пуллари билан тўлайди.
- О, тақсир, у ким бўлса-бўлсин – прокурор хоними ёки герсогинями – ишқилиб, ҳамёнини ечса, бас. Йўқ, у жаноб Портоснинг талаблари ва хиёнатлари жонига текканини ва бирон су ҳам жўнатмаслигини маълум қилган.
- Сиз ҳам бу жавобни меҳмонимизга етказдингизми?

– Йўғ-эй, биз бундан ўзимизни тийдик: унга биз топшириқни қай йўсинда бажарганимизни у пайқаб қоларди-да.

– Демак, у ҳалиям пулни кутяпти денг?

– Бутун гап шунда-да, кутяпти! Кечагина у иккинчи марта ёзди, фақат бу гап мактубни почтадан хизмат-кори йўллади.

– Сиз прокурор хоним қари ва хунук деяпсизми?

– Кам деганда эллик ёшда, тақсир. Партонинг сўзларига қараганда, унча чиройли эмас.

– У ҳолда кўнглингизни тўқ қилинг, ахийри у юмшайди. Бунинг устига Портос сиздан у қадар кўп қарз бўлмагандир.

– Бўлмагандир деганингиз нимаси? Табибни ҳисобга олмаганда йигирма пистолча. Э-ҳе! У ўзини ҳеч нимадан камситмайди, мўл-кўл яшашга одатлангани дарров кўриниб турибди.

– Ҳа, агар уни маъшуқаси тарк этса, дўстлари топилади, бунга кафил бўлишим мумкин. Хуллас, муҳтарам хўжайин, ташвишланманг ва унинг мавқеи талаб этган эътибор билан муомала қилаверинг.

– Тақсир, сиз прокурор хонимни тилга олмасликни ва жароҳат хусусида оғиз очмасликни ваъда бердингиз.

– Менга буни эслатишингизнинг ҳожати йўқ, сизга сўз бердим.

– Агар билиб қолса, мени ўлдириб қўяди-я!

– Қўрқманг, у амалда ўзи кўрингандай қўрқинчли эмас.

Шу сўзлар билан хўжайинни, афтидан у жуда қадрлаган икки нарса – ҳамёни ва жони хусусида бир оз хотиржам қолдириб, д'Артаньян зинапоядан чиқа бошлади.

Юқорида, бутун даҳлизда энг кўзга кўринган эшиқда қора сиёҳ билан баҳайбат 1 рақами чизилган эди; д'Артаньян тақиллатди ва ичкаридан эшитилган йўлингдан қолма, деган таклифга жавобан хонага кирди.

Портос ўринда ётар ва қўлини ўрганиш учун Мушкетон билан ландскнехт ўйнарди, бу орада каклик қўндирилган сих ўчоқ бошида гир айланар, катта каминнинг ҳар иккала бурчидаги икки манқалда вақирлаб ётган икки қозондан эса қуён қовурма билан қайласига вино қўшилган балиқнинг омухта ҳиди анқиб, димоғни ёқимли қитиқларди. Бутун стол ва жовончанинг мрамар тахтаси бўш шишалар билан тўлиб кетган эди.

Дўстини кўриб, Портос севинганидан қийқириб юборди, Мушкетон эса ҳурмат билан қўзғалиб, ўрнини д'Артаньянга бўшатди-да, афтидан, ўзининг махсус назорати остида бўлган қозонлардан хабар олгани кетди.

– Оҳ, бу сизмисиз азбаройи шифо, – деди Портос д'Артаньянга, – қадамларингизга ҳасанот? Турмаётганим учун узр сўрайман. Дарвоқе, – хиёл хавотир билан д'Артаньянга кўз ташлаб қўшиб қўйди у, – менга нима бўлгани сизга маълумми?

– Йўқ.

– Хўжайин сизга ҳеч нима демадимми?

– Мен ундан сизнинг қаердалигингизни сўрадим-у, шу замон юқорига чиқдим.

Портос анча енгил тортди, чоғи.

– Хўш, сизга ўзи нима бўлди, муҳтарам Портос? – сўради д'Артаньян.

– Шуки, ўзим уч қилич зарби билан сийлаган рақибимни тўртинчиси билан бир ёқли қилишга чоғланиб, унга ҳамла қилган пайтда тошга қоқилиб, тиззамни чиқариб олдим.

– Нималар деяпсиз?

– Виждонан онт ичаман! Бу ландовурнинг хати бор экан, бўлмаса, жойида тугатиб қўя қолардим, бунга кафилман.

– У қаёққа гумдон бўлди?

– Тўғриси, билмайман. У бошлаб ҳиссасини олди ва қайтимини сўрамасдан жўнаб қолди. Хўш, сизчи, жон д'Артаньян, ўзингизга нималар бўлди?

– Демак, бу оёғингиз экан-да, – гапини давом этди д’Артаньян, – сизни кўрпадан турғизмаётган?

– Нимасини айтасиз, шундай арзимас нарса! Айтганча, бир-икки кундан кейин оёққа тураман.

– Аммо нима сабабдан ўзингизни Парижга кўчиришни буюрмадингиз? Ахир сиз бу ерда роса зерикаётгандирсиз?

– Мен ҳам айни шундай қилмоқчи бўлиб тургандим, бироқ, сизга баъзи бир эътирофлар қилмоғим зарур, муҳтарам дўстим.

– Хўш нималарни?

– Мана нималарни. Худди ўзингиз айтгандек, бу ерда роса зерикканим ва чўнтагимда сиздан олинган етмиш беш пистол бўлгани сабабли мен бир кўнгил очиш ниётида шу ерда йўл-йўлакай кўнган бир дворянни юқорига чиқишини илтимос қилиб, бир давра ошиқ ўйнашни таклиф этдим. У рози бўлди, мана шунда етмиш беш пистолим менинг чўнтагимдан уникага ўтиб қолди, у сийловига олиб кетган отни гапириб ўтирма са ҳам бўлади. Хўш, ўзингиз қалайсиз, муҳтарам д’Артаньян.

– На чора, муҳтарам Портос, ҳамма иш ўнгида бўлмайди, – деди д’Артаньян. – Бир мақолни биласизми: «Кимники ўйинда омади келмаса, муҳаббатда унга омад ёр бўлади». Сиз муҳаббатда ўта ёлчигансиз, наинки ўйин бунинг қасдини олмаса. Бироқ, тақдирнинг бевафолиги сизга нима эди! Ахир, бахти чопган йигити тушкур, сизнинг ҳаяллатмай ёрдамга келиши шубҳасиз герсогинянгиз йўқми?

– Айни ўзим омадсиз ўйинчи бўлганим сабабли, – пинагини бузмай жавоб берди Портос, – мен унга ёзиб юбордим, бирор эллик луидор жўнатсин, улар ҳозирги аҳволимда менга мутлақо зарур.

– Хўш, қалай?

– Қалай бўларди! У ўзининг бирор мулкида бўлса керакми – жавобини олмадим.

– Нималар деяпсиз?

– Ҳа, жавоби йўқ. Кеча эса унга аввалгисидан ҳам қатъий қилиб, иккинчи номани йўлладим. бироқ, сиз шу ердасиз, жон дўстим, сиз тўғрингизда гаплаша қолайлик. Эътироф қиламанки, тақдирингиз учун сал-пал хавотирга туша бошлаган эдим.

– Бироқ, бундай қараганда, хўжайиннинг сизга ман-зирати дуруст, муҳтарам Портос, – беморга тўла қозон ва бўш шишаларни кўрсатиб, деди д'Артаньян.

– Йўғ-эй! – жавоб берди Портос. – Уч ёки тўрт кун муқаддам бу сурбет менга ҳисоб-китобни кўтариб келибди, мен ҳам уни ҳисоб-китобига қўшиб, эшикдан ташқарига чиқариб қўйдим. Шунинг учун ҳозир бу ерда худди фотиҳ, ўзига хос истилочи сингари ўтирибман, шу сабабдан, ҳужумдан хавфсираб, тиш-тирноғимгача қуролланиб олганман.

– Аммо, сизлар гоҳида хуруж қилиб турибсизлар, шекилли, – кулги билан эътироз билдирди д'Артаньян ҳамда бармоғи билан шиша ва қозонларни кўрсатди.

– Бахтга қарши, мен эмас! – жавоб берди Портос. – Лаънати оёқ мени ўриндан турғизмаяпти. Атроф жойларни кўздан кечириб, озиқ-овқат топиб келаётган – Мушкетон... Мушкетон, дўстим, – гапини давом этди Портос, – кўриб турибсизки, кўпайишиб қолдик, қўшимча озиқ-овқат ғамлашимизга тўғри келади.

– Мушкетон, – деди д'Артаньян, – сиз менга бир яхшилиқ қилишингиз лозим.

– Қандай, тақсир?

– Ўз услубингизни Планшега ўргатсангиз. Мен ҳам қамал ҳолатига тушиб қолишим мумкин, у менга худди сиз соҳибингизга инъом қилаётган қулайликларни яратолса, ҳаргиз зарар қилмасди.

– Э тавба, – камтаринлик билан деди Мушкетон, – бундан осон нарса йўқ, тақсир! Чаққон бўлиш керак – вассалом. Мен қишлоқда улғайганман, отам бўш пайтлари хуфиёна ов билан сал-пал шуғулланиб турарди.

– Бошқа пайтлари-чи, у нима иш қиларди?

– Менинг назаримда, доим анча сердаромад ҳисобланиб келган ҳунар билан машғул бўларди.

– Қандай ҳунар билан.

– Бу католиклар билан гугенотлар ўртасидаги уруш пайти бўлган. Католиклар гугенотларнинг қиронини келтираётганини, гугенотлар эса, католикларни қираётганини, яна буларнинг ҳаммаси эътиқод учун бўлаётганини кўргач, отам ўзи учун дам католик, дам гугенот бўлиб юришга имкон берадиган омухта эътиқод ихтиро қилди. Ана шундан кейин у елкасига милтиқни осиб олиб, йўлларни ихота қилиб турган чавралар орқасида айланиб юрар ва ёлғиз судралиб келаётган католикка кўзи тушганда, қалбида дарров протестант эътиқод устун кела қоларди. У милтиғини йўловчига ўқталарди, кейин эса ўн қадамча яқинлашганда у билан суҳбат бошларди, бунинг натижасида қарийб ҳар вақт йўловчи жонини қутқариш учун ҳамёнини чиқариб берарди. Ўз-ўзидан маълумки, отам гугенотга дуч келганда, шу замон уни католик ибодатхонасига нисбатан шундай муҳаббат қамраб олардики, чорак соат илгари ўзимизнинг муқаддас динимизнинг аълолиги борасида қандай қилиб ўзида шубҳа туғилиши мумкин бўлганига унинг асти ақли етмай қоларди. Сизга шуни айтиш керакки, мен католикман, негаки, отам ўзининг маслағига вафо қилиб, акамни гугенот қилган.

– Аммо, ўша ҳурматли киши умрини қай тарзда тугатди? – сўради д'Артаньян.

– О, тақсир, энг хароб тарзда. Кунлардан бир кун у ўзининг иши тушиб юрган гугенот ва католиклар орасидаги тор сўқмоққа кириб қолган-у улар буни таниб қолишган. Шунда улар уюшиб, уни дарахтга осиб қўйишган. Шундан сўнг улар ўзларининг шонли қаҳрамонликларини мақташ учун дуч келган биринчи майхонага келишган, худди ўша ерда биз акам билан ичишиб ўтирган эдик...

– Хўш, сизлар нима қилдиларинг? – сўради д'Артаньян.

– Биз уларни тингладик, – жавоб берди Мушкетон, – кейин эса улар майхонадан чиқиб, ҳар тарафга тарқалгач акам католик йўлини, мен эса гугенот йўлини пойлаб ўтирдик. Икки соат ўтгач, ҳаммаси барҳам топди: эҳтиёткорликдан бизни ҳар хил маслақда тарбиялаган шўрлик отамизнинг тадбирлигига қойил қолган ҳолда ҳар биримиз ўз ишимизни бажариб қўйдик.

– Рост, Мушкетон, отангизнинг зеҳни ўткир бўлганлиги кўришиб турибди. Шундай қилиб, бу инсофли одам бўш пайтлари хуфиёна ов билан шуғулланиб турарди, дедингизми?

– Ҳа, тақсир, қопқон қўйиш ва қармоқ ташлашларни менга ўшанинг ўзи ўргатган. Шунинг учун ярамас хўжайинимиз бизни бирор давангирга тўғри келади-ган-у, бизники сингари нозик ошқозонларга тўғри келмайдиган, мўл, лекин дағал таом билан боқа бошлангандан кейин мен астагина эски ҳунаримга қайтдим. Шаҳзоданинг ўрмонларида айланиб юрганда мен буғуларнинг йўлларига қопқонлар қўярдим, аъло ҳазратларининг ҳовузлари бўйида ётиб, қармоқ ташлардим, энди эса худога шукур, каклигу қуён дейсизми зоғора-балиғу илонбалиқ дейсизми, бу бемор кишиларга мос енгил ва фойдали таомларнинг ҳаммасидан камчилигимиз йўқ.

– Хўш, шаробчи? – сўради д'Артаньян. – Сизларни шароб билан ким таъминлаяпти? Хўжайинми?

– Нима десак экан? Ҳам, ҳа, ҳам йўқ.

– «Ҳам ҳа, ҳам йўқ» деганингиз нимаси?

– Рост, у бизни таъминлаб турибди, бироқ бундай мушаррафлигидан ўзининг ҳам хабари йўқ.

– Аниқроқ тушунтирсангиз, Мушкетон, сиз билан суҳбат бағоят ибратли бўляпти.

– Марҳамат, тақсир. Ўз саёҳатларим пайтлари мен иттифоқо кўп мамлакатларни, жумладан, Янги Дунёни ҳам кўрган бир испан билан танишиб қолдим.

– Янги Дунёнинг ёзув столи ва жовончада турган шишаларга қандай алоқаси бор?

– Сабр-қаноат, тақсир, ҳар нарсанинг вақти-соати бор.

– Тўғри, Мушкетон, гапингга кириб, тинглаяпман.

– Ўша испаннинг Мексика саёҳатида унга ҳамроҳ бўлиб борган хизматкори бор эди. Ўша хизматкор менинг юртдошим бўлиб, биз у билан тезда иноқлашиб кетдик, устига-устак табиатимиз билан ҳам бир-биримизга жуда ўхшардик. Биз иккаламиз бутун оламда ҳаммадан ҳам овни севардик ва пампасларга туб аҳоли йўлбарс ва ёввойи ҳўкизларни – бу даҳшатли жониворлар бўйнига ташланадиган оддий бўғма ҳалқа ёрдами билан қандай ов қилишини у менга ҳикоя қиларди. Аввал бошда арқонни йигирма-ўттиз қадам нарига ташлаб, исталган жойга тушириш даражасига чаққонликни етказиш мумкинлигига ишонгим келмасди, лекин кўп ўтмай, бунинг ҳақиқатлигини тан олишимга тўғри келди. Ошнам ўттиз қадам нарига шишани қўярди-да, ҳар гал оғзини бўғма ҳалқа билан илиб оларди. Мен зўр бериб машқ қила бошладим ва табиат менга унча-мунча уқув бергани сабабли ҳозир камандни ҳар қандай мексикаликдан қолишмасдан отаман. Мана, тушуняпсизми? Хўжайинимизнинг ертўлада бой шароб омбори бор, лекин у ҳеч қачон калитдан ажралмайди. Бироқ, ертўланинг туйнуғи бор. Мен худди шу туйнуқдан каманд ташлайман. Энди ёғли жой қаердалигини биламан ва озиқ-овқатни ўша ердан олиб, жамғараман. Мана, тақсир, Янги Дунёнинг ёзув столи ва жовончада турган шишаларга қандай алоқаси бор. Энди эса шаробимиздан тотиб кўриб, у ҳақида нималар ўйлаётганингизни беғараз айтишни истамайсизми?

– Ташаккур, дўстим, ташаккур, таассуфки, мен боягина нонушта қилган эдим.

– На чора, Мушкетон, – деди Портос, – дастурхонни ёзгин-да нонушта қилгунимизга қадар д'Артаньян биз кўришмаган ўн кун ичида нималарни бошидан кечирганини бизларга сўзлаб беради.

– Бажонидил, – жавоб берди д’Артаньян.

Портос билан Мушкетон дармонга кираётган одамларнинг иштаҳаси ва мусибатда одамларни яқинлаштирувчи самимият билан нонушта қилгунларигача д’Артаньян Арамис жароҳатлангани ўлароқ Кревкерда қолишга мажбур бўлгани, қалбаки пул ўтказишда айблаган кишиларнинг ҳаммасини қайтарган кўйи Атос Аменда қолган ва ўзи, д’Артаньян Англияга етиб олмоқ учун граф де Варднинг қорнини чавақлашга мажбур бўлганларини уларга сўзлаб берди.

Бироқ, д’Артаньяннинг ростгўйлиги шу билан узилди; у фақат Улуғ Британиядан бири ўзига, қолганлари дўстларига тўртта жуда чиройли от олиб келганини ҳикоя қилди ва унга аталган от аллақачон мусофирхона табласида турганини Портосга маълум қилди.

Шу нафас Планше кириб келиб, ўз соҳибига отлар дамани олди, Клермонда тунаса бўлади, деб маълум қилди.

Д’Артаньян энди Портосдан хотиржам бўлгани ва қолган икки ўртоғининг ҳоли нима кечганини тезроқ билишга ошиқаётгани сабабли беморнинг қўлини қисиб, қидирувларни давом этишга жўнаб кетаётганини айтди. Дарвоқе, у шу йўлнинг ўзидан қайтмоқчи ва бирор ҳафтадан кейин, агар ўша вақтга бориб, мушкетёр Гран-Сен Мартен мусофирхонасини ҳали тарк этмаган чиқса, уни ўзи билан ола кетмоқ ниятида эди.

Портос унга, эҳтимол, чиққан оёқ вақтлироқ жўнаш имконини бермаса керак, деб жавоб қилди. Бунинг устига у ўз герсогинясининг жавоби келгунча Шантиляда қолиши лозим эди.

Д’Артаньян унинг тез ва манзур жавоб олажагини тилаб, сўнгра эса, Портосга ғамхўрлик қилишни Мушкетонга яна бир карра тайинлаб, хўжайиннинг ҳақини тўлаб, салт отларнинг биридан қутулиб олган Планше билан бирга сафарга равона бўлди.

XXVI

Арамиснинг диссертацияси

Д'Артаньян Портосга на унинг жароҳати, на прокурор хоним хусусида лом-мим демади. Ўзининг ёшлигига қарамасдан, бизнинг гасконлик бағоят зийрак йигит эди. У ўзини гўё мақтанчоқ мушкетёрнинг ҳамма гапларига ишонганга солди, чунки ҳар қандай дўстлик сир-асрорнинг, хусусан, ўша сир-асрор одамнинг иззат-нафсига қаттиқ ботадиган бўлса, фош этилишга дош беролмаслигига унинг ишончи комил эди; бунинг устига, бизга ҳаёти кафтимизда тургандай аён кишилардан ҳамиша маълум маънавий устунлигимиз бор. Шу сабабдан келгуси фитналар режасини тузиб ҳамда Атос, Портос ва Арамисларни ўз шахсий муваффақиятининг қуроли қилишга жазм этиб, у олдиндан ўзи уч дўсти воситасида бошқаришни мўлжаллаган кўринмас ришталарни қўлга олиб қўйишга сира қаршимас эди.

Бироқ, бутун йўл бўйи кучли ғусса унинг юрагини исканжага олиб борди; садоқати учун уни тақдирлашга тараддусланган ёш ва гўзал Бонасе хоним тўғрисида хаёл сурди; дарвоқе, пайсалга солмай шуни айтиб қўййликки, йигитнинг бу ғуссаси қўлдан кетган бахтига ачинишдан кўра шўрлик аёлга бирор фалокат бўлмадими, деган ҳадикдан келиб чиққан эди. Унинг кардинал қасосининг қурбони бўлганига д'Артаньянда шубҳа қолмаган, маълумки, унинг қасоси жуда даҳшатли бўларди. Қай йўсинда унинг ўзи министрнинг илтифотини қозонди, буни д'Артаньян билмасди ва эҳтимол, гвардия капитани жаноб де Кавуа уни топган тақдирда буни очган бўларди.

Ҳеч нима шиддатли, борлиқни ютиб кетгувчи хаёл сингари вақтни ўтказа олмайди, йўлни қисқартирмайди. Инсоннинг юзаки мавжудлиги унда мудроғ-у фикр эса гўёки, тушга ўхшаб қолади. Унинг таъсирида вақт саногидан адашади, масофа эса – узоқлигидан. Сиз

бир жойдан чиқасиз ва бошқа жойга келасиз – вассалом. Босиб ўтилган йўл бўлагидан ичида минглаб гира-шира тасвирлар – дарахтлар, тоғ ва водийлар парвоз қилиб юрган хира тумандан бўлак хотирангизда ҳеч нима қолмайди. Уша Шантилияни Кревкердан ажратиб турган олти ёки етти лени д'Артаньян ана шундай васвасалар ҳукмида, юриш измини отига қўйиб бериб, босиб ўтди ва бу қишлоққа кириб келгач, йўлда учратган ҳамма нарсаларни шу замон унутиб қўйди.

Ғафат шу ердагина у ҳушига келди, бошини бир силкитиб, Арамисни қолдириб кетган майхонани кўрди-ю, отини йўрттириб бориб, эшик тагида тўхтади.

Бу дафъа уни хўжайин эмас, бека қарши олди. Д'Артаньян қиёфалар шарҳчиси эди; у саройбон хотинининг тўла, мамнун чехрасига кўз югуртириб, у билан муғомбирлик қилишнинг ҳожати йўқлигини тушунди: бундай соддадил сиёқли аёлдан ҳеч қандай хунук нарса кутиб бўлмасди.

– Азиз бекажон, – деди д'Артаньян, – ўн кун муқаддам шу ерда ошналаримдан бирини қолдириб кетишга тўғри келган эди, унинг қаердалигини айтиб беролмайсизми?

– Йигирма уч-йигирма тўрт ёшлардаги келишган йигитми, ювош, хушмуомала, сарвқомат?

– Ҳа, бундан ташқари, кифтидан жароҳатланган.

– Ҳа, ҳа.

– Демак?..

– У ҳалиям шу ерда-ку, тақсир!

– Наҳотки! – отидан тушиб ва тизгинни Планшега ташлаб, қичқирди д'Артаньян. – Бекажон, сиз менга жон киргиздингиз! Қани ахир у, менинг азиз Арамисим? Мен уни бир қучай. Сизга эътироф қилай, уни кўришга муштоқман.

– Мени авф этгайсиз, тақсир, лекин, шу тобда у сизни қабул қила олишига ишончим йўқ.

– Нега? Униқанда аёл киши борми ҳали?

– Худоё тавба, нималар деяпсиз ўзи? Бечора йигит!
Йўқ, тақсир, уникидаги киши аёл эмас.

– Бўлмаса ким?

– Мондиделик руҳоний ва Амен иезуитлар монастирининг нозирини.

– Ё, алҳазар! – қичқириб юборди д'Артаньян. – Шўрликнинг аҳволи оғирлашдими ҳали?

– Йўқ, тақсир, аксинча. Аммо, хасталиқдан сўнг у таважжух қилиб, диний рутба қабул қилишга қарор қилди.

– Ҳа-я, – деди д'Артаньян, – унинг муваққат мушкетёр бўлиб юриши хотиримдан ҳам кўтарилибди.

– Шундай қилиб, уни, албатта, кўрмоқчимисиз, тақсир?

– Ҳар қачонгидан ортиқ.

– Унда ҳовлининг ўнг тарафидаги зинадан чиқинг, учинчи қават, бешинчи хона.

Д'Артаньян кўрсатилган томонга отилиб, зинапо-яни – ўша эски ошхоналарда ҳали-ҳали баъзан уч-раб турадиган ташқи зинапояларнинг бирини топди. Бироқ, бўлғуси аббатнинг ёнига кириш унчалик осон бўлмади. Арамис хонасининг остоналари Армида боғидан кам қўриқланмасди. Йўлакда Базен по-сбонликда турган бўлиб, кўп йиллик синовлардан сўнг бечоранинг оқибат орзу қилган муродига ети-ши яқин қолгани сабабли янада дадил бўлиб унинг йўлини тўсди.

Дарҳақиқат, Базен ҳамиша руҳоний хизматкори бўлиш орзусини ардоқлаб келган ва мудом тасавву-рида намоён бўлган – ахийри Арамис ридосини таш-лаб, жубба киядиган дамни тоқати-тоқ бўлиб кутмоқ-да эди. Фақат йигитнинг ўша дақиқа яқин деб кун са-йин ваъдалар бериб келиши уни мушкетёрнинг хиз-матида, Базеннинг таъбирича муқаррар охиратини куйдирадиган хизматда ушлаб турарди.

Хуллас, Базен ҳозир роҳат-фароғатнинг чўққисида эди. Афтидан, бу гал соҳиби сўзидан қайтиши мумкин

эмасди. Жисмоний ва маънавий азобнинг бирикмаси орзиқиб қутилган таъсирини ўтказди; бир вақтда ҳам қалби, ҳам тани билан изтироб чеккан Арамис бошига тушган қуш фалокат – маъшуқасининг тўсатдан ғойиб бўлиши ва кифтидаги жароҳатини таолонинг огоҳи деб ҳисоблаб, динга таважжух қилди.

Кайфиятнинг бу ҳолатида соҳибини шунча узоқ муддат жазб этиб келган мажозий ҳаваслар гирдобига тортиши эҳтимол д'Артаньяннинг пайдо бўлишидан кўнглисизроқ нарса бўлиши мумкин эмасди. У эшикни мардонавор мудофаа қилишга аҳд қилди ва бекашош этиб қўйгани, Арамисни ўзи уйда йўқ деб айтолмаслиги сабабли у янги меҳмонга, соҳибнинг эрталаб бошланган ва Базеннинг гапига қараганда шомдан илгари тугаши маҳол мушкул-қушод мажлиси пайти унга халал бермоқ – бориб турган одобсизлик бўлади, деб ётиғи билан уқтиришга уриниб кўрди.

Бироқ, д'Артаньян метр Базеннинг фасоҳатли ваъзига заррача эътибор бермади ва ўз дўстининг хизматкори билан тортишиб ўтиришни эп кўрмай, у бир қўли билан уни суриб қўйиб, бошқаси билан эса «№ 5» деган ёзувли эшикнинг дастасини айлантирди.

Эшик очилиб, д'Артаньян хонага кирди.

Арамис сербар қора либос, юмалоқ тайпоқ тақяда, устида қоғоз ўрамлари ва баҳайбат китоблар қалаштириб ташланган узунчоқ стол ёнида ўтирарди; унинг ўнг томонида иезуит монастирининг ноziри, чап ёғида эса – мондиделик руҳоний ўтирарди. Ним туширилган дарпардалар тавфиқли мулоҳазалар учун қулай сирли нур ўтказарди. Ёш йигитнинг хонасида, хусусан, ўша йигит мушкетёр бўлган ҳолда, кўзга ташланишига қодир ҳамма мажозий нарсалар гўё сеҳр билан гумдон бўлганди: бу хил нарсаларнинг кўриниши соҳибини бу дунё хаёлларига қайтариб қўйишидан кўрқиб бўлса керак, Базен қилич, пистолетлар, қушпарлик шляпа, кашта ва тўрларининг барча нав ва барча турларини кўздан нарироққа яширган эди.

Бунинг ўрнига кунжақда д'Артаньяннинг кўзига жисмни азобловчи қамчи сифат бўлиб туюлган аллақандай нарса миҳга осиглик турарди.

Эшик очилганда Арамис товушга бошини кўтариб, дўстини таниди, лекин, д'Артаньянни ўта танг қолдириб, афтидан, унинг ташрифи мушкетёрга айтарлик таъсир этмади, унинг ўй-хаёллари жамики мажозий нарсалардан шу қадар олисда эди.

– Хайрли кун, муҳтарам д'Артаньян, – деди Арамис, – гапимга ишонинг, сизни кўриб турганимдан мен жуда хурсандман.

– Мен ҳам, – деди д'Артаньян, – гарчанд, ҳали қаршимда менинг Арамисим турганига тўла ишонганимча йўқ.

– Ўшанинг ўзи, дўстим, ўшанинг ўзи! Бироқ, бу хил иштибоҳларингизнинг боиси нима бўлиши мумкин-а?

– Мен хонани чалкаштириб юбордим, деб қўрқиб кетдим ва бирор руҳоний шахснинг ҳужрасига кириб қолдимми деб ҳам ўйладим, кейин эса сизни бу жаноблар даврасида кўргач, бошқа гумонга ботдим: сиз менга оғир хастадек кўриндингиз.

Иккала қора киши д'Артаньяннинг шамасини фаҳмлаб, унга сиёсат билан кўз ташлаб қўйдилар, лекин, д'Артаньян хижолат бўлмади.

– Эҳтимол, мен сизга халал бераётгандирман, азизим Арамис? – гапини давом эттирди д'Артаньян. – Сиз бу жанобларга тавба-тазарру қиляпсиз, чоғи.

Арамис хиёл қизариб кетди.

– Менга халал беряпсиз? Э, йўқ, аксинча, муҳтарам дўстим, онт ичаман. Сўзларимнинг исботига сизни омон-эсон кўриб турганимдан шодлигимни ифода қилишга ижозат бергайсиз.

«Ахийри фаросати етди-я! – кўнглидан кечирди д'Артаньян. – На чора – бундан ҳам бадтар бўлиши мумкин эди».

– Зеро, менинг дўстим, яқиндагина улуғ хавф-хатардан қутулиб қолди, – икки руҳоний зотга д'Артаньян-

ни кўрсатган ҳолда меҳри товланиб давом этди Арамис.

– Худога қуллуғ қилинг, тақсир, – д’Артаньянга қўша таъзим қилган кўйи жавоб бердилар улар.

– Мен буни пайсалга солмадим, мукаррам падарлар, – таъзимларини қайтариб жавоб берди ёш йигит.

– Сиз айти мавридида келиб қолдингиз муҳтарам д’Артаньян, – деди Арамис, – агар бизнинг мубоҳасамизда иштирок қилсангиз, сиз ўз билимларингиз билан бизга ёрдам берасиз. Амен монастирининг жаноб нозири, жаноб мондиделик кюре ва мен – биз анчадан буён диққатимизни жалб қилиб келаётган баъзи ақоид масалаларини ҳал қилмоқдамиз – мен ҳам сизнинг фикрингизни билишдан жуда бахтиёр бўлардим.

– Ҳарбий кишининг фикри ҳеч бир салмоққа молик эмас, – суҳбат кираётган тусдан сал хавотирга тушиб деди д’Артаньян, – сиз бу жанобларнинг илмига бемалол суянаверишингиз мумкин, гапимга ишонинг.

Иккала қора одам яна таъзим бажо келтирдилар.

– Аксинча, – эътироз билдирди Арамис, – сизнинг фикрингиз биз учун жуда қимматли бўлади. Гап мана нима хусусида бормоқда: жаноб нозир менинг диссертациямни ақидавий, насиҳатомуз руҳда бўлиши лозим деган фикрда.

– Сизнинг диссертациянгиз! Сиз диссертация ёзясизми ҳали?

– Албатта, – жавоб берди иезуит. – Диний рутбадан олдин синов тариқасида диссертация бўлмоғи шарт.

– Диний рутбадан! – дея қичқирди аввал қовоқхона эгасининг, кейин эса Базеннинг ҳам гапларига ишонмаган д’Артаньян. – Диний рутба³¹ дан!

У ҳайратдан ҳангу манг бўлиб, қаршисида ўтирган одамларга кўз югуртириб чиқди.

³¹ Рутба – мартаба, унвон.

– Хуллас, – гўё кибор хонимнинг эрталабки қабулида ўтиргандек, креслога назокат билан ўрнашиб олиб ва қонини қочириш учун юқорига бир кўтариб олган аёлники сингари оппоқ ва лўппи қўлини томоша қилиб, давом этди Арамис, – хуллас, д'Артаньян, эшитганингиздек жаноб нозир диссертациямнинг ақидавий бўлишига тарафдор, мен бўлсам унинг далил-исботли бўлишини истайман. Мана шу сабабдан жаноб нозир менга бир мавзуни таклиф этдики, унга ҳали ҳеч ким қўл урмаган ва – мен буни тўла тан оламан – талқинлар учун кенг масоҳа беради: «Utradue manus in benedicendo clericis inferorbus necessasi est»...

Донишмандлиги бизга маълум д'Артаньян тўхфалар хусусида улар Бэкингемдан қабул қилинган деган ҳаёлда жаноб де Тревиль келтирган парчани қандай бўлса буни ҳам худди ўшандай бепарво тинглади.

– ... бунинг маъноси, – дея унинг вазифасини енгиллатиш истагида давом этди Арамис: «Қуйи рутбадаги дин чокарларига дуо учун икки қўл даркор».

– Жуда зўр мавзу! – қичқирди иезуит.

– Жуда зўр ва ақидавий! – таъкидлади лотинчада уқуви тахминан д'Артаньянники сингари бўлиб, изидан бориш ва акс-садодай уни такрорлаш имконига эга бўлмоқ учун иезуитни диққат билан кузатиб турган руҳоний.

Д'Артаньянга келсак, қора кийган икки кишининг завқу шавқлари уни мутлақо бепарво қолдирди.

– Ҳа, жуда зўр, *prorsus admirabile*³² – сўзида давом этди Арамис, – бироқ, ибодатхона падарларини ва муқаддас китобларни чуқур ўрганишни тақозо этади. Аслида – буни мен ибодатхонанинг фузало чокарлари олдида ҳокисорона тан оламан – тунги посбонлик ва

³² Бирам соз (*лот.*).

қирол хизмати мени машғулотларни бир оз сусайтиришга мажбур этди. Худди шу сабабдан метафизика ва фалсафа учун ахлоқ қандай бўлса, ақоиднинг бу мушқул муаммолар учун аини шундай бўлиб қолажак мавзунини ўзим танлаб олсам, менга *facilius patans*³³ осонроқ бўлади.

Д'Артаньян бағоят зерикарли, кюре ҳам.

– Буни қаранг-а, қандай муқаддима! – қичқирди иезуит.

– Муқаддима, – бирор нима дейиш учун такрорлади кюре.

– *Quemadmodum inter coelorum immensitaten*³⁴.

Арамис д'Артаньян томонга кўз ташлаб, дўстининг чакагини чиқариб олиш хавфи остида эснаётганини кўрди.

– Келинглар, французча сўлашайлик, падарим, – деди у иезуитга, – шунда жаноб д'Артаньян сўхбатимиз қадрига дурустроқ ета билади.

– Ҳа, – тасдиқлади д'Артаньян, – мен йўлдан ҳориб келдим, бу лотинчанинг ҳаммаси идрокимга тутқич бермаяпти.

– Яхши, – бир оз фикридан чалғиб деди иезуит, бу орада кюре эса қувончи ичига сиғмай д'Артаньянга миннатдорлик билан қараб қўйди. – Демак, бу талқиндан нима маъно чиқариш мумкинлигини кўрайлик. Моисей, худонинг чокари... у атиги чокар, холос, буни идрок этинг... Моисей иккала қўли билан дуо қилади. Яхудийлар ўз ғанимларини енгганда ўзининг иккала қўлини тутиб туришни амр этади – бинобарин, у икки қўли билан дуо қилади. Бунинг устига инжилда ҳам «*impronite manus*» дейилган, «тапир» эмас – «қўлларни қўйинг, «қўлни» эмас.

– Қўлларни қўйинг, – тегишли ишорани қилиб, такрорлади кюре.

³³ Сўзлаётганга осон (*лот.*).

³⁴ Фалакнинг бепоемлигига монанд (*лот.*).

– Папалар анинг ноибни бўлмиш авлиё Пётрга эса, – давом этди иезуит, – аксинча, «porrige digitos» – «дастларингни узатгил» дейилган. Энди тушундингизми?

– Албатта, – суҳбатдан ҳузур қилиб деди Арамис, – аммо, бу ғоят нозик.

– Дастларни! – такрорлади иезуит. – Авлиё Пётр дастлари билан дуо қилади. Бинобарин, папа ҳам дастлари билан дуо қилади. Хўш, у нечта дасти билан дуо қилади? Учта билан: ота, ўғил ва муқаддас руҳ ҳаққи.

Ҳамма чўқиниб олди; д'Артаньян умумдан ибрат олишни лозим топди.

– Авлё Пётрнинг ноибни – папа, у учта илоҳий қобилиятни тажассум этади; қолганлари, диний иерархия «ordines inferiores»³⁵ си архангел ва фаришиталар номи билан дуо этади, энг қуйи черков чокарлари эса, масалан, бизнинг ёрдамчи руҳоний ва мутаваллиларимиз кабилар дуо қилгувчи дастларининг саноксиз ҳисобини тасвирлагувчи пуркагичлар билан дуо қилишади. Соддалашган тусда мавзу шундай. Argumentum omni denuatum ornamento³⁶ Мен ундан мана шунга ўхшаш жилд китоб қилган бўлардим, – илова қилиб қўйди иезуит.

Кейин у илҳомининг авжида вазнидан стол эгилиб турган каттакон авлиё Иоанн Златоуст китобига кафтини уриб-уриб қўйди.

Д'Артаньян ларзага келди.

– Албатта, – гап бошлади Арамис, – мен бу мавзунинг гўзалликларига тан бераман, бироқ, шу билан бирга уни уддалаб бўлмайдиган, деб ҳисоблашимни ҳам эътироф қиламан. Мен бўлак қўлёмани танладим. Айтингчи, азизим д'Артаньян, у сизга манзурми: «Non inutile est desiderium in oblatione» яъни: «Таолога назр қилган бандага андақ ўкинч жоиздир».

³⁵ ?уйи рутбалар (лот.).

³⁶ Ҳар қандай жимжимадан ҳоли исбот (лот.).

– Мушоҳада қилинг! – қичқирди иезуит. – Мушоҳада қилинг, бу қўлёзма бидъатга тарқалади! Қарийб айни шундай фикр эртами, кечми, жаллод қўли билан ёқиб ташлагувчи эреснарх Янсенийнинг китоби «Augustinus»да ҳам мавжуд. Хушёр бўлинг, ёш дўстим, сиз сохта таълимотга яқин турибсиз! Сиз ўзингизни жувонмарг қиласиз, ёш дўстим!

– Сиз ўзингизни жувонмарг қиласиз, – бошини мотамсаро чайқаб такрорлади кюре.

– Сиз шайтон васвасаси бўлмиш ўша ихтиёр эрки тўғрисидаги ёмон отлиқ бўлган масалани қўзғадингиз. Сиз пелагиан билан чалапелагианларнинг бидъатига жиддий яқинлашиб қолдингиз.

– Бироқ, мукаррам падар... – бошига дўлдек ёғилаётган далиллар остида хиёл эсанкираб, гап бошлаган бўлди Арамис.

– Ўзингни таолога қурбон қилаётганда, – унинг гапини бўлди иезуит, – фано олами ҳақида ўкиниш жозизлигини сиз қандай исбот этасиз? Бундай дилеммани эшитинг: худо худодир, олам эса шайтондир. Фано оламига ўкинмоқ – шайтонга ўкинмоқ демакдир: менинг хулосам шундай.

– Меники ҳам, – деди кюре.

– Шафқат қилинг! – яна сўз бошлади Арамис.

– *Desideras diabolium*³⁷ шўрпешона! – қичқирди иезуит.

– У шайтонга ўкинармиш! О, ёш дўстим, шайтонга ўкинманг, шуни тавалло қиламан! – нола қилди кюре.

Д'Артаньян мияси айниётганини ҳис қиларди; унга ўзи ақлдан озганлар уйига тушиб қолган-у шу тобда қаршисида ўтирганлар жинни бўлгандай унинг ўзи ҳам ақлдан озадигандай туюларди. Бироқ, у жим туришга мажбур, негаки, гап нима хусусида бораётганини мутлақо англамасди.

³⁷ Шайтонга ўкиняпсан (*лот.*).

– Бироқ, гапимга қулоқ солсангиз-чи, – назокат билан, лекин энди салгина ғаши келиб деди Арамис. – Мен ўкинаман, деяётганим йўқ. Йўқ, йўқ, мен зинҳор бундай сўзларни айтмайман, зеро, улар чин эътиқод руҳига ётдир...

Иезуит қўлларини самога чўзди, кюре ҳам шундай қилди.

– Бироқ, ақалли ўзингизнинг тамом жонингизга теккан нарсани таолога қурбон қилиш макруҳлигига рози бўлинг. Айтинг, д'Артаньян, мен ҳақ эмасманми, ахир?

– Албатта, ҳақсиз-да, азбаройи шифо! – бақирди д'Артаньян.

Кюре билан иезуит курсиларидан сапчиб тушдилар.

– Мана, мана шу менинг нуқтам – бу *sillogizm*:³⁸ олам жозибадан ҳоли эмас; мен оламни тарк этипман – бинобарин, ўзимни қурбон қиляпман! Ахир китобда аниқ айтилган: «Таолога қурбон қилинг».

– Бу тўғри, – дедилар муҳолифлар.

– Кейин яна, – илгари оқартириш учун қўлини кўтариб-кўтариб қўйганидек, энди қизартириш учун қулоқ солинчоқларини чимчилаб давом этди Арамис, – кейин эса мен шу мавзуга *rondo*³⁹ ёздим. Мен уни ўтган йили жаноб Буатюрга кўрсатдим, бу улғу инсон менга бир талай таҳсинлар ўқиди.

– *Rondo*! – истиғно билан деди иезуит.

– *Rondo*! – беихтиёр такрорлади кюре.

– Ўқиб беринг, уни бизларга ўқиб беринг! – қичқирди д'Артаньян. – Бу бизни бир оз овутади.

– Йўқ, у диний мавзуда-да, – жавоб берди Арамис, – бу шеърини ақонд.

– Бу қандай бемазагарчилик! – деди д'Артаньян.

– Мана у, – ғоят камтарин, бироқ, хиёл риёкорлик аралаш алфозда деди Арамис:

³⁸ *Sillogizm* – чиқарилган хулоса.

³⁹ *Rondo* – француз услубидаги кичик шеър.

*Нега қайғурасан, аза тутиб хаёлларингга,
Ба толесиз тақдирингга нега қулсан бу қадар.
Чек қўйилгай сенинг барча қайғу-аламларингга,
Халлоққа кўз ёшларингни бериб юборсанг агар,
Сен, нега қайғурасан.*

Д'Артаньян билан кюре хўп қойил қолган эдилар.
Иезуит ўз фикрида қаттиқ туриб олди:

– Ақоид каломида руҳи мажозийдан эҳтиёт бўлинг.
Авлиё Августин нима дейди? *Severus sit clericorum Sermo*⁴⁰.

– Ҳа, тоинки ваъз тушунарли бўлсин! – деди кюре.

– Демак, – шериги адашиб кетганини кўриб, арала-
шишга шошилди иезуит, – демак, сизнинг диссертаци-
янгиз аёлларга манзур бўлади – вассалом. У худди
жаноб Патрюнинг бирор ҳимоя нутқи сингари муваф-
фақият қозонади.

– Худо берсайди! – иштиёқ билан деди Арамис.

– Мана, кўрдингизми! – хитоб қилди иезуит. – Фано
олами ҳали сизнинг ичингизда ўзидан баралла дарак
бераётир, *altissima voce*⁴¹ деяётир. Сиз ҳали бу дунё
одамисиз, ёш дўстим, мени титроқ тутмоқда: таваж-
жуҳ сизга кор қилмаслиги мумкин.

– Хотиржам бўлинг, мукаррам падар, мен бунинг
учун жавоб бераман.

– Бу дунёнинг манманлиги.

– Мен ўзимни биламан, падарим, менинг қарорим
қатъий.

– Демак, ўжарлик билан сиз шу мавзу устида иш
олиб бориш фикрингизда турибсизми?

– Мен ўзимда айни шу мавзуга ҳавас борлигини ҳис
қиялпман, зинҳор бошқасига эмас. Шу сабабдан мен
ишимни давом эттиравераман ва сизларнинг йўл-
йўриқларингизга биноан киритадиган тузатишларим-

⁴⁰ Клирикларнинг сўзи, илоҳи кескин бўлгай (*лот.*).

⁴¹ Энг баланд товуш билан (*лот.*).

дан эртага қаноат ҳосил қилгайсизлар, деган умидданман.

– Шошилмасдан ишланг, – деди кюре, – биз сизни қулинг ўргилсин кайфиятда қолдириб кетяпмиз.

– Ҳа, – деди иезуит, – дон сочилган уруғларнинг бир қисми тошга тўкилди ёхуд йўлларга сочилиб кетди, қолган қисмини самовий қушлар чўқилаб кетади, *aves coeli comederunt illam*, деб ҳадиксирашимизга ҳожат йўқ.

«Лотинчангни қўшиб, сенга тезроқ ўлат тексайди!» – тамом ҳолдан тояётганини сезиб, кўнглидан кечирди д'Артаньян.

– Хайр, ўғлим, – деди кюре, – эртага кўришгунча.

– Эртага кўришгунча, диловар йигит, – деди иезуит. – сизнинг черков машъалларидан бири бўлиб қоладиган афтингиз бор. Илоё фалак бу машъалнинг борлиқни ютиб кетгувчи алангага айланишини раво кўрмасин!

Тоқати тоқ бўлиб, роса бир соатдан бери тирноқларини тишлаётган д'Артаньян энди бармоқларини гажигашга тушди.

Иккала қора жуббали киши ўрнидан туриб, Арамис ва д'Артаньянга таъзим қилдилар-да, эшикка йўналдилар. Тавфиқли бу илмий мунозарани мароқ билан шу ерда тинглаб турган Базен уларнинг истиқболига отилди, руҳонийнинг дуолар китобини ва иезуитнинг диний тўпламини қўлдан олди-да уларга йўл солиб, эҳтиром билан олдинда юрди.

Арамис уларни кузатиб, зинапоядан бирга тушди-ю, лекин шу заҳоти ҳамон аллақандай алаҳсиб ўтирган д'Артаньяннинг ёнига қайтди.

Ёлғиз қолгач, дўстлар бир муддат ноқулай сукут сақладилар; бироқ, кимдир уни бузиши позим эди, д'Артаньян бу шарафни Арамисга қўйиб беришга қарор қилди, шекилли, у биринчи гап очди.

– Кўриб турибсиз, – деди у, – мен ўз эзгу фикрларимга қайтдим.

– Ҳа, боягина ўша жаноб айтганидай, таважжу сизга кор қилибди.

– О, тарки дунё қилиш нияти менда туғилганига жуда кўп бўлиб кетди, сиз ҳам буни мендан кўп эшитгансиз, шундайми, дўстим?

– Албатта, бироқ, ростини айтсам, мен ҳамиша сизни ҳазиллашяпти, деб ўйлаганман.

– Бундай нарсалар билан ҳазиллашиб бўладими! Нималар деяпсиз, д’Артаньян!

– Азбаройи шифо! Ўлим билан ҳазиллашяпмиз-ку.

– Бекор гап, д’Артаньян, зеро, ўлим – бу ҳалокат ёки омонликка элтгувчи дарвозадир.

– Қўшиламан, аммо, худо ҳаққи, ақоид мунозаралари қилиб ўтирмайлик, Арамис. Ҳозирги олган сабоқ сизга бугунликка етиб ортади, деб ўйлайман. Менга келсак, лотинчанинг ўша оз-мози қарийб хотиримдан чиқиб кетган, дарвоқе, мен ҳеч қачон уни билган ҳам эмасман ва бундан ташқари, сизга очиқ айтиб қўя қолай, эрталабки соат ўндан бери туз тотган эмасман ва ўлгудек очман.

– Ҳозир тамадди қиламиз, муҳтарам дўстим; фақат бугун жумалиги хотирингиздан чиқмасин, бу кунларда эса мен гўшти нафақат тановул қилмайман, балки, унга қарашга ҳам юрагим бетламайди. Агар менинг пешинлигим билан қаноатланишга рози бўлсангиз, у пиширилган тетрагон билан мевадан иборат бўлади.

– Тетрагон деб нимани айтяпсиз? – ташвишланиб сўради д’Артаньян.

– Мен исмалоқни назарда тутяпман, – жавоб берди Арамис, – лекин, сизга таомга тухум қўшиб бераман, бу қоидаларни хийла бузиш ҳисобланади, зеро, тухум жўжани вужудга келтиради ва бинобарин, гўшт бўлади.

– Зиёфат унчалик қуюқ эмас, аммо сизни деб бунга қўнаман.

– Бу фидокорлигингиз учун сиздан миннатдорман, – деди Арамис, – агар у танингизга фойда қилса, шубҳасиз, руҳингизга ҳам фойда келтиради.

– Демак, сиз диний рутбани қатъий қабул қиялпсизми, Арамис? Оғайниларимиз нима дейишади, жаноб де Тревиль нима дейди? Улар сизни қочоқ деб ҳисоблашади, бу ҳақда сизни огоҳлантириб қўяй.

– Мен диний рутбани қабул қилаётганим йўқ, унга қайтйпман. Мабодо қочоқ бўлганимда ҳам худди ўзим бу дунёни деб тарк қилган черковга нисбатанман. Ахир биласиз-ку, мушкетёрлик ридосини кийганимда мен ўзимга-ўзим зўравонлик қилганман.

– Йўқ, мен бу ҳақда ҳеч нима билмайман.

– Мен қандай қилиб семинарияни ташлаб кетиб қолганимдан хабарингиз йўқми?

– Мутлақо хабарим йўқ.

– Мана менинг тарихим. Ҳатто, муқаддас китобда ҳам айтилганку: «бир-бирингизга тавба-тазарру қилинг» деб, мана, мен ҳам сизга тавба-тазарру қилмоқдаман, д'Артаньян.

– Мен бўлсам, ҳалитдан сизнинг гуноҳларингиздан ўтиб қўяман. Кўрдингизми, қандай кўнглим юмшоқ!

– Муқаддас нарсалар билан ҳазиллашманг, дўстим.

– Қани, қани, гапиринг, қулоғим сизда.

– Тўққиз ёшимдан семинарияда тарбияландим. Уч кундан кейин йигирма ёшга тўлиб, руҳоний бўлардим-у, ҳаммаси бости-бости бўлиб кетарди. Шундай қилиб, кунлардан бир кун, одатимча, ўзим бажонидил вақт ўтказадиган бир хонадонда эдим – иложим қанча, мен ёш, заиф томонлардан холи эмас эдим! – уй бекасига авлиёларнинг кўрган-кечирганларини ўқиб беришимни ғайирлик билан кузатиб юргувчи бир офицер хонага кутилмаганда сўроқсиз кириб қолди. Худди шу оқшом мен Юдиф⁴² тарихини таржима қилиб, уни хонимимга ўқиб тургандим, у ҳам таҳсинларни кам қилмай бошини елкамга суяб, шу шеърларни мен би-

⁴² Юдиф – библия қаҳрамони. У яҳудийларнинг душмани Олофернинг қароргоҳига кириб, қамал этилган Иерусалимни ҳалокатдан қутқариш учун уни ўлдирган.

лан бирга қайта ўқиб ўтирган эди. Очиғини айтсам, бир мунча бемалолроқ бу ҳолат офицерга хуш келмади. У пом-мим демади, аммо, мен кўзгалганимдан кейин ортимдан чиқди.

«Жаноб аббат, – менга етиб олиб деди у, – сиз калтак ейишни ёқтирасизми?»

«Бу саволингизга жавоб беролмайман, тақсир, – эътироз билдирдим мен, – негаки, ҳалига довуру ҳеч ким ҳеч қачон мени уришга журъат қилмаган».

«Гап бундай жаноб аббат: агар яна бир марта мен бугун сиз билан учрашган даргоҳга келсангиз, мен бу нарсани қилишга журъат этаман».

Мен кўрқиб кетдим, шекилли. Рангим қув ўчиб оёқларим бўшашаётганини сездим, жавоб ахтарардим, аммо, тополмасдан индамай қўя қолдим.

Офицер жавобни кутмоқда, менинг индамаётганимни кўргач, қаҳ-қаҳ уриб, кулиб юборди-да уйга кириб кетди. Мен семинарияга қайтиб келдим.

Мен асл дворянман, қоним тез, сиз буни пайқаган бўлсангиз керак, азизим, д'Артаньян: ҳақорат даҳшатли эди, ундан ҳеч кимнинг хабари йўқлигига қарамасдан унинг дилимда ўрнашиб, ўртаётганини ҳис қилардим. Табаррук падарларга рутбани қабул қилмоқ учун мен ўзимни етарли даражада тайёр ҳис қилмаяпман, деб маълум қилдим ва илтимосим билан рутба бериш маросими бир йил кечиктирилди.

Мен Парижнинг энг зўр қиличбозлик устозининг ҳузурига равона бўлдим, ундан ҳар кун сабоқ олиб туришни у билан шартлашдим ва бир йил мобайнида қанда қилмай қатнадим. Сўнгра, ҳақорат қилинган кунимнинг йилида жуббамни қозиққа осдим, дворянга хос кийиндим ва бир таниш хоним бераётган, рақибим ҳам бўлиши тайин зиёфатга жўнадим. Бу форс қамоқхонасининг яқинида, Фран-Буржуа кўчасида эди.

Офицер чиндан ҳам ўша ерда эди. У бир хонимга меҳр билан термилиб, унга ишқий қўшиқ хиргойи

қилаётган пайти ёнига яқинлашиб, ашуласини иккинчи бандининг ўртасида бўлиб қўйдим.

«Тақсир, – дедим унга, – айтинг, агар Пайен кўчасидаги сизга маълум уйга борсам, ҳали ҳам эътироз қиласизми? Агар гапингизни икки қилсам, ҳали ҳам мени калтак билан сийлаш ниятидамисиз?»

Офицер менга таажжуб билан тикилиб деди:

«Мендан нима керак сизга, тақсир? Мен сизни танимайман».

«Мен авлиёларнинг кўрган-кечирганларини ўқийдиган ва «Юдифни шеър билан таржима қиладиган ўша ёшгина аббатман».– жавоб бердим мен.

«Э, ҳа! Эслаяпман, – истехзо билан илжайиб деди офицер. – Хўш, нима истайсиз?»

«Истайманки, мен билан айланиб келишга фурсат топсангиз».

«Агар сиз шуни қатъий истасангиз, эртага эрталаб, бунинг устига жони дилим билан».

«Йўқ, эртага эрталаб эмас, шу тобда».

«Агар сиз қатъий талаб этсангиз...»

«Ҳа, талаб қиламан».

«У ҳолда юринг... Хонимлар, – дея хонимларга юзланди у, – хавотирланманг: мен фақат шу жанобни ўлдираман-у, қайтиб келиб, сўнгги бандини куйлаб бераман».

Биз чиқдик. Мен уни Пайен кўчасига роса бир йил муқаддам, худди шу соатда, мен сизга айтган илтифотли сўзларни айтган жойнинг худди ўзига олиб келдим. Ажойиб ойдин тун эди. Биз қиличларимизни яланғочладик ва дастлабки ҳамладаёқ мен уни жойидан қимирлатмай ўлдирдим...

– Азбарой шифо! – деди д'Артаньян.

– Хонимлар қўшиқчисига кўз тута-тута унга етишолмагани сабабли, – гапида давом этди Арамис, – ва у Пайен кўчасида қилич билан паррон қилинган ҳолда топилганлиги сабабли бу менинг ишимлигини ҳамма тушунди, бу машмаша кўп шов-шувларга сабаб бўлди.

Шу туфайли мен бирмунча вақтга жуббадан воз кечишга мажбур бўлдим. Мен ўша маҳаллар танишиб қолган Атос билан қиличбозлик сабоқларимга қўшимча равишда баъзи бир соз усулларни ўргатиб қўйган Портос мушкетёрлик ридосини илтимос қилиб, мурожаат қилишга мени кўндиришди. Қирол Аррасни қамал қилишда ҳалок бўлган отамни жуда севарди, менга мушкетёрлик ридоси инъом қилинди. Ўзингиз тушунасиз, ҳозир черков бағрига қайтишимнинг айна мавриди келди.

– Нега энди айна ҳозир, илгарироқ ҳам, кейинроқ ҳам эмас? Сизга нима бўлди, нима сизни бундай хунук фикрларга соляпти?

– Бу жароҳат, азизим д’Артаньян, мен учун таолонинг огоҳи бўлди.

– Бу жароҳатми? Қандай бемаънилик! У қарийб битиб кетган, мен аминманки, сиз ҳозир кўпроқ бу жароҳатдан изтироб чекмаяпсиз.

– Бўлмаса қайсидан? – қизариб сўради Арамис.

– Сизнинг кўнгил жароҳатингиз бор, Арамис, аёл киши етказган анча азоблироқ, лахта қон жароҳат.

Арамиснинг нигоҳи беихтиёр порлаб кетди.

– Бас, – ҳаяжонини парвосизлик ниқоби остида яшириб, деди у, – садқайи гап бу нарсаларга! Мен ишқий дилсиёҳликлардан азоб чекиб ўтирармишманми? Vanitas vanitatum⁴³. Нима, сизнингча мен ақлдан озибманми? Яна кимларни деб? Гарнизондалигимда кетидан судралиб юрган бирор чўри ёки оқсочни дебми... Қандай разолат?

– Авф этинг, азизим, Арамис, лекин назаримда, сизнинг мўлжалингиз юқорироқ эди.

– Юқорироқ эмиш! Мен ўзи ким бўлибманки, бундай иззат-талаблик қилсам? Бечора мушкетёр, фақир ва ғариб, тобеликни кўрарга кўзи йўқ, киборларнинг ичида қовушмай турадиган одам!

⁴³ Ана машмаша (*лот.*).

– Арамис, Арамис! – дўстига шубҳаланиб қараб, қичқирди д'Артаньян.

– Хокман, хоклигимга қайтаяпман. Ҳаёт хўрлик ва қайғу-аламларга тўлиб-тошиб ётибди, – тундланиб давом этди Арамис, – уни бахтга боғлаб турган барча ришталар инсон қўлида бирин-кетин узилаверади ва аввало, олтин ришталар. О, азизим д'Артаньян, – товушида хиёл алам билан деди Арамис, – гапимга қулоқ солинг, ўзингизда ҳам бўлиб қолса жароҳатларингизни пинҳон тутинг. Сукут – бу бахти қароларнинг сўнгги қувончидир: ҳеч кимсага ўз дардингизни ошкор этманг. Синчковлар бизнинг кўз ёшларимизни яраланган оҳунинг қонини пашшалар ичгандай симиришади.

– Эвоҳ, азизим Арамис, – деди д'Артаньян ўз навба-тида чуқур оҳ тортиб, – сиз менга ўз-ўзимнинг тарихимни ҳикоя қиляпсиз.

– Қандай!

– Ҳа! Яқиндагина мен севган, жон-дилим билан кўнгили қўйган аёлни ўғирлаб кетишди. Мен унинг қаердалигини, уни қаёққа олиб кетишганини билмайман: эҳтимол – у қамоқдадир, эҳтимол – у ўлгандир.

– Бироқ, лоақал у ўз ихтиёрига хилоф равишда сизни тарк этгани ўзингизни юпатади, мабодо ундан хат-хабар келмаса, бунга сабаб сиз билан робитада бўлиш тақиқланганлигини сиз биласиз, ваҳоланки...

– Ваҳоланки?

– Йўқ, ҳеч нима, – деди Арамис, – ҳеч нима.

– Демак, сиз бу дунёдан қатъий ва узил-кесил юз ўгирияпсизми?

– Умрбод. Бугун ҳали сиз менинг дўстимсиз, эртага фақат бир шарпага айланасиз ёки мен учун мавжудлигингизни тамом йўқотасиз, дунё дегани – бу даҳма, ортиқ ҳеч нимамас.

– Азбаройи шифо! Гапларингизнинг ҳаммаси қандай ҳазин!

– На чора! Ҳавасларим мени тортмоқда, мени меъ-рож қилдирмоқда.

Д'Артаньян жилмайиб қўйди-ю ҳеч нима демади.

– Шунга қарамасдан, – сўзида давом этди Арамис, – мен ҳали ерда эканман, сиз билан ўзингиз ва дўстларимиз ҳақида суҳбатлашгим бор.

– Менинг эса, – жавоб берди д'Артаньян, – сизнинг ўзингиз ҳақда сўзлашгим бор, аммо сиз аллақачон бу нарсалардан кўп йироқдасиз. Муҳаббат сизда истифно қўзғатади, дўстларингиз сиз учун шарпа, дунё – даҳма.

– Ҳайҳот! Сиз бу нарсаларга ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз, – хўрсиниб гапирди Арамис.

– Хуллас, бу суҳбатни тугатайлик-да, келинг, сизнинг каниз ёки чўрингизнинг, эҳтимол янги хиёнатини хабар қилгувчи мактубини куйдириб ташлайлик.

– Қандай мактубни? – дарров сўради Арамис.

– Сизнинг йўғингизда келган, менга бериб юборишган мактубни.

– У кимдан экан?

– Билмайман. Битта-яримта йиғлаб, хун бўлган оқсочдан ёки куйиб қул бўлган каниздандир, эҳтимол, де Шеврез хонимнинг чўрисидандир, соҳибаси билан Турга қайтишига тўғри келиб, у ўта ҳашам учун атир сепилган қоғозни олиб, уни герсог тожи билан муҳрлабди.

– Нималар деяпсиз ўзи?

– Буни қаранг-а! Мен уни йўқотиб қўйибман, шекилли, – ўзини мактуб қидираётганга солиб, қувлик билан деди йигит. – Ҳалиям, хайриятки, – дунё – даҳма, одамлар, бинобарин, аёллар ҳам шарпалар, муҳаббат – сиз «Қандай қабоҳат!» дейдиган туйғу.

– Оҳ, д'Артаньян, д'Артаньян, – бақирди Арамис, – мени жонимни суғуряпсан.

– Хайрият-э, мана у! – деди д'Артаньян.

У чўнтагидан мактубни чиқарди.

Арамис сапчиб туриб, мактубни юлқиб олди-да, ўқиди ёки, тўғрироғи, ютиб юборди; унинг юзидан нур ёғиларди.

– Афтидан, оқсочнинг каломи ширин шекилли, – бепарво сўз қотди вакил.

– Миннатдорман, д’Артаньян! – тамом жазаваси тутиб қичқирди Арамис. – Унинг Турга қайтиши лозим бўлиб қолибди. У хиёнат қилмабди, у мени аввалгидек севади. Бу ёққа кел, дўстим, бу ёққа кел, кел бир кучай, мен бахтимдан бўғилиб кетяпман!

Кейин икки дўст муҳтарам Иоанн Златоуст теварагида, полда сочилиб ётган диссертация варақларини дадил дўппослаб, ўйинга тушиб кетдилар.

Шу дақиқада исмалоқ билан қовурилган тухум кўтарган Базен кириб келди.

– Югур, шўрлик! – тақясини унинг юзига улоқтириб, қичқирди Арамис. – Қаёқдан келган бўлсанг, ўша ерга жўна, бу жирканч сабзавотлар билан бадхўр тухумингни олиб кет! Шпигланган қуён, семиз хўроз, саримсоқ қўшилган қўй гўшти қовурмаси ва тўрт шиша эски бургунд шаробидан сўра.

Соҳибига қараб, бу табаддулдан ҳеч нарсани тушунмай турган Базен, азбаройи хафа бўлганидан қовурилган тухумни исмалоққа, исмалоқни эса паркетга тушириб юборди.

– Мана, ҳаётингизни подшоларнинг подшосига бахшида қиладиган фурсат, – деди д’Артаньян, – агар унга манзур иш қилишни истасангиз: «Non inutile desiderium in oblatio».

– Сизни лотинчангиз билан жин урсин! Келинг, ичайлик, жон д’Артаньян, келинг, ичайлик, қуриб кетсин, келинг, кўп-кўп ичайлик, у ёқда нималар бўлаётганини ҳаммасини менга сўзлаб беринг.

XXVII

Атоснинг рафиқаси

– Энди Атоснинг аҳволини билиш қолди, холос, – деди д’Артаньян сарафроз бўлган Арамисни ўзлари жўнагандан сўнг пойтахтда кечган янгиликлардан во-

қиф этгач ва бирининг диссертациясини, бошқасининг эса чарчоғини хаёлдан кўтарган жуда соз тушлик қилгач.

– Наинки сиз унга бирор кор-ҳол бўлган деб ўйла-сангиз? – сўради Арамис. – Атос бирам совуққон, би-рам жасур, қилич тутишга бирам моҳир.

– Ҳа, шубҳасиз, мен ҳам Атоснинг мардлиги ва чақ-қонлигига ҳар кимдан ортиқроқ тан берганман, аммо, менга қолса қилични таёқдан кўра найзага чалиштир-ган маъқулроқ, мен бўлсам, Атосни малайлар калтак-ламадимикан, деб қўрқаман: бу тоифа уришганда қаттиқ ёпишади, уришни тезда тўхтатмайди. Мана шу сабабдан, эътироф қилсам, мумкин қадар тезроқ са-фарга чиқишни истар эдим.

– Сиз билан жўнашга уриниб кўраман, – деди Ара-мис, – гарчи, отга минишга мадорим етмаслигини се-зиб турган бўлсам ҳам. Кеча сиз деворда кўрган қам-чини ишга солиб кўрдим, бироқ, оғриқ бу тавфиқли машқларимни давом эттиришимга монелик қилди.

– Бунинг сабаби шуки, жон дўстим, ҳали ҳеч ким ўқ жароҳатини қамчи билан даволашга уринган эмас, аммо сиз хаста бўлгансиз, хатсалик эса, ақлий қоби-лиятларни пасайтиради, шунинг учун мен сизни авф этаман.

– Ҳўш, сиз қачон жўнайсиз?

– Эртага тонгда. Тунда мириқиб ухлашга ҳаракат қилинг, эртага эса, агар уддаласангиз, бирга кета-миз.

– У ҳолда эртагача, – деди Арамис, – ҳатто сиз ме-тиндан бўлганингизда ҳам уйқуга эҳтиёж сезишингиз керакми, йўқми ахир.

Эрталаб д'Артаньян Арамиснинг хонасига кирган-да у хона деразаси ёнида турарди.

– У ерда нимани кўздан кечиряпсиз? – сўради д'Ар-таньян.

– Э-э, мана бу отбоқарлар тизгинидан ушлаб тур-ган ажойиб тулпорларни томоша қиляпман. Бундай

отларни миниб юриш роҳати фақат шаҳзодаларга насиб қилса керак.

– Ундай бўлса, азизим Арамис, шу роҳатга етишасиз, негаки, отларнинг бири сизники.

– Қўйсангиз-чи! Қайси бири?

– Сизга қайси кўпроқ ёқиб қолса, ўшаниси. Мен қай бирини бўлса ҳам олавераман.

– Устидаги ҳашаматли эгар ҳам меникимиди?

– Ҳа.

– Сиз мени калака қиляпсиз д’Артаньян.

– Сиз французча гапира бошлаганингиздан бери мен ортиқ кулмай қўйдим.

– Бу зарҳал берилган филоф бахмал ёпқич, симу зарлар тикилган эгар – буларнинг ҳаммаси меникимиди?

– Сизники. Ҳув анави туёғини тепаётган от меники, гижинглаб тургани эса Атосники.

– Азбаройи шифо, ҳар учаласи ҳам жуда кетворган-ку!

– Улар дидингизга ўтирганидан бошим осмонга етди.

– Сизга бундай тортиқни қирол қилган бўлса керак?

– Ҳар қалай, кардинал эмас. Айтганча, бу отлар қаердан келиб қолганининг ташвишини қилиб ўтирманг, фақат уларнинг бири сизники эканини хотирингизда тутинг.

– Мен ўша малла хизматкор тутиб турганини оламан.

– Жуда яхши.

– Худо ҳаққи, – қичқирди Арамис, – бутун оғриқ шундан таққа босилганга ўхшаяпти! Бундай отга танимда ўттиз ўқ билан ҳам минган бўлардим. О, узангиларининг ажойиблигини!.. Ҳой, Базен, бу ёққа келинг, тезроқ қимирланг!

Базен бўсағада уйқусираган, хомуш ҳолда пайдо бўлди.

– Қиличимга жило беринг, шляпамни тартибга келтиринг, ридомни тозалаб пистолетларни ўқлаб қўйинг, – деди Арамис.

– Сўнги буйруқ ортиқча, – унинг гапини бўлди д’Артаньян: – филофларингизда ўқланган пистолетлар бор.

Базен хўрсиниб қўйди.

– Қўйинг, метр Базен – ўзингизни босинг, – деди д’Артаньян, – жаннатдаги жойга ҳар унвонда ҳам етишса бўлади.

– Соҳибим бирам яхши ақоидшунос бўлиб қолганди! – йиғламоқдан бери бўлиб деди Базен, – у епископ бўлиши мумкин эди, эҳтимол, кардинал ҳам бўлиб кетармиди.

– Қулоқ сол, азизим Базен, яхшилаб фикр юритиб кўриб, ўзинг айтгин: руҳоний бўлишнинг нима кераги бор. Ахир бу нарса уришиш заруратидан халос этмайди-ку. Мана кўрасан, кардинал бошида шлем, қўлида протазан билан дастлабки юришдаёқ иштирок этади. Жаноб Ногаре де Лавалет-чи? У ҳам кардинал, малайидан сўраб кўр-чи, унинг корпиясини⁴⁴ неча марта титган экан.

– Ҳа... – хўрсиниб қўйди Базен. – Биламан, тақсир, дунёдаги ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди.

– Узангимни ушлаб тур, Базен, – деди Арамис.

Кейин у ўзига хос назокат ва энгиллик билан сакраб, отга минди. Бироқ, асл жониворнинг бир неча волт ва курбет⁴⁵ паридан кейин чавандоз шу қадар кучли оғриқ ҳис қилдики, ранги оқариб, эгарда чайқалиб кетди. Шунга ақли етиб, кўз узмай ўтирган д’Артаньян у томон отилиб, уни кўтариб туширди-да, хонага элтиб қўйди.

– Мана бундай, муҳтарам Арамис, – деди у, – сиз шифо ола туринг, мен Атосни қидиришга ёлғиз жўнайман.

– Сиз гўё бронзадан қуйилгансиз! – жавоб берди Арамис.

⁴⁴ К о р п и я – илгарилари пахта ўрнида ишлатиладиган титилган иллар.

⁴⁵ Волт ва курбет – чавандозлик машқларининг турлари.

– Йўқ, менга омад ёр, вассалом! Бироқ, айтинг, менсиз бу ерда қандай кун кечирасиз? Даст-у дуолар хусусида ҳеч қандай мулоҳазасиз, а?

Арамис жилмайиб қўйди.

– Мен шеърлар ёзаман, – деди у.

– Ҳа, ҳа, худди де Шеврез хоним оқсочининг нома-ларидаги атир сепилган шеърлардай. Базенга шеър-иятнинг қоидаларини ўргатиб қўйинг, бу нарса уни ову-тади. Отга келсак, уни ҳар кун оз-оздан миниб туринг, бу сизни қайта эгарга ўргатади.

– О, бу хусусда ташвишланманг, – деди Арамис, – қайтишингизга сизга ҳамроҳ бўлишга шай тураман.

Улар хайр-маъзур қилдилар, ўн дақиқа ўтгач эса у аввал Арамисни Базен билан беканинг меҳрибонли-гига ҳавола қилгач, аллақачон Амен йўлида йўртиб бо-рарди.

У Атосни қай аҳволда топади, умуман, ўзи уни то-падими, йўқми?

Д’Артаньян уни ташлаб кетганда вазият жуда танг эди; Атос ҳалок бўлган чиқиши жуда эҳтимол. Бу хаёл д’Артаньянни қайғуга солди; у бир-икки марта хўрсиниб, ўз-ўзига қасос оламан деб қасам ичди.

Д’Артаньяннинг барча дўстлари орасида Атоснинг ёши каттароқ бўлиб, у ўзининг дид ва ҳаваслари бўйи-ча унга бошқаларидан яқин бўлиши мумкин эмасди. Шунга қарамасдан, д’Артаньян қолганларига нисбатан уни ошкора афзал кўрарди. Атоснинг ўктам, бежирим сумбати, ўзини тортиб юрган сояни гоҳи маҳаллар ёриштириб юборадиган маънавий улуғворлик ёлқин-лари, ўзини бутун оламдаги энг дилкаш улфат қилгув-чи, муттасил бир маромда сақланадиган кайфияти, унинг заҳарханда вақтичоғлиги, агар гўё, ноёб вазмин-лигининг оқибати бўлмаган тақдирда кўр-кўрона деб аталиши мумкин жасорати – бу хислатларнинг бари-си д’Артаньянда ҳурматдан кўра ортиқроқ, дўстона ил-тифотдан кўра кўпроқ нарсани уйғотар, улар д’Артань-янни қойил қолдирар эди.

Дарҳақиқат, ҳатто, назокатли ва тийнатли сарой кишиси бўлмиш жаноб де Тревилнинг ёнида ҳам руҳи тетик кезлар бу қиёсга у муваффақият билан дош бериши мумкин эди; у ўрта бўйли, лекин, бирам сарвқомат, бирам қадди-басти келишган эдики, бир неча марта Портос билан курашда жисмоний кучи аллақачон мушкетёрлар ўртасида мақолга айланиб кетган бу паҳлавонни енгган эди; унинг ўткир нигоҳли, адил бурунли, Брутники сингари иякли чеҳраси нуфуз ва самимиятнинг билинар-билинемас изларини сақлаб турарди, ўзи сира эътибор қилмайдиган қўллари эса бир талай бодом совуни-ю хушбўй мойлар ёрдамида ўзиникини муттасил парваришлаб юргувчи Арамисни куйдирарди; унинг овоз оҳанги теран, шу билан бирга ширали эди. Лекин, ҳамиша кўзга ташланмасдан камтарин юришга ҳаракат қиладиган Атосдаги мутлақо ақл бовар қилмас туюлган нарса – унинг кибор доирани, энг ёрқин жамиятнинг расм-русумларини билиши, унинг ҳар қилиғида ғайришуурий равишда сезилиб турган ўша яхши тарбиянинг излари эди.

Хоҳ гап зиёфат хусусида кетаётган бўлсин, Атос ҳар меҳмонни аждодлари ёки ўзи яратган мавқеига мос тарзда, ўзига муносиб жойга ўтқазиб, уни ҳар қандай кибордан ошириб уюштирарди. Хоҳ гап гералдика⁴⁶ хусусида бўлсин, Атос қиролликнинг жамики дворян номларини, уларнинг қаробатларини, уларнинг гербларини, гербларининг келиб чиқиш тарихларини биларди. Одоб-ахлоқнинг бирор икир-чикири йўқ эдики, у Атосга таниш бўлмаса; у йирик ер мулкдорлари қандай ҳуқуқлардан истифода қилишларини биларди, у ит ва лочин овларида ўта билимдон бўлиб, бир кун, ҳатто, бу борада шинаванда сифатида машҳур қирол Людовик XIII нинг ўзини ҳам ажаблантирган эди.

⁴⁶ Гералдика – герблар ва уларнинг тарихи ҳақидаги фан.

Замоннинг ҳамма киборлари сингари у моҳирона қиличбозлик қилар, чавандоз эди. Булар етмагандай ҳатто у маҳаллар дворянлар кам шуғулланадиган қуруқ илмлар соҳасида ҳам унинг маълумоти шу қадар серқирра эдики, Арамис олифтагарчилик қилиб қистириб турадиган ва Портос гўё маъносига етадиган лотин ибораларини эшитганда, у мийиғида кулиб қўярди, холос; икки ёки уч дафъа Арамис бирор грамматик хатога йўл қўйганда, ҳатто у дўстларни ғоят пол қолдириб, феълни керакли замонга, отни эса зарур келишикка қўйган ҳоллар бўлган. Ниҳоят, унинг виждони бенуқсон эди, яна бу – ўша ҳарбийлар эътиқод ва имон билан, маҳбублар – бизнинг замонамизга хос тақводорлик билан; фақирлар эса – таолонинг еттинчи васияти билан осонгина тил топиб кетаверадиган асрда. Хуллас, Атос ғоят ажойиб киши эди.

Аслида эса бу нозик миждоз, бу гўзал зот, бу нодир зако, кексалар аста-секин жисмоний ва маънавий ожизликка чўка бошлагани каби, тадрижан жўнлик ҳукмида қола борарди. Атоснинг нохуш соатларида – бундай соатлар эса кўп бўлиб турарди – ундаги бор нурафшон нарсалар сўнар ва унинг ёрқин хислатлари гўё чуқур зулматга чўлгангандай йўқоларди.

Ярим худо ғойиб бўлиб, инсон қоларди. Бошини ҳам қилиб, айрим жумлаларни зўрға талаффуз этиб, узун соатлар давомида сўниқ нигоҳини ҳали шиша билан стаканга, ҳали ўзининг ҳар ишорасига итоат қилишга одатланган, соҳибининг зарра истагини унинг руҳсиз қарашидан уқиб, дарров бажо келтирадиган Гримога тикиб қоларди. Агар тўрт оғайни йиғини шундай дамларнинг бирида содир бўлса, Атоснинг умумий суҳбатдаги ҳиссаси базўр айтилган бир-икки каломдан иборат бўларди. Аммо, у ёлғиз тўрт киши учун ичар, лекин бу қилча ҳам акс этмасди – фақат қошларини чимиради-ю одатдагидан ҳам ғамгинроқ бўлиб кетарди.

Синчков ва ўткир идроки яхши маълум бўлган д'Артаньян ўз қизиқишларини қондириш, чуқур ҳафсализликнинг бирор сабабини топиш, ёки унга эш жиҳатларни илғаб олиш истагига қарамай бунинг уддасидан чиқолмаётганди. Атос ҳеч қачон мактуб олмас эди, ҳеч қачон дўстларининг ҳаммасига маълум бўлмаган бирор иш қилмасди.

Бу хазинликни шароб туғдиради деб бўлмасди, зеро у фақат шу ғуссани енгилш учун ичарди, гарчи, бу дори, биз айтиб ўтганимиздек, уни янада чуқурлаштириб юборарди. Бу ҳасрат тутқаноқларини қиморга ҳам йўйиб бўлмасди, зеро, тақдирнинг бевафолигини қўшиқ ёки сўкишлар билан қузатадиган Портосдан фарқли ўлароқ, Атос ютган пайтлари ютқизганда қандай бўлса, худди шундай лоқайд қолаверарди. Кунлардан бир кун у мушкетёрларнинг даврасида ўтириб, бир оқшомнинг ўзида минг пистол ютиб олди, уларни зарбоф байрам тасмасига қўшиб, ютқазиб қўйди, буларнинг ҳаммасини яна юз луидор қўшиб қайта ютиб олди – лекин, унинг қора қошлари бирон марта қилт этиб қўймади, қўллари ўзининг садаф тусини тарк этмади, ўша оқшом файзли бўлган гурунги ўзининг дилқушо осойишталигини қанда қилмади.

Шунингдек, унинг юзидаги қўланка ҳамсояларимиз инглизларда бўлгани каби ёғингарчилик билан ҳам изоҳланмасди, зеро, бу ғусса одатда йилнинг энг яхши фаслларида яна ҳам кучаярди; июнь билан июль Атос учун энг машаққатли ойлар бўларди.

Ҳозирги пайтда унинг дардлари йўқ эди, у билан истиқбол хусусида гап очилган кезлар у елкасини қисиб қўя қоларди; бинобарин, д'Артаньяннинг қулоғига етган мубҳам миш-мишларга қараганда бу ғуссанинг сабаблари ўтмишга яширилган эди.

Атосни чулғаб турган сир-асрор асорати, ҳатто, кайфи тарақ дақиқаларда ҳам берилган саволларнинг бутун нозиклигига қармасдан уни на кўзлари, на тили

бирор гал ошкор этиб қўймаган бу кишини ғоят жозибали қилиб қўярди.

– Эсиз! – овозини чиқариб, хаёл сурарди д’Артаньян. – Эҳтимол, ҳозир бечора Атос жонсиздир, бунга мен гуноҳкор бўламан. Ахир, ёлғиз мени деб у бу воқеага на бошини, на учини билмаган ҳолда, лоақал зарра манфаат чиқариш илинжисиз аралашиб қолди.

– Шуни айтинг, тақсир, – илова қилди Планше, – кўриниб турибдики, биз омон қолганимиз учун Атосдан миннатдор бўлишимиз лозим. Унинг «Олға, д’Артаньян! Мен қопқондаман!» деб қичқиргани эсингиздами. Кейин эса иккала пистолети ўқини бўшатиб, қиличини қандай ваҳимали жаранглатиб кетди-я! Бамисоли йигирма киши, ёки йигирмата қутурган девдай деган маъқулроқ!

Бу сўзлар д’Артаньяннинг аламини икки қилди-ю у шусиз ҳам елиб кетаётган отини ниқтади.

Эрталабки соат ўн бирлар чамасида сайёҳларнинг кўзи Аменга тушди, соат ўн бир яримда эса улар лаънати хароботга етдилар.

Д’Артаньян маккор хўжайинга атаб, бирор кетворган қасос йўлини, олдиндан тасалли берадиган қасос йўлини кўнглига тугиб борган эди. Хуллас, у хароботга шляпасини пешанасига бостириб, чап қўлини қиличининг сопига қўйиб, ўнг қўлида тутиб турган хивични силтаб-силтаб кириб борди.

– Мени танияпсизми? – сўради у таъзим билан пешвоз чиққан хўжайиндан.

– Мушарраф эмасман, зоти олийлари, – д’Артаньяннинг шуқуҳли яроқ-аслаҳаларидан кўзлари қамашиб, жавоб берди у.

– Ҳаҳ, мени танимаяпсизми!

– Йўқ, зоти олийлари!

– Оббо, унда бир-икки оғизгина қилиб, эслатиб қўяман. Икки ҳафтача муқаддам қалбаки пул ўтказди, деб сиз даъво қилган дворянни нима қилдингиз?

Харобот эгасининг ранги оқариб кетди, зеро, д'Артаньян энг дағдағали қиёфага кирган, Планше эса уни қуйиб қуйгандек такрорлаган эди.

– Оҳ, зоти олийлари, бу ҳақда оғиз очманг! – энг аянч бир оҳангда қичқирди харобот эгаси. – Э парвардигор, бу хатоим менга қандай қимматга тушди-я! Шўрим қурсин-эй!

– Мен сиздан сўраяпман: ўша дворяннинг ҳоли нима кечди?

– Лутф айлаб қулоқ беринг, зоти олийлари, шафқат қилинг. Қани, ўтиринг, марҳаматингизни дариф тутманг.

Ғазаб ва хавотирдан уни чиқмай д'Артаньян ҳакам янглиғ ваҳшат билан ўтирди. Планше виқор билан кресло суянчиғининг орқасида туриб олди.

– Иш бундай бўлганди, зоти олийлари... – қўркувдан дағ-дағ қалтираб, гапини давом эттирди харобот эгаси. – Энди сизни танидим. Ахир ўша дворян билан сиз айтган машъум жанжал бошланганда жўнаб кетган киши сизмисиз?

– Ҳа, мен. Агар бор ҳақиқатни айтмасангиз, шафқат қутишнинг ҳожати йўқлигини жуда яхши кўриб турибсиз.

– Гап бундай, илтифот қилиб тингласангиз, мен ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб бераман.

– Қулоғим сизда.

– Бошлиқлар хароботимда машҳур қалбаки пул ясовчи бир-иккита ўртоқлари билан қўнишини, аммо уларнинг ҳаммаси гвардиячи ёки мушкетёрлар усти бошида бўлишади, деб менга хабар қилишди. Сизнинг отларингиз, хизматкорларингиз, сиз зоти олийларнинг ташқи кўринишлари – ҳаммаси менга аниқ тасвирланган эди...

– Кейин, кейин! – бу аниқ нишонлар қаердан чиққанини дарров фаҳмлаб деди д'Артаньян.

– Шу ваздан мадад учун олти киши юборган бошлиқларнинг буйруғига амал қилиб, қалбаки пул ясов-

чиларни тутиш учун ўзим лозим топган ҳамма чораларни кўриб қўйдим...

– Яна! – деди «қалбаки пул ясовчилар» деган сўзлар қулоғига ўқдай санчилаётган д’Артаньян.

– Бундай нарсаларни гапирётганим учун узр сўрайман, зоти олийлари, аммо мени оқлайдиган дадиллар шулардан иборат. Бошлиқлар менга пўписа қилишди, ўзингиз биласиз-ку, харобот эгаси ўз бошлиқлари билан муросада яшаши зарур.

– Мен яна бир марта сўраяпман: ўша дворян қани? Унга нима бўлди? Қазо қилдими ёки ҳаётми?

– Сабр-тоқат, зоти олийлари, ҳозир бунга ҳам етамиз. Демак, ўзингизга маълум ишлар содир бўлди... сизнинг ошиғич жўнаб қолганингизни улар оқлаётгандай эди, – д’Артаньян назаридан қочмаган муғомбирлик билан илова қилди хўжайин. – Ўша дворян, сизнинг дўстингиз ўзини жон-жаҳди билан мудофаа қилди. Фалокат босиб, отбоқар кийимида юборилган, аскарлар билан тўполон кўтарган унинг хизматкори...

– Хаҳ, сен ярамас! – қичқирди д’Артаньян. – Ҳаммангни тилинг бир экан-да, ўзим ҳам билмайман ҳаммангни қириб ташлашимга нима тўсқинлик қиляпти!

– Йўқ, зоти олийлари, ҳаммамизни ҳам тилимиз бир эмас эди, бунга ҳозир ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз. Сизнинг ошнангиз – ўз исму шарифлари билан атамаётганим учун авф этгайсиз, аммо ўша исм бизга номаълум, – демак, сизнинг ошнангиз икки аскарни икки пистолет ўқи билан узала тушириб, ўзини қилич билан мудофаа қилган қўйи одамларимдан бирини майиб қилиб, мени эса ўша қиличининг ясси томони билан уриб гангитиб, чекинди...

– Гапинг тугайдими сени, йўқми, жаллод? – бақирди д’Артаньян, – Атос қани? Атосга нима бўлди?

– Чекина туриб – мен сизга айтиб ўтганимдек, зоти олийлари – у ертўлага кириладиган зинага бориб қолди ва эшик очиқ турганлиги сабабдан у калитни суғуриб, ичкаридан қулфлаб олди. У ердан кетолмас-

лилига ҳамманинг ишончи комил эди, шу сабабдан ҳеч ким унинг бу ишига тўсқинлик қилмади...

– Албатта-да, – деди д’Артаньян, – сиз уни ўлдирмоқчи эмасдингиз, уни фақат қамаб қўйишингиз керак эди!

– Қамаб қўйиш, тавба-эй! Сизга қасам ичиб айтаман, зоти олийлари, у ўзини ўзи қамаб қўйди. Айтганча, у бундан олдин озмунча иш қилмади: бир аскар дарров ўлди, иккитаси эса оғир жароҳатланди. Ҳалок бўлган билан икки ярадорни ўртоқлари олиб кетишди, на улар, на булар тўғрисида ортиқ хабар топмадим. Менга келсак, ҳушимга келгач, жаноб губернатор ҳузурига равона бўлдим, унга содир бўлган нарсаларнинг ҳаммасини сўзлаб бердим, бандини нима қилай деб сўрадим. Губернатор гўё осмондан тушгандай эди: у гап нима хусусида бораётганини мутлақо тушунмаслиги, менга келган буйруқлар ундан чиқмагани, агар шўрим қуриб, бирор кимсага бу чатоқ иқдомга губернаторнинг қандайдир алоқаси бор деб қўйган бўлсам, мени осишга амр қилажагини айтди. Афтидан адашган эканман, тақсир, бир шахснинг ўрнига бошқасини тутибман-у, тутиш лозим бўлгани ғойиб бўлибди.

– Бироқ, Атос қани? – бақирди ҳокимият тепасидагилари бу ишга қай муносабатда бўлганликларини билгач, янаям тутоқиб кетган д’Артаньян. – Атосга нима бўлди?

– Мен бандининг олдида ўз гуноҳимни ювишга кўзим тўрт эди, – гапини давом эттирди харобот эгаси, – уни чиқариб юбориш ниятида ертўлага яқинлашдим. Оҳ, тақсир, бу иблиснинг ўзгинаси эди. Озодлик таклифига жавобан у бу қопқону шартлар қўймасдан туриб, у ердан чиқмаслигини эълон қилди. Мен унга камтаринлик билан жавоб бердим – ахир, ҳазрат олийларининг мушкетёрига қўл кўтариб, ўзимни не қўйга солиб қўйганимга ақлим етиб турарди-да – хуллас, мен унга шартларини қабул қилишга тайёрлигимни жавоб

қилдим. «Аввало, – деди у, – мен хизматкоримни бека-ми-кўст, қуролланган ҳолда қайтаришни талаб этаман». Бу буйруқ шошилинич бажо келтирилди: ўзингиздан қолар гап йўқ, тақсир, биз дўстингиз нимаики истаса ҳаммасини қилишга хайрихоҳ эдик. Демак, жаноб Гримо – буниси, гарчи, жуда камсухан бўлса-да, номи-ни маълум қилди – жаноб Гримо жароҳатига қарамас-дан ертўлага туширилди. Соҳиби уни қабул қилиб, эшикни тўсиб олди, бизга эса жойимизда қолавери-шимизни буюрди.

– Бироқ, қани у оқибат? – бақирди д’Артаньян. – Атос қани?

– Ертўлада, тақсир.

– Бу қанақаси, ярамас, сен ҳали ҳам уни ертўлада ушлаб турибсанми?

– Худо сақласин! Йўқ, тақсир. Биз уни ертўлада уш-лаб турардик-а! Кошки эди сиз унинг ўша ерда, ўша ертўлада нималар қилаётганини билсангиз! Оҳ, тақ-сир, агар у ердан чиқишга уни мажбур қилиш қўлин-гиздан келса, умримнинг то охиригача сиздан миннат-дор бўлардим, сизга нажот фариштаси сингари сиғи-нардим.

– У ўша ерда дегин? Мен уни ўша ердан топаман-ми?

– Албатта, тақсир. У қайсарлик қилиб туриб олди ва чиқишни истамаяпти. Биз ҳар кун туйнуқдан пан-шаҳада нон, у талаб қилган пайтларда эса гўшт ҳам узатиб турамиз, аммо – эвоҳ! – унинг асосий емиши на нон, на гўшдан иборат. Бир кун мен икки шоввоз билан пастга тушишга ҳаракат қилган эдим, унинг чу-нон ғазоби қайнаб кетдики, мен ўзи пистолетларини, хизматкори эса мушкети тепкисини кўтараётганини эшитиб қолдим. Биз нима қилмоқчисизлар, деб сўра-ганимизда эса, ошнангиз ўттизта ўқимиз бор, бирор-тангизни ертўлага туширишдан илгари ҳаммасини битта қолдирмай бўшатамиз, деб жавоб берди. Шун-да, тақсир, мен губернаторнинг ҳузурига арзга бор-

дим, бироқ, у қилмишингга яраша бўлибди, бу хароботингга қўнгувчи нажиб жанобларни ҳақорат қилиш қандай бўлишини сенга ўргатиб қўяди, деб жавоб берди.

– Шундай қилиб, худди ўша пайтдан бери... – харобот эгасининг забун башарасини кўриб, ўзини кулгидан тиёлмай гап бошлади д'Артаньян.

– Худди ўша пайтдан бери, – давом этди буниси, – аҳволимиз танг, тақсир, негаки, бор жамғарган озуқаларимиз ертўлада сақланади. Шишаларда шароблар, бочкаларда шароблар, май, ўсимлик мойи ва зирavorлар, чўчқа ёғи ва хасиплар – ҳаммаси ўша ерда. Пастга тушиш тақиқланганлиги сабабли бизникига қўнгувчи ҳамма сайёҳларга таом ва ичимликларни йўқ дейишга тўғри келяпти ва бизнинг карвонсаройимиз кун сайин таназзулга юз тутмоқда. Агар дўстингиз ертўлада яна бир ҳафта ўтирса, биз тамоман хонавайрон бўламиз.

– Бадтар бўл, қаллоб! Ахир, афти-ангоримиздан бизнинг қалбаки пул ясовчилар эмас, дуруст одамлар эканимизни фаҳмлаб бўлмасмиди?

– Ҳа, тақсир, ҳа, сиз ҳақсиз, – жавоб берди хўжайин, – бироқ, қулоқ солинг-а, у яна тўс-тўполон кўтаряпти.

– Уни безовта қилишган бўлса керак, – қичқирди д'Артаньян.

– Иложимиз қанча, ахир? – эътироз қилди хўжайин.

– Ахир бизникига иккита кибор инглиз келиб тушган.

– Хўш, нима бўпти?

– Нима бўпти деганингиз нимаси? Ўзингиз биласиз, тақсир, инглизлар яхши шаробни ёқтиришади, булар эса энг яхшисини сўрашди. Хотиним бу жанобларга зарур нарсаларни бериш учун жаноб Атосдан киришга ижозат сўраган, у эса ўз одатича, рад этган бўлса керак... Худоё бокарам, яна шовқин-сурон бошланди.

Дарҳақиқат, ертўла томондан қаттиқ шовқин эшитилди. Д'Артаньян ўрнидан турди ва олдинда умидсиз

ланиб, қўлларини букиб бораётган хўжайин, орқада мушкетини шайлаган Планшени эргаштириб, ҳаракат жойига яқинлашди.

Инглизларнинг зардаси қайнаган: улар олис йўлдан келиб, очлик ва ташналиқдан ҳол-жони қолмаган эди.

– Ахир бу зўравонлик-ку! – соф француз тилида, лекин хорижий талаффуз билан қичқирарди улар. – Бу савдойи туппа-тузук одамларнинг ўз шахсий шаробини ишлатишига изн бермаяпти. Биз эшикни синдирамиз, агарда у тамом ақлдан озган бўлса – илож қанча, унда ўлдирамиз-қўямиз.

– Секинроқ, жаноблар! – камари орқасидан пистолетларини чиқара туриб деди д’Артаньян. – Авф этишингизни сўрайман, лекин сизлар ҳеч кимни ўлдирмайсиз.

– Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, – эшик орқасидан Атоснинг хотиржам товуши эшитилди, – қани, бу мақтанчоқларни киритиб юборинг, шунда кўрамиз.

Инглизлар, афтидан, анча мард кишилар, ҳар қалай, журъатсизлик билан кўз уриштириб олдилар. Ертўлада аллақандай оч одамхўр, аллақандай афсонавий алп қаҳрамон пусиб олган-у ҳеч ким жазосини тортмасдан бу форга киролмайдиган туюларди.

Бир нафас ҳамма жимиб кетди, лекин провардида, инглизлар чекинишга истиҳола қилиб қолдилар-у уларнинг кўпроқ аччиқлангани поғоналари беш ёки олти та бўлган зинапоядан тушиб, эшикни чунонам қаттиқ тепдики, тош деворни тешадигандай кўринарди.

– Планше, – деди д’Артаньян пистолетларининг тепкиларини кўтарган қўйи, – мен анави тепасидагисини ўзимга оламан, сен бўлсанг, пастдагиси билан овора бўл... Шундай қилиб уришишни истайсизларми, жаноблар! Жуда яхши, келинлар, уришайлик!

– Худоё тавба! – пастдан Атоснинг бўғиқ товуши эшитилди. – Назаримда, д’Артаньяннинг овозини эшитяпман.

– Сен янглишмадинг, дўстим, – қаттиқроқ гапиришга уриниб, жавоб берди д'Артаньян, – бу мен, шахсан ўзимман, дўстим.

– Жуда соз! – деди Атос. – Ундай бўлса, биз бу ботирларни роса адабини берамиз.

Инглизлар қиличларига ёпишдилар, лекин улар икки ўт орасида қолган эди. Яна бир зум улар тарадудланиб қолдилар, бироқ, биринчи галдаги орият устун келди-ю иккинчи зарбда эшик бор бўйига ёрилиб кетди.

– Четлан, д'Артаньян, четлан! – қичқирди Атос. – Мен ҳозир отаман.

– Жаноблар! – деди ҳеч қачон фикр юритиш қобилиятини йўқотмайдиган д'Артаньян. – Ўз аҳволингизни бир ўйлаб кўринг. Бир дақиқа қаноат, Атос... Жаноблар, сизлар хунук воқеага аралашяпсиз, ўқлардан илма-тешик бўлиб кетасиз. Мен билан хизматкорим сизларни учта ўқ билан сийлаймиз, ертўладан ҳам худди шунча оласиз. Бундан ташқари, бизда қиличлар бор, уларни биз – мен билан дўстим – жуда дуруст ишлатамиз, сизларни ишонтиришим мумкин. Менга ҳалақит берманг, сизларнинг ишларингизни ҳам, ўзимникини ҳам амаллайман. Ҳозир сизларга ичимлик беришади, сўз бераман.

– Ҳали шароб қолган бўлса, – Атоснинг истехзоли товуши эшитилди.

Харобот эгаси орқасидан совуқ тер чиқиб кетганини сезди.

– Яъни, қандай – «ҳали шароб қолган бўлса?» – шивирлади у.

– Қолади, азбаройи шифо! – деди д'Артаньян. – Ўпкангизни босинг, бутун ертўлани ичиб қўйишолмагандир-ку. Жаноблар, қиличларни қинига солинг.

– Яхши! Бироқ, сиз ҳам пистолетларингизни камарингизга қистириг.

– Бажонидил.

Д'Артаньян тимсол кўрсатди. Сўнгра, Планшега ўгирилиб, имо билан мушкетининг ўқини бўшатишни буюрди.

Бу жиҳатдан ишонч ҳосил қилиб, инглизлар тўнғиллаб олдилар-у, лекин қиличларини қинига солиб қўйдилар. Д'Артаньян уларга Атоснинг қамалиш тарихини ҳикоя қилиб берди ва улар ҳақиқий жентелмен бўлганлари сабабли ҳамма ишда харобот эгасини айбладилар.

– Энди эса жаноблар, – деди д'Артаньян, – хоналарингизга чиқинглар ва ўн дақиқадан кейин кўнглингиз тусаган ҳамма нарсани муҳайё қилишади деб кафолат бераман.

Инглизлар таъзим қилиб, кетдилар.

– Энди мен якка ўзимман, жон Атос, – деди д'Артаньян. – Илтимос қиламан, эшикни очинг.

– Шу заҳоти, – жавоб берди Атос.

Қулаётган шох-шабба боғларининг товуши, ғўларларнинг ғичирлаши эшитилди: булар қамалдаги Атоснинг ўзи яксон қилаётган ғов ва истехкомлари эди.

Бир сониядан сўнг эшик сурилиб, тирқишида Атоснинг рангпар рухсори кўринди; у атроф-жойни енгилеппи кўздан кечириб чиқди.

Д'Артаньян ўзини дўстига отиб, уни меҳрибонлик билан қучди; сўнгра уни етаклаб, бу зах бошпанадан нари олиб кета бошлади-ю, фақат шундагина унинг тебраниб кетаётганини пайқади.

– Сиз жароҳатландингизми? – сўради у.

– Менми? Ҳеч-да. Мен ўлгудек мастман, вассалом. Бунга эришмоқ учун мен ҳали ҳеч қачон бу қадар зўр бериб тер тўкмаганман. Худо ҳаққи, хўжайин, танимга бир юз эллик шишадан кам тушмагандир.

– Шафқат қилинг! – бақириб юборди хўжайин. – Агар хизматкор ҳам соҳиби ичганнинг лоақал ярмини ичган бўлса, мен хонавайрон бўлдим.

– Гримо интизомга қаттиқ ўргатилган, мен ичган шаробдан ичишга у ўзига эп кўрмаган бўларди. У фа-

қат бочкадан ичди. Айтганча, у тиқинини беркитиб қўйишни унутибди, шекилли. Эшитяпсизми, бир нарса оқяпти?

Д'Артаньян хохолаб қулиб юборди, жунжикиб турган хўжайиннинг бундан алангаси чиқиб кетди.

Шу пайт Атоснинг орқасида елкасига мушкет илган Гримо пайдо бўлди; худди Рубенснинг маст сатирлари сингари унинг боши силкинарди. Унинг олди-ю орқасига аллақандай мойли суюқлик тўкилган бўлиб, хўжайин уни ўзининг энг яхши зайтун мойи деб топди.

Улар катта залдан ўтиб, д'Артаньян мусофирхонанинг ўзбошимчалик билан банд қилган энг яхши хонасига кўчиб кирди.

Бу орада хўжайин ва рафиқаси чироқлар билан ўзларини киришлари шунча узоқ тақиқ этилиб келган ертўлага урдилар; у ерда уларни даҳшатли манзара кутарди.

Чиқар пайти Атос йўл очган шох-шабба боғлари, тахталар ва бўш бочкалардан стратегик санъатнинг барча қоидаларига риоя қилиниб тикланган истехкомларнинг орқасида, унда-бунда мой ва шаробларнинг халқобларида сузиб юрган сон гўштларининг суяклари кўзга ташланарди, ертўланинг бутун чап кунжагида эса синиқ шишалар уюми қалашиб ётарди; жўмраги очиқ қолган бочка қонининг сўнгги қатраларини оқизиб ётарди. Қадим шоирнинг таъбири билан ифода қилинганда, бу ерда майдони ҳарб сингари ўлим ва вайроналик ҳукм сурарди.

Шифт тўсинларига осифлик эллик ҳасипдан ортиғи билан ўнта қолган эди.

Хўжайин билан беканинг нолон фарёдлари ертўла тоқисидан ўтиб, ҳатто, д'Артаньяннинг ҳам кўнглини бузди. Атос эса, ҳатто, бошини ўгириб ҳам қўймади.

Бироқ, ҳадемай, ғурбат ғазабга айланди. Жизғанақ бўлиб, ўзини унутган хўжайин сих билан қуролланиб, икки дўст ҳоли ўтирган хонага отилиб кирди.

- Шароб! – уни кўриб деди Атос.
- Шароб-а! – бақирди оғзи очилиб қолган хўжайин.
- Шароб-а! Ахир сиз юз пистолдан ҳам ортиққа ичиб бўпсиз-ку. Ахир мен хонавайрон бўлдим-ку, хароб бўлдим-ку, йўқ бўлдим-ку!
- Бас! – деди Атос. – Биз, ҳатто, чанқоғимизни тузук-қуруқ босолганимиз ҳам йўқ.
- Агар сизлар фақат ичганингизда ҳам бир нав эди, лекин бор шишаларни синдириб ташлагансиз!
- Сиз мени ўша уюмга туртиб юбордингиз, у қулаб тушди. Айб ўзингизда.
- Менинг бор мойим нобуд бўлган!
- Мой – жароҳатлар учун ажойиб малҳам. Ўзингиздан орттирган яраларни бечора Гримо тузатиши керакмиди-йўқмиди?
- Менинг ҳамма ҳасипларим кемириб ташланган!
- Бу ертўлада каламушлар тўлиб ётибди.
- Сиз ҳаммасининг товонини тўлайсиз! – бақирди тоқати тоқ бўлган хўжайин.
- Уч карра ярамас! – жавоб берди Атос ўрнидан кўзғалган кўйи, лекин шу замон у курсига қайта қулади: унинг дармони қолмаган эди.
- Д’Артаньян унга ёрдамга келиб, хивичини дўлайди. Хўжайин орқага тисарилиб кўзига ёш олди.
- Бу сизга, – деди д’Артаньян, – худо юборган мусофирларга дуруст манзират қилишни ўргатиб қўяди.
- Худомиш! Ундан кўра иблис денг!
- Гап бундай, азизим, – унга пўписа қилди д’Артаньян, – агар қулоғимизни қоматга келтиришингни бас қилмасанг, ертўлангга тўрт кишилашиб қамалиб оламиз-да, зиён чиндан сен айтаётгандай каттами, йўқми, кўриб қўямиз.
- Розиман, жаноблар, розиман, – қўрқиб кетди хўжайин, – тан оламан, айб ўзимда, бирор гуноҳ йўқки, уни кечириб бўлмаса. Сизлар аслзода жанобсизлар, мен бўлсам бир нотавон харобот эгасиман, менга раҳмингиз келиши керак-да.

– Ҳа, мана буниси бошқа гап, – деди Атос, – бунақада кўнглимни сел қилиб юборасан, шекилли, кўзларимдан бочкангдаги шароб сингари ёшларим ҳам оқиб кетади. Биз сен уйлаганча қўрқинчли эмасмиз. Яқинроқ кел, гаплашиб кўрамиз.

Хўжайин қўрқа-пуса яқинроқ йўлади.

– Сенга айтаяпман, келавер, қўрқма, – давом этди Атос. – Мен сенга ҳақ тўламоқчи бўлган пайтда столга ҳамён қўйганман.

– Тўппа-тўғри, зоти олийлари.

– Ўша ҳамёнда олтиш пистол бор эди. У қани?

– Суд маҳкамасига топшириб юборилган, зоти олийлари: ахир менга уни қалбаки пул дейишган-да.

– Гап бундай, ҳамённи қайтариб олиб, ўша олтиш пистолни ўзингга қолдир.

– Бироқ, сизга жуда яхши маълум, зоти олийлари, суд мутасаддилари кўлига тушган нарсани қайтаришмайди. Улар қалбаки танга бўлганда ҳам майли эди, умид қилса бўларди, аммо бахтга қарши пуллар ҳақиқий эди.

– Суд билан билганингча келишавер, бунинг менга алоқаси йўқ, бунинг устига, менда бирор ливр қолмади.

– Гап бундай, – аралашди д'Артаньян, – Атоснинг оти ҳозир қаерда?

– Таблада.

– У қанчага арзийди.

– Олтиш пистолга, бундан ошмайди.

– Уни саксон пистол туради ҳам дейлик. Уни олгин-у бу ишга барҳам берайлик.

– Нима! Сен менинг отимни сотяпсанми? Менинг Баязетимни-я? – таажжубланди Атос. – Менчи, сафарга нимани миниб чиқаман, Гримоними?

– Мен бошқасини олиб келдим, жавоб берди д'Артаньян.

– Бошқасини?

– Яна бирам зўрини! – қичқирди хўжайин.

– Майли, дурустроқ ва ёшроқ бошқаси бўлса, ўзингга қарисини олда, шароб келтир.

– Қандайдан? – тамом кўнгли тинчиб, сўради хўжайин.

– Ертўланинг тўрида, панжаранинг олдида турганидан. У ерда йигирма шиша қолди, қолганлари мен йиқилганда синиб кетди. Олтита келтир.

– Ахир бу одам эмас, тубсиз бочканинг ўзи-ку! – тўнғилади хўжайин. – Агар бу ерда у икки ҳафта қолиб ичганларининг ҳаммасига тўласа, мен ишларимни ўнглаб оламан.

– Ўша шаробнинг ўзидан инглизларга ҳам тўрт шиша элтишни унутма, – илова қилди д'Артаньян.

– Энди эса, – гапини давом эттирди Атос, – шаробга кўз тутгунимизча бошқаларнинг ҳоли нима кечганини менга сўзлаб беринг, д'Артаньян.

Д'Артаньян унга Портосни оёғи чиққан ҳолда тўшақда, Арамисни эса икки ақоидшунос даврасида стол ёнида топганларини ҳикоя қилди. У ҳикоясини тугатганда буюртирилган шишалар ва хайриятки ертўла хорижида қолган сон гўшт кўтариб, хўжайин кираб келди.

– Жуда яхши, – ўзи ва д'Артаньяннинг қадаҳига қуя туриб деди Атос, – бу Портос ва Арамислар хусусида. Хўш, сизчи, дўстим, ишларингиз қалай, ўзингизга нима қилди? Чамамда, кўринишингиз жуда тўниқ.

– Таассуфки, шундай, – жавоб берди д'Артаньян, – бунинг боиси – мен ҳаммамизнинг ичимизда энг бахти қаролигим.

– Сенинг бахтинг қароми, д'Артаньян! – қичқариб юборди Атос. – Нима бўлди? Менга сўзлаб бер.

– Кейинроқ, – жавоб берди д'Артаньян.

– Кейинроқ! Нега энди ҳозир эмас? Мени маст деб ўйлаяпсанми? Яхшилаб дилингга тугиб қўй, дўстим: менинг бошим ҳеч қачон шароб ичгандаги сингари равшан бўлмайди. Гапирсанг-чи, мен борлигим билан қулоққа айландим.

Д'Артаньян унга Бонасе хоним билан содир бўлган воқеани сўзлаб берди.

Атос уни хотиржам ўтириб танглади.

– Бунинг ҳаммаси арзимаган нарса, – деди у д'Артаньян ҳикоясини тугатгандан сўнг, – арзимаган нарса, холос.

«Арзимаган нарса» – Атоснинг севимли ибораси эди.

– Сиз ҳамма нарсани арзимаган дейсиз, муҳтарам Атос, – эътироз қилди д'Артаньян, – бу севгини сира бошидан кечирмаган киши учун унча асосли кўринмайди.

Атоснинг сўниқ нигоҳи дарров ёришиб кетди, лекин бу фақат бир дақиқалик ёлқин бўлиб, унинг кўзлари яна аввалги хира ва мужмал аслига қайтди.

– Бу рост, – хотиржам тасдиқлади у, – мен сира севмаганман.

– У ҳолда биз хассос қалбли кишиларни айблаганда сиз ноҳақлигингизни ўзингиз кўриб турибсиз, бағритош.

– Ҳассос қалб – абгор қалб, – деди Атос.

– Бу билан нима демоқчисиз?

– Мен айтмоқчиманки, муҳаббат – лоторея, унда ютган кишига ўлим насиб қилади! Гапимга ишонинг, муҳтарам д'Артаньян, омадингиз келиб, ютқазибсиз. Ҳамиша ютқазаверинг, менинг маслаҳатим шу.

– Доим у мени бирам севадиган туюларди.

– Сизга шундай туюлган, холос.

– Йўғ-э, у мени ҳақиқатан севарди.

– Гудак! Шундай эркак йўқки, сизга ўхшаб маъшуқаси ўзини севишига ишонмаса, шундай ҳам эркак йўқки, ўз маъшуқасидан панд емаган бўлса.

– Сиздан истисно, Атос: ахир сизнинг ҳеч қачон маъшуқангиз бўлмаган-ку.

– Бу рост, – бир зумлик сукутдан сўнг деди Атос. – Менинг ҳеч қачон маъшуқам бўлмаган. Ичайлик!

– Ундай бўлса, менга ўргатинг файласуф, менга таскин беринг – мен маслаҳат ва тасалли излаяпман.

– Тасалли? Нимага?

– Ўз бахтсизлигимга.

– Сизнинг бахтсизлигингиз шунчаки кулгили, – елкаларини қисиб деди Атос. – Мен сизга бир ишқ дафттарини очсам, нима дер экансиз – билгим келади.

– Ўзингизникиними?

– Ёки, дўстларимдан бириники, барибир эмасми?

– Сўзлаб беринг, Атос, сўзлаб беринг.

– Ичайлик, шунда яхшироқ бўлади.

– Ичиб гапираверинг.

– Бу ҳақиқатан ҳам тўла эш бўлгудек нарсалар, – сатканини бўшатиб, унга яна қуйиб деди Атос.

– Қулоғим сизда, – деди д'Артаньян.

Атос ўйланиб қолди ва хаёллари чуқурлашгани саийин д'Артаньяннинг кўз ўнгида унинг ранги оқара борди. Атос кайфнинг расмона маст киши йиқилиб, учиб қоладиган босқичида эди. У гўё ўнгида алаҳлар эди. Кайфнинг бу сомнамбулизмида аллақандай ваҳшатли нарсалар бор эди.

– Сиз шуни албатта истайсизми? – сўради у.

– Сиздан ўтинаман, – жавоб берди д'Артаньян.

– Яхши, майли, сизнингча бўлсин... Менинг дўстларимдан бири... дўстларимдан бири, мен эмас, буни яхшилаб дилингизга тугиб қўйинг, – ғамгин табассум билан деди Атос, – таги мен туғилган вилоятдан, яъни, Беррилик, Дандоло ёки Монморанси сингари бадавлат бир граф йигирма беш ёшида муҳаббатнинг ўзидай дилбар ўн олти яшар қизни севиб қолди. Унинг ёшига хос соддалик орасидан жўшқин ақл, аёл ақли эмас, шоирона ақл сизиб кўринарди. У шунчаки ёқмасди – у ошифта қиларди. У кичкина жойда руҳоний акаси билан истиқомат қиларди. Иккаласи ҳам бу ўлкаларда келгинди эди; уларнинг қаердан келиб қолганини ҳеч ким билмас, аммо унинг хусни, акасининг тавфиқлиги шарофати билан бу нарсаларни суриштириш ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Дарвоқе, миш-мишларга қараганда, улар тузуккина насабдан

эдилар. Менинг дўстим – ўша жойларнинг эгаси уни осонгина йўлдан уриши ёки зўрлик билан олиши мумкин эди – тўла-тўкис хўжайин эди, ундан ташқари, бегона, ҳеч кимга нотаниш одамларга ким ҳам ён босарди дейсиз! Бахтга қарши, у виждонли киши бўлиб, унга уйланиб қўйди. Эси паст каллаварам, эшак!

– Бироқ, нега энди, агар уни севган бўлса? – сўради д'Артаньян.

– Сабр қилинг, – деди Атос. – У қизни ўз саройига олиб кетди, уни вилоятнинг биринчи хоними қилиб қўйди. Унга тан бериш ҳам керак, у ўзининг ролини жуда яхши урдади...

– Хўш, нима бўпти? – сўради д'Артаньян.

– Нима бўларди! Кунлардан бир кун графиня эри билан бирга бўлган шикор маҳали, – овозини пасайтириб, лекин, жуда тез давом этарди Атос, – у отдан йиқилиб, хушидан кетди. Граф унга ташланиб, қисиб тургани сабабли кўйлагини ханжари билан тилиб, иттифоқо кифтини очиб қўйди. Топинг-чи, д'Артаньян, унинг кифтида нима бор эди! – бирдан қаттиқ қулиб деди Атос.

– Бунга мен қаердан билай? – эътироз қилди д'Артаньян.

– Нилуфар гули, – деди Атос. – У тамғаланган эди.

Атос қўлида ушлаб турган бир стакан шаробни нафас олмасдан ичиб юборди.

– Қандай даҳшат! – бақирди д'Артаньян. – Бўлиши мумкин эмас.

– Бу тўғри, азизим. Фаришта шайтон чиқди. Маъсум қиз ўғри эди.

– Хўш, граф нима қилди?

– Граф ўз мулкида тўлақонли ҳукмдор эди, фуқароларини қатл этиш ёки уларга шафқат қилиш ҳуқуқига молик эди. У графинянинг кўйлагини буткул йиртиб ташлади-да қўлини орқасига боғлаб, уни дарахтга осиб қўйди.

– Ё раббий, Атос! Бу қотиллик-ку ахир! – бақирди д'Артаньян.

– Ҳа, атиги қотиллик, холос... – ранги мурдадай ўчиб деди Атос. – Бироқ, нима бу? Менинг шаробим тугабди шекилли.

Кейин Атос сўнгги шишага ёпишиб, унинг бўғзини лабларига босди-да гўё у оддий стакан бўлганидек бир кўтаришда ичиб юборди. Сўнгра бошини қуйи солди. Д'Артаньян даҳшат ичида унинг қаршисида турарди.

– Бу мени бир умрга гўзал, шоирона, маъшуқа аёллардан кўнглимни қолдирди, – қаддини ростлаб, афтидан граф ҳақидаги масалини тугатмоққа чоғланмай деди Атос, – сизга ҳам шуни тилайман. Ичайлик!

– У ўлганми? – гўлдиради д'Артаньян.

– Бўлмасам-чи! – деди Атос. – Стаканингизни берсангиз-чи... Чўчқа гўшти, ялқов! – бақирди у. – Биз яна ичишга қурбимиз етмайди!

– Унинг акаси-чи? – юраги бетламасдан сўради д'Артаньян.

– Акаси-чи? – қайтарди Атос.

– Ҳа, руҳоний.

– Хаҳ, руҳоний! Мен уни осилларини амр қилмоқчи эдим, лекин у олдини олиб, қавмини ташлаб қочишга улгурибди.

– Шундай қилиб, у ярамаснинг кимлигини кейин билмадингизми?

– Жононнинг биринчи ёри ва шериги бўлса керак, афтидан, фақат маъшуқасини турмушга чиқариш учун, унинг насибасини бут қилиш учун ўзини руҳонийга солган шоён одам.

– Ё раббий, раббий! – даҳшатли ҳикоядан ҳангу манг бўлиб гапирди д'Артаньян.

– Нимага чўчқа гўшtidан емаяпсиз, д'Артаньян? У жуда хушхўр! – бир тилим кесиб, йигитнинг ликобчасига қўйган кўйи деди Атос. – Аттанг-а, ертўлада лоақал тўртта шундай сон гўшти бўлмайдими? Мен эллик шишадан ошиқроқ ичган бўлардим.

Д'Артаньяннинг бу суҳбатни давом эттиришга тоқати қолмаган эди: у мияси айниётганини ҳис қиларди. У бошини қўлларига ташлади-да ўзини ухлаганга солди.

– Ёшлар ичишдан қолишди, – унга таассуф билан боқиб деди Атос, – яна буниси энг дурустларидан-а!

XXVIII

Қайтиш

Д'Артаньян Атоснинг даҳшатли ҳикоясидан ҳангу манг бўлиб қолган, лекин бу ёрти иқрорда унга ҳали кўп нарса мавҳум эди. Аввало, у мутлақо маст киши томонидан, чаламаст одамга айтилган эди; шундай бўлса-да бир-икки шиша бургунд шаробидан сўнг, бошда сузиб юргувчи туманга қарамасдан, д'Артаньян эртасига саҳарда уйғонганда кечаги изҳори дилнинг ҳар сўзи хотирасида шу қадар аниқ турардики, гўё ўша сўзлар бирин-сирин унинг миясига ўрнашиб қолгандай. Мавҳумлик унинг тўлиқ ишонч ҳосил қилиш истагини янада ўт олдирди-ю, у кечаги суҳбатни янгилашга қатъий жазм қилиб, дўстининг ҳузурига раво-на бўлди, лекин, Атос ўзини тамом ўнглаб олган, яъни оламдаги энг зийрак ва энг вазмин одам бўлиб қолганди. Айтгандек, у билан қўл қисишгач, мушкетёрнинг ўзи унинг фикрларининг олдини олди.

– Мен кеча ўлгудек маст эдим, азиз дўстим, – гап бошлади у, – буни мен бугун эрталаб тилим айланмаётганини ва томир уришим ҳамон тезлигини сезгач, англадим. Гаров бойлашга тайёрман, мен сизга сон минг ақлга сифмайдиган нарсаларни алжиган бўлсам керак.

Шу гапни айтгач, у ошнасига чунон қаттиқ тикилдики, униси хижолат чекиб қолди.

– Асло йўқ, – эътироз қилди д'Артаньян, – менинг хотирлашимча, сиз айтарлик ҳеч нима деганингиз йўқ.

– Шундайми? Бу қизиқ. Менга эса гўё ўзим бир мунгли ҳодисани ҳикоя қилгандай туюлганди.

Кейин у юрагига қўл солиб кўрмоқчидай йигитга қараб қўйди.

– Рост, – деди д’Артаньян, – мен сиздан ҳам баттар маст бўлсам керак: ҳеч нима эсимда йўқ.

Бироқ, бу сўзлар Атосни қилча ҳам қаноатлантирмади-ю, у гапида давом этди:

– Сиз пайқагансиз, албатта, муҳтарам дўстим, ҳар кимса ўз ҳолича кайф қилади: бир хиллари ғамга бо-тишади, бошқа хиллари шўхлик қилишади. Масалан, мен ичган пайтларимда ғамгин бўлиб кетаман ва бир маҳаллар эси паст энагам миямга қуйган қўрқинчли воқеаларни ҳикоя қилишни яхши кўраман. Бу менинг нуқсоним, эътироф қиламан, муҳим нуқсоним, аммо уни истисно қилганда, ичишни биламан.

Атос шу қадар табиий гапирардики, д’Артаньяннинг ишончи дарз кетди.

– Ҳа-я, дарҳақиқат, – сирғалиб чиқиб кетаётган ҳақиқатни қайта тутиб қолишга уриниб деди йигит. – Гўё иккаламиз осилганлар ҳақида гаплашганимиз элас-элас эсимга келаётгани шунинг учун экан-да!

– Ана! Кўрдингизми! – ранги оқариб кетса ҳам ил-жайишга ҳаракат қилиб деди Атос. – Билганман-да: осилганлар менинг доимий офатим.

– Ҳа, ҳа, – давом этди д’Артаньян, – энди эслай бош-ладим... ҳа, гап... бир нафас хотирга олинг... гап аёл хусусида борган эди.

– Айтмадимми, – энди рангида қони қолмай жавоб берди Атос, – бу менинг оқ-сарикдан келган аёл ҳақидаги севимли ҳикоям, мабодо уни ҳикоя қилсам, демак, фирт мастман.

– Тўғри, – тасдиқлади д’Артаньян, – оқ-сарикдан кел-ган, ўрта бўйли, мовий кўзли соҳибжамол жувон ҳақида.

– Ҳа, бунинг устига осилган...

– ... ўзининг эри, сизнинг танишларингиздан бўлмиш бир кибор жаноб томонидан, – Атосга синчиклаб ти-килиб, илова қилди д’Артаньян.

– Мана, кўрдингизми, нима деяётганингни ўзинг ҳам билмасанг, одамга доғ тегизиб қўйиш қандай осон, – елкаларини қисиб ва гўё ўз-ўзидан ўкингандай бўлиб гапирди Атос. – Ҳал бўлди, д’Артаньян: энди кўп ичмайман, бу ўта хунук одат.

Д’Артаньян ҳеч нима деб жавоб бермади.

– Ҳа, айтгандек, – тўсатдан суҳбат мавзусини ўзгартириб деди Атос, – сиз менга олиб келган от учун ташаккур билдираман.

– У сизга манзур бўлдимми? – сўради д’Артаньян.

– Ҳа, аммо, у қадар чидамли эмас.

– Янглишяпсиз. Мен унда ўн лени бир ярим соатдан кам вақтда босдим-у, кўриниши худди Сен-Сюлпис майдонини бир айланиб чиққан каби эди.

– Шунақа денг! У ҳолда мен пушаймон бўламан, шекилли.

– Пушаймон?

– Ҳа. Мен уни қўлдан чиқариб юбордим.

– Қай йўсинда?

– Иш бундай бўлди. Мен бугун тонг соат олтида уйғондим, сиз қотиб ухлаб ётардингиз, мен бўлсам нима билан машғул бўлишимга ҳайрон эдим: кечаги базмдан кейин ҳали ўзимга келмагандим. Хуллас, мен залга тушиб, жаллоб билан отни савдолашиб турган инглизларимизнинг бирини кўриб қолдим: негаки, унинг оти кеча ҳаром ўлган экан. Мен унга яқин йўлаб, қора тўриқ ахта учун юз пистол таклиф қилаётганини эшитиб қолдим. «Биласизми, нима, тақсир, – дедим унга, – менда ҳам сотиладиган от бор», «Агар у кеча ошнангиз хизматкори тизгинидан тутиб тургани бўлса, – жавоб берди, у, – жуда ажойиб от», – «Чамангизда қалай, у юз пистолга арзийдимми?» – «Арзийди. Нима, сиз менга шу нархга бермоқчимисиз?» – «Йўқ, аммо, у қимор ўйинимизда гаров бўлади» – «Қимор ўйинимизда?» – «Ошиқ ўйинимизда». Гап бир жойга қўйилди-ю, мен отимни ютқазиб қўйдим. Лекин, кейин эгарини қайтариб ютиб олдим.

Д'Артаньян норози бўлиб, афтини буриштирди.

– Бу сизнинг қўнглингизни оғритяптими? – сўради Атос.

– Очиғини айтсам, ҳа, – жавоб берди д'Артаньян, – бу отлардан бизни жанг қуни таниб олишлари лозим эди. Бу тўхфа, эътибор рамзи эди. Сиз бекор бундай қилибсиз, Атос.

– Қўйинг, муҳтарам дўстим! Ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг, – эътироз билдирди мушкетёр, – мен ўлгудек зориқаётган эдим, кейин эса, гапнинг рости, мен инглиз отларини хушламайман. Агар бутун гап бизни кимдир таниб олиши лозимлигида бўлса, эгарнинг ўзи ҳам етиб ортади, у хийла кўзга яқин. Отга келсак, унинг йўқолишига баҳона бўлгудек гап топармиз. Отлар оддий жонзод-ку, ниҳоят! Меники манқадан ёки харишдан ҳаром ўлди деб фараз қилайлик.

Д'Артаньян қовоғини уйганча турарди.

– Аттанг! – давом этди Атос, – афтидан, сиз бу жониворларни жуда қадрлар экансиз, мен бўлсам, ҳали ҳикоямни тугатганим ҳам йўқ.

– Хўш, сиз яна нималар қилдингиз?

– Мен ўз отимни ютқазиб қўйгач – ўн-у тўққиз ҳисобида, қалай, а? – хаёлимга сизнинг отингизга ўйнаб кўриш фикри келиб қолди.

– Бироқ, мен бу ниятингизни амалга оширмагансиз, деб умид қиламан?

– Аксинча, мен уни дарҳол бажо келтирдим.

– Хўш, нима бўлди? – қичқириб юборди хавотирга тушган д'Артаньян.

– Мен ўйнаб, уни ютқазиб қўйдим.

– Менинг отимни-я?

– Сизнинг отингизни. Саккиз-у етти ҳисобида – бир очкони деб... Мақолни биласизми?

– Атос, сиз ақлдан озибсиз, онт ичаман!

– Жон д'Артаньян, биласизми, буни менга кеча бе-маъни воқеаларни ҳикоя қилган пайтимда айтиш керак эди, асло бугун эмас. Мен уни ақлга сиғадиганки

жабдуқларининг ҳаммаси билан бирга ютқазиб қўйдим.

– Бу даҳшат-ку ахир!

– Сабр қилинг, сиз ҳали ҳамма гапни билмайсиз. Мен агар меъёридан ошириб юбормасам, бинойидай қиморбоз бўлишим мумкин, аммо ичган пайтларим қандай бўлса худди шундай муккамдан кетаман, мана энди...

– Бироқ, сиз яна нимани тикишингиз мумкин эди? Сизда ортиқ ҳеч нима қолмагани-ку?

– Потўғри, дўстим, нотўғри, бизда яна шу кеча кўзим тушган қўлингизда чарақлаб турган олмос қолган эди.

– Бу олмос! – шоша-пиша узукни пайпаслаб қичқирди д'Артаньян.

– Ҳамда бир маҳаллар менинг ўзимда олмослар бўлгани ва мен уларнинг фарқига боришим сабабли мен уни минг пистолга баҳоладим.

– Умид қиламанки, – қовоғидан қор ёғилиб деди қўрқувдан жони халқумига келган д'Артаньян, – сиз лом-мим деб, олмосимга тил тегизмагандирсиз?

– Аксинча, муҳтарам дўстим. Тушунинг, бу олмос бизнинг бирдан-бир илинжимиз бўлиб қолди, уни тикиб, мен жабдуқларимизни, отларимизни қайтариб олишим ва бунинг устига йўл харажатларига пул ютиб олишим мумкин эди...

– Атос, мен ларзага келаяпман! – бақириб юборди д'Артаньян.

– Хуллас, шеригимга сизнинг олмосингизни айтдим. У ҳам унга эътибор қилган экан. Дарҳақиқат, азизим, бу қандай гап! Қўлингизда осмондаги юлдузни тақиб юрибсиз-у яна уни ҳеч ким кўрмаслигини истайсиз! Бунинг иложи йўқ!

– Тугатинг, жон дўстим, тугатинг, – деди д'Артаньян. – Сизнинг совуққонлигингиз жонимни оляпти, чин сўзим.

– Хуллас, биз олмосни ўн довга, ҳар бирида юз пистолдан қилиб бўлдик.

– Хаҳ, гап бу ёқда денг, ҳазил қилиб, мени синаб кўриш керакми сизга? – деди «Илиада»даги Ахил сингари аллақачон газаб чангалига тушган д’Артаньян.

– Йўқ, мен ҳазил қилмаяпман, азбаройи шифо! Менинг ўрнимда сиз бўлганингизда нима қилардингиз, билсам эди! Икки ҳафта инсон юзини кўрмадим, шисалар билан улфатчилик қилавериб, тамом ёввойилашиб кетдим.

– Бу ҳали менинг олмосимни тикиш учун сабаб эмас, – талвасада қўлини қисиб, эътироз билдирди д’Артаньян.

– Охирини эшитсангиз-чи. Ҳар бирида юз пистолдан ўн юришга ўн дов, қайтариб ютиш ҳуқуқисиз. Ўн учинчи юришда мен ҳаммасини бой бердим. Ўн учинчи юришда – ўн уч рақами ҳамиша мен учун машъум бўлиб келган. Худди ўн учинчи июлда...

– Оббо! – бақирди д’Артаньян стол ёнидан туриб. Бугунги воқеа уни кечасини унутишга мажбур қилган эди.

– Сабр-қаноат, – деди Атос, – менинг ўз режам бор эди. Инглиз – аломат киши экан. Эрталаб унинг Гримо билан сўзлашиб турганини кўрган эдим, Гримо инглиз ўзига хизматга киришини унга таклиф этганини менга маълум қилганди. Шундай қилиб, у билан Гримони, ўн довга бўлинган унсиз Гримони тикиб ўйнапман.

– Ана холос! – беихтиёр шарақлаб кулиб деди д’Артаньян.

– Гримога, Гримонинг ўзига, эшитяпсизми? Шундай қилиб, ўзи бутун боши билан бир мирига арзимайдиган Гримонинг ўн дови шарофати билан мен олмосни қайтариб ютиб олдим. Шундан кейин ўжарлик фазилат эмас деб кўринг!

– Виждонан онт ичаман, ажабтовур гаплар! – кулгидан биқинларини чангаллаганча енгил тортиб қичқирди д’Артаньян.

– Мен қизишиб, дарров яна олмосни тикиб ўйнай бошлаганимни сиз, албатта тушунасиз.

– Э, шундай денг! – юзи яна қоронғилашиб деди д’Артаньян.

– Мен сизнинг эгарингизни, кейин эса отингизни, кейин ўзимнинг эгаримни, кейин ўзимнинг отимни ютиб олиб, кейин яна ютқазиб қўйдим. Қисқаси, мен яна сизнинг эгарингизни, кейин ўзимникини тутиб қолдим. Мана иш қандай содир бўлди. Бу жуда зўр юриш эди, мен унда тўхтаб қўя қолдим.

Д’Артаньян гўё елкасидан бутун харобот ағдарилган каби хўрсиниб қўйди.

– Демак, олмос менинг ихтиёримда қоларкан-да? – юраги дов бермайгина сўради у.

– Так-гаслим ихтиёрингизда, мухтарам дўстим, кўшимчасига Бетсефалларимизнинг эгарлари ҳам.

– Қуруқ эгарларни бошимизга урармидик?

– Бу борада менинг бир ўйим бор.

– Атос, сиз мени қўрқитяпсиз.

– Қулоқ солинг, сизнинг ўйнамаганингизга анча бўлди шекилли, д’Артаньян.

– Ўйнашга заррача рағбатим йўқ.

– Қасам ичманг. Хуллас, мен ўйнамаганингизга анча бўлиб қолди, деяпман, бинобарин, омадингиз келиши керак.

– Фараз қилайлик! У ёғи нима?

– У ёғими? Инглиз у ҳамроҳлари билан ҳали шу ерда.

Мен унинг эгарларга жуда кўзи ўйнаётганини пайқадим. Сиз бўлсангиз, афтидан, ўз отингизни жуда қадрлайсиз. Сизнинг ўрнингизда мен отга эгарни тиккан бўлардим.

– Бироқ, у бир эгарга ўйнашга рози бўлмайди.

– Иккаласини тикинг, азбаройи шифо! Мен сизга ўхшаган худбин эмасман.

– Сиз шунга рози бўлармидингиз? – ғайриихтиёрий равишда унинг ишончи таъсирига берилиб, дудмал гапирди д’Артаньян.

– Виждонан онт ичаман, биттаю битта юришга.

– Бироқ, билсангиз, отларни бой бергач, лоқал эгарларни сақлаб қолиш мен учун ниҳоятда муҳим.

– У ҳолда олмосингизни тикинг.

– О, бу бошқа гап. Минбаъд, ҳеч қачон!

– Азбаройи шифо! – деди Атос! – Мен сизга Планшени тикишни таклиф этардим, аммо шунга ўхшаш ҳол бўлгани сабабли инглиз кўнмайдими дейман.

– Биласизми нима, муҳтарам Атос? – деди д'Артаньян, – Мен бирор нарсани таваккал қилишдан қатъиян бош тортаман.

– Афсус, – совуққина деди Атос, – инглизда пистоллар битиб ётибди. Ё тавба, ахир бир юришга журъат қилсангиз-чи! Бир юриш – бу бир нафаслик иш.

– Мен ютқазиб қўйсам-чи?

– Сиз ютасиз.

– Хўш, ютқазиб қўйсам-чи?

– На чора, эгарларни бериб юборасиз.

– Майли, таваккал бир юриш бўла қолсин! – деди д'Артаньян.

Атос инглизни излаб кетиб, уни табладан топди: у ҳавас билан эгарларни кўздан кечирмоқда эди. Фурсат қулай эди. Атос ўз шартларини таклиф этди: бир от ёки юз пистолга қарши икки эгар ихтиёрига қараб. Инглиз ҳисоблаб кўрди: икки эгар бирга уч юз пистол турарди. У жон деб рози бўлди.

Д'Артаньян титраб ошиқларни ташлади – уч очко тушди; унинг рангпарлиги Атосни қўрқитиб юборди-ю у фақат:

– Тузук юриш бўлмади, ошна. Сиз, тақсир, отларни тўқис жабдуғи билан оладиган бўлдингиз, – дейиш билан чекланди.

Шодмон инглиз ҳатто, ошиқларни аралаштириб овора ҳам бўлмади: унинг ғалабадан шу қадар кўнгли тўқ эдики, уларни столга қарамасдан отди. Д'Артаньян аламини яшириш учун тескари қараб олди.

– Ана юриш-у мана юриш, – ҳар доимгидай хотиржам гапирди Атос. Ажаб юриш бўлдим! Мен умрим бино бўлиб бунақасини атиги тўрт марта кўрганман: икки очко!

Инглиз ўғрилди-ю ҳайратдан қотиб қолди: д'Артаньян ўғрилди-ю қувончдан лол қолди.

– Ҳа, – давом этди Атос, – атиги тўрт марта: бир гал жаноб де Крекиникида, бошқа сафар менинг саройим... хуллас, саройим бўлган маҳаллар; учинчи гал жаноб де Тревилникида, у бизнинг ҳаммамизни таажжуб қолдирганда; ва, ниҳоят, тўртинчи гал қовоқхонада ўзим отиб, юз луидор-у бир зиёфатга тушганимда.

– Хуллас, жаноб д'Артаньян, сиз отни қайтариб оласизми? – сўради инглиз.

– Албатта, – жавоб берди д'Артаньян.

– Демак, қайтариб ютишининг иложи йўқми?

– Биз қайта ўйнамасликка келишган эдик, хотирга олинг.

– Бу тўғри, от хизматкорингизга топширилади.

– Бир нафас, – деди Атос. – Ижозатингиз билан мен ошнамга бир-икки оғиз гап айтмоқчиман.

– Марҳамат.

Атос д'Артаньянни четга олиб чиқди.

– Хўш, йўлдан оздирувчи, – деди д'Артаньян, – яна нима истайсан? Уйинни давом эттиришимни, шундайми?

– Йўқ, мен бир ўйлаб кўришингизни истайман.

– Нимани?

– Сиз отни қайтариб олмоқчисиз, шундай, а?

– Албатта.

– Хато қиласиз. Мен юз пистолни олган бўлардим. Эгарларни отга ёки юз пистолга қарши ихтиёрга қараб тикканингиз сизга маълум-ку?

– Ҳа.

– Мен юз пистолни олган бўлардим.

– Майли, мен бўлсам отни оламан.

– Такрор айтаман: сиз хато қиласиз. Бир отни икки кишига олиб нима қиламиз? Мен сизнинг орқангиздан мингашиб ололмайман-ку, унда биз Эймоннинг оғаларини йўқотган икки ўғлига ўхшаб қолган бўлардик. Менинг ёнимда ажойиб жанговар отни гижинг-

латиб, мени ўкситишни ҳам истамайсиз. Мен иккиланмасдан юз пистолни олган бўлардим. Парижга етиб олмоқ учун бизга пул зарур.

– Мен бу отни қадрлайман, Атос.

– Бекор қиласиз: от қоқилиб кетиб, оёғини чиқариб олиши мумкин, у манқа от теккан охурдан еб қўйса, тиззалари қўтир бўлиб қолиши мумкин, шу билан унинг куни битди, унга қўшилиб, юз пистол ҳам тамом. Хўжайин деган отни боқиши керак, юз пистол эса аксинча, ўзи хўжайинни боқади.

– Бироқ, уйга нимани миниб кетамиз?

– Қаролларимизнинг отларини-да, азбаройи шифо! Бизнинг афт-ангоримиздан оддий одаммаслигимизни ҳар ким шундай ҳам тушуниб олаверади.

– Тулпорларини миниб савлат тўккан Арамис билан Портосларнинг ёнида бу қирчанғиларда кўринишимиз зап аломат бўлади-да!

– Арамис билан Портосларми! – қичқирди Атос ва хохолаб кулиб юборди.

– Нима гап? – сўради дўстининг шодлигини тушунмай турган д'Артаньян.

– Йўқ, ҳеч нима, суҳбатимизни давом эттирайлик, – деди Атос.

– Бундан чиқди, сизнингча...

– Юз пистолни олмоқ керак, д'Артаньян. – Юз пистолга биз ойнанинг охиригача кайфу сафо қиламиз. Ҳаммамиз жуда чарчадик, ҳордиқ чиқарсак, чакки бўлмайди.

– Ҳордиқ чиқарсак?.. Йўғ-эй Атос, Парижга қайтган замон мен ошиғич ўша шўрлик аёлни ахтаришга киришаман.

– Яна яхши. Наинки сиз бунда от жарақ-жарақ олтин тангалар сингари дармон бўлади, деб ўйласангиз? Юз пистолни олаверинг, дўстим, юз пистолни олаверинг.

Д'Артаньянга фақат бир баҳона камлик қилиб турган эди. Сўнггиси унга жуда асосли кўринди. Бунинг

устига, тиралиб туриб олиб, у, Атоснинг назарида, худбин кўриниб қолишдан қўрқарди. Хуллас, у ён бериб, юз пистолни олишга қарор қилди-ю, инглиз шу ернинг ўзида унга пулни санаб берди.

Энди дўстларимизни жўнаш тўғрисидаги хаёллардан ҳеч нима чалғитмасди. Хўжайин билан яраш уларга Атоснинг эски отидан ташқари, яна олти пистолга тушди. Д'Артаньян билан Атос Планше билан Гримоларнинг отларига миндилар, хизматкорлар эса эгарларни бошларига қўйиб, яёв жўнадилар.

Отлар нечоғлик расво бўлмасин, ҳар қалай, соҳиблар ҳаш-паш дегунча қаролларидан ўзиб кетиб, Кревкерга биринчи бўлиб етиб бордилар. Анча йироқда ноқулар дераза ёнида «Анна эгачи» сингари уфқни қоплаган паға-паға чангга ғамгин термилиб ўтирган Арамисни кўрдилар.

– Ҳой, Арамис! Нима бало, бу ерда қаққайиб, турибсиз? – дея қичқирди иккала дўст.

– Оҳ, бу сизмисиз, д'Артаньян, бу сизмисиз Атос, – деди йигит, – мен бу дунёнинг нашидаларининг ўткинчилиги ҳақида мулоҳаза қилиб ўтирган эдим, боягина чанг қуюнида кўздан йўқолган менинг инглиз отим ҳам менга фоний нарсалар омонатлигининг жонли тимсоли бўлиб кўринди. Бизнинг бутун ҳаётимиз учтагина сўз билан ифодаланмоғи мумкин: *erat, est, fuit*⁴⁷.

– Бошқача қилиб айтганда-чи? – сўради аллақачон гапнинг тагига етган д'Артаньян.

– Бошқача қилиб айтганда, мени лақиллатиб кетишди. Юришига қараганда, йўртишда соатига беш ле бо садиган отга олтмиш луидор-а!

Д'Артаньян билан Атос ичаклари узилгудай қулдилар.

– Илтимос қиламан, мендан жаҳлингиз чиқмасин, жон д'Артаньян, – деди Арамис. – Риёзат қонун-қоида-

⁴⁷ Бўлган, бор, бўлади (*лот.*).

ларни билмайди. Бунинг устига мен ҳаммадан ортиқ зиён кўрдим, негаки, виждонсиз жаллоб, мендан кам деганда эллик луидорни ўмариб кетди. Мана сизлар режали хўжайинсизлар! Ўзларингиз қаролларнинг отларига миниб келяпсизлар-да, тулпорларингизни эса аста-секин уринтирмай, етаклаб келишни буюргансизлар.

Шу дақиқа бундан бир-икки сония илгари Амен йўлида пайдо бўлган аллақандай соябон арава харобот ёнига келиб тўхтади-ю ундан эгарларни бошларига қўйган Планше билан Гримо тушишди. Арава Парижга буш қайтаётган бўлиб, қароллар кира пули эвазига аравакашни йўл бўйи ичимлик билан таъминлаб боришни бўйнига олган эдилар.

– Бу нимаси? – уларни кўриб ҳайрон бўлди Арамис.
– Эгарларнинг ўзими?

– Энди тушуняпсизми? – сўради Атос.

– Дўстларим, сизлар ҳам худди мендай йўл тутибсизлар. Мен ҳам эгарни сақлаб қолдим, сабабини ўзим ҳам билмайман... Ҳой, Базен! Менинг янги эгаримни олинг-да, бу жанобларнинг эгарлари ёнига қўйинг.

– Хўш, руҳонийларингиздан қандай қутулдингиз? – сўради д'Артаньян.

– Эртаси куни мен уларни зиёфатга таклиф этдим-да, – айтгандек, бу ерда жуда зўр шароб бор – уларга шундай ичирдимки, кюре ҳарбий усти-бошдан ажралишни менга ман этди, иезуит бўлса, уни мушкетёрликка қабул қилишларига кўмаклашиб юборишимни илтимос қилиб қолди.

– Аммо, фақат бедиссертация! – бақирди д'Артаньян. – Бедиссертация! Мен диссертацияни бекор қилишини талаб этаман!

– Шундан бери, – гапида давом этди Арамис, – ҳаётим хушнудлик билан ўтяпти. Мен бир ҳижолик шеър билан дoston ёзмоқдаман. Бу жуда мураккаб, бироқ, ҳар қандай нарсанинг асосий фазилати айни мураккаблигида. Мавзуси ишқий. Мен сизларга биринчи қўши-

ғини ўқиб бераман, унда тўрт юзта шеър бўлиб, бир дақиқада ўқилади.

– Биласизми, нима, жон Арамис? – деди шеърларни худди лотинча сингари қаттиқ ёмон кўрадиган д’Артаньян. – Мураккаблик фазилатига яна муҳтасарлик фазилатини қўшиб қўйинг, шунда достонингиз молик бўлган фазилатлар иккитадан сира кам эмаслигига кўнглингизни тўқ қилсангиз бўлаверади.

– Бундан ташқари, – гапини давом этди Арамис, – у олижаноб эҳтиросларни уфуриб туради, бунга ўзларингиз ишонч ҳосил қиласиз. Хуллас, дўстларим, бундан чиқди, биз Парижга қайтарканмиз-да? Офарин! Мен тайёр! Биз яна ёқимтой Портосимизни кўрамыз. Мен хурсандман. Менга бу кўнгилчан паҳлавоннинг қандай ўрни билинганини сиз тасаввур ҳам қилолмайсиз! Мана у, гарчи, унга бутун бошлик подшоликни таклиф этишган тақдирда ҳам отини сотиб ўтирмайди. У ўз тулпориди, яна янги эгарда қандай савлат тўкишини тезроқ кўргим бор. У Улуғ Мўғулга ўхшаб қолади, бунга аминман.

Оғайнилар отларга дам бериш учун бир соат тўхтадилар. Арамис хўжайин билан ҳисоб-китоб қилиб Базенни соябон аравага, ўртоқларининг ёнига ўтқазди-да ҳаммалари йўлга, Портоснинг ёнига равона бўлдилар.

Портос соғайиб кетган, д’Артаньян йўқлаган пайтдагидан ранги-рўйи ҳам тузукроқ бўлиб, гарчи, ўзи ёлғиз бўлса-да тўрт кишига мўлжаллаб дастурхон ёзилган стол ёнида ўтирарди! Зиёфат аъло даражада тайёрланган гўшт таомлар, тансиқ шароблар, ажойиб мева-чевалардан иборат эди.

– Қадамларингизга ҳасанот, жаноблар! – деди Портос ўрнидан кўзғалиб. – Сизлар айна мавридида етиб келдингиз, мен ҳозиргина столга ўтирган эдим, сизлар мен билан тамадди қиласиз.

– Оҳо! – деди д’Артаньян. – Бу шишалар Мушкетон каманд билан илиб тортганлардан эмас, шекилли. Мана бузоқ гўшти, мана биқин гўшт...

– Мен қувватга қиряпман, – деди Портос, – кўриб турибсиз, қувватга қиряпман. Ҳеч нима одамнинг тинка-мадорини бу лаънати чиқиқдай қурутмайди. Сизнинг бирон вақт оёғингиз чиққанми, Атос?

– Йўқ, аммо, Феру кўчасидаги тўқнашувда қилич билан яраланганимда, жароҳатнинг икки-икки ярим ҳафтасида ўзимни худди сиздай ҳис қилганим эсимда.

– Бироқ, бу зиёфат ёлғиз ўзингиз учун мўлжалланмаган, шекилли, муҳтарам Портос? – сўради Арамис.

– Йўқ, – деди Портос, – мен шу атрофда истиқомат қилувчи бир-иккита дворянга кўз тутган эдим, аммо улар келмасликларини айттириб юборишибди. Сизлар уларнинг ўрнини босасизлар, мен бу ўзгаришдан сира зарар кўрмайман... Ҳой, Мушкетон! Стуллар келтир, шишаларни кўпайтир.

– Нимани тановул қилаётганимизни биласизларми? – бир неча дақиқа ўтгач, сўради Атос.

– Бўлмасам-чи! – деди д'Артаньян. – Менга қолса, мен артишок⁴⁸ ва иликлик бузоқ гўштини тановул қиляпман.

– Мен эса – қўй биқинини, – деди Портос.

– Мен эса – товуқ тўшини, – деди Арамис.

– Ҳаммангиз янглишмоқдасиз, жаноблар, – жиддий эътироз қилди Атос, – сизлар от гўштини тановул қиляпсиз.

– Қўйинг-э! – деди д'Артаньян.

– От гўшти! – ижирганиб такрорлади Арамис.

Ёлғиз Портосгина ҳеч нима демади.

– Ҳа, от гўштини. Тўғрими, Портос, биз от гўштини тановул қиляпмиз-ку? Эҳтимол, ҳатто, эгар-пегари биландир?

– Йўқ жаноблар, мен жабдуқларни сақлаб қўйдим, – деди Портос.

⁴⁸ Артишок – сабзавотнинг бир тури.

– Рости, ҳаммамиз ҳам дурустмиз! – деди Арамис. – Худди келишиб олгандаймиз.

– Илож қанча? – деди Портос. – Бу от меҳмонларимни ноқулай аҳволга солаётганди, мен уларни камситгим келмасди.

– Бунинг устига герсогинянгиз ҳали ҳам сувлардадир, шундайми? – сўради д'Артаньян.

– Ҳали ҳам, – жавоб берди Портос. – Кейин эса биласизми, менинг отим вилоятнинг губернаторига – бу мен бугун зиёфатга кутган жаноблардан бири – бирам ёқиб қолдики, мен уни бериб юбордим.

– Бериб юбордим! – бақирди д'Артаньян.

– Э тавба! Ҳа-да, бериб юбордим, – деди Портос, – сабаби у, шубҳасиз, бир юз эллик луидор турарди, аммо у қурумсоқ саксондан зиёд тўлашга қўнмади.

– Эгарсизми? – сўради Арамис.

– Ҳа, эгарсиз.

– Эътибор қилинг, жаноблар, – деди Атос. – Портос доимгидай ишни бизларнинг ҳаммамиздан пухтароқ удалаган.

Бояқиш Портосни тамом изза қилиб, қаттиқ қаҳқаҳа янгради, лекин унга шўхликнинг сабабларини изоҳлаб берганларидан кейин доимгидай шовқин билан у ҳам қўшилди.

– Шундай қилиб, ҳаммамизнинг ёнимизда пул борми? – сўради д'Артаньян.

– Фақат менда эмас, – эътироз қилди Атос. – Менга Арамиснинг испан шароби шу қадар ёқиб тушдики, ундан олтмиш шишасини хизматкорларимизнинг ара-васига юклашни буюриб эдим, бу нарса ҳамёнимни бўшатиб қўйди.

– Мен бўлсам, – деди Арамис, – бир тасаввурга келтиринг, ҳаммасини сўнгги суигача Мондиде черкови билан Амен монастирига бердим ва баъзи қисталанг қарзларни узгандан ташқари, мушкулкушодлар тайинладим, улар мен ва сиз жанобларнинг мушкулларимизни осон қилади, ҳаммамизга нафи тегади.

– Менинг оёғим-чи? – деди Портос. – Сизлар уни ҳеч чиқимга туширмади деб ўйлаяпсизми? Кунига икки марта табибни таклиф этишга мени мажбур қилиб қўйган Мушкетоннинг жароҳатини сонга қўшмаса ҳам бўлади, яна ўқ бу овсар Мушкетоннинг одатда фақат табибларга кўрсатиладиган жойига теккани баҳонасида мендан у қўша ҳақ шилиб олди. Мен унга танбеҳ бериб қўйдим, токи, келажақда бу хил жароҳатлардан ўзини эҳтиёт қилсин.

– На чора, – д’Артаньян ва Арамис билан кўз уриштириб олиб деди Атос, – кўриб турибман, шўринг қурғурга хотамтойлик қилибсиз; бу иш яхши соҳибга муносиб.

– Хулласи калом, – давом этди Портос, – ҳамма чиқимларни тўлаганимдан кейин менда яна ўттиз экио чамаси қолади.

– Менда эса ўн пистоллар қолар, – деди Арамис.

– Афтидан, сизларга қиёслаганда биз бой эканмиз, – деди Атос, – юз пистолнингиздан сизда қанча қолди д’Артаньян?

– Юз пистолданми? Авваламбор, улардан эллигини сизга бердим.

– Ростданми?

– Азбаройи шифо!

– Э, ҳа эсимга тушди! Мутлақо тўғри.

– Қандай ҳайвон экан ўша харобот эгаси! Нега унга олти пистол бердингиз?

– Ўшанда беришимни ўзингиз айтдингиз-ку ахир.

– Гапингиз тўғри, мен ўта кўнгилчанман. Хуллас – қолдиги?

– Йигирма беш пистол, – деди д’Артаньян.

– Менда бўлса, – чўнтагидан майда чақаларни чиқариб деди Атос, – менда бўлса...

– Сизда – ҳеч нима...

– Зотан, шундай озки, ҳатто умумий ҳисобга қўшишга ҳам арзимади.

– Энди келинглар, жамини ҳисоблаб чиқайлик. Портос?

- Йигирма экую.
- Арамис?
- Үн пистол.
- Сизда-чи, д’Артаньян?
- Йигирма беш.
- Жами қанча бўлади? – сўради Атос.
- Тўрт юз етмиш беш ливр! – деди худди Архимед сингари ҳисоблайдиган д’Артаньян.
- Парижга қайтганда бизда яна роса тўрт юз ливр қолади, – деди Портос, – эгарларни ҳисобга олмаганда.
- Эскадрон отларини қандоқ қиламиз? – сўради Арамис.
- Қандоқ қилардик! Хизматкорларнинг тўрт отини соҳибларининг икки отига айлантирамиз-да, қимор ўйнаймиз. Кимки яёв қолса, тўрт юз ливр ўшанинг ёрти отига кетади, сўнгра ҳамма чўнтакларни ағдариб, қолган пулни д’Артаньянга берамиз: унинг қўли енгил, у биринчи дуч келган қимор уйига бориб, ўйнайди. Вассалом.
- Қани, овқатга қаранглар, – деди Портос, – ҳаммаси совиб қолди.
- Шу зайл истиқбол хусусида кўнгиллари тинчиб, тўрт улфат сарқитлари Мушкетон, Базен, Планше ва Гримоларга насиб қилган дастурхонга қарадилар.
- Парижда д’Артаньянни илтимоси қондирилгани, қирол лутф айлаб, унинг мушкетёрлар сафига киришига ижозат берганини хабар қилгувчи жаноб де Тревилдан келган мактуб кутарди.
- Бу нарса албатта, Бонасе хонимни топиш истаги демаганда д’Артаньяннинг барча орзу-умидлари ушалиши бўлгани сабабли, у қувончи ичига сиғмай, ўзи атиги ярим соатгина илгари ёнларидан қайтган дўстлари ҳузурига ғизиллаб борди-да уларни ғоят хафа ва ташвишли бир алфозда топди. Улар Атосникига маслаҳатга йиғилган бўлиб, бу нарса ҳамини аҳволнинг маълум жиддиятидан дарак бергувчи эди.

Жаноб де Тревиль эндигина уларга ҳазрат олийлари биринчи май куни ҳарбий ҳаракатни бошлашга қатъий жазм қилгани важҳидан уларнинг зарур анжомлар билан ошиғич шайланиши лозимлигини хабар қилган эди.

Тўрт файласуф тамом саросимада бир-бирига термилиб ўтирардилар: жаноб де Тревиль гап тартиб-интизомга тақалганда ҳазилни ёмон кўрарди.

– Ўша анжомларни қанчага баҳолайсизлар? – сўради д'Артаньян.

– Э, иш пачава! – деди Арамис. – Биз ҳозиргина ҳисоблаб чиқдик, яна спартанлар каби камсуқумлик қилдик, лекин, барибир, ҳар биримиз энг камида бир ярим минг ливрга эга бўлмоғимиз зарур.

– Бир ярим мингни тўртга кўпайтирилса, олти минг, – деди Атос.

– Назаримда, – деди д'Артаньян, – агар ҳар биримизга минг ливрдан бўлса... рост, мен спартан сингари эмас, бир мирза сингари ҳисоблайман...

«Мирза» сўзидан Портосга хийла жон кирди.

– Гап шу, менда бир режа бор! – деди у.

– Шу ҳам ҳарна. Лекин, менда режанинг сояси ҳам йўқ, – совуққина қилиб деди Атос, – д'Артаньян келсак, жаноблар, бизнинг сафимизга қўшилиш бахти унинг ақл-ҳушини олиб қўйибди. Минг ливр эмиш! Сизларни ишонтираманки, ёлғиз менга икки минг зарур.

– Тўрт карра икки – саккиз, – садо берди Арамис, – демак, анжомларимиз учун бизга саккиз минг талаб қилинади. Рост, ҳали бизнинг эгарларимиз бор...

– Бунинг устига, – жаноб де Тревилга ташаккур изҳор қилиш учун кетган д'Артаньян орқасидан эшикни ёпгунча кутиб тургач, деди Атос, – бунинг устига, дўстимизнинг қўлида ял-ял ёнаётган гўзал олмос. Бўлмаган гап! Д'Артаньян ҳаддан ташқари яхши дўст, наинки қўлида шундай хазинани тақиб юриб, оғайниларини мушкул аҳволда қолдириб ўтирса!

XXIX

Аслаҳа-анжомлар излаш

Ўз-ўзидан маълумки, тўрт биродар орасида д'Артаньян ҳаммадан кўпроқ ташвишга тушган эди, гарчи, унинг гвардиячи сифатида шайланиши кибор насабли кишилар бўлмиш жаноб мушкетёрлардан хийла осон эди; китобхон пайқаган бўлса керак, эҳтиёткорлиги ва қарийб хасислиги билан ажралиб турган гасконлик йигитимиз, шу билан бирга (бу хил зиддиятни қандай изоҳламоқ керак?), сал бўлмаса, Портосдан қолишмайдиган иззатпараст ҳам эди. Рост, ўзининг иззатталаблигини қондириш ташвишларидан ташқари, у шу пайтнинг ўзида бўлак, худбин жиҳати камроқ изтиробларни ҳам бошидан кечирмоқда эди. Унинг Бонасе хоним тўғрисидаги барча суриштиришларига қарамай, у ҳеч ниманинг дарагини билолмади. Жаноб де Тревиль у ҳақда қироличага сўзлаб берди, атторнинг ёш рафиқаси қаердалигидан хабари йўқ қиролича қидирув бошлашга ваъда берган бироқ, бу ваъда ниҳоятда мужмал бўлиб, д'Артаньяннинг кўнглини сира тинчитмасди.

Атос ўз хонасидан чиқмасди; у аслаҳа-анжомларни топиш учун бир қадам ҳам босмасликка қарор қилган эди.

– Икки ҳафта вақтимиз қоляпти, – дерди у дўстларига. – На чора, мабодо шу икки ҳафтанинг пировардида, ҳеч нима тополмасам, ёки, тўғрироғи мени ҳеч нима топиб келмаса, унда ўз манглайига ўқ узишни истамаган мўмин католик сифатида падари бузрукворнинг тўрт гвардиячиси ёки саккиз инглиз билан жанжал чиқараман-да, уларнинг бири мени ўлдирмагунга қадар уришавераман, уларнинг сонини эътиборга олганда, бу мутлақо муқаррар гап. Шунда одамлар мени қирол учун жон берди деб айтишади ва бинобарин, аслаҳа-анжомга муҳтожлигим тушмасданоқ бурчимни ўтаб қўяман.

Портос қўлларини орқасига қилиб юришини канда қилмас ва такрорларди:

– Мен режамни амалга ошираман.

Сочи пала-партиш жингала қилинган, тунд Арамис индамасди.

Бу мудҳиш нишоналар дўсту ёронлар даврасида камоли тушкунлик ҳукм сураётганини яққол англатиб турарди.

Хизматкорлар ўз томонларида Ипполитнинг жанговар отлари янглиғ ўз соҳибларининг маҳзун тақдирини баҳам кўрардилар. Мушкетон қоқ нон тайёрларди; мудом художўйликка ҳаваси билан ажралиб юрган Базен черковдан чиқмасди; Планше пашшаларни санарди; ҳатто, умумий ғурбат ҳам соҳиби дастур қилиб берган сукутини буздиришга ожиз Гримо эса шундай сўлиш олардики, ҳатто, тошларнинг юрагини эзиб юборгудай эди.

Уч дўстлар – зеро, биз юқорида айтиб ўтганимиздек, Атос аслаҳа-анжом учун бирор қадам босмайман, деб қасам ичиб қўйган эди, – демак, уч дўст тонг сажарда уйдан чиқиб кетиб, хуфтонда қайтардилар. Улар кўча-кўйларда изғиб юрар ва гўё йўловчилардан битта-яримтаси ҳамёнини тушириб қўймадимикан дегандай, тош кўчанинг ҳар бир харсангини кўздан кечирардилар. Улар бировни пойлаётгандай туюларди – кўзларига неки чалинса, ҳаммасига шу қадар диққат қилиб разм солардилар. Учрашганда эса «Хўш? Сен ҳеч нима топмадингми?» деган маънони ифодаловчи ғам тўла нигоҳларини уриштириб олардилар.

Бироқ биринчи бўлиб, аллақандай режани топган ва тўзим билан у тўғрида бош қотириб юрган Портос уни биринчи бўлиб ижро эта бошлади. У, бизнинг ҳурматли Портосимиз, жуда серғайрат одам эди. Бир кун Портоснинг Сен-Ле черкови томон равона бўлганига кўзи тушиб қолган д'Артаньян гўё хаёлига бир гап келди-ю унинг изидан кетди. Муқаддас даргоҳга киришдан олдин у мўйлабларини бураб-бураб, чўққи соқо-

лини силаб қўйди, бу мудом унинг энг жанговар ниятларидан дарак берарди. Д'Артаньян кўзига чалинмасликка ҳаракат қилиб, унинг кетидан ичкарига кирди. Портос устунга суяниб олди, ҳамон унинг назарига тушмаган д'Артаньян ҳам худди ўша устунга, лекин қарши томонидан суянди.

Рухоний ваъз ўқиётган бўлиб, черковда тумонат одам эди. Бундан фойдаланиб, Портос кўз қири билан аёлларни кузата бошлади. Мушкетоннинг ҳафсаласи туфайли мушкетёрнинг уст-боши қўнгида ҳукм сураётган ҳасратини сира ошкор этмасди: рост, унинг шляпаси хиёл ишқаланган, пати сал ўнгиган, кашталар бир оз хиралашган, тўрлар хийла сузилиб қолган, лекин нимқоронғиликда бу икир-чикирлар билинмай кетган-у Портос ўша-ўша келишган Портос эди.

Д'Артаньян билан Портос суянган устунга яқинроқ турган курсида Д'Артаньян бир бошига қора тутган, сал-пал заҳил, сал қотма, лекин, қаддини димоғ-фироғ билан тик тутган ёши ўтганроқ нозанинни кўриб қолди. Портоснинг нигоҳи хуфиёна шу хонимда тўхтарди-ю, кейин нарига, черков ичкарисига интиларди.

Ўз навбатида, ҳадеб қизариб-бўзариб ўтирган хоним ҳам ҳавойи Портосга барқ назарини ташлаб қўяр, бунисининг кўзлари шу заҳоти жон-жаҳди билан черковда жаланглаб қоларди. Бу қора либослик аёлнинг хийла жонини чиқараётгани равшан эди; у лабларини қонагунча тишлар, бурнининг учини қашиб-қашиб қўяр, курсида зўр бериб ғимирларди.

Буни пайқаб, Портос яна мўйлабларини бураб, яна бир гал чўққи соқолини силаб қўйди-да крисло яқинида ўтирган гўзал хонимга имо-ишоралар қила бошлады, хоним, афтидан, нафақат чиройли, балки, кибор ҳам эди, зеро, унинг орқасида тиз чўкиш учун болиш келтирган ҳабаш бола билан хоним ўқиётган дуолар китобига филоф бўлмиш герб нақши тикилган халтача тутган чўри турарди.

Қора кийган хоним Портоснинг кўз ташлашини кузатиб турди-да бу нигоҳлар мудом бахмал болишча, ҳабаш бола ва чўриси бор хонимда тўхтаётганини кўрди.

Бу орада Портос моҳир ўйин олиб бормоқда эди: у кўз қисар, бармоқларини лабларига босар, рад этилган нозанинни чиндан ҳам яксон қилаётган, жон олгучи табассумлар йўлларди.

Оқибат гўё «*mea culpa*»⁴⁹ дегандай ўз кўксига бир уриб, у шундай қаттиқ «ҳм!» деб товуш чиқардики, ҳамма, ҳатто, қизил болишчаси бор хоним ҳам у томон ўгирилиб қарадилар.

Қизил болишчаси бор хоним ҳақиқатан жуда келишган бўлиб, унинг чинакамига хавфли рақибалигини кўрган қора либосли хонимга, уни қора либосли хонимдан анча гўзалроқ деб топган Портосга ва д'Артаньянга кучли таъсир қилди. Д'Артаньян уни ўзи Менгда, Калада ва Луврда кўрган, ўзининг таъқибчиси – чандиқли киши миледи деб атайдиган хонимлигини таниди.

Д'Артаньян қизил болишчаси бор хонимни назардан қочирмаган ҳолда ўзида жуда нашъа қилаётган Портоснинг қилиқларини кузатишда давом этарди; у қора кийган хонимни Айиқ кўчасидаги прокурор хонимнинг ўзгинаси деган қарорга келди, устига-устак Сен-Ле черкови у ердан айтарлик олисда эмас эди.

Кейинги хулосаларини чиқариб, у, бундан ташқари, Портоснинг прокурор хонимга ўз ҳамёни борасида тихирлик қилиб туриб олгани учун, ўзининг Шантилиядаги мағлубияти учун ўч олишга уринаётганини фаҳмлади.

Бироқ, д'Артаньян яна шуни ҳам пайқадикки, ҳеч ким, мутлақо ҳеч ким Портоснинг назокатларига жавоб қилмасди. Буларнинг ҳаммаси хом ва пуч хаёллар

⁴⁹ Менинг гуноҳим (*лот.*).

эди, холос, лекин чин муҳаббат, асл рашк учун хом ва пуч хаёллардан ташқари ўзга ҳақиқат мавжудмиди!

Ваъз тугади. Прокурор хоним табаррук сув қуйилган косага қараб юрди; Портос ундан илгари ўтди-да, бармоғини солиш ўрнига бутун қўлини косага ботириб олди. Прокурор хоним Портосни ўзи учун ҳалок бўляпти деб хаёл қилиб, жилмайиб қўйди, лекин уни ногаҳон ва шафқатсиз кўнгилхонлик кутмоқда эди; орада уч қадамча қолганда у тескари ўгирилиб олди-да, нигоҳини ўрnidан қўзғалиб, ҳабаш бола ва оқсоч ҳамроҳлигида энди яқинлашиб келаётган қизил болишчаси бор хонимга қадади.

Қизил болишчаси бор хоним Портоснинг ёнида пайдо бўлганда у табаррук сувда ҳўлланган қўлини косадан олди: соҳибжамол зиёратчи нозик қўлини Портоснинг баҳайбат қўлига тегизди-да, жилмайиб, чўқиниб, черковдан чиқиб кетди.

Буниси қуюшқондан ортиб кетганди; бу хоним билан Портос ўртасида ишқий робита мавжудлигига у ортиқ шубҳа қилмасди. У кибор хоним бўлган тақдирда ҳушидан кетган бўлурди, лекин, бор-йўғи прокурор хоним эди, холос ва мушкетёрга нисбатан ғазабини босиб, қуйидаги гапни айтиш билан чекланиб қўя қолди:

– Ҳаҳ, ҳали шунақами, жаноб Портос! Демак, сиз энди менга табаррук сувни таклиф этмай қолибсиз-да?

Унинг овоз жарангидан Портос гўё юз йиллик уйқудан уйғонган одам сингари сесканиб кетди.

– Ҳо... хоним! – қичқирди у. – Бу сизмисиз-а? Умрдошингизнинг, азиз жаноб Кокнарнинг аҳволлари қалай? У нима – ҳали ҳам аввалгидай қурумсоқми? Кўзларим қаерда экан-а? Қандай қилиб, ўша ваъз чўзилган икки соат асносида сизни кўрмай қолибман-а?

– Мен сиздан икки қадам берида ўтирган эдим, тақсир, – жавоб берди прокурор хоним, – лекин сиз мени

пайқамадингиз, чунки сиз боягина табаррук сув тутган гўзал хонимдан кўзингизни узганингиз йўқ.

Портос ўзини хижолат бўлганга солди.

– Э, шундай денг... – деди у. – Сиз кўрибсиз...

– Сўқир бўлмоқ керак буни кўрмаслик учун.

– Ҳа, – бепарво гапирди Портос, – бу бир герсогиня, менинг дўстим. Эрининг рашки дастидан бизнинг учрашувимиз жуда мушкул, хуллас, у бугун шу ғариб черковга, шу хилват жойга фақат мени кўриш ниятида келишини билдирди.

– Жаноб Портос, – деди прокурор хотини, – илтифот қилиб кўлингизни менга беш дақиқага таклиф этолмайсизми? Менинг сиз билан гаплашиб олгим бор эди.

– Жоним билан, хоним, – худди зўр юриш олдидан кулиб қўйган қиморбоз сингари, билдирмасдан ўзига ўзи кўз қисиб жавоб берди Портос.

Шу нафас улар ёнидан миледининг кетидан эргашиб кетаётган д'Артаньян ўтиб қолди; у Портосга ўгирилиб қараб, унинг тантанали нигоҳини пайқайди.

«Оҳо! – ўша беандиша даврнинг энгил-элпи расм-русумларига тўла мос хулосага келиб, кўнглидан кечирди д'Артаньян. – Бошқаларни билмайман-у, лекин Портос белгиланган муддатга, шубҳасиз, аслаҳа-анжомларини тахт қилади!»

Қайиқ рулга сингари прокурор хоним кўлининг энгил турткисига бўйсуниб, Портос Сен-Маглуар монастыри, иккала томони айланма ғовлар билан ихота қилинган овлоқ жойгача юриб борди. Кундуз куни у ерда фақат алланималарни кавшаётган гадойларни-ю ўйнаётган болакайларни кўриш мумкин эди.

– Оҳ, жаноб Портос! – бу гўшанинг доимий зиёратчиларидан бўлак ҳеч ким уларни кўриб эшитолмаслигига ишонч ҳосил қилгач, қичқирди прокурор хоним. – Оҳ, жаноб Портос, сиз ўтакетган офатижон бўлсангиз керак!

– Менми, хоним? – кўкрагини кериб сўради Портос.
– Нима сабабдан шу хаёлга бордингиз?

– Сиз боягина қилган имо-ишоралар-чи, табаррук сув-чи? Ўша ҳабаш бола билан чўри етаклаган хонимнинг ўзи ким? Кам деганда малика!

– Янглишяпсиз, – жавоб берди Портос. – У атиги герсогиня, холос.

– Чиқаверишда унга кўз тутиб турган югурдак-чи, извошчиси уқалик, тантанали либос кийиб ўтирган, унга мунтазир файтон-чи?

Портос на қаролни, на файтонни пайқамай қолган, лекин Кокнар хоним кунчи аёл назари билан ҳаммасига разм солган эди.

Портос қизил болишчаси бор хонимни дарров малика қилиб қўя қолмаганига афсус еб қолди.

– Оҳ, жаноб Портос, – хўрсиниб гапини давом этди прокурор хоним, – сиз гўзал аёлларнинг арзандаси экансиз.

– Ўзингиз тушунасиз, – жавоб берди Портос, – худойим ато этган менинг сумбатим билан ишқий саргузаштларга камчилигим йўқ.

– Э тавба! Эркаклар қандай фаромушхотир бўлишади-я!

– Ҳар қалай аёлларчалик фаромушхотир эмас, – жавоб берди Портос, – мана мен... жароҳатланган, жон бераётган бир аҳволда мени табиблар ташлаб кетганда, кибор насабнинг сизнинг дўстлигингизга лаққа тушган бир авлоди бўлмиш мен Шантилиядаги ғариб мусофирхонада аввал жароҳатдан, кейин очликдан ажал ёқасига бориб қолганимда сизнинг қурбонингиз бўлганман, деб дадил айтишим мумкин, хоним, сиз бу орада сизга ёзган оташин мактубларимнинг бирортасига жавобни раво кўрмадингиз...

– Қулоқ солинг, жаноб Портос... – ўша маҳаллар кибор хонимларнинг хатти-ҳаракатлари билан таққослаганда ўзининг чиндан ҳам гуноҳи борлигини сезиб, гўлдиради прокурор хоним.

– Мен сизни деб баҳридан ўтган баронесса де...
– Мен буни биламан.
– ... графиня де...
– О, жаноб Портос, шафқат қилинг!
– ... герсогиня де!..
– Жаноб Портос, мурувват қилинг!
– Яхши, хоним, мен жим бўламан.
– Бироқ, менинг эрим қарз тўғрисида эшитишни ҳам
истамайпти-да.

– Кокнар хоним, – деди Портос, – сиз менга ёзган
ва хотирамга умрбод ўрнашиб қолган биринчи макту-
бингизни эсга олинг.

Прокурор хоним чуқур хўрсиниб қўйди.

– Гап шундаки, сиз қарзга сўраган пул ростданам
ҳаддан ташқари кўп эди.

– Кокнар хоним, мен сизни афзал кўрдим. Мен бир
энлик ёзсам, бас эди, герсогиня де... унинг номини айт-
майман, чунки, ҳамини аёл обрўсининг гамини еб юра-
ман. Хуллас, бир энлик ёзсам, кифоя эди, у менга дар-
ров бир ярим мингни жўнатиб юборарди.

Прокурор хоним кўз ёши қилди.

– Жаноб Портос, – деди у, – сизга қасам ичаман,
мен қаттиқ жазомни тортдим ва агар келгувсида шу
аҳволга тушиб қолгудай бўлсангиз, менга мурожаат
қилсангиз бўлди.

– Уялмайсизми хоним! – ясама зарда билан деди
Портос. – Сиздан илтимос қиламан, пул хусусида гап
очмайлик, бу хўрлик.

– Шундай қилиб, сиз мени энди севмайсиз... – кўнгли
эзилиб, секин гапирди прокурор хоним.

Портос маҳобатли сукут сақлаганча турарди.

– Эссиз, бу сизнинг жавобингиз, мен уни тушуна-
ман.

– Менг таҳқир қилганингизни хотирга олинг, хоним.
У мана бу ерга кўмилган, – қўлини куч билан кўксига,
қалбига босиб, деди Портос.

– Ишонинг, мен уни ювиб ташлайман, жоним Портос!

– Мен сиздан нима сўрабман денг? – энг соддадил бир алфозда елкаларини қисиб қўйиб, давом этди Портос. – Қарз, атиги қарз, холос. Ахийри оқибат мен ахир бефаросат эмасман, – сизнинг бадавлат эмаслигингиз ва эрингиз шўрлик даъвогарларнинг сиқиб сувини ичишини биламан. Сиз, графиня, маркиза ёки герсогиня бўлганингизда бошқа гап эди – о, унда сизнинг қилмишингиз асло маъзур саналмас эди.

Прокурор хоним ранжиб қолди.

– Билиб қўйинг, жаноб Портос, – эътироз қилди у, – менинг пул сандиғим, фақат прокурор хонимнинг сандиғи бўлса ҳам, сизнинг ўша хонавайрон бўлган таннозларингизнинг сандиғидан ўлса, ўлиги ортиқ бўлса ажаб эмас.

– У ҳолда Кокнар хоним, сиз мени икки ҳисса ортиқ таҳқирлагансиз, – қўлини прокурор хоним қўлидан бўшатиб олиб, деди Портос, – зеро, агар сиз бадавлат бўлсангиз, унда рад жавобингизга ҳеч қандай узр йўқ.

– Мен «бадавлатман» деганимда сўзларимни айнан тушунмаслик керак, – кўнгил ҳовирига берилиб, ҳаддидан ошириб юборганини пайқаб, гап эплай бошлади прокурор хоним. – мен бадавлатман демайман-у, аммо, маблағларим бор.

– Гап шу, хоним, – деди Портос, – бу гапларни тугатайлик, илтимос қиламан. Сиз мендан воз кечдингиз! Орамиздаги ҳар қандай дўстлик тамом.

– Нонкўр!

– Ҳо, ҳали сиз норози ҳам бўляпсизми? – деди Портос.

– Гўзал герсогинянгизнинг ёнига жўнанг! Мен сизни ортиқ ушламайман.

– Нима дердик, у чамамда жуда дуруст!

– Қулоқ беринг, жаноб Портос, охирги марта: сиз мени ҳалиям севасизми?

– Эвоҳ, хоним, – қўлидан келган энг ҳазин оҳангда гапирди Портос, – кўнглимга келаётган ёмон гапларга ишонилса, ҳалок бўлажак сафарга чиқсак...

– О, бундай нарсаларни оғзингизга олманг! – ўкириб йиғи бошлаб, нола қилди прокурор хоним.

– Бир нима кўнглимга шуни соляпти, – тобора ҳасрати ошиб давом этди Портос.

– Ундан кўра, янги ишқий саргузаштим бор, деб қўя қолинг.

– Йўқ, йўқ, мен самимий гапиряпман. Ҳеч қандай янги нарса мени қизиқтирмайди, бунинг устига, мана бу ерда, қалбим тўрида ҳалиям сизга кўнглим борлигини сезиб турибман. Бироқ, сизга маълум ёки эҳтимол номаълум бўлганидек, икки ҳафтадан сўнг биз шу маъшум сафарга чиқяпмиз ҳамда мен ўзимнинг аслаҳанжомларим билан ниҳоятда банд бўламан. Бретаннинг ичкарисига, қариндошларникига зарур пулни топиш учун бориб келишга тўғри келади...

Портос муҳаббат билан бахиллик ўртасидаги сўнги муборазани пайқади.

– Сиз боя черковда кўрган герсогинянинг ер-мулклари, – давом этди у, – Менгикига туташ бўлгани сабабли биз бирга жўнаймиз. Ўзингиздан қолар гап йўқ, икки кишилашиб саёҳат қилганда йўл ҳамиша ҳарна қисқароқдай туюлади.

– Демак, Парижда сизнинг дўстларингиз йўқ эканда, жаноб Портос? – сўради прокурор хоним.

– Мен бор деб юргандим, – яна ғамгин қиёфага кириб, жавоб берди Портос, – аммо, энди хато кетганимни тушундим.

– Сизнинг дўстларингиз бор, жаноб Портос! – ўзининг шахтига ўзи ҳам ҳайрон бўлиб қичқирди прокурор хоним. – Эртага бизнинг уйимизга келинг. Сиз холамнинг ўғли ва бинобарин, менинг холаваччам бўласиз. Сиз Пикардиядан, Нуаёндан келгансиз. Сизнинг бир-иккита даъволашадиган ишларингиз бор-у, аммо иш бошқарувчингиз йўқ. Буларни эслаб қоласизми?

– Жуда яхши эслаб қоламан, хоним.

– Пешинликка келинг.

- Жуда соз.
- Яна оғзингиздан гуллаб қўйманг, эрим етмиш олти ёшда бўлишига қарамай жуда зийрак.
- Етмиш олти! Азбаройи шифо, жуда зўр ёш! – деди Портос.
- Сиз «кекса ёш» демоқчисиз. Ҳа, жаноб Портос, шўрлик эрим бир лаҳзада мени бева қолдириб, кетиб қолиши мумкин, – Портосга маънодор карашма қилиб, давом этди прокурор хоним. – Хайриятки, никоҳ шартномасига қўра, бор бисот ҳаёт қолган эр ёки хотинга қолади.
- Так-таслима? – сўради Портос.
- Так-таслим.
- Сиз жуда узоқни кўзлайдиган аёл кўринасиз, азиз Кокнар хоним, – прокурор хонимнинг қўлларини мулойим қисиб деди Портос.
- Энди ярашиб олдиг-а, жоним жаноб Портос? – таманно билан сўради у.
- Бир умрга! – худди ўша оҳангда жавоб берди Портос.
- Демак, хайр менинг хиёнатчим!
- Хайр менинг енгилтагим!
- Эртагача, фариштам.
- Эртагача, ҳаётимнинг чироғи.

XXX

Миледи

Д'Артаньян билдирмай Миледининг кетидан эргашди; унинг извошга ўтирганини кўрди ва извошчига Сен-Жерменга жўнашни буюрганини эшитди.

Қўш бақувват отлар учириб кетаётган извошни яёв таъқиб қилишга уриниш беҳуда гап эди. Шу сабабдан Д'Артаньян Феру кўчасига равона бўлди.

Сена кўчасида у Планшега йўлиқди; у қандолатхона кўрғазмаси ёнида туриб, кўриниши энг хушхўр, ширин қулчани ҳавас билан томоша қиларди.

Д'Артаньян унга жаноб де Тревилнинг табласидан икки отни: бирини унга, д'Артаньянга, бошқасини Планшенинг ўзига эгарлаб, унинг ёнига, Атосникига учрашни буюрди. Жаноб де Тревиль ўз таблаларини бутунлай д'Артаньяннинг ихтиёрига қўйиб берган эди.

Планше Эски каптархона кўчасига, д'Артаньян эса Феру кўчасига йўналдилар. Атос уйда ўтирар ва ўзи билан Пикардиядан олиб келган аъло испан шаробидан бир шишасини хўплаб, тугатаётган эди. У имо билан Гримога д'Артаньян учун қадаҳ келтиришни буюрди. Гримо одатдагидай, офиз очмай бўйсунди.

Д'Артаньян черковда Портос билан прокурор хоним ўртасида ўтган гапларнинг ҳаммасини Атосга сўзлаб бериб, ўртоқлари аллақачон аслаҳа-анжом харид қилиш йўлида деган тахминини ҳам айтди.

– Менга қолса, – деди бунга Атос, – менинг тамоман кўнглим тўқ: ишқилиб, менинг аслаҳа-анжомларим харажатларини аёллар кўтармайди-ку.

– Аслида эса, муҳтарам Атос, сизнинг хуснингиз, сизнинг сулукатингиз, кибор насабингиз, ҳар қандай малика ёки қироличанинг қалбини ишқ дардига мубтало қилиши мумкин эди.

– Ҳали жуда ғўрда бу д'Артаньян! – елкаларини қисиб деди Атос. Кейин у имо билан Гримога яна бир шиша келтиришни буюрди.

Шу пайт қия эшиқдан камтарона бошини суққан Планше соҳибига отлар тахтлигини хабар қилди.

– Қандай отлар? – сўради Атос.

– Жаноб де Тревилнинг иккита омонат оти, улардан Сен-Жерменга бориб келмоқчиман.

– Сен-Жерменда нима қиласиз? – яна сўради Атос.

Шу ерда д'Артаньян унга черковдаги учрашувни ҳамда чеккасида чандиғи бор қора ридолик киши сингари мудом хаёлини банд этиб келган аёлни яна топиб олганини сўзлаб берди.

– Бошқача қилиб айтганда, сиз илгари Бонасе хонимни севгандай, бу аёлга ҳам ошиқ бўлгансиз, – деди

Атос ва инсон заифлигидан афсуслангандай истиғно билан елкаларини қисиб қўйди.

– Мен-а? Сира ҳам-да! – қичқирди д’Артаньян. – Мен шунчаки, у билан боғлиқ сирни очишга қизиқяпман. Сабабини билмадим-у, аммо, назаримда, худди мен унга таниш бўлмаганимдан, менга ҳам мутлақо нота-ниш бу аёлнинг ҳаётимга аллақандай таъсири бор.

– Аслини олганда, сиз ҳақсиз, – деди Атос. – Мен ғойиб бўлгандан сўнг кетидан қидириб юришга арзий-диган аёлни билмайман. Бонасе хоним йўқолдими – бадтар бўлсин, майли, у топилсин.

– Йўқ, Атос, сиз хато қиляпсиз, – эътироз қилди д’Артаньян. – Мен шўрлик Констанциямни ҳар қачонгидан ортиқроқ севаман, зора мен унинг қаердалигини билсам, бу дунёнинг нариги бурчида бўлган тақдирда ҳам бориб, ғанимлар қўлидан уни халос қилардим, аммо мен буни билмайман – ахир бутун қидиришларим зое кетди-ку. Иложим қанча, кўнгил очишга тўғри келяпти!

– Қани-қани, миледи билан кўнгил очаверинг, азизим д’Артаньян, агар шу нарса сизни юпатса, буни сизга чин қалбимдан тилайман.

– Қулоқ солинг Атос, – таклиф этди д’Артаньян, – худди ҳибсга олингандек, уйда қамалиб ўтиргунча отга минсангизчи, келинг, Сен-Жермен тарафни айланиб келамиз.

– Азизим, – эътироз билдирди Атос, – мен отларни ўзимда бўлган пайтлари миниб юраман, улар менда йўқ бўлса, яёв юраман.

– Оббо, мен бўлсам, – бошқа ҳар кимсада ўзини ранжитиш шубҳасиз, Атоснинг субутига кулимсираб жавоб берди д’Артаньян, – мен сизчалик мағрур эмасман, нима тўғри келса, миниб кетавераман. Кўришгунча, муҳтарам Атос.

– Кўришгунча, – келтирган шишасини Гримога очишга имо қилиб, деди мушкетёр.

Д’Артаньян билан Планше отларга миниб, Сен-Жерменга юз тутдилар.

Йўл бўйи Атоснинг Бонасе хоним хусусидаги сўзлари д'Артаньяннинг хаёлида турди. Ёш йигит алоҳида туйғунлиги билан фарқ қилмасди, лекин атторнинг ёшгина рафиқаси унинг қалбида чуқур из қолдириб кетган эди: уни қидириб топмоқ учун у чиндан ҳам дунёнинг нариги бурчига ҳам жўнашга тайёр эди, лекин, ер – курра, унда ўлкалар саноксиз, у қай тарафга боришни билмас эди.

Ҳозирча эса у ўша миледининг кимлигини билишга уриниб кўрмоқчи эди. Миледи қора ридолик киши билан сўзлашган, бинобарин, унинг кимлигини билади. Ҳолбуки, Бонасе хонимни биринчи гал ўғирлагандек иккинчи дафъа ҳам айнан қора ридолик кишининг ўзи олиб қочганига д'Артаньянда ишонч ҳосил бўлган эди. Хуллас, ўзига-ўзи миледини ахтариш, бу айни вақтда, Констанцияни излаш деганда д'Артаньян ярим-ёрти ёлғон гапирарди, бу эса энди ёлғон эмасди.

Шу нарсаларнинг ҳаммаси ҳақида хаёл суриб ва аҳён-аҳёнда отига шиғов бериб, зарур масофани босиб қўйгани ва Сен-Жерменга бориб қолганини д'Артаньян билмай қолди. Ун йил кечроқ, Людовик XIV га таваллуд топиш насиб қилажак шийпонни айланиб ўтиб, у кимсасиз кўчадан соҳибжамол инглиз хонимдан бирор нишона топиш илинжида ўнгу сўлга аланглаб кетаётган эди, тўсатдан ўша замоннинг расми бўйича кўча тарафда бирор деразаси йўқ, кўркам уйнинг биринчи қаватига ёндош, гуллар билан безатилган равонда у ёқ-бу ёққа айланиб юрган одамни кўриб қолди. Уни дастлаб Планше таниди.

– Тақсир, – деди у, – сиз анави болани танийсизми? Мана бу, бизга оғзини очиб, бақрайиб турганни?

– Йўқ, – деди д'Артаньян, – бироқ, аминманки, бу башарани биринчи марта кўраётганим эмас.

– Бўлмасам-чи! – деди Планше. – Ахир бу бояқиш Любен-ку, ўша сиз бир ой илгари Каледа, порт бошлиғи уйининг йўлида боплаб адабини берган граф де Варднинг қароли-ку.

– Э ҳа, – деди д’Артаньян, – энди мен ҳам уни танидим. Сенинг фикринг қандай, сени у танийдими?

– Рости, тақсир, у бирам қути ўчиб кетган эдики, мени яққол эслаб олгани даргумон.

– Ундай бўлса, боргин-да, у билан гурунглашиб кўр, – деди д’Артаньян, – унинг соҳиби ўлдими, йўқми, суҳбатда билиб ол.

Планше сакраб отдан тушди-да тўппа-тўғри Любеннинг олдига борди, у ҳақиқатан ҳам буни танимади-ю икки қарол уринишлар нуқталарини жуда тез топиб, сўзлаша кетдилар. Д’Артаньян бу орада отларни тор кучага буриб, уйни айланиб ўтди-да суҳбатдан қолмаслик ниятида ёнғоқ шаббаларининг орқасига яширindi.

У бир-икки дақиқа кузатиб тургандан кейин филдирак товушларини эшитиб қолди-ю, унинг рўбарўсида миледига қарашли файтон тўхтади. Шак-шубҳа йўқ, файтонда миледининг ўзи ўтирарди. Д’Артаньян ўзи кўзга чалинмаган ҳолда ҳамма нарсани кўра олиш учун отининг бўйнига эгилиб олди.

Миледининг оқ-сарикдан келган кўркам бошчаси файтон деразасидан мўралаб ёш жувон чўрига аллақандай фармойиш берди.

Чўри йигирма-йигирма икки ёшлардаги чаққон, серҳаракат, кўҳлик қиз, кибор хонимнинг асл канизси, ўша замон таомили бўйича, ўзи ўтирган зинадан сакраб тушди-ю д’Артаньян Любенни кўриб қолган равонга қараб юрди.

Д’Артаньян кўзлари билан канизни кузатиб туриб, унинг равонга кетаётганини кўрди. Лекин, шундай бўлдики, бундан бир дақиқа илгари кимдир ичкаридан Любенни чақирди-ю равонда хўжайинининг қаёққа йўқолганини англашга уриниб, чор-атрофга кўз ташлаб турган Планше ёлғиз қолди. Чўри Планшенинг ёнига борди-да уни Любен деб қабул қилиб, унга нома узатди.

– Сизнинг соҳибингизга, – деди у.

– Менинг соҳибимгами? – таажжуб билан қайта сўради Планше.

– Ҳа, жуда қисталанг иш юзасидан. Тезроқ олсангиз-чи.

Шу созлар билан у орқага бурилишга улгурган файтоннинг ёнига чопиб бориб, зинага сакраб чиқди-ю файтон кетиб қолди.

Планше номани қўлида айлантриб турди-да кейин ўзининг бемуроҳаза итоат қилиш одатига вафо қилиб, равондан сакраб тушди, тор кўчага бурилиб, ўн қадамча юрганда ҳаммасини кўрган ва энди ўзига пешвоз келаётган д'Артаньянга тўқнашиб кетди.

– Сизга, тақсир, – номани йигитга узатиб деди Планше.

– Менгами? – сўради д'Артаньян. – Аминмисан?

– Азбаройи шифо, аминманми-я! Оқсоч «Сенинг соҳибинга» деди. Менинг сиздан бўлак соҳибим йўқ, демак... Зап кетворган қиз эканда ўша оқсоч!

Д'Артаньян мактубни очиб, қуйидаги сўзларни ўқиди:

«Сизга ифода эта олганидан ортиқ ишқивоз бўлган хоним, қай вақт ўрмонга сайр қилар аҳволда бўлишингизни билишни истарди. Эртага «Олтин дала» меҳмонхонасида қора-қизил либос кийган мулозим сизнинг жавобингизга кўз тутади».

«Ана холос! – кўнглидан кечирди д'Артаньян. – Қандай ўхшашлик! Назаримда, мен ҳам, миледи ҳам бир шахснинг саломатлигига қизиқиб қолибмиз».

– Ҳой Планше, жаноб де Вард қалай экан? Афтидан, у ҳали қазо қилмаяптими?

– Йўқ, тақсир тўрт жароҳати билан илож борича ўзини яхши ҳис қиляпти экан. Ахир сиз, кўнглингизга оғир ботмасин-у, бу йигит тушгурни тўрт қилич зарби билан сийладингиз, у ҳали жуда заиф, негаки, ўзининг қарийб бор қонини йўқотган. Худди ўзим ўйлагандек, Любен мени танимади ҳамда менга ўзимизнинг саргузаштимизни бошдан оёқ сўзлаб берди.

– Жуда яхши Планше, сен қаролларнинг султони-сан. Энди эса отга мин, кел, файтонни қувиб етайлик.

Бу кўп вақт олмади. Беш дақиқадан сўнг улар йўлнинг чеккасида тўхтаб турган файтонни кўрдилар; башанг кийинган чавандоз эшикчанинг ёнида отини ўйнатиб турарди.

Миледи билан суворий шу қадар гапга берилиб кетган эдиларки, д'Артаньян келиб, файтоннинг бошқа томонида тўхтаганида унинг шу ердалигини хушрўй каниздан бўлак ҳеч ким пайқамади.

Суҳбат д'Артаньян билмайдиган инглиз тилида бо-рарди, лекин унинг оҳангидан инглиз санамнинг қаттиқ жаҳли чиққанини йигит фаҳмлади; унинг хо-тима ишораси суҳбат мавзуси борасида шак-шубҳага ўрин қолдирмасди: у елпиғичини жон-жаҳли билан чунон эздики, бу майда аёл безаги чил-чил бўлиб, со-чилиб кетди.

Суворий қаҳ-қаҳ уриб, кулиб юборди, бу, афтидан, миледининг бадтарроқ газабини келтирди.

Д'Артаньян аралашиш мавриди келди, деб қарор қилди; у бошқа эшикчага яқин йўлаб, эҳтиром билан шляпасини ечди.

– Хоним, – деди у, – хизматларимни таклиф этишга ижозат бергайсиз. Назаримда, бу чавандоз қаҳрингиз-ни келтирди. Бир оғиз гапингиз кифоя, мен илтифоти камлиги учун унинг адабини бериб қўйишни зиммам-га оламан.

Д'Артаньяннинг дастлабки сўзлариданоқ миледи ажабланиб, бу томонга ўгирилди.

– Тақсир, – соф француз тилида жавоб берди у, йи-гит гапини тугатгандан кейин, – уни бажонидил сиз-нинг шафелигингизга топширган бўлардим, мабодо мен билан тортишаётган киши акам бўлмаганда.

– О, у ҳолда мени авф этинг, – деди д'Артаньян. – Тушуниб турибсиз, хоним, бундан хабарим йўқ эди.

– Нега энди бу енгилтак бировнинг ишига арала-шади? – эшикка эгилиб, миледи қариндошим деб ата-

ган суворий. – Нима сабабдан ўз йўлидан кетавермайди?

– Сизнинг ўзингиз енгилтак! – ўз навбатига отининг бўйнига энгашиб ва ўзи ёнида турган эшикчадан жавоб берди д'Артаньян. – Мен шу сабабдан ўз йўлимдан кетмаяпманки, шу ерда тўхташни лозим топдим.

Суворий синглисига бир-иккита инглизча сўз айтди

– Мен сизга француз тилида гапиряпман, – деди д'Артаньян, – марҳамат қилиб, шу тилда жавоб қилсангиз. Сиз бу хонимнинг акаси экансиз жуда яхши, майли, шундай бўлсин, аммо хайриятки менга ака эмассиз.

Миледи ўзининг жинсига хос ҳуркаклик билан бошланиб келаётган жанжалнинг олдини олиш ва уни авж олишига имкон бермаслик учун аралашади, деб кутиш мумкин эди, лекин у аксинча ўзини фойтоннинг тўрига олдида извошчига пинагини бузмай деди:

– Уйга.

Хушрўй канизак афтидан, чиройли афти-ангори ўзига манзур бўлган д'Артаньянга ташвишли нигоҳ ташлаб кетди.

Фойтон ғириллаб кетиб қолди-ю, эркакларни бир-бирининг қаршисида қолдирди: ҳеч қандай моддий нарса энди уларни ажратмас эди.

Суворий фойтонга эргашмоқ учун ҳаракат қилган бўлди-ю, лекин нотаниш киши ўша Аменда ўзининг Отини ютиб олган ва сал бўлмаса, Атосдан олмосни ютиб олаётган инглизлигини танигандан кейин ғазаби янги куч билан аланга олган д'Артаньян уни тизгиндан тортиб тўхтатиб қўйди

– Ҳой, тақсир, деди у, сиз мендан ҳам ўта енгилтаксиз шекилли: орамизда андак жанжал чиққанини фаромуш олмадингизми, ишқилиб.

– Оҳ, бу сизмисиз, тақсир, деди инглиз. Сиз ҳаммисиз ўйнаганингиз ўйнаган шекилли, бири бўлмаса иккинчисини?

– Ҳа. Сиз ҳам мен ҳали қарзимни узишим кераклигини эсимга солиб қўйдингиз, оғайни. Кўрамиз, сиз қилич тутишда ҳам ошиқ ўйинида сингари моҳирмикансиз.

– Сиз ёнимда қиличим йўқлигини жуда яхши кўриб турибсиз. Ёки қуролсиз кишининг қаршисида мард-лигингизни пеша қилишни эп кўрасизми?

– Уйингизда қиличингиз бордир, деб умид қиламан, – эътироз қилди д'Артаньян. – Ҳарҳолда, менда иккита бор, истасангиз, биттасини сизга ютқазиб қўйишим мумкин.

– Буниси ортиқча, – деди инглиз, – менда бу хил нарсалар тўлиб-тошиб ётибди.

– Жуда соз, мўътабар кавалер! – жавоб берди д'Артаньян. – Энг узунини танлаб олинг-да, бугун кечқурун менга кўрсатинг.

– Қаерда кўришни лозим кўрадилар?

– Люксембург саройининг орқасида. Бу шу хил сайрлар учун боп жой.

– Яхши, мен ўша ерда бўламан.

– Қачон?

– Соат олтида.

– Дарвоқе, сизнинг бир ёки икки дўстингиз топилмайдими?

– Менда улар учта, ҳаммаси ҳам мен билан келишни шараф деб билгайлар.

– Учтами? Ажабо! Қандай ўхшашлик! – деди д'Артаньян. – Менда ҳам роппа-роса шунча бор.

– Энди менга айтинг, сиз кимсиз? – сўради инглиз.

– Мен д'Артаньянман, гасконлик, дворян, жаноб Дезессара ротасининг гвардиячиси. Сиз-чи?

– Мен лорд Винтер, барон Шеффилдман.

– Жуда яхши! Каминангизман жаноб барон, – деди д'Артаньян, – гарчанд номингиз жуда қийин бўлса ҳам.

Сўнгра шиғов бериб, отини йўртиб солди-да Парижга қайтиб кетди.

Шундай аҳволда ҳамишагидай у тўппа-тўғри Атос-никига кирди.

Атос юмшоқ курсида ётар ва агар унинг ўз иборасини истифода қилинса – аслаҳа-анжомларнинг ўзи келишини кутарди.

Д'Артаньян фақат де Вардга ёзилган мактубни тушириб қолдириб, содир бўлган ишларнинг ҳаммасини Атосга сўзлаб берди.

Атос хусусан инглиз билан уришмоғини билгандан завқда. Унинг мудом шуни орзу қилиб юрганини биз эслашган эдик.

Дўстлар шу замон хизматкорларни Портос билан Арамисга жўнатиб, уларни содир бўлган воқеадан воқиф этдилар.

Портос қиличини қинидан чиқариб, ҳар замон орқага сапчиб, раққос сингари муқом қилган кўйи деворга зарбалар тушира бошлади. Ҳамон достони устида заҳмат чекаётган Арамис Атоснинг кабинетини ичидан қулфлаб олди-да, мубораза соатигача уни безовта қилмасликни илтимос қилди.

Атос имо билан Гримодан шишани талаб қилди.

Д'Артаньянга келсак, у амалга ошишини биз келажакда кўрадиган ва унинг лабларига кўниб, ўйчан чеҳрасини ёриштириб юбораётган табассумига қараганда, афтидан аллақандай кўнгилли саргузашт ваъда қилувчи кичик режани ўзича пухталаб ўтирарди.

Биринчи қисм тугади.

Жықуқы
ҚИСМ



I

Инглизлар ва французлар

Тайинланган пайтда оғайнилар тўрт хизматкори билан биргаликда Люксембург саройи орқасидаги эчкилар ўтлаб юрган, тевараги тўсиқ харобазорга етиб келдилар. Атос бир оз чойчақа бергач, чўпон жўнаб қолди. Хизматкорларга посбонликда туриш топширилди.

Ҳадемай худди ўша харобазорга бир тўп камсухан одамлар келиб, ичкари киришди-да, мушкетёрларга қўшиб кетишди. Сўнгра, инглиз удумига кўра, ўзаро танишишди.

Энг кибор насабли инглизлар ўз рақибларининг фаройиб номларини эшитгандан сўнг таажжубланиш тугул ҳатто хавотирга ҳам тушиб қолишди.

– Бу бизга ҳеч нимадан далолат бермайди, – уч биродар ўзини танитгандан сўнг, деди лорд Винтер. – Сизларнинг кимлигингизни биз барибир билмай турибмиз, бу хил номлар билан аталиб юрган одамлар билан урушиб ўтирмаймиз. Бу аллақандай чўпонларнинг номлари-ку.

– Булар уйдирма номлар, ўзингизнинг ҳам фаҳмингиз етиб тургандир, милорд, – деди Атос.

– Бу эса ҳақиқийсини билишга бизни баттарроқ орзуманд этади, – жавоб берди инглиз.

– Бироқ қиморни номларимизни билмаган ҳолда ўйнагансиз, – деб қўйди Атос, – ва ҳатто, биздан икки от ҳам ютиб олгансиз.

– Сиз ҳақсиз, лекин унда биз пулларимизни тикканмиз, холос. Бу гал эса ҳаётимизни тикмоқдамиз: қимор ҳар ким билан ўйналаверади, урушни – тенг-тенги билан қилади.

– Ҳақ гап, – деди Атос ва тўрт инглизнинг ичидан ўзи урушмоғи лозим бўлганини четга чақириб, унга астагина ўз номини айтади.

Портос билан Арамис ҳам худди шундай қилдилар.

– Кўнглингиз тўлдими? – сўради Атос ўз рақибидан, – Мени ўзингиз билан қиличлашиш шарафига ноил этмоққа етарли даражада кибор деб ҳисоблайсизми?

– Ҳа, тақсир, – таъзим билан жавоб берди инглиз.

– Яхши! Энди эса сизга бир нарсани айтиб қўяй, – гапини совуққина давом эттирди Атос.

– Нимани? – ҳайрон бўлди инглиз.

– Мендан номимни ошкор этишимни талаб қилмаганингиз мақбулроқ бўларди.

– Нега энди?

– Нега десангиз, мени оламдан ўтган деб ҳисоблайдилар; нега десангиз, мени барҳаётлигимдан ҳеч кимса хабар топмаслигини истамоқ учун важ-карсоним бор; нега десангиз, сирим оламга овоза бўлмаслиги учун энди сизни ўлдиришга мажбур бўлиб қолам.

Инглиз, ҳазиллашяпти деб Атосга қараб қўйди, аммо ҳазиллашиш унинг хаёлида ҳам йўқ эди.

– Тайёрмисиз, жаноблар? – бери йўлаб, ҳам ўртоқларига, ҳам рақибларга мурожаат этиб сўради Атос.

– Ҳа, – бир овоздан жавоб беришди инглиз ва французлар.

– Ундай бўлса, бошлайлик!

Айни шу чоғ ботаётган қуёш ёғдусида саккиз қилич ялтираб кетди; мубораза икки карра душман бўлмиш кишилар учун тамоман табиий шиддат билан бошланди.

Атос шу қадар хотиржам ва шу қадар моҳирона уришмоқда эдики, гўё у қиличбозлик машқида эди.

Афтидан, Шантилиядаги саргузашт ортиқча манманлигига қор қилган Портос ўз партиясини ғоят усталлик ва ҳушёрлик билан ўйнади.

Достоннинг учинчи қўшиғини тугаллаши зарур бўлган Арамис вақти жуда тифиз одам сингари шошилар эди.

Биринчи бўлиб рақибини Атос ўлдирди; у биргина зарба берди, холос, лекин ўзи огоҳлантирганидай бу зарб ажал келтирди: қилич юракка паррон санчилган эди.

Ундан сўнг Портос ўз рақибининг сонини ташиб, кўкатга ағанатди. Инглиз ортиқ қаршилиқ қилишга уринмасдан қиличини топширди, Портос эса уни извошга элтиб қўйди.

Арамис ўз рақибини чунонам қисиб қўйган эдики, провардида у эллиқ қадамча чекиниб туриб, оёғини қўлига олиб қочиб қолди ва қаролларнинг ҳай-хуйлари остида ғойиб бўлди.

Д'Артаньянга келганда у қойилмақом ва жўнгина мудофаа ўйинини олиб бормоқда эди; рақибининг тинкасини қуритгач, кучли бир зарб билан унинг қўлидан қиличини уриб туширди. Ўзини қуролсизланган ҳолда кўриб, барон бир-икки одим тисарилди, аммо сирғалиб кетиб, чалқанчасига йиқилиб тушди.

Д'Артаньян бир сапчиб рақибининг ёнида пайдо бўлди-да, қиличини унинг бўғзига тақади.

– Жонингизни олсам бўларди, тақсир, – деди у инглизга, – сиз қўлимдасиз, аммо мен азбаройи синглизгиз учун сизга ҳаёт ато қиламан.

Д'Артаньяннинг қувончи ичига сиғмасди: у илгаридан кўнглига тугиб қўйган, бир неча соат муқаддам чехрасида қувноқ табассумлар балқитган режани амалга оширган эди.

Шундай ройиш одамга йўлиққанидан завқи жўшган инглиз д'Артаньянни бағрига босди, уч мушкетёрга хушомад гаплар айтди. Портоснинг рақибни извошга ўтказилгани, Арамиснинг рақибни жуфтақни ростлагани сабабли улар ўлдирилган рақиб билан андармон бўлишди.

Жароҳат ўлдирар даражада эмасдир, деган умидда Портос билан Арамис уни ечинтира бошладилар; шу

пайт унинг камари остидан лиқ тўла ҳамён тушиб кетди. Д'Артаньян уни олиб, лорд Винтерга узатди.

– Уни бошимга урармидим, азбаройи шифо? – сўради инглиз.

– Марҳумнинг оиласига қайтарасиз, – дея жавоб берди Д'Артаньян.

– Унинг оиласига шундай арзимас нарса жуда зарур бўпти-да! У меросга ўн беш минг луидор рента⁵⁰ олади. Бу ҳамённи хизматкорларингизга олиб қолинг.

Д'Артаньян ҳамённи чўнтагига солиб қўйди.

– Энди эса ёш дўстим, зеро, сизни дўстим деб атасам раъйимни қайтармасиз, деган умиддаман, – деди лорд Винтер, – мақбул кўрсангиз мен сизни шу бугуноқ кечқурун ўз синглим Леди Кларикка таништираман. У ҳам сиздан ўз лутф-карамини дариф тутмаслигини истайман ҳамда сарой қошида дурустгина қабул қилинганлиги сабабли келгусида унинг бир оғиз сўзи сизнинг манфаатингизга хизмат қилса ажаб эмас.

Д'Артаньян хушнудликдан қип-қизариб кетиб, розилик маъносига таъзим қилди.

Шу дам Д'Артаньяннинг ёнига Атос келди.

– Бу ҳамённи нима қилмоқчисиз? – шивирлаб сўради у ёш йигитдан.

– Мен уни сизга бермоқчи бўлиб тургандим, муҳтарам Атос.

– Менгами? Нега энди?

– Унинг эгасини сиз ўлдирдингиз, шунга-да. Бу фолибнинг ўлжаси.

– Мен душманнинг меросхўри бўлсам-а! Сиз ўзи мени ким деб ўйлаяпсиз?

– Ҳарбий удум шундай, – деди д'Артаньян. – Мубо-разада ҳам худди шундай одат бўлса нима қипти?

– Мен ҳатто жанг майдонида ҳам бундай йўл тутмаганман, – эътироз қилди Атос.

⁵⁰ Рента – ишлатиш учун бериб қўйилган пул, мулкдан келадиган даромад.

Портос елкасини қисиб қўйди. Арамис маъқуллаб жилмайди.

– Ундай бўлса, – деди д’Артаньян, – лорд Винтер таклиф қилганидек, бу пулларни қаролларга бериб юборамиз.

– Яхши, – рози бўлди Атос, – фақат уни бизларни-кига эмас, уларнинг қаролларига берамиз. Уни инглизларнинг қаролларига берамиз.

Атос ҳамённи олди-да, уни извошчига ташлади:

– Ўзингиз ва ошналарингизга!

Сира маблағи бўлмаган бир кишидан чиққан бу мардлик ҳатто Портосни ҳам қойил қолдирди ва лорд Винтер билан унинг дўсти кейинчалик оғиздан туширмай ҳикоя қилиб юришган французча хотамтойлик, Гримо, Мушкетон, Планше ва Базенларни ҳисобга қўшмаганда мутлақо ҳаммани завқлантириб юборди.

Д’Артаньян хўшлаша туриб лорд Винтер унга ўз сингисининг турар жойини маълум қилди: у Қирол майдонида, ўша маҳаллар учун машҳур даҳада, 6-уйда истиқомат қиларди. Дарвоқе, у ёш йигитни ўзи таништириши учун унга учраб ўтишни таклиф қилди. Д’Артаньян унга соат саккизда Атоснинг уйида мулоқот таяинлади.

Миледининг ҳузурига бўлажак ташриф гасконлигимизнинг ақлу ҳушини қаттиқ ҳаяжонга солмоқда эди. У ўз тақдирида бу аёлнинг ҳанузгача қандай ғалати роль ўйнаб келганини эсларди. Миледининг кардинал агентларидан бўлишига унинг ишончи комил эди, лекин барибир унга нисбатан ўша ўзинг ҳам тагига етолмайдиган туйғуларнинг бирига, аллақандай енгиб бўлмас мойиллик ҳис этарди. У Миледи ўзининг Менг ва Луврдаги одамлигини таниб қолмасайди, деб ёлғиз шу нарсадан чўчирди холос. У ҳолда унинг жаноб де Тревилнинг дўстилиги ва, бинобарин, жон тани билан қиролга содиқлигини у фаҳмлаб қолган бўларди-ю, бу нарса миледи назарида уни айрим имтиёзлардан маҳрум этарди, ҳолбуки ҳозир миледи уни у

ўзини билганидан ортиқ билмасди, уларнинг ўйиндаги имкониятлари барабар эди. Миледининг граф де Вард билан бошланиб келаётган ишқий фитнасига келганда, бу ўзбилармон йигитни айтарли хавотирлантирмасди, гарчанд граф ёш, гўзал, бадавлат бўлиб кардиналнинг улкан иноятдан баҳраманд эди. Йигирма ёш, йигирма ёш-да, хусусан, Тарбда туғилган бўлсангиз.

Даставвал д'Артаньян уйига йўл олди ва ўта ҳафса-ла билан ўзига оро бериш-ла машғул бўлди; сўнгра Атосникига қайтиб борди-да, одатича унга бор гапни айтиб берди. Атос унинг режаларини тинглаб, бошини чайқаб қўйди ва қуйиниб, унга ҳушёр бўлишни маслаҳат берди.

– Ана, холос! – деди у. – Сиз, сўзларингизга қараганда раҳмдил, дилбар, бекаму кўст бўлган аёлдан эндигина жудо бўлгансиз, мана энди сиз аллақачон бошқасининг пайида юрибсиз!

Д'Артаньян таънада жон борлигини сезди.

– Бонасе хонимни мен қалбим билан севганман, – эътироз билдирди у, – миледини эса, идроким билан севаман. Мен асосан унинг сарой қошида роли қандайлигининг тагига етмоқ учунгина унинг хонадонига киришга уринмоқдаман.

– Роли қандай эмиш! Ахир менга айтган гапларингизга қараганда буни пайқаб олиш мушкул иш эмаску. У – кардиналнинг махфий агенти, сизни алдаб қўлга тушириб, бошингизни ейдиган аёл, вассалом.

– Ҳим... Рост гап, сиз нарсаларни ўта мудҳиш тусда кўрасиз-да, азизим Атос.

– Илож қанча дўстим, аёлларга ишончим йўқ, бунга менинг ўз важларим бор, айниқса, оқ-сарикдан келган аёлларга ишонмайман. Сиз менга миледи оқ-сарикдан келган деб эдингиз, шекилли?

– Мен кўрган-билганки сарғиш сочларнинг энг гўзали уники!

– Шўрлик д'Артаньян! – хўрсиниб гапирди Атос.

– Менга қаранг, мен гап нимадалигини аниқламоқчиман. Сўнгра, ўзимга зарур ҳамма нарсани билиб олганимдан кейин мен кетаман.

– Аниқлайверинг, – лоқайдлик билан деди Атос.

Лорд Винтер тайинланган соатда ташриф буюрди, бироқ илгарироқ огоҳ этилган Атос бўлак хонага ўтиб турди. Хуллас, инглиз д'Артаньянни ёлғиз топди-ю, дарҳол олиб кетди, чунки вақт аллақачон саккизга бориб қолган эди.

Пастда бир жуфт кетворган отлар қўшилган серҳашам извош кутарди, у йигитларни бир зумда Қирол майдонига элтиб қўйди.

Леди Кларик д'Артаньянни сиполик билан қабул қилди. Унинг иморати дабдабаси билан ажралиб турарди; уруш туфайли келиб қолган аксар инглизлар Франциядан жўнаётган ёки жўнаш арафасида турганлигидан қатъи назар, миледи иморатнинг пардозига жуда катта харажат қилди, бу эса инглизларни чиқариб юбориш хусусидаги умумий фармойиш унга дахлдор эмаслигини исбот этарди.

– Қаршингизда, – Д'Артаньянни синглисига таништираркан деди лорд Винтер, – жонимни қўлида ушлаб турган, лекин бу имтиёздан фойдаланишни истамаган ёш дворян турибди, гарчанд биз икки карра душманмиз, негаки, мен уни биринчи ҳақорат қилдим, ҳам негаки мен инглизман. Менга нисбатан қилча меҳру оқибатингиз бўлса, унга ташаккур айтинг, хоним.

Миледи хиёл қовоғини солди, манглайи билинар-билинемас хира тортди, дудоқларида эса шундай ғалати табассум пайдо бўлдики, унинг чехрасининг бу чигал ўйинидан д'Артаньян беихтиёр сесканиб тушди.

Оғаси ҳеч нимани пайқамади: у камзулига осилган миледининг севимли маймунини эркалатмоқ учун ўғирилган эди.

– Ҳуш келибсиз, тақсир, – товуши боягина д'Артаньян илғаган нохуш кайфият нишоналарига зид ғалати

мулойим овоз билан гапирди миледи, – бу кун сиз бир умрлик миннат ҳуқуқларига молик бўлдингиз.

Шу ерда инглиз яна улар томон ўгирилди-да, зарра тафсилотини қочирмасдан мубораза хусусида ҳикоя бошлади. Миледи уни зўр диққат билан тингларди ва ўз ҳисларини пинҳон сақлашга нечоғлик уринмасин, бу ҳикоя унга малол келаётгани шундоққина билиниб турарди. У дам қизарар, дам бўзарар ва бетоқат бўлиб жажжи оёқчасини ҳар замонда полга уриб-уриб қўярди.

Лорд Винтер ҳеч нимани пайқамасди. Ҳикоясини тугатиб у устида патнисда бир шиша испан шароби ва стаканлар турган стол ёнига борди. У икки стаканни тўлатди-да, имо билан д'Артаньянни ичишга таклиф этди.

Инглиз саломатлиги учун ичишдан бош тортиш унинг дилини қаттиқ оғритиш демаклигини д'Артаньян биларди. Шу учун у стол ёнига бориб иккинчи стаканни олди. Бироқ у миледини кузатишда давом этаверди ва кўзгуда унинг чеҳраси ўзгариб кетганини кўрди. Энди, у ўзига ортиқ ҳеч ким қарамаяпти деб ўйлаган чоғда аллақандай ваҳшиёна ифода афтини бужмайтириб ташлади. У жон-жаҳди билан рўмолчани тишламоқда эди.

Шу пайт хонага д'Артаньян илгари ҳам кўрган ёшгина ва хушрўйгина каниз кириб келди, у лорд Винтерга инглизчалаб бир гап айтди, у киши қисталанг бир юмушни баҳона қилиб ва ўзи учун яна бир қур узр сўрашни синглисига ҳавола этиб, д'Артаньяндан уни тарк этишга ижозат сўради.

Д'Артаньян у билан қўл қисишиб қолди-ю, яна миледининг ёнига борди. Унинг рухсори пол қоларли зудлик билан ўзининг аввалги хуш қиёфасига кирди, аммо рўмолчада қолган бир неча қизил доғчалар у тишлайтишлай лабларини қонатиб олганидан далолат бериб турарди.

Унинг дудоқлари латиф ҳақиқдай қип-қизил эди.

Суҳбат қизиб кетди. Сиёқидан, миледи ўзини тамо-ман ўнглаб олган эди. У д'Артаньянга лорд Винтернинг ўз акаси эмас, бор-йўғи эрининг акаси бўлишини сўзлаб берди: у оиланинг кенжа ўғли хасмида бўлган ва қўлида бола билан бева қолган ҳамда шу бола ма-бодо лорд Винтер уйланмаган тақдирда, ягона мерос-хўридир. Бу гапларнинг ҳаммаси д'Артаньянга, орқа-сида аллақандай сир-асрор, пинҳон бир парда мав-жудлигини айтиб турарди, бироқ бу пардани очиш унинг ҳали қўлидан келмасди.

Ярим соатлик суҳбатдан сўнг д'Артаньян миледини ўзининг ватандошлигига ишонч ҳосил қилди: у фран-цузчалаб бирам тўғри, бирам фасоҳат билан сўзлар-дики, бу борада шак-шубҳага ўрин қолмасди.

Д'Артаньян суҳбатдошига садоқатини таъкидлага-нича бир талай илтифотли, манзур гапларни дўнди-риб ташлади. Гасконлигимиз сотаётган бу сафсатани тинглаган қўйи миледи илтифот билан кулимсирар-ди. Ниҳоят чиқиб кетар пайт келди. Д'Артаньян хайр-маъзур қилди-ю, меҳмонхонадан бандаларнинг энг бахтлиси бўлиб чиқиб кетди.

Зинада унга пешвоз ҳушрўйгина каниз учради. Ўтиб кета туриб, у д'Артаньянга сал тегиб кетди-да, қулоқ-ларигача қизариб, бирам майин овоз билан узр сўра-дики, у шу заҳоти авф этиб юборилди.

Эртаси куни д'Артаньян тагин ташриф буюрди ва уни арафадагидан ҳам дурустроқ манзират қилдилар. Лорд Винтер бу гал йўқ эди, оқшом бўйи меҳмонни ёлғиз миледи банд этди. Афтидан, у ёш йигитга жуда қизи-қарди: унинг таги қаердан, дўсту биродарлари кимлар, кардиналга хизматга кириш нияти бўлган-бўлмагани-ни суриштирди. Йигирма ёшида ғоят зийраклиги маъ-лум д'Артаньян ўзининг миледига олд шубҳаларини эслади; у падари бузрукворни жуда мақтаб гапирди ва де Кавуани ҳам жаноб де Тревилни билгандай яхши таниган тақдирда қирол гвардиясига эмас, кардинал гвардиясига киришдан тоймаган бўлардим, деди.

Миледи жуда табиий равишда суҳбатни буриб юборди ва ғоят бепарво оҳангда д'Артаньяннинг Англияда бўлган-бўлмаганини сўради.

Д'Артаньян у ерга жаноб де Тревилнинг топширифтаги биноан отлар хариди хусусидаги музокаралар учун борганини ва ҳатто отларнинг тўрттасини намунага олиб келганини айтиб берди.

Бу суҳбат асносида миледи бир ёки икки марта тилини тишлаб қолди: бу гасконлик пухта ўйин олиб бормоқда эди.

Худди арафадаги соатда д'Артаньян йироқлашди. Йўлақда унга яна хушрўйгина Кетти дуч келди – канизнинг номи шундай эди. У унга шундай бир қараш қилдики, унинг маънисига етмасликнинг иложи йўқ эди, аммо д'Артаньян буткул соҳиба билан овора бўлиб унга алоқадор нарсаларнинг фарқига борарди, холос.

Д'Артаньян миледи ёнига эртаси куни ҳам, учинчи куни ҳам қатнади, ҳар оқшом миледи унга тобора очиқлиброқ манзират қилаверди.

Ҳар оқшом – гоҳ йўлақда, гоҳ даҳлизда, гоҳ зинада унга пешвоз хушрўй каниз йўлиқиб турарди.

Бироқ, айтиб ўтганимиздек, боёқиш Кеттининг бу саботига д'Артаньян сира парво қилмасди.

II

Прокурорникида зиёфат

Бу орада ўзи шу қадар ёрқин роль ўйнаган мубораза прокурор хонимнинг уйидаги зиёфатни Портоснинг хаёлидан ҳаргиз кўтаролмади. Келаси куни соат ўн иккидан кейин Мүшкетон унинг либосига чўткани сўнгги бор урди-ю, Портос ҳар жиҳатдан омади келган кишининг сиёқи билан Айиқ кўчасига равона бўлди.

Унинг юраги гупиллаб урар, бироқ бетоқат севги билан ёнган д'Артаньяннинг ёш қалби сингари эмасди. Йўқ, унинг қонини бўлак, анча ғаразлироқ ташвишлар қизитмоқда эди: оқибат ҳозир у шу сирли бусаға-

дан ҳатлаб ўтадиган, метр Кокнарнинг сийқаси чиққан экюлари бирин-кетин чиқиб турган ўша нотаниш зинадан кўтариладиган бўлди.

Прокурор хонимнинг бирмунча қуруқшаброқ қолган, лекин маълум нафосатини ҳали тарк этмаган қўлчалари унинг кўзларини ўйнатиб очиб беражак узун ва чуқур осма қўлф билан берк, занглаб полга қапишиб кетган, ўзи хўп таърифини эшитган сандиқни, ўз орзу-хаёлларида, йигирма бор тасаввурида гавдалан-тирган ўша армон сандиқни у ўнгида кўрадиган бўлди.

Бундан ташқари у, бошпанасиз бир мусофир, на оиласи, на бисоти бор сўққабош киши, карвонсарой ва хароботларга, қовоқхонаю майхоналарга одатланиб кетган аскар, яхши еб-ичишга ўч, аксар ҳолларда дуч келган луқмага қаноат қилишга мажбур хўра бир одам – ниҳоят қўлбола зиёфатларнинг мазасини тотадиган, оилавий файздан баҳра оладиган ва кекса қиличбозлар айтмоқчи, тирикчилик оғирлашгани сайин нашъаси ортгувчи беканинг ўша майда-чуйда ғам-хўрликларига ўзини ҳавола қиладиган бўлди.

Бўла сифатида ташриф буюриб туриш ва кунда тўкин дастурхон атрофига ўтириш, кекса прокурорнинг захил манглайдаги ажинларни ёзиш, ёш мирзаларга бассет галбик ва ландскнехтларнинг энг нозик усулларини ўргатган ва улар бутун ой мобайнида жамғарган нарсаларни бир соатлик сабоқ бадалига гонорар сифатида ютган қўйи уларнинг сал-пал патини териш – буларнинг ҳаммаси Портосга манзур эди.

Рост, ўша маҳаллардаёқ прокурорлар ҳақида кезиб юрган, улардан кўра умри узоқ бўлиб чиққан хунук овозаларни – уларнинг хасислиги, қурумсоқлиги, назари пастлиги ҳақидаги миш-мишларни мушкетёр хотирларди. Бироқ Портос мудом ўта ноўрин деб ҳисоблаб келган ўз прокурор хонимининг баъзи тежамкорлик тутқаноқларини истисно этганда, у одатда анчагина сахий эди – турган гап прокурор хоним учун – ҳамда Портос унинг рўзғори бадастур деган умидда эди.

Бироқ эшик тагида уни бир қадар шубҳалар қамраб олди. Унинг дарвозахонаси анча кўримсиз эди: ифлос қўланса даҳлиз, қўшни ҳовлидан хира ёруғ ўтказувчи панжарадор деразалик нимқоронғи зина-поя; иккинчи қаватда катта темир миҳлар шода-шода қилиб қоқиб ташланган кичкина эшик Гран-Шатли қамоқхонаси катта дарвозасининг худди ўзи.

Портос тақиллатди. Ҳурпайган паҳмоқ сочлари юзларига тушиб турган дароз, рангпар мирза эшикни очди – қудратини ошкор этгувчи алпқомат, жамиятдаги маълум мавқеини кўрсатувчи ҳарбий уст-бош-у, тўқ турмушдан дарак бергувчи навқирон келбатни ҳурмат қилиш одатини яққол англатиб турган бир алфозда таъзим берди.

Биринчисининг орқасида бўйи сал пастроқ иккинчи мирза кўринди: иккинчисининг орқасидан – сал баландроқ учинчиси, учинчисининг орқасидан ўн икки ёшлардаги ўсмир кириб келди.

Учала мирза у замонлар бўйича идорада кўп сонли муштарийлар мавжудлигидан далолат бергувчи эди.

Гарчанд мушкетёр кундуз соат бирда келиши керак бўлса-да, прокурор хоним ўз маҳбубини қалби, балким, ошқозони ҳам тайин муддатдан илгарироқ етаклаб келар деган илинжда нақ пешинданоқ уни пойлаб ўтирарди.

Ҳуллас, Кокнар хоним уйдан зина супасига меҳмони худди эшик тагига етганда чиқиб қолди-ю, муҳтарам беканинг зоҳир бўлиши уни ғоят танг аҳволдан халос этди. Мирзалар унга қизиқсиниб қараб туришган ва бу юқорилагувчи ва пастлагувчи товуш қаторга нима дейишни тузук-қуруқ билмасдан у тилини тишлаганча турган эди.

– Бу менинг бўлам-ку! – қийқириб юборди прокурор хоним. – Киринг, кираверинг, жаноб Портос.

Портоснинг номи одатдагидек таъсир қилди-ю, ҳамма қулиб юборди, лекин Портос орқасига ўгири-

либ қўйган эди, ҳамма юзлар қайтадан жиддий тусга кирди.

Прокурорнинг кабинетига кириш учун ҳозир мирзалар турган даҳлиздан улар кейин туражак идора – қоғозлар қалаштириб ташланган тунд хона орқали ўтиларди. Идорадан чиққач ва ошхонани ўнгда қолдиргач, меҳмон билан бека қабулхонага кириб қолишди.

Бир-бири билан туташ бу хоналарнинг ҳаммаси Портосни ҳаргиз хуш хаёлларга солмасди. Ланг очик эшиклардан талаффуз этилган ҳар каломни эшитиш мумкин эди, бундан ташқари йўл-йўлакай ошхонага синчков кўз қирини ташлаб, прокурор хонимнинг хижолати-ю, ўзининг зўр таассуфига у қаноат ҳосил қилдики, дуруст зиёфат олдидан бу юхолик кошонасида ҳукм суриши шарт ўша ёрқин аланга, ўша тарадудлар, ўша гавжумлиқдан дарак йўқ эди. Прокурор чамаси ташрифдан огоҳ этилганди, зеро, тап тортмай яқин келиб, тавозе билан таъзим қилган Портос пайдо бўлганида унда ҳеч қандай таажжуб аломати кўринмади.

– Қариндош эканмиз, шекилли, жаноб Портос? – дея сўради прокурор ва ўз қамиш креслосининг суянчиғига тиралган кўйи сал қўзғалиб қўйди.

У заиф жуссасини тамоман беркитиб қўйган кенг қора камзулга чулғанган, қотиб кетган, мункиллаган чол эди; унинг кичкина кулранг кўзлари икки ҳуснбузар сингари йилтириб турар, шу кўзлар-у, буришиб турган оғизгина унинг юзининг ҳали жон илиб турган бирдан-бир бўлақларидай туюларди. Бахтга қарши оёқлар бу бир халта устихонга хизмат қилишдан энди бош торта бошлаган ва беш ёки олти ой муқаддам аҳволи оғирлашиб қолгандан бери муҳтарам прокурор, очиғини айтганда, ўз рафиқасининг қули бўлиб қолганди.

Бўла мутелик билан қабул қилинди, атиги шу. Оёқларида дадил турган тақдирда метр Кокнар жаноб Пор-

тоснинг ўзи билан ҳар қандай қариндошлик даволарини рад этган бўлурди.

– Ҳа, тақсир, қариндошмиз, – хижолат чекмасдан жавоб берди Портос, дарвоқе, у ҳеч қачон эр рўйхуш беради, деб ўйламаган ҳам эди.

– Яна аёл томондан, шекилли? – кесатиб сўради поркурор.

Портос истехзонинг маъносига етмади ва буни гўлликка йўйиб, қуюқ мўйловлари остидан кулимсираб қўйди. Лақма прокурор нодир ҳодисалигини билган Кокнар хоним хиёл жилмайди-ю, қип-қизариб кетди.

Портос кириб келди дегунча метр Кокнар ўзининг баланд эман столи қаршисида турган каттакон жавонга жонсарақ нигоҳ ташлай бошлаган эди. Бу жавон шаклан фарқ қилса-да, Портос ўз ширин хаёлларида қўмсаган сандиқлигини фаҳмлади-ю, ҳақиқат орзудан олти фут ортиқроқ чиққани билан мамнун бўлиб қўйди.

Метр Кокнар ўзининг шажара тадқиқотларини чуқурлаштириб ўтирмади ва бесаранжом нигоҳини жавондан Портосга кўчириб:

– Сафар олдидан бўламиз лутф айлаб биз билан лоақал бир марта тамадди қилар деб умид қиламан. Шундай эмасми, Кокнар хоним? – деб қўйди.

Бу гал гап нақ ошқозонга тегди, Портос ҳам буни азобланиб ҳис қилди; афтидан Кокнар хоним ҳам буни пайқадими, зеро у деди:

– Агар қабулимиз манзур бўлмаса, бўлам бизникига ортиқ келмайди. Лекин бундай ҳол рўй бермаса, жўнагунча ихтиёрида бўлган қарийб ҳамма бўш дақиқаларини бизга бағишлашини ундан илтимос қиламиз: ахир у Парижда шунчалар оз муддат турадики ва бизникига жуда кам ташриф буюра олади.

– О оёқларим, менинг шўрлик оёқларим, қаердасиз? – гўлдираб қўйди Кокнар ва илжайишга уриниб кўрди.

Ўзининг озиқ-овқат борасидаги ниятларига жиддий хавф таҳдид солаётган онда етиб келган бу мададдан мушкетёрнинг прокурор хонимга меҳри товланиб кетди.

Ҳадемай тамадди вақти ҳам бўлиб қолди. Ҳамма емакхонага, ошхона қаршисида жойлашган залга ўтди.

Афтидан, хонадондаги одатдан ташқари исларни илғаб қолган мирзалар ҳарбий пухталиқ билан айни вақтида етиб келишди ва курсиларини қўлларида тутган ҳолда шай туришарди. Уларнинг лунжлари ҳалитдан ҳаракатга келиб таҳдид солмоқда эди.

«Ана холос! – уч оч башарага кўз ташлаб, кўнглидан кечирди Портос, зеро ўспирин, турган гап, умумий дастурхонга йўлатилмади. – Ана холос! Бўламнинг ўрнида бўлганимда бундай мечкайларни ушлаб турмасдим. Уларни ҳалокатга учраган-у, роса олти ҳафта егулик қўрмаган кишилар деб ўйлаш мумкин».

Метр Кокнар пайдо бўлди; уни ғилдиракли креслода Кокнар хоним олиб келарди. Портос ҳам эрини стол ёнига ғилдирашиб қўйишида унга кўмак бермоққа шошилди.

Прокурор емакхонада пайдо бўлган замон унинг лунж ва бурун катаклари ҳам айни мирзаларники сингари қимирлай кетди.

– Вой-бў – деди у. – Шўрвадан бирам хушхўр ис кел-яптики!

«Улар бу шўрвада нима бало топа олишди экан, азбаройи шифо?» – Мўл-у, лекин бир қатра ҳам жири йўқ, аммо архипелаг ороллари каби ўлда-жўлда, бирикки луқма хамир сузиб юрган нимтатир шўрвани кўргач, ўйлади Портос.

Кокнар хоним жилмайиб қўйди-ю, унинг ишораси билан ҳамма жой-жойига ўтирди.

Дастлаб метр Кокнарга, кейин Портосга сузиб бердилар, сўнгра Кокнар хоним ўз ликобига қўйди ва хамирни сувисиз бетоқат бўлиб кутиб ўтирган мирзаларга бўлишиб берди.

Шу пайт емакхона эшиги ғичирлаб очилди-да, қия табақалар орасидан Портос кичик мирзани кўриб қолди; базмда иштирок этиш имконидан маҳрум бўлган ҳолда, у ўз нонини ошхона исию, емакхона исидан ҳузур қилиб емоқда эди.

Шўрвадан кейин оқсоч қайнатилган товуқ келтириб қўйдики, бу тансиқ таомни кўриб ўтирганларнинг ҳаммасининг кўзлари чаноғидан чиқиб кетаёзди.

– Қариндошларингизни яхши кўришингиз дарров кўриниб турибди, Кокнар хоним, – аянчли табассум билан деди прокурор. – Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси ёлғиз бўлангиз шарофатидан.

Шўрлик товуқ ориқ бўлиб, бор уринишларга қарамай, ҳеч қандай устухон тешиб ўтолмайдиган ўша қил босган қалин тери билан қопланган эди; кексалиқдан осойишта жон бермоқ учун писиб олган кўноқдан провардида топгунча уни узоқ ахтарган бўлсалар ажаб эмас.

«Азбаройи шифо! – кўнглидан кечирди Портос. – Нақадар қайғули ҳол! Мен кексалиқни ҳурмат қиламан, лекин қайнатилган ҳам, қовурилган ҳам хилида эмас».

Ўзининг фикрига ҳамма шерикми-йўқми қаноат ҳосил қилиш учун у атрофга кўз ташлади. Қаёқда дейсиз – у бу кетворган товуқни, у шунчалар истиғно билан қараган ўша товуқни ҳалитдан еб ташламоқчи бўлиб очлиқдан ёниб турган кўзларни кўрди.

Кокнар хоним таомни олдига суриб олди-да, икки-та катта қора оёқни қоидасини келиштириб ажратиб, эрининг ликобига қўйди, бўйнини кесиб, уни бош билан бирга четга ўзи учун олиб қўйди, қанотини Портосга қўйди-да, товуқни қарийб қўл тегмаган ҳолда оқсочга бериб юборди, хуллас, ҳафсаласи пир бўлган кишилар юзида уларнинг таъби ва мижозига қараб ифода этилгувчи хилма-хил ўзгаришларни мушкетёр илғаб улгурмасдан илгари таом ғойиб бўлди. Товуқнинг ўрнига катта лаганда ичида бир қарашда сергўшт

кўрингувчи бир-иккита қўй суяги кўзга ташланиб турган ловия пайдо бўлди. Бироқ мирзалар бу алдовга учмадилар ҳамда уларнинг авзойидаги тундлик тақдирга тан бериш ифодаси билан алмашинди. Кокнар хоним бу таомни яхши бекага хос расамд билан бўлиштириб берди. Шаробга ҳам навбат етди. Метр Кокнар жуда кичкина чинни идишдан йигитларнинг ҳар бирига учдан бир стакандан қўйиб берди, ўзига ҳам қарийб шунча қўйди-да, шишани шу заҳоти Портос билан Кокнар хоним томонга ўтказди.

Йигитлар стаканларни сув билан тўлдириб олишди, сўнгра ярим стакандан ичишгач, яна сув тўлдирдилар, шу тариқа бориб-бориб тамадди ниҳоясида улар ютаётган ичимлик ёқут ранг ўрнига қул ранг топазни эслата бошлади.

Портос кўнгли тортмайгина ўзига тегишли товуқ қанотини еди-ю, стол остида тиззасига прокурор хонимнинг тиззаси суйкаганини сезиб сесканиб тушди. У ҳам бу ерда шунчалар қадрлангувчи ушбу шаробдан ярим стакан ичиб кўрди-ю, таъби нозик кишиларнинг жон-понини чиқаргувчи бадхўр монрейл ичимлигини таниди.

Метр Кокнар унинг бу суюлтирилмаган шаробни отишига қараб хўрсиниб қўйди.

– Ловияга қаранг, Портос бўла, – деб Кокнар хоним шундай бир оҳангда гапирдики, унинг: «Гапимга ишонинг, емай қўя қолинг», – деган маъноси равшан эди.

– Астаффурулло, қўл ҳам тегизмасман ўша ловияга! – аста тўнғиллаб қўйди Портос.

Ҳамда баралла илова қилди:

– Ташаккур сизга, бўла, тўйиб қолдим.

Ўртага сукут чўкди. Портос бу ёғига нима қиларини билмас эди. Прокурор бир неча бор такрорлади:

– Оҳ, Кокнар хоним, ташаккур сизга, сиз бизга чинакам зиёфат бердингиз. Ё тавба, бирам тўйиб кетдимки!

Бутун тамадди асносида метр Кокнар бир коса шўрва, иккита қора товуқ оёғи-ю оз-моз гўшти мавжуд бирдан-бир қўй устихонини тановул қилди.

Портос бунни масхара деб ўйлаб, энди мўйловларини бураб, қовоқларини уя бошлаган эди ҳамки, бироқ Кокнар хонимнинг тиззаси унга астагина сабр-қаноат қилишни маслаҳат берди.

Портос учун мутлақо мавҳум бу сукут-у, тамадди орасидаги танаффуснинг мирзалар учун аксинча ёмон маъноси бор эди: улар прокурорнинг Кокнар хоним табасуми билан чўчитилган нигоҳига бўйсуниб, шошмасдан столдан қўзғалдилар, янаям имиллаб дастмолларини тахладилар-да, таъзим қилиб эшик сари юрдилар.

– Боринглар, йигитлар, ишлагани боринглар, иш овқатнинг ҳазм бўлишига фойдаси бор, – дея уларга салобат билан гапирди прокурор.

Мирзалар кетган замон Кокнар хоним турди-да, жовондан бир парча пишлоқ, беҳи мураббоси ва шахсан ўз қўли билан тайёрлаган асаллик бодом пирогни олди.

Бунча ноз-неъматни кўриб метр Кокнар беихтиёр тумтайди, бу ноз-неъматни кўриб Портос тушликсиз қолганини фаҳмлаб, тилини тишлаб қолди.

У ловия ҳали столда турибдими-йўқми, деб қараб қўйди, лекин ловия лагани билан ғойиб бўлганди.

– Ахир, бу чинданам зиёфат-ку! – креслосида ғимирлаб қичқирди метр Кокнар. – Зиёфатнинг ўзи, эпуплае эпупларум. Лукулл Лукуллникида зиёфат-да.

Портос бир амаллаб шароб, нон ва пишлоқ билан овқатланиб оларман, деган умидда ёнида турган шишага кўз ташлади, аммо шароб жойида йўқ – шиша бўш эди. Жаноб Кокнар билан хоним ўзларини бунни пайқамаганга солиб ўтиравердилар.

«Жуда соз, – кўнглидан кечирди Портос, – лоақал огоҳ этилдим...»

У мураббодан бир қошиқча оғзига солди ва Кокнар хонимнинг ёпишқоқ хамирига тишларини ботириб олди.

«Қурбон берилди, – деди у ўз-ўзига. – О, кошки эди Кокнар хоним билан унинг эрининг жавонини бир кўриш илинжим бўлмаса!»

Жаноб Кокнар ўзи майшат деб атаган шоҳона зиёфатдан ҳузур қилиб, истироҳатга эҳтиёж сезиб қолди. Портос бу истироҳат дарҳол ва шу ернинг ўзида юз беради деб умид қилган эди, лекин лаънати прокурор бу ҳақда эшитишни ҳам истамасди; уни кабинетига элтиб қўйишга тўғри келди ҳамда ўз жовонининг ёнида зоҳир бўлиб, ўта хотиржамлик учун то унинг чеккасига оёғини қўйиб олмагунча бақираверди.

Прокурор хоним Портосни кўшни хонага бошлаб кетди ва бу ерда яраш учун замин ҳозирлаш ҳаракатлари бошланди.

– Сиз ҳафтада уч марта овқатлангани келишингиз мумкин, – деди Кокнар хоним.

– Қуллуқ, – жавоб қилди Портос, – лекин мен бирор нарсани сунистеъмом қилишни ёқтирмайман. Бунинг устига мен аслаҳа-анжом хусусида бош қотиришим лозим.

– Ҳа-я, – инграб юборди прокурор хоним, – ўша лаънати аслаҳа-анжом хусусида.

– Таассуфки, гап шунақа, – таъкидлади Портос, – аслаҳа-анжом хусусида.

– Ҳўш, полкингизда аслаҳа-анжом нималардан иборат бўлади, жаноб Портос?

– О, кўп нарсалардан, – деди Портос. – Маълумингиздек, мушкетёрлар сара лашкарлардир, бинобарин уларга на гвардиячилар ва на швейцарияликларга даркор бўлмаган талай нарсалар талаб этилади.

– Қандай нарсалар, ахир? Менга уларни санаб беринг.

– Ҳўш, буни пулга чаққанда... – гап бошлади таркибий қисмлардан кўра яхлит ҳаммаси ҳақида тортишишни афзал кўрган Портос.

Прокурор хоним титраб-қақшаб давомини кутарди.

– Қанча пулга? – сўради у. – Умид қиламанки пули...

У тўхтаб қолди, унинг дами чиқмай қолган эди.

– Йўғ-эй, – деди Портос, – пули икки ярим минг ливрдан ошмайди. Ҳаттоки, бирмунча иқтисод қилиб, икки минг ливрни эпларман деб ўйлайман.

– Вой, шўрим! – қичқириб юборди у. – Ахир, бу бутун бошли бисот-ку!

Портос афтани маънодор қилиб буриштирди, Кокнар хоним ҳам буни фаҳмлади.

– Мен аслаҳа-анжомларингиз нималардан иборатлигини шу важдан суриштиряпманки, – изоҳ берди у, – менинг савдо оламида қариндошлару мижозларим кўп, сизга зарур нарсаларни сизнинг ўзингиздан икки баравар арзон қўлга киритишим мумкинлигига ишончим бор.

– Э, гап бу ёқда денг! – деди Портос. – Бу бошқа гап.

– Бўлмасам-чи, азизим жаноб Портос! Демак, биринчи гада сизга от талаб этилади, шундай эмасми?

– Ҳа, от.

– Жуда соз! Менда худди кўнглингиздаги нарсанинг ўзи бор.

– Шундай денг! – гул-гул очилиб деди Портос. – Демак, от масаласи бир ёқли бўлди. Сўнгра менга яна тўла жабдуқ даркор, лекин у шундай нарсалардан иборатки, уларни фақат мушкетёрнинг ўзи харид қилиши мумкин. Дарвоқе, булар уч юз ливрдан қимматга тушмайди.

– Уч юз ливрдан-а! Илож қанча, майли уч юз ливр бўлса бўла қолсин, хўрсиниб гапирди прокурор хоним.

Портос кулимсираб қўйди. Китобхоннинг ёдидаки, унда герсог Бэкингем томонидан тортиқ этилган эгар бор эди, хуллас, у кўнглида бу уч юз ливрни шунчаки чўнтагига солиб қўя қолишни чўтламоқда эди.

– Бундан кейин, – гапини давом эттирди у, – хизматкорим учун от, мен учун эса – чамадон кетади. Қурол-яроғга келганда, сиз бу ҳақда хавотирланмасангиз ҳам бўлаверади, у менда бор.

– Хизматкорга отми? – иккиланиб такрорлади прокурор хоним. – Биласизми, дўстим, буниси ортиқча даҳмаза.

– Шундайми, ҳали хоним! – кеккайиб гапирди Портос. – Мени бирор гадой деб уйлаётган бўлманг тагин?

– Йўғ-эй! Мен фақат айтмоқчи эдимки, гоҳи маҳаллар келишган хачир отдан қолишмайди, назаримда, мушкетёрга чиройли бирор хачирнинг эвини қилсак...

– Бўлди, чиройли хачир бўла қолсин, – деди Портос, – гапингиз тўғри, бутун маияти хачир миниб юрган жуда кибор испан аслзодаларини мен ўзим кўрганман. Лекин унда ўзингизни ҳам ақлингиз етади, Кокнар хоним, бу хачир жиға ва шақилдоқлар билан яса тилмоғи шарт.

– Кўнглингиз тўқ бўлсин, – деди прокурор хоним.

– Энди чамадон масаласи қолди, – гапини давом этди Портос.

– О, бу ҳам сизни ташвишга солмаслиги керак! – деди баланд овоз билан Кокнар хоним. – Эримнинг беш ё олтита чамадони бор, энг яхшисини танлаб олаверинг. Саёҳат қилганда у биттасини олиб юришни айниқса яхши кўрарди: у шундай каттаки, унга оламдаги ҳамма нарса бемалол сиғади.

– Бундан чиқди, ўша чамадон бўш экан-да?– соддадиллик билан сўради Портос.

– Албатта, бўш-да, – худди шундай гўллик билан жавоб берди прокурор хоним.

– Азизам, ахир менга чамадон бутун ичидаги нарсалари билан керак-да! – қичқирди Портос.

Кокнар хоним яна оҳ-воҳларини бошлади. У пайтлар Молер ўз «Хасис»ини ҳали ёзганича йўқ эди. Шу йўсин Кокнар хоним Гарпагоннинг ўтмишдоши бўлиб қолди.

Хулласи калом, аслаҳа-анжомнинг қолган қисми худди шундай муҳокамадан ўтди ва кенгаш натижасида прокурор хоним пул билан саккиз юз ливр тўлаш-

ни ҳамда шон-шараф йўлида Портос билан мушкетонларни олиб юриш шарафига ноил бўлажак от билан хачирни таъминлашни ўз зиммасига олди.

Шу шартларни ишлаб чиққач, Портос Кокнар хоним билан хайр-маъзур қилди. Рост, буниси унга нозу карашмалар қилиб, олиб қолишга уриниб кўрди, лекин Портос хизмат юмушларини баҳона қилди-ю, прокурор хоним ноилож унинг қиролга ён беришига тўғри келди.

Мушкетёр уйга оч ва таъби хира бўлиб қайтди.

III

Каниз ва соҳиба

Бу орада биз юқорида айтиб ўтганимиздек, д'Артаньян виждон азоби-ю, Атоснинг оқилона маслаҳатларини юз-хотир қилмасдан соат сайин миледи-га тобора кўпроқ ошиғу беқарор бўлиб борди. Шу босидан уникага ҳар кун қатнар экан, мард гасконлик йигит эртами-кечми рўйхуш беришига комил ишонч билан унинг кўнглини овлайверди.

Кунлардан бир кун ҳар нарсага қодир кишининг сиёқида жуда аъло кайфиятда ташриф буюриб, у дарвозахонада каниз билан тўқнашиб қолди; бироқ бу дафъа хушрўйгина Кетти йўл-йўлакай унга суркалиб ўтиш билан чекланиб қолмади, у меҳр билан йигитнинг кўлидан ушлади.

«Жуда яхши! – хаёлидан кечирди д'Артаньян. – У соҳибасининг бирор топшириғини менга етказмоқчи бўлса керак... Ҳозир у миледи ўзининг тили бормаган мулоқотга мени мукаллаф этади».

Ҳамда у гўзал қизга ғолибона бир алфозда қараб қўйди.

– Тақсир, сизга бир гапни айтиб қўймоқчи эдим... – гўлдиради каниз.

– Гапир, бўтам, гапир, – деди д'Артаньян. – қулоғим сенда.

– Йўқ, фақат бу ердас: сизга айтмоқчи бўлган гапим ҳаддан ташқари узун, асосийси эса ҳаддан ташқари махфий.

– Нима қиламиз бўлмаса?

– Агарда жаноб кавалер мен билан юришга рози бўлсайди... – деб қўрқа-писа гапирди Кетти.

– Қаёққа десалар майли, гўзал қиз.

– Ундай бўлса, юринг.

Д’Артаньяннинг қўлини қўймай, Кетти уни қоронғи айланма зинадан бошлаб кетди, сўнгра ўн беш чоғли пиллапоядан чиқиб, у аллақандай эшикни очди.

– Кириш, тақсир, – деди у, – бу ер холи, гаплашиб олсак бўлади.

– Бу хона кимники ўзи, паризод? – сўради д’Артаньян.

– Меники, тақсир. Мана бу эшик орқали соҳибамнинг ётоғи билан туташ, лекин миледи бизни эшита олмайди, хотиржам бўлинг, у киши тун ярмидан оғмагунча ҳеч ётмайди.

Д’Артаньян атрофга разм солди. Чоққина, шинам хона дид билан безатилган, ниҳоятда озода, лекин у ғайриихтиёрый равишда, Кеттининг сўзларича, миледи ётоғига олиб киргувчи эшиқдан қўз узолмай қолди.

Кетти йигитнинг кўнглида кечаётган гапларни сездю, хўрсиниб қўйди.

– Бекамни жудаям севар экансиз-да, а, тақсир? – сўради у.

– Нимасини айтасиз, Кетти, буни ифода қилишга тилим ожиз, мажнунман!

Кетти яна хўрсиниб қўйди.

– Буниси жуда чакки бўлипти, тақсир! – деди у.

– Не учун буниси шу қадар чатоқ бўларкан, азбаройи шифо? – сўради у.

– Шу учунки, тақсир, – жавоб берди Кетти, – бекам сизни қилча ҳам севмайди.

– Ҳимм... – деди д’Артаньян. – Сен бу гапни унинг топшириғи билан айтяпсанми менга?

– Йўғ-э, тақсир, йўқ! Мен ўзим сизга раҳмим келганидан бу гапни айтиб қўйишга жазм қилдим.

– Сенга ташаккур, қимматли Кетти, лекин хайрли ниятинг учун, холос, негаки маълумотинг у қадар ёқимли эмас, ўзинг жуда яхши тушунсанг керак.

– Бошқача қилиб айтганда, гапларимга ишонмаяпсиз, шундай эмасми?

– Ақалли ориятдан бундай нарсаларга ишониш мушкул гап, гўзалим.

– Демак, гапимга ишонмаяпсизми?

– Иқрорман, лутф айлаб сўзларингнинг бирор далилини кўрсатмасанг...

– Хўш бунга нима дейсиз?

Кетти корсажи остидан кичкина мактубчани олди.

– Менгами бу?

– Йўқ, ўзга кишига.

– Ўзга кишига?

– Ҳа.

– Унинг номи, номи? – бақириб юборди д'Артаньян.

– Адресига бир қаранг.

– Граф де Вардга.

Ўзбилармон йигитнинг хаёлидан шу замон лип этиб Сен-Жермендаги можаро хотираси кечди. Яшиндай тез ҳаракат билан у қилмоқчи бўлаётган, ёки, тўғрироғи қилиб қўйган ишини кўриб, Кетти фарёд қилганига парво қилмасдан, д'Артаньян мактубни очди.

– Вой шўрим, нима қилганингиз бу, тақсир! – хитоб қилди у.

– Ҳеч нима! – деб жавоб берди д'Артаньян ва мактубни ўқиб чиқди:

«Сиз менинг биринчи хатимга жавоб қилмадингиз. Сизга нима бўлди – тобингиз йўқми ёки де Гиз хонимнинг базмида менга қандай тикилганларингизни фаромуш этдингизми? Мана сизга ғанимат фурсат! Гафлатда қолманг».

Д'Артаньяннинг ранги ўчиб кетди. Унинг иззат-нафси таҳқирланган эди; у муҳаббат ҳақорат этилган деб қарор қилди.

– Бечора, азизим жаноб д'Артаньян! – камоли дардкаш овоз билан йигитнинг қўлини яна қисган кўйи гапирди Кетти.

– Менга раҳминг келяптими, шафқатли гўдак? – сўради д'Артаньян.

– Ҳа, албатта, жону дилим билан! Мен-ку севги нималигини биламан-а!

– Севги нималигини биласанми? – унга илк бор озмоз эътибор билан кўз ташлаб сўради д'Артаньян.

– Ҳа, пешонамининг шўрига!

– У ҳолда менга раҳм қилиш ўрнига бекангдан қасос олиш учун менга кўмаклашиб юборсанг дурустроқ бўларди.

– Ундан қандай қилиб қасос олмоқчи эдингиз?

– Мен ўзимнинг зўрлигимни исботлаб, рақибимнинг ўрнини эгалламоқни истардим.

– Йўқ, тақсир, мен бунга зинҳор кўмаклашмасман!

– жон кириб эътироз билдирди Кетти.

– Не сабабдан?

– Икки сабабдан.

– Чунончи?

– Биринчидан, шу сабабданки, бекам сизни сира севмайди...

– Сен буни қаёқдан билардинг?

– Сиз у кишини ўлгудек ёмон ранжитгансиз.

– Мен-а? Танишган дақиқадан тортиб унинг оёқлари остида бир мўмин қул сингари кун кечираётган бўлсам-у, мен уни қандай ранжитишим мумкин? Қани айт-чи менга, сендан ўтинаман.

– Мен буни ёлғиз бир кишига... кўнглимга қўл солиб кўрган кишига ошкор этаман.

Д'Артаньян Кеттига яна бир карра кўз ташлади. Қиз бирам тароватли, бирам кўҳлик эдики, ман-ман деган

герсогинялар шу ҳусн-у шу кўрк эвазига ўз тожларидан кечган бўлардилар.

– Кетти, – деди у, – қачон десанг майли, кўнглингга қўл солиб кўравераман, бу нарса қочиб кетмайди, та-саддуқ.

Сўнг йигит уни ўпиб олган эди, бундан қиз анордай қип-қизариб кетди.

– Йўқ! – қичқирди Кетти. – Сиз мени севмайсиз! Сиз бекамни севасиз, менга боягина шу гапни айтиб эдингиз.

– Иккинчи сабабни ошкор этишингга ҳали шу гап ҳалал беряптими?

– Иккинчи сабаб, тақсир... – бўсадан сўнг ўзини тутиб олиб ҳамда йигитнинг кўзлари маъносидан дадилланиб гапирди Кетти, – иккинчи сабаб шуки, муҳаббат борасида ҳар ким ўзи учун жон куйдиради.

Ана шундагина, даҳлиз, зина, йўлакдаги тўқнашувлар, ҳар гал Кеттига дуч келганда унинг қўлини суйкалиши, унинг хумор боқишлари, пинҳона оҳу зорлари д'Артаньяннинг ёдига тушди. Кибор хоним кўнглини овлаш орзуси билан бўлиб, у канизни назарига илмаган эди: бургутни кўзлаган киши чумчуққа парво қилармиди.

Бироқ бу дафъа у шунча гўллик ёки худди шунча беҳаёлик билан билдириб қўйган Кеттининг муҳаббатидан ўзи нима манфаат чиқариши мумкинлигига д'Артаньяннинг дарров фаҳми етди: граф де Вардга йўлланган мактубларни қўлга олиш, миледини кузатиш, истаган маҳал бека ётоғи билан туташ Кетти хонасига кириш имконияти. Кўриб турибмизки, бу нарса хоҳ ихтиёрий равишда бўлсин, хоҳ зўрлик билан бўлсин миледининг висолига етмоқ учун инсофсиз йигит ўз хаёлида шўрлик қизни аллақачон қурбон қилди.

– Шундай қилиб, азизим Кетти, – деди у қизга, – менинг муҳаббатимдан гумондасан-у, уни исботлаб беришимни истайсан-а?

– Қайси муҳаббатни айтяпсиз?
– Ўша мен сенга қўймоққа тайёр муҳаббатни-да.
– Хўш, уни қандай қилиб исботлаб берасиз?
– Истайсанми – одатда беканг билан ўтказадиган соатларимни мен бугун сен билан ўтказаман?
– О, албатта, жуда истайман, – деб чапак чалиб юборди Кетти.

– Ундай экан бу ёққа келгин-а, тасаддуқ, – креслога ўрнашиб ўтириб олиб деди д'Артаньян. – Сенга ўзим кўрган-билган чўриларнинг ичида энг сулуви эканлигини айтиб бераман, – ва бу ҳақда у бирам маъноли қилиб илҳомланиб гапирдики, унга ишонишга жуда ташна қиз лаққа тушди-қолди. Дарвоқе, д'Артаньянни танг қолдириб хушрўйгина Кетти аввал бир қадар қатъий турди ва ҳеч бўш келишни истамади.

Ҳужум ва мудофаада вақт билинмай ўтиб кетади.

Ярим кечага занг урилди ва деярли бир пайтда миледининг хонасида ҳам қўнғироқ чалинди.

– Вой ўлмасам! – қичқириб юборди Кетти. – Мени бекам чорлаётир.

– Жўна! Тезроқ жўна!

Д'Артаньян гўё итоаткорона жойидан қўзғалиб, шляпасини олди, лекин зина эшикка йўналиш ўрнига шартта катта жовон эшигини очди-ю, миледининг кўйлак ва тунги либослари орасига беркиниб олди.

– Бу нима қилганингиз? – қичқирди Кетти.

Калитни олишга улгурган д'Артаньян ичидан қулфлаб олди-да, ҳеч қандай жавоб қилмади.

– Хўш! – чинқироқ товуш билан бақирди миледи. – Ухлаб қолдингизми нима бало? Нимага қўнғироқ қилганимда чиқмайсиз?

Д'Артаньян миледи хонасининг эшиги очилганини эшитди.

– Кетяпман, миледи, кетяпман! – бекасининг истиқболига отиларкан қичқирди Кетти.

Улар биргалашиб ётоқхонага кирдилар ва эшик очиқ қолгани сабабли д'Артаньян миледининг ўз чўри-

сини койишда давом этаётганини эшитди; ниҳоят у тинчиди-ю, Кетти унга қарашиб бўлгунча у хусусида – д’Артаньян хусусида гап очилди.

– Негадир бугун оқшом гасконлигимиз кўзимга чапинмади, – деди миледи.

– Вой, хоним, – таажжубланди Кетти, – наҳотки келмаган бўлса? Ҳали иши юришмасдан туриб ҳовлиқиб кетиши ақлга сиғмайди-ку!

– Йўғ-эй! Уни жаноб де Тревилми, ёки жаноб Дезесарми ушлаб қолган чоғи. Мен ўз иқтидоримни билман: буниси мендан қочиб қутулиб бўпти.

– Уни ўзи нима қилмоқчисиз, хоним?

– Нима қиламан?.. Хотиржам бўл, Кетти, мен билан бу одамнинг ўртасида шундай бир нарса борми, бундан унинг ўзи ҳам беҳабар. Ўшанинг касофатига мен падари бузрукворнинг ишончини йўқотиб қўйишимга сал қолди. О, мен ундан қасос оламан!

– Мен бўлсам уни севадиз, деб ўйлаб юрибман.

– Уни севаман?.. Уни кўрарга кўзим йўғ-у! Лорд Винтернинг жонини қўлига олиб туриб, уни ўлдирмаган-а, овсар, ўшани деб мен уч минг ливр рентадан қуруқ қолдим.

– Рост-а, – деди Кетти, – ўғлингиз ўз амакисининг бирдан-бир меросхўри-ку, у балоғат ёшига етгунча унинг бисоти ихтиёрингизда бўларди.

Бу фариштадек нарса ўзининг дўстона илтифот нишоналари билан кўмиб юборувчи одамни ўлдирмаганидан унга айб тақаётганини эшитиб ва одатда кибор суҳбатда усталик билан юмшатишувчи бу чинқироқ товушдан д’Артаньян типирчилаб қолди.

– Кардинал уни аяшни менга амр қилмаганда борми, бунинг сабабини ўзим ҳам билмайман, – гапида давом этди миледи, – мен ундан аллақачон ўчимни олган бўлардим...

– Ҳа! Бироқ у ошиқ бўлган атторнинг ёшгина хотинига шафқат қилмадингиз-ку, хоним.

– Ҳа, ҳалиги Гўрковлар кўчасидаги аттор аёлни-да. Бироқ гап аёлнинг бор-йўқлиги аллақачон унинг хаёлидан чиқиб кетди-ку. Ростини гап, ажабтовур қасос бўлди бу!

Д’Артаньяннинг манглайи жиққа терга ботиб кетди: чинанам антиқа эди бу аёл.

У тинглашда давом этарди, лекин бахтга қарши пардоз тугаб қолди.

– Энди, – деди миледи, – ўз бўлмангизга жўнанг-да, эртага сизга берган мактубимга, ниҳоят, жавоб олишга ҳаракат қилинг.

– Жаноб де Вардданми? – сўради Кетти.

– Бўлмасам-чи, жаноб де Варддан-да.

– Мана, уни шўрлик жаноб д’Артаньянга асло ўхшамайдиган киши деса бўлади, – деди Кетти.

– Киришинг, азизим, – қувватлади миледи, – мен ортиқча мулоҳазаларни ёмон кўраман.

Д’Артаньян эшикни қарсиллаб ёпилгани, икки илгак шарақлаганини эшитди – ичкаридан миледи ёпиб олган эди; Кетти ҳам иложи борича камроқ шовқин чиқаришга тиришиб эшикни калит билан қулфлади; д’Артаньян шундагина жовоннинг эшигини очди.

– Вой ўлай! – шивирлади Кетти. – Сизга нима бўлди? Бирам оқариб кетибсизки!

– Пасткаш махлуқ! – тўнғиллади д’Артаньян.

– Секинроқ, секинроқ! Кетинг! – деди Кетти. – Менинг хонам миледининг ётоғидан юпқа тўсиқ билан ажратилган, холос, ҳар бир сўз у ерда эшитилиб туради!

– Мана шунинг учун ҳам кетмайман-да, – деди д’Артаньян.

– Яъни бу нима деганингиз? – қизариб сўради Кетти.

– Ёки кетаман, лекин... кейинроқ.

У Кеттини оғушига тортди. Қаршилиқ қилишнинг иложи йўқ эди, олишганда тўс-тўполон кўтарилиши турган гап. Кетти ён беришга мажбур бўлди.

Бу миледига қарши қаратилган интиқом жазаваси эди. Қасоснинг лаззати бўлади дейишади, д'Артаньян ҳам бунга ишонч ҳосил қилди. Борди-ю, унда ҳақиқий ҳис-туйғудан ақалли оз-моз бўлганда эди, у бу янги ғалаба билан қаноатланиб қўя қоларди, лекин уни фақат орияту иззатталаблик идора қилмоқда эди.

Бироқ буни д'Артаньяннинг шаънига айтиб ўтмоқ лозим – ўзининг Кеттига таъсирини у даставвал Бонасе хонимнинг ҳоли не кечганини суриштириб билмоқ учун ишлатди. Шўрлик қиз хочни ўртага солиб бу хусусда ҳеч нима билмайман, деб қасам ичди. Ҳақиқатда ҳам бекаси унга ўз сир-асрорининг учини чиқарарди, холос; лекин у Бонасе хонимни ҳаёт деб қатъий ишонч билдирди.

Шунингдек, Кетти не сабабдан миледи кардиналнинг ишончидан маҳрум бўлиб қолаёзганидан ҳам хабари йўқ эди, лекин бу борада д'Артаньян ундан кўра дурустроқ воқиф эди: ўзи Англияни тарк этаётган дақиқада тўхтатилган кемаларнинг бирида унинг миледига кўзи тушган бўлиб, гап олмос шокилалар хусусида бораётганига у шубҳа қилмаганди.

Аммо ҳамма нарсадан ҳам шуниси равшан эдики, миледининг унга д'Артаньянга нисбатан томир отган ҳақиқий чуқур нафрати унинг лорд Винтерни ўлдирмаганидан келиб чиққан эди.

Келаси куни д'Артаньян яна миледи ҳузурига ташриф буюрди. Миледи бағоят бузуқ кайфиятда эди, д'Артаньян бунинг боиси жаноб де Вард жавобининг ҳамон дараги йўқлигидан деб билди. Кетти кириб келди, лекин миледи унга жуда кўпол муомалада бўлди. Кеттининг д'Артаньянга ташлаган нигоҳи: «Мана кўрдингизми, сизни деб мен нималарга дош беряпман!» – деб турарди.

Бироқ оқшом пировардида арслонфеъл соҳибжамол юмшади: у д'Артаньяннинг назокатли изҳори-дилларини табассум билан тинглаб ўтирди ва ҳатто қўлидан бўса олишга изн берди.

Д'Артаньян унинг ҳузуридан нима ўйларини билмасдан чиқди, лекин бу йигит салга бошини йўқотиб қўядиганлар хилидан эмасди ва миледи кўнглини овлаб юрган қўйи у хаёлида бир кичик режа чизиб қўйди.

Эшик тагида у Кеттига дуч келди ва худди кечаги кундаги сингари унинг бўлмасига қўтарилди. У миледининг Кеттини қаттиқ қойигани ва тепса-тебранмаслиги учун унга дакки берганидан хабар топди. Миледи граф де Вард сукутининг тагига етолмасдан қизга эрталаб соат саккизда учинчи мактубни олгани ҳузурига киришни буюрди.

Д'Артаньян Кеттидан ўша мактубни индинига ўзига келтириб бериш учун сўз олди, бояқиш хуштори неки талаб этган бўлса, ҳаммасига рози бўлди: унинг тамоман боши айланиб қолган эди.

Бари худди кечагидаги сингари кечди: д'Артаньян жовонда яшириниб олди, миледи Кеттини чақирди, пардоз-андоз қилиб бўлиб, Кеттини чиқариб юбордида, эшикни қулфлаб олди. Д'Артаньян уйига ўтган сфардаги сингари саҳар соат бешда қайтиб келди.

Соат ўн бирда унинг уйига Кетти келди; қўлида миледининг янги хати. Бу дафъа бояқиш пом-лим демасдан уни д'Артаньянга топширди. Ва нима қилса-қилсин деб уни ўз ҳолига қўйди: энди у жон-тани билан ром этган хушсурат аскарлари ҳукмида эди.

Д'Артаньян мактубни очиб, қўйидаги сатрларни ўқиб чиқди:

«Шу билан сизни севаман деб учинчи дафъа ёзишим. Эҳтиёт бўлинг, тўртинчи дафъа сизни ёмон кўраман деб ёзиб қўймай тагин.»

Агар хатти-ҳаракатингиздан пушаймонда бўлсангиз, сизга тарбия кўрган одам қай тарзда гуноҳини ювиши мумкинлигини шу мактубни топширажак қиз айтиб қўяди».

Д'Артаньян бу мактубни ўқир экан, дам қизариб, дам бўзарар эди.

– О, сиз ҳалиям уни севасиз! – қичқиб юборди бир зум ҳам йигитдан кўзини узмаган Кетти.

– Йўқ, Кетти, сен янглишяпсан, мен уни ортиқ севайман, лекин мени менсимагани учун ундан қасос олмоқчиман.

– Ҳа, биламан, қасосингиз қандай бўлишини, буни менга айтган эдингиз.

– Сенга барибир эмасми, Кетти! Ёлғиз сени севишимни ўзинг биласан-ку, ахир.

– Бу нарсани билиб бўлармишми?

– Унга қандай муомала қилишимни кўрганингдан кейин билиб олсан.

Кетти хўрсиниб қўйди.

Д'Артаньян пат қаламни олди-да, ёзиб берди:

«Хоним, шу тобгача сизнинг дастлабки икки мактубингиз ҳақиқатан менга аталганига шубҳам бор эди, негаки, ўзимни бу тариқа шарафга мутлақо номуносиб деб ҳисоблардим; бунинг устига бирам бетоб эдимки, сизга жавоб ёзишга барибир жазм қилолмасдим.

Бироқ бугун сизнинг лутфи карамингизга ишонишга мажбурман, негаки, мактубингиз тугул чўрингиз ҳам севилиш бахтига ноиллигимни таъкидлаб турибди.

Тарбия кўрган киши қай тарзда ўз гуноҳини ювиши мумкинлигини унинг менга ўргатишига ҳожат йўқ. Хуллас, шу бугун соат ўн бирда мен ўзим гуноҳимдан ўтишингизни тавалло қилгани бораман. Ташрифни лоақал бир кун пайсалга солиш – энди наздимда сизнинг шаънингизга янги ҳақорат бўларди.

Бандаларнинг энг бахтиёри

Граф де Вард».

Бу мактуб аввало сохта эди, сўнгра у кўпол эди, бизнинг замонамиз юриш-туришлар нуқтайи назаридан эса, шунчаки, таҳқирли эди, лекин у даврда одамлар ҳозиргидан анча кам такаллуф қилардилар. Бунинг устига д'Артаньян миледининг шахсий эътирофларидан анча муҳимроқ ишларда унинг хоинликка қодир-

лигини билар ва унга бўлган ҳурмати ғоят юзаки эди. Лекин шунга қарамасдан аллақандай телбаларча бир эҳтирос – ошуфта қилгувчи нафрат билан омухта бир иштиёқ, лекин барибир эҳтирос ёки истасангиз унинг васлига ташналик уни шу аёл сари суриб борарди.

Д’Артаньяннинг режаси жўн эди: Кеттининг бўлма-сидан унинг бекаси хонасига кириш ва дастлабки та-ажжуб, андиша ва саросима дақиқасидан ғалаба қозониш учун фойдаланиб қолиш. Унинг омади кел-маслиги ҳам мумкин эди, лекин... жондан кечмасанг, жонона қайда. Бир ҳафтадан сўнг юриш бошлани-ши керак, жўнаб кетиш зарур эди – хуллас, ишқий можорони чўзиб ўтиришга д’Артаньяннинг вақти йўқ эди.

– Ол, – елимланган мактубни Кеттига узатаркан деди д’Артаньян, – бу мактубни миледига бериб қўй: бу жа-ноб де Варднинг жавоби.

Шўрлик Кеттининг ранги қув ўчиб кетди: номадаги гапларга унинг ақли етиб турарди.

– Қулоқ сол, жоним, – деди унга д’Артаньян, – ўзинг-дан қолар гап йўқ, шу тарздами ёки ўзгачами – бу иш-нинг ҳаммаси барҳам топиши керак. Биринчи мактуб-ни граф де Варднинг хизматкорига эмас, менинг хиз-маткоримга бериб юборганингдан, миледи жаноб де Вард очиши лозим бошқа мактубларни мен очганим-дан хабар топиб қолиши мумкин. Унда миледи сени ҳайдаб юборади, уни ўзинг биласан-ку, ахир, – у қасо-сини шу билан чеклайдиган аёл эмас.

– Аттанг! – жавоб берди Кетти. – Кимни деб бу-ларнинг ҳаммасига рози бўлдим?

– Мени деб, буни жуда яхши биламан, гўзалим, – жавоб қилди йигит, – амин бўлки, мен сендан жуда миннатдорман.

– Мактубингизда ўзи нималар ёзилган?

– Буни сенга миледи айтиб беради.

– О, сиз мени севмайсиз! – қичқириб юборди Кет-ти. – Нақадар бадбахтман-а!

Бу таънага шундай бир жавоб борки, бу ҳамиша аёлларга панд бериб келади. Д'Артаньян ҳам шу тахлит жавоб қилдики, Кетти ҳақиқатан жуда йироқлашиб кетди.

Рост, мактубни миледига беришга қарор қилгунча у узоқ йиғи-сиғи қилди, лекин оқибат бир қарорга келиб кўнди. Д'Артаньян талаб этган бор нарса ҳам шу эди, холос.

Шундан сўнг, д'Артаньян беканинг ҳузуридан эрта кетишга, бека ҳузуридан қайта туриб эса, қизнинг олдига келишига ваъда қилди.

Бу ваъда эса бечора Кеттига тамоман тасалли берди.

IV

Бунда Арамис ва Портоснинг аслаҳа-анжомни хусусида сўз юритилади

Тўрт оғайни аслаҳа-анжом қидириш ҳаракатига тушган пайтдан бери мунтазам йиғилиб туришларини қанда қилиб қўйган эдилар. Уларнинг ҳар бири ўз ҳолича дуч келган жойда ёки тўғрироғи қулай келган жойда тамадди қилардилар. Хизмат юмушлари ҳам тутқич бермай ўтиб кетаётган ғанимат фурсатларнинг бир қисмини банд қилиб қўярди. Бироқ ҳафтада бир марта соат бирларда Атоснинг хонадонида учрашиб туриш шартлашилган эди, негаки у ўз қасамига вафо қилиб уйдан чиқмасди.

Уша, Кетти д'Артаньянникига келган кун айни оғайнилар йиғини қуни эди.

Кетти кетган замон д'Артаньян Феру кўчасига йўл олди.

У Атос билан Арамиснинг файласуфона суҳбати устидан чиқиб қолди. Арамис яна жуббани кийишни ўйлаб қолган эди. Атос одатича уни айнитмас, лекин рағбатлантормас ҳам эди. У ҳар кимсанинг ҳаракат эрки ўзида, деган фикрда турарди. У ўз маслаҳатлари-

ни фақат илтимос қилишган пайтларда ва яна ҳолжонига қўймаганларидагина берарди.

– Одатда, одамлар маслаҳат сўраб, – деб юради Атос, – фақат унга амал қилмаслик учун мурожаат этишади, борди-ю, битта-яримтаси маслаҳатга риоя қилган тақдирда ҳам кейинчалик таъна қилгудек бўлсин учун шундай қилишади.

Д’Артаньян кетидан Портос келди. Шундай қилиб, тўрт оғайни жам бўлди.

Тўрт чехра тўрт хил турли ҳис-туйғуни: Портоснинг юзи хотиржамликни, д’Артаньяннинг юзи – умидворликни, Арамиснинг юзи – хавотирни, Атоснинг юзи беғамликни ифодалаб турарди.

Бу пайт Портос фалон юқори мартабали хоним уни мушкул аҳволдан қутқаришни ихтиёр этиб қолганини шаъма қилиб улгурган бир дақиқалик суҳбатдан сўнг Мушкетон кириб келди.

У Портосни уйга чорлаб келганди, унинг аянч қиёфада маълум қилишича, у ерда соҳибининг ҳозир бўлиши ошиғич зарур эди.

– Бу менинг яроғ-аслаҳам важҳидами? – сўради Портос.

– Ҳаям, йўғам, – жавоб берди Мушкетон.

– Ахир, айта қолсанг бўлмайдимиз?

– Юринг, тақсир юра қолинг.

Портос ўрнидан турди, дўстлари билан хушлашиб, Мушкетонга эргашди. Орадан бир дақиқа ўтгач, бўсағада Базен пайдо бўлди.

– Тақсир уйда сизга бир одам кўз тутиб ўтирибди.

– Сизга нима керак, дўстим? – ҳар сафар хаёл черковга қайта таважжуҳ қилганда пайдо бўлгувчи ўша мулойим товуш билан сўради Арамис.

– Тақсир, уйда сизга бир киши мунтазир, – жавоб берди Базен.

– Бир киши?.. Қандай киши?

– Қандайдир гадой.

– Унга садақа қилинг, Базен ва айтингки, бечора гуноҳкор банда ҳақиға дуо ўқиб қўйсин.

– Бу гадой сиз билан албатта гаплашмоқчи, мени кўрса хурсанд бўлади, деб ишонтирмоқда.

– Менга бирор гапни айтиб қўйишни сўрамади-ми?

– Ҳа, «Мабодо жаноб Арамис мен билан кўришгани келишни хоҳламаса, – деди, – у кишига менинг Турдан келганимни маълум қилинг».

– Турдан! – қичқириб юборди Арамис. – Минг бор узр жаноблар, аммо, афтидан, бу киши мен кутган хабарларни келтирган кўринади.

У стулдан дик этиб туриб, шоша-пиша хонадан чиқиб кетди.

Атос билан д'Артаньян икковлон қолдилар.

– Бу шоввозлар ишларини бир ёқли қилдилар, шекилли. Нима дейсиз, д'Артаньян? – сўради Атос.

– Портоснниг ҳамма ишлари соз кетаётгани менга маълум, – деди д'Артаньян, – Арамисга келганда эса, ростини айтсам, мен ҳеч қачон у хусусида чинакамига хавотирланган эмасман. Аммоки сиз, азизим Атос... инглизнинг пистолларини саховат билан улашиб юбордингиз, у сизнинг ҳаққингиз эди, хўш энди нима қиласиз?

– Дўстим, мен ўша такасалтангни ўлдирганимдан мамнунман, негаки, инглизни ўлдирмоқ – савоб иш, лекин унинг пистолларини чўнтагимга урганим-да борми, минбаъд кечирмасдим ўзимни.

– Қўйинг-э, муҳтарам Атос! Гапнинг очиғи, тушунчаларингиз алланечук, ақлга тўғри келмайдиган.

– Майли, бас бу хусусда!.. Кеча лутф айлаб мени йўқлаган жаноб де Тревиль сизни кардинал шафёлик қилгувчи аллақандай инглизларникида бот-бот бўлиб туради деб айтди. Шу гап ростми?

– Ростлиги шундан иборатки, мен бир инглиз аёлиникида бўламан, у хусусида мен сизга аллақачонлар гапириб берганман.

– Ҳа-я, сарғишдан келган аёлникида, унинг борасида мен сизга қатор маслаҳатлар берувдим ва, албатта, бекор қилдим, негаки уларга амал қилишни сиз ҳаёлингизга ҳам келтириб қўймадингиз.

– Мен сизга ўз дастакларимни айтдим.

– Ҳа, ҳа. Бу нарса аслаҳа-анжом харид қилишингизда сизга ёрдам беришини айтгандингиз, шекилли.

– Бўлмаган гап! Мен бу аёл Бонасе хонимни ўғирлашда иштирок этганини тасдиқлаб олдим.

– Тушунаман. Бир аёлни излаб топиш учун сиз бошқа бирига ишқибозлик қиласиз: бу йўл энг узуню, лекин шу билан бирга энг кўнгиллиси ҳам.

Д’Артаньяннинг Атосга бор гапни тўкиб солишига сал қолди, аммо бир жиҳат уни жиловлади: Атос орият масалаларида инжиқ эди, бизнинг ошиқ чўтлаган ва миледиға қарши қаратилган кичик режада эса шундай икир-чикирлар мавжуд эдики, улар бу порсо томонидан рад этилган бўлурди, д’Артаньяннинг илгаридан бунга ишончи комил эди; мана шу сабабдан у индамай қўя қолишни афзал кўрди. Атос эса оламда энг бефарқ одам бўлгани учун д’Артаньяннинг ростгўйлиги бундан нарига ўтмади.

Хуллас, бир-бирига айтгудек унчалик муҳим ҳеч гапи бўлмаган икки дўстни биз тарк этайлик-да, Арамис кетидан эргашайлик.

Ўзи билан сўзлашмоқчи бўлган киши Турдан келганини эшитгач, йигит қандай шошқалоқлик билан Базеннинг кетидан отилганини ёки тўғрироғи унинг олдига тушиб олганини биз кўрдик; бир ҳатлашда у Феру кўчасидан Вожирар кўчасига ошиб ўтди.

Уйга киргач, у чиндан ҳам нигоҳлари маъноли, устбоши эса чувринди, дуварак кишини топди.

– Мени сўраган сизмисиз? – деди мушкетёр.

– Мен жаноб Арамисни сўраган эдим. Ўша киши сизмисиз?

– Ўзгинасиман. Сиз менга бирор нарса топширингиз зарурми?

– Ҳа, аввало сиз менга бир кашталиқ рўмолчани кўрсатсангиз.

– Мана у, – ички чўнтагидан калит олиб ва садаф нақшли қора ёғочдан ясалган қутичани очиб гапирди Арамис. – Мана у, қаранг.

– Яхши, – деди гадой, – хизматкорингизни чиқариб юборинг.

Дарҳақиқат, бу гадойнинг ўз соҳибида нима иши борлигини билишга ошиққан Базен Арамис изидан шошиб, у билан қарийб бир вақтда уйга келган эди, лекин бу зудликнинг унга нафи бўлмади: гадой таклифига биноан соҳиби унга имо билан чиқиб туришни буюрди. Базен ҳам итоат қилишга мажбур бўлиб қолди.

У чиқиб кетгани ҳамон гадой ҳеч ким кўрмаётгани ва эшитмаётганига қаноат ҳосил қилиш истагида атрофга тез кўз югуртириб чиқди-да, чарм фўта билан пала-партиш боғланган чувриндиларини очди ва камзулининг юқори қисмини озгина сўкиб мактуб олди.

Муҳрни кўргач, Арамис севиниб қичқириб юборди, ёзувни ўпиб қўйди ва эҳтиром туйғусидан титроқ босиб, ичида қуйидаги сатрлар баён этилган мактубни очди:

«Биродар, яна бирмунча муддат айрилиқда юриш тақдирда бор экан, лекин фараҳли ёшлиқ кунлари узил-кесил қўлдан кетгани йўқ. Ўз бурчингизни қароргоҳда ўтайверинг, мен эса бўлак жойда ўтаб турибман. Ушбу мактубни топширгувчи киши беражак нарсани қабул этинг, олижаноб ва довьюрак дворянга шоён тарзда жанг қилинг ва мени ёдингизда сақланг. Сизнинг қора кўзларингизни меҳр билан ўпиб қоламан.

Алвидо, ёки, тўғрироғи дийдор кўришгунча!»

Бу орада гадой камзулини сўкишда давом этмоқда эди; у имиллаб, ўзининг чиркин увадалари ичидан бир юз элликта иккитали испан пистолини чиқарди-да, уларни стол устига тўқди, эшикни очиб, таъзим қилди-

да, карахт турган Арамис унга ақалли бир оғиз сўз билан мурожаат этишга улгурмасдан ғойиб бўлди.

Шунда йигит мактубни қайта ўқиб чиқиб, унда илова борлигига кўзи тушди:

«Р. С. мактубни топширгувчига муносиб манзират қилинг – бу киши граф ва испан гранди бўлади».

– О, олтин орзулар! – бақирди Арамис. – Ҳа, ҳаёт ширин! Ҳа, ўн гулимиздан бир гулимиз ҳали очилгани йўқ! Ҳа, биз учун ҳали масъуд кунлар келажак! Менинг муҳаббатим, менинг жону жаҳоним, ҳаммаси, ҳаммаси сенга, соҳибжамол маъшуқам – сенга, ёлғиз сенга!

У стол устида ялтираб ётган олтинга қиё ҳам боқмасдан мактубни эҳтирос билан ўпа кетди.

Базен қўрқа-писа эшикни тақиллатди; уни хона ташқарисида тутиб туришга Арамиснинг ортиқ баҳонаси йўқ эди, унинг киришига ижозат берди.

Олтинни кўриб, Базен таажжубдан анқайиб қолди. Атосниқидан кета туриб, ўша гадой дегани қандай одам экан деб билишга қизиқсиниб, йўл-йўлакай Арамисникига учраган д'Артаньяннинг ташрифини хабар қилгани киргани ҳам паққос хаёлидан чиқиб кетди.

Бироқ д'Артаньян хусусида Базен хабар қилишни унутиб қўйганини кўриб, Арамис билан ортиқча мулозамат қилиб ўтирмасдан у ўзи ҳақида ўзи ахборот бериб қўя қолди.

– Ўҳ-ҳў! Азбаройи шифо! – деди д'Артаньян – Мабодо сизга бу олхўрилар Турдан юборилган бўлса, сиздан илтимос, азизим Арамис, уларни етиштирган соҳибкорга менинг таҳсинларимни айтиб қўйинг.

– Сиз янглишяпсиз, дўстим, – эътироз қилди ҳар вақтдагидай писмиқ Арамис, – хув саёҳатимиз пайти бошлаб қўйган бир ҳижоли дostonим учун ноширим юборган гонорар бу.

– Э, гап бу ёқда денг! – деди д'Артаньян. – Нима ҳам дердим, ноширингиз жуда валламат экан, азизим Арамис. Мен сизга айта оладиган бор гапим шу.

– Нима, тақсир, – қичқириб юборди Базен, – ёпирай, достон учун шунча пул тўлашадими? Бўлиши мумкин эмас! О, тақсир, бундан чиқди хоҳлаган нарсангизни уддасидан чиқар экансиз. Сиз худди жаноб де Вуатюр ёки жаноб де Бенсераб сингари машҳур бўлиб кетишингиз ҳам мумкин экан. Буниси ҳам менга маъқул. Шоир дегани бу руҳонийдан сал-пал ёмон, холос. Эҳ, жаноб Арамис, сиздан ўтинаман, шоир бўлиб қўя қолинг!

– Базен, – деди Арамис, – назаримда, суҳбатга ара-лашяпсиз, дўстим.

Базен айбини тушунди; у бошини ҳам қилиб хонадан чиқиб кетди.

– Балли, балли, – табассум билан гапирди д'Артаньян. – Сиз ижод маҳсулингизни олтин баҳосига сотасиз – жуда омадлисиз, дўстим. Фақат эҳтиёт бўлинг, чўнтагингиздан чиқиб турган мактубни йўқотиб қўйманг. У ҳам ноширингиздан бўлса керак.

Арамис қип-қизариб кетди, мактубни ичкарироқ тиқиб қўйди-да, камзулининг тугмаларини қадаб олди.

– Азизим д'Артаньян, – деди у, – келинг дўстларимиз ҳузурига борайлик. Энди мен бойман, бойиш гали сизга келгунча биз ўзимизнинг умумий зиёфатларимизни қайта бошлаймиз.

– Бажонидил! – жавоб берди д'Артаньян. – Кўпдан бери тузук-қуруқ дастурхон юзини кўрмадик. Устига-устак бугун кечқурун анча қалтис хуружим бор, очиғини айтсам, бир-икки шиша эски бургунд шароби билан ўзимни андак қизитиб олсам чакки бўлмайди.

– Эски бургунд шароби ҳам бўлаверади. Мен ҳам унга қарши эмасман, – деди Арамис. Олтинни кўриши билан унинг бу дунёни тарк этиш борасидаги барча хаёллари асар қолдирмай учиб кетганди.

У тириклик ҳожатларга уч ёки тўртта иккиталик пистолни чўнтакка солиб, қолганларини тилсим хизматини ўтагувчи машҳур дастрўмолча ётган садаф нақшли тўқ ранг қутичага қулфлаб қўйди.

Оғайнилар иштиёқ билан Атосникига равона бўлдилар. Ичган қасамига содиқ қолиб Атос зиёфат таомларини уйига келтириб бериладиган қилиб уюштиришга бел боғлади; д'Артаньян билан Арамис унинг пазандачилик икир-чикирларига улкан шинавандалигини билганлари ҳолда, бу муҳим иш ташвишларини бажонидил унинг ўзига қўйиб бердилар.

Улар Портосникига йўл олишди, туйқусдан Бак кўчаси муюлишида тарвузи қўлтиғидан тушиб, хачир билан отни олдига солиб кетаётган Мушкетонни учратиб қолдилар.

– Бу менинг саман тойчоғим-ку! – бир нав қувонч аралаш таажжуб билан қичқирди д'Артаньян. – Арамис, мана бу отга бир қаранг-а!

– О, нақадар расво қирчанғи! – деди Арамис.

– Биласизми, азизим, – гапида давом этди д'Артаньян, – сизга маълум қилишим мумкинки, бу мен Парижга миниб келган отнинг ўзгинаси.

– Ие, тақсир, сиз бу отни танийсизми? – ҳайрон қолди Мушкетон.

– Унинг туси жуда ғалати экан, – гап қистирди Арамис, – умрим бино бўлиб бунақасини биринчи кўришим.

– Бўлмасам-чи! – севиниб кетди д'Артаньян. – Агар мен уни уч эkyога сотган бўлсам, худди туси учун-да, негаки қолган-қутгани учун менга ўн саккиз ливр ҳам тўламаган бўлардилар. Бироқ, Мушкетон, қандай қилиб бу от сенинг қўлингга тушиб қолди?

– Оҳ, сўраб нима қиласиз, тақсир, герсогинямизнинг эри бизга шу хунук ҳазилни қилиб ўтирибди!

– Қандай қилиб ахир, Мушкетон?

– Биласизми, бизга бир кибор хоним хайрихоҳ, герсогиня де... Айтганча, афу этгайсиз, соҳибим номини айтишни менга тақиқлаб қўйган. У арзимаган бир совға – қулинг ўргилсин испан йўрғаси билан қараб кўз тўймайдиган андалуз хачирини қабул этишга бизни мажбур этди. Бундан эри хабар топиб қолиб, бизга

олиб келаётганларида иккала ажойиб жониворни тортиб олиб, йўлда мана шу жирканч ҳайвонлар билан алмаштириб қўйипти.

– Шуларни қайтариб ҳайдаб кетяпман дегин? – сўради д’Артаньян.

– Барака топинг, – жавоб берди Мушкетон, – танангизга ўйлаб қаранг, ваъда этилганларнинг ўрнига биз буларни қабул этолмаймиз-да, ахир.

– Йўқ, албатта, азбаройи шифо, гарчанд Портосни менинг саман айғиримни минган ҳолда жуда кўргим бор эди; бу, Парижга келган пайти мен ўзим кимга ўхшаганим хусусида ўзимга бир мунча тасаввур берган бўлурди. Бироқ биз сени тутиб ўтирмаймиз, Мушкетон. Бор, соҳибингнинг фармойишини бажаравер. У уйдами?

– Уйда, тақсир, – жавоб берди Мушкетон, – лекин жуда дарғазаб, ўзингиздан қолар гап йўқ.

У Улуғ Августинлар соҳили томон юриб кетди, оғайнилар эса ношуд Портоснинг остонасида қўнғироқ қилдилар. Лекин Портос уларнинг ҳовлини кесиб ўтганларини кўриб турган бўлсаям, эшикни очишни хоҳламади. Уларнинг уриниши натижасиз қолди.

Бу орада Мушкетон иккала қирчанғини олдига солиб йўлида кетаверди ҳамда Янги кўприқдан ўтгач, Айиқ кўчасига етди. Бу ерда соҳибининг фармойишларига амал қилиб, у от билан хачирни прокурор уйининг эшик болғачасига боғлаб қўйди-да, уларнинг эндиги қисмати тўғрисида бош қотирмасдан Портос ҳузурига қайтиб, унга топшириқ адо этилганини маълум қилди.

Орадан бирмунча вақт ўтгач, нақ саҳардан бери қантарилган шўрлик ҳайвонлар эшик болғачасини тортиб, бирам шовқин сола бошладиларки, прокурор кичик мирзага кўчага чиқишни ва қўни-қўшнилардан бу от билан хачир кимга қарашли эканлигини суриштиришни топширди.

Кокнар хоним ўз тортиғини таниди-ю, дастлаб уларнинг қайтарилишининг маъносига етмади, лекин ҳадемай Портоснинг ташрифи унга ҳаммасини изоҳлаб берди. Йигит ўзини қўлга олишни ҳар қанча истаса-да, кўзларида ғазаб чақнаб, таъсирчан маҳбубасининг қутини ўчириб юборди. Гап шундаки, Мушкетон ўз соҳибидан д'Артаньян ва Арамис билан учрашганини яширмаган ҳамда д'Артаньян малла отни ўзи Парижга миниб келган ва уч экюга сотиб юборган беарн айғирлигини таниб қолганини унга сўзлаб берган эди.

Прокурор хонимга Сен-Маглуар монастири ёнида мулоқот тайинлаб, Портос хайр-маъзур қилди. Унинг кетаётганини кўриб, прокурор уни тушликка таклиф этди, лекин мушкетёр энг маҳобатли бир алфозда бу таклифни рад қилди.

Кокнар хоним Сен-Маглуар монастири ёнига юраги дов бермай ташриф буюрди. Ўзини у ерда таъналар кутажагини у олдиндан билиб турарди, лекин Портоснинг кибор қилиқлари унга жуда кучли таъсир қилди.

Орияти келган эркак киши аёл бошига неки лаънату таъналарни ёғдириши мумкин бўлса, ҳаммасини Портос прокурор хонимнинг эгик бошига тўкиб солди.

– Тавба-ей! – деди прокурор хоним. – Қўлимдан нима келса, мен ҳаммасини қилдим. Миждозларимиздан бири от олиб сотади. Унинг идорамиздан пул қарзи бор эди-ю, тўлашни истамасди. Мен бу хачир билан отни ўша қарз эвазига олувдим. У менга нақ қиролга муносиб отларни ваъда қилиб эди.

– Билиб қўйингки, хоним, – деди Портос, – башарти ўша қаллобнинг сиздан беш экюдан зиёд қарзи бор экан, у ўғрининг ўзи.

– Арзонроқ нарсани қидириш ҳеч кимга тақиқланмаган-ку, ахир, жаноб Портос, – ўзини оқлашга уриниб эътироз билдирди прокурор хоним.

– Бу гап рост, хоним, лекин кимки арзон-гаров нарсанинг пайига тушган экан, у бошқа бировларнинг ҳам саховатли дўстлар қидиришига изн бериши керак.

Портос кетишга чоғланиб тескари ўгирилиб олди.

– Жаноб Портос! Жаноб Портос! – қичқирди прокурор хоним. Мен гуноҳкорман, буни тан оламан Сиз сингари келишган йигитнинг аслаҳа-анжоми ҳақида гап кетгандан кейин мен савдолашиб ўтирмаслигим лозим эди!

Бир оғиз гапирмасдан Портос яна бир қадам йироқлашди.

Прокурор хонимнинг кўзига у аллақандай ялтироқ булутга ўраб чулғангандай, герсогиняю маликаларнинг бутун бир тўпи унинг оёқлари остига қоп-қоп олтинларни ташлаётгандай кўриниб кетди.

– Тўхтанг, жаноб Портос, – қичқириб юборди у. – Худо хаққи, тўхтанг, гаплашиб олишимиз керак!

– Сиз билан суҳбат мени бахтсизликка дучор қилди, – деди Портос.

– Бироқ менга айтсангиз-чи, талабингиз нима?

– Ҳеч нима, чунки сиздан бир нима талаб қилишу қилмаслик – барибир.

Прокурор хоним Портоснинг қўлига осилиб олдида, дард билан хитоб қилди:

– О, жаноб Портос, мен бу нарсаларнинг фаҳмига етмайман! Мен от нималигини билармидим? Жабдуқ нималигини мен билармидим?

– Бу ишни менга – бунинг фарқига борадиган одамга қўйиб бериш керак эди, хоним. Лекин сиз арзимаган тийинларни тежаб қолмоқчи бўлдингиз.

– Бу менинг хатойим бўлди, жаноб Портос, лекин мен уни тузатаман, ўлай агар, тузатаман.

– Хўш, қандай қилиб? – сўради мушкетёр.

– Менга қаранг. Шу бугун кечқурун жаноб Кокнар бир маслаҳат учун уйига чақиртирган, герсог де Шонникига боради. У ердан у икки соатсиз қайтмайди. Ке-

линг, биз ёлғиз бўламиз ва ўзимизга зарур ҳамма нарсани ҳисоблаб чиқамиз.

– Бош устига, азизам! Мана буниси бошқа гап!

– Шундай қилиб, мени кечирасизми?

– Кўрамиз, – салобат билан деди Портос.

Улар бир-бирига «оқшомгача», дея хайрлашиб ажралдилар. «Азбаройи шифо! – кўнглидан кечирди Портос кета туриб. – Бу гап, ниҳоят метр Кокнарнинг сандиғига етишадиганга ўхшайман!»

V

Тунда мушукларнинг туси бир хил бўлади

Портос билан д'Артаньян тоқати тоқ бўлиб кутган оқшом ҳам кирди.

Д'Артаньян милединикига ҳамишагидек соат тўққизларда ташриф буюрди. Йигит уни жуда хуш кайфиятда учратди; у ҳеч вақт унга бу қадар мулойим манзират қилмаганди, Гасконлигимиз ўзининг номчаси топширилганлиги ҳамда ўз таъсирини ўтказганлигини дарров тушунди.

Кетти кирди ва шарбат узатди. Бека эса унга меҳрла кўз ташлаб, ўзининг энг дилбар табассуми билан жилмайиб қўйди, лекин шўрлик қиз қаттиқ ғамга чўкканидан, миледининг илтифотини пайқамади ҳам.

Д'Артаньян бу икки аёлга галма-гал боқиб, табиат уларни яратганда хатога йўл қўйганлигини кўнглида тан олишга мажбур бўлди: кибор хонимга у сотқин ва тубан қалбни, канизга эса герсогиня қалбини ато этган эди.

Соат ўнда миледида бесаранжомлик аломатлари зоҳир бўла бошлади. Д'Артаньян ҳам бунинг маъносини уқди. У соатига қараб-қараб қўяр, ўрнидан турар, яна ўтирар ва д'Артаньянга: «Сиз албатта жуда ёқимтойсиз, аммо кетсангиз тобора маҳлиё этган бўлардингиз!» – деб турган бир алфозда жилмайиб қўярди.

Д'Артаньян ўрнидан туриб шляпасини олди. Миледи унга бўса учун қўлини узатди; йигит қўлини қисиб қўйилганини сизди ва бу нарсга таманнодан эмас, балки унинг чиқиб кетаётганидан миннатдорлик юзасидан қилинаётганини фаҳмлади.

– Уни телбаларча севади, – шивирлади у ва чиқиб кетди.

Бу дафъа Кетти уни кутиб олмади, у на даҳлизда, на йўлакда, на дарвозахонада йўқ эди. Д'Артаньяннинг зинани ва мўъжаз бўлгани ўзи қидириб топишига тўғри келди.

Кетти юзини қўллари билан беркитиб олиб юм-юм йиғлаб ўтирарди.

У д'Артаньяннинг кириб келганини пайқади, лекин бошини кўтармади. Йигит унинг ёнига бориб, қўллари кафтларига олди; шунда у ҳўнграб юборди.

Худди д'Артаньян тахмин қилганидек миледи мактубни олгач, қувончи ичига сиғмай, ҳамма гапни хизматкорига айтиб берганди; сўнгра бу сафар Кетти топшириқни ўринлатиб адо этгани шукронасига унга ҳамён тўхфа қилганди. Ўз хонасига киргач Кетти ҳамёни кунжакка улоқтириб ташлади, ўша ерда у очиқ ташланганича қолди; уч-тўртта олтин танга гиламга сочилиб ётарди.

Йигитнинг оҳиста силаганига жавобан қиз шўрлик бошини кўтарди. Унинг вазоҳати д'Артаньянни қўрқитиб юборди; у илтижо билан унга томон қўллари узатди-ю, лекин оғзини очишга ботинмади.

Д'Артаньяннинг қалбида раҳму шафқат нақадар кам бўлмасин, бу унсиз изтиробдан унинг юраги эзилиб кетди; бироқ ўзи илгаридан чизиб олган ҳаракат тартибининг лоақал бир жойини бузмоқ учун ўзининг режаларига, хусусан эса сўнги режасига ҳаддан ташқари ортиқ ёпишиб олган эди. Шу сабабдан у Кеттини ўз фикридан қайтариш қўлидан келишига сира умид боғламади, балки ўз қилиғини шунчаки бир қасос йўли деб тасвирлаб берди.

Дарвоқе, бу қасоснинг унинг учун шу жиҳатдан анчагина енгиллиги бор эдики, миледи хушторидан ўз ранги-рўйини яшириш истагида бўлса керак, хонадондаги ва ҳатто ўз ётоғидаги жамики чироқларни ўчиришни буюриб қўйган эди. Жаноб де Вард тонг отмасдан туриб, қуюқ зулмат пайти чиқиб кетиши лозим эди.

Бир дақиқадан сўнг улар миледининг ўз ётоқхонасига кирганини сездилар. Д'Артаньян дарров жовонга отилди. У, яширинишга аранг улгурган эди ҳамки, қўнғироқ товуши келди.

Кетти бекаси ҳузурига кириб, ортидан эшикни ёпиб қўйди, лекин тўсиқ шу қадар юпқа бўлганидан, икки аёл ўзаро гапларининг қарийб ҳаммаси эшитилиб турарди.

Сиёқидан миледининг қувончи чексиз эди; у ҳадеб Кеттини де Вард билан канизнинг сохта мулоқоти тафсилотларини майда-чуйдасигача такрорлашга қистар, у мактубни қандай олгани, жавобни қандай ёзгани, авзойи қандай бўлгани, чинакам ошиққа ўхшаган ўхшамаганларини суриштирар, хотиржам кўринишга мажбур шўрлик Кетти ҳам бу саволларнинг ҳаммасига тутила-тутила жавоб берар эди, товушининг ҳазин оҳанги эса бекасининг сезги доирасидан тамоман четда қолаверди – худбинона бахт эди бу.

Бироқ графнинг ташриф соати сурилиб келмоқда эди, миледи Кеттига де Вардни келгани ҳамон ҳузурига олиб киришни буюриб, уни ётоғидаги чироқни ўчиришга мажбур этди.

Кеттининг кўп кўз тутишига тўғри келмади. Д'Артаньян жовоннинг калит тирқишидан бутун уйнинг зулматга чўкканни кўриши биланоқ, ундан сакраб чиқди; бу айни Кетти хонасининг миледи ётоғи томондаги эшигини ёпаётган дақиқада рўй берди.

– Нима шовқин? – сўради миледи.

– Бу мен, – нимтовушда жавоб берди д'Артаньян, – мен, граф де Вардман.

– Ё раббий, – дея ғудурлади Кетти, – у ҳатто ўзи та-
йин қилган соатгача ҳам тоқат қилолмади-я!

– Хўш? – овози қалтираб сўради миледи. – У нега кирмаяпти? Граф, граф, – илова қилди у. – Сизга ниго-
ронлигимни биласиз-ку, ахир.

Бу даъватни эшитиб д'Артаньян Кеттини оҳиста
нари суриб қўйди-да, дарҳол ётоққа йўналди.

Ўзини ўзга бир киши деб танитиб, бахтли рақиб-
га қарата айтилган кўнгил дардларини қабул қилаёт-
ган хуштор қалбини тилкалагувчи алам-ситамдан
уқубатлироқ қайғу-алам бўлмас.

Д'Артаньян ўзи назарда тутмаган ўша оғир аҳволга
тушиб қолди: рашк ўти унинг бағрини қон қилар, у
ҳам шу тобда қўшни хонада бўзлаб ётган Кеттичалик
азоб чекарди.

– Ҳа, граф, – унинг қўлларини ўз қўлларида сиққан
кўйи меҳри товланиб дерди миледи, – ҳа, сиз билан
учрашган кезлар ҳар сафар нигоҳларингиз, сўзларин-
гиз фош этиб турадиган муҳаббатингиздан бахтиёр-
ман. Мен ҳам сизни севаман. Оҳ, эртага, эртага сиз-
дан мени уйлаб юришингизнинг бирорта далилини
олишни истайман, мени фаромуш этмаслигингиз учун
эса – манг, буни олиб қўйинг.

У қўлидан узугини ечиб, уни д'Артаньянга узатди.

Д'Артаньян бу узукни миледининг қўлида илгари
кўрганини эслади: бу гардиши олмосдан иборат аж-
ойиб ёқут эди.

Д'Артаньяннинг дастлаб хаёлига келган нарса,
узукни қайтариб бериш бўлди, лекин миледи уни ол-
мади.

– Йўқ, йўқ, – деди у, – менга муҳаббатингиз нишона-
си сифатида уни олиб қолинг... Бунинг устига уни
қабул қилиш билан, – ҳаяжонли овозда қўшимча қилди
у, – сиз, ўзингиз билмаган ҳолда, менга кўп яхшилик
қилиясиз.

«Бу аёлнинг турган-битгани сир-асрор», – хаёлидан
ўтказди д'Артаньян.

Шу дақиқа у ўзида бор ҳақиқатни миледига айтиш хуруши туғилганини ҳис этди. У кимлиги-ю ва қандай интиқомли ниятлар билан бу ерга ташриф буюрганига иқрор бўлмоқ учун оғиз жуфтлаган ҳам эдики, шу дақиқада миледи гапида давом этиб қолди:

– Бечора дўстим, бу рўдапо гасконлик сизни ўлдириб қўяёзди-я.

Рўдапо дегани, у – д’Артаньян эди.

– Жароҳатларингиз сизга ҳалиям азоб беряптими? – сўради миледи.

– Ҳа, ёмон азоб беряпти, – тузукроқ жавоб беришни билмасдан деди д’Артаньян.

– Хотирингиз жам бўлсин, – шивирлади миледи, – мен сиз учун қасос оламан, қасосим ҳам аёвсиз бўлади!

«Йўқ! – кўнглидан ўтказди д’Артаньян – Орани очиқ қилишга ҳали эрта».

Д’Артаньян бу қисқа савол-жавобдан сўнг ўзини бирдан ўнглаёлмади, лекин унинг ўзи билан келган қасос хусусидаги ниятлари асар қолдирмай тарқалди-кетди. Бу аёлнинг д’Артаньян устидан ажиб бир ҳукмронлиги бор эди, бундан у нафратланар ва айни пайтида унга сажда ҳам қиларди; шу тариқа зид икки ҳиссиётнинг бир қалбдан жой олиши ва омихта бўлиб, аллақандай галати, иблисона муҳаббатга айланиши мумкинлигини илгарилари у сира хаёлига келтирмаганди.

Бу ўртада соат занг уриб қолди, ажралиш пайти бўлиб қолганди.

Миледининг ҳузуридан чиқиб кетишда д’Артаньяннинг уни тарк этаётганига афсусланаётганлигидан бўлак ҳисси йўқ эди ва улар бир-бирига лутф этган бўсалар орасида келаси ҳафтага янги висол тайин этилди. Шўрлик Кетти хонасидан д’Артаньян ўтар чоғида унга ақалли бир-икки оғиз гап айтиб қолишнинг эви бўлар деб умид қилган эди, аммо миледи уни қоронғида ўзи кузатиб чиқди-да, у билан зинада туриб хайрмаъзур қилди.

Эрта билан д'Артаньян Атосникига физиллаб қолди. У шундай ғаройиб бир воқеага гирифтор бўлгандики, Атоснинг маслаҳатига муҳтож эди. У ҳамма гапни сўзлаб берди: унинг ҳикояси асносида Атос бир неча бор қошларини чимириб қўйди.

– Миледингиз, – деди у, – менга жирканч нарса бўлиб туюляпти, лекин барибир уни алдаб, сиз хатога йўл қўйгансиз: ишқилиб, ёвуз душман орттириб олгансиз.

Бу гапни айтар экан, Атос д'Артаньяннинг бармоғидаги, эндиликда қутичада авайлаб сақлангувчи, қиролича узугининг ўрнини олган олмос гардишли ёқут узукка разм соларди.

– Бу узукка қараяпсизми? – оғайнилари олдида бундай шоҳона тухфани кўз-кўз қилиш имконидан боши кўкка етиб сўради гасконлик йигит.

– Ҳа, – деди Атос, – у менга бир васият зийнатни эслатяпти.

– Ажойиб узуг-а, шундай эмасми? – сўради д'Артаньян.

– Жуда зўр! – жавоб берди Атос. – Мен шу даражада тиниқ ёқут оламда иккита деб ўйламаган эдим. Ҳойнаҳой, уни олмосингизга алмаштирган бўлсангиз керак?

– Йўқ, – деди д'Артаньян, – бу соҳибжамол инглиз хонимнинг тухфаси ёки аниқроғи француз хоними, зеро гарчи ундан буни суриштириб кўрмаган бўлсам-да, унинг Францияда таваллуд топганига ишончим комил.

– Сиз бу узукни миледининг қўлидан олдингизми? – қичқириб юборди Атос, овозида эса қаттиқ таҳлика бор эди.

– Топдингиз. Буни менга бугун тунда инъом қилди.

– Менга шу узукни бир кўрсатинг-а, – деди Атос.

– Мана кўринг, – деди д'Артаньян узукни бармоғидан ечаркан.

Атос уни синчиклаб кўздан кечирди-ю, ранги ўчиб кетди; сўнгра чап қўлининг кичик бармоғига тақиб кўрди; узук худди шу бармоққа атаб букюртма қилин-

гандай лоппа-лойиқ келди. Атоснинг одатдаги ниҳоятда осойишта чеҳрасини ғазаб ва интиқом ифодаси тундлаштириб юборди.

– Бу ўша узукни ўзи бўлиши мумкин эмас, – деди у, – у қандай қилиб леди Кларикнинг кўлига тушиб қолиши мумкин? Шу билан бирга икки узук шунчалик ўхшаш бўлиши тасаввурга сиғмайди.

– Сизга бу узук танишми? – сўради д'Артаньян.

– Мен уни таниганга ўхшаб кетдим, – жавоб берди Атос, – лекин янглишган бўлишим керак.

Узукни, ундан кўзини узмай д'Артаньянга қайтариб берди.

– Гап бундай, д'Артаньян, – деди у бир зум ўтгач, – бу узукни кўлингиздан ечиб қўйинг ёки тошини ичкарига қаратиб олинг: у менга шу қадар изтиробли хотиротларни кўзғатаптики, йўқса мен сиз билан бемалол гаплашолмайман... Сиз бир нарса хусусида мен билан маслаҳатлашмоқчи эдингиз, шекилли, қандай йўл тутишни билмайман деб эдингиз... тўхтанг... менга шу узукни яна бир марта кўрсатинг. Мен айтган узун қирраларининг бири тирналган эди, бир воқеа сабабли...

Д'Артаньян узукни бармоғидан қайта ечиб, уни Атосга узатди.

Атос сесканиб тушди.

– Бир қаранг, – деди у, – хўш, қизиқ эмасми бу?

У ҳозиргина ёдига тушган тирналган жойни д'Артаньянга кўрсатди.

– Бу ёқут сизга кимдан қолган, Атос?

– Волидамдан, у эса онасидан ёдгорликка олган. Мен сизга айтиб ўтганимдек, бу қадимий оила бисоти эди... Бу узук ҳеч қачон оиламиз доирасидан чиқиб кетмаслиги шарт эди.

– Сиз бўлсангиз... сиз уни сотиб юбордингизми? – иккиланиб сўради д'Артаньян.

– Йўқ, – ғалати кулимсираб жавоб берди Атос, – мен уни худди сизга бугун тортиқ қилганларидек, муҳаббат тунида туҳфа қилган эдим.

Д'Артаньян ўйга толиб қолди; миледининг қалби унга аллақандай тубсиз ва мудҳиш ўпқон бўлиб туюлиб кетди.

У узукни тақмади, балки чўнтагига солиб қўйди.

– Менга қаранг, – унинг қўлидан тутиб деди Атос, – сизни яхши кўришимни ўзингиз биласиз д'Артаньян. Ўғлим бўлса, уни сиздан ортиқ кўрмасдим. Гапимга ишонинг, бу аёлнинг баҳридан ўтинг. Мен уни танимайман, лекин алланечук ички садо менга унинг жувонмарг бўлган мавжудотлигини, унинг бир касофати борлигини менга айтиб турипти.

– Сиз ҳақсиз, – жавоб берди д'Артаньян. – Мен ундан ажраламан. Сизга очиғини айтсам, бу аёл менинг ўзимни ҳам чўчитмоқда.

– Азму саботингиз етармикан? – сўради Атос.

– Етади, – жавоб берди д'Артаньян, – мен буни пайсалга ҳам солиб ўтирмайман.

– Яхши, ўғлим. Сиз тўғри йўл тутган бўласиз, – деярили оталарча меҳр билан гасконлик йигитнинг қўлини қисиб деди Атос. – Парвардигор, ҳаётингизга эндигина раҳна солган бу аёл унда даҳшатли асар қолдириб кетишини илоё раво кўрмасин.

Сўнг Атос д'Артаньянга ўз ўй-хаёллари билан танҳо қолиш истагида эканлигини билдириб ишора қилди.

Уйида д'Артаньян ўзига маҳтал Кеттини топди. Роса бир ойлик безгақдан сўнг ҳам у шу бугунги бедор ва машаққатли тундан кейинги сингари рангини олдирмаган бўларди.

Бекаси уни сохта де Варднинг ҳузурига жўнатган эди. Миледи ишқдан девона, бахтдан мастона бўлиб қолганди: у хуштори қачон иккинчи тунни ато этишини билмоқчи эди.

Бояқиш Кетти ҳам безиллаб, ранги ўчиб д'Артаньяннинг жавобига илҳақ турарди.

Атоснинг йигитга нуфузи зўр бўлиб, энди нафсонияти ва қасос иштиёқи қониққандан кейин, дўстнинг насиҳати ўз қалби садосига қўшилиб кетиб, миледи-

дан воз кечишга жазм қилиш борасида д'Артаньянга куч бахш этди. У патни олиб қуйидагиларни ёзиб берди:

«Хоним, яқин бир-икки кун ичида менинг васлим умидини қилманг; тузалганимдан бери баъзи ишларим бирам кўпайиб кетдики, уларга бир мунча тартиб киритишимга тўғри келиб қолди. Галингиз келганда сизга буни хабар қилиш шарафига ноил бўламан.

Қўлчаларингизни ўпиб қоламан.

Граф де Вард».

Ёқут тўғрисида бир сўз ҳам дейилмади. Гасконлик йигит қўлида миледига қарши қуроол сақлаб қолмоқчи эдимми ёки бўлмасам – очиғини айтиб қўя қолайлик – у бу ёқутни аслаҳа-анжом харид қилиш учун сўнгги воқита сифатида ёнда қолдирдимми экан?

Дарвоқе, бир даврнинг юриш-туришлари борасида бошқаси нуқтайи назаридан ҳукм чиқариш нотўғри бўлурди. Ҳар бир номусли киши бизнинг кунларда ўзи учун ор деб санаши мумкин нарса у маҳаллар жуда жўн ва жуда табиий бўлиб кўринарди ҳамда энг дуруст оилалардан чиққан йигитлар, одатда, ўз маъшуқаларига қарам бўлардилар.

Д'Артаньян Кеттига мактубни елимламай берди; уни ўқиб чиқиб дастлаб, у ҳеч балони тушунмади, лекин кейин қайта ўқиб чиққач, қувончдан эси оғиб қолаёзди.

У бундай бахтга ишона олмасди; д'Артаньян оғзаки равишда мактубда айтилган гапларни уқтиришга мажбур бўлиб қолди, мактубни топшириш пайти бечора қизгинага таҳдид солгувчи миледининг жиззаки феълини юз-хотир қилмасдан Кетти Қирол майдони-га оёқларини кўлга олиб чошиб кетди. Аёллар сарасининг қалби рақибасининг азиятларига шафқат қилмайди.

Мактубни Кетти қай тариқа келтирган бўлса, миледи худди шундай шошқалоқлик билан очди. Бироқ дастлабки ўқиган жумлаларданоқ унинг ранги қув ўчиб

кетди, кейин қоғозни гижимлаб ташлади. Кеттига ўгирилиб қаради, унинг кўзларидан ўт чақнарди.

– Бу қандай мактуб? – сўради у.

– Бу жавоб, хоним, – қалтираб жавоб берди Кетти.

– Бўлиши мумкин эмас! – бақириб юборди миледи.

– Бўлиши мумкин эмас! Аёл кишига бундай мактуб ёзишга дворяннинг қўли бормаиди.

Бирдан у сесканиб тушди.

– Ё раббий, – шивирлади у, – наинки билиб қолган бўлса?

Ва у таққа тўхтади.

У тишларини гижирлата бошлади, ранги бўздай оқариб кетди. Тоза ҳаводан ютиниш учун у дераза ёнига бормоқчи бўлди-ю, лекин фақат кўлларини уза-та олди, холос, оёқлари қалтираб, креслога йиқилди.

Кетти, миледи ҳушидан кетди деб қарор қилиб, унинг корсажини ечмоқ учун югуриб борди, лекин миледи тезда ўрнидан турди.

– Сизга нима даркор? – сўради у. – Менга қўл теги-зишга қандай журъат қилдингиз!

– Мен сизни ҳушдан кетди деб ўйлаб, ёрдам бер-моқчи бўлдим, – миледининг юзида пайдо бўлган кўрқинчли ифодадан қути учиб жавоб берди оқсоч.

– Ҳушимдан кетдим? Мен? Мен-а? Сиз мени бирор-та асаби бўш жинни деб ўйлаётган бўлманг, тағин? Мени хўрлаганларида мен ҳушимдан кетмайман – мен ўч оламан, эшитяпсизми?

У имо қилиб, Кеттига чиқиб кетишни буюрди.

VI

Қасос иштиёқи

Кечқурун миледи д'Артаньянни у келган замон ҳузу-рига олиб киришни буюрди. Аммо унинг дараги бўлма-ди.

Эрта билан Кетти яна д'Артаньяннинг ҳузурига кел-ди-да, кечаги кун нелар кечган бўлса, ҳаммасини

сўзлаб берди. Д'Артаньян мийиғида кулиб қўйди: миледининг рашкили нафрати – унинг қасосдан муддаоси ҳам шу эди.

Кечқурун миледи кечагидан ҳам баттар ғаш бўлиб, гасконлик йигитга оид фармойишини қайта такрорлади, лекин худди кечагидаги сингари унга беҳуда кўз тутгани қолди.

Келаси куни қиз д'Артаньяннинг хузурига ташриф буюрди, лекин у энди аввалги икки кунги сингари қувноқ ва дилкаш эмас, балки, аксинча, ўлгудек ғамгин эди. Д'Артаньян шўрлик қиздан унга нима бўлганини сўради. Жавоб ўрнига у чўнтагидан мактуб чиқарди-да, унга узатди.

Бу мактуб миледининг қўли билан битилган, аммо бу дафъа граф де Вардга эмас, балки д'Артаньяннинг ўзига йўлланган эди.

У мактубни очиб, ўқиб чиқди:

«Муҳтарам жаноб д'Артаньян, дўст-биродарларни, хусусан, олдинда узоқ ҳижрон турган пайтда фаромуш этиш яхши эмас. Лорд Винтер билан мен кеча ва тунов кунни сизни кута-кута кўзларимиз тўрт бўлди. Наинки бугун ҳам шу аҳвол такрорланса?

Сиздан миннатдор Леди Кларик».

– Ҳаммаси бутунлай равшан, – деди д'Артаньян, – мен ҳам шу мактубни кутган эдим. Граф де Варднинг қадри тушган сайин, меники ортиб боряпти.

– Бораман денг ҳали? – сўради Кетти.

– Менга қара, азизам, – Атосга берган сўзидан қайтиш ниятини ўз назарида оқлашга уриниб деди д'Артаньян, – шундай тайин таклифга ташриф буюрмаслик инсофдан бўлмаслигини тушунгин. Мен бормасам ташрифларимни узиб қўйганим сабабларини миледи тушунмайди, бирор гапни фаҳмлаб ҳам қолиши мумкин, ким билади дейсан, бу тоифа аёлнинг қасоси нималар қилмайди.

– О, худойимей! – хўрсиниб қўйди Кетти. – Сиз ҳамма нарсани шундай тусда кўрсата биласизки, ўзин-

гиз мудом ҳақ бўлиб чиқасиз, аммо, ҳойнаҳой, сиз яна ишқибозлик қиляпсиз, мабодо бу сафар сиз унга ўз ҳақиқий номингиз билан ёқиб қолсангиз, унга сизнинг ҳақиқий қиёфангиз манзур бўлса, бу нарса биринчи галгидан беш бадтар ёмон бўлади-ку!

Бундан кейин нималар рўй беришини шўрлик қизнинг кўнгли қисман сезиб турарди.

Д'Артаньян қўлидан келганча қизни юпатиб, миледи-нинг фусунларига учмасликка ваъда берди.

У Леди Кларикка лутфкорлиги учун ўзининг ниҳоятда миннатдорлиги ҳамда ўзини унинг изму ихтиёрига ҳавола этажагини айтиб қўйишни Кеттига топширди. Бироқ ўз ҳуснихатини миледи-нинг зийрак кўзлари таниб қолмас даражада ўзгартиришни эплаёлмаслигидан чўчиб, унга ёзиб беришга журъат қилмади.

Роппа-роса соат тўққизда д'Артаньян Қирол май-донида ҳозир бўлди. Даҳлиздаги мунтазир хизматкорлар огоҳлантирилганмиди, зеро, д'Артаньян уйга кирган заҳоти уларнинг бири у ҳақда миледига зудлик билан ахборот бергани чопқиллаб кетди, гарчанд мушкетёр ҳали унинг қабул қилиш-қилмаслигини ҳатто сўраб улгурмаган эди.

– Таклиф этинг, – дея лўнда қилиб бирам овози чингиллаб гапирдики миледи, д'Артаньян уни даҳлиздаёқ эшитди.

Қарол уни меҳмонхонага кузатиб қўйди.

– Мени сўраганларга уйда йўқман, – деди миледи, – эшитяпсизми, ҳеч ким учун.

Қарол чиқиб кетди.

Д'Артаньян қизиқиб миледига кўз ташлади: унинг ранглари синиққан, кўзлари эса – кўз ёшларданми, бедор тунларданми – ҳорғин кўринарди. Хона одатдагича ёруғ эмасди, лекин бу атайин ғира-ширага қарамасдан сўнги икки кун мобайнида кемиргувчи безгаксимон ҳаяжон изларини яшириш жувоннинг қўлидан келмади.

Д'Артаньян худди одатдагидек назокатли алфозда миледининг ёнига йўлади. У ўзига-ўзи ақлга сигмайдиган зўрлик қилиб, очиқ юз билан жилмайиб қўйди, лекин бу табассум унинг ҳаяжондан буришиб кетган чеҳраси билан кам қовушарди.

Д'Артаньян миледидан ҳол-аҳволини суриштирган бўлди.

– Чатоқ, – жавоб берди у, – жуда чатоқ.

– Ундай бўлса, – деди д'Артаньян, – мен ҳалал бердим. Сиз, албатта, оромга муҳтожсиз, мен дарҳол кетаман.

– Йўғ-эй! – деди миледи. – Аксинча, қолинг, жаноб д'Артаньян, сиздек улфат йигит билан ўтириш мени овутади.

«Ўҳ-ҳў! – хаёлидан ўтказди д'Артаньян. – У мен билан ҳеч бундай хушмуомалада бўлмаган, шай турмоқ керак».

Миледи ўзининг уқуви етган даражада дўстона оҳангга ўтди-да, суҳбатга ажиб файз беришга уринди. Уни бир зумгинага тарк этган ҳаяжон яна қайтди-ю, кўзлари тағин чақнаб кетди, ёноқларига ранг кирди, дудоқлари қизаринқиради. Д'Артаньянни ўз фусунлари билан аллақачонлар мафтун этган Сирсея яна унинг қошида эди, ўзи сўнган деб ҳисоблаб юрган муҳаббат фақат мудроқда бўлиб, мана энди унинг қалбида қайтадан куртак ёзди. Миледи жилмаярди, д'Артаньян эса шу табассум учун ўз жонини жувонмарг қилишга тайёрлигини ҳис қилиб турарди.

Бу орада миледи сўзамолроқ бўла борди. У д'Артаньяндан унинг маъшуқаси бор-йўқлигини сўради.

– Оҳ! – қўлидан келган энг назокатли тарзда гапирди д'Артаньян. – Менга бу хил саволларни бериб, намунча бағритошлик қилмасангиз? Ахир, сизни кўрган дамдан бери ёлғиз сиз билан нафас олиб, биргина сизнинг қўйингизда ўртанаман-ку!

Миледи ғалати бир табассум қилди.

– Мени севаракансиз-да, а? – сўради у.

– Наинки бунга гапириб ўтиришим шарт бўлса, наинки бунга ўзингиз пайқаманган бўлсангиз?

– Ҳа, деяйлик, лекин ўзингиз биласиз, қалбдаги гурур қанчалик кучли бўлса, уни таслим қилиш шунчалик мушкул.

– О, машаққатлар мени чўчитмайди, – деди д'Артаньян, – мени иложи йўқ нарсалар даҳшатга солади, холос.

– Чин муҳаббат учун ҳеч иложи йўқ нарса бўлмайди, – эътироз қилди миледи.

– Ҳеч-а, хоним?

– Ҳеч, – такрорлади миледи.

«Азбаройи шифо! – ўз-ўзича ўйлади д'Артаньян. – Муомаласи тубдан ўзгарди. Борди-ю, бу инжиқ аёлнинг менга ишқи тушиб қолган бўлса-ю, менга, менинг ўзимга – ўша граф де Вардга тортиқ қилган узук қабилдаги бир узук тухфа қилмоқчи бўлса-я».

Д'Артаньян шоша-пиша курсисини миледининг креслосига яқинроқ сурди.

– Менга қаранг, – деди у, – айтаётган муҳаббатингизни исбот этмоқ учун нималар қилган бўлардингиз?

– Мендан нимаки талаб этсангиз – ҳаммасини. Амр қилинг – мен тайёрман.

– Ҳаммасиними?

– Ҳаммасини! – қичқирди д'Артаньян, бу хил мажбуриятни зиммага оларкан, бунга ўзи кўп нарса тикмаётганини олдиндан билиб турган ҳолда.

– Яхши! Унда гаплашиб олайлик, – ўз навбатида креслосини д'Артаньяннинг курсисига яқинроқ суриб деди миледи.

– Қулоғим сизда, хоним, – жавоб берди у.

Миледи ўйга толиб ва гўё тараддудлангандай бўлиб бир дақиқача жим қолди; сўнгра, афтидан, бир қарорга келди.

– Менинг душманам бор, – деди у.

– Сизнинг-а, хоним? – ўзини ҳайрон бўлганга солиб деди д’Артаньян. – Ё раббий, сиз бирам гўзал, бирам кўнгилчансиз, ахир шундай бўлиши мумкинми?

– Ашаддий душман.

– Ростданми?

– Мени шундай инсофсизларча ҳақорат қилган душманки, у билан менинг ўртамизда энди ҳаёт-мамот жанги туғилди. Шерик сифатида сизга ишонсам бўлади-ми?

Бу қасоскор мавжудот ўзидан нима исташини д’Артаньян дарров фаҳмлади.

– Бўлади, хоним, – тумтароқли қилиб гапирди у, – менинг қиличим ва жоним муҳаббатим-ла биргаликда сизнинг ихтиёрингизда.

– Ундай бўлса, – деди миледи, – агар ошиқлигингизга яраша мард ҳам бўлсангиз...

У индамай қолди.

– Хўш, унда нима? – сўради д’Артаньян.

– Унда, – бир дақиқалик сукутдан сўнг гапида давом этди миледи, – унда сиз шу бугундан эътиборан иложи йўқ нарсадан қўрқмасангиз бўлавереди.

– Йўқ, мен бундай бахтга бардош беролмайман! – ўзини миледининг пойига ташлаб ва унинг қўлларини бўсалар билан кўмиб деди, энтикиб д’Артаньян.

«Сен ўша номард де Варддан мен учун қасос ол – тишларини қисиб ўйларди миледи, – кейин эса сендан қутулиб олиш қўлимдан келади, эй ўзига ишонган тентак, эй менинг интиқомимнинг кўр-кўрона қуроли».

«Ўз ихтиёринг билан оғушимга кел, риёкор ва шум аёл, – ўйларди д’Артаньян, – ёнимга кел! Шунда илгариги мени хўрлаганларинг учун, ўша сен менинг қўлим билан ўлдирмоқчи бўлаётган кишинг билан бирга устингдан бир кулай».

Д’Артаньян бошини кўтарди.

– Мен тайёрман, – деди у.

– Бундан чиқди, мени тушунибсиз-да, жоним д’Артаньян? – сўради миледи.

– Мен истагингизни бир қиё боқшингизданоқ ўқиб олган бўлардим.

– Демак, қилинчингизни – аллақачон шунчалар донг чиқарган қиличингизни мен учун яланғочлашга рози-мисиз?

– Истаган дақиқангизда.

– Аммо бундай яхшилигингизни мен қандай узар-канман? – деди миледи. – Мен ошиқ аҳлини биламан: бу одамлар текинга ҳеч нима қилишмайди.

– Мен қандай мукофотни орзу қилишимни биласиз, – жавоб берди д’Артаньян, – сиз билан менга муно-сиб ягона мукофотни!

У миледини оҳиста ўзига тортди.

– Таъмагир! – табассум билан деди миледи.

– Оҳ! – дея бу аёл унинг қалбида ўт олдириш уқуви-га молик шаҳват домига чинакамига илиниб, қичқи-риб юборди д’Артаньян. – Бахтим менга хомхаёл бўлиб туюлмоқда, у туш каби учиб кетмасайди деб мен му-дом кўрқувда юрибман, мана, нима важдан уни ҳақиқатга айлантирмоққа ошиқмоқдаман.

– Ўша хаёлий бахтга етишинг-да, бўлмаса.

– Мен сизнинг ихтиёрингиздаман, – деди д’Артаньян.

– Гапингиз ростми? – шубҳанинг сўнгги кўлкасини қувиб сўзлади миледи.

– Мана шу жоду кўзларни ёшлатишга ботинган ўша муттаҳамнинг номини айтинг.

– Мени йиғлаган деб сизга ким айтди?

– Менга шундай...

– Мен сингари аёллар йиғламайдилар, – деди миледи.

– Яна яхши! Хуллас, менга унинг номини айта қолинг.

– Лекин ўйлаб кўринг, менинг сир-асроримнинг ба-риси унинг номидан иборат ахир!

– Бироқ бу номни мен билишим шарт-да.

– Ҳа, шарт. Мана кўрдингизми, мен сизга нақадар ишонаман!

– Мен бахтиёрман. Унинг номи?

– Сиз у одамни танийсиз.

– Танийманми?

– Ҳа.

– У менинг дўстларимдан битта-яримтасимасми ишқилиб? – миледи ни ўзининг ҳеч нимадан хабари йўқлигига ишонтирмоқ учун иккиланган бўлиб сўради д'Артаньян.

– Бундан чиқди, борди-ю, у дўстларингиздан бири бўлганда, сиз иккиланар экансиз-да? – қичқирди миледи ва кўзларидан таҳдид солгувчи ўт чақнаб кетди.

– Йўқ, менга деса туғишган акам бўлмайдим! – гўё хаяжонини босолмай қичқирди д'Артаньян.

Гасконлик йигитимиз таваккалчилик қилмаётганиди, у ишга дангал киришган эди.

– Садоқатингиз менга манзур, – деди миледи.

– Эвоҳ! Наҳотки, мендаги сизга манзур бўлган бор нарса шугина бўлса? – сўради д'Артаньян.

– Йўқ, мен ўзингизни ҳам севаман, ўзингизни! – унинг қўлидан тутиб деди миледи.

Д'Артаньян қўлини миледи қисганини сезди-ю, бундан гўё ундаги тафтли қалтироқ ўзига ҳам юққандай аъзойи бадани зирқираб кетди.

– Демак, мени сеvasиз! – ҳаприқиб деди у. – Оҳ, назаримда телба бўлиб қолаётганга ўхшайман.

Йигит миледи ни бағрига олди. Миледи унинг бўса-сига чап беришга уринмади, лекин унга жавоб эҳтирос ҳам қилмади.

Унинг лаблари муздек эди: д'Артаньянга худди ҳайкални ўпгандай туюлиб кетди.

Барибир у ўзида йўқ шод – ишқ ўтида ёнарди; у миледининг нозик ҳисларига ишонишига, унинг де Варднинг жиноятига ишонишига сал қолди. Башарти де Вард шу тобда, шу ерда унинг ёнида бўлганида борми, уни ўлдириб қўйиши ҳеч гап эмас эди.

Миледи шу фурсатдан фойдаланди.

– Унинг номи... – офиз очди у.

– Де Вард, мен биламан! – қичқириб юборди д’Артаньян.

– Бундан қандай хабар топдингиз? – йигит қўлига ёпишган кўйи унинг дил қаърига кўз ташлашга ури-
ниб сўради миледи.

Д’Артаньян қизишиб кетиб, хатога йўл қўйганини тушунди.

– Гапиринг, гапиринг! Гапирсангиз-чи, ахир! – дея такрорларди миледи. – Бундан қандай хабар топдингиз?

– Қандай хабар топдимми? – қайта сўради д’Артаньян.

– Ҳа, қандай?

– Кеча мен бир хонадонда де Вард билан учрашиб қолган эдим, у менга, гапларига қараганда, унга сиз туҳфа қилган узукни кўрсатди.

– Номард! – қичқириб юборди миледи.

Бу сўз жуда тушунарли сабабга кўра, унинг қоқ юра-
гига тегди.

– Хуллас? – савол оҳангида деди миледи.

– Хуллас, мен ўша номарддан сиз учун қасос оламан, – камоли жанговар алфозда жавоб берди д’Артаньян.

– Ташаккур, менинг жасур дўстим! – қичқирди миледи. – Хўш, қасосим қачон олинади?

– Эртага, шу тобда, қачон истасангиз.

Миледи: «Шу тобда!» деб юбораёзди, лекин у бу хил шошқалоқлик д’Артаньянга нисбатан унча илтифотли бўлмайди, деган андишага борди.

Устига-устак унинг минг-минг эҳтиёт чораларини кўриб қўймоғи ва ўз шафесига ҳакамлар ҳузурида графга изоҳ беришдан қай йўсин бўйин товлашга оид минг-минг маслаҳатлар бермоғи зарур эди. Д’Артаньян унинг барча гумонларига бир оғиз гап билан барҳам берди.

– Эртага қасосингиз олинади, – деди у, – ёки мен ўламан.

– Йўқ! – жавоб берди у. – Сиз мен учун қасос оласиз, лекин ўлмайсиз. У қўрқоқ.

– Аёллар билан бўлса бордир, лекин эркаклар билан эмас. Бошқа бировлар билмаса ҳам, у хусусидаги у-бу гапдан хабарим бор-ку.

– Бироқ, янглишмасам, у билан тўқнашганда тақдирдан нолишингизга ўрин қолмаган.

– Тақдир дегани – суюқоёқ хотиндай гап, бугун у сенга ёр бўлади, эрта эса терс қараб кетаверади.

– Бошқача қилиб айтганда, сиз иккиланиб қолдингиз.

– Йўқ, худо сақласин, мен иккиланаётганим йўқ, аммо менга атиги умид-у, ундан ортиқ ҳеч нимани инъом қилмасдан, мени тўппа-тўғри ажалга йўллаш инсофдан бўлармикан?

Миледи: «Вой, ҳамма гап шунда-да, дадилроқ бўлинг!», – деб турган нигоҳ билан жавоб қилди.

У ўз нигоҳини мулойим гап билан изоҳлаб берди:

– Сиз ҳақсиз.

– О, сиз фариштасиз! – қичқириб юборди д’Артаньян.

– Демак, биз гапни бир жойга қўйдик-а? – сўради у.

– Мен сиздан ўтинаётган нарса истисно, азизам.

– Агар хўп десам, муҳаббатимга шунда амин бўласизми?

– Менинг эртанги куним йўқ, кутишга имконим ҳам йўқ.

– Секинроқ! Мен акамнинг оёқ шарпасини эшитяпман. У сизни бу ерда кўрмаслиги керак.

У қўнғироқ қилди. Кетти пайдо бўлди.

– Мана бу эшиқдан чиқинг, – кичкина яширин эшикни очиб деди миледи, – ва соат ўн бирда қайтиб келинг. Бу суҳбатни тугатамиз. Кетти сизни ҳузуримга ўтказиб қўяди.

Бу сўзлардан қиз бояқишнинг ҳушидан кетишига сал қолди.

– Хўш, хоним! Нега энди ҳайкал сингари жойингизда қаққайиб қолдингиз? Эшитдингизми? Соат ўн бирда жаноб д'Артаньянни ҳузуримга олиб кирасиз.

«Унинг ҳамма мулоқотлари соат ўн бирга тайинланса керак, – кўнглидан ўтказди д'Артаньян. – Бу одат тусига кириб қолибди».

У миледининг узатилган қўлини назокат билан ўпиб қўйди.

«Бироқ, – кета туриб Кеттининг таъналарига жавоб берган кўйи ўйларди у, – бироқ мот бўлиб қолмай тафин! Бу аёлнинг ҳар қандай жиноятга қодирлигига шак-шубҳа йўқ. Эҳтиёт бўлайлик».

VII

Миледининг сир-асрори

Д'Артаньян уйдан чиқди-ю қизнинг ялиниб қисташларига қарамасдан Кеттиникига кирмади; у икки сабабга кўра: таъна, даъво ва ўтинчларга чап бермоқ, шунингдек, ўз ўй-фикрлари ва имкон даражасида бу аёлнинг ҳам ўй-фикрларининг учини топмоқ ва тагига етмоқ учун шундай қилди.

Бу можаронинг ҳаммасидаги бирдан-бир равшан нарса д'Артаньяннинг миледига мажнунларча ошиқлиги-ю, унинг йигитни сира севмаслиги эди. Бир зумгина, д'Артаньян уйга қайтиш, миледига узун мактуб ёзиш ва ўзи билан де Варднинг ҳануз бир шахснинг ўзи бўлиб келгани ва, бинобарин, де Вардни ўлдириш ўз-ўзини ўлдириш деган гап бўлишини эътироф қилиш энг яхши чора, деган қарорга борди. Бироқ уни ҳам қаҳрли қасос иштиёқи куйдирмоқда эди; у яна бир марта, энди ўз номи билан бу аёлнинг васлидан баҳраманд бўлгиси келарди, тўғрироғи, бу қасос унинг назарида маълум лаззатга моликлиги важҳидан ундан воз кечишга қурби етмас эди.

Миледи хоналарининг чий пардалар орасидан таралгувчи чироқ ёруғига бир назар солмоқ учун ҳар ўн

одимда бир ўгирилган кўйи у Қирол майдонини беш ёки олти карра айланиб чиқди; ётоққа ўтишга миледи бугун биринчи галдагидек шошмасди, буниси аён эди.

Ниҳоят, чироқ ўчди.

Чироқ билан бирга д'Артаньян кўнглидаги сўнги тараддуд излари ҳам тарқалди; биринчи тун тафсилотлари унинг хотирига келди-ю, юраги орзиқиб, юзлари ловуллаб, уйга кириб борди-да, Кеттининг хонасига отилди.

Бутун вужуди билан қалтираётган, ранги докадек оқариб кетган Кетти хушторининг йўлини тўсишга уриниб кўрди, лекин диққат билан қулоқ солиб ўтирган миледи д'Артаньяннинг кирганини пайқаб қолиб, эшикни очди.

– Килинг, – деди у.

Буларнинг ҳаммаси шундай ақлга сиғмас бир беҳаёлик, шундай мислсиз безбетлик билан суғорилган эдики, д'Артаньян ўзи кўраётган ва эшитаётган нарсаларга ишона олмай турарди. У фақат тушга кирадиган ўша хаёлий саргузаштларнинг иштирокчисига айланиб қолгандай сезар эди ўзини.

Шунга қарамасдан унга оҳанрабо темирни тортгандай таъсирини ўтказувчи тортиш кучга ён бериб, у шиддат билан миледининг истиқболига отилди.

Унинг ортидан эшик ёпилди.

Кетти ўзини эшик томон отди.

Рашк, алам, хўрланган ғурур, хуштор аёлнинг қалбида тугён қилгувчи жамики эҳтирослар уни фош этишга ундар, лекин бу хил фитнада иштирок этганини тан олган тақдирда у нобуд бўларди, бу етмагандай, унинг учун д'Артаньян умрбод кўлдан кетган бўларди. Севги тақозо этган бу сўнги андиша уни яна шу сўнги қурбонни ҳам беришга кўндирди.

Д'Артаньянга келсак, у ўз орзу-армонларининг интиҳосига етган эди: миледи шу тобда унинг рақибини эмас, унинг ўзини суймоқда ёки ўзини суйганга солмоқда эди. Рост, хуфия ички садо ёш йигитга унинг

атиги қасос қуролилиги, уни бор-йўғи қотилликни амалга оширсин деб эркаланаётганларини унга шипшиб турарди, аммо гурур, орият, телбаларча ҳавас бу садонинг унини учирай, бу гулуни бўғарди. Устига-устак, гасконлик йигитимизнинг ўз-ўзига биноти камчил эмасди, у ўзини де Вард билан хаёлан қиёслаб кўрай ва ўзини д'Артаньянни д'Артаньянлиги учун севиб бўлмасликнинг боисига жавоб ахтарарди.

Хуллас, у ҳозирги лаҳза ҳиссиётларига боши билан фарқ бўлди. Энди миледи унга ўша бир нафас уни даҳшатга солган ниятлари шум аёл бўлиб кўринмасди; бу ҳозир сирдан қараганда ўзи ҳам кайфини сураётган, муҳаббатга буткул шўнғиган оташин маъшуқа эди.

Шу асно икки соатлар ўтиб кетди. Ошиқ-маъшуқларнинг завқу шавқлари бора-бора сўнди, ғафлат учун д'Артаньяндаги мавжуд сабаблар ўзида бўлмаган миледи биринчи бўлиб ҳақиқатга қайтди-да, йигитдан келаси кунни граф де Вардни муборазага чақиргудек бирор баҳона топган-топмаганини сўрайди.

Бироқ д'Артаньяннинг хаёллари энди мутлақо бошқа оқимга кириб, у бир тентак сингари ўзини нутиб кўйди ва ҳазил-ҳазил билан қиличбозлик муборазаси учун ҳозир вақт ўта бемаҳал деб эътироз билдирди.

Ўзини банд этган бирдан-бир нарсага бу лоқайдлик миледини қўрқитиб юборди-ю, унинг саволлари қатъийроқ тусга кирди.

Шунда, ҳеч қачон бу бўлмағур мубораза хусусида астойдил фикрламаган д'Артаньян суҳбатни бошқа мавзуга кўчиришга ҳаракат қилди, лекин энди у бунинг уддасидан чиқолмасди.

Миледининг расо ақли ва метин иродаси йигитнинг ўзи илгаридан белгилаб қўйган ҳадлардан чиқиб кетишига изн бермади.

Д'Артаньян миледига де Варднинг гуноҳидан ўтишни ва ўзининг ёвуз ниятларидан қайтишни насиҳат қилишдан бошқа гап топа олмади.

Бироқ унинг дастлабки сўзлариданоқ ёш жувон сесканиб тушди-ю, ундан ўзини олиб қочди.

– Қўрқаётган бўлманг тагин, муҳтарам д’Артаньян? – қоронғида ғалати чинқиллаб чиққан овоз билан кесатиб сўради у.

– Топган гапингизни қаранг, азизам! – жавоб берди д’Артаньян. – Хўш, борди-ю, ўша шўрлик граф де Варднинг гуноҳи сиз ўйлагандан камроқ бўлса-чи?

– Ҳар қалай, – бағритошлик билан гапирди миледи, – у менга панд берди. Модомики, шундай экан – у ўлимга маҳкум.

– Уни сиз ҳукм этган бўлсангиз, майли у ўлсин! – деб қатъий гапирди д’Артаньян, овози миледига чексиз ихлосга тўлиб-тошгандай эшитилиб кетди, миледи яна унинг пинжига суқилиб олди.

Миледи учун тун кўп чўзилдими-йўқми, биз буни айта олмаймиз, аммо ҳадемай бутун ётоқни ўзининг оқиш нурларига кўмиб, чий парда орасидан тонг ёришганда д’Артаньянга у билан ўтган тун ҳали-бери икки соат ҳам бўлмагандай эди.

Шунда д’Артаньяннинг ўзини тарк этишга чоғланаётганини кўрган миледи унга ўзи учун де Варддан қасос олиш хусусидаги ваъдасини эслатди.

– Мен тайёрман, – деди д’Артаньян, – лекин аввало бир нарсага ишонч ҳосил қилиб олишни истардим.

– Хўш, нимага? – сўради миледи.

– Мени севишингизга.

– Назаримда, сизга буни исботлаб бўлдим.

– Ҳа, мен ҳам жону таним билан сизникиман.

– Ташаккур сизга, менинг жасур маъшуғим! Лекин, ахир, сиз ҳам ўз муҳаббатингизни, мен ўзимникини исботлаб берганим сингари исбот қиласиз, шундай эмасми?

– Албатта, – тасдиқлади д’Артаньян. – Лекин, ўзингиз айтаётгандай, мабодо мени севсангиз, наинки мен учун ақалли озгина қўрқмасангиз?

– Нимадан қўрқардим?

– Нимадан деганингиз нимаси? Мен оғир шикастланишим, ҳатто ҳалок бўлишим мумкин.

– Бундай бўлиши мумкин эмас, – деди миледи, – сиз жуда довураксиз. Қиличлашишнинг роса ҳадисини олгансиз.

– Айтинг-чи, бошқа бир восита бўлса-ю, у қасдингизни худди шу зайл олиб берса, муборазага ҳам ҳожат қолдирмаса, сизга шу афзал эмасмиди, ахир?

Миледи индамасдан хушторига қараб қўйди: оқиш-намо тонг яллиғи унинг оч тусдаги кўзларига ғалати, мудҳиш ифода бериб турарди.

– Рост-а, – деди у, – назаримда иккиланиб қолдингиз.

– Йўқ, иккиланганим йўқ, лекин бечора графдан кўнглингиз қолгандан бери, гапнинг очиғи, унга раҳмим келяпти ҳамда менингча, эркак зоти учун сизнинг муҳаббатингиздан маҳрум бўлишнинг ўзи шундай даҳшатли жазоки, унга ўзга бирор йўсинда жазо беришга энди ҳожат ҳам йўқ.

– Уни севишимни сизга ким айтди? – сўради миледи.

– Ҳар қалай, ўзимга ортиқча бино қўймаган ҳолда, шу тобда бўлак кишини севасиз деб ўйлашга журъат қиламан, – мулойимлик билан гапирди йигит, – ҳамда сизга такрор айтаманки, мен графга ҳамдардман.

– Сиз-а?

– Ҳа, мен.

– Лекин нега энди айнан сиз?

– Чунки ёлғиз мен воқифманки...

– Нима?

– ... Унинг айби бу эмас ёки аниқроғи, сиз ўйлаган гуноҳни қилмаган эди.

– Изоҳлаб беринг, – ташвишли овозда деди миледи, – изоҳлаб беринг, негаки, сиз бу билан нима демоқчи бўлаётганингизни тушунмаётибман.

У ўзини оғушида олиб ўтирган д'Артаньянга қараб қўйди-ю, кўзларида ўт пайдо бўлди.

– Мен ор-номусли одамман, – деди бу гапларга бар-хам беришга қарор қилган д’Артаньян, – ҳамда муҳаббатингизга восил бўлган чоғдан бери, унга амин бўлган чоғдан бери... муҳаббатингиздан кўнглим тўқ бўлиши мумкин-ку ахир, шундай эмасми?

– Ҳа, ҳа, албатта... У ёғи!

– Ҳўш, мен ўзимда йўқ шодман ва кўнглимдаги бир гап мени хижолат қилиб турибди.

– Бир гап?

– Мабодо севгингиздан шубҳада бўлганимда эди, мен бунни айтиб ўтирмасдим, лекин сиз мени севасиз-ку, соҳибжамол маҳбубам? Шундай эмасми, сиз, сиз мени севасиз-а?

– Албатта, севаман.

– У ҳолда айтинг-чи: ҳаддан ортиқ муҳаббат мени сизга олдин бирор гуноҳ иш қилиб қўйишга мажбур этган тақдирда, сиз мени авф этармидингиз?

– Балким.

Д’Артаньян лабларини миледининг дудоқларига яқинлаштирмоқчи бўлди, лекин миледи уни итариб ташлади.

– Бир гап... – ранги ўчиб деди у. – Бир гапингиз нимаси?

– Сиз шу пайшанба кўни худди мана шу хонада де Вард билан кўришгансиз, шундай эмасми?

– Менми? Йўқ, бўлмаган гап, – деб у бирам қатъий оҳангда пинагини бузмай гапирдики, д’Артаньяннинг комил ишончи бўлмаган тақдирда унинг шубҳага бориб қолиши ҳеч гап эмасди.

– Ёлғон гапирманг, дилбар малагим, – табассум билан эътироз қилди у, – бунинг фойдаси йўқ.

– Буларнинг ҳаммаси нима деган гап? Гапирсангизчи? Сиз менинг жонимни суғуриб оляпсиз.

– О, ўзингизни босинг, менга нисбатан сиздан ҳеч бир гуноҳ ўтгани йўқ, мен сизни аллақачонлар авф этганман.

– Ҳўш, у ёғи нима, у ёғи?

– Де Варднинг ҳеч мақтанадиган жойи йўқ.
– Боиси нима? Ахир, ўзингиз айтиб эдингиз, бу узук...
– Жонгинам бу узук менда. Ҳузурингизда пайшанба куни бўлган граф де Вард-у, шу бугунги д'Артаньян – бу бир кишининг ўзгинаси.

Эҳтиётсиз йигит иболи таажжубни кўз ёшлар билан яқунлангувчи енгил-елпи тўполонни қутганди, лекин у ёмон панд еб қолди, унинг бу ғафлати кўп чўзилмади ҳам.

Миледи рангида ранг қолмай қўрқинчли бир алфозда ўрнидан қўзғалди ва шиддатли зарб билан д'Артаньянни кўкрагидан итариб ташлаб, тўшақдан сапчиб турди.

Афв этишини тавалло қилиш истагида д'Артаньян уни юпқа батист пенюаридан тортди, лекин у йигитнинг қўлидан юлқиниб чиқиб кетишга уринди. Бу кучли, кескин ҳаракатдан батист йиртилиб кетди-ю, унинг очилиб қолган момикдай оппоқ бир гўзал кифтида д'Артаньян мислсиз даҳшат билан нилуфар гулини – жаллоднинг шармисор қилгувчи қўли билан босилган ўчмас тамғани кўриб қолди.

– Астафзурулло! – пенюарни қўлдан чиқариб, бақириб юборди у.

У дами ичига тушиб, карахт бўлиб, эти музлаб, тўшақда турганича қотиб қолди.

Бироқ, д'Артаньяннинг даҳшати миледига ўзининг фош этилганини билдириб қўйди; шак-шубҳа йўқ, у ҳаммасини кўрган. Энди ёш йигит унинг сирини, ҳеч кимга маълум бўлмаган даҳшатли сирини билиб олди.

Энди у йигит томон қутурган аёл сингари эмас, яраланган қоплон каби ўгирилди.

– Лаънати! – деди у. – Менга разилона хиёнат қилганинг каммидики, сиримни ҳам билиб олдинг! Сен ўласан!

У пардоз жойида турган кичикроқ қадалма нақшли қутича ёнига югуриб бориб, бамисоли безгақдан қалтираётган қўли билан уни очди-да, кичкина олтин соп-

ли ўткир ва юпқа тигли ханжарни олиб, орқага, ярим яланғоч д'Артаньян томонга отилди.

Маълумки, ёш йигит довурак эди, лекин бу буришган башара, бу ола-қуласи чиқиб кетган ваҳимали қорачиқлар, бу рангпар ёноқлар-у қип-қизил лаблар унинг ҳам қутини учириб юборди; у гўё олдига ўрмалаб келаётган илонни кўриб қолгандек девор сари сурилиб олди; унинг тердан нам қўли пайпаслаб бориб, иттифоқо қиличга тегиб кетди-ю, уни қинидан суғуриб олди.

Бироқ қиличга парво қилмасдан унга ханжар ургани миледи каравотга чиқишга уринарди ва қилич учи ўз кўксига тиралганини сезгандагина тўхтаб қолди.

Шунда у бу қилични қўллари билан ушлаб олишга тириша бошлади, лекин д'Артаньян унинг бундай қилишига халал бериб ва ҳадеб қилични дам унинг кўзларига, дам кўксига тутиб, Кетти хонасининг эшиги томон чекиниш пайида ерга сирғалиб тушди.

Бу ўртада миледи алланечук ҳайвонсимон пишқириб, жон-жаҳди билан унга ташланишда давом этарди.

Бу энди ҳақиқий мубораза тусига кира бошлаган бўлиб, д'Артаньян аста-секин ўзини ўнглаб олди.

– Жуда соз, гўзалим! Жуда соз! – такрорларди у. – Бироқ, азбаройи худо, ўзингизни босинг, йўқса, мен сизнинг гулдай юзчаларингизга иккинчи нилуфарнинг суратини чизиб қўяман.

– Номард! Номард! – бўкирарди миледи.

Д'Артаньян ҳамон эшик сари чекинган кўйи мудофаа ҳолатида турди.

Миледи унга етиб олмоқ учун курсиларни ағдариб у – ўзини ҳимоя қилмоқ учун уларнинг орқасига пана бўлиб кўтарган тақир-туқурга Кетти эшикни очиб қолди. Эшикка яқинлашмоқ учун усталик билан ҳаракат қилаётган д'Артаньян шу лаҳзада ундан уч қадамларча бериди эди. Бир сакраш билан у ўзини миледининг хонасидан оқсочнинг хонасига урди-ю, эшикни яшин тезлигида қарсиллатиб ёпиб ва Кетти уни там-

балаб бўлгунча гавдасининг бор вазни билан итариб турди.

Шунда миледи аёлларга хос бўлмаган ғайритабиий куч намоиш этиб, ўз ётоғини оқсочнинг хонасидан ажратиб тургувчи тўсиқни синдириб ташлашга уришиб кўрди; сўнгра бунинг иложи йўқлигига қаноат ҳосил қилгач, эшикка ханжар санча бошладики, унинг зарбларидан баъзилари ёғочни паррон тешиб ўтди. Ҳар зарб даҳшатли қарғишлар остида бериларди.

– Бўл, бўл, Кетти, – эшик танбаланиб бўлгандан кейин нимтовушда деди д’Артаньян, – уйдан чиқиб кетишимга қарашиб юбор. Агар унинг ўзини босиб олишга фурсат берсак, у хизматкорларига мени ўлдиришни бууради.

– Бироқ шу туришда кетолмайсиз-ку, ахир! – деди Кетти. – Сиз деярли яланғочсиз.

– Ҳа, ҳа, бу тўғри, – деди фақат эндигина ўз уст-бошига кўзи тушган д’Артаньян, – мени бир амаллаб кийинтиргин, фақат тезроқ. Тушунгин, бу ҳаёт-мамот масаласи.

Кетти буни жуда яхши тушуниб турарди; у бир пасда унга қандайдир гулдор аёл кўйлагини, кенг тумоқ ва ёпинчини илиб қўйди, сўнгра қўлонтёқ туфли кийгизиб, уни зинадан пастга судраб кетди. Бу айни – миледи қўнғироқ чалиб бутун уйни бошига кўтариб бўлган маврид эди. Миледи ҳам ярим яланғоч ҳолда деразадан бошини чиқариб:

– Чиқарманг! – деб қичқирган дақиқада дарвозабон эшикни очиб турган эди.

VIII

Атоснинг сира овора бўлмасдан ўз аслаҳа-анжомини топиб олгани

Ёш йигит қочиб кетди, у эса иложсиз дўқлар билан ҳамон таҳдид қиларди. У кўздан ғойиб бўлган дамда миледи ҳушидан кетиб йиқилди.

Д'Артаньян шу қадар гангиб қолган эдики, Кеттининг келгуси қисмати ҳақида бош қотириб ўтирмай, Париж ярмини чопиб ўтди ва Атоснинг эшиги тагига келиб тўхтади. Маънавий изтироб, таъқиб этаётган даҳшат, онда-сонда унинг изидан тушган патрулларнинг ҳайқириқлари, каллайи-саҳарга қарамасдан ўз юмушлари билан кетаётган илк йўловчиларнинг ҳой-ҳуйлари – буларнинг ҳаммаси уни жадаллаштирарди, холос.

У ҳовлидан ўтиб олди, учинчи қаватга чиқди-да, жонжаҳди билан Атоснинг эшигини қоқа бошлади.

Унга эшикни уйқудан кўзлари салқиган Гримо очди. Д'Артаньян хонага шундай шиддат билан отилиб кирдики, сал бўлмаса уни уриб йиқитаёзди.

Ўзининг одатий гунглигига хилоф равишда бу гал бояқиш тилга кирди.

– Ҳой, сен! – бақирди у. – Сенга нима керак, уятсиз? Қаёққа суқилиб келяпсан, ҳароми?

Д'Артаньян тумоғини четга суриб қўйди-да, қўлини ёпинчи остидан чиқариб олди. Мўйлов ва яланғоч қиличга кўз тушиб, шўрлик Гримо қаршисида эркак киши турганини фаҳмлаб қолди. Шунда у буни қотил деб қарор қилди.

– Ёрдамга! Халос этинг! Ёрдамга! – бақирди у.

– Жим бўл, тентак! – деди йигит. – Мен д'Артаньянман. Наинки мени танимаган бўлсанг? Хўжайининг қани?

– Сиз – жаноб д'Артаньянмисиз? Бўлмаган гап! – қичқирди Гримо.

– Гримо, – ўз ётоғидан эғнида чопон билан чиқаркан деди Атос, – сиз тилга киришни эп кўрдингиз, шекилли.

– Тақсир гап шундаки...

– Жим бўлинг!

Гримо индамай қолди-ю, фақат ўз соҳибига д'Артаньянни ишора қилди.

Атос ўртоғини таниди ва ўзининг бутун сполигига қарамасдан хахолаб кулиб юбордики, унинг бу қаҳ-

қаҳасини кўз ўнгида намоён бўлган ғаройиб маскарад уст-боши тўла оқларди, чаккага қўндирилган тумоқ, ергача судралиб тушган юбка шимарилган енглар-у, ҳаяжонли юзда диккайиб турган мўйловлар.

– Қулманг, дўстим, – деди д’Артаньян, – худо хайрингизни берсин, қулманг, чин сўзимни бераманки, аҳвол куладиган эмас!

Бу сўзларни у шундай жиддий бир тарзда ва шундай чинакам бир даҳшат билан айтдики, Атоснинг кулгиси узилиб қолди.

– Бирам рангингиз ўчиб кетибдики, дўстим – д’Артаньяннинг кўлларидан ушлаб туриб деди у. – Ярадор-масмисиз ишқилиб?

– Йўқ, лекин боягина жуда ёмон ҳодиса содир бўлди. Ёлғизмисиз, Атос?

– Азбаройи шифо, шу маҳалда меникида ким ҳам бўларди!

– Буниси яхши!

Д’Артаньян шоша-пиша Атоснинг ётоғига ўтди.

– Қани, сўзлайверинг! – ортидан эшикни беркитиб ҳамда ўзларига ҳеч ким халал бермаслиги учун унинг илгагини суриб деди у. – Қирол қазо қилмадими ишқилиб? Кардинални ўлдириб кетмадиларми? Юзингизга қараб бўлмайди? Тезроқ гапирсангиз-чи, ахир, хавотирдан менинг ҳол-жоним қолмади.

– Атос, – деди д’Артаньян эгнидаги аёл либосини ечиб ташлагач, кўйлакчан қолгач, – ақлга сигмайдиган, қулоқ эшитмаган воқеани эшитишга ҳозирланинг.

– Аввал мана бу чопонни кийиб олинг, – таклиф этди мушкетёр.

Д’Артаньян чопонни кийди, лекин енгларини дарров топа олмади – унинг ҳаяжони шу даражада зўр эди.

– Шундай қилиб? – сўради Атос.

– Шундай қилиб, – Атоснинг қулоғига энгашиб ва овозини пасайтириб гапирди д’Артаньян, – хуллас, миледи кифтидан нилуфар гули билан тамғаланган.

– Оҳ! – гўё юрагига ўқ қадалгандай қичқириб юборди мушкетёр.

– Менга қаранг, – деди д'Артаньян, – ўша аёлнинг ҳақиқатан ўлганига ишончингиз комилми?

– Уша аёлними? – деб Атос бирам бўғиқ товуш билан қайта сўрадики, д'Артаньян унинг гапини аранг илғаб олди.

– Ҳа, ўша сиз менга бир кун Амёнда ҳикоя қилиб берганингиз.

Атос инграб бошини чангаллади.

– Буниси йигирма олти-йирма етти ёшларда, – гапида давом этди д'Артаньян.

– Сочлари сарғиштобми? – сўради Атос.

– Ҳа.

– Қошлари қора, қора киприкли, кўзларининг ранги оч, ажабтовур оч мовийми?

– Ҳа.

– Барваста, қадди-қомати келишганми? Чап томонда – озиғи ёнидаги бир тиши йўқми?

– Ҳа.

– Нилуфар тамғаси кичикроқ сарғимтир тусда ва турли дорилар ёрдамида чала ўчирилгандайми?

– Ҳа.

– Бироқ сиз уни инглиз деб эдингиз-ку?

– Уни ҳамма миледи деб атайди, лекин унинг француз бўлиши жуда эҳтимол. Ахир, лорд Винтер – борйўғи унинг эрининг акаси-да.

– Д'Артаньян, мен уни кўришни истайман.

– Эҳтиёт бўлинг, Атос, эҳтиёт бўлинг: сиз уни ўлдиришга урингансиз. Бу шундай аёлки, у қаримта қайтаришдан, қайтарганда ҳам беҳато қайтаришдан тоймайди.

– У бирор гапни айтиб беришга журъат қилмайди, бу унинг ўзининг чувини чиқариб қўяди.

– Унинг қўлидан ҳар нарса келади! Уни ҳеч қутурган важоҳатда кўрганмисиз?

– Йўқ.

– Бу йўлбарс, қоплон! Жон Атос, иккимизнинг бошимизга даҳшатли қасос фалокатини солиб кўйдимми деб жуда кўрқаман.

Д’Артаньян миледининг телбаларча ғазаби ва унинг ўлдираман, деб қилган дағдағаларининг ҳаммасини Атосга сўзлаб берди.

– Сиз ҳақсиз, ўлай агар, мен ҳозир ҳаётим учун бир мири ҳам бермаган бўлардим, – деди Атос. – хайриятки, биз индинга Парижни тарк этамиз, бизни Ларошелга жўнатсалар керак, биз жўнаб кетгандан кейин эса...

– У сизни таниб қолса борми, кетингиздан дунёнинг нариги бурчига етиб боради. Ундан кўра, унинг қаҳру ғазаби ёлғиз менинг бошимга туша қолсин.

– Э, дўстим-эй, садқайисар, ўлдирса-ўлдиравермай-дими! – деди Атос. – Мени ўз ҳаётини қадрлайди, деб ўйлаётган бўлманг тагин?

– Бу нарсаларнинг ҳаммасининг тагида мудҳиш бир сир бор. Биласизми, Атос бу аёл – кардиналнинг жосуси, мен бунга аминман.

– У ҳолда эҳтиёт бўлинг. Башарти, кардинал Лондон воқеаси учун сизга тан бермаган бўлса, унда у сизни ёмон кўриб қолган. Бироқ ошкора тақайдиган айб йўқ, ўша адоват муқаррар тошиб чиқиши шартлиги, хусусан, бу кардиналнинг адоваткашлиги важҳидан эса эҳтиёт бўлинг! Уйдан чиққан кезлари ёлғиз чиқманг, тамадди қилган кезлари эҳтиёт бўлинг, қисқаси – ҳеч кимга, ҳатто ўз соянгизга ҳам ишонманг.

– Хайриятки, – деди д’Артаньян, – индин оқшомигача етиб олсак бўлгани, негаки, армияда душман аскарларидан ташқари ҳадиксирайдиган ҳеч ким бўлмайди, деб умид қиламан.

– Ҳозирча эса ўзимнинг таркидунё ниятларимдан кечаман-да, ҳамма ерда сизга ҳамроҳ бўлиб юраман. Сиз Гўрковлар кўчасига қайтмоғингиз лозим, мен сиз билан бирга бораман.

– Бироқ бу нечоғли яқин бўлмасин, – эътироз қилди д’Артаньян, – мен у ерга бу туришда бора олмайман.

– Ҳақ гап, – тасдиқлади Атос ва қўнғироқни чалди. Гримо кириб келди.

Атос имо-ишора билан унга д’Артаньянникига бориб, у ердан уст-бош келтиришни буюрди. Гримо, худди шу тарзда ишора билан, ҳаммасини жуда яхши тушунганини жавоб қилди-да, чиқиб кетди.

– Шунақа гаплар, жон дўстим, – деди Атос, – бироқ бу воқеанинг ҳаммаси аслаҳа-анжом ишида бизга ҳаргиз дармон бўлмайди, зеро янглишмасам, сизнинг бутун лаш-лушларингиз милединикида қолган, унинг кийимларингизни қайтараман деб овора бўлиши даргумон. Хайриятки, ёқутингиз бор.

– Ёқут сизники, жон Атос! Ахир, бу оила зийнати деб ўзингиз айтдингиз-ку.

– Ҳа, отам уни икки минг экюга сотиб олган – бир вақтлар у менга шундай деб юрарди. У отамнинг онамга қилган тўёналарининг бир қисмини ташкил қилган, ўзи ҳам ниҳоятда нодир эди. Онам уни менга тўхфа қилди, мен эса паст бўлсам, бу узукни табаррук қилиб асраб юриш ўрнига, уни шу ярамас аёлга тортиқ қилиб юбордим.

– У ҳолда, бу узукни ола қолинг, азизим, уни сиз нечоғли қадрлашингиз лозимлигига ақлим етади.

– Бу узукни жинояткор қўлларга тушиб чиққандан сўнг олайми! Минбаъд! Бу узук ҳаром бўлган, д’Артаньян.

– Ундай бўлса, уни сотиб юборинг.

– Волидам қўлидан олган ёқут узукни сотайми? Эътироф этаман, мен буни шаккоклик деб санаган бўлурдим.

– Унда уни гаровга қўйинг, шунда сиз, шак-шубҳасиз, қарийб минг экюча пул оласиз. Бу пул сизнинг эҳтиёжларингизга етиб ортади, кейин эса қўлингизга тушган дастлабки пулларга уни қайтариб сотиб ола-

сиз, у илгариги доғларидан тозаланиб қайтиб келади, негаки, судхўрларнинг қўлларидан ўтган бўлади.

Атос қулимсираб қўйди.

– Сиз ажойиб дўстсиз, жон д’Артаньян, – деди у. – Ўзингизнинг муттасил вақти чоғлигингиз билан сиз ўша тушқунликка тушиб қолган бадбахтларнинг кўнглини кўтариб юрасиз. Майли! Келинг, бу узукни гаровга қўямиз, лекин бир шарт билан.

– Қанақа?

– Беш юз экюсини сиз оласиз, беш юзини – мен.

– Қўйсангиз-чи, Атос! Менга бу пулнинг чораги ҳам даркор эмас – мен гвардиядаман-ку. Эгарни сотсам, қўлимга худди талаб этилганча пул тушади. Менга нима зарур эди? Планшега от, атиги шу. Бунинг устига менда ҳам узук борлигини хаёлдан чиқаряпсиз.

– Сиз, афтидан, мен ўзимникини қадрлагандан ҳам ортиқ кўрадиган узук; ҳар қалай менга шундай туюлди.

– Ҳа, қисталанг эҳтиёж туғилган тақдирда, у бизни нафақат мушкул аҳволдан қутқаради, балки жиддий хавф-хатардан ҳам халос этади. Бу нафақат қимматбаҳо олмос, бу сеҳрли тилсимдир.

– Нималар деяётганингизни мен тушунмаяпман, лекин сизга ишонаман. Хуллас, менинг узугимга ёки тўғрироғи сизникига қайтайлик. Сиз унга тўланадиган пулнинг ярмини оласиз, ёки мен уни Сенага улоқтириб юбораман, битта-яримта балиқ Поликратга⁵¹ келтириб бергандай, илтифоти мўллигидан уни бизга олиб келиб беради, деган ишонч эса менда йўқ.

– Хўп, майли, мен розиман! – деди д’Артаньян.

Шу пайт Гримо, у билан бирга Планше ҳам келиб қолишди: соҳиби учун хавотирланиб, ҳам унга нима бўлганини билишга қизиқиб, у фурсатдан фойдаланган ва уст-бошни ўзи келтирган эди.

⁵¹ Поликрат – Самос оролининг золими.

Д'Артаньян кийинди. Атос ҳам шундай қилди. Сўнгра иккала дўст тап-тайёр бўлгач, Атос Гримога нишонга олиш ишорасини кўрсатди. Гримо шу замон девордан мушкетни олди-да, ўз соҳибига эргашишга ҳозир бўлиб турди.

Улар Гўрковлар кўчасига бехатар етиб олдилар. Дарвозахонада Бонасе турарди. У д'Артаньянга истехзоли қараб қўйди.

– Тезроқ бўлинг, муҳтарам ижарадор, – деди у, – сизга бир гўзал қиз маҳтал, аёллар эса, ўзингиз биласизки, интизорликни ёмон кўрадилар.

– Бу Кетти! – қичқириб юборди д'Артаньян ва юқорига отилди.

Дарҳақиқат, ўз хонаси олдидаги супада у Кеттини кўрди: шўрлик қиз эшикка суянганича дағ-дағ титраб турарди.

– Сиз менга ҳимоя қиламан, деб ваъда бергансиз, – деди у, – сиз менга унинг газабидан қутқариб қоламан, деб ваъда бергансиз. Хотирга олинг, мени хароб қилган сиз, ахир!

– Албатта, албатта, – деди д'Артаньян, – хавотирланма, Кетти. Бироқ мен кетганимдан кейин нима гаплар содир бўлди?

– Ўзим ҳам билмайман, – жавоб берди Кетти. – Унинг дод-фарёдларига хизматкорлар йиғилди, ёмон қаҳри келган эди. Сизнинг орқангиздан у айтмаган қарғиш қолмади. Шунда мен унинг хонасига меникидан ўтиб қолганингиз эсига тушиб қолмасайди, мени сизнинг шерингиз, деб гумон қилиб қолмасайди, деб кўрқиб кетдим. Мен ўз пулларимни, нарсаларимдан энг арзийдиганларини олдим-у, қочдим.

– Бечора қиз! Бироқ мен сени нима қилсам экан-а? Мен индинга жўнаб кетяпман.

– Нима қилсангиз қилинг, жаноб д'Артаньян! Менинг Париждан чиқиб кетишимга, Франциядан жўнаб кетишимга кўмаклашинг.

– Бироқ мен сени ўзим билан Парошелнинг қамалига олиб кетолмайман-ку, ахир! – эътироз қилди д’Артаньян.

– Албатта йўқ, лекин сиз мени бирор вилоятга, мисол учун ватанингиздаги битта-яримта таниш хоним-никига жойлаштириб қўйсангиз бўлади.

– Жоним Кетти, менинг ватанимда хонимлар оқсоч тутмайдилар. Дарвоқе, сабр қил, нима қилишимизни мен биламан. Планше, бориб Арамисни айтиб кел. Дарров бу ерга келсин. Биз у билан гаплашиб олмоғимиз лозим.

– Тушунаман, – деди Атос, – лекин нега энди Портос билан эмас! Назаримда, унинг маркизаси...

– Портоснинг маркизаси эрининг мирзалари ёрдамида кийинади, – кула-кула деди д’Артаньян, – устига-устак Кетти Айиқ кўчасида истиқомат қилишни хоҳламайди. Тўғрими, Кетти.

– Мен қаерда бўлса яшайвераман, – жавоб берди Кетти, – мени яхшилаб яшириб қўйсалар-у, қаердалигимни ҳеч ким билмаса бўлгани.

– Энди, Кетти, биз сен билан видолашаётган ва, демак, сен мени ортиқ рашк қилмайдиган пайтда...

– Жаноб д’Артаньян, – деди Кетти, – мен қаерда бўлмайин – узоқдами ёки яқиндами – сизни ҳамиша севаман.

– Азбаройи шифо, мана садоқат қаерда бошпана топибди! – ғўлдираб қўйди Атос.

– Мен ҳам, – деди д’Артаньян, – мен ҳам сени ҳамиша севаман, хотирингни жам қил. Лекин бир гап бор, бир саволга жавоб бер, мен учун бунинг аҳамияти жуда катта: бир вақт тунда олиб қочилган ёш жувон хусусида сен ҳеч гап эшитмаганмисан?

– Тўхтанг -а... Ё раббий, наҳотки сиз яна бу аёлни ҳам севсангиз?

– Йўқ, уни дўстларимдан биттаси севади. Ҳа-я, мана у, шунинг ўзи, Атос.

– Мен?! – дея Атос бирам даҳшат билан қичқириб юбордики, гўё илонни босиб олаёзгандай.

– Ҳа, албатта сен-да! – Атоснинг қўлини сиқиб деди д’Артаньян. – Ўша бояқишнинг – Бонасе хонимнинг тақдирига биз ҳаммамиз нақадар ҳамдардлигимизни сен жуда яхши биласан. Айтмоқчи, Кетти ҳеч кимга айтмайди. Шундай эмасми, Кетти? Биласанми, тасаддуқ, – гапида давом этди д’Артаньян, – бу ўша рўдапонинг хотини, меникига киришда эшик тагида унга кўзинг тушган бўлса керак.

– Вой шўрим! – қичқириб юборди Кетти. – Яхши эсимга солдингиз! Бирам кўрқиб кетяпманки! Ишқилиб мени таниб қолмаса бўлгани!

– Таниб қолмаса деганинг нимаси! Бундан чиқди, сен бу одамни илгари кўрган экансан-да?

– У икки марта миледи ҳузурига келган.

– Ана холос! Бу қачон бўлган?

– Икки-икки ярим ҳафта бурун.

– Ҳа, ҳа худди шундай.

– Кеча кечқурун ҳам у яна келди.

– Кеча кечқурунми?

– Ҳа, сиздан бир дақиқа илгари.

– Азизим Атос, биз жосус тўрлари қуршовидамиз! Хўш, Кетти, у сени таниб қолди деб ўйлайсанми?

– Унга кўзим тушгач, тумоғимни бостириб кийиб олдим, лекин кеч бўлганмиди дейман.

– Пастга бир тушинг-чи, Атос, унинг менга қараганда сиздан шубҳаси камроқ, бир қаранг-чи, у ҳалиям эшикнинг тагида турганмикан?

Атос пастга тушиб кетди-да, ҳадемай қайтиб чиқди.

– У йўқ, – деди у, – уй ҳам қулф.

– У ҳамма каптарлар уяда жамлигини хабар қилгани кетган.

– Ундай бўлса, келинлар учиб кетамиз, – деди Атос, – ҳамда бу ерда Планшенинг якка ўзини қолдириб кетамиз, у бизга кейинги гапларни хабар қилади.

– Бир нафас! Арамисни нима қиламиз? Унга одам юборганмиз-ку?

– Ҳақ гап, Арамисни кутамиз.

Худди шу пайт Арамис кириб келди. Унга бутун воқеани баён этиб, унинг юқори мартабали танишларидан битта-яримтасиникида Кеттига жой топиш нақадар зарурлигини изоҳлаб бердилар.

Арамис бир зум ўйланиб қолди, сўнгра қизариб сўради:

– Бу билан сизга чинданам яхшилик қилган бўлманми, д’Артаньян?

– Мен ўла-ўлгунимча бу яхшилигингизни унутмайман!

– Гап бундай, де Буа-Траси хоним ўз дугоналаридан бирига ишончли оқсоч топиб беришни илтимос қилиб эди, у аллақерда вилоятда истиқомат қилади, шекилли, мабодо сиз, д’Артаньян, кафил бўлолсангиз...

– О, тақсир! – деди Кетти. – Сизни ишонтириб айтаманки, менга Париждан жўнаб кетиш имконини беражак ўша хонимга мен чексиз содиқ бўламан.

– Ундай бўлса, – деди Арамис, – ҳаммаси эпланиб кетади.

У стол ёнига ўтириб, мактубча ёзди, уни узуги билан муҳрлаб елимлади-да, Кеттига берди.

– Энди эса, тасаддуқ, – деди д’Артаньян, – ўзингдан қолар гап йўқ, бу ерда қолиш на биз учун, на сен учун бехатар эмас, шу сабабдан биз ажралмоғимиз лозим. Биз сен билан дурустроқ замонларда учрашамиз.

– Билиб қўйинг, биз қаерда ва қачон учрашмайлик, – деди Кетти, – мен сизни ҳамиша худди ҳозиргидай севаман.

– Қиморбознинг қасами, – деб қўйди Атос д’Артаньян Кеттини кузатиб, зинага чиқиб кетган орада.

Бир зум ўтгач, йигитлар соат тўртда Атосникида учрашишни келишиб олишгач ва уйни қўриқлашни Планшега топширишгач, ажралишдилар.

Арамис уйига кетди, Атос билан д'Артаньянлар эса ёқут узукни гаровга қўйгани йўл олдилар.

Худди гасконлигимизнинг кўзи етиб тургандек, улар узукнинг гаровига ҳеч бир мушкулотсиз уч юз пистол пул олдилар. Устига-устак судхўр маълум қилдики, агар улар узукни таг-туғи билан сотишни маъқул кўрсалар, у бадалига беш юз пистолга етказиб тўлашга тайёр, чунки ўзида бор зиракларга бу узук қўйиб қўйгандек мос эди.

Чаптаст аскар ва ўз ишининг билимдонлари бўлмиш Атос билан д'Артаньян мушкетёрга зарур аслаҳа-анжомни харид қилгани ортиғи билан уч соатча вақт сарфладилар. Бунинг устига Атос ниҳоятда феъли кенг ройиш одам эди. Агар унга бир нарса мақбул келса, у ҳар гал талаб этилган пулни ҳатто камайтиришга ҳам уринмасдан тўларди. Д'Артаньян бу борада унга танбеҳ беришга уриниб кўрган эди, лекин Атос қўлини унинг елкасига қўйиб жилмайиб қўйди, д'Артаньян ҳам қашшоқ гаскон дворяни бўлмиш – ўзига савдолашмоқ эп бўлса, бу нарса ўзини қирол насабли одам сифатида тутган кишига ҳаргиз ярашмаслигини фаҳмлади.

Мушкетёр бурун катакларидан ҳовури уриб турган, бежирим оёқлари ингичка, олти яшар тим қора кетворган андалуз отини ахтариб топди. У уни бошдан-оёқ кўздан кечириб чиқиб, бирор нуқсонини тополмади. Унга минг ливр сўрадилар. Уни арзонроқ харид қилишнинг иложи бўлса ажаб эмас эди, лекин д'Артаньян олибсотар билан нарх талашгунча, Атос аллақачон столга минг пистолни санаб қўйди.

Гримо учун уч юз ливрга бақувват ва чайир пикардия оти сотиб олинди.

Бироқ Атос бу отга эгар билан Гримо учун қурол сотиб олганда унинг юз эллик пистолдан ном-нишон қолмади. Д'Артаньян ошнасига кейинчалик бир пайти келганда бу қарзни узиш шарти билан ўз улушидан бир қисм пулни насия қилиб туришни таклиф этди, лекин Атос елкасини қисиб қўя қолди.

– Судхўр ёқут узукни ўзида қолдириш учун қанча пул таклиф этган эди? – сўради у.

– Беш юз пистол.

– Яъни икки юз пистол зиёд. Юз пистол сизга, юз пистол менга. Дўстим, ахир бу бутун бошли бисотку! Боринг судхўрнинг олдига!

– Нима! Сиз истайсизки...

– Гапнинг очиғи, д’Артаньян, бу узук ўта кўнгилсиз нарсаларни эсимга солиб турган бўларди. Бунинг устига ҳеч қачон қўлимизга уч юз пистол пул тушмайди, токи уни қайтариб олсак ҳамда биз бу ишда бекордан-бекорга икки минг ливрни бой берамиз. Унга айта қолинг, узук – уники ҳамда икки юз пистол билан изингизга қайтинг.

– Яхшилаб ўйлаб кўринг, Атос.

– Бизнинг замонда нақд пуллар азиз, қурбон беришни ҳам уддаламоқ керак. Боринг, д’Артаньян, боринг. Гримо ўз мушкети билан сизни кузатиб қўяди.

Ярим соат ўтгач йўлида саргузашт-паргузаштга йўлиқмасдан д’Артаньян ёнида икки минг ливр пул билан қайтиб келди.

Мана, қай тарзда Атос ўз рўзғоридан ўзи асло кўзда тутмаган пул маблағини топиб олди.

IX

Шарпа

Демак, соат тўртда тўрт дўст Атосникида жам бўлишди. Аслаҳа-анжом ташвишлари барҳам еган, энди уларнинг ҳар қайсиси чеҳрасида фақат шахсий пинҳоний ташвишлари акс этмоқда, зеро ҳар бир қутлуғ дақиқа замирида истиқболдаги хавотирлар ётади.

Туйқусдан д’Артаньян номига йўлланган икки мактуб билан Планше кириб қолди.

Бири муҳрига тумшуғида кўм-кўк новдани илиб кетгучи каптарнинг босма тасвири туширилган, кичкина, узунчоқ, нафис эди.

Иккинчиси квадрат шаклли каттакон бўлиб, унда падари бузруквор герсог-кардиналнинг совуқ герби кўз-кўз бўлиб турарди.

Жимит мактубчани кўриши билан д'Артаньяннинг юраги қувончдан орзиқиб кетди: у ҳуснихатни танигандай бўлди.

Рост, у бу ҳуснихатни атиги бир қур кўрган эди, холос. Лекин бу унинг хотираси қалбида чуқур жой олган эди.

Демак, у кичик мактубни олди-ю, уни апил-тапил очди.

«Яқин чоршанба кунни, – дейилган эди мактубда, – шом соат олти ва етти ўрталарида Шаё йўлида сайр қилиб турунг ва қатнаб турган извошларга диққат билан разм солинг, лекин башарти ўзингизнинг ҳаётингизни ва сизни севгувчилар ҳаётини қадрласангиз пом-мим деманг, ақалли бир нафас дийдорингизни кўрай деб ўзини ғоят улкан хатарга дучор қилгувчи хонимни таниганингизни фош этгудек бирор ҳаракат қилманг».

Имзо йўқ эди.

– Бу тузоқ, д'Артаньян, – деди Атос, – у ерга борманг.

– Лекин мен ҳуснихатни таниётгандайман, – эътироз қилди д'Артаньян.

– Ҳуснихат қалбаки бўлиши мумкин, – гапида давом этди Атос, – йилнинг бу палласида кеч соат олти-еттиларда Шаё йўли тамомила хилват бўлади. Бу Бонди ўрмонига сайрга бориш деган гап.

– Борди-ю, у ерга ҳаммамиз бирга борсакчи? – таклиф этди д'Артаньян. – Сабил қолсин! Улар бир йўла тўрталамизни, яна тўрт бирдай, хизматкор, отлару қуролларни қўшиб ютиб юборишмас-ку!

– Устига-устак бу аслаҳа-анжомларимизни кўрса-тишга қулай баҳона бўлади, – илова қилди Портос. – Аммо аёл киши ёзган бўлса, – эътироз билдирди Арамис, – ҳамда мабодо аёл ўзини кўриб қолишларини

истамаса, сиз унинг обрўсини тўкиб қўясиз, д'Артаньян, бу хусусда ўйлаб боқинг. Дворян кишига номуносиб қилиқ бўлади бу.

– Биз орқада қоламиз, – таклиф қилди Портос. – Д'Артаньян эса извош ёнига ёлғиз боради.

– Шундайликка шундайку-я, лекин елдек учиб бораётган извошда туриб, пистолетдан ўқ узиш ҳеч гап эмас.

– Бе! – деди д'Артаньян. – Ўқ тегмай ўтиб кетади. Биз бўлсак извошга қувиб етамиз-да, унинг ичидан кимки чиқса, ҳаммасини қириб ташлаймиз. Ҳар қалай, бир нечта душман кам бўлади-ку!

– У ҳақ, – маъқуллади Портос, – мен муштлашишга тарафдорман. Қуролларимизни синаб кўриш ҳам керак-ку, ахир!

– Майли, шу роҳатдан ўзимизни бир баҳраманд қилайлик, – ўзининг одатдаги енгилтак ва бепарво тарзида гапирди Арамис.

– Нима десангиз шу, – деди Атос.

– Жаноблар, – деди д'Артаньян, – соат аллақачон тўрт ярим бўлди, Шаё йўлига соат олтигача базўр етиб оламиз.

– Ҳам яна ҳаддан ортиқ кеч чиқсак, – илова қилди Портос, – бизни ҳеч ким кўролмайди, буниси эса жуда алам қилади-да. Демак, йўлга ҳозирлик кўргани кетдик, жаноблар.

– Бироқ, сиз иккинчи мактубни фаромуш қилдингиз, – деди Атос. – Ҳолбуки, у муҳрига қараганда, чамамда, очишга арзийди. Сизга эътироф қиламан, муҳтарам д'Артаньян, у мени ўша меҳрингиз товланиб, қўйнингизга яшириб қўйган ёзувингиздан кўра кўпроқ безовта қилмоқда.

Д'Артаньян қизариб кетди.

– Яхши, – деди йигит, – келинлар, жаноблар, падари бузруквор мендан нима иташини кўрайлик.

Д'Артаньян мактубни очди-да, ўқиб берди:

«Ж-б д'Артаньян, қирол гвардияси Дезессара ротасидан бугун кеч соат саккизга кардинал саройига таклиф этилади.

Ла Удинир, гвардия капитани».

– Азбаройи шифо! – деб қўйди Атос. – Мана бу мулоқот ўша, наригисидан хатарлироқ бўлади.

– Мен иккинчисига биринчисига бориб келгандан сўнг бораман, – деди д'Артаньян, – бири соат еттига тайинланган, иккинчиси эса саккизга. Иккаласига ҳам вақт бемалол етади.

– Ҳм... Мен бормаган бўлардим, – луқма ташлади Арамис. – Одобли кавалернинг хоним тайин қилган мулоқотдан бўйин товлашининг иложи йўқ, лекин мулоҳазали дворян киши падари бузруквор ҳузурига ташриф буюрмасдан ўзини оқлагудек баҳона топиши мумкин, хусусан, ҳаргиз илтифот юзасидан таклиф этишмаган деган тахмин учун сабаблари мавжуд тақдирда.

– Мен Арамиснинг фикрига қўшиламан, – деди Портос.

– Жаноблар, – жавоб берди д'Артаньян, – мен жаноб де Кавуа орқали падари бузруквордан бу хил таклифномани бир қур олганман. Мен уни писанд қилмадим, келаси кўни эса катта фалокат рўй берди: Констанция ғойиб бўлди. Таваккал, лекин мен бораман.

– Агар қарорингиз қатъий бўлса – боринг, – деди Атос.

– Бастилия-чи? – сўради Арамис.

– Ана холос! Мени у ердан чиқариб оласизларда, – деди д'Артаньян.

– Бўлмасам-чи, – дея Арамис билан Портос ўзларига хос кирови ишонч билан бир овоздан шундай бир тарзда жавоб бердиларки, гўё бундан жўн иш йўқдай, – бўлмасамчи, биз сизни у ердан чиқариб оламиз, лекин индинга жўнаб кетишимиз лозимлиги важҳидан, ҳали ҳозирча ўша Бастилияга тиқилмай турганингиз мақбулроқ эди.

– Келинлар, бундай қиламиз, – деди Атос, – уни бугун оқшом бўйи ёлғиз қолдирмаймиз, у кардинал саройига кетган пайти эса ҳар биримиз орқамизда уч мушкетёр билан дарвозаларнинг бирини пойлаб турамиз. Мабодо, биз у ердан чиқиб келгувчи лоақал салгина шубҳали тусдаги бирор ёпиқ извошни кўриб қолсак, биз унга ҳужум қиламиз. Анча вақтлардан бери биз қирол гвардиячилари билан тўқнашганимиз йўқ, жаноб де Тревиль ҳам бизларни мурдаларга қўшиб юрган бўлса ажаб эмас.

– Рости гап, Атос, сиз лашкарбоши бўлмоқ учун яралгансиз, – деди Арамис. – Бу режа борасида сизлар нима дейсизлар, жаноблар?

– Жуда соз режа! – ҳаммаси жўр бўлиб такрорлади йигитлар.

– Демак, – деди Портос, – мен казармаларга физил-лайман-да, ўртоқларимизни соат саккизга шай туринглар, деб огоҳ этиб қўяман. Учрашиш жойини кардинал саройи қошидаги майдонда деб тайинлаймиз. Сизлар эса хизматкорларга отларни эгарлашни буюринглар.

– Лекин менда от йўқ, – эътироз қилди д'Артаньян. – Рост, мен от учун жаноб де Тревиль ҳузурига одам юборишим мумкин.

– Ҳожати йўқ, – деди Арамис, – меникилардан бирини ола қолинг.

– Сизда улар нечта ўзи? – сўради д'Артаньян.

– Учта, – жилмайиб жавоб берди Арамис.

– Азизим, – деди Атос, – ишончим комилки, сиз отлар билан Франция ва Наварранинг жамики шоирларидан тузукроқ таъминлангансиз.

– Қулоқ солинг, жон Арамис, уч отни нима қилишни билмай, ўзингиз ҳам довдираб қолсангиз керак. Нега бир йўла учтасини харид қилганингизни сира англаёлмаяпман.

– Гап шундаки, учинчи отни худди шу бугун саҳарда аллақандай уқасиз либос кийган қарол келтириб

берди, у кимнинг қўлида хизмат қилишини айтишни истамади ҳамда маълум қилдики, соҳибидан эмиш...

– Ёки ўз хонимидан, – унинг гапини бўлди д’Артаньян.

– Бунинг аҳамияти йўқ, – деди Арамис қизариб, – ҳамда маълум қилдики, ўз соҳибидан отни менинг табламга келтириб қўйиш, лекин ким томонидан юборилганини айтмасликка фармойиш олган.

– Йўқ, бу хил гаплар фақат шоирларда бўлади! – жиддий туриб луқма ташлади Атос.

– Ундай бўлса, бошқача йўл тутамиз, – деди д’Артаньян. – Сиз ўзингиз қайси отни миниб кетасиз? Харид қилганингизними ёки туҳфа қилинганиними?

– Турган гап, ўша, менга туҳфа қилинганини-да. Ўзингиздан қолар гап йўқ, д’Артаньян, мен ахир ранжитолмайман...

– ... Туҳфа номаълум соҳибини, – гапни давом эттирди д’Артаньян.

– Ёинки сирли туҳфа соҳибасини, – унинг гапига тузатиш киритди Атос.

– Бинобарин, харид қилган отингизнинг энди сизга кераги йўғ-а?

– Шундай деса бўлади.

– Уни ўзингиз танлаганмисиз?

Танлаганда ҳам синчиклаб. Ўзингизга маълум, суворийнинг омонлиги ҳамиша унинг отига боғлиқ!

– Уни ўзингиз тўлаган нархда менга бериб қўя қолинг, бўлмаса.

– Мен ўзим ҳам арзимас пулини истаган пайтингиз қайтарарсиз деб, уни сизга таклиф этмоқчи бўлиб тургандим, муҳтарам д’Артаньян.

– У сизга қанчага тушди?

– Саккиз юз ливрга.

– Мана қирқта иккиталик пистол, азиз дўстим. Достонларингизга худди шундай танга билан ҳақ тўлашларини мен биламан.

– Сиз шунча боймисиз? – ҳайрон бўлди Арамис.

– Бойман, Крез сингари бойман, азизим!

Д’Артаньян чўнтагидаги пистолларнинг қолган-қутганларини жиринглатиб қўйди.

– Эгарингизни мушкетёр казармаларига жўнатиб юборинг, отингизни сизга бошқалари билан бирга келтириб беришади.

– Жуда соз. Бироқ соат беш бўлай деб қолди, шошилишимиз лозим.

Чорак соатдан сўнг Феру кўчасининг пировардида гўзал испан тойини минган Портос кўринди. Унинг орқасида кичкина, лекин буниси ҳам жуда чиройли оверн тойида Мушкетон келарди. Портос қувончу ифтихор тимсоли мужассам кишидай кўринар эди.

У билан айни пайтда кўчанинг бошқа чеккасида жуда ажойиб инглиз тулпорини минган Арамис кўринди. Унинг орқасида забардаст мекленбург отини тизгинидан етаклаб Базен келарди: у д’Артаньяннинг оти эди.

Иккала мушкетёр ҳам дарвоза тагига келиб қолишди; Атос билан д’Артаньян уларга деразадан қараб туришган эди.

– Азбаройи шифо! – деди Арамис. – Отингиз ажойиб экан, муҳтарам Портос.

– Ҳа, – жавоб берди Портос. – Менга аввал бошда жўнатишлари зарури шу эди. Эрнинг аҳмоқона ҳазилини деб уни бошқасига алмаштириб қўйганлар, лекин кейин эр таъзирини еди-ю, ҳаммаси худди менинг кўнглимдагидек якунланди.

Тез орада Планше, у билан эса соҳибининг отини етаклаган кўйи Гримо пайдо бўлди. Д’Артаньян билан Атос уйдан чиқишди-да, Атос рафиқасидан, Арамис – маъшуқасидан, Портос – прокурор хонимдан, д’Артаньян эса барча маъшуқалардан соз – омадидан қарздор отларга миниб, тўрт ўртоқ йўлга равона бўлди.

Хизматкорлар уларнинг ортидан боришарди.

Худди Портос башорат қилганидек, суворийлар тўдаси кучли таассурот қолдирарди, мабодо Кокнар

хоним ўз хушторининг гўзал испан айғирида қандай савлат тўкиб ўтиришини кўрганда борми, эрининг пул сандиғидан қон чиқарганига афсус емаган бўларди.

Лувр яқинида тўрт оғайни Сен-Жермендан қайтиб келгувчи жаноб де Тревилни учратиб қолдилар; у киши шуқуҳли аслаҳа-анжомларни томоша қилмоқ учун уларни тўхтатди-ю, ҳаш-паш дегунча бир тўп бекорчилар уларни ўраб олди.

Д'Артаньян бундан фойдаланиб, каттакон қизил муҳрли герсог гербли мактубни жаноб де Тревилга айтиб берди; унинг иккинчи мактуб хусусида оғиз очмагани ўз-ўзидан маълум.

Жаноб де Тревиль дўстлар қабул қилган қарорни маъқул деб топди ва, борди-ю, келаси қуни д'Артаньян унинг ҳузурига қадам ранжида қилмаса, қаердан бўлмасин уни ахтариб топиш воситаларини топажани айтиб, уларни ишонтирди.

Шу дақиқада Самарит аёли устидаги соат олтига занг урди. Оғайнилар қисталанг мулоқотни баҳона қилиб, узрини айтдилар-у, жаноб де Тревиль билан хайр-маъзур қилишди. Отларини елдек елдириб, улар Шаё йўлига чиқиб олдилар. Қош қорая бошлаган бўлиб, извошлар у ёқ-бу ёққа қатнаб турмоқда эди. Д'Артаньян бир-икки одим нарида турган биродарлари муҳофазасида извошларнинг ичкарасига тикилар, лекин бирорта таниш чехрага кўзи тушмасди.

Ниҳоят ўн беш дақиқалик мунтазирликдан сўнг қуюқ гира-ширада Севр тарафдан тез елиб келгувчи извош пайдо бўлди. Ўзига мулоқот тайин этган хоним худди шу извошда ўтирганини д'Артаньяннинг кўнгли олдиндан сезди ва юраги ҳаприқиб ура бошлаганини ҳис қилиб, унинг ўзи ҳам ҳайрон қолди. Қарийб шу нафас извош деразасидан бир аёл мўралади: унинг дудоқларга босилган икки бармоғи гўё сукутга даъват этар ёхуд бўса йўлларди. Д'Артаньян севиниб аста нидо қилди: бу аёл ёки, тўғрироғи, бу шарпа – зеро, извош барқ суръати билан учиб ўтиб кетди – Бонасе хоним эди.

Огоҳ этилганига қарамасдан д'Артаньян ғайриихтиёрий ҳаракат билан отини елдириб кетди-да, бирикки сония ичида извошга етиб олди, лекин унинг деразалари парда билан аллақачон зич тўсилганди. Шарпа ғойиб бўлган эди.

Фақат шу ерда ўзининг огоҳ этилгани д'Артаньяннинг ёдига тушди: «... башарти ўзингизнинг ҳаётингизни ва сизни севгувчилар ҳаётини қадрласангиз, бирор ҳаракат қилманг ҳамда ўзингизни ҳеч нима кўрмаганга солинг».

У ўзига эмас, шўрпешона аёлга жони ачиб тўхтаб қолди: унга бу мулоқотни тайинлаш билан у ўзини улкан хавф-хатар остида қолдираётгани аён эди.

Извош ўша-ўша тезликда олға қараб елиб кетмоқда эди; сўнгра у Парижга учиб кирди-ю, кўздан йўқолди.

Д'Артаньян саросимада нима ўйларини билмасдан турган жойида қотиб қолди. Борди-ю, бу Бонасе хоним бўлиб, агар у Парижга қайтиб кетаётган бўлса, унда бу оний висол, бу наридан бери кўз уриштиришлар, бу хуфиёна бўса нечун? Агар бу ўша аёл бўлмаса – бу ҳам жуда эҳтимол гап, зеро ғира-ширада янглишиб кетиш осон – унда бу ишларнинг ҳаммаси унга қарши кузатилган фитнанинг боши эмасмикан, унинг душманлари, севишини у ҳеч кимдан сир тутмаган аёлдан хўрак сифатида истифода қилган эмасмикан?

Д'Артаньян ёнига ҳамроҳлари келишди. Уларнинг учаласи ҳам извошдан мўралаган аёл бошгинасини яққол кўрган, лекин Атосни истисно этганда, улардан ҳеч бири Бонасе хонимнинг юзини танимасди. Атоснинг фикрича, бу ўшанинг ўзи эди, у бу хушрўй рухсорга д'Артаньян сингари тикилиб қарамаган, шу сабабдан эса извош тўғрисидаги иккинчи бош – эркак бошини ҳам кўриб қолган эди.

– Ундай бўлса, – деди д'Артаньян, – унда, уни бир қамоқдан бошқасига ўтказишаётган бўлсалар керак. Аммо бу бояқишни улар нима қилмоқчи экан? У би-

лан қачон бўлса-да учрашиш менга насиб қиларми-кан?

– Биродар, – жиддий сўз бошлади Атос, – хотирингизда бўлсин, шу ерда, ер юзида мурдалар билан учрашиб бўлмайди, холос. Биз сиз билан бу борада у-бу нарсани биламиз, шундай эмасми? Хўш, агар маъшукангиз қазо қилмаган бўлса, бугун биз худди ўшанинг ўзини кўрган бўлсак, уни эртами-кечми ахтариб топасиз. Ҳам ажаб эмаски, – ўзига хос тунд тарзда илова қилиб қўйди у, – ажаб эмаски, бу нарса ҳатто ўзингиз истагандан ҳам вақтлуроқ рўёбга чиқса.

Соат етти яримга занг урди, извош номачада кўрсатилган муддатдан йигирма дақиқа кечроқ ўтган эди. Оғайнилар д'Артаньянга олдида яна бир ташриф турганини эслатдилар ҳамда ундан воз кечишга ҳали ҳам фурсат борлигини ҳам илова қилдилар.

Аммо д'Артаньян бир йўла ҳам ўжар, ҳам синчков эди. У кардинал саройига бораман ва ўзига падари бузруквор айтмоқчи бўлган гапларни биламан, деб миёсига қуйиб олган эди. Уни бу қароридан ҳеч нима қайтара олмасди.

Улар Сентя-Оноре кўчасига етиб келдилар ва кардинал саройи майдонида ўртоқлари йўлини пойлаб турган – улар чорлаган ўн икки нафар мушкетёрни топдилар. Фақат шундагина уларга нима гаплигини изоҳлаб бердилар.

Д'Артаньян қирол мушкетёрларининг шавкатли ротасида кенг танилган эди; унинг мавриди билан ўз ўрнини эгаллашини ҳамма билар ва ҳалитдан уни бир дўстдек кўрардилар. Шу важдан уларнинг ҳар бири ўзи муқаллаф этилган ишга бош қўшмоққа жон деб розилик берди; устига-устак, гап кардинал ва унинг одамларининг жиғига тегиш имконияти хусусида борар, бу нажиб дворянларнинг эса шу қабилидаги иқдомларга суяги йўқ эди.

Атос уларни уч отрядга бўлди, улардан бирининг сардорлигини ўз зиммасига олди, иккинчисига – Ара-

мисни, учинчисига – Портосни мутасадди қилди, сўнгра ҳар отряд дарвозаларнинг бири қаршисида сарой яқинида ўрнашиб олди. Д'Артаньянга келсак, у бош дарвозадан мардона кириб борди.

Ёш йигит ортида кучли мадад борлигини ҳис қилиб турса-да, кенг пиллапоя зиналаридан чиқа туриб буткул хотиржам эмасди. Унинг миледига қилган қилиғи жуда хоинликка ўхшаб кетарди, аслида эса бу аёлни кардинал билан боғлаб тургувчи сиёсий йўриқдаги аллақандай робиталар мавжудлигига унинг ақли етиб турарди; ундан ташқари у шафқатсизларча таъзирини берган де Вард падари бузруквор мухлисларидан бири эди, д'Артаньян эса яхши билардики, падари бузруквор ғаним учун қўрқинчли бўлса ҳам, ўз дўст-биродарларига нисбатан меҳр-оқибати зўр эди.

«Мабодо де Вард тўқнашувимизни кардиналга ҳикоя қилиб берган бўлса, бунга шак-шубҳа йўқ ҳамда мабодо у менинг кимлигимдан хабар топган бўлса, бу жуда эҳтимол гап, унда ҳукмим чиқди ҳисоб, – бошини чайқаб хаёл сурарди д'Артаньян. – лекин не сабабдан кардинал шу кунгача тоқат қилиб келди экан-а? Не сабабдан бўларди, миледи ўзига бирам ярашиқ ўша риёкор маъюс алфозда устимдан унга арз қилган, бу сўнги жиноят унинг сабр косасини тўлдириб юборган.

Хайриятки, – хаёлан қўшимча қилиб қўйди д'Артаньян, – менинг меҳрибон дўстларим пастда туришипти ҳамда мени тортиб олишга уриниб кўрмасдан туриб, олиб кетишларига йўл қўймадилар. Бироқ бутун Франция лашкарларини истифода қилгувчи – қаршисида қиролича ожиз, қирол эса иродасиз бўлган кардинал билан жаноб де Тревиль мушкетёрлари ротаси ёлғиз ўзи жанг қилолмайди. Д'Артаньян дўстим, сен мардсан, сенинг жуда аъло сифатларинг бор, лекин аёллар сенинг бошингни ейди!»

Даҳлизга кириб чокарга мактубни узатган пайтда унинг чиқарган ҳазин хулосаси шу бўлди. У уни қабул

залигача кузатиб қўйди-да, сарой ичкарасида ғойиб бўлди.

Қабул залида беш ёки олти чоғли кардинал гвардиячилари ҳозир эди; ўзларининг эшитишича, Жюссакни шикастлаган д'Артаньянни кўриб, улар алланечук галати илжайиб, унга кўз ташлаб қўйдилар.

Бу табассум д'Артаньянга хунук аломат бўлиб туюлди; бироқ гасконлигимизни чўчитмоқ у қадар осон эмас ёки, тўғрироғи, ўз вилояти аҳлига хос улкан орияти туфайли у кўнглидаги гапларни, ўша кечаётган гаплар қўрқувни эслатган тақдирда одамларга кўрсатишни хуш кўрмасди; у такаббур алфозда жаноб гвардиячилар ёнидан ўтди-да, виқордан холи бўлмаган мунтазир ҳолатда қўлларини белига тираб тўхтади.

Чокар қайтиб келди ва имо билан д'Артаньянга эрғашишни таклиф этди. Ёш йигитга орқасида гвардиячилар шивир-шивир сўзлашиб қолгандай туюлди.

У даҳлизни ортда қолдириб, катта зални кесиб ўтгач, кутубхонага кирди-ю, ёзув столида ёзиб ўтирган бир киши қаршисида зоҳир бўлди.

Чокар уни киритиб қўйди-да, чурқ этмасдан йироқлашди. Д'Артаньян тик турар ҳамда бу одамни кўздан кечирарди.

Дастлаб унга қаршисида аллақандай ишни ўрганиб, ҳакам ўтиргандай бўлиб кўринди, лекин ҳадемай у стол ёнида ўтирган одам ёзаётганини ёки тўғриси хижоларини бармоқда санаб, узун-қисқа сатрларни тузаётганини пайқади. У қаршисида шоир ўтирганини фаҳмлади. Бир дақиқа кечгач, шоир муқовасида *«Мирам, беш пардали фожиа»* деган ёзувли қўлёзмасини ёпди-да, бошини кўтарди.

Д'Артаньян кардинални таниди.

Х

Ҳайбатли кўланка

Кардинал тирсагини қўлёзмага суяб, юзларини эса қўлига тираб, йигитга бир нафас тикилиб қолди. Ҳеч бир кишининг назари кардинал Ришельеники сингари ўткир синовчан эмас эди, д'Артаньян ҳам аъзойи бадани безгак тутгандай увишиб кетганини ҳис қилди. Бироқ у сир бой бермади ва шляпасини қўлида тутганича ортиқча кибрсиз, лекин ортиқча мутавозеликсиз ҳам падари бузруквор унга сўз қотишни лозим кўргунча кутиб турарди.

– Тақсир, – деди унга кардинал, – Бернлик д'Артаньян сиз бўласизми?

– Ҳа, зоти олийлари, – дея жавоб берди йигит.

– Тарб билан унинг атрофларида д'Артаньянлар шажарасининг бир неча авлоди мавжуд, – деди кардинал. – уларнинг қай бирига мансубсиз?

– Мен ўша қирол ҳазрат олийларининг отаси улуг қирол Генрих билан бирга эътиқод учун урушларда иштирок этган д'Артаньяннинг ўғли бўламан.

– Балли. Демак, етти ёки саккиз ой илгари ватанни тарк этган ва бахт излаб пойтахтга жўнаган сиз экансиз-да?

– Ҳа, зоти олийлари.

– Сиз Менгдан ўтгансиз, у ерда аллақандай можарога чалингансиз... айнан ёдимда йўқ, хуллас – аллақандай можаро.

– Зоти олийлари, – деди д'Артаньян, – мен чалинган...

– Ҳожати йўқ, ҳожати йўқ, – бу можарони ҳозир ҳикоя қилмоққа чоғланган кишидан кам билмайман деб турган табассум билан унинг гапини бўлди кардинал. – Қўлингизда жаноб де Тревилга тавсиянома бор эди, шундай эмасми?

– Ҳа, зоти олийлари, лекин худди шу Менгдаги машъум фалокат пайти...

– ... мактуб йўқолди, – гапни давом этди кардинал, – ҳа, бундан хабарим бор. Бироқ жаноб де Тревиль бир қарашда одамларни билиб оладиган афт-башараларнинг моҳир шарҳчиси ҳамда у киши мавриди билан мушкетёрлар сафига киришга умидвор қилиб сизни ўз куёви Дезессаранинг ротасига жойлаштириб қўйди.

– Сиз жудаям яхши воқиф экансиз, зоти олийлари, – деди д’Артаньян.

– Ўша маҳалдан бери ҳар хил саргузаштларингиз мўл бўлди. Сиз картезиан монастири орқасида шундай кунда сайр қилиб юргансизки, у пайти бўлак жойда бўлганингиз дурустроқ эди. Сўнгра оғайниларингиз билан форж сувларига саёҳат қилишга бел боғлансиз. Улар йўлда ҳаяллаб қолган, сизга келганда эса сиз нарига жўнаб кетгансиз. Бу жуда тушунарли – сизнинг Англияда юмушларингиз бўлган.

– Зоти олийлари, – гап бошлаган бўлди довдираб қолган д’Артаньян, – мен жўнаб эдим...

– Виндзорга шикорга ёки бирор бўлак жойга, – бунинг билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Мабодо мен бу гаплардан хабардор бўлсам, менинг мавқеим ҳамма нарсани билишни тақозо этгани сабабли хабардорман, холос. У ердан қайтгач, сиз бир ҳумоюн хоним томонидан қабул этилгансиз, унинг туҳфасини сақлаб юрганингизни кўриб турганимдан мамнунман...

Д’Артаньян қиролича тортиқ қилган узукка ёпишди-да, апил-тапил унинг тошини ичига қаратиб олди, лекин фурсат ўтган эди.

– Бу воқеадан кейин келаси кун сизни жаноб Кавауа йўқлади, – сўзида давом этди кардинал, – ҳамда саройга ташриф буюришингизни сўради. Сиз пойқадмингизни ундан дариф тутдингиз ҳамда чакки иш қилдингиз.

– Зоти олийлари, мен сиз падари бузрукворнинг газабингизга дучор бўлдимми, деб қўрққан эдим.

– Нима учун, тақсир? Ўрнингизда бўлак одам қила олгандан кўра ортиқроқ санъат ва ортиқроқ жасорат

билан бошлиқларингиз амрини бажо келтирганингиз учунми? Сиз ғазабдан қўрқибсиз, аслида эса фақат таҳсинларга сазовор бўлгансиз! Кимки итоат этмаса - мен ўшаларни жазолайман, ҳаргиз сизга ўхшаб жон-жаҳди билан итоат этадиганларни эмас... Исботи учун – ўша мен сизга одам юборган кунни эсга олинг ҳамда ўша оқшом кечган ҳодисани хотирангизда тикланг...

Айни ўша оқшом Бонасе хонимни ўғирлаш содир бўлган эди.

Д'Артаньян сесканиб тушди; у худди ўша шўрлик аёлни гумдон бўлишга мажбур этган куч ярим соат муқаддам уни судраб олиб ўтиб кетганини хотирлади.

– Мана энди, – сўзида давом этди кардинал, – бирмунча вақт асносида сиз хусусингизда ҳеч дарак йўқлиги сабабли сиз нималар қилиб юрганингизни билгим келди. Дарвоқе, сизга андак миннат қилсам арзийди: ҳар қандай вазиятда сизга риоя қилганларини ўзингиз ҳам пайқаган бўлсангиз керак.

Д'Артаньян эҳтиром билан таъзим қилди.

– Боиси нафақат табиий адолат туйғуси, – сўзида давом этди кардинал, - балки сиз борангизда мен баъзи бир режа тузиб қўйганим ҳам бўлди...

Д'Артаньяннинг таажжуби тобора ортиб бормоқда эди.

– Мен бу режани сизга ўша биринчи таклифномамни олган кунингиз баён этмоқчи эдим, лекин сиз ташриф буюрмадингиз. Хайриятки, бу ҳаяллаш ҳеч нимага монелик қилмади ҳамда сиз уни бугун эшитасиз. Шу ерда, менинг рубарумда ўтиринг жаноб д'Артаньян! Сиз ўта олижаноб кишисиз, токи мени тик туриб тингласангиз.

Кардинал ёш йигитга курси кўрсатди. Бироқ д'Артаньян рўй бераётган нарсалардан шу қадар ҳайратда эдики, унинг суҳбатдошига ўз таклифини қайта такорлашига тўғри келди.

– Сиз мардсиз, жаноб д'Артаньян, – сўзида давом этди кардинал, – сизнинг ақлу фаросатингиз жойида-

ки, буниси янада муҳимроқ. Мен ақл-хушли, юрагида ўти бор кишиларни ёқтираман. Чўчманг, – табассум билан илова қилди у, – юрагида ўти бор кишилар деб мен довюрак одамларни назарда тутяпман. Бироқ ёшлигингиздан, ҳаётингизни эндигина бошлаганингиздан қатъи назар, қудратли душманларингиз бор, агар эҳтиёт бўлмасангиз, улар сизни нобуд қилиб қўядилар!

– Ҳа, зоти олийлари, – жавоб берди ёш йигит, – таассуфки, уларнинг бу ишни қилиши жуда осон бўлади, улар кучли ҳамда қудратли мададга моликдир, айти пайтда мен мутлақо ёлғизман.

– Бу рост, лекин нечоғли ёлғиз бўлманг, сиз анчамунча ишларни дўндириб қўйишга улгурдингиз, бундан кўпини ҳам қилишга қодирсиз, бунга ишончим комил. Бироқ менинг наздимда ўзингиз танлаб олган ўша тасодифларга тўла йўлда сизга бирор киши раҳбарлик қилишига муҳтожсиз, зеро, агар янглишмасам сиз Парижга мартабага миниш илинжида иззатталаб ниятлар билан келгансиз.

– Менинг ёшим – телба орзу-ҳаваслар ёши, зоти олийлари, – деди д'Артаньян.

– Телба орзу-ҳаваслар тентаклар учун мавжуд, тақсир, сиз эса оқил кишисиз. Менга қаранг, менинг гвардиямда лейтенантлик лавозимига ҳамда уруш ҳаракатларидан сўнг рота сардорлигига нима дейсиз?

– О, зоти олийлари!

– Сиз қабул этасиз, шундай эмасми?

– Зоти олийлари... – хижолат чекиб гап бошлади д'Артаньян.

– Нима, сиз рад этяпсизми? – ҳайрат ичида хитоб қилди кардинал.

– Мен ҳазрати олийларининг гвардиясидаман, зоти олийлари ҳамда ундан норози бўлишга менда ҳеч вазкарсон йўқ.

– Лекин назаримда, – эътироз қилди кардинал, – менинг гвардиячиларим – айти пайтда ҳазрат олий-

ларининг ҳам гвардиячиларидирлар ҳамда хизматни француз армиясининг қай бир қисмида ўтаманг, сиз қиролга бирдай хизмат қилган бўласиз.

– Сўзларимни нотўғри тушундингиз, зоти олийлари.

– Сизга баҳона даркор, шундай эмасми? Тушунаман. Майли, бу баҳона сизда бор. Кўтарилиш, бошлаиб келаётган уруш ҳаракати, мен сизга таклиф этган фанимат фурсат, бу гаплар ўзгаларнинг ҳаммаси учун, сиз учун эса – мустаҳкам ҳимояга эга бўлиш зарурати, зеро, менга устингиздан жиддий арзлар тушганини билдириб қўйсангиз фойдадан холи бўлмайди, жаноб д'Артаньян: сиз қирол хизматига барча кун ва тунларингизни бағишламайсиз.

Д'Артаньян қизариб кетди.

– Мана бу ерда, – қўлини даста-даста қоғозга қўйиб гапида давом этди кардинал, – сизга оид ҳажмдор иш ётибди, лекин уни ўқиб чиқишдан илгари мен сиз билан бир суҳбатлашмоқчи бўлдим. Мен биламан, сиз жасур кишисиз, мувофиқ йўриғда олиб борилган тақдирда, хизмат ҳам зиён ўрнига сизга жуда катта фойда келтириши мумкин бўлурди. Демак, мулоҳаза қилиб кўринг-да, бир қарорга келинг.

– Сизнинг мурувватингиз мени хижолат қилиб қўяпти, зоти олийлари, – жавоб берди д'Артаньян, – ҳамда сиз падари бузрукворнинг маънавий нуфузингиз қаршисида мен ўзимни аянч бир чувалчанг ҳис қилмоқдаман, лекин зоти олийлари, сиз ўзингиз билан очиқчасига сўзлашишга изн берганингизда эди...

Д'Артаньян тўхтаб қолди.

– Гапиринг.

– Яхши! У ҳолда сиз падари бузрукворга айтиб қўяйки, менинг барча дўстларим мушкетёрлару қирол гвардиячилари орасидалар, душманларим эса аллақандай мубҳам, шум тасодиф билан сиз падари бузрукворимиз хизматидалар, хуллас, мабодо сизнинг таклифингизни қабул қилганимда эди, мени бу ерда

ёмон қабул қилган, у ерда ҳам менга ёмон кўз билан қараган бўлардилар, зоти олийлари.

– Сиз, шу қадар манмансираб кетганмисизки, мени ўзингиз арзигандан кам нарса таклиф этипти, деб хаёл қилмоқдасиз? – нафратомуз илжайиб сўради кардинал.

– Зоти олийлари, сиз менга ўзим арзигандан юз карра раҳмдилсиз ҳамда мен аксинча қилган ишларим ҳали кам деб ҳисоблайман, токи сизнинг лутфи қарамларингизга муносиб бўлсам. Ҳадемай Ларошел қамали бошланади, зоти олийлари. Мен сиз падари бузрукворнинг кўз ўнгингизда хизмат ўтайман ҳамда мабодо шу қамал пайти ўз юриш-туришим билан сизнинг эътиборингизни тортиш бахтига ноил бўлсам, унда... унда гарданимда сизнинг шафоатингизни оқла-гудек, менга уни раво кўрганингиз тақдирда, лоақал бирорта қаҳрамонлик бўлади. Ҳамма нарсанинг вақт-соати бор, зоти олийлари. Ажаб эмаски, келгусида ўзимни сизга холисонилло топшириш ҳуқуқига молик бўлсам, ҳозирда эса бу худди мен сизга сотилгандек тахлитда бўлади.

– Бошқача қилиб айтганда, сиз менга хизмат қилишдан бош тортяпсиз, тақсир, – алам билан, бироқ гапида ҳурматга монанд алланарса зоҳир этиб деди кардинал, – яхши, эркин қолаверинг ҳамда сизнинг хайрихоҳлигингизу нохайрихоҳлигингиз ўзингизга насиб қилсин.

– Зоти олийлари...

– Бас, бас, – деди кардинал. – Мени сиздан жаҳлим чиққани йўқ, лекин ўзингиздан қолар гап йўқ, агар биз ўз дўстларимизни ҳимоя қилсак, уларни тақдирласак, душманларимиздан қарз-парзимиз йўқ. Лекин барибир мен сизга бир маслаҳат бераман: эҳтиёт бўлинг, жаноб д'Артаньян, зеро ўша менинг шафоатимдан маҳрум бўлган дақиқадан эътиборан сизнинг ҳаётингиз учун ҳеч ким сариқ чақа ҳам бермайди.

– Ҳаракат қиламан, зоти олийлари, – олижаноб ишонч билан жавоб берди д'Артаньян.

– Кейинчалик пайти келиб бошингизга фалокат тушса, – маънодор қилиб деди Ришелье, – менинг ўзим сизга одам юборганимни ҳамда фалокатнинг олдини олиш учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қилганимни хотирга олинг.

– Келажакда нима фалокат бўлмасин, падари бузруквор, – қўлини кўксига босган ва таъзим қилган кўйи жавоб берди д'Артаньян, – мен шу тобда қилаётган ишларингиз учун сизга абадий миннатдорлик туйғусини сақлаб қоламан.

– Демак, жаноб д'Артаньян, сиз ўзингиз ҳам айтганингиздек, сиз билан кампаниядан сўнг кўришамиз. Мен сизни кузатиб бораман... Негаки мен ҳам ўша ерда бўламан, – д'Артаньянга ўзи тақажак кўркем яроғ-аслаҳаларни кўрсатган кўйи қўшиб қўйди кардинал, – қайтиб келганимизда эса унда... ана унда орани очиқ қиламиз-да!

– О, зоти олийлари, – қичқириб юборди д'Артаньян, – мендан ўз ғазабингиз жабрини соқит этинг! Мен ўзимни виждонли кишига муносиб тарзда тутаётганимга ишонч ҳосил қилсангиз беғараз бўлинг, зоти олийлари.

– Йигитча, – сўзлади Ришелье, – борди-ю, бугун айтган гапларимни сизга яна бир бор айтиш имконияти юзага келса, мен уни айтишга ваъда бераман.

Ришельенинг охирги сўзлари ёмон гумонни ифодалаб турарди; улар уни рўй-рост пўписадан ҳам кўра кўпроқ даҳшатга солиб қўйди, зеро бу огоҳлантириш эди. Демак, кардинал уни боши узра турган аллақандай фалокатдан халос этмоқчи экан-да. Д'Артаньян жавоб учун оғиз жуфтлаган эди ҳамки, лекин кардиналнинг такаббур имоси аудиенсиянинг тугаганини унга уқтирди.

Д'Артаньян чиқиб кетди, лекин бўсақадан ҳатлаб ўтган чоғда матонати уни тарк этишига сал қолди; оз бўлмаса у изига қайтган бўларди. Бироқ Атоснинг жиддий ва қаҳрли чехраси ногаҳон унинг хаёлий назари-

да намоён бўлди; агар у кардинал билан иттифоққа розилик берганда Атос унга қўл бермаган бўлурди.

Ёш йигитни шу ҳадик тутиб қолди, холос – чинакам олижаноб тийнатнинг ўз теварагидаги борлиқ нарсага таъсири шу қадар улуғдир.

Д'Артаньян худди ўзи келган зинадан тушди; чиқаверишда унинг келишига маҳтал, безовта ҳам бўла бошлаган Атос билан тўрт нафар мушкетёрни кўрди.

Д'Артаньян уларни тинчитишга шошди, Планше эса ортидан пойлашнинг ҳожати йўқлиги, зеро соҳиби кардинал саройидан омон-эсон чиққанидан қолган постларни огоҳ этгани чопқиллаб кетди.

Жўралар Атоснинг хонадонига қайтиб келгач, Арамис билан Портос бу фаройиб мулоқотнинг сабабларини суриштириб қолдилар, лекин д'Артаньян уларга Ришельенинг уни лейтинантлик унвонида ўз гвардиясига таклиф қилганини, ўзи эса буни рад этганини айтди, холос.

– Тўғри қилибсиз-да! – бир овоздан қичқирдилар Портос билан Арамис.

Атос чуқур ўйга толиб қолди-ю, ҳеч нима демади. Бироқ иккаласи холи қолганда у дўстига деди:

– Сиз ўзингиздан лозим бўлган ишни қилибсиз, д'Артаньян, лекин хато қилган бўлсангиз керак.

Д'Артаньян хўрсиниб қўйди, зеро бу товуш уни катта фалокатлар кутажagini унга шипшиб турган қалбидаги сирли садога жавоб берарди.

Келаси кун жўнаш тадорикларида ўтди; д'Артаньян жаноб де Тревиль билан хайр-маъзур қилгани кетди. У маҳалда ҳамма гвардиячилар билан мушкетёрларнинг жудолиги жуда қисқа бўлади, деган фикрда эди, негаки бу куни қирол парламентда кенгашаётган бўлиб, келаси саҳарда жўнаб кетишни чамалаб турган эди. Шу боисдан жаноб де Тревиль д'Артаньяндан ўзининг кўмагига унинг муҳтож ё йўқлигини сўраш билан чекланиб қўя қолди, лекин д'Артаньян

мағрур туриб зарур ҳамма нарса ўзида борлигини айтди.

Тунда Дезессара гвардия ротасининг лашкарлари ўзлари дўст тутиниб улгурган жаноб де Тревилнинг мушкетёрлар ротаси лашкарлари билан қўшилиб кетдилар. Улар худо хоҳлаган пайти ва худо ярлақан тақдирда қайта юз кўришиш илинжида видолашмоқда эдилар. Шу важдан тун иложи борича жўшқин ўтгани тушунарли, зеро шу қабилдаги ҳолларда ўта ташвишмандликни фақатгина ўта беғамлик билан енгиш мумкин.

Эрталаб карнайларнинг илк садолари остида биродарлар ажралдилар. Мушкетёрлар жаноб де Тревил казармалари томон, гвардиячилар эса жаноб Дезессара казармалари томон югуриб кетдилар ҳамда иккала капитан ўз роталарини қирол ўз лашкарларига кўрик ўтказмоқда бўлган Лувр сари етаклаб кетдилар.

Қирол жуда ғамгин ҳам хаста кўринарди, бу нарса унинг чеҳрасининг такаббур ифодасини сал-пал юмшатиб кўрсатарди. Дарҳақиқат, кечаги кун парламент кенгаши пайтида уни безгак тутиб қолган эди. Шунга қарамасдан у шу оқшомдаёқ жўнаб кетиш қароридан қайтмади, уни ҳарчанд раъйидан қайтарсалар ҳам ўзига теккан дардни иродасининг тафти билан енгиш умидида у ўз қўшинларига кўрик ўтказишни ихтиёр этди.

Кўриқдан сўнг гвардиячилар ёлғиз ўзлари сафарга юз тутдилар, негаки мушкетёрлар фақат қирол билан биргалиқда йўлга чиқишлари зарур эди, бу эса Портосга ўзининг шоҳона яроқ-аслаҳаларида Айиқ кўчасида кўриниб келиш имкониятини берди.

Прокурор хоним уни янги саруполар кийиб ўз де-разалари ёнидан гўзал отда ўтиб кетаётган пайтда кўриб қолди. У Портосни ҳаддан ортиқ севарди, токи унга видолашмасдан жавоб бериб юборса, у имо-ишора билан отдан тушишни ва уйига киришни илтимос

қилди. Портос жуда шуқуҳли эди; унинг шпорлари жаранглар, совути ял-ял ёнар, қиличи оёқларига аёвсиз уриларди.

Бу дафъа унинг келбати бирам пурвиқор эдики, қулиш мирзоларнинг хаёлига ҳам келмади.

Мушкетёрни жаноб Кокнарнинг кабинетига олиб кирдилар ҳамда прокурорнинг кичик кулранг кўзлари оҳори тўкилмаган уст-бошларда очилиб кетган бўлага тушиб ғазабнок чақнаб кетди. Дарвоқе, бир мулоҳаза жаноб Кокнарга оз-моз таскин берди: ҳамма бу сафарни хатарли бўлади дерди, у ҳам Портосни ўлиб кетар деган умидда эди.

Портос метр Кокнарга бир-иккита мулозаматли гаплар айтган бўлди-ю, у билан хўшлашди; метр Кокнар унга турли омадлар тилаб қолди. Кокнар хонимга келганда у кўз ёшларини тиёлмади, лекин унинг ҳасрати ёмонга йўйилмади, зеро унинг қариндошларига жуда меҳрибонлиги, шу важдан ҳамиша эри билан қаттиқ жанжаллар қилиб юришини ҳамма биларди.

Бироқ чинакам хайр-маъзур Кокнар хонимнинг ётоғида рўй бериб, ҳақиқатан юракни тилка-пора қилдиган бўлди.

Прокурор хоним то маҳбубини нигоҳи билан қузата олгунча иложи борича деразадан гўё ўзини ташламоқчидай суғурилиб, рўмолчасини силкитиб турди. Портос бу муҳаббат изҳорларини шу тариқа кўринишларга кўникиб кетган кишининг алфозида қабул қиларди, фақат муюлишга бурилаётган пайти шляпасини бир кўтариб, уни видо маъносида силтаб қўйди.

Арамисга келганда, у узун нома ёзмоқда эди. Кимга? Буни ҳеч ким билмасди. Шу оқшом Турга жўнаб кетиши лозим Кетти туташ хонада мунтазир эди.

Атос майда-майда ютумлар билан испан шаробининг охирги шишасини симириб тугатмоқда эди.

Шу асно д'Артаньян ўз ротаси билан аллақачон сафарга чиқиб бўлган эди.

Сент-Антуан канорасига етиб олгач, у орқасига ўгирилди-да, Бастилияга шўхчан назар ташлади, лекин унинг кўзлари фақат Бастилияга қадалгани сабабли малла отда ўтириб, аллақандай афт-ангори бетайин икки кишига бармоқ ўқталиб, уни кўрсатаётган миледиини илғамади; унга дурустроқ разм солгани улар шу заҳоти сафларга яқинроқ бордиларда, миледига савол назарларини ташладилар; у ишора билан худди ўзи деб жавоб қилди ва ўз фармоишларининг ижросида хато-пато бўлиши мумкин эмаслигига қаноат ҳосил қилгач, отига шиғов берди-ю, кўздан йўқолди.

Икки номаълум киши роталар изидан юриб кетди ҳамда Сент-Антуан заставаси олдида уқасиз уст-бошли хизматкор уларга маҳтал ҳолда жиловидан ушлаб турган икки эгарланган отга миндилар.

XI

Ларошел қамали

Ларошел қамали Людовик XIII подшоҳлик даврида йирик сиёсий воқеа ҳамда кардиналнинг йирик ҳарбий ташаббуси бўлиб чиқди. Шу боисдан бу хусусда бир оғиз гапириб ўтмоқ қизиқарли, ҳатто зарур ҳам, устига-устак бу қамалнинг айрим жиҳатлари биз баён этаётган воқеа билан чамбарчас боғланиб кетган бўлиб, биз уларни четлаб, сукут сақлаб ўтиб кета олмаймиз.

Бу қамални бошлаганда кардинал кўзлаган сиёсий мақсадлар бир талай эди. Биз даставвал уларнинг тафсифини келтирамиз-да, сўнгра эса падари бузрукворга қилган таъсири жиҳатидан балким сиёсий мақсадлардан кам бўлмаган шахсий ниятларга ўтамиз.

Генрих IV томонидан гугенотларга истехком жойлар сифатида бериб юборилган барча катта шаҳарлардан энди уларнинг қўлида Ларошел қолган эди, холос. Бинобарин, калвинизмнинг бу сўнгги таянчи-

ни, халқ ғалаёни ва ташқи урушлар уруғини сепгувчи хатарли заминни йўқ қилиб ташламоқ зарур эди.

Норози испанлар, инглизлар, итальянлар, барча миллат фирибгарлари, хизматдан соқит бўлган турли мазҳабларга мансуб ҳарбийлар илк даъват биланоқ тармоқлари бемалол ғовлаб бутун Европани қамраб олган битта кенг уюшма ташкил қилиб, протестантлар байроғи остига йиғилиб олардилар.

Демак, калвинистларга қарашли қолган ҳамма шаҳарлар тор-мор бўлгач, алоҳида аҳамият касб этган Парошел низолар-у, ориятли ниятларнинг ўчоғи эди. Бу камлик қилгандай, Парошел порти инглизлар учун француз қироллигига йўл очиб бергувчи сўнгги порт эди ҳамда уни Франциянинг азалий душмани бўлмиш Англия учун ёпиш билан кардинал Жанна д'Арк ва герсог де Гизларнинг ишига яқун ясаган бўларди.

Шу боисдан бир вақтда ҳам католик, ҳам протестант, эътиқод бўйича протестант ҳамда илоҳий Рух ордени қўмондони сифатида католик бўлмиш, қони немис, қалби француз Бассомпер, хуллас, худди ўша Парошел қамалида айрим отрядга сардорлик қилган Бассомпер ўзи сингари протестантларнинг бошларига ўқ узган кўйи деярдди:

– Мана кўрасизлар, жаноблар, биз жазавага тушамизки, Парошелни босиб оламиз.

Бассомпер ҳақ бўлиб чиқди: Ре оролининг ўққа тугилиши унга Севен драгонадаларини каромат қилди, Парошелнинг босиб олиниши эса Нант фармонининг бекор қилинишига муқаддима бўлди.

Лекин, айтиб ўтганимиздек, ҳамма нарсани бир қолипга солишга ва ҳамма нарсани соддалаштиришга интилган министрнинг бу режалари, тарихга оид режалар билан бир қаторда солномачи, шунингдек, ошиқ эркакнинг ва ғайир рақибнинг майда-чуйда ниётлари ҳам мавжудлигини тан олишга мажбур.

Ҳаммага маълумки, Ришелье қироличага ошиқ бўлган; бу муҳаббат унинг учун шунчаки сиёсий хом-

чўтмиди ёки Анна Австрийская ўзининг ён-веридаги-ларда қўзғатувчи ўша чинакам теран эҳтиросмиди, биз уни билмаймиз, лекин қандай бўлмасин биз ушбу баёнининг юқоридаги мушқулотларидан кўрдикки, Бэкингем уч ёки тўрт ҳолда кардиналдан устун келди, айниқса, шокилалар воқеасида эса уч мушкетёрнинг жонқуярлиги ва д'Артаньяннинг жасорати туфайли уни шафқатсиз хўрлашнинг ҳам уддасидан чиқди.

Шу зайл Ришелье учун гап нафақат Францияни душманлардан халос этиш, балки рақибдан интиқом олишда ҳам қолган эди; устига-устак бу интиқом салмоқли ва ёрқин бўлишни бу муборазада бутун бошли қиролликнинг ҳарбий кучларини истифода қилган кишига буткул муносиб бўлишни ваъда этмоқда эди.

Англияни енггач, шунинг ўзи билан у Бэкингемдан ғолиб келишини, Англия устидан тантана қилгач, у Бэкингем устидан ғалаба қилишини ва ниҳоят, Европа назарида Англияни беобрў қилгач, у қиролича назарида Бэкингемни бебурд қилишини Ришелье биларди.

Ўз навбатида Бэкингем ҳам, гарчи у Англиянинг обрўини ҳамма нарсадан устун қўйса-да, худди кардинални идора қилгувчи ниятлар таъсирида иш кўрмоқда эди: Бэкингем ҳам ўз шахсий қасос туйғусини қондиришга интиларди. У Францияга вакил сифатида боришга зинҳор розилик бермаган бўларди – у ерга фотиҳ сифатида кириб бормоқ ниятида эди.

Бундан аён бўлиб турибдики, икки ошиқнинг майли билан икки қудратли қироллик ўртасида ўйналгувчи бу қиморда Анна Австрийскаянинг бир лутфан боқиши чин дов хизматини ўтамоқда эди.

Илк ғалаба герсог Бэкингемга насиб қилди: тўқсон кема ва йигирма минг чоғли лашкар билан Ре оролига туйқусдан яқинлашиб бориб, у оролда қирол номидан қўмондонлик қилиб турган граф де Туарак устига тўсатдан бостириб борди ва қонли жангдан сўнг оролга тушди.

Кези келганда шу жангда барон де Шанталнинг ҳалок бўлганини айтиб қўяйлик; у ўздан кейин бир сағирни, ўша маҳалда бир ярим ёшда бўлмиш қизчани қолдириб кетди.

Бу қизалоқ кейинчалик де Севине хоним бўлиб қолди.

Граф де Туарак гарнизони билан Сен-Мартен қўрғонига чекинди, Ла Пре форти деб ном олган кичик фортида эса юзта одам қолдириб кетди.

Бу воқеа кардинални тезроқ ҳаракат қилмоққа ундади ҳамда аллақачонлар ҳал бўлган Ларошел қамалига бошчилик қилмоқ учун қирол билан ўзи ҳам йўлга чиқа олганидан илгари дастлабки жанглар бошида турмоқ учун герсог Орманскийни олға юборди ва ўз ихтиёридаги жамики лашкарларни ҳарбий ҳаракатлар майдонига суриб келишга амр қилди.

Бизнинг дўстимиз д'Артаньян худди мана шу илғор отрядга мансуб эди.

Айтиб ўтганимиздек, қирол у ерга парламент кенгаши ўтиши билан ошиғич жўнаб кетмоқ ниятида эди, лекин ўша кенгашдан сўнг 23 июнь куни у ўзини безгак тутаётганини сезиб қолди; барибир у жўнаб кетаверишга жазм қилди; лекин йўлда унинг аҳволи оғирлашди-ю, Виллеруада қўнишга мажбур бўлиб қолди.

Бироқ қирол қаерда тўхтаса, ўша ерда мушкетёрлар ҳам тўхтаб туришарди, шунинг оқибатида борйўғи гвардияда хизмат қилгувчи д'Артаньян лоақал вақтинча ўз меҳрибон дўстлари – Атос, Портос ва Арамислардан жудо бўлиб қолди. Борди-ю, ўзини қуршаб олган номаълум хавф-хатарларни у олдиндан пайқай олганида эди, шак-шубҳа йўқки, унга фақат кўнгилсизгина туюлган бу жудолик унинг учун жиддий хавотирлар манбаига айланган бўлурди.

Шунга қарамасдан, у 1627 йил 10 сентябрда Ларошел остонасида жойлашган қароргоҳга эсон-омон етиб келди.

Вазият ўша-ўша: герсог Бэкингем ҳамда Ре оролининг эгалари бўлмиш унинг инглизлари гарчи муваффақиятсиз бўлса-да, Сен-Мартен кўргони билан Ла Пре форти қамалини давом эттирмоқда эдилар; Ларошел билан ҳарбий ҳаракатлар икки-уч кун бурун бошланган, бунга герсог Ангулемский томонидан эндигина бунёд қилинган янги форт баҳона бўлган эди.

Дезессара бошчилигидаги гвардиячилар Франциск монастирида жойлашдилар.

Бироқ билишимизча, ўзининг мушкетёр бўлиш орзуларига маҳлиё д'Артаньян ўз ўртоқларига кам аралашарди: шу важдан у яккаланиб қолди-ю, ўз-ўзининг мулоҳазалари билан андармон бўлиб юрди.

Бу мулоҳазалар қувончлилардан эмасди. Парижга келган пайтидан бери ўтган икки йил мобайнида у сиёсий фитналарга қайта-қайта аралашиб юрди; унинг хусусий ишлари эса севги бобидаги каби, мартабалар бобида ҳам олдинга кам сурилган эди.

Севги хусусида сўз юритилса, у севган ягона аёл Бонасе хоним эди, лекин Бонасе хоним зиму ғойиб бўлди, д'Артаньян эса унга нима бўлганидан ҳануз дарак тополмай юрибди.

Мартабалар хусусида сўз юритилганда эса у ўзининг бутун хокисорлигидан қатъи назар кардиналдек, яъни қаршисида қиролнинг ўзидан тортиб қиролликдаги энг олий зотлар зир қақшаб тургувчи кишидек душман орттиришнинг уддасидан чиқди.

Бу одам уни янчиб ташласа бўларди, лекин негадир бундай қилмади. Д'Артаньяннинг ўткир ақли учун бу хил риоя бир тирқиш эди-ю, унинг орасидан у дурустроқ истиқболни кўрмоқда эди.

Бундан ташқари, у хавфли жиҳати камроқ, ишқилиб у шу фикрда эди, яна бир душман орттирди, аммо ҳар қалай уни писанд қилмаслик ярамасди – буни кўнгли сезиб турарди.

Буларнинг ҳаммаси эвазига у қироличанинг валинеъматлиги билан илтифотига эга бўлди, аммо қиро-

личанинг илтифоти ўша маҳаллар бўйича таъқиблар учун ортиқча баҳона эди, холос, унинг валинеъ-матлиги эса жуда ёмон шафоат эди: Шале билан Бонасе хоним бунинг исботи бўлиб хизмат қилардилар.

Демак, бутун шу вақт асносида у қўлга киритган ягона арзигулик нарса д'Артаньян бармоғига тақиб юрган беш ё олти минг ливр қимматдаги олмос эди. Лекин яна қайта бир кун келиб зарурат туғилиб қолса, қиролича назарида фарқ нишони бўлиб хизмат қилсин деб, ўз орийатли ниятларига бўйсуниб, д'Артаньян сақлаб қолмоқчи бўлиб юрган ўша олмос – ўша қимматбаҳо тош ҳали-бери у тепалаб кетаётган майда тошлардан ортиқ қимматга эга эмасди, негаки, у ундан сираям ажрала олмасди.

Бизнинг унинг оёғи остидаги майда тошларни тилга олишимиз боиси шуки, бу нарсаларнинг ҳаммаси ҳақида бош қотирган кўйи д'Артаньян қароргоҳдан Апгутен қишлоғига қараб кетган кўркам сўқмоқдан ёлғиз судралиб бормоқда эди. Ўз мулоҳазалари билан бўлиб, у ўзи ўйлагандан нарироққа бориб қолди, ботиб бораётган қуёшнинг сўнгги тифларида ихота орқасидан қўққис мушкетнинг оғзи йилтирагандай туюлганда кеч кира бошлаган эди.

Д'Артаньяннинг кўзлари ўткир, ақли закий эди; у фаҳмладики, мушкет бу ерга ўз-ўзидан келиб қолмаган ҳамда уни қўлида тутиб турган кимса ихота орқасида ҳаргиз дўстона ниятлар билан писиб ётган эмас. Хуллас, у зимдан қочмоққа қарор қилган ҳам эдики, шунда тўсатдан йўлнинг қарама-қарши чеккасида ётган катта харсанг орқасидаги иккинчи мушкет оғзига кўзи тушди.

Афтидан, бу пистирма эди.

Ёш йигит биринчи мушкетга кўз ташлади-ю ҳамда хавотир аралаш унинг ўзига қараб тушиб келаётганини пайқаб қолди. Мушкетнинг оғзи тўхтаган замон у ўзини муккасига ерга ташлади. Айни шу дам ўқ узил-

ди-ю, у боши устидан учиб ўтиб кетган ўқнинг чийиллаган товушини эшитди.

Шошилмоқ керак эди. Д'Артаньян сапчиб дарров оёққа турди-да, худди ўша сония иккинчи мушкетдан отилган ўқ йўлнинг айнаи у ҳозиргина юзтубан ётган жойидаги майда тошларни тўзғитиб юборди.

Д'Артаньян бемаъни ажал пайида юргувчи ўша бемулоҳаза жасур кишилардан эмас эди, фақат ўшалар хусусида уни чекинди деб айтиш мумкин бўларди. Устига-устак бу ерда жасорат ҳақида гапириб ўтириш жоиз ҳам эмас эди: д'Артаньян шунчаки тузоққа тушиб қолган эди.

«Агар учинчи ўқ ҳам узилса, – хаёлидан кечирди у, – мен нобуд бўлдим!»

У чаққонлиги билан донг чиқарган ўз ватандошларига хос бўлган тезкорликда қароргоҳ томон физиллаб кетди. Бироқ унинг елдек югуриб кетишига қарамасдан отгувчиларнинг биринчиси милтигини қайта ўқлаб олишга улгурди-ю, иккинчи марта отди, бунинг устига нишонни бирам аниқ олдики, ўқ д'Артаньяннинг фетр шляпасини тешиб, уни ўн қадамча нарига учуриб юборди.

Д'Артаньяннинг бошқа шляпаси йўқ эди; шу сабабдан у югурган кўйи уни ердан олди-да, ҳарсиллаб, ранги қув ўчиб уйига югуриб келди ҳамда ҳеч кимга лом-мим демай, мулоҳазаларга ғарқ бўлди.

Бу ҳодиса уч изоҳга молик бўлиши мумкин эди.

Биринчи ва энг табиийси – бу ҳазрат олийларининг бир гвардиячисини ўлдиришдан ҳаргиз тоймайдиган ларошелчиларнинг пистирмаси бўлиши мумкин эди: биринчидан, бир душман кам бўлсин учун; иккинчидан эса бу душманнинг чўнтагидан лиқ тўла ҳамён чиқиб қолиши эҳтимол эди.

Д'Артаньян шляпасини олиб, ўқ тешган жойини кўздан кечирди-да, бошини чайқаб қўйди. Ўқ мушкетдан узилмаган эди – у нусхаси эскириб қолган милтиқдан узилганди. Ўқнинг мерганлик билан отилиши уни

аввал бошданоқ у расмана қуролдан узилмаган, деган фикрга солган эди; ўқ калибрли эмас ва, бинобарин, бунинг ҳарбий пистирма бўлиши мумкин эмас эди.

Бу жаноб кардиналнинг илтифотли йўқлови бўлиши мумкин эди. Китобхоннинг хотиридаки, айни қуёшнинг хайрли тифлари шарофати билан милтиқ оғзига кўзи тушган дақиқада у падари бузрукворнинг сабр-қаноатига ҳайрон қолиб турган эди.

Аммо шу ерда д'Артаньян яна бошини чайқаб қўйди. Бир бармоқ ишораси билан йўқ қилиши мумкин кишилар билан иш кўрганда у бу хил воситаларга кам мурожаат этарди.

Бу миледининг интиқоми бўлиши мумкин эди.

Мана шуниси эҳтимолга энг яқин туюларди.

Д'Артаньян қотилларнинг афт-башараси ёки уст-бошини эслашга беҳуда уринмоқда эди; уларнинг олдидан у чунонам тез қочиб кетган эдики, бирор нимани илғаб қолишга улгурмаганди.

– Қайлардасиз, менинг жонажон дўстларим? – шивирлади д'Артаньян. – Менга нақадар қадрингиз ўтяти-я!

Тунни д'Артаньян босинқираб ўтказди. Уч ёки тўрт дафъа у қўққис уйғониб кетди: унинг тўшагига бир одам яқинлашаётгандай, уни ханжар билан чопиб ташламоқчидай туюлаверди. Бироқ зулмат ҳеч қандай синоат олиб келмади-ю, тонг отди.

Шунга қарамасдан, бугун рўй бермаган нарса эрта амалга ошиши мумкин, д'Артаньян буни жуда яхши биларди.

У кун бўйи ҳаво айнигани баҳонасида уйда ўтириб чиқди: бу баҳона унга ўзини-ўзи олдида оқламоқ учун даркор эди.

Синоатдан сўнг учинчи куни, эрталаб соат тўққизда йиғилишга чорлаб сигнал чалинди. Герсог Орлеанский постларни айланиб ўтмоқда эди. Гвардиячилар милтиқлари томон отилдилар-да, саф тортиб турди-

лар, д'Артаньян ўртоқлари орасидан ўз ўрнини эгаллади.

Аъло ҳазратлари лашкарлар fronti олдидан ўтиб кетди, сўнгра уни қутламоқ учун бош офицерлар, улар қатори – гвардия капитани Дезессара ҳам унинг ёнига қутлагани борди.

Дақиқа ўтгач, д'Артаньянга гўё жаноб Дезессара уни ёнига имлаб чақираётгандай туюлиб кетди. Янглишиб кетишдан ҳадиксираб, у ўз сардорининг иккинчи ишорасини кутиб турди; у ўз имо-ишорасини такрорлагач, д'Артаньян сафдан чиқиб фармойиш олгани борди.

– Ҳозир аъло ҳазратлари адо этган одамга шарафлар келтиргувчи бир хавфли топшириққа қўнгиллилар қидиради, мен сизни шай тулинг, деб чақирдим.

– Ташаккур сизга, жаноб капитан! – герсогга ўзини кўрсатиш имконидан қувониб жавоб берди д'Артаньян.

Тунда қамалдагилар хуруж қилиб, икки кун муқаддам қирол армияси босиб олган истехкомни тортиб олган эдилар; истехкомнинг қандай қуриқланишини билиб келмоқ учун у ерга жуда хатарли рекогноссировкага одамлар юбориш мўлжалланмоқда эди.

Дарҳақиқат, бир неча дақиқадан сўнг герсог Орлеанский баланд овоз билан деди:

– Менга ишончли одам бошчилигида уч ёки тўрт нафар талабгор керак.

– Ишончли одамга келсак, бунақаси менда бор, аъло ҳазратлари, – д'Артаньянни ишора қилиб деди Дезессара, – талабгорларга келганда эса бир оғиз айтсангиз бас, одамлар топилиб қолади.

– Мен билан ўлимга боришга талабгор тўрт киши бу ерда топиладими? – қиличинини кўтариб деди д'Артаньян.

Унинг гвардиячи ўртоқларидан иккитаси дарҳол олдинга чиқди, уларга яна икки нафар аскар қўшилдида, барча талабгор жам бўлди, д'Артаньян биринчи

бўлиб чиққанларни ранжитгиси келмай, қолган ҳаммасини рад этди.

Ишғол этгандан сўнг ларошелликлар истехкомни бўшатиб қўйишганми ёки бўлмасам у ерда гарнизон қўйиб кетишганми номаълум эди; буни билмоқ учун кўрсатилган жойни анча яқин оралиқдан кўздан кечириш талаб этиларди.

Д'Артаньян тўрт дастёри билан йўлга равона бўлди-да, зовур ёқалаб юриб кетди; иккала гвардиячи у билан ёнма-ён одимлар, аскарлар эса орқада борардилар.

Зовурнинг тош қопламаси панасида улар тез-тез илгари силжиб борардилар ҳамда бастионга юз қадамча қолгандагина тўхтадилар. Шу ерда д'Артаньян ўгирилиб қаради-ю, иккала аскар ғойиб бўлганини кўрди.

У улар қўрқиб орқада қолиб кетган деб қарор қилди, ўзи эса олға сурилаверди.

Зовурнинг муюлишида д'Артаньян билан икки гвардиячи истехкомдан олтмиш қадамлар беридан чиқиб қолдилар. Истехкомда бирор қора кўринмас, у тарк этилгандай эди.

Уч довьорак у ёғига боришга ҳожат борми-йўқми деб ўзаро кенгашиб турганда тўсатдат тош палахсани ҳалқа-ҳалқа тутун ўраб олди-ю, ўнлаб ўқ д'Артаньян билан унинг ҳамроҳлари теварагидан чийиллаб учиб ўтди.

Улар билмоқчи бўлган нарсаларининг тагига етдилар: истехком қўриқланмоқда эди. Бинобарин, бу хавфли жойда ортиқ қолиш беҳуда эҳтиётсизлик бўлурди. Д'Артаньян ва иккала гвардиячи орқага бурилдилар-у ва қочиш қабилидаги чекиниш бошладилар.

Уларни ларошелчилардан пана қилиши мумкин зовур кунжаги яқинига бориб қолишганда гвардиячилардан бири йиқилди – ўқ унинг кўксини тешиб ўтган эди. Омон қолганлари эса қароргоҳга қараб югуриб кетмоқда эди.

Д'Артаньяннинг ўз ўртоғини ташлаб кетгиси келмади; уни кўтариб турғизди-да, ўзлариникига етиб оли-

шига кўмаклашмоқ учун эгилди, лекин шу дақиқада икки ўқ садо берди: бир ўқ жароҳатланиб бўлган гвардиячининг бошини тилка-пора қилиб ташлади, бошқаси эса д'Артаньяндан икки дюйм нарида учиб ўтиб, қояга тегиб чил-парчин бўлиб кетди.

Ёш йигит дарров ўгирилиб қаради, негаки бу отишмалар зовур кунжаги билан тўсилиб турган истехкомдан чиқиши мумкин эмасди. Унинг кўнглига икки ғойиб бўлган аскар хусусида бир фикр келди-ю, уч кун илгари унинг жонига қасд қилган икки кишини бирдан эсига солди. У бу дафъа нима гаплигини аниқлашга қасд қилди-ю, ўзини ўлганга солиб, ўртоғининг жасадига ташлади.

Бу ердан ўттиз одимлар наридаги қаровсиз кўтарма орқасидан дарҳол икки калла кўринди – булар орқада қолиб кетган икки аскарнинг каллалари эди. Д'Артаньян янглишмаган: улар йигитнинг ажали ёв ҳисобига ўтказилишига умид боғлаб, фақат уни ўлдирмоқ учун эргашган эдилар. Аммо у фақат шикастланган бўлиб чиқиши ва кейинчалик уларнинг жинояти ҳақида арз қилиши мумкинлиги сабабли уни тамом қилиш учун яқинроқ йўладилар; хайриятки, д'Артаньяннинг ҳийласидан алданиб, улар милтиқларини қайта ўқлаш ғамини еб ўтирмадилар.

Орада ўн қадамлар қолганда йиқилаётиб қиличини қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилган д'Артаньян тўсатдан сапчиб оёққа турди-да, бир сакраб уларнинг ёнида ҳозир бўлди.

Қотиллар агар уни ўлдирмасдан қароргоҳ томон қочсалар, улар устидан д'Артаньяннинг хабар беришини фаҳмладилар; шу боисдан уларнинг миясига келган дастлабки фикр – ёв томон югуриб ўтиб кетиш бўлди. Уларнинг бири милтиқни учидан ушлаб олди, д'Артаньян сапчиб ўзини четга олмаган тақдирда уни гурзидай ўйнатиб, даҳшатли зарб билан унга туширган бўларди; бироқ бу ҳаракат билан д'Артаньян босқинчига йўл бўшатиб қўйди-ю, у ғизиллаганича истех-

ком сари югуриб кетди. Бу одамнинг нима ниятда ўзлари тарафга йўл олганидан беҳабар истехкомни қўриқлагувчи парошелликлар ўт очдилар ва сотқин ўқдан кифти дабдала бўлиб йиқилди.

Бу орада д'Артаньян қиличини ишга солиб иккинчи аскарига ташланди. Олишув узоқ чўзилмади; мудофаа учун муттаҳамнинг қўлида фақат ўқи бўшаган милтиқ бор эди, холос; гвардиячининг қиличи энди таҳдид солгудай ҳеч хавфли томони қолмаган милтиқнинг танасидан сирғалиб кетди ва қотилнинг сонига қадалди; у қулаб тушди. Д'Артаньян шу замон қиличининг учини унинг бўғзига тақади.

– О, ўлдирманг мени! – қичқириб юборди газанда. – Шафқат қилинг, менга шафқат қилинг, жаноби офицер, мен бор гапни сизга айтиб бераман!

– Сенинг ўша сирларинг гуноҳингдан ўтишимга арзирмиди? – қўлини тийиброқ сўради йигит.

– Агар жонингиздан умидингиз бўлса, арзийди! Ахир, йигирма икки ёшдасиз, гўзалсиз, довураксиз ва ўзингиз истаган ҳамма нарсаларга етиша оласиз.

– Гапирсанг-чи, аблаҳ, мени ўлдиришни сенга ким топширди? – деди д'Артаньян.

– Бир аёл, мен уни билмайман, лекин уни ҳамма миледи деб атайди.

– Лекин у аёлни билмасанг, унинг номи сенга қаердан маълум?

– У билан таниш ўртоғим уни шундай деб атарди. У ўша миледи билан тил бириктирган. Унинг чўнтагида ҳатто ўша хонимнинг мактуби ҳам бор, қулоғимга чалинган гапларга қараганда бу мактуб сиз учун жуда катта аҳамиятга эга.

– Аммо қай йўсин сен бу ёвузликнинг иштирокчиси бўлиб қолдинг?

– Ўртоғим сизни ўлдиришига қўмаклашишимни илтимос қилди, мен ҳам рози бўлдим.

– Хўш, у сизларга бу «савоб» иш эвазига қанча ҳақ тўлади?

– Юз луи.

– Ана холос! – кулги билан гапирди йигит. – Афтидан, у менинг жонимни жуда юқори баҳоларкан. Юз луи-я! Ахир, бу сенлар сингари икки аблаҳ учун бутун бошли бисот-ку. Сен нега рози бўлганингни мен энди тушундим ҳамда мен сенга мурувват қилишга тайёрман, лекин бир шарт билан.

– Қандай? – ҳали ҳаммаси барҳам емаганини кўргач, ташвишга тушиб сўради аскар.

– Сен менга ошнанг чўнтагидаги мактубни олиб беришинг керак.

– Бу мени ўлдиришнинг бўлак усули холос-ку, ахир! – қичқириб юборди каллақесар. – Мен истехкомнинг ўти остида бу мактубни қандай қилиб олишим мумкин?

– Лекин барибир бунга журъат қилишинг керак ёки онт ичаманки, сен менинг қўлимда ўласан.

– Шафқат қилинг! Менга раҳмингиз келсин, тақсир! Азбаройи, ўша сиз севадиган ёш хоним ҳаққи! Сиз уни ўлган деб ўйлаб юрибсиз, лекин у ҳаёт! – тиз чўкар экан қонга қўшиб кучини ҳам йўқотаётгани сабабли қўлларига тиралиб қичқирди қаттол.

– Мен севадиган ва мен ўлган деб ҳисоблаб юрган ёш жувон борлигини сен қаердан биласан, а? – сўради д'Артаньян.

– Ўртоғимнинг чўнтагидаги ўша мактубдан.

– Энди ўзинг ҳам кўриб турибсанки, мен бу мактубни қўлга киритишим зарур, – деди д'Артаньян, – қани, қимирла, иккиланишни бас қил ёки сен каби ярамаснинг қонига қиличимни булғаш нақадар жирканч бўлмасин, мен ҳалол кишининг сўзи билан онт ичаманки...

Бу сўзлар бирам дағдағали ишора билан айтилдики, ярадор қўзғалди.

– Сабр қилинг! Сабр қилинг! – қўрқувдан дадилроқ бўлиб деди у. – Мен бораман... бораман!

Д'Артаньян аскардан милтиқни тортиб олди, уни олдинга ўтказиб юборди-да, қиличининг учи билан уни шериги томон туртиб қўйди.

Бу шўрликнинг яқин ажал ваҳмидан бўзариб, кетидан узун қонли из солиб кўзга чалинмаган ҳолда ўзидан йигирма одим нарида ер бағирлаб ётган шеригининг жасади олдига эмаклаб боришга уринишларига қараб туриш оғир эди.

Унинг совуқ тер қоплаган юзида даҳшат бирам яққол билинар эдики, д'Артаньяннинг унга раҳми келиб кетди.

– Яхши, – деди у аскарга нафрат билан қараб, – мен сенга мард одам билан сен сингари номарднинг фарқини кўрсатиб қўяман. Қолавер, мен ўзим бораман.

Шаҳдам одимлаб, теварак-атрофга ҳушёр назар солиб, рақибнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб, тупроқнинг ўнқир-чўнқирларига мослашиб д'Артаньян иккинчи аскар олдига етиб олди.

Мақсадга етишнинг икки иложи мавжуд эди: ярадорни шу ернинг ўзида тинтиб чиқиш ёки унинг танасини пана қилиб, уни кўтариб олиб кетиш ва зовурда тинтиб кўриш.

Д'Артаньян иккинчи усулни танлаб олди ва айни душман ўт очган дақиқада қотилни елкаларига ортмоқлаб олди.

Енгил туртки, танани тешиб ўтган уч ўқнинг бўғиқ товуши, ажал талвасаси – буларнинг ҳаммаси д'Артаньянга боя уни ўлдирмоқчи бўлган кимса энди ҳаётини сақлаб қолганидан дарак берди.

Д'Артаньян зовурга қайтиб келди-да, жасадни ранги мурдадек оқариб кетган ярадорнинг ёнига ташлади. У ошиғич тинтув бошлади: қоғоздон ичида босқинчи олган пулларнинг, чамаси, ярми ётган ҳамён, суяк соққаларнинг стаканчаси ва соққаларнинг ўзи – ўлдирилган кишидан қолган мерос шу эди.

Д'Артаньян стаканча билан соққаларни улар қаерга тушган бўлса, ўша ерда қолдирди, ҳамённи ярадорга ташлади-да, харислик билан қоғоздонни очди.

Бир-иккита кераксиз қоғозлар орасида у қуйидаги мактубни, касрига ўз ҳаётини таҳлика остида қолдирган мактубнинг ўзгинасини топиб олди:

«Сиз бу аёлнинг изини йўқотдингиз, энди у камоли хавфсизликда монастирда турибди, уни минбаъд у ерга қўймаслигингиз шарт эди. Лоақал эркакни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилинг. Менинг қўлимнинг узунлиги сизга маълум, акс ҳолда ўша мендан олган юз луи пул сизга қимматга тушади».

Имзо йўқ, лекин мактуб миледининг қўли билан битилган эди – д'Артаньян бунга шак-шубҳа қилмасди. Шу вайдан у далил сифатида уни яшириб қўйди-да, ярадорни сўроққа тутди бошлади. Буниси ўз ўртоғи – боягина ўлдирилган шериги билан бирга Парижнинг Лавилет дарвозасидан чиқиб жўнаб кетиши лозим бир ёш жувонни олиб қочишга бел боғлагани, лекин қовоқхонада ўтириб қолиб, улар ўн дақиқа кечикканликлари ҳамда извошни қўлдан чиқариб юборганларига иккун бўлди.

– Хўш, у аёлни сизлар нима қилишингиз керак эди? – хавотир билан сўради д'Артаньян.

– Биз уни Қирол майдонидаги иморатга элтиб беришимиз керак эди, – деди ярадор.

– Ҳа, ҳа! – шивирлади д'Артаньян. – Бу худди шундай, миледининг ўзиникига.

Бу аёлнинг унинг ўзини ва уни севган барча кишиларни ҳалок қилиш ниятларига нақадар даҳшатли интиқом дарди туртки бўлаётганини тушуниб, у ҳамма гапнинг тагига етгандан кейин унинг сарой ишларидан воқифлиги нақадар улканлигини тушуниб, йигит қалтираб кетди. Афтидан, ўз маълумотларини у кардиналдан йиғарди.

Бироқ бу қайғули мулоҳазалар ичида ялт этиб бир фикр келди-ю, унинг кўнглини қувончларга тўлдириб юборди: у қироличанинг оқибат, Бонасе хоним ўз садоқати учун таъзир еб ётган қамоқни ахтариб топганини ва уни ўша қамоқдан озод этганини англади.

Энди Бонасе хонимдан олган мактуб, у бир шарпа мисол лип этиб ўтиб кетган Шаё йўлидаги мулоқот ҳам – ҳаммаси унга равшан бўлди.

Демак, шу тобдан эътиборан худди Атос каромат қилганидек ёш жувонни ахтариб топиш имкони вужудга келди, зеро шундай монастир йўқ эдики, унга йўл топишнинг иложи бўлмаса.

Бу фикр д'Артаньянга батамом тасалли берди. У ўз авзойининг ҳар ўзгаришини ҳадик билан кузатгучи ярадорга ўгирилди-да, унга қўлини узатди.

– Юр, – деди у, – сени бу ерда ташлаб кетгим йўқ. Менга суяниб ол, қароргоҳга қайтайлик.

– Юринг, – бундай тантиликка ишона олмай, жавоб берди ярадор. – Мени дор остига юбориш учун ўзингиз билан олиб кетаётган бўлманг яна?

– Мен сенга сўз бериб қўйдим, – деди д'Артаньян, – энди эса сенга иккинчи марта ҳаёт ато қиламан.

Ярадор тиз чўқди-да, ўз халоскорининг оёқларини ўпа кетди, лекин ёвга шу қадар яқин жойда ортиқ қолишининг мутлақо ҳожати қолмаган д'Артаньян миннатдорликнинг бу изҳорларини бўлиб қўйди.

Истеҳкомдан отилган дастлабки ўқлардан кейин қароргоҳга қайтиб келган гвардиячи ўзининг тўрт ҳамроҳининг ўлими ҳақида эълон қилди. Шу боисдан д'Артаньянни соғ-саломат кўриб полкдагиларнинг ҳаммаси жуда ҳайрон ва жуда хурсанд бўлди.

Ёш йигит ўз ҳамроҳидаги ўзи етказган жароҳатни шу ернинг ўзида тўқиб ташлаган душман хуружи билан изоҳлаб бўлгач, у иккинчи лашкарнинг вафоти ҳамда ўзлари йўлиққан хавф-хатарларни ҳикоя қилиб берди.

Бу ҳикоя унга чинакам шон-шараф келтирди. Бутун қўшин кун бўйи бу зафар ҳақида гапириб юрди ва герсог Орлеанскийнинг ўзи д'Артаньянга ташаккур айтиб қўйишни топширди.

Ҳар қандай савоб иш мукофотга сазовор этади, д'Артаньяннинг хайрли иши ҳам йўқотилган осойиш-

талиқни унга қайтариб берди. Дарҳақиқат, душманларнинг бири ўлдирилган эди, иккинчиси эса унга чексиз содиқ бўлгандан кейин камоли хотиржам бўлиш мумкин деб ҳисобларди д'Артаньян.

Бу беғамлик ёлғиз бир нарсани – д'Артаньян миледиини билмаслигини исбот қиларди, холос.

ХII

Анжуй шароби

Бетоб қиролнинг тузалиб кетишига қарийб умид йўқлиги ҳақидаги хабарлардан сўнг қароргоҳда унинг шифо топаётгани тўғрисидаги миш-мишлар тарқала бошлади ва қиролнинг қамалда шахсан иштирок этмоққа ошиқаётгани сабабли ҳамманинг оғзида, у от минишга дармони етган замон йўлга чиқади, деган гап эди.

Бу ўртада ўзини армия қўмондонлиги лавозимидан бугун-эрта бўшатишларини ва ўз ўрнига бу лавозимни бир-бирлари билан талашиб ётган герсог Ангулемскийними, Бассомерними, Шомбергними қўйишларини билган герсог Орлеанский фақат рақибнинг кучларини ўсмоқчилаб суст ҳаракат қилар, вақтни зое кеткизар ва французлар ўз навбатида Ларошелни қамал қилаётган бир пайтда ҳамон Сен-Шартен қўрғонини, Ла Пре портига бостириб бораётган инглизларни Ре оролидан қувиб чиқаргудай ҳеч бир йирик операцияга қунт қилмасди.

Д'Артаньянга келганда, биз айтиб ўтганимиздек, у сал беғамроқ бўлиб қолди, хавф ўтиб кетгач, уни номавжуд деб ҳисоблай бошлаганимизда ўзи ҳаммаша шундай бўлади; унинг бир ғами қолган эди холос – у ўз дўстларидан ҳеч қандай хат-хабар олмаётган эди.

Бироқ ноябрнинг бошларида бир кун эрталаб Виллеруадан олинган тубандаги мактуб шарофати билан ҳаммаси ойдин бўлди-қолди:

«Жаноб д'Артаньян!

Атос, Портос ва Арамис жаноблар меникида ўтириш уюштириб, бир боплаб кайф-чоғлик қилдилар, лекин шунда бирам тўс-тўполон кўтардиларки, қаттиққўл киши бўлмиш комендант уларни бир-икки кунга қамоққа солиб қўйди. Шунга қарамасдан, мен улар томонидан берилган фармойишни бажо келтириб, уларга ғоят манзур бўлган ажойиб анжуй шаробимдан сизларга ўн икки шиша жўнатмоқдаман.

Сизнинг каминайи муҳтарамангизман, тақсир.

Годо, жаноб мушкетёрларнинг саройбони».

– Ахийри-я! – хитоб қилди д'Артаньян. – Демак, мен уларни ҳасрат соатларимда ёд этганим каби улар ҳам кайф сафо соатларида мени хотирлар экан-да! Мен уларнинг саломатлиги учун албатта ичаман, жон деб ичаман, лекин ёлғиз ўзим эмас.

Д'Артаньян бошқаларидан кўра кўпроқ иноқлашиб қолган икки гвардиячи ҳузурига уларни Виллеруадан юборилган ажойиб анжуй шаробини ўзи билан ичгани таклиф этмоқ учун чоғиб кетди. Бироқ гвардиячиларнинг бири шу оқшомга, бошқаси эса янаги оқшомга аллаким томонидан таклиф этилган экан-у, шу боисдан ўтиришни индинга тайин қилдилар.

Уйга келгач, д'Артаньян авайлаб сақлашни буюриб, ўн икки шиша шаробнинг ҳаммасини гвардиянинг сафар буфетига жўнатиб юборди, тантана куни эса зиёфат тайин этилган соат ўн иккига ҳамма нарсани тахт қилиб турсин учун у ерга Планшени ҳам эрталаб соат тўққизда жўнатди.

Ўзининг янги фахрли кайвонилик унвонидан боши кўкка етиб Планше хижолатда қолмасликка жазм қилди, шу боисдан эса у таклиф этилганлардан бирининг Фурро исмли хизматкорини ҳамда ҳалиги д'Артаньянни ўлдирмоқчи бўлган ва ҳеч бир қисмга мансуб бўлмагани ўлароқ, д'Артаньянга ёки гапнинг тўғриси Планшега хизматга кирган сохта аскарни ўзига кўмакчи қилиб олди.

Базм соати бўлгач, иккала меҳмон ташриф буюрди: улар жой-жойига ўтиргач, столга бир қатор таомлар тизиб ташланди. Планше қўлига дастурмоп ташлаб олиб хизмат қилди. Фурро шишаларни очди, Бризмон эса – касалдан тузалаётган кишининг номи шундай эди – шаробни шиша графинларга қайта қуярди, ўнқир-чўнқир йўл кор қилган бўлса керак, унда аллақандай қуйқум бор эди. Бу шаробнинг биринчи шишасининг таги лойқа чиқди. Бризмон унинг қуйқасини стаканга қуйди, д'Артаньян эса уни ичишга ижозат берди, чунки шўрлик ҳали жуда дармонсиз эди.

Меҳмонлар шўрвани ичиб бўлиб, биринчи стаканларни энди лабларига тегизган ҳам эдиларки, тўсатдан Людовик форти билан Янги форт тарафдан тўп садолари янгради. Ё қамалдагилар томондан, ё инглизлар томондан бирор ногаҳон ҳужум содир бўлган деган хаёлда гвардиячилар дарров қиличларига ёпишдилар; д'Артаньян чаққонликда улардан қолишмасдан худди шундай йўл тутди-да, ҳар учаласи ўз постлари томон югуриб кетдилар.

Бироқ тамаддихонадан отилиб чиқар-чиқмас улар шовқин-сурон сабабларини бирпасда тушуниб олдилар. «Яшасин қирол! Яшасин кардинал!» – деб қичқирардилар ҳар ёқдан, ҳаммаёқни ноғора садолари тугиб кетган эди.

Дарҳақиқат, биз айтиб ўтганимиздек, тоқати тоқ бўлган қирол тин олмасдан икки манзилни босиб ўтиб, боягина ўз маияти ва ўн минг лашкардан иборат ёрдамчи куч билан етиб келган эди, унинг олди-ю орқасида мушкетёрлар келардилар.

Икки чеккада саф тортиб тургувчи ўз ротасида бўлмиш д'Артаньян ўзидан кўзларини узмай турган оғайнилари ва унга дарров кўзи тушган жаноб де Тревилни маънодор ишора билан қутлади.

Кириш маросими ниҳоясига етгач, оғайнилар қизгин қучоқлашдилар.

– Азбаройи шифо, – деди д’Артаньян, – сизлар ажаб мавридида етиб келдингиз! Чамамда биронта ҳам таом ҳали совуганича йўқ! Шундай эмасми, жаноблар? – икки гвардиячига юзланган ва уларни ўз дўстларига таништирган кўйи илова қилиб қўйди йигит.

– Ҳў-ҳў! Базм қияпсиз, шекилли! – севиниб кетди Портос.

– Зиёфатингизда хонимлар бўлмас деган умидданман! – деди Арамис.

– Бу тупканинг тагида тузук-қуруқ шароб борми ўзи? – сўради Атос.

– Яъни бу нима деганингиз, азбаройи шифо! Ахир менда сизнинг шаробингиз бор-ку, муҳтарам дўстим, – жавоб берди д’Артаньян.

– Бизнинг шаробимиз-а? – таажжуб билан сўради Атос.

– Ҳа-да, ўша сиз менга жўнатиб юборган-чи.

– Биз сизга шароб юбордикми?

– Эсингиздан чиқардингизми, ахир? Биласизми, анжуй узумзорларидан чиққан бўшгина шароб.

– Ҳа, қайси шаробни назарда тутаётганингизни тушуниб турибман.

– Сиз қолган ҳаммасидан аъло кўрадиган шароб.

– Турган гап, қўлимда на шампан, на шамбертен бўлмаганда.

– Илож қанча! Шампан билан шамбертен бўлмагандан кейин анжуйи билан қаноатланишингизга тўғри келади.

– Бундан чиқди сиз анжуй шаробини топдирибсиз-да? Ҳў-ҳў! Ширинтомоқсиз-да, д’Артаньян! – деди Портос.

– Йўқ, ахир! Бу менга сизларнинг номингиздан юборилган шароб.

– Бизнинг номимизданми? – жўр бўлиб хитоб қилишди мушкетёрлар.

– Айтинг-чи, Арамис, сизми шаробни юборган? – сўради Атос.

- Йўқ. Сиз-чи, Портос?
- Йўқ. Сиз-чи, Атос?
- Йўқ.
- Агар юборган сизлар бўлмасангиз, – деди д’Артаньян, – унда саройбонингиз.
- Бизнинг саройбонимизни?
- Ҳа-да! Сизнинг саройбонингиз Годо, мушкетёрлар саройбони.
- Оқибат натижада бу шаробнинг қаердан келиб қолгани билан нима ишимиз бор! – деди Портос. – Тотиб кўрайлик, агар дуруст бўлса, ичайлик.
- Аксинча, – эътироз қилди Атос, – қайдан келганининг тайини йўқ шаробни ичмаймиз.
- Сиз ҳақсиз, Атос, – маъқуллади д’Артаньян, – демак, бундан чиқди ҳеч кимингиз саройбон Годога менга шароб юборишни топширмаганмисиз?
- Йўқ. Лекин у барибир бизнинг номимиздан шароб юборган-а?
- Мана мактуб! – деди д’Артаньян.
- У ўртоғига хатни узатди.
- Бу унинг қўли эмас! – деди Атос. – Мен унинг қўлини танийман, баайни жўнаш олдидан бутун даврамиз учун ҳисоб-китоб қилганман.
- Мактуб қалбаки, – деди Портос, – бизни ҳеч ким ҳибсга олган эмас.
- Д’Артаньян, – гинахонлик қилиб деди Арамис. – Наинки бизни тўполон қилди деб ишонган бўлсангиз?
- Д’Артаньяннинг ранги ўчиб, аъзойи бадани титроқдан жимирлаб кетди.
- Сен мени кўрқитяпсан, – деди фақат фавқулдда ҳоллардагина уни сенсираб гапиргувчи Атос. – Нима бўлди?
- Қочайлик, қочайлик, дўстларим! – қичқириб юборди д’Артаньян. – Менда даҳшатли шубҳа туғилди! Наинки бу яна ўша аёлнинг қасоси бўлса?
- Энди Атоснинг ҳам ранги оқариб кетди.

Д'Артаньян тамаддихона сари физиллаб кетди, уч мушкетёр билан икки гвардиячи унга эргашдилар.

Ошхонага кириб боргач, д'Артаньяннинг дастлаб кўргани ерда чангак бўлиб буралиб ётган Бризмон бўлди.

Рангида ранг қолмаган Планше билан Фурро унинг азоб-уқубатларини енгиллатишга ҳаракат қилишмоқда, лекин ёрдам-пордамнинг қор қилмаслиги равшан: ўлаётганнинг афти ажал талвасасидан бужмайиб кетган эди.

– Ҳа, бу сизмисиз! – д'Артаньянни кўриб қолиб деди у. – Сиз ўзингизни менга ҳаёт ато этганга солдингиз, аммо мени ўзингиз заҳарладингиз! О, бу даҳшат!

– Мен-а! – бақириб юборди д'Артаньян. – Бадбахт, нималар деб валдираяпсан?

– Ҳа, ҳа, бу шаробни менга сиз бердингиз, уни ичиб юборишни менга сиз буюрдингиз, мендан қасдингизни олмоқчи бўлдингиз, бу даҳшат-ку!

– Сиз янглишмоқдасиз, Бризмон, – деди д'Артаньян, – сиз янглишмоқдасиз. Сизни ишонтириб айтаманки... сизга онт ичаманки...

– Лекин худо бор, у сизни жазойингизни беради! Худоё худовандо, мен ҳозир тортаётган азобларни унга ҳам юбор!

– Инжил билан қасам ичаман, – ўлаётганга ташлаиб деди д'Артаньян, – шаробнинг заҳарланганидан менинг хабарим йўқ эди, уни ўзим ҳам ичмоқчи бўлиб тургандим!

– Мен сизга ишонмайман, – деди аскар.

Даҳшатли азоблар ичида у жон берди.

– Даҳшат, даҳшат!.. – шивирлади Атос, бу орада Портос шишаларни синдирди, Арамис эса сал фурсати ўтган бўлса-да, руҳонийни айтиб келишга фармойиш берди.

– О, дўстларим, – деди д'Артаньян, – сиз яна бир қур менинг ҳаётимни, нафақат менинг, мана бу жанобларнинг ҳам ҳаётини сақлаб қолдингиз. Жаноблар, – гвардиячиларга юзланиб сўзида давом этди у, –

мен кўрган нарсаларингиз хусусида сукут сақлашингизни илтимос қилардим. Ғоят нажиб зотлар бу воқеага аралашган чиқса ажаб эмас, унда бутун оқибатлари бизнинг бошимизга бало бўлиб қолади.

– Оҳ, тақсир, – ғулдиради кўрқувдан ўлар ҳолатга тушган Планше, – оҳ, тақсир, бундан чиқди мен осон қутулибман-да!

– Нима, ялқов, демак, сен шаробимдан ичмоқчи экансан-да? – қичқирди д'Артаньян.

– Қирол саломатлиги учун, тақсир. Мен қирол саломатлиги учун қиттаккина энди ичмоқчи бўлиб турганимда, Фурро мени чақиринишаётганини айтиб қолди.

– Рост, – тавба қилди кўрқувдан тишларини тақирлатиб Фурро, – мен бемалол ичай деб уни жўнатиб юбормоқчи бўлган эдим.

– Жаноблар, – гвардиячиларга мурожаат қилиб гапирди д'Артаньян, – ўзингиздан қолар гап йўқ, бўлиб ўтган гаплардан кейин бизнинг базмимиз жуда ўринсиздир. Шу сабабдан мени маъзур тутинг-у, келинглари уни бошқа сафарга қолдирайлик.

Иккала гвардиячи д'Артаньяннинг узрларини тавозе билан қабул қилдилар ҳамда тўрт оғайнининг холи қолгиси борлигини тушунган ҳолда йироқлашдилар.

Шоҳидларсиз қолгач, ёш гвардиячи билан тўрт мушкетёр шундай, бир алфозда кўз уриштириб олдиларки, бу уларнинг ҳар бири вазиятнинг бутун жиддиятини англаб етганидан яққол дарак берарди.

– Энг аввало, – дея таклиф этди Атос, – келинглари, бу хонадан кетайлик. Зўрлик ажал билан нобуд қилинган кишининг жасади хунук ҳамхона.

– Планше, – деди д'Артаньян, – бу бечоранинг жасадини сенга топшираман. Уни муқаддас тупроққа кўмсинлар. Рост, у жиноят қилган, лекин қилмишига кейин пушаймон бўлди.

Тўрт дўст Бризмоннинг кўмиш ташвишларини Планше билан Фуррога ҳавола қилиб хонадан чиқиб кетдилар.

Соҳиб уларга бўлак хона ажратиб берди ҳамда чала пишган тухум билан Атос ўзи қудуқдан олган сувни келтириб қўйди. Портос ва Арамисга ишнинг моҳиятини икки оғизгина қилиб айтиб беришди.

– Кўриб турибсизки, азиз дўстим, – деди д'Артаньян Атосга, – бу ҳаёт-мамот уруши.

Атос бошини чайқаб қўйди.

– Ҳа, ҳа, – жавоб берди у, – мен буни кўриб турибман. Лекин, сиз бу аёл ўша деб ўйлаяпсизми?

– Мен бунга аминман.

– Мен бўлсам иқрор бўлишим керакки, ҳамон иккиланиб турибман.

– Бироқ кифтидаги бу нилуфар-чи?

– Бу Францияда бирор жиноят қилиб, шу туфайли тамғаланган инглиз аёл.

– Атос, Атос, сизни ишонтириб айтаманки, бу сизнинг рафиқангиз! – дея такрорлади д'Артаньян. – Нанинги ҳамма нишонлар қандай мос келганини фаромуш қилган бўлсангиз?

– Барибир-да, ўша бошқаси ўлган деб ўйлайман, мен уни жуда яхшилаб осган эдим.

Бу гал энди д'Артаньяннинг бош чайқашига тўғри келди.

– Бироқ нима қилмоқ керак? – сўради у.

– Доимо дамол қиличи остида яшаб бўлмайди, – деди Атос, – бу аҳволдан нажот топмоқ керак.

– Қандай ахир?

– У билан кўришиб, гаплашишга ҳаракат қилинг. Унга шундай денг: «Уруш ё тинчлик! Мен чин дворянлик сўзимни бераманки, сиз тўғрингизда минбаъд оғиз очмайман, сизга қарши ҳеч нарса кўзгамайман. Ўз томонингиздан сиз ҳам менга зиён етказмасликка тантанавор қасам ичмоғингиз лозим. Акс ҳолда, мен канцлергача бораман, қиролгача бораман, жаллод топаман, мен саройни сизга қарши қилиб қўяман, сизнинг тамғангиз борлигини фош қиламан, мен сизни ҳакамлар қўлига топшираман ва, борди-ю, сизни оқлаб юбо-

ришса... хўш, унда чин дворянлик сўзимни бераманки, сизни бирор девор тагида бир кучукдек ўлдириб ташлайман!»

– Бу услубга қарши эътирозим йўқ, – деди д’Артаньян, – лекин қандай қилиб у билан кўришса бўлади?

– Вақт, жон дўстим, ғанимат фурсатни икки қўллаб вақт тутқизади, фурсат эса одамга қўша имкониятларни беради: қанча кўп таваккал қилсангиз, ютуқларингиз ҳам шунча катта бўлади. Кута билсангиз, бас.

– Шундайликка шундайку-я, лекин қотиллар-у, заҳарловчилар билан қуршалганингдан кейин...

– Ҳечқиси йўқ! – деди Атос. – Худо бизни ҳанузгача паноҳида сақлаб келган, бизни келгусида ҳам ўзи асрайди.

– Ҳа, бизни! Биз эркаклармиз, албатта ва, сирасини айтганда, жонни таҳлика остида қолдириш бизлар учун жуда табиий гап, лекин у-чи!.. – товушини пасайтириб илова қилди у.

– У деганингиз ким? – сўради Атос.

– Констанция.

– Бонасе хоним! Ҳа-я, ростдан ҳам, сизнинг ошиқлигингиз мутлақо хаёлимдан кўтарилибди, бечора дўстим!

– Лекин ўша ўлдирилган аблаҳнинг мактубидан сизнинг монастирдалигини билиб олгансиз-ку, – деди Арамис, – монастирлар у қадар ёмон эмас, мен ҳам ваъда бераманки, Парошел қамали тугаган замон, мен шахсан...

– Ҳа, ҳа, муҳтарам Арамис, – унинг гапини бўлди Атос, – сизнинг ўй-ниятларингиз динга қаратилганлигини биламиз.

– Мен мушкетёрликда омонатман, – мўминлик билан деди Арамис.

– Кўпдан бери маъшуқасидан хабар йўқ, шекиллик, – деб шивирлади Атос. – Парво қилманг, буниси бизга таниш ҳол.

– Мана нима! – деди Портос. – Менимча, бу ерда оддий бир чора бор.

– Қандай экан? – сўради д'Артаньян.

– Сиз уни монастирда деяпсизми?

– Ҳа.

– Бўлмаса гап нимада? Қамал тугаши билан биз уни монастирдан олиб қочамиз, вассалом.

– Лекин аввал унинг қайси монастирда турганини билмоқ керак, ахир.

– Тўғри гап, – рози бўлди Портос.

– Бироқ монастирни унга қироличанинг ўзи танлаган деб айтмабмидингиз, азизим д'Артаньян? – сўради Атос.

– Ҳа, ҳар қалай, шундайдир деб турибман.

– Жуда соз! Унда Портос бизга бу ишда ёрдамлашиб юборади.

– Қандай қилиб экан, сўрасак бўладими?

– Сизнинг маркизангиз, герсогинянгиз, маликангиз орқали-да. Унинг таниш-билишлари кўп бўлиши керак.

– Тсс! – бармоғини лабларига босиб шивирлади Портос. – Мен уни кардиналчи деб ўйлайман, у ҳеч нимани билмаслиги лозим.

– Ундай бўлса Бонасе хоним хусусида дараклашни мен зиммамга оламан, – деди Арамис.

– Сизми, Арамис? – жўр бўлиб қичқирди уч дўст. – Ҳўш, қай йўл билан?

– Қироличанинг руҳонийси орқали, мен у билан жуда иноқман, – қизариб жавоб берди Арамис.

Ўзларининг жўнгина тушлигини қилиб бўлишган тўрт оғайни шу кечнинг ўзида қайта учрашмоққа келишиб олгач, шу ваъда билан ажралдилар. Д'Артаньян Франциск монастирига қайтиб кетди, уч мушкетёр эса ҳали бошпана ғамини ейишлари лозим, улар қирол ўрдасига равона бўлдилар.

ХШ

«Қизил каптархона» майхонаси

Бу орада душман билан тезроқ бақамти келишга шунчалар интилувчи ва кардиналнинг Бэкингемага бўлган нафратига, бунга сўнггисидан кўра кўпроқ асосларга молик ҳолда шерик бўлган қирол энг аввало инглизларни Ре оролидан қувиб чиқариш, сўнгра эса Ларошел қамалини тезлатиш учун барча фармойишларни ошиғич бериб юборишни истарди. Бироқ бир томондан – де Бассомпер ва Шомберг, иккинчи томондан – герсог Ангулемский ўртасида вужудга келган низолар уни ушлаб қолди.

Бассомпер ва Шомберг жаноблар Франциянинг маршаллари эдилар ҳамда қиролнинг бевосита бошчилигидаги армияга қўмондонликка ўз ҳуқуқларини даъво қилардилар; кўнглида гугенот бўлмиш Бассомпердан, эътиқод бўйича унинг оғалари саналган инглизлар ва ларошелликларга қарши бўш ҳаракат қилармикан, деган ҳадиқда бўлган кардинал, бу лавозимга қирол бош қўмондон ўринбосари қилиб тайин этгани герсог Ангулемскийни унинг ўз қистови билан таклиф қилмоқда эди. Натижада, Бассомпер ва Шомбергларнинг армияни тарк этишларининг олдини олмоқ учун уларнинг ҳар бирига мустақил отряднинг қўмондонлигини топширишга тўғри келди: Бассомпер ўзига Лаледан Ломпергача – шимолий, герсог Ангулемский Домпердан Перинегача – ғарбий, Шомберг эса Перинедан Ангутангача – жанубий қисмни олдилар.

Герсог Орлеанскийнинг ўрдаси Домперда эди.

Қиролнинг ўрдаси дам Этре, дам Лажжарида бўларди.

Ва ниҳоят кардиналнинг ўрдаси Тош кўприк тагида ҳеч қандай истехкомлари билан муҳофаза қилинмаган расмона уйда эди.

Шу зайл герсог Орлеанский Бассомперни, қирол – герсог Ангулемскийни, кардинал эса – Шомбергни назорат қилардилар.

Сўнгра кучларни жойлаштириш ниҳоясига етгандан сўнг, қўмондонлик англизларни оролдан қувиб чиқариш чораларини кўра бошлади.

Шароит бунга қўл келган: англизлар дуруст егулик бўлганда яхши лашкарлардир, аслида эса эндиликда уларнинг қуни фақат тузланган нарсалар-у, бўлмағур қотган-қутган нонларга қолган, шу туфайли қароргоҳда кўплаб беморлар пайдо бўлган эди. Устига-устак бутун океан бўйида йилнинг бу фаслида довулли бўлмиш денгиз ҳар қуни бирор кичикроқ кемани вайрон қилиб кетар ҳамда Эгилон бурунидан тортиб нақ зовургача ҳар гал тўлқин келиб урганда соҳилни қайиқлар, фелюгалар ва бошқа кемаларнинг парчалари, синиқ-пиниқлари босиб кетарди. Буларнинг ҳаммаси ҳатто қирол лашкарлари ўз қароргоҳида қолаверган тақдирда ҳам оролда фақат ўжарлигидан ўтириб олган Бэкингемнинг бугун-эрта қамални олиб ташлашга мажбур бўлиб қолажагини очиқ-ойдин билдириб турарди.

Бироқ жаноб де Туарак душман қароргоҳида янги ҳамлага тадориклар бораётганини маълум қилгач, қирол бунга чек қўйиш керак, деб қарор қилди-ю, ҳал қилгувчи жанг хусусида фармон берди.

Қамални батафсил тавсия этиш ниятида эмаслигимиз ҳамда биз ҳикоя қилаётган воқеага бевосита алоқаси бўлган ҳодисаларнигина тилга олганимиз ҳолда қисқача қилиб қиролни зўр таажжубда қолдириб ҳамда кардиналнинг довруғини чиқариб, бу иқдом бароридан келганини айтиб ўтамиз. Қадам-бақадам қисиб борилган, ҳар тўқнашувда мағлубиятга учраётган ва Луа оролидан ўтишда узил-кесил тор-мор этилган англизлар жанг майдонида икки минг кишини ва шулар жумласидан: беш полковник, уч подполковник, икки юз эллик капитан билан йигирма нафар кибор дворянни, бундан ташқари, тўрт тўп билан Клод де Сен-Симон томонидан Парижга келтирилиб Париж ибодатхонаси пештоқларига тантанавор осиб қўйил-

ган олтмиш байроқни қолдириб, ўз кемаларига қайтадан минишга мажбур бўлиб қолдилар.

Аввал қароргоҳда, кейин эса бутун Франция бўйлаб дуохонлик бўлди.

Хуллас, энди кардинал, ҳеч бўлмаганда, вақтинча инглизлар томонидан ҳеч нимадан хавфсирамасдан қамални бемалол давом эттириш имкониятига эга бўлди.

Лекин, боя айтганимиздек, бу осойишталик отонат бўлиб чиқди.

Герсог Бэкингемнинг чопарларидан бир Монтегю исмлиси асирга олдинди-ю, у орқали Австрия, Испания, Англия ва Потарингия ўртасида иттифоқ мавжудлиги маълум бўлиб қолди.

Бу иттифоқ Францияга қарши қаратилган эди.

Бу ҳам кам, Бэкингемнинг ўзи тахмин қилгандан шошилиброқ тарк этишига тўғри келган ўрдасида шундай иттифоқнинг мавжудлигини яна бир карра тасдиқловчи ҳужжатлар топилган эди ва бу қоғозлар кардиналнинг ўз «Мемуарлар»ида таъкидлашича де Шезрез хоним ва, бинобарин, қиролича шаънига доғ туширарди.

Бутун масъулият кардинал гарданига тушди, зеро зиммага масъулият олмаган ҳолда тўлақонли ҳоким бўлмоқ мушкул гап. Шу боисдан ўз заковатининг бор кучларига зўр бериб у кунни кун, тунни тун демай Европа улуғ давлатларидан бирортасида кечмиш зарра ўзгаришларни кузатарди.

Бэкингемнинг ғайрати, энг асосийси унинг кучли нафрати кардиналга маълум эди. Францияга таҳдид солаётган иттифоқ ғалаба қозонган тақдирда кардиналнинг бутун нуфузи йўққа чиқарди; ҳозирча, атиги тарафдорлари бўлган лувр кабинетида, унда испания ва австрия сиёсати ўзининг доимий вакилларига эга бўларди ҳамда у, Ришелье, Франция министри, асос эътибори билан миллий бўлмиш министр барбод бўларди Унга гўдак боладай итоат этгувчи

ҳамда бола ўз муаллимини ёмон кўргани каби уни кўрарга кўзи йўқ қирол шахсий интиқом пайида юрган ўз оғаси билан қиролича қўлларига уни топшириб юборган бўларди, хуллас, у ҳалок бўлар ва, ажаб эмаски, Франция ҳам у билан бирга ҳалокатга учрарди Бу нарсаларнинг ҳаммасини олдини олмоқ зарур эди.

Шу боисдан кардинал ўзи резиденция қилиб танлаган Тош кўприк ёнидаги кичик уйда кечаю кундуз чопарлар алмашилиб турар ҳам уларнинг сони кун сайин тобора ортиб борарди.

Булар – жуббаларини бирам эпсизлик билан кийилганидан уларнинг черковга мансублигини, лекин жанговар черковга мансублигини дарров пайқаб олмоқ мумкин роҳиблар, ғуломлик уст-боши бирмунча қисиб-қимтиб қўйган ҳамда дурқун сағрилари ҳатто кенг шалворлар остидан ҳам кўзга ташланиб турган аёллар ва, ниҳоят, қўллари чиркин-у қадди-басти келишган деҳқонлар, бир чақирим наридан ҳам кибор насабли кишиларлигини таниб олса бўладиган деҳқонлар эдилар.

Бошқа манзур жиҳати камроқ ташрифлар ҳам бўлиб турарди, зеро, икки ёки уч дафъа кардинал ҳаётига суиқасд этилди, деб миш-мишлар тарқалган эди.

Рост, падари бузрукворнинг душманлари гўё эҳтиёж туғилган ҳолларда ўз навбатида зўравонлик чораларини қўллаш имконига эга бўлмоқ учун бу нўноқ қотилларни унинг ўзи ёллаган деб гапириб юришарди, лекин на министрларнинг гапларига, на уларнинг душманларининг гапларига ишонмаслик лозим.

Бироқ, буларнинг ҳаммаси кардиналнинг ҳатто энг ашаддий ғийбатчилари томонидан ҳам шахсий жасорати ҳеч қачон инкор этилмаган кишининг герсог Ангүлемскийга аллақандай муҳим фармойишлар бериш, қирол билан алланарсалар хусусида маслаҳатлашиб олиш ёки унинг уйига келиши бирор сабабга кўра номақбул элчилар билан музокаралар учун учрашиш мақ-

садида тунги сайрлар қилиб туришига халал бермасди.

Мушкетёрларга келганда, қамал пайтлари айтарли банд бўлмаганлари ўлароқ улар у қадар қаттиқ сақланмасдилар ҳамда шод-хуррам кун кечирардилар. Уларга, хусусан эса уч улфатимизга бунинг эви шу билан осонлашардики, жаноб де Тревиль билан дўстона муносабатда бўлганлари ҳолда улар у кишидан қароргоҳга кечикиш ҳамда у ерга чироқлар ўчирилгандан сўнг кириб боришга тез-тез махсус рухсатнома олиб турардилар.

Нима бўлди-ю, бир кун кечқурун зовурда қоровуллик хизматини ўташи сабабли д'Артаньян уларга ҳамроҳ бўла олмаган пайтда Атос, Портос ва Арамис сафар ридоларига бурканган ҳамда пистолетларини шай тутган ҳолда бундан икки кун муқаддам Лажжарри йўлида Атос фош этган «Қизил каптархона» номи қовоқхонадан учовлон ўз жанговар отларида қайтиб келмоқда эдилар. Хуллас, улар ҳар дақиқа бирор пистирмага дуч келишга шай бўлиб бораётганларида, тўсатдан Буанар қишлоғидан тахминан чорак ле беридан от дукур-дукури эшитилгандай бўлди. Ҳар учаласи шу заҳоти йўлнинг қоқ ўртасида зич ҳалқа ҳосил қилиб тўхтаб қолдилар. Дақиқа ўтгач, булут ортидан сузиб чиққан ой шуъласида муюлишда уларга пешвоз келгувчиларга кўзи тушгач, тўхтаб, афтидан йўлда давом этавериш маъқулми ёки орқага қайтишми деб орқага бир оз шубҳали тикилди-ю, Атос бир-икки одим олдинга чиқиб, ўзининг нуфузли овози билан деди:

– Келаётган ким?

– Ўзингиз кимсиз? – ўз навбатида сўради суворийлардан бири.

– Бу жавоб эмас! – эътироз қилди Атос. – Келаётган ким? Жавоб беринг, йўқса отамиз.

– Маслаҳат бермайман, жаноблар! – деди ширали, афтидан буйруқ бериб одатланган овоз.

– Бу тунги текширувга чиққан бирорта катта офицер, – деди астагина Атос, – нима қиламиз, жаноблар?

– Кимсиз? – сўради ўша амирона товуш. – Жавоб беринг, йўқса фармонбардор эмаслигингизга пушаймон еб қоласиз.

– Қирол мушкетёрлари, – деди Атос саволларни бергувчи одамнинг бунга ҳаққи борлигига тобора ишончи ортиб.

– Қай ротадан?

– Де Тревиль ротасидан.

– Белгиланган жойга яқинлашинг-да, бемаҳалда бу ерларда нима қилиб юрганингизни менга маълум қилинг.

Уч ўртоқ шаштидан қайтиброқ яқин йўладилар, зеро, ҳар учаласи ҳам ўзларидан кучлироқ одам билан муомала қилаётганига энди ишонч ҳосил қилган эди; музокараларни Атос олиб бормоғи лозим эди.

Икки суворийдан бири, ўша иккинчи бўлиб сўз бошлагани, ўз ҳамроҳидан ўн одимлар олдинда турарди. Атос ҳам Портос ва Арамисга орқада қолишни имо билан таклиф этди-да, ёлғиз ўзи яқин борди.

– Афв этгайсиз, жаноб офицер, – деди Атос, – лекин кўриб турибсизки, биз ким билан муомала қилаётганимизни билмасдан ҳушёр турган эдик.

– Номингиз? – деди юзи ридо билан ним тўсиқ офицер.

– Ҳар қалай, тақсир, – дея жавоб берди бу сўроқ гашига тега бошлаган Атос, – менга саволлар бермоққа ҳаққингиз борлигига далил келтиришингизни сўрайман.

– Номингиз? – ёпинчисини кўтарган ва шу тариқа юзини очган кўйи яна бир бор такрорлади суворий.

– Жаноб кардинал! – ҳанг-манг бўлиб деди мушкетёр.

– Номингиз? – учинчи бор такрорлади кардинал.

– Атос, – деди мушкетёр.

Кардинал шошиб яқин келган ҳамроҳини имлаб чақирди.

– Бу уч мушкетёр бизга ҳамроҳ бўлиб борадилар, – нимтовушда гапирди у, – қароргоҳда у ердан кетганидан хабар топишларини истамайман, агарда булар биз билан борсалар, уларнинг сукут сақлашидан кўнглимизни тўқ қилсак бўлади.

– Биз дворянмиз, зоти олийлари, – деди Атос, – сўзимизни олинг-да, ҳеч нима хусусида хавотирланманг. Худога шукурки, сир сақлашга уқувимиз бор.

Кардинал ўзининг зол назарини мард ҳамсуҳбати-га қадади.

– Қулоғингиз ўткир экан, жаноб Атос, – деди кардинал, – лекин энди гапларимга қулоқ солинг. Мен ҳамроҳ бўлишларингизни сўрашимнинг боиси сизларга ишонмаслигим эмас, мен азбаройи ўзимнинг хавфсизлигим учун буни илтимос қиляпман. Ҳамроҳларингиз, ҳойнаҳой, жаноб Портос ва жаноб Арамислардир?

– Ҳа, падари бузруквор, – жавоб берди Атос.

Бу борада шу тобгача орқароқда турган иккала мушкетёр қўлларида шляпалари билан яқинроқ келдилар.

– Мен сизларни танийман, жаноблар, – деди кардинал, – мен сизларни танийман. Менинг ёр-биродарларим жумласида сизлар йўқлигингиз менга маълум, бу мени жуда ранжитади. Лекин мен хабардорманки, сизлар мард ва софдил дворянларсиз ва сизларга ишонса бўлади. Хуллас, ўзингизнинг икки ҳамроҳингиз билан кузатиш шарафига мени ноил этинг, жаноб Атос, ана шунда менинг муҳофазам ҳатто ҳазрат олийларининг ҳам мабодо у кишини учратиб қолсак, ҳаваси келса келгудек бўлади.

Мушкетёрлар бошларини нақ отларининг ёлигача эгиб турдилар.

– Помусим билан онт ичаманки, падари бузруквор, – деди Атос, – бизни ўзингиз билан бирга олиб яхши

иш қилмоқдасиз: биз йўлда бир нечта хавфли шахсларга дуч келдик, улардан тўрттаси билан «Қизил каптархона»да ғижиллашиб ҳам қолдик.

– Ғижиллашибми? Хўш нима тўғрисида, жаноблар? – сўради кардинал. – Биласизми, мен жанжалларни ёмон кўраман.

– Худди шу боисдан журъат қилиб сиз падари бузрукворни содир бўлган нарсалар хусусида огоҳ этиб қўймоқдаман-да. Акс ҳолда, сиз бунни ўзга шахслардан эшитишингиз ҳамда воқеаларнинг нотўғри ёритилиши туфайли бизни айбдор санаган бўлардингиз.

– Аммо бу жанжал оқибатлари қандай бўлди? – қовоғини уйиб сўради кардинал.

– Мана шу қаршингизда турган дўстим Арамис қўлини қиличга тегизиб, сал шикастлаб олди, мабодо сиз падари бузруквор ҳужумга фармон берсангиз, бу нарса унинг эртагаёқ бемалол ҳамла қилишига халал бермайди, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қилишингиз мумкин бўлади, падари бузруквор.

– Аммо-лекин сизлар жазосини бермасдан ўзингизга қилич урдириб ўтирадиган одамлардан эмассизлар, – эътироз қилди кардинал. – Менга қаранг, жаноблар, очиғини айтиб қўя қолинглар – калтакларнинг баъзиларини қайтарган бўлсангиз керак? Менга тавба-тазарру қилиб қўя қолинглар ахир, хабарингиз бор, мен истиғфор бериш ҳуқуқига моликман.

– Мен, зоти олийлари, – деди Атос, – қиличга қўлимни тегизиб ҳам қўйганим йўқ, мен шундоқ рақибимни даст кўтардим-у, деразадан улоқтириб ташладим. Йиқилишда, – сал иккиланиб гапида давом этди Атос, – у оёғини синдириб олди, шекилли.

– Аҳа! – деди кардинал. – Сиз-чи, жаноб Портос?

– Мен муборазалар тақиқланганлигини биламан, зоти олийлари, шу учун мен узун курсини олдим-да, зарб билан ўша қароқчиларнинг биттасини солдим, шунда унинг елкаси мажақланган бўлса, эҳтимол.

– Хўш... – деди кардинал. – Сиз-чи, жаноб Арамис?

– Менинг энг беозор феълим бор, зоти олийлари, ҳам бунинг устига мен ўзимни роҳибликка бағишлаш ниятим бор, бундан сиз падари бузруквор беҳабар бўлсангиз керак. Шу сабабдан мен ҳар йўл билан ўртоқларимни тийиб туриб эдим, тўсатдан бу аблаҳларнинг бири даб-дурустдан қиличи билан қўлимга урса бўладими. Шу ерда сабр косам тўлиб кетди-ю, мен қиличимни суғуриб олдим ва у менга яна ташланганда қиличим учига бор бўйи билан санчилиб қолгандай туюлди. Шундайми-йўқми, аниқ билмайман, лекин унинг қулаб тушгани жуда яхши эсимда, уни бошқа иккитаси билан олиб кетишди чоғи.

– Азбаройи шифо, – деди кардинал, – бир харобот жанжали касофатига уч киши сафдан чиқиб турибди!.. Ҳа, жаноблар, сизлар ҳазил-ҳузулни ёмон кўрасизлар. Хўш, жанжал ўзи нимадан чиқди?

– Бу аблаҳлар маст эдилар, – деди Атос. – Улар кеч-қурун меҳмонхонага бир аёл келиб тушганининг дарагини билиб қолибдилар-да, унинг ёнига бостириб кирмоқчи бўлибдилар.

– Ёнига бостириб кирмоқчи? – такрорлади кардинал. – Нима мақсадда, ахир?

– Зўрлаш ниятида бўлса керак-да, албатта, – жавоб берди Атос, – сиз падари бузрукворга ўша аблаҳларнинг маст бўлганлигини маълум қилиш шарафига ноил бўлдим-ку.

– Ўша аёл ёш ва гўзалмиди? – бирмунча хавотир билан сўради кардинал.

– Биз уни кўрганимиз йўқ, зоти олийлари, – жавоб берди Атос.

– Ие, уни кўрганингиз йўқми? Майли, жуда соз! – жонланиб гапирди кардинал. – Аёл кишининг ному-сини ёқлаб, яхши иш қилибсизлар, ўзим ҳозир «Қизил каптархона»га кетаётганим сабабли менга айтган гап-ларингизнинг рост-ёлғонлигини билиб оламан.

– Зоти олийлари, – мағрур туриб деди Атос, – биз дворянлармиз ва азбаройи жонимизни қутқармоқ учун ҳам ёлғон гапирмаган бўлурдик.

– Мен сўзларингизнинг чинлигидан гумонсираганим ҳам йўқ, жаноб Атос, қилча гумонсираётганим йўқ... Бироқ айтинг-чи, – суҳбатни буриш учун илова қилди у, – нима, ўша хоним ёлғизмиди?

– Хонада хоним билан бирга эркак киши бор эди, – деди Атос, – лекин шовқин-тўполонга қарамасдан чиқмади у, демак, қўрқоқ деб ўйламоқ керак.

– «Ёнги-елпи ҳукм чиқарманг», – дейилган инжилда, – эътироз билдирди кардинал.

Атос таъзим қилди.

– Энди бўлди, жаноблар, – гапида давом этди кардинал.

– Мен билмоқчи бўлган ҳамма гапни билиб олдим. Ортимдан юринглар.

Уч мушкетёр кардинални олдинга ўтказиб юборди; у юзини яна ёпинчиқ билан беркитиб олиб, отини ниқтади-да, ўзининг тўрт бирдай ҳамроҳидан тўққиз, ўн одим олдинда йўлга тушди.

Ҳадемай отряд бўм-бўш ва жимжитдай туюлган тамаддихонага етиб борди: чамаси, соҳиб ўзиникига қандай таниқли меҳмон келишидан огоҳ эди, у ўзининг хира хўрандаларини барвақт гумдон қилганди.

Эшиқдан ўн қадамлар берида кардинал ўз ҳамроҳи билан уч мушкетёрга тўхташни ишора қилди. Кимнингдир эгарланган оти дарчага боғлиқ турарди; кардинал шартли тарзда уч марта тақиллатди.

Уйдан дарров аллақандай ридога бурканган киши чиқиб келди, кардинал билан бир-икки оғиз гап ташлашди-ю, отига миниб Сюржер тарафга кетган Парижга ҳам элтгувчи йўлдан елиб кетди.

– Яқинроқ келинглар, – деди кардинал, – сиз менга рост гапирган экансиз, жаноб мушкетёрлар, – дея мурожаат қилди у уч ошнага, – модомики, бу ёғи менга

боғлиқ экан, бугунги мулоқотимизнинг сизларга нафи тегади. Ҳозирча эса ортимдан юринглар.

Кардинал отдан тушди, мушкетёрлар ҳам худди шундай қилдилар; кардинал тизгинни ҳамроҳига ташлади, уч мушкетёр ўз отларини дарчаларга боғлаб қўйдилар.

Саройбон бўсағада турарди – унинг учун кардинал шунчаки хоним билан дийдор кўришгани келган бир офицер эди.

– Пастда бирор хонангиз йўқми, бу жаноблар камин ёнида исиниб мени кута турсалар? – сўради кардинал.

Саройбон яқин орада илгариги бўлмағур печкача ўрнига катта кўркам камин ўрнатилган кенг хонанинг эшигини очди.

– Мана шу, – деди у.

– Яхши, – деди кардинал. – Шу ерга киринглар, жаноблар ҳамда малол олмай мени кутинглар – мен сизларни ярим соатдан ортиқ ушламайман.

Уч мушкетёр пастки қаватдаги хонага киришгунча кардинал бўлак ҳеч қандай савол бермасдан жадал юриб зинадан чиқа бошлади. Афтидан, у йўлни жуда яхши биларди.

XIV

Печ мўриларининг фойдаси хусусида

Кўнгилларида ҳеч гап йўқ уч дўстимиз фақат ричарлик туйғулари ва жасорати етаклаган кўйи, кардинал ўзининг олий шарофатига ноил қилган аллақандай хонимга яхшилик қилиб қўйганлари равшан эди.

Бироқ у хоним ўзи ким? Мушкетёрлар энг аввало ўзларига бераётган савол мана шу эди. Сўнгра ўзлари минг тахмин қилмасин, улардан бирортаси ҳам қониқарли чиқмаслигини кўргач, Портос соҳибни чақирди-да, ўйин соққаларини келтиришни буюрди.

Портос билан Арамис стол ёнига ўтириб олдиларда, ўйинга киришиб кетдилар. Атос ўйланиб, оҳишта хонада юрарди.

Хаёлчан айланиб юриб, Атос ярим бузилган печка мўриси ёнидан у ён-бу ёнга ўтмоқчи эди; бу мўрининг нариги учи юқори қаватдаги бир хонага чиқарилган эди. Ҳар гал ёнидан ўтаётганда кимларнингдир босиқ товушлари ниҳоят унинг диққатини жалб қилди. Атос яқинроқ йўлади-ю, диққатини жалб этган бир-иккита сўз унга шу қадар қизиқарли туюлдики, у ўртоқларига жим бўлишни имо қилиб, ўзи эса эгилган ва қулоғини мўрининг пастки тешигига текизган кўйи жойида қотиб қолди.

– Қулоқ солинг, миледи, – деярди кардинал, – бу муҳим иш. Мана бу ерга ўтиринг, келинг, бир суҳбатлашиб олайлик.

– Миледи! – шивирлади Атос.

– Мен ғоят зўр диққат билан тингламоқдаман, падари бузруквор, – дея жавоб берган аёл овозидан мушкетёр сесканиб тушди.

– Капитани менга содиқ, командаси инглизлардан иборат бир кичикроқ кема Шаранта этагида, Ла Пуант форти ёнида сизга мунтазир турипти. У эртага саҳарда лангар кўтаради.

– Бундан чиқди мен у ерга шу бугун оқшомда жўнаб кетишим лозим экан-да.

– Шу тобда, яъни менинг дастурларимни олиб бўлганингиз он. Шу ердан чиқишда эшик тагида икки кишини кўрасиз, сизни улар қўриқлаб боради. Биринчи мен чиқаман. Ярим соат кутиб тургач, сўнгра сиз ҳам чиқасиз.

– Яхши, зоти олийлари. Лекин менга беришни ихтиёр этган топшириғингизга қайтайлик. Мен келгусида ҳам сиз падари бузрукворнинг ишончингизга муносиб қолишни истайман, шу важдан эса лутф айлаб менга шу топшириқни аниқ ва равшан қилиб баён этсангиз, токи бирор ножўя иш қилиб қўймасам.

Бир зумга икки ҳамсуҳбат ўртасида чуқур сукунат чўқди; кардиналнинг ўз ибораларини олдиндан салмоқлаб тургани, миледининг эса у айтажак гапларни англаб олиш ва хотирасида сақлаб қолиш учун хаёлини бир жойга тўплашга уринаётгани аён эди.

Шу дақиқадан фойдаланиб, Атос ўз ўртоқларидан эшикни ичкаридан беркитиб қўйишни илтимос қилди ва уларни имлаб чақириб олди-да, ўзи билан бирга қулоқ солишга таклиф этди.

Қулайликни ёқтиргувчи иккала мушкетёр ўзларига биттадан курси ҳамда Атосга ҳам бир курси келтириб қўйишди. Учовлон бошларини бир қилиб, қулоқларини динг қилиб ўтириб олдилар.

– Сиз Лондонга жўнайсиз, – гапида давом этарди кардинал. – Лондонда Бэкингемни зиёрат қиласиз...

– Сиз падари бузрукворга айтиб қўяй, – гап қистирди миледи, – герсог бир гапида туриб олиб, мени шерик деб ҳисоблаб юрган олмос шокилалар воқеасидан сўнг зоти олийларининг мендан кўнгли қолган.

– Аммо бу гап, – эътироз қилди кардинал, – гап асло унинг кўнглини топишингиз ҳақида эмас, балки унинг ҳузурига соф виждон билан очиқ-ойдин кириб боришингиз хусусида бораётир.

– Соф виждон билан очиқ-ойдин... – билинар-билинимас киноя аралаш такрорлади миледи.

– Ҳа, соф виждон билан очиқ-ойдин, – худди шу оҳангда тасдиқлади кардинал. – Бу музокараларнинг ҳаммаси очиқчасига олиб борилмоғи лозим.

– Мен кўрсатмаларингизни аниқ ижро этаман, уларни шай бўлиб кутмоқдаман.

– Сиз Бэкингем ҳузурига менинг номимдан ташриф буюрасиз ҳамда унинг барча тадорикларидан менинг хабардорлигим, лекин улардан кам хавотирланаётганимни унга айтасиз: у биринчи қадамга журъат қилгани замон мен қироличани нобуд қиламан.

– Сиз, падари бузруквор, ўз пўписангизни амалга оширишга қодирлигингизга у ишонармикан?

– Ҳа, зеро қўлимда далил-исботлар бор.

– Мен унга ўша далил-исботларни кўрсатсам ҳамда у уларнинг қадр-қимматига муносиб баҳо бера олса бўларди.

– Албатта. Унга айтиб қўйингки, мен Руа-Робер ва маркиз де Ботрюнинг ўша коннетаблнинг рафиқаси маскарад-базм берган оқшом герсог билан қироличанинг коннетаблнинг рафиқасиникида бўлиб ўтган мулоқоти ҳақидаги хабарни эълон қиламан. Унда шакшубҳа қолмаслиги учун эса айтасизки, герсог у ерга кавалер де Гиз киймоқчи бўлган ҳамда ўзи де Гиздан уч минг пистолга сотиб олган Улуғ Мўғул либосида келган...

– Яхши, зоти олийлари.

– Ўзи италян фолбини уст-бошида тушган саройга унинг қандай киргани ва тунда қандай чиқиб кетгани менга майда-чуйда тафсилотларигача маълум. Маълумотларимнинг инобатлигига тўла ишонч ҳосил қилсин учун унга айтингки, унинг эғнидаги ридоси остидан ялтироқ қора безаклар, бош суяги-ю, чалишган суяклар нусхаси билан қопланган кенг оқ кўйлак кийилган эди, негаки бир кор-ҳол бўлган тақдирда у ўзини бирор муҳим воқеа олдидан Луврда ҳамиша намоён бўлиб туриши ҳаммага маълум Оқ Хоним арвоҳи қилиб кўрсатмоқчи эди...

– Бори шуми, зоти олийлари?

– Унга айтингки, мен унинг Амен саргузаштининг барча икир-чикирларини биламан, уларни боғ манзараси ва бу тунги саҳнанинг бош иштирокчилари суратлари билан бирга бир кичикроқ мароқли роман тарзида баён этишни буюраман.

– Мен бу гапларни унга айтаман.

– Унга яна айтиб қўйингки, Монтегю менинг қўлимда, Монтегю Бастилияда, рост, гарчи ундан бирор мактубни қўлга туширолмаган бўлсак-да, лекин қийноқ уни ўзи билган гапларни ва.. ҳатто ўзи билмаган гапларни ҳам айтишга мажбур этиб қўйиши мумкин.

– Жуда соз.

– Ва ниҳоят, шуни ҳам қўшиб қўйинги, герсог Ре оролидан кетишга шошилиб, ўз хонадонида де Шеврез хонимнинг бир мактубини унутиб қолдирган, у қироличани ёмон иснодга дучор қилади, зеро, у ҳазрат олияларининг қирол душманларини севиши мумкинлиги тугул Франция душманлари билан тили ҳам бирлигини исбот этади. Менинг ҳамма гапларимни дилингизга яхшилаб тугиб олдингиз, шундай эмасми?

– Ўзингиз ҳукм чиқаринг, падари бузруквор: коннетабл рафиқасиникидаги базм, Луврдаги тун, Амендаги оқшом, Монтегюнинг ҳисобга олингани, де Шеврез хонимнинг мактуби.

– Тўғри, тўппа-тўғри. Хотирангиз ажойиб-да, миледи.

– Лекин борди-ю, бу баҳоналарнинг ҳаммасига қарамасдан, – эътироз билдирди кардиналнинг бу хушомад гапига дахлдор кимса, – герсог ён бермасдан, аввалгидек Францияга таҳдид солаверса-чи?

– Герсог бир мажнун сингари ёки, тўғрироғи бир тентак сингари ошиқ бўлиб қолган, – аччиқ алам билан жавоб берди Ришелье, – эски замон паладинлари мисол, бу урушни у ёлғизгина ўз хониминингина илтифотли нигоҳига сазовор бўлмоқ учун қўзғаган. Агар у урушнинг, унинг таъбири билан айтганда, орзу-армонлари соҳибасининг обрўсини тўкишини, балки, эҳтимол, эркига ҳам зомин бўлишини билса, сизга кафолат бераманки, бу урушни яна давом эттиришдан илгари ўйланиб қолади.

– Бироқ, – дея ўз зиммасига юкланаётган топшириқни охиригача аниқлаб олиш истагини исбот этгувчи субут билан гапида давом этди миледи, – мабодо, у барибир қаттиқ туриб олса-чи?

– Мабодо, қаттиқ туриб олсами? – такрорлади кардинал. – Бу эҳтимол йироқ.

– Бу эҳтимол.

– Мабодо, у қаттиқ туриб олса... – кардинал сукут сақлаб, сўнгра яна тилга кирди. – Мабодо, у қаттиқ туриб олса, унда мен ўша давлат юзини ўзгартириб юборадиган воқеалардан бирига умид боғлайман.

– Агарда малол келмаса, сиз падари бузруквор, шу хил воқеаларнинг тарихий мисолларини келтирганингизда эди, – деди миледи, – мен балким сизнинг ишончингизга шерик бўлармидим.

– Ҳа, мана сизга мисол, – жавоб берди Ришелье. – 1610 йилда раҳматли қирол Генрих Тўртинчи герсогни ҳаракатга келтиргувчи ниятларга амал қилиб, Австрияга бирдан икки томондан зарба бермоқ учун Франция ва Италияга бир йўла бостириб киришга шайланиб турган пайтда, Австрияни қутқариб қолган воқеа содир бўлмабмиди? Нега энди худди император сингари Франция қиролининг ҳам омади келмасин?

– Падари бузрукворим Мисгарлар кўчасида урилган ханжар хусусида гапиряптиларми?

– Тўппа-тўғри.

– Равалякнинг⁵² қатли унга эргашишни лоақал бир зум хаёл қилганларни қўрқитиб турганидан падари бузрукворим хавфсирамайдиларми?

– Барча замонларда жамики давлатларда, хусусан, ўша давлатларни диний хусумат тилкалаётган тақдирда жафокаш бўлишдан ўзга армони йўқ мутаассиблар топилиб туради. Биласизми, пуританларнинг герсогдан ниҳоятда аламзада экани, уларнинг воизлари эса уни антихрист деб атаб юришлари эсимга тушиб кетди.

– Хўш, нима қипти? – сўради миледи.

– Гап шуки, – бепарво овоз билан гапида давом этди кардинал, – масалан, эндиликда ўзи учун герсогдан, ёш, гўзал ва уддабурон герсогдан қасдини олишни ис-

⁵² Раваляк (1578-1610) – католицизмнинг мутаассиб мухлиси. 1610 йилда Француз қироли Генрих IV ни ўлдиришни амалга оширган.

тагувчи бир жувонни топиш кифоя қиларди. Бундай аёлнинг топилиши ҳеч гап эмас: аёллар ичида герсогнинг обрўси катта, агар у мангу вафодорлик қасамларила кўп қалбларни муҳаббат дардига мубтало қилган бўлса, ўзининг доимий бевафоликлари билан ўзига нисбатан кўп нафрат ҳам қўзғатган.

– Албатта, – совуққина қилиб тасдиқлади миледи, – бундай аёл топилиб қолса ажаб эмас.

– Шундай бўлгач, шу тахлит аёл бирор мутаассибнинг кўлига Жак Клемен ёки Равалякнинг ханжарини бериб, Францияни халос этган бўлурди.

– Ҳа, лекин у қотилнинг шериги бўлиб қоларди.

– Раваляк ёки Жак Клемен шерикларининг номлари ошкор бўлганмиди, ахир?

– Йўқ. Эҳтимол бунинг боиси шуки, кишиларнинг мансаби ғоят юксак бўлган, кошки уларни фош этишга журъат қилсалар. Ҳар ким учун ҳам ҳакамлар палатасини ёқиб юборишавермайдиди-да, ахир, зоти олийлари.

– Сиз ҳакамлар палатасининг ёнғини тасодиф эмас деб ўйларкансиз-да? – дея Ришелье шундай бир оҳанг-да суриштирган бўлдики, гўё у сира аҳамияти йўқ савол бергандай эди.

– Шахсан мен ҳеч нима деб ўйлаётганим йўқ, зоти олийлари, – деди миледи, – ўтган бир гапни айтдим-қўйдим-да. Борди-ю, мен мадмуазел Монпансе ёки қиролича Мария Медичи бўлганимда эди, шунчаки леди Кларик бўлиб кўраётганларимдан камроқ эҳтиёт чораларини кўрган бўлардим деяпман, холос.

– Сиз ҳақсиз, – маъқуллади Ришелье, – хўш, сиз ўзи нимани истардингиз?

– Мен Франция бахт-саодати учун не қилишни лозим топсам, ҳаммасини ҳалитдан тасдиқлаб бергувчи фармон олишни истардим.

– Лекин аввал мен айтгандек герсогдан қасдини олишни истаган аёлни топмоқ лозим.

– У топидди.

– Сўнгра эса илоҳий адолат қуроли бўлиб хизмат қилажак ўша манфур мутаассибни топмоқ лозим.

– У топилади.

– Ана ўшанда сиз боя ўтинган фармонни олиш фурсати келади.

– Сиз ҳақсиз, падари бузрукворим, – сўзлади миледи, – мен ҳам мени арзитган топшириғингиз унинг асл маъноси билан чекланмайди, деб ўйлаб янглишибман. Хуллас, мен зоти олийлари ахборига етказишим керакки, сизга коннетаблнинг рафиқаси базмда уюштирган ниқоб воситасида қироличани ёнига йўлаш насиб қилган, ўша либос алмаштиришга оид барча тафсилотлар маълум; қўлингизда Луврда содир бўлган, аслида Бэкингемнинг ўзгинаси бўлмиш итальян астрологи билан қиролича мулоқотининг барча далил-исботлари бор; сиз Амендаги саргузашт мавзусида у бўлган боғ манзараси ва иштирокчиларининг суратлари билан кичикроқ мароқли роман ёзишни буюргансиз; Монтегюнинг Бастилияда тортган қийноқлари унинг хотирасида турган ва ҳаттоки хотиридан чиқиб кетган нарсаларни балким айтишга мажбур қилиб қўйиши мумкин ва, ниҳоят, зоти олийларининг хонадонидан топилган, уни ёзган тугул номидан ёзилган хонимни ҳам иснодга қолдиргувчи де Шеврез хонимнинг мактуби қўлингизга тушиб қолган. Сўнгра, агар герсог шуларнинг ҳаммасини юз-хотир қилмасдан аввалгидек ўжарлик қилаверса, модомики, топширигим ўзим зикр этган нарсалар билан чекланар экан, менинг Францияни халос этадиган бирор мўъжиза яратишимни худодан тилашим қолади, холос. Ҳаммаси шундай-а, падари бузруквор, менинг ортиқ қиладиган ишим йўқми?

– Ҳа, шундай, – совуқ тасдиқлади кардинал.

– Энди эса, – дея гўё кардинал ўзи билан бошқача йўсинда гаплаша бошлаганини пайқамандай гапида давом этди миледи, – энди падари бузрукворнинг ўз душманларига оид дастурларини олиб бўлганимдан

сўнг, меникилар хусусида сизга икки оғиз гапиришга ижозат бермайсизми?

– Сизнинг душманларингиз борми ҳали?

– Ҳа, зоти олийлари. Уларга қарши сиз мени ҳар йўл билан қўллаб-қувватламоғингиз шарт, негаки мен уларни сиз падари бузруквор хизматингизда орттирганман.

– Улар ким?

– Авваламбор, Бонасе деган бир арзимаган фитначи аёл.

– У Мант қамоқхонасида.

– Тўғриси, у ўша ерда эди, – эътироз билдирди миледи, – лекин қиролича қиролдан фармон олиб, унинг ёрдами билан Бонасени монастирга ўтказиб қўйган.

– Монастиргами?

– Ҳа, монастирга.

– Қайсисига?

– Қайдам, буниси қаттиқ сир тугилади.

– Мен бу сирни билиб оламан!

– У аёлнинг қай монастирдалигини менга ҳам айтасизми, падари бузрукворим?

– Чамамда, бунинг иложсиз жойи йўқ.

– Яхши... Лекин менинг бу ярамас Бонаседан анча хавфлироқ бошқа душманам бор.

– Ким?

– Унинг хуштори.

– Унинг исми нима?

– О, падари бузрукворим уни яхши танийдилар! – газаби қайнаб қичқириб юборди миледи. – Бу сиз билан иккимизнинг бошимизга битган бало: худди шу одам касофатига қирол мушкетёрларининг сиз падари бузрукворим гвардиячилари билан тўқнашувида устун келганлар, элчингиз де Вардга уч марта қилич уриб, олмос шокилалар ишини чалкаштириб юборган одам худди шу; ниҳоят, бу ўша менинг Бонасе хонимни ўғирлаб кетганим дарагини билиб, мени ўлдиришга қасам ичган одам.

– Ҳа-а... – чўзди кардинал. – Кимни айтаётганингизни билиб турибман.

– Мен ўша лаънати д'Артаньянни айтаяпман.

– У мард одам.

– Худди ана шу сабабдан ҳам ундан хавфсирамоқ лозим.

– Унинг Бэкингем билан махфий алоқаларининг исботи қўлда бўлганда эди.

– Исботи! – қичқирди миледи. – Мен исботидан ўнта-сини топиб бераман.

– Ҳўп, у ҳолда бундан жўн иш йўқ: менга шу исботларни келтириб берсангиз, мен уни шу замон Бастилияга ўтқизиш қўяман.

– Яхши, зоти олийлари, кейин-чи?

– Бастилияга тушганлар учун «кейин-пейини» бўлмайди, – бўғиқ товуш билан жавоб берди кардинал. – Оҳ, азбаройи шифо, – давом этди у, – кошки эди менинг душманимдан қутулишим худди сизни сизникилардан халос қилишдек осон бўлса, кошки эди шу қабилидаги одамларга қарши мендан ҳаракат эркини сўраб турган бўлсангиз!

– Зоти олийлари, – таклиф этди миледи, – келинг, айирбош қиламиз – жонга жон, одамга одам: менга бунисини беринг, мен сизга ўша наригисини бераман.

– Билмадим, нима демоқчисиз, – жавоб берди кардинал, – буни билишни истайман ҳам, лекин мен сизга бир илтифот қилмоқчиман, зотан, нечун арзимас бир жонзотга оид илтимосингизни бажармай, устига-устак ўша д'Артаньян сиз таъкидлаганингиздек ахлоқсиз, уришқоқ ва хоин бўлар экан гар.

– Номард одам, зоти олийлари, номард!

– Менга қоғоз, пат ва сиёҳ олиб беринг.

– Мана. Ҳаммаси, зоти олийлари.

Ўртага чўккан бир зумлик сукунат кардиналнинг ўзи битмоқ тараддудидан турган ёки аллақачон уни ёзмоқда бўлган номага хаёлан жумлалар танлаётганидан далолат берарди.

Бутун суҳбатни оқизмай-томизмай эшитган Атос ўз ўртоқларининг қўлларидан ушлаб, хонанинг бошқа томонига судраб элтиб қўйди.

– Ҳўш, сенга ўзи нима керак, нега охирини эшитгани қўймайсан? – аччиқланди Портос.

– Секинроқ! – шивирлади Атос. – Биз ўзимизга зарур бўлган ҳамма нарсани билиб олдик. Дарвоқе, суҳбатни ниҳоясигача эшитишингизга мен ҳалал бераётганим йўқ, лекин менинг кетишим зарур.

– Кетишинг зарурми? – такрорлади Портос. – Борди-ю, кардинал сени сўраб қолса-чи, унга нима деб жавоб берамиз?

– Унинг мени сўраб қолишини кутиб ўтирманглар, унга ўзингиз менинг дозорга жўнаб кетганимни айтинг, чунки соҳибимизнинг баъзи бир гаплари мени йўл унчалик беҳатар эмас деган шубҳага солиб қўйди. Бунинг устига ўзим ҳам кардиналнинг яроғбардорига бу ҳақда гап ташлаб қўяман. Энди қолганлари эса менинг ишим, сен бу ҳақда ташвиш тортма.

– Эҳтиёт бўлинг, Атос! – деди Арамис.

– Хотирингиз жам бўлсин, – жавоб берди Атос, – сизларга маълумки, мен ўзимни тута биламан.

Портос билан Арамис яна мўри олдига ўтириб олдилар.

Атосга келганда, у ҳамманинг кўз ўнгида чиқди, дўстларининг отлари ёнида дарча лўкидонига боғлиқ турган отини ечди, гапни кўп чўзмай, кардиналнинг яроғбардорига ўзининг дозорга бориши зарурлигини ишонтирди, сўнгра эса ясама диққат билан пистолетини кўздан кечириб, қиличини ташлаб олди-да, қалтис муаммони ўз ихтиёри билан ҳал қилаётган аскар сингари қароргоҳ тарафга кетган йўлдан жўнади.

XV

Эр-хотин можароси

Атос гумон қилганидек, кардинал пайсалга солмай пастга тушди; у мушкетёрлар кириб кетган хонанинг эшигини очди-да, Портос билан Арамиснинг бағоят берилиб соққа ўйнаётганини кўрди. Бутун хонага наридан-бери кўз югуртириб чиқиб, у ўз соқчиларининг бири камлигига ишонч ҳосил қилди.

– Жаноб Атос қаёққа йўқолди? – сўради у.

– Зоти олийлари, – жавоб қилди Портос, – у дозор бўлиб илгарироқ кетди. Соҳибимизнинг баъзи бир гаплари унинг кўнглига йўл унчалик бехатар эмас деган шубҳа солиб қўйди.

– Сиз-чи, нима қилиб ўтирдингиз жаноб Портос?

– Мен Арамисдан беш пистол ютиб олдим.

– Хўп майли, энди мен билан изингизга қайтаверинглар.

– Бош устига, падари бузруквор.

– Қани отларга, жаноблар, вақт алламаҳал бўлиб қолди.

Яроғбардор кардиналнинг отини тизгинидан ушлаган ҳолда эшик тагида мунтазир эди. Сал нарироқда қоронғида икки киши билан уч от кўзга ташланарди; булар ўша миледини Ла Пуант фортигача қузатиб бориб, уни у ерда кемага ўтқазиб қўйишлари лозим одамлар эдилар.

Яроғбардор кардиналга икки мушкетёрнинг Атос борасидаги ҳамма гапини тасдиқлаб берди. Кардинал маъқуллаб бош ирғади-да, худди харобатга келишдаги каби этҳиёт чораларини кўриб қайтиб кетди.

Яроғбардор ва икки мушкетёр қоровуллиги остида қароргоҳга боришни унинг ўзига ҳавола қилиб, Атосга қайтайлик.

Атос ҳамон ўша маромда шошмасдан юз қадамча юриб борди, лекин ўзига ҳеч кимнинг кўзи тушмаётганлигига ишонч ҳосил қилган замон ўнгга бурилди,

айланма йўл билан отини чоптириб орқага қайтди, йўлдан йигирма қадамча четдаги тўқайда писиб, йўловчиларнинг ўтиб кетишини кута бошлади. Ўз дўстларининг кенг соябонли шляпалари ҳамда кардинал ридосининг зарбоф шокилаларини кўргач, у суворийлар йўл муюлишида ғойиб бўлгунча кутиб турди ҳамда отини ўйнатиб, ўзини беҳархаша киргизишган хароботга қайтди.

Соҳиб уни таниди.

– Менинг сардорим, – деди Атос, – иккинчи қаватда истиқомат қилгувчи аёлга бир муҳим нарсани маълум қилишни хаёлдан чиқарибди. Ўз хатосини тузатгани у киши мени юборди.

– Юқорига чиқинг, – таклиф қилди соҳиб, – у ҳалиям ўз хонасида.

Атос ижозатдан фойдаланди ва зинага, иложи борица, оҳиста оёқ қўйиб супага чиқди. Қия очиқ эшик тирқишидан у миледининг ўз шляпаси ленталарини боғлаётганини кўрди.

У хонага кириб борди-да, ортидан эшикни қулфлади.

Сурилаётган лўкидоннинг тарақлаганини эшитиб, миледи ўгирилиб қаради.

Атос ридога бурканиб шляпасини кўзларига бостириб эшик тагида турарди. Бу қотиб турган унсиз қоматни кўриб миледи чўчиб тушди.

– Кимсиз? Сизга нима керак? – деди у ҳадиксираб.

«Ҳа, айтдим-а, бу ўша!» – деди ўзича Атос.

Ридосини очиб ташлаб ва шляпасини пешонасидан суриб қўйиб, у миледининг ёнига борди.

– Мени танияпсизми, хоним? – сўради у.

Миледи олға талпинди-ю, бирдан гўё илонни кўриб қолгандай орқага ташланди.

– Хўп, яхши... – деди Атос. – Мени таниганингизни кўриб турибман.

– Граф де Ла Фер! – Деворга тақалгунча – нуқул чекинган кўйи ранги ўчиб шивирлади миледи.

– Ҳа, миледи, – жавоб берди Атос, – граф де Ла Фернинг шахсан ўзи сизни бир кўриб ҳузур қилмоқ учун атайлаб нариги дунёдан ташриф буюрди. Қани, ўтирайлик ва кардинал айтмоқчи, бир суҳбатлашайлик.

Таърифга сиғмас даҳшат оғушида миледи чурқ этмасдан ўтирди.

– Сиз ерга юборилган асроилсиз! – гап бошлади Атос. – Биламан, қўлингиз баланд, лекин худо ёрлақаб кўпинча ҳатто энг ваҳимали асроилларни ҳам енгиб келгансиз. Сиз бир қур менинг йўлимда пайдо бўлдингиз. Мен сизни ер юзидан ўчириб ташладим деб ўйлаб юрган эдим, хоним, лекин мен янглишибман ёки дўзах сизни тирилтирибди...

Ўзи даҳшатли хотиротларни қўзғатган бу сўзлардан миледи бошини қуйи солиб, бўғиқ нола қилиб қўйди.

– Ҳа, сизни дўзах тирилтирибди, – сўзида давом этди Атос, – дўзах сизга бойлик ато этибди, дўзах сизга бошқа ном берибди, дўзах юзингизни қарийб таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборибди, лекин у кўнглингизнинг қораси-ю, баданингизнинг тамғасига қўл урмабди.

Миледи нақ пружина отиб ташлагандай сапчиб тушди, унинг кўзлари чақнаб кетди. Атос ўтирганича ўтирарди.

– Сиз мени оламдан ўтди деб ўйлаб юргансиз шундай эмасми? Мен ҳам сизни ўлиб кетди, деб ўйлаганман. Атос номи эса миледи Кларик номи Анна де Бейлни яширгани каби граф де Ла Фер номини яширган! Мухтарам оғангиз бизни никоҳлаб қўйганда номингиз шундай эмасмиди?.. Рост иккимизнинг ҳам аҳволимиз ғалати, – кулимсираб давом этди Атос, – иккимиз ҳам шу тобгача фақат бир-биримизни ўлиб кетган деб ҳисоблаганимиз сабабли яшаб келганмиз: хотиротлар гоҳо қалбга азоб бергани билан тирик жондай ғаш қилмайди, ахир!

– Сизни ўзи ҳузуримга нима келтирди? – овози бўғилиб гапирди миледи. – Мендан нима истайсиз?

– Мен сизга айтиб қўймоқчиманки, сабот билан сиздан панада юрсам-да, сизни назардан қочирганим йўқ!

– Нималар қилганим сизга маълумми?

– Ўша кардинал хизматига кирган пайтингиздан тортиб то шу бугунги оқшомгача нималар қилганингизни мен кунма-кун санаб беришим мумкин.

Миледининг бўзарган лаблари ишонқирамай, қулимсираб қўйди.

– Қулоқ солинг: сиз икки олмос шокилани герсог Бэкингем кифтидан кесиб олдингиз; сиз Бонасе хонимни ўғирлаб қочдингиз; сиз граф де Вардни севиб қолиб ҳамда у билан тун айшини суришни орзу қилиб ёнингизга жаноб д'Артаньянни киргизиб қўйдингиз; де Вард панд бериб кетди деган хаёлда сиз де Варднинг рақибини уни ўлдиришга мажбур қилмоқчи бўлдингиз; ўша рақиб қалтис сирингизни фош қилиб қўйганда, сиз унинг изига икки ёлланма қотилни солиб, уларга уни отиб ташлашни топширгансиз; ўқлар мўлжалга тегмаганидан хабар топгач, сиз унга заҳарланган шаробни: «бу шароб дўстларнинг совғаси», – деб ишонтириш истагида сохта мактуб қўшиб, унга юборгансиз ва, ниҳоят, сиз шу ерда, шу хонада, мен ҳозир ўтирган курсининг худди ўзида боягина кардинал Ришелье олдида герсог Бэкингем ёнига қотил юбориш тўғрисида мажбурият олдингиз, бунинг эвазига у сизга д'Артаньянни ўлдирмоққа изн беришни ваъда қилди.

Миледининг ранги бўздай оқариб кетди.

– Сиз шайтоннинг ўзисиз! – шивирлади у.

– Бўлса бордир, лекин ҳар қалай, бир нарсани дилингизга тугиб олинг: герсог Бэкингемни ўлдирасизми ёки ўлдиришни битта-яримтасига топширасизми – бу билан менинг ишим йўқ: мен уни танитайман, бунинг устига у инглиз, лекин менинг севикли ва ардоқли содиқ дўстим д'Артаньяннинг бошидаги тукига ҳам қўл тегиза кўрманг ёки отам хотираси билан қасам ичаманки, сиз қиладиган бу жиноят ҳаётингиздаги сўнги сизга бўлади.

– Д’Артаньян мени ёмон ҳақорат қилди, – бўғиқ товуш билан деди миледи, – д’Артаньян ўлади.

– Зотан, сизни ҳақорат қилишнинг иложи борми экан, хоним? – мийиғида қулиб қўйди Атос. – У сизни ҳақорат қилибди-ю, ўладими?

– У ўлади, – гапини қайтарди миледи, – аввал у аёл, кейин унинг ўзи.

Атоснинг кўзлари тиниб кетди. Аёлга хос зарра хислати бўлмаган бу махлуқнинг турқи унда дилини ўртагувчи хотираларни тирилтирди. У ҳозиргидан анча бехатарроқ шароитда бир бор миледини ўзининг ориятига қурбон қилмоқчи бўлганини эслади; Атосда уни ўлдириш истаги яна бош кўтарди-ю, енгиб бўлмас даражада қамраб олди. У ўрнидан туриб, ёнидан пистолетини юлқиб олиб, тепкисини кўтарди.

Рангида ранг қолмаган миледи додламоқчи бўлди-ю, лекин тили калимага келмади, карахт даҳанидан эса инсон тилига сира ўхшамаган, кўпроқ ёввойи ҳайвоннинг ириллашини эслатгувчи хирилдоқ товуш чиқди, холос; сочлари ёйилиб кетган ҳолда деворга қапишиб, у даҳшатнинг тажассуми бўлиб кўринарди.

Атос шошмасдан пистолетни кўтариб қўлини шундай узатдики, унинг оғзи миледининг манглайига қарийб тегиб қолди ва овози хотиржамликдан ва устувор қатъиятдан янада ваҳимали янграб деди:

– Хоним, сиз кардинал имзо чеккан қоғозни дарҳол менга берасиз ёки ҳаётим билан онт ичаманки, пешонангизга ўқ узаман.

Бу бўлак одам бўлганда эди, унинг ўз ниятини амалга оширишига миледи гумон қилган бўларди, лекин у Атосни биларди; шунга қарамасдан у қилт этмай тураверди.

– Мулоҳаза учун сизга бир нафас бераман, – гапини давом эттирди у.

Унинг афти буришиб кетганидан миледи ҳозир ўқ отилишини фаҳмлади. У қўлини шартта кўксига олиб

бориб, корсажи остидан қоғозни олди-да, уни Атосга узатди:

– Олинг-да, қуриб кетинг!

Атос қоғозни олгач, пистолетни ёнига солиб қўйди, бу ўша қоғозлигига қаноат ҳосил қилмоқ учун чироқ ёнига борди-да, уни очиб ўқиди:

«Ушбуни кўрсатгувчи амалга оширган иш менинг фармойишимга биноан давлат бахт-саодати йўлида қилинди.

3 декабрь 1627 йил.

Ришелье».

– Энди бўлса, – ридосига бурканган ва шляпасини кийган қўйи деди Атос, – энди тишларингни суғуриб олганимдан кейин қўлингдан келса тишлайвер, ёсу-ман!

У хонадан чиқиб кетди-да, ҳатто орқасига ўгирилиб ҳам қўймади.

Харобат эшиги тагида у яна бир отни жиловидан ушлаб турган икки кишини кўрди.

– Жаноблар, – дея уларга юзланди Атос, – маълумингиздек, жаноб кардинал вақтни зое кеткизмасдан бу аёлни Ла Пуант фортига элтиб қўйишни ва у кемага ўтирмагунча унинг ёнидан қимирламасликни буюрди.

Унинг сўзлари бу одамлар олган фармойишлар билан тўла мувофиқ келгани сабабли улар фармойишни ижро этмоққа шай турганлари маъносида таъзим қилдилар.

Атосга келганда, у енгил сакраб отга минди-да, жон-жаҳди билан елиб кетди, лекин йўлдан бориш ўрнига отини зўр бериб ниқтаган ва қулоқ солиш учун ҳар-ҳар замонда тўхтаган қўйи тиккасига даладан от қўйди.

Шу тўхташларнинг бирида у йўлдаги от дупур-дупурини эшитиб қолди. Бу кардинал билан унинг соқчилари деб ишонган Атос яна сал нарироққача от чоптириб борди-да, қароргоҳга йигирма қадамлар қолганда йўлга чиқиб турди.

– Келаётган ким? – суворийларни кўргач сўради у.
– Бу бизнинг мард мушкетёримиз шекилли? – деди кардинал.

– Ҳа, зоти олийлари, – жавоб берди Атос, – ўшанинг ўзи.

– Жаноб Атос бизни шундай яхши кўриқлаганингиз учун менинг ташаккуримни қабул этинг. Мана келиб ҳам олдик, жаноблар. Чап заставага қараб бораверинглар, пароли: «Қирол ва Ре».

Шу гапни айтгач, кардинал бош ирғаб уч оғайни билан хўшлашди-да, яроғбардор ҳамроҳлигида ўнгга бурилди, чунки қароргоҳда тунаб қолмоқчи эди.

– Гап бундай, – кардинал эшитмагудай масофага бориб қолгандан кейин бир овоздан гапиришди Портос ва Арамис, – у талаб этган қоғозга кардинал имзо қўйиб берди!

– Биламан, – бамайлихотир гапирди Атос. – Мана у қоғоз.

Қоровулларга паролни айтганларини ҳисобга олмаганда, уч дўст то ўз турар жойига етгунча ортиқ бир оғиз ҳам сўзлашмадилар.

Лекин улар унинг соҳиби қоровулликдан бўшаганда зудлик билан мушкетёрлар турар жойига етиб келишини илтимос қилиптилар, деб Планшега тайинлагани Мушкетонни юбордилар.

Миледига келганда, у худди Атос ўйлагандек, харобот эшиги тагида ўзига мунтазир одамларни топиб, ҳеч бир эътирозсиз улар кетидан тушди. Рост, унда бир зумга изига қайтиш ва кардинал ҳузурига бориб унга ҳамма гапни айтиб бериш истаги туғилди, лекин унинг сирни очиб ташлаши Атоснинг фош этишини эргаштириб келган бўларди; айтайлик, у бир замон мени Атос осиб қўйган дерди, лекин унда Атос унинг тамғаланганлигини айтган бўларди. У индамай қўя қолиш, махфий жўнаб кетиш, ўзига хос эпчиллик билан зиммасига олган мушкул топшириқни адо этиш, сўнгра эса ҳаммаси бир ёқли бўлиб, кардиналнинг

кўнгли тўлгандан кейин унинг ҳузурига бориб, ўзи учун интиқом олишига ёрдам қилишини талаб этиш маъқулроқ, деган мулоҳазага бориб қолди.

Хуллас, бутун тунни эгарда ўтказиб, у саҳар соат етида Ла Пуант фортига етиб келди, соат тўққизда эса кардинал имзо чеккан капер гувоҳнома билан таъминланган ва гўёки Баёнага сузиб кетмоққа шай турган кема лангарини кўтариб, Англия соҳиллари томон йўл олди.

XVI

Сен-Жерве бастиони

Дўстлари ҳузурига ташриф буюриб д'Артаньян уларнинг ҳаммасини бир хонада жам топди: Атос алпанима ҳақида бош қотирмоқда; Портос мўйловларини бурамоқда; Арамис мовий бахмал муқовали кўркам дуо тўпламидан ибодат қилмоқда эди.

– Азбаройи шифо, жаноблар! – деди д'Артаньян. – Умид қиламанки, менга эътиборга лойиқ бирор зарур гапингиз бордир, огоҳ этиб қўяй, акс ҳолда шу бугунги тундан кейин – бастионни босиб яксон қилганимдан сўнг, мени дам олгани қўймай, келишга мажбур этганларингизни кечирмайман. Минг аттанг, жаноблар, ўша ерда бўлмадингизлар-да! Ишлар хўп қайнади-да!

– Биз бўлак жойга тушиб қолдик, у ерлар ҳам совуқ бўлмади, – мўйлабларини муқом билан бир тарзда қайриб туриб деди Портос.

– Тсс! – қистирди Атос.

– Э-ҳа! – мушкетёрнинг нега қовоғини уйиб олганини фаҳмлаб деди д'Артаньян. – Сизларда бир янги гап борга ўхшаб қолди.

– Арамис, сиз тунов «Касофат»нинг калвинистлар қовоқхонасида тамадди қилгандингиз, шекилли? – сўради Атос.

– Ҳа.

– У ер қалай экан?

– Мен-ку дуруст овқатланмадим: рўза кунни эди, у ердаги овқатлар нуқул ёвғон экан.

– Ана холос! – ҳайрон бўлди Атос. – Денгиз гаванида турганга балиқ қаҳат бўлибди-да?

– Улар кардинал барпо қилаётган тўғон бор балиқни очиқ денгизга қуваяпти, дейишяпти, – яна ўзининг тавфиқли машғулотига киришиб изоҳ берди Арамис.

– Э, мен сиздан буни сўраганим йўқ, Арамис! Мен сиздан у ерда ўзингизни бемалол ҳис қилдингизми, сизни битта-яримтаси безовта қилгани йўқми, деб сўрадим.

– Шилқим хўрандалар у ерда кам эди, шекилли... Ҳа, дарҳақиқат, сиз сўзламоқчи гаплар учун «Касофат» бизга мос келади.

– Бўлмаса юринглар «Касофат»га, – гапни якунлади Атос, – бу ердаги деворлар худди қоғозга ўхшайди.

Ўз дўстининг юриш-туришларига ўрганиб қолган, унинг биргина сўзи, ишораси ёки имосидан вазиятнинг жиддийлигини дарров уқадиган д'Артаньян Атосни қўлтиғидан олди-да, ортиқ ҳеч нимани суриштирмасдан у билан ташқарига чиқди. Портос билан Арамис дўстона гурунглашган қўйи уларга эргашдилар.

Йўл-йўлакай улар Гримони учратиб қолдилар. Атос унга ўзлари билан юришни имо қилди; Гримо одатига қўра индамай итоат қилди; бояқиш шу даражага етган эдики, гапиришни деярли эсидан чиқариб юбораёзганди.

Дўстлар тамаддихонага келишди. Эрталаб соат етти бўлиб тонг ёриша бошлаган эди. Улар нонушта буюртирдилар-да, хўжайиннинг таъкидлашича, уларни ҳеч ким безовта қилолмайдиган залга кирдилар.

Таассуфки, махфий кенгаш учун вақт нобоп танланган эди: боягина саҳар бонги урилган бўлиб, талай кишилар уйқусини тарқатиш ва тонготар рутубатидан исиниб олиш истагида йўл-йўлакай бир стакан шароб ичиб ўтгани тамаддихонага оралаб турардилар. Дра-

гунлар, швейцарияликлар, гвардиячилар ва отлиқ лашкарлар ҳадеб алмашиниб турардиларки, бу нарса соҳиб учун жуда қўл келарди, лекин тўрт улфатнинг ниятларига мутлақо мувофиқ эмас эди. Шу боисдан улар ўз жанговар ўртоқларининг саломлари, қадаҳлари-ю, ҳазил-мутойибаларига жуда тунд жавоб қилардилар.

– Бас, жаноблар! – деди Атос. – Бунақада бу ерда биз бирортаси билан айтишиб ҳам қолишимиз мумкин, ҳозир эса бунинг мавриди эмас. Д’Артаньян, бизга шу тунни қандай кечирганингизни гапириб беринг, кейин эса биз ўзимизникини сўзлаб берамиз.

– Дарҳақиқат, – қўлидаги бир қадаҳ ароқни шошмасдан сибириб, кайф қилаётган бир кавалерист гапга аралашди чайқалган ҳолатда, – дарҳақиқат, сизлар бугун тунда зовурларда бўлгансизлар, жаноб гвардиячилар назаримда ларошелчилар билан ҳисоб-китобни тўғрилаган ҳам чиқарсизлар-а?

Д’Артаньян чақирилмаган ҳамсуҳбатга жавоб қилайми-йўқми деб сўрагандай Атосга қараб қўйди.

– Нима, жаноб де Бюзини лутф айлаб сенга мурожаат қилаётганини эшитмаяпсанми? – сўради Атос. – Бу жаноблари иш қандай кечганини билишни истанганларидан кейин бугун кечаси нималар рўй берганини сўзлаб бер.

– Сислар пастионни посиб олтингисми? – деб сўради пиво кружкасидан ром ичиб ўтирган швейцариялик.

– Ҳа, тақсир, – таъзим қилиб жавоб берди д’Артаньян, – биз шу шарафга ноил бўлдик. Эҳтимол, ўзингиз эшитгандирсиз, биз ҳатто унинг бир муюлиши остига бир бочка милтиқ дори кўмиб қўйдик, дори портлаганда эса бинойидай раҳна ҳосил бўлди, терилган фишларнинг қолганлари ҳам омонат бўлиб қолди. Бастион ахир янги эмас-ку!

– Бу қайси бастион? – сўради қовуриш учун олиб келган ғозни қовурғасидан шамширга қадаб ушлаб турган драгун.

– Сен-Жерве бастиони, – жавоб берди д’Артаньян, – унинг панасида ларошелликлар бизнинг ер қазувчиларимизни безовта қилиб қўйишди.

– Иш роса қайнагандир-а?

– Ҳа, нимасини айтасиз! Биз беш кишини бой бердик, ларошелликлар эса тўққизта ё ўнтасини.

– Асбағойи шифо! – дея хитоб қилди немис тилида кетворган сўкишлар мавжудлигига қарамасдан французча сўкиниш одатини ўзлаштириб олган швейцариялик.

– Аммо, балким улар, бастионни эпақага келтириш учун бугун ер қозиш командасини юборишар?

– Ҳа, балким, – тасдиқлади д’Артаньян.

– Жаноблар, гаров бойлашаман! – эълон қилди Атос.

– Ҳа-ҳа, кароф! – гапни илиб кетди швейцариялик.

– Қандай гаров? – қизиқсинди отлиқ аскар.

– Сабр қилинг, – илтимос қилди драгун ва остида лахча чўғ сақлангувчи иккита каттакон темир уч оёққа ўз шамширини сихга ўхшатиб қўйди, – мен иштирок этишни истайман. Ҳой, шўринг қургур саройбон, бу қимматбаҳо фознинг бир қатра ҳам мойини исроф қилмаслик учун дарров тагига това келтириб қўйинг.

– У ҳақ, – деди швейцариялик, – фос мойи мураппо пилан шута масали пўлати.

– Ана шундай! – енгилгина уф тортди драгун. – Энди эса гаровимизга ўтамиз. Қулоғимиз сизда, жаноб Атос.

– Ҳа, қандай гаров экан ўзи? – суриштириб қолди отлиқ аскар.

– Гап бундай, жаноб де Бюзини, мен сиз билан гаров бойлашаманки, – гап очди Атос, – уч ўртоғим – Портос, Арамис ва д’Артаньян жаноблар ва мен Сен-Жерве бастионида нонушта қиламиз ҳамда душман бизни у ердан чиқариб ташлашга қанчалик уринмасин, биз у ерда роппа-роса бир соат бўламиз.

Портос билан Арамис кўз уриштириб олдилар: гап қаёқдалигига уларнинг ақли ета бошлаган эди.

– Инсоф қил, – шивирлади д’Артаньян Атоснинг қулоғига, – бизни у ерда ўлдириб қўйишади-ку, ахир!

– Агар биз у ерга бормасак, бизни ўлдириши тайин, – жавоб берди Атос.

– Худо ҳаққи, жаноблар, мана бу қойилмақом гаров бўпти! – дея ўзини курси суянчиғига ташлаб ва мўйлабларини бураб-бураб гапира кетди Портос.

– Ҳа, мен ҳам уни қабул этаман, – деди де Бюзини. – Нима гаровга қўйилишини шартлашиб олиш қолди, холос.

– Сизлар тўрт кишисиз, жаноблар, бизлар ҳам тўрт кишимиз. Саккиз кишилик зиёфат, ҳар кимнинг таъбига кўра, – таклиф этди Атос. – Бунга нима дейсизлар?

– Жуда соз! – деди де Бюзени.

– Жуда яхши! – таъкидлади драгун.

– Майли! – кўнди швейцариялик.

– Бу саҳнанинг бошдан-охир унсиз роль ўйнаган тўртинчи иштирокчи маъқул маъносида бош ирғаб қўйди.

– Понуштангиз тайёр, жаноблар, – ахборот берди соҳиб.

– Келтиринг-да бўлмаса! – фармойиш қилди Атос.

Соҳиб итоат этди. Атос Гримони чақириб олиб, унга кунжақда ётган катта саватни кўрсатди-да, гўё келтирилган қовурмани дастрўмолларга ўраётгандай имо-ишора қилди.

Гримо табиат қўйнидаги нонушта хусусида гап кетаётганини дарров тушуниб, саватни олди-да, унга таомларни жойлади, сўнг эса ёнига шишаларни қўйиб, саватни кўлига илиб олди.

– Сизлар ўзи қаерда нонушта қилмоқчи бўляпсизлар? – сўради соҳиб.

– Барибир эмасми? – жавоб берди Атос. – Сизга нонушта ҳақини тўлаб қўйсалар бўлди-да!

Сўнг Атос виқорли бир ҳаракат билан столга икки пистол ташлади.

– Қайтимини беришни буюрасизми, жаноби офицер? – сўради соҳиб.

– Йўқ. Икки шиша шампан қўшиб қўйсанг бўлади, қолганлари дастрўмоллар учун.

Иш саройбон дастлаб ўйлагандек даромадли бўлиб чиқмади, у нонуштанинг тўрт иштирокчисига шампан ўрнига икки шиша анжуй шаробини қистириб юбориб, қусуридан чиқди.

– Жаноб де Бюзини, – деди Атос, – соатингизни меникига тўғрилаб олишни маъқул кўрасизми ёки менга ўзингизникига қараб тўғрилаб олишни буюрасизми?

– Жуда яхши, муҳтарам афандим! – чўнтагидан олмослар билан нақшланган кетворган соатни олган қўйи жавоб берди отлик аскар. – Етти ярим.

– Соат етти-ю ўттиз беш дақиқа, – деди Атос, – менинг соатим сизникидан беш дақиқа олдин юраётганини билиб турамиз, муҳтарам афандим.

Хароботдаги оғзи очилиб қолган одамларга таъзим бажо келтириб, тўрт йигит қаёққалигини ўзи ҳам билмай, саватни кўтариб кетгувчи Гримо ҳамроҳлигида – у гап қайтармасдан Атосга бўйсунушга шу қадар одатланиб кетган эдики, буни сўраб кўриш унинг хаёлига ҳам келмасди, Сен-Жерве бастионига равона бўлдилар.

Тўрт биродар қароргоҳ бўйлаб кетаркан, оғиз очмасдан бордилар; бунинг устига гаров бойлангани қулоғига етиб, дўстларимизнинг бу аҳволдан қандай қилиб қутулиб кетишларини кўриш истагидаги ҳангоматалаб кишилар улар кетидан изма-из эргашиб борардилар.

Лекин улар қароргоҳ истехкомлари чизигидан ўтиб далага бориб қолганлари ҳамон, шу пайтгача камоли гофилликда юрган д'Артаньян изоҳлар сўраш фурсати келди деб қарор қилди.

– Энди бўлса, муҳтарам Атос, – гап бошлади у, – сиздан ўтинаман, менга қаёққа кетаётганимизни айтинг.

– Кўриб турибсизки, – жавоб берди Атос, – биз бастионга кетяпмиз.

– Хўш, у ерда биз нима қиламиз.

– Ўзингизга маълумки, бу ерда нонушта қиламиз.

– Бўлмаса, нега биз «Касофат»да нонушта қилиб қўя қолмадик?

– Шунинг учунки, биз муҳим нарсалар хусусида гаплашиб олмоғимиз керак, бу қовоқхонада эса ҳадеб келаётган, кетаётган, таъзим қилаётган, ўз гаплари билан жонга тегаётган хира одамлар дастидан беш дақиқа ҳам суҳбатлашишнинг иложи йўқ... Ҳар қалай, бу ерга, – дея бастионни кўрсатиб гапини давом эттирди Атос, – ҳеч ким бизга халал бергани келмайди.

– Менимча, биз бирор хилват жой топсак бўларди, кум тепалар орасида, денгиз бўйида... – ўзининг чексиз жасорати билан жуда соз, табиий бир тарзда уйғунлашиб кетган тадбиркорлигини намоён этиб сўз ташлаб қўйди д'Артаньян.

– ...У ерда биз тўртовлон гаплашиб туришимизни ҳамма кўриб қолсин-да, чорак соат ўтар-ўтмас кардиналнинг жосуслари бизнинг кенгашаётганимизни унга етказсин.

– Ҳа, – гапни илиб олди Арамис. – Атос ҳақ: «Animad vertuntur in desertus»⁵³.

– Чўл-пўлга бориб олсак чакки бўлмасди, – гап қистирди Портос, – лекин бутун гап уни қандай қилиб топишда.

– Шундай бир яланглик йўқки, унда бошинг устидан зоғ учиб ўтмасин, сувдан балиқ бош кўтармасин, қуён инидан сакраб чиқмасин. Менга эса қушлар ҳам, балиқлар ҳам, қуёнлар ҳам – ҳаммаси кардинал жосуси бўлиб қолгандай туюляпти. Ундан кўра, бошлаб қўйган сафаримизни давом эттираверганимиз дуруст, дарвоқе, ундан энди ўзимизни иснодга қолдирмасдан чекинолмаймиз ҳам. Биз гаров бойлашдик, унинг олдиндан уюштирилган бўлиши мумкин эмас эди, менинг

⁵³ Чўлда уларни кўриб қоладилар (лот.).

ишончим комилки, ҳеч ким унинг асл сабаблари тагига етолмайди. Гаровимизни ютмоқ учун биз бастионда бир соат чидаб турамыз. Ё бизга ҳужум қилишади, ёки бу нарса рўй бермайди. Мабодо бизга ҳужум қилишмаса, гаплашиб олмоқ учун вақт етиб ортади: ҳеч ким гапимизни эшитиб ҳам қолмайди: мен кафилманки, бу бастион деворларининг қулоқлари йўқ. Борди-ю, бизга ҳужум қилиб қолсалар, биз барибир ишларимиз юзасидан гаплашиб олишнинг эвини топамиз, яна бунинг устига ўзларимизни шарафларга буркаймиз. Ўзингиз кўриб турибсиз, қанақасига олманг, ҳаммаси бизнинг фойдамизга бўлиб чиқяпти.

– Ҳа, – рози бўлди д’Артаньян, – лекин ўқдан қочиб қутулиб бўпмиз.

– Э, азизим, – эътироз қилди Атос, – сиз жуда яхши биласиз: энг хатарли ўқлар ғаним отадиганлари эмас.

– Лекин назаримда, – гапга аралашди Портос, – бу хил сафарга ҳеч бўлмаганда мушкетларимизни олиб келсак бўларди.

– Сиз калтафаҳмсиз, дўстим Портос: ўзимизни бефойда юк билан уринтиришимизнинг нима ҳожати бор!

– Мен ғаним билан бақамти турган пайтимда менга дуруст мушкет ва ўн-ўн бешта ўқ билан дори халта ортиқчалик қилмайди.

– Д’Артаньяннинг гапларини эшитмадингизми, ахир?

– Ҳўш, д’Артаньян нималар деди?

– У айтдики, тунги ҳужум пайти тўққиз-ўн француз, худди шунча парошелликлар ўлдирилди, деди.

– Ҳўш, у ёғи?

– Уларни қоқлаб кетишга улгурмаганлар, шундай эмасми? Ахир у пайтда ҳамманинг муҳимроқ ташвишлари бўлган.

– Ҳўш, нима қипти?

– Гап шуки, биз у ерда уларнинг мушкетларини, дори халтаю ўқларини топамиз ҳамда тўрт мушкетёр-у

ўн бештача ўқ ўрнига ихтиёримизда ўн бешга яқин милтиқ ва юзта ғамланган ўқ бўлади.

– О, Атос, сен чинданам улуғ инсонсан! – хитоб қилди Арамис.

Портос бу фикрга қўшилаётгани маъносида бошини эгди.

Сиеқидан ёлғиз д’Артаньянни Атоснинг важ-карсонлари ишонтирмади.

Гримо, чамаси, йигитнинг ҳадикларига шерик эди: ҳамма бастион сари юришда давом этаётганини кўриб, бунга аввал унинг ақли бовар қилмаган эди, у ўз соҳибининг баридан тортди.

«Биз қаёққа кетяпмиз», – сўради унинг илтижоли имоси.

Атос унга бастионни кўрсатди.

«Лекин бизни у ерда ўлдириб қўйишади-ку», – ҳамон ўша имо-ишоралар тилида давом этарди унсиз Гримо.

Атос кўзларини кўкка қадаб, қўлларини самога кўтарди.

Гримо саватни ерга қўйди-да, бошини «йўқ» маъносида чайқаб ўтириб олди.

Атос белбоғига қистирилган пистолетини олиб, яхши ўқланганми-йўқми кўриб қўйгач, тепкисини кўтарди-да, оғзини Гримонинг қулоғига тутди. Гримо дарров сапчиб оёққа турди. Атос имо билан саватни олишни ва олға юришни буюрди.

Гримо итоат этди.

Бу бир дақиқалик имо-ишора можаросидан Гримонинг ютган бирдан-бир нарсаси унинг арергарддан авангардга ўтиб олгани бўлди.

Бастионга чиқиб олиб, тўрт оғайни ўгирилиб қарадилар.

Қароргоҳ заставаси олдига уч юздан зиёд ҳар турдаги лашкарлар йиғилиб турар, булар ҳаммасидан сал нарироқда эса жаноб де Бюзини, драгун, швейцария-

лик ва гаровнинг тўртинчи иштирокчисини илғаб олиш мумкин эди.

Атос шляпасини ечиб қиличнинг учига қўндирди-да, уни ҳавода ўйнатиб қўйди.

Томошабинлар унинг қўтловига таъзимлар билан ва бу одоб ифодасига тўрт довюрагимиз қулоқларига ча етиб борган қаттиқ «ура» садолари билан жавоб бердилар.

Шундан сўнг тўрт қадрдон Гримо аллақачон лип этиб кўздан йўқолган бастионда ғойиб бўлдилар.

XVI

Мушкетёрлар кенгаши

Ҳаммаси худди Атос тахмин қилгандай бўлиб чиқди; бастионда ўн икки чоғли ўлдирилган француз ва парошелликлардан бўлак ҳеч ким йўқ экан.

– Жаноблар, – деди сафар қўмондонлигини ўз гарданига олган Атос, – Гримо дастурхон ёзгунча ишни шундан бошлаймизки, милтиқлар билан ўқ-дориларни териб чиқамиз. Устига-устак уларни йиғиб юриб беғалва гаплашсак ҳам бўлаверади: бу жаноблар, – ўлдирилганларга ишора қилиб илова қилди у, – бизни эшитмайдилар.

– Ундан кўра уларни зовурга ағанатиб юборсак яхши эмасми? – таклиф этди Портос. – Лекин, албатта уларнинг чўнтаклари қуруқлигига қаноат ҳосил қилмасдан илгари эмас.

– Ҳа, – деб қўйди Атос, – энди бу ёғи Гримонинг иши.

– Унда Гримо уларни бир тинтиб кўрсин-да, деворлардан ошириб ташласин, – деди д'Артаньян.

– Зинҳор, – эътироз билдирди Атос. – Улар бизга асқотиб қолиши мумкин.

– Бу мурдалар бизга асқотиб қолиши мумкинми? – таажжубланди Портос. – Сен ақлдан оза бошлабсан, муҳтарам дўстим!

– «Енгил-елпи ҳукм чиқарманг», – дейди инжил ва жаноб кардинал, – жавоб берди Атос, – милтиқлар нечта, жаноблар?

– Ўн иккита, – жавоб берди Арамис.

– Ғамланган ўқлар қанча?

– Юзтача.

– Бизга даркор бор нарса шу. Милтиқларни ўқлаб олайлик.

Тўрт оғайни ишга киришиб кетди.

Гримо имо-ишора билан нонуштанинг тайёрлигини маълум қилганда улар охирги милтиқни ўқлаб бўлган эдилар.

Атос маъқуллагувчи ишора билан жавоб қилди-да, унга соқчи минорани кўрсатди. Гримонинг фаҳмлашича у ўша ерда пойлоқчилик қилиши зарур эди.

Гримо посбонликда туриб зерикиб қолмаслиги учун эса Атос битта нон, иккита котлет ва бир шиша шароб ола кетишга ижозат берди.

– Энди дастурхонга қарайлик! – таклиф этди Атос.

Тўрт оғайни турклар ёки тикувчилар сингари ерга чордана қуриб ўтириб олишди.

– Қани, энди, бизни эшитиб қолишадими, деб қўрқимизга ҳожат қолмагандан кейин, – деди д'Артаньян, – бизга сиригни ошкор этарсан деб умид қиламан.

– Чамамда, жаноблар, мен сизларга ҳам томоша, ҳам шараф келтираман, – сўз очди Атос, – мен сизларни кўнгилли сайр қилишга мажбур этдим. Мана сизларга мазали нонушта, ана у ёқда эса ўзингиз ҳам шинаклардан бир қараб боқсангиз бўлади, бизни тентаклар ёки қаҳрамонлар – нодонларнинг бир-бирига жуда ўхшаш икки тури, деб санагувчи томошабинлардан беш юзтаси.

– Хўш, сириг-чи? – сўради д'Артаньян.

– Менинг сирим шундан иборатки, – жавоб берди Атос, – кеча кечқурун мен миледини кўрдим.

Д'Артаньян шу дамда стаканни оғзига олиб келаётган эди, лекин миледи тилга олинганда унинг қўли би-

рам қаттиқ қалтираб кетдики, унинг шаробни чайқалтириб тўкиб юбормаслик учун стаканни ерга қўйиб қўйишига тўғри келди.

– Сен ўзингни...

– Тсс! – унинг гапини кесди Атос. – Бу жаноблар сен сингари менинг оилавий ишларимдан воқиф эмасликларини хаёлдан чиқараётирсан, муҳтарам дўстим. Хуллас, мен миледини кўрдим.

– Бироқ қаерда? – сўради д'Артаньян.

– Шу ердан тахминан икки перлар нарида. «Қизил Каптархона» меҳмонхонасида.

– У ҳолда менинг ҳолим хароб, – деди д'Артаньян.

– Йўқ, ҳали бутунлай эмас, – эътироз қилди Атос, – нега деганда, миледи аллақачон Франция соҳилларини тарк этиб бўлди, эҳтимол.

Д'Артаньян енгил тортиб энтикиб қўйди.

– Бу миледи деганингиз ким ўзи, ахир? – қизиқиб қолди Портос.

– Дилбар аёл, – жавоб берди Атос ва кўпикланган шаробдан ҳўплаб кўрди. – Оббо саройбон қурғур-эй! – хитоб қилди у. – Қўлимизга шампан ўрнига анжуй шаробини тутқазиб бизни лақиллатиб бўлади деб хаёл қияпти!... Ҳа, – гапини давом эттирди у, – дилбар аёл, у дўстимиз д'Артаньянга иноят кўрсатган, лекин бу унга хунук қилиқ қилган, у эса қасос олишга уринган: бир ой муқаддам унинг ёнига қотиллар юборган, бир ҳафта бурун уни заҳарлаб кўрган, кеча эса кардиналдан унинг бошини сўраб олган.

– Астаффурулло! Кардиналдан менинг бошимни сўраб олдимиз? – кўркўвдан қути учиб деди д'Артаньян.

– Бу гап чин ҳақиқат, – тасдиқлади Портос, – мен ўзим, ўз қулоғим билан эшитдим.

– Мен ҳам, – гап қистирди Арамис.

– Ундай бўлса курашни давом эттириб ўтириш беҳуда, – саросимада қўлларини шалвиратиб гапирди д'Артаньян, – ундан кўра мен манглайимга ўқ узаманда, ҳаммасига бир йўла чек қўяман.

– Бу тентакчиликни қилиш қочиб кетмайди, – гап ташлади Атос, – фақатгина шуни қайта тузатиб бўлмайди.

– Лекин бундай қудратли душманларим бўлгандан кейин бошқа чорам йўқ, – эътироз билдирди д’Артаньян. – Авваламбор Менглик нотаниш киши, сўнгра мен уч қилич зарби билан сийлаган де Вард, сўнгра сирини иттифоқо фош этиб қўйганим – миледи ва, провардида, қасдини олишига мен тўғаноқ бўлган кардинал.

– Улар шунча кўпчиликми? Атиги тўрт киши! – деди Атос. – Биз ҳам ахир тўрт кишимиз. Демак, яккама-якка. Азбаройи шифо! Гримо бераётган ишораларга қараганда ҳозир анча-мунча одам билан ҳисоблашишга тўғри келади... Нима бўлди, Гримо? Вазиятнинг жиддиятини эътиборга олиб гапиришингизга ижозат бераман, лекин илтимос, камсухан бўлинг! Нимани кўряпсиз?

– Отрядни.

– Неча киши?

– Йигирмата.

– Улар ким экан?

– Ер қазиш командасидан ўн олти киши ва тўртта аскар.

– Бу ердан неча қадамда?

– Беш юзча.

– Яхши, биз ҳали товуқни еб тугатишга ва сенинг саломатлигинг учун бир стакандан шароб ичиб юборишга улгурамиз, д’Артаньян.

– Сенинг саломатлигинг учун! – унга жўр бўлишди Портос билан Арамис.

– Хўп майли, менинг саломатлигим учун! Бироқ тилакларингиз ҳозир менга кор қилмаса керак, деб ўйлайман.

– Кўнглингни кенг қил! – деди Атос. – Муҳаммаднинг издошлари айтгандай, оллоҳу акбар, келажак ҳам унинг қўлида.

Ўз стаканини бўшатиб ва уни ёнига қўйиб Атос эри-
ниб қўзғалди-да, қўлига илинган биринчи милтиқни
олиб шинакка яқинлашди.

Портос, Арамис ва д'Артаньян унга таассуб қилди-
лар. Гримо бўлса тўрт оғайни орқасига ўтиб, милтиқ-
ларни қайта ўқлаб туришга фармойиш олди.

Бир дақиқа кечгач, отряд кўринди. У бастион би-
лан шаҳар ўртасидаги алоқа йўли хизматини ўтагувчи
энсиз зовурни ёқалаб келмоқда эди.

– Азбаройи шифо! Чўкич, темир кураг-у белкурак-
лар билан қуролланган йигирма шаҳарликни деб ово-
ра бўлишимиз шартмиди! – луқма ташлади Атос. –
Уларнинг даф бўлиши учун Гримо бир ишора қилса
кифоя эди, ишончим комилки, улар бизни ўз ҳолимиз-
га қўйган бўлардилар.

– Шубҳам бор, – деди д'Артаньян, – улар бизга қараб
жуда астойдил келишяпти. Бунинг устига шаҳарлик-
ларга бригадир ва мушкетлар билан қуролланган тўрт
аскар ҳамроҳ бўлиб келяпти.

– Уларнинг бунчалик дадиллигининг боиси шуки,
ҳали-бери улар бизни кўрганлари йўқ, – эътироф қилди
Атос.

– Эътироф қиламан, худо ҳаққи мен бу шўрлик ша-
ҳарликларга отишдан ҳазар қиламан, – луқма ташла-
ди Арамис.

– Шаккокларга раҳм қиладиган руҳоний руҳоний
эмас! – деб қўйди Портос.

– Зотан, Арамис ҳақ, – кўнди Атос, – мен ҳозир бо-
риб уларни огоҳ этиб қўйай.

– Қандай жин чалди сизни! – дея уни тўхтатишга
уринди д'Артаньян. – Сизни отиб ташлашади, дўстим!

Аммо Атос бу огоҳлантиришга сира парво қил-
мади, у деворга солинган рахнага тирмашиб чиқ-
ди. Бир қўлида милтиқни, бошқасида эса шляпаси-
ни ушлаб, унинг ногаҳон пайдо бўлганидан ҳайрон
бўлиб бастиондан эллик қадамлар нарида тўхтаб
қолган лашкар ва ер қазувчиларга мурожаат этди

ҳамда тавозе билан таъзим қилиб, уларни қутлаган кўйи деди:

– Жаноблар, мен билан бир-иккита дўстларим ҳозир шу бастионда нонушта қилмоқдамиз! Ўзингиздан қолар гап йўқ, нонушта пайтида безовта қилиниш нақадар кўнгилисиз нарса. Шу боисдан сизлардан илтимос, агар шу ерда бўлишингиз мутлақо зарур бўлса, биз нонуштамизни тугатгунимизгача сабр қила турсангиз ёки кейин бошқа бир келсангиз... ёки бўлмаса ақлни йиғиб олиб, исёнчиларни тарк этиб, бизнинг ёнимизга француз қироли саломатлиги учун шароб ичгани қадам ранжида қилсангиз жуда соз бўлади.

– Эҳтиёт бўл, Атос! – бақирди д’Артаньян. – Кўрмаяпсанми ахир, улар сени нишонга олишяпти?

– Кўриб турибман, кўриб турибман, – жавоб берди Атос, – лекин бу мешчанлар отишга жуда нўноқ, менга тегизишиб бўпти.

Дарҳақиқат, худди шу дамда тўрт ўқ янгради, лекин ўқлар Атосга тегмасдан унинг теварагидаги тошларга урилиб чилпарчин бўлиб кетди.

Шу замон жавобан тўрт ўқ гумбурлади; улар ҳужумкорлар ўқларидан тайинлироқ йўналган эди: уч лашкар шартта жон бериб йиқилди, ер қазувчилардан бири эса шикастланди.

– Гримо, бўлак мушкет! – рахнадан тушмасдан буюрди Атос.

Гримо шу заҳоти итоат қилди. Атоснинг уч дўсти милтиқларни қайтадан ўқлаб олдилар. Биринчи навбат ўқлардан кейин иккинчи навбати узилди: бригадир билан икки ер қазувчи турган жойида ўлдирилди, қолганлари эса жуфтакни ростлаб қолдилар.

– Олға, жаноблар, хуружга! – команда берди Атос.

Тўрт оғайни ўзларини форт деворлари ташқарисида уришди, жанг майдонигача чопиб бордилар, тўрт мушкет билан бригадирнинг найзасини териб олдилар-да, шаҳарга етгунча қочоқлар тўхтамасликларига кўнгиллари тўқ бўлиб, бастионга қайтиб келдилар.

– Гримо, милтиқларни қайта ўқлаб қўйинг, – фармойиш берди Атос. – Биз бўлсак, жаноблар, яна овқатга қараймиз-да, суҳбатимизни давом эттирамыз Ни-мада тўхтаб эдик?

– Буниси яхши эсимда турибди, – деди миледи қайга бориши кераклигидан қаттиқ хавотирга тушиб қолган д'Артаньян, – сен миледи Франция соҳилларини тарк этди деб эдинг.

– У Англияга жўнаб кетди, уқтирди Атос.

– Қандай ниятда?

– Бэкингемни ўзи ўлдириш ёки ёнига қотил юбориш ниятида.

Д'Артаньян таажжуб ва қаҳр билан нидо қилди.

– Қандай разолат! – ҳайқирди у.

– Бу ёғи мени унча ташвишлантирмайди! – деди Атос. – Энди Гримо, милтиқларни бир ёқли қилганингиздан кейин, – гапида давом этди у. – Бригадирнинг найзасини олиб, унга дастрўмолини танфинг-да бастониимизнинг минорасига санчиб қўйинг, тоинки бу исёнчи ларошелликлар қиролнинг жасур ва содиқ лашкарларига иши тушганини кўриб-билиб қўйсинлар.

Гримо сўз қайтармасдан итоат қилди. Бир зум ўтгач, тўрт дўстимиз бошлари узра оқ байроқ ҳилпиради. Бунга жавобан гулдурос қарсақлар олқиши янгради: кўтармада қароргоҳнинг ярми тўпланиб турган эди.

– Ие! – яна тилга кирди д'Артаньян. – Агар у Бэкингемни ўлдириб қўйса ёки ёнига уни ўлдиргани одам юборса, бу сени ҳеч бир ташвишга солмайдими? Ахир герсог – бизнинг дўстимиз-ку!

– Герсог – инглиз, герсог бизга қарши жанг қиляпти. У герсогни нима қилса ҳам майли, бу мана шу бўш шиша сингари парвойимга ҳам келмайди.

Атос шаробнинг сўнгги қатрасини ҳам қолдирмасдан ўз стаканига қуйиб олиб, шишани узоқ кунжакка улоқтириб ташлади.

– Йўқ, тўхтаб тур, – деди д'Артаньян, – мен Бэкин-гемни ўз ҳолига ташлаб қўймайман! У бизга ажойиб отларни туҳфа қилган.

– Ажойиб эгарларни айтмайсизми, – сўз қистирди шу тобда ридосида унинг эгаридан қолган заррин уқалар товланиб турган Портос.

– Ҳам бунинг устига худо гуноҳкор банданинг ўлимини эмас, инсофга келишини хоҳлайди.

– Омин, – якунлади Атос, – сизларга мақбул бўлса бу нарсага кейин қайтамыз. Уша дақиқада эса мен ҳаммадан ҳам кўра – сен, д'Артаньян мени тушунарсан деб ишончим комил – бу аёлнинг қўлидан у кардиналдан тилаб олган ва унинг воситасида бемалол сендан, эҳтимолки, бизларнинг ҳаммамиздан ҳам қутулишга чоғланган ўзига хос очиқ ёрлиқни тортиб олиш ғамиди эдим.

– Нима бало у азройил-пазроилми ўзи! – қовурмани тўғраётган Арамисга ликобчасини узатган кўйи аччиқланди Портос.

– Ўша ёрлиқчи, – сўради д'Артаньян, – ўша ёрлиқ унинг қўлида қолдимми?

– Йўқ, у менга ўтиб қолди, лекин у қўлимга осонликча тушди демайман.

– Қимматли Атос, – кўнгли бузилиб гапирди д'Артаньян. – Мен жоним учун сиздан неча бор қарздор бўлганимнинг ҳисобини йўқотиб қўйдим.

– Сен бизни унинг ёнига кириш учун ташлаб кетган экансан-да? – сўради Арамис.

– Балли.

– Ўша кардинал берган қоғоз ҳам сендами? – суриштиришда давом этарди д'Артаньян.

– Мана у, – жавоб берди Атос ва ридоси чўнтагидан қимматбаҳо қоғозни чиқарди

Д'Артаньян ўзининг қалт-қалт титраётганини яширишга ҳам уринмасдан титроқ қўли билан қоғозни ёзди-да, ўқиб чиқди:

*«Ушбуни кўрсатгувчи амалга оширган иш менинг
амрим билан давлат бахт-саодати йўлида қилинди.
3 декабрь 1627 йил.*

Ришелье».

– Ҳа, дарҳақиқат, деди Арамис, бу барча исми-расмига мувофиқ гуноҳлардан фориг этиш деган гап.

– Бу қоғозни йиртиб ташламоқ керак, – деди ўзининг ўлим ҳукмномасини ўқигандай бўлиб кетган д'Артаньян.

– Йўқ, аксинча, уни кўз қорачиғидай асрамоқ керак, – эътироз қилди Атос, – бошимдан олтин сочганда ҳам, мен бу қоғозни бермасман.

– Энди миледи нима қиларкин? – сўради йигит.

– У кардиналга ёзиб юборса керак, – парвойи фалак бир йўсинда жавоб берди Атос, – Атос номли бир ланати мушкетёр зўрлик билан мендан ҳимоя варақасини тортиб олди деб. Худди шу мактубида у ўша мушкетёрнинг икки оғайнисини – Портос ва Арамисдан ҳам қутулиб олишни кардиналга маслаҳат беради. Булар ўша мудом ўзининг йўлида тўғаноқ бўлиб тургувчи кишиларлиги кардиналнинг эсига тушиб кетади-ю, бир кун қарабсизки, у д'Артаньянни ҳибсга олишни буюради, у ёлғиз зерикиб қолмаслиги учун эса унга улфат қилиб Бастилияга бизни жўнатади.

– Ҳазилингни қара-ю, муҳтарам дўстим, – луқма ташлади Портос.

– Асло ҳазил эмас бу, – эътироз билдирди Атос.

– Биласанми, – деди Портос, – ахир, ўша лаънати миледининг бўйнини узиб ташлаш бор жиноятлари – биз лотинча ўқиётган дуоларни французча айтишдан иборат шўринг қурғур гугенотларни ўлдиришдан камроқ гуноҳ бўлади.

– Бу хусусда аббатимиз нима деркин? – хотиржам қизиқсинди Атос.

– Менми, мен Портоснинг фикрига қўшиламан, – жавоб берди Арамис.

– Мен-ку, шундоқ ҳам! – деди д'Артаньян.

– Хайриятки, у энди олисда, – гапида давом этди Портос. – Эътироф қиламан, бу ерда у менга кўп ма-лол келган бўларди.

– У Англияда бўлса ҳам худди Францияда сингари мени барибир гаш қилаверади, – деди Атос.

– У мени қаерда бўлмасин таъқиб этаверади, – ху-лоса чиқарди д'Артаньян.

– У сенинг қўлингга тушиб қолган экан нега уни йўқ қилиб қўя қолмадинг, бўғиб ташламадинг, нега осиб қўймадинг? – сўради Портос. – Ахир ўликлар изингдан эргашмайди-ку.

– Шундай денг Портос? – маъноси ёлғиз д'Артаньян-га аён тунд табассум билан сўради Атос.

– Миямга зўр фикр келиб қолди! – деди д'Артаньян.

– Гапиринг, – дейишди мушкетёрлар.

– Қуролланинг! – бақирди Гримо.

Йигитлар сапчиб туриб милтиқларига ёпишдилар.

Бу дафъа кичикроқ отряд, йигирма ёки йигирма беш киши яқинлашиб келмоқда, лекин энди булар ер қазувчилар эмас, балки гарнизон лашкарлари эдилар.

– Қароргоҳга қайтиб кетсакмикан? – таклиф этди Портос. – Назаримда, кучлар тенг эмас.

– Уч сабабга кўра бунинг иложи йўқ, – жавоб берди Атос, – биринчиси шуки, биз нонуштани тугатганимиз-ча йўқ; иккинчиси биз ҳали муҳим ишлар хусусида гап-лашиб олмоғимиз даркор; учинчи сабаб эса белгилан-ган соатгача яна ўн дақиқа вақт бор.

– Бироқ жангнинг режасини тузиб олмоқ зарур, – луқма ташлади Арамис.

– Бу жуда жун, – деди Атос, – душман ўқ етгудек ерга келган замон ўт очамиз: агар у бостириб келаверса, биз тағин отамиз-да, то милтиқларда ўқ қолмагунча шу тариқа давом эттираверамиз. Мабодо, омон қол-ганлари ҳужумга жазм қилсалар биз тажовузкорлар-нинг зовурга тушишига йўл қўямиз-да, бир мўъжиза билан илиниб турган девор бўлагини уларнинг бош-ларига ағдариб юборамиз.

– Офарин! – қичқириб юборди Портос. – Сен аслида лашкарбоши бўлиш учун яратилгансан, Атос, гарчи кардинал ўзини ҳарбий даҳо деб гумон қилиб юрган бўлса ҳам сенинг олдингда у ип эшолмайди.

– Жаноблар, илтимос, икки киши бир нишонга отманглар, – огоҳлантириб қўйди Атос. – Ҳар ким ўз рақибини аниқ мўлжалга олсин.

– Мен ўзимникини нишонга олдим, – овоз берди д’Артаньян.

– Мен бўлсам ўзимникини, – деди Портос.

– Мен ҳам, – садо берди Арамис.

– Ўт очинг!

Тўрт ўқ қўшилиб бирдай узилди-ю, тўрт лашкар йиқилди.

Шу замон ноғоралар чалинди ҳамда отряд бесаранжом одимлаб ҳужумга ўтди.

Ҳамон ўшандай бехато ўқлар бири-бирини қувиб узилиб турди. Лекин парошелликлар гўё дўстларимизнинг сон жиҳатидан заифлигини билгандай, энди сочилган ҳолда олға силжишда давом этардилар.

Уч ўқдан яна икки киши йиқилди, лекин барибир омон қолганлар қадамини бўшаштирмасдилар.

Бастионгача ўн икки ёки ўн беш киши чошиб борди; уларни сўнгги навбат ўқлар қарши олди, лекин уларни бу ўқлар тўхтата олмади, улар ўзларини зовурга отдилар-да, энди рахнага тирмашиб чиқмоққа ҳозирлик кўра бошладилар.

– Қани, дўстлар, – деди Атос, – бир зарб билан уларни бир ёқлик қилайлик. Деворга! Деворга!

Тўрт оғайни ҳамда уларга кўмаклашгувчи Гримо милтиқ қўндоқлари билан деворнинг каттакон бўлагини жойидан силжитишга киришдилар. У худди шамол кўзгатгансимон қийшайди-ю, заминидан кўчиб, қулоқни кар қилгудай гумбур-гумбур билан зовурга қулади. Даҳшатли дод-фарёд кўтарилди, еру кўкни чанг тўзон қоплади-ю, ҳаммаси барҳам топди.

– Нима бало барини битта қўймай эзиб ташладикми? – сўради Атос.

– Ҳа, жин урсин, ҳаммасини шекилли, – тасдиқлади д'Артаньян.

– Йўқ, – эътироз қилди Портос, – ҳў ана икки ё учтаси тамом мажруҳ бўлиб қочиб кетишяпти.

Зотан, бу бахтиқароларнинг уч ёки тўрттаси ифлос, қонга беланган ҳолда шаҳар алоқа йўлидан тирақайлаб қочмоқда эди. Юборилган отряднинг қолган-қутганининг ҳаммаси шу эди.

Атос соатига қўз ташлаб қўйди.

– Жаноблар, – деди у, – бу ерга келганимизга бир соат бўлиб қолипти, энди гаровда ютдик. Лекин устаси фаранг қиморбоз бўлмоқ керак, устига-устак ҳали д'Артаньян фикрини бизга айтиб улгурганича йўқ.

Сўнг мушкетёр ўзига хос совуққонлик билан нонуштани тугатгани ўтириб олди.

– Менинг фикримними? – қайтариб сўради д'Артаньян.

– Ҳа, миямга бир боп фикр келиб қолди, деб эдингиз, – жавоб берди Атос.

– Э-ҳа эсимга тушди: мен иккинчи марта Англияга жўнайман-да, Бэкингем ҳузурига ташриф буюраман.

– Сиз буни қилмайсиз, д'Артаньян, – совуқ эътироз билдирди Атос.

– Нега? Ахир мен у ерда бир марта бўлганман.

– Ҳа, лекин у кезлар бизда уруш бўлмаган, у кезлар Бэкингем бизнинг душманимиз эмас, иттифоқчимиз эди. Сиз қилмоқчи бўлаётган ишни хиёнат деб санайдилар.

Д'Артаньян бу баҳонада жуда жон борлигини тушунди-ю, индамай қўя қолди.

– Менинг миямга ҳам дурустгина фикр келди чоғи, – эълон қилди Портос.

– Эшитайлик, Портос нима ўйлаб топди экан! – таклиф этди Арамис.

– Мен жаноб де Тревилдан бирор важ билан – сизлар тўқиб бермасангиз, мен бунақа нарсаларга йўқман, жавоб сўрайман. Миледи мени танитайди, мен ҳам унда шубҳа туғдирмасдан унинг ёнига бир амаллаб кираман. Дундиқчани топиб олганимдан кейин эса мен уни бўғиб ўлдираман.

– Ҳа майли, ўзи ҳам Портоснинг таклифини қабул этишга рози бўлишимга сал-пал қолди, холос, – деди Атос.

– Бе, аёлни ўлдирамай! – норози бўлди Арамис. – Йўқ, мана менда чиндан тўғри фикр пайдо бўлди.

– Гапиринг, Арамис, сиз нима ўйлаб топдингиз! – деди ёш мушкетёрга ҳурмати жуда баланд бўлган Атос.

– Қироличани огоҳ этмоқ лозим.

– Ҳа-я, дарҳақиқат! – хитоб қилишди Портос билан д'Артаньян.

Сўнггиси эса қўшимча қилди:

– Менимча, биз тўғри чорани топдик.

– Қироличани огоҳ этмоқ! – такрорлади Атос. – Хўш бунинг иложи бўлармикин? Сарой қошида бизнинг алоқаларимиз борми ўзи? Бирпасда бутун қароргоҳга тарқалмайдиган қилиб биз битта-яримтасини Парижга жўната олармидик? Бу ердан Парижнинг ораси бир юз қирқ ле келади. Мактубимиз Анжергача етиб улгурмасдан бизни аллақачон қамоққа солиб бўлишадими!

– Мактубни ишончли йўл билан ҳазрат олияларига етказиб беришга келганда, – қизариб сўз бошлади Арамис, – бунинг мен ўз зиммамга оламан. Мен Турда бир эпчил хонимни танийман...

Атоснинг чеҳрасидаги табассумга кўзи тушиб Арамис жимиб қолди.

– Ана, холос! Сиз бу таклифга қаршимисиз, Атос? – таажжубланди д'Артаньян.

– Мен уни буткул рад этмайман-у, – жавоб берди Атос, – лекин фақат Арамисга унинг қароргоҳини тарк этолмаслигини айтиб қўймоқчи эдим, ўзимиздан бўлак ҳеч

кимсага эса ишониб бўлмайди: чопаримиз жўнаб кетгандан икки соат ўтгандан кейин кардиналнинг жамики капутсинлари, жамики жосуслари, жамики югурдаклари бизнинг мактубимизни ёддан билиб олишади-да, сизни ҳам, эпчил хонимингизни ҳам ҳибсга олишади.

– Яна шуниси ҳам борки, – луқма қистирди Портос, – қиролича Бэкингемни қутқариб қолади, лекин бизни қутқармайди.

– Жаноблар, Портоснинг гаплари мантиқдан холи эмас, – маъқуллади д’Артаньян.

– Ие! Шаҳарда нималар бўляпти ўзи? – сўради Атос.

– Жар соляптилар.

Дўстлар қулоқ солишди: чиндан ҳам ноғора садолари эшитилмоқда эди.

– Мана кўрасизлар, улар устимизга бутун бир полкни юборишади, – деб қўйди Атос.

– Бутун бир полкка бас келмоқчи бўлманг тагин? – сўради Портос.

– Нега энди бас келмас эканман? – жавоб берди Атос. – Рухим кўтаринки, яна бир ўн-ўн беш шиша ғамлаб олишга фаҳмимиз етганда борми, мен бутун бошли армияга ҳам бас келган бўлардим.

– Худо ҳаққи, ноғора садолари яқинлашиб келяпти, – огоҳ этди д’Артаньян.

– Келса келавермайдими, – жавоб берди Атос, – бу ердан шаҳар нақ чорак соатлик йўл. Бинобарин, шаҳардан бу ергача ҳам шунча вақт даркор. Бу вақт бирор қарорга келмоқ учун бизга етиб ортади. Агар бу ердан кетиб қолсак, бўлак ҳеч қаерда суҳбат учун бундай қулай жойни тополмаймиз. Биласизми, жаноблар, айти шу тобда миямга ажойиб фикр келиб турибди.

– Гапиринг, ахир!

– Аввал Гримога тегишли йўл-йўриқлар беришга ижозат эдинг.

Атос қўл ҳаракати билан қаролини чақириб олди-да, бастионда ётган мурдаларга ишора қилган қўйи буюрди:

– Гримо, бу жанобларни олиб деворга суяб қўйинг, бошларига шляпаларини кийгизинг-да, қўлларига мушкетларини солиб қўйинг.

– О, улуғ зот! – хитоб қилди д’Артаньян. – Сени тушуниб турибман.

– Тушуниб турибсизми? – қайта сўради Портос.

– Сен-чи, Гримо тушуняпсанми? – сўради Атос.

Гримо тасдиқловчи ишора қилди.

– Бор талаб этилган нарса шу, – якунлади Атос, – менинг фикримга қайтайлик.

– Аммо мен бунинг моҳиятини жуда билгим бор, – ўз гапида туришда давом этди Портос.

– Бунинг ҳожати йўқ.

– Ҳа, ҳа, Атосни тинглайлик! – деб бирга гапирдилар д’Артаньян билан Арамис.

– Ўша миледининг, ўша аёлнинг, ўша касофат нусханинг, ўша шайтоннинг қайноғаси бор дегандай бўлиб эдингиз, д’Артаньян.

– Ҳа, мен уни яхши танийман, менинг фикримча, унинг келинига хуши йўқроқ.

– Буниси чакки эмас, – деди Атос, – агар уни кўрагга кўзи бўлмаганда эди, ундан ҳам яхши бўларди.

– У ҳолда шароит муддаомизга жуда қўл келади.

– Бироқ Гримонинг нима қилаётганини жуда тушунгим келяпти, – деб такрорлади Портос.

– Жим туринг, Портос! – уни тўхтатди Арамис.

– Унинг қайноғасининг номи нима эди?

– Лорд Винтер.

– У ҳозир қаерда?

– Уруш хусусида миш-мишлар тарқаган замон у Лондонга қайтиб кетган.

– Бизга худди ана шундай одам керак-да, – гапида давом этди Атос. – Ана шу кишини огоҳ этиб қўймоқ керак. Биз, келини фалончини ўлдириш пайида юрганини билдириб қўямиз-да, уни назардан қочирмасликни илтимос қиламиз. Лондонда авлиё Магдалина етим-хонаси ёки тавба қилгучи бузуқлар уйи қабилида би-

роҳ ахлоқ тузатиш муассасаси мавжуддир деган умид-даман. У келинини ўша ерга гумдон қилишни буюради, ана унда биз бамайлихотир юришимиз мумкин бўлади.

– Ҳа, – кўнди д’Артаньян, – у ердан чиқиб олгунча.

– Гапнинг очиги, менга даъволаринг меъёридан ошиб кетяпти, д’Артаньян, – деб қўйди Атос, – мен ўзимнинг ақлим етган ҳамма гапни тўкиб солдим. Ихтиёримда бўлак ҳеч нима йўқ, билиб қўйинг.

– Мен бўлсам, – деб ўз фикрини ифода этди Арамис, – қироличани ҳам, Лорд Винтерни ҳам огоҳ этсак, мақсадга мувофиқ бўлади дейман.

– Ҳа, лекин Тур билан Лондонга мактубларни кимдан юборамиз?

– Мен Базенга кафилман, – деди Арамис.

– Мен бўлсам Планшега, – маълум қилди д’Артаньян.

– Дарҳақиқат, – гапни илиб кетди Портос, – бизлар қароргоҳни тарк этолмаганда ҳам, хизматкорларимизга бу нарса ман этилмаган.

– Тўппа-тўғри, – маъқуллади Арамис. – Биз шу бугуноқ мактубларни ёзамиз, улар биздан пулни олгач жўнаб кетишади.

– Уларга пул берамиз? – қайта сўради Атос. – Ҳали пулим бор денг?

Тўрт оғайни кўз уриштириб олишди, уларнинг эндигина ёришган чехралари яна қоронғилашиб кетди.

– Қаранглар! – бақирди д’Артаньян. – Мен қора ва қизил нуқталарни кўряпман... ана улар силжиб келяпти. Сиз бўлсангиз полк деб ўтирибсиз, Атос! Ахир, бу бутун бошли армия-ку!

– Ҳа, сиз ҳақсиз, ана улар! – деди Атос. – Бу муғомбирларни қаранглар-а? Ими-жимиди келишяпти, ноғора ҳам, карнай ҳам чалишмаяпти... Ҳа, Гримо сен эплаб бўлдингми?

Гримо тасдиқловчи ишора қилди-да, ўзи девор бўйлаб энг манзарали тахлитда жойлаштириб чиққан

ўн икки чоғли мурдани кўрсатди: бир хиллари милтиқни елкага олиб туришар, бошқа бировлари нишонга олар, баъзилари эса қўлида яланғоч қилични тутиб турарди.

– Қойил! – маъқуллади Атос. – Тасаввурингга балли!

– Лекин барибир, – яна гап бошлади Портос, – мен бунинг моҳиятини жуда билгим бор.

– Келинглар, аввал бу ердан жўнаб қолайлик, – таклиф этди д’Артаньян, – кейин эса тушуниб олаверасан.

– Бир зум шошманг, жаноблар, бир зум! Гримо дастурхонни йиғиштириб олсин.

– Ҳў! – деди Арамис. – Қора ва қизил нуқталар анча катталашиб қолди, мен ҳам д’Артаньяннинг фикрига қўшиламан: назаримда, вақтни зое кетказишнинг ҳожати йўқ, тезроқ қароргоҳга қайтмоқ керак.

– Ҳа, чекинишга менинг ҳам энди ҳеч қаршилигим йўқ, – деди Атос, – биз бир соатга гаров бойлашган эдик, бу ерда бир ярим соат бўлдик. Энди ҳеч ким қилдан қийиқ ахтармайди. Юринглар, жаноблар, юринглар.

Гримо савату нонушта сарқитлари билан физиллаб аллақачон олдинга тушиб бўлганди.

Тўрт оғайни унинг орқасидан чиқиб, энди ўн қадамлар юрганда, тўсатдан Атос хитоб қилиб қолди:

– Э, азбаройи шифо, биз ўзи нима қилипмиз жаноблар!

– Сен бирор нарсани унутиб қолдирибсанми? – сўради Арамис.

– Байроқ-чи, азбаройи шифо! Байроқни, гарчи у шунчаки дастрўмол бўлганда ҳам ёвга қолдириб кетиш ярамайди.

Атос бастионга отилди, ҳавозага чиқди-да, байроқни ечиб олди, лекин парошелликлар ўқ тегарли масофага келиб қолганлари сабабли гўё азбаройи эрмак учун ўзини ўққа тутиб бераётган одамга ўт очдилар.

Бироқ Атос худди сеҳрлангандай эди: улар унинг ён-веридан чийиллаб учиб ўтарди-ю, лекин бирортаси унга тегмасди.

Атос шаҳар мудофаачиларига орқа ўгирди-да, қароргоҳ, мудофаачиларини қутлаган қўйи байроқни силкитиб қўйди. Икки тарафдан ҳам қаттиқ ғулу қўтарилди: бир тарафдан қаҳру ғазаб фиғонлари, иккинчи тарафда завқу шавқ суронлари.

Биринчи навбат ўқлар кетидан иккинчиси узилди-ю, уч ўқ дастрўмолни тешиб ўтиб, уни чинакам байроққа айлантириб қўйди.

Бутун қароргоҳ:

– Тушинг! Тушинг! – дея бақирарди.

Атос пастга тушди; юракларига ғулғула тушиб илҳақ бўлиб турган ўртоқлари унинг зоҳир бўлишини зўр қувонч билан қарши олдилар.

– Юринг, Атос, юринг, – дея уни қистарди д'Артаньян, – қадамни тезлаштирайлик, тезлаштирайлик! Энди қайдан пул олишдан бўлак ҳамма нарсага ақлимиз етган пайтда бизни ўлдириб қўйсалар аҳмоқона гап бўлади.

Лекин Атос ўртоқларининг панд-насихатларига қарамай, улўғвор одим ташлаб боришда давом этарди. Барча қистовлари беҳудалигини кўргач, улар ҳам у билан баравар оёқ ола бошладилар.

Гримо ва унинг савати улардан анча ўзиб кетган, аллақачон ўқ етмас жойга бориб олган эди.

Бир дақиқа ўтгач, шиддатли отишма эшитилди.

– Бу нимаси? Улар кимга отишяпти? – эсанкирарди Портос. – Мен жавоб ўқларнинг чийиллашини эшитмаяпман, ҳеч кимни кўрмаяпман ҳам.

– Улар бизнинг мурдаларимизга отишяпти, – изоҳ берди Атос.

– Аммо бизнинг мурдаларимиз уларга жавоб қилишмайди.

– Баракалло. Шунда улар пистирма қўйишган деб хаёл қиладилар-да, кенгаша бошлайдилар, элчи юбо-

радилар, ахири-оқибат гапнинг тагига тушуниб етганларида эса улар бизга ўқни тегизишолмайдилар. Мана нима сабабдан шошилишимизга, биқинимизда санчиқ орттиришимизга ҳожат йўқ.

– Ҳа, энди тушуняпман! – қойил қолди Портос.

– Худого шукур! – елкасини қисган кўйи деб кўйди Атос.

Французлар тўрт оғайнининг бир маромда одим ташлаб қайтиб келишини кўриб, завқу шавқ билан бақришарди.

Яна ўқлар гумбурлай бошлади, лекин бу гал ўқлар дўстларимиз теварагида, йўлнинг чекка-чеккаларида ётган харсангларга келиб урилиб парчаланарди, уларнинг қулоқлари остида мудҳиш чийилларди. Парошелликлар ниҳоят бастионни қўлга олган эдилар.

– Зап нўноқ мерганлар-да! – деди Атос. – Улардан нечтасини узала қилдик? Ўн иккитами?

– Ўн бешта денг.

– Нечтасини бостириб юбордик?

– Саккиз ё ўнтасини.

– Бунинг ҳаммаси эвазига бирор жойимиз тирналмаса! Йўқ, нима десангиз денг... кўлингиздаги нима, д'Артаньян? Қон эмасми ишқилиб?

– Арзимаган нарса, – жавоб берди д'Артаньян.

– Дайди ўқми?

– Ҳатто ўқ ҳам эмас.

– Бўлмаса нима?

Атос д'Артаньянни худди ўз ўғлидай севишини биз айтиб ўтган эдик: бу тунд, қаттиққўл киши гоҳи маҳаллар йигитга нисбатан чин оталарча ғамхўрлик қиларди.

– Шилиниб кетди, – тушунтирди д'Артаньян, – девор қўлимни қисиб қолди, узукнинг кўзи эса этимни шилиб кетди.

– Мана, олмос тақиб юришнинг оқибати, муҳтарам афандим! – истехзоли тарзда гапирди Атос.

– Ҳа-я, дарвоқе, узукда олмос бор-ку! – қичқириб юборди Портос. – Нега энди биз пулимиз йўқ деб нолияпмиз, азбаройи шифо?

– Ҳа, рост! – гапни илиб кетди Арамис.

– Офарин, Портос! Бу, ҳақиқатан қутлуғ фикр!

– Албатта, – Атоснинг мақтовидан ифтихор қилиб деди Портос, – олмос бўлгандан кейин уни сотса бўлади-да.

– Лекин бу қироличанинг туҳфаси-ку, – эътироз билдирди д’Артаньян.

– Уни ишга солишга қайтанга асос бу, – мулоҳаза қилди Атос. – Қироличанинг туҳфаси Бэкингемни, унинг маҳбубини халос этиши ниҳоятда адолатдан бўлади, бизни – унинг дўстларини сақлаб қолиши эса ниҳоятда савоб иш бўлади, шу ваздан ҳам биз уни сотиб юборамиз. Бу борада аббатимиз нима дейди? Портоснинг фикрини сўраб ўтирмайман, у бизга маълум.

– Чамамда, – қизариб гапира кетди Арамис, – модомики, бу узук маъшуқадан олинмаган экан ва, бинобарин, муҳаббат рамзи эмас экан, д’Артаньян уни сотса бўлади.

– Муҳтарам дўстим, сиз тажассум ақоид каби гапирасиз. Хуллас, сизнинг фикрингизча...

– ... Олмосни сотмоқ керак.

– Хўп яхши! – хушнудлик билан рози бўлди д’Артаньян. – Олмосни сотамиз, садқан ортиқча гап бунга.

Отишма давом этар, лекин дўстларимиз аллақачон ўқ етмас масофада боришар, парошелликлар фақат номус кучи ўқ узмоқда эдилар.

– Рост гап, бу фикр Портоснинг миясига айни мавридида чалиниб қолди: мана келиб ҳам олдик. Хуллас, жаноблар бу ишнинг ҳаммаси хусусида ортиқ пом-мим дейилмасин. Бизга қараб турибдилар, бизга пешвоз келяптилар ҳамда бизга тантанали қабул уюштирадилар.

Ҳақиқатан ҳам, биз айтиб ўтганимиздек, бутун қароргоҳ ҳаяжонга келган эди: икки мингдан зиёд

одам бамисоли спектаклдаги сингари тўрт оғайнининг омон-эсон тугаган мардона қилиғини томоша қилган эдилар; унинг жангга ундагувчи асл сабабини ҳеч ким пайқамасди, албатта.

Қароргоҳни олқишлар сурони тутиб кетганди:

– Яшасин гвардиячилар! Яшасин мушкетёрлар!

Жаноб де Бюзини Атоснинг ёнига биринчи бўлиб келди-да, унинг қўлини қисиб гаров ютқизилганлигини тан олди. Де Бюзини кетидан драгун билан швейцариялик келиб қутлашди, улардан кейин эса қароргоҳдаги барча ўртоқлари ҳам табриклашди. Олқишлар, қўл қисишлар, қучоқлашишлар-у ларошелликлар устидан бошланган ҳазил-мазахларнинг ниҳояси йўқ эди. Шунақа тўс-тўполон бўлиб кетдики, кардинал исён бошланди деб гумон қилиб, қароргоҳда нима рўй берганидан хабар олгани ўз гвардияси капитани Ла Удинерни юборди.

Вакилга воқеани бошдан-оёқ энг ҳаяжонли ибораларда сўзлаб бердилар.

– Хўш, нима гап? – Ла Удинер қайтиб келгандан кейин сўради кардинал.

– Гап шуки, зоти олийлари, уч мушкетёр билан бир гвардиячи жаноб де Бюзини билан Сен-Жерве бастиионида нонушта қиламиз деб гаров бойлашипти ва шу нонушта устида ёвга басма-бас келишипти, ҳам бир дунё ларошелликларни ер тишлатишипти.

– Ўша уч мушкетёрнинг номларини билдингизми?

– Ҳа, зоти олийлари.

– Айтинг-чи?

– Булар Атос, Портос ва Арамис жаноблар.

«Ўша уч довьорак!» – ўзича деди кардинал.

– Гвардиячи-чи?

– Жаноб д'Артаньян.

– Яна ўша навқирон муғомбир! Бу тўрт оғайнининг менинг хизматимга ўтиши шарт.

Кечқурун жаноб де Тревиль билан суҳбатлашаркан, кардинал бутун қароргоҳда дув-дув гап бўлмиш эрта-

лабки қахрамонликни тилга олди. Бу саргузашт ҳикоясини иштирокчиларнинг ўз оғзидан эшитган жаноб де Тревиль уни падари бузрукворга бутун тафсилотлари билан дастрўмол эпизодини ҳам фаромуш қилмай қайтадан сўзлаб берди.

– Жуда яхши, жаноб де Тревиль! – деди кардинал. – Бу тўрт баҳодир бир-бирини шу қадар яхши кўргандан кейин адолат юзасидан биргалиқда хизмат ўтамоғи лозим.

Ўша оқшомдаёқ жаноб де Тревиль бу хушхабарни уч мушкетёр билан д’Артаньянга маълум қилди-да, шу пайтнинг ўзида тўрталасини ҳам ўзиникига келаси кунга нонуштага таклиф этди.

Д’Артаньяннинг қувончи ичига сиғмасди. Маълумки, мушкетёр бўлиш унинг бутун ҳаётининг орзу-армони эди.

Унинг уч дўсти ҳам жуда қувониб кетди.

– Худо ҳаққи, фикринг қойилмақом экан, – деди д’Артаньян Атосга, – сен ҳақ бўлиб чиқдинг: биз у ерда шон-шараф топдик, ҳам ўзимиз учун жуда аҳамиятли суҳбатни бошладикки...

– ...уни энди биз ҳеч кимнинг кўнглига шубҳа солмасдан давом эттиришимиз мумкин: ахир худо хоҳласа, ҳозирдан эътиборан биз кардиналчилар деб таниламиз-да.

Ўша оқшомдаёқ д’Артаньян ўз эҳтиромини ифода этмоқ ҳамда кардинал кўрсатган иноятни маълум қилмоқ учун жаноб Дезессара ҳузурига равона бўлди.

Д’Артаньянни жуда севгувчи Дезессара бундан хабар топгач, унга ўз хизматларини таклиф қилди: бошқа полкка ўтиш жуда катта уст-бош ва аслаҳа-анжом харажатлари билан боғлиқ эди.

Д’Артаньян унинг ёрдамидан бош тортди, лекин фанимат фурсатдан фойдаланиб, Дезессерадан у олмосни баҳолашни илтимос қилди ва пулга чақишини сўраб, унга узукни бериб қўйди.

Келаси куни эрталаб соат саккизда Дезессаранинг қароли д'Артаньян ҳузурига ташриф буюрди-да, унга ичида етти минг ливр пули бор бир халта олтин топширди.

Бу қиролича олмос узугининг баҳоси эди.

XVIII

Оилавий иш

Атос муносиб ном топди: оилавий иш. Оилавий иш кардинал измида эмас эди; оилавий ишнинг ҳеч кимга дахли йўқ эди; оилавий иш билан ҳамманинг кўз ўнгида шуғулланмоқ мумкин эди.

Демак, Атос ном топди: оилавий иш.

Арамис йўлини топди: қаролларни юбормоқ.

Портос воситасини топди: олмосни сотмоқ.

Одатда, ҳар тўрталаси ичида энг топқири бўлмиш ёлғиз д'Артаньянгина ҳеч нима ўйлаб топмади, лекин сирасини айтганда, миледи номининг ўзи унинг барча ўй-хаёлларини қарахт қилиб қўйган эди.

Йўғ-эй, биз янглишиб кетдик: у олмосга харидор топди.

Жаноб де Тревилникидаги нонуштада фараҳли файз ҳукм суради. Д'Артаньян аллақачон янги уст-бошда ташриф буюрган эди: унинг бўйи тахминан Арамис билан тенг, китобхонлар хотирлашича, ношири достонига жуда саховат билан ҳақ тўлаганлиги ваҳждан ўзига ҳамма нарсани икки сидра миқдорда буюртган Арамис эса бош-оёқ саруполарининг бирини ўз дўстига инъом қилган эди.

Башарти хаёли уфқида қора булут сингари кетмай турган миледи бўлмаганда эди, д'Артаньян ўзини роҳату фароғатнинг чўққисиди ҳис қилган бўларди.

Бу нонуштадан сўнг дўстлар кечқурун Атосникида тўпланиб, у ерда кўзланган ишни ниҳоясига етказишга келишиб олдилар.

Д'Артаньян кун буйи қароргоҳ кўчаларида ўзининг мушкетёрлик сарполарини кўз-кўз қилиб айланиб юрди.

Оқшом тайин соатда тўрт оғайни учрашдилар; яна уч нарсани ҳал қилиб олмоқ керак эди:

Миледининг оғасига нима ёзишни;

Турдаги эпчил хонимга нима ёзишни;

Ҳамда хизматкорлардан қай бирига мактубларни элтиб беришни топширишни.

Ҳар ким ўзиникини таклиф этарди: Атос қачонки соҳиби изн берса, шундагина оғзини очгувчи Гримонинг камтарлигини қайд қиларди; Портос қадди-баста забардаст бўлган росмана буйли тўрт кишини бемалол дўппослаб бериши мумкин Мушкетон кучининг таърифини келтирарди; Базеннинг уддабурунлигидан кўнгли тўқ Арамис ўз номзоди шаънига дабдабали олқишлар ёғдирарди; Планшенинг мардлигига батамом ишонган д'Артаньян эса унинг нозик булон ишидаги хатти-ҳаракатини пеш қиларди.

Бу тўрт фазилат биринчиликни олиш учун ўзаро узоқ талашди, шу муносабат билан ёрқин нутқлар сўзланди, уларни биз ҳаддан ташқари узун туюлар деган андиша билан келтириб ўтирмаймиз.

– Таассуфки, – луқма солди Атос, – вакилимиз шу сифатларнинг ҳар тўрттасини ўзида жо қилмоғи даркор.

– Лекин бундай хизматкорни қандай топиб бўларди?

– Унақасини топиб бўлмайди, – тасдиқлади Атос, – ўзимдан қиёс. Шу боисдан эса Гримони олинг.

– Йўқ. Мушкетонни.

– Ундан кўра Базенни.

– Менимча эса Планшени. У мард ва чаққон: мана сизларга тўрт сифатдан иккитаси.

– Жаноблар, – гап бошлади Арамис, – биз билиб олишимиз зарур энг асосий нарса – бу асло тўрт хизматкоримиздан қай бири камтарроқ, кучлироқ, удда-

буронроқ ва мардроқлиги эмас; энг асосийси – уларнинг қай бири ҳаммасидан пулга ўчлиги.

– Гоят Оқилона мулоҳаза, – деди Атос, – одамларнинг фазилатларини эмас, уларнинг қусурларини ҳисобга олмоқ керак. Жаноб аббат сиз улуғ маслаҳатгўй экансиз!

– Турган гап, асосий нарса шу, – гапини давом эттирди Арамис. – Бизга топшириқларимизнинг ишончли ижрочилари нафақат муваффақиятга эришмоқ, балки яна муваффақиятсизликка учрамаслик учун ҳам зарур. Ахир, иш ўнгидан келмаган тақдирда боши билан жавоб берадиган хизматкор эмас...

– Секинроқ гапиринг, Арамис! – уни тўхтатди Атос.

– Сиз ҳақсиз... Хизматкор эмас, балки соҳиб, ҳаттоки соҳиблар! Хизматкорларимиз бизга шу даражада содиқмики, токи азбаройи бизни деб жонини таҳлика остида қолдирса? Йўқ.

– Худо ҳақи, мен Планше учун кафилман ҳисоб, – эътироз қилди д'Артаньян.

– Ана энди жон дўстим, унинг беминнат садоқатига мўмайгина пул қўшинг, – бу унинг рўзгорини ҳарна таъминлайди, ана шунда сиз унинг учун икки карра кафолат берсангиз бўлади.

– Лекин, барибир сизга панд беришади, – деди гап нарсалар хусусида кетганда, ҳаётга ишонч билан боқувчи, гап одамлар хусусида кетганда кайфияти тушиб кетадиган Атос, – улар пулни олиш учун истаган нарсангизни ваъда қилишаверади, йўлда эса қўрқув уларнинг ҳаракатига монелик қилади. Уларни тутиб олишгач, исканжага олишади. Бу чорасиз ҳолатда эса улар ҳамма нарсага иқрор бўлишади. Биз болалар эмасмиз ахир, азбаройи шифо! Англияга етиб олмоқ учун, – Атос овозини пасайтирди, – кардиналнинг жосуслари-ю, гумашталари бўлиб гиж-гижлаб турган бутун Францияни босиб ўтмоқ лозим. Кемага ўтирмоқ учун рухсатномага эга бўлмоқ лозим. Лондонга йўл топмоқ учун эса инглизча га-

пиришининг уддасидан чиқмоқ керак. Назаримда бу жуда мушкул иш.

– Йўғ-э, асло, – эътироз билдирди ўзларининг режалари амалга оширилишини жуда истагувчи д'Артаньян, – менимча, бу жуда осон. Энди, албатта, агар лорд Винтерга ҳар қандай даҳшатни, кардиналнинг бутун расвогарчиликларини...

– Секинроқ! – огоҳлантирди Атос.

– ...бутун фитналар-у, давлат сирларининг таърифини келтириб ёзилса, – дея Атоснинг маслаҳатига кириб нимтовушда гапида давом этди д'Артаньян, – турган гап, бизнинг ҳаммамизни тириклай чархпалакка тортадилар. Лекин, азбаройи худо, шуни хотирдан чиқармангки, Атос, биз унга ўзингиз айтганингиздек оилавий иш юзасидан ёзамиз, биз унга ёлғиз шу мақсадда ёзамизки, миледи Лондонга борганда у бизга зиён етказиш имконидан уни маҳрум этсин. Мен унга тахминан мана шу мазмундаги мактуб ёзаман...

– Қулоқ солайлик, – ҳалитдан ўз чехрасига танқидий ифода бериб деди Арамис.

– «Муҳтарам афандим ва ҳурматли дўстим...»

– Ана холос, инглизга «ҳурматли дўстим» деб ёзилса! – унинг гапини кесди Атос. – Нима ҳам дердик, боши дуруст! Баракалло, д'Артаньян! Шу мурожаатнинг ўзи учун сизни чархпалакка тортиш қаёқда, тилка-пора қилишар.

– Хўп яхши, сиз ҳақсиз деяйлик. Мен жўнгина қилиб: «Муҳтарам афандим» – деб ёзаман қўяман.

– Сиз ҳатто «милорд» деб ёзишингиз ҳам мумкин, – деб луқма ташлади ҳамиша қабул этилган одоб қоидаларига риоя этишни зарурий деб ҳисоблагувчи Атос.

– «Милорд, Люксембург орқасидаги кичик тақир ер ёдингиздами?»

– Жуда яхши! Энди яна Люксембург ҳам денг! Бунини она-қироличага шама деб санайдилар. Зап топибсизда! – мийиғида кулиб қўйди Атос.

– Хўп яхши, шунчаки: «Милорд, сизнинг ҳаётингизни сақлаб қолишган ўша кичик тақир жой ёдингиздами?..» – деб ёзамиз.

– Жон д’Артаньян, сиз доим худо урган ёзувчи бўласиз, – деди Атос. – «Ҳаётингизни сақлаб қолишган» эмиш! Бе! Бу ношоён гап! Бу хил яхшиликларни орномусли одамга миннат қилмайдилар. Савоб ишни иддаҳо қилиш – ҳақорат қилиш демақдир.

– Оҳ, дўстим, феълингиз ёмон-да! – арз қилди д’Артаньян. – Агар сизнинг назоратингиз остида ёзиш лозим бўлса, мен қатъиян бош тортаман.

– Яхши қиласиз ҳам. Мушкет билан қиличингизни ишлатаверинг, азизим, бу икки машғулотда сиз катта маҳорат кўрсатасиз, қаламни эса жаноб аббатга қўйиб беринг, бу нарса унинг соҳаси.

– Дарҳақиқат, қаламни Арамисга қўйиб беринг, – маъқуллади Портос, – у ҳатто лотин диссертацияларини ёзади-ку, ахир.

– Хўп яхши, розиман! – таслим бўлди д’Артаньян. Бизга шу мактубни ёзиб беринг, Арамис. Бироқ авлиёларнинг авлиёси бўлмиш падаримиз – папани ўртага солиб ўтинаманки, эҳтиёт бўлиб ёзинг. Мен ҳам сиздан ғализ жумлалар қидираман, сизни огоҳлантириб қўяй.

– Бажонудил розиман, – шоирларга хос соддадиллик билан, билағонлик қилиб жавоб берди Арамис, – лекин мени ҳамма жиҳатлари билан таништириб қўйинг. Мен, рости гап, милорднинг келини ёмон шум деб кўп эшитганман, унинг кардинал билан суҳбатини эшитиб, ўзим ҳам бунга ишонч ҳосил қилдим.

– Секинроғ-эй, азбаройи шифо! – гапни бўлди Атос.

– ... Лекин тафсилотлари менга номаълум, – гапини тугатди Арамис.

Д’Артаньян билан Атос бирмунча вақт индамай бир-бирига қараб қолишди. Ниҳоят, Атос фикрларини жамлаб ва ранги одатдагидан кўра оқариб, бош ир-

гаш билан розилик билдирди-ю, д'Артаньян ўзига гапиришга изн берилганини фаҳмлади.

– Мана, нима хусусда ёзмоқ керак, – сўз бошлади у.
– «Милорд, сизнинг келинингиз – жинояткор аёл, у сизнинг мулкингизни мерос қилиб олиш пайида ёнингизга қотил юборишга уринган. Лекин сизнинг акангизга тегишга унинг ҳаққи йўқ эди, негаки у Францияда турмуш қурган эди ҳамда...»

Д'Артаньян худди мувофиқ сўз қидираётгандай бўлиб тутилиб қолди-да, Атосга қўз ташлади.

– «... ҳамда эри уни ҳайдаб юборган», – гап қистирди Атос.

– «... боиси у тамғаланган эди», – гапида давом этди д'Артаньян.

– Бўлмаган гап! – деди Портос. – У ўз қайноғаси ёнига қотил юборишга уринганми?

– Ҳа.

– У турмуш қурган эдими? – қайтадан сўради Арамис.

– Ҳа.

– Эри унинг кифтидаги нилуфар тусидаги тамғани кўриб қолганмиди? – сўради Портос.

– Ҳа.

Бу учта «ҳа» Атос томонидан айтилган бўлиб, ҳар бири илгаригисидан тундроқ чиқарди.

– Унинг ўша тамғасини ўзи ким кўрган? – суриштирди Арамис.

– Д'Артаньян билан мен ёки, тўғрироғи, тадрижий тартибга амал қилинса, мен билан д'Артаньян, – жавоб берди Атос.

– Бу расво мавжудотнинг эри-чи, ҳали ҳаётми? – сўради Арамис.

– У ҳали ҳаёт.

– Сиз бунга аминмисиз?

– Ҳа, аминман.

Бир нафасга зўрма-зўраки сукунат чўқди, унинг асносида оғайниларнинг ҳар бири ҳозирги гаплар қолдирган таассуротлар билан бўлиб қолди.

– Бу гал, – биринчи бўлиб тилга кирди Атос, – д’Артаньян бизга мактубнинг ажойиб хомаки нухасини қоралаб берди, номамизни худди шу гаплардан бошламоқ позим.

– Азбаройи шифо, сиз ҳақсиз Атос! – деди Арамис. – Бундай мактубни тўқиш – жуда нозик масала. Жаноб канцлернинг ўзи бу қадар маънодор мактубни тузишда қийналиб қолган бўларди, гарчи жаноб канцлер протоколларни қуйиб ташлайди. Хўп майли! Жим тура турунглар, мен ёзай.

Арамис патни олди, бир оз ўйланиб турди, бежирим аёл ҳуснихати билан тўққиз-ўн сатр ёзиб чиқдида, сўнгра шошмасдан паст овоз билан, гўё ҳар сўзни салмоқлаб кўраётгандай қилиб, қуйидагиларни ўқиб берди:

«Милорд, сизга ушбу сатрларни ёзгувчи киши Ада кўчасидаги кичик тақир жойда сиз билан қиличлашиш шарафига ноил бўлган эди. Шундан сўнг кўп маротаба ўша кишини дўстим деб аташни раво кўрганингиз сабабли у ҳам яхши маслаҳат билан ўз дўстлигини сизга исбот этмоқни ўз бурчи деб билади. Икки дафъа сиз ўзингизга меросхўр деб ҳисоблаганингиз яқин қариндошининг қурбони бўлаёздингиз, негаки унинг аллақачон Францияда эрга чиққани ўлароқ, Англияда никоҳдан ўтганидан сиз беҳабарсиз. Лекин учинчи дафъа, яъни ҳозир сиз ҳалок бўлишингиз мумкин. Қариндошингиз шу бугун тунда Парошелдан Англияга жўнаб кетди. Унинг келишига кўз-қулоқ бўлиб турунгл, зеро унинг дилидаги ниятлари жуда даҳшатли. Агар унинг қўлидан нималар келишини муқаррар билмоқни истасангиз, ўтмишини унинг чап кифтидан ўқиб кўринг».

– Мана буниси жуда зўр! – маъқуллади Атос. – Сиз давлат котиби сингари ёзасиз, азизим Арамис. Энди лорд Винтер, бу огоҳномани олса бўлди. У қаттиқ назорат таъсис қилади, борди-ю, мактуб кардиналнинг кўлига тушиб қолган тақдирда ҳам бизга зиён қилма-

ган бўларди. Лекин юборажак хизматкоримиз Шател-родан нарига ўтмай, кейин эса бизни Лондонга бориб келдим деб ишонтириб туриши мумкин. Шу боисдан пулнинг ярмини у жавобни келтиргандан сўнг беришни ваъда этиб, ярмини мактубга қўшиб берамиз. Олмос ёнингиздами? – дея д'Артаньянга юзланди Атос.

– Ёнимда ундан дурустроқ нарса бор – менда пул бор.

д'Артаньян столга халтани чиқариб ташлади.

Олтин жарангидан Арамис кўзларини кўтарди. Портос бир сесканиб тушди, Атос эса пинагини ҳам бузмади.

– Бу халтачадаги пул қанча? – сўради у.

– Ўн икки франкли луидорлар билан етти минг ливр.

– Етти минг ливр-а! – қичқириб юборди Портос. – Шу расво олмос узукча етти минг ливр турадими?

– Чамаси шундай, – деди Атос, стол устидаги пулдан кўз узмай. – Дўстимиз д'Артаньян уларга ўз пуллари қўшган деб гумон қилишга майлим йўқ.

– Лекин ҳамма нарсаларни муҳокама қилиб олдинг-у, қиролича хусусида ўйламаяпмиз, жаноблар, – ўз фикрига қайтди д'Артаньян, – унинг қалбининг арзандаси Бэкингемнинг саломатлигига оз-моз парво қилайлик. Шу арзимаган хизматимизни ундан дариф тутсак бўлмайди.

– Ҳаққи рост гап, – кўнди Атос, – лекин бу ёғи Арамиснинг соҳаси.

– Хўш, мendan нима талаб этилади? – қизариб овоз берди Арамис.

– Энг жўн бир нарса: ўша Турда истиқомат қилгувчи эпчил хонимга мактуб битиш.

Арамис яна патни қўлига олди, яна озгина ўйланди-да, дарҳол ўз оғайнилари ҳукмига ҳавола этган қуйидаги сатрларни ёзиб ташлади:

– «Азиз бўла!..»

– Эҳа-а, ўша эпчил хоним қариндошингиз экан-да? – гап қистирди Атос.

– Холаваччам бўлади, – деди Арамис.
– Майли, холавачча бўлса бўла қолсин!
Арамис сўзида давом этди:

«Азиз бўла!

Падари бузрукворимиз жаноб кардинал илоё қиролликнинг душманлари юзини қора қилиб, Франция бахтига уни худо асрасин, Парошелнинг исёнкор шаккоқларини бир ёқли қилиб бўлди ҳисоб. Уларга мадад бергани келаётган инглиз флоти қалъага ҳатто яқин ҳам йўлолмаса ажаб эмас. Бирор муҳим воқеа жаноб Бэкингемнинг Англиядан жўнаб кетишига халал берса керак, деб ишонч билдиришга журъат қилман. Падари бузруквор ўтмишнинг, ҳозирги куннинг ва эҳтимол келажакнинг энг атоқли арбобидир. Фашига тегса борми, у қуёшни ҳам доғда қолдирган бўларди. Бу қувончли янгиликларни синглингизга маълум қилиб қўйинг, азиз бўла. Тушимда ўша лаънати инглиз ўлиб қолганмиш. Ханжар ебми, захар ичибми, эсимда йўқ, – бир нарсани ишонч билан айтишим мумкинки, тушимда у ўлганмиш, ўзингиз биласиз тушларим ҳеч вақт менга панд бермаган. Ишончингиз комил бўлсинким, тез орада дийдоримни кўрасиз».

– Жуда зўр! – хитоб қилди Атос. – Сиз шоирларнинг султонисиз, азизим Арамис! Сиз апокалипсис сингари сўз юритасиз, ҳақиқатни худди инжилдагидай ҳикматли қилиб гапирасиз. Энди шу мактубга адресни ёзиб қўйиш қолди холос.

– Буниси жуда осон, – деди Арамис.

У такаллуф билан мактубни буклади-да, устига ёзиб қўйди:

«Турдаги чевар қиз Мишонга».

Уч оғайни кула-кула кўз уриштириб олдилар: уларнинг ҳийласидан натижа чиқмаган эди.

– Энди тушуняпсизки, жаноблар, – гапира кетди Арамис, – биргина Базен бу мактубни Турга етказиши мумкин: менинг холаваччам ёлғиз Базенни танийди ҳамда ёлғиз унга ишонади, ўзга ҳар кимса ишни пача-

ва қилади. Устига-устак Базен саводли ва ориятли, Базен тарихни билади, жаноблар, у Сикст Бешинчи папа бўлишдан илгари чўчқабоқар бўлганини билади. Базеннинг мен билан бирга диний рутба қабул қилиш нияти борлиги сабабли эса ўзи ҳам папа бўлиш ёки лоақал кардинал бўлишдан умидини узгани йўқ. Ўзингиздан қолар гап йўқ, мўлжални бу қадар юқори олган киши ўзини тутқизиб ўтирмайди, борди-ю қўлга тушганда ҳам азоб-уқубатларга рози бўлса бўладикки, лекин ҳеч нимани бўйнига олмайди.

– Яхши, яхши, – рози бўлди д’Артаньян, – мен сиз учун бажонудил Базенни қўллаб-қувватлайман, лекин менга Планшени қўйиб беринг. Миледи бир қур уни дўппослашни буюрган, уйдан ҳам ҳайдаб чиқарган, Планшенинг эса хотираси яхши, мен сизларга кафилманки, мабодо қасдини олишга имконият туғилиб қолгудай бўлса, у бундай ҳузурдан кечгандан кўра ўлимга рози бўлади. Агар Турдаги ишлар сизга тегишли бўлса, Лондондаги ишлар шахсан менга тааллуқли. Шу вайдан эса Лондонга ҳам мен билан бориб келган ва «London, sir, if you please»⁵⁴ ва «My master lord d’Artagnan»⁵⁵ деган гапларни мутлақо тўғри айта биладиган Планшени танлашингизни илтимос қиламан. Хотирингизни жам қилингки, бундай билимлар билан у ёққа ҳам, бу ёққа ҳам йўлни у жуда яхши топади.

– Ундай бўлса, Планшега жўнар пайти етти юз ливр, қайтганда ҳам етти юз ливр берайлик, Базенга эса – жўнаётганда уч юз ливр, қайтиб келганда уч юз ливр, – таклиф этди Атос, – бу давлатимизни беш минг ливргача камитиб қўяди. Ҳар қайсимиз ўзимизга минг ливрдан оламиз-да, қўнглимизга келган йўсинда ишлатимиз, қолган мингини эса кўзда тутилмаган харажатлар ва умумий эҳтиёжлар учун аббатга сақлашни топ-

⁵⁴ Марҳамат қилиб, менга Лондон йўлини кўрсатиб қўйсангиз, сер (*инглизча*).

⁵⁵ Менинг соҳибим лорд д’Артаньян (*инглизча*).

шириб, эҳтиёт шарт олиб қўямиз. Шунга розимисизлар?

– Муҳтарам Атос, – деди Арамис, – сиз худди Нестор сингари фикр юритасиз, ҳаммага маълумки, у энг улуғ юнон донишманди бўлган.

– Хуллас, масала ҳал: Планше билан Базен жўнаб кетишади, – яқун ясади Атос, – очигини айтсам, мен Гримонинг ёнимда қолишидан хурсандман: у менинг муомаламга ўрганиб қолган, мен ҳам уни қадрлайман. Кечаги кун уни анчагина уринтириб қўйган бўлсам керак, бу саёҳат эса уни тамом ҳолдан тойдирган бўларди.

Оғайнилар Планшени чақирди-да, унга зарур йўл-йўриқларни бердилар; у аллақачон аввало тайин шуҳратдан гапириб, кейин пул ваъда қилиб, ана шундан кейингина хавф-хатарнинг учини чиқарган д'Артаньян томонидан огоҳ этилган эди.

– Мен мактубни енгимнинг қатида олиб кетаман, – деди Планше, – агар мени тутиб олишса, уни ютиб юбораман.

– Лекин унда сен топшириқни адо этолмайсан, – эътироз билдирди д'Артаньян.

– Менга бугун кечқурун мактубнинг нусхасини беринглар, эртага у ёдимда бўлади.

Д'Артаньян гўё: «Хўш қалай? Мен сизларга тўғри айтибманми?» – демоқчидай жўраларига қараб қўйди.

– Билиб қўй, – Планшега юзланиб гапини давом эттирди у, – лорд Винтер ҳузурига етиб олишингга саккиз кун ҳамда қайтиб келишингга саккиз кун, жами ўн олти кун муҳлат бериляпти. Агар жўнаб кетганингдан кейин ўн олтинчи кун кеч соат саккизда етиб келмасанг, ҳатто саккиздан беш дақиқа ўтганда келганингда ҳам қолган пулни олмайсан.

– Ундай бўлса менга соат олиб беринг, тақсир, – илтимос қилди Планше.

– Мана буни ола қол, – ўзига хос беғамлик билан саховат қилиб ўз соатини бериб юбораркан гапирди

Атос, – бир азаматлик қил. Ёдингда тут, оғзинга қараб гапирмасанг, тилингдан илиниб қолсанг ёки у ер-бу ерда ўралашиб қолсанг, сенинг садоқатингдан азбаройи кўнгли тўқлигидан сен учун бизга кафолат бериб қўйган соҳибингни жувонмарг қиласан. Яна ёдингда бўлсинки: агар сенинг айбинг билан д'Артаньяннинг бошига бирор кулфат тушса, қорнингни ёриб ташлагани мен сени ҳар қаердан топиб оламан.

– Вой, тақсир-эй! – шубҳалардан ранжиб ва бунинг устига мушкетёрнинг вазмин алфозидан чўчиб кетиб деди Планше.

– Мен бўлсам, – ҳайбат билан кўзларини ола-кула қилиб гапирди Портос, – тириклай терингни шилиб оламан!

– Вой, тақсир-эй!

– Мен бўлсам, – ўзининг беозор ширали овози билан деди Арамис, – сени ваҳшийлар услубида секин ёниб турган оловда ёқиб юбораман, буни дилиннга тугиб ол!

– Оҳ, тақсир!

Шу замон Планше йиғлаб юборди: бу дўқ-пўписа-лар солган кўрқувданмиди ёки тўрт оғайнининг бирига меҳру оқибатини кўриб, кўнгли бузилиб кетганиданмиди, буни биз айтолмаймиз.

Д'Артаньян унинг қўлини қисиб, қучоқлади.

– Биласанми, Планше, – деди у, – жаноблар сенга бу гапларнинг ҳаммасини менга меҳрибонлигидан гапирмоқдалар, лекин аслида улар сени яхши кўришадди.

– Оҳ, тақсир, ё мен топшириқни адо этаман ёки мени тилка-пора қилиб ташласинлар! – қичқирди Планше. – Лекин ҳатто мени тилка-тилка қилганларида ҳам ишончингиз комил бўлсинки, битта бўлагим ҳам ҳеч нимани фош қилмайди.

Тун давомида мактубни ёдлаб олишга улгуриши учун, Планше янаги куни саҳар соат саккизда йўлга чиқади деб қарор қилинди. Бу ишда у роппа-роса ўн

икки соат ютди, негаки у ўн олтинчи куни кеч соат саккизда қайтиб келиши шарт эди.

Эрталаб у отга минаётган чоғда кўнглида герсог Бэкингемига ихлоси баланд бўлган д'Артаньян Планшени четга олиб чиқди.

– Қулоқ сол, – деди у унга, – мактубни лорд Винтерга топширганингдан кейин у киши ўқиб чиққач, унга яна: «Зоти олийлари, лорд Бэкингемига эҳтиёт қилинг: уни ўлдирмоқчилар», – деб айтиб қўйгин. Лекин биласанми, Планше бу шу қадар муҳим, шу қадар жиддий гапки, бу сирни сенга ишониб айтишимни ҳатто дўстларимга ҳам эътироф қилмадим ҳамда мени капитан қиламиз деб ваъда беришганда ҳам бу нарсани мактубда ёзмаган бўлардим.

– Хотиржам бўлинг, тақсир, мана кўрасиз, менга ҳар жиҳатдан таянса бўлади.

Йўлнинг ичкарасига почта отларида кетиш учун қароргоҳдан йигирма ле нарида қолдириб кетиши лозим ажойиб отга миниб, Планше уни чоптириб кетди: гарчи мушкетёрларнинг уч ваъдаси эсига тушганда юраги ачишиб турса-да, барибир у аъло кайфиятда эди.

Базен келаси саҳар Турга жўнаб кетди; зиммасига юкланган топшириқнинг ижроси учун унга саккиз кун муҳлат берилган эди.

Вакиллари йўғида – бутун шу вақт асносида тўрт оғайни, турган гап, ҳар қачонгидан ҳушёр тортиб, кўз-қулоқ бўлиб юришди.

Улар уззукун теварак-атрофда нима гаплар бўлаётганини пойлашар, кардиналнинг хатти-ҳаракатларини кузатишар ва Ришелье ҳузурига битта-яримта чопар келган-келмаганининг тагига етмоқ пайида юришарди. Уларни ногаҳон хизмат мажбуриятларини ўтамоққа чорлаб қолганларида, уларни титроқ босган кезлар кўп бўларди. Устига-устак уларнинг ўз шахсий беҳатарлигини ҳам таъмин этишларига тўғри келарди: миледи одамга бир қур намоён бўлгач, кейин ортиқ тинч уйқу бермайдиган бир арвоҳ эди.

Саккизинчи кун деганда эрталаб ҳар дамгидек бардам ва одатича оғзи қулоғида Базен тўрт оғайни ноушта қилиб ўтирган пайтда «Касофат» қовоқхонасига кириб борди-да, шартлашилгандек деди:

– Жаноб Арамис, мана холаваччангизнинг жавоби.

Оғайнилар қувониб кўз уриштириб олдилар: ишнинг ярми бажарилган эди; рост, бу ярми сал осонроғи бўлиб, камроқ вақтни талаб этарди.

Бейхтиёр қизариб Арамис имло хатолар билан бесўнақай ёзилган мактубни олди.

– Астаффурулло! – қулиб хитоб қилди у. – Умидларим пучга чиқадиган бўлди: бояқиш Мишон ҳеч қачон жаноб де Вуатюрдай ёзишни ўргана олмайди!

– Пешора Мишон теганингиз нимаси? – дея сўради мактуб келган дақиқада тўрт оғайни билан гурунглашиб ўтирган швейцариялик.

– Э тавба, ҳеч нима ҳисоб, – жавоб берди Арамис, – бир жонон чевар қиз, мен уни жуда севганман, ҳамда эсдаликка бир-икки сатр ёзиб беришни илтимос қилганман.

– Аспаройи шифо, агар у хутти ҳарфларитек йўғон хоним бўлса, пахтинкиз очилкан экан, пиротар! – деди швейцариялик.

Арамис хатни кўздан кечирди-да, уни Атосга узатди.

– Унинг нималар ёзганини бир ўқиб кўринг-а, Атос, – таклиф этди у.

Атос бу номага кўз югуртиб чиқди-да, туғилиши мумкин шубҳаларни тарқатиш истагида овоз чиқариб ўқиб берди:

«Азиз бўла, опам билан мен тушларнинг таъбирини яхши биламиз ва улардан ёмон кўрқамиз, лекин умид қиламанки, сизники хусусида, тушларга ишонма – тушлар ёлғон, дейиш мумкин. Алвидо, омон бўлинг, ора-сира ўзингиздан дарак бериб туринг.

Аглая Мишон».

– У ўзи қандай туш тўғрисида ёзибди? – деб сўради мактуб ўқиладиган пайтда келиб қолган драгун.

– Ҳа, қантай туш тўқрисита? – гапни илди швейцариялик.

– Э, тавба, шунчаки: мен кўрган ва унга ҳикоя қилиб берган туш тўғрисида-да, – жавоб берди Арамис.

– Ҳа, тафпа, тушни ҳикоя қилип периш осон нарса, лекин мен ҳеш қашон туш кўрмайман.

– Жуда бахтли экансиз, – столдан тураркан луқма ташлади Атос, – бу гап менинг оғзимдан ҳам чиқса кош-ки эди.

– Ҳеш қашон! – Атосдай одам ақалли шу борада унга ҳаваси келаётганидан боши осмонга етиб так-рорлади швейцариялик. – Ҳеч қашон! Ҳеш қашон!

Атоснинг қўзғалганини кўриб, д’Артаньян ҳам ўрнидан турди-да, кўлтиғидан олиб, у билан бирга чиқди.

Портос билан Арамис драгун ва швейцарияликнинг кўпол ҳазилларига жавоб қайтаргани қолишди.

Базен бўлса бориб похол ўрин-тўшакка ётиб олди ва тасавури швейцарияликка қараганда ҳийла жонли бўлгани сабабли у тушида гўё Арамис папа бўлиб, уни кардинал мартабасига кўтараётганларини кўрди.

Бироқ айтиб ўтганимиздек, ўзининг омон-эсон қайтиши билан Базен тўрт оғайнига ором бермаётган хавотирларнинг бир ҳиссасини тарқатди, холос. Мунтазирлик кунлари узоқ кечади, буни айниқса бир кеча-кундуз қирқ саккиз соат бўлиб қолди деб гаров бойлашишга тайёр д’Артаньян сезмоқда эди. У денгиздаги саёҳатнинг ноилож секинлигини фаромуш этар ва миледининг қудратини муболаға қиларди. У ўзига азроил бўлиб туюлган бу аёлни унинг ўзидек ғайритабиий иттифоқчиларга шерик қиларди; қилча шарпадан у ўзини ҳибсга олгани келишган, ўзи ва дўстлари билан бақамти қилмоқ учун Планшени қайтариб келтиришган, деб хаёл қиларди. Булар етмагандай, унинг муносиб пикардияликка бўлган ишончи кун сайин камайиб борарди. Унинг ҳадиклари чунонам зўрайиб кетдики, Портос билан Арамисга ҳам юқди. Ёлғиз Атосгина худди ўзининг теварагида зар-

рача хатар изғиб юрмагандай ва нарсаларнинг кундалик тартибини ҳеч нима бузмагандай вазминлиги-ча қолган эди.

Ўн олтинчи кун деганда бу ҳаяжон д'Артаньян билан унинг дўстларини шу даражада исканжага олдики, улар бир жойда қарор топмай Планше қайтиши кутилган йўлда шарпалар сингари тентираб юрардилар.

– Бир аёл сизларни шунчалик даҳшатга сола олгандан кейин, рости гап, сизлар эркак эмас, гўдак экансизлар! – деярдди уларга Атос. – Хўш, бизга ўзи нима хавф соляпти? Қамоққа тушиб қолишими? Аммо бизни у ердан чиқариб олишади! Ахир Бонасе хонимни чиқариб олишди-ку. Бошдан жудо бўлишми? Лекин биз худонинг берган куни зовурларда ўзимизни энг қувноқ алфозда кўпроқ хатарларга тутиб юрамиз, зеро тўп ўқи оёғимизни дабдала қилиши мумкин, мен эса аминманки, оёқни кесгувчи жарроҳ бошни олгувчи жаллоддан ортиқроқ азоб беради. Бемалол кутаверинглар: икки соадан сўнг, тўрт соатдан сўнг, энг кеч деганда, олти соатдан сўнг Планше шу ерда бўлади. У ҳозир бўлишни ваъда қилган, мен ҳам Планшенинг ваъдаларига ишонаман – у менга дурустгина йигит кўринади.

– Борди-ю, у келмай қолса-чи? – сўради д'Артаньян.

– Хўш, борди-ю, келмай қолса, демак, у бирор сабабга кўра ҳаяллаб қолган, вассалом. У отдан йиқилиб тушган бўлиши мумкин, кўприқдан қулаб кетган бўлиши мумкин, тез юришдан ўпкасини шамоллатиб қўйган бўлиши мумкин. Э жаноблар, жамики тасодифларни эътиборга олмоқ лозим. Ҳаёт – бу майда-чуйда дарду ҳасратлардан тузилган бир тасбеҳ, файласуф одам уни кулиб туриб ўгираварди. Менга ўхшаш файласуф бўлинглар, жаноблар, стол ёнига ўтиринглар-да, келинглар, бир ичайлик – менга истиқбол ҳеч қачон бир қадаҳ шамбертен орқасидан қарагани сингари ёрқин тусда кўринмайди.

– Ҳаққи рост гап, – жавоб берди д’Артаньян, – лекин ҳар гап янги шиша очаётганда у миледининг ертўласидан бўлмасин тагин, деб ҳадиксирайвериш жонимга тегди.

– Сиз жуда ҳам инжиқлик қиляпсиз, – деди Атос, – у бирам гўзал аёлки!..

– Одамлар тамға қўйган аёл! – дея Портос қовушмаган аския қилди-да, одатича хахолаб кулиб юборди.

Атос сесканиб тушди, худди терни артиб ташлаётгандай қўли билан манглайини сидирди-да, яширишга қурби етмаган асабий ҳаракат билан ўрнидан қўзғалди.

Бу ўртада кун ҳам ўтиб кетди. Кеч одатдагидан секинроқ кира бошлади, лекин ахири харобот хўрандалар билан гавжум бўлди. Олмосни сотишдан ўз улушини олган Атос «Касофат»дан чиқмай қўйган эди. Жаноб де Бюзини, айтганча, у дўстларимизни қойилмақом зиёфат билан сийлади, унга жуда муносиб шерик чиқиб қолди. Хуллас, соат еттига занг урганда улар икковлон одатича соққа ўйнаб ўтирган эдилар, қўриқчи постларни кучайтиришга отланган соқчиларнинг ёнгинасидан ўтиб кетгани эшитилиб турарди; соат етти яримда шомга бонг урилди.

– Хароб бўлдик! – деди д’Артаньян Атосга.

– Сиз пулларимиз хароб бўлди демоқчи бўляпсизми? – чўнтагидан тўрт пистол олиб ва уларни столга ташлаб, хотиржам сўради Атос. – Энди, жаноблар, – давом этди, – шомга бонг уряптилар, бориб ухлайлик.

Атос д’Артаньяннинг ҳамроҳлигида хароботдан чиқди. Уларнинг орқасида Арамис Портос билан қўлтиқлашиб борарди. Арамис аллақандай шеърларни мингирлар, Портос бўлса жон-жаҳди билан мўйлабини бураб қўярди.

Қўққис қоронғидан кўриниши д’Артаньянга танишдек туюлган бир қора сурилиб чиқди-да, унинг қулоғига сингиб кетган овоз билан деди:

– Ридонгизни келтирдим, тақсир, бугунги оқшом салқин бўлиб турибди. – Планше! – қувончи ичига сигмай бақириб юборди д’Артаньян.

– Планше! – жўр бўлишди Портос билан Арамис.

– Ҳа, албатта, Планше, – деди Атос. – Бунинг нима си ажабланарли? У соат саккизда қайтишни ваъда қилган эди, айти саккизга занг урилаяпти. Балли, Планше, лафзи ҳалол одам экансиз! Борди-ю, бир вақт келиб соҳибингизни тарк этсангиз, мен сизни ўз хизматимга оламан.

– Йўғ-эй, ҳеч қачон! – эътироз билдирди Планше. – Мен ҳеч қачон жаноб д’Артаньянни тарк этмайман.

Худди шу дақиқада д’Артаньян қўлига Планше мактубни солиб кўйганини сезди.

Д’Артаньяннинг ўзи унинг жўнар пайти қилганидек Планшени жудаям қучоқлаб олгиси бор эди-ю, лекин кўчанинг қоқ ўртасида хизматкорга нисбатан туйғуларнинг бу хил ифодаси ўтган-кетганларнинг бирортасига деб чўчиди ва шу боисдан шаштини қайтарди.

– Хат менда, – маълум қилди у Атос ҳамда бошқа қолган дўстларига.

– Яхши, – деди Атос, – уйга борамиз-да, ўқиб кўрамиз.

Хат д’Артаньяннинг қўлини гўё куйдирарди, у қадамини жадаллаштирмақчи бўлиб эди, лекин Атос уни қўлтиқлаб олди ва йигитнинг ноилож ўз дўсти билан барабар юришига тўғри келди.

Ниҳоят улар чодирга киришди-да, чироқни ёқишди. Оғайнилари ғафлатда қолдириб ҳеч ким бостириб келиб қолмаслиги учун Планше кираверишда туриб олди, д’Артаньян эса нигорон бўлиб кутилган мактубни очди.

У соф британ ҳуснихати билан ёзилган ярим сатр-ни қамраган бўлиб ғоятда лўнда эди:

«Thank you be easy».

Маъноси: «Ташаккур сизга, хотиржам бўлинг».

Атос мактубни д'Артаньян қўлидан олгач, уни чи-роққа тутиб ёқди-да, то кулга айлангунча қўлида ту-тиб турди.

Сўнгра Планшени ёнига чақириб олиб, унга деди:

– Энди, муҳтарам Планше, етти юз ливрингни та-лаб қилаверишинг мумкин, лекин бу хил хатга сендан кўп журъат талаб этилмаган.

– Бироқ бу нарса уни омон-эсон етказмоқ учун ҳар турли ҳийла-найранглар ишлатишимга тўсиқ бўлма-ди, – жавоб берди Планше.

– Қани, саргузаштларингни бизга сўзлаб берчи! – таклиф қилди д'Артаньян.

– Бунинг ҳикояси узун, тақсир.

– Сен ҳақсан, Планше, – деди Атос, – устига-устак шомга бонг уриб бўлишди, мабодо чироқ бошқалар-никидан узоқроқ ёниқ турса, буни пайқаб қолишади.

– Майли, шундай бўла қолсин, ётиб ухлайлик, – кўнди д'Артаньян, – бемалол ухлайвер, Планше!

– Ўлай агар, тақсир, ўн олти кун ичида биринчи мар-та бежавотир ухлайман.

– Мен ҳам! – деди д'Артаньян.

– Мен ҳам! – деди Портос.

– Мен ҳам! – деб қолди Арамис.

– Сизга ҳақиқатни очиб қўя қолай: мен ҳам, – иқроп бўлди Атос.

ХІХ

Шум қисмат

Бу орада миледи ғазабдан ўзини тутолмай, кемага ортилган қутурган йўлбарсдай палуба бўйлаб ўзини ҳар ёнга уриб типирчиларди; д'Артаньян уни ҳақорат қилган, Атос унга пўписа қилган бўлса-ю, интиқом ол-масдан жўнаб кетаётганлиги унга алам қиларди. Бу фикр бора-бора уни шу даражада ўртай бошладики, у ўзи йўлиқиши мумкин хавф-хатарларни писанд қил-май, соҳилга тушириб қўйинг, деб капитанга ёлвора

бошлади. Лекин француз ва инглиз кемалари ўртасидаги ўзининг мушкул аҳволдан – каламушу қушлар ўртасига тушиб қолган кўршапалак аҳволдан тезроқ чиқиб кетишга кўзи тўрт капитан Англия соҳилларига етиб олмоққа интиқар ва ўзи аёл нози деб ҳисоблагувчи нарсага итоат қилишдан узил-кесил бош тортиди. Дарвоқе, кардинал унинг алоҳида назоратга ҳавола этган йўловчисига, у денгиз ва французлар изн берган тақдирда бретон портларидан бирида – Лориандами ёки Брестдами тушириб қўйишни ваъда қилди. Лекин қарши шамол эсмоқда, денгиз довулли эди, ҳадеб дам у, дам бу томонга чап беришга тўғри келарди. Шарантадан чиққандан кейин тўққиз кун ўтгач, беҳудуд алам ва ҳасратдан бўзарган миледи йироқларда финистернинг мовий соҳилларини кўриб қолди.

Франциянинг бу гўшасидан кардинал ёнига етиб бориш учун унга кам деганда уч кун кераклигини у ҳисоблаб чиқди; тушиб олишга яна бир кунни қўшинг, – бу тўрт кунни ташкил этади; бу тўрт кунни ўтиб кетган тўққиз кунга қўшинг – зое кетган ўн уч кун чиқади! Шу аснода Англияда қанчадан-қанча муҳим воқеалар кечиши мумкин – ўн уч кун-а! У агар қайтиб борса, кардиналнинг қаҳри келади ва, бинобарин, унинг бирор кимсага қарши даъвосидан кўра, ўзгаларнинг унинг устидан қилган арзларини эшитишга кўпроқ рағбат қилади, деган мулоҳазага бориб қолди. Шу босидан, кема Лориан билан Брест ёнидан ўтиб кетаётган пайтда капитандан ўзини тушириб қўйишга ортиқ қистамади, у ҳам ўз навбатида атайин унга буни эслатмади. Хуллас, миледи йўлида давом этаверди ва худди Планше Портсмутда кемага ўтираётган қуни падари бузрукворнинг вакиласи ҳам тантана билан шу портга қадам қўйди.

Бутун шаҳар ғайриоддий ҳаяжонда: тўртта эндигина қуриб битказилган каттакон кемаларни сувга туширмоқда эдилар; тўлқин тўсар устида бошдан-оёқ симу зарларга кўмилган, одатига кўра ҳамма ёғига

олмос-у қимматбаҳо тошлар қадаб ташланган Бэкингем оқ патлари елкаларигача осилиб тушиб турган шляпада қарийб ўзи сингари ёрқин маият қуршовида турарди.

Англия оламда қуёш борлигини хотирлагувчи ўша ноёб, ажойиб қиш кунларидан бири эди. Сўниб бораётган, лекин ҳамон шуқуҳли офтоб осмонга ҳам, денгизга ҳам ўтли тасмалари билан ол ранг бериб, дераза ойналарида ёнғин яллиғисимон йилтираб турган сўнги олтин шуълаларини минорлар-у қадимий иморатларга ташлаб ботиб бормоқда эди.

Миледи соҳилга яқинлашган сайин тобора тароватлироқ ва муаттарроқ денгиз ҳавосини ютар, ўзи нест-нобуд қилишга мутасадди этилган бу ҳайбатли тадорикларни, ёлғиз ўзи аёл боши билан бир-икки халта олтин билан тор-мор этиб ташлаши шарт бу армиянинг бутун қудратини мушоҳада қилар – хаёлан ўзини сурияликлар қароргоҳига суқилиб кирган ва бир қўл имоси билан худди тутун сингари тарқаб, йўқ бўлажак саноксиз лашкарлар, маҳодадар, отлару қуролларни кўрган Юдиф билан қиёсларди.

Кема рейдда⁵⁶ тўхтади. Лекин у лангар ташлаган маҳал унинг ёнига жуда соз қуролланган катер келди-да, ўзини қўриқчи кема деб танитиб қайиқ туширди, қайиқ кема нарвонига қараб йўл олди; унда офицер, боцман ва саккиз нафар эшкакчи ўтирарди. Офицер кемага чиқди, у ерда у ҳарбий уст-бошига яраша иззат-ҳурмат билан қарши олинди.

Офицер капитан билан бир неча дақиқа сўзлашиб турди, ўқиб чиқиши учун унга аллақандай қоғозларни берди, ундан сўнг капитаннинг фармойиши билан кеманинг бутун командаси ва йўловчилар палубага чорландилар.

⁵⁶ Рейд – портга кираверишда кемалар туриш учун қулай жой.

Улар саф тортиб турганларидан сўнг офицер баланд овозда кема қаердан чиққани, қай томон йўл тутгани, қаерларда тўхтаб ўтганини суриштирди, унинг барча саволларига капитан иккиланмасдан, қийналмасдан жавоб берди. Кейин офицер палубада ҳозир бўлганларнинг ҳаммасини бир-бир кўздан кечира бошлади ва миледигача етгач, унга жуда синчиклаб қараб қўйди-ю, лекин пом-мим демади.

Сўнгра яна капитан ёнига борди, унга яна алланима деди-да, гўё унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олгандай экипаж дарҳол бажо келтирган аллақандай маневрга команда берди. Олти тўпининг оғзи билан таҳдид солиб, ўзи-ла ёнма-ён сузиб кетаётган катер ҳамроҳлигида кема юриб кетди, қайиқ эса кеманинг қуйруқ тарафида эргашиб борар ва у билан таққослаганда билинар-билимас нуқта бўлиб кўринарди.

Тасаввур қилиш осонки, офицер ўзига зеҳн солгунча миледи ҳам унга еб қўйгудек қараб турарди. Лекин одамларнинг дилини ўқишга уста бу оташнигоҳ аёл ўзининг бор заковатига қарамасдан бу гал бирам ҳиссиз башарага йўлиққан, унинг синчков назари ҳеч ниманинг тагига етолмасди. Унинг қаршисида тўхтаб, афт-ангорини синчковлик ва диққат-эътибор билан индамай ўрганаётган офицерга йигирма-йигирма олти ёшлар бериш мумкин эди; унинг юзи рангпар, кўзлари мовий, сал-пал чўкик эди; текис бичимдаги бежирим оғзи қаттиқ қимтилган эди; жуда туртиб чиққан ияги омий, британ намунасида кўрслик деб таъбирлангувчи ироданинг қаттиқлигидан далолат берарди; шоирлар, хаёлпарастлар ёки аскарларники сингари сал қиядан келган манглайини худди юзининг бутун пастки қисмини тутиб кетган соқоли сингари чиройли тўқ-қўнғир рангли калта сийрак сочлари зўрға ёпиб турарди.

Кема билан унга ҳамроҳ катер кўрфазга кириб борганда қоронғи тушиб бўлган эди. Тун зулмати бамисоли ёғингарчилик олдидан ойни ўраб олгувчи тутунга

ўхшаб мачтадаги сигнал фонарларини ва тўлқин тўсардаги чироқларни қоплаган тумандан янада қуюқ кўринарди. Ҳаво нам ва совуқ эди.

Миледи, бу дадил ва бардошли аёл ўзини беихтиёр титроқ босганини ҳис қилди.

Офицер – миледининг анжомларини ўзига кўрса-тиб қўйишни буюриб, унинг юкини қайиққа элтиб қўйишга фармойиш берди ҳамда булар ўрнига қўйил-гач, уни ўша ерга тушишга таклиф этиб, қўлини узат-ди.

Миледи унга бир кўз ташлади-да, тараддудда тўхтаб қолди.

– Сиз кимсиз, муҳтарам афандим? – сўради у. – Бу қадар мулозаматингизнинг боиси нима, нега менга алоҳида эътибор қиляпсиз?

– Сиз бунининг уст-бошимдан пайқаб олишин-гиз мумкин, хоним: мен инглиз флотининг офицери-ман, – жавоб берди йигит.

– Аммо, наинки расм-русуми шундай бўлса? Наин-ки, инглиз флотининг офицерлари Буюк Британия-нинг бирор кўрфазига келгувчи ватандошларининг их-тиёрига ўзларини ҳавола қилиб турсалар ва мулоза-матлари ҳатто уларнинг то соҳилга етказиб қўйишга-ча бориб тақалса?

– Ҳа, миледи, лекин бу нарса мулозаматдан эмас, балки эҳтиёткорликдан қилинади: уруш вақтида хо-рижийларни улар учун ажратилган махсус меҳмонхо-нага олиб боришади, улар борасида энг аниқ маълумотлар тўпланмагунча улар ўша ерда туриб туриша-ди.

Бу сўзлар бекаму қўст одоб билан ва энг хотиржам бир тарзда айтилди. Бироқ улар миледини ишонтир-мади.

– Лекин мен хорижий эмасман, муҳтарам афандим, – деб Портсмутдан то Манчестргача қайсидир пайтда янграган энг соф инглиз тилида гапирди у, – менинг номим леди Кларик ҳамда бу чора...

– Бу чора – барча учун барабар, миледи, ўзингизнинг истисно этилишингизни беҳуда қистаганингиз қолади.

– Ундай бўлса, ортингиздан юраман, муҳтарам афандим.

Офицернинг қўлига таяниб, у пастида қайиқ кутиб турган нарвондан туша бошлади; офицер унинг кетидан тушди. Қайиқ қуйруғига кенг ридо тўшаб қўйилган эди; офицер унга миледини ўтказди-да, ўзи ёнида ўтирди.

– Эшинглар, – буюрди у денгизчиларга.

Саккиз эшкак бир йўла сувга ботди, уларнинг зарбалари бир зарб бўлиб, ҳаракатлари бир ҳаракат бўлиб қўшилди-ю, қайиқ сув юзидан нақ учи кетди.

Беш дақиқадан сўнг қайиқ бориб қирғоққа тақалди.

Офицер қирғоққа сакраб чиқди-да, миледига қўлини таклиф этди.

Уларга извош мунтазир эди.

– Бу извош бизгами? – сўради миледи.

– Ҳа, хоним, – жавоб қилди офицер.

– Меҳмонхона шунчалик олис денг?

– Шаҳарнинг нариги чеккасида.

– Кетдик, – деди миледи ва ҳеч иккиланмасдан извошга чиқди.

Офицер, мусофирнинг анжомлари извош орқасига яхшилаб боғланишига кўз-қулоқ бўлиб турди-да, бу ишлар қилинганча, миледининг ёнидан жой олиб эшикчани тарақлатиб ёпди.

Извошчи фармойишларни кутмасдан ва ҳатто қаёққа боришни сўрамасдан отларга қамчи босди, извош шаҳар кўчаларидан физиллаб учи кетди.

Бундай ғалати манзират миледини қаттиқ ўйга толдириб қўйди. Ёш офицернинг суҳбатга аралашаётган сира майл билдирмаётганига ишонч ҳосил қилганча, у извош кунжагига суянди-да, миясига келаётган ҳар турли тахминларни хаёлидан ўтказа бошлади.

Лекин чорак соат кечгач, шунча узоқ юраётганларидан таажжубда, уни қай тарафга олиб кетаётганларини кўриш истагида у извош деразасига энгашди. Иморатлар ортиқ кўринмас, дарахтлар қоронғида бир-бирини қувлагувчи катта-катта қора шарпалар бўлиб туюларди.

Миледи сесканиб кетди.

– Биз ахир, шаҳардан чиқиб кетдик-ку, – деди у.

Ёш офицер индамай қўя қолди.

– Агар мени қаёққа олиб кетаётганингизни айтмасангиз, мен у ёғига бормайман. Сизни огоҳ этиб қўяй, муҳтарам афандим!

Унинг пўписаси ҳам бежавоб қолди.

– Ҳо, буниси қуюшқондан ортиқ! – бақириб юборди миледи. – Ёрдам беринг! Ёрдам!

Унинг фарёдига ҳеч ким садо бермади, извош эса ҳамон йўлдан шитоб филдираб бормоқда эди, офицер эса ҳайкалга айланганидай эди гўё.

Миледи, ўзига баъзи ҳолларда хос бўлган ва жуда камдан-кам, керакли таъсирини ўтказмай қолгувчи ўша ёвуз вазоҳати билан қараб қўйди; унинг кўзлари ғазабдан қоронғида чақнаб кетарди.

Ёш йигит аввалгидек пинагини бузмай ўтираверди.

Миледи эшикни очишга, ундан ўзини ташлашга уриниб кўрди.

– Эҳтиёт бўлинг, хоним, – совуққонлик билан гапирди йигит, – жонингизга жабр қилиб қўясиз.

Миледи яна ноилож ўтирди, ғазабдан унинг нафаси бўғиларди.

Офицер эгилиб унга қараб қўйди: боягина бирам гўзал бу чеҳранинг қаҳру ғазабдан бужмайиб кетгани ва қарийиб бадбуруш бўлиб қолганини кўриб, у таажжубда қолгандай эди. Агарда ўзининг кўнглига қўл солишга имкон берса, хароб бўлишини шум аёл фаҳмлади; у ўзининг рухсорига ювош ифода берди-да, аянч товуш билан гап бошлади:

– Худо ҳаққи, айтинг-чи, менга кўрсатилаётган бу зўравонликни мен кимдан кўришим керак – сизданми, сизнинг ҳукуматингизданми ёки битта-яримта душманданми?

– Сизга зўравонлик қилинаётгани йўқ, хоним, сизнинг бошингизга тушган нарса эҳтиёт чораси, холос, уни биз Англияга келгувчи барча мусофирларга татиқ этишга мажбур боляпмиз?

– Демак, сиз мени танимайсизми?

– Мен сизни умримда биринчи бор кўриб турибман.

– Виждонан айтинг-чи, мени ёмон кўргудек бирор сабабингиз йўқми?

– Ҳеч қандай, сизга онг ичаман.

Ёш йигитнинг овози бирам хотиржам, бирам совуққон, ҳаттоки юмшоқ эшитилдики, миледининг кўнгли таскин топди.

Бир соатча юрилгандан сўнг извош бутун салмоғи билан қаққайиб турган, бежирим тикланган холи қалъага қараб кетган текис йўлнинг провардидаги темир панжара олдида тўхтади. Извош филдираклари майда қумдан филдираб кетди; миледининг қулоғига қудратли бир ғулу келди-ю, у бунинг чайқалиб қояли қирғоққа урилгувчи денгиз шовқиниинигини фаҳмлади.

Извош икки пештоқ остидан ўтиб кетди ва, ниҳоят, тўртбурчак қоронғи ҳовлида тўхтади. Извошнинг эшиги шу замон очилди; ёш йигит осонгина ирғиб тушди-да, миледиға қўлини узатди, у йигитга суянди-ю, бир нав хотиржам чиқди.

– Ҳар қалай, – теварак-атрофга аланглаб олгач, нигоҳини ёш офицерга кўчириб ва унга энг фусункор табассумини ато қилиб оғиз очди миледи, – мен асираман. Лекин, ишончим комилки бу узоққа бормайди, – дея илова қилиб қўйди у, – менинг виждоним ва сизнинг сулуқатингиз шунга кафолат бўлиб хизмат қилади.

Бу мақтовли хушомадға ҳеч нима демасдан офицер белбоғи остидан ҳарбий кемалардаги боцманлар иш-

латадиган қабилдаги қумуш ҳуштакни олдида, уни уч карра ҳар гал бўлак мақомга солиб чалди. Хизматкорлар ҳозир бўлиб, жиққа терга ботган отларни ечишди ва извошни омборхонага киритиб қўйишди.

Офицер миледини ҳамон ўша тавозе ҳамда сиполик билан уйга таклиф этди. Миледи чеҳрасида табасумини ўзгартирмай унинг қўлтиғидан олди-да, у билан ичкарисида гумбазсимон шифтли, фақат тўриси ёритилган даҳлизга айланма тош зинапояга элтгуччи пастаккина эшиқдан кирди. Зинадан чиқиб миледи билан офицер вазндор эшик олдида тўхтадилар: ёш йигит қалитни қулфга солди, эшик қийинлик билан ошиқ-мошиқларида салмоқли айланди-да, миледига кўзланган хонага йўл очди.

Асира бир кўз ташлашда бўлманинг бутун икир-чирларигача разм солиб бўлди.

Унинг жиҳозлари қамоққа ҳам, эркин одам бошпанасига ҳам бир меъёрда яроқли, бироқ деразалардаги панжаралар ва эшиқдаги ташқи тамба бу – қамоқ деган фикрга солиб кўярди.

Ҳар қалай энг оғир синовларда чиниққан бу аёлни бир зумга маънавий қуввати тарк этди; у ўзини креслога ташлаб, қўлларини қовуштирди-да, хонага ҳакам кириб келиб, ўзини сўроққа тутишини безиллаб қута бошлади.

Лекин сандиқ ва қутиларни олиб кириб, уларни кунжакка жойлаштирган ва унсиз чиқиб кетган бир-иккита денгиз пиёда аскари демаса ҳеч ким кирмади.

Офицер ҳамон ўша муттасил хотиржамлиги билан сўз қотмасдан қўл ҳаракати-ю, ҳуштак билан фармоиш берган қўйи аскарларни бошқармоқда эди. Бу киши билан унинг измидаги одамлар учун тил мавжуд эмас ёки ортиқчалик қилиб қолган деган хаёлга бориш мумкин эди.

Ниҳоят, миледи чидаб тура олмади-да, сукунатни бузди.

– Худо ҳаққи, муҳтарам афандим, изоҳлаб беринг, буларнинг ҳаммасининг маъноси нима? – сўради у. – Менинг таажжубларимни бартараф этинг! Мен ақлим бовар қиладиган ҳар қандай хавф-хатарга, фаҳмим етадиган ҳар қандай фалокатга бардош бермоқ учун кифоя қилгудек матонатга эгаман. Мен қаердаман, ким сифатида мен бу ердаман? Агар эрким ўзимда бўлса, бу темир панжаралар ва эшиклар нечун? Агар мен банди бўлсам, жиноятим нима?

– Сиз ўзингизга атаб ажратилган хонадасиз, хоним. Мен денгиз бўйида сизга пешвоз чиқишга ва сизни шу ерга, қалъага келтиришга фармойиш олганман. Назаримда, мен бу фармойишни аскар кишининг бор субути ва шу билан бирга дворян кишининг бор сулуқати билан адо этдим. Зиммамга юкланган сиз хусусингиздаги ташвишлар лоақал ҳозирги пайтда шу билан соқит бўлди, қолганлари ўзга шахсга алоқадор.

– Хўш, ўша ўзга шахс ўзи ким? – сўради миледи. – Менга унинг номини айтишингиз мумкинми?

Шу дақиқа зинадан шпораларнинг қаттиқ жаранги эшитилди ва аллакимларнинг товушлари келди, сўнгра ҳаммаси тинди-ю, эшик сари яқинлашиб келгувчи кишининг оёқ шарпалари эшитилиб турди, холос.

– Мана ўша ўзга шахс, хоним, – деди офицер, эшикдан нари кетиб, илтифотли бир қиёфада қотиб қолганича.

Эшик ланг очилди-ю, бўсағада бир киши пайдо бўлди.

У шляпасиз, ёнида қиличи бор эди, қўлларида дастрўмолини асабийғижимларди.

Миледи бу нимқоронғиликда турган қоматни танигандай бўлиб кетди; у кресло суюнчиғига тиралиб олди-да, ўз тахминларига қаноат ҳосил қилмоқчи бўлиб олдинга интилди.

Нотаниш киши аста-секин яқин кела бошлади ва у чироқдан таралгувчи нур оқимиға кира боргани са-

йин миледи беихтиёр кресло ичига тобора кўпроқ чўкиб борарди.

Ўзида ортиқ сира шак-шубҳа қолмагач, у тамом эсанкираб, қичқириб юборди:

– Қандай! Лорд Винтер? Сизми?

– Ҳа, дилбар хоним! – ярим тавозели, ярим истеҳ-золи таъзим бажо келтириб жавоб берди лорд Винтер. – Худди ўзимман.

– Бундан чиқди бу қалъа...

– Меники.

– Бу хона-чи?

– Сизники.

– Ҳали мен сизнинг асирангиз эканман-да?

– Қарийб.

– Бироқ, бу разилонга зўравонлик-ку!

– Баландпарвоз сўзларни қўйинг, ўтирайлик-да, ака-сингилга ўхшаб бир бафуржа суҳбатлашайлик.

У эшик томонга ўгирилиб қаради ва ёш офицернинг кейинги фармойишларга мунтазирлигини кўриб, деди:

– Яхши, сизга ташаккур! Энди эса, жаноб Фельтон, бизни холи қолдиринг.

XX

Ака-сингил суҳбати

Лорд Винтер эшикни қулфлаб, дарчаларни берки-тиб ва ўз курсисини келинининг креслоси ёнига сургунча миледи чуқур ўйга толиб, ҳар турли тахминларни хаёлидан ўтказарди ва, ниҳоят, ўзининг кимнинг қўлига тушганлигини англай олмай турган чоғида ҳатто ўйига ҳам келмаган бу ўзига қарши қаратилган махфий режани тушуниб олди.

Миледи ўз қайнағаси билан танишлиги асносида у – асл дворян, учига чиққан товламачи, устаси фаранг қиморбоз, аёллар кетидан судралиб юришни ёқтиради, лекин фитна олиб бориш уқуви йўқроқ деган хулоса чиқарди. Ахир қандай қилиб миледининг кели-

шидан хабар топиши ва уни тутиб олиши мумкин? Уни қулф остида олиб ўтиришининг боиси нима?

Тўғри, Атос гап орасида бир-икки сўз айтган бўлиб, ундан миледи, ўзининг кардинал билан суҳбатини бегоналар эшитиб қолган, деган қарорга келган эди. Лекин Атоснинг шу қадар шитоб ва дадил муқобил чоралар кўришининг уддасидан чиқишига миледининг ҳаргиз кўзи етмасди.

Миледи кўпроқ ўзининг Англиядаги эски қилмишлари юзага чиқиб қолдимикан деб хавфсирарди. Бэкингем икки олмос шокилани унинг қирқиб олганини фаҳмлаб қолган бўлиши ва ўша хиёрати учун ундан қасос олиши мумкин эди; лекин аёл кишига нисбатан зўравонлик қилиш, хусусан, агар уни ўзи рашк таъсирида ҳаракат қилган деб ҳисоблаган тақдирда, Бэкингемнинг қўлидан келмасди.

Бу тахмин миледига эҳтимолга энг яқин бўлиб туюлди: у келажакнинг олдини олиш эмас, балки ўтмиш учун ўзидан қасос олиш истагидалар, деб хаёл қилди.

Нима бўлганда ҳам у ҳақиқий доно душманнинг қўлига эмас, балки ўз қайнағасининг қўлига тушганига қувонарди ва ундан осонгина қутулиб кетишга умид боғларди.

– Ҳа, гаплашиб олайлик, муҳтарам оға, – деди миледи, лорд Винтер нечоғли писмиқлик қилмасин, ўзининг келгуси хатти-ҳаракати учун зарур ҳамма нарсани шу суҳбатдан билиб олишни чўтлаб хийла қувноқ алфозда.

– Хуллас, сиз, – гап бошлади лорд Винтер. – Англияга қадам босмаганим бўлсин, деб менга кўп бора билдирган қарорингизда хилоф равишда барибир Англияга қайтиб келибсиз-да?

Миледи саволга савол билан жавоб қилди:

– Энг аввало менга изоҳлаб беринг, қандай қилиб сиз устимдан шундай қаттиқ назорат ўрната олдингизки, нафақат менинг ташрифимдан, балки, қай кун ва қай соатда, қай гаванга келишимдан ҳам олдиндан воқиф эдингиз?

Лорд Винтер келинининг суҳбат усулини кўриб, энг дурусти шу бўлса керак деган тахмин билан худди миледи тутган йўлни танлади.

– Аввал сиз Англияга нега қадам ранжида қилганингизни гапириб беринг, муҳтарама синглим? – эътироз билдирди у.

– Мен сиз билан дийдор кўришгани келдим, – бу жавоби билан қайнағасининг кўнглидаги д’Артаньяннинг мактуби туғдирган шубҳаларни беихтиёр кучайтириб юбораётганидан беҳабар ва бу фириб билан ўз ҳамсуҳбатининг илтифотини қозониш илинжида жавоб берди миледи.

– Шундай денг, мен билан дийдор кўришганими? – қовоғи солиниб қайта сўради лорд Винтер.

– Ҳа, албатта, сиз билан дийдор кўришгани. Бунинг нимаси ажабланарли?

– Бундан чиқди сизни Англияга ёлғиз мен билан дийдор кўришиш истаги келтирибди-да, ҳеч қандай бошқа мақсадингиз йўқмиди?

– Йўқ.

– Бундан чиқди ёлғиз мени деб сиз Ламаншдан сузиб ўтишдек оворагарчиликни бўйнингизга олибсиз-да?

– Ёлғиз сизни деб.

– Азбаройи шифо! Ана оқибат-у, мана оқибат, синглим!

– Мен сизнинг энг яқин қариндошингиз эмасманми, ахир? – товушида сел қилгувчи соддаликни ифодалаб сўради миледи.

– Ҳам ҳатто менинг бирдан-бир меросхўрим ҳам-а, шундай эмасми? – миледига тик қараб ўз навбатида сўради лорд Винтер.

Ўзининг бор иродасига қарамасдан миледи беихтиёр қалтираб кетди ва шу сўзларни айта туриб лорд Винтер кўлини келини кифтига қўйганлиги сабабли бу титроқ унинг диққатидан четда қолмади.

Зарба ҳақиқатан ҳам мўлжалга бориб тегди-ю, жонжонидан ўтиб кетди.

Миледи дастлаб ўзини Кетти сотган, деб ўйлади, сўнгра эса миледи эҳтиётсизлик қилиб канизи олдидан фош қилиб қўйган унга нисбатан таъмагирли ва шу боисдан ғаразли муносабатни баронга Кетти айтиб берган деган фикр келди; у яна қайнағасининг ҳаёти-ни сақлаб қолгандан кейин ўзининг д'Артаньянга қилган қаҳрли ва эҳтиётсиз ҳамласини эсга олди.

– Мен тушунмай турибман, милорд, – деб фурсат ютмоқ ва ўз рақибининг ичидаги гапини айтишга мажбур этмоқ учун ўсмоқчилади у, – сиз нима демоқчи бўляпсиз? Гапингизнинг тагида гап бор бўлмасин яна?

– Албатта, йўқ, – ясама кўнгилчанлик билан деди лорд Винтер. – Сизда мени бир кўриб кетиш истаги туғилади ҳамда сиз Англияга келасиз. Мен бу истакдан хабар топиб қоламан ёки гапнинг очиғи кўнглим сезади, тунда келишнинг барча дилсиёҳликларидан ва тушишнинг барча мушкулотларидан сизни фориф этгани офицерларимдан бирини истиқболингизга юбораман. Мен яна унинг ихтиёрига извош бериб қўяман ҳамда у шу ерга – мен қатнаб турадиган, мен сизга хона ҳозирлашни буюрган, мен нозири бўлмиш шу қалъага сизни ўзларининг икки томонлама дийдор кўришиш истагини қондирсинлар деб келтириб қўяди. Буларнинг ҳаммаси сизнинг менга айтган гапларингиздан ҳам бадтар ажабланарли бўлиб туюляптими ҳали сизга?

– Йўқ, мен фақат сизнинг менинг келишим борасида огоҳ этилганингизни ажабланарли деб топяпман.

– Э, бунисининг изоҳи жуда жўн, муҳтарама синглим: портга киришга рухсат олиш учун кемангизнинг капитани рейдга туришдан олдин кема журнали ҳамда команда аъзолари билан йўловчиларнинг рўйхатини кичикроқ қайиқ орқали илгарироқ юборганини пайқамадингизми, ахир? Мен порт бошлиғиман, ўша рўйхатни менга келтириб беришди ҳамда мен ундан сизнинг номингизни ўқиб қолдим. Юрагим менга ҳозир тилингиз тасдиқлаб берган нарсаларни айтди: нима-

ни деб сиз эндиликда кўп мушкул бўлиб қолган денгиздан ошиш, хавф-хатарларга ўзингизни дучор қилганингизни тушуниб олдим-да, сизга пешвоз ўз катеримни юбордим. Қолганлари сизга маълум.

Миледи лорд Винтернинг ёлғон гапирётганини фаҳмлади ҳамда бу уни баттар кўрқитиб юборди.

– Муҳтарам оға, – тилга кирди у яна, – бугун кечқурун гаванга кираётганимизда тўлқинтўсар устида кўрганим милорд Бэкингем эмасмиди?

– Ҳа, ўша. Ҳа-а, тушуниб турибман! Уни кўриб қолиб сиз ҳаяжонга тушгансиз: сиз унинг хаёли, афтидан, ҳаммани ташвишга солиб қўйган мамлакатдан келгансиз, унинг уруш тадориклари дўстингиз кардинални жуда овора қилиб қўйганидан ҳам хабарим бор.

– Менинг дўстим кардинални?! – қичқириб юборди миледи бу жиҳатдан ҳам лорд Винтер сиёқидан яхши огоҳлигига амин бўлиб деди.

– У киши сизнинг дўстингиз эмасми, ахир? – парвойи фалак бир тарзда сўради барон. – Агар янглишган бўлсам узр: менга шундай туюлар эди. Лекин милорд герсогга кейин қайтармиз, ҳозир эса ўша суҳбатимиз кирган ўта таъсирли йўналишдан чекинмайлик. Гапингизга қараганда, мени бир кўриб ўтай деб келибсиз-да?

– Ҳа.

– Илож қанча, мен сизга ҳаммаси хоҳишингизга мувофиқ, ташкил этилган ҳамда биз ҳар кун кўришиб турамыз, деб жавоб қилдим.

– Нима энди, мен шу ерда умрбод қолиб кетишим керакми? – даҳшат аралаш сўради миледи.

– Эҳтимол, бу ердаги баъзи нарсалар сизга малол келаётгандир, синглим! Нима камчилик бўлса талаб қилаверинг, мен ҳаммасини муҳайё қилишга уринаман.

– Менда на чўрилар, на қароллар бор...

– Буларнинг ҳаммаси сизда бўлади, хоним. Менга айтинг-чи, биринчи эрингиз даврида рўзгорингиз қан-

дай эди, гарчи мен атиги қайнаға бўлсам-да, ҳаммасини ўша мақомга солиб бераман.

– Биринчи эрим даврида? – лорд Винтерга паришон кўзларини бақрайтириб деди миледи.

– Ҳа, француз эрингиз даврида, мен ўз акам хусусида гапирмаяпман... Дарвоқе, мабодо буни фаромуш қилган бўлсангиз, у ҳали барҳаётлиги важҳидан мен унга ёзиб юборишим мумкин, у киши зарур маълумотларни менга хабар қилади.

Миледининг манглайдан совуқ тер чиқиб кетди.

– Сиз ҳазил қиляпсиз! – овози бўғилиб гапирди у.

– Нима, мен ҳазилкашга ўхшайманми? – ўрнидан турган ва бир қадам тисарилган кўйи сўради барон.

– Ёки очиги мени ҳақорат қиляпсиз, – бармоқларини кресло суюнчиғига жон ҳолатда қадаб ва кўзғалиб кўйиб давом этди миледи.

– Сизни ҳақорат қиляпманми? – ижирғаниб кулимсиради лорд Винтер. – Наинки бунинг иложи бор деб ўйласангиз, хоним?

– Муҳтарам афандим, сиз ё мастсиз, ё ақлдан озгансиз, – деди миледи, – йўқолинг бу ердан ва менга хизмат қилиш учун бирорта аёл юборинг.

– Аёллар маҳмадона бўлади, синглим! Мен сизга оқсоч ўрнини боса олмайманми? Шу зайл оилавий сирларимизнинг ҳаммаси ошкор бўлмайди.

– Имонсиз! – ғазаби қайнаб қичқирди миледи ва қўлларини қовуштириб, лекин ҳар тугил биттасини қилич сопига кўйиб шай турган баронга ташланди.

– Ие! – деди у. – Мен одамларни ўлдириш одатингиз борлигини биламан, лекин огоҳ этаман, мен сизга қарши бўлса ҳам ўзимни ҳимоя қила оламан.

– О, нимасини айтасиз, – деди миледи, – аёл нарсага қўл кўтаришдан сиз ор қилмассиз.

– Ҳа, балким. Бунинг устига бирор дастак топиб қоларман: менинг қўлим, чамамда, сизга кўтарилгувчи биринчи эркак қўли бўлмас.

Лорд Винтер айбловчи оҳиста ишора билан деярдли қўлини тегизиб, миледининг чап кифтини кўрсатди.

Миледи ириллашга ўхшаш бўғиқ нола қилди-да, худди сакрашга чоғланган қоплон сингари хонанинг энг ичкари кунжагига тисарилди.

– Кўнглингиз тусаганича ириллайверинг, – деди бо-сиқлик билан лорд Винтер, – лекин тишлашга урина кўрманг! Зеро, огоҳ этиб қўяй, сиз учун бунинг оқиба-ти ёмон бўлади: бу ерда мерос ҳуқуқларини аниқлаб бергувчи прокурорлар йўқ, дарвеш валлампатлар йўқки, мен тутқун этган гузал хоним касофатига мени муборазага чақирсалар, лекин шай турган ҳакамла-рим бор, зарур келиб қолган тақдирда улар беҳаёли-ги, бошида тирик эри туриб, менинг акам лорд Вин-тернинг қўйнига кириб олишгача бориб етган аёлнинг жазосини беришади ҳамда огоҳ этаманки, бу ҳакам-лар сизнинг бир кифтингизни иккинчисига ўхшатиб қўяжак жаллодлар қўлига топширадилар.

Миледининг кўзлари ғазабдан бирам чақнаб кетди-ки, лорд Винтер гарчи эркак киши бўлса-да ҳамда қуролсиз аёл қаршисида қуролланган ҳолда турган бўлса-да, кўнглида ваҳима кўзғалганини ҳис қилди. Лекин барибир у энди ғазаби авж олиб гапиришда да-вом этарди:

– Ҳа, тушуниб турибман, акамнинг меросидан ке-йин менинг мол-мулкимга ҳам ворис бўлиб олсангиз жон дердингиз. Лекин олдиндан билиб қўйинг: мени ўлдиришингиз мумкин, ёнимга қотил юборишингиз мумкин – мен бу ҳолни кўзда тутиб эҳтиёт чоралари-ни кўриб қўйдим: мулкимдаги нарсалардан бирор пен-ниси сизнинг қўлингизга ўтмайди. Пулингиз миллион-га яқин бўлса-ю, давлатингиз етмайдими, ахир? Мудом ёвузлик қилавериб, қониқмаган бўлсангиз ҳам бу ҳало-катли йўлингизда тўхташ пайти келмадимикан? О, га-пимга ишонинг, агарда акам хотираси мен учун му-қаддас бўлмаганда эди, мен сизни бирорта давлат

қамоқхонасида чиритиб юборган ёки оломонга эрмак қилиб Тайбернга⁵⁷ жўнатиб юборган бўлардим. Мен тек юраман, лекин сиз ҳам ҳибсдан нолимасдан бардош беришга мажбурсиз. Ўн беш-йигирма кунлардан кейин мен армия билан Ларошелга жўнаб кетаман, лекин жўнашим арафасида сизга кема келади, у менинг кўз ўнгимда жўнаб, сизни жанубий мустамлакаларимизга элтиб қўяди. Мен ёнингизга одам тайинлаб қўяман ва хотиржам бўлингки, Англияга ёки қитъага қайтишга дастлабки уринишингиздаёқ у манглайингиздан дарча очиб қўяди.

Миледи зеҳн қўйиб, диққат билан тинглаганидан унинг чақноқ кўзларининг қорачиғлари кенгайиб кетган эди.

– Ҳа, энди сиз шу қалъада кун кечирасиз, – дея давом этарди лорд Винтер. – Унинг деворлари қалин, эшиклари жуда вазмин, деразадаги панжаралари пухта: бунинг устига деразангиз денгизнинг нақ устигинасида жойлашган. Экипажимдаги менга садоқати чексиз одамлар шу хона тагида посбонлик қилишмоқда ҳамда ҳовлига элтгувчи барча йўлларни қуриқлашмоқда. Борди-ю, сиз у ерга чиқиб олганингизда ҳам яна учта темир панжаралардан ўтиб олишингизга тўғри келган бўларди. Қатъий фармойиш берилган: қочишга уринишдан далолат бергувчи бирор қадам, бирор ҳаракат, бирор сўз зоҳир этсангиз кифоя – сизга қараб отадилар. Башарти, сизни ўлдириб қўйсалар, ишонаманки, адолатли инглиз ҳакам аҳли оворагарчиликдан халос қилганим учун мenden миннатдор бўлади... афтингизда аввалги хотиржамлик ва манманлик аломати пайдо бўлди-ку! Сиз ўзингизча мулоҳаза қилиясиз: «Ўн беш-йигирма кун... Ҳечқиси йўқ, менинг ақлим топқир, у пайтга бориб бирор нарса ўйлаб топарман!

⁵⁷ Тайберн – эски Лондондаги очиқ жазо амалга ошириладиган гузар.

Мен ўлгудек ақллиман, битта-яримта қурбон топарман. Ўн беш кундан кейин мен бу ерда бўлмайман»... – деяпсиз сиз ўзингиз... Майли, бир уриниб кўринг!

Миледи, лорд Винтер фикрларини пайқаб қолганини кўриб руҳиятининг ўз чехрасига ҳасратли ғам ифодасидан бўлак бирор маъно бериши мумкин бўлган заррача қўзғалишини ҳам босишга уриниб, тирноқларини кафтларига санчганча ўтирарди.

Лорд Винтер давом этарди:

– Мен йўғимда бу ерда бошлиқ бўлиб қолажак офицерни кўриб қўйдингиз ва, бинобарин, уни таниб олдингиз. У ўзингиз қаноат ҳосил қилганингиздек фармойишларни ижро этишни билади: Портсмутдан бу ерга келишда сиз, албатта мен сизни биламан-ку, уни гапга аралаштиришга уриниб кўргансиз. Хўш, нима дейсиз? Мармар ҳайкал ундан камсуханроқ ва лоқайд-роқ бўлиши мумкинми? Сиз ўз фусунларингиз ҳукминини кўпларда синаб кўргансиз ва таассуфки, муттасил муваффақият билан. Уни шу одамда ҳам бир синаб кўринг-а ва, азбаройи шифо, ўйларингиз устидан чиқсангиз, сиз азроилнинг ўзисиз деб кафил бўлишга тайёрман!

Лорд Винтер эшик тагига борди-да, уни кескин ҳаракат билан очди.

– Ҳузуримга жаноб Фельтон чақирилсин? – фармойиш берди у ва миледига мурожаат этиб деди: – Ҳозир мен уни сизга таништираман.

Бу икки зот ўртасида оғир сукунат ҳукм суриб қолди; сўнгра чўккан сукунат ичида хона томон яқинлашиб келгувчи оҳиста ва бир маромдаги қадамлар эшитилди. Ҳадемай даҳлизнинг нимқоронғисида одам қомати кўзга чалинди ҳамда биз танишиб бўлган ёш лейтенант барон буйруқларини кутиб, бўсағада тўхтади.

– Киригиз, азизим Джон, – гап бошлади Лорд Винтер, – киригиз-да, эшикни ёпиб қўйингиз.

Офицер кирди.

– Энди эса, – гапида давом этди барон, – мана бу аёлга қаранг. У ёш, у гўзал, у барча фоний фусунларга молиқдир. Хўш! Бу атиги йигирма беш яшар дўзахи шунча жиноятлар қилиб кўйганки, бундай саноққа сиз ҳакамларимизнинг бир йиллик архивини титиб ҳам ета олмайсиз. Овози у фойдасига мойил этади, хусни эса қурбон учун хўраклик қилади, тани у ваъда этган нарсани тўлайди – бу жиҳатдан унга тан бермоқ керак. У сизни ром қилишга, балки ҳатто ўлдиришга уриниб кўради. Мен сизни муҳтожликдан чиқариб олдим, мен сизга лейтенантлик рутбасини бердим, мен бир қур сизнинг ҳаётингизни сақлаб қолдим – қандай шароитдалиги эсингизда. Мен нафақат ҳомий, балки дўст ҳам бўламан, нафақат валинеъмат, балки ота ҳам бўламан. Бу аёл менинг ҳаётимга суиқасд этгани Англияга қайтиб келди. Мен бу илонни қўлимда ушлаб турибман, мана энди сизни чақириб олиб илтимос қилипман: дўстгинам, Фельтон, Джон бўтам, мени эҳтиёт қил, хусусан эса ўзинг бу аёлдан ҳазар қил. Уни лойиқ жазо учун сақлаб қолишга имонинг ҳаққи қасам ич. Джон Фельтон, мен сенинг сўзингга ишонаман! Джон Фельтон, мен сенинг виждонингга ишонаман!

– Милорд, – миледига ташлаган назарига ўз қалбидан топа олган бор нафратини жо этиб жавоб берди ёш офицер, – милорд, сизга қасам ичиб айтаманки, ҳаммаси кўнглингиздагидек бўлади.

Миледи ожиза бир қурбон сиёқида бу нигоҳга чидаш берди; унинг гўзал юзида чизилгандан итоатлироқ ва беозорроқ ифодани тасаввурга сиғдиришнинг иложи йўқ эди. Лорд Винтер бундан бир дақиқа бурун ўзи олишишга чоғланган арслонни унинг сиймосида базўр таниди.

– У бу хонадан чиқмаслиги шарт, эшитяпсизми, Джон? – гапини давом эттирарди лорд Винтер. – У ҳеч ким билан муҳобарада бўлмаслиги шарт, уни сўзлашиш шарафига ноил этсангиз, сиздан бўлак ҳеч ким билан гаплашмаслиги шарт.

– Мен қасам ичдим, милорд, шу кифоя.

– Энди бўлса, хоним олло-таоло билан муроса қилишга ҳаракат қилинг, зеро инсон ҳукми бошингизга тушди.

Миледи бўйнини эгиб, мулзам туриб қолди.

Лорд Винтер қўл имоси билан Фельтонни ортидан юришга таклиф қилди-да, хонадан чиқиб кетди. Фельтон унинг изидан чиқди-ю, эшикни қулфлади.

Бир зум ўтгач, даҳлизда белида ойболта, қўлида мушкет билан эшик тагида қоровулликда тургувчи денгиз пиёда аскарининг вазмин қадамлари эшитилди.

Миледи, ўзини калит тешигидан кузатишяпти, деган хаёлда бир-икки дақиқа ўша ҳолатида қолди, кейин у секин бошини кўтарди-ю, юзига қайтадан ваҳимали таҳлика ва қаршилиқ ифодаси югурди. У эшик ёнига чопиб борди-да, қулоқ солиб турди, сўнгра деразага қараб қўйди, ундан нари кетиб, каттакон креслога чўкиб, ўйга толди.

XXI

Офицер

Бу ўртада кардинал Англиядан бирор хабар кутар, лекин кўнгилсиз ва таҳдидли хабарлардан бўлак ҳеч қандай дарак келмасди.

Гарчи Парошел ҳалқада қисилиб қолган, гарчи қамал муваффақияти кўрилган тадбирлар шарофати, хусусан эса қайиқларнинг қамалдаги шаҳарга киришига тўсқинлик қилиб турган тўғон шарофати билан муқаррар туюлса-да, шунга қарамасдан, Людовик XIII билан Анна Австрийскаяни уриштиришга ортиқ ҳожат қолмаган эди, лекин герсог Ангилемский билан айтишиб қолган жаноб де Бассомперни яраштириши лозим бўлган кардиналнинг кайфини бузиб, қирол лашкарларини зўр иснодга қолдириб, қамал ҳали яна кўп чўзилиши эҳтимоли бор эди.

Қиролнинг укасига келганда, у қамални бошлаб берди, холос, уни тугатиш ғамини эса кардиналга ташлаб кўйди.

Шаҳар ўз мерининг фавқулодда саботини юзхотир қилмасдан таслим бўлмоқчи эди ва шу боисдан ғалаён кўтаришга уриниб кўрди, лекин мер исёнчиларни осишга буюрди. Бу қатл энг қизиққон бошларни ҳам совутди-ю, улар ундан кўра очликдан сулайиб қолган маъқул деб аҳд қилдилар: уларга бу хил ҳалокат дордаги ажалдан анча давомли ва анча бетайинроқ бўлиб туюларди.

Қамал этгувчилар ҳар замонда парошелликлар Бэкингем ҳузурига жўнатган чопарларни ёки Бэкингем парошелликлар ёнига юборган жосусларни тутиб олардилар. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам ҳукм қисқа бўлиб, кардинал «Осилсин», – деган биргина сўзни айтар эди. Қатлни томоша қилишга қиролни таклиф этардилар. Қирол истар-истамас юриб келар ва маросимни батафсил кўриш учун қулай жойга туриб оларди. Бу нарса унинг зерикишига ва ҳар дақиқа Парижга қайтиши мавзусида сўз юритишга монелик қилмаса-да, лекин барибир бу нарса ҳарна унинг кўнглини очар, кўпроқ бардош билан аламини ичига ютишга мажбур этардики, хуллас, чопарлару жосуслар бўлмаган ҳолда падари бузруквор ўзининг бор топқирлигидан қатъи назар жуда мушкул аҳволда қолган бўларди.

Бироқ вақт ўтиб борар, парошелликлар эса бўш келмасдилар. Хужумкорлар қўлга туширган сўнги чопар Бэкингемга мактуб олиб кетмоқда эди. Рост, мактубда шаҳар ниҳоятда ночор аҳволга тушиб қолгани маълум қилинади, лекин унинг охирида: «Агар сизнинг кўмагингиз икки ҳафта ичида етиб келмаса, биз таслим бўламиз», – деган гап йўқ, балки шунчаки: «Агар сизнинг кўмагингиз икки ҳафта ичида етиб келмаса, то у етиб келар пайтга бориб биз ҳаммамиз очлигимиздан ўлиб кетамиз» – дейилган эди.

Хуллас, ларошелликлар ёлғиз Бэкингемга умид боғламоқда эдилар. Бэкингем уларнинг нажот фаришта-си эди. Борди-ю, Бэкингемга умид боғлашга ҳожат қолмагани уларга аниқ маълум бўлиб қолганда эди, улар умидларига қўшиб матонатини ҳам бой бериб қўйиши турган гап эди.

Шу боисдан кардинал Англиядан Бэкингемнинг Ларошелга етиб келмаслиги хусусида хабарларни тоқати тоқ бўлиб кутарди.

Шаҳарни бир забт билан биратўла босиб олиш масаласи қирол кенгашларида тез-тез муҳокама қилиниб турарди, лекин уни ҳамиша рад этардилар: биринчидан, Ларошел мустаҳкам кўринар, иккинчидан эса кардинал ўзи нималар деб юрганда ҳам французларнинг французларга қарши жанг қилишига тўғри келадиган бу хил хунрезлик сиёсатда олтмиш йил орқага чекиниш бўлишига жуда яхши фаҳми етарди, кардинал эса, ҳозир таъбир қилишларича, ўз замонаси учун илғор киши бўлганди. Дарҳақиқат, Ларошелни тор-мор келтириш ва таслим бўлишга кўнгандан кўра ўлимига рози уч ёки тўрт минг гугенотларни ўлдириш 1628 йилнинг ўзида 1572 йилнинг Варфоломеев тунига ҳаддан ташқари ўхшаб кетган бўларди ҳамда оқибат натижада ашаддий католик сифатида қиролнинг ўзи ҳам ҳаргиз ҳазар қилмаётган бу ноилож чора қуйидаги Ларошелни очликдан ўзгача йўл билан қўлга киритиб бўлмайди, деган дастакни рўкач қилгувчи қамалчи генераллар томонидан мудом рад этилиб келинарни.

Кардинал ўзининг даҳшатли вакиласи солаётган юрагидаги беихтиёр ғулғулани фориг қилолмасди: у ҳам ҳали илон, ҳали арслон бўлиб туюлгувчи бу аёлнинг ғалати хусусиятларини пайқаб қолган эди. Унга вакиласи хиёнат қилмадимикан? Ўлиб қолмадимикин? Нима бўлганда ҳам кардинал уни етарли даражада яхши ўрганиб олган ҳамда билардики, у ўзининг манфаати учун ёки ўзига қарши ҳаракат қилиб юрибди-

ми, унга дўст ёки душманми бундан қатъи назар фақат агар бунга уни катта ғовлар мажбур қилиб қўйган бўлса, у бекор юрмапти. Бироқ бундай ғовлар қайдан ҳам пайдо бўлсин? Кардинал мана шунинг тагига етолмай доғда эди.

Дарвоқе, у миледига қаттиқ ишонарди, бунга асос ҳам йўқ эмас эди: бу аёлнинг ўтмиши фақат ўзининг алвон ридосигина ёпиб қолиши мумкин даҳшатли нарсаларни пинҳон тутишига унинг фаҳми етиб турарди ҳамда у ё бу сабабга қўра бу аёл унга содиқлигини сезиб турарди, зеро, ўзига таҳдид солаётган хавф-хатарга қарши ёлғиз кардиналдан паноҳ ва мадад топа олиши мумкин.

Хуллас, у урушни танҳо ўзи олиб боришга ва четдан мададни – бахтли тасодифни кутганларидек кутишга жазм қилди. У Парошел аҳолисини очликдан нобуд қилиши лозим машҳур тўғонни барпо этишда давом этарди. Шу нарса илинжида шунча даҳшатли фалокатларни ва шунча қаҳрамонона эзгуликларни ўз ичида жо этган бахтиқора шаҳарни томоша қилган кўйи у ўзи Робеспернинг ўтмишдоши бўлгани каби ўзига ўтмишдош бўлмиш Людовик XI нинг сўзларини хотирга олди. Тристан⁵⁸ нинг ҳомийсининг қоидасини хотирга олди: «Хукмронлик қилмоқ учун бўлиб ташла».

Парижни қамал қилишда Генрих IV шаҳар деворларидан ошириб нон ва бошқа егулик озуқалар ташлашни буюрган эди; кардинал эса сардорларининг хатти-ҳаракатлари нақадар ноҳақ, худбин ва шафқатсизлигини парошелликларга уқтириб, шахсан ўзи битган мактубларни ташлаб туришга фармойиш берди. Бу сардорларда нон сероб бўлса ҳам, лекин улар аҳолига улашиб бермас эдилар; улар амал қилган қоида (уларнинг ҳам ўз қонун-қоидаси бўлган) шу эди-

⁵⁸ Тристан – Людовик XI даврининг давлат арбоби (XV аср).

ки – аёллар, чоллар ва ёш болалар ўлиб кетса фарқи йўқ, шаҳар деворларини мудрофаа қилиш бурчи бўлмиш эркаклар соғлом ва бақувват қолсалар бас. Тўғри, у пайтга бориб бу қоида ҳали оммавий равишда татбиқ қилинмаганди, лекин аҳолининг унга қарши туришга ожизлиги оқибатидами, уларнинг фидойилиги оқибатидами у назариядан амалга ўтиб бўлган эди; кардиналнинг хуфия мактублари унинг шаксизлигига, ишончга путур етказди, мактублар эркакларга ўлимга маҳкум ёш болалар, аёллар ва мўйсафидлар, уларнинг ўғиллари, хотинлари ва оталари бўлишини, умумий офатни ҳамма кўрган тақдирдагина адолатлироқ бўлишини ҳамда у ҳолда бошга тушган умумий кулфат аҳолини яқдил қарорларга олиб келажагини эслатиб турарди.

Бу хуфия мактублар худди уларни битган киши кутган таъсирини ўтказди: талай фуқароларни қирол армияси билан бир томонлама музокараларга бош қўшишга мойил қилди.

Лекин сўнг кардинал ўзи синовдан ўтказган воситанинг самараларини кўрган ва уни ишга солганидан қувониб турган бир пайтда Ларошел фуқароларидан бири қирол лашкарлари чизифидан ўтишнинг уддасидан чиқиб – ёлғиз худо билади, ўз навбатида кардиналнинг сергак назорати остида бўлган Бассомпер, Шомберг ва герцог Ангулемскийларнинг эс-ҳушини у қандай қилиб ўғирлади экан, Ларошел фуқароларидан бирини айтяпмиз, шаҳарга тўппа-тўғри Портсмутдан кириб борди-да, у ерда нари борса бир ҳафтадан кейин сузиб кетишга шай турган ҳайбатли флотни кўрганини маълум қилди. Устига-устак: Бэкингем шаҳар ҳокимини Францияга қарши улўф иттифоқ ниҳоят тузилажасидан ҳамда инглиз, империя ва испан қўшинлари Францияга бир йўла бостириб киражасидан воқиф этган эди. Бу мактуб шаҳарнинг жамики майдонларида оммавий равишда ўқилган, унинг нусхалари чорраҳаларда осиб ташланган ҳамда ҳаттоки ўша

қирол армияси билан музокаралар бошлаганлар ҳам бу қадар тантанавор ваъда этилган мадад келгунча кута туришга қарор қилиб, уни узиб қўйган эди.

Бу ногаҳоний ҳол Ришельеда илгариги хавотирларни қўзғатди-да, уни беихтиёр яна кўзларини денгининг нариги томонига тикишга ундади.

Бу орада ўзининг ягона ва чинакам раҳнамози ташвишларидан узоқда бўлган қирол армияси шод-хурам кун кечирмоқда эди. Егулик озуқа ҳам, пул ҳам қароргоҳда мўл-кўл эди; барча қисмлар бир-бирлари билан шўхлик ва турли эрмакларда рақобат қилардилар. Жосусларни тутиб олиб уларни осмоқ, тўғонга ва денгизга қалтис сафарлар уюштирмоқ, энг бемулҳаза хуружлар қўзғамоқ ва уларни совуққонлик билан ижро этмоқ – мана армияни банд этган, очлик ва уқубатли мунтазирлик азобидаги ларошелликлар туғул уларни сабр-тўзим билан безор қилгувчи кардинал учун ҳам узоқ кечган кунлар уларни андармон этган ишлар.

Кардинал бир оддий отлик сингари нуқул от миниб юргани-юрган бўлиб, ўзи Франциянинг ҳамма тарафидан чақиртириб олган муҳандислар томонидан ўзининг бевосита раҳбарлиги остида барпо этилгувчи, унинг назарида ёмон сусткашлик билан тикланаётган истеҳкомларга ўйчан назар ташларди. Агар кезиб юрган пайтлари де Тревиль полкининг битта-яримта мушкетёрига дуч келиб қолгудай бўлса, у гоҳида унга яқинроқ йўлар, диққат билан разм солар ва бизнинг тўрт дўстимизнинг бирортасини ундан таниб олмагач, ўзининг зукко назарини ва теран идрокини бўлак нарсаларга қаратарди.

Кунлардан бир кун шаҳар билан музокаралардан ортиқ умид қилмасдан ҳамда Англиядан ҳамон ҳеч хат-хабар олмасдан ўлгудай хуноб бўлиб, кардинал ёлғиз Каюзак ва Ла Удинер ҳамроҳлигида бирон-бир мақсадсиз, фақат бир оз айланиб келмоқ учун уйдан чиқди. У қумлоқ соҳил бўйлаб сўнгсиз орзу-хаёлларга ғарқ

бўлиб, поёни йўқ океанни томоша қилиб борарди. У шошмасдан адирга ўрлаб, нарироқда, ихота қорасида бу мавсумда аҳёнда-аҳёнда мўралагувчи қуёш нурларида исиниб ётган теварагида эса бўш шишалар сочилган етти кишига кўзи тушди. Бу одамларнинг тўрттасидан бири боягина олган мактубни эшитишга тараддулланиб турган бизнинг мушкетёримиз эди. Бу мактуб чунонам муҳим эдики, улар шу мактубни деб ноғорага терилган карта ва соққаларга қарамай қўйишганди.

Қолган учтаси похолга ўроғлик каттакон колиур шароби шишасининг оғзидан сақичини кўчириш билан овора эди: булар йигитларимизнинг хизматкорлари эдилар.

Кардиналнинг, айтиб ўтганимиздек, авзойи бузуқ эди, шу кайфиятида эса ҳеч нима унинг тундлигини ўзгаларнинг вақтичоғлигичалик оширолмасди. Устига-устак унинг қизиқ феъли бор эди: у мудом бошқаларнинг хурсандчилигига сабаб айни ўзини қайғуга солиб турган нарса деб хаёл қиларди. Каюзак билан Ла Удинбергга тўхташни ишора қилиб, кардинал отдан тушди-да, қадам товушларини ўчиргувчи қум ва ўзини пана қилиб тургувчи ихота туфайли ўзига ғоят қизиқарли туюлаётган суҳбатдан бир-икки оғиз гап эшитиб қоларман, деган умидда шубҳали улфатлар сари йўналди. У ихотадан ўн қадам бериди пайдо бўлиб, гасконликнинг талаффузини таниди, бундан ҳам илгарироқ, буларнинг мушкетёрларлигини кўриб қолгани сабабли эса у қолган учтаси ўша ажралмас ошналар деб аталмишлар, яъни Атос, Портос ва Арамисларлигига ортиқ шубҳа қилмади.

Бу кашфиётдан унинг уларнинг суҳбатини эшитиб олиш истаги нақадар кучайиб кетганини тасаввур қилмоқ осон; унинг кўзлари ғалати тусга кирди-ю, у мушук юриш қилиб, ихота ёнига писиб борди. Лекин ҳеч бир аниқ маъноси йўқ бир-иккита мубҳам товушларни илғагунча бўлмай, тўсатдан баланд қўпол хитоб

уни сескантириб юборди ва мушкетёрларнинг диққатини унга жалб қилди.

– Офицер! – бақирди Гримо.

– Оғзингизни очдингиз шекилли, ярамас! – тирсақларига суйанган ва Гримога ғазабдан чақнаб кетган нигоҳини қадаган қўйи деди Атос.

Гримо ортиқ бир сўз ҳам қўшмади, фақат қўлини бигиз қилиб, бу ишора билан кардинал ва унинг маиятининг келганидан дарак бериб, ихота тарафга узатди, холос.

Бир сапчиб мушкетёрлар тикка турдилар-да, эҳтиром билан таъзим қилдилар.

Кардиналнинг сиёқидан, жон-пони чиқиб кетган эди.

– Жаноб мушкетёрлар ўзларини пойлашни буюряптилар чоғи! – гап ташлади у. – Қуруқликдан инглизлар келмаяптими ишқилиб? Ёким мушкетёрлар ўзларини катта офицер деб гумон қиляптиларми?

– Зоти олийлари, – деб Атос жавоб берди, негаки умумий саросима ичида фақат у ўзини ҳеч қачон тарк этмайдиган ўша асл кибор сиполигию совуққонлигини сақлаб қолган эди, – зоти олийлари, мушкетёрлар хизмат ўтамаган ёки хизмати тугаган пайтлари ичишади ва соққа ўйнашади, улар ҳам ўзларининг хизматкорлари учун жуда юқори мартабали офицердирлар!

– Хизматкорлармиш! – тўнғиллади кардинал. – Бирор киши ўтиб кетаётганидан ўз соҳибларини огоҳ этиш буюрилган хизматкорлар хизматкор эмас, соқчи бўладилар.

– Падари бузрукворимиз, бироқ ўзингиз кўриб турибсиз, агар биз бу эҳтиёт чорасини кўрмаганимизда сизга ўз эҳтиромимизни билдириш ва бизга қилган иноятингиз учун, ҳаммамизни бирга қўшиб қўйганингиз учун ташаккурларимизни изҳор этиш фурсатини бой бериб қўйган бўлармидик. Д'Артаньян, – гапини давом эттирди Атос, – сиз боягина зоти олийларига

фурсатини топиб, миннатдорчилигингизни билдириш истагингиз хусусида гапириб эдингиз: фурсати келди, ундан истифода қилиб қолинг.

Бу гап таҳликали дамларда Атосни ажратиб тургувчи вазмин совуққонлик билан ҳамда гоҳи дақиқалар уни туғма қироллардан ҳам шуқуҳлироқ қилиб юборгучи ўта тавозе билан айтилди.

Д'Артаньян яқин йўлаб, бир-иккита ташаккурли сўзларни ғўлдиради, лекин бирпасда кардиналнинг хо-муш нигоҳи остида гапи оғзида қолиб кетди.

– Барибир, жаноблар, – дея тилга кирди Ришелье афтидан, Атоснинг луқмаси унинг дастлабки ниятидан ҳаргиз айнитолмаганди. – Барибир жаноблар, оддий аскарларнинг ёлғиз имтиёзли қисмда хизмат ўташ афзаллигига моликлиги важҳидан ўзларини кибор мансабдорлар қилиб кўрсатиб юришларини ёқтирмайман: улар ҳамма қатори интизомга риоя қилмоқлари шарт.

Атос, кардинал гапини охиригача гапириб олишига қўйиб берди-да, маъқул маъносида таъзим қилгач, жавоб қилди:

– Биз ҳеч нима билан интизомни бузмадик, деб умид қиламан, зоти олийлари. Биз шу тобда хизмат ўтаётганимиз йўқ ҳамда ўз вақтимизни ўз майлимизча ўтказишимиз мумкин деб ўйлабмиз. Мабодо, сиз, падари бузруквор бирор махсус фармойиш бериб бизни бахтиёр этишни мақбул кўрсангиз, биз итоат этишга тайёрмиз. Ўзингиз кўриб турибсиз, зоти олийлари, – бу суроқ тоқатини тоқ қила бошлаганлиги сабабли қовоғини солиб давом этарди мушкетёр, – биз салгина хавфу хатарга ҳам шай турмоқ учун ўзимиз билан яроғларимизни ҳам ола келганмиз.

У кардиналга устида карта ва соққалар ётган ноғора олдида чорпоя қилиб тикланган тўрт мушкетга ишора қилди.

– Кўнглингиз тўқ бўлсин, падари бузруквор, агар сизни шундай кам сонли маият билан яқин йўлашин-

гизни гумон қила олганимизда эди, – қўшимча қилди д’Артаньян, – биз истиқболингизга чиққан бўлардик.

Кардинал мўйлаб ва лабларини тишлаб турарди.

– Биласизларми, қуролланган ва хизматкорлар томонидан қўриқланган ҳолда шу тобдагидек жамулжам бўлган пайтларда кимга ўхшайсизлар? – сўради кардинал. – Сизлар тўрт ифвогарга ўхшайсизлар.

– Мутлақо тўғри, зоти олийлари, – тасдиқлади Атос, – сиз падари бузруквор ўзингиз бир кун эрталаб қаноат ҳосил қилганингиздек, биз чиндан ҳам ифво қиляпмиз, фақат парошелликларга қарши.

– Э, жаноб сиёсатчилар, – ўз навбатида қовоғини уйиб эътироз билдирди кардинал, – сизларнинг мияларингизда, ўша мени кўриб яшириб қўйган мактуб сингари уларни ҳам ўқиш осон бўлганда эди, анчамунча сир-асрорнинг ечими топилиб қоларди.

Атоснинг юзлари қизариб, кардинал сари бир қадам босди.

– Биздан ҳақиқатан шубҳангиз бор, бизни сўроққа ҳам тутяпсиз, деган ўйга бормоқ мумкин, зоти олийлари. Агар шундай бўлса, падари бузруквор, лутф айлаб изоҳ берсинлар, биз ҳам лоақал нима йўл тутишни билиб оламиз.

– Хўш, бу ҳақиқатда ҳам сўроқ бўлса-чи? – эътироз билдирди кардинал. – Манман деган одамларнинг бошига ҳам сўроқ тушган, жавоб ҳам беришган, жаноб мушкетёр.

– Мен падари бузрукворга бизни сўроқ қилсангиз ихтиёрингиз деб айтганимнинг боиси ҳам шу-да, биз жавоб беришга тайёرمىз.

– Сиз ўқиётган, сўнгра эса яшириб қўйганингиз қандай мактуб, жаноб Арамис?

– Аёл кишидан бу мактуб, зоти олийлари.

– О, мен тушунаман, – деди кардинал, – бу йўриқдаги мактублар хусусида оғиз очмаган маъқул. Бироқ уларни пирга кўрсатса бўлади, менинг маълумингиздек, диний рутбам бор, ахир.

– Зоти олийлари, – шу йўсин гапираётгани ҳолда бошини хавф остига қўяётгани учун янада даҳшатлироқ сиполик билан гап бошлади Атос, – бу мактуб аёл кишидан, лекин унга на Марион Делорм, на д’Егилон хоним имзо чеккан.

Кардиналнинг ранги бўздай оқарди-ю, кўзлари беомон ўтдан чақнаб кетди. У гўё Каюзак билан Ла Удинерга фармойиш бермоқчидай ўгирилди. Атос бу ҳаракатни илғаб қолди ва ўзларини ҳибсга олдириб ўтиришга сира рағбати йўқ уч дўстининг кўзлари қадалиб турган мушкетлар томон бир қадам ташлади. Кардинал тарафда уни ўзи ҳам қўшилиб уч киши, мушкетёрлар эса хизматкорлари билан бирга етти киши эдилар. Кардинал Атос билан унинг ўртоқлари ҳақиқатан ҳам алланима хусусида пинҳона тил бириктираётганлари важҳидан ўйин яна қайта тенгсиз бўлади, деган мулоҳазага бориб қолди-да, ўзи ҳаминша шай тутгувчи кутилмаган бурилишларнинг бирига мурожаат этди: унинг бор-йўқ ғазаби табассумда эриди-кетди.

– Майли, бас, бас! – деди у. – Сизлар мард йигитларсиз: кун ёруғида мағрур, тун зулматида содиқ. Бировларни жуда ўринлатиб эҳтиёт қилганингдан кейин ўзингни ҳам авайлашнинг ёмони йўқ. Жаноблар, ўша сизлар мени «Қизил каптархона» йўлида қўриқлаган тун ҳаргиз ёдимдан чиққани йўқ. Агар ўша мен ҳозир кетажак йўлда менга бирор хавф-хатар таҳдид солганда эди, менга ҳамроҳ бўлиб боришингизни сизлардан ўтинган бўлардим, лекин ҳеч қандай хатарнинг дараги йўқлиги сабабли шу ерда қолаверинг, шишаларингизни, ўйинингизни ва мактубингизни давом эттираверинг. Хуш қолинг, жаноблар!

Каюзак келтирган отга миниб, кардинал улар билан қўл силкиб хўшлашди-да, елдек учиб кетди.

Тўрт йигит то у ғойиб бўлгунча, чурқ этмасдан турган жойида қотиб, ундан кўз узмай турди.

Сўнгра улар кўз уриштириб олишди.

Ҳаммасининг ҳафсаласи пир: дўстона хайр-маъзурга қарамасдан кардинал тутақиб кетганини улар тушуниб турардилар.

Ёлғиз Атосгина ўзининг истиғноли, нуфузли табасуми билан жилмайиб турарди. Кардинал уларни эшитолмайдиган, кўролмайдиган масофага йироқлашганидан кейин бирор кимсадан аламини олгиси келиб, жиғибийрон бўлиб турган Портос бақирди:

– Бу каллаварам Гримо кеч ўзига келди!

Гримо ўзини оқламоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди ҳамки, Атос бармоғини кўтариб қўйди-ю, Гримонинг дами ичида қолди.

– Сиз мактубни берган бўлармидингиз, Арамис? – сўради д'Артаньян.

– Мен бундай қарорга келиб тургандим, – ўзининг энг майин хуш товуши билан жавоб берди Арамис, – агар у талаб қилиб қолганда мен бир қўлим билан мактубни топширардим, бошқаси билан эса кардиналга қиличимни санчган бўлардим.

– Мен ҳам шундай деб тургандим, – деди Атос, – суҳбатга аралашганимнинг боиси мана шу. Ростини гап, бу одам эркак кишилар билан шу йўсин гаплашиб, жуда эҳтиётсизлик қилади. Уни фақат аёллар-у, гўдаклар билан муомала қилиб юрган деб ўйлаш мумкин.

– Муҳтарам Атос, мен сизга қойилман, лекин пироварди-оқибат биз барибир ҳақ эмасмиз, – эътироз билдирди д'Артаньян.

– Қанақасига ҳақ эмасмиз! – дея аччиқланди Атос. – Биз нафас олаётган ҳаво кимга қарайди? Биз нигоҳларимизни қаратгувчи океан-чи? Биз ётган қум-чи? Сизнинг маъшуқангизнинг мактуби кимга тегишли? Наҳотки кардиналга бўлса? Виждоним ҳаққи онт ичаманки, бу одам бутун жаҳон менинг измимда деб хаёл қилиб юрибди. Сиз унинг қошида туриб гарангсиб, кайфингиз учиб алланималар деб гўлдиардингиз... Кўзингизга аллақачон Бастилия кўриняпти-ю, улкан Медуза сизни тошга айлантирмоққа шай турипти, де-

ган фикрга бориш мумкин эди. Хўш, айтинг-чи, ошиқ бўлиш – ифво қилиш деган гапми, ахир? Сиз кардинал қамоқхонага гумдон қилган аёлга ошиқсиз ҳамда уни кардинал қўлидан қутқариб олмоқчисиз. Сиз падари бузруквор билан ўйин олиб бормоқдасиз, бу мактуб – сизнинг кузирингиз. Карталарингизни рақибга кўрсатиш на ҳожат? – Бу – одатдан эмас. Бунни у топиб олаверсин, бош устига! Биз унинг ўйинини топяпмиз-ку, ахир!

– Дарҳақиқат, – маъқуллади д'Артаньян, – ҳамма гапларингиз мутлақо тўғри.

– Ундай бўлса, ўтган нарсалар тўғрисида оғиз очилмасин, Арамис ҳам бўласининг мактубини кардинал узиб қўйган жойидан ўқишда давом этаверсин.

Арамис чўнтагидан мактубни олгач, уч дўсти унга яқинроқ сурилди, хизматкорлар эса яна шиша атрофида уймаланишиб қолишди.

– Сиз бир ё икки сатрини ўқидингиз, холос, – луқма ташлади д'Артаньян, – бошидан бошлай қолинг.

– Бажону дил, – жавоб берди Арамис.

«Муҳтарам бўла, мен Стенага жўнаб кетишга журъат қиламан, шекилли, опам ўша ердаги маҳаллий кармелиткалар монастирига ёшгина чўри қизимизни жойлаштириб қўйган. Бояқиш тақдирига тан берди, ўз жонига жабр қилмасдан бўлак жойда яшай олмаслигини у билади. Бироқ оилавий ишларимиз кўнглимиздагидек юришиб кетса, у бошига лаънат тошини ёғдириб ўзи қўмсаётган одамлар бағрига қайтади, шекилли, устига-устак уни доимо ўйлайди, бунни ўзи ҳам билади. Ҳозирча эса у унча бебахт эмас: унинг бирдан-бир истаги маҳбубидан мактуб олмоқ. Мен бу хил ашёнинг монастир панжараларидан ўтиб кетиши осон эмаслигини биламан, лекин муҳтарам бўла, сизга исбот этганимдек мен анойилардан эмасман, бу юмушга бел боғлайман. Опам ўзи ҳақидаги садоқатли хайрли хотираларингиз учун сизга миннатдорчилик билдиради. Бир пайт у жуда хавотирда эди, лекин энди

тагин бирор кор-қол бўлмасин деб у ерга ўз маҳрамини жўнатгач, қўнгли бирмунча таскин топди.

Хайр муҳтарам бўла, ўзингиз ҳақингизда иложи борича тез-тез, яъни ҳар замон бизга хат-хабар юбориш имкони туғилган пайтда ёзиб туринг. Сизни ғойибона ўпиб,

Мари Мишон».

– О, бирам миннатдорман сиздан, Арамис! – бақириб юборди д’Артаньян. – Азизим Констанция! Ахийри мен унинг дарагини топдим-а! У тирик, монастир девори ичида, хавф-хатар хорижида, у Стенеда! Сизнингча, Атос бу қаерда экан?

– Потарингияда, Элзас чегарасидан бир-икки ле ичкарида. Қамал тугаши билан биз у томонларга бир бориб келсак бўлади.

– Бу ёғи оз қолди деб умид қилмоқ керак, – гап қистирди Портос, – бугун эрталаб бир жосусни ошишди, у парошелликлар этикларининг кўнини еб кун кўряпти, деб сўроқ берди. Агар кўнни еб тугатгач, тагчармига ўтишади деб фараз қилинса, бундан кейин уларнинг кўни нимага қолишини мен биламан... бир-бирини ямлаб ютиш қолади, холос.

– Бечора нодонлар! – у маҳаллар ҳозирги сингари машҳур бўлмаса-да, лекин ҳозиргисидан қолишади-ган жойи кам бир стакан ажойиб бордос шаробини бўшатган кўйи деб қўйди Атос. – Бечора нодонлар! Гўёки католик мазҳаби барча динлар ичида энг қулай ва энг маъқули эмасдай!.. Лекин, ҳар қалай, – шаробни ичиб бўлгач томоқ қириб қўйиб хулоса чиқарди у, – улар барака топсинлар... Бироқ, азбаройи шифо, бу нима қилганингиз, Арамис? – давом этди у. – Сиз бу мактубни чўнтагингизга яширяпсиз-ку?

– Ҳа, – уни қувватлади д’Артаньян, – Атос ҳақ; уни куйдириб юбормоқ керак. Дарвоқе, ким билсин, кардинал кукунни ҳам тилга киргизиш қудратига моликдир.

– Молик бўлса бордир-да, – деди Атос.

– Хўш, сиз ўзи бу мактубни нима қилмоқчисиз?–
сўради Портос.

– Бу ёққа келинг, Гримо, – буюрди Атос.

Гримо ўрнидан турди-да, итоат қилди.

– Беижозат гапга тушганингизнинг жазосига,
дўстим, сиз мана шу бир парча қоғозни еб юборасиз.
Сўнгра бизга қилажак яхшилигингизнинг мукофоти-
га сиз мана шу бир стакан шаробни ичиб қўясиз. Ав-
вал, мана, сизга мактуб, уни яхшилаб чайнаб юборинг.

Гримо илжайиб қўйди ҳамда Атос лим-лим тўлдир-
ган стаканга кўзларини қадаган ҳолда қоғозни чайнаб
ютиб юборди.

– Баракалло! Қандингни ур, Гримо! – дея уни мақ-
таб қўйди Атос. – Энди эса стаканни олинг. Яхши, та-
шаккур айтмасангиз ҳам бўлаверади.

Гримо унини чиқармай бир стакан бордос шаро-
бини ютиб юборди, лекин унинг самога тикилган
кўзлари бу хуш машғулот асносида гарчи гунг бўлса
ҳам жуда ифодали тил билан гапириб турарди.

– Хўш энди, – деди Атос, – фақат мабодо кар-
диналнинг миясига Гримонинг қорнини ёриш фикри
келиб қолмаса, биз ўзимизни ҳарна хотиржам тутиб
юрсак бўлаверади.

Бу орада падари бузруквор ўзининг ғамгин сайри-
ни давом эттирмоқда ва мўйлаблари ортидан тўнғил-
ламоқда эди:

– Бу тўрт оғайнининг менинг хизматимга ўтиши мут-
лақо зарур.

XXII

Тутқунликнинг биринчи куни

Франция соҳилларига назар ташлагач, бир зумга
кўздан йўқотган миледимизга қайтайлик.

Биз уни тубсиз хомуш мулоҳазаларга, дарвозаси та-
гида деярли ҳар қандай умидларини узиб тўхтаб қол-
ган, жаҳаннамга ботган ҳолда қандай тарк этган

бўлсак, худди ана шундай ноилож аҳволда топамиз: у илк бор иккиланяпти, илк бор ваҳимага тушиб турибди.

Икки дафъа иқбол унга бевафолик қилди, икки дафъа ниятларини билиб қолиб унга хиёнат қилдилар, иккала ҳолда ҳам унинг муваффақиятсизлигининг сабабчиси, олпо-таоло томонидан юборилган бўлса керакми, ёвуз руҳ бўлди: д'Артаньян уни – бу енгиб бўлмас ёвуз кучни енгди.

Унинг муҳаббатини хўрлади, унинг ғурурини поймол қилди, унинг иззатталаб ниятларига панд берди, мана энди унинг бахтига зомин бўлиб турибди, эркига тажовуз қиляпти ва ҳаттоки жонига таҳдид соляпти. Булар етмагандай, у унинг паналаб юрган ниқоби ва уни шунчалар қудратли қилиб турган ҳимоя пардасининг бир бурчини кўтариб қўйди.

Д'Артаньян Бэкингемдан – уни эса ўзи илгарилари севган жамики нарсаларни ёмон кўрганидек кўрарга кўзи йўқ – қироличага тажовуз қилиб Ришелье бошига солаётган тўфон балосини нари қилди. У бирпасга умуман шу тонфа аёлларнинг эҳтироси сингари тийиқсиз йўлбарс ҳирси билан д'Артаньян ўзини де Вард деб танитди. Д'Артаньянга унинг даҳшатли сири маълум, у бўлса бу сирни кимки билиб қолса, ўша ҳаёти билан товон тўлайди, деб қасам ичиб қўйган. Ва, ниҳоят, ҳимоя ёрлиғи олиш насиб қилганда ҳамда унинг воситасида душмандан ўч олишга чоғланиб турганда эса бу ҳимоя ёрлиғини унинг қўлидан юлқиб олишди. Яна ўша д'Артаньяннинг ўзгинаси уни тутқунликда ушлаб турибди ва бирорта нахс босган Ботанибейга, Ҳинд океаннинг бирорта жирканч Тайбернига жўнатиб юборади.

Шак-шубҳа йўқ, буларнинг ҳаммаси д'Артаньяннинг шарофати билан унинг бошига тушди, бўлак ким уни шунчалар шарманда қила оларди! Ўзи бирин-кетин ифшо этган шу даҳшатли сирларнинг ҳаммасини лорд Винтерга ёлғиз ўша маълум қилиши мумкин эди. Унинг

қайноғасини д'Артаньян танийди ва унга ёлғиз ўша ёзган бўлиши керак.

Миледининг ичида қанчалар нафрат жўш уриб ётибди!

У ўтли нигоҳини ҳувиллаб ётган хонанинг ичкари-сига тикиб, қимир этмай ўтирибди; туриб-туриб нафасига қўшилиб кўксидан бўғиқ фарёдлар отилиб чиқади-да, кўтарилиб, пишқириб, мангу ва ночор алам сингари ўкириб устида кеккайиб турган шу хомуш қаср барпо этилган қояларга урилиб, парчаланиб ётган тўлқинларнинг шов-шувига жўр бўлади.

Шиддатли ғазаб яллиғидан ёришган унинг идроки Бонасе хонимга қарши, Бэкингемга қарши, айниқса эса д'Артаньянга қарши қандай ажойиб, истиқбол уфқига сингиб бораётган қасос режаларини топиб ётибди. Ҳа, лекин қасос олмоқ учун эркин бўлмоқ лозим, тутқунликда туриб қасос олиб бўлмайди. Эркин бўлиб олмоқ учун эса деворни ўпирмоқ, панжарани арраламоқ, полни кўчирмоқ лозим. Бу хил хуружларни сабр-тўзимли бақувват эркак киши ниҳоясига етказиши мумкин, лекин аёл нарса, яна безгаксимон ҳаяжон босган ҳолида муваффақиятсизликка маҳкумдир. Устига-устак бу нарсаларнинг ҳаммаси учун фурсатга – ойлар, йилларга эга бўлмоқ керак, унинг бўлса... унинг олдида ўзининг ҳайбатли оғаси ва мирғзаби, айтмоқчи ўн ёки ўн икки кун вақти бор.

Лекин барибир, у эркак киши бўлганда эди, бир ури-ниб кўрган бўларди, омади келиб қолса ажаб эмас эди. Нега фалак матонатли қалбни мўртгина нозик ниҳол танга жойлаб, бундай хато қилди экан!

Хуллас, тутқунликнинг дастлабки дақиқалари даҳшатли эди: миледи асабий қаҳру ғазаб жазавасини боса олмасди, аёл ожизлиги табиатга сийлов берди. Лекин аста-секин у телбаларча ғазаб тутқаноғини жиловлаб олди, унинг бутун танасини ларзага солаётган асабий титроқ тинди, у кулча бўлиб ётди-да,

ҳордиқ чиқаргувчи тинкаси қуриган илон каби куч йиға бошлади.

– Бўлди бас, бас-э! Мен ақлдан озибманки бунча жаҳлим чиқади, – назарида ўзини ҳам сўроқлаётгандай оташ нигоҳини акс эттирган кўзгуга ўзини солиб деди у, – шайтонга ҳай бермоқ керак: жазава заифлик аломати. Бунинг устига бу восита ҳеч қачон қўлимдан келмаган. Балким аёлларга муомала қилганда кучни ишга солсам, менга бахт кулиб боққан, мен ғалаба қилишим ҳам мумкин бўлармиди. Лекин мен эркаклар билан кураш олиб бормоқдаман ҳамда улар учун мен ҳаммаси бўлиб атиги ожиза аёлман. Аёл қуроли билан кураша қолайлик: менинг қудратим – менинг ожизлигимда.

Сўнг гўё ўзининг сермаъно ва серҳаракат рухсориға қандай ўзгаришлар бериши мумкинлигига қаноат ҳосил қилмоқчидай, миледи афтини буриштириб юборгувчи ғазабдан тортиб то энг беозор, энг назокатли ва энг жозибали табассумгача бўлган барча ифодаларга галма-гал киришга мажбур қилди. Сўнгра юзининг латофатини оширмоқ учун унинг моҳир қўллари сочларининг турмагини ўзгартира бошлади. Ниҳоят ўзидан тамоман кўнгли тўлиб, у шивирлади:

– Ҳали ҳеч нима қўлдан кетгани йўқ, мен ҳамон бо-ягидай гўзалман.

Кеч соат саккизлар эди. Миледининг кўзи хонада турган каравотга тушди; бирмунча ҳордиқ нафақат мия билан фикрларни, балки ранг-рўйни ҳам жойига келтиради деб ўйлаб қолди. Кечки тамадди ҳақида айтилган гаплар унинг қулоғига чалинган эди. Унинг бу хонада турганига бир соатдан ошиб қолди ва чамаси ҳадемай таом келтиришлари лозим.

Асира вақтни зое кетқазнишни истамасди ва шу бугуноқ, кечқурун ўзини қўриқлаш топширилган одамларнинг феъл-атворларини ўрганишга киришиб, бир ўсмоқчилаб кўришга қарор қилди.

Эшик тагида нур кўринди; у қамоқ назоратчилари келганидан дарак берарди. Эндигина ўрнидан турган миледи шоша-пиша яна креслога ўрнашиб олди; унинг боши орқага ташланган, чиройли сочлари елкаларига ёйилган, ғижим тўрлар остида кўкраги сал очилиб қолган, бир қўл сийнада, бошқаси эса шалвираб креслодан осилиб турарди.

Лўкидонлар тарақлади, эшик ошиқ-мошиқларида гичиллади-ю, оёқ шарпалари хонада эшитилди.

– Столни у ерга қўйинг, – деди кимдир.

Миледи Фельтоннинг овозини таниб олди.

Фармойиш бажо келтирилди.

– Шам келтиринг-да посбонни алмаштиринг, – давом этарди Фельтон.

Бу бир шахснинг ўзига икки марта берилган фармойиш миледини ўзини қўриқлагувчи кишилар, яъни аскарлар қарашиб турганига ишонтирди.

Бунинг устига Фельтоннинг фармойишлари у ўз қўл остидаги кишиларни бенуқсон итоатда тутишидан далолат бергувчи унсиз бир шитоблик билан ижро этиларди.

Ниҳоят миледига ҳали бирор марта ҳам кўз ташламаган Фельтон у томон ўгирилди.

– Э-э! У ухлаяпти, – деди Фельтон, – яхши, уйғонганда тамадди қилиб олади.

Фельтон эшик томон бир-икки қадам босди.

– Йўғе-эй, жаноб лейтенант, – дея Фельтонни тўхтатди миледи ёнига борган, саботи сардоричалик бўлмаган аскар, – бу аёл ухлаётгани йўқ.

– Қанақаси... ухлаётгани йўқ? – сўради Фельтон. – Хўш, у нима қиляпти?

– У беҳуш. Ранги жуда ўчган ҳам қанча қулоқ солмайин нафасини эшитмаяпман.

– Сиз ҳақсиз, – турган жойидан миледига бир қараб қўйиб ва унга бир қадам ҳам яқин келмай деди Фельтон. – Асирасининг беҳушланганини лорд Винтерга

хабар қилинг. Бу ҳол кўзда тутилмаган, мен нима йўл тутишни билмайман!

Аскар ўз офицерининг фармойишини бажо келтириш учун чиқиб кетди. Фельтон тасодифан эшик олдида турган креслога ўтирди-да, пом-мим демасдан, қимир этмасдан кута бошлади. Миледи аёллар томонидан пухта ўрганилган улуғ санъат – кўзни очмаган кўйи узун-узун киприклари остидан боқиш санъатини эгаллаган эди. У ўзига орқа ўгириб ўтирган Фельтонни кўрди: кўзини узмасдан ўн дақиқача унга қараб турди ҳамда бутун шу вақт асносида совуққон посбон бирор марта қайрилиб қўймади.

У ҳозир лорд Винтернинг келишини эслади-да, унинг ҳозирлиги ўз мирғазабига янги куч бахш этишига фаҳми етди. Унинг биринчи тажрибаси ўнгидан келмади, у бунга ҳали қўлида талай чоралари мавжуд аёл сингари тан бериб қўя қолди, бошини кўтарди ва аста энтикиб қўйди.

Бу хўрсинишни эшитган Фельтон ниҳоят қайрилиб қаради.

– Ие, ана уйғониб ҳам қолдингиз хоним! – деди у. – Хўп, демак бу ерда ортиқ ишим қолмади. Бирор нарса зарур бўлиб қолса, қўнғироқ қилинг.

– Вой, худоё тавба-эй, бирам ёмон бўлдимки! – деб ўзи жувонмарг қилишга қасд қилган жамики кишиларнинг ҳаммасини ҳушини олгувчи қадим сеҳргарлариникисимон ширали овози билан шивирлади миледи.

У креслода қаддини ростлаб, ўзининг илгариги ҳолатидан ҳам жозибалироқ ва бемалолроқ бир тарзда ўтириб олди.

Фельтон ўрнидан турди.

– Сизга кунига уч маҳал емиш келтириб туришади, хоним, – деди у, – эрталаб соат ўнда, сўнгра кундуз соат бирда ҳамда кечқурун соат саккизда. Мабодо бу тартиб сизга маъқул келмаса, мен сизга таклиф этганларим ўрнига сиз ўзингизнинг соатларингизни белги-

лашингиз мумкин, биз ҳам сизнинг раъингизга қараб иш тутамиз.

– Лекин наҳотки шундай катта қоронғи хонада мен ҳамиша ёлғиз ўтирсам? сўради миледи.

– Шу атрофда истиқомат қилгувчи бир аёл чақиртирилган. Эртага у қасрга ташриф буюради ҳамда ҳузурингизда бўлишини хоҳлаган пайтингизда у ёнингизга кириб туради.

– Ташаккур сизга, – бўйин эгиб жавоб берди асира.

Фельтон хиёл таъзим қилди-да, эшик сари юрди. Айни у бўсақадан ҳатламоққа тараддуланиб турган дақиқада миледининг беҳушлигини хабар қилиш учун юборилган аскарни эргаштириб даҳлизда лорд Винтер пайдо бўлди. У қўлида бурунаки туз солинган шиша ушлаб турарди.

– Хўш, нима гап? Бу ерда нималар бўляпти? – асиранинг аллақачон турганини, Фельтоннинг эса кетишга чоғланганини кўриб, кесатиб сўради у. – Бундан чиқди марҳума тирилиб бўлипти-да? Азбаройи шифо, Фельтон, бўтам, сени ғўр деб санаб комедиянинг биринчи пардасини намойиш қилаётганларини тушунмадингми ҳали, унинг ҳаммасини охиригача кўриш роҳатига биз шаксиз ноил бўламиз!

– Мен худди шундай деб ўйлаб эдим, милорд, – жавоб берди Фельтон. – Лекин ҳар қалай асира аёл бўлгани важҳидан унинг учун бўлмаса-да, ўз иззат-нафси учун ҳар бир сулукатли киши аёлга кўрсатиш шарт илтифотни кўрсатмоқчи эдим.

Миледи ларзага келди. Фельтоннинг сўзлари унинг қонини музлатмоқда эди.

– Хуллас, – кула-кула гапга тушди лорд Винтер, – бу усталик билан ёйиб ташланган чиройли сочлар, бу оппоқ бадан-у хумор қарашлар сени ҳали мафтун қилмадими, тош юрак?

– Йўқ, милорд, – деб лоқайд жавоб берди йигит, – гапимга ишонинг, мени йўлдан оздирмоқ учун аёл ҳий-

лалари-ю, аёллар таманносидан ортиқроқ бир нима даркор.

– Ундай бўлса, жасур лейтенантим, қўйиб берайлик миледи бўлак восита ахтариб кўрсин, ўзимиз эса бо-риб кечки тамаддимизни қилайлик. О, хотиржам бўл унинг ҳунари мўл, комедиянинг иккинчи пардаси биринчисидан кейин кўп пайсалга солинмайди.

Шу сўзлар билан лорд Винтер Фельтонни қўлтиқ-лаб олди-да, кула-кула уни бошлаб кетди.

– О, сенга даркор нарсани мен топаман, – тишлари орасидан шивирлади миледи, – кўнглингни тўқ қила-вер, шўринг қурғур ношуд роҳиб, энди тухумдан чиқ-қан бадбахт аскар! Сен ўзи ҳарбий сарупода эмас, жуб-бада юрсанг бўларди!

– Дарвоқе, – бўсағада тўхтаб деди лорд Винтер, – эҳтиёт бўлинг, бу муваффақиятсизлик иштаҳангизни бўғиб қўймасин: жўжа билан балиқдан тотиб кўринг. Виждоним ҳаққи онт ичаманки, мен уни заҳарлашни буюрмаганман. Мен ўзимнинг ошпазимдан мамнунман ҳамда у менинг кетимдан мерос пойламаётгани сабаб-ли унга бўлган ишончим тўла ва чексиз. Хуш қолинг, муҳтарама синглим! Сизнинг яна беҳушлангунингиз-ча!

Буниси миледининг бардошидан ортиқ эди; у жон ҳолатда креслони қўллари билан чангаллаб қолди, тишларини ғижирлатди ҳамда лорд Винтер билан Фельтон ортидан ёпилаётган эшикнинг ҳаракатини кўзлари билан кузатиб турди. Танҳо қолганда эса уни яна ҳасрат қамраб олди. У столга қаради ва ялтираб турган пичоққа кўзи тушиб, стол сари отилди-ю, пи-чоққа маҳкам ёпишди; лекин қаттиқ панд еб қолди: пичоқнинг тиғи эгилувчан кумушдан бўлиб учи тўмтоқ эди.

Зич ёпилмаган эшик орқасида қаттиқ қаҳқаҳа янг-ради-да, эшик яна очилди.

– Ха-ха! – хитоб қилди лорд Винтер. – Ха-ха-ха! Кўряпсанми, жон Фельтон, кўряпсанми, мен сенга

нима деб эдим: бу пичоқ сенга аталган эди, у сени ўлдириб қўйган бўларди. Биласанми, бу унинг зийнатларидан бири: у ёки бу йўл билан ўзига ҳалал бераётган одамлардан қутулиш. Борди-ю, сенинг гапингга кирганимда, унга ўткир пўлат пичоқ беришга йўл қўйганимда борми, Фельтоннинг кўни битарди: у сени сўйиб қўйган бўларди, сендан кейин эса бизларнинг ҳаммамизни. Бир қарагин-а, Джон, у пичоқни ишлатишга қандай уста.

Ҳақиқатан ҳам миледи жон ҳолатда қисилган қўлида бу хужум қуролини ҳали ушлаб турарди, лекин бу ёмон ҳақорат унинг қўлини бўшатишга мажбур қилди, унинг кучини ва ҳатто иродасини олиб қўйди.

Пичоқ полга тушиб кетди.

– Сиз ҳақсиз, милорд, – миледининг юрак-юрагидан ўтиб кетган чуқур нафрат оҳанги билан гапирди Фельтон, – сиз ҳақсиз, мен янглишган эканман.

Икковлон яна чиқиб кетишди.

Бу дафъа миледи биринчи галгидан кўпроқ диққат билан қулоқ тутиб турди ҳамда улар йироқлашмагунча ва қадам товушлари даҳлиз ичкарисида тинмагунча пойлаб турди.

– Мен хароб бўлдим! – шивирлади у. – Худди бронза ёки гранит ҳайкал каби менинг ҳийлаларим қор қилмайдиган одамлар ҳукмидаман. Улар мени ёддан билишади ҳамда менинг ҳеч қандай қуролим уларга ўтмайди. Лекин барибир бу ишларнинг ҳаммаси улар қарор қилгандай барҳам топишига йўл қўймаслик керак.

Ҳақиқатан ҳам миледининг сўнги мулоҳазаси ҳамда унинг ғайришуурий равишда яна умидворликка қайтиши кўрсатиб турганидек на ваҳима, на тушкунлик бу мустаҳкам қалбни узоқ банд этмасди. Миледи стол ёнига ўтириб ҳар турли таомлардан татиб кўрди ва пича испан шаробидан ичди-да, ўзининг бутун қатъияти қайтиб келганини ҳис этди.

Ётиш олдидан у ўз ҳамсуҳбатларининг сўзлари, хатти-ҳаракатлари, имо-ишоралари, заррача ҳаракати ва

ҳатто уларнинг сукутини ҳам ҳаммасини ҳар томонлама таҳлил қилиб, мулоҳаза қилиб, шарҳлаб ҳамда ўрганиб бўлди; бу моҳирона ва пухта тадқиқотларнинг натижаси шу бўлдики, унинг икки жафокоридан Фельтоннинг ҳар қалай кўнгли бўшроқ деган ишонч туғилди. Хусусан, бир жумла ҳадеб асиранинг хотирасига қайта-қайта келарди: «Борди-ю, сенинг гапингга кирганимда...» – деб айтди Фельтонга лорд Винтер.

Модомики лорд Винтер унинг гапига кирмаптимиз, демак, Фельтон миледини ёқлаб гапирибди.

«Бинобарин бу одамда менга нисбатан раҳм-шафқатнинг ақалли хира учқуни бор, – таъкидларди миледи, – бу учқундан мен унинг ичини ловуллайтиб, олов қалайман. Хўш, лорд Винтер бўлса мени билади, у мендан кўрқади ҳам, башарти бир кун келиб унинг қўлидан қутулиб кетиш насиб қилса, мендан нима умид қилиши мумкинлигига унинг ақли етади, шу боисдан уни таслим қилишга уринишнинг ўзи беҳуда гап... Мана Фельтон – бутунлай бошқа гап – у гул йигит, кўнгли пок, тавфиқли ҳам кўринади, уни йўлдан урса бўлади».

Сўнг миледи ётди-ю дудоқларида табассум билан уйқуга кетди: уни уйқуда ётганда кўриб қолган киши бу ёшгина қиз-у, тушига қутилажак байрамда унга оро бергувчи гулчамбар кияпти, деган хаёлга бориши мумкин эди.

XXIII

Тутқунликнинг иккинчи куни

Миледининг тушига д'Артаньяннинг ахийри унинг қўлига тушгани ва ўзи унинг қатл маросимида иштирок этаётгани кириб ҳамда лабларидаги бу ширин табассумга жаллод ойболтаси остидан сачраб чиққан ирганч қон туси сабаб бўлган эди.

У илк бор пайдо бўлган илинждан аллаланган банди сингари ухларди.

Эрталаб унинг хонасига кирганларида у ҳали ўринда эди. Фельтон даҳлизда қолди; у ўзи кечаги кун айтган ва боягина етиб келган аёлни бошлаб келган эди. Бу аёл хонага кирди-да, миледининг ёнига йўлаб ўз хизматларини таклиф этди.

Миледи асли жуда рангпар эди ҳамда ранг-рўйи уни биринчи бор кўриб турган одамга панд бериши мумкин эди.

– Мени безгак тутяпти, – деди у, – шу узун тун бўйи бир зум ҳам кўзим илинмади, мен ёмон азобда қолдим. Бу ерда кеча қилган муомалаларидан кўра яхшироқ одамга ўхшаб манзират қиласизми-йўқми менга? Дарвоқе: бор-йўқ ўтинчим – ўрнимдан кўзғалмасликка ижозат берсалар бўлди.

– Табиб чақирсак нима дейсиз? – сўради аёл.

Фельтон чурқ этмасдан бу суҳбатни тинглаб турарди.

Миледи ўз атрофида одам қанча кўп бўлса, раҳмини келтириши мумкин кишилар сони ҳам шунча кўпаяди, лорд Винтернинг назорати ҳам шунча кучаяди, деган андишага бориб қолди; ҳам бунинг устига табиб унинг касалини сохта деб эълон қилиши мумкин, миледи эса биринчи ўйинни ютқазиб қўйгач, иккинчисини ҳам ютқазилгани истамасди.

– Табибга одам юборишми? – деб айтди у. – Нечун? Бу жаноблар менинг касалимни майнавозлик деб эълон қилдилар. Бугун ҳам шубҳасиз ўша гап бўларди: ахир, кечаги кундан бери улар табибни ҳам огоҳ этишга улгурганлар.

– Ундай бўлса, – дея гапга аралашди тоқати тоқ бўлган Фельтон, – ўзингиз айтинг, хоним, қандай даволанмоқчисиз?

– Вой тавба-эй, қандайлигини мен билармишманми? Мен тобим йўқлигини ҳис қиляпман, вассалом. Менга нима берсалар ҳам майли, менга барибир.

– Боринг, бу ерга лорд Винтерни таклиф этинг, – буюрди бу туганмас шикоятлардан зерикиб кетган Фельтон.

– Йўқ, йўғ-эй! – қичқириб юборди миледи. – Йўқ, уни чақирманг, ёлвораман сизга. Мен ўзимни яхши ҳис қиляпман, менга ҳеч ниманинг кераги йўқ, уни чақирмасангиз бўлди!

Бу хитобга у шунча ҳарорат, шунча ўтинч жо қилдики, Фельтон беихтиёр бўсақадан ҳатлаб ўтиб бир-икки қадам босди.

«У ҳузуримга кирди», – кўнглидан кечирди миледи.

– Бироқ, хоним, – деди Фельтон, – агар чиндан тобингиз бўлмаса биз табибга одам юборамиз, борди-ю, бизни лақиллатаётган бўлсангиз, илож қанча ўзингизга қийин, лекин ҳеч бўлмаганда ўзимиздан гинамиз қолмайди-ку.

Миледи ҳеч нима деб жавоб қилмади ва мўъжаз бошини болишга тикиб, кўз ёши қила бошлади.

Фельтон ўзининг одатдаги бепарволиги билан бир нафас унга қараб турди; сўнгра дарднинг чўзилиб кетиш хавфи борлигини кўриб чиқиб кетди. Аёл унинг изидан чиқди. Лорд Винтердан дарак йўқ эди:

«Ақлим ета бошлаётганга ўхшайди!» – беҳудуд қувонч билан ўзича гапирди миледи ва ўзини кузатиб турганлар бўлишини эҳтимол қилиб уларнинг ҳаммасидан бу ички мамнуният ҳовурини яширмақ учун кўрпага бурканиб олди.

Икки соат ўтди.

«Энди касалликнинг тугаш пайти келди, – қарор қилди миледи, – ўрнимиздан турайлик-да, шу бугуноқ бирор нарсага эришишга ҳаракат қилайлик. Менинг фақат ўн куним бор, уларнинг иккинчиси ҳам бугун кечқурун тугайди».

Эрталаб миледининг хонасига киришганда унга нонушта келтирдилар; тез орада дастурхонни йиғиштиргани келишларига ҳамда шунда миледи яна Фельтонни фаҳм этди.

Миледи янглишмади: Фельтон тағин ташриф буюрди ва миледи овқатга қўл тегиздими-йўқми, бунга заррача парво қилмасдан одатда тузатилган ҳолда кел-

тирилгуччи столни хонадан олиб чиқиб кетмоққа фармойиш берди.

Аскарлар чиқиб кетаётганида Фельтон уларни олдинга ўтказиб юборди-да, ўзи хонада ҳаяллаб қолди; унинг қўлида китоб бор эди. Соҳибжамол, рангпар маъсума бўлиб камин ёнидаги креслога ёнбошлаган миледи бу ҳолатида машаққатли ўлимини кутаётган мўътабар ҳур қиз эди бамисоли.

Фельтон унинг ёнига борди.

– Лорд Винтер – у худди сиз сингари католик, хоним, сизга ўз черковингиз расм-русумларини фош қилиш ва унинг ибодатларига қатнаш имкониятидан маҳрумлигингиз сизга малол келиши мумкин деб ўйлаб қолди. Шу боисдан кунда ўз дуоларингизни ўқиб туришингизга у киши розилик билдирди. Уларни шу китобдан топасиз.

Фельтоннинг миледи ёнидаги столчага китобни қай алфозда қўйганини, «Ўз дуоларингиз» сўзларини қай йўсинда гапирганини ҳамда уларга қандай истиғноли табассумини илова қилганини кўриб, миледи бошини кўтарди-да офицерга кўпроқ эътибор билан термилди.

У шу пайт унинг сочларининг сипо оройишидан, устбошларининг меъёрдан ортиқ соддалигидан унинг мрамардай силлиқ, лекин шунингдек, жиддий маънодан холи манглайдан, унинг сиймосида у ўша ўзи қирол Яков саройида каби Варфоломеев туни хотирасидан ҳам тап тортмасдан гоҳи пайтлар паноҳ ахтариб борган француз қироли саройида ҳам ўзи учратиб юрган ўша сўхта-си совуқ пуританларнинг бирини таниб қолди. Унга лоп этиб, фақат доҳиёна кишиларга хос табаддул онларида, уларнинг тақдири уларнинг ҳаёти ҳал бўлаётган танг дақиқаларда бўладиган ногаҳон илҳом келди.

Бу иккита – «ўз дуоларингиз» деган сўз ва Фельтонга ташланган юзаки назар миледига у шу тобда айтажак сўзларнинг бутун аҳамиятини миледига бирдан ойдинлаштириб берди.

Ўзига хос ўткир зеҳн шарофати билан ўша сўзлар бирпасда унинг миясига келди.

– Менми? – ўзи ёш офицер товушида пайқаган истиғнога ҳамоҳанг истехзо билан деди у. – Мен, тақсир... менинг дуоларим? Лорд Винтер бу ахлоқсиз католик, менинг у билан бир мазҳабда эмаслигимни жуда яхши билади. У менга қўймоқчи бўлаётган тузоқ бу.

– Хўш, сиз қай мазҳабдасиз, хоним? – ўзини идора қилиш уқувига қарамасдан таажжубини тўла яширишни эплаёлмай сўради Фельтон.

– Мен уни, – ясама шавқ билан деди миледи, – ўз эътиқодим жабрини хўп тортиб бўлган кунни айтаман.

Фельтоннинг нигоҳи миледига шу биргина жумласи билан у ўз уринишларида нақадар илгари сурилиб олганини ошкор этди.

Бироқ ёш офицер бир сўз ҳам қотмади, қилт этган ҳаракат ҳам қилмади, ёлғиз нигоҳигина фасоҳат билан гапириб турарди, холос.

– Мен душманларим қўлидаман! – ўша ўзи пуританларда кўриб қолган кўтаринки руҳда гапини давом эттирди миледи. – Ўзимни тангрига топшириб қўйганман! Тангрим мени ё омон қолдиради, ё унинг йўлида ҳалок бўламан. Менинг жавобим шу, уни лорд Винтерга етказишингизни мен илтимос қиламан. Бу китобни эса, – дея дуолар китобига бармоғи билан ишора қилиб, лекин гўё тегиб кетса ҳаром бўлиб қолишдан қўрққандай, унга қўл урмасдан қўшимча қилди у, – қайтариб олиб кетишингиз ҳамда уни ўзингиз истифода қилишингиз мумкин, сиз, шак-шубҳа йўқки, лорд Винтерга икки карра шериксиз, зеро, зулм борасида шерик, шаккоклик борасида ҳам шерикдир.

Фельтон ҳеч нима деб жавоб бермади, китобни ўша ўзи намоён қилган ижирғаниш туйғуси билан олдида, ўйга чўмиб йироқлашди.

Кеч соат бешларда лорд Винтер келди. Миледининг бутун кун бўйи ўзининг кейинги хатти-ҳаракатини пухталаб ўйлаб олмоқ учун етиб ортгудай вақти бор эди.

У қайнағасини ўзини батамом тутиб олган аёл сингари қабул қилди.

– Чамаси, – миледининг қаршисидаги креслога ёзилиб ўтириб олиб ва оёқларини камин олдидаги гиламга бемалол узатиб юбориб, гап бошлади барон, – чамаси, сал муртадлиқ қилиб қўйибмизми?

– Бу билан нима демоқчи бўляпсиз, мухтарам афандим?

– Мен айтмоқчиманки, ўша сиз билан сўнги дафъа кўришганимдан бери маслагингизни алмаштириб юборибсиз. Учинчи – протестант эрга теккан бўлманг тагин?

– Гапингизга изоҳ беринг, милорд, – нуфузли бир тарзда гапирди асира, – сизга маълум қилиб қўяйки, сўзларингизни эшитяпман-у, лекин маънисига етмаяпман.

– Хўп, демак, сиз бутунлай динсиз экансиз, бу менга ҳатто кўпроқ манзур, – кесатиб эътироз билдирди лорд Винтер.

– Албатта, сизнинг қонун-қоидаларингизга шу кўпроқ мос келади, – совуққина гап ташлади миледи.

– Э, сизга эътироф қилсам, бунисини менга мутлақо фарқи йўқ!

– Борди-ю, сиз ҳатто ўзингизнинг эътиқод масалаларига лоқайдлигингизни тан олмаганингизда ҳам ишратпарастлигингиз ва ўзбошимчалигингиз сизни фош этиб қўйган бўларди.

– Ҳим... ишратпарастликни гапириб қолдингизми, Мессалини хоним, леди Макбет! Ё мен тузук-қуруқ эши-толмадим, ё азбаройи шифо, сиз безбетларнинг ноёб хилидансиз!

– Бу гапларингизнинг боиси шуки, бизни тинглаб турганларини биласиз, – совуққина гапирди миледи, – ҳамда ўз назоратчи ва жаллодларингизни менга қарши ўчакиштириб қўймоқчисиз.

– Назоратчиларними? Жаллодларними?.. Ана холос, хоним! Сизнинг авжингиз баланд-ку, кечаги комедия

бугун трагедияга айланиб боряпти. Дарвоқе, бир ҳафтадан сўнг қаерда бўлишингиз лозим бўлса, ўша ерда бўласиз ҳамда мен ниятимга етаман.

– Шармандали ният! Бетавфиқ ният! – ўз ҳакамини бетидан олаётган бир қурбон талвасасида гапирди миледи.

– Худо ҳаққи назаримда бу бузуқ ақлдан озяпти! – деди лорд Винтер ва ўрнидан турди. – Хўп, етар, бир ўзингизни босиб олинг-чи, пуритан хоним ёки мен сизни қамоққа солишни буюраман. Онт ичишга тайёрман, бу миянгизни айнитаётган менинг испан шаробим бўлса керак. Дарвоқе, хавотирланманг: бундай кайфнинг хавфи йўқ ҳамда фалокатли оқибатларга олиб бормайди.

Лорд Винтер у даврда ҳатто олий жамият кишиларига ҳам юққан расмни қилиб сўкина-сўкина чиқиб кетди.

Фельтон ҳақиқатан ҳам эшик орқасида бутун суҳбатни оқизмай-томизмай тинглаб турарди.

Миледи буни фаҳмлади.

– Ҳа, жўна, жўна тезроқ! – қайнағасининг изидан шивирлади миледи. – Сен учун фалокатли оқибатлар ҳаяллаб қолмайди, лекин сен нодон буни фақат уларга чап беришнинг иложи қолмагандан кейин пайқайсан!

Яна жимжит бўлиб қолди. Орадан икки соат ўтди. Аскарлар кечки овқат келтиришди-да миледининг дуо ўқиётганини, унинг иккинчи эрининг хизматкори ашаддий пуритан ўргатиб қўйган дуоларни айтиб баян овоз билан ибодат қилаётганини кўрдилар. У худди жазава тутгандай ўзининг ён-верида кечаётган нарсаларга ҳатто эътибор ҳам қилмасди. Фельтон унга халал бермасликни ишора қилди ва ҳамма нарса тахт қилингандан сўнг аскарлар билан бирга шовқинсиз чиқиб кетди.

Миледи ўзини дарчадан кузатишлари мумкинлигини биларди, у шу боисдан ўз дуоларини охиригача

ўқиди-ю, унга эшиги тагида юрган соқчининг юришлари ўзгачароқ эшитилди ва гўё у қулоқ солаётгандай туюлиб кетди.

Бу кеч унга ортиқ ҳеч нима даркор ҳам эмас эди, у ўрнидан туриб стол ёнига ўтирди-да, бир оз овқатланган бўлди-ю, фақат сувдан ичди.

Бир соатдан сўнг аскарлар столни олиб чиқиб кетгани келишди, лекин миледи бу гал уларга Фельтон ҳамроҳ эмаслигини пайқади.

Бундан чиқди у миледини бот-бот кўриб туришдан чўчиб қолган эди.

Миледи деворга ўгирилиб олди-да, кулимсираб қўйди: бу табассум шундай бир тантанани ифода қилиб турардики, уни фош қилиб қўйиши мумкин эди.

У яна ярим соат кутди. Кўҳна қасрда сукунат ҳукм сураб, фақат қирғоққа урилиб ётган тўлқинларнинг азалий шовқинидан океаннинг поёнсиз нафаси эшитилиб турарди. Ўзининг соф ва ширали кўнғироқдек овози билан у пуританларнинг севимли псалмининг биринчи бандини куйлай кетди:

*Кулфатларга йўллайсан, тангри,
Синамоқ-чун иродамизни.
Сўнг самовий бахт ато этгунг
Ким бардошда тобласа ўзни.*

Бу шеърлар такомилдан жуда йироқ эди, лекин маълумки, пуританлар поэтик маҳоратлари билан мақтана олмасдилар.

Миледи куйларди ва қулоқ соларди. Соқчи унинг эшиги тагида таққа тўхтаб қолди: бундан миледи ўзининг хониши қандай таъсир қилгани тўғрисида ҳулоса чиқариб олмоғи мумкин эди.

У таърифдан ташқари ҳарорат ва иштиёқ билан куйлашда давом этарди; унинг назарида товушлар пештоқлар остида йироқларга таралаётгандай ва сеҳру жоду сингари мирғазабларининг юрагини сел қила-

ётгандай эди. Бироқ ашаддий католиклиги бегумон соқчи бу жодуни ўзидан қоқиб ташлади-да, эшик оша бақириб берди:

– Жим бўлсангиз-чи, хоним! Сизнинг ашулангиз худди мотам қуйи сингари юракни сиқиб юборди, агар гарнизонда туриш роҳатидан ташқари бу хил нарса-ларни ҳам эшитишга тўғри келса, бунга сира тоқат қилиб бўлмайди.

– Жим! – жеркиб буюрди аллаким, миледи эса Фельтоннинг овозини таниди. – Нега ўзингизга дахли йўқ ишга суқилияпсиз, сурбет? Сизга бу аёлнинг қуйлашига ҳалал бериш буюрилганми, ахир? Йўқ, сизга уни қўриқлаш топширилган, агар у қочишни хаёл қилса, уни отиш тайинланган. Уни қўриқланг; агар у қочиб кетмоқчи бўлса, ўлдилинг, лекин сизга берилган фармойишдан чекинманг.

Худди чақмоқ чақини мисол таърифга сифмайдиган оний қувонч ифодаси миледининг чеҳрасини ёриштириб юборди-ю, ўзи бир сўзини ҳам қочирмаган бу суҳбатни гўё эшитмагандай, асира шу замон ўз овозига товущининг бор фазлу камолини, унга иблис ато этган бутун жозибани ва бутун дилрабо нафосатни жо қилиб қўйлаб кетди:

*Тоқат қанча бўлса-да душвор,
Тутқунлиг-у, занжирбандликда,
Навқирон қалб, дуо сеҳри бор –
Ситамларга юзма-юз, якка.*

Миледининг фавқулодда баркамол ва жўшқин эҳтирос билан суғорилган овози псалмнинг қўполроқ, қовушмаган шеърларига шундай сеҳрли қудрат ва шундай фасоҳат бахш этардики, бундайини энг ҳовлиқма пуританлар ҳам ўз оғаларининг хонишларида камдан-кам топардилар. Улар ўз тасаввурининг бутун ҳовури билан қўшиқларига пардоз берсалар-да, Фельтон гўё лахча чўғ печдаги уч яҳудий ўсмирни овутаёт-

ган малакнинг хонишини эшитаётгандай бўлмоқда эди.

Миледи давом этарди:

*Масъуд кунлар яқиндир, тангри,
Ишончимиз эмас омонат.
У чоқ сабот алдаса ҳамки,
Ўлим, шараф тожи этмас хиёнат.*

Мафтунгар фусун соҳибаси бутун қалбини жойлашга ҳаракат қилган бу шеър ёш офицер кўнглидаги саросимани поёнига етказди; у эшикни шартта очди-да, миледи қаршисида ранги ўчган, лекин кўзлари доимгидек бежо, ёниб турган ҳолда намоён бўлди.

– Нега сиз бундай қуйлайсиз, – дея гапирди у, – яна бундай овоз билан?

– Кечирасиз, – мулойим жавоб берди миледи, – менинг хонишларим бу хонадонда ўринсизлиги хаёлимдан кўтарилибди. Мен сизнинг имонингизга тил теккизган бўлишим мумкин, лекин сизга қасамёд қилиб айтаманки, мен буни қасддан қилганим йўқ. Балким катта бўлса ҳам ихтиёрсиз гуноҳимдан ўтинг.

Шу дақиқада миледи бирам гўзал эдики, ундаги сохта тавфиқли ҳаяжон унинг юзига бирам илоҳий истара бериб турардики, унинг жамолидан кўзлари қамашган Фельтонга боягина ўзи хонишини эшитган хаёлий фариштани кўриб тургандай туюлиб кетди.

– Ҳа, ҳа, – жавоб берди у, – ҳа, сиз қалъада истиқомат қилгувчиларни хижолат қилиб қўяётирсиз, ҳаяжонга солаётирсиз.

Шўрлик мажнун ўз сўзларининг пойма-пойлигини ўзи пайқамасди, миледи эса бу орада унинг қалбининг туб-тубларига назар солишга уринарди.

– Мен ортиқ қуйламайман, – товушига қўлидан келган энг беозор ифода бериб, қадди-бастига қўлидан келган энг итоаткор тус бериб, кўзларини ерга тиккан қўйи деди миледи.

– Йўқ, йўқ, хоним, – эътироз қилди Фельтон, – фақат секинроқ куйланг, айниқса тунлари.

У шу сўзлар билан асирага нисбатан совуққонлигини узоқ сақлаб туришга ўзининг қурби етмаслигини сезиб, хона ташқарисига отилди.

– Яхши қилдингиз, жаноб лейтенант! – деди аскар. – Унинг хониши кўнглингни алғов-далғов қилиб ташлайди. Дарвоқе, бунга тез кўникиб қоларкансан – унинг овози бирам ажойиб!

XXIV

Тутқунликнинг учинчи куни

Фельтон ташриф буюрди, лекин олдинда яна бир қадам босиш турарди: уни тутиб қолиш ёки тўғрироғи шунга эришмоқ керак эдики, токи унинг ўзи қолишни ихтиёр этсин, миледи эса бунга қандай восил бўлишни ҳам жуда мужмал тасаввур қиларди.

Бундан кўпроқ нарсаларга етишмоқ лозим эди: у билан гаплашиш имконига эга бўлмоқ учун уни тилга киришга мажбур этмоқ зарур эди – ўзининг энг катта жодулари инсон тилидан тортиб то фаришталарча хонишгача бўлган барча оҳангларга жуда усталик билан киргувчи ўз товушида пинҳонлигини миледи жуда яхши биларди.

Бироқ бу фусунларнинг ҳаммасига қарамасдан миледи муваффақиятсизликка учраши мумкин эди, зеро Фельтон зарра тасодифга қарши огоҳ этиб қўйилган эди. Шу боисдан у ўзининг юриш-туриши, ўзининг ҳар бир каломи, ўзининг энг расмана қараши-ю, ишораси ва ҳаттоки, хўрсиниш деб шарҳланиши мумкин нафасига ҳам зеҳн сола бошлади. Хуллас, янги одатдан ташқари ролни эндигина беришган моҳир актёр қилганидек у ҳамма нарсани ўргана бошлади.

Унинг лорд Винтерга оид хатти-ҳаракатининг алоҳида мушкул томони йўқ эди, шу боисдан у буни арафада ўйлаб, пухталаб қўйган ва қайнағаси борлигида

камгап бўлишга ва ҳар замонда атайин менсимасдан унинг жигига тегишга ва бирор истиғноли сўз билан ўз итоаткорлигига қарши уни пўписа ҳамда зўравонлик қилишга қистаб, ўзининг қадр-қимматини туширмасликка аҳд қилди.

Фельтон буларнинг ҳаммасини шоҳиди бўлади; у балким лом-мим демас, лекин ҳаммасини кўриб туради.

Эрта билан Фельтон одатдаги соатда ташриф буюрди, лекин унинг нонушта тадорикларини бошқариб турган вақт асносида миледи унга сўз қотмади. Аммо чиқиб кетишга чоғланган дақиқада миледига гапирмоқчи бўлаётгандай туюлди ва миледи кўнглида ярқ этиб умид учқуни пайдо бўлди. Бироқ унинг лаблари қимирлади-ю, садо чиқармади: у ўзига зўрлик қилиб оғзидан чиқиб кетишига сал қолган сўзларни ичига ютди-да, ундан йироқлашди.

Пешинларда лорд Винтер келди.

Анча дуруст қиш куни эди, ёритиб турса ҳам лекин иситмайдиган Англиянинг нурсиз қуёши тиғи панжара орасидан миледи қамоғига шуъла ташларди.

У деразадан қараб турар ва ўзини эшикнинг очилганини эшитмаганга солиб қўя қолди.

– Ана, холос, – мийиғида қулиб қўйди лорд Винтер, – биз аввал комедия, сўнгра трагедия кўрсатиб берганимиздан кейин энди тушқунликка берилиб кетибмиз.

Асира ҳеч нима жавоб қилмади.

– Ҳа, ҳа, тушуниб турибман, – гапида давом этди лорд Винтер. – Сизнинг бу соҳилда, эркинликда юргингиз бор эди, шу денгизнинг зумрад тўлқинларини ишончли кемада ёриб боргингиз бор эди, менга сувда ёки қуруқликда ўша ўзингиз устаси фаранг бўлмиш пистирмаларингиздан бирини қўйгингиз бор эди. Сабр қилинг! Сал сабр қила туринг! Тўрт кундан сўнг қирғоқ сизга қўлингиз етадиган бўлиб қолади, денгиз сиз учун очиқ бўлади, ҳатто ўзингиз истаганингиздан ҳам ортиқроқ очиқ бўлади, зеро, тўрт кундан кейин Англия сиздан қутулиб қолади.

Миледи қўлларини қовуштириб олди-да, чиройли кўзларини самога тикиб, овоз ва ҳаракатларида киройи мутелик билан гапирди:

– Худоё худовандо! Мен афу этганимдек бу одамнинг гуноҳини ўзинг кечир!

– Ҳа, дуойингни ўқийвер, лаънати! – бақирди барон.
– Сенинг ибодатларинг шу билан янада мурувватлики, сен, бунга қасамёд қиламан, сени минбаъд афу этмайдиган одамнинг қўлидасан!

У чиқди.

У хонадан чиқиб кетаётган онда бировнинг синчков кўзлари қия очик эшиқдан муралади ва миледи унга кўзи тушишини истамасдан ўзини дарров четга олган Фельтонни кўриб қолди.

Шунда у мук тушди-да, баралла ибодат қила бошлади.

– Парвардигори олам! О, худойим! – дерди у. – Қандай муқаддас иш учун азият чекаётганимни биласан, менга азоб-уқубатларга бардош бериш учун куч-қувват бер...

Эшик оҳиста очилди. Соҳибжамол муножотгўй ўзини эшикнинг ғийчиллаганини эшитмаганга солди-ю, овози нолон бўлиб давом этаверди:

– Парвардигори олам, э парвардигор! Наинки шу одамнинг мудҳиш ниятларига етишини раво кўрсанг!..

Шундан кейингина у ўзини Фельтоннинг оёқ шарпаларини пайқаганга солиб, бирпасда сапчиб ўридан турди-да, гўё у тиз чўкиб турган ва ибодат қилаётган дақиқада ҳузурига кириб қолишганидан изза бўлгандай қизариб кетди.

– Мен ибодат қилаётганларга ҳалал беришни ёқтирмайман, хоним, – жиддий гапирди Фельтон, – шу боисдан эса мен сиздан ўтиниб сўрайман – мени деб хавотир тортманг.

– Нега сиз мени ибодат қилаётган эди деб ўйлаяпсиз? – кўз ёшлардан бўғилган товуш билан сўради миледи. – Сиз янглишяпсиз, мен ибодат қилаётганим йўқ эди.

– Ажабо, хоним, – ҳамон ўша жиддият билан, лекин энди хийла юмшаб жавоб берди Фельтон, – мени банданинг халлоқ қаршисида юзтубан бўлиб ётишига тўсқинлик қилишга ўзини ҳақли ҳисоблайди деб ўйлайсизми ҳали? Худо асрасин! Бунинг устига гуноҳкорларга тавба қилмоқ жоиздир. Жиноят қандай бўлмасин, халлоқ пойига бош урган жиноятчи менинг учун муқаддасдир.

– Гуноҳқорман, мен гуноҳқорман-а! – ҳатто маҳшарда ҳам фариштанинг эс-ҳушини олиб қўйгудай табасум билан гапирди миледи. – Парвардигор, сен биласан шундайми-йўқми! Мени маҳкум деб айтинг, бу рост гап, лекин ўзингизга маълумки, худойи таоло жафокашларни яхши кўради ва баъзи ҳолда бегуноҳларнинг ҳукм этилишини раво кўради.

– Сиз жиноятчимисиз ёки жафокашмисиз – у ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам ибодат қилмоғингиз лозим, мен ўзим сизнинг ҳаққингизга дуо ўқийман.

– О, сиз авлиёсиз! – қичқириб юборди миледи ва унинг пойига йиқилди. – Қулоқ беринг, сиздан ортиқ сир тутолмайман, мен курашга дош беришим керак бўлган ва эътиқодимни рўйи рост тан олишим зарур бўлиб қолган дақиқада кучим етмай қолмасайди, деб қўрқаман. Жонидан тўйган бир муштипарнинг илтижоларига қулоқ беринг, ахир! Сизни ғафлатга солмоқдалар, лекин гап бунда эмас – мен сиздан биргина марҳаматингизни ўтинаман, агар уни мендан дариф тутмасангиз, мен сизни у дунё-ю бу дунё дуо қилиб юраман!

– Менинг бошлиғим билан гаплашиб кўринг, хоним, – жавоб берди Фельтон, – минг шукурки, менга на афу этиш, на жазо бериш ҳуқуқи берилмаган, бу масъулиятни худо ўша мендан юқорироқ кўрган кишисига юкланган.

– Йўқ, сизга, ёлғиз сизга! Менинг ҳалокатимга, менинг шармисорлигимга бош қўшгандан кўра гапларимга қулоқ солганингиз маъқул.

– Шу иснодни орттирган бўлсангиз, хоним, шу шармисорлик балосига йўлиққан бўлсангиз, худога солиб қўйиб унга чидаш бермоқ зарур.

– Нималар деяпсиз? Вой, сиз мени тушунмаяпсиз! Сиз шармисорлик деганимда мени бирор жазо, қамоқ ёки ўлимни назарда тутяпти деб ўйлаяпсиз? Кошки шундай бўлса эди! Мен учун ўлим ёки қамоқ ҳам гапми!

– Мен сизни тушунмай қолдим, хоним.

– Ёки тушунмай қолганга соляпсиз ўзингизни, – шубҳали табассум билан сўз қотди асира.

– Йўқ, хоним, аскарлик ор-номусим, христианлик имоним билан қасамёд қиламан, ишонинг.

– Айтинг-чи, лорд Винтернинг менга оид ниятлари сизга маълум эмасми?

– Йўқ, маълум эмас.

– Бўлиши мумкин эмас, ахир сиз унинг маҳрамисизку!

– Мен ҳеч қачон ёлгон сўзламайман, хоним.

– Уф, у ўз ниятларини сир тутмайди ҳисоб, уларни пайқаб олмоқ мушкул иш эмас.

– Мен ҳеч нарсани пайқаб олишга уринмайман, хоним, мен ўзимга ишониб айтишларини қутаман, лорд Винтер эса сизнинг ҳузурингизда айтган гапидан бўлак ортиқ ҳеч нимани менга ишониб айтмаган.

– Бундан чиқди сиз унинг шериги эмас экансиз-да? – товушида бениҳоя самимият билан деди миледи. – Бундан чиқди менга жамики ер юзидаги жазолар олдида ип эшолмайдиган шармандагарчилик ҳозирлаб юрганидан беҳабар экансиз-да?

– Сиз янглишмоқдасиз, хоним, – қизариб эътироз қилди Фельтон. – Лорд Винтернинг қўлидан бундай ёвузлик келмайди.

«Жуда соз! – кўнглидан кечирди миледи. – Ҳали гап нима хусусида кетаётганини билмасдан туриб, у буни ёвузлик деб атаяпти».

У овозини чиқариб давом эта бошлади:

– Разил одамнинг қўлидан ҳар бало келади.
– Сиз кимни разил одам деяпсиз? – сўради Фельтон.

– Англияда шундай деб атаса бўладиган бўлак одам ҳам борми ҳали?

– Сиз айтаётганингиз Джордж Виллерсми?.. – деб Фельтон қайта сўради-ю, бирдан кўзлари порлаб кетди.

– ...маъжусийлар ва шаккоқлар герсог Бэкингем деишадиган кишини айтаяпман, – гапни тугатди миледи, – кимни гапираётганимни шунчалар узоқ уқтиришим керак бўладиган Англияда бирор инглиз топилади деб, ўйламаган эдим.

– Бошида худо бор-ку! – деди Фельтон, – у ўзи пойиқ бўлган жазодан қочиб қутула олмайди.

Фельтон ҳатто католиклар ҳам таъмагир, хунрез ва ахлоқсиз деб атагувчи, пуританлар эса нақ иблиснинг ўзи деб юргувчи герсогга нисбатан барча инглизларнинг нафратланиш ҳиссини ифодаламақда эди, холос.

– Ё парвардигор! Ё тангрим! – хитоб қилди миледи. – Мен сенга шу одамнинг жазосини бер деб тавалло қилганимда, ўзинг биласанки, мен шахсий қасдим борлигидан бундай қилмайман, балки бутун бошли халқнинг халос бўлишини тилайман!

– Сиз уни танийсизми ҳали? – сўради Фельтон.

«Ахийри у менга савол билан мурожаат қиляпти-я!» – дея шундай салмоқли натижага шу қадар тез эришганидан қувончи ичига сиғмай кўнглида қайд қилиб қўйди миледи.

– Мен уни танимайманми-я! Эҳа! Бахтсизлигимга! Пешанамнинг шўрига!

Миледи гўё теран дарду алам тутқаноғида сингари қўлларини бука бошлади. Фельтон, афтидан, саботи ўзини тарк этаётганини сезиб қолди шекилли, эшик сари бир-икки қадам ташлади; ундан кўзини узмай турган асира сапчиб турди-да, унинг изидан отилиб тўхтатди.

– Жаноб Фельтон, худо хайрингизни берсин, шафқат қилинг, менинг ўтинчимга қулоқ беринг! – ялинди у. – Машъум эҳтиёткорлик юзасидан барон тортиб олган пичоқни беринг, йўқса уни нимага ишлатишимни биларди-да... О, гапларимни охиригача эшитинг! Бир нафасга пичоқни қайтариб беринг, менга қилган марҳаматингиз, раҳм-шафқатингиз бўлсин бу! Қаранг, мен оёқларингиз остидаман! Гапимга ишонинг, менинг сизга ёмонлигим йўқ. Ё раббий! Сизни ёмон кўриш... сизни, ўзим учратган биттаю битта одил, кўнгилчан, ҳамдард кишини-я! Сизни, ўз халоскоримни бўлса ажаб эмас!.. Бир нафасга холос, биргина нафасга! Ҳамда мен сизга уни эшик дарчасидан қайтариб бераман. Атиги бир нафасга холос, шу билан сиз менинг номусимни сақлаб қолган бўласиз!

– Сиз ўзингизни ҳаётдан жудо қилмоқчи бўляпсизми? – даҳшат ичида ўз қўлларини асира қўлларидан бўшатиб олишни фаромуш этиб деди Фельтон.

– Мен ўзимни фош қилиб қўйдим! – шивирлади миледи ва гўё қолдан тойгандай полга чўкди. – Мен ўзимни фош қилиб қўйдим! Энди у ҳаммасини билади... Ё раббий, мен хароб бўлдим!

Фельтон қимир этмасдан ва нима қарорга келишга ҳайрон бўлиб турарди.

«У ҳали иккиланяпти, – хаёлидан ўтказди миледи, – мен етарли даражада табиий бўла олмадим».

Улар даҳлиздан бировнинг келаётганини эшитиб қолдилар. Миледи подр Винтернинг қадамларини таниди; Фельтон ҳам бу қадам товушини таниди-ю, эшик сари бир қадам босди.

Миледи унга томон отилди.

– Бир оғиз ҳам гапирманг, – деди у овози бўғилиб, – сизга айтган ҳамма гапларимдан бир оғизини бу одамга айтманг, йўқса мен хароб бўлдим, яна бу сиз, сиз...

Қадамлар яқинлашиб келмоқда эди. Товушларини эшитиб қолишларидан қўрқиб, улар жимиб қолди ва чексиз даҳшат ишораси билан чиройли қўлини Фель-

тоннинг лабларига босди. Фельтон мулойимлик билан унинг қўлини суриб қўйди, у эса нарироқ кетдида, креслога йиқилди.

Лорд Винтер тўхтамасдан эшик ёнидан ўтиб кетди, унинг оёқ шарпалари эса йироқлашди.

Фельтон баттол гезариб бир-икки дақиқа зўр бериб тинглаб турди, сўнгра қадам садолари тингандан кейин уйқудан уйғонган киши сингари уҳ тортди-да, хона хорижига отилди.

– Ҳа-а! – ўз навбатида қулоқ солиб кўриб ҳамда Фельтоннинг қадамлари лорд Винтер кетган томоннинг қарши томонидан келаётганига ишонч ҳосил қилгач деди миледи, – ниҳоят меники бўлдинг-а!

Сўнгра унинг руҳсори яна қоронғилашиб кетди.

«Агар у баронга айтиб қўйса, – хаёлидан ўтказди у, – мен хароб бўлдим: барон менинг ўзимни ўлдирмаслигимни билади, унинг олдида қўлимга пичоқни тутқизиб қўяди ҳамда Фельтон бу даҳшатли ҳасратнинг сохталигига амин бўлади.

У кўзгуга қараб қўйди: ҳеч қачон у шунчалик соҳибжамол бўлмаган эди.

– Йўғ-эй! – жилмайиб деди у. – Албатта, у унга ҳеч нима демайди.

Шомда кечки овқат келтирилган пайтда лорд Винтер ташриф буюрди.

– Муҳтарам афандим, – унга юзланди миледи, – сизнинг пойқадамларингиз асоратимнинг муқаррар шартини ташкил қиладими ҳали? Мени азоб-уқубатлардан халос қилолмайсизми, сизнинг ташрифингиз мени азоб-уқубатга дучор қиляпти.

– Қандай азоб-уқубатга, муҳтарама синглим! – деди лорд Винтер. – Ахир, бугун бундай шафқатсиз гаплар чиқиб турган келишган оғзингиз билан кўнгилни бузиб ўзингиз эълон қилдингиз-ку: Англияга ёлғиз менинг дийдоримни кўриш роҳатидан баҳраманд бўлмоқ учун келганингизни. Сўзларингизга қараганда, бу роҳатдан бенасиблик сизни шу кўйга солганки, азбаройи шуни

деб ҳар нарсага; денгиз хасталигига, довулга, асоратга рози бўлгансиз! Хўш, мана, мен қаршингиздаман, кўнглингиз тўлсин. Устига-устиак бу гап менинг зиёратимнинг аниқ муддаоси бор.

Миледи сесканиб тушди: у Фельтон ўзини фош қилиб қўйган деб ўйлади: шунчалар кучли ва энг зид ҳаяжонларни бошидан кечирган бу аёлнинг юраги умри бино бўлиб ҳеч қачон бунчалар ҳапқириб урмаган бўлса керак.

У карахт ўтирарди. Лорд Винтер креслони яқинроқ сурди-да, миледининг ёнига ўтирди, кейин чўнтагидан аллақандай қоғозни чиқариб, уни эзмаланиб очди.

– Бир қаранг! – гап бошлади у. – Мен сизга шу ҳужжатни кўрсатмоқчи эдим, уни мен ўзим туздим ва келгувсида у сизга ўзига хос гувоҳнома бўлиб хизмат қилади, негаки, мен сизнинг ҳаётингизни сақлаб қолишга розиман.

У нигоҳини миледидан қоғозга кўчирди-да, овозини чиқариб ўқиб берди:

– *«... га айни қаергалиги бўш қолдирилган, – ўзининг гапини ўзи бўлди Винтер. – Агар сиз битта-яримта бўлак жойни афзал кўрсангиз, уни менга кўрсатинг, унинг ораси Лондондан камидан минг мил бўлса бас, мен илтимосингизни ўринлатаман».* Хуллас, бошқатдан ўқийман: *«... га Франция қироллиги суди томонидан тамғаланган, лекин жазодан сўнг озод этилган Шарлотта Баксон номли аёлни элтиб қўйиш хусусида фармон; у шу жойда ҳеч қачон ундан уч милдан нарига узоқлашмаган ҳолда истиқомат қилади. Борди-ю, қочишга уринган тақдирда ўлим жазосига тортилажак. Бошпана ва озиқ-овқат ҳақиқа кунига беш шиллингдан пул ажратилади».*

– Бу фармоннинг менга дахли йўқ, – совуқ жавоб берди миледи, – унда қўйилган ном меники эмас.

– Номми! У сизда бор эмишми?

– Мен сизнинг акангиз номидаман.

– Сиз янглишмоқдасиз: менинг акам сизнинг иккинчи эрингиз бўлган, биринчи эрингиз эса ҳали барҳаёт. Унинг номини айтинг, мен ҳам уни Шарлотта Баксон номи ўрнига тиркаб қўяман. Истамайсизми? Йўқми? Жимсиз-а? Яхши. Сиз маҳбуслик рўйхатига Шарлотта Баксон номи билан қайд этиласиз.

Миледи сукут сақлашда давом этар, лекин бу дафъа мулоҳазали муғомбирликдан эмас, балки даҳшатдан: у фармон дарҳол ижро этилади, деб хаёл қилди. У ўзининг жўнатилишини лорд Винтер тезлаштирган деб ўйлади; шу бугуноқ оқшом ўзининг жўнаб кетиши кутилади деб ўйлади. Бир зумга гўё ҳамма нарса барбод бўлгандай туюлиб эди ҳамки, тўсатдан фармонга имзо чекилмаганига унинг кўзи тушиб қолди.

Бу кашфиёт қувончи шу қадар зўр эдики, уни миледи яшириб тура олмади.

– Ҳа, ҳа, – деди унинг нима қўйга тушганини пайқанган лорд Винтер, – ҳа, сиз имзони ахтаряпсиз-да, ўзингизга ўзингиз айтаяпсиз: «Бу фармоннинг имзоси бўлмаганидан кейин ҳали ҳаммаси бой берилмаган; фақат мени бир кўрқитиб қўйиш учун уни менга кўрсатаяптилар». Сиз янглишмоқдасиз, эртага бу фармон лорд Бэкингемга жўнатилади, индинга у шахсан унинг қўли қўйилган ва муҳри босилган ҳолда қайтиб келади, яна йигирма тўрт соат ўтгач эса, сизга кафолат бераман, у ижро этилади. Хуш қолинг, хоним, сизга маълум қилмоқчи бўлган бор гапим шу.

– Мен бўлсам сизга бу ҳокимиятни суистеъмол қилиш билан бу уйдирма ном остидаги бадарға разолатдир, деб жавоб бераман, муҳтарам афандим.

– Сизга ўзингизнинг ҳақиқий номингиз билан осилиб ўлиш афзалми, миледи? Инглиз қонунлари никоҳга зид жинойтларни шафқатсиз жазолашидан хабарингиз бор-ку, ахир. Очиқчасига гаплашиб олайлик: гарчи менинг номим ёки тўғриси акамнинг номи бу расво воқеага аралашиб қолган бўлса-да, мен сиздан узил-кесил қутулиб олганимга камоли

ишонч ҳосил қилиш учун ошкора жанжалдан тоймайман.

Миледи ҳеч нима жавоб қилмади, лекин ранги худди мурданики сингари ўчиб кетди.

– Ана, сизнинг олис сафарни афзал кўришингизни кўриб турибман. Жуда яхши, хоним. Қадимги бир мақол: саёҳатлар ёш-ялангларнинг онгини оширади, деб таъкидлайди. Худо ҳаққи, пироварди оқибат сиз ҳақсиз! Ҳаёт – яхши нарса. Уни мендан тортиб олмаслигингиз гамида юрганимнинг боиси ҳам шу-да. Демак, беш шиллинг борасида келишиб олишимиз қолди, холос. Мен сал хасисроқ кўринишим мумкин, шундай эмасми? Бу соқчиларингизни сиз сотиб олмаслигингиз ташвишини қилаётганим билан изоҳланади. Дарвоқе, ҳали уларнинг кўнглини овлаш учун барча сеҳру жодуларингиз ёнингизда қолади. Мабодо Фельтон борасида омадингиз келмагани бу хил уринишларга майлингизни қолдирмаган бўлса, уларни ишга солавринг.

«Фельтон мени фош қилмабди! – кўнглидан ўтказди миледи. – Ундай бўлса, ҳали ҳеч нима бой берилмаган».

– Энди эса хайр, хоним. Эртага чопаримнинг жўнаб кетганини сизга айтгани келаман.

Лорд Винтер ўрнидан турди, истехзо билан таъзим қилди-да, чиқиб кетди.

Миледи енгил тортиб хўрсиниб қўйди: олдинда унинг яна тўрт куни бор эди; Фельтонни тамомила йўлдан оздириш учун унга тўрт кун кифоя қиларди.

Лекин лорд Винтер фармонга имзо чектириш учун Бэкингем ҳузурига худди Фельтонни жўнатиб юборса-чи, деган даҳшатли фикр кўнглига келди; бу ҳолда Фельтон унинг қўлидан чиқиб кетади, тўла муваффақият учун эса асирага ўз жодуларининг таъсири узилмагани зарур эди.

Ҳар қалай, айтиб ўтганимиздек, бир жиҳат миледи-га тасалли бермоқдайди: Фельтон уни фош этмаган.

Асира лорд Винтернинг дағдағалари қўзғатган ҳаяжонини билдиргиси йўқ эди, шу сабаб у стол ёнига ўтириб тамадди қилиб олди.

Кейин кечагидек у тиз чўқди ва овоз чиқариб ибодат қилди. Кечаги кундаги сингари аскар қулоқ солган қўйи юришидан тўхтаб қолди.

Ҳадемай у соқчиникидан енгилроқ одимларни илғади; улар даҳлиз тўридан яқинлашиб келиб, унинг эшиги тагида тўхтаб қолди.

«Бу ўша», – хаёлидан ўтказди миледи.

У ўша Фельтонни саросимали аҳволга солиб қўйган гимнини куйлаб юборди.

Лекин унинг кучли тиниқ овози ҳар қачонгидан кўп оҳангдор ва дилрабо янграса-да, эшик очилмади. Миледи эшик дарчасига зимдан назар ташлади-да, у қуюқ панжара орасидан ёш йигитнинг чақноқ кўзларини кўраётгандай бўлиб кетди; лекин бу аслида шундай бўлдими ёки унга шундай туюлдими, у билмай қолаверди: бу дафъа хонага кирмасликка унинг қурби етди.

Бироқ миледи куйлашдан тўхтагандан кейин бирикки зум ўтгач у бировнинг чуқур нафасини эшитаётгандай бўлди; сўнгра эшик тагига яқинлашган ўша қадамлар шошмасдан ва гўё истар-истамас йироқлашди.

XXV

Тутқунликнинг тўртинчи кун

Келаси кун Фельтон миледи ёнига кириб унинг креслода турганини ва батис рўмолчалардан энсиз тасмалар йиртиб, учма-уч қилиб боғлаб эшилган арқонни кўлида ушлаб турганини кўрди. Фельтон очаётган эшик ғийчиллаганида миледи креслодан енгил сакраб тушди-да, кўлида ушлаб турган ҳалиги арқонни орқасига яширмоқчи бўлди.

Ёш йигит одатдагидан рангпарроқ кўринарди, унинг бедорликдан қизариб кетган кўзлари тунни бесаранжом ўтказганидан дарак берарди.

Бироқ унинг афт-ангорига қараб у энг собит совуқ-қонлик билан қуролланиб олган дейиш мумкин эди.

У шошмасдан креслога ўтириб олган миледи ёнига борди ва беҳосданми ёки, эҳтимол, атайинми кўринадиган қилиб қолдирган ажал келтирувчи чилвирнинг учини кўтариб совуққина сўради:

– Бу нима, хоним?

– Буми? Ҳеч нима, – дея усталик билан ўзининг та-бассумига мотамсаро ифода бериб жавоб қилди миледи. – Зерикиш – маҳбусларнинг ашаддий душмани. Мен зерикиб кетдим ва шу арқонни эшиб, ўзимни овутдим.

Фельтон ёнида миледининг креслоси турган деворга нигоҳини қаратди-ю унинг боши устида деворга қоқилган ва қўйлак ёки қурол осишга хизмат қилгучи зарҳал илмоқни кўрди.

У сесканиб кетди ва асира буни пайқаб қолди: гарчи унинг кўзлари пастга қаратилган бўлса-да, ҳеч нима улардан қочиб қутула олмасди.

– Нима қилаётувдингиз креслода туриб? – сўради Фельтон.

– Бу билан нима ишингиз бор?

– Лекин мен билмоқни истайман, – гапида туриб олди Фельтон.

– Қўйинг, суриштирмай қўя қолинг. Сиз биласизки, бизларга – асл христианларга ёлғон сўзлаш ман этилган.

– Майли, унда нима қилганингизни ёки тўғрироғи нима қилмоқчи бўлиб турганингизни мен ўзим айтаман: сиз кўнглингизга тугиб юрган ҳалокатли ниятингизни амалга оширмоқчи эдингиз. Хотирга олинг, хоним, агар тангри бўҳтонни ман этган бўлса, у ўз жонига қасд қилишни янада қатъийроқ ман этиб қўйган.

– Бандаларининг бири ноҳақдан-ноҳақ қувғинга дучор қилинаётганини унинг куни ё ўз жонига қасд қилишни ва ё шармандаликни танлашга қолганини парвардигор кўриб тургандан кейин, гапимга ишо-

нинг, унинг ўзи жонига қасд қилганини худо кечиради, – чуқур ишонч билан гапирди миледи, – ахир, бу ҳолда ўзини ўлдириш – машаққатли ўлим бўлади.

– Сиз ё муболаға қиляпсиз, ё гапни чала қолдираяпсиз. Бор гапни айтинг, хоним, изоҳлаб беринг, азбаройи худо.

– Мусибатларимни сизга сўзлаб берай-да, сиз уларни уйдирма гаплар деб ҳисобланг, ўзимнинг ниятларимни сиз билан ўртоқлашай-да, сиз уларни менинг таъқибчимга чақиб қўйинг, йўқ муҳтарам афандим! Бунинг устига сизга бир бахти қаро маҳкум хотиннинг ҳаёти ёки ўлими нима бўпти? Ахир сиз фақат менинг таним учун жавобгарсиз, шундай эмасми? Жасадни топширсангиз бас – уни менлигимни таниб олсалар сиздан ортиқ ҳеч нима сўрамайдилар. Ҳатто қўшалок мукофот ҳам олиб қолсангиз ажаб эмас.

– Менми, хоним, менми? – қичқириб юборди Фельтон. – Ҳаётим эвазига мукофот олишга рози бўлади деб мендан гумон қила оласизми ҳали? Оғзингизга қараб гапиринг!

– Йўлимни тўсманг, Фельтон, тўсманг! – руҳланиб деди миледи. – Ҳар бир аскар обрў талаб бўлмоғи керак, тўғрими? Сиз лейтенантсиз, менинг тобутим кетидан эса капитан рутбасида борасиз.

– Мен ўзи нима қилдимки, худою бандалар олдида шундай масъулиятни менинг гарданимга юкламоқдасиз? – деди унинг сўзларидан ларзага келган Фельтон. – Бир-икки кун ўтгач, сиз бу қасрни тарк этасиз, хоним, сизнинг ҳаётингиз ортиқ менинг муҳофазамда бўлмайди, ана ўшанда... – хўрсиниб илова қилди у, – ўшанда ихтиёрингиз – уни нима қилсангиз қилаверинг.

– Демак, – гўё муқаддас қаҳрини ортиқ тийиб туришга қурби етмагандай қичқириб юборди миледи, – сиз, художўй бир киши, сиз ҳамма авлиё деб юрадиган киши фақат бир нарсани – менинг ажалимда сизни айбламасликларини, сизни у ҳаргиз беҳаловат қилмаслигини истар экансиз-да?

– Мен сизнинг ҳаётингизни асрашим керак, хоним, мен буни уддасидан чиқаман ҳам.

– Лекин қандай мажбуриятни бажараётганингизни тушунасизми-йўқми ўзи? Қилаётган ишингиз, ҳатто мен гуноҳкор бўлган тақдирда ҳам ёвузлик бўлурди; хўш, мен беғуноҳ бўлсам-чи, ўз хатти-ҳаракатларингизни сиз нима деб атайсиз, парвардигор уни нима деб атайди?

– Мен аскарман, хоним, олган фармойишларимни ижро этяпман.

– Сиз парвардигор маҳшар қунида кўр-кўрона итоат қилган жаллодларни-ю порок қозиларни фарқига бориб ўтиради деб ўйлайсизми? Сиз менинг танимни ўлдиришимни истамайсиз-у, шу билан бирга эса менинг руҳимга зомин бўлишни истаган киши ихтиёрининг ижрочиси бўлиб олмоқдасиз!

– Такрор айтаман, – деди иккилана бошлаган Фельтон, – сизга ҳеч қандай хатар таҳдид солаётгани йўқ, мен лорд Винтер учун худди ўзим учун бўлганидек жавоб бераман.

– Девона! – деди миледи, – донишмандларнинг донишманди, худога энг хуш кишилар ўзлари учун кафолат беришга журъат қилсалар-у, ўзга киши учун кафил бўлиб ўтирса аянч телбадир. Кимки ожиз муштипар нарсага зулм ўтказиш учун энг кучли ва масъуд киши тарафга ўтиб олса девонадир.

– Бўлиши мумкин эмас, хоним, бўлиши мумкин эмас! – деб ним товушда гапирди бу баҳонанинг ҳақлигини кўнглида сезиб турган Фельтон. – Сиз банди экансиз, мен орқали озодликка чиқолмайсиз, сиз ҳаёт экансиз, ҳаётингиздан мен орқали жудо бўлолмайсиз.

– Ҳа, – деди миледи, – лекин мен ўзим учун ҳаётдан ҳам қимматли бўлган нарсадан жудо бўламан: номусимдан жудо бўламан! Сизни бўлса Фельтон худою бандалар олдида номусим ва шармисорлигимга масъул қилиб қўяман.

Фельтон нечоғлик лоқайд бўлмасин ёки шундай кўринишга нечоғлик уринмасин бу дафъа ўзи аллақачонлар берила бошлаган хуфия таъсирга дош беролмай қолди: гуё бекам-кўст малак сингари бирам гўзал, покиза бу аёлни кўриб туриш, уни дам кўз ёши тўкаётган, дам дўқ қилаётган ҳолда кўриб туриш, бир пайтда ҳам унинг жамоли сеҳрини ҳам унинг ҳасратининг ром қилгувчи қудратини ҳис қилиш – булар ҳаммаси бир хаёлпараст учун ҳаддан ташқари кўп эди, асабий эътиқод жазаваларидан ғовлаб кетган мия учун оғирлик қилар эди, худога бўлган жўшқин муҳаббатдан ва инсонларга нисбатан аччиқ нафратдан жизғанак бўлган қалб учун меъёридан ортиқ кўп эди.

Миледи бу хижолатни илғаб олди, ғайришуурий равишда ёш мутаассибнинг қонида жўш ураётган бу қарама-қарши эҳтирослар алангасини туйиб олди; ғанимнинг чекинишга шайлигини кўриб, ғалаба наърасини тортиб унинг устига бостириб боргувчи моҳир лашкарбоши мисол у қадимий парилар сингари гўзал, христиан ҳурлари сингари мутаассир бўлиб ўрnidан турди; бўйинлари очилиб, сочлари ёйилиб кетди, нигоҳи ўша ёш пуританнинг туйғуларига васваса солиб бўлган оташдан пориллаб кетди; ийманиб бир қўли билан кўйлагини кўксида тутган, бошқасини олға чўзган кўйи у йигит сари қадам ташлади-да, ўша ўзи гоҳи пайтларда эҳтиросли ва ваҳимали оҳанг бера билган майин овози билан қуйлай бошлади:

*Қурбонликка илҳақ Ваал жағлари,
Жафокашни шерга ирғитинг шитоб,
Сиздан тангри қасос олажак ҳали!..
Мен унга зиндондан айладим хитоб.*

Бу аломат мурожаатдан Фельтон бехос қотиб қолди.

– Кимсиз, кимсиз? – тавалло билан кафтларини жуфтлаштириб деди у. – Фалакнинг вакиласимсиз,

дўзахнинг чокаримисиз, фаришта ёки азроилмисиз, номингиз Элоа ёки Астартами?

– Сен мени танимадингми ахир, Фельтон? Мен фаришта ҳам, азроил ҳам эмасман – мен замин қизиман ҳамда мен эътиқод бўйича сенга сингил бўламан, вассалом.

– Ҳа, ҳа! Мен ҳали иккиланган эдим, энди ишоняпман.

– Сен ишонаяпсан, аслида бўлса сен, ўша лорд Винтер деб аталмиш Велиалдан тарқаган нуханинг шеригисан! Сен ишоняпсан, аслида сен мени Англия душмани, парвардигор душмани – мени душманларим қўлига ташлаб қўймоқдасан! Сен ишоняпсан, аслида эса сен мени оламни ўз куфрию фаҳшига тўлғазиб ҳаром қилиб юборган кимсага – басирлар Бэкингем деб, диндорлар эса антихрист деб атагувчи разил Сарданапалга мени хоинона тутиб бермоқдасан!

– Мен сизни Бэкингемга хоинона тутиб беряпманми? Мен-а? Нималар деяпсиз ўзи?

– Кўзи борлар кўрмайди! – қичқирди миледи. – Қўлоғи борлар – кар!

– Ҳа, ҳа! – деди Фельтон ва сўнгги шубҳани тубдан юлиб ташламоқчидай жиққа терга ботган манглайини қўли билан артиб қўйди. – Ҳа, тушларимда менга башорат қилгувчи овозни танияпман. Ҳа, ҳар тун менга намоён бўлиб, уйқу не билмайдиган руҳимга: «Яксон қил, Англияни халос қил, сен ўзингни халос қил, зеро, сен худо ғазабини қайтармасдан ўлиб кетасан!» – дея баралла гапиргувчи малакнинг истарасини танияпман. Гапиринг, гапиринг, – деди Фельтон, – сизни мен энди тушуняпман!

Миледининг кўзларида худди чақмоқ чақинисимон оний ваҳшатли қувонч чақнаб кетди.

Бу машғум қувонч шуъласи қанчалар оний бўлмасин, Фельтон уни илғаб қолди ва гўё у бу аёл юраги қаърини ёритиб бергандай ларзага келди.

Фельтон бирдан миледи жодуларига оид лорд Винтернинг огоҳлантирганларини ва ўзини шайдо қилишга унинг дастлабки уринишларини эслади; у бир қадам тисарилди-да, ундан кўзини узмаган ҳолда бошини ҳам қилди: бу ғалати мавжудотдан сеҳрлангандай у миледидан кўзини узолмасди.

Миледи унинг тараддудининг маъносини тўғри талқин қилиб олиш учун кифоя қиларли даражада зийрак эди. Унинг сиртқи ҳаяжони замирида пинҳон оғирвазминлиги уни бир зум ҳам тарк этмасди.

Фельтон тилга кирмасдан ва бу билан суҳбатни ўша кўтаринки руҳда давом эттиришга мажбур қилмасдан туриб, бу бағоят мушкул гап бўларди, гўё аёллик заифлиги устун келгандай қўлларини шалвиратиб ташлади.

– Йўқ, – деди у, – Ветилуяни Олоферндан халос қилажак Юдиф бўлиш менга йўл бўлсин. Олло таолонинг шамшири менинг қўлим учун ўта оғирлик қилади. Қўйинг, шармандаликка чап бермоқ учун ўлиб қўя қолай, қўйинг, машаққатли ажалдан нажот топа қолай! Мен сиздан на жиноятчиларга ўхшаб озодлик, на мажусийларга ўхшаб қасос тилайман. Мени ўз холимга қўйинг, ўлиб қўя қолай, вассалом. Мен сизга ёлвораман, тиз чўкиб сизга тавалло қиламан: мени ўз холимга қўйинг, ўлиб қўя қолай ҳамда менинг сўнгги нафасим ҳам халоскоримни олқайди.

Бу беозор илтижоли овозни эшитиб, бу журъатсиз ҳазин нигоҳни кўриб Фельтон яна унинг ёнига борди.

Бора-бора фусунгар яна унинг қаршисида – ўз майлига қараб ҳали рўкач қилгувчи, ҳали яшириб кўйгувчи ҳусн, маъсумалик, кўз ёшлари хусусан эса барча эҳтиросларнинг хилқати бўлмиш сирли шаҳватнинг бедаво латофати вужудга келтиргувчи ўша сеҳрли либосда намоён бўла бошлади.

– Ҳайҳот! – деди Фельтон. – Ўзингизнинг қурбонлигингизни исбот этсангиз, менинг сизга раҳмим келиши мумкин, холос. Лекин лорд Винтер сизга оғир айб-

ларни даъво қилмоқда. Сиз христиансиз, сиз эътиқод бўйича менга сингил бўласиз. Мен, ҳеч қачон ўз валинеъматимдан ўзга ҳеч кимни севмаган, умрида сотқинну нокаслардан бўлак ҳеч кимга йўлиқмаган – мен сизга майлим борлигини ҳис қилиб турибман. Лекин сиз бирам гўзалсиз хоним, бирам ифбатли кўринасиз! Лорд Винтер сизни шунчалар таъқиб этаётган эканми, сиз аллақандай қонунга хилоф ишлар қилиб қўйган бўлсангиз керак.

– Кўзи борлар – кўр, – таърифга сифмайдиган ғусса аралаш овоз билан такрорлади миледи, – қулоғи борлар – эшитмайди, кар.

– Ундай бўлса гапира қолинг! – деди ёш офицер.

– Шармисор бўлганимни айтайми сизга! – хижолатдан ранги ўзгариб сўради миледи. – Ахир, кўпинча бир кишининг жинояти бошқа бировнинг номусини ерга уради-ку... Мен аёл нарса шармисор бўлганимни сизга – эркак кишига айтмайми! О!.. – жоду кўзларига қўлларини ибо билан пана қилиб гапида давом этди у, – О, минбаъд, минбаъд, буни сизга айтар аҳволда бўлмасман!

– Менга, оғангизга-я? – сўради Фельтон.

Миледи унга шундай бир авзо билан термилиб қолдики, буни ёш офицер иккиланиш деб қабул қилди; аслида эса бу миледи унга зеҳн солаётгани ва уни ром қилмоқчи бўлаётганини кўрсатарди, холос.

Фельтон ёлворувчи бир қиёфада қўлларини қовуштирди.

– Хўп, яхши, – деди миледи, – мен оғамга ишонганим бўлсин, бир қарорга келаман.

Шу нафас лорд Винтернинг оёқ товушлари эшитилиб қолди, лекин бу дафъа миледининг жоҳил қайнағаси кечагидаги сингари эшик ёнидан ўтиб кетиш билан чекланиб қолмади, балки тўхтади-да, соқчи билан бир-икки оғиз гап ташлашди: сўнгра эшик очилди-ю, у бўсағада зоҳир бўлди.

Бу эшик орқасидаги қисқа суҳбат асносида Фельтон сапчиб ўзини четга олган ҳамда лорд Винтер кириб келганда у асирадан бир-икки қадам нарида турарди.

Барон шошмасдан кириб келди ва асира билан ёш йигитга синовчан назар солди.

– Негадир анчадан бери шу ердасиз, Джон, – деди у, – бу аёл сизга ўз жиноятларини гапириб бераётган бўлмасин тағин? У ҳолда суҳбатингиз шунча чўзилиб кетганига ҳайрон бўлмайман.

Фельтон сесканиб тушди, миледи ҳам агар гангиб қолган пуританга ўзи ёрдамга келмаса ҳоли хароб бўлишини фаҳмлади.

– Э-ҳа, а, сиз асира қўлимдан чиқиб кетмасайди, деб кўрқяпсиз-да! – гап бошлади у. – Муҳтарам нозирингиздан сўраб кўринг-чи, мен ундан қандай марҳаматни тилаб турганимни.

– Сиз марҳамат сўраб тургандингизми? – шубҳаланиб сўради барон.

– Ҳа, милорд, – тасдиқлади изза бўлган йигит.

– Ҳуш, қандай марҳаматни? – сўради лорд Винтер.

– У бир зумдан кейин эшик туйнугидан қайтариб бераман деб ваъда қилиб мендан пичоқ сўраб турган эди, – жавоб берди Фельтон.

– Нима, бу ерда бу хоним сўймоқчи бўлаётган битта-яримтаси яшириниб турибдими? – ўзининг истехзоли, нафратли оҳангида сўради лорд Винтер.

– Бу ерда мен турибман, – жавоб берди миледи.

– Мен сизга танлаб олинг деб Америка ёки Тайбернни ихтиёрингизга ҳавола қилиб қўйибман, – луқма ташлади лорд Винтер. – Тайбернни танланг миледи: гапимга ишонинг, арқон пичоқдан пухтароқ.

Фельтон ўзи хонага кириб келган дамда миледи қўлида арқон ушлаб турганини хотирлаб бўзариб кетди-ю, бир қадам олдинга юрди.

– Сиз ҳақсиз, – деди миледи, – мен бу ҳақда ўйлаб кўрган эдим. – Сўнг овози бўғилиб қўшиб қўйди: – Ва яна ўйлаб кўраман.

Фельтон аъзойи баданидан титроқ ўтганини сезди; афтидан бу ҳаракат лорд Винтернинг назаридан қочмади.

– Бунга ишонма, Джон, – деди у. – Джон, дўстим, мен сенга ишонганман, эҳтиёт бўл, сени мен огоҳлан-тирган эдим! Дарвоқе, дадил бўл, бўтам: уч кундан кейин биз бу махлуқдан қутулиб қоламиз, мен уни юбораётган жойда у ҳеч кимга зиён етказа олмайди.

– Эшитяпсанми! – барон худога мурожаат қиляпти деб ўйласин деб қаттиқ фарёд қилди миледи, Фельтон бўлса унинг ўзига мурожаат қилаётганини фаҳмлади.

Фельтон бошини хам қилди-да, ўйланиб қолди.

Барон офицерни қўлтиғидан олди ва хонани тарк этмагунларигача ҳадеб елка оша миледига қараган ва ундан кўзини узмаган кўйи у билан эшик сари юрди.

«Ҳали мен ўз ишимни ўзим кўзлаган даражада юриштиролмабман, – унинг ортидан эшик ёпилгандан сўнг ўйлади асира. – Винтер ўзининг одатдаги овсарлигидан айниб, мислсиз эҳтиёткорлик кўрсатаяпти. Интиқом дарди дегани шу-да! Инсон табиатини у нақадар такомиллаштириб юборади-я! Хўш, Фельтончи... Фельтон иккиланяпти! Оҳ, у ўша лаънати д'Артаньян сингари одам эмас-да. Пуритан ифбатли қизларга ошиқ, яна бунинг устига тоат-ибодатга қўл қовуштирганча ошиқ. Мушкетёр бўлса аёлларни севади ҳамда уларни оғушига олиб севади».

Бироқ миледи Фельтоннинг қайтишига бетоқат бўлиб кўз тутарди: у билан шу куни яна юз кўришишига у шубҳа қилмасди. Ниҳоят биз тавсиф этган кўринишдан кейин бир соат ўтгач, у эшик тагидаги оҳиста суҳбатни эшитиб қолди, ҳадемай эшик очилди-да, унинг қаршисида Фельтон ҳозир бўлди.

Ёш йигит эшикни қия қолдириб тез хонага кирди-да, миледига дамани чиқармай туришни ишора қилди; унинг юзи қаттиқ ҳадикдан далолат берарди.

– Мендан нима истайсиз? – сўради миледи.

– Кулоқ солинг, – секин гапирди Фельтон, – менинг хузурингизга келганим ҳамма учун сир бўлиб қолиши ва суҳбатимизни ҳеч ким эшитиб қолмаслиги учун мен соқчини йўқотдим. Барон ҳозир даҳшатга солгувчи воқеани сўзлаб берди менга.

Миледи ўзининг мўмин қурбон табассуми билан илжайиб, бошини чайқаб қўйди.

– Ё сиз азроилсиз, – гапида давом этди Фельтон, – ё барон менинг валинеъматим, менинг отам – ёвуз бир махлуқ. Мен сизни таниганимга бор-йўғи тўрт кун бўлди, уни эса мана икки йилдан бери севаман. Шу боисдан сизларни ораларингизда иккиланиб қолишим узрли менга. Менинг сўзларимдан чўчиманг, сиз ҳақиқатни гапираётганингизда мен қаноат ҳосил қилмоғим зарур. Бугун ярим кечадан кейин мен ёнингизга келаман шунда сиз мени ишонтирасиз.

– Йўқ, Фельтон, йўқ, оғам, – жавоб берди у, – фидойилигингиз ҳаддан ташқари улкан, унинг сизга қимматга тушишига ақлим етади. Йўқ, мен хазон бўлдим, ўзингизни менга қўшиб жувонмарг қилманг. Менинг ўлимим ҳаётимдан маънолироқ бўлади, жасаднинг сукути эса тутқуннинг сўзларидан кўра сизни яхшироқ ишонтиради.

– Жим бўлинг, хоним! – деди Фельтон. – Менга бу гапни гапирманг! Ўз жонимга қасд қилмайман деб сиз менга ваъда беришингиз, чин сўз беришингиз, ўзингиз учун табаррук жамики нарсаларни ўртага солиб қасамёд қилишингиз учун келдим мен.

– Мен ваъда беришни истамайман, – жавоб берди миледи, – ҳеч ким қасамни мен сингари қадрламайди, мабодо мен ваъда бериб қўйсам, ваъдамнинг устидан чиқишга мажбур бўлиб қоламан.

– Унда ҳеч бўлмаганда то биз яна дийдор кўришгунча жонингизга суиқасд қилмай мушоҳада этиб туришга ваъда беринг. Борди-ю, мен билан юз кўришгандан кейин ҳам илгаригидек ўз ниятингизда туриб олсангиз, унда илож йўқ, нима қилсангиз ихтиёрин-

гиз, мен эса сиз сўраган қуролингизни қўлингизга тут-
қазаман.

– Майли, азбаройи сизни деб, мен мусоада қиламан.

– Қасамёд қилинг.

– Худомизни ўртага солиб қасамёд қиламан.

Кўнглингиз тўлдими?

– Яхши, тунгача хайр!

У хонадан отилиб чиқди-да, эшикни қулфлаб, қўли-
да аскар найзаси билан гўё постда соқчини ўрнини
босиб тургандай даҳлизда кута бошлади.

Аскар қайтиб келгандан кейин, Фельтон қуролини
унга қайтариб берди.

Эшик туйнугига йўлаб миледи Фельтоннинг жон-
жаҳди билан чўқиниб олганини ва шодлиги ичига сиғ-
май даҳлиздан юриб кетганини кўриб қолди.

У лабларида заҳарханда табассум билан, ўзи
ҳозиргина ўртага солган, лекин ўзи ҳеч билмаган ху-
донинг номини тилида такрорлаб жойига қайтиб
борди.

– Менинг худойимми? – деди у. – Телба мутаассиб!
Менинг худойим – бу мен ва кимки менга қасосимни
олишга кўмаклашса ўшадир.

XXVI

Тутқунликнинг бешинчи куни

Бу ўртада миледи аллақачон ярим-ёрти ғалабани
тантана қилмоқда ва эришилган муваффақият унинг
кучига куч қўшмоқда эди.

У шу тобга довр қилиб келгандай, сеҳру жодулар-
га лаққа тушадиган ва сертакаллуф сарой тарбияси
унинг тўрига дарров солиб қўядиган кишилар усти-
дан ғалаба қозониш қийин эмасди; миледи чунонам
гўзал эдики, эркакларни таслим қилиш йўлида вужуд
томонидан қаршилиққа йўлиқмасди, чунонам уддабу-
рон эдики, руҳ томонидан солинаётган ғовларни бе-
малол енгиб ўтарди.

Лекин бу дафъа унинг ўз-ўзига азоб бериш одати туфайли одамови, писмиқ, тўпори бўлиб кетган феъл билан қураш тушишига тўғри келди. Дин ва қаттиқ диний интизом Фельтонни расмана мафтун воситалари таъсиридан холи қилиб қўйганди. Бу ҳовлиқма мияда кенг кўламли режалар, исёнкор ниятлар бирам қаллашиб ётардики, унда шаҳвоний иштиёқ вужудга келтиргувчи, тасодифий ишққа, ўша бекорчиликдан униб, маънавий бузуқлик орқасидан ўсгувчи ишқида жой қолмаган эди. Миледи рахна солди: ўзининг сохта фазилатлари билан ўзига нисбатан қаттиқ ғаразда бўлган одамнинг ўзи ҳақидаги фикрларини зил кетказди, ўзининг жамоли билан эса тавфиқли ва маънавий пок кишининг қалбини ва ҳис-туйғуларини ром қилди. Мана, ниҳоят табиат ва дин ўрганиш учун унга тақдим қила оладиганки энг қайсар мавжудот устидаги бу тажрибада ҳанузгача унинг ўзи ҳам ғофил келган ўз куч ва уқувларини кенг кўламда ишга солиб юборди.

Лекин шунга қарамасдан бу оқшом асносида кўп марта ўздан, ўз толедан ҳам ихлоси қайтиб кетди; рост, у худони чорлагани йўқ, лекин ёвуз жинлар мададидан бу инсон ҳаётини муфассал бошқаргувчи ва араб эртагида баён қилинишича, битта анор донасидан вайрон бўлган бутун жаҳонни қайта бунёд этгувчи бу қудратли кучдан кўнгли тўқ эди.

Миледи Фельтоннинг келишига яхшилаб ҳозирлик кўрди ва бу мулоқот чоғидаги ўзининг хатти-ҳаракатини пухта ўйлаб олди. У фақат икки кун вақти қолаётгани ва фармонга Бэкингем имзо қўйган замон (Бэкингем бўлса яна шу боисдан имзо чекишда ўйлаб ўтирмайдикки, фармонда уйдирма ном қўйилган ва, бинобарин, гап қай аёл хусусида кетаётганидан у беҳабар бўлади), такрор айтамикки, бу фармонга имзо қўйилган замон барон уни ошиғич жўнатиб юборади. Ўша олий жамият ҳашаматидан ҳуснига ҳусн қўшилгувчи, расм-русм овози билан мадҳ этилгувчи ва ки-

бор насабнинг сеҳрли нурларида товлангучи юрт наздида ор-номусли деб доврўғи кетган аёлларга қараганда сургунга ҳукм этилган аёлларнинг мафтун этиш воситалари қудрати камроқ бўлишини ҳам у биларди. Хор қилгучи, иснодга қолдиргучи жазога ҳукм этилиш аёлни ҳусни жамолидан маҳрум қилмайди, лекин қайтадан қудратга етишиш йўлида енгиб бўлмас ғов бўлади. Ҳамма чинакам салоҳиятли кишилар сингари у қандай шарт-шароит ўзининг миждозига, ўзининг табиий сифатларига кўпроқ мос келишини жуда яхши тушунарди. Қашшоқлик уни бездирар, хўрлик унинг нуфузидан учдан икки қисмини олиб кўярди. Миледи фақат маликалар ичидагина малика эди; ҳукмронлик қилмоқ учун унга қониққан фахр туйғуси даркор эди. Пастарин мавжудотларга ҳокимлик қилмоқ унинг учун ҳузур тугул ҳатто хўрлик эди.

Унинг сургундан қайтиб келиши турган гап, бунга у бир нафас ҳам гумон қилмасди, лекин бу сургун қанча вақт давом этиши мумкин? Миледи сингари фаол ҳокимиятга ўч тийнат учун киши савлат тўкиб юқори турмаган кунлар машъум кунлар бўлиб туюларди; хўш, одам пастга қараб думалаб кетаётган кунларни аташ учун қандай сўз топиб бўлади! Бир йил, икки йил, уч йилни бой бериш – бир умрни бой бериш деган гап; д'Артаньян ўз дўстлари билан аллақачон қиролича қўлидан хизматига яраша туҳфани шодмон ва масъуд бўлиб олаётган пайтда қайтиб кетиш – буларнинг ҳаммаси шундай уқубатли хаёллар эдики, миледи сингари аёлнинг уларга бардош бериши мушкул эди. Дарвоқе, унинг кўнглида кўтарилаётган ғалаён унинг кучига куч қўшмоқда, агарда унинг жисмоний имкониятлари ақлийлари билан лоақал бир зум баслаша олганида борми, ўз зиндонининг деворларини яксон қилиб ташлашга унинг қурби етган бўларди.

Буларнинг ҳаммасидан ташқари кардинал хусусидаги хаёллар уни азобга солмоқда эди. Шубҳаланувчан бетоқат кардинал – унинг нафақат ҳозирги кунда-

ги бирдан-бир умиди, бирдан-бир таянчи ва бирдан-бир паноҳи, балки яна унинг келгусидаги бахти ва қасосининг асосий қуроли бўлмиш кардиналчи унинг бедарак кетганига нима изоҳ бериши мумкин, нима хаёлларга бориши мумкин? Миледи уни биларди, билардики саёҳатдан қуруқ қайтгач, у ҳибсга тушганини баҳона қилиши беҳуда ҳам тортган азоб-уқубатларининг таърифини келтириш беҳуда эди; жавоб ўрнида у ўзининг иқтидори, шу билан тафаккури ҳам қудратли скептикнинг истехзоли хотиржамлиги билан дерди: «Қўлга тушмаслик керак эди!»

Шундай пайтларда миледи ўзининг бор ғайратини даъват қилар, ўзи тушиб қолган дўзах қаҳрига тушиб турган ягона нур шуъласи бўлмиш Фельтоннинг номини хаёлан такрорлагани-такрорлаган эди; ҳамда ўз кучини синаб кўриш истагида ҳалқаларини ҳали бураб, ҳали бўшатиб кўраётган илон каби у ўзининг топқир тасаввурининг саноқсиз иланг-биланглари билан Фельтонни ҳалитдан чулғаб олмоқда эди.

Бу орада вақт ўтиб борар, соатлар бирин-сирин қўнғироқни йўл-йўлакай уйғотиб тургандай туюлар, мис тилнинг ҳар зарбаси эса асиранинг қалбида аксадо берарди. Соат тўққизда ўз одатича лорд Винтер келди, дераза билан панжара чивикларига разм солди, полни, девор, камин ва эшикларни текшириб чиқди ва бу узоқ астойдил кўрик асносида на у, на миледи оғиз очмадилар.

Шубҳасиз, иккалови ҳам беҳуда сўзлар-у, бенатижа ғазабга вақтни исроф қилмоқ учун вазият ҳаддан ташқари жиддийлашиб кетганини тушунардилар.

– Йўқ, йўқ, – миледи ҳузуридан кета туриб деди барон, – бу кеча қочишни уддасидан чиқолмайсиз ҳали!

Соат ўнда соқчи қўйгани Фельтон келди, миледи ҳам уни юришидан таниб олди. У энди маъшуқа ўз ошиғининг рафторини пайқаб олгани каби бунинг фарқига бориб қолган эди, ҳолбуки бу ландовур мутаассибдан миледи нафратланар, уни кўрарга кўзи йўқ эди.

Тайинланган вақт ҳали бўлмаганидан Фельтон ҳам кирмади.

Икки соат ўтгач, ярим кечага занг урилганда соқчини алмаштирдилар.

Бу дафъа фурсат етди, миледи ҳам муштоқ бўлиб кута бошлади.

Янги соқчи даҳлизни кезиб юра бошлади.

Ўн дақиқадан сўнг Фельтон келди.

Миледи ҳушёр тортиб турди.

– Қулоқ сол, – деди йигит соқчига, – ҳеч бир баҳона билан шу эшикнинг ёнидан силжима. Хабаринг борку, ахир ўтган туни постини бирпасга тарк этгани учун милорд бир аскарнинг таъзирини берди, ҳолбуки у йўғида шу қисқагина вақт ичида мен унинг ўрнида қоровуллик қилиб тургандим.

– Ҳа, бундан хабарим бор, – жавоб берди аскар.

– Сенга жуда ҳафсала билан назорат қилиб туришни буюраман. Мен бўлсам, – илова қилди Фельтон, – кираманда, бу аёлнинг хонасини яна бир марта кўздан кечириб чиқаман: унинг шум нияти – ўзини ўлдириш нияти борми деб қўрқаман, унга кўз-қулоқ бўлиб туриш амр этилган менга.

– Жуда яхши, – шивирлади миледи, – ана жиддий пуритан ёлғон ҳам сўзлай бошлади.

Аскар мийиғида қулиб қўйди, холос:

– Азбаройи шифо, бундай топшириқдан зорланмасангиз ҳам бўлади, жаноб лейтенант, хусусан агар милорд сизни унинг тўшагига кириб чиқишга мутасадди қилган бўлса.

Фельтон қизариб кетди; ўзига ҳар қандай вазиятда, унга бу хил ҳазилни эп кўргани учун аскарга у жиддий танбеҳ берган бўларди, лекин оғзидан бирор суҳан чиқаришга журъат қилиши учун у виждонини ҳали йўқотмаган эди.

– Агар чақирсам, – деди у, – кир. Худди шунингдек, агар битта-яримтаси келиб қолса, мени чақир.

– Бош устига жаноб лейтенант, – жавоб берди аскар. Фельтон миледи ёнига кирди. Миледи ўрnidан турди.

– Бу сизмисиз! – деди у.

– Мен келаман деб сизга ваъда бериб эдим, мана келдим.

– Сиз менга яна бошқа нарсани ҳам ваъда қилиб эдингиз.

– Хўш, нимани! Ё раббий! – деб қўйди йигит ва ўзини тута билиш уқувига қарамасдан унинг тиззалари қалтираб, манглайдан тер чиқиб кетди.

– Сиз пичоқ келтириб, суҳбатимиздан кейин уни қолдириб кетишга ваъда бергансиз.

– Бу ҳақда офиз очманг, хоним! Шундай аҳвол йўқки нечоғлик даҳшатли бўлса-да, у худонинг бир бандасига ўзини жондан жудо қилиш ҳуқуқини берса. Мен ўйлаб кўрдим ва шу хулосага келдимки, мен ўз бўйнимга бундай гуноҳни зинҳорба-зинҳор олмаслигим керак.

– Ҳо-а, сиз ўйлаб кўрдингизми! – истиғноли табасум билан креслога ўтираркан деди асира. – Мен ҳам ўйлаб кўрдим ва мен ҳам бир хулосага келдим.

– Қандай?

– Лафзи йўқ одамга айтадиган гапим йўқ деб.

– Ё раббий! – шивирлади Фельтон.

– Сиз чиқиб кетаверишингиз мумкин, мен ҳеч қандай гапни айтмайман.

– Мана пичоқ! – деб ваъдасига мувофиқ ўзи келтирган, лекин асирага топширишга ботинмай турган қуролни чўнтагидан чиқара туриб гапирди Фельтон.

– Беринг-чи, уни бир кўрай-чи?

– Нега?

– Номусим билан қасамёд қиламанки, мен уни шу заҳоти қайтариб бераман. Сиз уни мана бу столга қўясиз-да, ўзингиз у билан менинг ўртамда турасиз.

Фельтон қуролни миледига узатди; у тигни диққат билан кўздан кечирди-да, учини бармоғи учига тегиб кўрди.

– Яхши, – деди у пичоқни ёш офицерга қайтараркан, – бу қаттиқ аъло пўлатдан... Сиз содиқ дўст экансиз Фельтон.

Фельтон пичоқни олди-да, келишилгандек уни столга қўйиб қўйди.

Миледи Фельтонни нигоҳи билан кузатиб турди-да, қаноат ҳосил қилиб бош ирғаб қўйди.

– Энди, – деди у, – гапларимга қулоқ солинг.

Бу таклиф ортиқча эди: ёш офицер унинг қошида турар ва нигорон бўлиб унинг сўзларини кутарди.

– Фельтон... – деб тантанавор ва ҳазин гап бошлади миледи. – Фельтон, бир кўз олдингизга келтиринг, сизнинг синглингиз, отангизнинг қизи сизга деди: мен ҳали ёш ва пешанамнинг шўрига ҳаддан ортиқ гўзал бўлган чоғимда мени алдаб тузоққа илинтирдилар, лекин мен дош бердим... Менга қарши фиску фасод ва зулмларини кўпайтириб юбордилар – мен дош бердим. Мен эътиқод қўйган мазҳабни, мен топингувчи худони таҳқирлай бошладилар, нега десангиз мен худони ва ўша ўзимнинг эътиқодимни ёрдамга чорлардим, лекин шунда ҳам мен дош бердим. Шундан сўнг менинг шаънимга ҳақоратлар ёғдира бошладилар ва руҳимни сўндиришнинг иложини қилолмаганлари сабабли танимни то абад ҳаром қилиш пайига тушдилар. Оқибат...

Миледи тўхтаб қолди ва лабларига аччиқ табассум илинди.

– Оқибат, – унинг кетидан такрорлади Фельтон, – ҳўш, улар нима қилдилар оқибат?

– Оқибат бир кун кечқурун ҳамон енгишнинг иложи бўлмаётган матонатимни букишга қарор қилдилар... Хуллас, бир кун кечқурун менга ўткир ухлатувчи дори қўшилган сув бердилар. Мен кечки тамадимни тугатар-тугамас бора-бора аллақандай ғалати жунжикиб бораётганимни сезиб қолдим. Гарчи кўнглимда ҳеч гап бўлмаса-да, мени элас-элас қўрқув босарди-ю, мен уйқуни енгишга уринардим. Мен

ўрнимдан туриб ўзимни деразадан отмоқчи, ёрдамга чақирмоқчи бўлдим-у, лекин оёқларим менга итоат қилмай қўйди. Шифт худди менинг бошимга қараб пастлаётгандай ва бутун вазни билан мени эзаётгандай туюлиб кетди. Мен қўлларимни узатдим, гапиришга ҳаракат қилиб кўрдим, лекин аллақандай мубҳам товушларни чиқарардим. Мен енгиб бўлмас даражада карахт бўлиб борардим ва ҳозир йиқилишимни сезиб креслога ёпишиб олдим, лекин ҳадемай менинг дармони қуриган қўлларимга бу таянч камлик қилиб қолди-да, мен бир тиззамга, кейин эса иккаласига йиқилиб тушдим. Дуо ўқимоқчи бўлгандим, тилим калимага келмади. Шак-шубҳасиз парвардигор мени кўрмасди ва эшитмасди, мен ўлимдек оғир уйқуга таслим бўлиб полга қулаб тушдим.

Бу уйқу вақтида нелар кечгани хусусида ва у қанча вақт чўзилгани хусусида менда бирон-бир хотира қолмади. Шоҳона жиҳозланган, нур шифтдаги туйнукдан тушиб турган аллақандай юмалоқ хонада ўрин тўшакда ётган ҳолда уйғонганим эсимда, холос. Устига-устак унда бирорта ҳам эшик йўқдай туюлади. Бу ҳашаматли зиндон деган хаёлга бориш мумкин эди.

Ўзимнинг қаердалигимга анчагача ақлим етмай, сизга боягина сўзлаб берган тафсилотларнинг маънисини англамай турдим: менинг миям мен тарқатиш иложини қила олмаётган бу уйқунинг оғир зулматини қочиролмай гаранг эди. Мен ўзимни элас-элас извошда кетаётгандай ҳис қилар ва тинка-мадоримни қуришиб ташлаган аллақандай даҳшатли туш кўраётгандай эдим. Лекин буларнинг ҳаммаси шундай узуқ-юлуқ, шундай мужмал намоён бўлардики, гўёки бу воқеаларнинг ичида мен эмас, ўзга бир кимса юргандай, лекин жисмимнинг иккиланиши туфайли барибир менинг ҳаётимга ўралашиб кетганди.

Бирмунча вақт ўзим тушиб қолган аҳвол менга шу даражада ғалати бўлиб туюлиб турдики, худди буларнинг ҳаммасини тушимда кўраётгандай эдим... Ган-

дираклаб ўрнимдан турдим. Менинг уст-бошларим ёнимдаги стулда ётар, лекин қандай ечинганим, қандай ётганим эсимда йўқ эди. Шунда оз-оздан ҳақиқат ўзининг бор даҳшатлари билан менга аён бўла бошлади ҳамда мен ўзимнинг уйимда эмаслигимга фаҳмим етди. Хонага тушиб турган қуёш нурларидан чиқарган хулосамга қараганда кун ботишига яқин қолган, мен бўлсам ўтган кечқурун уйқуга кетган эдим – демак, менинг уйқум қарийб бир кеча-кундуз чамаси давом этган эди! Бу узоқ уйқу пайтида нималар содир бўлмаган?

Мен дармоним етганча тез кийиниб олдим. Менинг ҳаракатларимнинг ҳаммаси сушт ва ланж бўлиб, ухлатувчи дорининг таъсири ҳамон тарқалмаётганлигидан далолат берарди. Бу хона жиҳозларига қараганда аёл кишини қабул қилишга мўлжалланган ҳамда таннозларнинг таннози ҳам хонага назар солиб ўзининг барча истаги кўзда тутилганига ишонч ҳосил қилган бўларди.

Мен бу ҳашаматли қамоққа беркилиб қолган биринчи асира эмаслигимга шак-шубҳа йўқ эди, лекин ўзингизнинг ақлингиз етади, Фельтон, бу зиндоннинг бутун дабдабаси кўзимга ташлангани сайин мени тобора қўрқув қамраб бормоқда эди. Ҳа, бу чинакам зиндон эди, зеро ундан чиқишга бекор овора бўлдим. Мен эшик топишга ҳаракат қилиб деворларни текшириб чиқдим, лекин уларнинг ҳаммаси тақиллатганда оғир товуш чиқарарди.

Мен бирор тешик жой қидириб, хонани йигирма мартача айланиб чиққандирман, ҳеч қандай чиқиш жойи йўқ бўлиб чиқди. Даҳшат ва чарчоқдан эзилиб креслога йиқилдим. Мен ўтирган жойимдан қимирлашга қўрқардим: назаримда ҳамма тарафда мени хавфхатар пойлаб тургандай, бир қадам боссам борми, мен унга йўлиқадигандай эдим. Гарчи кечаги кундан бери туз тотмаган бўлсам-да, қўрқув очлик ҳиссини бўғиб қўйган эди.

Ташқаридан мен вақтни аниқлаб олгудай, қилт этган товуш келмасди. Мен фақат кеч соат олти-еттилар бўлса керакдир деб тахмин қилардим: бу октябрнинг охирлари бўлиб, аллақачон қоронғи тушиб бўлган эди.

Тўсатдан эшик ғийчиллаб кетди-ю, мен сесканиб тушдим. Шифтнинг ойнаванд тўйнуғи устида чўғдай соққа шаклида ёниқ чироқ кўринди. У хонани чарогон қилиб юборди. Мен ҳам қутим ўчиб, бир-икки қадам нарида бир одам турганини кўриб қолдим.

Кечки тамаддига икки кишини кўзлаб тузалган дастурхон гўё сеҳр билан хонанинг ўртасида пайдо бўлди.

Бу ўша мени бир йилдан бери таъқиб этиб юрган, менинг номусимга тегишга қасам ичган одамнинг ўзгинаси эди, унинг дастлабки сўзлариданоқ мен ўтган кеча у ўз ниятига етганини тушундим...

– Номард! – шивирлади Фельтон.

– Албатта, номард-да! – ёш офицернинг бутун вужуди қулоққа айланиб бу аломат воқеани қандай ҳамдардлик билан тинглаб ўтирганини кўриб деди миледи. – Албатта номард-да! У буни уйқусида енгса бўлди, ҳаммаси ҳал бўлади деб ўйлаган эди. У бўлар иш бўлгандан кейин ўз шармисорлигини тан олмай иложи йўқ, деган илинжда келган эди. У менинг муҳаббатим эвазига ўзининг давлатини тақдим этгани келган эди.

Мен аёл қалби сиғдира олиши мумкин бўлган бутун нафратни, бутун қаҳру ғазабни бу одамга тўкиб солдим. У бу хил таъналарга ўрганиб кетган шекилли: менинг гапларимни қўлларини қовуштириб, илжайиб, пинагини бузмасдан тинглади; сўнгра гапини тугатди деб ўйлаб, менга яқин кела бошлади. Мен ўзимни столга отиб пичоқни олдим-да, уни кўксимга тирадим.

«Яна бир қадам боссангиз, – дедим мен, – сиз нафақат номусимни, лекин жонимнинг ҳам уволига қоласиз!»

Менинг кўз қарашим, овозим ва бутун қадди-қоматим энг ахлоқсиз одамларни қониқтирадиган ўша чинаякам самимиятга тўла бўлса керакми, у тўхтаб қолди.

«Сизнинг жонингизними? – қайта сўради у. – Йўғэй! Сиз ўта кетган офатижон маъшуқасиз, токи мен васлингизга восил бўлиш бахтидан атиги бир марта баҳра олиб, сизни шу тариқа йўқотишга розилик берсам. Хуш қолинг, гўзалим! Мен қута тураман ва кайфитингиз дурустроқ бўлган пайти сиздан хабар оламан».

Шу гапни айтиб у ҳуштак чалди. Хонани ёритгувчи ловуллаб турган соққа шифт узра янада баландроқ кўтарилди-ю, ғойиб бўлди. Мен яна зулматда қолдим. Бир зум ўтгач эса очилгувчи ҳамда яна ёпилгувчи эшикнинг ўша ғийчиллаши такрорланди, ловуллаган соққа пастга тушди ҳамда мен яна танҳо қолдим.

Бу дақиқа даҳшатли эди. Башарти, ўзимнинг мусибатим борасида бўлса ҳам, энди бу шубҳалар тарқаб кетди ҳамда мен даҳшатли ҳақиқатдан воқиф бўлдим: мен ўзим нафақат ёмон кўрган, лекин ўзим нафратланган одам қўлида, ҳеч нарсадан тоймайдиган ва аллақачон қўлидан нималар келишини менга машъум тарзда исботлаб бўлган одамнинг қўлида эдим...

– Лекин ўша одам ким эди? – сўради Фельтон.

– Мен тунни студда ўтириб сал шовқиндан ҳам чўчиб ўтказдим, негаки ярим кечаларда чироқ ўчди-ю, мен яна зулматда қолдим. Лекин тун менинг таъқибчимнинг янги хуружларисиз ўтиб кетди. Кун ёришгач, стол ғойиб бўлди, фақат пичоқ ҳамон менинг қўлимда қисилган ҳолда эди.

Бирдан-бир умидим шу пичоқда эди.

Менинг чарчоқдан тинка-мадорим қолмагани, кўзларим уйқусизликдан ўт бўлиб ёнар эди, бир нафас мизғиб олишга журъат қилолмасдим. Кун ёруғи мени тинчитди, мен болиш тагига яшириб қўйган нажотбахш пичоғимни қўйиб юбормасдан ўзимни каравотга ташладим.

Уйғонганимда яна тузоғлик стол келтирилган эди.

Бу гал ўзимнинг бутун қўрқувларимга, дилгирлигимга қарамасдан ўлгудек оч қолганимни ҳис қилдим: менинг туз тотмаганимга икки кун бўлиб қолган эди. Мен

нондан, мевалардан оз-моз еган бўлдим. Сўнгра ичган сувимга ухлатувчи дори қўшилгани эсимга тушиб, мен столдагисига қўл тегизмадим-да, стаканимни бетқўл ювиш жойида девор ичига ўрнатилган мрамар фавворадан тўлғазиб олдим.

Бу эҳтиёт чорасига қарамасдан мен дастлаб жуда ёмон ҳадиксираб турдим, лекин бу гал менинг хавотирларим асоссиз эди: кун ўтиб кетди, мен ўзим чўчиб турган нарсага ўхшаш ҳеч нимани сезмадим. Менинг шубҳаланганим кўзга чалинмай қолсин, деб тадбиркорлик билан графиндаги сувни ярмигача тўкиб қўйдим.

Кеч кирди, у билан эса қоронғи ҳам тушди. Бироқ менинг кўзларим унга ўргана бошлаган эди; мен столнинг пастга тушиб кетганини ва чорак соатдан сўнг менга тортилган кечки таом билан кўтарилганини кўриб турдим, бир дақиқа ўтгач эса ўша чироқнинг ўзи пайдо бўлди-ю, хонани нурга кўмди.

Мен ухлатувчи дори қўшиб бўлмайдиган нарсалардан бошқа ҳеч нима емасликка қарор қилдим. Иккита тухум билан бир оз мева менинг кечки овқатимни ташкил қилди. Сўнгра мен ўзимнинг роҳатбахш фавворамдан бир стакан сув қуйиб ичиб олдим.

Дастлабки қўлтумларданоқ сувнинг таъми эрталабки сингари эмасдек туюлди. Дарров кўнглимда шубҳа қўзғалди-ю, мен у ёғини ичиб ўтирмадим, лекин ярим стаканчасини ичиб бўлган эдим.

Мен ҳазар қилиб қолган-қутган сувни сочиб ташладим-да, совуқ терга ботиб оқибатини кута бошладим.

Шак-шубҳасиз аллақандай кўринмас шоҳид менинг фавворадан сув олганимни кўриб қолган ва совуққонларча илгаридан ҳал этилган ҳамда шафқатсизларча амалга оширилаётган менинг ҳалокатимга муқаррар етишмоқ учун соддадиллигимдан истифода қилган эди.

Ярим соат ҳам ўтмасдан, худди ўша биринчи галдаги аломатлар пайдо бўлди. Лекин бу сафар ҳаммаси

бўлиб ярим стакан ичганим сабабли узоқроқ курашганимдан кўзим илинмади, балки мени теварак атрофда кечаётган нарсаларни идрок этишдан маҳрум қилмаган, лекин ўзимни ҳимоя қилиш ёки қочиб кетиш лаёқатини олиб кўйган аллақандай мудроқ элитди.

Мен кўлимда қолган ягона мудофаа воситаси – нажотбахш пичоғимни болиш тагидан оламан деб судралиб каравотгача етиб олишга уринардим, лекин аранг бош томонига етдим-у, жон ҳолатда каравотнинг оёғига тирмашганимча тиз чўкиб қолдим. Шунда фаҳмладимки, хароб бўлибман...

Фельтоннинг ранги оқариб кетди ҳамда унинг бутун аъзойи-баданини титроқ ларзага келтирди.

– Ҳаммадан даҳшатлиси шу эдики, – гўё ўша даҳшатли дақиқадаги оғир хавотирни ҳануз бошидан кечириётгандай овози ўзгариб давом этди миледи, – бу гал ўзимга таҳдид солаётган хатарни мен яққол англаб турардим: таъкидлаб айтаман, ухлаб қолган бўлсам ҳам эс-ҳушим жойида эди, шу сабабдан ҳам ҳаммасини кўриб ва эшитиб ётардим. Рост, ҳаммаси гўё тушдаги каби кечарди, лекин бутун даҳшати шунда эди.

Мен чироқнинг юқорига кўтарилаётгани, ўзимнинг бора-бора зулматга чўкаётганимни кўриб турдим. Сўнгра мен эшикнинг яхши таниш бўлиб қолган ғийчиллашини эшитдим, гарчи эшик атиги икки мартагина очилган эди, холос.

Мен ғайришуурий равишда ёнимга биров яқинлашиб келаётганини ҳис қилдим. Американинг дашту биёбонларида адашиб қолган бахти қора одам илоннинг яқинлашаётганини шу тариқа билиб туради дейишарди.

Мен ўз гунглигимни енгиб, додлашга уринардим. Ироданинг ақлга сиғмас зўр шарофати билан ўрнимдан кўзгалдим ҳам, лекин шу замон яна йиқилиш учун... менинг таъқибчимнинг қучоғига йиқилиш учун...

– Айтсангиз-чи, менга, ўша одам ким эди? – сўраб қолди ёш офицер.

Миледи ўз ҳикоясининг барча тафсилотларида тўхталиш билан Фельтонга қанча азоб бераётганини бир қарашда кўрди, лекин миледи уни битта ҳам қийноқдан халос қилмоқ истагида эмас эди. Ништарини унинг қалбига нақадар чуқур санчиб олса унинг миледи учун интиқом олишига ишонч шу қадар кўп бўлади. Шу важдан у гўё унинг нидосини эшитмагандай ёки унга жавоб бериш фурсати келмади деган мулоҳазага боргандай гапини давом эттираверди:

– Фақат бу гал аблаҳнинг иши иродасиз, ҳиссиз жасад тимсолига тушмаган эди. Сизга айтиб эдим: ўзимнинг жисмоний ва маънавий уқувларимни так-таслим қўлга олишга қурбим етмагани ҳолда, мен ҳар қалай ўзимга таҳдид солгувчи хатар сезгисини сақлаб қолган эдим. Мен жоним борича олишдим ва афтидан қаттиқ қаршилик кўрсатдим, негаки қулоғимда унинг хитоби турибди;

«Бу ярамас пуританлар-эй! Уларнинг ўз жаллодларини тинкасини қуритишини билардим, лекин ўз ўйнашларига шундай ёмон қаршилик кўрсатишади, деб ўйламагандим».

Эвоҳ, жон ҳолатдаги бу қаршилик кўп чўзилолмасди. Мен ҳолдан толаётганимни ҳис қилдим ҳамда бу гал номард менинг уйқумдан эмас, беҳушлигимдан фойдаланди...

Фельтон бир оғиз гапирмасдан фақатгина бўғиқ оҳ чекиб тингларди; унинг мармар манглайдан дув-дув совуқ тер оқарди, қўли ҳам талвасада кўксига босилган эди.

– Ҳушимга келганимдан кейин қилган биринчи ҳаракатим ўзим олдин судралиб етолмаган болиш остидаги пичоқни пайпаслаб кўриш бўлди: у менинг ҳимоямга хизмат қилолмаган бўлса-да, ҳеч бўлмаганда ўзимни ҳалоллаб олишимга қўл келиб қолиши мумкин эди.

Лекин бу пичоқни қўлимга олганимдан кейин, Фельтон, миямга даҳшатли фикр келиб қолди. Мен бор гап-

ни айтаман деб қасам ичдим, ҳамма гапни айтаман ҳам. Мен сизга ҳақиқатни ошкор қиламан деб ваъда қилдим, уни ошкор қиламан, бу билан ўзимни хароб қилсам ҳам майли.

– Миянгизга ўзингиз учун бу одамдан қасос олиш фикри келдими? – сўради Фельтон.

– Эвоҳ, ҳа! – жавоб берди миледи. – Биламан бундай фикр христианга муносиб эмас. Шак-шубҳасиз мени руҳимизнинг ўша азалий душмани, ўша шайтон васвасага солган. Ишқилиб, эътироф қиламан сизга, Фельтон, – ўзини жиноятда айблагувчи аёл оҳангида гапини давом эттирди миледи, – бу фикр кўнглимга бир келди-ю, ҳеч миямдан нари бўлмади. Шу гуноҳ фикрим учун мен шу тобда таъзириمنى еб ўтирибманда.

– Давом этинг, давом этинг! – ўтинарди Фельтон. – Қандай қилиб сиз қасосингизни олганингизни билишга муштоқман.

– Мен илож борича тезроқ қасдимни олишга аҳд қилдим, унинг янаги тун келишига менинг ишончим комил эди. Кундузлари мен кўрқадиган ҳеч нарса йўқ эди.

Шунинг учун нонушта вақти бўлганда мен ўйланиб ўтирмасдан еб-ичавердим: мен кечки тамадди маҳали ўзимни тановул қилганга солиб, лекин ҳеч нимага қўл урмасликка қарор қилдим ва кечқурун очликни сезмаслик учун эрталаб ўзимни тўқлаб олишим зарур эди.

Мен нонуштадан фақат бир стакан сувни яшириб қўйдим, негаки икки кеча-кундуз егулик-ичкиликсиз қолиб кетганимда мен ҳаммадан ҳам ташналиқдан қийналган эдим.

Кун давомида кўнглимда кечган гапларнинг ҳаммаси қилган аҳдимни янада мустаҳкамлади. Мен кузатаётганларига шубҳа қилмаган ҳолда мен авзойим пинҳона ўйларимни ошкор этиб қўймаслигига интилардим, бир-икки марта ҳатто ўзимнинг кулимсираётганимни пайқаб қолдим. Фельтон, қандай ўй-хаёлларим-

га кулимсираганимни сизга эътироф қилишга юрагим дов бермайди, сиз мендан ҳазар қилиб қолардингиз...

– Давом этинг, давом этинг! – ёлворарди Фельтон. – Кўриб турибсиз, қулоғим сизда – бунинг ҳаммаси нима билан тугаганини тезроқ билмоқчиман.

– Кеч кирди, ҳамма нарса жорий этилган тартиб билан ўтиб борарди. Одатларига кўра менга қоронғида кечки таом келтирдилар, сўнгра чироқ ёнди, мен ҳам стол ёнига ўтирдим.

Мен мевалардан едим, ўзимни графиндан сув қуяётганга солдим, лекин ўша нонуштадан қолдирганимни ичдим, холос. Айтганча бу айирбош бирам усталик билан қилинган эдики, менинг жосусларим, борди-ю, улар бўлган тақдирда ҳеч шубҳага бормаган бўлардилар.

Кечки тамаддидан кейин мен ўзимни худди ўтган кундаги сингари довдираб қолганга солдим, лекин бу гал гўё чарчаб ҳолдан тойган ёки хавф-хатарга кўникиб қолган бўлиб, мен каравотгача судралиб бордим-да, кўйлагимни ечиб ташлаб, ётдим.

Мен болиш остидаги пичоқни пайпаслаб топдим ва ўзимни ухлаганга солиб бармоқларим билан унинг сопини жон-жаҳдим билан қисиб олдим.

Ҳеч қандай янги гапдан дарак бермай, икки соат ўтиб кетди-ю, ўлай агар ҳатто кечаги кун бунга ҳаргиз ақлим бовар қилмаган бўларди – мен у келмай қоладими деб қўрқардим.

Ниҳоят, чироқнинг аста-секин кўтарилганини ҳамда шифт тепасида унинг кўздан йўқолганини кўрдим. Хона зулматга кўмилди, бирмунча зўр билан бу зимистонга нигоҳим сингди.

Ўн дақиқа кечди. Қилча товуш қулоғимга чалинмас, ўз қалбимнинг уришини эшитардим, холос.

Мен ўша одам келсайди деб худодан тилардим.

Ниҳоят, бирам таниш очилган ва қайта ёпилган эшикнинг менга шунчалар таниш садоси келди-да, гарчи қалин гилам тўшалган бўлса-да, аллақимнинг оёқ

товушлари остида пол қисирлагани эшитилди. Қоронғида менинг тўшагим томон яқинлашиб келгувчи аллақандай қора кўзимга чалинди...

– Тезроқ, тезроқ! – қистарди Фельтон. – Кўрмаяпсизми ахир, ҳар сўзингиз кўрғошин қуйгандек ўрта-япти мени.

– Шунда, – давом этди миледи, – мен бор кучимни тўпладим, ўзимга-ўзим қасос ёки адолат соати келди дердим, мен ўзимга янги Юдиф деб қарамоқда эдим. Мен дадил бўлиб олдим, қўлимдаги пичоқни маҳкам қисдим ҳамда у ёнимга келганда ва қоронғида тимирскиланиб ўз қурбонига қўлини чўзганда алам ва қайғу фарёди билан унинг кўксига урдим.

Номард, у ҳаммасини олдиндан билиб турган экан: унинг кўкраги совут билан муҳофаза қилинган экан, пичоқ ҳам унга текканда тўмтоқ бўлиб қолди.

«Аҳа, шунақами! – қўлимдан тутиб ҳамда менга шундай расво хизмат қилган пичоқни қўлимдан юлқиб олиб бақирди у. – Менинг ҳаётимга суиқасд қиладиган бўлдингизми, жонона пуритан қиз? Нафрат катфи гапми, бу очиқдан-очиқ нонкўрлик-ку! Хўп, қани ўзингизни босинг тасаддуқ... Мен сизни аллақачон юмшаган деб юрибман. Мен аёлни зўрлаб ушлаб турадиган золимлардан эмасман. Сиз мени севмайсиз, мен ўзимнинг ўзбилармонлигимни қилиб бунга ишонмаган эдим. Бунга энди амин бўлдим, эртага сиз эркинликда бўласиз».

Менинг истагим битта эди – мени ўлдириб қўя қолсайди, дердим.

«Эҳтиёт бўлинг, – дедим унга мен, – менинг озодлигим бошингизга иснод балосини солади».

«Очиқроқ гапиринг, менинг дилбар сивиллам»⁵⁹.

«Яхши. Шу ердан чиққаним замон мен ҳаммасини айтиб бераман – менга зўрлик қилганингизни, мени

⁵⁹ Сивиллалар – қадим Грециядаги афсонавий фолбинлар.

асоратда ушлаб турганингизни айтиб бераман. Мен шундай қабоҳатларга макон бўлган бу сарой тўғрисида жар соламан. Сизнинг мартабангиз баланд, милорд, лекин зир титранг: тепангизда – қирол, қиролнинг тепасида эса худо бор!»

Таъқибчим нечоғлик вазминлик қилмасин, қаҳрли ҳаракатини босолмади. Унинг юзига разм сола олмадим, лекин устида менинг қўлим турган қўли қалтираб кетганини сездим.

«У ҳолда сиз бу ердан чиқмайсиз!»

«Жуда яхши! Менинг қийноқ жойим менга қабр бўлиб қўя қолади. Жуда соз! Мен шу ерда жон бераман, шунда сиз айблагувчи арвоҳ тирик жон дўқ-пўписаларидан даҳшатлироқлигини кўриб қўясиз».

«Сизда қурол-пурул қолдирмайдилар».

«Менда биттаси бор, уни дарду алам мардликдан камчилиги йўқ ҳар бандага таянсин деб бериб қўйипти: мен ўзимни очликдан нобуд қиламан».

«Менга қаранг, бундай урушдан кўра яраш яхшимасми? – таклиф қилди номард. – Мен сизга эркингизни ошиғич қайтариб бераман, сизни фазлу камолнинг тажассуми деб эълон қиламан ва сизни Англия Лукрецияси деб овоза қиламан».

«Мен бўлсам сизни унинг Сексти деб эълон қиламан, мен сизни худо олдида фош қилганимдек, одамлар олдида фош қилиб ташлайман, борди-ю, Лукреция сингари айбномамни қон билан тасдиқлаш лозим бўлса, мен бунни қиламан».

«Оббо, шунақами ҳали! – кесатиб гапирди душманим. – Унда бошқа гап. Худо ҳаққи, пироварди оқибат бу ердаги тирикчилигингиз яхши ўтяпти, ҳеч нимадан камчилигингиз йўқ, борди-ю, ўзингизни очликдан нобуд қилганингизда ҳам уволи ўзингизга бўлади».

У сўзининг устидан чиқди. Бир кун ўтди, яна тун ўтди ва мен уни кўрмадим. Лекин мен ҳам сўзимда турдим ва ҳеч нима емадим-ичмадим. Мен унга маълум қилиб

қўйганимдек, ўзимни очликдан нобуд қилишга жазм этдим.

Мен бутун кунни ва бутун кечани тоат-ибодатда ўтказдим: ўзимни ўлдириб қўйсам худо мени кечирар, деб умид қилардим.

Эртаси кунни эшик очилди. Мен полда сулайиб ётардим, куч-қувватим мени тарк этмоқда эди.

Эшикнинг ғийчиллашини эшитгач, мен қўлимга таяниб сал кўтарилдим.

«Хўш, қалай, сал юмшадингизми-йўқми? – деб сўраган овоз қулоғимга бирам совуқ эшитилдики, уни танимасдан иложим йўқ эди. – Биргина жим юриш ваъдасининг ўзи бадалига озодликни сотиб олишга розисизми-йўқми? Қулоқ солинг, мен кўнгилчан одамман, – қўшиб қўйди у, – ва гарчи пуританларни хуш кўрмасам-да, уларга тан бераман, пуритан қизларига ҳам, айниқса, хушрўйларига. Қани, хоч устида бир қасам ичиб юборинг-чи, сиздан ортиқ ҳеч нима талаб қилмайман».

«Хоч устида қасам ичайми? – ўрнимдан кўзғалиб дедим мен: бу манфур овоз товушидан кучга тўлиб кетдим. – Хоч устида! Ҳеч қандай ваъдалар, ҳеч қандай тазйиқлар, ҳеч қандай қийноқлар оғзимни юмолмайди деб қасамёд қиламан!.. Хоч устида қасам ичармишман!.. Сизни қотил деб, номус ўғриси деб, муттаҳам деб ҳамма ерда фош қилавераман!.. Хоч устида-я!.. Бир кун келиб бу ердан чиқиш насиб бўлса, бутун одамзоддан сиздан қасос олишини тавалло қиламан!»

«Эҳтиёт бўлинг! – деб мен унда ҳали ҳеч эшитмаган таҳдидли бир тарзда гапирди у. – Менда бир нақд чора борки, уни мен фақат ноилож қолганда ишга соламан – сизнинг оғзингизни юмиш ёки зўр келганда одамларнинг сизнинг бирор оғиз гапингизга ҳам ишонишига йўл қўймаслик».

Мен қолган-қутган кучимни тўпладим-да, унинг дўқи-га жавобан хахолаб кулиб юбордим.

У англадики, келгусида бизнинг орамизда ҳаёт-мамот жанги кетади.

«Менга қаранг, сизга мулоҳаза учун шу кечанинг қолганини ва эртанги кунни бераман, – таклиф этди у. – Агар жим юришни ваъда қилсангиз сизни давлат, иззат-ҳурмат ва ҳатто обрў-эътибор кутади; агар бундай даъво қилаверсангиз, сизни сазойи қиламан».

«Сиз-а! – сўрадим мен. – Сиз-а!»

«Бир умрлик ўчмас иснодга қолдираман!»

«Сиз-а!..» – такрорлардим мен.

– О, гапимга ишонинг, Фельтон, мен уни ақлдан озган деб ҳисобламоқда эдим!

«Ҳа, мен!» – жавоб берди у.

«Оҳ, мени холи қолдиринг, – дедим унга мен, – агар кўзингизда бошимни деворга уриб ёришимни истамасангиз даф бўлинг!»

«Яхши, – деди у, – ихтиёрингиз. Келаси оқшомгача».

«Келаси оқшомгача!» – полга йиқилиб жон аччиғида гиламни тишлаган кўйи жавоб бердим мен...

Фельтон креслога тиралиб олган эди, миледи ҳам иблисона қувонч билан у ҳикояни охиригача тинглаши учун қурби етиши даргумонлигини кўриб турарди.

XXVII

Классик трагедиянинг синалган усули

Асносида миледи ўзини тинглаб ўтирган ёш йигитга зимдан разм солган бир дақиқалик сукунатдан кейин гапини давом эттирди:

– Қарийб уч кун мен ҳеч нима емадим-ичмадим ҳам. Мен жуда қаттиқ азобда қолган эдим: гоҳида пешанамни аллақандай булут босиб келарди-да, кўзларимни тўсиб қўярди – бу алаҳлай бошлаганим эди.

Кеч кирди. Мен шундай ҳолдан тойган эдимки, ҳар дақиқа ҳушимдан кетиб турардим ва ҳар ўзимдан кет-

ганимда жон беряпман, деган хаёлда худога шукур қилардим.

Бир шундай беҳуш пайтимда мен эшик очилганини эшитиб қолдим. Қўрққанымдан мен ўзимга келдим.

У ҳузуримга юзига ниқоб тутилган бир кишини эргаштириб кириб келди; унинг ўзи ҳам ниқобда эди, лекин мен унинг қадам товушларини танидим, унинг овозини танидим, инсоният шўрига унга дўзах ато қилган шукуҳли келбатини танидим.

«Хўш қалай, – деб сўради у мендан, – мен талаб қилган ваъдани беришга розимисиз?»

«Ўзингиз айтдингиз-ку, пуританларнинг лафзи ҳалол деб. Мен сўз берганман – сиз ҳам уни эшитгансиз – бу дунёда сизни бандалар ҳукмига, у дунёда эса худо ҳукмига топшираман деганман».

«Демак, ўжарлик қилиб турибсизми?»

«Мени эшитиб турган худо олдида қасамёд қилиб айтаманки, мен сизнинг жиноятингиз шоҳидлигига бутун оламини даъват этаман, қачонки бир қасоскор топмагунимча чорлайвераман».

«Сиз фоҳиша аёлсиз, – гулдираран овоз билан маълум қилди у, – ҳамда шу хил аёлларга бериладиган жазога тортиласиз! Ўзингиз додингизни айтаётган олам назарида тамғаланган ҳолингизда ўша оламга ўзингизнинг жиноятчи ҳам, телба ҳам эмаслигингизни исботлаб кўринг-чи!»

Кейин у ниқобли кишига юзланди.

«Ишингни қилавер жаллод!» – амр қилди у.

– О! Унинг номи! Номи! – сўради Фельтон. – Менга унинг номини айтинг!

– Шундай қилиб, менинг нола-афғонларимга қарамасдан, менинг қаршилигимга қарамасдан – ажалдан бадтарроқ бир фалокат тушганига менинг ақлим ета бошлаган эди, – жаллод мени тутиб олиб, полга йиқитди-да, қўли билан босиб турди. Менинг фарёдлардан нафасим қисиларди, ҳушимдан кетай-кетай деб қолган эдим, илтижоларимга парво қилмаётган худо-

га муножот қилардим... тўсатдан мен оғриқ ва уятдан жоним борича додлаб юбордим – чўғда тобланган темир, жаллоднинг темири менинг кифтимга қадалган эди...

Фельтон тақдид солиб нидо қилиб қўйди.

– Қаранг, – деди миледи ва қиролича алфозида савлат тўкиб ўрнидан турди, – қаранг, Фельтон, золим зулмининг қурбони бўлган ёш бегуноҳ қиз учун қандай янги жафони ўйлаб топганлар. Одамлар қалбини билишни ўрганинг ва келгусида шундай бемулоҳаза, уларнинг ноҳақ қасосининг қуролига айланиб юрманг.

Миледи кўйлагини шартта очиб ташлади-да, кўрагини ёпиб турган батисни йиртиб юборди ва ясама ғазаб, ҳам уятдан қизариб ёш йигитга бу чиройли кифтни булғаб турган ўчмас нишонни кўрсатди.

– Лекин мен бу ерда нилуфарни кўряпман! – хайрон бўлди Фельтон.

– Бутун тубанлик ҳам шунда-да! – жавоб берди миледи. – Бу инглиз тамғаси бўлганда борми!.. Мени бу жазога қандай ҳакам тортганини исбот қилиш лозим бўларди, мен ҳам давлатнинг барча ҳакамликларига арз қилсам бўларди. Француз тамғаси бўлса... О, мен у билан пухта тамғаланган эдим!

Бу Фельтон учун ҳаддан ортиқ эди.

Миледининг мудҳиш изҳори дилидан дами ичига тушиб, ранги ўчиб, карахт бўлиб ўзи алоҳида улўғворлик деб қабул қилган беҳаёлик билан ўз баданини кўрсатган бу аёлнинг мислсиз жамолидан кўзлари қамашиб, у христианларнинг золимлари бўлмиш императорлар қонхўр омиларга эрмак қилиб топширган табаррук, пок жафокашлар қошида турган илк христианларга ўхшаб унинг пойига тиз чўқди. Унинг учун тамға мавжудлигини йўқотди, ёлғиз ҳусн қолди, холос.

– Кечиринг! Кечиринг! – нидо қиларди Фельтон. – О, мени кечиринг!

Миледи унинг кўзларидан, севаман, севаман деган қарашни ўқиди!

– Кечирайми – нимани? – сўради у.

– Сизни таъқиб этгувчиларга қушилиб кетганим учун мени кечиринг.

Миледи унга қўлини узатди.

– Шунчалар гўзал, шунчалар ёш! – унинг қўлларидан бўса олиб хитоб қилди Фельтон.

Миледи унга ҳатто қўлни қирол қилгувчи нигоҳларидан бирини сийлов қилди.

Фельтон пуритан эди – у бу аёлнинг қўлини қўйиб юборди-да, унинг оёқларини ўпа кетди.

Энди Фельтон уни севмасди – унга сиғинарди.

Бу руҳий шавқ они ўтиб кетганда, миледининг у бир нафас ҳам йўқотмаган вазминлиги қайтиб келгандай туюлди шекилли, Фельтон ўзини бадтар зор этиш учунгина ҳафсала билан унинг кўзидан асралгувчи муҳаббат ганжиналарини ҳаё пардаси яна яшириб қўйганини кўргандан кейин у деди:

– Энди менинг сиздан фақат бир нарсани сўраб олишим қолди, холос: сизнинг ҳақиқий жаллодингининг номи нима? Назаримда фақат биттаси жаллод бўлган, бошқаси унинг қўлидаги қурол бўлган, холос.

– Нечук, оғагинам, – деди миледи, – сенга ҳали унинг номини ҳам айтиб беришим борми! Ўзингни-чи, фаросатинг етмадими?

– Қандай, – сўради Фельтон, – бу ўшами?.. Яна ўша!.. Ҳамон ўша... Қандай! Ҳақиқий айбдор...

– Ҳақиқий айбдор – Англиянинг бузғунчиси, ҳақиқий диндорлар таъқибчиси, шунча аёллар номусининг разил ўғриси, ким ўз ишратпараст қалбининг кўйига кириб, шунча инглизларнинг қонини тукмоқ ниятида бўлса, ким бугун протестантларга ҳомийлик қилиб эрта уларга хиёнат қилса, ўша...

– Бэкингем! Бу Бэкингем денг! – дарғазаб бўлиб сўради Фельтон.

Миледи гўё қалбида бу ном қўзғаган расво хотиротга бардош беришга ўзининг қурби етмагандан юзини қўллари билан тўсиб олди.

– Бэкингем – шу фариштадек вужуднинг жаллоди!
– нидо қиларди Фельтон. – Сен ҳам унинг бошида мо-
мақалди роқни гумбирлатмадингми, парвардигор! Сен
ҳам ҳаммамизнинг бошимизга бало қилиб уни нажиб,
обрўли, иқтидорли бўлиб қолишига йўл қўйдингми!

– Кимки ўз баҳридан ўзи ўтиб турса, ундан худо ҳам
юз ўгирар экан? – деди миледи.

– Бундан чиқди у ўзини ғариблар йўлиқадиган жа-
зога мубтало қилмоқчидир! – ҳаяжони тобора ошиб
давом этди Фельтон. – Инсон қасоси фалак ҳукмидан
олдинроқ бошига тушишини истар!

– Одамлар ундан кўрқишади ҳам унга шафқат қили-
шади.

– Э, мен ундан кўрқмайман, унга шафқат ҳам қил-
майман! – эътироз қилди Фельтон.

Миледи кўнгли иблисона қувончга тўлиб кетаётга-
нини сизди.

– Лекин қай йўсинда менинг валийнеъматим, ме-
нинг падарим лорд Винтер бу нарсаларнинг ҳаммаси-
га алоқадор бўлиб чиқмоқда? – сўради Фельтон.

– Қулоқ солинг, Фельтон, ахир пасткаш ва разил
одамлар қатори оламда олижаноб ва олиҳиммат тий-
натлар ҳам бор. Менинг бир қайлиғим бор эди, мен
севган, у менга ҳам кўнгили берган киши эди... сиз син-
гари шер юрак, Фельтон, худди сизга ўхшаган одам.
Мен унинг ҳузурига бордим-да, унга ҳамма гапни ай-
тиб бердим. У мени танирди ва бир зум ҳам иккила-
ниб турмади. Бу бир кибор мансабдор ҳар жиҳатдан
Бэкингемга тенг киши эди. У ҳеч нима демади, қили-
чини тақди, ридосига бурканди ва Бэкингем саройига
равона бўлди...

– Ҳа, ҳа, тушуниб турибман, – пуқма ташлади Фель-
тон, – гарчи бу хил одамларга ишинг тушганда қилич
эмас ханжар қўл келади.

– Бэкингем бир кун аввал ўша маҳаллар ҳали шаҳ-
зода Уелский бўлмиш қирол Карл I га Инфантанинг
қўлини сўрагани фавқуллодда элчи бўлиб Испанияга

жўнаб кетган эди. Менинг қайлиғим қуруқ қайтди. «Менга қаранг, – деди у менга, – бу одам кетиб қолибди, мен ҳам ҳали-бери қасос олмайман. У келгунча аҳд қилганимиздек, никоҳдан ўтиб турайлик, сўнгра эса Лорд Винтерга ишонаверинг, у ўзининг ҳам, хотинининг ҳам номусини сақлаб қолишнинг уддасидан чиқади».

– Лорд Винтерга! – қичқариб юборди Фельтон.

– Ҳа, лорд Винтерга, – тасдиқлади миледи. – Энди ҳаммаси сизга аён бўлгандир, шундай эмасми? Бэкин-гем бир йил атрофида хорижда бўлди. У қайтишидан бир ҳафта илгари лорд Винтер мени ёлғиз меросхўр қилиб қолдириб, тўсатдан вафот этди. Бу зарбани ким берган? Бу ёлғиз худога маълум, мен ҳеч кимни айбламайман...

– О, тубанлик ҳам шунчалик бўладими! Шунчалик бўладими! – даҳшатга келди Фельтон.

– Лорд Винтер ўз укасига ҳеч нима демасдан вафот этди. Даҳшатли сир момақалди роқ сингари айбдорнинг бошини емагунча ҳаммадан пинҳон қолиши керак эди. Сизнинг валинеъматингиз учун акасининг бисотисиз бир ёш қизга уйланиб олгани қайғули ҳол эди. Мен фаҳмладимки, ўзининг мерос олиш илинжида панд еган одамни мадад беради деб умидвор бўлишимнинг ҳожати йўқ. Мен қолган умримни ўша ерда ўтказишга қатъий қарор қилиб Францияга кетиб қолдим. Лекин менинг бутун мулким Англияда. Уруш туфайли икки давлат ўртасидаги алоқа узилиб қолди, мен риёзат чека бошладим ҳамда гоҳ-гоҳ бу ерга қайтиб келишимга тўғри келиб қолди. Олти кун муқаддам мен Портсмутга тушдим.

– У ёғи-чи? – сўради Фельтон.

– У ёғими? Бэкин-гем менинг қайтганим тўғрисида хабар топиб қолган шекилли, усиз ҳам менга қарши гаразда юрган лорд Винтер билан менинг хусусимда гапни бир жойга қўйганда, унга келинининг тамғаланган жиноятчи фоҳиша аёллигини айтган. Менинг эрим

ўлиб кетган, токи мени ёқлаб у ўзининг софдил олижаноб овозини кўтарса. Лорд Винтер ўзига айтилган гапларнинг ҳаммасига лаққа тушган, яна бажонидил ишонганки, бундан у манфаатдор. У мени ҳибсга олиш учун шу ерга келтиришни ва сиз қўриқлашингизни буюрган. Қолгани сизга маълум: индинга у мени бадарга қияпти, сургунга жўнатяпти, индинга у мени бир умрга назардан қолганлар ичига киритиб қўяпти. О, гапимга ишонинг, шум ният жуда пухта ўйланган! Тўр усталлик билан тўқилган, менинг ор-номусим барбод бўлади! Ўзингиз кўриб турибсиз, Фельтон, ўлмайдим иложим йўқ. Фельтон, менга пичоқни беринг!

Шу сўзлар билан миледи гўё бор кучи тамом бўлгандай, ҳолсизланиб муҳаббату ғазаб ва ўзи шу тобгача беҳабар келган нашъада сархуш ёш офицер пинжига суқилди: йигит завқланиб уни суяб қолди-да, бу келишган, ўймоқдек даҳан нафасидан зириллаб, бу кўтарилиб турган сийнанинг тегишидан ҳуши учиб уни бағрига босди.

– Йўқ, йўқ! – хитоб қилди у. – Йўқ, сен ғуборлардан холи бўлиб иззат-ҳурматда яшайсан, сен ўз душманларинг устидан тантана қилмоқ учун яшайсан!

Миледи айни пайтда нигоҳи билан уни ўзига жалб этган кўйи уни астагина итариб юборди; лекин Фельтон уни қайтадан оғушига олди, кўзлари эса маъбудага боққандай илтижо билан жавдираб турарди.

– Оҳ, ажал! Ажал! – ўз товушига нозли оҳанг бериб ва кўзларини юмиб деди у. – Оҳ, шарманда бўлиб юргандан кўра ўлиб кетган маъқул! Фельтон, жонажон оғам, дўстим, сенга ёлвораман!

– Йўқ! – хитоб қилди Фельтон. – Йўқ, сен яшайсан, қасосингни олиб яшайсан!

– Фельтон, мен атрофимдаги одамларнинг ҳаммасига офат келтираман! Мени тарк эт, Фельтон! Қўйиб бер, ўлиб қўя қолай!

– Ундай бўлса бирга ўламинг! – асиранинг дудоғидан бўса олиб хитоб қилди Фельтон.

Эшик устма-уст тарақлай бошлади. Бу гал миледи Фельтонни чинакамига итариб юборди.

– Эшитяпсанми! – деди у. – Бизни эшитиб қолишди, бу ерга келишяпти! Ҳаммаси тамом, биз ҳалок бўлдик!

– Йўқ, – эътироз қилди Фельтон, – тақиллатаётган соқчи. У қузатувчи келяпти деб мени огоҳ этяпти.

– Ундай бўлса югуринг эшикнинг олдига, уни ўзингиз очинг.

Фельтон итоат қилди – бу аёл унинг бутун фикру хаёлини, бутун қалбини қўлга олиб бўлган эди.

У эшикни очди-ю, соқчи патрулга қўмондонлик қилувчи сержантга юзма-юз келиб қолди.

– Нима бўлди? – сўради ёш лейтенант.

– Ёрдамга чақирганингизни эшитиб қолгудай бўлсам, эшикни очишни буюриб эдингиз менга, лекин калитни қолдириш эсингиздан чиқипти. – Мен додлаганингизни эшитиб қолдим, лекин сўзларини англамадим. Эшикни очмоқчи бўлиб эдим у ичкаридан берк экан, шунда мен сержантни чақирдим...

– Ҳузурингизда ҳозирман, – садо берди сержант.

Фельтон ўсал бўлиб довдираб, лом-мим демасдан турарди.

Миледи диққатни ўзига тортиши кераклигини тушунди – у чопиб стол ёнига бориб, унга Фельтон қўйган пичоқни олди-да, бақариб берди:

– Хўш, менинг ўлишимга тўсқинлик қилишга нима ҳаққингиз бор?

– Ё раббий! – унинг қўлида пичоқ ялтираганини кўриб хитоб қилди Фельтон.

Шу маҳал даҳлизда аччиқ қаҳқаҳа янгради.

Шовқин жалб этган барон ёнида қилич ва эгнида халат билан бўсағада пайдо бўлди.

– Ҳа-а... – чўзиб қўйди у. – Мана трагедиянинг охири пардасига ҳам етиб олдик! Кўрдингизми, Фельтон, худди мен сизга каромат қилиб берганимдек, драма барча паллаларидан бир-бир ўтди. Лекин хотирингиз жам бўлсин, қон тўкилмайди.

Агар Фельтонга ўз жасоратининг ошиғич ва кўрқинчли исботини бермаса, хароб бўлишини миледи тушунди.

– Сиз янглишяпсиз, милорд, қон тўкилади ва бу қонни тўкилишига ким мажбур қилган бўлса, илоё ўшаларнинг бошига тўкилсин!

Фельтон қичқириб юборди-да, миледи томон отилди, у кечикди – миледи ханжарни ўзига уриб бўлган эди.

Лекин бахтли тасодиф шарофати билан, сирасини айтганда – миледининг чаққонлиги шарофати билан ханжар ўз йўлида ўша аср аёлларининг кўксини совут мисол ҳимоя қилиб турган корсетнинг пўлат тасмасига дуч келган эди. Пичоқ сирғалиб кетган-у тери билан қовурға ўртасидан қиясига санчилган

Лекин шунга қарамасдан миледининг кўйлаги шу заҳоти қонга беланди.

Миледи чалқанчасига йиқилган ва сиёқидан ҳушдан кетган эди.

Фельтон пичоқни суғуриб олди.

– Қаранг, милорд, – тунд гапирди у, – мана, мен кўриқлаган, ўзини ҳаётдан жудо қилган аёл.

– Хотирингизни жам қилинг, Фельтон, у ўлгани йўқ, – эътироз қилди лорд Винтер, – бундай азроиллар осонликча жон бермайдилар... Хавотирланманг, меникига жўнанг-да, ўша ерда кутиб туринг мени.

– Бироқ милорд...

– Жўнанг, мен сизга амр қиляпман.

Фельтон ўз бошлиғига итоат қилди, лекин хонадан чиқа туриб пичоқни кўкрагига яшириб кўйди.

Лорд Винтерга келганда, у фақат миледига қарашиб турган аёлни чақириш билан чекланди, аёл кўрингач, ҳамон беҳуш ётган асирани унинг парваришига ҳавола қилди-да, миледи билан холи қолдирди.

Лекин жароҳат унинг тахминларига хилоф равишда оғир бўлиб чиқиши эҳтимоллиги сабабли у дарҳол табибга чопар юборди.

XXVIII

Қочиш

Худди лорд Винтер тахмин қилганидек, миледининг жароҳати хавфли эмас эди: миледи барон чақиртирган, уни шоша-пиша ечинтира бошлаган аёл билан ёлғиз қолиши биланоқ кўзини очди.

Бироқ ўзини дармонсиз ва хастага солмоқ керак эдики, миледи сингари масхарабоз учун бу нарса мушкул эмас эди; шўрлик оқсоч асира томонидан алданди-қолди ва унинг қистовларига ҳам қарамасдан ўжарлик қилиб, тун бўйи унинг тўшаги олдида ўтириб чиқишга қарор қилди.

Лекин бу аёлнинг борлиги миледининг ўз хаёлларига фарқ бўлишига халал бермасди.

Шак-шубҳасиз, Фельтон унинг сўзларининг чинлигига амин бўлди, Фельтон унга жону тани билан содиқ эди: энди агарда унга фаришта намоён бўлса-ю, миледига айб тақай бошласа эди, у ўз руҳиятининг ҳозирги аҳволида ўша фариштани иблис вакили деб қабул қиларди чоғи.

Бу фикрдан миледи жилмайиб қўяр, негаки ҳозирдан эътиборан Фельтон унинг ягона илинжи, ягона нажот воситаси эди.

Лекин лорд Винтер ундан шубҳаланиб қолиши мумкин эди, ахир энди Фельтонни ўзининг устидан назорат ўрнатиши мумкин эди.

Эрталаб соат тўртларда табиб келди, лекин миледининг яраси битишга улгурган ҳамда табиб на унинг йўналишини, на чуқурлигини белгилай олди, фақатгина томир тегишидан беморнинг аҳволи таҳлика туғдирмаслигини аниқлади.

Эрталаб миледи ўзини парвариш қилгувчи аёлни унинг тун бўйи ухламагани ва дамани олишга муҳтожлиги баҳонасида жўнатиб юборди.

У нонушта олиб келишганда Фельтон келади деб умидвор эди, лекин Фельтон қадам босмади.

Наинки унинг ҳадиклари тўғри чиққан бўлса? Наинки бароннинг шубҳаси остида қолган Фельтон ҳал қилгувчи дақиқада ёрдамга келмаса? Унинг бор-йўғи бир кун қолган эди: лорд Винтер унга жўнаш муддати йигирма тўртинчи кунга тайин этилганини айтган эди, йигирма иккинчи куннинг тонги эса отиб бўлди.

Ҳар қалай миледи ҳарна тоқат қилиб пешингача кўз тикди.

Гарчи у эрталаб туз тотмаган бўлса-да, пешинликни одатдаги вақтда келтирдилар, у ҳам даҳшат ичида ўзини қўриқлагувчи аскарларнинг уст-боши бўлаклигини кўриб қолди. Шунда у юрак бетлаб Фельтон қани деб сўраб кўрди. Унга Фельтон бир соат бурун отга миниб жўнаб кетганини жавоб қилдилар.

У барон ҳалиям қалъадами-йўқми деб суриштириб кўрди. Аскар тасдиқлаб жавоб берди ва мабодо асира ўзи билан гаплашишни ихтиёр этса, хабар қилишни буюрганини қўшиб қўйди.

Миледи ўзининг ҳозир ҳаддан ташқари заифлиги ва бирдан-бир истаги танҳо қолишлигини айтди.

Аскар пешинликни столга қўйди-да, чиқиб кетди.

Фельтонни четлатганлар, денгиз пиёда аскарларини алмаштирганлар – демак, Фельтонга ортиқ ишонмай қўйишган.

Бу асирага берилган сўнги зарба эди.

Хонада ёлғиз қолгач, миледи ўрнидан турди: уни оғир ярадор санасинлар учун эҳтиёткорлик қилиб эрталабдан бери ётган тўшаги лаҳча чўғ манқал каби уни кўйдирмоқда эди. У эшикка кўз ташлади – туйнукка тахта қоқиб ташланган эди. Барон бирор иблисона йўл билан бу тешик орқали у соқчиларни йўлдан уриб қўймасин деб қўрққан бўлса ажаб эмас.

Миледи қувонганидан жилмайиб қўйди: ниҳоят у кузатишларидан чўчимасдан ўзини изтиробга солаётган ҳисларга эрк бериши мумкин бўлди-я. Ғазаб тутқаноғида у қафасга қамалган йўлбарс сингари хона бўйлаб ўзини ҳар ён ура бошлади. Пичоқ қўлида қолганида

борми, бу дафъа у ўзини эмас, баронни ўлдиришга бел боғлаши турган гап эди.

Соат олтида лорд Винтер келди; у тиш-тирноғигача қуролланиб олган эди. Миледи атиги эси паст сарой кавалери деб хаёл қилиб юрган бу киши ажойиб мир-ғазаб бўлиб қолган: у ҳамма нарсани олдиндан билиб тургандай, ҳамма нарсага фаросати етадигандай, ҳамма нарсанинг олдини олаётгандай туюларди.

Миледига ташланган бир назар унинг кўнглидаги гапни аён этди.

– Шундай бўла қолсин, – деди у, – лекин бугун сиз мени ҳали ўлдиролмайсиз: кўлингизда энди қурол йўқ, ҳам бунинг устига мен ҳушёрман. Сиз бояқиш Фельтонни йўлдан ура бошладингиз, у сизнинг иблисона таъсирингизга берила бошлади, лекин мен уни қутқариб қолмоқчиман, у сизни бўлак кўрмайди, ҳаммаси тамом. Лаш-лушларингизни йиғиштириб қўйинг, эртага йўлга чиқасиз. Мен сизнинг жўнашингизни дастлаб йигирма тўртинчи кунга тайинлаган эдим, лекин кейин нечоғлиқ тез амалласа, иш шунчалик тайинроқ бўлади деб ўйлаб қолдим. Эртага тушда Бэкингем имзо қўйган бадарғангиз хусусидаги фармон кўлимда бўлади. Агар кемага ўтирмасдан туриб сиз бирор кимсага лоақал бир сўз қотсангиз, сержантим манглайингизга ўқ узади – унга шундай амр қилинган. Агар кемада сиз капитаннинг рухсатисиз бирор кимсага лоақал бир сўз қотсангиз капитан сизни денгизга улоқтириб ташлашни буюради – унга шу фармойиш берилган. Хайр. Сизга бутун хабар қилмоқчи бўлган бор гапим шу. Сизни эртага кўраман – сиз билан хайр-маъзур қилгани келаман.

Шу сўзлар билан барон йироқлашди.

Миледи шу сиёсатли ваъзни лабларида нафратли табассум, кўнглида беҳудуд қаҳр билан тинглади.

Кечки таом келтирдилар. Миледи ўзининг овқатдан еб, бақувват бўлиб олиши лозимлигини сезди: бу тунни нималар содир бўлиши мумкинлиги номаълум эди, муд-

ҳиш ва суронли бу тун аллақачон сурилиб келмоқда эди; осмон бўйлаб оғир-оғир булутлар кезиб юрар, яшиннинг олис чақмоқлари эса довулдан дарак берарди.

Довул кечқурун соат ўнларда бошланди. Миледи ўз кўнглида ҳукм сургувчи саросимага табиатнинг шериклигини кўриб турганидан хушнуд эди; момақалди роқ унинг қалбидаги қаҳру ғазоби сингари гумбурларди; унинг назарида шиддатли шамол шохларини қайириб, баргларини учириб дарахтларга урилгани каби унинг юзига тегиб сийпалаётгандай эди; у бўрон сингари уларди, овози эса гўё ўзидек оҳ чекиб зорланаётган табиатнинг қудратли овозига жўр бўларди.

Тўсатдан миледи дераза тақиллаганини эшитиб қолди-ю, яшиннинг хира шуъласида панжара орқасида одам изини кўрди.

У чолиб дераза ёнига борди-да, уни очиб юборди.

– Фельтон! – дея қичқириб юборди у. – Мен қутулдим!

– Ҳа, – садо берди Фельтон, – лекин секинроқ гапиринг! Мен ҳали панжаранинг симларини арраламоғим керак. Фақат эҳтиёт бўлинг, сизни улар эшик туйнугидан кўриб қолишмасин.

– Мана сизга худо биз томондалигининг исботи, Фельтон, – деди миледи, – улар туйнукка тахта қоқиб ташлашибди.

– Буниси дуруст, парвардигор уларни ақлдан оздирибди! – жавоб берди Фельтон.

– Мен нима қилишим керак? – сўради миледи.

– Ҳеч нима, мутлақо ҳеч нима, деразани ёпиб қўйсангиз бўлади. Жойингизга ётинг ёки ҳеч бўлмаса ечинмасдан ёнбошлаб туринг. Қачон тугатсам, тақиллатаман. Лекин сиз менга эргашишга қодирмисиз?

– О, албатта!

– Жароҳатингиз-чи?

– Менга азоб бериб турибди, лекин юришимга ҳалал бермайди.

– Биринчи ишорамга шай туринг.

Миледи деразани беркитиб, чироқни ўчирди, унга Фельтон маслаҳат берганидай ётди-да, кўрпанинг ичига кириб кетди. Бўроннинг гувиллаши ичида у панжара устидан юрган арранинг чийиллашини эшитиб ётар ва ҳар чақмоқ чаққанида дераза ойналари орқасидаги Фельтоннинг қорасини илғаб қоларди.

Бутун бир соат у зўрға нафас олиб совуқ терга ботганча даҳлиздаги сал шовқиндан юраги орқасига тортиб кетаётганини ҳис қилиб ётди.

Йиллар каби чўзилиб кетадиган соатлар бўлади.

Бир соатдан кейин Фельтон яна деразани тақиллатди.

Миледи ўрнидан сапчиб турди-да, уни очиб юборди. Панжаранинг икки сими арралаб ташланган-у, бир одам сиққудай тешик ҳосил бўлган эди.

– Тайёрмисиз? – сўради Фельтон.

– Ҳа. Ўзим билан бирор нарса олишим керакми-йўқми?

– Агар олтинингиз бўлса олинг.

– Ҳа, хайриятки, ёнимдаги олтинни ўзимга қолдиришган.

– Яна яхши, мен ўзимнинг бор пулимни кема ёллашга сарф қилиб бўлдим.

– Олинг, – Фельтонга олтин танга тўла халтани тутқазиб деди миледи.

Фельтон халтани олди-да, уни пастга, девор тагига ташлади.

– Энди бўлса, – деди у, – тушиш вақти бўлди.

– Яхши.

Миледи креслога чиқди-да, деразадан бош чиқарди. У офицернинг жарлик тепасида арқон нарвонда осилиб турганини кўрди.

Шундагина уни даҳшат қамради ва аёллигини унинг эсига солди.

Бу оғзини очиб турган ўпқон уни қўрқитмоқда эди.

– Мен шундан чўчиган эдим-да, – деди Фельтон.

– Ҳечқиси йўқ... Ҳечқиси йўқ... – деди миледи. – Мен кўзимни юмиб тушаман.

– Сиз менга ишонасизми? – сўради Фельтон.

– Сўраб ўтирганингизни қаранг!

– Менга қўлларингизни узатинг. Уларни бирлаштиринг, чўзинг. Мана бундай.

Фельтон миледининг қўл панжаларини ўзининг рўмолчаси билан, рўмолча устидан эса арқон билан боғлаб қўйди.

– Нима қияпсиз? – таажжуб билан сўради миледи.

– Қўлларингизни менинг бўйнимга солинг-да, ҳеч нимадан қўрқманг.

– Мени деб сиз мувозанатни йўқотасиз ва иккимиз ҳам йиқилиб майиб бўламиз.

– Ташвишланманг, мен денгизчиман.

Бир сония ҳам ғанимат эди; миледи қўллари билан Фельтоннинг бўйнидан қучоқлаб олди-да, унинг кўмагида деразадан ошиб ўтди.

Фельтон оҳиста поғонадан-поғонага туша бошлади. Икки кишининг вазнига қарамасдан нарвон шиддатли шамол зуридан ҳавода тебранарди.

Бирдан Фельтон тўхтаб қолди.

– Нима бўлди? – сўради миледи.

– Секинроқ! – деди Фельтон. – Мен бировнинг қадам товушларини эшитяпман.

– Бизни кўриб қолишди!

Бир-икки сония улар жим қолиб, тинглаб турдилар.

– Йўқ, – тилга кирди ниҳоят Фельтон, – ҳеч бало йўқ.

– Лекин кимнинг қадам товушлари бу?

– Бу дозор бўлиб қасрни айланиб юрган соқчилар.

– Ҳўш, улар қаердан ўтиб кетиши керак?

– Нақ бизнинг тагимиздан.

– Улар бизни пайқаб қолишади.

– Йўқ, агар чақмоқ чақиб қолмаса.

– Улар нарвон учига тегиб кетишади.

– Хайриятки, ергача у олти фут етмай турибди.

– Ана улар, ё раббий!

– Жим туринг!

Улар ердан йигирма фут баландда қимир этмасдан нафаслари ичига тушиб осилиб туришарди, айна шу пайти эса кула-кула суҳбатлашиб аскарлар ўтиб бордилар.

Қочоқлар учун даҳшатли дақиқа келди.

Патрул ўтиб кетди. Фақат йироқлашаётган қадам шарпасию, олисда сўниб бораётган овозлар эшитилиб турарди.

– Энди биз халос бўлдик, – деди Фельтон.

Миледи бир энтикиб олди-да, ҳушидан кетди.

Фельтон яна осилиб туша бошлади. Нарвоннинг пастки учига етиб олиб ва ортиқ оёқ учун таянч сезмасдан у зиналарга қўллари билан тирмашиб туша бошлади; ниҳоят сўнггисига илашиб туриб, унда осилиб қолди ва оёқлари ерга тегди. У эгилиб олтин тўла халтани ердан олиб тишига қистирди.

Кейин миледини қўлларига кўтариб, патрул йироқлашган тарафга қарама-қарши томонга жадал юриб кетди. Ҳадемай у дозор йўлидан четга бурилиб, қояларни оралаб пастга тушди ва то қирғоққача етиб олгач, ҳуштак чалди.

Унга жавобан худди шундай ҳуштак эшитилди ва беш дақиқа ўтгач, денгизда тўрт нафар эшкакчиси билан қайиқ кўринди.

Қайиқ иложи борича яқин сузиб келди: бу ернинг саёзлиги унинг қирғоққа тақалиб келишига тўсқинлик қилди. Фельтон ўзининг бебаҳо юкини ҳеч кимга ишонмай, бели бўйи сувга кирди.

Хайриятки, бўрон тина бошлаган эди. Бироқ денгиз ҳали пишқириб ётарди; жимит қайиқни тўлқинлар худди ёнғоқ пўчоғи сингари юқорига иргитиб ўйнарди.

– Кемага! – буюрди Фельтон. – Эшкакни чаққонроқ эшинглар!

Тўрт бирдай денгизчи эшкак эшиб кетди, лекин денгиз бирам қаттиқ тўлқинланар эдики, эшкаклар сувни базўр ёрарди.

Лекин шунга қарамасдан қочоқлар қасрдан узоқлашиб борардилар, энг муҳими эса шу эди.

Тун қоп-қоронғи келди ва қайиқдан соҳил қарийб кўзга илинмас, соҳилдан-ку қайиқни асло кўриб бўлмас эди.

Денгизда аллақандай қора нуқта чайқалиб турарди.

Бу кема эди.

Тўрт денгизчи жонини жабборга бериб эшкак эшарди. Фельтон аввал миледининг қўлларини боғлаб турган чилвирни, кейин эса рўмолчани ҳам ечиб ташлади.

Унинг қўлларини бўшатиб қўйгач, у ҳовучига денгиз сувидан олди-да, миледининг юзига сепди.

Миледи бир хўрсиниб, кўзларини очди.

– Мен қаердаман? – сўради у.

– Сиз халос бўлдингиз! – жавоб берди ёш офицер.

– Вой! Мен халос бўлдимми! – хитоб қилди у. – Ҳа, ана осмон, мана денгиз! Мен нафас олаётган ҳаво – эрк ҳавоси... Уф!.. Сизга ташаккур, Фельтон, ташаккур!

Йигит уни бағрига босди.

– Лекин қўлларимга нима бўлди? – ҳайрон қолди миледи. – Уни худди исканжага олишгандай!

Миледи қўлларини кўтарди: дарҳақиқат унинг панжалари увишиб, кўкариб кетган эди.

– Ҳайҳот! – бу чиройли қўлларга термилиб ва меҳр билан бошини чайқаб хўрсиниб қўйди Фельтон.

– Эҳ, бу арзимаган нарса, арзимаган нарса! – хитоб қилди миледи. – Энди эсимга тушди.

Миледи алланимани қидиргандай ён-верига кўз югуртириб қўйди.

– У шу ерда, – уни тинчитди Фельтон ва оёқлари билан олтин солинган халтани унинг ёнига суриб қўйди.

Улар кема ёнига сузиб боришди. Кемадаги навбатчи посбон қайиқда ўтирганларни чақирди – қайиқдан жавоб қилишди.

- Бу қандай кема? – суриштирди миледи.
- Сиз учун ёллаган кемам.
- У мени қаерга элтиб қўяди?
- Истаган жойингизга, мени Портсмутда тушириб қўйса, бас.
- Сиз Портсмутда нима қилмоқчисиз? – сўради миледи.
- Лорд Винтернинг фармойишларини бажо келтирмоқчиман, – хунук илжайиб гапирди Фельтон.
- Қандай фармойишларини?
- Ажабо, ақлингиз етмаяптими?
- Йўқ. Илтимос, очиқроқ гапиринг.
- Менга ишонмай қўйиб у, сизни ўзи қўриқлашга қарор қилди, мени бўлса, сизнинг сургунингиз хусусидаги фармонни Бэкингемнинг қўлини қўйдиргани олиб боришга жўнатиб юборди.
- Лекин у сизга ишонмаса, қандай қилиб ўша фармонни етказишни сизга топширди.
- Нима олиб кетаётганимни мен билишим шартмиди?
- Бу гап тўғри. Портсмутга жўнаб кетяпман денг?
- Мен шошилишим зарур: эртага, йигирма учинчи куни Бэкингем флот билан сузиб кетиб қолади.
- У эртага жўнаб кетяптими? Қаерга?
- Парошелга.
- У бормаслиги шарт! – ўзининг одатдаги вазминлигини йўқотиб қичқириб юборди миледи.
- Хотиржам бўлинг, – жавоб берди Фельтон, – у жўнаб кетмайди.
- Миледи қувончдан қалтираб кетди – у ёш йигитнинг юрак қаъридаги ўйларини уқиб олди, у ерда Бэкингемнинг ажали ёзилган эди.
- Фельтон, сен худди Иуда Маккавей сингари улғусан! Агар сен ўлсанг, мен ҳам сен билан бирга жон бераман, сенга айтадиган бор гапим шу.
- Секинроқ! – унга эслатди Фельтон. – Биз етиб қолдик.

Дарҳақиқат, қайиқ аллақачон кемага яқин бориб қолган эди.

Фельтон нарвондан биринчи бўлиб чиқди-да, миледига қўлини узатди, денгизчилар эса уни суяб туришди, негаки денгиз ҳали бесаранжом эди.

Бир дақиқа ўтгач, улар палубада туришарди.

– Капитан, – деди Фельтон, – мана мен сизга айтган ва соғу саломат Францияга етказиб қўйилиши лозим бўлган хоним.

– Минг пистол эвазига, – жавоб берди капитан.

– Беш юзини сизга бериб қўйганман.

– Тўппа-тўғри.

– Мана қолган беш юзи ҳам, – олтин тўла халтага қўл уриб гапга аралашди миледи.

– Йўқ, – эътироз билдирди капитан, – мен ҳеч қачон лафзимдан қайтмайман, мен шу ёш йигитга сўз бериб қўйганман: қолган беш юзи менга Булонга етиб олгандан кейин берилса бас.

– У ерга етиб оламизми ўзи?

– Соғу саломат, – тасдиқлади капитан. – Бу худди менинг отим Жек Бутлер бўлгани каби ҳақ гап.

– Гап бундай: агар сиз сўзингизнинг устидан чиқсангиз, мен сизга беш юз эмас, минг пистол бераман.

– Яшасин дилбар хоним! – қичқириб юборди капитан. – Кошки эди худо сиз зоти олиялари сингари йўловчилардан менга кўпроқ бериб турса!

– Ҳозирча эса, – деди Фельтон, – бизни кўрфазга элтиб қўйинг... эсингиздами, мени элтиб қўясиз, деб келишганимиз-чи.

Жавоб ўрнида капитан зарур томонга йўл олишни буюрди ва саҳар соат еттиларда кичик кема Фельтон кўрсатган қўлтиқда лангар ташлади.

Йўл-йўлакай Фельтон миледига ўзининг Англияга жўнаб кетиш ўрнига шу кемани ёллагани, қайтиб келгани, тобора юқорига кўтарилгани сайин тошлар орасидаги ёриқларга темир ҳалқалар тиқиб, сўнгра улар-

га оёқ кўйиб деворга тирмашиб чиққани ва дераза панжарасига етиб олгач, арқон нарвонни боғлаб кўйганларининг ҳаммасини сўзлаб берди. Қолганлари миледига маълум эди.

Миледи Фельтоннинг ниятини мустаҳкамлашга уринарди. Лекин унинг дастлаб айтган сўзлариданоқ миледи фаҳмадики, ёш мутаассибни рағбатлантириш тугул шахтидан қайтариш зарур экан.

Улар, миледи эрталаб соат ўнгача Фельтонни кутиб туради деб шартлашиб олишди, борди-ю, соат ўнда у қайтиб келмаса, миледи йўлга чиқаверади.

У пайтда борди-ю Фельтон озодликда қолса, улар Францияда Бетюндаги кармелиткалар монастирида учрашадилар.

XXIX

Портсмутда 1628 йил 23 августда нелар содир бўлган

Фельтон миледи билан унинг кўлини ўпиб, худди сайрга кета туриб акаси синглиси билан хўшлашганидай хайрлашди.

Сиртидан у ҳамшагидек хотиржам кўринар, фақат кўзлари ғайриоддий безгаксимон бир ўт билан чақнаб турарди. Унинг юзи одатдагидан рангпарроқ, лаблари қаттиқ қимтилган, гаплари эса ичида кўпираётган тунд ҳисларни фош этиб қисқа-қисқа ва кескин жарангларди.

Ўзини кемадан соҳилга олиб кетаётган қайиқдалигида унинг икки кўзи палубада унга қараб турган миледига қадалган эди. Уларнинг иккалови ҳам энди таъқибдан деярли чўчимасдилар: миледи хонасига ҳеч қачон соат тўққиздан илгари кирмасди, қасрдан Лондонгача эса йўл уч соатлик эди.

Фельтон қирғоққа тушди, адирдан қоя чўққисига чиқиб олиб, миледини охирги марта қутлади-ю, шаҳар томон юз тутди.

Йўл нишоб кетган ва Фельтон юз қадамча юрганда унга кеманинг мачтаси кўриниб турарди, холос.

У тахминан ярим мил нарида минора ва иморатлари тонг туманига бурканиб, унинг қаршисида қад кўтариб турган Портсмут сари ошиқарди.

Портсмутнинг у ёғида денгизни кемалар босиб кетган эди; уларнинг мачталари қиш нафасидан яланғочланган теракзор сингари шамолда тебраниб турарди.

Олға қараб жадал одимларкан Фельтон Яков I ва Карл I нинг арзандаси бўлмиш Бэкингемга қарши барча қалбаки ёки ҳақиқий айбларни – ўзида икки йиллик мулоҳазалар ва пуританлар даврасида узоқ муддат бўлиш натижасида жамланиб қолган айбларни бир-бир хаёлидан ўтказарди.

Фельтон бу министрнинг шов-шувига сабаб бўлган ошкор ва таъбир жойиз бўлса европа жинойтларини, унга миледи тақаётган хусусий ва ҳеч кимга номаълум жинойтларини қиёслар экан, Бэкингем сиймосида муроса қилиб юрган икки одамдан ўша ҳаёти оммадан пинҳон бўлиб келганининг гуноҳи кўпроқ деб топарди. Гап шундаки, ҳатто чумоли билан таққослаганда ҳам аслида кўзга зўрға илашгучи чанг зарралари катталаштириб кўрсатгучи ойна орқали қўрқинчли махлуқлар бўлиб кўринганидай, Фельтоннинг ғаройиб, ногаҳон ва жўшқин севгиси унга леди Винтернинг паст ва уйдирма даъволарини муболағали ўлчовларда тасвир этарди.

Тез юриш уни бадтар авжига миндирар эди, ўша ерда, унинг ортида даҳшатли қасос хавфи остида ўзи севган ёки тўғрироғи ўзи муқаддас деб билиб топинган аёл қолаётгани хусусидаги ўй, боягина бошидан кечирган ҳаяжон, сезилаётган чарчоқ – буларнинг ҳаммаси уни бағоят кўтаринки руҳий аҳволга солмоқда эди.

У Портсмутга эрталаб соат саккизларда кириб борди. Бутун шаҳар аҳолиси оёққа турган эди; кўча-кўйлар-

да, кўрфазда ноғоралар чалинмоқда эди; жўнаб кетаётган аскарлар денгиз сари боришарди.

Фельтон бошдан-оёқ чанг ва терга ботиб адмирал-тействога етиб борди; унинг одатда рангпар юзи иссиқ ва ғазабдан қизариб кетган эди.

Соқчи уни ўтказишни истамади, лекин Фельтон қоровуллар саркорини чақирди ва чўнтагидан ўзига элтиб бериш буюрилган фармонни чиқариб, маълум қилди:

– Лорд Винтердан қисталанг топшириқ.

Қоровуллик саркори зоти олийларининг энг қалин дўстларидан эканлигини ва ундан ҳаммага маълум лорд Винтернинг номини эшитгач, бунинг устига яна денгиз офицери усти-бошида бўлган Фельтонни ўтказиб юборишга буйруқ берди.

Фельтон ғизиллаб саройга кириб кетди.

У даҳлизга кириб бораётган пайтда у ерга афтидан чанг ёғилган етиб келган заҳоти гуппа йиқилган отини қолдирган бир киши ҳарсиллаб кириб келди.

Фельтон билан номаълум киши герсогнинг тўла ишончини истифода қилгувчи маҳрам Патрикка баравар муружаат қилдилар.

Фельтон ўзининг барон Винтер томонидан юборилганини айтди; у киши ким томонидан юборилганини айтишдан бош тортди ва ёлғиз герсогга ўзини танитиши мумкинлигини баён этди. Уларнинг ҳар бири биринчи бўлиб ўтиб кетиш талабида туриб олган эди.

Лорд Винтерни герсог билан хизмат юмушлари ҳам, дўстона робиталар ҳам боғлаб турганидан бохабар Патрик унинг номидан келган кишини аъло кўрди. Нариги чопарнинг кутиб туришига тўғри келди ва унинг ишини пайсалга солаётган Патрикка ичида лаънат ўқиётгани кўриниб турарди.

Маҳрам Фельтон билан бирга шаҳзода Субиз бошчилигидаги Ларошел аҳли вакиллари қабулга мунтазир туришган катта залдан ўтди-да, уни Бэкингем боягина ваннахонадан чиқиб, доимгидек зўр ҳафса-

ла билан ясан-тусанини тугатаётган хона эшиги олди-га бошлаб борди.

– Лейтенант Фельтон, – ахборот берди Патрик, – лорд Винтернинг топшириғига мувофиқ ташриф буюрган.

– Лорд Винтернинг топшириғига мувофиқми? – такрорлади Бэкингем. – Уни киритиб юборинг.

Фельтон кириб келди. Бу пайтда Бэкингем шоҳона зарбоф чопонни диванга улоқтириб, ҳаммаёғига дур қадаб ташланган кўк бахмал камзулини кияётган эди.

– Не важдан бароннинг ўзи келмади? – сўради Бэкингем. – Унга бугун эрталаб кўз тутдим.

– У киши, – деб жавоб берди Фельтон, – бу шарафга ноил бўлмаслигидан ғоят афсусдалигини сиз зоти олийларига етказишни менга топширди, негаки қасрда у кишининг ўзи посбонлик қилиб туришига тўғри келиб қолди.

– Ҳа, ҳа, хабарим бор. Унинг қўлида асира бор.

– Ана шу асира хусусида сиз зоти олийлари билан гаплашиб олмоқчи эдим.

– Ҳўш, гапиринг.

– Сизга айтишим зарур бўлган гапни сиздан бўлак ҳеч ким эшитмаслиги шарт, милорд.

– Бизни холи қолдиринг, Патрик, – амр этди Бэкингем, – лекин яқин орада туринг, қўнғироқ қилишим билан дарров келасиз. Мен сизни ҳозир чақираман.

Патрик чиқиб кетди.

– Биз ёлғизмиз тақсир, – деди Бэкингем. – Гапиринг.

– Милорд, барон Винтер сизга бундан бир-икки кун муқаддам Шарлотта Баксон номли бир ёш жувоннинг сурғунига оид фармонга имзо чекишни ўтиниб сизга ёзган эди.

– Ҳа, тақсир, мен ҳам ўша фармонни ўзингиз олиб келинг ёки бериб юборинг, мен унга имзо қўйиб бераман дегандим.

– Мана у, милорд.

– Беринг.

Герсог Фельтоннинг қўлидан қоғозни олиб, унга на-
ридан-бери кўз югуртиб чиқди. Бу ўша лорд Винтер
хабар қилган фармоннинг ўзилигига амин бўлгач, уни
столга қўйди ва ўз имзосини чекишга чоғланиб патни
қўлига олди.

– Афу этгайсиз, милорд, – герсогни тўхтатиб туриб
деди Фельтон, – лекин Шарлотта Баксон бу ёш жувон-
нинг ҳақиқий исми эмаслиги сиз зоти олийларига маъ-
лумми?

– Ҳа, тақсир, бу менга маълум, – жавоб берди гер-
сог ва патни сиёҳга ботириб олди.

– Демак, зоти олийлари унинг ҳақиқий исмини би-
ларканлар-да?

– Ҳа, уни биламан.

Герсог патни қоғозга олиб борди. Фельтоннинг ран-
ги ўчиб кетди.

– Унинг ҳақиқий исмини била туриб, сиз барибир
қўл қўяверасизми, зоти олийлари?

– Албатта, сира ўйланиб ҳам турмайман.

– Ақлим бовар қилмайдики, – борган сари қўпол ва
кескинроқ қилиб гапида давом этди Фельтон, – гап
леди Винтер хусусида кетаётгани сиз зоти олийлари-
га маълум бўлса...

– Менга бу жуда яхши маълум, лекин мен буни сиз
қаёқдан билишингиз мумкин деб ҳайронман?

– Ҳали виждонингиз чидаб бу фармонга қўл қўяве-
расизми, зоти олийлари?

Бэкингем йигитга такаббуруна қараб қўйди:

– Бироқ, тақсир, сиз менга ажабтовур саволларни
таклиф қилаётирсиз, мен ҳам жавоб бериб сизга жуда
риоя қилаётирман.

– Жавоб беринг, зоти олийлари, – деди Фельтон, –
вазият балким сиз хаёл қилаётганингиздан анча жид-
дийроқдир.

Бэкингем йигит лорд Винтернинг топшириғи билан
келган ҳолда албатта унинг номидан гапиряпти деб
қарор қилди-да, юмшади.

– Виждоним чидаб, – таъкидлади у, – мен сингари баронга ҳам леди Винтернинг жуда катта жинойтчилиги ва унинг жазосини сургун билан чегараламоқ қарийб унинг гуноҳидан ўтиш билан бараварлиги маълум.

Герсог патни қоғозга тегизди.

– Сиз бу фармонга имзо чекмайсиз, милорд! – герсог томонга бир қадам ташлаб хитоб қилди Фельтон.

– Мен бу фармонга имзо чекмайманми? – таажжубланди Бэкингем. – Нега экан?

– Негаки сиз ўз юрагингизга бир қулоқ солиб кўрасиз-да, миледига инсоф қиласиз.

– Инсоф унинг Тайбернга жўнатилишини тақозо қилган бўлурди. Миледи – беномус аёл.

– Зоти олийлари, миледи – фаришта, сиз буни яхши биласиз, мен ҳам унинг озод этишни илтимос қилман.

– Сиз ўзи ақлдан озибсизми дейман! Мен билан бу тарзда гаплашишга қандай журъат қилдингиз?

– Мени афу этгайсиз, милорд, мен ўзим эплаганча гапиряпман, мен ўзимни босишга ҳаракат қиляпман. Бироқ нима қилмоқчи бўлаётганингизни бир ўйлаб кўринг; милорд, ҳадингиздан ошаверманг!

– Нима?.. Илоё парвардигор кечирсин мени! – қичқириб юборди Бэкингем. – У менга сиёсат қилаётганга ўхшаб қолди!

– Йўқ, милорд, мен ҳали сиздан илтимос қилиб турибман ва айтаяпманки: паймонангиз тўлиши учун бир қатра кифоя қилади, битта арзимаган гуноҳ бутун жинойтларига қарамасдан парвардигор асраб келган кишининг бошига бало бўлиши мумкин.

– Жаноб Фельтон, марҳамат қилиб бу ердан чиқиб кетинг ва зудлик билан қамоққа жўнанг, – амр қилди Бэкингем.

– Марҳамат қилиб гапимни охиригача тингланг, милорд. Сиз бу ёш қизни алдаб қўлга туширгансиз, сиз уни ёмон ҳўрлагансиз, унинг номусини тўккансиз. Унга

қилган ёмонлигингизни ювиб ташланг, қўйиб беринг у бежавотир жўнаб кетсин, мен ҳам сиздан бўлак ҳеч нима талаб қилмайман.

– Ҳеч нима талаб қилмайсиз? – Фельтонга оғзи очилиб қараб қолиб ва ҳар сўзига урғу бериб гапирди Бэкингем.

– Милорд, – ўзи гапиргани сайин тобора руҳланиб гапида давом этди Фельтон. – Эҳтиёт бўлинг, милорд, бедодликларингиз бутун Англиянинг жонига тегди. Сиз қирол ҳокимиятини қарийб босиб олиб, уни суистеъмол қилдингиз. Милорд, сиздан одамлар ҳам, худо ҳам безор! Кейинчалик жазонгизни худо берар, мен бўлсам бугун адабингизни бераман.

– Буниси энди қуюшқондан ортиқ! – бақирди Бэкингем ва эшик сари қадам босди.

Фельтон унинг йўлини тўсди.

– Ҳокисорона ўтинаман сиздан, леди Винтерни озод этиш ҳақидаги фармонга қўл қўйиб беринг. Хотирга олинг, сиз бадном қилган аёл бу.

– Қани туёғингизни шиқиллатинг, тақсир! Ёким мен посбонларни чақираман-да, сизни кишанга солиб қўйишни буюраман.

– Сиз ҳеч кимни чақирмайсиз, – кумуш нақшли стол устида турган қўнғироқ билан герсогнинг ўртасига туриб олиб деди Фельтон, – эҳтиёт бўлинг, милорд, сиз энди худонинг қўлидасиз.

– Иблиснинг қўлида, шундай демоқчисиз-да! – қўшни хонадаги одамларнинг диққатини жалб қилмоқ учун овозини кўтариб, лекин ҳали дангал ёрдамга чақирмасдан қичқирди Бэкингем.

– Қўл қўйинг, милорд, леди Винтернинг озод этиш ҳақидаги фармонга қўл қўйинг! – деб герсогга қоғоз узатиб гапида туриб олди Фельтон.

– Менга гапингизни ўтказмоқчи бўляпсизми? Сиз мени калака қиляпсиз-ку!.. Ҳой, Патрик!

– Қўл қўйинг, милорд!

– Минбаъд!

– Минбаъд денг?

– Ким бор? – қичқирди герсог ва қиличига ёпишди.

Лекин Фельтон уни яланғочлашга фурсат бермади: у миледи ўзига урган пичоқни яланғочлади-да, бир сапчиб герсогга ташланди.

Шу пайт кабинетга Патрик кириб келди-да, деди:

– Милорд, Франциядан мактуб!

– Францияданми? – оламдаги жамики нарсани ҳаёлдан чиқариб ва ёлғиз бу мактуб кимданлиги ҳақида ўйлаб хитоб қилди Бэкингем.

Фельтон шу дамдан фойдаланди-ю, унинг биқинига пичоқни нақ сопиғача санчиб қўйди.

– Хаҳ, сотқин! – қичқирди Бэкингем. – Бошимни единг-а!

– Қотиллик!.. – бўкириб юборди Патрик.

Фельтон яшириниш пайида атрофга аланглаб олди-да, эшикнинг очик турганини кўриб Ларошел вакиллари кутиб турган қўшни залга отилди, ундан физиллаб чопиб ўтди-да, ўзини зинапояга урди, лекин биринчи зинадаёқ у лорд Винтерга тўқишиб кетди. Фельтоннинг ўлимтик ранги-рўйини, унинг олазарак кўзларини қўл ва юзидаги қон доғларини кўриб, лорд Винтер унинг гирибонидан тутди-да, ҳайқирди:

– Мен бунни билган эдим! Мен фаҳмлаб қолдим, лекин, ҳайҳот, бир зум кеч фаҳмладим! О мен, бадбахт! Бадбахт!..

Фельтон сира қаршилиқ қилмади. Лорд Винтер буюрган посбонлар кейинги фармойишларга мунтазириликда Фельтонни денгиз тарафга чиққан чоғроқ равонга элтиб қўйишди, ўзи бўлса Бэкингем кабинетига ошиқди.

Герсогнинг бақирғига ва Патрикнинг чақирғига кенг даҳлизда Фельтонга йўлиққан киши югуриб кабинетга кирди.

Герсог диванда ётар ва талвасада жароҳатини гижимларди.

– Ла Порт, – сўниб бораётган овоз билан сўради герсог, – Ла Порт, сен унинг ҳузуриданми?

– Ҳа, зоти олийлари, – деб жавоб берди Анна Австрийскаянинг содиқ хизматкори, – лекин кеч келибман, шекилли.

– Секинроқ Ла Порт, бизни эшитиб қолишлари мумкин... Патрик, ҳеч кимни киргизманг... Уф, у менга айтириб юборган гапларни билмай кетаман энди! Ё раббий, мен жон беряпман!

Шу пайт герсог ҳушидан кетди.

Бу орада лорд Винтер, Ларошел вакиллари, экспедицион аскарларнинг сардорлари ва Бэкингем маиятининг офицерлари ёпирилиб хонага киришди; ҳар ёқдан алам, фарёдлари эшитиларди. Саройни нолафигонлар-у ҳасратли фарёдларга тўлғазиб юборган қайғули хабар кўп ўтмай унинг хорижига тошиб чиқди-да, шаҳар бўйлаб тарқалди.

Тўп садоси фавқулодда бир муҳим гап ўтганидан дарак берди.

Лорд Винтер ўзининг сочларини юлмоқда эди.

– Бир зум кеч фаҳмласам-а! – нидо қиларди у. – Бир зум кеч! Ё раббий, ё раббий, қандай қулфат!

Дарҳақиқат, эрталаб соат еттида қаср деразаларининг бири тагида арқон нарвон осилиб турганини унга хабар қилишди. У шу заҳоти миледининг хонасига отилиб кирди-да, хонанинг бўшлигини, деразанинг очиқлигини, панжара симларининг арраланганини кўрди; у д'Артаньян ўз чопаридан оғзаки айттириб юборган огоҳномани эслади-ю, герсог учун кўрқиб ларзага келди-да, югурганича таблага отилди, от эгарлаб беришгунча қараб турмасдан биринчи дуч келганига сакраб минди-да, жон борича елиб адмиралтействога келди, ҳовлида ўзини ерга отиб, зинада югуриб чиқди-ю, айтиб ўтганимиздек, юқори поғонада Фельтон билан тўқнашиб кетди.

Бироқ герсог ҳали тирик эди: у ҳушига келиб, кўзларини очди ва уни қуршаб турган кишиларнинг ҳаммаси қалбида умид пайдо бўлди.

– Жаноблар, – деди у, – мени Ла Порт ва Патрик билан холи қолдиринглар... Э, бу сизмисиз Винтер! Сиз бугун эрталаб ҳузуримга аллақандай телбани юборган экансиз. Қаранг, у мени нима қилиб қўйди!

– О, милорд! – қичқириб юборди барон. – Мен тоабад таскин тополмайман!

– Ҳам хато қиласан, жон Винтер, – унга қўлини уза-тиб эътироз билдирди герсог. – Мен орқасидан бошқа биров умри бўйи аза тутишига арзийдиган бирор одамни билмайман... Лекин бизни холи қолдир, сендан илтимос қиламан.

Барон ўкириб йиғлаганича чиқиб кетди.

Хонада фақат ярадор герсог, Ла Порт ва Патрик қолишди.

Герсогнинг маиятидагилар табибни ахтаришар ва уни тез орада топиша олмасди.

– Сиз яшайсиз, милорд, яшайсиз! – диван олдида тиз чўкиб ҳадеб таъкидларди Анна Австрийскаянинг содиқ хизматкори.

– У менга нима деб ёзибди? – заиф овоз билан сўради Бэкингем: қонга беланган ҳолда у ўша ўзи севган кимса ҳақида сўзлаш учун шафқатсиз оғриқни енгмоқда эди, – у менга нима деб ёзибди? Менга унинг мактубини ўқиб бер.

– Нималар деяпсиз, милорд! – қўрқиб кетди Ла Порт.

– Итоат қил, Ла Порт. Кўрмаяпсанми ахир вақт ғанимат бўлиб қолди.

Ла Порт муҳрни синдирди ва пергаментни герсогнинг кўзларига тутди, лекин Бэкингем ёзувни ажра-тиб олишга беҳуда уринарди.

– Уқисанг-чи, – амр қилди у, – ўқи, мен кўрмай қолдим. Ўқи! Ахир, ҳадемай мен эшитмай қолишим ва унинг менга нима ёзганини билмай ўлиб кетишим мумкин.

Ла Порт ортиқ эътироз қилмай, хатни ўқиб берди:
«Милорд!

Сизни таниганимдан буён азбаройи сизни деб ва сиз ҳақингизга тортган барча азоб-уқубатларим ҳаққи

тавалло қиламан – агар менинг осойишталигимни аясангиз, ўзингизнинг Францияга қарши кенг кўлам-ли қуролланишингизни бас қилинг ва урушга чек қўйинг. Ахир, дин – унинг юзаки сабаби холос деб рўйи рост гапирмоқдалар, хуфиёна эса унинг асл сабаби – сизнинг менга бўлган муҳаббатингиз деб таъкидламоқдалар. Бу уруш нафақат Франция ва Англияга фалокат келтиради, лекин сизга ҳам бахтсизлик келтирадики, милорд, бу мени изтиробда қолдиради.

Хавф-хатар остида қолган ва сизнинг сиймонгизда душманни кўришга мажбур бўлмайдиган дақиқадан бошлаб, мен учун қимматбаҳо бўлиб қолажак ҳаётингизни эҳтиёт қилинг. Лутфан

Анна».

Бэкингем ҳаммасини охиригача эшитиб олмоқ учун қолган бор кучини тўплади. Сўнгра мактуб ўқиб бўлинган пайтда у овозидан ҳафсаласи пир бўлгани сезилиб сўради:

– Наинки, менга оғзаки айтадиган ҳеч гапингиз бўлмаса, Ла Порт?

– Ҳа, бўлмасам-чи, зоти олийлари! Қиролича сизга эҳтиёт бўлишингизни айтиб қўйишни топширди: сизни ўлдириш пайида юрганларидан у кишини огоҳ этишган.

– Ҳаммаси шуми? Ҳаммаси-я? – бетоқат бўлиб сўради Бэкингем.

– У яна сизни аввалгидек севишини айтиб қўйишимни топширди.

– Оҳ!.. Худога шукур! – хитоб қилди Бэкингем. – Демак, менинг ўлимим унинг учун бефарқ бўлмайди!

Патрик кўз ёши тўка бошлади.

– Патрик, – деди герсог, – менга олмос шокилалар турган қутичани келтириб беринг.

Патрик уни олиб келди ҳамда Ла Порт қироличага тегишли қутичани таниди.

– Энди унинг вензели дур билан тикилган оқ атлас халтачани келтиринг.

Патрик бу фармойишни ҳам бажо келтирди.

– Олинг, Ла Порт, – деди Бэкингем, – мана, мен қўлидан олган, унинг лутфи карамининг бирдан-бир нишонлари: бу қутича ва шу икки мактуб. Уларни ҳазрат олияларига мендан сўнгги хотира сифатида бериб қўйинг... – У кўзлари билан ўзининг атрофида бирор қимматбаҳо нарса қидириб кўрди, – уларга қўшиб қўясиз...

У яна кўзлари билан алланимани қидира бошлади, лекин унинг яқин ажалдан хира тортган кўзлари Фельтоннинг қўлидан тушиб қолган ва тиғига ёйилган қипқизил қон ҳалиям қотмаган пичоқни илғаб олди, холос.

– ... шу пичоқни ҳам қўшиб олинг, – Ла Портнинг қўлини қисиб гапини тугатди герсог.

У яна Ла Портга ортиқ гапира олмаслигини имошора билан кўрсатган қўйи халтачани қутичанинг тагига қўйишни ва у ерга пичоқни солишни эплади.

Сўнгра ўзи бу гал энгишга қурби етмаган ажал талвасасида типирчилаб, дивандан паркетга юмалаб тушиб кетди.

Патрик қаттиқ бақариб юборди.

Бэкингем сўнгги марта жилмайиб қўймоқчи бўлганди, лекин ажал унинг фикрини таққа тўхтатиб қўйди-ю, у унинг манглайида сўнгги муҳаббат бўсаси сингари асар қолдирди.

Шу дақиқа ҳовлиқиб герсогнинг табиби келиб қолди; у аллақачон адмираллик кемасида бўлиб, унинг учун у ерга одам юборишга тўғри келганди.

У герсогнинг олдига бориб, унинг қўлини бир оз ушлаб турди-да, сўнг астагина ўз жойига қўйиб қўйди.

– Ҳаммаси беҳуда, – деди у, – герсог қазо қилди.

– Қазо қилди, қазо қилди! – додлаб юборди Патрик.

Унинг фарёдига бутун оломон хонага ёпирилиб кирди ва ҳаммаёқни ҳасрату надомат, аччиқ таажжуб ва саросима тутиб кетди.

Лорд Винтер Бэкингемнинг жони чиққанини кўрган замон посбонлар ҳамон сарой равонида қўриқлаб туришган Фельтонга ташланди.

– Аблах! – деди у афтидан, уни бутунлай тарк этмаган совуққонлиги ва хотиржамлиги Бэкингемнинг вафотидан кейин қайтиб келган йигитга. – Аблах! Нима қилиб қўйдинг!

– Мен ўзимнинг қасосимни олдим, – жавоб берди Фельтон.

– Ўзининг эмиш! – такрорлади барон. – Ундан кўра мен ўша лаънати аёлнинг қуроли бўлиб хизмат қилдим дея қол. Лекин қасамёд қилиб айтаманки, буниси унинг охири ёвуз иши бўлади!

– Нима демоқчи бўлаётганингизни мен тушунмай турибман, – хотиржам жавоб берди Фельтон, – кимни гапирётганингизни ҳам билмайман, милорд. Мен герсог Бэкингемни шунинг учун ўлдирдимки, у сизнинг мени капитан даражасига кўтариш борасидаги илтимосингизни рад қилган эди. Мен уни адолатсизлиги учун жазоладим, вассалом!

Винтер ҳангу манг бўлиб, Фельтонни боғлаётган аскарларга қараб турар ва бу тариқа ҳиссизликка ҳайрон қоларди.

Фельтоннинг осойишта чехрасини биргина фикр қоронғилаштириб турарди. Тиқ этган товуш қулоғига чалинганда содда пуританга ўзини унинг оғушига отишга, айбини бўйнига олишга ва у билан бирга ҳалок бўлишга келган миледининг қадам товуши ва овози эшитилаётгандай бўларди.

Бирдан у сесканиб кетди ва икки кўзини ўзи турган равондан кўриниб турган бепоён денгиздаги аллақандай бир нуқтага қадади.

Денгизчининг бургут қараши Франция соҳиллари томон сузиб кетаётган кема елканини илғаб олдики, бошқа одам бўлганда шундай ораликдан уни тўлқинлар узра чайқалиб турган балиқчи қуш деб қабул қилган бўларди.

У оқариб кетиб, ёрилиб кетишига сал қолган юрагини чангаллаб қолди-да, миледининг бутун хиёнатини фаҳмлади.

– Сўнгги марҳаматингизни дариф тутмаслигингизни сўрайман, милорд! – деб баронга юзланди у.

– Нимани? – сўради лорд Винтер.

– Айтинг-чи, соат неча бўлди?

Барон соатини чиқарди.

– Ўн дақиқаси кам тўққиз, – жавоб берди у.

Миледи ўзининг жўнашини бир ярим соатга тезлаштирган эди; машъум воқеадан дарак бергувчи замбарак садосини эшитган замон у лангарни кўтаришга буюрди.

Кема мусаффо осмон остида соҳилдан узоқ масофада сузиб борарди.

– Худонинг айтгани шу экан, – мутаассибнинг итоати билан деди Фельтон, бироқ палубасида ўзи учун жонини фидо қилиши лозим бўлиб турган аёлнинг оппоқ шарпаси кўринаётган митти кемадан кўзини узолмасди.

Лорд Винтер Фельтоннинг нигоҳини кузатиб туриб, синовчан кўзларини унинг изтиробли юзига кўчирди-да, ҳаммасини пайқаб олди.

– Аввал сен ўзинг жазога тортиласан, аблаҳ, – деди у ҳадеб денгизга термилган кўйи, ўзини олиб кетгувчи аскарларга итоат билан бўйин эгган Фельтонга, – лекин ўзим жони-дилимдан севган акам хотираси билан қасамёд қиламанки, шеригинг қочиб қутулолмайди.

Фельтон бошини ҳам қилди-да, чурқ этмади.

Лорд Винтер эса югуриб зинадан тушди ва кўрфазга ошиқди.

XXX

Франция

Инглиз қироли Шарль I Бэкингемнинг вафотидан воқиф бўлганда унинг дастлабки ва энг катта хавотири бу

даҳшатли хабар парошелликларнинг руҳий бардамлигидан маҳрум қилиб қўймасайди деган бўлди. Шу боисдан Ришелье ўз ёдномаларида баён этгандай, у иложи борича узоқ вақт улардан бунини яшириш пайида бўлди. У ўз давлатининг барча кўрфазларини беркитишга ва Бэкингем шайлаган, унинг вафотидан сўнг жўнашига қиролнинг ўзи бош-қош бўлиб туришга бел боғлаган армия сузиб кетмасдан туриб, бирорта ҳам кема очиқ денгизга чиқмаслигига пухта риюя қилишни амр этди.

У бу қатағоннинг жиддиятини шу даражага етказдики, ҳатто ўзига хайр-маъзур қилиб бўлган Дания элчиларини ва Карл I томонидан Қўшма Нидерландларга қайтариб берилган ост-ҳинд кемаларини Флиссингенга элтиши лозим голланд элчисини Англияда ушлаб қолган эди.

Лекин у бу фармонни бериш ғамини қайғули воқеадан беш соат кейин, яъни кундуз соат иккида егани важҳидан икки кема кўрфаздан чиқиб кетишга улгурди. Бири, биз билганимиздек, аллақачон нималар рўй берганига фаҳми етган ва адмираллик кемаси мачтаси устида қора байроқ кўтарилгандан кейин ўз тахминларига ишончи янада ортган миледини олиб кетмоқда эди. Иккинчи кемага келганда унда ким бўлгани ва унинг қай йўсинда жўнаб кетганини биз кейин ҳикоя қиламиз.

Дарвоқе, бу орада Парошел остонасидаги қароргоҳда янги ҳеч гап ўтмади; фақат ҳар вақтдагидек зерикиб юрган Қирол қароргоҳда бўлак жойлардан кўра ҳам кўпроқ сиқилиб, авлиё Людовик кунини ўтказиб келгани ими-жимиди Сен-Жерменга жўнаб кетишга қарор қилди-ю, кардиналдан ҳаммаси бўлиб йигирма мушкетёрдан иборат соқчилар тўдасини шайлаб беришни сўради. Қиролнинг дилгирлигини гоҳи маҳаллар яхши тушунгувчи кардинал жуда катта мамнуният билан 15 сентябрга қайтиб келишни ваъда қилиб турган ўзининг виқорли ёрдамчисига бу ҳордиқни тақдим қилди.

Падари бузруквор томонидан огоҳ этилган жаноб де Тревиль йўлга отланди ва дўстларининг ўзига номаълум сабабга кўра Парижга қайтишга жуда катта хоҳиши ва ҳатто қисталанг эҳтиёжи борлигини билган ҳолда уларни рўйхатга қўшиб қўйди, албатта.

Тўртала ёш йигитлар бу янгилик хусусида жаноб де Тревилдан чорак соат кейин хабар топдилар, негаки у биринчи бўлиб уларга маълум қилди. Д'Артаньян ўзининг мушкетёрликка ўтишига изн бериб кардинал кўрсатган марҳаматнинг қадрига ниҳоят энди етди. Агар шу жиҳат бўлмаганда д'Артаньяннинг қароргоҳда қолиб кетишига тўғри келар, унинг дўстлари эса усиз жўнаб кетган бўлардилар.

Уларни Парижга қайтмоққа Бетюн монастирида ашаддий душмани миледи билан мулоқот пайти Бонасе хонимга таҳдид солгувчи хатар ундаётганлигини гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Шу боисдан айтиб ўтганимиздек, Арамис ўша нуфузли таниш-билишлари бўлган турлик чеварнинг ўзига Бонасе хоним учун монастирдан чиқиб, Потарингия ёки Белгияга жўнашга қироличадан рухсатнома сўраб кўринг деб зудлик билан ёзиб юборди. Жавоб кўп маҳтал қилмади ва тўққиз-ўн кундан сўнг Арамис қуйидаги мактубни олди:

«Муҳтарам бўла!

Мана, сизга Бетюн монастиридан, фикрингизча, ҳавоси зарар қилаётган ёшгина чўримизни чиқариб олишга рухсатнома. Менинг опам катта мамнуният билан сизга ўз рухсатномасини йўллайди, негаки, у бу ажойиб қизни яхши кўради ва эҳтиёж туғилган чоғда келгусида ҳам оқибат қилиш умидида.

Сизни ўпиб қоламан Анна».

Бу мактубга қуйидаги ибораларда битилган рухсатнома илова қилинган эди:

«Бетюн монастири нозираси менинг тавсияномамга биноан монастирга тушган ва менинг шафоатимда

бўлган жувонни шу мактубни топширгувчи шахс ихтиёрига қўшиб юбормоғи лозим.

Дувр, 10 август 1628 йил.

Мари Мишон».

Арамиснинг қиролчани опа деб атагувчи бу чевар билан бўлган қариндошлик муносабатлари ёш йигитларнинг шўх аскияларига қандай хўрак бўлиб берганини тасаввур қилиш мумкин. Лекин Арамис бир-икки дафъа Портоснинг қўполроқ ҳазилларига жавобан қип-қизариб олиб, келгусида бу мавзуга қайтмасликларини дўстларидан илтимос қилди ва шу борада ақалли бир сўз айтсалар шу йўриғдаги ишларда бўласининг воситачилигига ортиқ таянмай қўйишини эълон қилди.

Шу боисдан тўрт мушкетёр гап-сўзларида Мари Мишон тилга олинмай қўйди ҳам бунинг устига улар ниютларига етган: Бетюндаги монастирдан Бонасе хонимни чиқаришга рухсат олган эдилар. Рост, улар Ларошел остонасидаги қароргоҳда, бошқача қилиб айтганда – Франциянинг нариги чеккасида турган пайтда бу рухсатномадан наф кам эди. Шу важдан эса д'Артаньян ўзининг жўнаб кетиши не сабабдан зарур бўлиб қолганини жаноб де Тревилга очиқ эътироф этиб ундан жавоб сўрашга ҳозирланиб турганда тўсатдан жаноб де Тревиль унга ва уч дўстига қиролнинг йигирма мушкетёрдан иборат соқчилар тўдаси билан Парижга жўнаб кетаётгани ва улар соқчилар жумласига тайинланганлигини айтиб қолди.

Жўралар жуда қувониб кетдилар. Улар хизматкорларни юк билан илгари жўнатиб юбордилар-да, эрталаб эса ўзлари ҳам йўлга чиқишди.

Кардинал ҳазрат олийларини Сюжердан Мозегача кузатиб қўйди ва ўша ерда қирол ва унинг министри ўзаро дўстона мулозаматлар билан хўшлашдилар.

Парижга йигирма учинчи кунни етиб бориш истагида қирол мумкин қадар тезроқ олға суриларди. Бироқ у бир кўнгил очиш илинжида бир замонлар герсог де

Люин ишқибоз қилиб қўйган ўзининг севимли эрмаги лочин овига аҳён-аҳёнда тўхтаб қоларди. Шундай ҳол бўлган кезларда йигирма нафар мушкетёрдан ўн олтитаси бундай вақтхушликка жуда қувонишар, қолган тўрттаси, хусусан, д'Артаньян эса оламдаги жамики нарсага лаънат ўқирди; унинг мудом қулоғи шанғиллагани-шанғиллаган, бунга Портос қуйидаги йўсинда изоҳ берарди:

– Менга жуда бир кибор хоним айтганидек, бунинг маъноси шуки, сизни бирор жойда йўқлаяптилар.

Ниҳоят, йигирма учинчига ўтар кечаси соқчилар Париждан ўтиб бориб манзилга етишди. Қирол жаноб де Тревилга ташаккур айтди ва соқчиларга тўрт кун-тўрт кундан галма-гал жавоб бериб туришга изн берди, лекин бахтиёрларнинг ҳеч бири Бастилияга ҳибс қилиниш хавфи остида исловот жойларида қорасини кўрсатмасликларини шарт қилиб қўйди.

Пайқаб олиш осонки, дастлабки тўрт жавоб бизнинг тўрт дўстимизга берилди; бунинг устига Атос жаноб де Тревилдан тўрт кун ўрнига олти кун сўраб олди, унга икки тунни ҳам қўйди. – Улар йигирма тўртинчи куни кеч соат бешда жўнаб кетишди, жаноб де Тревиль бўлса илтифот қилиб рухсатномага йигирма бешинчи кунни қайд қилиб берди.

– Э тавба, менимча арзимаган нарсаларни деб биз ўзимизни кўп овора қилиб қўяяпмиз! – деди ҳеч қачон ҳеч нимадан иккиланмаслиги маълум д'Артаньян. – Икки кунда икки-уч отнинг силласини қуритиш – бу менга писанд эмас, ёнимда пулим бор – мен Бетюнгача етиб оламан, нозирага қироличанинг мактубини тут-қазаман-да, дилбаримни Лотарингияга ҳам эмас, Белгияга ҳам эмас, Парижга олиб келаман, бу ерда у, хусусан, кардинал Парошел остонасида турган аснода энг яхши беркитилган бўлади. Биз юришдан қайтганимиздан кейин эса унда биз қироличадан – қисман унинг бўласининг валинеъматлигини истифода қилиб, қисман қилган яхшиликларимиз бадалига – не истасак ҳам-

масини ундириб оламиз. Шу ерда қолаверинглар, бе-
корга кучингизни исроф қилманглар! Шундай жўн
иқдомга мен билан Планше бемалол кифоя қиламиз.

Бунга Атос пинагини бузмай жавоб берди:

– Бизнинг ёнимизда ҳам пулимиз бор – мен узук пу-
лидан олган ўз ҳиссамни ҳали ичиб бўлганим йўқ, Пор-
тос билан Арамис бўла ҳали ҳаммасини еб бўлганла-
ри йўқ. Шундай экан биз бемалол битта тугул тўртта-
сининг силласини қуритсак бўлаверади. Лекин фаро-
муш этмангки, д'Артаньян, – деб у бирам тўниқ овоз
билан илова қилиб қўйдики, йигит беихтиёр сесканиб
кетди, – фаромуш этмангки, Бетюн – бу ўша кардинал-
нинг қадами етганки жойга касофати тегадиган аёл
билан мулоқот тайин этган шаҳарининг ўзгинаси. Ма-
бодо фақат тўрт эркак кишига ишингиз тушганда эди
д'Артаньян, мен сизнинг ёлғиз ўзингизни қўйиб юбор-
ган бўлардим. Сиз бу аёл билан иш кўрасиз – келинг-
лар, тўртовлон борайлик-чи, шояд худодан бўлиб биз-
нинг ҳаммамиз ва тўрт бирдай хизматкор бас келиб
қолсак!

– Сиз мени қўрқитмоқдасиз, Атос! – қичқириб юбор-
ди д'Артаньян. – Сиз ўзи нимадан чўчийсиз, азбаройи
шифо?

– Ҳамма нарсадан! – жавоб берди Атос.

Д'Артаньян юзлари худди Атоснинг чеҳрасидай чу-
қур хавотирни ифодалаб турган ўз дўстларига диққат
билан термилди; оғиз очмасдан улар отларига шифов
беришди-да, йўлига равона бўлишди.

Йигирма бешинчи куни кечки пайт улар Аррасга
кириб борганларида ва шу меҳмонхонадан бир ста-
кан шароб ичиб олмоқ учун д'Артаньян «Олтин Мола»-
нинг ёнида отдан тушганда аллақандай суворий ўз
отини алмаштирган почта кўрасидан чиқди-да, бар-
дам тулпорини чоптириб Париж йўлидан елдек учиб
кетди.

У дарвозадан кўчага чиқаётган дақиқада шамол ту-
риб эгнидаги уни буркаб турган ридосини очиб таш-

лади, гарчи бу гаплар августда ўтган бўлса ҳам шляпачи учиб кетишига сал қолди, лекин йўловчи уни ўз вақтида ушлаб қолди-ю, чаққонлик билан кўзларигача бостириб олди.

Бу одамга зеҳн солиб қараб турган д'Артаньяннинг ранги қув ўчиб кетиб, стаканни қўлидан тушириб юборди.

– Сизга нима бўлди, тақсир?– ташвишга тушиб қолди Планше. – Ҳой жаноблар, ёрдамга келинглар, менинг соҳибимнинг ҳоли чатоқ!

Уч дўст югуриб келишди-ю, ҳушдан кетиш д'Артаньяннинг хаёлига ҳам келмагани ва унинг оти томон ташланганини кўрдилар. Улар унинг йўлини тўсишди.

– Оёғингни қўлга олиб қаёққа учиб кетяпсан, азбаройи шифо! – деди Атос.

– Бу ўша! – қичқирди д'Артаньян. – Бу ўша! Қўйинглар, мен унга етиб олай!

– «Ўша» деганинг ким ўзи? – сўради Атос.

– Ўша, ҳалиги одам!

– Қайси одам?

– Ҳалиги лаънати одам – менинг ёвуз офатим қачон бирор фалокат таҳдид солиб турган бўлса, ҳар гал пешанамдан чиқиб туради! Ҳалиги, ўша шум аёлни илк бор учратганимда унга ҳамроҳ бўлиб юрган, дўстимиз Атосни муборазага чақирганимда мен ахтарган, Бонасе хонимни ўғирлаб кетишган қуни эрталаб мен кўриб қолган киши! Мен уни пайқаб қолдим, бу ўша! Мен уни танидим!

– Азбаройи шифо... – ўйчан гапирди Атос.

– Отларга, жаноблар, отларга! Унинг изидан от кўяйлик, унга биз етиб оламиз.

– Азизим, шуни эътиборга олингки, – уни ушлаб қолди Арамис, – у биз юз тутган йўлнинг қарши тарафига кетяпти; унинг оти бардам, бизникилар эса ҳориб қолди ва бинобарин биз ҳатто унга етиш умидисиз отларимизнинг силласини қуритганимиз қолади. Эркакни қўйиб турайлик, д'Артаньян, аёлни қутқарайлик.

– Ҳой, тақсир! – дарвозадан чоғиб чиқиб, ва номаълум киши орқасидан югуриб бақирди отбоқар. – Ҳой тақсир! Мана шляпангиздан тушиб қолган қоғоз, мана... Ҳой, тақсир! Ҳой!

– Дўстим, – уни тўхтатди д’Артаньян, – шу қоғозча учун ярим пистол берайми?

– Марҳамат қилинг, тақсир бажонидил! Мана у!

Отбоқар ўнг келиб қолган бу битимдан шод бўлиб, почта саройига кириб кетди... д’Артаньян бўлса қоғоз варағини ёзди.

– Унда нима экан? – сўрашди уни ўраб олган дўстлари.

– Атиги битта сўз! – жавоб берди д’Артаньян.

– Ҳа, – тасдиқлади Арамис, – лекин бу сўз – шаҳар ёки қишлоқнинг номи.

– «Армантер», – ўқиди Портос. – Армантер... Бунақа жойни эшитган эмасман.

– Ҳамда бу шаҳар ёки қишлоқнинг номи унинг қўли билан ёзилган! – луқма ташлади Атос.

– Ундай бўлса бу қоғозчани яхшилаб беркитиб қўяйлик, шояд охириги пистолимни бекорга бериб юбормаган бўлсам, – яқунлади д’Артаньян. – Отларга, дўстлар, отларга!

Тўрт ўртоқ Бетюн йўлидан от чоптириб кетишди.

XXXI

Бетюн кармелиткалар монастири

Улкан жинойтчилар пешанасига маълум ҳаёт йўли битилган бўлиб, то уларнинг ёвуз қилмишларидан безор бўлган тақдир тақозоси билан уларнинг қонунга хилоф осойишталигига хотима ясалди демагунча улар бу йўлда барча тусиқларни енгаверадилар ва барча хатарлардан қутулиб кетаверадилар.

Миледи ҳам шундай бўлди: у икки давлатнинг қўриқчи кемалари орасидан кўзни шамғалат қилиб осонгина ўтиб кетди ва ҳеч бир саргузаштсиз Бетюнга етиб келди.

Портсмутда тушаркан, миледи англизман, французларнинг таъқиблари Парошелни тарк этишга мажбур қилиб қўйди, деб таъкидлаган эди; икки кунлик денгиз саёҳатидан сўнг Булонда тушгач, у ўзини Францияга бўлган адовати орқасидан Портсмутда англизлар зулм ўтказган французман деб танитди.

Миледи бунинг устига энг ишончли паспортга; ҳусн, салобат ва пистолларни ўнгу сўлга сочганда саховатга молик эди. Порт бошлиғи бўлмиш чолнинг илтифоти ва назокатли қилиқлари шарофати билан одатдаги расмиятлардан қутулиб олиб, у почта орқали тубандаги мазмунда мактуб юбориш учун қанча вақт талаб этилса, Булонда шунча вақт бўлди, холос:

«Падари бузрукворимиз, монсенёр кардинал де Ришельега, Парошел остонасидаги қароргоҳга.

Хотиржам бўлишингиз мумкин, падари бузруквор: герсог Бэкингем зоти олийлари Францияга бормайдилар.

Булон, 25 август оқшоми. Миледи.

Р. С. Сиз падари бузрукворнинг истагингизга мувофиқ, мен Бетюн кармелиткалар монастирига йўл олмоқдаман, у ерда фармойишларингизга мунтазир бўламан».

Дарҳақиқат ўша оқшомдаёқ миледи йўлга равона бўлди. Тун бўйи йўл босди; у тунаш учун меҳмонхонада тўхтади, саҳар соат бешда яна йўлга чиқди-да, уч соат ўтгач Бетюнга келди.

У кармелиткалар монастири қаердалигини суриштириб билди ва шу замон у ерга ташриф буюрди.

Нозира унга пешвоз чиқди. Миледи кардиналнинг фармонини кўрсатди; аббатиса мусофирга хона ажратишни ва нонушта узатишни буюрди.

Ўтмиш миледининг хотирасидан ўчиб бўлди: ўз нигоҳини буткул истиқболга қаратар экан, олдинда у бу қонли ишга сира номини аралаштирмасдан ўзи бошлаб хизматини қилиб берган кардиналнинг улуғ марҳаматларини кўрарди, холос.

Уни жизғанак қилаётган янгидан-янги эҳтирослар унинг ҳаётини ўша гоҳ ложувардни, гоҳ алангани, гоҳ бўроннинг зим-зиё зулматини акс эттириб осмонда сузиб юрган ва ерда фақат вайроналиг-у, ажал изларини қолдириб кетадиган булутларга ўхшатиб қўйган эди.

Нонуштадан сўнг аббатиса унинг ҳузурига зиёрат қилиб келди, монастирда эрмаклар кам бўлиб, кўнгилчан нозири ўзининг янги меҳмони билан танишишга муштоқ эди.

Миледи аббатисага ёқиб қолишни истардики, бу нарса ёрқин идрок ва жозибали қадди-бастга молик бу аёл учун мушқул иш эмасди; у хушмуомала бўлишга ҳаракат қилди ва мароқли суҳбати ҳамда унинг вужуди-вужудига сингиб кетган малоҳати билан соддадил нозирани ром қилиб қўйди.

Аббатиса кибор насабли аёл эди ва қиролликнинг олис гўшалари кам ҳолларда ётадиган бўсағасида фано ташвишлари таққа тингувчи монастир деворларидан ундан ҳам ноёб ҳолларда ошиб ўтадиган сарой ҳангомаларини жуда яхши кўрарди.

Миледи бўлса, ўзи ичида беш ёки олти йил давомида муқим яшаган барча сарой фитналаридан жуда яхши хабардор эди; шу боисдан француз саройининг қиролнинг муболағали художўйлиги билан тинчгина муроса қилиб келаётган енгил табиати ҳақидаги ҳикоялари билан соддадил аббатисанинг кўнглини оча бошлади; сарой қошидаги номлари аббатисага яхши маълум хоним ва мансабдорларнинг расво саргузаштлари билан таништирди, қиролича билан Бэкингемнинг муҳаббатига сал-пал тил тегизиб ўтди ва суҳбатдошининг оғзини очиш учун бир дунё ҳар турли нарсаларни жавраб ташлади.

Лекин аббатиса бир оғиз жавоб қилмасдан тингларди-ю, кулимсирарди, холос. Шунга қарамасдан шу қабилидаги ҳикоялар унга нашъа қилаётганини кўриб, миледи шу руҳда давом этаверди-ю, лекин суҳбатни кардиналга кўчирди.

Шу ерда у жуда танг аҳволга тушиб қолди: у аббатисанинг роялчи ё кардиналчилигини билмасди, шу сабабдан эса ўртароқда туришга ҳаракат қиларди; лекин аббатиса бадтар ҳушёр бўлиб олди ва ҳар гал мусофир хоним падари бузруквор номини тилга олганда бошини қуйи солиб оларди, холос.

Миледи монастирда зерикиб қоламан деган хаёлга бора бошлади; шу боисдан ўзини қандай тутишни бир йўла аниқлаб олмоқ учун қалтис қадамга журъат қилди. Соддадил аббатисанинг оғир-босиқлиги қай даражага етишини бир кўриб қўйиш истагида у аввал мажозий қилиб, сўнгра эса рўй-рост кардинал туғрисида ғийбат бошлади ва министрнинг д'Егилон хоним, Марион Делорм ва бўлак таннозлар билан ишқий робиталарини ҳикоя қилишга тутинди.

Аббатиса астойдил тинглашга киришди, секин-секин жонланиб, жилмая бошлади.

«Яхши, – кўнглидан кечирди миледи, – у мазасига тушуниб қолди. Гарчанд кардиналчи бўлса ҳам, ҳарҳолда фидойилик зоҳир этмаяпти».

Миледи кардиналнинг ўз душманларини таъқибга дучор қилишларига ўтди.

Аббатиса на маъқуллагани, на қоралаганини билдирмасдан чўқиниб олди, холос.

Бу миледини роҳиба кардиналчидан кўра роялчимикан деган фикрида мустаҳкамлади. Миледи тобора бўёқларни қуюқлаштириб ҳикояларини давом этаверди.

– Мен бу нарсаларнинг ҳаммасининг ҳеч фарқига бормайман, – деди ниҳоят аббатиса, – лекин биз саройдан, барча фоний ишлардан нечоғлик йироқ бўлмайлик, сиз ҳикоя қилаётган нарсаларнинг жуда қайғули мисоллари бизда мавжуд. Бизнинг мўмин қулларимиздан бири кардиналдан кўп жабр тортган: кардинал ундан қасос олган ва уни таъқиб этган.

– Мўмин қулларингиздан бирими? – такрорлади миледи. – Ё тавба-эй, бояқиш аёл, менинг унга раҳмим келади!

– Сиз ҳақсиз, ҳам у таассуфга арзийди. У нималарни бошидан кечирмаган дейсиз: қамоқни ҳам, ҳар турли дўқ-пўписаларни ҳам, шафқатсиз муомалани ҳам... Дарвоқе, – илова қилди аббатиса, – балким жаноб кардиналнинг қўлида шундай йўл тутиш учун жуда кескин асослари бўлгандир, гарчи у сиртидан фариштанинг ўзи бўлса ҳам лекин ҳамма вақт ҳам одамлар тўғрисида афт-ангорига қараб ҳукм чиқариб бўлмайди.

«Яхши! – қўнглидан кечирди миледи. – Ким билади, эҳтимол бу ерда мен бирор гапни кавлаб топарман, омадим келипти!»

У ўз чеҳрасига энг самимий бир ифода югуртиришга ҳаракат қилди-да, деди:

– Ҳа, аттанг, бунни биламан. Қўплар одамнинг рухсорига ишонмоқ керак дейишади. Лекин тангрининг энг гўзал махлуқига ишонмай, нимага ҳам ишонардинг! Мен балким умрим бўйи панд еб юрсам керак, лекин чеҳраси менга манзур бўлган аёлга ҳамиша ишонман.

– Демак, сиз бу ёш жувоннинг ҳеч айби йўқ деб ўйлашга тамойилмисиз? – сўради аббатиса.

– Жаноб кардинал нуқул жиноятларнигина таъқиб этмайди, – жавоб берди миледи, – эзгу фазилатлар борки, уларни кардинал баъзи ёвуз қилмишлардан ҳам кўра қаттиқ таъқиб этади.

– Сизга ўз таажжубимни ифода этишга ижозат беринг, хоним! – деди аббатиса.

– Хўш, не важдан? – ўзини гўлликка солиб сўради миледи.

– Шундай гапларни айтаётганингиз важҳидан.

– Менинг гапларимдан нима қизиқ нарса топдингиз? – кулимсираб сўради миледи.

– Сизни кардинал бу ерга жўнатган экан, демак, сиз у кишининг дўсти бўласиз, ҳолбуки...

– Ҳолбуки, мен унинг шаънига ёмон гаплар қилияман, – нозиранинг фикрини поёнига етказиб, гапни илиб кетди миледи.

– Ҳар тугил у киши шаънига яхши гап айтганингиз йўқ.

– Бунинг боиси, мен унинг дўсти эмас, қурбони эканлигим, – хўрсиниб қўйди миледи.

– Бироқ бу мактуб орқали у киши сизни менинг ғам-хўрлигимга ҳавола қилган...

– ...У мен учун то кардинал ўз югурдақларидан бирига мени бу ердан чиқариб юборишни буюрмагунча қамоқдаги сингари шу ерда туришимга фармондир.

– Лекин не сабабдан сиз қочиб кетмадингиз?

– Қаёққа? Наинки сизнингча ер юзида шундай жой борки, агар у ерга малол келмай кардинал қўл чўзса-ю, мени тополмаса? Мен эркак киши бўлганимда эди, бунинг иложи бўларди, лекин аёл... аёлнинг қўлидан нима келарди!.. Хўш, сизникида истиқомат қилгувчи мўмин қул-чи, қочиб кетишга уринганмиди, ахир?

– Йўқ, уринмаган? Лекин у – бошқа гап. Менинг фикримча, уни Францияда бир одамга муҳаббати тутиб турибди.

– Агар у севса, – уф тортиб деди миледи, – демак, унчалик бахтсиз эмас экан.

– Хуллас, – миледига тобора қизиқиши ортиб, тикилиб гапира кетди аббатиса, – мен қаршимда яна битта бечора қувғин аёлни кўриб турибман экан-да?

– Эсиз, ҳа! – тасдиқлади миледи.

Аббатисанинг кўзларида гўё миясида янги бир фикр туғилган каби хавотир акс этди.

– Сиз муқаддас динимизнинг душмани эмасмисиз? – тутила-тутила сўради у.

– Менми? – сўради миледи. – Мен – протестантми?! Йўқ, бизни эшитиб турган худони шоҳид қилиб туриб айтаманки, аксинча, мен ашаддий католикман!

– Ундай эса, ўзингизни босинг, хоним, – жилмайиб деди аббатиса, – сиз турган хона сиз учун мудҳиш қамоқ бўлмайди, тутқунлигингизни ўзингиз ҳам севиб қолишингиз учун биз ҳеч нарсани аямаймиз. Бу ҳам майли: сиз бу ерда бирор сарой фитнаси оқибатида

бўлса керакми қувғинга учраган ёш аёлни кўрасиз. У дилбар ва хушмуомала.

– Унинг номи нима?

– Бир жуда юқори мартабали хоним уни менинг ота-лиғимга Кетти номи билан топширган. Мен унинг ҳақиқий номини билишга ҳаракат қилганим йўқ.

– Кетти? – қичқириб юборди миледи. – Қандай, сизнинг бунга ишончингиз комилми?

– Ўзини шундай деб атаганигами? Ҳа, хоним. Сизчи, уни танийсизми?

Миледи мийиғида қулиб қўйди – унинг миясига, балки бу собиқ канизимдир, деган фикр келди. Ёш қиз хусусидаги хотира миледининг кўнглидаги ғазаб туйғусини кўзғатди, интиқом хумори унинг афтини буриштириб юборди; лекин қарийб шу замон унинг чеҳраси бу иккиюзламачи аёл бир зумгина йўқотган осойишта ва хайрихоҳ ифодасига қайтди.

– Хўш, мени ҳалитдан жуда меҳрим тушиб қолган ўша ёш хонимни қачон кўрсам бўлади? – сўради миледи.

– Бугун кечқурун, – жавоб берди аббатиса, – ҳатто мақбул кўрсангиз кундузи. Лекин ўзингиз айтганингиздек, сиз тўрт кун йўлда бўлгансиз, бугун сиз эрталаб соат бешда тургансиз ва дам олмоқчи бўлсангиз керак. Ётиб бир мизғиб олинг, пешинда биз сизни уйғотамиз.

Ўзининг фитналарга ўч қалбини орзиқтириб юборган янги саргузашт дарагини эшитиб, ҳовлиқиб кетган миледи уйқусиз ҳам қаноат қилса бўларди, лекин шунга қарамасдан у нозиранинг маслаҳатига амал қилди; сўнгги икки ҳафта мобайнида шунчалар ҳар турли ҳаяжонларни бошидан кечирган эдики, гарчи унинг метин тани толиқишга бардош бера олса ҳам руҳи оромга муҳтож эди.

У аббатиса билан хўшлашди-да, Кеттининг номи беихтиёр кўзғатиб қўйган қасос хусусидаги хуш хаёллар билан овуниб ётди. У ўз иқдомини муваффақиятли

ижро этган тақдирда унга ҳаракат эркини бериб қўйиш хусусидаги кардиналнинг қарийб узил-кесил ваъдасини эслади. У муваффақиятга эришди ва шундай экан, д'Артаньян унинг ихтиёрида!

Фақат бир нарса – эри граф де Ла Фер хусусидаги хотиралар миледини изтиробга солмоқда эди. Уни дунёдан ўтган ёки Францияни тарк этган деб юрган эди, қутилмаганда эса уни Атос сиймосида – д'Артаньяннинг энг яхши дўсти сиймосида таниб қолди.

Лекин у агар д'Артаньяннинг дўсти бўлса, қироличанинг падари бузруквор режаларини бузиб юборишига ёрдам берган унинг барча кирдикорларида унга кўмаклашган чиқади, агар у д'Артаньяннинг дўсти бўлса, демак, у кардиналнинг душмани ҳамда ўзи қўяжак ва умид қилмоқ керакки, ёш мушкетёрни ичида бўғиб қўяжак қасос тўрига уни алдаб туширишнинг уддасидан чиқади.

Бу умидларнинг ҳаммаси қувончли хаёлларга соларди, бу хаёллар элитиб, миледи ҳадемай ухлаб қолди.

Уни тўшаги ёнида жаранглаган ёқимли овоз уйғотиб юборди. У кўзларини очди-ю, аббатисани сочлари сарғиш, ранг-рўйи тароватли, ўзига хайрихоҳ бир қизиқиш билан боқиб турган ёш жувон ҳамроҳлигида кўрди.

Ёш жувоннинг рухсори унга мутлақо нотаниш эди. Уларнинг иккиси ҳам одатдаги салом-аликларни айтган қўйи бир-бирларини зеҳн солиб кўздан кечирардилар: иккиси ҳам жуда гўзал, лекин мутлақо бошқа-бошқа ҳуснда. Бироқ миледи табассум билан ўз-ўзича бу ёш жувонга қараганда ўзининг анча басавлатлиги ва қилиқлари ҳам анча киборлигини қайд қилиб қўйди. Рост, ёш жувоннинг қадини чулғаб турган роҳибалик қўйлаги бу хил мусобақа учун қўл келмасди.

Аббатиса уларни таништириб қўйди: бу расмиятни адо қилиб бўлиб у йироқлашди, негаки нозиралик мажбуриятлари уни ибодатхонага чорларди, ёш жувонлар ҳам холи қолишди.

Роҳиба, миледининг жойида ётганини кўриб аббатиса кетидан чиқиб кетмоқчи бўлди, лекин миледи уни ушлаб қолди.

– Қандай, хоним, – гап очди у, – сизни кўриб-кўрмасдан туриб, мени ўз дийдорингиздан бенасиб қилмоқчи бўляпсизми? Сизга эътироф қиламан, мен бу ерда истиқомат қиларканман, сиздан сал илинжим бор.

– Йўқ, хоним, – жавоб берди роҳиба, – мен бемаврид келиб қолдимми, деб шунчаки кўрқиб кетдим: сиз ухлаётган эдингиз, сиз толиққансиз...

– Хўш, нима қипти? – эътироз қилди миледи. – Уйқуда ётганларнинг истаги нима бўларди? Яхши уйғониш! Буни сиз нисор этдингиз, энди ижозат беринг, мен ундан тўла-тўкис роҳат қилиб қолай.

Миледи ёш жувоннинг қўлидан ушлаб, уни каравот ёнида турган креслога тортди.

Роҳиба ўтирди.

– Шўрим қурсин, ҳеч омадим йўқ! – деди у. – Мана ярим йилдирки, кўнгил очиш нималигини билмай шу ерда яшаб келяпман. Энди сиз келиб қолдингиз, сизнинг ҳозирлигингиз менга файзли давра ваъда этипти, мана энди ҳали-замон монастирни тарк этиб қолишим эҳтимолдан холи эмас.

– Қандай! – таажжубланиб қолди миледи. – Сиз яқин орада монастирдан чиқасизми?

– Ишқилиб, умид қилиб турибман, – қувончини яширишга ҳам уринмасдан жавоб берди роҳиба.

– Сизнинг кардиналдан жуда кўп зулм кўрганингиз ҳақида баъзи гапларни эшитган эдим. Мабодо шундай бўлса, бизнинг ўзаро меҳр-оқибатимиз учун бу яна бир баҳона.

– Бундан чиқди волида-нозира тўғри гапни айтибдилар-да: сиз худди мен сингари ўша ёвуз руҳонийнинг қурбони экансиз-да?

– Секинроқ! – тўхтатди миледи ёш жувонни. – Ҳатто шу ерда ҳам унинг шаънига бундай гапларни қилмайлик. Менинг барча фалокатларимнинг боиси ўзим дўст

деб билган ва менга хиёнат қилган аёл олдида ҳозир сизга ўхшаб гапириб қўйганим. Сиз ҳам хиёнат қурбонимисиз?

– Йўқ, – жавоб берди роҳиба, – мен садоқатимнинг, бир аёлга бўлган садоқатимнинг қурбониман, уни мен севардим, уни деб жонимдан ҳам кечган бўлардим, келгусида ҳам кечишга тайёрман.

– У сизни мусибатда тарк этдими? Ўзи доим шундай бўлади.

– Мен шу қадар инсофсиз эдимки, шу ўйда юрган эдим, лекин бир-икки кун муқаддам аксига амин бўлдим ва бунинг учун парвардигорга шукур: у мени унутиб юборди деб ўйлаш мен учун оғир эди... Лекин сиз-чи, хоним, сиз озодсиз шекилли, мабодо қочмоқчи бўлсангиз бу фақат сизнинг истагингизга боғлиқ.

– Хўш, қаёққа ҳам борардим, пулим бўлмаса, дўсту биродарим бўлмаса, илгари ҳеч йўлим тушмаган нотаниш ўлкаларда бўлсам.

– Оҳ, дўстларга келганда, сиз қаёққа борманг – ҳар жойда улар сиз билан бўлади! – хитоб қилди роҳиба. – Сиз бирам раҳмдил кўринасиз, яна бирам гўзалсиз!

– Бу менинг ёлғиз ва қувғинди бўлишимга монелик қилмайди, – ўз табассумига маъсум ифода бериб эътироз қилди миледи.

– Гапимга ишонинг, – гапира кетди роҳиба, – тақдирдан ноумид бўлмаслик керак: ҳамиша шундай дам келадики, бизнинг бир маротаба қилиб қўйган яхши-лигимиз худо олдида бизнинг шафемиз бўлиб қолади. Ҳамда мен нечоғлик ожиз бўлмай, мен нечоғлик ғариб бўлмай, мени учратиб қолганингиз сизнинг бахтингиз бўлса ажаб эмас. Бу ердан чиқиб олсам менинг ёнимни олиб, кейин сизни ҳам ёқлаб чиқиши мумкин нуфузли таниш-билишларим топилиб қолади.

– Мен ёлғизман десам, бу юқори мансабда турган танишларим йўқ деган гап эмас, – деб ўзи тўғрисидаги гаплари билан роҳибани очиқ сўзлашга ундаш илинжида давом этди миледи. – Лекин бу танишларнинг ўзлари

кардиналдан безиллаб туришади, қироличанинг ўзи ҳам ваҳимали министрға қарши ҳеч кимни қувватлашга бо-тинолмай туради. Ҳазрати олиялари ўзининг юмшоқ кўнглига қарамасдан талай ҳолларда ўша ўзига яхши-лик қилганларни падари бузруквор қаҳрига қурбон қилишга мажбур бўлганининг исботлари бор менда.

– Гапимга ишонинг, хоним, қиролича ўзини улар-нинг баҳридан ўтганга солиши мумкин, лекин сирти-дан қараб ҳукм чиқармаслик керак: улар қанчалик кўп сур-сур қилинсалар, қиролича улар ҳақида шунчалик кўп қайғуради ва кўпинча улар ҳаммадан кам кутган дақиқада унинг иноятли эътиборидан бенасиб қолма-ганликларига ишонч ҳосил қиладилар.

– Эсиз! – хўрсиниб қўйди миледи. – Мен бу гапга ишонаман, қиролича бирам раҳмдил ахир.

– Вой, у кишининг шаънига шу гапни айтганингиз-дан кейин, сиз, демак, бизнинг соҳибжамол ва оли-ҳиммат қироличамизни таниркансиз-да! – кўнгли яй-раб гапирди роҳиба.

– Яъни мен шахсан таниш бўлиш шарафига ноил эмасман, – ўзининг жуда меъёрдан ошиб кетганини пайқаб жавоб берди миледи, – лекин мен талайгина унинг қалин дўстлари билан танишман: мен жаноб Пю-танжни биламан, Англияда жаноб Дюжарни билардим, жаноб де Тревилни танийман...

– Жаноб де Тревилни-я! – қичқириб юборди роҳиба.
– Сиз жаноб де Тревиль билан танишмисиз?

– Ҳа, бўлмасам-чи, ҳатто жуда яхши танишман.

– Қирол мушкетёрлари капитани билан-а?

– Ҳа, қирол мушкетёрлари капитани билан.

– У ҳолда кўрасиз, тезда, жуда тезда биз сиз билан яқин таниш, қарийб дўст бўлиб кетамиз! Жаноб де Тре-виль билан таниш бўлсангиз, эҳтимол унинг уйида бўлиб тургандирсиз?

– Ҳа, тез-тез, – таъкидлади миледи. Бу йўлга бош су-қиб ва ўзининг бўҳтонлари жуда ўнг келаётганини кўриб, охиригача унга риоя қилишга жазм қилди.

– Сиз балки уникида мушкетёрлардан битта-ярим-тасини ҳам учратган чиқарсиз?

– У одатда ўзиникида кимларни қабул қилса, ҳам-масини, – энди бу суҳбатга чинакамига қизиқиб қолиб жавоб берди миледи.

– Уша ўзингиз билганлардан битта-яримтасини номини айтинг, мана кўрасиз – улар менинг дўстим бўлиб чиқади.

– Хўш, масалан... – саросимада гап бошлади миледи, – мен жаноб де Сувинини биламан, жаноб де Куртивронни, жаноб де Ферюссакни...

Роҳиба миледининг гапини бўлмайд тинглаб турдида, кейин унинг жимиб қолганини кўриб сўради:

– Атос исмли кавалерни-чи, танимайсизми?

Миледининг ранги ўзи ётган рўйжо матосидек оқариб кетди ва унинг ўзини тута билиш қобилияти нақадар зўр бўлмасин, у суҳбатдошининг қўлига ёпишиб ва унга еб қўйгудек тикилиб беихтиёр қичқириб юборди.

– Нима гап? Сизга нима бўлди? – сўради бояқиш. – Вой шўрим, сизни таҳқир қиладиган бирор гап айтиб қўймадимми?

– Йўқ, лекин бу ном мени лол қолдирди, негаки мен ҳам бу кавалерни билардим ҳамда у киши билан яхши таниш одамни учратиб қолиш менга ғалати туюлди чоғи.

– Ҳа, яхши, жуда яхши! Нафақат у киши билан, лекин унинг дўстлари жаноб Портос ва жаноб Арамислар билан ҳам.

– Ростдан-а? Уларни ҳам мен биламан! – қўрқувдан жунжикиб кетаётганини сезиб хитоб қилди миледи.

– Хўп, агар уларни танисангиз, уларнинг ажойиб ва довюрак кишиларлиги сизга, албатта, маълум. Сизга мадад даркор бўлса, нега ўшаларга мурожаат қилмадингиз?

– Гап шундаки... – тутилиб жавоб берди миледи, – уларнинг ҳеч бири билан мен дўстлик ришталари би-

лан боғланган эмасман. Мен уларни фақат дўстлари жаноб д'Артаньян ҳикояларидан биламан.

– Сиз жаноб д'Артаньянни биласизми? – ўз навба-тида миледининг қўлига ёпишиб ва унга кўзларини тикиб сўради роҳиба.

Миледи кўзларидаги ғалати ифодани пайқаб, у сўради:

– Кечирасиз, хоним, у билан сиз қандай муносабат-дасиз?

– У... – хижолат бўлиб қолди миледи, – у менинг дўстим.

– Сиз мени алдаяпсиз, хоним, – деди роҳиба, – сиз унинг маъшуқаси бўлгансиз!

– Д'Артаньяннинг маъшуқаси бўлган – сиз! – хитоб қилди жавобан миледи.

– Менми? – деди роҳиба.

– Ҳа, сиз. Сизни мен энди танидим: сиз Бонасе хонимсиз.

Ёш жувон таажжуб ва кўрқув ичида ўзини орқага ташлади.

– Тонманг! Жавоб беринг менга! – гапида давом этарди миледи.

– Нима қипти! Ҳа, хоним! – деди роҳиба. – Демак, биз рақибалар эканмиз-да?

Миледининг юзи шундай қаҳрли ўт билан ловиллаб кетдики, ҳар қандай ўзга вазиятда Бонасе хоним кўрққанидан жуфтакни ростлаб қолган бўларди, лекин шу дақиқада рашк домида эди.

– Иқрор бўлсангиз-чи, хоним, – унда бор деб гумон қилиб бўлмайдиган сабот билан гапира кетди у, – сиз унинг маъшуқасимисиз? Ёки, эҳтимол, илгари маъшуқа бўлгандирсиз?

– Йўғ-эй! – ўзининг ҳақлигига шак-шубҳа қолдирмайдиган бир тарзда хитоб қилди миледи, – ҳеч қачон! Ҳеч қачон!

– Сизга ишонаман, – деди Бонасе хоним, – лекин нега бундай қичқириб юбордингиз?

– Қандай, ақлингиз етмаяптими? – деб жўрттага ҳайрон бўлди хижолатдан ўнгланиб, ўзини тамоман қўлга олган миледи.

– Мен тушуна оламан? Мен ҳеч нимани билмайман.

– Жаноб д’Артаньян менга бир дўст сифатида ўз юрак сирларини ишониб айтиб турганига ақлингиз етмаяптими?

– Ростдан-а?

– Ҳамма гап маълум: сизни Сен-Клудага уйдан ўғирлаб кетишгани, унинг ҳасрати, унинг дўстларининг ҳасрати ва уларнинг беҳуда қидирувларидан менинг бохабарлигимни тушунмаяпсиз. Энди бирдан, иттифоқо, сизни учратганимда таажжубланмай бўладими? Ахир, биз сиз тўғрингизда тез-тез гаплашиб турганмиз, ахир у сизни бутун қалби билан севади ва сизни ғойибона яхши кўришга мени ҳам мажбур қилган. Оҳ, жоним Констанция, ахири сизни топиб олдим-а, ахири дийдорингизни кўриб турибман-а!

Миледи Бонасе хонимга қўлини узатди, унинг гапларидан қаноат ҳосил қилган Бонасе хоним эса бундан бир дақиқа бурун ўзига рақиба деб ҳисоблаган бу аёл сиймосида самимий ва садоқатли дўстни кўриб турарди.

– О, мени кечиринг! Кечиринг! – хитоб қилди у ва миледининг елкасига бошини қўйди. – Мен уни бирам севаманки!

Иккала аёл бир зум бир-бирларини ўз оғушида ушлаб туришди. Борди-ю, миледининг кучи унинг нафратига тенг бўлганда эди, Бонасе хоним, албатта, миледининг оғушида ажалини топган бўларди. Лекин уни бўғиб ташлашга қодирмаслиги боисидан миледи унга жилмайиб қўйди-да, хитоб қилди:

– Айланай сиздан, паризодим, бўйларингизга қоқиндиқ бўлай, сизни кўриб турганимдан нақадар бахтиёрман-а! Келинг бир дийдорингизга тўйиб олай!

Бу гапларни гапираркан икки кўзи билан уни еб қўйгудек бўларди:

– Ҳа, ҳа, албатта, бу сиз! Мен сизни нозир унинг менга айтган гапларидан таниб олаяпман, жуда яхши танияпман!

Шўрлик ёш жувон бу ёрқин пешана, бу жоду кўзларда пинҳона шум ниятларни пайқамасди ҳам, улардан фақатгина раҳму шафқатни ўқимоқда эди, холос.

– Демак, у ҳасратларини сизга айтган бўлса, менинг қанча-қанча азиятлар тортганим сизга маълум эканда, – деди Бонасе хоним. – Лекин уни деб азоб чекиш – ҳам роҳат, ҳам фароғат!

Миледи бехос такрорлаб юборди:

– Ҳа, роҳат-фароғат.

У бўлак нарса тўғрисида хаёл сурмоқда эди.

– Ҳам бунинг устига менинг азоб-уқубатларим ҳадемай барҳам ейди, – давом этарди Бонасе хоним, – эртага ёки эҳтимол бугун кечқурун мен уни яна кўраман ҳамда ҳазин ўтмиш унут бўлиб кетади.

– Бугун кечқурун? Эртага? – қайта сўради бу сўзлар хаёлини чалғитган миледи. – Сиз бу билан нима демоқчи бўляпсиз? Сиз ундан бирор хабар кутяпсизми?

– Мен унинг ўзини кутяпман.

– Унинг ўзини? Д’Артаньян шу ерда бўладими?

– Ҳа.

– Бунинг иложи йўқ! У кардинал билан бирга Ларошел қамалида. У фақат шаҳар забт этилгандан кейин келади.

– Сиз шундай деб ўйлаяпсизми? Лекин менинг д’Артаньяним учун – бу ўктам ва софдил кавалер учун илжи йўқ нарса борми ўзи дунёда!

– Сўзларингизга бовар қилолмайман.

– Ўзингиз ўқиб кўринг бўлмаса! – азбаройи кибрли қувончи мўллигидан таклиф қилди жувон ва миледи-га мактуб узатди.

«Де Шеврез хонимнинг қўли! – ўзича қайд этиб қўйди миледи. – Ҳа-ҳа, уларнинг бу қароргоҳ билан робитаси борлигини билиб турган эдим-а!»

Миледи харислик билан қуйидаги сатрларни ўқиб чиқди:

«Азиз бўтам, шай туринг. Бизнинг дўстимиз яқин орада сизни зиёрат қилади ва фақат азбаройи беҳатарлигингиз учун яшириниб туришингизга тўғри келган қамоқдан халос қилиш мақсадида сизни зиёрат қилади. Жўнашга тадорик кўриб қўйинг ва зинҳор бизнинг кўмагимиздан умидингизни узманг.

Бизнинг барно гасконлигимиз яқинда ўзини ҳаминшагидек мард ва садоқатли одам сифатида намоён қилди, огоҳнома учун унга фалон жойда сиздан жуда миннатдорлар деб айтиб қўйинг».

– Ҳа, ҳа, – деди миледи, – мактубда ҳаммаси аниқравшан айтилган. Огоҳнома дегани сизга маълумми?

– Йўқ. Лекин фаҳмим етиб турибди, у кардиналнинг қандайдир янги кирдикори ҳақида қироличани огоҳ этиб қўйган бўлиши керак.

– Ҳа, шундай бўлиб чиқар! – мактубни Бонасе хонимга қайтариб бериб ва хаёл ичида бошини эгиб деди миледи.

Шу чоғ от туёқларининг дупур-дупури эшитилди.

– Вой! – қичқириб юборди Бонасе хоним дераза томон отилиб. – Ўша бўлмасин тағин!

Миледи таажжубдан донг қотиб тўшагидан туролмай қолаверди: унинг бошига бир йўла шунча тасодифлар ёғилиб келган эдики, у умрида биринчи бор гангиб қолди.

– Ўша! Ўша! – шивирлади у. – Наинки ўша бўлса?

У қотиб қолган нигоҳини шифтга тикиб ётаверди.

– Эсизгина, йўқ, – хўрсиниб қўйди Бонасе хоним.– бу аллақандай бегона киши, бироқ у биз томон келаяпти шекилли... Ҳа, у юришини секинлатаяпти... дарвоза тагида тўхтаяпти... қўнғироқ қиялпти...

Миледи сакраб ўрнидан туриб кетди.

– Унинг ўша эмаслигига ишончингиз комилми?

– Ҳа, комил.

– Сиз балки тузук-қуруқ қарамагандирсиз?

– Оҳ, мен унинг шляпасининг патини, ридосининг учини кўрсам бас, уни дарров таниб оламан!

Миледи кийинишда давом этарди.

– Барибир. Сиз бу одам шу ерга келяпти деяписизми?

– Ҳа, у кириб бўлди.

– Бу ё сизнинг, ё менинг олдимга.

– Вой тавба-ей, авзоингиз бирам бузуқки!

– Ҳа, тан оламан, мен сиз сингари лақма эмасман, мен ҳамма нарсадан чўчийман.

– Секинроқ! – уни тўхтатди Бонасе хоним. – Бу ёққа келишяпти!

Дарҳақиқат, эшик очилди-ю, нозира кириб келди.

– Ҳа, мен, – ўзининг вазминлигини қайтариб олишга уриниб жавоб берди миледи, – мени ким сўраяпти?

– Аллақандай киши, номини айтишни истамаяпти-ю, лекин кардиналнинг фармойиши билан келдим деяпти.

– Мени кўрмоқчи бўляптими?

– У Булондан келган хонимни кўрмоқчи бўляпти.

– У ҳолда марҳамат қилиб уни шу ерга таклиф этинг, хоним.

– Вой шўрим, вой шўрим-ей! – даҳшатга келди Бонасе хоним. – У бирор ёмон хабар келтирган бўлмасин тағин?

– Шундайми деб кўрқаман.

– Мен сизни бу номаълум киши билан холи қолдираман, лекин у кетган заҳоти агар ижозат берсангиз мен ёнингизга қайтаман.

– Албатта, илтимос қиламан.

Нозира билан Бонасе хоним чиқиб кетишди.

Миледи ёлғиз қолди-ю, кўзларини эшикка қадади; бир нафас ўтгач, зинапоёда шпорларнинг акс-садо бергувчи жаранги эшитилди, сўнгра қадамлар яқин келиб, эшик очилди ва бўсағада бир одам пайдо бўлди.

Миледи қувонч билан қичқириб юборди: бу киши кардиналга жону тани билан содиқ граф де Рошфор эди.

XXXII

Иблисларнинг икки хили

– Ҳа-а! – деб баб-баравар хитоб қилишди миледи ва Рошфор. – Бу сизмисиз!

– Ҳа, менман.

– Қаёқлардан? – сўради миледи.

– Парошел ёнидан. Сиз-чи?

– Англиядан.

– Бэкингем-чи?

– Қазо қилган ёки хавфли жароҳатланган. Мен ундан ҳеч нима ундиролмай қуп-қуруқ жўнаб кетаётганимда бир мутаассиб уни ўлдириб қўйди.

– Ҳа-а! – кулди Рошфор. – Бахтли тасодифни қаранг! У падари бузрукворни жуда хурсанд қилади. Уни воқиф этдингизми?

– Мен унга Булондан ёзиб юбордим. Лекин қай йўсин сиз бу ердасиз?

– Падари бузруквор хавотирда ва мени сизни ахтариб топишга жўнатди.

– Мен кечагина келдим.

– Кечадан бери нима қилдингиз?

– Вақтни зое кетказмадим.

– О, мен бунга шубҳа қилмайман.

– Биласизми, мен бу ерда кимни учратиб қолдим?

– Йўқ.

– Топиб олинг.

– Қандай топа оламан?

– Ўша қиролича қамоқдан озод қилиб юборган ёш жувонни.

– Ҳалиги хумпар д'Артаньяннинг маъшуқасиними?

– Ҳа, турар жойи кардиналга номаълум бўлган Бонасе хонимни.

– Мана яна битта бахтли тасодиф наригисига қўшалоқ бўлибди, – луқма ташлади Рошфор, – ишқилиб кардиналнинг омади келган!

– Бу аёл билан рўбарў келиб қолганимда, – гапида давом этди миледи, – ҳайрон қолганимни бир тасаввур қилсангиз эди.

– У сизни биладимми?

– Йўқ!

– Демак, сиз унинг учун бегона экансиз-да?

Миледи илжайиб қўйди.

– Мен унинг энг яхши дўстиман!

– Виждоним билан онт ичаманки, бундай мўъжизалар фақат сизнинг қўлингиздан келади, азиз графиня!

– Менга унинг дўсти бўлиб қолиш насиб қилгани менинг бахтим, шевале биласизми, бу ерда нимадир бўляпти?

– Йўқ.

– Эрта ё индин қироличанинг фармони билан уни йўқлаб келишади.

– Шундай денг! Хўш, кимлар экан?

– Д'Артаньян ва унинг дўстлари.

– Рости гап пироварди-оқибат улар ўзларини Бастилияга солмаганимизга қўймайди, шекилли.

– Не сабабдан улар шу пайтга довур эркин юришипти?

– Илож қанча! Жаноб кардиналнинг шу кишиларга нисбатан аллақандай мен учун мавҳум кўнгил бўшлиги бор.

– Ростдан-а?

– Ҳа.

– Хўп, унга қуйидагиларни айтиб қўйинг, Рошфор: бизнинг «Қизил Каптархона» меҳмонхонасидаги суҳбатимизни ўша тўрт биродар эшитиб қолганини унга айтинг: жўнаб кетганидан кейин уларнинг биттаси менинг ёнимга кирди-да, зўрлик билан менга кардинал берган ҳимоя ёрлиғини мендан тортиб олганини унга айтинг; улар лорд Винтерни менинг Англияга боришим ҳақида огоҳ этиб қўйганларини айтинг; шокилалар ишида тўғоноқ бўлишганидай бу дафъа ҳам мен-

га берилган топшириқни адо қилишимга халал беришларига сал қолганини айтинг; бу тўрт кишидан фақат иккитаси: д'Артаньян билан Атосдан хавфсираш кераклигини айтинг; учинчиси Арамис де Шеврез хонимнинг жазмани эканини айтинг; уни тирик қолдирмоқ керак, унинг сир-асрори бизга маълум ҳамда у бизга асқотиб қолиши мумкин; тўртинчиси Портосга келганда у тентак, олифта ва анқов, унга садқайи диққат-эътибор.

– Лекин тўртови ҳам энди Парошел қамалида бўлсалар керак?

– Мен ўзим ҳам шу ўйда эдим, лекин Бонасе хонимнинг коннетабл рафиқасидан олган ва эҳтиётсизлик қилиб менга кўрсатиб қўйган мактуби, мени ҳар тўрталаси ҳам аксинча ҳозир йўлда ва уни ўғирлаб кетгани бу ерга ташриф буюришади деб тахмин қилишга мажбур этяпти.

– Азбаройи шифо! Нима қилмоқ керак?

– Сизга кардинал менга оид нима фармойиш берди?

– Сизнинг ёзма ёки оғзаки маълумотларингизни олиш ва почта отларида қайтиш, қачонки у қилган ишларингизнинг ҳаммасидан воқиф бўлиб олса, бу ёғига нима йўл тутишингизни ҳал қилади.

– Мен шу ерда қолиб туришим зарур эканми?

– Шу ерда ёки шу яқин атрофда.

– Сиз мени ўзингиз билан олиб кета олмайсизми?

– Йўқ, менга аниқ фармойиш берилган. Сизни қароргоҳ канорасида таниб қолишлари мумкин, сизнинг у ерда бўлишингиз эса падари бузрукворга доғ тегизиб қўйиши мумкин.

– На чора, менинг шу ерда ёки яқин атрофдаги бирор жойда кутиб туришимга тўғри келади.

– Фақат кардинал хабарини қаерда кутишингизни ҳозирдан айтиб қўйинг, токи мен сизни қаердан топишимни билиб турай.

– Менга қаранг, мен бу ерда қола олмасам керак.

- Нега?
- Сиз ҳали замон бу ерга менинг душманларим келиб қолиши мумкинлиги хотирдан чиқараётирсиз.
- Бу рост гап. Лекин у ҳолда бу ёш хоним падари бузруквор қўлидан чиқиб кетади-да.
- Йўғ-эй! – ёлғиз ўзигагина хос табассум билан жавоб берди миледи. – Сиз менинг унинг энг яқин дўсти эканимни фаромуш қилаётирсиз.
- Ҳа, бу гап рост. Хуллас, мен бу аёл борасида кардиналга айтаманки...
- ... кўнглини тўқ тутса бўлаверади.
- Бор гап шумиди?
- Бунинг маъносини у тушуниб олади.
- Унинг фаҳми етади. Хўш, мен энди нима қиламан?
- Зудлик билан изингизга қайтасиз. Наздимда кардиналга етказажак хабарларингиз шошилишга арзийди.
- Менинг извошим Лилега кириб боришимда синиб кетди.
- Жуда соз!
- Жуда соз деганингиз нимаси?
- Шуки, сизнинг извошингиз менга керак.
- Хўш, мен-чи, у ҳолда қандай қилиб етиб оламан?
- Отда. Жонингиз борича от қўйинг.
- Сизга бундай дейиш осон! Хўп, менга-чи, бир юз саксон пелик йўлни босиб ўтиш қандоқ бўларкин?
- Ҳеч гап эмас.
- Хўп майли, у ёғи-чи?
- У ёғи: Лиледан ўтишингизда извошни менга юборасиз-да, хизматкорингизга менинг ихтиёримда бўлишини тайинлайсиз.
- Яхши.
- Сизда, албатта, кардиналнинг бирор фармойиши бордир?
- Менда, ўз билгимча ҳаракат қилмоққа ёзма ваколат бор.

– Сиз уни нозирага кўрсатинг-да, бугун ё эрта менга одам келиши ва сизнинг номингиздан ташриф буюражак шахс билан бирга кетишим амр этилганини унга айтиб қўйинг.

– Жуда яхши.

– Нозира билан суҳбатда мен ҳақимда кўрс гап-ришни эсдан чиқарманг.

– Буниси нечун?

– Мен – кардиналнинг қурбониман. Мен бу жинни Бонасени ишонтиришим зарур.

– Мутлақо одилона гап! Энди бўлса, малол келмаса содир бўлган нарсалар хусусида маълумот ёзиб берсангиз.

– Нима рўй берганини сизга айтиб бердим-ку, ахир. Хотиранингиз яхши, айтган гапларнинг ҳаммасини такрорлаб олинг, қоғоз эса йўқолиб қолиши мумкин.

– Сиз ҳақсиз, фақат чор атрофда беҳуда изғиб юрмаслик учун, кейин сизни қайдан топишни билиб олсам бўлгани.

– Тўғри. Сабр қилинг-а...

– Сизга харита берайми?

– О, мен бу жойларни жуда яхши биламан!

– Сиз-а? Бу ерларда қачон бўлгансиз?

– Мен шу ерларда тарбияланганман.

– Шундай денг?

– Кўриб турибсизки, гоҳи маҳаллар сизнинг фалон жойда тарбия топганингиз ҳам бирор нарсага асқо-тиб қолиши мумкин.

– Хуллас, сиз мени қаерда қутасиз?

– Бир дақиқа ўйлаб олай... Ҳа, мана қаерда: Армантерда.

– Армантер, бу нима дегани ўзи?

– Лис дарёсидаги кичикроқ шаҳар. Дарёдан ўтиб олсам бас, мен бегона давлатга тушиб қоламан.

– Жуда соз! Лекин сиз, албатта, хавф-хатар туғилган ҳолдагина ўтиб кетасиз.

– Албатта.

– Агар бундай нарса содир бўлиб қолса, сизнинг қаердалигингизни мен қандай биламан?

– Қаролингиз сизга керак эмасми?

– Йўқ.

– Унга ишонса бўладими?

– Батамом. У синалган одам.

– Уни менга беринг. Уни ҳеч ким танимайди, мен ўзим қаердан жўнаб кетсам, ўша ерда уни қолдириб кетаман ҳамда у сизни мен турган жойга кузатиб қўяди.

– Демак, мени Армантерда кутаман деяпсизми?

– Ҳа, Армантерда.

– Менга бу номни бир парча қоғозга ёзиб беринг, бўлмаса эсимдан чиқариб қўяманми деб кўрқаман. Шаҳар номида иснодга қолдиргувчи ҳеч нима йўқдир ахир, шундай эмасми?

– Ким билади... Хўп майли, мен ўзимнинг покиза номимга доғ туширишга тайёрман! – рози бўлди миледи ва бир варақ қоғозга ёзиб берди.

– Яхши, – деди Рошфор, варақни миледи қўлидан олиб, уни тахлади ва шляпасининг астари ичига тикиб қўйди. – Дарвоқе, хотирингизни жам қилинг: борди-ю, бу қоғозни йўқотиб қўйганимда ҳам мен болалар сингари йўл тутаман: йўл бўйи шу номни такрорлайвераман. Хўп, бўлди шекилли?

– Назаримда бўлди.

– Яхшилаб эслаб олайлик: Бэкингем ўлдирилган ёки оғир жароҳатланган... сизнинг кардинал билан суҳбатингиз тўрт мушкетёр томонидан эшитилиб қолинган... лорд Винтер сизнинг Портсмутга боришингиз тўғрисида огоҳ этилган... д'Артаньян билан Атосни Бастилияга... Арамис Шевроз хонимнинг хуштори... Портос – олифта... Бонасе хоним топилган... сизга мумкин қадар тезроқ извош юбориш... менинг қаролимни сизнинг ихтиёрингизга ҳавола қилиш... сизни кардиналнинг қурбони қилиб кўрсатиш, токи нозиранинг кўнглида ҳеч шак-шубҳа туғилмасин... Армантер Лис бўйида. Шундайми?

– Рости гап, зап хотирангиз бор-да, мухтарам шевале: дарвоқе, яна бир гапни қўшимча қилиб олинг.

– Хўш нимани?

– Мен ажойиб ўрмонни кўриб қолдим, у монастир боғига туташ шекилли. Менинг шу ўрмонда сайр қилишимга ижозат борлигини нозирага айтиб қўйинг. Ким билади, орқа эшикдан чиқиб кетиш зарур келиб қолса, ажаб эмас.

– Сиз ҳамма нарсанинг ғамини еб қўйибсиз!

– Сиз бўлсангиз яна бир нарсани эсдан чиқардингиз...

– Хўш, яна нимани?

– Пул-мул керакми деб мендан сўрашни.

– Ҳа, рост. Сизга қанча берай?

– Ёнингизда чиққан бор олтинни.

– Ёнимда беш юз пистолча бор.

– Менда ҳам шунча. Минг пистолга эга бўла туриб, ҳар қандай шароитдан қутулиб кетиш мумкин. Чўнтагингизда борини тўкинг.

– Марҳамат қилинг.

– Яхши. Қачон жўнаяпсиз?

– Бир соатдан кейин. Мен наридан бери нонушта қилиб оламан бу орада эса бирон одам почта отига бориб келади.

– Жуда яхши! Алвидо, шевале!

– Алвидо, графиня!

– Менинг эҳтиромимни кардиналга изҳор қилиб қўйинг.

– Сиз бўлсангиз – менинг эҳтиромимни иблисга.

Миледи билан Рошфор бир-бирига табассумларини ҳадя қилиб ажралишди.

Бир соат ўтгач, Рошфор елдек учиб орқага қайтиб кетди; беш соатдан кейин у Аррасдан ўтди.

Д'Артаньяннинг уни қандай таниб қолгани ва бу мулоқот тўрт мушкетёрнинг кўнглига хавотир солиб, уларнинг йўлини янада шошилишч давом эттиришга ундагани китобхонларимизга маълум.

XXXIII

Сўнгги қатра

Рошфор чиқиб кетган замон Бонасе хоним хонага қайтиб келди-ю, миледининг қувониб, кулимсираб ўтирганини кўрди.

– Мана энди сиз чўчиб турган нарса содир бўлди, – гап очди ёш жувон, – бугун кечқурун ёки эртага кардинал сизга одам юборади.

– Буни сизга ким айтди, бўтам? – сўради миледи.

– Мен бу ҳақда чопарнинг ўз оғзидан эшитдим.

– Яқинроқ келинг-да, менинг ёнимга ўтиринг, – таклиф қилди миледи.

– Марҳамат.

– Сабр қилинг, бизни битта-яримтаси эшитиб қолмасин, бир қараб боқай.

– Бу эҳтиёт чоралари нечун?

– Ҳозир билиб оласиз.

Миледи ўрнидан туриб, эшик олдида борди-да уни очиб, даҳлизга бош суқиб қаради, кейин яна Бонасе хоним билан ёнма-ён ўрнашиб олди.

– Бундан чиқди, у ўз ролини дуруст ижро этибди-да?

– Ким у?

– Ўша нозирага ўзини кардиналнинг вакили деб танитган одам.

– Ие, ҳали у роль ўйнаган эдимиз?

– Ҳа, бўтам.

– Демак, бу одам ҳалиги...

– Бу одам, – овозини пасайтириб деди миледи, – менинг оғам.

– Сизнинг оғангизми? – сўради Бонасе хоним.

– Бу сирни ёлғиз сиз биласиз, бўтам. Агар сиз кимга бўлса-да, уни ишониб айтиб қўйсангиз мен хароб бўлдим, балким сиз ҳам.

– Вой, шўрим!

– Менга қаранг, мана нималар бўлиб ўтган. Зарур келиб қолса, зўрлик билан мени халос қилгани шо-

шилинич мададга келаётган акам кардинал менинг ёнимга юборган чопарни учратиб қолган ва унинг изидан жўнаган. Ҳувиллаган хилват жойга етиб олиб, у қиличини суғурган-у, чопарга пўписа қилиб, ўзи олиб кетаётган қоғозларни ўзига беришини талаб қилган. Чопар ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлган пайтда оғам уни ўлдириб қўйган.

– Вой! – парзага келди Бонасе хоним.

– Бу бирдан-бир чора эди, тушунинг! Кейин оғам куч билан эмас, ҳийла билан иш кўришга аҳд қилган: у қоғозларни олиб, бу ерга кардиналнинг чопари ниқоби остида келган ва бир-икки соатдан кейин падари бузруквор амри билан менга извош келиши керак.

– Тушуниб турибман: бу извошни сизга оғангиз юборади.

– Тўппа-тўғри. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас: сиз де Шеврез хонимдан мактуб олдим деб гумон қилаётган мактуб...

– Ҳўш?

– ... қалбаки мактуб.

– Қанақасига?

– Ҳа, қалбаки: бу одам келганда сизни қаршилик кўрсатмасин деб қўйилган тузоқ.

– Лекин д'Артаньян келади-ку, ахир!

– Гафлатни бас қилинг: д'Артаньян билан унинг дўстлари Парошел қамалида.

– Буни сиз қаёқдан биласиз?

– Менинг оғам кардиналнинг мушкетёрлик либосини кийинган вакилларини учратган. Сизни дарвозахонага чақиришган бўлишарди, сиз дўстларим билан муомала қиляпман деб ўйлардингиз, – сизни ўғирлаб кетиб, қайтариб Парижга элтиб қўйишарди.

– Ё раббий, боши-кети йўқ бу жиноятлардан бошим гангиб қолди! Сезиб турибман, агар шу туришда кетаверса, – кафтини манглайига босиб гапирди Бонасе хоним, – мен ақлдан озаман!

– Тўхтаб туринг!

– Нима гап?

– Мен отнинг дупур-дупурини эшитяпман... Бу менинг оғам, жўнаб кетяпти. Мен у билан яна бир марта хайрлашмоқчиман, юринг.

Миледи деразани очди ва қўл ҳаракати билан Бонасе хонимни ёнига чақириб олди. Ёш жувон келди.

Рошфор дераза тагида елдек учиб борарди.

– Хайр оға! – деди миледи.

Чавандоз бошини кўтариб, икки аёлга кўзи тушгач, от қўйиб кета туриб миледига дўстона қўл силтаб қўйди.

– Ажойиб Жорж! – ўз рухсорига мулойим ва маъюс ифода бериб деди у ва деразани ёпиб қўйди.

У аввалги жойига ўтириб олди-да, ўзини чуқур мулоҳазаларга фарқ бўлганга солди.

– Кечирасиз, хоним, хаёлларингизни бўлиб қўйишга ижозат беринг! – унга мурожаат қилди Бонасе хоним. – Менга нима маслаҳат берасиз? Шўрим қурсин! Сизнинг турмуш масалаларида мендан кўра тажрибангиз кўп, нима қилай, менга ўргатиб қўйинг.

– Энг аввало, – жавоб берди миледи, – мен янглишаётган бўлишим ва д'Артаньян билан унинг дўстлари чинданам сизга ёрдамга келиб қолишлари мумкин.

– Оҳ, бу бирам яхши бўлардики, бунга ҳатто ақлим ҳам бовар қилмайди! – хитоб қилди Бонасе хоним. – Бундай бахт менга насиб қилмас!

– У ҳолда, ўзингизнинг ақлингиз етади, бу муддат масаласи, ким биринчи келади деган ўзига хос бир мусобақа. Агар бизнинг дўстларимиз бўлса – сиз омон қоласиз, агар кардиналнинг югурдаклари бўлса – сиз нобуд бўласиз.

– О, албатта, нобуд бўлишим тайин! Нима қилмоқ керак.

– Жуда оддий ва тамоман бир чораси бор чоғи...

– Қандай, айтинг?

– Атрофдаги бирор жойда беркиниб кутиш, ёнингизга келадиган одамларнинг кимлигини аввал билиб олиш зарур.

– Лекин қаерда кутса бўлади?

– Энди бунисини ўйлаб топиш осон. Мен ўзим бу ердан бир-икки ле нарида тўхтаб, ёнимга оғам келмагунча ўша ерда яшириниб юраман. Бундай қиламиз: мен сизни ўзим билан бирга олиб кетаман, биз яшириниб оламиз ва биргаликда кутамиз.

– Лекин мени бу ердан чиқармайдилар, мен бу ерда асира аҳволидаман.

– Бу ерда мени кардинал фармойишига биноан кетяпти деб ўйлашади ва менга эргашишга сизда майл йўқ, деб ишонишади.

– Хўш?

– Шундай қилиб извош узатилади, сиз мен билан хўшлашасиз, сиз мени яна бир марта қучоқлаш истагида зинага чиқасиз. Оғамнинг менга юборажак хизматкори ҳамма нарса хусусида огоҳ этилган бўлади, у почтачига ишора қилади-ю, биз отларни елдириб учиб кетамиз.

– Лекин д’Артаньян-чи? Д’Артаньян келиб қолсачи?

– Биз бундан хабар топамиз.

– Қай тарзда?

– Бундан осон нарса бўлмайди! Биз оғамнинг хизматкорини Бетюнга қайтариб жўнатиб юборамиз, такрор айтаманки, биз унга так-таслим ишонсак бўлаверади. У уст-бошини алмаштириб монастыр қаршисида жойлашиб олади. Агар кардиналнинг элчилари келса, у жойидан қимирламайди, агар д’Артаньян билан унинг дўстлари келиб қолишса, уларни бизнинг ёнимизга кузатиб қўяди.

– Уларни у танирмиди?

– Албатта танийди-да! Ахир, у д’Артаньянни менинг уйимда бир неча марта кўрган.

– Ҳа, ҳа, сиз ҳақсиз... Демак, ҳаммаси эпақага келяпти, ҳаммаси жуда яхши амалляпти, лекин узоққа кетмайлик.

– Нар и борганда етти-саккиз лега. Биз нақ чегара олдидаги хилват жойда тўхтаймиз-да, дастлабки ғулгуладаноқ Франциядан жўнаб қоламиз.

- У пайтга довур нима қилмоқ керак?
- Кутмоқ керак.
- Агар улар келмаса-чи?
- Оғамнинг извоши эртароқ келади.
- Лекин сизга келишган пайтда мен сиз билан бўлмасам-чи, масалан, мен бу маҳалда тушки ёки кечки тамадди қилаётган бўлсам-чи?
- Бир нарса қилинг!
- Нима?
- Раҳмдил нозирага тушки ва кечки тамаддиларни мен билан бирга қилишга изожат сўранг, токи биз бир-биримиздан иложи борича кам ажралайлик.
- У ижозат берармикан?
- Нега энди бермасин?
- Жуда яхши! Шу зайл биз бир зум ҳам ажралмай-миз.
- Унинг ҳузурига боринг-да, ундан шу нарсани илтимос қилиб кўринг. Менинг бошим алланечук оғирлашиб турибди, мен бориб боғда бир айланиб келай.
- Боринг. Хўш, мен сизни қаердан топиб оламан?
- Шу ердан, бир соатдан кейин.
- Шу ердан, бир соатдан кейин... Оҳ, ташаккур сизга, сиз бирам кўнгилчан экансизки!
- Сизга ҳамдард бўлмай иложим қанча! Ҳатто агар сиз ўзингизча, шу қадар гўзал ва дилбар бўлмаганингизда ҳам, сиз менинг энг яхши дўстларимдан бирининг маъшуқасисиз-ку, ахир!
- О, д'Артаньяним, у сиздан хўп миннатдор бўлади-да.
- Умид қиламан. Мана энди бўлди, биз ҳамма нарсани келишиб олдик, юринг пастга.
- Сиз боққа кетяпсизми?
- Ҳа.
- Шу даҳлиздан кесиб ўтинг-да, кичкина зинапоядан тушинг, у сизни тўппа-тўғри боққа олиб чиқиб кўяди.
- Жуда яхши! Ташаккур сизга.

Ёш жувонлар хуш табассумларини бир-бирига ҳады қилиб ажралишди.

Миледи рост гапирган эди, у чинданам бошида аллақандай оғирлик ҳис қилмоқда: ҳали-бери тарқоқ ниятлар унинг миясида чувалашиб ётарди. Ўз хаёлларини тартибга келтирмоқ учун унинг холи қолиши лозим эди. Бундан кейинги воқеаларни у мужмал тасаввур қилар ва ўзининг мавҳум ниятларини маълум шаклга солмоқ ҳамда ҳаракат режасини тузиб олмоқ учун унга сукунат ва осойишталик даркор эди.

Энг аввало Бонасе хонимни мумкин қадар тезроқ ўғирлаб кетиш, ишончли жойда уни беркитиб қўйиш ва зарур келиб қолса уни у ерда гаров тариқасида тутиб туриш лозим. Ўзи қанча шиддат билан бўлса, душманлари ҳам худди шунча сабру матонат билан олиб бораётган бу аёвсиз курашнинг оқибатидан миледи ҳайиқа бошлаган эди.

Устига-устак бир хил одамлар ҳавонинг айнишини сезиб турганларидек, бу хотиманинг яқин қолганини ва муқаррар даҳшатли бўлажagini унинг кўнгли сезиб турарди.

Хуллас, унинг айтиб ўтганимиздек, асосий нарса Бонасе хонимни қўлга киритиш эди. Бонасе хоним д'Артаньяннинг жони эди; унинг ҳаёти, севикли аёлининг ҳаёти д'Артаньян учун жонидан ҳам азизроқ эди. Борди-ю, иқбол панд бериб, миледи муваффақиятсизликка учраган тақдирда эса гаров тариқасида Бонасе хонимга эга бўла туриб, у музокаралар бошлаши мумкин эди ва шубҳасиз манфаатли шарт-шароитга эришган бўларди. Бу муаммони у ҳал қилиб қўйди: Бонасе хоним соддадиллик билан унга ҳамроҳ бўлиб боришга тайёр эди; мабодо улар иккиси ҳам Армантерда беркиниб олишса, миледининг д'Артаньян Бетюнга келмаган деб Бонасе хонимни ишонтириши осон эди. Узоғи билан ярим ойдан кейин Рошфор қайтиб келади; бу ярим ой ичида эса миледи тўрт дўстдан қай тарзда қасдини олишни ўйлаб топади. Худога минг қатла

шукурки, у зерикиб қолмайди – феъли уники сингари аёл учун шароит яратиб бера оладиган энг хуш истироҳат: ўз қасоси режасини такомилга етказиши қутарди.

Мулоҳаза қилган кўйи миледи боққа зеҳн солар ва унинг тузилишини ёдда қолдиришга ҳаракат қиларди. У бир йўла ҳам ғалабани, ҳам мағлубиятни кўзда тутувчи ва жангнинг оқимига қараб ҳам олға боришга, ҳам чекинишга шайлангувчи моҳир саркарда сингари ҳаракат қилмоқда эди.

Бир соатдан кейин у ўзини кимдир меҳрибон овоз билан чақираётганини эшитди.

Бу Бонасе хоним эди. Кўнгилчан нозира албатта тўла розилик берган бўлиб, даставвал ёш жувонлар бирга кечки тамадди қилгани кетишди.

Улар ҳовлига кириб борганларида қулоқларига яқинлашиб келаётган извошнинг тарақ-туруқи келди.

Миледи тинглаб кўрди.

– Эшитяпсизми? – сўради у.

– Ҳа, дарвоза тагида извош тўхтади.

– Бу ўша, бизга оғам юборган извошнинг ўзгинаси.

– Вой, шўрим!

– Бас, энди дадил бўлинг.

Миледи янглишмаган эди: монастыр дарвозаси олдида қўнғироқ чалинди.

– Боринг ўз хонангизга, – деди у Бонасе хонимга, – ўзингиз билан олиб кетишни истаган унча-бунча қимматбаҳо нарсаларингиз бордир.

– Менда унинг мактублари бор, – жавоб берди Бонасе хоним.

– Уларни йиғиштириб олинг-да, ёнимга келинг, биз бирпасда кечки тамаддимизни қилиб оламиз. Балким тун бўйи йўл босишимизга тўғри келиб қолар, куч ғамлаб олишимиз керак.

– Ё раббий! – қўкрагини чангаллаб гапирди Бонасе хоним. – Юрагим бирам ўйнаб кетяптики, юра олмаяпман...

– Дадил бўлинг деяпман сизга, дадил бўлинг! Бир ўйлаб қаранг, чорак соатдан кейин биз қутулиб кетамиз. Ҳамда ёдингизда бўлсин: нимаики қилсангиз ўшани деб қиласиз.

– О, албатта, ҳаммаси уни деб! Сиз бир оғиз гап билан мени бардам қилиб юбордингиз. Бораверинг, мен ёнингизга кираман.

Миледи шоша-пиша ўз хонасига чиқди-да, у ердан Рошфорнинг хизматкорини топиб, унга зарур йўл-йўриқлар берди.

У миледини дарвоза олдида кутиб туриши лозим эди; борди-ю, тўсатдан мушкетёрлар пайдо бўлиб қолганда извош бу ердан елдек қочиши ва монастирни айланиб ўтиб ўрмоннинг нариги ёғида жойлашган кичикроқ қишлоққа йўл олиши ҳамда у ерда миледини кутиши лозим эди. Бу ҳолда у боғ оралаб ўтган ва қишлоққа яёв етиб олган бўларди; миледининг бу ўлкаларни жуда яхши билишини биз айтиб ўтган эдик.

Мабодо мушкетёрлар кўринмаса, ҳаммаси шартлашилгандай кечиши лозим эди: Бонасе хоним миледи билан яна бир марта хайрлашиш баҳонасида зинага чиқади ва уни миледи извошига солиб кетади.

Бонасе хоним кирди. Унда туғилиши мумкин барча шубҳаларни тарқатиш истагида миледи унинг олдида ўз фармойишларининг иккинчи қисмини хизматкорга қайта уқтирди.

Миледи хизматкорга извошга оид бир-иккита савол берди. Унга почтачи бошқарадиган уч от қўшилганлиги аниқланди; Рошфорнинг хизматкори извошга фореитор сифатида ҳамроҳ бўлиб бориши лозим эди.

Миледи Бонасе хонимда шубҳа қўзғалиши мумкин деб бекор ҳадиксираган эди: бояқиш ўзга бир аёлда шунчалик макр бўлади деб гумон қилиш учун ҳаддан ортиқ оққўнгил эди; бунинг устига у нозирадан эшитган графиня Винтернинг номи унга мутлақо нотаниш эди ва аллақандай бир аёлнинг ўз бошига тушган фа-

локатларга шундай фаол ва мудҳиш иштироки борлигидан у ҳатто беҳабар эди.

– Кўриб турибсизки, ҳаммаси тахт, – хизматкор чиқиб кетгандан кейин деди миледи. – Нозира ҳеч нима ни пайқамаяпти ва менга кардиналнинг фармойишига биноан келишган деб ўйлаяпти. Бу одам сўнгги топшириқларни бергани кетди. Бир оз тамадди қилиб, бир қултум шароб ичиб олинг-да, жўнайлик.

– Ҳа, – сусткашлик билан такрорлади Бонасе хоним, – жўнайлик.

Миледи имо билан уни стол ёнига ўтиришга таклиф этди, унга бир рюмка испан шаробидан қуйиб бериб, ликобчасига жўжанинг тушини солиб қўйди.

– Қаранг-а, йўлимизнинг очиқ келганини! – луқма ташлади у. – Мана, қоронғи ҳам тушиб келяпти; тонгортада биз бошпанамизга етиб борамиз, бизнинг қаердалигимизни ҳеч ким пайқамайди ҳам... Етар бас, бўшашманг, бирор нарса тановул қилиб олинг.

Бонасе хоним бир-икки луқмани ғайри ихтиёрий равишда ютиб юборди-да, шаробдан татиб кўрди.

– Ичиб юбора қолинг, ичиб юборинг, мендан ибрат олинг, – оғзига ўз рюмкасини олиб бораркан уни авварди миледи.

Лекин айни рюмкани лабига тегизмоқчи бўлиб турган дақиқада унинг қўли ҳавода муаллақ туриб қолди: у чопиб келаётган отларнинг олисдаги дупур-дупурини эшитиб қолган эди; дупур-дупур тобора яқинлашиб қарийб шу замон отнинг кишнагани эшитилди.

Момақалдироқ ногоҳ уйғотиб, кўраётган ажойиб тушимизни узиб қўйгани сингари бу шовқин миледини мувозанат ҳолатидан чиқариб ташлади. У оқариб кетди-ю, деразага отилди. Бонасе хоним эса аъзойи бадани қалтираб ўрнидан турди-да, йиқилиб кетмаслик учун стулга суюниб қолди.

Ҳали ҳеч нима кўринмас, фақат оғишмай яқинлашиб келаётган шитоб дукур-дукур эшитиларди, холос.

– Вой шўрим-эй, бу қандай шовқин? – сўради Бонасе хоним.

– Ё дўстларимиз, ё бизнинг душманларимиз келяпти, – ўзига хос мудҳиш совуққонлик билан жавоб берди миледи, – ўша ерда туринг, буларнинг кимлигини мен ҳозир сизга айтаман.

Бонасе хоним дами ичига тушиб, мрамр ҳайкал сингари турган жойида қотиб қолди.

Дукур-дукур ҳамон зўрайиб келар, отлар энди, афтидан монастирдан юз эллик қадамдан йироқ эмас эди; агар улар ҳалиям кўзга илашмаса, бу уларнинг йўлнинг бурилиш жойида келаётганлигидан, холос. Бироқ дукур-дукур энди бирам яққол эшитилардики, тақаларнинг узук-узук тақир-туқуридан отларнинг қанча эканлигини билиб олиш мумкин эди.

Миледи зўр бериб олисларга тикиларди: келаётганларни кўриб олиш учун кун ҳали етарли даражада ёруф эди.

Бирдан у йўл муюлишида заррин ҳошияли шляпалар ялтираб кетганини ва шамолда патлар ҳилпирай бошлаганини кўрди. У аввал иккита, кейин бешта ва провардида саккиз суворийни санади; уларнинг бири икки от бўйи олдинга отилиб чиқди.

Миледи бўғиқ нола қилиб юборди: олдинда елиб келаётган суворий сиймосида у д'Артаньянни таниб қолди.

– Ё раббий, ё раббий! – нидо қилди Бонасе хоним. – Нималар бўляпти у ерда!

– Булар кардинал гавардиячиларининг уст-бошлари, бир зум ҳам пайсалга солиш мумкин эмас! – бақирди миледи. – Қочайлик, қочайлик!

– Ҳа, ҳа, қочайлик! – тақрорлади Бонасе хоним, лекин қўрқув турган жойига михлаб қўйгандай силжиёлмасди.

Суворийлар отларини дераза тагидан чоптириб ўтиб кетганлари эшитилиб турарди.

– Юринг! Юрсангиз-чи! – жувонни қўлидан ушлаб олиб ва уни судраб кетмоқчи бўлиб хитоб қиларди миледи. – Боғ ичидан қочиб кетишга улгурамиз, менда калит бор... Шошайлик! Яна беш дақиқадан кейин кеч бўлади.

Бонасе хоним юришга уриниб кўриб икки қадам ташлади – унинг тиззалари букилиб кетди-ю, йиқилиб тушди.

Миледи уни кўтариб олиб кетишга уриниб кўрди, лекин кучи етмади.

Шу дамда жўнаб кетаётган извошнинг тақир-туқури эшитилди, мушкетёрларни кўриб почтачи отларни шахд билан чоптириб кетди. Сўнгра уч тўрт ўқнинг узилгани эшитилди.

– Охирги марта сўраяпман: кетишга ниятингиз борми-йўқми? – бақириб берди миледи.

– Ё тавба, тавба! Кўриб турибсиз, кучим менга панд беряпти, мен бутунлай юра олмаяпман. Ёлғиз ўзингиз қочинг!

– Ёлғиз ўзим қочайми? Сизни бу ерда қолдириб кетайми? Йўқ, йўқ, ҳеч қачон! – қичқириб юборди миледи.

Бирдан у тўхтаб қолди, кўзлари хунук ёлқиндан чақнаб кетди, у чопиб стол ёнига борди-да, танг қоларли тезлик билан узугининг гардишини ечиб уни Бонасе хонимнинг рюмкасига бўшатди.

Ундан шаробга қизғиш қатра тушиб дарров эриб кетди.

Кейин у дадилланиб рюмкани олди-да, деди:

– Ичинг, бу шароб сизга қувват беради! Ичинг!

Миледи рюмкани жувоннинг лабларига тутди, у ўйламай-нетмай ичиб юборди.

«Оҳ, бунақа қасос оламан демагандим! – иблисона бир табассум билан рюмкани столга қўя туриб ўзича деди миледи. – Лекин иложи бор нарсани қилишга тўғри келяпти».

У хонадан отилиб чиқиб кетди.

Бонасе хоним уни нигоҳи билан кузатиб қолди-ю, лекин унга эргаша олмади; ўша тушида биров қувлаб ўзининг қочишга беҳуда уринаётганини кораётган кишилар ҳис қиладиган аҳволга тушиб қолган эди у.

Бир-икки дақиқа ўтди – дарвозанинг жон ҳолатда тақиллагани эшитилди; Бонасе хоним ҳар дақиқа миледи-дининг қайтиб келишига илҳақ бўлар, лекин миледи кўринмасди.

Жувоннинг қизиб кетган манглайи қўрққанидан бўлса керак, ҳадеб совуқ терга ботарди. Ниҳоят у очилаётган панжараларнинг шарақлаганини эшитди зиналарда этиклар дупурлаб, шпорлар жаранглаб кетди, борган сари яқинроқдан гангир-гунгур овозлар кела бошлади ва бу тўс-тўполон ичида ўзининг номи қулоғига чалингандай бўлди. Бирдан у қувонч билан қийқириб эшик томон отилди; у д'Артаньяннинг овозини таниб қолди.

– Д'Артаньян! Д'Артаньян! – қичқирди у. – Бу сизми-сиз? Бу ёққа, бу ёққа!

– Констанция! Констанция, қаердасиз! – жавоб қиларди йигит. – Ё раббий!

Худди шу он хужра эшиги очилди ёки тўғрироғи ташқи вазн зўридан сурилди-ю, хонага бир неча киши югуриб кириб келди. Бонасе хоним ортиқ қимир этишга қурби етмай, креслога ўтириб қолди.

Д'Артаньян қўлидаги ҳали тутаб ётган пистолетни улоқтириб ташлади-да, маъшуқаси олдида тиз чўқди. Атос пистолетини белбоғига қистириб қўйди, қиличларини яланғочлаб ушлаб туришган Портос билан Арамис уларни қинларига солиб қўйишди.

– О, д'Артаньян, менинг севгилим! Ахири келдинг-а, мени алдаб кетмадинг-а!.. Ҳа, бу сенсан...

– Ҳа, ҳа, Констанция, биз яна биргамиз!

– Сени келмайди деб у мени қанча ишонтирмасин, мен барибир ичимда умид қилиб турган эдим ва қочишни истамадим. Оҳ, қандай яхши қилдим-а, мен нақадар бахтиёрман-а!

У деган сўздан креслода тинч ўтирган Атос қўққис туриб кетди.

– У? У ким? – сўради д’Артаньян.

– Менинг дугонам, ўша мен билан иноқлигидан таъқибчиларимдан мени беркитиб қўймоқчи бўлган, ўша сизларни кардиналнинг гвардиячилари деб ўйлаб боъгина шу ердан қочиб кетган аёлнинг ўзи-да.

– Сизнинг дугонангизми? – қичқириб юборди д’Артаньян ҳамда унинг юзи маъшуқасининг рангидан ҳам баттар оқариб кетди. – Қандай дугонани гапиряпсиз?

– Извоши дарвоза тагида турганни, ўзини сизнинг дўсти деб атаётган ва сиз д’Артаньян унга ҳамма гапни айтиб берган аёлни.

– Унинг номи, номи нима? – суриштирарди д’Артаньян. – Ё раббий, наҳотки сиз унинг номини билмасангиз?

– Ҳалиги, уни менинг олдимда атаб эдилар... Сабр қилинг... ғалати-я... Уф, тавба, менинг бошим айланиб кетяпти... кўзларим тиняпти...

– Ёнимга келинг дўстларим, ёрдам беринг! – ҳайқирди д’Артаньян. – Унинг қўллари музлаб кетяпти, унинг ҳоли танг... Ё раббий, у ҳушидан кетяпти!

Портос жони борича бақириб ёрдамга чақиргунча Арамис стол томон отилди, лекин Атоснинг афти қандай мудҳиш тусга кирганини кўриб тўхтаб қолди: у даҳшатдан қотиб қолган кўзларини рюмкаларнинг бирига тикиб стол олдида турар ва ёмон шубҳадан азобланаётгандай туюларди.

– Йўқ, йўғ-эй, бўлиши мумкин эмас! – таъкидларди у. – Парвардигор бундай жиноятга йўл қўймайди!

– Сув, сув! – бақирарди д’Артаньян. – Сув!

– Шўринг қурғур! Шўринг қурғур! – хирилдоқ овоз билан шивирларди Атос.

Д’Артаньяннинг бўсаларидан сал тетик тортган Бонасе хоним кўзларини очди.

– У ўзига келяпти! – хитоб қилди йигит. – Худога шукур!

– Хоним, – тилга кирди Атос, – хоним, айтинг, азбаройи худо, бу бўш рюмка кимники?

– Меники, тақсир... – сўниб бораётган овоз билан жавоб берди ёш жувон.

– Рюмкадаги шаробни-чи, сизга ким қўйиб берди?

– Ўша.

– Ўша деганингиз ким бўлди ўзи?

– Ҳа-а, эсладим! – деди Бонасе хоним. – Графиня Винтер.

Тўрт дўст ҳаммаси баравар бақриб юборишди, лекин Атоснинг наъраси қолганлариникини босиб кетди.

Бонасе хонимнинг юзи мурдасимон оқариб кетди, қаттиқ оғриқ уни ҳолдан тойдирди-ю, у ҳансираганича Портос билан Арамиснинг қўлига йиқилди.

Д'Артаньян таърифга сиғмайдиган бир хавотир билан Атоснинг қўлидан ушлаб олди.

– Наинки сен гумон қиласанки... – унинг овози йиғига айланди.

– Мен ҳамма нарсани гумон қиламан, – жавоб берди Атос ва беихтиёр хўрсинишини босишга уриниб лабларини қонағудай тишлаб олди.

– Д'Артаньян, д'Артаньян, – шивирлади Бонасе хоним, – қаердасан? Мени ташлаб кетма, кўриб турибсан – мен жон беряпман!

Безиллаб ҳамон Атоснинг қўлини ушлаб турган д'Артаньян уни қўйиб юборди-ю, Бонасе хонимга отди ўзини.

Унинг гўзал рухсори буришиб кетган, бақрайиб қолган кўзлари ҳар қандай маъносини йўқотган, ажал талвасаси аъзойи-баданини ларзага солар, пешанасидан тер қуйилмоқда эди.

– Худо ҳаққи югуринглар, бирортасини чақиринглар... Портос, Арамис, ёрдам сўранглар!

– Фойдаси йўқ, – деди Атос, – фойдаси йўқ, у қўшган заҳарга даво топиб бўлмайди.

– Ҳа, ҳа, ёрдам беринг! – шивирлади Бонасе хоним. – Ёрдам беринг!

Сўнгра қолган-қутган кучини тўплаб, у йигитнинг бошини иккала кўлига олди. Гўё шу нигоҳ билан бутун юрагини бўшатаётгандай унга жавдираб қараб қўйди-да, аламли бир фарёд билан лабларини унинг лабларига босди.

– Констанция! Констанция! – бақирди д'Артаньян.

Бонасе хонимнинг даханидан нафаси чиқиб, д'Артаньяннинг оғзига тегди – унинг соф ва севгувчи руҳи самога учиб кетган эди.

Д'Артаньян бағрига мурдани босмоқда эди.

Йигит қичқириб юборди ва худди маъшуқаси сингари ранги ўчган ва совуган ҳолда унинг ёнига йиқилди.

Портоснинг кўзидан ёш келди, Атос муштуми билан фалакка таҳдид солиб қўйди, Арамис эса чўкиниб олди.

Шу чоғ эшиқда қарийб шу хонадагиларнинг ҳаммаси сингари рангпар бир номаълум киши кўринди; ўз теварагига кўз ташлаб, у жонсиз Бонасе хонимни ва беҳуш д'Артаньянни кўрди.

У жуда катта фожиаларга эш бўлиб келгувчи ўша қарахтлик онида келиб қолди.

– Мен янглишмабман, – деди у, – мана жаноб д'Артаньян, сизлар бўлсангиз унинг дўстлари: Атос, Портос ва Арамас жанобларсиз.

Ҳар учаласи ўзларини номма-ном атаган номаълум кишига таажжуб билан қараб қолган эдилар: уларнинг ҳаммасига ҳам унинг истараси иссиқ кўринарди.

– Жаноблар, – гапида давом этди янги келган киши, – сизлар ҳам худди мен сингари бир аёлни ахтариб юрибсизлар, – хунук илжайиб қўйди у, – у шу ерда бўлганга ўхшайди, зеро мен мурдани кўриб турибман.

Уч дўст аввалгидек унсиз эдилар; бу одамнинг овози уларга таниш туюлар, лекин уни қай шароитда эшитганларини хотирлаёлмасдилар.

– Жаноблар, – яна тилга кирди номаълум киши, – сизлардан жони учун, балким, икки қарра қарздор

одамни таниб олишни истамаётганингиз важҳидан ўз номимни айтишимга тўғри келяпти. Мен – ўша аёлнинг қайнағаси лорд Винтерман.

Уч дўст оғзи очилиб қичқириб юборишди.

Атос ўрнидан тўрди-да, лорд Винтерга қўлини узатди.

– Қадамингизга ҳасанот, милорд, – деди у, – бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат қиламиз.

– Мен Портсмутдан ундан кейин беш соат ҳаяллаб жўнадим, – деб ҳикоя қила бошлади лорд Винтер, – ундан уч соат ҳаяллаб Буронга келдим. Сент-Омерада атиги йигирма дақиқа кечикиб айрилишиб кетдик ва ниҳоят, Лиледа унинг изини йўқотиб қўйдим. Мен таваккал қилиб ҳаммадан сўраб суриштириб кетаётган эдим, бирдан от солиб ёнимдан сизлар ўтиб кетдингиз. Мен жаноб д'Артаньянни таниб қолдим. Мен сизларни чақирдим, лекин сизлар жавоб бермадингиз; мен сизларнинг изингиздан тушмоқчи бўлгандим, лекин отимнинг силласи қуриб қолган эди, сизларники сингари чопиб бора олмасди. Бироқ қанча зўр берманг, сизлар барибир жуда кеч келибсиз, шекилли.

– Қўриб турибсиз, – лорд Винтерга жонсиз Бонасе хонимни ва Портос билан Арамис ўзига келтиришга уриниб овора бўлаётган д'Артаньянни кўрсатиб деди Атос.

– Уларнинг иккаласи ҳам ўлдими? – пинагини бузмай сўради лорд Винтер.

– Хайриятки, йўқ, – жавоб берди Атос. – Жаноб д'Артаньян беҳуш холос.

– Ҳа-а, яна яхши! – деди лорд Винтер.

Дарҳақиқат, шу нафас д'Артаньян кўзларини очди.

У Портос билан Арамиснинг қўлларидан юлқиниб чиқди-да, телба сингари ўзини маъшуқаси жасадига отди.

Атос ўрнидан туриб, ўз дўсти ёнига секин ва тантанавор юриб бориб, уни қучди ва д'Артаньян хўнграб йиғлаб юборганда унга ўзининг олижаноб таъсирли овози билан деди:

– Дўстим, эркак бўл: ўлганларга аёллар кўз ёши тўкишади, эркаклар улар учун қасос оладилар.

– Ҳа! – деди д'Артаньян. – Ҳа! Унинг учун қасос олгани мен ортингдан қаерга десанг боришга тайёрман!

Атос ўзининг бахтиқаро дўстига қасос илинжи индирган дармондан фойдаланди ва Портос билан Арамисга нозирани айтиб келишга ишора қилди.

Икковлон воқеаларнинг бунча тифизлигидан гангиб қолган, ҳаяжонга тушган ҳолда унга даҳлизда дуч келишди. Позира бир нечта роҳибаларни чақирди-да, улар барча монастир удумларига хилоф равишда беш эркак ҳозир жойга тушиб қолишди.

– Хоним, – д'Артаньянни қўлтиқлаб олган қўйи нозирага мурожаат қилди Атос, – бу шўрлик аёлнинг танини сизнинг тавфиқли эътиборларингизга ҳавола қиламиз. Фалақда фаришта бўлишдан илгари у ер юзида фаришта бўлиб ўтди. Уни монастирингиз роҳибаси сифатида дафн этинг, мавриди билан биз унинг қабрида дуо ўқигани келамиз.

Д'Артаньян бошини Атоснинг кўксига яшириб ҳўнграб юборди.

– Йиғлайвер, – деди Атос, – йиғлайвер, сенинг қалбинг муҳаббат ва ҳаёт ишқи, ёшлик билан лиммо-лим! Кошки эди мен ҳам сендек йиғлаёлсам!

У дўстини падар сингари паноҳига олиб, бир руҳоний сингари унга тасалли бериб ва ўзи кўп мусибат чеккан инсон улўғворлигини намоеън этиб олиб чиқиб кетди.

Бешовлон ҳам отларини тизгинидан етаклаб олган хизматкорлари ҳамроҳлигида олисда кўзга чалиниб турган Бетюн шаҳрига йўл олишди ва йўлда биринчи дуч келган меҳмонхонада тўхташди.

– Нима сабабдан биз бу аёлни қувмаяпмиз? – сўради д'Артаньян.

– Қувишни қўя турайлик, – жавоб берди Атос, – аввал баъзи бир чораларни кўриб қўймоқ даркор.

– У қўлимиздан чиқиб кетади! – ташвишга тушиб қолди йигит. – У қўлимиздан чиқиб кетади, Атос, ҳамда бунга сен сабабчи бўласан!

– Мен унинг учун жавобгарман, – жавоб берди Атос.

Д’Артаньяннинг дўстига бўлган ишончи шу даражада эдики, у бошини қўйи солди-да, ортиқ гап қайтармасдан меҳмонхонага кирди.

Портос билан Арамис Атоснинг бундай ишончининг боисини тушунмай кўз уриштириб олдилар.

Лорд Винтер Атос бу гапни дўстининг дардини енгиллаштириш учун айтаяпти деб ўйлади.

– Энди, жаноблар, ҳар биримиз ўз хонамизга борайлик, – меҳмонхонада бешта бўш хона борлигига қаноат ҳосил қилгач таклиф қилди Атос, – тўйиб-тўйиб йиғлаб, ухлаб қолиши учун д’Артаньяннинг танҳо қолмоғи зарур.

– Бироқ ҳаёлимда, – луқма ташлади лорд Винтер, – графиняга қарши бирор чора кўриш лозим бўлганда ҳам бу менинг ишим: графиня менинг келиним бўлади.

– Менинг ҳам, – деди Атос, – у менинг рафиқам бўлади.

Д’Артаньян жилмайиб қўйди: шундай сирни очгандан кейин ўз қасосидан унинг кўнгли тўқлигини тушунди у. Портос билан Арамис ранги ўчиб бир-бирига қараб қўйишди. Лорд Винтер Атосни ақлдан озган деб қарор қилди.

– Демак, ҳар қайсингиз ўз хонангизга боринг, – такрорлади Атос, – ҳамда ҳаракат қилишни менга қўйиб беринг. Ўзингиз кўриб турибсизки, бу менинг ишим, негаки, мен унинг эриман. Фақат агар йўқотиб қўймаган бўлсангиз, д’Артаньян, ҳалиги одамнинг шляпасидан тушиб қолган ва қишлоқнинг номи ёзилган қоғозни менга бериб қўйинг.

– Ҳа-а, тушуниб турибман! – хитоб қилди д’Артаньян. – Бу ном унинг қўли билан ёзилган.

– Ўзинг кўриб турибсан, – деди Атос, – осмону фалакда худо бор ҳали!

XXXIV

Қизил ридолик одам

Атоснинг алами унинг заковатининг ёрқин жиҳатларини янада кучайтириб юборгувчи пинҳона ғусса билан алмашинди.

Ўзи бериб қўйган ваъда ва ўз зиммасига олган масъулият хусусидаги хаёллар билан банд бўлиб, у ўз хонасига энг пировардида кетди, меҳмонхона соҳибидан бу вилоятнинг харитасини топиб беришни сўради, унга туширилган чизиқларни ўрганиб чиқди, унинг устида энгашди-да, Бетюндан Армантерга бошқа-бошқа тўрт йўл элтишини аниқлаб олди ва хизматкорларни ҳузурига чақиришни буюрди.

Планше, Гримо, Мушкетон ва Базенлар Атос ҳузурига келишди ва ундан равшан, аниқ, пухта фармоёнлар олишди.

Улар ҳар бири ўз йўлидан тонготарда Армантерга жўнамоғи зарур эди. Планше тўрталасининг ҳаммаси ичида энг уддабурони сифатида тўрт дўст ўқ узган ва китобхонларнинг хотираларида бўлса, Рошфорнинг хизматкори ҳамроҳ бўлган извош кетган йўлдан бориши зарур эди.

Атос хизматкорларни энг аввало шу важдан ишга солдики, ўзи ва ўз дўстлари қўлидаги хизмати асносида уларнинг ҳар бирида у хийла аҳамиятли фазилатларни пайқаган эди. Бундан кейин, ўтган-кетганларни сўроққа тутгувчи хизматкорлар ўз соҳибларидан камроқ шубҳа уйғотади ва ўзлари мурожаат қилган кишиларда кўпроқ хайрихоҳлик учратадилар. Ва ниҳоят, миледи соҳибларни биларди-ю, лекин хизматкорларини билмасди. Хизматкорлар эса аксинча, уни жуда яхши танирдилар.

Тўрт хизматкор келаси куннинг соат ўн бирида тайин жойда йиғилиши зарур эди. Агар миледи беркинган жойни фош этиш уларга насиб қилса, учтаси уни қўриқлаб қолади, тўртинчиси бўлса Атосга хабар

қилмоқ, тўрт ёру биродарга кузатувчи бўлиб хизмат қилмоқ учун Бетюнга қайтиб келади.

Бу фармойишларни қулоғига қуйиб олиб хизматкорлар йироқлашишди.

Атос стулдан туриб қиличини белига тақди, ридосига ўралиб олди-да, меҳмонхонадан чиқди. Кеч соат ўнлар эди. Маълумки, кеч соат ўнда вилоят шаҳарининг кўчалари камқатнов бўлади, бироқ Атос ўзи савол билан мурожаат этгудай бирор одамни очиқ-ойдин қидирмоқда эди. Ниҳоят, у бемаҳалда қолган бир йўловчига дуч келиб, унинг ёнига борди ва бир-икки оғиз гап қотди. У мурожаат қилган киши қути учиб орқага тисарилди, лекин ҳар қалай мушкетёрнинг сўзларига жавобан бир тарафга қўли билан ишора қилди. Атос у одамга ўзини кузатиб қўйиши эвазига ярим пистол таклиф қилди, лекин йўловчи бош тортди.

Атос йўловчи қўлини бигиз қилиб кўрсатган кўчадан ичкарироққа кириб борди, лекин чорраҳага етгач, афтидан, нари ёнига қай тарафга юришга қийналиб яна тўхтаб қолди. Лекин чорраҳада унинг битта-яримта одамни учратиб қолиши тайинроқ бўлгани сабабли у ўша ерда тураверди. Дарҳақиқат, кўп ўтмай тунги қоровул ўтиб қолди. Атос йўловчига бир қур берган ўша саволининг ўзи билан мурожаат қилди, қоровул ҳам худди у каби қўрқиб кетди, у ҳам Атосни кузатиб қўйишдан бош тортди ва қўли билан йўлни кўрсатиб қўйди.

Атос кўрсатилган тарафга кетди ва шаҳар теварагидаги шаҳарнинг ўзи билан ўртоқлари кириб келган тарафига қарама-қарши чеккасидаги жойга етиб олди. Бу ерда у, афтидан, яна мушкул аҳволга тушиб қолди ва учинчи дафъа тўхтаб қолди.

Хайриятки, бир гадой ўтиб кетаётган бўлиб, у эҳсон сўрагани Атоснинг ёнига келди. Атос ўзи йўл тутган жойга гадой кузатиб қўйиши учун бир экю таклиф қилди. Гадой аввал тараддуланиб турди, лекин қорон-

фида йилтираб турган кумуш тангани кўриб бир қарор-га келди-ю, Атоснинг олдига тушиб юриб кетди.

Бир кўчанинг муюлишигача етиб, у Атосга узоқдан алоҳида кўриниб турган кичикроқ холи ва ғариб иморатни кўрсатиб кўйди. Атос у томон йўл олди, ўз ҳақини олиб бўлган гадой эса оёғини қўлга олиб нари қочиб қолди.

Деворларнинг тўқ-қизил бўёғи манзарасида эшикни илғаб олгунча Атоснинг уйни бир айланиб чиқишига тўғри келди; дарчалар тирқишидан нурнинг бирор шуъласи ташқарига чиқмас, бу уйда тирик жон бор деб гумон қилишга имкон бергудай тиқ этган товуш эшитилмас эди: у қабр сингари қоронғи ва унсиз эди.

Атос уч сидра тақиллатди, лекин ҳеч ким унга жавоб қилмади. Бироқ учинчисидан кейин ичкаридан яқинлашиб келаётган қадамлар товуши эшитилди; ниҳоят эшик қия очилди-ю, рангпар юзли қора соч, қора соқол дароз одам кўринди.

Атос билан номаълум киши бир оғиз гаплашишди, шундан кейин дароз одам мушкетёрга кириш мумкин деган ишора қилди. Атос бу рухсатдан дарров фойдаланди-ю, унинг ортидан эшик ёпилди.

Атос қидира-қидира шу қадар хилватга келиб қолган ва шу қадар машаққат билан топган одами Атосни кабинетига бошлаб кирди, шундан илгари у бу ерда скелетнинг шалдираб ётган суякларини сим билан маҳкамлаётган эди. Бутун асоси йиғиб бўлинган, фақат бош суяги ҳали столда алоҳида ётарди.

Хонанинг қолган барча жиҳозлари унинг соҳиби тиббий илмлар билан машғуллигини кўрсатиб турарди: зотлари ёзилган патталари кўзга ташланиб турган банкаларда турли илонлар; катта-катта қора ёғоч рамаларга солинган қуритилган калтакесаклар зумрад мисол товланарди; хушбўй ва, афтидан, беҳабар одамларга номаълум хусусиятларга молик ёввойи ўт-ўланларнинг боғламлари шифтга илиб қўйилган ва хонанинг бурчак-бурчакларидан осилиб турарди.

Оила ва хизматкорларнинг йўқлиги кўзга ташланарди: дароз одам бу уйда сўққабаш истиқомат қиларди.

Атос биз тавсиф этган нарсаларнинг ҳаммасига совуққон ва лоқайд назар солиб чиқди ҳамда ўзи йўқлаб келган кишининг таклифига биноан унинг ёнидан жой олди.

Сўнгра у ўз ташрифининг сабабини ва ўзи сўраб мурожаат қилаётган хизматни унга уқтирди. Лекин Атос ўз илтимосини баён қилар-қилмас, номаълум киши даҳшат ичида тисланди-да, бош тортди. Шунда Атос икки энлик хат ёзилган, имзо ва муҳр билан тасдиқланган қоғозни чўнтагидан олиб, уни нафрат ҳазарини билдиришга ўта шошган кимсага кўрсатди. Дароз одам бу икки сатрни ўқиган, имзони кўрган ва муҳрни таниган замон ўзининг ортиқ эътирози йўқлиги ва итоат этишга тайёрлиги маъносида дарҳол таъзим қилди.

Атосга шу керак эди, холос. У ўрнидан туриб хўшлашди, ташқарига чиқиб ўзи келган йўлдан орқага қайтди, меҳмонхонага келиб, ўз хонасини қулфлаб олди.

Саҳарда унинг ҳузурига д'Артаньян кирди ва нима қилмоқ керак, деб сўради.

Бир-икки дақиқа ўтгач, монастир нозираси кўмиш маросими тушда бўлишини мушкетёрларга хабар қилди. Заҳарлаган аёлга келганда у борасида ҳеч қандай маълумот йўқ эди; фақат уни боғ орқали қочган деб тахмин қилардилар: у ерда қумда унинг изларини топишган ҳамда боғ дарчаси қулф бўлиб чиққан, калити эса ғойиб бўлган эди.

Тайин соатда лорд Винтер билан тўрт оғайни монастирга ташриф буюрдилар; у ерда барча қўнғироқлар жаранглаб, бутхонанинг эшиклари очиқ турар, лекин клирос панжараси ёпиқлигича қолганди. Клирос ўртасида ёвузлик қурбонининг роҳиби либосига чулганган жасади солинган тобут турарди. Клироснинг икки тарафида монастирдан тўппа-тўғри кирил-

гувчи панжара орқасида ҳаммаси жам бўлиб кармелиткалар турарди; улар ўша ерда туриб мотам куйини тинглашар ва фано одамларини кўрмаган ва ўзлари ҳам уларга кўриниш бермаган ҳолда ўз хонишларини руҳонийларнинг муножотларига жўр этардилар.

Бутхона эшиги ёнига бориб д'Артаньян матонати яна ўзини тарк этаётганини ҳис қилди; у кўзлари билан Атосни ахтарганича орқасига ўгирилди, лекин Атос ғойиб бўлган эди.

Ўз зиммасига олган қасос масаласига вафо қилиб, Атос ўзини боққа кузатиб қўйишни буюрди; у ерда қадами текканки жойда орқасидан қонли из солиб кетгувчи бу аёлнинг қум устидан чўзилиб кетган енгил оёқ изларидан бориб, у ўрмон чеккасига чиқади-ган дарчагача етди ва уни очишни буюриб ўрмонга кириб кетди.

Бу ерда унинг барча тахминлари тасдиқланди: извош бурилган йўл ўрмонни айланиб ўтар эди. Атос бирмунча вақт шу йўлдан кўзларини ерга қадаб борди; у ҳар замонда ё извошга ҳамроҳ отдаги одамга, ё отларнинг бирига етказилган жароҳатдан далолат бергувчи майдароқ қон доғларини илғаб қолар эди. Монастирдан тахминан чорак ле нарида, Фестюбердан эллик қадамча берида каттароқ доғ кўзга ташланар, унинг теварагидаги ерни ҳам отлар тепалаб ташлаган эди. Ўрмон билан шу фош этгувчи жой ўртасидаги туёқлар кавлаб ташлаган жойдан сал нарироқда худди боғдаги ўша майда одимлар изи чўзилиб кетган эди; афтидан, извош бу ерда тўхтаб турган.

Шу жойда миледи ўрмондан чиқиб извошга минган.

Ўзининг барча тахминларини тасдиқлагувчи бу кашфиётдан мамнун бўлиб, Атос меҳмонхонага қайтди ва у ерда бетоқат бўлиб ўзига кўз тутаётган Планшени топди.

Ҳаммаси худди Атос гумон қилгандек бўлиб чиқди.

Йўлдан юриб бориб Планше худди Атос сингари қонли доғларни кўриб қолган ва отлар тўхтаган жой-

ни топган; лекин ўша ердан Атос орқага бурилган, Планше эса ичкари кетган ва Фестюбер қишлоғидаги харобатда қўниб ва шароб ичиб ўтириб, у ҳатто ҳеч кимдан суриштирмасдан ҳам кеча кеч соат саккиз яримларда почта извошида саёҳат қилиб юрган хонимга ҳамроҳ бир ярадор киши тўхташга мажбур бўлгани, негаки, ортиқ юролмаганини билиб олган. Йўловчилар бу жароҳатни гўё ўрмонда извошни тўхтатган қароқчиларнинг ҳужуми билан изоҳлаганлар. Ярадор қишлоқда қолган, аёл эса отларни алмаштириб олиб йўлида давом этган.

Планше шу извошнинг почтасини ахтаришга киришди ва уни топди. Почтачи хонимни Фромелгача элтиб қўйган, Фромелдан эса у Армантерга кетган эди. Планше қишлоқ йўлидан тиккасига кесиб борди ва саҳар соат еттида Армантерга етиб олди.

У ерда почта бекати қошида биттагина меҳмонхона бор экан. Планше у ерга жойсиз қолиб хизмат қидириб юрган хизматкор бўлиб кириб борди. У меҳмонхона хизматчиси билан ўн дақиқа ҳам гаплашмасдан аллақандай аёл ҳеч ким томонидан қузатилмай кеча кеч соат ўн бирда келганини, бир хонани банд қилиб, меҳмонхона назоратчисини ҳузурига чақиртиргани ва унга бирор муддат Армантер атрофида яшаш истаги борлигини айтганларини билиб олди.

Планше ўзига зарур ҳамма нарсани билиб олди. У мулоқот учун тайинланган жойга югуриб кетди, у ерда шартлашилгандек қолган уч хизматкор билан учрашди ва меҳмонхонанинг барча чиқиш эшикларини пойлаб туришни уларга топшириб, Атос ҳузурига ошиқди.

Атоснинг дўстлари кўмиш маросимидан қайтиб, унинг хонасига кириб борганларида Планше ҳали ўзи тўплаган маълумотларни унга ахборот бериб турган эди.

Ҳамманинг юзи, ҳатто ювош Арамиснинг ҳам юзи тўниқ ва хомуш эди.

– Нима қилмоқ керак? – сўради д'Артаньян.

– Кутиш, – жавоб берди Атос.

Кеч соат саккизда Атос отларни эгарлашни ҳамда лорд Винтер билан ўз дўстларига йўл тараддудини кўришларини айтиб қўйишни буюрди. Ҳаш-паш дегунча бешовлон ҳам тахт бўлди. Уларнинг ҳар бири ўз қуролини кўздан кечириб, эпақага келтириб олди. Атос пастга энг сўнггида тушди. Д'Артаньян аллақачон отида ўтирар ва жўнаб кетишга кўзи тўрт эди.

– Бир оз сабр қилинг, – деди Атос, – ичимизда бир одам кам.

Тўрт бирдай суворий таажжуб ичида атрофга аланглаб қараб қўйдилар; уларнинг ҳар бири ўз хаёлида ким-кимлигини топиб олишга беҳуда уринарди.

Бу ўртада Планше Атоснинг отини етаклаб келди; мушкетёр енгил сакраб отга минди.

– Мени кутиб турунглар, мен тезда келаман, – деди у ва отини чоптириб кетди.

Чорак соатдан кейин у чинданам узун қизил ридога бурканган, юзига ниқоб тутган одамни эргаштириб қайтиб келди.

Лорд Винтер билан уч мушкетёр бир-бирига савол назарини ташлашди. Уларнинг бирортаси ҳам бошқасига маълумот бера олмасди: бу одамнинг кимлиги ҳеч кимга маълум эмас эди. Лекин хаёлан улар бу Атосдан чиққан экан, шундай бўлиши керакдир, деган фикрга келиб қўйишди.

Соат тўққизда Планше раҳбарлигидаги кичик тўда худди извош ўтган йўлнинг ўзидан равона бўлди.

Ўз хаёлларига ғарқ бўлиб – дард-алам каби ғамгин, қасос каби ваҳимали бўлиб индамай кетаётган бу олти киши қайғули манзара касб этган эди.

XXXV

Суд

Тун қоронғи ва суронли эди, оғир-оғир булутлар юлдузларни тўсиб осмон бўйлаб изғиб юрарди; ой фақат ярим кечада чиқиши керак эди.

Гоҳида осмоннинг бир чеккасида чақнаётган чақмоқ ёғдусида олис-олисларга қараб кетган хилват йўл оқариб кўриниб қоларди-ю, сўнгра эса борлиқ яна зулматга чўмар эди.

Атос ҳадеб кичик отряддан ўзиб кетиб қолаётган д'Артаньянни ҳар дақиқа чақариб олар, лекин зум ўтгач, д'Артаньян ғизиллаб яна олдинга ўтиб кетар эди; унинг фикри-ёдида бир нарса бор эди, холос: олға учиш – у учиб бормоқда эди.

Суворийлар сукут ичида ярадор хизматкор қолган Фестюбер қишлоғидан ўтиб кетишди, кейин Ришбург ўрмонини четлаб ўтдилар. Эрлийега етганда тўрда аввалгидек йўл кўрсатиб бораётган Планше чапга бурилди.

Бир-икки марта дам лорд Винтер, дам Портос, дам Арамис қизил ридолик киши билан гап очишга уриниб кўрдилар, лекин у берилаётган саволларга унсиз таъзим билан жавоб қиларди. Сайёҳлар номаълум кишининг сукути бесабаб эмаслигини фаҳмладилар-да, уни гапга аралаштирмай қўйдилар.

Бу ўртада ҳаво айнаиб борар, чақмоқ чақинлари бири-бирини қувиб келар, момақалди роқ гумбурлар ва бўрон даракчиси бўлмиш шамол суворийларнинг сочларини-ю, шляпалари патларини тўзғитарди.

Тўда отларини йўрттириб кетди.

Улар Фромелдан ўтиб олганларидан кейин кўп ўтмай ҳаво айнаиди. Суворийлар ридоларига бурканиб олишди; уларнинг уч лелик йўли қолган бўлиб, уни шаррос ёмғир остида босиб ўтишди.

Д'Артаньян шляпасини ечиб, плашчинини очиб юборди: у лов-лов ёнаётган пешанасини, безгаксимон тит-

роқдан ларзага келаётган гавдасини ҳузур қилиб жалага тутарди.

Тўда Госкални ортида қолдириб, почта бекатига яқинлашиб қолганда дарахт тагида ёмғирдан пана бўлиб турган бир одам қоронғида ўзи бирлашиб кўри-наётган танадан ажралиб йўлнинг ўртасига чиқди ва бармоғини лабларига босди.

Атос Гримони таниди.

– Нима бўлди? – сўради д'Артаньян. – Наинки у Армантердан кетиб қолган бўлса?

Гримо тасдиқлаб бошини ирғаб қўйди. Д'Артаньян тишларини ғижирлатиб қўйди.

– Жим бўл, д'Артаньян! – буюрди Атос. – Ҳаммасини мен гарданнимга олганман, Гримони сўроқ қилишни менга қўйиб бер.

– У қаерда? – сўради Атос.

Гримо қўлини Лис дарёси тарафга узатди.

– Бу ердан олисми? – сўради Атос.

Гримо ўз соҳибига букилган кўрсаткич бармоғини кўрсатди.

– Ёлғизми? – сўради Атос.

Гримо тасдиқловчи ишора қилди.

– Жаноблар, – деди Атос, – шу ердан ярим ле нарида дарё тарафда, у ёлғиз.

– Яхши, – садо берди д'Артаньян, – бизни бошла Гримо.

Гримо даладан юриб кетди, тўда унга эргашди.

Эллик қадамлардан кейин суворийлар ариққа дуч келдилар ва уни саёз еридан кечиб ўтдилар. Чақмоқ яллиғида улар бир зум ёришган Ангемгем қишлоғини кўриб қолишди.

– Ўша ердами, Гримо? – сўради Атос.

Гримо бошини ирғаб қўйди.

– Секинроқ, жаноблар! – деди Атос.

Отряд йўлида давом этарди.

Яна чақмоқ чақди; Гримо қўлини узатди ва илангбилан илон изи чизиқнинг кўкиш нурида суворийлар

паромдан юз қадам нарида дарё бўйида танҳо турган кулбани илғадилар.

Бир деразаси ёруғ эди.

– Биз муддао олдидамиз, – деди Атос.

Шу нафас зовурда ётган аллақандай одам сапчиб оёққа турди. Бу Мушкетон эди. У бармоғи билан ўқталиб, ёруғ деразани ишора қилди-да, деди:

– У ўша ерда.

– Базен-чи? – сўради Атос.

– Мен деразани пойлаб ётибман, у бўлса эшикни қўриқлаб турибди.

– Яхши, – мақтаб қўйди Атос, – сизлар ҳаммангиз садоқатли хизматкорларсиз.

Атос сакраб отдан тушди, тизгинни Гримога берди ва қолган ҳаммага уйни айланиб ўтиб, эшик тагига келишни ишора қилиб, ўзи дераза сари йўналди.

Уй бир-икки фут баландликдаги яшил иҳота билан қуршалган эди. Атос ундан ҳатлаб ўтди-да, дераза ёнига борди: у дарчасиз, лекин ярмигача етиб турган дарпардалари зич суриб қўйилган эди.

Атос тош дўнгликка чиқди ва дарпардалар оша хо-нага мўралади.

Чироқ нурида у қорамтир мантиляга ўралиб олган аёлни кўрди; у сўниб бораётган ўчоқ олдида курсида ўтирар ва тирсакларини пачоқ столга тираб оппоқ, гўё фил суягидан йўнилгандай қўллари билан бошини чангаллаб олганди.

Унинг рухсорини тузукроқ кўриб бўлмасди: лекин Атоснинг лабларида қаҳрли табассум пайдо бўлди: у янглишмаган, ҳа, бу ўша, ахтариб юрган аёлнинг ўзгинаси эди.

Ногаҳон от кишнади. Миледи бошини кўтарди, Атоснинг ойнага ёпишган рангпар юзини кўрди-ю, додлаб юборди.

Атос унинг ўзини таниганини тушунди ва деразани қўли-ю, тиззаси билан итарди; дераза сурилди, ойналари чил-чил бўлиб сочилиб кетди.

Атос ирғиб хонага кирди ва қасос шарпасидай миледи қаршисида ҳозир бўлди.

Миледи эшик томон отилиб, уни очиб юборди – бўсағада Атосдан ҳам бадтар ранги учган ва ҳайбатли д'Артаньян турарди.

Миледи дод солиб, ўзини орқага ташлади. Д'Артаньян унинг ҳали қочиб кетиш имкони бор деб ўйлаб ва яна уларнинг қўлидан чиқиб кетишидан қўрқиб, ёнидан пистолетини чиқарди, лекин Атос қўлини кўтарди.

– Қуролни жойига қўйинг, д'Артаньян, – деди у, – бу аёлни ўлдириш эмас, суд қилмоқ керак. Бир оз мушоҳада қилинг, д'Артаньян, кўнглингиз жойига тушади.

Д'Артаньян итоат этди: Атоснинг овози тантанавор, имо-ишоралари парвардигорнинг ўзи юборган ҳакамники эди гўё. Д'Артаньян кетидан Портос, Арамис, лорд Винтер ва қизил ридолик киши кириб келишди.

Хизматкорлар эшик ва деразаларни қўриқлаб туришди.

Миледи стулга чўкди-да, бу мудҳиш манзарани афсун қилаётгандай қўлларини ёйди; қайнағасини кўриб, у даҳшатли фарёд кўтарди.

– Сизларга нима керак? – қичқирди миледи.

– Бизга, – жавоб берди Атос, – аввал графиня де Ле Фер, кейин эса леди Винтер, баронесса Шеффилд бўлган Шарлотта Баксон керак.

– Бу мен, бу мен! – даҳшатдан эсанкираб гўлдиради миледи. – Мендан нима истайсизлар?

– Биз сизни қилган жиноятларингиз учун суд қилмоқчимиз, – деди Атос, – ўзингизни ҳимоя қилсангиз ихтиёрингиз, кўлингиздан келса, ўзингизни оқланг. Жаноб д'Артаньян, биринчи сиз айблайсиз.

Д'Артаньян олдинга чиқди.

– Худо ва бандалар олдида, – сўз бошлади у, – бу аёлни мен кеча кечқурун қазо қилган Констанция Бонасени заҳарлашда айблайман.

У Портос билан Арамис томонга ўгирилди.

– Биз бунга гувоҳлик берамиз, – деб баравар гапирди иккала мушкетёр.

Д’Артаньян сўзида давом этди:

– Худо ва бандалар олдида мен бу аёлни шаробга заҳар солиб, менинг ўзимни заҳарлашга қасд қилишда айблайман, шаробни у менга Виллеруадан дўстлар туҳфаси деб ишонтириш истагида хат билан қўшиб юборган. Худо мени сақлаб қолди, лекин менинг ўрнимга Бризмон номли бошқа одам ўлиб кетди.

– Биз бунга гувоҳлик берамиз, – деди Портос билан Арамис.

– Худо ва бандалар олдида бу аёлни мени граф де Вардни ўлдиришга ундашда айблайман ва бу айбнинг чинлигига гувоҳлик бера олгувчи ҳеч ким йўқлиги сабабли мен ўзим бунга гувоҳлик бераман. Мен тугатдим.

Д’Артаньян Портос ва Арамис билан бирга хонанинг нариги чеккасига ўтиб турди.

– Сизнинг навбатингиз, милорд! – деди Атос.

Барон олдинга чиқди.

– Худо ва бандалар олдида, – гап бошлади у, – бу аёлни унинг гижгижлаши оқибатида герсог Бэкингем ўлдирилганлигида айблайман.

– Герсог Бэкингем ўлдирилганми? – бир овоздан хитоб қилди шу ердагиларнинг ҳаммаси.

– Ҳа, – деди барон, – ўлдирилди! Сизларнинг огоҳлантиргувчи мактубингизни олгач, мен бу аёлни ҳибсга олишни буюрдим ва уни қўриқлашни менга энг содиқ ва фидойи бир одамимга топширдим. Бу уни йўлдан урди, қўлига ханжар тутқазди. Герсогни ўлдиришга уни кўндирди ва айни шу тобда бу манжалақининг жинояти учун Фельтон боши билан товон тўлаган бўлса керак.

Ҳукм этувчилар бу ўзларига ҳали номаълум ёвузликлар фош этилганда беихтиёр ларзага келишди.

– Ҳали бу ҳаммаси эмас, – сўзида давом этди лорд Винтер, – сизни ўзининг меросхўри қилиб кетган акам

атиги уч соат касал бўлиб, одамнинг бутун баданига кўкимтир доғлар тошадиган ғалати дарддан вафот этди. Синглим, эрингиз нимадан қазо қилди?

– Қандай даҳшат! – қичқириб юборди Портос билан Арамис.

– Бэкингемнинг қотили, Фельтоннинг қотили, менинг акамнинг қотили, мен адолат талаб қиламан ва маълум қиламанки, унга етиша олмасам уни ўзим бажо келтираман.

Лорд Винтер четга чиқди-да, д’Артаньян билан ёнма-ён турди.

Миледи бошини қўлларига тираб азбаройи қўрққанидан чувалашиб кетган фикрларини йиғиб олишга уринарди.

– Энди навбат менга, – деди Атос ва илонни кўриб қолган арслон қалтираганидай титраб кетди, – навбат менга. Мен бу аёлга у ҳали жуда ёш қиз бўлган пайтлари бутун оиламнинг раъйига қарши уйланиб қўйган эдим. Мен унга давлат бердим, мен унга ўз номимни бердим ва бир кун бу аёлнинг тамғаланганлигини кўриб қолдим: унинг чап кифтига нилуфар шаклидаги тамға босилган.

– О, – хитоб қилди миледи ва ўрнидан туриб кетди, – кафилманки, менинг устимдан бу разил ҳукми чиқарган суд топилмас. Кафилманки, уни бажо қилган кимса топилмас.

– Унингизни ўчиринг! – деди аллакимнинг товуши. – Бунга мен жавоб бераман!

Қизил ридолик киши олдинга чиқди.

– Бу ким, бу ким? – қўрқувдан нафаси ичига тушиб бақириб юборди миледи; унинг сочлари ёйилиб, ўлимтик юзи устида бамисоли жони бордай тебрана бошлади.

Ҳамманинг кўзи шу кишига қадалди; Атосдан бўлак ҳеч ким уни танимасди. Атоснинг ўзи ҳам худди қолганлар сингари таажжуб билан қай йўсинда шу дамда хотимаси ясалмоқда бўлган бу мудҳиш драмага бу одам

алоқадор бўлиб чиқиб қолганидан ҳангу манг бўлиб унга қараб турарди.

Салмоқли тантанали қадам билан миледининг ёнига, фақат ўртада стол ажратиб турган масофага яқинлашиб, номаълум киши юзидан ниқобни олиб ташлади.

Миледи лоқайд совуқ хотиржамлигини сақлаб турган қора соч ва чакка соқол билан ўралган ранг-пар юзга тобора даҳшати ортиб бирмунча вақт тикилиб турди, кейин бирдан девор томонга сапчиб тушди.

– Йўқ, йўқ! – оғзидан чиқиб кетди унинг. – Йўқ! Бу дўзах шарпаси! Бу у эмас!.. Ёрдам беринг! Ёрдам беринг! – овози хириллаб фиғон қилди у ва қўллари билан суриб ташлаб, ичида бекинмоқчидай ўгирилди.

– Кимсиз ўзи? – хитоб қилишди бу кўринишининг барча шоҳидлари.

– Бу аёлдан сўраб кўринг, – деди қизил ридолик одам, – ўзингиз кўриб турибсиз, у мени таниди.

– Лиллик жаллоди, лиллик жаллод! – кўрқувдан эси оғиб ва йиқилиб кетмаслик учун қўллари билан деворга тирмашиб бақириб-чақирарди миледи.

Ҳамма чекинди ва қизил ридолик киши хонанинг ўртасида ёлғиз қолди.

– О, шафқат қилинг, шафқат қилинг, мени афу этинг! – тиз чўкиб ёлворарди касофат хотин.

Номаълум киши сукунат чўккунича кутиб турди.

– Мен сизга айтдим-ку, у мени таниди деб! – деди у.
– Ҳа, мен Лилл шахрининг жаллодиман ва мана менинг тарихим.

Ҳамма бесаранжом сабрсизлик билан унинг оғзини пойлаб, бу одамга кўз узмасдан қараб турарди.

– Бу ёш жувон бир маҳаллар худди шундай гўзал ёш қиз бўлган эди. У бенедиктинкалар тамплемар монастирининг роҳибаси эди. Соддадил ва жуда диндор ёш руҳоний шу монастир ибодатхонасида хизмат ўтарди. Бу уни йўлдан оздиришни дилига тугди, буни

уддасидан чиқди ҳам: бу авлиёни йўлдан уриши мумкин эди.

У қабул қилган роҳиблик қасамлари муқаддас ва бузилмас эди. Уларнинг алоқалари узоқ чўзилиши мумкин эмас эди, эртами-кечми уларнинг бошини ейиши керак эди. Ёш роҳиба ўз хушторини авраб, ўша ўлкаларни тарк этишга кўндирди, лекин у ердан кетмоқ учун, икки кишилашиб беркинмоқ учун улар тинч тирикчилик қилгудай жойга Франциянинг уларни ҳеч бир жон танимайдиган бошқа чеккасига кўчиб ўтиш учун пул зарур эди, лекин на унисиди, на бунисиди у йўқ эди. Руҳоний табаррук идишларни ўғирлаб сотган, лекин ошиқ-маъшуқлар бирга жўнаб кетишга чоғланиб турган дақиқада уларни тутиб олганлар.

Бу ҳафта ўтгач, у қамоқ назоратчисининг ўғлини йўлдан уриб, қочиб кетган. Руҳоний кишан билан ўн йил қамоқ ва тамға жазосига ҳукм қилинган. Мен бу аёл таъкидлаётганидай Лилл шаҳри жаллоди эдим. Айбдорни тамғалаш менинг мажбуриятим эди, айбдор эса менинг укам эди, жаноблар!

Шунда мен уни жувонмарг қилган, унга шерикдан ортиқ бўлган, зеро, уни жиноятга шу ундаган эди, бу аёл ҳеч бўлмаганда унинг жазосини баҳам кўради, деб қасам ичиб қўйдим. Мен унинг қаерда яшириниб юрганини фаҳмлаб турар эдим, уни излаб топдим, ушлаб олдим ва боғлаб чирмадим, худди ўзимнинг укамга босгандай тамғани босдим.

Мен Лиллга қайтиб келганимдан кейин эртасига укамга қамоқдан қочиб кетиш насиб қилган. Мени кўмак беришда айблаб то қочоқ ўзини ҳукумат кўлига топширмагунча қамоқ жазосига ҳукм қилдилар: укам бу ҳукмдан беҳабар эди. У яна бу аёл билан топишиб кетган, улар бирга Беррига қочишган ва укам бир амаллаб у ердан кичикроқ қавм олган. Бу аёл ўзини унинг синглиси деб танитган.

Қавм ибодатхонаси бир мансабдор тасарруфида жойлашган бўлиб, у бу сохта сингилни кўриб, уни се-

виб қолган, шу даражада севиб қолганки, унга ўз рафиқаси бўлишни таклиф этган. Шунда жувонмарг қилиши зарур кишини деб у ўзи жувонмарг қилиб бўлган кишини тарк этган-да, графиня де Ла Фер бўлиб олган...

Ҳамма нигоҳини ҳақиқий исми граф де Ла Фер бўлмиш Атосга кўчирди, Атос ҳам бош ирғаб жаллоднинг ҳамма гаплари тўғрилигини тасдиқлади.

– Шунда, – давом этарди жаллод, – менинг бечора укам фиғони фалакка чиқиб, бу аёл номусидан ҳам, бахтидан ҳам маҳрум қилган ҳаётдан кечиб қўя қолишга қасд қилиб Лиллга қайтиб келган. Мени унинг ўрнига қамоқда ётганимдан хабар топиб, у ўз ихтиёри билан келиб ўша оқшомдаёқ зиндон мўриси табақасига ўзини-ўзи осган.

Дарвоқе, тан бермоқ керак, мени ҳукм қилган ҳокимлар сўзининг устидан чиқишди. Ўз-ўзини ўлдирган кишининг шахси аниқланган замон менга озодликни қайтариб беришди.

Мана, мен уни айблайдиган жинойт, мана нима учун у тамғаланган!

– Жаноб д’Артаньян, – сўз бошлади Атос, – сиз бу аёл учун қандай жазо талаб қиласиз?

– Ўлим жазосини, – жавоб берди д’Артаньян.

– Милорд Винтер, сиз бу аёл учун қандай жазони талаб қиласиз?

– Ўлим жазосини, – жавоб берди лорд Винтер.

– Жаноб Портос ва жаноб Арамис, сизлар, бу аёлнинг ҳукм этувчилари, сизлар уни қандай жазога ҳукм қиласизлар?

– Ўлим жазосига, – бўғиқ овоз билан жавоб берди иккала мушкетёр.

Миледи жон ҳолатда фарёд кўтарди, ўз ҳакамлари сари бир-икки қадам судралиб борди.

Атос қўлини кўтарди.

– Шарлотта Баксон, графиня де Ла Фер, леди Винтер, – гапирди у, – сизнинг ёвуз қилмишларингиз ер

юзидаги бандаларни ва фалакдаги худонинг сабр ко-
сасини тўлдириб юборди. Бирор дуони билсангиз ўқиб
олинг, зеро, сиз ҳукм этилгансиз ва ўласиз.

Ўзида заррача умид қолдирмайдиган бу сўзларни
эшитиб миледи ўрнидан турди-да, қаддини ростлади ва
бир нима демоқчи бўлди-ю, унинг дармони етмади; у
пайқадик, шум қисмат одамни домига тортгани каби
иқтидорли ва қатъий қўл унинг сочларидан чангаллаб
узил-кесил судраб кетмоқда. У қаршилиқ қилишга ҳатто
уришиб ҳам қўймади ва кулбадан чиқди.

Лорд Винтер, д'Артаньян, Атос, Портос ва Арамис
унинг ортидан чиқишди. Хизматкорлар ўз соҳиблари-
га эргашдилар. Ҳувиллаб қолган, деразалари синиб
кетган, эшиклари ланг очик, хонадаги столда тутаб
ётган чироқ ҳазин ёнишини тугатмоқда эди.

XXXVI

Қатл

Ярим кеча эди, момақалдиуроқнинг сўнги яллиғла-
ридан қизил тортган кемтик ой Армантер шаҳри ор-
қасидан чиқмоқда эди ва унинг хира нурида уйларнинг
қора чизиқлари, жимжимадор қўнғироқхонанинг пой-
девори яққол кўришиб турарди. Олдинда Лис ўзининг
эритилган чўян оқими мисол сувларини оқизиб борар,
дарёнинг нариги томонида эса дарахтларнинг қора
шоҳ-шаббалари кўзга ташланар, улар мудҳиш тунга
ғира-шира тусини бериб турган катта-катта жигарранг
булутлар билан тўсиқ бесаранжом осмондан ажралиб
турарди. Чапда қанотлари ҳаракатсиз ташландиқ те-
гирмон қаққайиб турар, унинг харобаларидан дам-
бадам бойқушнинг бир маромдаги чинқироқ овози
эшитиларди. Йўлнинг ўнгу сўлида қайғули намойиш
кетаётган текисликда бу шум соатда чўккалаб ўтириб
олиб одамларнинг йўлини пойлаётган бадбуруш мит-
ти одамлар бўлиб туюлаётган пастак бақувват дарахт-
лар онда-сонда қоронғилиқдан сурилиб чиқарди.

Ахён-ахёнда энли чақмоқ осмоннинг бир чеккаси-ни нурафшон қилиб юборар, дарахтларнинг қора шарпалари устидан илон изи солар ва баҳайбат эгри қилич сингари осмон билан сувни иккига бўлиб ташларди. Дим ҳавода қилт этган шамол сезилмас эди. Сўлғин сукунат табиат устида ҳукмрон, ер яқинда ўтган ёмғирдан нам ва сирпанчиқ, тароват олган ўт-ўланларнинг хушбўй иси янада кучли тараларди.

Гримо билан Мушкетон миледининг қўлларидан тутиб олға судраб боришарди; жаллод уларнинг орқасидан: лорд Винтер, д'Артаньян, Атос, Портос ва Арамис эса жаллоднинг кетидан борардилар. Планше ва Базен намойишнинг охирида эдилар.

Хизматкорлар миледини дарё лабига етаклардилар. Унинг оғзидан садо чиқмас, лекин у нигоҳини кимга қадаса, кўзлари ҳар бирига галма-гал тавалло қилиб тагига етиб бўлмайдиган ўзига хос бир фасоҳат билан сўзларди.

Ўзи бошқалардан бир-икки одим илгари чиқиб қолганидан фойдаланиб, у хизматкорларга деди:

– Агар қочишимга ёрдам қилсангиз ҳар бирингизга минг пистолдан ваъда қиламан. Лекин борди-ю, мени соҳибларингиз қўлларига топшириб юборсангиз библиб қўйинг: шу яқин орада менинг қасоскорларим бор, улар менинг ҳаётим учун жуда қиммат товон тўлашга сизларни мажбур қиладилар.

Гримо иккиланарди. Мушкетон бутун вужуди билан қалт-қалт титрарди.

Миледининг овозини эшитиб қолган Атос дарров яқин борди; лорд Винтер ундан намуна олди.

– Бу хизматкорларни йўқотинг, – таклиф этди у, – уларга у алланима деган, уларга энди ишониб бўлмайди.

Атос Планше билан Базенни чақириб олди ва улар Гримо билан Мушкетоннинг ўрнини олишди.

Ҳамма дарё бўйига келганда жаллод миледининг олдига борди-да, унинг қўл-оёғини боғлади. Шунда у сукутни бузди-да, нидо қилди:

– Сизлар олчоқларсиз, сизлар аянч қотилларисиз! Бир аёлни ўлдирмоқ учун ўн киши бўлиб йиғилиб олиб-сиз. Қараб турунглар! Агар менга мададга келмасалар ҳам мен учун қасос оладилар!

– Сиз аёл эмас, – совуқ гапирди Атос, – сиз одам эмас – сиз дўзахдан қутулиб чиққан азроилсиз ва биз сизни у ерга қайтишга мажбур қиламиз!

– О, саховатли жаноблар, – деди миледи, – шуни назарда тутингларки, кимки менинг бошимдаги бир тола сочимга қўл теккизса, у ўз навбатида қотил бўлади!

– Жаллод ўлдириши ва бу билан қотил бўлмай қолиши мумкин, хоним, – энли шамширига уриб-уриб эътироз билдирди қизил ридолик киши, – у охириги ҳакамдир, вассалом. Қўшнимиз немислар айтганидек – nachrechter.

Шу сўзларни айта туриб у миледини боғлаётгани сабабли миледи ёввойиларча бўкириб юборди, тун суқунатида бу бежо ва совуқ янграб ўрмон ичкарасида тинди.

– Лекин агар мен айбдор бўлсам, агар менга сиз тўнкаётган жиноятларни қилган бўлсам, – ирилларди миледи, – мени судга олиб боринг. Ахир сизлар ҳакам эмассизки, мени суд қилсанглар, менга ҳукм чиқарсанглар!

– Мен сизга Тайберни таклиф этгандим, – деди лорд Винтер, – нега бўлмаса рад қилдингиз?

– Чунки менинг ўлгим келмайди! – хитоб қилди миледи, жаллод қўлидан чиқиб кетишга уриниб. – Чунки мен ўлиб кетмоқ учун ҳаддан ташқари ёшман.

– Сиз Бетюнда заҳарлаган аёл сиздан ҳам ёш эди, хоним, бироқ у ўлиб кетди, – деди д'Артаньян.

– Мен монастирда кираман, мен роҳиба бўлиб оламан... – давом этарди миледи.

– Сиз монастирда бўлгансиз, – эътироз билдирди жаллод, – ҳамда у ердан менинг укамнинг бошини егани кетдингиз.

Миледи даҳшат ичида қичқириб юборди-да, тиз чўкиб қолди.

Жаллод уни сал кўтарди-да, қайин ёнига олиб бормоқчи бўлди.

– О, ё раббий! – бақириб юборди у. – Ё раббий! Наники мен чўктириб юборсангиз?

Бу фиғонлар одамнинг юрак-бағрини шу даражада эзиб юборар эдики, шу тобгача миледининг энг ашаддий таъқибсичи бўлган д'Артаньян яқинроқ турган тўнкага чўқди, бошини эгди-да, қулоқларини кафтлари билан беркитиб олди; лекин бундан қатъи назар, у барибир миледининг нола-афғонларини ва пўписаларини эшитаверди.

Д'Артаньян ҳаммадан ёши эди ва у тоқат қилолмади:

– Мен бу мудҳиш манзарага қараб туropolмайман! Мен бу аёлнинг шу зайл ўлиб кетишига йўл қўя олмайман!

Миледи унинг сўзларини эшитиб қолди ва унда йилт этиб умид учқуни пайдо бўлди.

– Д'Артаньян! Д'Артаньян! – бақирди у. – Хотирга ол, мен сени севганман!

Йигит ўрнидан туриб, унга томон бир қадам босди. Лекин Атос унинг йўлини тўсди.

– Яна бир қадам боссангиз д'Артаньян, – деди у, – биз қиличларимизни чалиштирамиз.

Д'Артаньян мук тушди-ю, дуо ўқий бошлади.

– Қани, жаллод, ишингни қил, – деди Атос.

– Бажонидил, зоти олийлари, – деди жаллод, – зеро, мен мўмин католикман ва бу аёлга нисбатан ўз бурчимни бажаришим билан ҳақ иш қилаётганимга ишончим комил.

– Яхши.

Атос миледининг ёнига борди.

– Сизнинг, – деди у, – менга қилган барча ёмонлигингизни афу этдим. Мен сиз абгор қилган ҳаётимни афу этдим, ерга букилган номусимни, хўрланган муҳаббатимни ва сиз етказган ҳасрату надоматдан бир

умрга вайрон бўлган кўнглимни афу этдим. Рози бўлиб кетинг!

Лорд Винтер ҳам унинг ёнига борди.

– Мен сизга, – деди у, – акамнинг захарланганини ва герсог Бэкингем зоти олийларининг ўлимини афу этдим, бечора Фельтоннинг ўлимини афу этдим, менинг ҳаётимга қилган суиқасдларингизни афу этдим. Рози бўлиб кетинг!

– Мен бўлсам, – деди д'Артаньян, – дворянга номуносиб алдов билан қаҳрингизни келтирганим учун мени кечирингизни илтимос қиламан, хоним. Мен ўзим бахтиқаро маъшуқамнинг ўлимини ва сизнинг беомон қасосингизни афу этаман, мен сизни афу этаман-да, сизнинг қисматингизга йиғлайман. Рози бўлиб кетинг!

– I am loste⁶⁰ – инглизчалаб шивирлади миледи. – I must die!⁶¹

Ва ҳечкимнинг ёрдамисиз ўрнидан турди ҳамда ўз теварагидаги ҳамма нарсага ўша гўё аланга олгандай ёнгувчи ўткир назарини солиб кўрди.

У ҳеч нимани кўрмади.

У қулоқ солди, лекин ҳеч нимани илғамади.

Ёнида унинг душманларидан ўзга ҳеч ким йўқ эди.

– Мен қаерда ўламан? – сўради у.

– Нариги қирғоқда, – жавоб берди жаллод.

У миледини қайиққа солди ва ўзи ҳам ичига оёғини қўйганда, Атос унга бир халта олтин узатди.

– Олинг, – деди у, – мана сизга ҳукмнинг ижроси учун ҳақ. Бизнинг ҳакамлар сингари иш тутаётганимизни ҳамма кўриб қўйсин.

– Яхши, – жавоб берди жаллод, – энди бўлса бу аёл ҳам билиб қўйсинки, мен ҳунаримни эмас, бурчимни адо этяпман.

⁶⁰ Мен хароб бўлдим (инглизча).

⁶¹ Менинг ўлмоғим керак! (инглизча)

У олтинни дарёга улоқтириб ташлади.

Қайиқ қирғоқдан ажралиб, жинойтчи билан жаллодни олиб кетган кўйи Лиснинг чап қирғоғига сузиб кетди. Бошқа ҳамма ўнг қирғоқда қолиб тиз чўкди.

Қайиқ сув узра осилиб турган оқиш булутнинг нурида паром учун тортилган дор ёқалаб секин сирғалиб борарди. Унинг нариги қирғоққа бориб урилгани кўриниб турарди; жаллод билан миледининг қоралари жигарранг булутлар манзарасида яққол кўринарди.

Ўтиш пайти миледи оёқларини боғлаб турган чилвирни бўшатишни эплади, қайиқ қирғоққа етганда миледи энгил ҳаракат билан ерга сакради-да, қочиб қолди.

Лекин ер нам эди; қияликка чиққач, миледи сирпа-ниб кетди-да, чўккалаб йиқилди.

Хурофий бир фикр уни донг қотириб қўйди; у фалак ёрдамини дариф тутяпти деб қарор қилди-ю, қандай йиқилган бўлса, худди ўша ҳолда бошини хам қилиб ва қўлларини қовуштириб қотиб қолди.

Шунда нариги қирғоқда турганлар жаллоднинг иккала қўлини оҳиста кўтарганини кўрдилар; ой нурида унинг энли шамширининг тиғи ялтираб кетди-ю, қўллар пастга интилди: шамширнинг чийиллагани ва қурбоннинг ноласи эшитилди, сўнгра бошсиз қолган тана зарб зўридан қулаб тушди.

Жаллод ўзининг қизил ридосини ечиб, уни ерга ёзди ва унга танани қўйди, бошни ўша ернинг ўзида қолдириб, ридони учма-уч қилиб боғлаб елкасига ортмоқлади-да, яна қайиққа кирди.

Лиснинг ўртасига чиқиб олиб, у қайиқни тўхтатди ва ўз юкини дарё устида кўтариб туриб баланд овоз билан қичқирди:

– Илоё, худонинг айтгани бўлсин!

У жасадни дарров кўмиб кетган сувлар қарига туширди.

Уч кун ўтгач мушкетёрлар Парижга қайтиб келдилар; улар ўзларининг жавоб муддатини ўтказиб юбор-

мадилар ва ўша оқшомдаёқ, жаноб де Тревилни зиёрат қилдилар.

– Хўш, жаноблар, – улардан сўради мард капитан, – росаям яхши яйрадингизми?

– Ниҳоятда! ўзи ва дўстлари учун жавоб берди Атос.

ХОТИМА

Келаси ойнинг олтинчи куни қирол кардиналга бериб қўйган ваъдани бажо келтириб, Бэкингемнинг қазо қилгани ҳақидаги ҳамманинг қулоғига етган хабардан тамом эсанкираб пойтахтдан чиқди.

Гарчанд қиролича ўзи севган кишига хавф-хатар таҳдид солиб турганидан огоҳ этилган бўлса-да, шунга қарамасдан унинг ўлимини маълум қилганларида ишонишни истамай турди; у ҳатто эҳтиётсизлик қилиб хитоб қилди:

– Бу нотўғри! У яқиндагина менга мактуб юборган.

Лекин эртаси куни шум хабарга ҳар қалай ишонишига тўғри келди: ҳамма йўлга отланганлар каби қирол Калр I нинг фармонига мувофиқ Англияда тўхтатилган Ла Порт Бэкингем қироличага юборган сўнгги ажал олди туҳфани олиб келди.

Қиролнинг қувончи жуда зўр эди, буни яширишга у уринмасди ҳам ва ҳатто қиролича ҳузурда унга эрк берарди. Людовик XIII барча иродаси бўш одамлар сингари олий ҳиммати билан фарқ қилмас эди.

Лекин кўп ўтмай, қирол яна зерикадиган ва қовоғини соладиган бўлиб қолди: унинг манглайи узоқ муддатга ёришадиганлардан эмас эди; у қароргоҳга қайтиб боргач, яна аросатга тушиб қолажагини сезиб турарди. Лекин барибир у ўша ерга қайтиб кетмоқда эди.

Кардинал унинг учун сеҳрловчи илон-у, унинг ўзи шохдан шохга сакраб, лекин илондан қочиб қутулолмайдиган қушча эди.

Шу боисдан Ларошелга қайтиш ғамгин бўлди. Хусусан, бизнинг тўрт дўстимиз ўз ўртоқларини ҳайрон

қилардилар: улар ҳаммаси бошларини солинтириб хо-муш тикилганча ёнма-ён боришарди. Фақат Атос дам-бадам улуғсифат манглайини кўтариб қўяр, кўзлари-да ўт чақнаб кетар, лабларига дардли табассум қўнар, сўнгра эса ўз ўртоқларига ўхшаб ўй-хаёлларига ғарқ бўларди.

Бирор шаҳарга етиб боргач, қиролни тунаш учун унга ажратилган бинога кузатиб қўйиб, дарҳол ўз хоналарига йўналардилар ёки тупканинг тагидаги бир қовоқхонага кетиб қолардилар. У ерда бироқ улар соққа ўйнамасдилар, ичмасдилар, фақат битта-ярим-таси қулоқ солмаяптими деб аланглаб олиб, шивир-шивир гаплашардилар, холос.

Бир кун қирол ов қилиш истагида тўхтаб, тўрт оғай-ни бўлса ўз одатига кўра қатнов йўлдаги харобатга ра-вона бўлганларида Ларошелдан жони борича от қўйиб келаётган аллақандай одам бир стакан шароб ичмоқ-чи бўлиб, отини шу харобот эшиги тагида тўхтатди, стол ёнида тўрт мушкетёр ўтирган хонага бош суқиб қаради-да, бақирди:

– Ҳой, жаноб д'Артаньян! Шу ерда мен сизни кўряп-манми?

Д'Артаньян бошини кўтарди-ю, қувонч билан нидо қилди. Бу ўша у ўз арвоҳим деб юрган кишининг ўзги-наси эди, бу Менгдаги, Гўрковлар кўчасидаги ва Ар-расдаги номаълум киши эди.

Д'Артаньян қиличини юлқиб олди-да, эшик томон отилди.

Лекин бу дафъа номаълум киши жуфтакни ростлаб қолмади, балки отдан сақраб тушиб д'Артаньянга пеш-воз юрди.

– Ҳа-а, ахири сизни топиб олдим-а, муҳтарам афандим! – деди йигит. – Бу гал сиз мендан қутулиб бўпсиз!

– Менинг ниятим ҳаргиз бу эмас, бу гал мен ўзим сизни қидирган эдим. Қирол номи билан мен сизни ҳибсга оламан. Қиличингизни менга топширишингиз-ни талаб қиламан, муҳтарам афандим. Қаршилиқ

қилишни хаёлингизга келтирманг: сизни огоҳ этиб қўйй, гап сизнинг ҳаётингиз хусусида кетяпти.

– Сиз ўзи ким бўласиз? – қиличини тушириб, лекин ҳали уни топширмасдан сўради д'Артаньян.

– Мен – шевале де Рошформан! – жавоб берди номаълум киши. – Жаноб Кардинал де Ришельенинг отбоқари бўламан. Мен сизни падари бузруквор ҳузурига элтиб қўйиш хусусида фармойиш олдим.

– Биз падари бузруквор ҳузурига қайтиб кетяпмиз, жаноб шевале, – гапга аралашди Атос ва яқинроқ келди, – ва сиз жаноб д'Артаньяннинг тўппа-тўғри Парошелга йўл оламан деган сўзига ишонасиз, албатта.

– Мен уни соқчилар қўлига топширишим шарт, улар д'Артаньянни қароргоҳга олиб кетадилар.

– Биз унга соқчи бўлиб хизмат қиламиз, муҳтарам афандим, сизга дворянлик сўзимни бераман. Лекин сизга ўзимнинг сўзимни ҳам бераманки – қовоғини солиб қўшиб қўйди Атос, – жаноб д'Артаньян бизсиз кетмайди.

Шевале де Рошфор ўгирилиб қаради ва Портос ҳамда Арамиснинг ўзи билан эшик ўртасида туриб олганларини кўрди; у ўзининг так-таслим шу тўрт киши ихтиёридалигини фаҳмлади.

– Жаноблар, – юзланди уларга у, – агар жаноб д'Артаньян қиличини менга топширишга рози бўлса ва сизлар сингари сўз берса, мен сизларнинг жаноб д'Артаньянни кардинал боргоҳига элтиб қўямиз, деган ваъдангиз билан қаноатланаман.

– Сизга сўз бераман, муҳтарам афандим, – деди д'Артаньян, – мана қиличим ҳам сизга.

– Бу менга қайтага қўл келади, – илова қилди Рошфор, – мен йўлимда давом этишим лозим.

– Агар миледи билан учрашиш учун бўлса – совуқ луқма ташлади Атос, бунинг ҳожати йўқ; сиз уни энди кўрмайсиз.

– Унга нима бўлди? – дарров сўради Рошфор.

– Қароргоҳга қайтаверинг, ҳамма гапни ўша ерда биласиз.

Рошфор бир зум ўйланиб қолди, сўнгра эса кардинал қиролга муқобил келиши лозим Сюржердан ораси бир кунлик йўлда турганлари сабабли у Атоснинг маслаҳатига амал қилишга ва мушкетёрлар билан бирга қайтишга қарор қилди. Устига-устак Рошфорнинг қайтиши унга шу афзалликни берардики, маҳбусни унинг ўзи назорат қилиши мумкин бўларди.

Ҳамма яна йўлга равона бўлди.

Эртаси кун пешин соат учда улар Сюржерга етиб келдилар. Кардинал у ерда Людовик XIII га мунтазир эди. Министр билан қирол бир талай мулозаматли гапларни бир-бирига ҳадя этдилар ва Франциянинг унга қарши бутун Европани оёққа тургизувчи собит душманидан халос қилган бахтли тасодиф билан бир-бирини қутладилар. Шундан сўнг Рошфор томонидан д'Артаньяннинг ҳибсга олинганлиги хусусида огоҳ этилган ва уни тезроқ кўрмоқчи бўлган кардинал қирол билан хайр-маъзур қилди-да, уни келаси кун барпо этилган янги тўғонни кўздан кечиришга таклиф этди.

Кечқурун Тош кўприк олдидаги ўзининг даргоҳига қайтиб келгач, кардинал ўзи истиқомат қилгувчи уй эшиги тагида қуролланган мушкетёрларни кўрди.

Бу дафъа куч ўз томонида бўлгани сабабли у мушкетёрларга сиёсат билан қараб қўйди ва қўл ҳаракати билан ҳам, нигоҳи билан ҳам д'Артаньянга орқасидан юришни буюрди.

д'Артаньян итоат қилди.

– Биз сени кутиб турамиз, д'Артаньян, – кардинал эшитсин учун атай қаттиқ гапирди Атос.

Падари бузруквор қошларини чимириб тўхтаб қолди, лекин пом-мим демасдан уйга кириб кетди.

д'Артаньян кардинал кетидан изма-из кирди, эшик орқасида эса унинг дўстлари посбонликда қолишди.

Кардинал тўппа-тўғри ўзига кабинет бўлиб хизмат қилгувчи хонага йўл олди-да, Рошфорга ёш мушкетёрни олиб киришни имо қилди.

Рошфор унинг фармойишини бажо келтирди-ю, йироқлашди.

Д'Артаньян кардинал билан танҳо қолди; бу Ришелье билан иккинчи мулоқот бўлиб, д'Артаньян ўзи кейинчалик иқрор бўлганидек сўнги мулоқот деб қаттиқ ишонган эди.

Ришелье каминга суяниб тураверди; хонадаги стол уни д'Артаньяндан ажратиб турарди.

– Муҳтарам афандим, – гап бошлади кардинал, – сиз менинг фармойишимга биноан ҳибсга олингансиз.

– Менга буни айтишди, зоти олийлари.

– Нима учун, сиз биласизми?

– Йўқ, зоти олийлари. Ахир, мен ҳибсга олинашим мумкин бўлган бирдан-бир нарса сиз падари бузрукворга ҳали маълум эмас.

Ришелье йигитга тикилиб қараб қўйди:

– Шундай денг! Бунинг маъноси нима?

– Агар зоти олийлари, олдин қайси жинойтлар менинг бўйнимга қўйилаётганини айтишни мақбул кўрсалар, мен сўнгра ҳақиқатда қилган ишларимни сўзлаб бераман.

– Сизнинг бўйнингизга шундай жинойтлар қўйилляптики, булар учун сиздан киборроқ одамларнинг бошлари кетган, муҳтарам афандим! – жавоб берди Ришелье.

– Қандай жинойтлар экан, зоти олийлари? – кардинални пол қолдирган хотиржамлик билан сўради д'Артаньян.

– Сизни давлат душманлари билан муҳобара қилишда айбламоқдалар, сизни давлат сирларини ўғирлашда айбламоқдалар, сизни ўз лашкарбошингиз режарининг белига тепганингизда айбламоқдалар.

– Ҳўш, бу айбларни ким менинг бўйнимга қўяпти, зоти олийлари? – бу миледининг ишилигига фаҳми етиб

деди д'Артаньян. – Давлат адолати томонидан тамғаланган аёл, Францияда бир кишига ҳамда Англияда бошқасига эрга теккан аёл, ўзининг иккинчи эрини заҳарлаб ўлдирган, мени ҳам заҳарлашга қасд қилган аёл!

– Нималар деяпсиз, муҳтарам афандим! – таажжуб билан хитоб қилди кардинал. – Сиз қайси аёлни гапиряпсиз?

– Леди Винтерни, – жавоб берди д'Артаньян, – ҳа, леди Винтерни ўз ишончингизга ноил қилганингизда унинг жиноятларининг ҳаммаси сиз падари бузрукворга маълум бўлмаган чоғи.

– Агар леди Винтер сиз гапираётган жиноятларни қилган бўлса, муҳтарам афандим, у жазога тортилажак.

– У жазога тортилиб бўлди, зоти олийлари.

– Хўш, уни ким жазога тортди?

– Биз.

– У қамоқдами?

– У қазо қилди.

– Қазо қилди? – қулоқларига ишонмасдан такрорлади кардинал. – Қазо қилди? Шундай дедингизми?

– У мени ўлдиришга уч марта уриниб кўрди, буни мен кечирдим, лекин у мен севган аёлни заҳарлаб ўлдирди. Шунда дўстларим билан мен уни тутиб олдик, суд қилдик ва ўлимга ҳукм этдик.

Д'Артаньян Бетюн кармелиткалар монастирида Бонасе хонимнинг заҳарланиши, хилват кулбадаги суд, Лис бўйидаги қатлни сўзлаб берди.

Кардиналнинг аъзойи-баданидан титроқ югуриб ўтди, унинг ларзага келиши камдан-кам учрайдиган ҳол эди.

Лекин бирдан гўё қандайдир пинҳон фикр таъсирида кардиналнинг шу тобгача тўниқ чехраси аста-секин ёришди ва пировардида мутлақо осойишта ифодага кирди.

– Демак, – ўз сўзларининг заҳрига зид мулойим овоз билан гап бошлади у, – жазо беришга мутасадди

бўлмай, барибир жазо бераверадиган шахслар қотил бўлишини ўйлаб ўтирмасдан сизлар ҳакамларнинг ҳуқуқларини ўзлаштириб олгансиз.

– Зоти олийлари, Сизга онт ичиб айтаманки, кўнглимда ўзимни сизнинг олдингизда оқлаш нияти бир зум ҳам бўлмаган. Сиз падари бузрукворга мени қандай жазога тортиш мақбул бўлса, ўша жазони олишга тайёрман. Мен ҳаётни ҳаддан ташқари кам қадрлайман, наинки ўлимдан кўрқсам.

– Ҳа, биламан, сиз жасур одамсиз, – деди кардинал қарийб меҳрибон овоз билан. – Шу важдан сизга ҳалитдан айтиб қўйсам бўлаверади, сизни суд қиладилар ва ҳатто жазога ҳам ҳукм қиладилар.

– Бошқа одам бўлганда сиз падари бузрукворга авф этишингиз чўнтагимда турибди, деб жавоб бериши мумкин эди, мен бўлсам сизга фақат амр қилинг, зоти олийлари, мен ҳаммасига тайёрман деб айтаман.

– Сизнинг авфингиз? – ҳайрон бўлди Ришелье.

– Ҳа, зоти олийлари, – жавоб берди д'Артаньян.

– Ҳўш, унга ким имзо қўйган Қиролми?

Кардинал бу сўзларни алоҳида бир нафрат аралаш айтди.

– Йўқ, сиз падари бузруквор.

– Менми? Сиз, нима, ақлдан озганмисиз?

– Сиз, албатта, ўз қўлингизни танийсиз, зоти олийлари.

Д'Артаньян, Атос миледидан тортиб олиб ҳимоя варақаси бўлиб хизмат қилсин учун д'Артаньянга берган қимматбаҳо қоғозни падари бузрукворга узатди.

Кардинал қоғозни олди ва шошмасдан ҳар сўзига урғу бериб ўқиди:

«Ушбунни кўрсатувчи амалга оширган иш, менинг фармойишим ва давлат бахт-саодати йўлида қилинди.

5 август 1628 йил.

Ришелье».

Бу икки сатрни ўқиб бўлиб, кардинал чуқур ўйга толиб қолди-ю, лекин д'Артаньянга қоғозни қайтариб бермади.

«У мени қандай ўлим билан қатл қилишни мулоҳаза қилмоқда, – хаёлан қарор қилди д'Артаньян, – лекин онт ичаманки, дворяннинг қандай ўлишини кўриб кўяди!»

Ёш мушкетёр аъло кайфиятда бўлиб, ўзга дунёга қахрамонона ўтиб кетишга ҳозирлик кўрарди.

Ришелье ўйланиб қоғозни қўлида ўрар, яна очиб қарарди. Ниҳоят у ўзининг бургут нигоҳини д'Артаньяннинг доно, очиқ ва ўткам юзига тикиб, бошини кўтарди, кўз ёшлар асарини ҳали сақлаб турган бу чехрада д'Артаньяннинг сўнгги ой ичида тортган барча азоб-уқубатларини ўқиди ва бор-йўғи йигирма бир ёшга кирган бу йигитнинг истиқболи нақадар порлоқлиги ҳамда унинг ғайрати, ақлу фаросати ва шижоатидан донишманд ҳукмрон нақадар муваффақиятли истифода қилиши мумкинлигини, учинчи ёки тўртинчи марта хаёлига келтириб кўрди.

Бошқа томондан қараганда, миледининг жиноятлари, қудрати ва дўзахи даҳоси уни бир неча бор даҳшатга солган эди. У ўзининг хавфли шеригидан абадул-абад қутулиб олганини ўйлаганида, у аллақандай хуфия қувонч ҳис қиларди.

Кардинал д'Артаньян очиқкўнгиллик қилиб қайтариб берган қоғозни шошмасдан йиртиб ташлади.

«Мен ҳалок бўлдим!» – кўнглидан кечирди д'Артаньян.

У гўё:

«Парвардигор, илоё айтганинг бўлсин!» – деяётгандай кардинал қошида бошини эгди.

Кардинал стол ёнига борди ва ўтирган кўйи учдан икки қисми тўлғазиб қўйилган юпқа қоғозга бир-икки сатр ёзди; сўнгра ўз муҳрини босди.

«Бу менинг ҳукмим, – ўзича қарор қилиб қўйди д'Артаньян, – кардинал мени зерикарли Бастилия балосидан ва ҳакамларнинг текшир-текшир оворагарчилиқ-

ларидан қутқариб қоляпти. Бу ҳам бўлса унинг тантилиги».

– Олинг! – деди йигитга кардинал. – Мен сиздан битта очиқ қоғозни олдим, ўрнига бошқасини беряпман. Бу номада ном қўйилмаган, уни ўзингиз ёзиб қўйинг.

Д’Артаньян юраги бетламай қоғозни олди-да, унга кўз ташлади.

Бу уни мушкетёрлар лейтенанти лавозимига кўтариш хусусидаги фармон эди.

Д’Артаньян кардиналнинг пойига йиқилди.

– Зоти олийлари, – деди у, – менинг ҳаётим сизнинг қўлингизда, шу тобдан эътиборан уни истифода қилаверинг. Лекин менга кўрсатган марҳаматингизга пойиқ эмасман: кўрсатган хизматлари кўпроқ ва мендан кўра муносиброқ уч дўстим бор...

– Сиз ажойиб одамсиз, д’Артаньян, – унинг гапини бўлди кардинал ва бу саркаш тийнатни таслим қилишни уддалаганидан кўнгли тўлиб, унинг кифтига дўстона уриб-уриб қўйди. – Бу номани кўнглингизга келган тарзда истифода қилинг. Фақат ёдингизда бўлсин, гарчи унга ном ёзилмаган бўлса-да, мен уни сизга беряпман.

– Мен буни ҳеч қачон унутмайман, – жавоб берди д’Артаньян, – сиз, падари бузруквор, бунга амин бўлишингиз мумкин.

Кардинал ўгирилди-да, қаттиқ гапирди:

– Рошфор!

Чамаси эшик орқасида турган кавалер шу заҳоти кириб келди.

– Рошфор, – деди кардинал, – қаршингизда жаноб д’Артаньян, турибди. Мен уни ўз дўстларим сафига қабул қилдим, шу боисдан эса иккалангиз бир ўпишинглар-да, агар бошларингиздан умидингиз бўлса, бамаъни юринглар.

Рошфор билан д’Артаньян лабларини сал-пал тегизиб ўпишишди; кардинал шу ернинг ўзида турар ва хушёр бўлиб улардан кўзини узмасди.

Улар хонадан бирга чиқишди.

– Биз ҳали кўришамиз, шундай эмасми, мухтарам афандим?

– Сиз истаган маҳал, – тасдиқлади д’Артаньян.

– Тасодиф пайсалга солмай келиб қолади, – жавоб берди Рошфор.

– Нима гап? – эшикни очиб сўради Ришелье.

Йигитлар шу замон бир-бирига илжайиб, қўл қисишди ва падари бузрукворга таъзим бажо келтирдилар.

– Тоқатимиз тоқ бўла бошлаган эди, – деди Атос.

– Мана мен ҳам, дўстларим! – жавоб берди д’Артаньян. – Мен озод бўлиш тугул, марҳаматга ҳам чалиниб қолдим.

– Бизга сўзлаб берасизми?

– Шу бугуноқ кечкурун.

Дарҳақиқат, ўша оқшомдаёқ д’Артаньян Атос ҳузурига йўл олди ва уни Атос ҳар кеч канда қилмай берилиб кетгувчи машғулот – бир шиша испан шароби устида топди.

Д’Артаньян ўзи билан кардинал ўртасида ўтган ҳамма гапларни унга айтиб берди ва чўнтагидан номани олиб деди:

– Олинг, уни мухтарам Атос, у сизнинг ҳаққингиз.

Атос ўзининг меҳрибон ва жозибали табассуми билан жилмайиб қўйди.

– Дўстим, Атос учун бу – ҳаддан ташқари кўп, граф де Ла Фер учун эса ҳаддан ташқари оз, – жавоб берди у. – Бу номани ўзингизга қолдиринг, у сизники. Минг афсуски, у сизга жуда қимматга тушди.

Д’Артаньян Атоснинг ҳузуридан чиқиб, Портоснинг хонасига кирди.

У уни кўзгу олдида топди; шоҳона серҳашам камзулни елкасига ташлаб Портос ўзига ҳавас билан боқарди.

– Э-ҳа, бу сизмисиз, мухтарам дўстим! – қутлади у д’Артаньянни. – Назарингизда қалай, бу либос менга ярашиптими?

– Бундан зиёда бўлмайди, – жавоб берди д’Артаньян, – лекин мен сизга яна ҳам ярашадиган бошқа либосни таклиф қилиб келдим.

– Хўш, қандайини?

– Мушкетёрлар лейтенанти сарпосини.

Д’Артаньян Портосга ўзининг кардинал билан мулоқоти тўғрисида сўзлаб берди ва чўнтагидан номани чиқариб деди:

– Олинг, муҳтарам дўстим, унга номингизни қўйингда, менга яхши сардор бўлинг.

Портос номага кўз ташлади-ю, д’Артаньянни тааж-жубга солиб, уни қайтариб берди.

– Ҳа, бу менга жуда манзур бўларди, – деди у, – лекин бу марҳаматдан узоқ фойдаланиш менга насиб қилмаган бўларди. Бизнинг Бетюн сафаримиз пайтида герсогинямнинг эри қазо қилган, шу боисдан эса марҳумнинг сандиғи қўлимга кираман деб турипти, мен ҳам, муҳтарам дўстим, бевага уйланиб оламан. Кўряпсизми, мен тўй либосимни ўлчаб турган эдим. Лейтенантлик унвонини ўзингизга қолдиринг, дўстим, қолдиринг.

У номани д’Артаньянга қайтариб берди.

Йигит Арамис ҳузурига кетди.

У уни аналой олдида топди; Арамис очиқ дуолар китоби устида бошини қуйи солиб, тиз чўкиб турарди.

Д’Артаньян унга ўзининг кардинал билан бўлган мулоқотини сўзлаб берди ва учинчи марта чўнтагидан номани чиқариб деди:

– Сиз – бизнинг дўстимиз, бизнинг чароғбонимиз, бизнинг кўринмас ҳомийимиз, шу номани қабул этинг. Сизнинг донишмандлигингиз бизни муттасил омадга етаклаган, маслаҳатларингиз билан унга ҳар кимдан кўпроқ сазовор бўлдингиз.

– Ҳайҳот, муҳтарам дўстим! – хўрсиниб қўйди Арамис. – Бизнинг сўнги саргузаштларимиз фоний ҳаётдан ва ҳарбий унвондан менинг тамоман кўнглимни қолдирди. Бу гал мен узил-кесил қарорга келдим:

қамал тугагач, мен лазаристлар қардошлигига кираман. Бу номани ўзингизга қолдиринг, д'Артаньян: ҳарбий хизмат сизга жуда ҳам мос келади, сиз жасур ва тадбирли сардор бўласиз.

Д'Артаньян кўзларида миннатдорлик ёшлари ва нигоҳида қувонч билан Атос ҳузурига қайтди ва аввалгидек уни стол ёнидан топди; Атос шаробнинг сўнгги стаканини чироқ нурига солиб кўздан кечирмоқда эди.

– Мана энди улар ҳам рад қилишди! – деди д'Артаньян.

– Бунинг боиси шуки, жон дўстим, ҳеч ким унга сизчалик муносиб эмас.

У патни олди, д'Артаньяннинг номини ёзиб қўйди-да, унга номани узатди.

– Демак, менинг энди дўстларим бўлмайди, – деди йигит, – ва минг афсуски, аччиқ хотиралардан бўлак ҳеч нима қолмади!

У бошини қўйи солди ва йирик-йирик икки қатра ёш унинг юзларидан думалаб тушди.

– Сиз ёшсиз, – жавоб берди Атос, – аччиқ хотираларингиз ҳам хушнудларига алмашишга улгуради ҳали!

ЭПИЛОГ

Ларошел инглиз флоти ва лашкарларининг Бэкин-гем ваъда этган мададини олмагани ҳолда бир йиллик қамалдан сўнг таслим бўлди. 1628 йил 28 октябрда таслим бўлиш ҳақидаги варақага имзо чекилди.

Қирол Парижга ўша йили 23 декабрда кирди. У худди французлар устидан эмас, балки душман устидан галаба қилгандай унга тантанали учрашув уюштирдилар. У Сен-Жак чеккасида барпо қилинган гул ва яшил ўсимликлар билан ўралган арklar ичидан кириб борди.

Д'Артаньян ўзига инъом қилинган лейтенантлик унвонини қабул қилди. Портос хизматни тарк этди ва келаси йили Кокнар хонимга уйланди: армон қилинган сандиқдан саккиз юз минг ливр пул чиқди.

Мушкетон кетворган уқалик либосларда олифтагарчиллик қила бошлади ва ўзи умри бўйи орзу қилган нарсага восил бўлди: зарҳалланган извошнинг супасида юра бошлади.

Арамис Лотарингияга сафар қилгач, тўсатдан ғойиб бўлди, ўзи ёру биродарларига ҳам ёзмай қўйди. Кейинчалик ўзининг бир-иккита хушторига айтиб қўйган де Шеврез хоним орқали маълум бўлдики, у Нансидаги монастирлардан бирида роҳибликни қабул қилган.

Базен монастир қошида қолган.

Атос Туренга бориб келгач, Русилонда озроқ мерос қолдириш баҳонасида у ҳам хизматни тарк этмагунча – то 1631 йилгача д'Артаньяннинг қўли остида мушкетёр бўлиб хизмат қилди.

Гримо Атосга қўшилиб кетди.

Д'Артаньян Рошфор билан уч марта мубораза қилди ва учала дафъа ҳам уни шикастлади.

– Тўртинчи сафар мен сизни ўлдирсам керак, – туризиб қўйиш учун Рошфорга қўлини чўзиб деди у.

– У ҳолда биз шу билан барҳам бериб қўя қолсак, сиз учун ҳам, мен учун ҳам яхшироқ бўлади, – жавоб берди ярадор. – Азбаройи шифо, мен сизга ўзингиз ўйлагандан ортиқроқ хайрихоҳман! Ахир, ўша биринчи мулоқотдан кейиноқ сизнинг бошингизни олдирсам бўларди: кардиналга бир оғиз айтсам кифоя қиларди.

Улар ўпишишди, лекин бу гал сидқидилдан ва ҳеч бир ғаразсиз ўпишишди.

Планше Рошфорнинг воситачилигида гвардия сержанти унвонини олди.

Жаноб Бонасе рафиқасининг ҳоли нима кечганидан беҳабар ва у ҳақда сира қайғурмай тинч кун кечирарди. Кунлардан бир кун у эҳтиётсизлик қилиб ўзини кардиналнинг эсига солиб қўйди, кардинал ўзи ҳозирдан эътиборан жаноб Бонасе ҳеч нимага зориқмаслигининг ғамини еяжагини унга жавоб қилиб юборишни буюрди.

Дарҳақиқат, эртаси куни у кеч соат еттида Луврга равона бўлиш ниятида уйдан чиқиб кетиб Гўрковлар кўчасига ҳеч қайтиб келмади; афтидан, яхши воқиф одамларнинг фикрига қараганда, у қасрларнинг бирида падари бузруквор ҳимматидан ризқи рўз ва бошпана олган эди.

Тамом.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ ҚИСМ

МУАЛЛИФ СЎЗБОШИСИ	4
I. Ота-д'Артаньян жанобларининг уч армуғони	7
II. Жаноб де Тревилнинг қабулхонаси	27
III. Қабул	40
IV. Атоснинг кифти, Портоснинг тасмаси ва Арамиснинг рўмолчаси	54
V. Қирол мушкетёрлари ва жаноб кардинал гвардиячилари	64
VI. Қирол Людовик XIII ҳазрат олийлари	77
VII. Мушкетёрлар ўз уйида	100
VIII. Сарой фитнаси	111
IX. Д'Артаньяннинг табиати равшанлашмоқда	122
X. Ўн еттинчи асрадаги қопқон	132
XI. Фитна бошланмоқда	143
XII. Жорж Виллерс, Герцог Бэкингемский	165
XIII. Жаноб Бонасе	175
XIV. Менглик номаълум киши	186
XV. Ҳарбийлар ва ҳакамлар	198
XVI. Канцлер Сегенинг ўз одатича чалгани қўнғироқ тополмай қолгани ҳақида	208
XVII. Эр-хотин Бонаселар	222
XVIII. Хуштор ва эр	238
XIX. Ширкат режаси	247
XX. Саёҳат	258
XXI. Графиня Винтер	273
XXII. Мерлезон балети	285
XXIII. Висол	293
XXIV. Шийпон	306
XXV. Портос	318
XXVI. Арамиснинг диссертацияси	341
XXVII. Атоснинг рафиқаси	361
XXVIII. Қайтиш	386
XXIX. Аслаҳа-анжомлар излаш	404
XXX. Миледи	414

ИККИНЧИ ҚИСМ

I. Инглизлар ва французлар	426
II. Прокурорнигида зиёфат	435
III. Каниз ва соҳиба	447
IV. Бунда Арамис ва Портоснинг аслаҳа-анжомии хусусида сўз юритилади	459
V. Тунда мушукларнинг туси бир хил бўлади	470
VI. Қасос иштиғқи	479
VII. Миледининг сир-асрори	489
VIII. Атоснинг сира овора бўлмасдан ўз аслаҳа-анжомини топиб олгани	497
IX. Шарпа	509
X. Ҳайбатли қўланка	521
XI. Ларошел қамали	531
XII. Анжуй шароби	547
XIII. «Қизил каптархона» майхонаси	557
XIV. Печ мўриларининг фойдаси хусусида	567
XV. Эр-хотин можароси	578
XVI. Сен-Жерве бастиони	585
XVI. Мушкетёрлар кенгаши	594
XVIII. Оилавий иш	616
XIX. Шум қисмат	634
XX. Ака-сингил суҳбати	644
XXI. Офицер	654
XXII. Тутқунликнинг биринчи куни	668
XXIII. Тутқунликнинг иккинчи куни	677
XXIV. Тутқунликнинг учинчи куни	687
XXV. Тутқунликнинг тўртинчи куни	698
XXVI. Тутқунликнинг бешинчи куни	709
XXVII. Классик трагедиянинг синалган усули	728
XXVIII. Қочиш	737
XXIX. Портсмутда 1628 йил 23 августда нелар содир бўлган	747
XXX. Франция	760
XXXI. Бетюн кармелиткалар монастири	767
XXXII. Иблисларнинг икки хили	784
XXXIII. Сўнги қатра	791
XXXIV. Қизил ридолик одам	809
XXXV. Суд	816
XXXVI. Қатл	825
 ХОТИМА	 832
ЭПИЛОГ	844

Адабий-бадний нашр

АЛЕКСАНДР ДЮМА

УЧ МУШКЕТЁР

Муҳаррир
Зокиржон ЗАМОНОВ

Бадний муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусаҳҳиҳ
Билолбек ЖУМАЕВ

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 31.08.2012 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоғи 26,5. Шартли босма тобоғи 44,52.
Гарнитура «Benguiat Cyr+Uzb». Офсет қоғоз.
Адади 3000 нусха. Буюртма № 229.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
Лицензия рақами: АИ № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.
«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс – 273-00-14; web-сайтимиз: www.yangiasr.uz
интернет-дўкон: www.yangidavr.uz e-mail: info@yangiasr.uz